

ФИЛОСОФИЯ ЛУҒАТИ



«ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ—1976

РЕДАКЦИЯДАН

Луғатда изоҳларнинг ягона системаси ва справочник нашрлар учун қабул қилинган одатдаги қисқартиришлар олинди (уларнинг рўйхати қуйида берилган). Мақолаларни билдирадиган сўз ёки сўзлар тегсизда биринчи ҳарф **б** билан берилди. Масалан, «Аристотель» мақоласида философиянинг та фамилияси ўрнида «А» ҳарфи ишлатилди. Агар мақоланинг номи бир неча сўздан иборат бўлса, у вақтда улар ҳам биринчи ҳарфлар билан белгиланди. Масалан, «Мазмун ва форма» мақоласи тексизда тўлиқ ном ўрнига «М. ва ф.» шаклида берилди. «Абсолют ва нисбий ҳақиқат» мақоласи тексиздаги «А. ҳ.» «Абсолют ҳақиқат»ни, «Н. ҳ.» «Нисбий ҳақиқат»ни билдиради. Мақолада курсив билан терилган ҳамма сўзларга луғатда изоҳ берилган. Масалан, «Анархизм» деган мақолада: «А. нинг пайдо бўлиши Шмидт (*Штирнер*), Прудон, Бакунин номи билан боғлиқдир...» дейилган. Айни ҳолда курсив луғатда «Штирнер», «Прудон», «Бакунин» деган мақолалар борлигини билдиради.

Ушбу китоб 1975 йилда Политиздат нашр қилган «Философия луғати»нинг таржимаси бўлиб, таржимани Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор **М. М. Хайруллаев** куриб чиқди ва луғатга Ўрта Осиё ва Шарқ философиясига доир айрим мақолалар киритди.

К. Маркс ва Ф. Энгельс фикрлари улар асарларининг иккинчи нашридан, **В. И. Ленин** фикрлари эса Тула асарлар тўпламининг ўзбек тилида босилган томларидан олинди ва қолганлари таржимон таржимасида берилди.

Рустам Абдурахмонов
таржимаси

Масъул муҳаррир

ЎзССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси,
философия фанлари доктори, профессор **М. М. Хайруллаев**

ЛУҒАТДАГИ ҚИСҚАРТИШЛАР РҮЙХАТИ

б. — бет

ва б. — ва бошқа (лар)

ваф. — вафоти

ва ш. к. — ва шу каби (лар)

ва ҳ. к. — ва ҳоказо

грек. — грекча

ин-т — институт

кит. — китоб

лат. — латинча

с.-д. — социал-демократик

тах. — тахминан

т. — том

туғ. — туғилган

ун-т — университет

қ. — қаралсин

01001—419
Ф М351(06)76—15—76

© ПОЛИТИЗДАТ, Москва, 1975 й.

© Русча нашридан таржима, «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 1976 й.



А—А дир — қ. *Айният қонуни.*

АБАДИЙЛИК — абадият — оламнинг мавжудлик вақтининг бениҳоя узунлиги, бу узунлик материянинг яратиб ва йўқ қилиб бўлмаслиги билан боғлиқ эканлиги. А. бутун табиатга хосдир, материянинг ҳар бир конкрет формаси эса эъмонда ўткинчидир. А. материянинг яқини бир ҳолатда чексиз равишда бир зайлда мавжуд бўлишини эмас, балки унинг бениҳоя бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтиб туришини назарда тутайди.

АБАДИЙ ДВИГАТЕЛЬ — ҳаёлий машина бўлиб, у ташқаридан энергия олмасдан (биринчи тур А. д.) ёки машина температурасининг пасайиб кетиши ва атроф муҳитнинг (мас., сув ёхуд ҳавонинг жуда қизиб кетиши ҳисобига энергия олиб (иккинчи тур А. д.) чексиз вақт давомида ишлай беради. *Энергиянинг сақланиш қонуни* ва термодинамиканинг иккинчи қонуни А. д. ни яратиш мумкинлигини истисно қилади.

АБАДИЙ ҲАҚИҚАТ — билишнинг ривожланиш процессида ҳақиқатларни рад қилиб бўлмаслигини билдирувчи термин. Бу жиҳатдан А. ҳ. абсолют ҳақиқатга ўхшашдир. Аммо билиш процессида инсон кўпинча нисбий ҳақиқатлар билан иш кўради, бу нисбий ҳақиқатларда абсолют ҳақиқатларнинг фақат дозалари — бўлақларигина мавжуд бўлади. Метафизика ва догматизм ҳақиқатни шарт-шароитга боғлиқ эмас деб қараган ҳолда, ҳақиқатдаги абсолютлик моментининг ролига ошиқча баҳо беради. Бу ҳол барча ҳақиқатларни абадий, радди-бадал қилиб, бўлмайдиган ҳақиқатлар даражасига кўтариш учун гносеологик асосдир. Ҳақиқатга бу ҳилдаги қарашни Энгельс «Анти-Дюринг» китобида қаттиқ танқид қилган эди. Утакетган догматизм ифодаси бўлган дин ўз постулатларининг (аҳкомларининг) ҳаммасини радди-

бадал қилиб бўлмайдиган «А. ҳ.» деб қарайди.

АБЕЛҲАР Пьер (1079—1142) — француз философи ва теолог. Урта аср философияси учун характерли бўлган *универсалийларнинг* табиати ҳақидаги мунозарарада (бу мунозарарада материализмнинг идеализмга қарши кураши ифодаланарди) материализмга яқин турган *концептуализм* идеяларига амал қилиб, схоластик идеализмга қарши (*Урта аср реализми*) кескин мунозара қилган эди. А.нинг диний эътиқодни «оқилона асослар» билан чеклаш талабини илгари сурган ва черков пешволарининг муҳокамаларидаги муросага келолмайдиган зиддиятларни очиб ташлаган «Ҳа ва йўқ» номли китоби ўрта асрчилик шароитида прогрессив аҳамиятга эга эди. Унинг қарашлари католик черкови томонидан даҳрийлик қарашлар деб қораланган.

АБСОЛЮТ (лат. *absolutus* — мутлақ) — идеалистик философия тушунчаси бўлиб, абадий, бениҳоя, мутлақ, мукамал ва ўзгармас субъектнинг англатиш учун ишлатилади; бу субъект «ўзига етарли» бўлиб, бошқа ҳеч нарсага боғлиқ эмас эмиш, ўз-ўзлигида бутун мавжудотни ўзида сақлар ва уни яратар эмиш. Дин учун А. худодир, *Фихте*да у «Мен»дир; *Гегель* философиясида олабий ақл (*абсолют рух*) А. ролнида чиқади; *Шопенгауэр*да у ирода, *Бергсон*да интуициядир. Диалектик материализм А. ҳақидаги тасаввурни ғайри илмий тасаввур деб рад этади.

АБСОЛЮТ ВА НИСБИЙ ҲАҚИҚАТ — диалектик материализм катеориялари бўлиб, билишнинг ривожланиш процессини характерлайди ва 1) билиб олинган нарса билан илм-фаннинг янада ривожланиш процессида билиб олинмайдиган нарса ўртасидаги, 2) фаннинг янада ривожланиши жараёнида билимимиз таркибида ўзгариши, аниқланиши, рад этили-

ши мумкин бўлган нарса билан радди-бадалсиз қоладиган нарса ўртасидаги ўзаро муносабатларни очиб беради. А. ва н. ҳ. ҳақидаги таълимот мана бу саволга жавоб беради: «Объектив ҳақиқатни ифода этадиган инсон тасаввурлари бу ҳақиқатни бирданига, тўла-тўқис, батамом, абсолют равишда ифода эта оладими, ёки тахминий, нисбий суратда ифода эта оладими?» (В. И. Ленин, 18-т., 137-б.). Шу муносабат билан А. ҳ. воқелик ҳақидаги тўла, тугал-тўқис билим деб (1) ва билимларнинг келажакда рад қилиб бўлмайдиган элементи деб (2) тушунилади. Бизнинг билимларимиз тараққиётнинг ҳар бир босқичида фан, техника, ишлаб чиқаришнинг эришилган даражасига боғлиқдир. Билиш ва практика янада тараққий қилиб борган сари, табиат ҳақидаги инсон тасаввурлари ҳам чуқурлашиб, аниқланиб, такомиллашиб боради. Шу сабабли илмий ҳақиқатлар шу маънода нисбийдирки, улар предметларнинг ўрганиладиган соҳаси ҳақида тўла, тугал-тўқис билим бермайди ва уларда шундай элементлар бўладикки, бу элементлар билишнинг ривожланиши процессида ўзгаради, аниқланади, чуқурлашади, янги элементлар билан алмашинади. Шу билан бирга ҳар бир Н. ҳ. А. ҳ. ни билишда олға ташланган қадам демакдир ва унда, агар у илмий бўлса, А. ҳ. нинг элементлари, зарралари мавжуддир. А. ҳ. билан н. ҳ. ўртасида ўтти бўлмайдиган чегара йўқ. Н. ҳ. мажмуидан А. ҳ. таркиб топади. Билиш тараққиётининг бу диалектик характери ни фан ва ижтимоий практика тарихи тасдиқлаб бермоқда. Тараққиёт процессида фан предметларнинг хоссаларини ва улар ўртасидаги муносабатларни тобора чуқурроқ ва тўлароқ очиб, А. ҳ. ни билишга яқинлашиб бермоқда, буни назариянинг практикада (техникада, ишлаб чиқариш технологиясида ва ш. к. ларда) муваффақият билан татбиқ этилаётганини тасдиқлайди. Иккинчи томондан, илгари яратилган назариялар доимо аниқланиб, ривожланиб бермоқда. Баъзи гипотезалар рад қилин-

моқда (мас., эфирнинг мавжудлиги ҳақидаги гипотеза), баъзилари эса тасдиқланиб, исбот этилган ҳақиқатларга айланмоқда (мас., атомларнинг мавжудлиги ҳақидаги гипотеза); баъзи тушунчалар фандан четлаштирилмоқда (мас., «теплород» ва «флогистон»), баъзилари эса аниқланиб, умумлаштирилмоқда (классик механикадаги ва нисбият назариясидаги бир вақтдалик, инерция ҳақидаги тушунчаларни таққослаб кўрин) ва ш. к. А. ва н. ҳ. ҳақидаги таълимот *мувофиқлик* принципи асосида конкретлаштирилмоқда. Бу таълимот ҳар бир ҳақиқатни абадий, ўзгармас («абсолют») деб эълон қилувчи метафизикага ҳамда ҳар қандай ҳақиқат фақат нисбий (релятив)дир, фаннинг тараққиёти фақат бирин-кетин келувчи янгилишларнинг алмашинувидан далолат беради ва шунинг учун объектив ҳақиқат йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, деб даъво қилувчи *релятивизм*нинг турли идеалистик концепцияларига қарши қаратилгандир. Ҳақиқатда эса, Ленин таъбирига кўра, «ҳар қандай идеология тарихан шартлидир, лекин ҳар қандай илмий идеологияга (илмий идеологиянинг, масалан, диний идеологиядан фарқи шунда) объектив ҳақиқатнинг, абсолют табиатнинг мувофиқлиги шубҳасиздир» (18-т., 154-б.).

АБСОЛЮТ ЗАМОН, МАКОН, ҲАРАКАТ — қ. *Замон ва макон, Ҳаракат, Ньютон.*

АБСОЛЮТ ИДЕАЛИЗМ — қ. *Объектив идеализм.*

АБСОЛЮТЛИК ВА НИСБИЙЛИК — философик категориялар. А.— мутлақ, ноқарам, бенисбат, мустақил, ҳеч нима билан белгиланмаган, ўзгармас демакдир. Н. (релятив) ҳодисаларни унинг бошқа ҳодисалар билан муносабатларида, алоқаларида, уларга боғлиқ бўлган ҳолида тавсифлайди. Ҳаракатланувчи материя умуман ҳеч нима билан шартланмаган ва чекланмагандир, у абадий ва битмас-туганмасдир, яъни абсолют, мутлақдир. Материянинг сон-саноксиз турлари, унинг ҳаракатининг чексиз равишда бир-бирини ақлаштириб турувчи кон-

крет формалари вақтли, ниҳояли, ўткинчи, нисбийдир. Ҳар бир нарса нисбийдир, лекин у бутуннинг қисмидир ва шу маънода унда абсолютлик элементни бордир. Бир муносабатда нисбий бўлган нарса иккинчи муносабатда абсолютдир ва ҳ. к. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, релятивлик билан А. ўрасидаги тафовутнинг ўзи ҳам нисбийдир.

АБСТРАКТЛИК ВА КОНКРЕТЛИК. А. (лат. abstractio—мавҳумлик)—бутуннинг томони, қисми, бир ёқлама, ривожланмаган демакдир; К. (лат. сопсгесеге—қуюқлашиш)—таркибли, мураккаб, кўп ёқлама демакдир. Философия тарихида Гегелдан илгари К. асосан айрим нарсалар ва ҳодисаларнинг ҳиссий идрок этилади-ган хилма-хиллиги деб, А.— фақат тафаккур маҳсулларининг характеристикаси деб тушунилган (*Абстракция*). Гегель биринчи бўлиб философияга А. ва к. категорияларини шундай ўзига хос маънода киритдики, бу маъно марксистик философияда янада ривожлантирилди: К.— диалектик ўзаро алоқадорликнинг бўлакларга бўлинган бутуннинг синонимидир; А. К. га қарама-қарши бўлмай, балки К. нинг ўзининг ҳаракат боسقичидир, очилмаган, инкишоф этмаган, ривожланмаган К. дир (А. билан к. нинг муносабатини Гегель, мас., куртак билан меванинг, чўчкаёнғоқ билан дубнинг муносабатига ўхшатади). Бироқ, Гегель фикрича, К.— фақат «руҳ»нинг, тафаккурнинг, «абсолют» идеянинг тавсифидир, холос. Табиат ва кишиларнинг ижтимоий муносабатлари эса, унингча, умумий руҳ ҳаётининг айрим томонлари, моментларининг ноҳақиқий «ўзгача борлиги», абстракт кўриниши бўлиб майдонга чиқарди. Марксистик философияда К. нинг эгаси, субъекти — моддий воқеликдан, ҳиссий маълумотлар, ниҳояли нарсалар ва ҳодисалар оламидан иборат. Предметнинг К. и.— унинг томонларининг объектив алоқадорлиги бўлиб, бу алоқадорликни унинг асосида ётган муҳим, қонуниятли муносабат белгилайди; Билишнинг К. и эса предметнинг объектив мазмунининг тузили-

ши ва генетик равишда такрор ҳосил қиладиган тушунчалар системасидаги реал ўзаро алоқадорликнинг инъикосидир. Воқеликнинг ўзиди А. унинг ҳар қандай фрагментининг нотўғрилиги, очилмаганлиги, авж олмаганлиги, ривожланмаганлиги, чекланмаганлигининг ифодасидир, чунки у ўз-ўзлигича, унинг воситачи алоқаларидан ёки ўзининг давом этаётган тарихидан ажралган ҳолда олиб қаралади. А. билими предметнинг бирор томонини бошқа томонлар билан боғламасдан, унинг бутуннинг ўзига хос характери билан боғлиқ эканлигини назардан соқит қилган ҳолда қайд этувчи бир томонлама билим сифатида, тегишинча, К. билимига қарама-қаршидир. Шундай қилиб назарий билишнинг мақсади фақат ҳиссий хилма-хилликни такрор ҳосил қилишдан иборат бўлмас экан ва бундай бўлиши лозим ҳам эмас экан, шунингдек қандайдир «абсолют» мантиқий алоқаларнинг бўлакларнинг бўлакларга бўлиниши ҳам асло бундай мақсад бўлиб хизмат қилолмайди. Чунки бундай алоқалар бир-биридан ажратиб яқкаланиб қўйилган ҳамон, улар ўзининг конкретлигини ва ҳақиқатлигини йўқотади. Ҳақиқатда илмий назарий билиш фикрнинг шундай ҳаракатидан иборатки, бу ҳаракат К. нинг ҳиссий хилма-хиллигидан бошлаб йўналади ва объектни унинг бутун моҳияти ва мураккаблигида қайта ҳосил қилишга эришади. Объектнинг бутунлигини назарий равишда онда такрор ҳосил қилиш усули — А. дан К. га қараб юқорилаб боришдан иборат бўлиб, бу юқорилаб бориш илмий билимни авж олдиришининг, объектни тушунчаларда систематик акс эттиришининг умумий формасидир. Тушунчаларда тадқиқ қилинувчи объектнинг объектив бўлакларга бўлинишини ва унинг барча томонларининг бирлигини акс эттирувчи усул бўлган А. дан К. га қараб юқорилаб бориш дастлаб К. дан (мушоҳадада кўринган К. дан) А. га қараб ҳаракат қилишни назарда тутди. Ана шу сўнги йўлда объектни унинг айрим томонлари ва хоссаларини акс эттирувчи тушунчалар ҳосил

бўлади ва бу тушунчалар бутуннинг ўзига хос мазмуни билан белгиланадиган моментлари деб қаралган тақдирдагина уларнинг ўзлари тушунарли бўлади. Шу сабабли ўрганиладиган предмет сифатидаги, тадқиқотнинг бошланғич нуқтаси сифатидаги К. (ҳуссий К.) билан тадқиқотнинг тугалланиши, яқуни сифатидаги, объект ҳақида илмий тушунча сифатидаги К. ни (фикрий К. ни) фарқ қилимоқ керак.

АБСТРАКТ АИНИЯТ, БИРДАЙЛИК — қ. *Айният, бирдайлик.*

АБСТРАКТЛИКДАН КОНКРЕТЛИККА ТОМОН ЮҚОРИЛАБ БОРИШ — қ. *Абстрактлик ва конкретлик.*

АБСТРАКЦИЯ (лат. abstractio — мавҳумлик; бу латинча терминни Аристотель ишлатган грекча терминдан Боэций таржима қилиб киритган) — билиш томонлари, формаларидан бири бўлиб, у предметларнинг бир қанча хоссаларини ва улар ўртасидаги муносабатларни фикран назардан соқит қилишдан ҳамда бирон-бир хосса ёки муносабатни ажратиб кўрсатишдан иборат. А. бундай назардан соқит қилиш процессини ва унинг натижаларини ҳам билдиради. А. процессида баъзан инсоннинг айрим субъектив имкониятларини ҳам назардан соқит қилишга тўғри келади. Мас., сонларнинг бутун натурал қаторини «санаб чиқиш» мумкин эмас, лекин шундай бўлса-да, бундай имкониятни назардан соқит қилган ҳолда актуал (яъни «санаб чиқилган», «тугалланган» (ниҳоясизлик А. си вужудга келтирилади. А. процессининг натижалари сифатида турли тушунчалар ва категориялар, мас., материя, ҳаракат, қиймат юзага келади. Ҳар қандай билиш А. процесслари билан заруран боғлиқдир. Бу процессларсиз предметнинг моҳиятини очиб бериш, унинг ичига чуқур кириш мумкин эмас. Предметни бўлакларга бўлиш ва унда муҳим томонларини ажратиш, уларни «соф» ҳолида ҳар томонлама анализ қилиш — буларнинг ҳаммаси тафаккурнинг абстракциялаштирувчи фаолияти натижасидир.

Билиш учун А. нинг аҳамияти ҳақида В. И. Ленин бундай деб ёзган эди: «Тафаккур конкретликдан абстрактликка томон юқорилашиб борганда — агар у тўғри бўлса... — ҳақиқатдан йироқлашмайди, балки унга яқинлашиб боради. *Материя*, табиат қонунли абстракцияси, қиймат абстракцияси ва ҳ. к., хуллас, барча илмий (тўғри, жиддий, бамаъни) абстракциялар табиатни чуқурроқ, тўғрироқ, тўлароқ, акс эттиради» (29-т., 152-б.). А. нинг характери, шунингдек ҳар бир конкрет ҳолда ажратиладиган нарса ва фикран назардан соқит қилиш объектнинг қайси томонларидан юзага келиши инсоннинг амалий ва бытувчилик фаолияти вазифалари билан ҳамда тадқиқ қилинаётган объектнинг табиати билан белгиланади. Фанга жорий этиладиган А. нечоғлиқ чинакам илмий бўлишига қараб, практика критерия бўлиб ҳам хизмат қилади. Диалектик материализм А. процессини ва унинг натижаларини илмий равишда изоҳлайди. Идеализм кўпинча тафаккурнинг абстракциялаштирувчи фаолиятига боғлиқ бўлган қийинчиликларни дастак қилиб сафсата сотарди. Шу муносабат билан Ленин, идеализм имкониятни элементар А. нинг ўзидаёқ мавжуддир, деб огоҳлантирган эди. А. маҳсуллари — тушунчалар, идеяларни — оламнинг моҳиятига ва бош асосига айлантириш идеалистик философия учун характерлидир. Позитивистик руҳдаги ҳозирги замон номиналиزمи юқори даражалардаги абстракцияларнинг фан учун зарурлигини инкор этади ва шу билан фани воқеликни акс эттиришнинг энг муҳим воситаларидан, унинг потенциал эвристик имкониятларидан маҳрум қилади. Диалектик логикада А. тушунчаси конкретликдан фарқли ўлароқ, бир ёқламалик, ривожланмаганлик маъносига ҳам ишлатилади (*Абстрактлик ва конкретлик*).

АВГУСТИН («Блаженный») Аврелий (354—430) гиппон епископи (Шимолий Африкада), христиан илоҳийчиси ва философ-мистик бўлиб, неоплатонизмга яқин турарди, пат-

ристиканинг нуфузли вакили. Унинг бутун дунёқараши яққол фиденстик характерга эга бўлиб, «Диний этниқодсиз билим йўқ, ҳақиқат йўқ» деган принцинга бўйсунарди. А. нинг қарашлари *схоластика* манабаларидан биридир. «Илоҳий шаҳар ҳақида»ги асариди А. фаталистик тарзда, худо томондан тақдир азалга битилиш натижаси деб тушунладиган жаҳон тарихи тўғрисидаги христианлик концепциясини баён қилган. У «дунёвий шаҳар»га, «гуноҳга ботган» дунёвий *давлатга* «илоҳий шаҳар»ни, черковнинг жаҳонга ҳукмронлигини қарама-қарши қилиб кўяди. Бу таълимот папаларнинг дунёвий феодалларга қарши курашида катта роль ўйнади. А. нинг христианлик теологиясининг сунгги ривожланишига таъсири гоят каттадир. Ҳозирги вақтга қадар августинизмдан протестант черков ходимлари ҳам, католик черков ходимлари ҳам кенг фойдаланиб келмоқдалар.

АВЕНАРИУС Рихард (1843—96)— швейцариялик философ— субъектив идеалист, *эмпириокритицизм*нинг асосчиларидан бири, Цюрих ун-тегининг профессори. Унинг философияси марказида тажриба тушунчаси туради; бу тажрибада гўё онг билан материянинг, психик ҳолат билан физик ҳолатнинг қарама-қаршилиги орадан кўтарилар эмиш. А. материалистик билиш назариясини танқид қилиб чиқиб, бу назарияни *интросекция* деб, яъни ташқи оламни инсон миясига жо қилиш деб таърифлади. У шунингдек субъект билан объектнинг «*принципиал координацияси*» назариясини, яъни уларнинг мутлақ ўзаро боғлиқлигини ҳам қаттиқ туриб ёқлаган эди. В. И. Ленин ўзининг «*Материализм ва эмпириокритицизм*» китобида А. нинг қарашлари асосизлигини, уларнинг табиёт илми фактларига зид эканлигини кўрсатди. А. нинг асосий асари — «Соф тажрибани танқид» деган асариди (1888—90).

АВЕРРОИЗМ— Аверроэс (Ибн Рушд) ва унинг издошларининг таълимоти, ўрта аср философиясидаги оқим. Бу таълимот вакиллари олам-

нинг абадийлигини, руҳнинг ўлишини, *икки ёқлама ҳақиқат* назариясини қаттиқ туриб ёқлаган эдилар. А. ни черков қаттиқ таъқиб қиларди. 13-асрда А. ҳукмрон черков догматикасига қарши қаратилган прогрессив фалсафий оқим сифатида Францияда (Сигер Брабантский), 14—16-асрларда эса Италияда (падуан мактаби) анча эътибор қозонди.

АВЕРРОЭС— қ. *Ибн Рушд Муҳаммад*.

АВИЦЕННА— қ. *Ибн Сино Абу Али*.

«АВЛИЁЛАР ОИЛАСИ», ЁКИ «ТАНҚИДИЙ ТАНҚИДНИ» ТАНҚИД (1845)—Маркс ва Энгельснинг *ёш гегелчиларга* қарши қаратилган илк фалсафий асари. «Авлиёлар оиласи»— философлардан ака-ука Бауэрлар ва уларнинг мухлисларига ҳазил тарихида қўйилган лақаб. Улар «ҳар қандай воқеликдан устуи турадиган, партиялар ва сиёсатдан устуи турадиган, ҳар қандай амалий фаолиятни инкор этадиган ва теварак-атрофдаги дунёни ва унда ҳодисаларни фақат «танқид» кўзи билангина кузатиб борадиган танқидни тарғиб қилар эдилар. Жаноб Бауэрлар пролетариатни танқидга арзимайдиган омма деб уни менсимас эдилар. Маркс билан Энгельс бундай сохта ва зарарли оқимга қатъий суратда қарши чиқдилар» (В. И. Ленин, 2-т., 11-б.). «А. о.» да *Гегелнинг* ва *ёш гегелчиларнинг* идеализми чуқур танқид қилинади ва диалектик ва тарихий материализмни ишлаб чиқиш давом эттирилади. Маркс ва Энгельс тарихни материалистик тушуниш ҳақидаги энг муҳим идеяга — ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатлари ҳақидаги хулосага келадилар. Улар *ёш гегелчилар* ҳимоя қилаётган шахсга сифиниши кескин танқид қилиб, тарихнинг мазмуни — меҳнаткашлар оммасининг эксплуататорларга қарши курашидан иборат, деб кўрсатадилар, пролетариат капитализмнинг гўрковий эканлиги ҳақидаги фикрни ифодалаб берадилар. Бу асарда пролетариатнинг революцион ролига Маркс ва Энгельснинг деярли ўша вақтдаёқ таркиб топган қараш

баён этилган. «А. о.» да философия тарихининг, айниқса Англия ва Франциядаги материализм тарихининг чуқур ва мазмунли очерки берилган. Бу асар илмий коммунизмни яратиб йўлдаги, антипролетар, майда буржуа идеологиясига ва идеализмга қарши курашдаги муҳим босқичдир.

АВТОГЕНЕЗ (грек. autos ва genesis — ўз-ўзидан келиб чиқиш) — биологияда ва медицинада идеалистик оқим бўлиб, бу оқим *филогенез* ва *онтогенез*ни фақат ички, автоном факторларнинг ҳаракати натижаси деб қарайди. А. вакиллари организмни ташқи муҳитдан ажратиб, мистик «такомиллашув принципини» ва бошқа номоддий сабабларни организмлар тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи деб ҳисоблайдилар. Автогенетик концепцияларнинг тарафдорлари (немис ботаниги Негели, швейцариялик зоолог Агассис, америкалик биолог Кон ва бош.) тирик вужудлар эволюциясини илгаритдан белгилаб қўйилган телеологик процесс деб қарардилар (*Телеология*). А. *витализм*га яқиндир.

АВТОМАТ — одамнинг бевосита иштирокисиз бирон хилдаги процессларни, ҳаракатларни ёки операцияларни (мас., технологик операцияларни, ишлаб чиқаришни бошқариш процессларини ва ш. к.) амалга оширувчи техникавий мослама. Энг оддий А. қадимги замондаёқ маълум эди. 19- ва 20-асрларда станок-автоматлар кенг тарқалди. Кейинги ўн йилликлар мобайнида А. жуда тараққий қилиб, унда *қайтарма алоқалардан* фойдаланиб келинмоқда ва улар ўзгарувчи шароитда процесснинг талаб этиладиган жараёнини қувватлаш қобилиятига эгадирлар. *Кибернетиканинг* ва электрон ҳисоблаш техникасининг ривожланиши оптимал режимда процессни бошқарадиган А. нинг пайдо бўлишига олиб келди. Ҳозирги замон А. нининг ривожланиши А. лар фақат *инсоннинг* мускул кучини алмаштиришгагина қодир бўлиб қолмай, шу билан бирга инсон мияси бажарадиган бир қанча функцияларни ҳам ўз зиммасига олишга: ҳаракатларнинг

изчиллигини ва йўналишини танлашга, мураккаб ҳисоблашларни ва манتيқий ҳулосаларни амалга оширишга, *информацияни* «ёдда сақлашга, тажриба тўплашга, таълим олишга» ва ҳ. к. ларга ҳам қодир эканлигини кўрсатмоқда. Бу эса ақлий меҳнатнинг баъзи томонлари ва процессларини автоматлаштириш учун кенг имкониятлар очиб бермоқда. Конкрет А. ларнинг техникавий характеристикаларини абстракциялаштириш абстракт А, деб аталувчи тушунчага олиб келади, Назарий кибернетика билан *математик логика* туташмасида яратилган абстракт А. лар назарияси идеаллаштирилган қурилмаларни қараб чиқади, муайян А. нинг мавжуд ҳолатига қараб қайта ишлаб чиқиладиган информация мазкур қурилмаларнинг «киришлари»га, сўнгра эса «чиқишлари»га бориб тушади. Худди реал автоматик қурилмалардан иборат бўлган абстракт А. «ниҳояли зехн»га (яъни ҳолатларнинг ниҳояли сонига) эгадир. Ундан кейинги абстракция ниҳояли А. лардан ниҳоясиз зехн ҳажмига эга бўлган А. ларга ўтишдан иборатдир, бунга ҳозирги замон логикасида муҳим роль ўйнаётган абстракт «*Тюринг* машинаси» тушунчаси мисол бўлиши мумкин.

АВТОМАТЛАШТИРИШ — техника тараққиётида олий босқич бўлиб, ўнинг характерли хусусияти — ишлаб чиқариш, бошқариш ва ижтимоий зарур процессларни уларда бевосита кишиларнинг иштирокисиз амалга оширишдан иборат. А. автоматик станокли линияларнинг (20-асрнинг 20-йиллари), автоматик цехлар ва заводларнинг пайдо бўлиши билан, ҳозирги замон ҳисоблаш ва бошқариш машина техникасидан фойдаланиш билан (50-йиллардан бошлаб) боглиқ ҳудда юзага келди. А. одами тамомила ишдан истисно қилмайди, одам машиналарнинг иши устидан назорат қилиб туради ва унга умумий раҳбарлик қилади (созлайди, иш программасини тузиб беради, хом ашё билан таъминлайди, ремонт қилади), аммо автоматика ривожланиб бориши билан машиналар бу ишларни ҳам тобо-

ра ўз зиммасига ола беради. А. меҳнат унумдорлигини кескин ошириш, маҳсулот чиқаришни кўйтириш, маҳсулот таннархини пасайтириш ва сифатини яхшилаш учун имконият туғдиради. Бир қанча процессларни (атом энергетикасида, космосни ўлаштиришда ва ш. к.) фақат А. орқалигина бошқариш мумкин. Ишлаб чиқаришни кенг А. иқтисодий, сиёсий ва социал характердаги муҳим оқибатларга олиб келади. Уларнинг моҳияти А. амалга ошириладиган ижтимоий тузум шароити билан белгиланади. Капитализм шароитидаги А. оммавий ишсизликка, ишчиларнинг кам малака талаб қиладиган ва паст ҳақ тўланадиган ишга ўтишига олиб келади; у иқтисодий депрессиялар ва кризисларни кучайтириб, буржуа жамияти зиддиятларини кескинлаштиради. Капитализм шароитидаги А. ошиқча фойда олишни кўзлайди ва ниҳоятда нотекис амалга ошади. Социализм ва коммунизм шароитидаги А. инсон меҳнатини энгиллаштириш ва мўл-кўлчилик вужудга келтириш учун хизмат қиладди, меҳнаткашлар моддий ва маданий турмуш даражасини муттасил оширишга олиб боради, меҳнатни инсоннинг биринчи ҳаётий эҳтиёжига айланишига кўмаклашади. КПСС Программаси ишлаб чиқариш процессларини А. ни коммунизм моддий-техника базасини яратишнинг зарур таркибий қисми деб қарайди.

АВТОНОМ ВА ГЕТЕРОНОМ ЭТИКА (грек. autos — ўзинча ва heteros — ўзгача) — буржуа ахлоқий назариялари. А. э. ахлоқни ички туғма, апрор одоб бурчи ҳақидаги идеалистик тасаввурлардан келтириб чиқаради. У асос тутган принципга кўра, ахлоқ-одоб негизи гўё ахлоқан амал қилувчи субъектнинг ўзида эмиш. Инсон ўзига ўзи ахлоқий қонун яратар ва бунда у ҳар қандай ташқи таъсирдан мутлақо холи бўлар эмиш. Кант 18-асрдаги француз материалистлари этикасига қарши чиқиб, «Танқидий ақлни танқид» асарида А. э. идеяларини ривожлантирди, унда ахлоқий хатти-ҳаракатнинг автономлигини

тарғиб қилди. А. э. га қарама-қарши қилиб қўйиладиган Г. э. ахлоқ-одобни ҳаракат қилувчи субъектнинг ирода-сига боғлиқ бўлмаган сабаблардан келтириб чиқаради. Давлат қонунлари, дин аҳкомлари, шунингдек шахсий манфаатдорлик ва бошқа кишиларга яхшилик тилаш каби мотивлар мазкур ташқи сабаблар деб ҳисобланади. Буржуа назариячилари ахлоқий *гедонизм*, *эдеманизм*, *утилитаризмни* Г. э. нинг турли хиллари қилиб кўрсатадилар; бу оқимлар ўз ахлоқий принципларини тегишли ҳузур-ҳаловатга, бахтга, фойда олишга интилишга ва баъзи бошқа системаларга асослайдилар. А. билан Г. э. ўртасидаги тафовут илмга хилофдир. Бу тафовут ахлоқ-одобни объектив қонунларга боғлиқ эканлигини инкор қилишга, ироданинг автономлиги ҳақидаги идеалистик принципга, жамиятда субъектнинг актив роль ўйнашини менсимасликка асослаган.

АВТОРИТЕТ (лат. autoritas — эътибор, куч, обрў) — муайян сифатлари, хизматларига кўра бирон шахс фойдаланадиган ва ҳамма эътироф қиладиган обрў-эътибор, қарашлар системаси ёки ташкилот. Таъсир қилиш соҳаси ва усулига қараб *сиёсий*, *ахлоқий*, *илмий* ва ҳ. к. А. ни бир-биридан фарқ қиладилар. А. системаси — ижтимоий-тарихий практиканинг ривожини зарур шартдир. Синфий жамиятда давлатнинг сиёсий ва ҳуқуқий А. и асосий роль ўйнайди. Кенг меҳнаткашлар оммаси жамият ишларида актив қатнашадиган социалистик қурилиш шароитида ахлоқий А. нинг роли кучаяди. Ҳозирги замон буржуа философиясида А. ни талқин қилишда икки қарама-қарши тенденция мавжуддир: унда, бир томондан, авторитаризм (А. қозонган шахснинг айбдан мутлақо пок эканлиги) тарғиб қилиниб, у фашизм идеологиясида ўзининг энг жирканч формаларида намоён бўлади (фюрерга сиғиниш), иккинчи томондан, ҳар қандай А. нигилистларча инкор этилади, «шахснинг мутлақ эркинлиги» тарғиб қилинади. Марксизм жамият турли хилдаги А. сиз яшай олмаслигини эътироф қил-

ган ҳолда, А. халққа, партияга бегараз хизмат қилиш билан, тинмай меҳнат қилиш билан, ишнинг кўзини жуда яхши билиш билан қозонилиш лозим, деб ҳисоблайди.

АГНОСТИЦИЗМ (грек. agnosis — билиб бўлмайдиган) — оламни билиш мумкинлигини тамомила ёки қисман инкор этувчи таълимот. «А» термини нинг инглиз табиатшуноси Гексли жорий этган. В. И. Ленин А. нинг гносеологик илдиэларини очиб ташлаб, агностик моҳият билан ҳодисани ажратиб қўяди, сезгилардан нарига ўтмайди, деб кўрсатади. А. нинг тутган мурасачилик позицияси унинг вакилларини идеализмга олиб боради. Қадимги грек философиясида *скептицизм* формасида пайдо бўлгач (*Пиррон*), А. Юм ва *Кант* философиясида классик шаклга кирди. *Иероглифлар назарияси* А.—нинг кўринишларидан биридир. Ҳозирги замон буржуа философиясида А. кенг тарқалган. *Прагматизм*, *позитивизм* вакиллари кантичиликни «нарсалар ўзида»дан тозалаб, оламни ўз-ўзлгична борлиқ ҳолида билиш мумкин эмаслигини исбот қилишга уринмоқдалар. Буржуа философиясининг А. и фанни чегаралашга, мантиқий тафаккурдан, табиатнинг ва айниқса жамиятнинг объектив қонунларини билишдан воз кечишга интилишдан юзага келмоқда, А. практикада, илмий экспериментда ва моддий ишлаб чиқаришда энг қатъий суратда рад этилмоқда. Агар кишилар у ёки бошқа ҳодисаларни билиб, уларни атайин қайта ҳосил қилаётган эканлар, демак, «билиб бўлмайдиган нарса ўзида»га ўрин қолмайди.

АГРИППА — қадимги Рим философи (1—2-асрлар), энг кейинги *скептицизм* намояндаси. Унинг ҳақиқатда ҳеч нарса маълум эмас. Оламни билиб бўлмаслик ҳақиқида беш далилни (*тропни*)—А. га нисбат берадилар. А. нинг троплари оқилона билиш проблемаларини тилга олади, уларда диалектика элементлари бор, бунинг Ленин ўз асарида кўрсатиб ўтган (29-т, 275-б.)

АДДИТИВ ВА НОАДДИТИВ (лат.

additivus — қўшилган; айнан — қўшув йўли билан ҳосил қилиш) — бутун билан унинг таркибидаги қисмлар (*Қисм ва бутун*) ўртасидаги нисбатларнинг типларини акс эттирувчи тушунчалар. Аддитивлик муносабатини кўпинча: «бутун қисмлар йиғиндисига тенг»; Ноаддитивлик муносабатини эса: «бутун қисмлар йиғиндисидан кўпроқ» (супераддитивлик); «бутун қисмлар йиғиндисидан камроқ» (субаддитивлик) шаклида ифодаляйдилар. Ҳар қандай моддий объектда А. хоссалари мавжуд; мас., физик система массаси система қисмлари массаларининг йиғиндисига тенгдир. Бироқ мураккаб объектларнинг кўп хоссалари Н. дан, яъни қисмларнинг хоссаларига тақаб бўлмайдиган ҳолатлардан иборатдир. Чунончи, жамият бир қанча хусусиятлар билан характерланадими, бу хусусиятларни айрим индивидларнинг хоссаларига асослашиб изоҳлаш мумкин эмасдир. Методологик нуқтаи назардан аддитивлик принципи бутуннинг хоссаларини қисмларнинг хоссаларига асослашиб (ёки аксинча — қисмларнинг хоссаларини бутуннинг хоссаларига асослашиб) тўла-тўкиси изоҳлаш мумкинлигини назарда тутаяди, ваҳоланки ноаддитивлик принциплари бундай имкониётни истисно қилган ҳолда бутуннинг хоссаларини (шунга мувофиқ — қисмларнинг хоссаларини ҳам) изоҳлаш учун бошқача асосларни татбиқ этишни талаб қилади.

АДЕКВАТ (лат. *adaequatus* — тенглаштирилган) — мувофиқ, тенг, эквивалент. Билиш назариясида А. ўзининг асл нухасига — объектга мувофиқ келадиган образ, билим деб ҳисобланади ва шунга кўра улар ишончли бўлиб, объектив ҳақиқатлар характериға эгадир. Адекватлик даражаси ҳақидаги, яъни объектни акс эттиришининг аниқлиги, чуқурлиги ва тўлалиги ҳақидаги масала нисбий ва абсолют ҳақиқатлар билан билимнинг ҳақиқатлик критерияси ўртасидаги ўзаро муносабат проблемасига боглиқдир (қ. *Ҳақиқат*).

АДОЛАТ ВА АДОЛАТСИЗЛИК — ахлоқнинг норматив тушунчалари, бу

тушунчалар омманинг социал-сиёсий онгида ҳам катта роль ўйнайди. Адолат ва адолатсизлик тушунчаларида мавжуд (ёки мавжуд бўлмаган) нарсалар ҳолати лозим даражада, инсоннинг моҳиятига ва ҳуқуқларига мувофиқ даражада характерланади, ёки аксинча, уларга зид бўлиб чиқади ва шунинг учун уни бартараф қилиш лозим бўлади. Бирмунча абстракт *яхшилик* ва *ёмонлик* тушунчаларидан фарқли ўлароқ, А. ва а. шунчаки умуман қандайдир айрим ҳодисага эмас, балки бир неча ҳодисанинг ўзаро муносабатига, одамлар ўртасида эзгулик билан ёвузликнинг тақсимланиши нуқтаи назаридан, жумладан жамият ҳаётида айрим кишиларнинг (синфларнинг) роли билан уларнинг ижтимоий аҳволи, меҳнат билан ҳақ, биронинг кирдикори ва унинг журми, жиноят ва жазо, кишиларнинг қадр-қиммати ва бу қадр-қимматнинг жамоатчилик томонидан эътироф этилиши, ҳуқуқ ва бурч ўртасидаги ўзаро муносабатга баҳо беради ва ҳ. к. Марксизм шуни аниқлаб бердики, А. ва а. тушунчаларининг мазмун тарихан белгиланган характерга эгадир, тўғри, маълум вазиятда у айни вақтда мавжуд шароитлар доирасидан чиқади, ўз замонаси тузумига ҳукм чиқаради ва бошқа ижтимоий тартиблар ўрнатилишини талаб қилади. Маркс ва Энгельс кўрсатдиларки, меҳнаткашлар оммаси эътироф этадиган А. ва а. тушунчалари ҳали объектив тарихий қонунларни онгли равишда тушуниш деган гап эмасдир. Шу сабабли жамият тарихининг илмий назарияси ўз хулосаларини А. ва а. ҳақидаги тасавурларга асослай олмайди. Шундай бўлса-да, бундай тасавурлар мазкур қонунларнинг амалини стихияли-инстинктил формада акс эттиради, шунинг учун ҳам, мас., меҳнаткашлар оммаси капиталистик жамиятнинг адолатсизлигини эътироф этиши фан учун бу жамият ўз умрини тугатганлигининг аломати бўлиб хизмат қилади.

АЖИВИКА — ноортодоксал қадимги ҳинд таълимотларидан бири бўлиб, руҳнинг мавжудлигини инкор этади.

А. дастлабки вақтларда *буддизм* билан алоқадор бўлган ва, эҳтимол, ҳатто унинг кўрinishларидан бири ҳам бўлган бўлиши мумкин, чунки А. биринчи марта илк буддийлик аҳкомларининг текстларида тилга олинди, сабабки қадимги замон буддичилари «руҳ» тушунчасини қатъий суратда рад этганлар. Эрамиздан олдинги 6—5-асрларда яшаган донишманд Маркалидева анъанага кўра А.нинг асосчиси деб ҳисобланади. Урта аср ведачилик трактатларига кўра, А.нинг негизида атомистик идея асос бўлиб ётади ва бу идея мазкур таълимотнинг бошқа идеялари ва тасавурларини белгилайди. А. таълимотига кўра, атомларнинг тўрт хил *тури* бўлиб, улардан табиатнинг тўрт унсурини: тупроқ, сув, олов ва ҳаво тузилади; барча атомлар бирикши қобилиятига эгадир. «Ҳаёт» атомар бир нарса эмасдир, у атомларнинг бирикшини идрок этадиган, биладиган нарсадир. Атомларнинг турли хиллари билан ҳаёт беш моҳиятти ташкил этади ва бу моҳиятлар билан бутун мавжудот таоматига етади. Онг—«ҳаёт» конфигурациясига кирувчи ўта *нозик* атомларнинг махсус агрегатидир. Атомлар абадий бўлимасдир, уларни ҳеч ким яратмаган ва йўқ қилиб ҳам бўлмайди. А. реалистик ва асосан материалистик таълимот сифатида майдонга келиб, қадимги ҳинд динларига ва брахманизм философиясига қарама-қарши турган эди (*Ҳинд философияси*). А. карма, самсара ва мокша каби брахманлик таълимотларини инкор этарди; бу инкор баъзан ахлоқий релятивизмни тарғиб қилишга айланиб кетарди.

АЗАЛДАН БЕЛГИЛАНГАН ГАРМОНИЯ (мослик) — жон билан жисмнинг худо томонидан белгиланган бир-бирига мос гармоник ўзгаришларини эътироф этиш; жон билан жисм ўртасида сабаб-натига боғланиши йўқдир, лекин уларнинг бир-бирдан мустақиллигига қарамай, жоннинг ҳар бир истагига жисмнинг муайян ҳаракати мувофиқ келади, бу бир-бири билан мосликни (синхронликни) ҳам азалдан худой тоало

белгилаб қўйган. А. б. г. ҳақидаги таълимот руҳий ва моддий субстанциялар дуализминини баргараф қилишга уринишдан иборатдир. *Декартда* А. б. г. га ишора қилиб ўтилган ўринлар бор, *оказионалистларда* (Гейлинкс, *Мальбранш*) эса А. б. г. яққол кўриниб турибди. «А. б. г.» тушунчасини *Лейбниц* бирмунча қайта ишлаб чиқди, у коинотдаги барча монадаларнинг А. б. г. лиги ҳақида таълим берарди. Лейбницнинг фикрича, олам ва уни тўлдирувчи вужудлардан ҳар бири ўз кучлари билан ривожланади, лекин бу кучларнинг ўзини энг яхши тартибли оламни азалдан белгилаб қўймоқ учун худо шундай тарзда яратган ва танлаб қўйган.

А—А-дир—қ. *Айният*, *бирдайлик қонуни*.

АЙЕР Альфред (1910 йил туғ.)—инглиз философи, *неопозитивизм* намояндаси, Оксфорд ун-тетининг логика профессори (1959 дан). «Тил, ҳақиқат ва логика» китобини нашр этгач (1936), машҳур бўлиб кетди. Мазкур китобда у *Вена тўғрисида* идеяларнинг тарғиботчиси бўлиб майдонга чиқди. Кейинроқ ёзган асарларида («Эмпирик билиш асослари», 1940, «Тафаккур ва маъно», 1947, «Билиш проблемаси», 1956 ва б.) *А. мантиқий позитивизмнинг* ортодоксал формасидан бирмунча узоқлашади ва *лингвистик философиянинг* кучли таъсирини бошдан кечиради. Мазкур асарларида у худди позитивистик нуқта назарлардан қараб, тегишли тушунчаларни анализ қилиш, уларни «мантиқий жиҳатдан равшан» терминологияга кўчириш йўли билан фалсафий проблематикани (билимнинг ишончлилигини, моддий объектлар билан «ҳиссий маълумотлар»нинг муносабатини ва ҳ. к.) тадқиқ қилишга уринади.

АЙНИЙ-ЧИН МУЛОҲАЗАЛАР—логик ҳисобларнинг мулоҳазалари, ифодалари ёки формуллари, ўзгарувчилари чинлигининг ҳар қандай қимматларида улар чиндир. Формал логиканинг ҳамма қонунлари ана шундай. Шунингдек, айний-ёлғон мулоҳазалар ёки формуллалар уларнинг

ўзгарувчилари чинлигининг ҳар қандай қимматларида ёлғондир.

АЙНИЯТ—бу категория предметнинг, ҳодисанинг ўз-ўзи билан *тенглигини*, бирдайлигини ёки бир неча предметнинг тенглигини ифодалайди. Агар ва фақат А. га хос барча хоссалар (ва муносабатлар) В. га ҳам тўла мос келган тақдирдагина, А ва В предметларини айнан тенг, деб айтиш мумкин ва аксинча (Лейбниц қонуни). Бироқ, моддий воқелик доимо ўзгариб турганлигидан, ўз-ўзига, ҳаттоки ўзларининг муҳим, асосий хоссалари жиҳатдан мутлақ тенг предметлар бўлмайди. А. абстракт эмас, балки конкретдир, яъни ўзининг ички *тафовутлари*га, зиддиятларига эгадир, А. тараққиёт процессида доимо ўзини «олиб ташлаб» туради, у муайян ша-роитга боғлиқдир. Предметлар тенглаштирилишининг ўзи уларни дастлаб фарқ қилишни талаб этади; иккинчи томондан, кўп ҳолларда турли предметларни (мас.. уларни туркумларга бўлиш мақсадида) тенглаштиришга тўғри келади. Бундан, А. тафовут билан чамбарчас боғлиқдир ва нисбийдир, деган маъно келиб чиқади. Нарсаларнинг ҳар қандай А. и вақтли, ўткинчидир, уларнинг ривожланиши, ўзгариши эса абсолютдир. Бироқ, аниқ фанларда абстракт, яъни нарсаларнинг ривожланишини назардан соқит қилувчи А. дан Лейбницнинг юқорида келтирилган қонунига мувофиқ фойдаланишнинг сабаби шуки, билиш процессида маълум шaroитда воқеликни идеаллаштириш ва соддалаштириш мумкин ва зарурдир. Мантиқий *айният қонуни* ҳам шу хилдаги чеклашлар билан ифодаланади. Лекин бу қонунни метафизика учун характерли бўлган тарзда воқеликка жорий қилиш нарсаларнинг ўзгармаслиги, доимийлиги ҳақидаги хулосаларга олиб келади.

АЙНИЯТ ФИЛОСОФИЯСИ—фалсафий концепция, бу концепция тафаккур билан борлиқнинг, руҳ билан табиатнинг ўзаро муносабати масаласини уларнинг асослот аийниятига асосланиб ҳал қилади. А. ф. нинг асосий принципи дуалистик системалар

принципига (*Дуализм*) буткул қарама-қаршидир. А. ф. муайян фалсафий концепция сифатида тарихан *Шеллинг* номи билан боғланади. Шеллинг кантча ва фихтеча системаларнинг дуализмини бартараф қилишга уриниб, монистик философиянинг янги бошланғич принципини — субъективлик билан обьективликнинг, идеявийлик билан реалликнинг абсолют айниятини илгари сурган. Тафаккур билан борлиқнинг айнияти гегелча системага ҳам асос бўлган, лекин бу принципни *Гегель* бошқача татбиқ этади, айниятнинг ўзини Гегель диалектик тарзда, яъни ҳаракатсиз абсолют борлиқнинг хилма-хиллигига бефарқ қарама-қарши турувчи номуайян бирлик эмас, балки ўз-ўзидан ривожланувчи мантиқий идея деб, бу идеянинг муайянлиги ва тафовутлиги унинг имманент бениҳоя формаси сифатида ўзда жо бўлгандир, деб тушунарди. А. ф. нинг уни бошқа обьектив идеалистик концепциялардан фарқ қилдирувчи ўзига хос хусусияти — тафаккур билан борлиқнинг айниятини шунчаки эътироф қилиш эмас, балки бу айниятни метафизикларча тушунишдир. Философиянинг асосий масаласини ҳал этишга уринишлардан бири сифатида А. ф. бу масалани олиб ташлаб, руҳ билан табиатнинг, тафаккур билан борлиқнинг тафовутини ҳаракатсиз абсолют субстанция ичда қорштириб юборади. Ҳозирги вақтда тафаккур билан борлиқнинг метафизик айнияти идеяларини *неотомизмнинг* айрим мактаблари тарғиб қилмоқда. Чиннакам илмий монистик философия — марксистик философиядир, бу философия ўз монизмини оламнинг моддий бирлиги ва ривожланиши идеяларидан келиб чиқиб асослаб бермоқда.

АЙНИЯТ ҚОНУНИ — логика қонуни, бу қонунга кўра, муҳокама процессида ҳар бир анланган ибора (тушунча, ҳукм) айни бир маънода ишлатилмоғи лозим. Бунинг бажарилишининг зарур шarti — айни муҳокама устида сўз борган объектларни фарқ қилиш ва тенглаштириш мумкинлигидир. Бироқ, ҳақиқатда,

бундай фарқ қилиш ва тенглаштириш ҳамisha мумкин бўла бермайди (*Айният*). Шу сабабли А. қ. айни муҳокамада сўз борган объектларнинг ҳақиқий характерини бир қадар идеаллаштириши (уларнинг ривожланиши ва ўзгаришини назардан соқит қилишни) назарда тутати, бунинг қонунийлиги обьектив оламдаги нарсалар ва ҳодисалар нисбатан барқарорлигидан келиб чиқади.

АЙРИМЛИК, ХУСУСИЙЛИК ВА УМУМИЙЛИК — фалсафий категориялар бўлиб, бу категориялар оламнинг турли обьектив алоқаларини ҳамда бу алоқаларни билиш даражаларини ифодалайди. Бошқа категориялар сингари, бу категориялар ҳам амалий-билувчилик фаолиятининг ривожланиши давомида шаклланиб беради. Воқелик объектлари ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, шу хусусият туфайли улар бир-биридан фарқ қилади. Шу сабабли ҳар бир айрим обьект қандайдир А. нарса сифатида идрок этилади. Бироқ бошланғич практиканинг ўзиёқ бу объектларда такрорланувчи белгиларни очиб беради. Маълум бўлишича, А. умумий белгиларга ҳам эга экан. Умумий белгилар ва хусусиятлар ё обьектларнинг фақат тор группаларига хос бўлса, у вақтда улар Х. сифатида намоён бўлади, ёки барча предметлар ва ҳодисаларга хос бўлса, у вақтда улар У. дан иборат бўлади. А. х. ва у. чамбарчас алоқада, бирликда бўлиб, уларнинг тафовути нисбийдир, улар ўзаро бир-бирга ўтиб туришади (қ. *В. И. Ленин*, 29-т., 318-б.). У. нинг онгдаги ўзаро муносабати, унинг воқеликдаги ўхшашлиги ва объектларнинг айрим хоссалари ҳақидаги масалани илмий ҳал қилиш философия тарихида катта қийинчиликларни туғдирди. Ухшаш, такрорланиб турувчи сифатида У. ҳақидаги содда-яққол тасаввур тарихан ҳаммадан эртарақ шаклланади. Бу ўхшашлиқнинг манбаи, сабаби ҳақидаги масала, У. нинг табиати ҳақидаги энг муҳим масала, яъни у обьектив оламнинг реал суратда мавжуд бўлган хоссаларини акс эттирадими ёки умумлаш-

тирувчи оннинг қобилиятида, ёнки қандайдир руҳий абсолютнинг хусусиятларида жо бўлганми, деган масала ҳали бу ерда қўйилмайди. Қадимги грек материалистлари У. нинг моҳияти ҳақида биринчи тасаввурнинг мухлислари эдилар. Чунончи, барча нарсаларнинг негизини, уларнинг У. ини Фалес сувда деб, Гераклит оловда деб, Демокрит — атомларда деб билди. Обьективлик сифатида У. тушунчаси қадим замон идеалистларининг кўпчилигига ҳам хосдир, лекин У. эндиликда бунда моддий воқеликдан ажратиб, моҳиятларнинг алоҳида оламига айлантирилади. Платоннинг У. ҳақидаги идеалистик таълимотини Аристотель танқид қилган-у, лекин унинг ўзи бу проблемани ҳал қила билмаган. Аристотель У. ни А. дан ажратиб ташланган алоҳида моҳият деб ҳисобламайди. Унинг назарча, У.— ҳаммадан бурун инсон ақлининг абстракцияларидир. Лекин Аристотель бу абстракцияларни фақат фикрий моҳиятлар деб эътироф қилишни истамайди, чунки у ҳолда бу уларнинг обьективлигини инкор қилишни билдирган бўларди. Шунинг учун У. ни Аристотель айрим обьектларнинг моҳияти сифатида ҳам, бу обьектларнинг мавжудлигига сабаб бўлувчи мақсад сифатида олиб қарайди. Бунда Аристотель, аслда У. ни платонча тушунишга яқинлашиб боради. Шундай қилиб, Аристотель проблемани гарчи ҳал қилган бўлмасда, лекин уни аниқ кўрсатиб берди, шу сабабли унинг таълимоти *номинализм* билан *реализм*нинг мунозаралари учун база бўлиб қолди. Урта аср Шарқида Аристотелнинг бу соҳадаги таълимоти Фөробий ва Ибн Синолар томонидан ривожлантирилди. Улар номинализм позициясида турдилар. Аристотель таълимотининг зидма-зид қоидалари фалсафий мактабларнинг қарама-қаршилигига айланди. Илоҳиёт абстракт схоластикасига қарши курашда ривож топган янги замон тажрибавий фани У. ни теологик тушунишга қарши норозилик туғдирди. Бу ҳилдаги У. нинг обьективлиги яна инкор қилинади. Локк шундай

кайфиятларни ифодалаб, У. ни ҳодисалар ўхшашлигининг фақат абстракт, сўздаги ифодаси деб тушунади ва У. замиридаги ҳар қандай реаликни инкор этади. Бундай талқин ўша замондаги фан билан ва хусусан ҳодисаларнинг унда қабул этилган туркумланиши билан келиштирилади. Фаннинг обьектив олам қонуниятларини ўрганиши У. ни локкча тушунишга путур етказади. Бу нарса Кантда ва айниқса Гегелда кўриниб турибди; Гегель бир қанча ҳодисаларнинг сўзларда қайд этилган айнияти (оддий ўхшашлик натижаси) сифатидаги «абстракт У.» билан ҳодисаларнинг мавжудлиги ва ўзгаришининг ички моҳияти, қонуни сифатида тушуниладиган ҳақиқий «конкрет У.» ни фарқ қилиб қарайди. Бирок, Гегель фикрича, ҳақиқий У. фақат руҳийликдан, яъни тушунча, идеядан иборат. А. х. ва у. ни марксча тушуниш оламдаги ҳодисалар обьектив бирлигининг инъикоси сифатида У. идеясини эътироф қилишга асослаган. Предметлар ёки процессларнинг муҳим ўхшашлиги фақат шу чуқур обьектив алоқанинг ифодасидир, холос. «Табиатдаги умумийлик формаси,— деб ёзади Энгельс,— бу *қонундир*... Умумийлик формаси — ички тугаллик ва шу билан бениҳоялик формасидир; у кўп ниҳояли нарсаларнинг бениҳояликка бирлашувидан иборатдир» (20-т., 548—549-б.). Шунинг учун Х. хусусийлик, индивидуаллик, алоҳидаликнинг бойлигини ўзида гавдалантиради. А. х. ва у. диалектикаси оламнинг зарур, моҳиятли алоқаларини ифодалайди. А. х. ва у. нинг обьектив алоқадорлиги тилда, баён формасида, обьектларни тадқиқ қилиш усулида ўз зуҳурини топади. А. х. ва у. нинг ўзаро муносабати уларнинг алоқадорлигида, А. нинг У. сиз, У. нинг эса А. сиз мавжуд бўлмаслигида, А. нинг маъlum шароитда Х. га ва У. га ўтиб туришидадир ва ҳ. к. Бу диалектик алоқадорликларни анализ қилиш, мас., социализм қурилишининг умумий йўллари ва қонунларини ҳамда бу қонунларнинг айрим мамлакатларда ўзига хос равишда, махсус

тарзда юз беринини тушуниш учун катта аҳамиятга эгадир. Шундай қилиб, А. х. ва у. категориялари аввало объектив оламнинг муҳим алоқаларини ифодалайди ва фақат шунинг учун бу оламни билиш процессини характерлайди. Доимо айрим объектларга қаратилган амалий фаолият мазкур объектларда такрорланувчи У. ни, қонунларни, томонларни ва хоссаларни билиш билан ёритилади ва уларнинг хусусиятларини ҳисобга олиш билан конкретлаштирилади.

АКОСТА (туғрироғи да Коста) Уриель (1585—90 йиллар ўртасида туғ., ваф. 1640) — голландиялик философ-рационалист; Португалияда туғилган, Коимбрдаги ун-тда ўқиган, 1614 йилда Голландияга қочган; унда христианликдан *яхудолikka* ўтган. Кўп ўтмай яҳудий диний ақидаларига қарши чиқиб фарисейларни (роввинларни) Мусо диний таълимотини бузишда айблаган. 1623 йилда «Инсон руҳининг ўлиши ҳақида» трактат ёзиб, унда руҳнинг ўлмаслигини ва охираг дунёни инкор этган. Уз қарашлари учун икки марта (1623 ва 1633) синагогдан рад этилган. Роввинларнинг ва Голландия маъмурларининг таъқибига чидай олмай, ўзини ўзи ўлдирган. А. нинг «Инсон ҳаётининг намунаси» асарида расмий дин ҳамда гўё кишиларга туғма равишда ато қилинган табиат қонуни ҳақидаги идея танқид қилинган; бу қонун кишиларни бир-бирига меҳр-муҳаббат қўйиш билан бирлаштиради ва яхши билан ёмонни фарқ қилиш учун асос бўлиб хизмат этади, А. нинг идеялари *Спинозага* таъсир кўрсатган.

АКСИОЛОГИЯ (грек. *axia* — қимматдор) — *қимматдорлар* табиатини фалсафий тадқиқ этш. А. буржуа философиясида 19-асрнинг охири — 20-асрнинг бошларида умумий «қимматдорлик проблемаси»га алоқадор бўлган баъзи мураккаб философия масалаларини ҳал қилишга уриниш тарзида пайдо бўлади. Буржуа философияси, бу масалалар (ҳаётнинг ва тарихнинг маъноси, билишнинг йўналиши ва асосланиши, инсон фаолиятининг туб мақсади ва ҳаққонийлиги,

шахс ва жамиятнинг муносабати ва б.) илмий анализга бўйин бермайди, деган фикрга асосланади. Қимматдорлик проблемаси шу билан ҳамма ва бутун жумбоқни ечиш характерига эга бўлади ва махсус, гайри илмий тадқиқот соҳаси деб ва оламни кўришнинг ўзига хос усули деб ҳисобланади. Шу билан бирга қимматдорлик ҳодисалари гайри социал феноменлар деб қаралади. Буржуача А. уч турдаги қимматдорлик назариялари билан ифодаланади. **Объектив-идеалистик назариялар** (*янги кантчилик*, гуссерлиан феноменологиясининг вакиллари М. Шелер ва Н. Гартман, *неотомизм*, *интуитивизм*) қимматдорликни макон ва замондан ташқари нариги дунёга хос моҳият деб талқин қиладилар. **Субъектив-идеалистик назарияларнинг** (*мантйкий позитивизм*, *эмотивизм*, *этикадаги лингвистик анализ*, У. Эрбан, Д. Пролл, К. Люис ва б. ларнинг қимматдорлик аффект-ирода назарияси) тарафдорлари қимматдорликни фақат онг ҳодисаси деб қарайдилар, уни психологик созликнинг, инсоннинг ўзи қиммат берадиган объектларга субъектив муносабатининг кўриниши деб билдилар. Қимматдорликнинг натуралистик назариялари (*Этикадаги натурализм*, *Манфаат назарияси*, *Эволюцион этика*, *Қосмик телеология этикаси*) қимматдорликни инсон табиий эҳтиёжларининг ёки умуман табиат қонунларининг ифодаси деб талқин қиладилар. Қимматдорликларни марксистча тушуниш буржуача А. дан принципиал фарқ қилади. «Қимматдорлик» проблемаси марксистик талқинда универсализмдан маҳрум бўлади. Бу проблема замирида илмий йўл билан ҳал қилинадиган энг турли-туман фалсафий масалалар яшириниб ётади. Аса маънодаги аксиологик нуқтаи назар — қимматдорлар табиатини тадқиқ эттиш шу билан фақат нисбатангина мустақил характер касб этади. Сунра марксизм қимматдорликларни ўзига хос социал ҳодисалар деб, ижтимоий муносабатларнинг ва ижтимоий онг норматив — баҳолаш томонларидан намоён бўлган баъзи кўринишлар

деб қарайди. Бу сўнги ҳол мазкур онинг дунёқарашлик характерини акс эттирадн-ю, лекин уни бутунлай очиб бермайди. Бошқача қилиб айтганда, дунёқарашни у ёки бошқа қимматдорлик позициясидан иборат қилиб қўйиш ярамайди. Мас., марксистик дунёқараш гарчи баъзан идеалларнинг, ахлоқий баҳолашларнинг ва ҳ. к. норматив формасида ифодаланса-да, ўз асос эътибори билан у илмий дунёқарашдан ва тарихий қонунларни илмий билишга таянган ҳолда жамиятга илмий назар билан қарашдан иборатдир. Қимматдорликлар ҳақидаги умуман марксистик назария тарихий нуқтаи назарини изчиллик билан амалга оширади. Бу назарияни ишлаб чиқиш ва буржуача А. ни таъқид қилиш илмий материалистик философиянинг муҳим вазифасини ташкил этади.

АКСИОМА (грек. *axioma* — қабул қилинган қоида) — баъзи илмий назариянинг қабул қилинган қондаси (ибораси) бўлиб, бу қоида мазкур назариянинг аксиоматик тузилишида айни назарияда исбот қилиб бўлмайдиган бошланғич нуқта тарзда олинади ва ундан (ёки уларнинг мажмуидан) назариянинг барча қолган иборалари унда қабул қилинган хулоса қоидаларига мувофиқ хулоса қилиб чиқарилади. Антик замондан бошлаб то ўрта асрнинг ўрталаригача, А. интуитив суратда яққол ёки априор суратда ҳақиқий иборалар сифатида қараб келинди. Шу билан бирга уларнинг инсоннинг кўп асрлик амалий-билиш фаолиятига боғлиқ эканлиги назардан тушириб қолдирилди. В. И. Ленин ёзган эдики, инсоннинг амалий фаолияти инсон онгичи миллиард-миллиард марта турли мантиқий фигураларни такрорлашга олиб келиши лозим бўлди ва натижада мазкур фигуралар аксиомалар аҳамиятига эга бўлиб қолди. **Аксиоматик методнинг** ҳозирги замон тушунчаси А. нинг априор яққоллигини талаб қилмайди. Улар фақат биргина шартга жавоб бериши лозим: улардан, фақат улардан, қабул қилинган мантиқий қоидалар ёрдамида айни

назариянинг қолган ҳамма иборалари (*теоремалари*) хулоса қилиб чиқарилади. Шу тариқа танлаб олинган А. ларнинг ҳақиқатлиги масаласи ё бошқа илмий назариялар доирасида, ёки айни системанинг интерпретациялари (*Интерпретация ва модель*) топиш чоғида ҳал қилинади: формаллаштирилган аксиоматик системанинг ҳақиқий интерпретациясининг аниқланиши унда қабул қилинган А. ларнинг ҳақиқатлигидан далolat беради (таққослаб кўринг: *Постулат*).

АКСИОМАЛАР СИСТЕМАСИНING МУСТАҚИЛЛИГИ. Агар бирон-бир дедуктив система асосида ётувчи *аксиомалардан* ҳеч бирини шу системанинг хулоса чиқариш қоидалари билан қолган аксиомалардан хулоса қилиб чиқариш мумкин бўлмаса, у ҳолда аксиомаларнинг бундай системаси мустақил система деб аталади. Акс ҳолда аксиомалар системаси қарам системадир. Геометрия аксиомалари системасида Евклид бешинчи постулати мустақиллигининг аниқланиши *новеклид геометрияларни* яратишга ёрдамлашди (*Аксиоматик метод*).

АКСИОМАТИК МЕТОД — илмий назарияларни дедуктив тузиш усулларидан бири бўлиб, бунда: 1) муайян назариянинг исботсиз қабул қилинадиган иборалари (*аксиомалар*)нинг бирон тўплами танлаб олинади; 2) уларга кирадиган тушунчалар айни назария доирасида яққол таърифланмайди; 3) баъзи иборалардан бошқа ибораларга тегишнча ўтишга ва назарияга янги терминлар (тушунчалар) киритишга имкон берадиган хулоса чиқариш қоидалари ва таърифлаш қоидалари қайд этилади; 4) айни назариянинг қолган ҳамма иборалари (*теоремалар*) (3) асосида (1) дан хулоса қилиб чиқарилади. А. м. ҳақидаги дастлабки тасаввурлар қадимги Ҳиндистон логикасида ва Қадимги Грецияда пайдо бўлган (Аристотель, Эвклид). Сўнгра фан ва философиянинг турли бўлимларини аксиоматик баён этишга уриниб қўрилган (Форобий, Ньютон, Спиноза ва б.). Бу тадқиқотлар учун характерли хусусият

шу бўлганки, муайян назария (фақат биринчи шу назария) мазмунли равишда тузилиб, системага солинган; буни яққол аксиомаларни таърифлаш ва интуитив танлашга асосий эътибор берилган. 19-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, математикани ва математик логикани жадал ишлаб чиқиш муносабати билан, аксиоматик назарияга унинг элементлари (белгилари) ўртасидаги нисбатни барқарор қилинган ва ўзини қаноатлантирадиган объектларнинг ҳар қандай тўпламларини тасвирлаб берадиган формал система деб қарай бошлаганлар. Шу билан бирга системанинг *зиддиятчи бўлмаслигига*, унинг *тўлиқлигига*, аксиомалар системасининг *мустақиллигига* ва ҳ. к. га асосий эътибор берилади. Белги системалари ё уларда жо бўлган мазмунга боғли бўлмаган ҳолда, ёки уни ҳисобга олган ҳолда қараб чиқилиши мумкинлиги муносабати билан синтактик ва семантик системаларни бир-бирдан фарқ қилдилар (фақат семантик системаларгина асли маънодаги илмий билимлардан иборат). Ана шундай фарқ қилиш аксиоматик системалар олдига қўйиладиган асосий талабларни икки йўсинда ифодалашни, яъни синтактик ва семантик йўсинда ифодалашни зарур қилиб қўйди (синтактик ва семантик зиддиятсизлик, тўлиқлик, аксиомаларнинг мустақиллиги ва ҳ. к.). Формаллаштирилган аксиоматик системаларнинг анализи уларнинг принципал чекланганлигини аниқлашга олиб келди; булардан асосийси — *Гёдел* томонидан исботланган етарли даражада ривожланган илмий назарияларни (мас., арифметикани) тўла аксиомалаштириш мумкин эмаслигидир, бундан эса илмий билимни тўла формаллаштириш мумкин эмаслиги келиб чиқади. Аксиомалаштириш илмий билимни уюштириш методларидан биридир, холос. У одатда мазмунли равишда назария етарли даражада тузилиб бўлгандан ва уни аниқроқ тасаввур қилиш, жумладан қабул қилинган асослардан барча натижаларни хулоса қилиб чиқариш мақсадларига хизмат қила бошлагандан

кейин амалга оширилади. Сўнгги 30—40-йиллар ичида фақат математика фанларини эмас, балки физика, биология, лингвистика ва б. фанларнинг муайян бўлимларини ҳам аксиомалаштиришга катта эътибор берилмоқда. Табiiй-илмий (умуман ҳар қандай номатематик) билимни тадқиқ қилганда А. м. *гипотетик-дедуктив метод* формасида майдонга келади (шунингдек Қ. *Формаллаштириш*).

АКСИОМАТИК НАЗАРИЯНИНГ НОЗИДДИЯТЛИЛИГИ — аксиоматик тарзда тузилган (умуман формал) назариялар олдига қўйиладиган талаб бўлиб, бу талабга кўра, бир назария доирасида бирор гапни ва унинг инкорини айна бир вақтда хулоса қилиб чиқариш мумкин эмас. Формаллаштирилган аксиоматик назарияларга татбиқан синтактик ва семантик нозиддиятчилик бир-бирдан фарқ қилиб қаралади: агар назарияда бирор гап ва унинг инкори айна бир вақтда хулоса қилиб чиқарилмаган бўлса, унда бу назария синтактик жиҳатдан нозиддиятлидир; агар назария ҳеч бўлмаганда бир моделга, яъни объектларнинг айна назарияни қаноатлантирадиган бирор соҳасига эга бўлса, унда бу назария семантик жиҳатдан нозиддиятлидир. А. н. и. талабларига риоя қилинмаганда, ҳар қандай гапни исботлаш мумкин бўлиб чиқади ва назария ўзининг илмий қимматини йўқотади.

АКСИОМАТИК НАЗАРИЯНИНГ ТУЛИҚЛИГИ — аксиоматик тарзда тузилган назариялар олдига қўйиладиган талаб; бу талаб шундан иборатки, муайян аксиоматик, формал системада назариянинг ҳамма чин гаплари исбот этилмоғи (яъни *аксиомалардан* хулоса қилиб чиқарилмоғи) лозим. Синтактик ва семантик аксиоматик назариялар бир-бирдан фарқ қилиб қаралиши муносабати билан (*Аксиоматик метод*) тўлиқлик талаблари дифференциялаштирилади; аввало кучсиз мазмундаги синтактик тўлиқликни (бирон системага тааллуқли бўлган ҳамма гаплар унда хулоса қилиб чиқарилади ёки рад этилади) ва кучли мазмундаги синтактик

түліктің (аксиомаларға бу системада хулоса қилиб чиқарилмайдиган гап құшилгандан кейин у зиддиятлы бұлиб қолады), муайян моделға нисбатан семантик түліктің (муайян моделдаги чин мулохазага мувофиқ бұлган ҳар бир гапни бу системада хулоса қилиб чиқариш мумкин) ва ҳ. к. фарқ қилиб қарамоқ керак. Етарли даражада бой аксиоматик назарияларнинг (мас., арифметиканинг) тадқиқотлари давомида уларнинг принципал нотўлиқлиги, яъни улар доирасида исбот қилиб ва рад этиб бўлмайдиган гапларнинг мавжудлиги исбот қилинди (*Гедель* — 1931 ва ундан кейинги натижалар). Тўлиқлиқни талаб қилиш муваффақиятлы аксиомалаштиришнинг муқаррар шарти эмасдир: нотўлиқ назариялар (кўпгина турли-туман шарҳларга эга бўлган назариялар) кўп сонли ва бой амалий табиқотларга эгадир.

АКТУАЛЛАШТИРИШ (лат. actualis — фаол) — борлиқнинг ўзгаришини билдирувчи тушунча. Бу тушунчада ҳаракатнинг фақат бир томони: борлиқнинг имконият ҳолатидан воқелик ҳолатига ўтиши очиб берилган. *Аристотелда* ва *схоластикада* А. га берилган изоҳ муқаррар равишда борлиққа нисбатан ҳаракатсиз, ташқи ҳаракат манбаини: оламни биринчи ҳаракатга келтирувчини, худони антидиалектик эътироф этишга олиб келган эди. Имкониятдан воқеликка ўтиш идеяси материалистик диалектика категорияларида ўзининг энг тўлиқ ифодасини топмоқда (*Имконият ва воқелик*).

АКЦИДЕНЦИЯ (лат. accidens — тасодиф) нарсаининг муҳим, субстанциал (*Субстанция*) хоссасидан фарқли ўлароқ муваққат, ўткинчи, номуҳим хусусияти демакдир. Бу термин биринчи марта *Аристотелда* учрайди; Урта аср Шарқ философиясида (*Фаробий*, *Ибн Сино*, *Ибн Рушд* ва б.), *схоластикада* ва 17—18-асрлар философиясида кенг тарқалган.

АЛГОРИТМ (алгорифм) — математика ва логиканинг асосий тушунчаларидан бири. «А» термини хоразмлик математик ал-Хоразмий (9-аср) исмининг латинча транслитерацияси-

дан келиб чиққан. А. деганда муайян типдаги барча *вазифаларни* ҳал қилишга олиб борадиган операцияларнинг бирон системасини маълум тартибда бажариш ҳақидаги аниқ буйруқ тушунналади. Қўшув, айирув, кўпайтирув ва бўлув каби арифметик қоидалар, квадрат илдииз чиқариш қоидалари, ҳар қандай икки натурал сон учун энг умумий бўлувчини топиш усули — А. нинг энг оддий мисолларидир. Аслини олганда, бирон-бир *вазифани* умумий гарзда, яъни унинг вариация қилинувчи шартларининг бутун туркуми учун ҳал қилиш воситаларига эга бўлганимизда, биз ҳамиша А. билан иш кўраимиз. А. буйруқлар системаси сифатида формал характерга эга бўлганлиги сабабли, унинг асосида ҳамиша ҳисоблаш машиналари учун амаллар программасини ишлаб чиқиш ва *вазифани* машина орқали ҳал этишни амалга ошириш мумкин. Кенг доирадаги *вазифаларни* ҳал этиш А. ини аниқлаб олиш ва А. назариясини ишлаб чиқиш ҳисоблаш техникаси ва *кибернетиканин*г ривожланиб бораётганлиги муносабати билан аниқса энг муҳимдир.

АЛЕКСАНДЕР Сэмюэл (1859—1938) —инглиз философ-неореалисти, идеалистик *эмергент эволюция* назариясининг асосчиси. У макон-замонни ҳаракат билан айнан бирдай қилиб кўрсатиб, уларни оламнинг бошланғич материали деб ҳисоблайди. Бу хилдаги макон-замондан олдиндан кўрилмайдиган сифат сакрашлари йўли билан изчил равишда материя, ҳаёт, психика, «учламчи сифатлар» (қимматдорлар), «фаршталар», худо пайдо бўлади. Эмергент эволюцияни янгиликка интилиш деб идрок этиладиган идея —ғоявий импульс йўллаб туради. А. нинг қарашлари ҳозирги замон фанига зиддир. Асосий асар: «Макон, замон ва худо» (1920).

АЛЕКСАНДРИЯ МАКТАБИ — антик философия мактаби (эраимздан олдинги 1-аср—эраимзининг 6-асри) — илмий адабиётда икки хил тушунналади. Бир томондан, бу — эраимздан олдинги 1-асрда Мисрдаги Александ-

рия шахрида (Александр Македонский барпо этган) яшаган ва Библияни (тавротни) стоик платонизм методлари ёрдамида талқин этган Филон Александрийнинг яхудилик философиясидир. Бу кейинги йўналиш платонча идеяларни борлиққа асос қилиб қўйган, лекин бу идеяларни бутун олам бўйлаб сочилган ва оламда барча тирик ва тирикмас нарсаларни яратган яратувчи олов деб талқин қилган. Соф монотеистик методларни татбиқ этишни ҳали билмаган бутун илк христианлик илоҳиёти ҳам стоик платонизмнинг кучли таъсири остида бўлган. Ориген билан Климент бундай фалсафий талқиннинг вакиллари бўлиб, улар ҳам Александрияда яшаганлар. Иккинчи томондан, кенг маънода тушуниладиган А. м. га мажусий неопифагоризм ва биринчи асрларнинг эклектик мактабларини ҳам, бутун неоплатонизмни ҳам нисбат берадилар, ваҳоланки неоплатонизм Римда ҳам, Сурияда ҳам, Пергамда ҳам, Александриянинг ўзида ҳам, бунинг устига мажусийлик формасида ҳам, христианлик формасида ҳам мавжуд эди. А. м. деганда Филоннинг фалсафий мактабини ва 2—3-асрлардаги александриялик христиан мутафаккирларини тушунмоқ тўғрироқдир.

АЛ КИНДИЙ (тах. 800—879) — араб философи, астролог, математик ва табиб, араб-аристотелча философиянинг асосчиси, «қараблар файласуфи» деган фахрий лақаб олган. А. К. Аристотель асарларига шарҳлар («Органон» ва б.) ҳамда метафизика, математика, музыка, психология масалаларига доир бир қанча асарлар ёзган. А. К. ўз дунёқарашига умумий сабабли алоқадорлик идеясини асос қилиб қўйган; бу таълимотга кўра ҳар қандай нарса, агар у охиригача англаб олинган бўлса, унда бутун киноятни худди ойнада кўргандек биллиб олинган имкон беради. Куръоннинг комил мухлислари А. К. ни даҳрий деб ҳисоблаганлар. А. К. нинг айрим майда рисолалари ва баъзи асарларидан нарчалар сақланиб қолган.

АЛОГИЗМ (грек. а—инкор қўшимчиси, logos — ақл)— ҳақиқатга эришеш воситалари сифатида мантиқий тафаккурни инкор этиш; логикага интуитцияни, эътиқодни, қароматни қарама-қарши қилиб қўйиш. Реакцион философлар А. дан иррационализмни, мистицизмни, фидеизмни оқлаб кўрсатиш учун фойдаланмоқдалар. Инсониятнинг бутун ижтимоий практикаси ва фан тарихи А. ни рад этмоқда.

АЛХИМИЯ — химиянинг унинг тараққиётидаги илмий даврга қадар бўлган номи. А. биринчи марта Қадимги Мисрда пайдо бўлган. «Ал» юкламаси унинг араблар орасида тарқалганлигидан далолат беради. Ҳақиқатда Урта ва Яқин Шарқда илк ўрта асрларда алхимия билан кенг шугулланилган ва кимёвий билимларни тўплашга катта ҳисса қўшилган (мас., ар Розин). Алхимиклар ҳаёлий «ҳикмат тоши» воситаси билан «оддий металлларни кумуш ва олтинга айлантиришга уринганлар. Шунингдек улар кишиларга абадий ёшлик, навқиронлик бахш этувчи «ҳаёт жавҳари»ни кашф этишга интилганлар. Жобир, Р. Бэкон, Парацельс, Иоганн Баптист ван Гельмонт ва Иоганн Фридрих Гельвециус (17-аср) энг йирик алхимиклар бўлганлар. Алхимиклар фаолияти экспериментал материал тўплашга кўмаклашди, бу эса химиянинг мустақил фан сифатида ажралиб чиқиши учун зарурий шарт бўлди.

АЛЬБЕРДИ Хуан Баутиста (1810—84) — аргентин давлат арбоби, ёзувчи, философ ва социолог. Унинг «Аргентина республикасининг сиёсий ташкилот асослари» (1852) асари Аргентинада давлат тузумининг ривожига таъсир кўрсатди ва мамлакат конституциясига асос бўлди. А. ўзининг «Уруш жинояти» номи китоби билан (бу китоб 1864—70 йиллардаги Парагвай урушининг даҳшатлари таъсири остида ёзилган) урушни эҳтирос билан фош этувчи, ер юзида тинчлик ва биродарлик пропагандисти бўлиб тарихга кирди. У агрессив урушларни жиноят деб эълон қилди. Унинг урушни тушунишида Гроцийнинг гоялари таъсир кўрсатган. А. қарашлари-

нинг заифлиги шундаки, у урушга ҳуқуқ ва христиан ахлоқи нуқтан назаридан баҳо бераган.

АЛЬБЕРО БУЮК (1193—1207 йиллар ўртасида туғ., 1280 йили вафот этган) — немис философи, табиатшуноси ва теологи. Ўз шоғирди *Фома Аквинский* билан бирга аристотелизмни *аверроизм* руҳида талқин қилишга қарши ва схоластикадаги илғор мактабларга қарши курашган, аристократча идеяларидан ягона философик-теологик система ишлаб чиқиш учун фойдаланган, **А. Б. соф** фалсафий асарлардан ташқари («Теология мажмуаси» ва б.) табиий-илмий трактатлар ҳам ёзган; уларда таврот масалалари ва фантастик афсоналар билан бир қаторда табиатни бевосита кузатишлар ҳам баён қилинган.

АЛЬТЕРНАТИВА (лат. alter — иккидан бири) — бир-бирини истисно қилувчи икки ёки бир неча имкониятдан танлаб олиш зарурати.

АЛЬТРУИЗМ (лат. alter — бошқа) — ахлоқий принцип бўлиб, у бошқа кишиларга бегараз хизмат қилишдан, уларнинг бахт-саодати учун ўз шахсий манфаатларини қурбон қилишдан иборат; *эгоизмга* қарама-қаршидир. **А.** терминини филозофияга **О. Конт** киритган. Буржуа этикасида **А.** тушунчаси, одатда, яқинларга меҳр-муҳаббат билан қараш, ҳаммасини кечириш ва ш. к. диний ахлоқий таълимотлар билан қўшилиб кетади ва бу таълимотлар капитализмнинг эксплуататорлик, эгоистик мохиятини яшириш учун хизмат қилади. **А.** билан эгоизм ўртасидаги зиддият — капитализм шароитида ҳал қилиб бўлмайдиган бу зиддият — фақат социал антагонизмлар йўқ қилингандан кейингина барҳам ёйди, чунки у вақтда **А.** принципига оид ҳар қандай зарурат ҳам орадан кўтарилди. Социализм шароитида **А.** тушунчаси фақат кишиларнинг тор шахсий муносабатларини тавсифлаган чоқдагина аҳамиятини сақлаб қолади, ижтимоий муносабатлар соҳасида эса янги, коммунистик ахлоқ принциплари (*коллективизм*, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам,

ижтимоий бурчни англаш ва ш. к.) амал қилади.

АМАЛИЙ ФИЛОСОФИЯ. 1. Қласик фалсафий системаларда этика қисми, амалиётнинг принциплари ва қонунлари ҳақидаги таълимот (**Мас.**, **Ибн Синода Спиноза** «Этика»си, **Кантнинг** «Амалий ақлни танқиди» ва ҳ. к.) 2. Ҳозирги замон буржуа философиясида кенг оқим бўлиб, бу оқим материализм ва фанга қарши қаратилган. **А. ф.** га ницшечилики, *прагматизмни*, *ҳаёт философиясини* (**Бергсон**), *экзистенциализмни* ва уларга яқин бўлган, билишни амалий натижаларга эришиш «инструменти», «қуроли» деб қарайдиган бошқа мактабларни киритиш мумкин. **А. ф.** да назарий тафаккурдан ва объектив ҳақиқатдан воз кечиш, бешуурликка сифиниш, тафаккурни биологик мослашиш функциясида қориштириб юбориш билан боғлиқдир: идеянинг чинлиги унда объектив реалликнинг акс этиши билан эмас, балки унинг амалий яроқлилиги, фойдалилиги билан белгиланади: ҳамма идеялар (шу жумладан диний идеялар ҳам) муваффақиятга олиб келса, «чиндир». Шундай қилиб, **А. Ф.** нинг релятивизми ва агностицизми ўта субъектив руҳда талқин этилган практикани далил қилиб кўрсатиш билан ниқобланмоқда.

АМОРАЛИЗМ (грек. *a* — инкор юк-ламаси, лат. *moralis* — ахлоқий) ёки имморализм — ҳар қандай ахлоқни инкор этиш, ахлоқ-одоб қондаларидан онгли равишда воз кечиш, «яхшилик ва ёмонликнинг нариги томонида» туришни даъво қилиш (**Ницше**), эгоизмни, ғайри инсонийликни «фалсафий асослаш», буржуазиянинг энг сурбет маддоҳлари томонидан тарғиб қилинаётган виждонга ва ор-номусга нафрат билан қараш.

АМФИБОЛИЯ — (грек. *amphibolia* — икки маъноли, *дудмал*) — грамматик бирикманинг норавшанлиги ёки кўп маънолиги натижасида, жумладан баъзи грамматик гаплар ёки иборалар айни бир муҳокамада турли маънода ишлатилиши натижасида пайдо бўладиган мантиқий хато. **А.** ни сўз-

ларнинг икки маънолигидан келиб чиқадиган хаго деб *омонимиядан* фарқ қиладилар. А. ва омонимияни топиб, тафаккурдан бартараф қилиш учун муҳокамаларда фойдаланадиган сўзлар, грамматик бирикмалар ва гапларнинг маъносини аниқлаш зарур.

АНАКСАГОР Клазоменлик (Кичик Осиёда) (тах. эрамиздан олдинги 500—428)—қадимги грек философи, ноизчил материалист, қулдорлик демократиясининг идеологиди. Худосизликда айбланиб ўлим жазосига ҳукм қилинган, лекин у Афинадан қочиб кетилган. Материянинг бирламчи элементларининг бениҳоя сифатли хилма-хиллигини («нарсаларнинг алмашинуви») эътироф этган; кейинчалик *гомеомериялар* деб аталган бу элементларнинг турлича қўшилишларидан барча мавжуд нарсалар ташкил топади. «Нус» (ақл)ни элементар зарраларнинг қўшилиши ва айрилувига сабаб бўладиган ҳаракатлангирувчи куч деб ҳисоблаган ва уни («нус»ни) энг энгил ва энг нозик мода деб тушунган. А. нинг космогонияси осмоний jismlar системасини моддаларнинг гирдиболсимон айланиши натижасида бирламчи тартибсиз аралашиб кетишидан пайдо бўлган, деб изоҳлайди.

АНАКСИМАНДР Милетлик (тах. эрамиздан олдинги 610—546)—қадимги грек материалист философи, стихияли диалектик, *Фалеснинг* шогирди. Грецияда биринчи «Табиат ҳақида» деган ва бизгача етиб келмаган фалсафий асарининг автори. А. бутун мавжудотнинг бош ибтидо тушунчасини — «архэ» («принцип»ни) жорий этган ва *апейронни* шундай бош ибтидо деб ҳисоблаган. А. нинг космологик назариясига кўра, коинотнинг марказида ясси цилиндр шаклига эга бўлган Ер жойлашган. Ер атрофида уч осмоний ҳалқа: қуёш, ой, юлдуз ҳалқалари айланади. А. тарихда биринчи бўлиб: инсон, бошқа тирик вужудлар сингари, балиқдан бунёдга келган, деган эволюция идеясини баён этган.

АНАКСИМЕН Милетлик (тах. эрамиздан олдинги 588—525)—қадимги

грек философ-материалисти, стихияли диалектик, *Анаксимандрнинг* шогирди. Унинг таълимотига кўра, бутун мавжудот бош материядан — ҳаводан вужудга келади ва яна унга қайтади. Ҳаво бениҳоя, абадий, ҳаракатчандир. У қуюқлашиб, аввал булутларни, сўнгра сувни ва ниҳоят туپроқ ва тошларни ташкил этади, сийраклашиб оловга айланади. Бунда миқдорнинг сифатга ўтиши идеяси кўриниб турибди. Ҳаво ҳамма нарсани қамраб олади: жон ҳам, коинотнинг беҳисоб оламлари учун ялпи умумий муҳит ҳам унинг ўзидир. А. таълим бериб айтганки, юлдузлар оловдан иборат, лекин биз уларнинг иссиғини сезмаймиз, чунки улар жуда йироқ (Анаксимандрнинг фикрича, юлдузлар сайёралардан яқинроқдир). А. Қуёш ва Ой тутилишини ҳақиқатга яқинроқ изоҳлаган.

АНАЛИЗ ВА СИНТЕЗ (грек. analysis— ажратиш ва synthesis— бирлаштириш)— энг умумий маънода бутунни таркибий қисмларга фикран ёки амалий равишда ажратиш ва қисмлардан бутунни қайта бирлаштириш. А. ва с. билиш процессида муҳим роль ўйнайди ва унинг ҳамма bosqichlarida амалга оширилади. Анализ-синтезлаш фаолиятининг маркази—бош мия катта ярим шарларининг пўстидир. Бироқ анализ-синтезлаш фаолияти фақат ижтимоий ишлаб чиқариш процессида ва асосидигина пайдо бўлади ва амалга оширилади. Фикрлаш ишларида А. ва с. абстракт тушунчалар ёрдамида юзага келадиган ва бир қанча фикрлаш операциялари билан: абстракция, умумлаш ва ҳ. к. билан маҳкам боғланган мантикий тафаккур усуллари сифатида юзага чиқади. Мантикий А. тадқиқ қилинувчи объектни фикран таркибий қисмларга бўлишдан иборат бўлиб, янги билимлар олиш методини ташкил этади. Тадқиқ қилинувчи объектнинг характериға қараб А. турли формаларда намоён бўлади. Тадқиқ қилинувчи объектнинг ҳар томонлама билиш шартини—унинг А. ининг кўп қиррали бўлишидир. Бутунни таркибий қисмларга бўлиш тадқиқ

қилинувчи объектнинг тузилишини, унинг *структурасини* аниқлаб олишга имкон беради; мураккаб ҳодисани энг оддий элементларга бўлиш муҳимни ноумумидан ажраттишга, мураккаб нарсани оддий нарсага элтиб тақашга имкон беради; предметларни ва ҳодисаларни туркумларга бўлиш А. формаларидан бири бўлиб хизмат қилади. Ривожланаётган процесснинг А. қилиниши унда турли босқичларни ва зидма-зид тенденцияларни ва ҳ. к. ажратиб қарашга имкон беради. Анализлаш фаолияти жараёнида фикр мураккабликдан оддийликка қараб, тасодифдан заруратга қараб, хилма-хилликдан айниятга ва бирликка қараб ҳаракат қилади. А. нинг мақсади қисмларни мураккаб бутуннинг элементлари сифатида билиш ва улар ўртасидаги алоқа ва қонуниятларни аниқлашдан иборатдир. Бироқ А. моҳиятни ажратиб қарашга олиб келадик, бу моҳият ўз юз беришининг конкрет формалари билан ҳали боғланмаган бўлади; абстракт ҳолда қолишда давом этаётган бирлик хилма-хилликдаги бирлик сифатида ҳали очилмаган бўлади. С., аксинча, А. воқитаси билан ажратилган қисмларни, хоссаларни, муносабатларни ягона бир бутунга бирлаштириш процессидан иборат. С. бирдайликдан, муҳимликдан тафовутга ва хилма-хилликка қараб бориб, умумийлик ва айримликни, бирлик ва хилма-хилликни жонли конкрет бутунга бирлаштиради. С. А. ни тўлдиради ва у билан чамбарчас бирликда бўлади. А. ва с. нинг объектив олам билан ва инсон практикаси билан боғли бўлмаган фикрлаш усуллари *идеалистларча* талқин қилинган ҳамон, шунингдек А. ва с. ни метафизикларча ажратиш ташлаганда, уларни қарама-қарши қўйганда ва мазкур икки процессдан бирини абсолютлаштирганда А. ва с. диалектик-материалистларча тушунишга қарама-қарши бўлиб қолади. Философия тарихида А. билан с. ни қарама-қарши қўйиш табиёт фанида ва 17—18-асрлардаги классик буржуа сиёсий иқтисодида аналитик методнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ-

дир. Фикрий конструкцияларни эмпирик воқеликни тажрибавий ўрганиш билан алмаштирган бу метод ўша вақтда прогрессив роль ўйнаган эди. Лекин унинг билувчилик имкониятларини ҳаддан ташқари ошириб юбориш метафизиканинг ва унинг учун характерли бўлган ҳодисаларни табақаланган, ажратилган ва статик ҳолда олиб қараш усулининг барқарор бўлишига кўмаклашди. Фаннинг ундан кейинги ривожланиши аналитик метод ва у билан маҳкам боғлиқ бўлган синтетик методнинг тарихий зарур шартли сифатида юзага келишини кўрсатди. Назарий-билувчилик аҳамияти нуқтан назаридан бир ёқламаликдан маҳрум бўлган мазкур ҳариккала метод диалектик методнинг умумий талабларига бўйсунган бир-бирига боғлиқ мантиқий процесслар сифатида юзага келади.

АНАЛИТИК ФИЛОСОФИЯ — ҳозирги замон буржуа философиясида кенг ва турли хилдаги оқим бўлиб, у философиянинг вазифасини анъана юзасидан фалсафий проблемалар деб ҳисобланган проблемаларнинг мазмунини аниқлаш мақсадида тилни анализ қилишдан иборат деб билувчи турли гуруҳларни, йўналишларни ва айрим философларни бирлаштиради. Уларнинг фикрича, анализ тилда проблеманинг ноаниқ ифодасини шундай формулировка билан алмаштириши лозимки, натижада бу формулировка проблеманинг ҳақиқий моҳиятини намоён қилиб кўрсатсин. Бундай ҳолда проблема ё нотўғри қўйилган «сохта проблема» бўлиб, ё бирон-бир тил формаларини ишлатиш билан боғланган бўлиб қолиши ёки, ниҳоят, философияга алоқаси бўлмасдан, хусусий фанлар воситалари билан ҳал этилиши мумкин. А. Ф. асосан АҚШ ва Англияда тарқалган бўлиб, Скандинавия мамлакатларида, Австралияда ва б. мамлакатларда айрим вакиллари ва гуруҳларни мавжуддир. Англияда А. Ф. нинг ҳукмрон формаси *лингвистик философия*дир. АҚШда лингвистик философияга яқин турувчи бир қанча философлардан ташқари, А. Ф. нинг *мантиқий эмпиризм*

(В. Карнап, Г. Фейгль ва б.) ва *неопрагматизм* (В. Куайн, Н. Гудмен, М. Уайт) тарафдорларидан иборат мақиллари ҳам бордир. Шунингдек бирон-бир йўналишга мансуб бўлмаган мустақил америкалик аналитиклар ҳам бор (У. Селларс ва б.). Умуман ўзининг асосий даъволарига кўра, А. Ф. ҳозирги замон буржуа философиясида *неопозитивизм* йўлининг давоми сифатида майдонга чиқмоқда. А. Ф. тарафдорларининг кўпчилиги учун шу нарса характерлики, улар оғирлик марказини умумий тарздаги фалсафий масалалардан тилни анализ қилишнинг конкрет формалари ва воситаларига *ҳушроқ* далалар. Бунда икки асосий қараш ажратиб кўрсатиш мумкин: 1) *аниқ қайд этилган мантиқий* структурага эга бўлган сунъий «моделли» тилларни тузиш (мантиқий эмпиризм, неопрагматистлар), бир қанча «мустақил» аналитиклар). Бу тадқиқотлар ҳозирги замон формалогикасига таянади; 2) тил ифодаларини ишлатишнинг туслари ва хусусиятларини аниқлаш мақсадида тарихан мавжуд табиий тилларни тадқиқ этиш, тоғи бу тадқиқ фалсафий проблемаларни яхшироқ аниқлаш олишга ёрдамлашсин (лингвистик философия). А. Ф. философияни унинг дунёқарашлик аҳамиятидан маҳрум қилиб, уни метафилософиядан, яъни фалсафий проблематиканинг тилдаги ифодасининг форма ва усулларини анализ қилишдан иборат қилиб кўяди, ёки умуман философия ўрнига мантиқий ёки лингвистик тадқиқотларини кўяди.

АНАЛОГ (грек. analogos — мувофиқ, ўхшаш) — билиш назариясининг термини бўлиб, бу термин бирон моддий предметни, процессни, қонуниятни адекват тарзда акс эттирувчи идеявий объектни (тушунча, назария, тадқиқот методи ва ҳ. к.) билдиради. Энг асосий «Табиат диалектикаси» асарига айтадики, табиёт фани учун табиғий объектнинг бо сўзлари соҳалар тарихий фанлар соҳасига ҳам батамом таълаққилдир) диалектика тафаккурининг энг муҳим формасидир, «чунки фақат диалектикагина аналогдан ва

шу билан табиатда содир бўлаётган тараққийёт процесслари учун изоҳлаш методидан иборатдир...» (20-т., 367-б.). Бирон назариянинг назарий-билувчилик қонунининг ёки мантиқий қонданинг реал негизи бўлган моддий объектни ҳам (бунга кишилар моддий практикасининг турли кўринишлари ҳам кириди) ҳозирги замон философия адабиётида «А.» термини билан белгилайдилар. Мас., нарсаларнинг энг умумий ва оддий муносабатлари тафаккурнинг муҳокама, хулоса чиқариш ва б. формаларининг объектив негизини (А.) ташкил этади. А. ни топиш йўли билан генезиснинг, у ёки бошқа ҳодисанинг фактини аниқлайдилар, бу эса идеализмнинг турли формаларига қарши курашда жуда муҳимдир. Методологик қонуннинг, мантиқий қонданинг ва ҳ. к. ўзига хос хусусиятларини аниқлаш эса билимнинг муайян системасида уларнинг функцияларини ҳар томонлама анализ қилишни назарда тутати. Инъикос ва моделлаштириш проблемалари қараб чиқилганда А. тушунчаси конкретлашади (қ. яна *Изоморфизм ва гомоморфизм*).

АНАЛОГИЯ (грек. analogia — мувофиқлик, эҳтимол) — айнан бирдай бўлмаган объектлар ўртасидаги баъзи томонлар, сифатлар ва муносабатлардаги ўхшашликни аниқлаш, А. юзасидан хулоса чиқариш — шундай ўхшашлик асосида қилинадиган хулосалардир. А. юзасидан хулоса чиқаришнинг оддий схемаси: В. объекти *a, b, c, d, e* белгиларига эгадир; С объекти *b, c, d, e* белгиларига эгадир; демак, С объекти, эҳтимол, *a* белгисига эга бўлиши мумкин. Фан тараққийётининг илк босқичларида А. систематик кузатиш ва эксперимент ўрнини босади, унинг хулосалари сиртқи ва иккинчи даражали белгиларнинг ўхшашлигига асосланади. Қадим замондаги олимларнинг натурфилософик назарияларининг кўп қисми ана шу тариқа шайдо бўлади. Кейинчалик А.нинг янги вояланиши изоҳлаш воситаси бўлиш аҳамиятини йўқотади. Лекин проблемаларни кўрсатувчи компас ролини ўйнаш унинг зиммасида қолади. Чу-

нончи, Гюйгенс ёруғлик ва товуш хоссаларида А. ни топғач, ёруғликнинг тўлқинсимон табиати ҳақидаги фикрга келган; Максвелл бу хулосани электромагнит майдон характеристикасига жорий этган. Айрим ҳолда қараб чиқиладиган А. ўз хулосасининг эҳтимоллик характери натижасида исботлаш кучига эга эмасдир. Шу сабабли ундан билишнинг бошқа формалари билан бирликда фойдаланмоқ керак. А. юзасидан қилинадиган хулосанинг эҳтимоллигини ошириш мақсадида қуйидаги талаблар илгари сурилади: 1. А. муҳим белгиларга ва, мумкин қадар, тақдосланадиган объектлар умумий хоссаларининг кўпроқ сонига асосланмоғи лозим. 2. Хулоса чиқаришга асос қилиб олинган белгининг объектларда аниқланган умумий белгилар билан алоқаси мумкин қадар маҳкамроқ бўлмоғи лозим. 3. А. нинг вазифаси ҳамма муносабатларда эмас, балки фақат муайян муносабатда объектларнинг мувофиқ келишини аниқлашдан иборат. 4. А. нинг бевосита мақсади объектларнинг ўхшашлигини аниқлашдан иборат бўлганлиги сабабли, у тафовутларни кўрсатмоғи ва бу тафовутларни тадқиқ қилиш билан тўлдирилмоғи лозим. Ҳозирги замон фанида *моделлаштириш* чоғида фойдаланиладиган монандлик назарияси деб аталадиган назария А. ни татбиқ этишнинг кенг ривожланган соҳасидир. Илмий тадқиқотларда ва бошқариш практикасида аналогиясимон моделлаштирувчи мосламалар кенг жорий этилмоқда.

АНАРХИЗМ (грек. anarchia — бошлик, ҳокимиятсизлик) — майда буржуа ижтимоий-сиёсий оқим бўлиб, бу оқим ҳар қандай ҳокимият ва давлатга, шу жумладан тартиқларнинг диктатурасига душманлик кўзи билан қарайди, майда хусусий мулкчилик манфаатларини ва майда деҳқон ҳўжалигини жамиятнинг йирик ишлаб чиқаришга асосланган тараққиётга қарама-қарши қилиб қўяди. А. нинг фалсафий асоси *индивидуализм*, субъективизм, *волонтаризм*дир. А. нинг пайдо бўлиши Шмидт (*Штирнер*), *Прудон*, *Бакунин* номидан билан боғлиқдир;

бу анархистларнинг утопик назариялари Маркс ва Энгельс асарларида танқид қилинган. А. 19-асрда Франция, Италия ва Испанияда ёйилди. А. эксплуатацияга қарши умумий галлардан нарига ўтмайди, у эксплуатациянинг сабабларини, социализмни амалга оширишнинг ижодий кучи бўлган синфий курашни тушунмайди, А. нинг сиёсий курашдан ва пролетариатнинг ҳокимиятни қўлга олишидан воз кечиши объектив равишда ишчилар синфини буржуа сиёсатига бўйсундиришга хизмат қилади. А. га қарши курашда энг муҳим нарса — революциянинг давлатга муносабати ҳақидаги масала ва умуман давлат тўғрисидаги масаладир. Анархистлар давлатни дарҳол йўқ қилишни талаб қиладилар, буржуа давлатидан пролетариатни революцияга тайёрлаш учун фойдаланиш мумкинлигини эътироф этмайдилар, пролетариат диктатураси жамиятни социалистик асосда қайта қуриш қуроли эканлигини инкор қиладилар. 1917 йилдан кейин А. Россияда контрреволюцион оқимга айланди. Ҳозирги вақтда А. Испанияда, Италияда ва Латин Америкасида маълум нуфўзга эгадир.

АНИМИЗМ (лат. anima — руҳ, жон) жонга ва руҳларга ишониш; гўё улар кишиларнинг, ҳайвонларнинг ҳаётига, теварак-атрофдаги оламнинг предметлари ва ҳодисаларига таъсир кўрсатиб турармиш. Анимистик тасаввурлар ибтидоий жамиятда пайдо бўлган. Ибтидоий кишиларнинг тасаввурларида нарсаларнинг, ўсимликларнинг, ҳайвонларнинг жони бордек туюлган. А. нинг пайдо бўлишининг асосий сабаби шу эдики, ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётнинг даражаси ниҳоятда паст эди, бунинг натижасида кишиларнинг билим запаслари арзimas даражада кам эди, табиатнинг стихияли кучларига қарши туришга инсон қодир эмас эди, бу кучлар унга ёт, сирли бўлиб кўринарди. Жамият тараққиётининг муайян босқичида бу кучларнинг жонланган тасаввур этилиши уларни ўзлаштириш формаси бўлиб хизмат қилди. Анимистик тасаввурлар кейинчалик диний эътиқод-

ларга асос бўлди; принцип жиҳатдан А. ҳар қандай динга хосдир.

АНИЧКОВ Дмитрий Сергеевич (1733—88) — рус маърифатчиси, философ, де-ст. Москва ун-тетини тамом қилгандан кейин (1761) унда математика, логика, философия муаллими қилиб қолдирилди. Ў. «Худога натурал сифинининг сошланиши ва юзага келиши ҳақида натурал илоҳийга доир муҳокамалар» деган фалсафий асарнинг авторидир (1769). Бу асарда у дний эътиқодларнинг «табиий» келиб чиқиши масаласини ўртага қўйган. 18-асрдаги француз маърифатчилари сингари, А. ҳам, дний эътиқодлар кишиларда улар тараққий этининг «варварлик» босқичида уч сабаб натижасида: нодонлик, қўрқув ва хаёлот натижасида пайдо бўлади, бу вақтда кишилар теварак-атрофларидаги табиат ҳодисаларини изоҳлай олмайдилар ва тушунилмаган нарсаларнинг ҳаммасини ғайри табиий кучларга нисбат берадилар, деб исбот қилган. Бир қанча ўринларда А. тавротнинг баъзи афсоналарини масхара қилиб қулган ва бунинг учун у реакцион профессорлар ва черков томонида таъқиб этилган. А. қуйидаги фалсафий асарларнинг автори бўлган: «Ийнсон билишининг хусусиятлари ҳақида бир неча сўз...» (1770); «Турли сабаблар ҳақида бир неча сўз...» (1774); «Annotationes in logicam, metaphysicam et cosmologiam» (1782) ва б. Бу асарларида А. билиш назариясидаги материалистик *сенсуализм* идеяларини баён қилган картезианцлар, лейбницчилар ва вольфчиларнинг *туғма идеялар* назариясини танқид қилган. Бироқ А. материализми изчил эмас эди, у *деизм* формасига бурканган эди; вольфчиларнинг азалдан белгиланган *гармония* ҳақидаги идеалистик назариясини танқид қилган ҳолда А. нинг ўзи динга ён бериб, руҳнинг ўлмаслиги мумкинлигини фараз қилган.

АННИГИЛЯЦИЯ (лат. nihil — ҳеч-нима) — айнан — ҳечнимага айланиш, йўқ қилиниш; физикада зарра ва *антизарранинг* бошқа зарраларга айланиш процессининг шартли номи. 1930

йилда биринчи марта кузатилган электрон ва позитрон А. си яхши ўрганилган бўлиб, уларнинг тўқнашувида фотонларнинг нулланиши содир бўлади. Бунинг тескари процесси ҳам мавжуддир. Шунингдек, нуклон (протон, нейтрон) ва антинуклон (антипротон, антинейтрон), гиперон ва антигиперон А. си ҳам маълумдир. «А.» термини ноаниқдир, чунки зарра ва антизарранинг тўқнашувидан уларнинг «ҳечнимага» айланиши содир бўлмайди. *Вавилов, Жолно-Қюри* ва б. ларнинг асарларида кўрсатилишича, бу процесс моддий ҳаракатнинг бир турининг иккинчи турига айланиши билан характерланади ва уни материя билан ҳаракат бирлигининг принципи асосида илмий равишда изоҳлаш мумкин бўлади. А. да зарралар системаси ҳаракатининг умумий массаси, энергияси, импульси, заряди ва микдор моменти сақлаб қолинади. А. нинг кашф этилиши катта фалсафий аҳамиятга эгадир: у материя ҳаракати формаларининг бениҳоя хилма-хиллигини ва уларнинг ўзаро бирбирига айланиб туришини тасдиқламоқда, «материянинг йўқ бўлиши» ва «энергиянинг моддийлашуви» ҳақидаги идеалистик уйдирмаларни, материянинг абадий ва ўзгармас бирламчи элементлари мавжудлиги ҳақидаги метафизик қарашни рад этмоқда.

АНСЕЛЬМ Кентерберийский (1033—1109) — ўрта аср илоҳийчиси ва философ, илк *схоластиканинг* вакили. А. нинг даъвосича, эътиқод билимдан олдин келиши лозим: «тушунмоқ учун ишонмоқ» керак; бироқ эътиқод «оқиллона» асослаб берилиши мумкин. *Универсалиялар* ҳақидаги мунозарادا А. ўта реализмга амал қилган (*Ўрта аср реализми*). А. *худонинг борлигининг* онтологик *исботи* деб аталадиган дний назарияни ривожлантирган. Архиепископ бўлган А. католик черковини баланс даражага кўтаришга қаратилган сиёсатни қаттиқ туриб амалга оширган.

АНТАГОНИСТИК ВА НОАНТАГОНИСТИК ЗИДДИЯТЛАР (грек. antagonistes — мухолиф) — турли таърихий шароитларда жамиятнинг ри-

вожланиши учун характерли бўлган зиддиятларнинг асосий турлари, типлари. А. з.—эксплуататорлик жамияти ижтимоий муносабатларининг ўзига хос зиддиятлари бўлиб, биринчиси душман синфларнинг, социал группаларнинг, кучларнинг муросасиз манфаатлари уларнинг асосини ташкил этади. А. з. революцион синфий кураш ва мавжуд ижтимоий тузумни ўзгартирадиган социал революция йўли билан ҳал этилади. А. в. нинг характерли хусусияти шундан иборатки, ўз тараққиёти процесинда улар кескинланиб, чуқурлашиб боради ва улар ўртасидаги кураш кескин конфликт даражасига бориб етади. Бу конфликтнинг ҳал этилиш формалари курашнинг консерватив тартиб-шароити билан белгиланади. Капиталистик жамиятда буржуазия билан пролетариат ўртасидаги зиддиятлар, шунингдек империалистик давлатлар ўртасида капиталистик мамлакатларнинг бозорлар учун, таъбир доиралари учун курашдан, рақобатидан келиб чиқадиган зиддиятлар А. з. нинг яққол мисолидир. Империалистик давлатлар ўртасидаги зиддиятлар гарчи синфий зиддиятлар бўлмаса-да ва, бинобарин, улар пролетариат билан буржуазия ўртасидаги антагонизмга қараганда унчалик кучли ва кескин бўлмаса-да, улар турли мамлакатлардаги империалистик ўртасида эъраваонлик курашига олиб бормоқдалар. Дунёни қайта бўлиб олиш учун, мол сотиш бозорлари ва ш. к. учун бўладиган империалистик урушларнинг сабаблари ҳам ана шу зиддиятлардадир. Н. з. бир-бирига душман синфларнинг эмас, балки туб манфаатлари муштарак бўлган синфлар, социал группаларнинг зиддиятларини ифодалайди. Бундай зиддиятларнинг характерли хусусияти шундан иборатки, ўз тараққиётида улар албатта душманларча қарама-қаршиликка айланиб кетилар ва улар ўртасидаги кураш конфликт даражасига бориб етмайди. Социализмнинг ҳомили бўлган ишчилар синфи билан майда мулкдорлар синфи—деҳқонлар ўртасидаги зиддиятлар бунга мисол

бўлиши мумкин. Н. з. мазкур зиддиятлар орқасида келиб чиқадиган иқтисодий, социал ва б. шароитларни аста-секин ва планли равишда ўзгартириб бориш йўли билан баъраф қилинади. Н. з. ҳам бошқа ҳар қандай зиддиятлар синфлари, янгилекнинг эскиликка қарши, илгорликнинг қолақликка қарши, революционликнинг консервативликка қарши кураш воситаси билан ҳал қилинади. Зиддиятларнинг характерли, мазмуни ўзгариши билан уларнинг фақат ҳал қилиш формалари ўзгаради. Лекин тараққиётнинг қонуниятли сифатида зиддият социализм даврида ҳам йўқ бўлмайди. «Антагонизм ва зиддият,— деб ёзган эди Ленин,— мутлақо айна бир нарсас эмасдир. Социализм даврида биринчиси йўқолади, иккинчиси қолади» (Ленин тўплами XI, 1929, 357-б.).

АНТЕЦЕДЕНТ ВА КОНСЕКВЕНТ — қ. Импликация.

«АНТИ-ДЮРИНГ» — Ф. Энгельснинг «Жаноб Евгений Дюринг томонидан фанда қилинган тўнтариси» китобининг тарихга кирган номи; бу китобда марксизмнинг уч таркибий қисми: 1) диалектика ва тарихий материализм, 2) сиёсий иқтисод ва 3) илмий коммунизм назарияни ҳар томонлама баён қилинган. «А.-Д.»да «философия, табиёт ва ижтимоий фанларга донр жуда катта масалалар таҳлил қилинган... Бу гоят бой мазмуни ва ибратли китобдир» (В. И. Ленин, 2-т., 13-б.). Бу китобни Энгельс марксистик назарияни майда буржуа идеологи Дюрингнинг ҳужумларидан ҳимоя қилиш учун ёзган. У вақтда ёш герман с.-д. партиясининг айрим аъзолари (мас., И. Мост) Дюринг қарашларини қувватлаб юрдилар. В. Либкнехтнинг илтимосига кўра, Энгельс 1876 йилдан эътиборан янги оқимга қарши бир туркум мақолалар устида ишлаш бошлади; бу мақолалар 1877—78 йилларда, Дюринг тарафдорларининг қаршилик кўрсатишига уринишларига қарамай, с.-д. партиясининг органи «Олга» («Vorwärts») газетасида эълон қилинди. Маркс «А.-Д.» билан қўл ёзмада та-

ничиб чиққан ва сиёсий иқтисод тарихига доир бобни (2- бўлимнинг X боби) ёзган. 1878 йилда китоб алоҳида нашр қилиб босиб чиқарилган ва ўша йилиёқ таъқиқланган. «А.-Д.» уч бўлимдан иборат: Философия, Сиёсий иқтисод, Социализм. Муқаддимада Энгельс философиянинг ривожланиш очеркни беради ва илмий коммунизмнинг пайдо бўлиши муқаррарлигини кўрсатади. 1- бўлимда у диалектик ва тарихий материализм асосларини баён қилади; философиянинг асосий масаласига материалистик жавоб беради, оламнинг моддийлиги ҳақидаги, уни билишнинг асосий қонуниятлари ҳақидаги, ҳар қандай борлиқ формалари сифатида *замон ва макон* ҳақидаги, материя ва ҳаракатнинг бирлиги ҳақидаги қондаларни асослаб беради. «А.-Д.» да *материянинг ҳаракат формалари* ҳақидаги ва *фанларнинг классификацияси* ҳақидаги масала баён қилиб берилган. Энгельс *диалектиканинг*, унинг асосий қонуनларининг хarakterистикасига, диалектик ва формалогиканинг ўзаро муносабати масаласига катта эътибор беради. «А.-Д.» да табиий илмининг энг муҳим проблемалари: *Дарвин* назарияси, органик ҳужайранинг роли ва ҳаётнинг моҳияти, *Кантнинг* космогоник гипотезаси диалектик материализм нуқтани назаридан қараб чиқилади. Энгельс *ахлоқ, тенглик, эркинлик, зарурият* ва ҳ. к. тўғрисидаги масалаларни ҳам тадқиқ қилади. 2- бўлимда Энгельс сиёсий иқтисод масалалари юзасидан Дюринг қарашларини танқид қилиб, сиёсий иқтисод предмети ва методини таърифлаб берган, товар ва қиймат ҳақидаги, қўшимча қиймат ва капитал ҳақидаги, ер рентаси ва ш. к. ҳақидаги Маркс таълимотини баён қилган. Энгельс идеалистик *зўрлик* назариясини қаттиқ танқид қилиб, жамият тараққиётида экономиканинг ҳал қилувчи аҳамиятини кўрсатган, хусусий мулк ва *синфларнинг* келиб чиқишини тушунтириб берган, революцион даврларда зўрликнинг прогрессив ролини таъкидлаб кўрсатган. 3- бўлимда Энгельс *илмий коммунизм* назарияси ва тарихининг порлоқ

очеркни беради, унинг *утопик социализмга* муносабатини изоҳлайди, жамиятни коммунистик асосда қайта қуришнинг вазифалари ва йўлларини чуқур асослаб беради, социализм ва коммунизмнинг бир қанча туб масалалари юзасидан: социализм ва коммунизм даврида ишлаб чиқариш ва тақсимот ҳақидаги, давлат, оила, мактаб ҳақидаги, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги, ақлнинг меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги қарама-қаршиликни йўқ қилиш ва ш. к. ҳақидаги масалалар юзасидан марксча таълимотни баён қилади. «А.-Д.» да Энгельс илмий дунёқарашни ва революцион пролетариат манфаатларини изчиллик билан ҳимоя қилиш намунасини, фанни буюнларга ва сиёсатдаги оппортунизмга марксистларча муросасизлик билан қараш намунасини кўрсатган. Энгельснинг китоби ҳозир ҳам диалектик ва тарихий материализм дунёқарашини эгаллаш учун қўлланма бўлиб, буржуа идеологиясига қарши ва марксизмдан ҳамма хилдаги *чеккичи*ларга қарши курашда меҳнат қилувчиларнинг гоъий қурол бўлиб хизмат қилмоқда.

АНТИЗАРРАЛАР — моддий зарралар бўлиб, уларни релятивистик квант назарияси аъдиндан билдирган (*Дирак*, 1928) ва улар космик нурларда кашф этилган (антинеутрон, яъни позитрон, 1962), сўнгра эса тезлатгичларда ҳосил қилинган (антипротон ва антинейтрон, 1955). Аниқланишича, ҳар бир оддий «элементар» зарра билан заряднинг қарама-қарши белгиси ёки бошқа хусусиятлари ила фарқ қилувчи А. таққослаб кўрилган. Материя билан кoinот структурасининг диалектик тарздаги эндииятли табиати ана шунда намоён бўлмоқда. Зарра-ангизарра жуфтнинг ўзига хос хусусияти уларнинг бир-бири билан аннигилиши яъни аннигиляция (Аннигиляция), яъни материянинг сифат жиҳатдан фарқ қилмаган бошқа турларига айланиш қобилиятида ифодаланади. Кoinотнинг бизни қуришга турган қисмида оддий зарраларнинг кўпчилиги ҳали қаноатланарли даражада эмас.

АНТИКОММУНИЗМ — ҳозирги замон империалистик реакциясининг асосий ғоявий-сиёсий қуроли. А. нинг асосий мазмуни — социалистик тузумга тўхмат қилиш, коммунистик партияларнинг сиёсати ва мақсадларини, марксизм-ленинизм таълимотини сохталаштириб кўрсатиш, капиталистик тузумни очиқдан-очиқ мадҳ этишдир (мас., америка социологларидан Л. Келсо ва М. Адлернинг «Капиталистик манифести»). Экономика соҳасида А. аввало СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар иқтисодий системасининг социалистик характерини инкор этишда, бу мамлакатлар экономикасини давлат-капиталистик экономика қилиб кўрсатишга уринишда; сиёсат соҳасида совет «тоталитаризми» ҳақидаги, жаҳон коммунизмининг агрессив характери ҳақидаги тўхмат-бўҳтондан иборат уйдирмаларда; идеология соҳасида — социализм даврида тафаккурни «стандартлаштириш» ҳақидаги бемаъни сафсаталарни қайта-қайта чайнашда намоён бўлмоқда. Социализм шароитида ижтимоий муносабатларни «дегуманизациялаш» ҳақидаги, одамни «раҳбарлар»нинг бирон хилдаги мақсадларини амалга ошириш учун оддий воситага айлантириш ҳақидаги, илмий коммунизм программ талабларининг «утопиклиги» ҳақидаги уйдирмалар мазкур бузиб кўрсатишларнинг чўққисидир. «Антикоммунизм — буржуа идеологиясининг ниҳоят даражада инқирозга кетганлигининг инъикосидир» (КПСС Программаси). Буржуа тафаккурининг ҳамма томонларига сингиб бораётган нафрат, яъни коммунизмга нафрат билан қараш коммунизмдан даҳшатга келишдан, социал тараққийётдан қўрқишдан келиб чиққан. А. ни оммавий равишда пропаганда қилишдан мақсад — меҳнатқашларнинг революцион ҳаракатини тўхтатиш, коммунизм шнорлари ва идеалларига ишончасизлик уруғини сочиш, ҳозирги замондаги барча чинакам демократик ҳаракатларни обрўсизлаштириш ва бостириндир. А. идеяларнинг мажмуидангина иборат эмасдир. Империалистик давлатлар

энг реакцион доираларининг реал сиёсий йўлини ҳам А. белгилаб бермоқда. Жаҳон социалистик системасининг эришаётган муваффақиятлари, капиталистик мамлакатларнинг ўзида А. га қарши, тинчлик ва демократия учун олиб борилаётган кураш А. нинг ўлимга маҳкум этилганлигини исбот қилмоқда.

АНТИК ФИЛОСОФИЯ — қадимги грек қулдорлик жамиятида эраמידан олдинги 7-асрнинг охирларидан бошлаб ва қадимги Рим қулдорлик жамиятида эраמידан олдинги 2-асрдан бошлаб то эрамининг 6-асри бошларигача ривожланиб борган фалсафий таълимотлар мажмуи. А. Ф. инсониятнинг фалсафий онги ривожда яхлит ва ўзига хос, лекин ажралмаган, яққанланмаган ҳодисадир. А. Ф. астрономик, математик, физик ва ш. к. билимларнинг куртақларини Шарқдан грек шаҳарларига кўчириш асосида, санъат ва поэзиядаги қадимги мифологияни ишлаб чиқиш, шунингдек фалсафий фикрни олам ва инсон ҳақидаги мифологик тасаввурлар асоратидан қутқариш натижасида вужудга келди. Эраמידан олдинги 5-асрдаёқ философ ва космологик системалар пайдо бўлиб, уларда миф (афсона) асосий қарашлар ролини ўйнашдан кўра кўпроқ фикрни ифодалашнинг образли воситаси ролини ўйнайди. Эраמידан олдинги 6-асрда ва ҳаттоки 5-асрда ҳам философия ва табиат ҳақидаги билим ҳали бир-биридан ажратилмаган эди. Экспериментал текшириш усуллари йўқ бўлган бир чоқда пайдо бўлган гипотезалар сони жуда кўп эди. Философия учун гипотезаларнинг бундай кўпчилиги оламни фалсафий нуқтаи назардан изоҳлаш тиллари хилма-хил эканлигини билдирарди. Бу хилма-хиллик ва ишлаб чиқиш даражаси А. Ф. ни кейинги замонлар учун фалсафий тафаккур мактабига айлантирди. «...Грек философиясининг хилма-хил формаларида, — деб ёзган эди Энгельс, — энг кейинги назарияларнинг дярли ҳаммаси куртақ ҳолида, пайдо бўлиш процессида мавжуддир» (20-т., 369-б.) А. Ф. тараққийотининг бошланғич

нуқтаси фалсафий материализм эди. *Филес, Анаксимандр, Анаксимен, Гераклит*, улар ўртасидаги фарқ-тафовутларга қарамай, ҳамма нарсалар қандайдир битта ва бунинг устига моддий ибтидодан келиб чиққан, деб фараз қилганлар. Бироқ содда-материалистик асос ичида эртароқ айрим назариялар кўриндики, бу назариялар кейинчалик идеализмнинг пайдо бўлишига олиб келди. Материалистик ва идеалистик йўналишларга ажралиб кетишнинг куртаклари илк грек мутафаккирларининг ўзларидаёқ юз берган эди. Эраимиздан олдинги 5-асрнинг иккинчи ярмида ва 4-асрнинг биринчи ярмида бу куртаклар материализм билан идеализмнинг қарама-қаршилигига айланиб кетди. А. Ф. да диалектик ва метафизик тафаккур методларининг қарама-қаршилиги ҳам яққолроқ намоён бўлади. Аслини олганда, кўпгина дастлабки грек философлари диалектиклар бўлиб, табиатни бир бутун деб ва, бинобарин, унинг ҳодисалари ўзаро таъсир кўрсатиб ва ўзаро алоқада бўлиб туради, деб қарардилар. А. Ф. нинг минг йилдан ошиқ тараққиёти ичида қадимги грек философиясида вужудга келган материализм ва идеализм, диалектика ва метафизика мураккаб эволюцияни бошдан кечирдилар, бу эволюция пировард ҳисобда антик жамият тараққиёти диалектикасини акс эттирди. А. Ф. да материализмни *Эмпедокл, Анаксагор, Левкипп ва Демокрит* ривожлантирдилар. *Сократ* ва айниқса *Платон* сиймосида фалсафий идеализм таълимоти вужудга келиб, бу таълимот биринчи навбатда ўзини атомистлар материализмига қарама-қарши қилиб қўйди. Шу вақтдан бошлаб А. Ф. да тараққиётнинг ўзаро курашаётган икки асосий йўли: материализм ва идеализм (ёки В. И. Ленин сўзлари билан айтганда «Демокрит йўли» ва «Платон йўли») яққол намоён бўлади. Материализм билан идеализм ўртасида иккиланиб юрган *Аристотель* ҳам олдин ўтган ва ўзига замондош бўлган таълимотлар билан мунозарарада ўз идеяларини баён қилган. Платон идеализмининг

марказий ўрнини тутган «идеялар» назариясини Аристотель томонидан қилинган танқид айниқса ўткир ва чуқур маънолидир. Полис қулдорлик системасининг кризиси бошланишни акс эттирган эллинизм даврида А. Ф. мактабларининг кураши янгидан кескинлашади. Бу вақтда *эпикуреизм* мактаби билан стоицизм мактаби (*Стоиклар*) ўртасидаги кураш жадаллашиб кетади, чунки бу мактабларнинг ўз асос эътибори билан материалистик бўлган таълимотларига идеализм элементлари кенг соқулиб кирган эди. Философия масалалари орасида биринчи ўринга этика масалалари чиқади, аммо этика табиат ҳақидаги таълимотга ҳамда билиш ва тафаккур ҳақидаги таълимотга таянади. Философия мактаблари ташқи воқеаларга лоқайдлик билан қарайдиган ва этика ҳамда тарбия масалаларига жуда қизиқиб кетган ва мақсад йўлида бирлашган кишиларнинг биқиқ ҳамдўстликларига айланиб кетади. Айни вақтда философия билан махсус фанлар ўртасидаги нисбат ўзгаради, янги типдаги арбоб ва фақат тайёргарлиги бўлган кишиларга муяссар бўладиган янги типдаги махсус олимона адабиёт пайдо бўлади. Рим империяси даврида, қулдорлик жамиятининг кризиси кескинлашиб кетган чоқда, дин йўлида фидоийликка ва дин билан таскин топишга интилиш кучаяди. Шарқдан Ғарбга диний эътиқодлар, диний таълимотлар ва расм-маросимлар тўққани ёпирилиб кириб, тарқала бошлайди. Философиянинг ўзи диний тус олади, баъзи таълимотларда эса ҳатто мистик таълимот бўлиб қолади. *Неоплатонизм* ва неопифагореизм ана шундай таълимотлардир. Булардан биринчиси христианлик фалсафий таълимотларининг ривожланишига таъсир кўрсатди. 52 йилда император Юстиниан Афинадаги философия мактабларини ёпиш тўғрисида декрет чиқарди. Лекин бу декрет чиқмасдан илгари ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда А. Ф. идеяларининг асосий доираси ўз тараққиётини тамомига етказган эди.

АНТИЛОГИЗМ — логиканинг формуласи бўлиб, у қатъий силлогизм ослаларининг унинг хулосаси билан бирга сиғишмаслигини ифодалайди. **А.** назарияси *силлогистика* вариантларидан биридир.

АНТИНОМИЯ (грек. *antinomia* — қонундаги зиддият) — муҳокама давомида бир-бирига зид бўлган ва лекин айни бир даражада асослаб берилган икки ҳукм. «А.» тушунчаси қадим замонда пайдо бўлган (Платон, Аристотель); қадимги грек философиясида «*апория*» термини **А.** маъносига тез-тез ишлатилган (мас., Элейлик *Зенонда* апориялар ҳаракат ва кўплик ҳақидаги ҳукмларнинг зидма-зидлигини ифодалайди); ҳозир семантик **А.** ларга («Елгончи») нисбат бериладиган баъзи **А.** лар ўша замондаёқ ифодаланган. Схоластик логика олимлари **А.** нинг таърифига ва анализига кўп эътибор берганлар. Кант «**А.**» тушунчасидан ўз философиясининг асосий тезисини оқлаб кўрсатиш учун қилган уринишларида фойдаланган; унинг мазкур тезисига кўра, ақл ҳиссий тажриба доирасидан чиқишга ва «нарсалар ўзидан» билишга қодир эмасдир. Кантнинг таълимотига кўра, бу хилдаги уринишлар ақлни зиддиятларга олиб келади, яъни кейин келувчи «соф ақл антиномиялари»дан ҳар бирининг тасдиқланишини (тезисини) ҳам, инкор этилишини (антитезисини) ҳам асослаб беришни мумкин қилиб қўяди: 1. Олам инҳоялидир — олам инҳоясиздир. 2. Ҳар бир мураккаб субстанция оддий қисмлардан таркиб топган — ҳеч қандай оддий нарса йўқ. 3. Оламда эркинлик бор — оламда эркинлик йўқ, лекин фақат сабабият ҳукм суради. 4. Оламнинг бош сабаби (худо) мавжуддир — оламнинг бош сабаблари йўқдир. Гегель Кант **А.** ларининг муҳим аҳамиятини қайд этиб, уларни Кант қаршларининг диалектик элементи, деб кўрсатган эди. Лекин у зиддиятларни фақат фикр, ақл соҳасига кўчирганлиги учун Кантни танқид қилган эди. **А.**, яъни зиддиятлар, деган эди Гегель, «ҳар хил предметларнинг *ҳаммасида*, *ҳамма* тасаввурлар, тушунчалар ва

идеяларда» мавжуддир. Кантнинг **А.** си ҳозирги замон формал логика формасидаги **А.** эмасдир, чунки уларда тезисни ҳам, антитезисни ҳам асослаш мантикий жиҳатдан тўғри муҳокамалар қилиш формасидаги тасаввурга сиғмайди. 19-асрнинг охири—20-асрнинг бошларида логика ва математикада (тўпламлар назариясида) чин маънодаги бир қанча **А.** лар топилган эди, бу эса логика ва математикани асослаш юзасидан қилинадиган тадқиқотларнинг активлашуви сабабларидан бири бўлган эди. **А.** ни одатда асл маънодаги **А.** га ва семантик **А.** га (*Семантик антиномиялар, Парадокслар* (логика ва тўпламлар назарияси парадокслари)) бўладилар. **А.** нинг пайдо бўлиши инсоннинг субъектив хатосининг натижаси эмасдир; у билиш процессининг диалектик характери билан, жумладан форма ва мазмун ўртасидаги зиддият билан боғлиқдир. **А.** муҳокама процессининг бир қадар (балки очиқ қайд этилмайдиган ва лекин ҳамisha амалий равишда назарда тутиладиган) формаллаштириш доирасида пайдо бўлади; у, бу формаллаштиришнинг чекланганлигидан далолат беради ва уни қайта қуриш вазифасини илгари суради. **А.** нинг ҳал этилиши акс эттириладиган мазмунга яхшироқ мувофиқ келадиган янги, тўлароқ формаллаштиришнинг жорий этилишини билдиради. Билишдан **А.** ни абдул-абад чиқариб ташлаш мумкин эмас; шу билан бирга ҳар бир **А.** учун формаллаштиришнинг **А.** пайдо бўлган доирадаги усулини тегишинча ўзгартиш воситаси билан уни истисно қилиш мумкин. **А.** ни истисно қилишнинг ҳозирги вақтда ишлаб чиқилган турли усуллари билиш диалектикасини ва ундаги мантикий *Формаллаштириш* ролини чуқурроқ тавсифлашга имкон беради. Обьектив воқеликни билиш процессида пайдо бўладиган **А.** замирида кўпинча нарсаларнинг реал диалектик зиддиятлари яширинган бўлади, уларни тегишли тушунчаларда қайта ҳосил қилиш объектив ҳақиқатни чуқурроқ пайқаб олишга имкон беради.

АНТИСФЕН Афиналик (эрамыздан олдин 435—370)—*Сократнинг* шогирди, киник мактаби (киниклар) деб аталган мактабнинг асосчиси. Бу мактаб Сократ таълимотини ривожлантирган ва фақат айримлик ҳақидаги билимни ҳақиқат деб биларди. Платоннинг идеялар ҳақидаги (мустақил суратда мавжуд бўлган умумий тушунчалар ҳақидаги) таълимотини танқид қилган ва фақат айрим нарсаларнинг борлигини тасдиқлаган. Бироқ цивилизацияни ва унинг эришган барча ютуқларини киникларча қилingan танқид, фақат энг зарур эҳтиёжлар билангина чекланишга даъват этиш, сословияли ва синфий тафовутларга нафрат билан қараш ва бундан келиб чиқадиган ўша замондаги жамиятнинг демократик элементлари билан бирлашишга чақириб янада кўпроқ аҳамиятга эга эди.

АНТИТЕЗИС — қ. *Триада*.

АНТИЦИПАЦИЯ (лат. *anticipo* — олдиндан пайқайман) — олдиндан пайқаш, бирон нарса ҳақида илгаридан қилинган тасаввур. А. *стоикларда* ва эпикурчилардаёқ учрайди; у умумий тушунчани билдиради, бу умумий тушунча конкрет айрим нарсалар ҳали бевосита *логосдан* идрок қилиб олинганга қадар онгда лайдо бўлади. *Кантда* А. ни идрок этиш ҳар қандай *тажрибани* формал равишда *априори* тарзда белгиловчи принцип сифатида намоён бўлади. Ҳозирги замон философиясида «А.» термини эҳтимол тутилган тажрибани олдиндан кўриш, тадқиқот натижаларини фараз қилиш маъносига ишлатилиб, «*мақсад*», «*илмий башорат*» категориясини ўрганиш муносабати билан ишлаб чиқилмоқда. Психологияда А.— организмнинг муайян ситуацияни кутишдан иборат бўлиб, бу кутиш бирон позада ёки ҳаракатда юз беради; инсоннинг ўз амалиёти натижаларини уни ҳали амалга оширмасданок тасаввур этиши. Логикада А. деганда кейинроқ исботланган асосни исбот қилинган деб вақтинча қабул қилиш тушунилади.

АНТОНОВИЧ Максим Алексеевич (1835—1918) — рус философ-материалисти, публицист, демократ, *Черни-*

шевский ва *Добролюбов* тарафдори. Майда руҳоний ўгли. Петербург диний академиясини тамомлаган. Руҳонийлик мансабидан воз кечиб, «Современник» журнаlining ходими бўлган (1859 йилдан бошлаб). «Ҳозирги замон философияси» (1861), «Ҳозирги замон философияларининг икки тили» (1861), «Гегель философияси тўғрисида» (1861), «Табиат кучларининг бирлиги» (1865) ва б. мақолаларида «Современник» редакцияси қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган материалистик қарашларни ифодаловчилардан бири бўлиб майдонга чиқди. А. *Кантнинг* априоризмининг ва агностицизмининг, гегелчиликни (Н. Страхов, *Чичерин*), А. Григорьевнинг шеллингчиликни, *Юркевич*, *Гогоцкий*, Карпов ва бошқаларнинг диний-идеалистик қарашларини, славянофиликлик назарияларини, *Лавров* ва *Михайловскийнинг* эклектикасини танқид қилиб чиқди. *Фалсафий* кураш билан сиёсий курашнинг алоқадорлиги А. га равшан эди. *Фейербах* ва Чернишевскийнинг антропологик принципни асосида А. муҳнаткашлар ҳаётининг моддий шароитларини яхшилаш, хат-саводликни жорий этиш ва сиёсий эркинликлар олиш талабларини илгари сурди; либерализмга қарши олиб борган курашида А. Россиядаги социал тартибларни тубдан ўзгартиш зарурлигини асослаб берди. Чернишевскийнинг эстетик қарашларининг тарафдори бўлган А. «соф санъат» назариясини танқид қилди. Журнал ёпиларидан кейин (1866) А. вақтли матбуотда материализмни ва табиий-илмий билимларни пропаганда қилишни давом эттириб, бунинг учун табиёт илмининг ютуқларидан (*Сеченов*, *Дарвин* ва бошқаларнинг асарларидан) моҳирлик билан фойдаланди. У «Чарлз Дарвин ва унинг назарияси» номли китобни ёзди (1896). 1909 йилда А. вехичликка қарши чиқиб, 60-йиллардаги адабий танқид (*Чернишевский* ва б.) традицияларини қайта бунёдга келтиришга даъват этди. А. гарчи табиий-илмий материалистик фикр ютуқларининг ва демократизм ғояларининг пропагандисти ва ҳимоячиси бўлсада,

у баъзи-баъзида ўз устозларининг концепцияларини сийқалаштирар ва вульгарлаштирарди, унинг қарашлари революцион демократларнинг қарашларидек у қадар изчил эмас эди. Унинг материализми, диалектиканинг айрим элементлари бўлишига қарамай, мушоҳадакор, метафизик бўлиб қолган эди. А. бадний асарларга кўпинча ўзининг шахсий дидига мослаб, субъективизм нуқтаи назаридан баҳо беради. Россиянинг янги шаронтида у революцион демократизм асосларининг традицияларини ривожлантиришга лаёқатли бўлмай қолди. А. гарчи марксизмга яхши назар билан қарасади, лекин уни тушунмаган эди. Аста-секин ижтимоий-сиёсий ва адабий фаолиятдан йироқлашиб, табиёт илми билан шуғулланди.

АНТРОПОГЕНЕЗ (грек. *anthropos* ва *genesis* — инсоннинг келиб чиқиши) — инсоннинг келиб чиқиш ва ривожланиш процесси. *Дарвин*, *Гексли* ва *Геккель* инсоннинг қазиб олинган олий даражада юксалган маймунлардан келиб чиққанлигини исбот қилдилар. Энгельс кўрсатганидек, қадимги кишиларнинг ижтимоий-меҳнат фаолияти А. нинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган. Бу нарса инсоннинг худо томонидан яратилганлиги ҳақидаги диний-идеалистик уйдирмаларни рад этади. Ҳозирги замон фани А. нинг ижтимоий-меҳнат назариясини тасдиқламоқда. Инсоннинг пайдо бўлиш ва ривожланиш процесси бир қанча босқичларга бўлинади. 1-босқич австралопитектларнинг (инсоннинг энг яқин аجدодлари — *Жанубий Африкада* қазиб олинган маймунларнинг) ер юзнда яшашга, ҳамма нарсани ейишга, табиий предметларни қуроллар сифатида ишлатишга, сўнгра уларни оз-моз тузатишга ва тасодифан уларни ясагу ҳўтиши билан характерланади. Бу ҳол икки оёқли антропоидларнинг — ҳайвондан инсонга ўтувчи вужудларнинг пайдо бўлишига шарт-шароит тугдирган. 2-босқич А. нинг бошланғич стадиясининг вакилларидан — энг қадимги кишилар — питекантроплар ва синантроплардан иборат ибтидоий поданинг

ташқил топиши билан боғлиқдир; бу энг қадимги кишилар систематик суратда ва атайлаб хилма-хил шаклларда қўпол тош қуроллар ясаганлар, биргалишиб ҳайвонларни овлаганлар, оловдан фойдалана билганлар. Уларнинг авлодлари — палеантроплар ёки неандерталлар энди шакли ва бажарадиган иши анча мураккаб бўлган қуролларни ясаганлар, дастлабки суғий иншоотларни (шамол тўсиқларни) яратганлар, олов топиш йўлини билганлар. Юзага келган ижтимоий ишлаб чиқариш онг ва нутқнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган, инсон гавдасини шакллантирган. Инсоннинг қарор топиши юз минг йиллар давом этган (*Жанубий-Шарқий, Жанубий, Олдинги Осиё ва Африка*). 3-босқич — ибтидоий поданинг ибтидоий жамиятга, неандерталларнинг эса ҳозирги тилдаги инсонга айланишидан иборат.

АНТРОПОЛОГИЗМ (грек. *antropos* ва *logos* — инсон ва таълимот) — Марксдан бурунги материализмнинг характерли хусусияти бўлиб, унда инсон табиатнинг олий маҳсули деб тушунилган, инсоннинг барча хусусиятлари ва хоссалари фақат уларнинг табиий келиб чиқиши билан изоҳланган. Инсон билан табиатнинг бирлигини таъкидлаб кўрсатиш инсонни идеалистларча тушунишга қарши ва руҳ билан жасадни дуалистларча ажратиб қарашга қарши қаратилган эди, 17—18-асрлар материализмида А. буржуа революциясини ғоявий асослаш учун хизмат қилиб, феодал тузум ва диннинг инсоннинг ҳақиқий табиати билан сиғишмаслигини эълон қилди. Умуман Марксдан бурунги материализм билан боғлиқ умумий камчиликлар А. га хос бўлиб, улардан энг асосийси — инсоннинг ва унинг онгининг ижтимоий моҳиятини тушунмаслиқдир. А. барча инсоний хислатлар ва хусусиятларни «индивидга хос... абстракт» (Маркс) сифатида яъни жамиятдан, ижтимоий практикадан ажратилган ҳолда олиб қарайди. Ижтимоий муносабатларнинг мажмуини эмас, ҳақиқатан ҳам инсон шахсини яратган ижтимоий та-

раққидёт объектив қонуларини эмас, балки шу хилдаги абстракт «умуман инсон»ни фалсафий тадқиқ қилишни биринчи ўринга суриш билан А., ас-лдан, инсонни биологиялаштириб қўяди. Бу эса муқаррар равишда тарихни тушунишда идеализмга олиб боради, чунки барча ижтимоий ҳодисалар инсоннинг фақат табиий сифатларига боғлиқ бўлиб чиқади. А. *Фейербах* ва *Чернишевский* асарларида тўлароқ баён этилган. Чернишевскийда А.нинг баъзи хислатлари ҳаётга актив ва революцион ёндошиш туфайли бартараф қилинган эди. Ҳозирги замон буржуа философиясида А. объектив оламни инсон моҳиятидан ҳосил бўлган бир нарса деб қаровчи идеализмнинг турли формаларини асослаш сифатида майдонга чиқмоқда. У философиянинг кўп йўналишларига (*экзистенциализм*, *прагматизм*, *ҳаёт философияси*, *антропология*), социологияга (*антропосоциология*, *социал-дарвинизм*), психологияга (*фрейдизм*) ва б. хосдир.

АНТРОПОМОРФИЗМ (грек anthropos — инсон ва morphē — форма, шакл) — инсонга хос бўлган хоссалар ва хусусиятларни табиатнинг ташқи кучларига кўчириш ва уларни уйдирма афсонавий вужудларга (худодларга, руҳларга ва ҳ. к.) нисбат бериш. *Ксенофан* ҳам А. да диннинг хусусиятини кўрган эди; А. нинг диндаги аҳамиятини *Фейербах* чуқур ва тўла очиб ташлаган эди. А. *анимизм*, *тотемизм* билан боғлиқ бўлиб, ҳозирги замон динларининг кўпига хосдир; *ислом* ва *яҳудо* динларида у яширин шаклда юз беради. Янги замонда динни содда-антропоморф тасаввурлардан тозалашга уринилмоқда (*деизм*, *теизм* ва ҳ. к.). Айрим илмий тушунчаларга ҳам антропоморфлик хосдир (мас., куч, энергия, бошқариш ва ҳ. к.). Лекин бу ҳол уларнинг объектив мазмунини истисно қилмайди.

АНТРОПОСОФИЯ (грек. anthropos — инсон ва sophia — донишмандлик) — мистик декадентлик таълимот, *теософия*нинг кўринишларидан бири. А. га пифагорик ва неоплатоник мистикадан, гностика, каббалистика, ма-

сонлик, шунингдек немис натурфилософиясидан ўзлаштириб олинган диний-фалсафий идеяларнинг аралашмаси асос қилиб олинган. Илоҳийлаштирилган ва фақат сирдан воқиф кишиларга маълум бўлган инсон моҳияти А. системасининг марказида туради. А. га немис окультисти Рудольф Штейнер (1861—1925) 1-жаҳон уруши арафасида асос солган эди («*Фаннинг сири*», 1910; «*Антропософия тезислари*», 1925). Совет Россиясида 20-йилларнинг бошларида антропософик тўғарақлар бор эди, лекин улар социал заминга эга бўлмасдан тез орада барҳам топди. А. ҳозирги вақтда ГФРда ҳамда Англия ва АҚШда сақланиб қолмоқда.

АНТРОПОСОЦИОЛОГИЯ — социологик назария бўлиб, бу назария антропологик фан маълумотларини сохталаштиради ва шу асосда айрим кишиларнинг ва улар группаларининг социал аҳволини одамнинг анатом-физиологик белгилари билан (бош суягининг ҳажми ва шакли, бўйнинг баландлиги, сочининг ранги ва ш. к.) бевосита боғли қилиб қўяди ва шунга асосланган ҳолда ижтимоий ҳодисаларни қараб чиқади. Унинг асосчиси *Ж. В. де Лапуж* (1854—1936) *Ж. А. Гобинонинг* (1816—82) олий аристократик ирқ деб даъво қилган ва унга дворянлар билан буржуазияни мансуб этган орийлар ҳақидаги сохта илмий назариясини қабул қилиб, ривожлантирди. У синфлар курашини ирқлар кураши қилиб, меҳнаткашлар озолик ҳаракатининг ўсшини «орий элементининг камайиши натижасида пайдо бўлган инқироз деб кўрсатган ҳолда «нотинч оммани» жиловлаб қўя оладиган евгеник (*Евгеника*) тadbирларни кўриш зарурлигини асослаб берган. А. *ирқчиликнинг* ғоявий қуроли бўлиб хизмат қилмоқда.

АНТРОПОЦЕНТРИЗМ (грек. anthropos — инсон ва kentron — марказ) — диний-идеалистик тасаввур бўлиб, бу тасаввурга кўра, инсон кoinотнинг маркази ва дунёнинг охириги мақсадидир; А. телеология билан маҳкам боғлиқдир. *Коперник* назарияси (*Оламнинг гелиоцентрик ва гео-*

центрик системаси), *Дарвин* таълимоти ва *фаннинг б. кашфиётлари* А. ни бартараф қилишга муҳим ҳисса қўшдилар.

АПАТИЯ (грек. *apatheia* — эҳтироссизлик, лоқайдлик) — бефарқ қараш ҳолати, активликнинг жуда ҳам пасайиб кетиши, бирон-бир ҳаракатга шавқ-ҳаваснинг йўқлиги (кўпинча олий нерв фаолиятининг бузилишидан келиб чиқади). *Стоикларнинг* ахлоқий таълимотларида А. деганда эҳтироссизлик, руҳий хотиржамлик, ҳиссиёт ақлнинг фаолиятига ҳалақит бермайдиган ҳолат тушунилади. *Стоикларнинг* фикрича, А. ўйлаш-фикрлаш учун идеал шароитдир. Афтидан, *стоикларга* шарқ диний-фалсафий қарашлари, жумладан *буддизм* ва *жайнизмнинг* нирван ҳақидаги, яъни инсон руҳининг олий даражадаги ҳолати бўлмиш мутлақ осойишталик ҳақидаги таълимоти таъсир кўрсатганга ўхшайди.

АПЕЙРОН (грек. *apeiron* — чексиз) — *Анаксимандр* томонидан абадий ҳаракатдаги чексиз, ноаниқ, бечифат материяни билдириш учун жорий этилган тушунча. *Нарсаларнинг* ҳамма чексиз хилма-хиллиги, барча оламлар А. дан қарама-қаршиликларнинг (исеиқ ва совуқ, ҳўл ва қуруқ) ажралишидан ва уларнинг курашидан пайдо бўлган. «А.» тушунчаси материянинг конкрет модда (сув, ҳаво) билан бирдайлиги ҳақидаги тасавурларга нисбатан қадимги грек материализмининг муҳим ютуғидир. *Пифагорезмда* А., яъни шаклсиз, чексиз ибтидо ўз қарама-қаршилиги — «чеклик» билан бирликда бутун мавжудотнинг исгизидир.

АПОДЕЙКТИКА (грек. *apodeiktikos* — ишончли) — сўзсиз, радди-бадалсиз тасдиқ қилинадиган нарса, мутлақ ишончли билимини билдириш учун ишлатиладиган тушунча. Бу термин билан *Аристотель* мутлақ чин асослардан қатъий зарур, дедуктив равишда ҳулоса қилиб чиқариладиган исботни билдиради. *Чунончи*, у силлогизмни аподиктик билимининг кўроли сифатида олиб қарайди. «Аподиктик» термини эҳтимоллик (проблематик)

ҳукмлардан ва воқелик (ассерторик) ҳукмлардан фарқли ўлароқ, зарурият ҳукмларини билдиради.

АПОЛОГЕТИКА (грек. *apologetikos* — ҳимоя қилувчи) — *теологиянинг* бир тармоғи. А.нинг мақсади — ақлга таъсир этишни мақсад қилиб қўйган далиллар ёрдамида диний таълимотни ҳимоя қилиш ва ҳақ қилиб кўрсатишдан иборат. А. католик ва православ илоҳиёт системасига киритилади; протестантизм диннинг ақлдан устунлигини даъво қилиб, А. ни рад этади. А. таркибига қуйидагилар кирди: худо борлигининг исботи, руҳнинг ўлмаслиги, худо кароматларининг белгилари ҳақидаги (шу жумладан, мўъжизалар ва пайғамбарликлар ҳақидаги) таълимот, динга ва унинг айрим ақидаларига қарши қаратилган эътирозларнинг таҳлили, шунингдек бошқа динга оид тавба-тазарруларнинг теологик аналizi. А.нинг ички иллати шундан иборатки, у ақлга мурожаат қила туриб, айни вақтда асосий диний ақидаларни пайқаш ақлга муъясар бўлмаслиги тўғрисида сўзлайди, яъни форма жиҳатдан рационалистик бўлган А. мазмун жиҳатдан иррационалистикдир. Нозик софистика, ўтақатган ғаразғўйлик ва догматизм, обсервантизм ва ғайри илмийлик А.нинг характерли хусусиятидир. Ҳозирги замондаги диний А. буржуа социал А. си билан ва диний фалсафа билан маҳкам боғлиқдир.

АПОРИЯ (грек. *aporia* — мушкул аҳвол) — қадимги грек философиясида ҳал қилиниши мушкул проблемани билдирувчи тушунча. А. шу асосда юз берадики, предметнинг ўзида ёки унинг ҳақидаги тушунчада зиддият мавжуд бўлади. А.ни элейлик *Зеноннинг* ҳаракатнинг мумкин эмаслиги ҳақидаги муҳокаmaları деб аташ расм бўлган (Зеноннинг ўзи бу терминни ишлатмайди). «Дихотомия» А.сида айтилишича, бирон масофани босиб ўтишдан олдин унинг ярмини босиб ўтмоқ зарур, ярмини босиб ўтмоқ учун мазкур ярмининг ярмини босиб ўтмоқ керак ва ҳ. к. ниҳоятсиз шундай бўлиб кета беради. Бундан: шундай қилиб, ҳаракатнинг бошлани-

ни мумкин бўлмайди, деган хулоса чиқарилади. «Ахилл ва тошбақа» А. нда айтилишича, чоғон Ахилл ҳеч қачон тошбақани қувиб етолмайди, чунки «старт» бошланган пайтда тошбақа турган жойга Ахилл то етиб бергунча тошбақа бир қанча масофага илгари кетиб қолган бўлади ва ҳ. к. Ҳаракатнинг зидма-зидлигини тўғри пайқаган ва лекин унинг қарама-қарши моментлари бирлигини тушунолмаган Зенон ҳаракатнинг бўлиши мумкин эмаслиги ҳақида ва шу билан умуман ҳаракат имкониятдан ташқари эканлиги тўғрисида хулоса чиқарган. «А» терминининг фалсафий маъноси биринчи марта Платонда ва Аристотелда татбиқ этилади. Аристотель бу терминга «қарама-қарши хулосаларнинг тенглиги» деб таъриф беради. Кантнинг *антиномиялари* А. га яқиндир.

АПОСТЕРИОРИ (лат. *aposteriori* — сўнгидан) — *априоридан* фарқи ўлароқ тажрибадан олинган билимни билдирувчи термин.

АПОФАНСИС (грек. «инкор» маъносига «апофасис» билан аралаштирмаслик керак) — Аристотель бу терминни *ҳукм* дейди ва уни бундай деб таърифлайди: «Ҳар қандай гап бир нимани билдиради, лекин ҳар қандай гап ҳукм бўла бермайди, балки фақат тўғри ёки нотўғри фикр бўлган гап ҳукмдир». Классик логикада А. бирон нарса тўғрисида тасдиқки фақат тўғри ёки нотўғри фикрдан иборат қилиб қўйилади. Агар А. хулоса чиқариш мақсадида бошқа фикрлар билан боғлаб олинса, унда Аристотель «прогасис» («асос») терминини ишлатган.

АПЕРЦЕПЦИЯ (лат. *aperceptio* — идрокка) — ҳар бир янги идрок инсоннинг ўтмиш ҳаётий тажрибасига ва унинг идрок этиш пайтидаги руҳий ҳолатига боғлиқлиги. Бу терминни *Лейбниц* киритган; унда А. ўз-ўзини *англаш* билан боғлиқдир (*перцепциядан* фарқ қилиш учун). Шунингдек қ. *Трансцендентал аперцепция*).

АППРОБАТИВ ЭТИКА (лат. *approbatio* — маъқуллаш) — идеалистик ахлоқий назариялар бўлиб, бу назарияларда

яхшилик деганда бирон мўътабар зотнинг (авторитетнинг) руҳсатини олиш тушунилади (у буюради ёки маъқуллайди). Ким ёки нима бундай мўътабар зот (худо, инсоннинг ахлоқий ҳисси ёки жамият) ҳисобланишига қараб, А. э. теологик, психологик ва социал-аппробатив назарияларга бўлинади. Теологик назарияларга мисол қилиб *неопротестантизмнинг* ахлоқий таълимотини кўрсатиш мумкин; бу таълимотда худонинг мутақ иродаси ахлоқнинг олий қонуни ҳисобланади. Иккинчи хилдаги концепциялар *ахлоқий ҳиссиёт назариялари* деб ном олган. Социал-аппробатив этикани француз социологлари *Дюркгейм* ва *Левин-Брюль* яратганлар. Уларнинг «коллектив тасаввурлар» назариясига кўра, ахлоқий баҳолашлар ва буюришлар бирон-бир объектив ва билувчилик маъносидан маҳрум бўлиб, улар фақат жамият обрў-эътиборининг тасдиқлашига асосланади. Шу сабабли гўё уларнинг ҳақиқатлигини илмий равишда исбот қилишга уриниш бефойда эмиш. Кейинчалик ахлоқ ҳодисаларини психологик ва социал-аппробатив тушуниш уларни скептикларча ва нигилистларча шарҳлашга олиб келди (*Мантиқий позитивизм, Эмотивизм*). Умуман А. э. ахлоқни объектив-идеалистик ёки субъектив идеалистик руҳда талқин қилади, ахлоқда баҳо беришларнинг объектив критериялари мавжудлигини инкор этади. Амалда бу ҳол инсоннинг ўзидаги ёки жамиятда расм бўлган ахлоқий тасаввурларга оқилона-танқидий муносабатда бўлишдан воз кечишга, уларни кўр-кўрона ишониш ёки субъектив мойиллик асосида қабул қилишга сабаб бўлади.

АПРИОРИ (лат. *apriori* — азалдан) — идеалистик философия термини бўлиб, тажрибадан илгарига *ва* унга боғлиқ бўлмаган, азалдан *онгга* хос бўлган билимни билдиради. Тажрибадан *ва* тажриба натижасида олинган билим — *апостериорнинг* тескариси. Бундай қарама-қарши қўйиш айниқса *Кант* философияси учун характерлидир; ҳиссий идроклар

ёрдамида олинган билимни чин билим эмас, деб ҳисоблаган Кант унга ишончли билим шартлари сифатида ҳиссиёт (макон ва замон) ва фаросат (сабаб, зарурият ва ҳ. к.) априор формаларини қарама-қарши қўйган. Дialeктик материализм ҳар қандай априор билимни рад этади.

АРАБ ФИЛОСОФИЯСИ — ўрта асрчилик даврида ислом динини қабул қилган ва араб тилидан фан тили сифатида фойдаланган Шарқ халқлари мутафаккирлари томонидан ишлаб чиқилган фалсафий таълимотлар мажмуи. А. Ф. нинг пайдо бўлиши каломнинг (рационал илоҳиётнинг) илк намояндалари бўлмиш муътазиллийлар («алоҳидалар») фаолияти билан боғлиқдир; инсон иродасининг эркинлиги ва илоҳий атрибутлар ҳақидаги масалаларни муҳокама қилишдан иш бошлаган муътазиллийлар дин доирасидан ташқари чиқадиган ва ҳатто унинг баъзи аҳком-ақидаларига футур етказадиган концепцияларни ишлаб чиққанлар. 9-асрда араблар қадимги замоннинг табиий-илмий ва фалсафий мероси билан кенг танишадилар. *Аристотель* философияси ва унинг табиийёт ва логика масалаларига ниҳоят даражада кўп қизиқиш арабларнинг диққат марказида бўлади. Бироқ *Аристотель* философиясини ўрганиш унинг Афина ва Александрия неоплатоник мактабларидан чиққан энг кейинги шарҳловчилари асарлари билан ва умуман *неоплатонизм* билан танишиш воситаси орқали амалга ошади. «Неоплатонлаштирилган» аристотелизм ўрта аср А. ф. сида етакчи йўналиш бўлган шарқ перипатетизми (*Перипатетика*) йўлида ривожланган таълимотларга асос бўлди. Аристотелизм концепцияларини биринчи бўлиб татбиқ этган мутафаккир Ал Киндий бу йўналишнинг отаси ҳисобланади. Шарқ перипатетизмнинг ундан кейинги ривож *Урта осиелик мутафаккирлар Форобий* (873—950) ва *Ибн Сино* номлари билан боғлиқдир. Ал Киндийга қарама-қарши ўлароқ, бу философлар оламнинг абадийлигини исбот қилдилар. Уларнинг айтишича, худо «ўз-ўзлиги

туфайли заруран мавжуддир», эманация воситаси билан келиб чиқадиган олам эса «бошқа нарса туфайли заруран мавжуддир» ва «эҳтимол ўз-ўзлиги туфайли мавжуддир», космик ва табиий ҳодисалар илоҳий тадбиркорликка боғлиқ эмасдир, чунки худони билиш айрим нарсага эмас, балки фақат универсал нарсага жорий қилинади.

Форобий биринчи бўлиб материянинг абадийлиги, йўқолмаслиги ҳақидаги фикрни олға сурди. Олим эманация асосидан келиб чиқар экан, заруран вужуд сабаблар, материя эса унинг натижаси, сабабнинг хислатлари материяга ҳам кўчади. Форобий биринчи бўлиб Платоннинг ва турли динларда ҳам учрайдиган руҳнинг ўлмаслиги ва кўчиб юриши тўғрисидаги таълимотни танқид қилди. Ҳиссий билиш ва айниқса ақлий билишнинг диний ақидалардан устуңлигини исботлашга уринди, биринчи бўлиб ижтимоий ҳаёт, инсон практикасининг табиий равишда зарурият натижасида келиб чиққанлигини асослашга ҳаракат қилди. Ибн Синонинг фикрича, универсаллик (умумий идеялар) уч хил борлиққа: илоҳий ақлдаги, нарсалардаги ва инсон интеллектидаги борлиқларга эгадир; материя формаларни қабул қилишга илгаридан мойилдир, ammo уларни ташқаридан олади; ўлмайдиган инсоний руҳларни ҳам туғдирадиган «фаол ақл» деб аталувчи ақл «ой тагидаги олам» учун «формалар ҳадя қилувчи» бўлиб чиқади. Инсон борлигининг олий мақсади — мазкур ақлни билишдан иборат. Форобий ва Ибн Сино перипатетизми билан ёнма-ён равишда ортодоксал *исломга* душманлик кўзи билан қарайдиган, жумладан, «Ихвон ас-Сафо» («Соф биродарлар») махфий ташкилоти нуқтан назари каби баъзи бошқа фалсафий оқимлар ҳам ривожланиб борди. Ортодоксал *исломга*, худди шунингдек рационалистик философияга ҳам тенг муносабатда бўлган оппозициянинг бошқа бир формаси — сўфийларнинг (*Сўфизм*) мистик оқими эди; сўфийларнинг теософик доктриналари гностицизмнинг (*Гнос-*

тиклар), неоплатонизмнинг ва баъзи шарқ динларининг таъсири борлигини кўрсатмоқда. Бу доктриналар замирида моддий дунёнинг алоқаларини тарқ этган инсоннинг худонинг дийдорини мушоҳада қилиш ва охирида у билан бирлашиб кетиши мумкинлигига ишонини асос бўлиб ётади. Кейинроқ юзага келган калом вакиллари бўлмиш мутакаллимлар, Ал Ашъорининг (874—935) издошлари рационал далиллар ёрдамида исломни кўкларга кўтариб мақтадилар. Улар худонинг карамати, дунёнинг яратилганлиги ва мўъжизалар бўлиши мумкинлиги ҳақидаги ақидаларни исботлаш учун *атомистикадан* фойдаландилар. Ал Газзолий (1059—1111) диний-идеалистик йўналишнинг вакили эди; у мутакаллимлар ва сўфийларнинг концепцияларини синтез қилиш асосида шарқий перипатетикларининг философиясидаги натуралистик ва рационалистик элементларни танқид қилди. А. ф. нинг ундан кейинги ривожчи Андалусияда ва Шимолий Африкада давом этиб, унда Ибн Бажжа (тах. 1070—1138), Ибн Туфайл (1110—85) ва *Ибн Рушд* (Аверроэс) шарқий перипатетика мактабининг вакиллари эдилар ва бунда Ибн Рушднинг ижодиёти ўрта аср А. ф. нинг чўққисини ташкил этади. У Аристотель таълимотини унга кейинроқ қўшилган неоплатоник гардлардан тозалабгина қолмасдан, шу билан бирга Форобий ва Ибн Сино таълимотини давом эттириб натуралистик *пантеизмга* мойил бўлган мустақил системани ривожлаштирди. Ибн Рушд ақлнинг диндан устун туришини асослаб берди ва илоҳиётчиларнинг фалсафий проблемалар билан шуғулланишга ҳақли эмаслигини исботлади. Шу билан бирга у философларни ўз таълимотларини «кең халойиқ» олдига эълон қилмасликка даъват этди, чунки бу нарса уларни диний эътиқодлардан ва, демак, ахлоқий принциплардан ҳам маҳрум қилиб қўйиши мумкин, деди. Ибн Рушд таълимоти ўрта аср Фарбий Европасида фалсафий ҳур фикрликнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди (*Аверроизм*). Сўнгги

йирик намоёндаси Ибн Рушд бўлган умуман шарқ перипатетик мактаби жамиятнинг илғор табақаларининг диний дунёқараш бўғовларидан қўтилишга интилишларини тўлароқ акс эттирарди. Сўнгги юз йилликлар давомида мусулмон Шарқ халқларининг маънавий ҳаётида догматик теология ва мистика кучлари тобора кўпроқ бирлашиб, мустаҳкамланиб борди ва фақат 19- асрнинг охиридан уларга қарши кураш янгидан бошланди. Бундан фақат шимолий африкалик тарихчи Ибн Халдуннинг (1332—1406) ижодиёти мустаснодир, чунки у тарихий ҳодисаларнинг умумий қонуниятларини ўрганиш талабини биринчи бўлиб илгари сурган ва ўзининг мустақил социологик назариясини яратган эди.

АРГУМЕНТ — далил. 1. Логикада бирон бошқа ҳукмнинг (ёки ҳукмлар системасининг) ҳақиқатлигини тасдиқлаш учун келтириладиган ҳукм (ёки ҳукмлар системаси); *исботнинг асоси* ёки далили, баъзан умуман бутун исбот А. деб аталади. 2. Математикада ва математик логикада — мустақил ўзгарувчи функциялар ва муайян *функциянинг ёки предикатнинг* аҳамияти мазкур ўзгарувчи функциянинг қимматига боғлиқдир.

АРЕОПАГИТИКЛАР — «Худонинг номлари ҳақида»ги, «Осмон иерархияси ҳақида»ги, «Черков иерархияси ҳақида»ги ва «Сирли илоҳиётдан иборат тўрт трактатнинг ҳамда эрамининг 1- асрида Афинанинг биринчи епископи Дионисий Ареопагитга. (мазкур асарлар йиғиндисининг номи ҳам ана шундан келиб чиққан) узоқ вақт давомида ёзилган ўн хатнинг йиғиндиси; лекин сўнгги вақтдаги фан бу йиғиндини сохта деб эълон қилди. А. да 1- асрда ҳали мавжуд бўлмаган *неоплатонизмнинг* кучли таъсири сезилиб турибди. А. да ривожланган черков таълимоти баён қилинган, ваҳоланки 1- асрда бу таълимотнинг ҳам бўлиши мумкин эмас эди. 5- асрнинг ўрталаригача бутун илк христианлик адабиётида бу асарлардан келтирилган бирон далил кўринмайди. Бу ҳилдаги ҳамда бошқа кўп далиллар

олимларни мазкур тўпламни 5-асрга нисбат беришга ва Дионисий Ареопагит ўз вақтида черков тарихининг ilk арбоби сифатида катта обрў-эътиборга эга бўлганиги сабабли уни мазкур тўпламнинг автори деб ҳисоблашга мажбур этган. Баъзи олимлар Шарқда иш кўрган грузин епископи Петр Иверни А. нинг автори деб ҳисоблайдилар. Ўз мазмунига кўра, А. систематик суратда ўйлаб чиқарилган ўрта аср христианлик таълимотдан иборат; су таълимотга кўра, билиб бўлмайдиган худо борлиқнинг маркази бўлиб, ундан аста-секин камайиб борувчи ёруғлиқ эманациялари фаришта-лар дунёси, черков ҳокимияти орқали ҳамма томонга ёйилиб, то оддий ки-шилар ва нарсаларгача етиб боради. Бу таълимотдаги пантеистик хислат-лар ўзини яққол кўрсатиб турарди ва черков ақидасига нисбатан прогрессив хислатлар эди. Бутун минг йиллик давомида, то Уйғониб давригача, А. диний-фалсафий фикрининг энг маш-хур асарлари бўлган ва бутун ўрта аср философиясининг гоавий манба-ларидан бири бўлиб хизмат қилган эди. Айни вақтда А. да ўрта аср мисти-каси бузилиб бориши билан бирга материя ва форма ҳақидаги таъли-мотда диалектика элементлари ва ижобий белгилар кўрина бошлади, бундан ўрта аср аристотелизмга ва схоластикасига қарши курашда му-ваффақият билан фойдаланилди.

АРИСТАРХ САМОСКИЙ (эра-миздан олдин тах. 320—250)—қадимги грек астрономи, пифагорчи, Стратоннинг шогирди. Унинг томони-дан Ердан то Кўёш ва Ойгача бўлган масофаларни ва уларнинг ҳажмлари-ни геометрик йўл билан ўтказилган ўлчашлар уни Аристотелининг геоцент-рик системаси асоссиз эканлиги тўғ-рисидаги хулосага ва гелиоцентрик системани яратишга олиб келди (*Оламнинг гелиоцентрик ва геоцент-рик системалари*). А. С. системаси қадим замонда эътироф қилинмади ва то Коперник давригача унутилиб келди.

АРИСТИП (эрамиздан олдин тах. 435—355)—қадимги грек философи, *Сократнинг* шогирди, Кирена (гедон)

мактаби (*Киренаиклар*) деб аталган мактабининг асосчиси. Унинг асарлари сақланиб қолмаган. А. билиш назари-ясидаги *сенсуализмни* этикадаги *гедонизм* билан қўшиб олиб борган. А. ҳаётнинг олий мақсади хурсандчилик-да деб билган, лекин унинг фикрича, инсон хурсандчиликка бўйсунмаслиги лозим, балки оқилона лаззатланишга интилиши керак, чунки оқилона лаз-затланиш унинг олий саодатидир. Ях-шилиқ ва ёмонликнинг, чин ва ёлгон-нинг мезони — хурсандчилик ва азоб-уқубатдир.

АРИСТОТЕЛЬ (эрамиздан олдин 384—322)—қадимги грек философи ва энциклопедик олими, логика фани ва махсус билимнинг бир қанча тар-моқларининг асосчиси. Маркс уни «қадимги замоннинг буюк мутафакки-ри» деб атаган эди. Фракияда Ста-гирда туғ; Афинада Платон мактаби-да таълим олган. Жисмсиз формалар («идеаллар») тўғрисидаги платонча на-зариyani танқид қилган, бироқ «идеа-лизм билан материализм ўртасида» (В. И. Ленин, 29-т, 258-б). иккила-ниб, платонча идеализмни батамом бартараф қилолмаган. Афинада (335) ўз мактабини (*Лицей*) ташкил этган. Философияда А. қуйидагиларни бир-биридан фарқ қилган: 1) назарий қисм — борлиқ ҳақидаги таълимот, унинг қисмлари, сабаблари ва асо-слари. 2) амалий қисм — инсон фао-лияти ҳақида ва 3) поэтик қисм — ижодиёт ҳақида. Фаннинг предмети— ақл билан пайқаладиган умумийлик-дир. Лекин умумийлик фақат ҳиссий идрок этиладиган айримликда мав-жуд бўлиб, у орқали билиб олинади: умумийликни билиш шarti — индук-тив умумлашмадир, бу умумлашма эса ҳиссий идроксиз мушки эмасдир. А. тўрт сабабни эътироф этарди: 1) материяни ёки қарор топшнинг пас-сив имкониятини, 2) форма (моҳият, борлиқнинг моҳияти)ни, материяда фақат имконият сифатида мавжуд бўлган нарсанинг воқелигини, 3) ҳа-ракатнинг бошланишини ва 4) мақ-садни. А. бутун табиатни «материя»-дан «форма»га ва аксинча, изчиллик билан ўтиб туришлар тарзида олиб

қарайди. Бироқ материяда А. фақат наслини ибтидоини кўриб, бутун активликни эса формага нисбат берарди ва ҳаракат бошланиши билан мақсадни формадан иборат қилиб кўярди. Ҳар қандай ҳаракатнинг манбаи А. да — «ҳаракатсиз биринчи ҳаракатлантирувчи» — худодир. Шунга қарамай, А.нинг «форма» ҳақидаги объектив-идеалистик таълимоти «Платон идеализмига қараганда кўп жиҳатдан объективроқ ва *узоқлаштирилганроқ, чиммиyroқдир*, шунинг учун ҳам натурафилософияда кўпроқ материализмга олиб келади» (В. И. Ленин, 29-том., 255-6.); «Аристотель материализмга яқинлашиб боради» (ўша ерда, 259-6). А.нинг формал логикаси борлиқ ҳақидаги таълимот билан, билиш назарияси билан ва ҳақиқат назарияси билан маҳкам боғлиқдир, чунки мантиқий формаларда А. шу билан бирга борлиқ формаларини ҳам кўрган. Билиш ҳақидаги таълимотда А. ишончли *билимини (Аподейктика)* «фикр» соҳасида тааллуқли бўлган эҳтимоллик билимдан фарқ қилиб қараган (*Диалектика*). Бироқ билимининг бу ҳар иккала тури А. да тил орқали ўзаро боғлангандир. А.нинг фикрича, тажриба—«фикр»ни текширишда охириги инстанция эмасдир ва фаннинг олий асослари ҳислар билан эмас, балки ақл билан ҳақиқий асослар сифатида бевосита назарда тутилади. Аммо билимининг ақл югуртириш билан пайқаб олинмаган олий аксиомалари бизнинг ақлимизга тугма қилиб берилган эмасдир ва улар фаолият кўрсатиши: фактлар тўплашини, фикрни фактларга қаратишини ва ҳ. к. назарда тутати. А.нинг фикрича, фаннинг охириги мақсади предметни таърифлашдир, бунинг шарти эса *дедукциячи индукция* билан қўшишдир. Унинг фикрича, бошқа барча тушунчаларнинг предикати бўла оладиган тушунча йўқлиги ва, демак, турли тушунчаларни ягона умумий жинсда умумлаштириш мумкин эмаслиги сабабли, А. категорияларни, яъни чиниш мавжуд нарсанинг қолган жинслари келтириб жамланмаган олий жинсларни кўрсатиб ўтган. Кос-

мологияда А. *пифагорчиларнинг* таълимотини рад этган ва геосентрик системани ишлаб чиққан; бу система то гелиоцентрик системани яратган *Коперникка* қадар олимлар ақлида ҳукмронлик қилиб келган. Этикада А. ақлнинг мушоҳадакорлик фаолиятини олий фаолият деб билган. Қулдорлик Грецияси учун характерли бўлган жисмоний меҳнатни эркин кишиларнинг имтиёзи бўлмиш ақлий дам олишдан ажратиб ана шунда кўриган. А. учун маънавий намуна—худодир ёки энг мукаммал философ, «ўзини фикрловчи тафаккурдир». Жамият ҳақидаги таълимотида А., қулдорлик муносабатлари гўё табиатнинг ўзида илдиз отган, деб исбот қилмоқчи бўлган. А. давлат ҳокимиятининг энг олий формалари деб шундай формаларни ҳисоблардики, унда ҳокимиятдан тамаъгирлик мақсадида фойдаланиш имконияти истисно қилинади ва унда ҳокимият бутун жамиятга хизмат қилади. А.нинг философияда иккиланишлари унинг кейинги таъсирининг икки ёқламалигини белгиланган эди: унинг таълимотининг материалистик тенденциялари феодал жамият философиясида прогрессив идеяларнинг ривожланишида муҳим роль ўйнайди, идеалистик элементлари эса А. таълимотини «ўлик схоластика»га айлантирган, ундан «ҳамма изланишларни, иккиланишларни, масалаларни қўйиш усулларини» (В. И. Ленин, 29-т., 326-б.) чиқариб ташлаган ўрта аср черков ҳодимлари томонидан бўрттириб кўрсатилган эди. А.нинг «Метафизика»сини (асосий асарини) ўрганиб чиққан Ленин унинг таълимотидаги «диалектиканинг жонли куртаклари ва талаблари»ни ақлнинг кучига, билишнинг кучига, қувватига, объектив ҳақиқатлигига» соддалик билан ишоншини юксак баҳолаган эди (ўша ерда).

АРКЕСИЛАЙ — (эрамиздан олдин 315—241)— «ўртача» Платон академияси деб аталган (*Платон академияси*) академиянинг асосчиларидан бири. Бу иккинчи академиянинг характерли хусусияти шу эдики, унда Платоннинг ижобий фикрлари бўшаши-

рилган ва скептицизм йўлига ўтилган эди. Платондан бунда фақат турли хилдаги мантикий концепцияларга катта мойиллик қолган эди, бу концепциялар айти ҳолда догматик философиядан ва фақат эҳтимоллик тушунчаларининг барқарорлигидан иборат қилиб қўйилган эди. Этикада ҳам А. платонча руҳий кўтаринкилик таълимотини заифлаштириб, уни руҳий ҳолатнинг безовта бўлмаслиги ҳақидаги таълимотдан иборат қилиб қўйилган эди.

АСКЕТИЗМ (грек. askeo — машқ қилаётибман) — зоҳидлик — дунёнинг ҳузур-ҳаловатидан ўзни ҳаддан ташқари тийиш ва ахлоқий ёки диний камолатга эришиш учун ноз-неъматлардан ниҳоят даражада воз кечиш билан характерланувчи принцип. Дастлабки вақтларда, Қадимги Грецияда А. эзулик фазилатини машқ қилиш деб аталган. А. Қадимги Шарқ диний таълимотларида, кейин эса Пифагор таълимотида назарий жиҳатдан асослаб берилган. Илк христианликда умрини хилватда ва риззатда, рўза тутиб ва намоз ўқиб ўтказган кишилар аскет (зоҳид) деб аталган. Реформация даврида А. нинг илк христианлик ва ўрта асрчилик идеали ўзгарди. Протестантизм «дунёвий аскетизм» талабини илгари сурди. Илк деҳқон ва пролетар ҳаракатлари А. га даъват қилган эдилар. Бу, ҳукмрон синфларнинг зеб-зийнат ичида ва бекорчилик билан яшашига қарши норозилик формаси эди. Марксистик этика А. ни ақлга тўғри келмайдиган ва оқлаб бўлмайдиган фидойилик деб, ахлоқий камолат ҳақидаги нотўғри тасаввурларнинг натижаси деб қарайди. Бу этика «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун» деган принципга асосланади. Аммо марксизм бошқа хилдаги ҳаддан ошишларни — нафсни тия олмаслиқни, ортиқча зеб-зийнатни, ҳузур-ҳаловат, лаззат кетидан қувиб умр ўтказишни ҳам қоралайди.

АСОС — бу шундай бир ҳодисаки, у бошқа бирон ҳодисанинг (натижанинг) зарур шарт сифатида юзага келади ва унинг изоҳи бўлиб хизмат

қилади. А. ни топиш ва ўрганиш ҳамда ундан натижалар чиқариш процесси асослаш деб аталади. Философия ва конкрет фанлар тарихи А. ларни қидириб топишлар ҳамда улар ёрдами билан табиат ва жамият ҳодисаларини изоҳлаб беришлар силсиласидан иборат. Диалектик логика системасидаги категория сифатида А. Гегель томонидан ишлаб чиқилган. А., Гегелнинг фикрича, олиб ташланган ва ҳал этилган зиддиятлар. Унинг фикрича, зиддиятларнинг ҳал этилиши абсолют фаолият ва абсолют А. бўлиб қолади. Буржуа философиясида Гегелдан кейин А. категорияси бошлчи умуммантикий нуқтани назардан олиб қаралди (Шопенгауэр, Вундт, Зигварт, Витгенштейн ва б.). А. ва натижа диалектикасига марксистик қараш воқеликнинг ўзига мурожаат этишни ҳамда уни шундай анализ қилишни назарда тутадик, бу анализ фактларни танлаш ва шарҳлашда субъективизмни, шунингдек асослашнинг зоҳирий кўринишини юзага келтирадиган соф формал А. ларни истисно қилади. Нарсаларнинг ҳақиқий А. и. фақат уларнинг моҳиятини, бу нарсаларнинг ҳаракати ва тараққиёти қонуни сифатида уларга ичдан хос бўлган зиддиятларни очиб бериш воситаси билангина пайқалади (шунингдек, қ. *Етарли асос қонуни*).

АСОСЛАР (лат. praemissae) — логикада — ҳукмлар бўлиб, бу ҳукмлардан *хулоса чиқаришида* янги ҳукм (хулоса) келиб чиқади. Хулоса чиқаришнинг турига қараб, А. энг турли-туман ҳукмлар ва уларнинг бирикмаларидан иборат бўлиши мумкин. Чиқариладиган хулоса чин бўлмоғи учун А. чин бўлмоғи ва улар мантиқан тўғри бўлмоғи, яъни логика қонунларига қўра, хулосада бирлашмоғи зарур.

АССОЦИАТИВ ПСИХОЛОГИЯ — психологияда турли оқимлар бўлиб, улар *ассоциациядан* асосий изоҳлаш принципи сифатида фойдаланадилар. Ўз тарихининг муқаддимасида *Гобсга, Локка* ва *Спинозага* бориб тақалган бу оқимлардан ҳар бири, одатда, материалистик ва идеалистик қанотга бўлянади. *Гартли*, кейинроқ *Пристли*

Гобсга эрганиб, ассоцианизмнинг материалистик традициясини ривожландирадилар ва психик фаолиятни ассоциацияларнинг умумий қонуларидан хулоса қилиб чиқариб, мазкур фаолиятни мия процессларидан юзага келишини эълон қилдилар. А. п. нинг идеалистик томонини — психик фаолиятни субъектив тасаввурлар ассоциациясидан иборат қилиб қўйишни — феноминалистик асосда Юм (у «тасаввурларнинг боғламлари» ҳақида сўзлайди) ҳамда Гербарт ишлаб чиқади. 19-асрда асосан Англияда (Д. Милль, Милль, Бен) узил-кесил шаклланган А. п. материалистик ва идеалистик қанотни механицизм (психологик атомизм, ментал химия ва ҳ. к.) заминда бирлаштиради. 20-асрда А. п. бихевиоризмда давом этиб, унга хос бўлган механистик тенденциялар ниҳоятда кескинлашиб кетади.

АССОЦИАЦИЯ (adsocio — бирлаштираман, қўшаман) — психика элементлари ўртасидаги алоқа бўлиб, шу алоқа туфайли бир элементнинг юзага келиши муайян шароитда у билан боғли бўлган бошқа элементни вужудга келтиради. А. нинг энг оддий натижаси, мас., инсоннинг алифбе ҳарфларини изчиллик билан такрор ҳосил қилишидан иборат. А. субъект билан объектнинг ўзаро таъсири процессида бу ўзаро таъсирнинг элементар маҳсулларидан бири сифатида пайдо бўлиб, предметлар билан ҳодисаларнинг реал алоқаларини акс эттиради. А. психик фаолиятнинг зарур шартидир. *И. П. Павлов* кашф этган вақтли нерв боғланшининг ташкил топши механизми, яъни бош мия пўстининг (инсонда ва олий даражада юксалган ҳайвонларда) турли участкалари ўртасида солинган нерв йўли, бу участкалар изтиробларининг бекилиши А. нинг пайдо бўлишининг физиологик асосини ташкил этади. А. инсон психикасининг барча мураккаброқ тузилишларининг асосини ташкил этади.

АСТРОНОМИЯ — (грек. astron ва potos — юлдуз ва қонун) — осмон жисмлари, уларнинг системалари ва космик материянинг бошқа формала-

рининг вазияти, ҳаракати, тузилиши ва ривожланиши ҳақидаги фан. У бир қанча фанларга бўлинади ва фанларнинг ҳар бири ўз навбатида яна майдороқ бўлимчаларга бўлинади. Чунончи, сферик А. ни ҳамда амалий А. нинг геодезик, денгизчилик ва бошқа бўлимларини ўз ичига оладиган астрометрия осмон жисмларининг вазиятини ва ҳажмларини ўлчаш масалалари билан шуғулланади; юлдузлар А. си юлдузларнинг ва улар системаларининг фазода тақсимланиши ва ҳаракат қилиши қонуниятларини ўрганади; 2-жаҳон урушидан кейин вужудга келган радиоастрономия радиотўлқинларни ўрганиши йўли билан турли космик объектларни тадқиқ қилади; астрофизиканинг вазифаларидан бири — космик модданинг (жисмлар, чанг, газ) ва майдонларнинг физик хоссаларини тадқиқ қилишдан иборат; космогония уларнинг келиб чиқиши ва ривожланишини, космология ягона алоқадор бир бутун сифатидаги, космик системаларнинг ҳаммасини қамраб олувчи система сифатидаги коннотнинг тузилишининг умумий қонуниятларини ўрганади. А. табиёт фанининг тажриба базасини ва умуман инсон билишини макон ва замонда ғоят кенгайтирмоқда. А. туфайли инсоннинг билиши миллиард-миллиард ёруғлик йиллари ҳисобида олавий фазога, замонда юз миллионлаб ва миллиардлаб йил ҳисобида ўтмишга кириб бормоқда. А. нинг объектлари — ғоят улкан табиий физикавий лабораториялардан иборат бўлиб, бу лабораторияларда жуда хилма-хил процесслар содир бўлмоқда, бу процессларни ердаги шаронгта такрор ҳосил қилиш ҳозирча умуман мумкин эмасдир ёки улар беқийс кичик миқёсларда такрор ҳосил қилинмоқдадир. Чунончи, термоядро реакциялари биринчи марта юлдузларда кашф этилиб, сўнгра Ерда (ҳозирча бошқариб бўлмайдиган, портловчи реакциялар тарзида) такрор ҳосил қилинган эди; космик нурларда зарралар эга бўлган энергиялар ҳозирча ҳатто энг кучли тезлатгичларга ҳам муяссар бўлмастеч; космосда биз шу-

нингдек ўта зич ва ниҳоятда сийрак ҳолатдаги моддани, гоят катта кўламдаги гравитацион ва электромагнит майдонларни ҳамда жуда улкан миқёслардаги кучлар, портлашлар ва зарбли тўлқинларни ва ҳ. к. кузатиб турмоқдамиз. А. физиканинг тажриба базасини чексиз кенгайтириш билан ўзи ҳам биринчи навбатда физика фанларининг методларига ва воситаларига таямоқда. Аммо ҳар ҳолда то сўнгги вақтгача А. кузатувчилик фани бўлиб келган эди, у экспериментлар ўтказма эди. 1957 йилдан бошлаб, Совет Иттифоқида Ернинг биринчи сунъий йўлдоши учирилгандан ва шу билан космик парвозларга асос солингандан кейин, вазият тубдан ўзгарди. Ердан бошқа соҳаларни ҳам кузатишлар (планеталараро фазода, атмосфераларда ва бошқа планеталар юзасида ва ш. к. ўлчовлар ўтказиш) мумкин бўлади. 1969 йил июлда инсоннинг Ойга учishi биринчи марта амалга оширилди (америка космонавтлари). Совет автоматик станциялар Ойни ва бошқа планеталарни ўрганишда гоят катта роль ўйнамоқдалар. А. энг қадимги фанлардан бири бўлиб, табиёт илмининг бошқа соҳаларидан кўпроқ даражада табиатга тўғри, материалистик қарашларни ишлаб чиқиш ва ёйишда кўмаклашмоқда.

АТАРАКСИЯ (грек. ataraxia — безовталанмаслик) — руҳий осойишталик ва безовталанмаслик ҳолати бўлиб, баъзи қадимги грек философларининг фикрича, бу ҳолатга донишманд киши эришади. *Демокрит, Эпикур, Лукрецийнинг* фикрича, А. га оламни билиш, қўруқувни енгиш ва дунё ташвишларидан қутилиш орқали борилади. Скептиклар (*Пиррон* ва б.) эса, муҳокамалардан ўзни тийиш, юз бераётган воқеаларга, шодлик ва қайғуга беларво қараш билан эришилади (*апатия*) деб таълим берганлар. Марксистик этика ҳаётга мушоадакорлик билан қарашни ва, демак, А. идеалини, айниқса скептиклар айтган идеалини, рад қилади.

АТЕИЗМ (грек. theos — худо; худони инкор этиш) — ғайри табиий куч-

ларга (руҳларга, худоларга, охират дунёга ва ш. к.) ишонишни инкор этувчи қарашлар системаси; ҳар қандай *динни* инкор этиш. Ҳар бир тарихий даврда А. эришилган билимлар даражасини ҳамда А. ни ўзининг ғойивий қуроли қилиб майдонга чиққан синфлар ва социал группаларнинг манфаатларини акс эттирган. А. нинг динга қарши кураши прогрессив ижтимоий кучларнинг реакцияга қарши курашининг инъикосидир. А. табиатга материалистик қарашлар билан чамбарчас боғлиқдир. Қарашлар системаси сифатида А. қулдорлик жамиятида пайдо бўлди. *Фалес, Анаксимен, Гераклит, Демокрит, Эпикур, Ксенофан, Лукреций Кар* асарларида А. нинг анчагина элементлари бор эди, улар барча ҳодисаларни табиий сабабларга асосланиб изоҳлашга уринардилар. Уларнинг А. и соддафаҳмлик, ақлбозлик, ноизчиллик характериға эга эди. Урта асрларда черков ва диннинг ўзравонлиги шароитида А. унча ривож топмади. *Спиноза*, француз материалистлари, *Фейербах* ва бошқалардан иборат вакиллари бўлган буржуа А. и диннинг ҳукмронлигига футур етказишда катта аҳамиятга эга бўлди. Буржуа атеистлари томонидан черковнинг реакционлигининг фоҳ этилиши феодализмга қарши курашда тарихий роль ўйнади, уни ағдариб ташлашга кўмаклашди. Шу билан бирга буржуа А. ноизчил ва чекланган бўлиб, маърифатчилик характериға эга эди ва халққа эмас, балки тор доирадаги кишиларга қаратилган эди. Рус революцион демократлари курашчан атеистлар эдилар. А. марксистленнишмда изчиллик формасига киряди. Пролетариатнинг манфаатлари, унинг жамиятдаги мавқеи ва роли жамият тараққиётининг объектив тенденцияларига мос бўлиб тушади, шунга кўра марксистик А. унинг номарксистик формалари учун характерли бўлган синфий чекланишдан холидир. Диалектик ва тарихий материализм А. нинг фалсафий асосини ташкил этади, шу сабабли атеистик қарашлар биринчи марта илмий тусга кирмоқда. Илмий А. нинг мавзуи — диннинг пай-

до бўлиши ва инанган манбалари ва сабабларини иноҳлаб беришдан, диний ақидаларини дунёнинг илмий манталарини нуқдани назаридан танқид қилишдан, жамиятда диннинг социал ролини ошқор қилишдан, диний хурофотларини бартараф қилиш йўллариини аниқлаб беришдан иборат. Марксистик А. динни ҳар томонлама танқид қилиб, уни батамом бартараф қилиш йўллари ва воситаларини кўрсатиб беради. У коммунистик қурилиш жараёнида диннинг социал идизларини йўқ қилиш натижасидагина динни батамом бартараф қилиш мумкин дейди. СССРда А. оммавий ҳодиса бўлиб қолди. Коммунизм қурилиши жараёнида ўтмишнинг диний ва бошқа сарқитларидан холи бўлган янги киши, илмий атеистик дунёқараш билан қуролланган киши камол топмоқда.

АТОМАР ФАКТ — мантиқий атомизмнинг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, таркибий фактларга бўлинмайдиган, нарсаларнинг ва фикр предметларининг қўшилишидан иборат бўлган фактни билдиради. А. ф. бир бирдан мустақил деб фараз қилинади ва натижада бир А. ф. нинг мавжудлиги (номавжудлиги)дан иккинчи А. ф. нинг мавжудлиги (номавжудлиги) ҳақида хулоса чиқариб бўлмайди. Шундай қилиб оламнинг ўзаро алоқадорлиги, бирлиги инкор этилади, билиш процесси эса амалда А. ф. ни тасвирлаб кўрсатиш билан чекланади. Бу метафизик тушунча математик логикада муҳим роль ўйнайдиган «атомар» (элементар) ибораларнинг баъзи хоссаларини ташқи олам ҳодисаларига кўчириш натижасида пайдо бўлди. «А. ф.» тушунчаси ўз моҳиятига кўра, *Махнинг* «дунё элементлари»га жинсдошдир.

АТОМ ВА АТОМ ЯДРОСИ.

Атом — химиявий элементнинг энг майда зарраси, марказий мусбат зарядланган ядро билан ядро атрофида айланувчи манфий зарядланган зарралар — электронлар қобиғидан иборат мураккаб система. Атом ядроси ҳам мураккаб структурага эгадир: у нейтронлар ва протонлардан иборат

бўлиб («Элементар» зарралар), биргаликда нуклонлар деб аталади. Атомнинг ҳажмлари — сантиметрнинг юз миллион улуши чамасида бўлиб, ядролар 10 минг карра кичикдир. Ядро зарядларининг протонлар сонига тенг бўлган ва атомдаги электронлар сонига тўғри келадиган сони Менделеевнинг даврий системасидаги муайян элементнинг тартиб номерини белгилайди. Атом массасининг деярли бутуниси ядрога тўпланган. Яхлит тузилма сифатида атомнинг мавжудлиги *квант механика* қонунларига бўйсунди, шу қонунлар асосида атомнинг барқарорлиги, унинг нурланиш хусусиятлари, электронлар ҳаракатининг ўзига хослиги ва бу ўзига хослик уларнинг икки ёқлама корпускуляр-тўлқинсимон табиатида боғлиқ эканлиги, атом энергиянинг бир барқарор ҳолатдан иккинчи барқарор ҳолатга ўтиш чоғида сакрашсимон ўзгариши, атомларнинг ўзаро таъсири қонуниятлари ва ҳ. к. изоҳлаб берилди. Атомлар бир-бири билан қўшилиш қобилиятига эгадир, бунда электрон қобиклар ташқи қатламларининг қайта қурилиши юз беради, бу эса материя ҳаракати химиявий формасининг хилма-хил кўринишларининг асосини ташкил этади. Химиявий ўзгариш атом ядросига даҳл қилмайди. Ядро зарядининг катталигига нисбатан электронларнинг ортиқлиги ёки етишмаслиги ионларнинг — электр йўсинида зарядланган, тегишли атомлардан химиявий жиҳатдан фарқ қиладиган ва табиат ҳамда ишлаб чиқаришда муҳим роль ўйнайдиган атом зарраларнинг ташкил топишига олиб келади. Ядронинг мавжудлиги электр кучларининг протонларни итариш ва ядронинг ҳамма зарралари ўртасидаги алоҳида тортилиш кучларининг таъсири билан боғлиқдир. Ўзига хос ядро кучлари фақат кичик масофаларда амал қилади. Ядро массаси ҳаммаша уни ташкил этувчи зарраларнинг умумий массасидан камроқ бўлади. Ядро ташкил топганда муайян миқдорда энергия ажралиб чиқади ва шу муносабат билан масса тегишинча камайди (*Эйнштейн* топган масса би-

лан энергия ўртасидаги нисбатга мувофиқ). Ядроларнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга айланиши (*Химиявий элементларнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга айланиши, Радиоактивлик*) гоят кўп миқдорда энергиянинг ажралиб чиқиши билан бирга боради. Турли элементларнинг атомлари жуда чуқур диалектик ўзаро алоқадордир. Атомлар ва атом ядролар модданинг мураккаблашиб борувчи умумий қаторида «марказий нуқталар»дан иборат бўлиб, материя тараққиётининг муайян босқичларида юз беради. Атомлар ҳақидаги таълимотнинг ривожланиши философия, табиийёт ва техникада гоят катта роль ўйнади (*Атомистика*). Ҳозирги замон физикасининг эришган ютуқлари: атомларнинг мураккаб тузилишининг кашф этилиши, уларнинг бир-бирига айланиш қобилияти (радиоактивлик) ва ҳ. к. табиийёт илмида ҳақиқий революция қилди ва бу революция модданинг тузилиши ва хоссалари ҳақидаги илгариги тасаввурларни қайтадан қарашга, материализмнинг янги формага киришига олиб келди. Микроолам ҳодисаларининг сифат жиҳатдан ўзига хослиги очилди, бу ўзига хослик материянинг қарама-қарши корпускуляр-тўлқинсимон хоссалари бирлигида, материянинг ҳар қандай, ҳар қанча «оддий» заррасининг хоссалари битмас-туганмаслигида ва ҳ. к. юз бермоқда. Буларнинг ҳаммаси диалектик материализмни тасдиқловчи янги далиллардир.

АТОМИСТИКА — материянинг (атомлардан ва бошқа микрозарралардан) дискрет (дона-дона), узлукли тузилиши ҳақидаги таълимот. А. га дастлабки таъриф қадимги ҳинд фалсафий таълимотлари *ньяя, вайшешикада*, лекин тўлароқ ва изчилроқ таъриф *Левкипп, Демокрит, Эпикур* ва *Лукреций* философиясида берилган. Атомларни сўнгги, бўлинмас, ниҳоятда кичик ва аслда бениҳоя кичик зарралар деб қараганлар. Улар оғирлиги, ҳаракат тезлиги ва жисмларда ўзаро жойлашуви билан бир-биридан фарқ қилади ва шу тўфайли уларнинг турли сифатлари пайдо бўлади. 17—

19-асрлар даврида *А. Галилей, Бойль, Ньютон, Ломоносов, Делтон, Авогадро, Бутлеров, Менделеев* ва бошқаларнинг асарларида ишлаб чиқилди ва материя тузилишининг физикавий-химиявий назариясига айлантирилди. А. деярли ҳамма вақт материалистик дунёқарашнинг асоси сифатида майдонга чиқди. Бироқ эски А. хийла даражада метафизик эди, чунки дискретлик идеясини абсолютлаштиради ва материянинг сўнгги, ўзгармас моҳиятининг, коинотнинг «бирламчи гиштчалари»нинг мавжудлигини фарз қиларди. Ҳозирги замондаги А. материя структурасида хилма-хил молекулалар, атомлар, «элементар» зарралар ва бошқа микрообъектлар мавжудлигини, уларнинг битмас-туганмас мураккаблигини, бир хилдаги формалардан иккинчи хилдаги формаларга айланиш қобилиятини эътироф қилмоқда. Турли дискрет микрообъектларнинг мавжудлигида у миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонуни юз беришини кўради; фазовий миқёсларнинг кичрайиши материянинг сифат жиҳатдан янги тузилмаларига ўтиш билан боғлиқдир. Лекин ҳозирги замондаги А. фақат дискрет (узлукли) деб ҳисобламасдан, шу билан бирга уни узлуксиз деб ҳам ҳисоблайди. Микрозарралар ўртасидаги ўзаро таъсир кучлари узлуксиз майдонлар — электромагнит, ядро ва бошқа майдонлар воситаси орқали кўчирилади, бу майдонлар «элементар» зарралар билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳозирги замондаги А. материянинг сўнгги, ўзгармас моҳияти мавжудлигини инкор этади ва материянинг миқдор ва сифат жиҳатдан ниҳоясизлигига асослашиб иш кўрад.

АТРИБУТ (лат. attribuo — бераман, бағишлайман)—предметнинг ажралмас хоссаси бўлиб, бусиз предмет яшай ҳам олмайди, уни фикр ҳам қилиб бўлмайди. *Аристотель* А. ни *акциденциялардан* фарқ қилган. Декарт А. ни *субстанциянинг* асосий хоссаси деб қараган. Шунинг учун унда жисмоний субстанция А. и сифатда кўлам, руҳий субстанция А. и сифатида

тафаккур юнага келади. *Спиноза* А. нини кўламини ва тафаккурини ягона бир субстанция деб ҳисоблаган. 18-асрдаги француз материалистлари материя А. нини кўла ва ҳаракат деб, баъзилари (*Дидро, Робинс*) эса тафаккур ҳам деб ҳисоблаганлар. Бу термин ҳозирги замон философиясида ҳам ишлатилади.

АФФЕКТ (лат. affectus — руҳий ҳаяжон) кайфият ва эҳтирсодан фарқли ўлароқ (*Ҳиссиёт*), инсоннинг кучли, шиддат билан ўтадиган ва нисбатан қисқа муддатда ўтиб кетадиган эмоционал кечинмаси; ғазаб, даҳшат ва ш. к. А. кескин ифодали ҳаракатлар (ўзига хос бадан ва қўл ҳаракатлари) билан ва баланд нидолар (йиғи, бақирishi) билан бирга юз беради. Баъзан эса, аксинча, одам индамасдан, ҳаракатсиз данг қотиб қолади. Ташқи ифода формалари, ички А. сингари, кўп жиҳатдан одамнинг шахсий хусусиятларига, жумладан унинг иродаси қандай тарбияланганлигига, *олий нерв фаолиятининг* типологик хусусиятларига боғлиқдир. А. ҳолатида одам кечинма таъсирида бўлади («онги тораяди»), бунинг натижасида ақлий процессларнинг бориши бузилади ва одамнинг ўз хатти-ҳаракати устидан назорати сусаяди. А. ни тўхтатиш учун ирода кучини анча ишга солмоқ керак бўлади ва А. бошланган паллада уни тўхтатиш анча енгил бўлади.

АФФИЦИРЛАШТИРИШ (лат. afficere — ўтказиш) — *Кантнинг* термини бўлиб, предметнинг сезги органларига таъсир ўтказиш қобилиятини билдиради. «А.» тушунчасида кантчиликдаги материалистик момент ўз ифодасини топди: ҳиссий яққол тасаввурлар «нарсалар ўзида»нинг сезги органларига таъсири натижасида ҳосил бўлишини Кант этироф қиларди. Бу тушунча кантча системада *трансцендентал апперцепция* тушунчасига қарама-қарши бўлиб туради. А. га қарамай, Кантнинг фикрича, нарсалар билинмайдиган ҳолича қола беринди. Бу тушунча неокантчилар томонидан ва кантчиликни изчил идеализмга айлантирган кишиларнинг

ҳаммаси томонидан танқид қилинди.

АХЛОҚ (лат. mores — хулқ-атвор) — ижтимоий онг формаларидан бири, социал тартиб-қоида бўлиб, бу тартиб-қоида ижтимоий ҳаётнинг истисносиз ҳамма соҳаларида кишиларнинг хатти-ҳаракатини тартибга солиш функциясини бажаради. А. оммавий фаолиятни тартибга солишининг бошқа формаларидан (*ҳуқуқ*, ишлаб чиқариш — маъмурий низомлардан, давлат декретларидан, халқ анъаналаридан ва ҳ. к.) ўз талабларининг асосланиши ва амалга оширилиши билан фарқ қилади. А. да ижтимоий зарурият, эҳтиёж, жамиятнинг ёки синфларнинг манфаатлари стихияли равишда шакланган ва ҳамма қабул қилган, оммавий намуна, одат, расм-таомил, *жамоатчилик фикрининг* кучи билан мустаҳкамланган буйруқлар ва баҳолар тарзида ифодаланади. Шунинг учун А. талаблари ҳаммага баббаравар қаратилган ва лекин ҳеч кимнинг буйруғи билан жорий этилмаган шахсиз бурч формасига кирди. Бу талаблар нисбатан барқарор характерга эгадир. Улар ўрнашиб қолган тартиб кучи билан сақланиб келаётган оддий расм-одат ва анъанадан шу билан фарқ қиладиларки, инсон қандай яшамоғи ва хатти-ҳаракат қилмоғи лозим, деган тасаввурлар шаклида гоъвий асосга эга бўладилар. Ҳуқуқдан эса, А. шу билан фарқ қиладики, биринчидан, ахлоқ-одоб талабларининг ҳар бир киши томонидан бажарилишини ҳамма назорат қилиб туради, бунда бирон-бир индивиднинг маънавий эътибори қандайдир расмий ваколат билан боғлиқ бўлмайди; иккинчидан, А. талабларининг бажарилиши фақат маънавий таъсир кўрсатиш формалари (*жамоатчилик баҳоси*, қилинган ишни маъқуллаш ёки қоралаш йўллари) билан тасдиқланади. Бу ҳол А. да онгнинг бошқа социал назорат формалариданга қараганда каттароқ роль ўйнашини тақозо қилади; зотан, бу онг тушунча ва ҳукмларнинг рационал формасида ҳам, ҳис-туйғу, итилиш, майилларнинг эмоционал формасида

ҳам ифодаланиши мумкин. А. да ижтимоий онг билан бир қаторда индивидуал онг ҳам катта роль ўйнайди. Индивид жамият ишлаб такомиллаштирган ахлоқ-одоб тасаввурларига таянган, тарбия процессида уларни ўзлаштириб борган ҳолда ўз хатти-ҳаракатини ҳийла мустақил равишда тартибга солиши ва теварак-атрофида содир бўлаётган ҳамма нарсанинг ахлоқий аҳамияти ҳақида фикр юргизиши мумкин. Шу туфайли А. да индивид фақат социал назорат объекти сифатида эмас, балки унинг оғли субъект, яъни ахлоқий янах сифатида ҳам майдонга чиқиши мумкин. Мураккаб ижтимоий тартибот бўлган А. қўндагиларни ўз ичига олади: маънавий фаолиятни унинг мазмуни ва бонс-сабаблари нуқтаи назаридан (яъни бирон жамиятда қандай хатти-ҳаракатда бўлиш кераклиги, кўпчилик кишиларнинг хатти-ҳаракати, *хулқ-атвор*); бу фаолиятни тартибга солувчи, бурчи бўлишининг, инсонга қўйиладиган талабларнинг турли формаларида юз берадиган (*Ахлоқ нормаси, Бурч, Масъулият, Қадр-қиммат, Виждон*) ахлоқий муносабатларни; мазкур муносабатларни тегишли тасаввурлар (нормалар, принциплар, ижтимоий ва маънавий *идеаллар, яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик* тушунчалари) тарзида акс эттирадиган ахлоқий онгни. Ахлоқий онгнинг барча ана шу формалари мантиқий жиҳатдан тартибга солинган системага бирлаштирилган бўлиб, бу система ахлоқий ҳаракатларни фақат буюришга эмас, балки муайян тарзда далиллаш ва баҳолашга ҳам имкон беради. Ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига татбиқан А. да махсус қондалар (меҳнат ахлоқи, касабавий, партиявий этика, маиший турмуш, оила ахлоқи) ифодаланади ва бу қондалар А. нинг ягона асосга эга бўлган исбатлангина мустақил соҳаларини ташкил этади. А. тарихий ҳодисадир. Инсоният жамияти шаклланишининг илк босқичларида пайдо бўлган А. иқтисодий ва бошқа муносабатларнинг ўзгариши давомида, инсоният моддий ва маънавий мадани-

ятининг тараққиети жараёнида ривожланади. А. умуминсоний элементлар билан бир қаторда тарихан ўткинчи ва синфий нормаларни, принципларни, идеалларни ва ҳ. к. ўз ичига олади. Синфларга бўлинган жамиятда А. муқаррар суратда синфий характерга эга бўлиб, синфий курашнинг акс эттиради. Ҳар қандай синфий антагонистик жамиятда А. мавжуд ижтимоий муносабатларни тасдиқловчи, ҳукмрон эксплуататор синфнинг маънафини мустаҳкамловчи А. системаси билан бир қаторда биринчи А. ни ишкор этувчи А. шакллани боради. Бу А. ни мазлум синф ишлаб чиқади ва бу синф жамиятни қайта куриш учун курашга отланиб, ҳукмрон А. нинг маънавий ҳокимлигидан халос бўлади, келажак жамият А. ни шакллантириш асоси бўладиган ўз А. ини яратади. Бу жиҳатдан *коммунистик ахлоқ* принципиал хусусиятга эга бўлади, пролетариатнинг синфий А. и сифатида пайдо бўлган коммунистик ахлоқ сўнгра умуман социалистик жамиятнинг умумхалқ А. н, кейинчалик эса умуминсоний ахлоқ-одоби бўлиб қолади.

АХЛОҚИЙ БАҲОЛАШ — социал воқеликнинг турли ҳодисаларини ва кишиларнинг хатти-ҳаракатларини улар қандай ахлоқий аҳамиятга эга бўлишига қараб, маъқуллаш ёки қоралаш. Кишиларга муайян ахлоқ-одоб билан иш тутишни буюрувчи ахлоқий нормадан фарқли ўлароқ, А. б. қилинган ҳаракатларнинг ахлоқ-одоб талабларига мувофиқ келиши ёки мувофиқ келмаслигини аниқлайди. Умумий А. б. *яхшилик* ва *ёмонлик* категорияларида амалга оширилади. У ахлоқ-одобнинг объектив мезонига таянади ва бу мезон тарихий характерга эга бўлиб, ижтимоий тузумга, синфий курашга ва ш. к. ларга қараб ўзгаради. А. б. нинг замирида хатти-ҳаракатларнинг объектив социал аҳамиятини билиш асос бўлиб ётади. Ана шу асосда А. б. ёрдами билан кишиларнинг хатти-ҳаракатини тартибга солиш мумкин. Шу билан бирга марксистик этика хатти-ҳаракатларнинг сабаб-бонсларини ҳам, социал

оқибатларини ҳам ҳисобга олишни талаб қилади.

АХЛОҚИЙ НОРМА — бир хилдаги иш амалларга жорий қилинадиган умумий бўйруқлар ва тақиқлар воқоаси билан кишилар хатти-ҳаракатини тартибга солувчи ахлоқ-одоб талабларининг формаси. Ҳуқуқий нормалардан фарқли ўлароқ, А. н. ни давлат ҳокимияти эмас, балки расм-одат ва жамоатчилик фикрининг кучи барқарор қилади; у жамиятнинг ахлоқ-одоб онгида бирон киши махсус равишда нашр этган қонун натижасида эмас, балки стихияли суратда шаклланади. Ўз-ўзликча А. н. ҳали инсон хатти-ҳаракати учун етарлича қўлланма бўлиши мумкин эмас; улар абстракт умумий бўлганлиги сабабли алоҳида вазиятларга боғлиқ истиснолар бўлиши мумкинлигини назарда тутмайди. Шунинг учун бу ёки бошқа хилдаги А. н. ларни конкрет вазиятларга татибқ этиш масаласи мазмунан умумийроқ ва аини вақтда конкретроқ ахлоқ-одоб принциплари асосида ҳал этилмоғи лозим. Ўз социал мазмуни жиҳатидан А. н. лар ҳам умуминсоний, ҳам тарихан чекланган, синфий характерга эга бўлиши мумкин. Улар синфий характерга эга бўлганда, бир социал формациядан иккинчисига ўтиш чоғида узоқ вақтгача эски А. н. ларнинг емирилиши ва янгиларининг яратилиши ва барқарор бўлиши содир бўлади (мас., социалистик жамият ҳаётида коммунистик А. н. билан буржуача А. н. ўртасидаги кураш).

АХЛОҚ-ОДОБ — қ. *Ахлоқ*.
АХЛОҚИЙ ҲИССИЁТ НАЗАРИЯ-
ЛАРИ — этикага оид субъективистик назариялар бўлиб, бу назариялар ахлоқнинг келиб чиқиши ва табиатини, инсонга маъқуллаш ва қоралашнинг алоҳида ҳис-туйғулари хосдир, деб изоҳлайди. А. ҳ. н. 17—18-асрларда Англияда лайдо бўлади (А. Смит, Д. Юм, А. Шефтерберн, Ф. Хатчесон). 20-асрда бу назарияларни А. Вестермарк (Финляндия), У Мак-Дугэлл, А. Роджерс, Ф. Шарп (АҚШ), А. Сазерленд ва А. Шэнд

(Англия) ривожлантирадилар. А. ҳ. н. нинг асосий қондасининг мазмуни шундан иборатки, кишиларнинг воқеаларга баҳо беришига ва ўз хатти-ҳаракат йўлини танлаб олишига ёрдам берадиган ахлоқий тушунчалар асосида улар турли ҳодисаларга нисбатан сезадиган маъқуллаш ёки қоралаш ҳиссиёти ётади. Бошқача қилиб айтганда, А. ҳ. н. тарафдорлари ахлоқий муҳокамаларда лозим бўлган ёки баҳо бериладиган объектлар ҳақидаги информация эмас, балки инсон шу объектларга нисбатан сезадиган ахлоқий ҳис-туйғулар ҳақидаги информация бор, холос, деб ҳисоблайдилар. Ўз тадқиқотларини асосан психологик ҳодисалар билан чеклаб қўйган ва уларни жамият тараққиётининг объектив қонуниятлари билан боғлаб қарай олмаган бу назарийтчилар ахлоқий онгининг ривожланиш қонуниларини изоҳлаб беролмадилар. Ахлоқ тушунчаларининг улар бориб тақаладиган релятивистик талқини ҳам ана шундан келиб чиқади. Умуман А. ҳ. н. га *аппробатив этикага* хос барча иллатлар жорий этиладик, бу назариялар мазкур этиканинг бир типига қиради.

АҚЛИЙ ВА ЖИСМОНИЙ МЕҲНАТ — инсон *фаолияти* ягона диалектик процессининг икки томони, улар синфий антагонистик жамиятда қарама-қаршиликлар сифатида юзага келади. Бу қарама-қаршиликнинг моҳияти шундан иборатки, ижтимоий *меҳнат тақсимоли* натижасида А. ва ж. м. турли ижтимоий гуруҳларнинг иши бўлиб қолади, Ж. м. вакиллари, яъни моддий неъматларни бевосита ишлаб чиқарувчилар эса А. м. натижаларидан (фан, техника, маданият ва ҳ. к. ютуқларидан) ўз манфаатлари ва мақсадлари йўлида фойдаланувчи ҳукмрон синфлар томонидан эксплуатация қилинади. Ўз табиатига кўра, А. ва ж. м., гарчи инсон кучларини сарфлаш жиҳатидан турлича бўлса-да, ўз-ўзликча қарама-қаршилик муносабатларини ташкил этмайди. Бу социал муносабатлардир, улар қулдорлик жамияти қарор то-

пайтган даврда пайдо бўлади, унда эксплуататорлар (қулдорлар) синфи бошқариш ишларини ўз қўлига олади ва ақлий фаолиятни аста-секин ўз монополиясига айлантириб боради. Ж. м. эса эксплуатация қилинувчиларга бирктиб қўйилади ва эксплуатация объекти бўлиб қолади. Ақлий ва жисмоний ижтимоий меҳнат тақсимотининг ўзи тарихан прогрессив роль ўйнаган: у одамларнинг бир қисмини оғир Ж. м. дан озод қилиб, фан, маданият, санъат ва ш. к. ларнинг ривожланишига кўмаклашган. Лекин моддий ишлаб чиқаришнинг маънавий ишлаб чиқаришдан ажралши процессининг янада давом этиши ижтимоий ҳаётда А. м. етакчи роль ўйнаши ҳақидаги идеалистик тасавурларнинг пайдо бўлишига ва шунга яраша Ж. (ишлаб чиқариш) м. нинг аҳамиятини камситишга олиб келган. Капитализм шароитида А. м. билан Ж. м. ўртасидаги қарама-қаршилик чуқурлашади, меҳнатнинг бу турлари ходимлари ўртасидаги муносабатлар эса кўпроқ зиддиятли формалар касб этади, чунки буржуа жамиятининг А. м. ва Ж. м. вакилларига бўлиниши, ўтмишда бўлгани сингари, унинг синфий структурасига батамом мувофиқ келмайди. Ишчилар синфи билан деҳқонлар тирикчилик манбаларига кўра Ж. м. вакиллари қаторига кириди, лекин А. м. вакиллари унинг иши мураккаб аҳволда бўлади. Бир томондан, А. м. вакиллари қаторига ҳуқумрон синфлар кириди, уларнинг кўпчилиги (ҳам А., ҳам Ж.) ёлланма меҳнатни эксплуатация қилувчи паразит (текинхўр) табақани ташкил этади, лекин, иккинчи томондан, А. м., асосан алоҳида социал қатлам бўлган *интеллигенциянинг* ишидан иборат бўлади, бу қатлам буржуа жамиятида икки ёқлама мавқени ишғол қилади: у меҳнаткаш синфларга ҳам қарама-қарши туради, ҳам улар билан боғланган бўлади. Унинг ижодий меҳнати натижаларидан буржуазия Ж. м. кишилари устидан ҳуқумронликини кучайтириш учун фойдала-

нади. Айни вақтда кўп сонли интеллигенция ўз меҳнати ҳисобига кун кўради, унинг меҳнати Ж. м. билан бир қаторда капиталистик эксплуатациянинг объекти бўлиб қолади, бу эса уни ишчилар синфи ва деҳқонлар билан яқинлаштиради. Аммо буларнинг ҳаммасидан, А. м. билан Ж. м. ўртасидаги қарама-қаршилик ҳозирги замон капиталистик жамияти учун проблема эмасдир, деган хулоса чиқмайди. Бу проблемани ҳал қилиш ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий мулкчилигини, кишини киши томонидан эксплуатация қилишнинг ҳамма формаларини тугатиш билан, яъни социализм қуриш билан боғлиқдир, чунки социализмда интеллигенция меҳнатининг натижалари бутун жамиятга хизмат қилади. Социализм даврида А. м. билан Ж. м. ўртасидаги антагонистик қарама-қаршиликнинг тугатилиши меҳнатнинг бу турлари ўртасидаги социал-иқтисодий ва б. тафовутларни ҳали бартараф қилмайди. Юқорида кўрсатилган тафовутлар ишлаб чиқарувчи кучлар ривожининг муайян даражасига, социализмнинг иқтисодий етуклиги ҳамда жамиятнинг маданий тараққиёти даражасига, жумладан турли гурпадаги юмушчиларнинг маданий-техника даражасидаги айирманинг сақланиб қолишига боғлиқдир. Бу эса ўз навбатида интеллигенция социалистик жамиятнинг алоҳида қатлами сифатида мавжуд бўлишини билдиради. Коммунизм қурилиши давомида А. м. билан Ж. м. ўртасидаги муҳим тафовутларни бартараф қила бориш қўшалоқ ягона процессдан иборат. Бир томондан, меҳнат характерининг ўзини ўзгартириш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва илғор технологияни жорий қилиш йўли билан меҳнатнинг асосий турлари ўртасидаги социал-иқтисодий тафовутлар бартараф қилинади, иккинчи томондан, меҳнатнинг айни турларининг вакиллари ўртасидаги — ишчилар синфи, деҳқонлар ва интеллигенция ўртасидаги социал-синфий чегаралар орадан кўтарилди,

Социализм базасидаги илмий-техника революцияси А. м. билан Ж. м. ни янада яқинлаштириш учун зарур моддий шарт-шароитларни туғдиради. Бу революция ўз ишлаб чиқариш фаолиятида ҳар иккала турдаги меҳнатни узвий равишда қўшиб олиб борадиган янги социал типдаги ходимни камол топтириш проблемасини кун тартибига қўймоқда. А. м. билан Ж. м. ўртасида муҳим тафовутларни бартараф қилиш меҳнат-

нинг бу турларидан бирортасини туғатиш деган маънони билдирмайди. Улар энди социал тенгсизлик манбаи бўлмай қолади, чунки меҳнатнинг ҳамма турлари социал жиҳатдан бир хил бўлади: улардан ҳар бири коммунистик жамиятнинг ҳар томонлама ривожланган кишисининг яхлит фаолиятига киради, унинг биринчи ҳаётий эҳтиёжига айланади (*Коммунистик меҳнат, Шахсни ҳар томонлама, яхлит камол топдириш*).

Б

БАБУЕИЗМ — 18-асрда Францияда «Тенглар республикаси» учун ягона, бир марказдан бошқариладиган, умуммиллий коммуна учун бошланган революцион ҳаракат. Бу ҳаракат унинг раҳбари ва энг изчил назарийчи Гракх Бабёф (1760—97) номи билан аталган. 1796 йилда Бабёф ва унинг сафдошлари (Буонароти, *Марсиаль*, Антонелль, Дарте, Жермен, Дебон, Лепелетье ва б.) «Тенглар фитнаси»ни ташкил этдилар, бу ташкилот ҳаракатнинг чуққиси бўлди. Фитна фош қилиниб, унинг кўп иштирокчилари қамоққа олинди ва жазоланди, Бабёф ва Дарте гильотинада қатл этилди (1797). Б. 18-асрнинг охирларидаги революция даврида вужудга келган эксплуатация қилинувчилар, плебейлар иттифоқининг буржуазия билан алоқани узганлигини билдирарди. У пролетариатдан олдинги йўқсиллар табақасининг Франция революциясига қатнашган плебейлар умумий оммасидан ажралиб чиқа бошлаганлигини сиёсий ва ғоявий жиҳатдан акс эттирар эди. Бабёфчилар — 18-асрдаги француз материализмининг, халқ революцияси ҳақидаги *Мелье* идеяларининг, *Мореллининг* «рационалистик» коммунизмининг, француз революцияси энг сўл оқимлари ташкилий ва ғоявий тажрибасининг ғоявий ворисларидирлар. Б. социалистик идеялар тараққиётида олға қўйилган қадам демак эди, чунки у Франция социаликтисодий тараққиётининг капиталистик муносабатларининг мустақамланиши билан боғлиқ бўлган янги босқичида пайдо бўлган эди. Бабёфчилар биринчи бўлиб социализмни назариядан революцион ҳаракат практикасига айлантиришга уринган эдилар. Улар келажакдаги «Тенглар республикаси»нинг умумий қондаси билан бир қаторда камбағалларнинг аҳволини яхшилайдиган ва контрреволюцион кучларнинг қаршилигини

бостирадиган тадбирларни ишлаб чиқдилар. Улар ғолибона революциядан кейин меҳнаткашлар диктатурасини сақлаб қолиш зарурлиги ҳақидаги идеяни илгари сурдилар; тарих, бойлар билан камбағаллар, патрицийлар билан плебейлар, хўжайинлар билан хизматкорлар, тўқлар билан очлар ўртасидаги курашдан иборат, деган фикрни айтдилар. Б. тарихий реализм хислатларига эга бўлишига қарамай, у социалистик революциянинг гегемони сифатида пролетариатнинг ролини очиб кўрсатмаган, фитначилик тактикасидан нарига ўтмаган эди, бу ҳам уни утопик социализм сифатида тавсифлайди, аммо шуниси ҳам борки, Бабёф ва унинг сафдошларининг ғоявий ва ташкилий мероси социализмнинг утопиядан фанга қараб ривожланиши йўлида муҳим босқич бўлган эди.

БАВОСИТАЛИҚ — нарсани (тушунчани) унинг бошқа нарсага (тушунчага) муносабатини очиб бериш орқали аниқлаш. Нарсаларнинг хоссалари уларнинг бошқа нарсалар билан ўзаро алоқадорлигида очиб берилади. Фақат бошқа нарсага муносабати орқалигина нарса ўз ҳолида бўлиши ва муайян конкрет нарса сифатида аниқланиши мумкин. Б.— *Гегель* философиясида асосий категориялардан биридир. Бавоситалик билан бевоситалик бирлигининг гегелча талқинидаги чуқур диалектик фарзга В. И. Ленин юсак баҳо берган эди (қ. 29-т., 92-б.). Б. категорияси бевоситалик категорияси билан бирликда нарсаларнинг ялпи ўзаро алоқадорлиги фактини уларнинг конкрет аниқлигининг, уларнинг муайян нарсалар тарзида мавжудлигининг шарти сифатида ифодалайди.

БАДЕН МАКТАБИ — 20-асрнинг бошларида неокантчиликнинг нуфузли мактабларидан бири. Бундай ном олишига сабаб шу эдики, Б. м.

таълимотлари профессор *Виндельбанд* ва профессор *Риккерт* томонидан Баден еридаги — Гейдельберг ва Фрейбургдаги ун-тетларда баён қилинарди. Б. м. нинг асосий идеяси — тарих методини табиёт илми методига қарама-қарши қўйишдан иборат; тарих гўё тараққиётнинг маданий бойликдан иборат индивидуал фактлари ҳақидаги фан эмиш; табиёт илми табиат ҳодисаларининг такрорланиб турувчи ва умумий қонуниятлари ҳақидаги фан эмиш. Фанларнинг унисиди ҳам, бунисиди ҳам тушунчалар реалликнинг инъикоси эмас, балки унинг априор принципларга бўйсунадиган фикрга айланишидир: у табиёт илмида умумийликни, тарихда индивидуалликни билишга қаратилган. Б. м. Кантта суянган ҳолда, борлиқни ёки мавжудотни воқеликка қарама-қарши қўйишга асосланади. Унинг учун характерли бўлган тарихий қонуниятни инкор этиш қимматдорлар назарияси деб аталган назария билан боғланади. Бу таълимотлари Г. Мюнстерберг (1863—1916), Э. Ласк (1875—1915), эстетикага татбиқан И. Кон (1869—1947) ва Б. Христиансен, социологияга татбиқан эса *Вебер* ривожлантирдилар. Ҳозирги замон немис социологиясида Б. м. идеяларини марксизмга қарама-қарши қўйилган ҳолда ошқора субъективизм ва волюнтаризм руҳида ривожлантирилмоқда. Бу социологиянинг ГФРдаги вакиллари В. Таймер ва Г. Риттердир.

БАДИЙ МЕТОД — борлиқни, реалликни акс эттиришнинг ва инсоннинг оламга бўлган эстетик муносабатларини ифодалашнинг тарихан белгиланган, ўзига хос усули, воқеликни англаб олиш ва қайта ишлаб санъат образларида акс эттириш усули. Б. м. — муайян эстетик *идеални* гавдалантириш ва барқарор қилиш воситасидир. Бирон-бир Б. м. нинг характери ва йўналиши, уни татиқ этиб, кишилар ҳаётини, шахс билан жамиятнинг ўзаро муносабати ва ҳ. к. бадий образларида акс эттириш меъёри, қобилияти ва

имконияти инсониятнинг ҳар бир муайян тарихий моментда ривожланишининг социал-сиёсий ва маънавий шарт-шароитига, бирон-бир синфнинг жамият ҳаётида ўйнайдиган объектив ролига боғлиқдир. Ҳар қандай Б. м. *дунёқараш* билан чамбарчас боғлиқ, бу дунёқараш бадий ижода ижобий ёки салбий таъсир кўрсатади. Бироқ бу мураккаб, диалектик тарздаги зиддиятди муносабат, мазкур муносабатда (Энгельс Бальзак мисолида кўрсатганидек) санъаткор ўз реалистик методининг кучи туфайли, ўз қарашларининг маҳдудлигини бирор даражада бартараф қилиши мумкин. *Социалистик реализм* сифат жиҳатдан янги Б. м. дир.

БАДИЙ ОБРАЗ — объектив воқеликни муайян эстетик идеал нуқтаи назаридан конкрет-ҳиссий, бевосита идрок этиш формасида тақрор ҳосил қилишнинг *санъат* учун ўзига хос усули. Б. о. нинг моҳиятини тўғри тушунишнинг гносеологик асоси — марксча-ленинча *инъикос* назариясидир. Б. о. нинг бир қанча хусусиятлари борки, бу хусусиятлар уни илмий тушунчалардан, сиёсий идеялардан, ахлоқий принциплардан ва ш. к. лардан фарқ қилдиради. У ҳиссийлик ва мантқиқийликнинг, конкретлик ва абстрактликнинг, бевоситалик ва бавоситаликнинг, индивидуаллик ва умумийликнинг, ташқи ва ички ҳолатнинг, қисм ва бутуннинг, ҳодиса ва моҳиятнинг, форма ва мазмуннинг бир-биринга ўтиб турувчи чамбарчас бирлигидан иборат. Бу қарама-қарши томонларнинг моддий воситалар (санъатнинг ҳар бир тури учун ўзига хос моддий воситалар) ёрдамида мужассамланган диалектик бирлиги асосида муайян эстетик идеялар ва ҳис-туйғуларни ифодаловчи образ-характерлар, образ-воқеалар, образ-вазиятлар пайдо бўлади. Б. о. ни яратиш процессида *тасаввур*, фантазия *фавқулодда* роль ўйнайди.

БАЗИС ВА УСТҚУРМА — муайян жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий муносабатларининг ва барча бошқа

муносабатларининг алоқадорлигини очиб берадиган тушунчалар. Жамиятнинг иқтисодий структурасини ташкил этувчи *ишлаб чиқариш муносабатларининг* мажмуи Б. деб аталади. «Б.» ва «ишлаб чиқариш муносабатлари» тушунчалари тенг маъноли бўлсалар-да, лекин айнан бир маънодаги тушунчалар эмасдир. «Ишлаб чиқариш муносабатлари» тушунчаси «ишлаб чиқарувчи кучлар» тушунчаси билан нисбатдошдир. «Б.» тушунчаси эса «У.» тушунчаси билан нисбатдошдир. У. га идеялар, ташкилотлар ва муассасалар киради. Устқурма идеяларга сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний, фалсафий қарашлар, бошқача қилиб айтганда, *ижтимоий онг формалари* киради. Ижтимоий онгнинг барча формалари бирон-бир жамиятнинг иқтисодий муносабатларини, иқтисодий структурасини акс эттиради: баъзилари, мас., онгнинг сиёсий ва ҳуқуқий формалари бевосита акс эттиради; баъзилари эса, мас., санъат, философия билвосита акс эттиради. Бу кейинги формалар иқтисодий Б. билан сиёсат ва бошқа воситалар орқали боғлиқдир. Устқурма муносабатлари идеологик муносабатларни (*Идеология*) ўз ичига олади. Кишиларнинг онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда вужудга келадиган ишлаб чиқариш муносабатларидан фарқли ўлароқ, идеологик муносабатлар вужудга келишдан олдин онг орқали ўтади. Б. томонидан белгиланган устқурма ҳодисалари ўз тараққиётида нисбий мустақилликка эгадир. Ижтимоий онгнинг ҳар бир формаси билан муайян ташкилотлар ва муассасалар боғлиқдир: сиёсий идеялар билан сиёсий партиялар, сиёсий ва ҳуқуқий идеялар билан давлат муассасалари, диний идеялар билан черков ва черков ташкилотлари боғлиқдир ва ҳ. к. Ҳар бир *ижтимоий-иқтисодий формация* муайян Б. га ва унга мувофиқ келадиган У. га эгадир. Қулдорлик, феодал, капиталистик ва коммунистик жамиятларнинг Б. ва у. лари тарихан бир-бирдан фарқ

қилади. Б. ва у. нинг ўзгариши бир ижтимоий-иқтисодий формациянинг иккинчиси билан алмашинуви натижасида юз беради. У. аини формация ичида ҳам маълум эволюциядан ўтади. Мас., империализмга ўтish даврида У. нинг ўзгариши реакциянинг кучайиши билан характерланади. Социализм шароитида сиёсий У. тобора кўпроқ демократлашув томонига қараб ривожланади. Иқтисодий Б. бунёдга келтирган ва унинг инъикоси бўлган. У. пассив, фаолиятсиз бир нарса эмасдир. У тарихий процессда актив роль ўйнаб, унинг ҳамма томонларига, шу жумладан уни вужудга келтирган экономикага таъсир кўрсатиб туради. Хусусий мулкчиликка асосланган жамиятда Б. ва у. антагонистик характерга эгадир. Мас., капиталистик жамиятда буржуазия билан феодализм ўртасида — бир-бирига душман бўлган бу синфларнинг сиёсий, ахлоқий, фалсафий ва ҳ. к. қарашлари ўртасида қаттиқ идеологик кураш олиб борилмоқда. Синфларга бўлинган жамиятда У. нинг антагонистик табиати турли синфларнинг иқтисодий Б. га бўлган муносабатида уларнинг идеологиялари қарама-қарши роль ўйнашига ҳам сабаб бўлади. Агар капиталистик жамиятда буржуа сиёсий У. си, буржуа идеологияси ва ш. к. «капитализмнинг иқтисодий Б. ига актив хизмат қилишга қаратилган бўлса, пролетар идеологияси ва пролетар ташкилотлари капитализмни революцион йўл билан афдаришга ва унинг иқтисодий асосларини тугатишга қаратилган. Ишлаб чиқариш муносабатлари антагонизмлардан ҳоли бўлган социалистик жамиятдагина У. социал жиҳатдан тобора яқинис бўлиб бормоқда ва умумий мақсадга: социализмнинг иқтисодий Б. ини изчиллик билан такомиллаштиришга ва ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

БАКУНИН Михаил Александрович (1814—76)— рус майда буржуа революционери, *анархизмнинг* ва *народникликнинг* идеологи, филосо-

фияда — электик. Келиб чиқиши жиҳатидан дворян. 1836—40 йилларда Москвада истиқомат қилиб, *Фихте* ва *Гегел*га қизиққан, Гегелнинг философиясини консерватив руҳда талқин қилган («Гегелнинг гимназиядаги нутқлари. Таржимоннинг сўз бошиси», 1838). 1840 йилдан муҳожирликда бўлиб, *ёш гегелчиларга* қўшилган («Германияда реакция», 1842). Прага ва Дрезденда 1848—49 йиллар революциясига қатнашган. 1851 йилдан қамоқда бўлган; 1857 йилдан Сибирда сургунда бўлган. 1861 йилда сургундан қочган. 60—70-йилларда Фарбий Европада яшаган; *Герцен* ва *Огарев* билан ҳамкорлик қилган; анархистлик ҳаракатини ташкил этишда актив қатнашган, I Интернационалда Маркс билан курашган ва 1872 йилда Интернационалдан чиқарилган. 70-йиллардаги рус народниклик ҳаракатининг таниқли назарийчилари ва раҳбарларидан бири. Бернда вафот этган. Б. нинг назарияси 60-йилларнинг охирида узил-кесил таркиб топди («Давлатчилик ва анархия», 1873 ва б.). Б., инсониятнинг золими — уйдирма худого таянуви давлатдир, деган фикрга асосланади. Дин «коллектив жиннилик», эзилган омма онгининг айниган маҳсулидир, черков эса «осмон қовоқхонасининг бир хили» бўлиб, унда халқ ўзининг кундалик кулфатини нутишга ҳаракат қилади. Инсониятни «эркинлик салтанати»га етказмоқ учун энг аввал давлатни «портлатмоқ» ва ҳокимият принципини халқ ҳаётидан чиқариб ташламоқ керак. Социалистик инстинктларга ва халқ оmmasининг, асосан деҳқонлар ва люмпен-пролетарлар оmmasининг стихияли революционлиги битмас-туганмаслигига кўр-кўрона ишонган Б., аслда, революцияни тайёрлаш зарурлигини инкор этар, кўпинча революцион авантюраларга берилиб кетарди. У жамият тўғрисидаги илмий назарияни тушунмас эди, пролетариат диктатураси тўғрисидаги марксистик таълимотга қарши чиқарди. Б. нинг анархистик идеялари Россияда 70-

йиллардаги народниклар орасидагина тарқалиб қолмасдан, иқтисодий жиҳатдан занф бўлган бошқа мамлакатларда (Италия, Испания ва б.) ҳам анча тарқалган эди. Б. нинг анархистик назарияларини Маркс, Энгельс ва Ленин танқид қилган эдилар.

БАТУРИН Пафнутий Сергеевич (тах. 1740—1803) рус маърифатчиси, *деист*; «Янглишлар ва ҳақиқат тўғрисидаги китобнинг тадқиқоти» (1790), «Аравлялар ҳақида қисқача қисса» (1787) ва б. асарларнинг автори. Б. нинг «Тадқиқот...» фалсафий асари мунозарали бўлиб, унда мистик Сен-Мартеннинг «Янглишлар ва ҳақиқат тўғрисида ёки одамзоднинг билимнинг умумий ибтидосига мувожаати» китобида баён қилинган идеялари таҳлил қилинган. Б. нинг асари Сен-Мартеннинг мазкур китобини ўзларининг гоъий қуроли қилиб олган масонларнинг диний-мистик таълимоти танқид қилинган деярли бирдан-бир асар эди. Б. ўз замонасидаги табиийёт илми эришган ютуқларга таяниб, табиат ҳодисаларига материалистик изох берарди, космогонияда гелецентризм гоъяларини, материя ва ҳаракатнинг сақланиш қонунини қаттиқ туриб ёқларди, материалистик билиш назариясини Ҳумога қилиб, кузатишга ва тажриба маълумотларига катта ўрин берарди. Б. мистикларнинг «гайри жисмий субстанция» ёки предмет оламнинг «руҳий ибтидолари» ҳақидаги таълимотини рад қилди. Б. нинг материализми метафизик характерга эга бўлиб, деистик формада юзага чиқарди. Б. маорифни, табиийёт фанларини ривожлантиришни, «яхши» қонунчилиқни ва гуманизмни ёқлаб сўзларди.

БАУМГАРТЕН Александр Готтлиб (1714—62) — немис философи, *Вольф* ва *Лейбниц*нинг издоши. «Поэтик асарга доир баъзи масалалар тўғрисида фалсафий ўйлар» (1735) деган асарида биринчи марта «эстетика» терминини киритди ва бу термин билан ҳиссий билиш фанини белгилади. Унинг фикрича, ҳиссий

билиш гўзалликни пайқаб, уни яра-тади ва санъат образларида, логика-нинг қарама-қаршилигида, яъни фа-росатли бўлиш ҳақидаги фанда ифодаланади. Ҳиссий билиш масала-ларига В. «Эстетика» асарини бағиш-лади ва лекин бу асар тугалланмай қолди (1-т. 1750 йилда, 2-т. 1758 йилда босилиб чиқди). В. фан сифа-тидаги эстетиканинг асосчиси эмас-дир, лекин у киритган «эстетика» тушунчаси эстетик фикр тараққиёти-нинг талабларига мувофиқ келарди ва шунинг учун кенг тарқалган эди.

БАХОФЕН Иоганн Якоб (1815—87)— швейцариялик ҳуқуқ ва дин тарихчиси. Узининг «Она ҳуқуқи» деган асарига (1861) В. оила тари-хини, аynиқса оналик проблемалари-ни ўрганишга асос солди. Аммо идеалистик дунёқарашни унга оила — эру хотинлик муносабатлари риво-жининг ҳақиқий негизларини очиб беришга халақит етказди. Диний тасаввурлар эволюциясини В. тарих-нинг ҳаракатлантирувчи кучи деб ҳисобларди. Энгельс В. нинг қараш-ларига ҳар томонлама баҳо берган («Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши»).

БАҲОНА — ташқи, кўпинча тасоди-фий, воқеа, вазият бўлиб, у бошқа воқеаларнинг бошланиши учун ун-довчи туртки беради. В. сабабдан фарқ қилади, чунки у бошқа воқеа-лар, ҳаракатлар (натижалар)нинг заруран бошланиши билан боғлиқ бўлмаган энг хилма-хил фактлардан иборат бўлиши мумкин (*Сабабят*). В. бирон-бир муҳим ҳодисани фақат шунинг учун юзага келтириши мум-кинки, бу ҳодиса тараққиётнинг қо-нуниятли, зарурий бориши билан тайёрлаб қўйилган бўлади.

БЕБЕЛЬ Август (1840—1913)— не-мис с.-д. партиясининг асосчилари-дан бири, марксизмнинг таниқли пропагандисти ва назарийчиси, В. назарий қизиқишларининг марка-зи — тарихий материализмдир. В. нинг аёллар масаласи юзасидан қилган тадқиқоти айниқса қиммат-лидир. «Аёллар ва социализм» деган

асарида (1879) у аёлларнинг аҳволи пировард ҳисобда ижтимоий муноса-батларга боғлиқ эканлигини кўрсат-ди. Хусусий мулкнинг пайдо бўли-ши — «аёлларни камситишнинг» ва ҳатто уларга нафрат билан қараш-нинг» бошланишидир. Шу сабабли аёлларни озодликка чиқариш — экс-плуатацияни ва социал зулмни ту-гатиш проблемасининг бир қисми-дир. В. буржуа идеологиясига қарши тинмай кураш олиб борди, *мальтус-чиликни* фош этди, идеализмни ва динни чуқур танқид қилди, бу икка-ласи ичдан муштарак эканлигини кўрсатди. В. нинг пролетариат интeр-национализмни ёқлаб, миллатчилик-ка ва шовинизмга қарши чиқишлари катта аҳамиятга эга эди. *Бернштейн-нинг* қарашлари пролетарийга туб-дан душман эканлигини у биринчи-лар қаторида тушунган ва *ревизио-низмни* танқид қилиб чиққан эди. Гарчи В. да баъзи хато фикрлар ва тактик хатолар бўлган бўлсада, унинг назарий ва амалий фаолияти ишчилар синфининг социал зулмни тугатиш учун олиб борган кураши-да гоят катта аҳамиятга эга эди.

БЕВОСИТА БИЛИМ ёки *интуи-ция* — исбот ёрдамисиз олинган би-лим, фақат тажриба маълумотлари билан эмас, балки мантиқий муҳо-кама билан ҳам ҳамisha воситалан-ган *дискурсив*, ёки намоёншкорона билимдан фарқли ўлароқ, ҳақиқат-ни бевосита мушоҳада этиш. Билиш назариясининг ривожланишида В. б. нинг икки турининг: ҳиссий ва ин-теллектуал турларининг (ҳиссий ин-туция ва интеллектуал интуция) тафовути пайдо бўлиб, бу турлар метафизик таълимотларда бир-бир-рига кескин қарама-қарши қилиб қўйилди. *Кантдан* илгари ҳиссий В. б. ҳамisha ўз манбаига кўра тажри-бавий билим деб қараларди. Кант-нинг даъвосича, тажрибадан келиб чиқадиган В. б. дан ташқари гўё ҳиссий В. б. нинг ҳар қандай тажри-бадан олдин келадиган (априор) формалари (макон ва замон) ҳам мавжуд эмиш. Инсон ақли учун интеллектуал интуциянинг мумкин-

лисини Кант рад этарди-ю, лекин унинг инсон ақлига қараганда юқорироқ ақл учун мумкинлигини эътироф қиларди. **Якоби** Б. б. ни билимнинг олий тури ҳисобларди; У «ҳисобсизлиги, кейинги асарларида эса ақлни шундай билимнинг органи деб ҳисобларди. Қадимги замонда Платон, Плотин, 17-асрда рационалистлардан Декарт, Спиноза, Лейбниц, 18-асрнинг охири—19-асрнинг бошларида немис идеалистлари ва романтизм философларидан Н. Г. Фихте, Шеллинг, Фр. Шлегель, 20-асрда Э. Гуссерль интеллектуал Б. б. ни эътироф қилган эдилар. Интеллектуал интуиция деганда улар ақлнинг ҳақиқатини «ақл кўзи билан тўғри, исбот воситасисиз «кўриш» қобилиятини тушунардилар; мас., геометрия аксиомалари шундай ҳақиқатлар ҳисобланарди. 20-асрда геометриянинг формалистик йўналишида аксиомаларни таърифлар билан айнан бирдай қилиб қўйган ва уларни бевосита кўз билан кўришликдан маҳрум қилган қараш пайдо бўлди. Гегель ўзидан олдинги Б. б. назарияларини диалектик назариялар деб танқид қилди. У Б. б. да бевосита ва бевосита билимнинг бирлигини кўрарди. Аммо Гегель ривожланаётган тафаккурнинг ўзини хато равишда бу бирликнинг асоси деб ҳисобларди. Диалектик материализм бевосита ва бевосита билимнинг бирлиги асосини моддий практиканинг ривожланишида деб биларди: практика ва унинг сабаби билан юзага келган тафаккур восита бўлган ҳақиқатлар — қайта-қайта такрор ҳосил қилиниши туфайли — бевосита-ишончли ҳақиқатлар бўлиб қолади.

БЕВОСИТА ХУЛОСА ЧИҚАРИШЛАР — мантикий хулосалар чиқариш бўлиб, уларда хулоса бевосита фақат бир асосдан келиб чиқади. Б. х. ч. га *мантикий квадрат* юзасидан чиқариладиган хулосалар, мантикий эга билан кесимнинг ўрин алмаштирилиши, бир шаклдан иккинчи шаклга айлантириш ва б.

киради. Б. х. ч. икки ёки ундан кўп асосга эга бўлган воситали хулоса чиқаришларга қарама-қарши қилиб қўйилади.

БЕГОНАЛАШИШ — бу тушунча, биринчидан, инсон фаолияти маҳсулларининг (ҳам амалий фаолият маҳсуллари — меҳнат маҳсуллари, пул, ижтимоий муносабатлар ва ҳ. к., ҳам назарий фаолият маҳсулларининг), шунингдек инсоннинг хусусиятлари ва қобилиятларининг кишиларга боғлиқ бўлмаган ва улар устидан ҳукмронлик қиладиган қандайдир бир нарсага айланиш процесси ва натижаларини, иккинчидан, бирон-бир ҳодисалар ва муносабатларнинг уларнинг асли ҳолатидан бошқача бир нарсага айланишини, кишилар онгида уларнинг реал ҳаётий муносабатлари бузуқ шаклга кирганлигини характерлайди. Б. идеясининг манбаларини француз (Руссо) ва немис (Гёте, Шиллер) маърифати вакилларида топish мумкин. Обьектив равишда бу идея хусусий мулкчилик муносабатларининг антигуманистик характерига қарши норозиликни ифодаларди. Б. проблемаси кейин немис классик философиясида ишлаб чиқилди. Фихтедаёқ предметни (Мен-мас) соф «Мен» деб фараз қилиш Б. сифатида юзага келади. Б. нинг идеалистик шарҳини энг тўлиқ равишда Гегель ривожлантирди, унда бутун объектив олам «бегоналашган руҳ» сифатида юзага келади. Гегелнинг фикрича, тараққиётнинг вазифаси — билиш процессида бу Б. ни олиб ташлашдан иборат. Шу билан бирга Гегелнинг Б. тушунчасида антагонистик жамият шароитида меҳнатнинг баъзи хусусиятлари тўғрисида оқилона фаразлар бор. Фейербах динни инсон моҳиятининг Б. и деб, идеализми эса ақлнинг Б. и деб қарарди. Бироқ Б. ни фақат онг ҳодисаларидан иборат қилиб қўйгач, Фейербах уни тузатишнинг реал йўлларини тополмади, чунки уларни фақат назарий танқидда кўрарди. Ҳозирги замон буржуа философиясида, шунингдек ревизионистик адабиётда Б.

тақдирга ёзилган муқаррар ҳодиса деб тавсифланади, бу ҳодиса ё техникавий ва илмий тараққиётдан, ёки инсон фаолиятининг ғайри тарихий хусусиятларидан келиб чиққан эмиш. Бундай концепциянинг назарий асоси Б. ни предметлашиш (*Предметлашиш ва предметликдан чиқиш*) билан тенглаштиришдан иборат, ўзининг социал моҳияти жиҳатидан эса бу концепция маддоҳлик вазифаларини бажармоқда. Маркс «1844 йилги иқтисодий-фалсафий ҳўл ёзмаларда», «Немис идеологияси»да ва 1857—59 йиллардаги иқтисодий қўлёзмаларда Б. ни анализ қилишга айниқса катта эътибор бераркан, у Б. жамият тараққиёти муайян босқичининг зиддиятларини ифодалашига асосланиб иш кўради. Б. антагонистик меҳнат тақсимотидан вужудга келган бўлиб, хусусий мулк билан боғлиқдир. Бундай шароитда ижтимоий муносабатлар стихияли равишда шаклланади, кишиларнинг назорати остидан чиқади, фаолиятнинг натижалари ва маҳсуллари эса индивидлардан ва социал группалардан бегоналашиб, ё бошқа кишилар томонидан, ёки ғайри табиий кучлар томонидан пеш қилинган нарсалар сифатида юзага келади. Маркснинг диққат марказида меҳнатнинг Б. ини анализ қилиш туради, бу анализ ёрдами билан у капиталистик муносабатлар системасини ва пролетариатнинг аҳволини тавсифлаб беради. Меҳнатнинг Б. ини бошқа бarchа Б. формаларининг, шу жумладан идеологик формаларининг асоси сифатида эътироф этиш бузуқ, сохта онгни реал ижтимоий ҳаёт зиддиятларининг натижаси деб тушуниш имкониятини берди. Шундай қилиб, назариянинг практикага қарамлиги аниқланди ва шу асосда философия қайтадан тузилди. Айни вақтда Маркс Б.—ни жамиятнинг коммунистик асосда қайта қуриш йўли билан тугатиш вазифасини асослаб берди. Кейинчалик ўзининг классик асарларида («Капитал»да) Маркс Б. нинг аспектларини узвий бўлакларга бўлиб, капитализм

ижтимоий муносабатлари бутун системасининг ишлаши ва ривожланишини анализ қилиш учун бу категориянинг методологик ролини асослаб беради (*Фелгишизм*).

БЕДИЛ Мирзо Абдул Қодир (1644—1721)— Ҳиндистонда яшаб ижод этган Шарқнинг машҳур шоир-мутафаккири, чуқур фалсафий мазмундаги шеърлар ва 20 босма вараққа яқин насрий асарлар ёзиб қолдирган. Унинг «Қудлиёти»—«Ирфон», «Чор унсур», «Ишорат ва ҳикоёт», «Нукот» каби 16 мустақил асарни ўз ичига олади. Б. оламнинг бирлиги, моддийлиги, йўқолмаслиги ва абадийлиги ҳақидаги фикрни ҳимоя қилади. Турли нарсалар, конкрет ҳодисалар вужудга келиб, ўзгариб йўқ бўлиб туради, лекин табиат абадийдир, модда, табиат турли шаклларда — рангларда мавжуд бўлади, у доимо ҳаракатда, мавжудотнинг асосида 4 моддий унсур (элемент)— тупроқ, сув, олов, ҳаво ётади ва улар турлича таркибда қўшилиб, конкрет предметларни ташкил этадилар. Жисмларда элементларнинг таркибий ўзгариши зарурят асосида юз беради, ҳар қандай ўзгариш сабаб-оқибат принципига бўйсуннади. Б. сезги ва айниқса ақлнинг билувчилик қудратини алоҳида таъкидлайди, илмни билишнинг ва ҳақиқатни аниқлашнинг қалити, деб қилади. Б. нинг фалсафий қарашлари материалистик ғояларга бойдир, диний тасаввурларни, тақдирга ишонини танқид қилади. Ижтимоий қарашларда Б. жамиятнинг синфий табақаланишини, бой ва меҳнаткашлар манфаатининг зид эканлигини тушуниш даражасига кўтарилди, золимларни адолатсизликда, зулмда айблади, ижтимоий тараққиётда илм-фалсафанинг ролига юқори баҳо берди, меҳнат аҳлига хайрихоҳлик билдирди, ҳунар эгаллашчи тарғиб қилди.

БЕЙЛЬ Пьер (1647—1706)— публицист, философ-скептик, француз маърифатпарварлигининг илк намояндalarидан бири; Седан академияси ва Роттердам ун-тетининг про-

фессори бўлган. Б. католицизмга қарши мунозара бошлаб, сўнгра ҳар қандай диндан воз кечган ва диний эркинлиكنи тарғиб қилган. Гарчи Б. ўш атеист бўлмаса-да, лекин унинг диний индифферентизмини (динга лоқайдлигини) Вольтер нозик нуктадонлик билан пайқаган ва, агар Б. ўш динга ишонмовчи бўлмаса-да, лекин бошқаларни динга ишонмовчи қилади, деган. Б. шунингдек христианлик таълимотини мажусийлик мифологиясининг кўринишларидан бири деб танқид қилишни бошлаб берган. Декартнинг шақкоклигига бориб тақаладиган ва Маркс ибораси билан айтганда, ҳар қандай метафизикага ва илоҳийга ишонишга путур етказган *скептицизм* унинг танқидий далил исботининг асосини ташкил этарди. Б., эстетик проблемаларни дин билан боғлаш ярамайди, улар табиий ақл нуқтаи назардан олиб қаралмоғи лозим, деган фикрни айтган эди. У ёлғиз атеистлар жамияти мавжуд бўлиши мумкинлигини исботлаган эди. Б. ўз асарлари билан (улардан асосийси — «Тарихий ва танқидий лўғат», 1695) 18-асрдаги француз материализми учун замин ҳозирлади.

БЕЛГИ — моддий ҳиссий равишда идрок этиладиган предмет, воқеа ёки ҳаракат бўлиб, бу ҳаракат би-лишда кўрсатмалар, ишоралар сифатида ёки бошқа предмет, воқеа, амал ва субъектив тузилманинг вакили сифатида юзага келади. Б. тушунчасининг анализи философия, логика, лингвистика, психология ва ҳ. к. да муҳим ўрин тутарди. Антик философлар (*Платон, Аристотель, Стоиклар*), 17—18-асрларнинг мутафаккирлари (*Локк, Лейбниц, Кондильяк*) Б. нинг гносеологик функцияларини қараб чиқишга катта эътибор берган эдилар. 19-асрда лингвистика ва *математик логика* Б. ни тадқиқ қилишга янги моментлар киритди. Сўнгги вақтда Б. ҳақида махсус фан-семиотика вужудга келди (*Пирс, Соссюр, Ч. Моррис*, ҳозирги замон структурализмининг вакиллари). Махсус социал ситуация-

лар (яъни белги ситуациялари) нинг ажратилиши биринчи даражали аҳамиятга эгадир, чунки бу ситуацияларда Б. дан фойдаланилади. Бу хилдаги ситуациялар *нутқ (тил)*нинг ва *тафаккурнинг* қарор топиши билан чамбарчас боғлиқдир. Б. одатда тил ва ғайри тил белгиларга бўлинади; ғайри тил белгилар ҳам ўз навбатида белги-копиялар, белги-аломатлар, белги-сигналларга ва ҳ. к. бўлинади. Б. нинг *информация* узатиш процесси билан алоқаси фавақулдада муҳимдир. Б. нинг таърифидан унинг энг муҳим хусусияти келиб чиқади: бирор моддий объектдан иборат бўлган Б. бошқа бирон нарсани белгилаш учун хизмат қилади; шунга кўра, Б. нинг маъносини — предмет (объектни билдирадиган) маъносини ҳам, мазмун маъносини (белгиланган объектнинг образи) ҳам ва экспрессив маъносини (Б. нинг ҳиссиёт ёрдами билан ифодаланадиган маъносини ва ҳ. к.) ҳам аниқламасдан туриб, Б. ни тушуниш мумкин эмас (*Маъно ва мазмун*). Семиотикада белгиларнинг бир-бирига муносабатлари (синтаксис), белгиларнинг улар билан белгиланадиган нарсаларга муносабатлари (семантика) ва белгилардан фойдаланувчининг у ишлатадиган белги системаларига муносабатлари (прагматика) бир-бирдан фарқ қилиб қаралади. Формаллаштирилган белги системаларининг математик логика ва *метематика*га доирасида ўтказиладиган тадқиқоти Б. назариясини яратиш учун катта аҳамиятга эгадир. Юқорида кўрсатилган барча соҳаларда жадал иш олиб борилаётганлигига қарамай, Б. нинг ҳозирги замондаги синтетик концепциялари етарли даражада қаноатлантирмаётир. Бунинг сабаби аввало шуки, Б. мураккаб структур тузилмаларга оид бўлиб, бу тузилмаларни тадқиқ қилиш методлари ҳали ҳозирча етарли даражада ишлаб чиқилган эмасдир. Б. нинг синтетик назариясини тузиш вазифасини унинг айрим томонларини тадқиқ қилиш йўли билан ҳал этиб бўлмай-

ди. Бинобарин, кўндан-кўн белги системаларини, биринчи галда табиий тилларни вужудга келтирувчи ижтимоий-ишлаб чиқариш фаолияти структураси ва функцияларини батафсил анализ қилиш зарур. Белги системаларини тадқиқ қилиш қўйидагиларни ўз ичига олади: 1) улар билан бажариладиган амалларни аниқлаш; 2) Б. билан инсон фаолиятининг бошқа элементлари ўртасида ўрнатиладиган алоқаларни тасвирлаш ва тавсифлаш; 3) шу алоқалар туфайли Б. да пайдо бўладиган хоссалар-функцияларни тасвирлаш. Ана шу компонентларнинг ҳаммасини қайд қилиш натижасида Б. нинг маъноси таркиб топади.

БЕЛИНСКИЙ Виссарион Григорьевич (1811—48)—рус революцион демократи, адабий танқидчи, рус реалистик эстетикасининг асосчиси. Б. — рус озодлик ҳаракатида рязночинецлар томонидан дворянларни батамом суриб чиқаришни бошлаб берган киши. Свеаборгда врач оиласида тугилган. 1829 йилдан бошлаб Москва ун-тетининг филология бўлимида ўқиди ва 1832 йилда ун-тетдан чиқарилиди. 1833 йилдан «Телескоп» журналининг ходими, бу журналга илова қилиб чиқариладиган «Молва»да Б. нинг «Адабий орзулар» деган биринчи йирик мақоласи босилиб чиқди (1834). Унинг ўзи редакторлик қилган «Московский наблюдатель» журналида мақолалари босилиб турди (1838—39). 1839 йилнинг охиридан бошлаб Петербургда истиқомат қилди ва «Отечественные записки» журналида адабий-танқидий бўлимининг бошқарди, 1846 йилдан бошлаб «Современник» журналининг танқидий бўлимига бошчилик қилди. Петербургда сил касалидан вафот этди. Б. нинг гоёвий ижоди шундай бир даврга тўғри келадикки, бу даврда илгор рус ижтимоий фикри (декабризм сабоқларидан хулоса чиқариб) самодержавие ва крепостникликка қарши курашининг янги йўлларини ҳали эндигина излай бошлаган, ижтимоий тараққиётнинг илмий назариясини

излаб топишга киришган эди. Бу ҳол Б. гоёвий эволюциясининг фақуллодда мураккаб ва жадал тус олишига сабаб бўлди. 40-йилларда Б. деҳқонларнинг кайфиятларини акс эттирган революцион демократизмга, социализм, атеизм ва материализм гоёларига ўтади. Ана шу йўлда Б. га 19-асрнинг фалсафий ва социал-сиёсий таълимотларига: *Фихте* ва *Шеллинг*, *Гегель* ва *Фейербах*, *ёш гегелчилар*, француз социал-утопистлари ва ёш Маркснинг таълимотларига ўз муносабатини белгилаб олишга тўғри келди. Б. фалсафий трактатлар ёзган эмас, лекин унинг бирон каттароқ мақоласи йўқки, унда фалсафий масалалар ўз ифодасини топмаган бўлсин. Бир вақтлар (1837—39) Гегель философиясига жуда берилиб кетган Б. унинг «воқеий нарсаларнинг ҳаммаси оқилонадир» деган қондасини сиёсий консерватизм руҳида, воқелик билан муроса қилиш идеяси сифатида талқин қилади. Лекин ҳатто шу даврда ҳам, яъни Б. нинг умри тугаётган, ақлга хилоф бўлган нарсаларнинг ҳаммасини инкор қилиш идеяларини ва уларга қарши кураш принципини илгари суриши билан тамомланган даврда ҳам, унинг гоёвий изланишларининг асосий тенденцияси жамият ва инсон ҳаёти қандай қонунларга бўйсунини тушунишга интилишдан иборат эди. 40-йилларнинг бошларида Б. материализм позицияларига ўтади. Моддийлик билан идеявийликнинг бирлиги масаласини қараб чиққанда Б. «руҳийлик» «физикавийликнинг фаолиятдан бошқа нарса эмасдир» деб исбот қилади. Шу билан бирга у инсоннинг муҳит билан ўзаро таъсир процессида онгнинг актив роль ўйнашини кўрсатади. Гегель системасининг консерватизмининг танқид қилар экан, Б. унинг диалектикасида илмий тадқиқот методига ва революцион ҳаракатга асос солинганлигини, унда чинакам «тарих философияси» куртаги борлигини кўради. Объектив қонуният идеясини Б. кишилар фаолиятининг

мажмуи орқали йўл очиб борадиган ва, жумладан, буюк шахсларнинг ишларида ўз ифодасини топадиган ижтимоий тараққиётнинг заруриятининг сифатида конкретлаштирди. Ўз ўзининг марказий идеяларидан бири бўлиб, бу идея унинг рус тарихи проблемаларини (Петр I ва бошқаларнинг ролини) қараб чиқиш усулига, мазкур идеянинг жаҳон тарихи процесслари билан ўзаро муносабатига асос бўлди, бу идея шунингдек идеал билан воқеликнинг ўзаро муносабати проблемаларини Ё. томонидан талқин этилишига омил бўлди. Б. «бойлар ҳам, камбағаллар ҳам, подшолар ҳам, фуқаролар ҳам бўлмайдиган ва лекин биродарлар, одамлар бўладиган» чинакам адолатли жамиятнинг социалистик идеалини табриклаш билан бирга Фарбий Европадаги баъзи социалистларнинг реформаторлик лойиҳаларига скептиklarча шубҳа билан қарарди. У, янги жамият зўрлик билан тўнтарилар қилмасдан, қон тўкилмасдан туриб, «замон равиши билан» қарор топиши мумкин бўлмас керак, деб фараз қиларди; бироқ унинг ўзи ҳар ҳолда социализмнинг муқаррарлигини илмий асослашга киришмаган эди. Б.нинг келажак ахлоқининг асослари сифатида дастлабки христианлик идеяларига мурожаат қилиши ҳам шунга боғлиқ эди. Б. буржуа тартибларининг ўрта аср тартибларига нисбатан прогрессивлигини эътироф қиларди ва патриархал-крепостниклик ҳаёт формаларини (биринчи галда крепостнойлик ҳуқуқини) тугатиш, бир қанча буржуа-демократик реформалар ўтказиш — Россияда ижтимоий ўзгаришларнинг энг яқин вазифаси, деб ҳисобларди. Ана шунга асосланиб, Б. революцион маърифатчилик нуқтаи назардан туриб, «расмий халқчилар»нинг орқага қайтвчилик голярига қарши шайқатсиз кураш олиб борган, славянофилларнинг Россиянинг патриархал ўтмишини идеаллаштириб кўрсатишларини масхара қилиб кулган, турли хилдаги либерал ва ре-

волюцион-утопик хаёлларни (Бакунин билан мунозара) қаттиқ танқид қилган эди. Б.нинг Гоголга ёзган хати (1847 йил июль) унинг революцион демократизмнинг чўққиси, унинг маънавий васияти эди ва бу хат 19-асрда Россиянинг цензурасиз демократик матбуотининг энг яхши асарларидан бири эди. Б.нинг эстетик муҳокамалари ҳам историзм (тарихийлик) идеяси билан сугорилган. Санъатнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятини воқеликни унинг типик хислатлари билан такрор ҳосил қилишдан иборат, деб билган Б. реакция романтизмга, декадентлик белетристикасига («риторизм»га) кескин қарши чиқди, Пушкин ижодидаги реализм принципларини ва Гоголь бошчилиқ қилган «натурал мактаб» принципларини пропаганда қилди. Б. санъатда халқчиллик ва реализм тушунчаларининг алоқадорлигини кўрсатиб, адабиётнинг ижтимоий аҳамияти гуё маърифатли «жамият» билан халқ оммаси ўртасидаги жарликни бартараф қилишга боғлиқ эканлиги ҳақидаги, «Замонавийликка», яъни ҳақиқий санъаткорнинг ажралмас сифати бўлмиш тараққиётга «хайрихоҳлик билан қараш» ҳақидаги энг муҳим қоидаларни илгари сурди. Б.нинг санъатга бўлган қарашлари эстетиканинг ривожланишида катта роль ўйнади.

БЕЛЛЕРС Жон (1654—1725) — инглиз майда буржуа утописти, плантроп, экономист, қийматнинг меҳнат назарияси салафларидан бири. Меркантилистларга қарама-қарши ўлароқ, Б. меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишлаб чиқаришнинг мавжуд усулини ўзгартиш зарурлигини таъкидлаб кўрсатган эди. Кооперация принципини биринчилар қаторида илгари сурган эди. «...Ишлаб чиқариш колледжларининг тузилиши ҳақида таклифлар» деган асарида (1695) у ишлаб чиқариш воситаларига коллектив эгаллик қилишга ва меҳнатни «меҳнат қилмаган киши овқат емайди» принциpigа мувофиқ оқилна ташкил этишга асосланган ишлаб чиқариш кооперацияси

нини кенг баён қилган эди. Б. социал страхования ва меҳнат тарбияси зарурлигини таъкидлаб кўрсатган эди.

БЕНИҲОЯЛИК ВА НИҲОЯЛИ.— объектив оламнинг ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган қарама-қарши томонларини ифодаловчи категориялар. Чунончи, мас., чексиз ошиб (камайиб) ўзгарувчи миқдор бениҳоя миқдор деб аталади, бу миқдор олдиндан берилган ҳар қанча ва ҳар қандай катта (кичик) миқдордан каттароқ (кичикроқ) бўла олади ва бўла беради; ниҳояли миқдор шундай муайян миқдордан иборатки, унга нисбатан бошқа, каттароқ (кичикроқ) муайян миқдорни кўрсатиш мумкин. Объектив оламга татбиқан Б. қуйидагиларни характерлайди: 1) оламнинг маконда мавжудлигини, барча моддий системаларнинг принципиал нобиққилигини; 2) оламнинг замонда мавжудлигини, материяни яратиш ва йўқ қилиб бўлмаслигини, унинг борлиги абадийлигини; 3) материянинг теранликда миқдор жиҳатдан битмас-туганмаслигини, унинг хоссалари, ўзаро алоқалари, борлиқ формалари ва ривожланиш тенденциялари бениҳоя хилма-хиллигини; материянинг тузилиши сифат жиҳатдан бир хил эмаслигини, материянинг структур тузилишининг беҳисоб кўпдан-кўп сифат жиҳатдан турлича даражалари мавжудлигини ва бу даражаларнинг ҳар бирида материя турлича ўзига хос хусусиятларга эга бўлишини ва турли қонуниятларга бўйсунини. Н.—Б. нинг инкоридир, лекин ҳар қандай ниҳояли объект Б. нинг юз бериш формасидир. Ниҳояли объект мавжуд муайян сифат тарзида чекланган замон ичида мавжуддир. Аммо уни ташкил этувчи материяни яратиш ва йўқ қилиб бўлмайди, у бениҳоя мавжудликка эга бўлиб, фақат бир хилдаги формалардан иккинчи хилдаги формаларга айланиб туради. Муайян жисмнинг мавжудлигини коинотнинг ҳар қандай, истаган даражада узқалашган соҳаларида кўриш мумкин,

бу жисм томонидан бошқа жисмлар билан ўзаро таъсир процессида яратиладиган моддий нурланишлар мазкур соҳаларга киришга қодирдир. Шундай қилиб, Б. сон-саноксиз кўп ниҳояли предметлар ва ҳодисалардан таркиб топиши сингара, Н. ҳам Б. ни ўз ичига олади. Б. ва н. нинг зиддиятли бирлиги Б. ни билишга имкон беради, тўғри, шуниси ҳам борки, амалий фаолият ва билишнинг ҳар бир ҳаракатида инсон фақат ниҳояли нарсалар ва процесслар билан иш кўради. Бироқ ҳар бир ниҳояли нарсада ёки ҳодисада Б. мавжуд бўлиши ёки юз бериши сабабли, «табиатни ҳар қандай ҳақиқий билиш — абадий, бениҳоя нарсани билишдир...» (К. Маркс ва Ф. Энгельс. 20-т., 549-б.) (шунингдек қ. *Мужмал бениҳоялик, Абадийлик*).

БЕНТАМ Иеремия (1748—1832)—инглиз ахлоқшуноси ва ҳуқуқшуноси. Узининг этика назариясида Б. хатти-ҳаракат боисларини хурсандлик ва азоб чекишдан иборат қилиб, ахлоқийликни эса хатти-ҳаракатнинг фойдалилигидан иборат қилиб кўяди (*Утилитаризм*). Б. нинг фикрича, ахлоқийлик бирон-бир хатти-ҳаракат натижасида ҳосил қилинган хурсандлик ва азоб-уқубатларнинг баланси сифатида математик тарзда ҳисоблаб чиқиши мумкин. Ахлоқийликни тушунишдаги метафизиклик ва механицизм («ахлоқий арифметика») Б. да капиталистик жамиятнинг очикдан-очик кўкларга кўтариб қириш билан қўшилиб кетган эди, чунки у «энг кўп кишилар учун энг кўп бахт» таъминлаб бериш (*сальтуризм* принципи) воситаси билан хусусий манфаатни қондиришни («эгоизм принципи») эълон қилган эди. У табиий ҳуқуқ назариясини танқид қилган эди. Б. худо тушунчасини ердаги ҳукмдорларга ўхшатиб тузатдиган «табиий дин»ни инкор этиб, «кармат дини»ни ёқлаб чиққан эди. Б. билиш назариясида — номиналист. Унинг логикага оид қўлёзмаларида *предикатни квантификациялаш* идеяси бор бўлиб, бу идея назариясини

кейин *Гюль ва Гамильтон* ифодалаб берган идиллар. Асосий асарлари: «Деонтология ёки ахлоқ ҳақидаги фан» (1834).

БЕРГСОН Анри (1858—1941)—франдуз идеалист философи, *интуитивизм* намояндаси. 1900 йилдан Коллеж де Франс профессори, 1914 йилдан Франция академиясининг аъзоси. Б. идеализмининг марказий тушунчаси — «соф», яъни номоддий («замон»дан фарқли ўлароқ) «давомийлик»дир — бутун мавжудотнинг бош негизидир. Материя, замон, ҳаракат «давомийлик»нинг бизнинг тасаввуримизда кўринишларининг турли формаларидир. «Давомийлик»ни билиш фақат интуитцияга муяссар бўлади, интуитция эса англаб бўлмайдиган, бевосита «кўриш», «пайқаш» тарзида тушунилади ва унда билиш амалиёти воқеликни туғдирувчи амалиёт билан мослашиб тушади». Диалектикага Б. ўзининг «ижодий эволюция» ҳақидаги таълимотини, яъни биологик идеализмдан (*витализм*) ўзлаштириб олинган тушунчаларни универсаллаштиришга асосланган таълимотини қарама-қарши қилиб қўяди. Б. жамиятга бўлган қарашларида синфий ҳукмронликни ва итоат қилишни оқлаб кўрсатиб, буни «табiiй» ҳолат деб, урушни эса муқаррар суратда юз берадиган «табиат қонуни» деб ҳисобларди. Б. нинг философияси империализм давридаги буржуа идеологияси учун характерли бўлган иррационализмнинг яққол ифодасидир. Асосий асарлари: «Оннинг бевосита маълумотлари» (1889), «Материя ва зехн» (1896), «Ижодий эволюция» (1907), «Ахлоқ ва диннинг икки манбаи» (1932).

БЕРДЯЕВ Николай Александрович (1874—1948)— рус буржуа мистик философи, экзистенциалист, «янги христианлик» деб аталадиган оқимнинг асосчиси, *вехицилик* идеологи. Ўз фаолиятини «легал марксизм»дан бошлаган, 1905 йилга келганда Б. нинг марксизмга «танқидий муносабати» бориб-бориб очиқ контрреволюционликка айланади, неокантчи-

ликка берилиб кетиши эса *худовизм*чиликка, мистикага айланиб кетади. Озодлик учун олиб бориладиган синфий курашга Б. диний мистика йўлларида шахннинг «ички», руҳий озодлигини қарама-қарши қилиб қўяди («Эркинлик философияси», 1911; «Ижоднинг маъноси», 1916; ва б.). Октябрь революциясидан кейин Б. (муҳожирлик чоғидаёқ) иккиланиб юрган интеллигенцияни марксизмдан йироқлатишга уриниб такомиллаштирилган «руҳий қурол»ни ишлаб чиқишга киришади. Б. капитализмни «инсон шаънига тўғри келмайдиган тузум» деб, эски христианликни «эксплуатация қуроли» деб атайди, ҳатто ишлаб чиқаришни умумлаштиришдан иборат «коммунизм ҳақиқати»ни тан олади. Шу билан бирга Б. нинг даъвосича, гўё синф билан инсонни тўсиб қўйган марксизм шахннинг активлиги ва эркинлиги проблемасини ҳал қилишга қодир эмас эмиш. Б. нинг фикрича, бу проблемани христианча *экзистенциализм* (ёки персонализм) ҳал қилиб берад эмиш. «Тубсизлик»дан олиб чиқиладиган (Бёмедан ўзлаштириб олинган) «абсолют эркинлик»ни ўз ижодига асос қилиб олган субъектнинг «мавжудлиги»ни Б. бирдан-бир реаллик деб эълон қилади; бу ижоднинг мазмуни — «худойинсоният» деб аталувчи нарсадан, «Худонинг инсонда ва инсоннинг Худода туғилиш» мистериясидан (*Достоевскийдан* ўзлаштириб олинган) иборат. «Худойинсон ижодининг амалга ошишини Б. «янги ўрта асрчилик» деб аталувчи даврга, «тўртинчи ўлчовнинг охират дунёсига кўчиради ва бу дунё ижодини умидсиз деб эълон қилади. («Мен ва объектлар олами», 1934; «Эстахологик метафизика тажрибаси. Ижодиёт ва объективлаштириш», 1947; ва б.) Б. нинг реакциялиги унинг асосий асари «Нотенглик философияси»да (1918 йилда ёзилган бўлиб, 1923 йилда нашр этилган) яққол намоён қилинган. Бу асарда социал нотенглик «саодат, эзгулик, ҳақиқат» деб эълон қилинади, империа-

листик урушлар эса инсоният ижоди ҳаракатининг негизи деб кўрсатилади. Б. нинг идеялари ҳозирги антикоммунистик адабиётда кенг пропаганда қилинмоқда.

БЕРКЛИ Жорж (1685—1753)—инглиз философи, субъектив идеалист. 1734 йилдан Клойнада (Ирландия) епископ. Б. инсон фақат ўз «идеяларини» (сезгиларини) бевосита идрок қилишига асосланиб, парсаларнинг мавжудлиги уларнинг идрок этилишидан иборат (*esse est percipi*) деган хулосага келган. Б. нинг фикрича, идеялар пассивдир, уларни жисмсиз субстанция, руҳ идрок этади, бу субстанция, руҳ активдир ва у идеяларни идрок этиш (ақл) ва уларни вужудга келтириш ёки уларга таъсир кўрсатиш (ирода) қобилиятига эгадир. Б. *солицизмдан* қочишга уриниб, руҳий субстанцияларнинг кўплигини ҳамда «ниҳоятсиз руҳнинг», худонинг мавжудлигини эътироф этади. Идеялар потенциал равишда илоҳий ақлда мавжуд бўлиб, лекин улар инсон ақл-фаросатида актуал мавжудликка эга бўлади. Кейинчалик Б. несоплатонизмга яқинроқ бўлган объектив-идеалистик позицияларга ўтиб, идеяларнинг худонинг ақлида абадий мавжудлигини эътироф этади. Б. атеизм ва материализмни рад қилиш мақсадида материя тушунчасини, ички томондан зиддиятли ва билиш учун бефойда, деб танқид қилади. Материяни берклича танқид қилишнинг асоси — идеалистик *номинализмдир*. Б. *бирламчи ва иккиламчи сифатлар* тўғрисидаги локкча назарияни (*Локк*) рад қилиб, барча сифатларни субъектив деб эълон қилади. Б. фаннинг дунёқараш аҳамиятини инкор қилиб, олимнинг вазифаси «ҳамма нарсани фақатгина жисмоний сабаблар билан изоҳлашни даъво қилмасдан, балки яратувчининг тилини ўрганиб олишдан иборат», деб ҳисобларди. Б. ана шу позициялардан туриб, ньютонча абсолют фазо назариясини рад этади, ньютонча тортилиш назариясига қарши *чиқиб*, уни моддий жисмлар ҳа-

ракатининг табиий сабаби ҳақидаги таълимоғ деб ҳисоблайди, ваҳоланки Б. ўзи фақатгина руҳий субстанциянинг активлигини эътироф қилган эди. Б. *Лейбниц* ва *Ньютон* яратган бениҳоя кичик миқдорларни ҳисоблашга салбий назар билан қарарди, чунки «реал фазонинг» бениҳоя бўлинишлигини эътироф этиш Б. философиясининг асосий хулосасига зид келарди. 19-асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан Б. философияси жонлана бошлайди ва идеализмнинг кўп мактаблари: *имманент мактаб*, *эмпириокритицизм*, *прагматизм* ва ҳ. к. мактаблар уни ўзлаштириб олади. Б. философияси ва унинг тақлидчилари 20-асрнинг бошларида В. И. Лениннинг «*Материализм ва эмпириокритицизм*» асариде қаттиқ танқид қилинди. Асарлари: «Янги кўриш назариясининг тажрибаси» (1709), «Инсон билишнинг асослари ҳақида трактат» (1710), «Гилас ва Филонус ўртасидаги уч суҳбат» (1713).

БЕРНАЛ Жон Десмонд (1901—71)—инглиз физиги ва жамоат арбоби, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофотининг лауреати (1953). Лондон қироллик жамиятининг аъзоси (1937 йилдан), бир қанча мамлакатлар академияларининг, шу жумладан СССР ФА аъзоси (1958 йилдан), Жаҳон Тинчлик Кенгашининг президент-ижрочиси эди. Физика, биохимия, кристаллография соҳасидаги тадқиқотлардан ташқари, Б. қаламига мансуб бўлган асарларда («Фаннинг социал функцияси», 1939; «Фан ва жамият», 1953; «Жамият тарихида фан», 1954) умуман фан ютуқлари умумлаштирилган, фаннинг фалсафий аҳамияти, инсоният тарихидаги роли, унинг эксплуататорлик жамиятида ривожланишининг зиддиятчилиги ва социализм даврида муттасил ривожланиб бориши очиб берилган. Б. фан тарихини анализ қилганда диалектик материализм нуқтан назаридан иш кўради. «Урушсиз дунё» китобида (1958) у фан ютуқларидан инсоният бахт-сао-

дати учун тинчлик билан фойдаланиш истиқболларини тасвирлаб беради.

БЕРНШТЕЙН Эдуард (1850—1932)— немиш социал-демократи, ревизионист ишчилар ҳаракатида ревизионизм ва реформизмнинг тарихан биринчи систематик формасига асос солган киши. «Социализм проблемалари» деб умумий сарлавҳа остида чиққан мақолаларида (1897—98) марксизмнинг философия, сиёсий иқтисод ва илмий коммунизм назарияси соҳасидаги асосий қоидаларини ревизия қилди. Б. «Қантга томон орқага» деган шиорни майдонга ташлаб, философиянинг асосий масаласини изил равишда материалистик ҳал қилишдан бош тортиди; Б. марксистик диалектикани Гегель диалектикаси билан бирдай қилиб кўрсатиб, илмий социализм имкониётининг ўзини инкор қилди. Б. нинг фикрича, социализм маънавий-ахлоқий идеалдан иборат. Б. пролетар диктатураси идеясини рад қилиб, синфий курашнинг сўниши назариясини тарғиб қилди ва, ишчилар синфининг бирдан-бир вазифаси капитализм доирасида майда реформалар учун курашдан иборат, деб даъво қилди. Ана шундан унинг: «Туб мақсад пуч, ҳамма гап ҳаракатда!» деган ибораси келиб чиқди. Философия соҳасида Б. нинг ревизионистик қарашларига қарши курашда Плехановнинг чиқишлари катта аҳамиятга эга бўлди. Б. нинг Россиядаги издошлари бўлмиш «экономистлар»ни ва меньшевикларни ҳамда халқаро ревизионизмни Ленин фож қилиб ташлади.

БЕРУНИЙ Абу Райҳон (973—1048)— хоразмлик машҳур энциклопедист, мутафаккир, ўрта аср илмининг турли соҳаларига — тарих, математика, астрономия, медицина, минералогия, география каби илмларга оид 200 га яқин асарлар муаллифи. Ўрта аср табиатунослигининг йирик намоёндаси сифатида Беруний ўз ижодига антик ва ўз даври фанлари ютуқларини умумлаштиришга, тажриба, эксперимент

ва кузатиш методларини кенг қўллашга ҳаракат қилди. Узининг биринчи йирик асари «Ёдгорликлар» даёқ табиатни тушунишда стихияли материалистик фикрларни олға сурди. Турли табиий ҳодисаларни сабабий боғланишлар асосида талқин этди. Кўп Шарқ мамлакатлари, Қадимги Греция ҳақида қимматли маълумотларни ўз ичига олган бу асарда воқеаларни илмий ўрганишга ёндашиш устида фикр юритиб, илмий ҳақиқат ҳар қандай афсоналардан, субъектив фикрлардан, эҳтирослардан холи бўлиши, воқеаларнинг объектив тартибини акс эттиришга асосланиши зарурлигини таъкиллади. Ҳинд халқининг маънавий маданияти, тарихига бағишланган катта илмий қимматга эга бўлган «Ҳиндистон» асарида ҳинд фалсафасидаги илгор табиий-илмий, материалистик фикрларга ўз хайрхошлигини ифода этди. Материя доим ўзгариб, турли шаклга кириб туриши, моддий нарсалар ва уларнинг ҳаракати абадий эканлиги ҳақидаги фикрларни алоҳида қайд қилди. Б. осмон жисмларининг ҳаракатини ўрганадиган экан, геоцентрик система назариясининг камчиликларини кўрсатиб, гелиоцентризм позициясини ёқлашга интилди. Хоразм ўтмишига бағишланган асарида ер қобиғи, турли геологик процесслар ўз моддий сабабларига эга бўлиб, узоқ тарихий ўзгаришларнинг натижаси эканлигини кўрсатди. «Геодезия», «Минералогия», «Масъуд қонуни» асарлари Б. нинг табиий процессларни ўрганишда диний-мистик фикрлардан узоқ бўлганини, илмий хулосалар эмпирик кузатишларга, аниқ фактларга асосланиши ҳақидаги фикрда қатъий турганлигини ҳар томонлама исботлайди. Дорилар классификацияси, характеристикаси ва манбаига бағишланган «Фармакогнозия» асари Б. нинг илмий ҳақиқатни билишда қиёсий методда катта аҳамият берганлигини кўрсатади. Б. билиш жараёнида ҳиссий билгиш — сезги, идрок, хотира каби қиларга катта эътибор бериб, уларсиз

табиат ҳодисалари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин эмаслигини таъкидлайди. Фандаги умумий хулосаларга эса тафаккур ёрдамида эришилади ва назарий билимлар конкрет тасаввурлар, фактларни кузатиш ва умумлаштириш асосида вужудга келади. Б. табиий фанларнинг турли соҳаларида, геометрия ва тригонометрияда бир қанча янги фикрлар, кашфиётларни олга сурди ва бу кашфиётлар ўрта аср Шарқида узоқ вақтгача фан ривожини белгилаб берди. Б. қадимги юнон илмларидан кенг фойдаланган ҳолда, уларнинг камчиликларини ҳам оғиб беришга ҳаракат қилди. Б. нинг фалсафий қарашлари деистик характерга эгадир. У оллоҳни биринчи яратувчи сифатида эътироф этади, лекин табиий процессларни ички реал моддий ўзгаришларга, детерминизмга асосланувчи материя кўринишлари сифатида талқин қилади, табиатдаги турли ҳодисаларни оллоҳнинг қудрати деб тушунтиришга уринувчиларни билимсизликда қоралайди. Дунёнинг тузилишини талқин этишда атомизм принципига яқинлашади. Б. нинг *Ибн Сино* билан *Аристотель* асарлари ҳақидаги ёзишмалари, хусусан турли табиий процесслар, осмон ҳаракати ҳақидаги ажойиб мулоҳазалари унинг стихияли материалстик қарашларининг ранг-баранг ва бойлигини исботлайди. У коинотда Ердан, бизнинг ҳаётимиздан ташқари яна бошқа дунёлар мавжудлиги ҳақидаги, ҳаракат эъдидагга асосланиши, материя формасининг узлуксиз ўзгариб, янгиланиб туриши ҳақидаги илмий фикрларни олга сурди. Ўз ижтимоий қарашларида Б. жамоа ва тил инсонларнинг бирлашувга бўлган эҳтиёжи асосида келиб чиққан деб таълим беради. Б. ҳунар, савдо-социк, мамлакатлараро маданий-илмий алоқаларни кучайтириш, социал ҳаётда илм-фанни ривожлантириш, унинг ролини оширишнинг кескин тарафдори бўлиб танилади, зулм, адолатсизлик, босқинчиликни қоралайди. Б. Ўрта Осиёдаги араб

босқинчилигини, маданий ёдгорликларни йўқотиш соҳасидаги араб феодалларининг сиёсатини қоралайди, Маздак қўзғолонига, карматийлар ҳаракатига хайрихоҳлик билан қарайди. Б. маданий тараққиётда ворибликнинг зарурий эканлигини таъкидлайди ва ўз илмий ишлари билан буни исботлайди. У ўтмиш Шарқ, Греция ва Рим маданиятининг, хусусан, илми ва фалсафасининг чуқур билимдони эди. Б. мамлакатнинг ободончилиги илм-фаннинг гуллашига боғлиқ, инсоннинг бахти эса унинг билим ва маърифатида, деб билди. Б. нинг ижтимоий қарашлари идеалистик характерга эга бўлсада, ислом диний ақидаларига нисбатан прогрессив ва рационализмга асосланган эди.

БЕШУУР, беихтиёр — актив психик процессларнинг характеристикаси бўлиб, бу процесслар муайян пайтда онгнинг мазмунли фаолияти бўлмаган ҳолда онгли процессларнинг оқимига таъсир кўрсатади. Чунончи, айни пайтда инсон бевосита ўйламайдиган ва лекин принцип жиҳатдан унга маълум бўлган, унинг фикрининг предмети билан ассоциатив равишда боғлиқ бўлган нарса замирий мазмун сифатида фикрнинг оқимига таъсир кўрсатиши, унга ҳамроҳ бўлиб бориши мумкин. Худди шунингдек, вазият, ситуациянинг, автоматик равишда қилинадиган ишларнинг (ҳаракатларнинг) идрок этиладиган (гарчи бевосита англамайдиган) таъсири ҳам ҳамма онгли ҳаракатларда бешуур, беихтиёр идрок сифатида ҳозир бўлади. Нутқнинг тил контексти, айтилмаган ва лекин иборанинг тузилишиданоқ фаҳмланадиган фикр ҳам муайян маънавий роль ўйнайди. Б. да ҳеч қандай мистик ёки билиб бўлмайдиган нарса йўқ. Бу ҳодисалар — онгли фаолиятнинг ёрдамчи ҳақсулидир, бинобарин, улар айни пайтда инсоннинг диққат-эътибори тўланган объектларни фаҳмлаб олишда бевосита қатнашмайдиган психик процессларни ўз ичига олади. Б. тушунчасини идеалистик бузишлар ҳа-

қила қаралсин: *онгсизлик, Фрей-шм.*

БЕМЕ Якоб (1575—1624)— теология билан маҳкам алоқасини сақлаб қолган немис философ-пантеисти. М-ўзидан ўрганиб маълумот олган, у илчил ва мунтазам система яратган эмас. Нарсаларнинг ва умуман оламнинг зиддиятли табиати ҳақидаги диалектика фаразларини у поэтик образлар тили билан ва христианликдан, астрология, алхимия ва қаб-баладан ўзлаштириб олган символ-лар билан ифодалаган. Унинг асари-да таврот афсоналарининг диний ҳаёти билан бўрттирилган содда нақли чуқур кузатишлар билан туташиб кетади. Б. нинг фикрича, худо ва табиат бирдир, табиатдан ташқари ҳеч нарса йўқ. Ҳамма нарсада зиддият бор, ҳатто худода ҳам яхшилик ва ёмонлик мавжуд. Ана шу икки ёқ-ламаликни Б. оламни ривожланиш манбаи деб биларди. Бир қанча ҳо-зирги замон буржуа философлари Б. таълимотининг мистик томонига алоҳида аҳқиқиб қарамқдалар. Б. нинг «Аврора ёки юксакликдаги тонг шафағи...» номли асосий асари (1612) даҳрилик асари деб қораланган эди. Б. нинг идеялари немис философиясининг ундан кейинги ривожига таъсир кўрсатган эди (Гаман, Гегель, Шеллинг ва б.).

БИДЪАТ (грек. *hairesis* — алоҳи-да диний таълимот)— бирон диннинг расмий аҳқом ва ақидаларидан тур-лича чекиниб, уларга оппозиция ёки душманлик назари билан қараш. Б. халқ оммасининг феодал жамияти ҳукмрон табақаларининг католик черкови ҳимояси остида қилаётган жабр-зулмларига қарши социал норозилигининг диний пардаси бўлиб хизмат қиларди. Дастлабки христиан-лик Б. и — монтеизм, яҳудохристиан-лиги, гностицизм — 2—3-асрларда пайдо бўлиб, ўрнатилаётган христи-ан ақидаларига қарши қаратилган эди. Арианчилик, несторианчилик, монофизитчилик 4—5-асрларга оид бўлиб, бу даврда христианлик Рим империясининг давлат дини бўлиб қолган эди. Б. ўрта асрларда жуда

равнақ топади, чунки бу даврда ка-толик черкови феодал жамиятининг эксплуататор синфлари ва унинг қудрати билан қўшилиб кетган бўла-ди (богомиллар, вальденслар, альби-гойлар, беггардлар, лолардлар, табо-ритлар ва б.). Б. ҳаракати феодал тузуми говий қуроли ислом дини ҳукмрон бўлган ўрта асрда Яқин ва Ўрта Шарқда ҳам кенг тарқалган эди. Араб истилосига қарши кураш ислом ҳукмронлигидан норозиликни ва турли б. оқимларни келтириб чи-қарди. Хусусан ортодоксал ислом, суннизм томонидан шунингдек ис-моилизм, карматилар, Форобий ва Ибн Сино таълимотлари ҳам Б. деб қораланди. Видъатчилик ҳаракати-нинг аҳамияти жуда катта эди, чун-ки у Фарбий Европанинг бир қанча мамлакатларида феодал тузумнинг ҳалокатини тайёрламоқда эди. Бу жиҳатдан деҳқон-плебейчилик Б. лари яққол ажралиб туради, бу Б. лар халқ оммасини идеология жиҳатдан қуроллантириб, деҳқонлар қўзғолон-ларининг байроғи бўлиб қолган эди. Капитализм пайдо бўлиши билан Б. ўзининг жанговарлик характерини йўқотиб, диний маъхабга айланиб ке-тади.

БИЛВОСИТА ИСБОТ — мантиқий *исботнинг* бир тури бўлиб, у тезисни асослаш усули билан фарқ қилади. Бевосита исботдан фарқли ўлароқ, Б. и. да исбот қилинувчи тезиснинг чинлиги баъзи қоидаларнинг ёлғон-лигини аниқлаш воситаси билан асо-сланади. Бу қоидалар исбот қилинув-чи тезис билан шу қадар боғланган бўладик, уларнинг ёлғонлигидан те-зиснинг чинлиги заруран келиб чиқа-ди. Б. и. нинг ҳар хил турлари мав-жуд. Айирувчи Б. и. да аини ҳолда мумкин бўлган ҳамма тасдиқларни бутун мажмуида тамомига етказадиган фаразларнинг бир нечаси қараб чиқилади; биттадан бўлак, барча фаразларнинг ёлғонлиги аниқланади ва шундай қилиб, бунда битта фа-разининг чинлиги ҳақиқат бўлади. Б. и. нинг бошқа бир тури — *аназо-гик исботдир*.

БИЛИМ — кишиларнинг ижтимоий

меҳнат ва фикрий фаолиятнинг маҳсули бўлиб, бу маҳсул амалий равишда ўзгартириладиган объектив оламнинг объектив, қонуниятли алоқаларини тил формасида идеяний қайта ҳосил қилишдан иборат. Инсон практикасининг ижтимоий характерини очиб олмасдан туриб, Б.нинг моҳиятини тушуниш мумкин эмас. Инсоннинг ижтимоий кучи Б. да марказлашади ва ойдинлашади. Философия тарихида бу факт инсон ижтимоий фаолиятининг ўз-ўзи билан қаноатланувчи ва белгиловчи ахамияти ҳақидаги объектив-идеалистик системаларнинг тасаввурларига реал асос бўлиб хизмат қилди (Платон, Гегель). Марксна материализмдан олдинги гносеологияда Б., аксинча, индивидуал билувчилик ҳаракат-ғайратларининг, индивидуал тажрибанинг натижаси деб тушуниларди. Аммо сенсуалистик принципни ҳамой қилиш билан боғлиқ бўлган бу хилдаги нуқтани назар кишининг жамият томонидан ишлаб чиқилган «тайёр» тушунчани ва категорияли аппаратни эгаллаган ҳолда билишга қадам қўйиши каби ҳолатини тушунтириб беролмас эди. Б.нинг бевосита вазифаси — тарқоқ тасаввурларни умумийлик формасига ўтказишдан, уларда амалий ҳаракатларнинг барқарор негизи сифатида бошқаларга бериш мумкин бўлган нарсаларни сақлаб қолишдан иборат. Ана шу нуқтани назардан Б. фикрга — нарсаларнинг эмпирик, ўзгарувчан хоссаларини қайд қилиб борувчи кундалик тасаввурларга қарама-қарши қилиб қўйилади (шунингдек қ. *Билиш*).

БИЛИШ — ижтимоий тараққиёт қонунилари тақозоси билан юз берган ва практика билан чамбарчас боғлиқ бўлган процесс — воқеликнинг инсон тафаккурини акс эттиш ва такрор ҳосил бўлиш процесси. Б.нинг мақсади — объектив ҳақиқатга эришидир. Б. процессида кишилар реал ҳодисалар ҳақида билимлар, тушунчалар орттирадилар, теварак-атрофдаги оламни англаб оладилар. Бу билимлардан дунёни ўзгартириш, та-

биатни кишиларнинг ҳаёт ёлларига бўйсундириш мақсадида амалий фаолиятда фойдаланадилар. Б. билан табиат ва жамиятнинг амалий ўзгартириш — ягона бир тарихий процесснинг ўзаро бир-бирини тақозо қилувчи ва бир-бирига ўтиб турувчи икки томонидир. Б.нинг ўзи — жамият амалий фаолиятининг зарур моментидир, чунки бу фаолият кишилар томонидан нарсалар ва предметларнинг хоссалари ва функцияларини Б. асосида амалга оширилади. Иккинчи томондан, жамиятнинг ижтимоий-ишлаб чиқариш фаолияти, практика Б. процессининг ўзининг зарур моменти сифатида юзага чиқади. Практикани билиш назариясига киритишгина уни моддий олам ҳақидаги билимларнинг келиб чиқиши ва шаклланишининг объектив қонуनларини очиб берадиган ҳақиқий фанга айлангирди. Б.нинг сарчашмаларида табиатга актив амалий таъсир кўрсатиш, табиат моддаларини амалий равишда қайта ишлаш, нарсаларнинг хоссаларидан ишлаб чиқаришда фойдаланиш мавжуддир. Ишлаб чиқариш, амалий фаолиятнинг бирон-бир малакаси — айни вақтда объектнинг ўзининг хоссаларини ялпи умумий формада такрор ҳосил қилиш демакдир. Чунончи, тошга, металлларга ва ш. к. ларга ишлов бериш меҳнат процессларида бу объектларнинг фундаментал хоссалари акс этиб, мустаҳкамланиб қолган. Шу сабабли тош ёки металл инсон олдида шунчаки ташқи, ҳиссий суратда идрок этиладиган сифатлар (қаттиқ, ялтироқ ва ш. к.) комбинацияси шаклида гавдаланиб турмас эди.

Инсон объектни мушоҳада қиларкан, унга тарихан шаклланган қайта ишлаб фойдаланиш малакаларини «юклайди» ва шу билан мазкур объект инсон олдида унинг амалий ишининг мақсади сифатида ҳам гавдаланади. Ҳиссий образнинг ўзида амалий фаолият малакалари акс эттирган объектнинг суратда ялпи умумий нарсанинг белгилари мавжуддир. Ана шу маънода К. Маркс «...ҳиссий бевосита ўз практикасида

назариётчи бўлиб қолди» деб ёзган эди («Илк асарлардан», 592-б.) ва алоҳида равишда тавakkуллаб, «беш ташқи сезгининг тузилмаслиги бу ҳозирга қадар давом этиб келган бутун жаҳон тарихининг ишидир» деган эди (Уша ерда, 594-б.). Шундай қилиб, объекتلарни жонда мушоҳада қилиш ҳиссий-амалий фаолият моментидир. Бу мушоҳада сезги, идрок, тасаввур, фактларни ўрганиш, ҳодисаларни кузатиш ва ш. к. формаларда амалга оширилади. Сезгилар инсонни нарсаларнинг ташқи сифатлари билан таништиради. Инсон иссиқ, совуқ, ранг, ҳид, қаттиқ, юмшоқ ва ш. к. ларни фарқ қилиш билан нарсалар оламида тўғри йўл топади, уларни бир-бирдан ажратади ва теварак-атрофидаги муҳитда содир бўлаётган ўзгаришлар ҳақида турли информацияни идрок этади. Предметларнинг образларини идрок этиш ва уларни тасаввурда сақлаб қолиш предметлар билан эркин иш кўриш, предметнинг ташқи қиёфаси билан унинг функциялари ўртасидаги алоқани пайқаб олиш имкониятини беради. Нрсаларнинг хоссалари, уларнинг функциялари, практика учун уларнинг объектив аҳамияти кишиларнинг сигнал-пулқ фаолиятида мустақкамланиб, сўзларнинг маъноси ва мазмуни бўлиб қолади ва бу сўзлар ёрдами билан инсон тафаккури нарсалар, уларнинг хоссалари ва зуҳуротлари ҳақида муайян тушунчалар яратади. Лекин бу босқичда Б. нарсаларнинг вазифаси ҳақида умумий тасаввурлардан юқори кўтарилла олмайди. *Меҳнат тақсимо-ти шароитида предмет фаолият усулларининг янада тарихий ривожланиши ўзига хос назарий фаолиятнинг пайдо бўлишига олиб келади. (Назария ва практика).* Тафаккурнинг маънавий фаолияти хилма-хил формаларда: *тушунча, муҳокама, ҳуло-са, индукция ва дедукция, анализ ва синтез формаларида, гипотезалар, назариялар ва ш. к. ларни яратишда амалга оширилади. Ҳаёл, ижодий фантазия, интуиция ҳам Б. да катта роль ўйнайди, чунки улар тажриба-*

нинг баъзи маълумотларига асосланиб, нарсаларнинг табиати ҳақида кенг суратда умумлаштирилган тасаввурлар тузишга имкон беради. Идеялар, билимлар, назарияларнинг воқелик билан мос келишини ижтимоий-ишлаб чиқариш практикаси тасдиқлаган тақдирдагина, фақат ана шундагина уларнинг чинлиги тўғрисида сўзлаш мумкин. В. И. Ленин бундай деб ёзган эди: «Жонли мушоҳададан абстракт тафаккурга қараб ва *ундан практикага* қараб бориш — *ҳақиқатни* билишнинг, объектив реаликни билишнинг диалектик йўли ана шундай». (29-т., 152—153-б.), Фан ҳақиқатлари қандайдир бир якка ҳолда, махсус равишда ўтказиладиган экспериментда (тажрибада) узил-кесил амалий суратда текширилмайди. Жамиятнинг бутун ижтимоий-ишлаб чиқариш моддий фаолияти, унинг борлиги унинг бутун тарихи давомида билимларни аниқлаб, чуқурлаштириб, текшириб келмоқда. Объектив ҳақиқатни *янглишдан* ажратиш, билимларимизнинг чинлигини тасдиқлаш учун жуда муайян мезон бўлган практика шу билан бирга ўзи ҳам ривожланиб бораётган процессдир, бу процесс ҳар бир муайян босқичида ишлаб чиқариш имкониятлари билан, унинг техника даражаси ва ҳ. к. лар билан чеклангандир. Бунинг маъноси — практика ҳам нисбийдир, бинобарин, унинг ривожланиши ҳақиқатда доғмага, ўзгармас абсолютга айланиб кетишга имкон бермайди, демакдир (*Абсолют ва нисбий ҳақиқат*). Объектив ижтимоий ва табиий қонуларни чинакам билган тақдирдагина жамиятни революцион йўл билан қайта қуриш ва коммунизмни амалий равишда барпо этиш мумкин.

БИЛИШ НАЗАРИЯСИ — философиянинг бир бўлими, бу бўлим билувчилик фаолияти процессида субъект билан объектнинг ўзаро муносабатини, инсоннинг олами *билиши* мумкинчилигини, билимнинг ҳақиқатлик ва ишонччилик критериясини ўрганади. Б. н. инсоннинг олами би-

лувчилик муносабатининг моҳиятини, унинг бошланғич шарт-шароитини ва умумий асосларини тадқиқ қилади. Билиш ҳақидаги фалсафий таълимот бўлган ҳар қандай Б. н. муқаррар равишда *философиянинг асосий масаласини* аниқ ҳал этишга бориб тақалади. Шунинг учун Б. н. нинг барча вариантлари аввало материалистик ва идеалистик вариантларга бўлинади. Гарчи Б. н. философиянинг нисбатан мустақил қисми сифатида майдонга келса-да, назарий-билувчилик тасаввурлари ҳамisha бошқа фалсафий тасаввурлар — борлиқнинг табиати ҳақидаги тасаввурлар билан, этикавий ва эстетик қарашлар билан боғлиқдир. Жумладан, ҳаттоки Б. н. нинг бутун философияни ундан (билиш назариясидан) иборат қилиб қўядиган ва бирон хилдаги онтологиянинг яшашига ҳақ-ҳуқуқ бермайдиган йўналишлари ҳам борлиқнинг табиатига муайян қарашларга очик-ойдин асосланмайдилар. «Ташқи оламнинг ҳам, инсон тафаккурининг ҳам ҳаракатининг умумий қонунилари ҳақидаги фан» (К. Маркс ва Ф. Энгельс, 21-т., 302-б.) бўлган материалистик диалектика билиш тўғрисидаги фалсафий таълимот сифатида, марксизм логикаси ва билиш назарияси сифатида майдонга чиқади; материалистик диалектиканинг қонунилари ва категориялари объектив олам тараққиёти умумий қонуниятларининг инъикоси бўлиш билан бирга билувчи тафаккурнинг умумий формалари ҳам бўлиб чиқадилар. Бинобарин, марксизмнинг Б. н. илгариги гносеологидан фарқи ўлароқ, фақат билишнинг ўзига хос қонуниятлари ҳақидаги таълимот бўлибгина қолмайди, балки оламни билиш тарихининг якуни, йиғиндиси, хулосаси бўлиб чиқади (Леннн). Бунинг маъноси шуки, марксча-ленинча философияда онг билан материянинг, идеявийлик билан моддийликнинг, билимнинг ишончлилик критерияларининг, ҳиссийлик ва мантқийлик нисбатининг, инъикос проблемаси ва ҳ. к. муносабатларининг ўзига хос гносеологик тематикаси материалис-

тик диалектика методи асосида ва тарихий материализм таълимоти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тадқиқ қилинади; тарихий материализм таълимоти инсоннинг оламга бўлган билувчилик муносабатининг моҳиятини, унинг предмет-амалий ўзгартувчилик фаолиятини анализ қилишга асосланиб, очишга имкон беради. Б. н. тарихи, аслида, философияда билим нима деган масаланинг қўйилишидан бошланади (*Платоннинг «Тезтет» диалоги*), аммо бунда шунини айтиб ўтмоқ керакки, «Б. н.» термини анча кейин пайдо бўлган. Философия тарихида Б. н. проблематикаси ҳамisha муҳим роль ўйнаган ва ҳаттоки баъзан марказий ўринни ишғол қилган. Буржуа философиясининг бир қанча йўналишлари учун шу нарса характерлики, улар *философияни* Б. н. дан иборат қилиб қўядилар (кантчилик, махизм). Махсус-илмий тадқиқот методларининг туркираб ривожланиши (*математик логика, семшотека, информация назарияси, психология* ва ҳ. к.) баъзи позитивистлар ва позитивистларча фикр қилувчи олимларнинг нуқтан назарича, фалсафий фан сифатида Б. н. ни тугатишга олиб борар эмиш. Диалектик материализм эса, махсус-илмий тадқиқот методларининг ривожланиши принцип эътибори билан Б. н. нинг фалсафий проблематикасини олиб ташлаши мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Аксинча, бу ривожланиш Б. н. олдига янги проблемалар қўйиб (мас., интеллектуал меҳнатни автоматлаштиришнинг принципиал имкониятларини тадқиқ қилиш) ва классик проблемаларда янги аспектларни топиб (мас., логик формализация методларининг ривожланиши билан тафаккурнинг *мазмуни ва формаси* муносабати) уни рағбатлантиради. Диалектик-материалистик Б. н. ўз тараққиётида билиш тўғрисидаги ҳозирги замон махсус фанлари маълумотларидан фойдаланиб, уларнинг фалсафий-методологик асоси сифатида юзага келмоқда.

БИЛИШ ПРЕДМЕТИ — объектларнинг тажрибада қайд этилган ва

инсоннинг амалий фаолият процесига киритилган томонлари, хоссалари ва муносабатлари бўлиб, улар муайян шароитлар ва вазиятларда маълум мақсад билан тадқиқ қилинади. Библиянинг ривожланиш даражасига қараб, моҳияти библиянинг бирор даражасида билиб олинган ҳодисалар ҳам тадқиқ этилиши мумкин. Бу ҳолда объектнинг туб ва умумийроқ қонуниятлари билиб олинади, унинг моҳияти чуқурроқ очиқ берилади, билиш эса биринчи даражадаги моҳиятдан иккинчи даражадаги моҳиятга томон ҳаракат қилиб боради ва ҳ. к. Бундан ташқари, объект ҳақидаги билимлар ривожлана бормаган сари, объектнинг янги томонлари очилиб, улар Б. п. бўлиб қолади (мас., анатомия — организмнинг тузилишини, физиология — унинг органларининг функцияларини, медицина — касалликларни ўргангани ва ҳ. к.). Б. п. унинг билиш объектига тааллуқлиги, инсондан ва инсониятдан мустақиллиги маъносидан объективдир. Б. п. нинг танланиши ҳар бир айрим ҳолда юзаси қараганда ўзбошимча ва субъектив бўлиши мумкин, ammo пировард ҳисобда у ижтимоий практика ривожининг эҳтиёжлари ва даражаси билан белгиланади. Б. п. бевосита ҳиссиётда берилиши ёки берилмалиги мумкин. Сўнги ҳолатда у ўз зуҳуротлари орқали ўрганилади. Ўзининг яхлитлигида ва ўз-ўзидан ривожланишида предмет фикрининг абстрактликдан конкретликка томон ҳаракат қилиши билан билинади (*Абстрактлик ва конкретлик*). Б. п. ўзи билиш процесига бўлиши мумкин.

БИОГЕНЕТИК ҚОНУН (грек. bios — ҳаёт ва genesis — келиб чиқиш) — биологик қонун бўлиб, бу қонунга кўра, ҳар бир организм ўзининг индивидуал ривожланиши (онтогенези) процесидан унинг аجدлари эволюция (филогенез) жараёнида кецирган формаларининг баъзи белгилари ва хусусиятларини такрорлайди. «Б. қ.» терминини Э. Геккель (1866) киритган, тўғри, унинг юз беришлари илгари ҳам пай-

қалган эди (немис натурфилософи Окен, рус биолог Рулье ва б.), *филогенез билан антогенезнинг* ўзаро муносабати проблемаларини эса *Дарвин* асосли равишда тадқиқ қилган. Б. қ. нинг методологик аҳамияти шундан иборатки, у тараққиёт назарияси учун мустақкам таянччи ташкил этади (Ф. Энгельс). Б. қ. оддийликдан мураккабликка томон сифатли ривожланиши табиий-илмий равишда тасдиқлаб берди, эволюцион назариянинг исботи бўлди. Буржуа психологик ва педагогик адабиётда (Болдуин, Стенли, Холл, Фрейд ва б.) Б. қ. нинг аҳамиятини шахснинг психик ривожланиши соҳасига татбиқ этишга уриниб кўрилди, бу эса ижтимоий ҳодисаларни биологик қонулар амали билан изоҳлашга ожизона механистик уринишларнинг кўрinishларидан биридир.

БИОЛОГИЯ (грек. bios — ҳаёт) — ҳаёт ҳақидаги таълимот. Б. материя ҳаракатининг алоҳида формаси бўлган ҳаётдан, тирик табиатнинг тараққиёт қонунларидан, тирик организмларнинг жуда хилма-хил формалари, тузилиши, функциялари, индивидуал ривожланиши ва теварак-атрофдаги муҳит билан ўзаро муносабатидан баҳс қилади. Б. хусусий биологик фанларнинг бутун бир комплексини (зоология, ботаника, физиология, эмбриология, палеонтология, микробиология, генетика ва б. фанларни) қамраб олади. Билимларнинг тартибга солинган системаси сифатида Б. қадимги греклардаёқ пайдо бўлган. Аммо илмий Б. нинг асослари фақат янги замонда таркиб топди. Яшаётган ва ўлиб кетган организмларнинг нисбатан тўлиқ систематикасини биринчи бўлиб Рей (17-аср) ва Линней яратган. 17, 18-асрларда ва 19-асрнинг биринчи ярмида Б. асосан таъвирий характерга эга эди. Биологик ҳодисаларнинг материалистик сабабларини билмаслик, бу ҳодисаларнинг ўзига хос хусусиятларини назар-насанд қилмаслик натижасида идеалистик ва метафизик концепциялар (*витализм, преформизм, механизм* ва б.) юзага келди. Тирик вужудларнинг

хужайрали тузилишининг кашф этилиши илмий Б. нинг қарор топишида муҳим роль ўйнади. Дарвиннинг *эволюцион назарияси* Б. да тўнтариш қилди; бу назария эволюциянинг асосий факторларини ва ҳаракатлангирувчи кучларини очиб берди, тирик организмларнинг нисбатан мақсадга мувофиқлигига материалистик қарашни асослаб берди ва шу билан биологик назарияларда *телеологиянинг* ўтмишдаги ҳукмронлиги илди-зига болта урди. 19-асрнинг охири — 20-асрнинг бошларида биологик фанлар анча муваффақиятларга эришди. Лекин Б. нинг айниқса гуркираб ривожланиши унинг физиология, цитология, биохимия ва биофизика ва хусусан *генетика* каби бўлимлари пайдо бўлган пайтдан бошланиб кетдики, бу бўлимлар асосий ҳаётий процессларнинг: озиқланиш, кўпайиш, *моддалар алмашинуви*, ирсий белгиларни авлодларга бериш ва бошқа процессларнинг қонуниятларини ўрганмоқдалар. Худди Б. нинг бошқа фанлар (физика, химия, математика ва б.) билан туташуви натижасида бир қанча муҳим биологик проблемаларни ҳал қилиш мумкин бўлди. Б. даги марказий масала — ҳаётий ҳодисаларнинг моҳиятини изоҳлаб бериш, органик олам тараққиётининг биологик қонуниятларини тадқиқ этиш, ҳаётий процессларни, хусусан организмларнинг моддалар алмашинуви, ирсияти ва ўзгарувчанлигини бошқаришнинг турли усулларини ишлаб чиқишдан иборат бўлиб қолди. Ҳозирги вақтда Б. да физикавий, химиявий ва математик тадқиқот усулларидан кенг ва муваффақиятли фойдаланилмоқда. Натижа шу бўлдики, Б. нинг турли соҳаларида ва биринчи навбатда генетикада асос солувчи кашфиётлар қилинди. Генетикада ирсиятнинг моддий ҳомиллари очиб берилди, уларнинг структураси ва функциялари аниқлаб олинди ҳамда биологик структураларнинг иккиланиш ва ирсий белгиларни авлодларга бериш механизми умумий тарзда аниқланди. Сўнгги йигирма йил мобайнида оксиллар структура-

сини тадқиқ қилишнинг турли методларини ишлаб чиқишга муваффақ бўлинди, улардан баъзилари (энг оддийлари) синтезлаштирилди. Ниҳоят, сўнгги йилларда биологлар химиклар ва физиклар билан биргаликда оксилларнинг биосинтези механизмини аниқлаб беришда анча илгари силжидилар. Бир қанча биологик қонуниятлар ва биринчи навбатда ирсият қонуналари тирик хужайранинг химиявий процессларида изоҳлаб берилди ва бунинг асосида молекуляр биология деб аталувчи биология юзага келиб, биологик фанларнинг бир қанча соҳаларининг ривожланишига омил бўлди. Биологик фанларнинг эришган ютуқлари Дарвиннинг эволюцион таълимотини янада кўпроқ ойдинлаштириб берди. Турларнинг ўзгарувчанлиги сабабларини дарвинча тушуниш мутациялар ҳақидаги тасаввур билан аниқланди ва мутацияларнинг моҳияти молекуляр даражада ойдинлаштирилди. Ҳозирги замон Б. си нуқтан назаридан таъқи муҳит таъсири натижасида пайдо бўладиган мутациялар органик эволюциянинг асосий фактори ролини ўйнамоқда; бу эволюциянинг асосий ҳаракатлангирувчи кучи табиий танланшидир. Ҳозирги замон Б. сининг эришган ва ўз аҳамияти жиҳатидан атом энергиясини эгаллаш билан таъқосланадиган ютуқлари халқ хўжалигининг энг муҳим проблемалари ҳолатига ҳам қатъий таъсир кўрсатмоқда. Молекуляр Б. нинг ютуқлари катта фалсафий аҳамиятга эгадир, чунки бу ютуқлар ҳали яқиндагина виталистик тасаввурлар ҳукм сурган соҳаларда материалистик қарашларни барқарор қилди. Б. нинг вазифаси — инсон фаолиятининг биосферага салбий таъсир кўрсатишларини бартараф қилишга ёрдам беришдан ва организмлар турларининг ўзаро таъсирини ҳамда Ер юзидagi моддаларнинг айланиши умумий процессларини маълум мақсадга қарата тартибга солишдан иборат.

БИОСФЕРА (грек. *bios* — ҳаёт ва *sphaira* — шар) — ҳаёт қамраб олган ва шу муносабат билан ўзига ҳёс

геологик ҳамда физикавий-химиявий уюшқоқликка эга бўлган ер қобиги, Бу тушунчани фанга Э. Зюс киритган бўлиб, уни *Вернадский* ривожлантирган; *Вернадский* Ер юзида ҳаётнинг пайдо бўлишини ва у билан боғлиқ ҳолда *В.*нинг ташкил топишини айрим якка-якка нуқталарда айрим эмбрионларнинг юзага келиши деб эмас, балки планетанинг тегишли шарт-шароит бўлган соҳасининг бутунисини қамраб олган «монолит» ҳаёт ташкил топишининг қудратли ягона процесси деб қараган. Инсоният жамияти юзага келиб, фан ва техника тараққий топган, *В.* қонуниятли равишда *носферага* ўтади.

БИР ВАҚТДАЛИК — фазода бири-биридан узоқда бўлган воқеаларнинг бир вақтда тўғри келиши. Классик механикада абсолют вақт ҳақида, вақтнинг ягона оқими ҳақида, бу оқим ҳамма жойда бир тарзда оқиди ва у лаҳзалардан иборат эканлиги, бу лаҳзалардан ҳар бири бутун фазода бошланиши ҳақида тасаввур мавжуд эди. Бу тасаввур ёруғлик сигналлари тарқалишининг чексиз тезлигини фараз қилишга асосланар эди. *Нисбият назарияси* ёруғлик тезлигининг ниҳоялигига асосланиб, абсолют *В.* тушунчасидан воз кечди. Биз воқеаларни бирон муайян санаб чиқиш система доирасида олиб қарганимизда, икки воқеанинг вақт моментлари айниятининг маъноси бўлади. Бир санаб чиқиш системасида бир вақтдалик воқеалар иккинчи санаб чиқиш системасида бир вақтдалик бўлмайди.

БИРЛАМЧИ ВА ИККИЛАМЧИ СИФАТЛАР — бу терминлар нарсаларнинг сифатларини (хоссаларини) объектив белгига қараб фарқ қилиш учун ишлатилади. Бу терминларни *Локк* киритган, тўғри, ундан илгари *Демокрит*, *Галилей*, *Декарт*, *Гоббс* ҳам уларни шундай фарқ қилиб қараганлар. *Локк* ҳаракатни, зарраларнинг сингдирмаслигини, зичлигини, ёпишувини, фигурани, ҳажмини ва б. ш. бирламчи, ёки объектив сифатларга; ранг, ҳид, там, товушни иккиламчи, ёки субъектив сифатларга ки-

ритган. Механика нуқтан назаридан изоҳлаш мумкин бўлмаган барча хоссаларни *Локк* фақат субъектнинг уюшуви ва ҳолатлари билан белгиланадиган иккиламчи хоссалар деб эълон қилган. Субъектив сифатларни ажратиш сифатларнинг объектив мавжудлигини уларнинг онгда акс этиш формаси билан аралаштириб юборишга ҳам асосланган, шунингдек у нарсаларнинг сифатлари ички-косида тафаккурнинг алоҳида ролини тушунмаслик билан боғлиқ бўлган. Субъектив идеалистлардан *Беркли*, *Юм* ва б. метафизик материализмнинг ноинчиликгидан фойдаланиб, бирламчи сифатларни ҳам субъектив сифатлар қаторига қўшганлар. Диалектик материализм нарсаларнинг сифатларини объектив ва субъектив сифатларга бўлишни инкор этади.

БИХЕВИОРИЗМ (инг. behaviour — хатти-ҳаракат) — ҳозирги замон буржуа психологиясида энг кўп тарқалган йўналишлардан бири. *В.*нинг фалсафий негизи — *прагматизм* ва *позитивизмдир*. *В.* — га 1913 йилда *Ж. Уотсон* (1878—1958) (Чикаго ун-ти) асос солган. *Э. Торндайк* (1874—1949) томонидан ҳайвонлар хатти-ҳаракатини қилинган тадқиқотлар *Уотсон*да *В.*нинг экспериментал асоси бўлиб хизмат қилди. *К. Лешли* (1890—1958), *А. Вейс* (1879—1931) ва бошқалар *Уотсон*нинг назариясига қўшилдилар. *В.* психологияда механистик йўналишни давом эттириб, психик ҳодисаларни организмнинг реакцияларидан иборат қилиб қўймоқда; у онг билан хатти-ҳаракатни бирдай қилиб кўрсатади ва стимул билан реакциянинг алоқасини (корреляциясини) хатти-ҳаракатнинг асосий единичаси деб ҳисоблайди. Бутун билишни *В.* организмларда (инсония ҳам қўшган ҳолда) шартли реакцияларнинг ташкил топишидан иборат қилиб қўяди. 30-йилларда *Уотсон* назариясининг ўрнини бир қанча необихевиористик назариялар эгаллади. *К. Халл* (1884—1952), *Э. Толмен* (1886—1959), *Э. Газри* (1886—1959) ва *Б. Скиннер* (1904 йил туғ.) мазкур назарияларнинг асосий вакиллари

дирлар. Толмен назариясидан ташқари, бу назариялар Павлов таълимоти таъсири остида пайдо бўлди. Необи-хевиористлар хатти-ҳаракат формалари терминологиясини ва туркумли-нишини *И. П. Павлов* таълимотидан ўзлаштириб олиб, павловча таълимотнинг материалистик асосларини *операционализм* ва *мантиқий позитивизм* билан алмаштирдилар. Улар шартли-рефлектор методикани татиб қилган ҳолда, хатти-ҳаракатда миянинг ролини назар-эътиборга олмайдилар. Ҳозирги замон Б. си «сти-мул — реакция» формуласини шак-лан ўзгартириб, бу формуланинг икки азбоси ўртасига «оралиқ ўзгариш-лар» (кўникиш, қўзғалиш ва тўсиқ-ланиш потенциали, эҳтиёж ва ш. к.) деган сўзларни киритдилар. Бироқ бу ҳол Б. нинг механистик ва идеалистик моҳиятини ўзгартирмади. Па-вловнинг «Физиологининг психологлар-га жавоби» деган мақоласида (1932) Б. танқид қилинган эди. Скиннер не-обихевиоризм қарашларини педагогика соҳасига татиб қилиб, линейли программалаштирилган таълим наза-риясини яратди. Бу назарияни совет психологлари (А. Н. Леонтьев, П. Я. Гальперин ва б.) танқид қилиб чиқдилар.

БЛАНКИ Луи Огюст (1805—81)— француз утопик коммунисти, атоқли революционер, 1830 ва 1848 йиллар-даги революцияларнинг қатнашчиси; икки марта ўлим жазосига ҳукм қи-линган, умрининг деярли ярмини қа-моқда ўтказган. Б. нинг дунёқарашини 18-асрдаги маърифатчилик филосо-фияси таъсири остида, шунингдек утопик социализм, бошлича *бабувизм* (бабёфчилик) таъсири остида шакл-ланди. Умумфилософик қарашларига кўра материалист бўлган Б. тарихий тараққиётни идеалистларча изоҳлаб, уни маърифат тарқатишдан келиб чиқади, деб ҳисобларди. Б. тарихнинг асосий мазмунини ваҳдийларнинг аб-солют индивидуализмдан бошлаб бир қанча фазалар орқали комму-низмга —«келажак жамиятга», «циви-лизация тожига» томон ҳаракат қи-лишидан иборат, деб ҳисобларди.

Айни вақтда Б. тарихда социал куч-лар курашини кўрарди, капиталистик жамият зиддиятларини кескин тан-қид қиларди ва социал революция тарафдори эди. Бироқ у илгари сур-ган фитна тактикаси хато эди ва бланкистлар уюштирган кўзғолонлар-ни барбод бўлишга олиб келган эди. Революцияда революцион партия бошчилик қилган меҳнаткашлар оммаси қатнашгандагина унинг му-ваффақият қозониши мумкинлигини Б. тушунмас эди. Бланкизм бошқа мамлакатлардаги, жумладан Россия-даги (*Народниклик*) революцион ҳа-ракатга таъсир кўрсатди. Марксизм-ленинизм классиклари Б. нинг рево-люцион хизматларини юксак баҳо-лаб, бланкизмни қаттиқ танқид қил-дилар. Б. нинг асосий асари: «Социал танқид» (1885).

БОГДАНОВ (Малиновскийнинг та-халлуси) Александр Александрович (1873—1928)— рус философи ва эконо-мисти, публицист, социал демократ. Маълумоти жиҳатидан врач. 1903 йилдан бошлаб большевикларга қў-шилди. 1905 йилда МК азбоси қилиб сайланди. Реакция йилларида отзо-вистларнинг лидерларидан бири бўл-ди. Каприда партиёга қарши мактаб-ни ташкил этишга қатнашди. 1909 йилда большевистик партиядан чиқа-рилди. 1917 йилда тузилган Пролет-культнинг ташкилотчилари ва раҳ-барларидан бири эди. 1926 йилдан Қон қуйиш ин-тининг директори. Ўз баданида тажриба ўтказишдан вафот этди. Ленин Б. нинг қарашларини тавсифлаб, 1908 йилда унинг «фал-сафий адашиши»нинг тўрт палласини кўрсатиб ўтган эди. Энг аввал Б. «та-бий-тарихий» материалист («Таби-атга тарихий қарашнинг асосий эле-ментлари», 1899), 90-йилларнинг охирида у энергетизм деб ата-лувчи оқим позицияларига ўтди (қ., мас., «Тарихий нуқтаи назардан би-лиш», 1901). Сўнгра *Мах* философия-сининг тарафдори бўлди. Ниҳоят, ма-хизмнинг зиддиятларини баргараф қилишга ва «объектив идеализм син-гари» нарса тузишга уриниш уни эмпириомонизмга олиб келди («Эмпи-

риомонизм», 1—3 кит., 1904—06). Кейинчалик Б. тектология — умумий ташкилий фан, деган нарсани тузишга уринди. Бу фаннинг мақсади — барча фанларни бирлаштириб, ҳар қандай уюшмаларнинг формалари ва типлари ҳақида тасаввур ҳосил қилдиришдан иборат эди, чунки, Б. нинг фикрича, бутун олам тажрибанинг бирор йўсинда уюштирилишидир. «Тектология»нинг идеалистик асослари, абстрактлиги ва тарихийликка хилюфлиги унинг воқеликни анализ қилишнинг ялли методи сифатида яроқсизлигини белгилаб берди. Маркс назариясига Б. *мувозанат назариясини* қарама-қарши қилиб қўйди. Ленин «Материализм ва эмпириокритицизм» да Б. ни қаттиқ танқид қилди, шунингдек Плеханов асарларида ҳам у танқид қилинган. Асарлари: «Иқтисодий фан қисқа курси» (1897), «Жонлий тажриба философияси» (1913), «Умумий ташкилий фан (тектология)», (1913—17), «Пролетар маданияти ҳақида. 1904—1924» (1924) ва бош.

БОКЛЬ Генри Томас (1821—62) — инглиз тарихчиси ва социолог-позитивисти, «Англияда цивилизация тарихининг автори (1857—61). Тарихни теологик талқин этишни танқид қиларкан, Б. тарихий процесс қонуниятларини очиб беришни ва бир қанча мамлакатлар мисолида уларнинг амалини кўрсатишни ўз олдига вазифа қилиб қўйди. У *Конга* эргашиб ақлий прогрессни тарихий тараққиётнинг асосий фактори деб ҳисоблар ва ахлоқий прогресснинг мавжудлигини инкор этарди. Географик детерминизмнинг (*Географик муҳит, Социологиядаги географик йўналиш*) вакили бўлган Б. айрим балқларнинг тарихий тараққиёти хусусиятларини табиий факторларнинг (ландшафт, тупроқ, иқлим ҳамда озиқ-овқат характери) таъсири билан изоҳларди.

БОЛЬЦМАН Людвиг (1844—1906) — австрия фзиги-назариётчиси. Б. нинг асосий асарлари нурланиш назариясига, газларнинг кинетик назариясига ва термодинамиканинг иккинчи қонунини статистик асослаш-

га бағишланган. Б. нинг машҳур Н-теоремаси (1872) молекуляр-кинетик назарияси асосида қайтарилмас процесслар фундаментал қонунига — *энтропиянинг* ошиб бориши қонунига изоҳ берди. Б. нинг формуласи термодинамика системалар ҳолатининг эҳтимоллигини уларнинг энтропияси билан боғлади. *Кошотнинг «иссққлик ўлими»* ҳақидаги идеалистик концепцияни бартараф қилиш учун Б. ўзининг флукуацион гипотезасини илгари сурди. Бу гипотезага мувофиқ, яхлит ҳолдаги оламнинг умумий мувозанатли ҳолати айрим соҳаларда гитга флукуациялар (четга огишлар) билан, яъни айрим оламлар тараққиётини номувозанатли процессга келтирувчи ана шу флукуациялар билан доимо ва муқаррар равишда бузилиб туради. Ўз дунёқарашига кўра Б. эътиқоди мустақкам материалист бўлиб, *энергетизм* ва махизмни танқид қилган эди.

БОНАВЕНТУРА Жованни Фиданца (1221—74) — католик схоластикаси ва мистикасининг вакили, францискан ордени (тариқати)нинг генерали, кардинал. Ўз замонасининг илғор ғояларига қарши чиқди, *Р. Бэконнинг* асарларини эълон қилишни тақиқлади. Августинча (*Августин*) *неоплатонизм* руҳида худони мушоҳада қилишнинг шартлари ва босқичлари ҳақидаги таълимотни ривожлантирди: *тўқводорлик* қилин ҳаёт кечирishi ва ибодат қилишни у ҳақиқатни билишнинг шarti деб ҳисобларди, ҳақиқатни мушоҳада қилишнинг олий босқичи экстаз, яъни ғайри табиий ҳолатда жўш-хуружга келиб, зикрга тушишдир, бундай ҳолатни эса фақат худо назар қилган бандасига бағишлайди, Универсалиялар ҳақидаги мунозарада у реализм позицияларида туради (*Урта аср реализми*). Б. — 13-асрдаги католик ортодоксиясининг муажассам тимсолидир. 1482 йилда у авлиё даражасига кўтарилди, 1587 йилда черков устози деб эълон қилинди.

БОР Нильс (1885—1962) — даниялик физик, квант назариясини яратувчилардан бири, Нобель, мукофоти-

нинг лауреати. 1929 йилдан СССР ФА аъзоси. Копенгаген ун-тетини тамомлаган, Манчестрда Резерфорд лабораториясида ишлаган. Б. томонидан яратилган водород атом модели ва *мувофиқлик* формулировкаси 1913 йилга бориб тақалади. Б. нинг илмий қизиқишлари физика билан философиянинг туташ соҳасида, физик назарияларнинг тушунчали аппарати доirasида бўлиб, умумметодологик проблематика билан яқиндан ёндашган. *Квант механика*нинг ривожидати методологик қийинчиликларни бартараф қилиш, уни изоҳлаб бериш учун *Б. қўшимчалик* принципини — қўшимча тасвирлаш усулини — илгари сурган ва ривожлантирган. Бу принципини у билишнинг турли соҳаларида татбиқ қилиш мумкин деб ҳисоблаган. Б. сўнгги йилларда позитивизм таъсирини енгиб, квант механиканинг ва билиш назариясининг бир қанча проблемаларини материалистик талқин қилишга яқинлашиб борди. Тадқиқотнинг объектив асбоблари сифатида ўлчов приборларининг ва микропроцессларнинг адекват тасвирлаш воситаларни сифатида математик формализмнинг ошиб бораётган ролини таъкидлаб кўрсатаркан, Б. «тушунчалар системасининг кенгайиши... объектив тасвирлашнинг кенгайиши учун керакли воситаларни бермоқда», деб қайд қилади («Атом физикаси ва инсоннинг билиши», 1961, 98—99-б.). Б. тадқиқотларининг объектив мазмунли микроолам процессларининг диалектик характери ҳақидаги илмий тасавурларни тасдиқламоқда ва бойитмоқда. Атом физикаси ривожининг социал-сиёсий оқибатларидан ташвишланган Б. уруш хавфини бартараф қилиш мақсадида атом қуроли устидан қаттиқ халқаро контрол ўрнатишга ҳаракат қилди. У атом энергиясидан тинчлик мақсадида фойдаланиш Халқаро конференциясида сўзлаган нутқида «бизнинг билимизнинг мақсади табиат кучлари устидан ҳукмронлик қилишдир, бинобарин, билишимизнинг ҳар қандай олға сийлиши билан боғлиқ бўл-

ган маъсулятни» англамоқ керак, деб даъват қилган эди.

БОРЛИҚ. 1. Онгга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган объектив оламни, *материал*ни билдирувчи фалсафий тушунча. Жамиятга татбиқан «ижтимоий Б.» термини ишлатилади. Диалектик материализм оламнинг моддийлигини ва унинг борлигини айнан бирдай тушунчалар деб қараркан, Б. ни материядан олдин ёки унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд деб қаровчи идеалистик тасавурларни, шунингдек, Б. ни онгдан келтириб чиқаришга идеалистик уринишларни рад қилади. Иккинчи томондан, Б. нинг фақат объективлигини таъкидлаб кўрсатишгина kifоя қилмайди, чунки бундай ҳолда Б. нинг моддийлик ёки идеявийлик характери тўғрисидаги масала аниқланмай қолади. Диалектик материализм Б. нинг бирламчилигини, онгнинг эса иккиламчилигини эътироф қилар экан, шунга қарамай, у онгни фақат пассив инъикос деб эмас, балки Б. га таъсир кўрсатиб турувчи актив куч деб ҳам қарайди. 2. Умуман бирон нарсанинг мавжудлигини билдирадиган энг умумий ва абстракт тушунча. Бу ҳолда Б. ни объектив процесслар ва ҳодисаларнинг конкретроқ ва чуқурроқ тавсифлари бўлмиш *реаллик*, *мавжудлик*, *воқелик* ва Ҳ. к. дан фарқ қилмоқ керак.

БОРЛИҚ АНАЛОГИЯСИ (analogia entis) — католик философиясида марказий методологик тушунча (*Неотомизм*, *Схоластика*, *Томизм*, *Фома Аквинский*). Б. а., ҳар қандай вужуд (моддий предмет ёки ҳодиса, идея) бошқа вужудга ўхшашдир ва айни вақтда ундан фарқлидир, деган маънони билдиради. Шу принципга мувофиқ католик философияси борлиқнинг иерархик зинапоясини ясади. Модомики ўхшашлик, бирлик Б. а. да бирламчи, белгиловчи деб ҳисобланар экан, демак, схоластик метафизикага кўра (Фома Аквинский, ҳозирги замон схоластларидан Э. Пшибара ва б.) борлиқнинг сифат хилма-хиллигининг сабаби, биринчи маънони фақат ташки, ғайри табиий куч, худо

бўлиши мумкин, чунки худода барча тафовутлар мослашиб тушади. Шундай қилиб Б. а. тушунчасида предмет ва ҳодисаларнинг бирдайлиги, ўхшашлиги абсолютлаштирилади, уларнинг сифат тафовутлари эса миқдор тафовутларидан иборат қилиб қўйилади. Бу тушунча урта аср схоластикасида жорий этилган эди. Ҳозирги схоластлар Б. а. ни қарама-қаршиликлар диалектик бирлигининг антиподи (қарама-қаршиси) деб эълон қилмоқдалар (*Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни*).

БОРН Макс (1882—1970) — немис физик назарийчиси. 1921 йилдан Геттинген ун-тетининг профессори. Германияда фашизм ҳукмронлик қилган йилларда Англияга кетиб қолди. Сўнги йилларда ГФРда истиқомат қилди. Қўп академияларнинг, шу жумладан 1934 йилдан СССР ФА аъзоси. Атом ва кристаллар назариясига оид бир қанча ийрик асарларнинг автори. 1925—26 йилларда квант механикани яратишда иштироки, унинг статистик эҳтимолли изоҳини ишлаб чиқиши билан жуда шуҳрат қозонди. Квант механиканинг фундаментал идеяларидан бири Б. га мансубдир: «элементар» зарраларнинг ҳаракати бирон тўлқинсимон процесс билан боғлиқ эканлиги ва уни тўлқинсимон тенглама ёрдами билан ҳисоблаб чиқиш мумкинлиги аниқлангач, Б. тўлқинсимон тенглама ҳар бир моментда фақатгина зарраларнинг муайян ҳолатининг эҳтимоллигини белгилаб беради, холос, деб фарз қилди. «Элементар» зарралар ҳаракатининг қонуниятлари ҳақидаги бундасавурдан идеалистлар микрооламга содир бўлаётган процесслар индетерминизмини квант механика маълумотлари билан «асослаш» учун фойдаландилар. Б. ўзи шу ҳилдаги идеяга тан беради, лекин у умуман «элементар» зарраларнинг хатти-ҳаракатини белгилаб берадиган статистик қонуниятларни ўз ичига олувчи умумийроқ детерминизм тушунчаси вўйирисидиги тасаввурга мойил эди.

БОТЕВ Христо (1849—76) — болгар шоири ва материалист философи. Б.

дунёқарашида революцион демократизм ва утопик социализм зич қўшилиб кетган эди. Унинг қарашларининг шаклланишига Герцен ва Чернишевский катта таъсир кўрсатган эдилар. Б. уларнинг ғояларини Болгарияда пропаганда қиларди. Болгар деҳқонлар революциясининг йўлбошчиси ва оташини ватанпарвар бўлган Б., мамлакат турк феодаллари ва ҳамюрт эксплуататорлар зулмидан озод қилингандан кейин дарҳол унда социалистик тузум барпо этиш мумкин, деб ҳисобларди ва деҳқонлар жамоасига «социалистик асослар» хосдир, деб ўйларди. Маркс «Капитал»нинг ва Фарбдаги ишчилар ҳаракатининг таъсири остида Б. ўз ҳаётининг сўнги йилларида, социализмни пролетариат яратади, деган хулосага келди ва лекин, у хато қилиб, умуман ҳамма камбағалларни пролетариат деб тушунарди. Ўз фалсафий қарашларига кўра, Б. диалектиканинг баъзи элементларини ривожлантирган материалист ва атеист эди; ижтимоий ҳодисаларни тушунишда у идеалист эди; тарихий процессни у, халқ оммасининг кураши жараёнида ақл-идрокнинг камолатга етиш натижаси, деб қарарди. Эстетикада Б. Чернишевский назариясининг тарафдори эди. Унинг революцион ҳаракатда анча катта роль ўйнаган шоирлик ижодида реализм билан революцион романтика узвий равишда қўшилиб кетган эди.

БОХЕНСКИЙ Иозеф (1902 йил туғ., Польша) — неомист, доминенчи, 1945 йилдан Фрейбург ун-тетининг (Швейцария) философия профессори. Б. — антикоммунизм идеологи. Логика тарихи ва назарияси соҳасида ишламоқда. Б. ёзган бир қанча асарларда марксизм ва совет философияси сохталаштирилган («Совет-рус диалектик материализми», 1950, ва б.).

БОЭЦИЙ, ёки аниқроғи, Аниций Манлий Северин (480—524) — кейинроқ даврдаги Рим философи, Теодорих томонидан қатл этилган, расман *неоплатонизм* вакили. Ҳақиқатда эса унинг философияси катта *эклeктизм* билан, аниқ фанларга мойиллик би-

лан, ҳаттоки ахлоқда стоицизм билан ажралиб турарди. Б. Аристотелнинг логикага оид асарларини ҳамда Порфирийнинг «Аристотелнинг категорияларига кириш» деган асарини таржима қилган ва шарҳлаган. У Эвклид асарларини таржима қилган ва Никомахнинг «Арифметика асослари»ни изоҳлаган. Шунингдек у музика ҳақида трактат ёзиб, грек музика назариясини синчилаб ишлаб чиққан. Унинг асосий фалсафий асари — стоикларча тус берилган «Фалсафий таскин» деган асардир. Унинг Аристотелдан қилган баъзи таржималари сохта таржима ҳисобланади.

БРЕЙ Жон Фрэнсис (1809—95)—инглиз социалист-утописти, экономист, ишчилар ҳаракатининг арбоби. Ўз-ўзича ўқиб маълумот олган ишчи. У инсоният тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи кишиларнинг моддий эҳтиёжларида деб, меҳнаткашлар кулфат-азобларининг илдизи айирбошлаш системасида деб биларди. У таълим бериб айтар эдики, қийматни фақат меҳнат яратади. Ишлаб чиқарувчи кучларни ва меҳнатни умумлаштирмоқ зарур. Келажакдаги коммунистик жамият *Оуэн* идеалига яқинроқ тарзда намоён бўлади. Бу жамиятга айрим соҳаларда тузиладиган ишлаб чиқариш ишчи кооперативлари орқали ва уларни бирлаштирувчи район ва миллий марказлар воситаси билан ҳамда меҳнат пуллари, айирбошлаш бозорлари ва банклар орқали борилади. Бу идеялар *Прюдона* ва унинг мактабига таъсир кўрсатди. Чартистлар ҳаракатининг актив қатнашчиси бўлган Б. жамиятдаги синфий зиддиятларни ҳамда коммунизм фақат ишчилар синфининг ҳаракати туфайли қурилиши мумкинлигини яққол англади, лекин коммунизмга реформалар орқали борилади, деб ҳисобларди. «Меҳнатга нисбатан адолатсизликлар ва уларни бартараф қилиш воситалари...» (1839) ва «Утопиядан саёҳат» (1841) китобларида у Англия ва АҚШ мисолида капитализмни қаттиқ танқид қилди.

БРЕНТАНО Франц (1838—1917)—австриялик идеалист-философ. Вюрц-

бург ва Венада философиядан дарс берарди. Кантча *критицизмга* зид ўлароқ, Б. ўзининг теизм ва католик схоластикаси руҳи билан сугорилган фалсафий системасини — метафизикасини илгари сурди. Б. тадқиқотларининг асосий мавзуи психология бўлиб, унда Б. психик феноменларнинг «интендионаллиги» ҳақидаги идеалистик таълимоти яратди. Бу таълимотга кўра, объект фақат субъектнинг «интендициялари» (ниятлари) тарзидагина, фақат унинг кечинмалари мавзуи тарзидагина мавжуддир. Б. нинг қарашлари *Гуссерлга* ва бошқа буржуа философияларга катта таъсир кўрсатди. Б. Австрия философиясида *қимматдорликлар* тўғрисидаги идеалистик назариянинг асосчиларидан бири деб ҳисобланади. Б. нинг асосий асарлари: «Эмпирик нуқтан назардан психология» (1874), «Ахлоқий билишнинг келиб чиқиши тўғрисида» (1889), «Философиянинг тўрт фазаси ва унинг ҳозирги аҳволи» (1895).

БРИЖМЕН Перси Уильямс (1882—1961)—америкалик физик ва философ. Гарвард ун-тегида (Кембридж) таҳсил кўрган, шу ун-тег математика ва табиий философиясининг профессори (1954 йилгача); юқори босимлар физикасига оид асарлари учун Нобель мукофоти лауреати (1946). Философияда Б.—*операционализм* деб атаувчи субъектив-идеалистик оқимнинг асосчиси ва бошлиғи. Б. нинг фалсафий қарашлари «Ҳозирги замон физикаси логикаси» (1927), «Физика назариясининг табиати» (1936) ва б. китобларида баён қилинган.

БРОЙЛЬ Луи де (1892 йил туғ.)—француз физиги, Париж ун-тетининг профессори, СССР ФА чет эл аъзоси. Микрообъектлар ҳаракати — ҳозирги замон квант механика назариясининг яратувчилардан бири. 1923—24 йилларда *Ланжевен* раҳбарлигида баъжарган диссертациясида «материя тўлқинлари» ҳақидаги гипотезани илгари сурди. Б. шундай энг муҳим табиат қонунини аниқладикки, бу қонунга кўра ҳамма микроскопик моддий объектлар ҳам корпускуляр хоссаларга, ҳам тўлқинсимон хоссаларга

идирлар. Б. нинг бу назарий тадқиқотлари ҳозирги замон квант механикасининг фундаментини ташкил иди. Мазкур қонун математик тарзда машҳур «де Бройль тенгламаси» шаклида ифодаланади, бу тенглама микрообъектларнинг корпускуляр ва тўлқинсимон характеристикаларини бир-бири билан боғлайди. Б. ҳозирги замон физикасининг бир қанча бўлимларига катта ҳисса қўшди; у релятивистик квант механика билан, электронлар назарияси билан, ядро тузилиши масалалари билан, волноволларда электромагнит тўлқинларнинг тарқалиши назарияси билан ва ҳ. к. шуғулланди. Б. квант механикани «сабабли» шарҳлашни ёқлаб чиқмоқда, микроолам ҳодисаларини талқин қилишда материалистик позицияларни қаттиқ туриб ғимоя қилмоқда.

БРУНО Жордано (1548—1600) — италян философи, схоластик философияга ва рим католик черковига қарши курашган курашчи, у пантеизм формасига кирган материалистик дунёқарашнинг оташин пропагандисти. 8 йил қамоқда ётгандан кейин Римда инквизиция томонидан ўтга ташлаб куйдирилди. Асосий асарлари: «Сабаб, ибтидо ва якка-ягона ҳақида», «Бениҳоялик, коинот ва оламлар ҳақида» фалсафий диалоглар. Б. нинг дунёқараш и антик философия идеялари таъсири остида (аввал неоплатонизм ва пифагорейизм, сўнгра материалистлардан Эмпедокл, Анаксагор, Эпикур ва Лукреций таъсири остида), Уйғониш давридаги италян материалистик ҳур фикрлилик ва ўз замонасининг илм-фани, хусусан Коперникнинг гелиоцентрик назарияси таъсири остида таркиб топди. Б. бениҳоя худо билан табиатни изчил равишда қиёс қилиб бориб, бир вақтлар таъсирини бошдан кечирган *Николай Кузанскийга* қараганда янада қатъийроқ суратда табиатнинг ўзининг бениҳоялигини тасдиқлади. Б. Коперникнинг кашфидан фойдаланиб, мазкур фалсафий принципнинг физик ва астрономик мазмунини конкретлаштиришга интилди ва айни пиктда Коперник назариясини энг

катта камчиликлардан: ҳаракатсиз юлдузлар доираси билан биқиниб қолган коинотнинг ниҳоялиги ҳақидаги анъанавий тасаввурдан, қўёш ҳаракатсиз бўлиб, коинотнинг мутлақ марказини ташкил этади, деган қарашдан холи қилди. Натжида Б. оламларнинг сон-саноқсизлиги ҳақидаги, шунингдек уларда аҳоли яшаш ҳақидаги хулосага келди. У схоластиканинг натурфилософик дуализмига барҳам бериб, тупроқ, ҳаво, сув, олов ва эфирдан иборат ер билан осмон оламининг физикавий яқинлигини тасдиқлади. Неоплатонизм таъсири остида Б. оламий руҳ мавжудлигини тан оларди; бу руҳни у ҳаёт принципи ва руҳий субстанция сифатида тушунарди. Унинг фикрича, бу руҳий субстанция истисносиз ҳамма нарсаларда мавжуд бўлиб, уларнинг ҳаракатлантуруви ибтидосини ташкил этади. Бунда Б. антик материалистларнинг кўпчилиги сингари, *гилосоизм* позициясида турарди. Б. шунингдек бир қанча диалектик қоидаларни: табиатда бирлик, алоқадорлик ва универсал ҳаракат ҳақидаги, бениҳоя каттада ҳам, бениҳоя кичикда ҳам қарама-қаршиликларнинг мослашиб тушиши ҳақидаги қоидаларни ривожлантирди.

БУДДИЗМ — истак, нафсни тийиш ва «олий рўшнолик»ка — нирванага эришиш йўли билан азоб-уқубатдан қўтилишни тарғиб қилувчи дин. Б. ахлоққа доир кўпдан-кўп еретик таълимотлардан бири сифатида Ҳиндистонда вужудга келган. Бу таълимот эрампдан олдинги 3-асрда расмий дин деб эълон қилинади. Ҳозирги вақтда Б. Япония, Хитой, Непал, Бирма, Тибетда (ламаизм шаклида) ва бош. мамлакатларда тарқалган. Б. га 500 миллионга яқин киши топинади. Б. нинг асосчиси Будда (дили равшан) деб лақаб қўйилган Сиддхартҳа ибтидоий жамоа муносабатлари емирилиб, синфий давлатлар ташкил топаётган даврда халқ оммасининг браҳманлик динига қарши, бу дин муқаддаслаштириб қўйган касталарга бўлинишларга қарши ва худоларга сиғиниш ва қурбонлик қилиш каби

сердахмаза маросимларга қарши норозлигини ифодалади. У азоб-уқубатлардан қутилишни социал ўзгартишлардан эмас ва табиат кучлари билан курашишдан эмас, балки ҳаётни тарқ этиб, нирванага (рўшноликка) гарқ бўлиш йўли билан эришиладиган ахлоқий қамолатдан изларди. Будда худо-халлоқнинг мавжудлигини рад этди. Ведалар динини инкор қилди, лекин у Ведаларнинг туғилишлар доираси (сансара) ҳақидаги ва ажрини бериш (карма) ҳақидаги таълимотини қабул қилди. У фақат туғилиш истиқболи кастага мансуб бўлишга ва қурбонликлар қилишга эмас, балки инсон хулқ-атворининг қандай бўлишига боғлиқ эканлигини кўрсатди. Аввалда (эрамыздан олдинги 3—1-асрларда) Будданинг қутилиш ҳақидаги идеяси материя ва онг элементларининг — дхармаларининг — бир-бирини алмаштириб турувчи оқими сифатида олам ва инсон шахси ҳақидаги таълимотда фалсафий жиҳатдан асосланиб берилган эди. Эрамининг биричи асрларида будда дини бутунлай бошқача тус олади. Устоз хотирасини оддийгина хурматлаш ўрнини илоҳийлаштирилган Буддага ситиниш эгаллайди. Инсоннинг халос бўлиши худонинг марҳаматига боғлиқ қилиб қўйилади ва бу марҳаматга муқаддас сутраларни такрорлаш билан эришиш мумкин бўлади. Янги дин Буддадан бошланган анъанавий мазҳабдан — хинаянадан фарқли ўлароқ, махаяна деб ном олади. Б. нинг фалсафий мазмуни ҳам ўзгаради. Моддий ва психик дхармаларни реал деб ҳисоблаган наяначи философларга қарама-қарши ўлароқ, махаяначи философлар дхармаларнинг нореаллигини, бутун оламнинг нореаллигини исбот қилишга уринадилар. Дхармаларнинг нореаллиги ҳақидаги ёки шунёт (бўшлиқ) ҳақидаги таълимотини Нагаржуна (2-аср) мантикий равишда асослаб берган эди. Нагаржуна трактатлари барча махаяна сутраларидан мантикий исбот қилинишлиги ва изчиллиги билан фарқ қиларди. Нагаржуна рационализмни будда логикасининг ривожла-

ниши учун бош нуқта бўлиб қолди. Диганга ва Дхармакирти (5—7-асрлар) бу логиканинг вакиллари эдилар. Нагаржунанинг тушунчали тафаккурнинг нореаллиги ҳақидаги ва мутлақ интуитив билим ҳақидаги таълимоти кейинроқ пайдо бўлган идеалистик мактаблар (мадхьяника, вижнянавада)нинг, тантричи Б. нинг ва ҳатто *дзэн-буддизмнинг* асоси бўлиб қолди. Ҳозирги вақтда Б. тарафдорлари унинг «рационалистик», «атеистик» характерини таъкидлаб кўрсатмоқдалар. Ҳақиқатда эса бу янги номлар замоналаштирилган будда динини пропаганда қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

БУЛГАКОВ Сергей Николаевич (1871—1944) — рус экономисти ва идеалист философи, вехичлик идеолога, 1922 йилдан кейноқ эмигрант; Париждаги илоҳиёт ин-тининг профессори (1925—44). «*Легал марксизм*» позицияларидан туриб, народниклики танқид қилиб чиқди («Капиталистик ишлаб чиқариш шароитидаги бозорлар тўғрисида», 1897); кўп ўтмай капитализмнинг ошкора ҳимоячиси бўлиб қолди. Б. Марксни Кант орқали «тектириш»га ревизионистларча уринишлардан тарихий материализм билан, марксча прогресс назарияси билан курашишга ўтади («Прогресс назариясининг асосий проблемалари», 1902). Б. нинг эволюцияси диний-мистик философияга мурожаат қилиш билан тамомига етади. Б. фан, философия ва динни «синтезлаштириб», шу йўл билан ҳаммасини эътиқодга бўйсундиришга ва айни вақтда соф диннинг бемаъниликларидан қочишга уринган эди. У «абсолют» (худо) ва «космос» билан бир қаторда худо билан табиатни ўзида бирлаштирадиган «софия», «учламчи борлик» тушунчасини киритади. Б. нинг илмга хилоф системаси унинг «нооқшом ёруғлиги» (1917), «Сокин ўйлар» (1918), «Илоҳий инсоният ҳақида» (1-қисм, 1933) деган асарларида баён этилган.

БУЛЬ Жорж (1815—64) — инглиз логика ва математика олими. 1849 йилдан умрининг охиригача Коркдаги

Куинс-колледжиди математика профессор. Б. кейинчалик *логика алгебраси* деб аталган математик логиканинг тарихин биринчи системасини ишлаб чиқди. Алгебра билан логика ўртасидаги аналогия идеяси унинг мантикий тадқиқотларининг бутун йўналишини белгилаб берди. Бу тадқиқотлар унинг «Логиканинг математик анализи» (1847) ва «Фикр қонуналарининг тадқиқоти...» (1854) номли икки асариди баён қилинган. Логика билан бир қаторда Б. эҳтимолий назарияси ва математик анализ масалалари билан шугулланди, Аристотель ва Спиноза философиясига қизиқди. Булча логика алгебрасининг идеялари *Пирс*, Э. Шрёдер ва *Порецкий* асарларида ривожлантирилди ва системалаштирилди.

БУРЖУА РЕВОЛЮЦИЯСИ — социал революция типи бўлиб, унинг асосий мазмуни — ишлаб чиқарувчи кучлар билан феодал ёки ярим феодал иқтисодий ва сиёсий тузум ўртасидаги зиддиятларни ҳал қилишдан иборат. Империализмга ва феодал сарқитларга қарши қаратилган мустамлака ва қарам мамлакатлардаги революциялар ҳам Б. р. га кириди. Б. р. нинг тарихий роли капиталистик тараққиёт йўлидаги тўсиқларни олиб ташлашдан иборат. Баъзи Б. р. ларда муайян антикапиталистик тадбирларнинг амалга оширилиши мумкинлиги уларнинг умумий характериин ўзгартирмайди, чунки улар буржуа жамиятининг энг чуқур негизига — ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий мулклигига дахл қилмайдилар. Турли мамлакатларда ва турли вақтда юз берган кўпдан-кўп Б. р. лари тарихдан маълум. 16-асрда бошланган феодализмни тугатиш процесси (Германиядаги Буюк деҳқонлар революцияси, Нидерландия Б. р.) ҳали тамомига етган эмас (Африка, Осиё ва Латин Америкаси мустамлака ва қарим мамлакатларидаги кўпдан-кўп Б. р. лари). Бу, Б. р. конкрет формаларининг жуда хилма-хиллигини, уларнинг диктаторлангирувчи кучлари турлича мумкинлигини олдиндан белгилаб бермоқди. Агар монополистик капита-

лизмдан олдинги даврда Б. р. да буржуазия танҳо раҳбарлик ролини ўйнаган бўлса, империализм даврида пролетариатнинг Б. р. нинг боришига ва натижаларига таъсири кескин сурабта ошадди; бир қанча ҳолларда гегемония (раҳбарлик) пролетариатга ўтади (мас., 1905 йилдаги рус революцияси). Б. р. нинг умумийроқ туркумлиниши уларнинг юқори қатлам буржуа революцияларига ва буржуа-демократик революцияларга бўлинишидир. Юқори қатлам Б. р. буржуазия гегемониясида (раҳбарлигида) халқнинг кенг иштирокисиз амалга ошадди ва чуқур ижтимоий ўзгартишларга олиб бормади. Мас., Японияда 1867—68 йиллардаги революция, Ёш турклар революцияси, шунингдек Осиё, Африканинг баъзи мамлакатларида бўлаётган ҳозирги революциялар миллий давлатчиликни қўлга олишдан нарига ўтмади. Б. р. нинг алоҳида формаси буржуа-демократик революция бўлиб, бу революциянинг характерли хусусияти шундан иборатки, унда пролетариат ва деҳқонлар актив қатнашади, у ер муносабатларини тубдан қайтадан тақсимлаш учун бошланган аграр революция билан, деҳқонлар ҳаракати билан боғланган бўлади, унда омма буржуазия талабларидан жуда фарқ қиладиган ўз талаблари билан майдонга чиқади. Тарихий роли ва ҳаракатлангирувчи кучларига кўра бир-биридан фарқ қиладиган буржуа-демократик революцияларнинг бир неча тури маълум: 1) феодализмга қарши кураш даврида буржуазия гегемонлигида ўтган ва унинг иқтисодий ҳамда сиёсий ҳукмронлигини таъминлаб берган буржуа-демократик революциялар. Мас., 1789—94 йиллардаги француз буржуа революцияси; 2) империализмнинг дастлабки давридаги ва капитализм умумий кризисининг, 1-босқичидаги буржуа-демократик революциялар. Деҳқонлар билан иттифоқ бўлиб майдонга чиқадиган пролетариат бу буржуа-демократик революцияларнинг гегемони бўлади. Бундай революциялар буржуа-демократик революциянинг ўсиб социалистик ре-

волюцияга ўтиши учун шароит ҳозирлаб бердилар, мас., Россиядаги Феврал революцияси (1917); 3) капитализм умумий кризисининг 2-босқичидаги буржуа-демократик революциялар (халқ демократияси мамлакатларидаги революциялар); 4) капитализм умумий кризисининг 3-босқичида мустамлака ва қарам мамлакатлардаги миллий-демократик революциялар деб аталадиган буржуа-демократик революциялар. Бу революцияларнинг мунаффақият билан ривожланиши мустақил миллий демократия давлати тузишга олиб боради.

БУРЧ — этиканинг асосий категорияларидан бири бўлиб, бу категория алоҳида ахлоқий муносабатни акс эттиради. Барча кишиларга жорий қилинадиган ахлоқий талаб (*ахлоқ нормаси*) шу вақтда Б. формасига кирадики, бу талаб муайян индивиднинг тутган мавқеига ва бирон-бир конкрет вазиятга татбиқан унинг шахсий вазифасига айланади. Шахс бунда ахлоқнинг актив субъекти сифатида майдонга чиқади ва унинг ўзи англаб-тушунган ҳолда ўз фаолияти билан ахлоқий талабларни амалга оширади. Номарксистик этика тарихида Б. нинг манбаини худонинг иродаси ёки ақлида деб (*неопротестантизм, неотомизм*), априор ахлоқ қонунида деб (*Кант, интуитивизм*), инсоннинг ғайри тарихий табиатида ёки табиий оламнинг қонуниларида деб (*Этикадаги натурализм*) билардилар. Б. нинг асосини кўпинча бирон кимсанинг алоҳида обрў-эътиборида деб қарардилар (*Антропатив этика*). Бу проблемаларни илмий равишда фақат марксистик этика ҳал қилади. Бу этика Б. нинг туб манбаини жамият ва синфларнинг эҳтиёжлари ва вазифалари тарзида юз берадиган тарих қонуниларида деб билади. Жамиятнинг (коллективнинг, айрим шахснинг) обрў-эътибори Б. нинг туб асоси эмасдир, балки унинг ўзининг объектив асослари бордир. Бинобарин, инсон кимдир ифодалаб берган ёки стихияли суратда барқарор бўлган талабларни шунчаки бажариб қол-

масдан, балки уларнинг социал келиб чиқишини ҳамда ўзининг шахсий ва биргалашиб қиладиган ҳаракатларининг оқибатларини тушуномоғи лозим. Коммунистик ахлоқнинг ўзгармас талабларидан бири ана шундан иборат, шу талаб туфайли инсон бутун баъшариятнинг ва тарих яратувчилигининг манфаатларига оғли (демак, шахсан сабаб-боиси ифодаланган ва асосланган) равишда хизмат қилиш даражасига кўтарилади. Оламшумул тарихий вазифани ҳал қиладиган социалистик жамият шароитида шахснинг олий Б. и турли конкрет вазиятларда ўз ҳаракатлари билан шу мақсадни амалга оширишга ёрдамлашишдан, ҳар қандай хусусий социал вазифа замирида умумий тарихий истиқболни кўришдан иборат.

БУТЛЕРОВ Александр Михайлович (1828—86)— рус химия олими. Б. яратган химиявий тузилиш назарияси унинг томонидан жаҳон фанига қўшилган энг муҳим ҳисса бўлди. Бу назария химиявий бирикмаларнинг табиати ҳақидаги, модда хоссаларининг унинг ички тузилишига боғлиқ эканлиги ҳақидаги ҳозирги замон тасаввурларига асос бўлди. Химиявий тузилиш назарияси модда хоссаларининг модданинг ҳар бир тури учун унинг молекулаларидаги атомларнинг ўзаро алоқалари ва муносабатларининг барқарор ва ўзига хос тартиби мавжудлиги билан сабабли боғлиқлик принципига асосланади. Б. тадқиқотлари туфайли химияда барқарор бўлган бу структур принципларни моддани тадқиқ қилишда фундаментал методологик принциплардан бири, моддаларни илгаритдан берилган хоссалар билан яратишнинг назарий асоси бўлиб қолди. Б. молекулани ўлик, ҳаракатсиз бир нарса тарзида эмас, балки таркибий қисмлари доим ҳаракат қилиб турадиган ўзига хос динамик система тарзида тасаввур қиларди. Химизмни у материя ҳаракатининг кўринишларидан бири деб ҳарарди. Унинг назарияси ва илмий билимларни ривожлантиришнинг умумий проблемалари юзасидан чиқишлари химияда идеалистик ва

гностик тентирашларга қарши курашида катта роль ўйнади. Фалсафий қарашлари ноизчил бўлишига қарамай, химия фанининг асосий проблемаларини ҳал қилишда Б. материализм ва стихияли диалектика позицияларида турарди.

БУЮМЛАШУВ — предметлашувдан фарқли ўлароқ, тарихан ўткинчи, товар ишлаб чиқаришга ва айниқса капиталистик жамиятга хос бўлган хусусият бўлиб, унда социал муносабатлар шахсий муносабатлар ҳолатидан чиқиб буюм муносабатларига (нарсаларнинг муносабатларига) айланади. Б. га мувофиқ инсоннинг шахслик ҳолатидан чиқиши, деперсонлашуви юзага келади ва нарсаларга субъектнинг хусусиятлари берилади (персонификация). Б. фетишизмда намоён бўлади. Б. да инсоннинг фаолияти машинанинг ишлашига ўхшатилади, ғайри ижодий функцияларни бажаришдан иборат қилиб қўйилади. Инсоннинг ўзи ҳам фақат тайёр ролларни бажарувчи бўлиб, нарсалар ишлаб чиқаришнинг функционал воситаси бўлиб чиқади. «Иш кучининг шунчаки мавжуд борлиги деб қаралувчи инсоннинг ўзи — табиат предметидир, гарчи тирик бўлса-да, нарсадир, ўзини англовчи нарсадир, меҳнатнинг ўзи ҳам шу кучнинг буюмлашган ифодасидир» (К. Маркс).

БХУТАВАДА (элементализм) — қадимги ҳинд материализмнинг концепцияларидан бири. Бу назария Упанишадаларда ва Махабхарата эпосидаёқ тилга олинади. Кейинроқ пайдо бўлган баъзи манбаларда *локаята* турларидан бири сифатида намоён бўлади. Б. таълимотига кўра, предметларнинг ўз хоссалари жиҳатидан тафовутлари мазкур предметларни ташкил этувчи моддий элементларнинг бирга қўшилишидан юзага келади. Онг — моддий элементларнинг алоҳида тарзда бирга қўшилишининг натижаси бўлиб, бу бирга қўшилиш бир марта пайдо бўлгач, ўннга ўхшаш бирга қўшилишларни қайта ҳосил қилиши мумкин, ammo бошқа хилдаги бирга қўшилишлар ҳеч қачон онгнинг пайдо бўлишига

олиб келолмайди. Локаятанинг издошлари сингари, Б. нинг мухлислари ҳам гносеологияда сенсуалистлар ва этикада гедонистлар эдилар. Б. нинг энг қадимги текстлари сақлаб қолинмаган.

БЭКОН Роджер (тах. 1214—94) — ўрта аср инглиз мутафаккири-новатори, янги замон тажриба фанининг даракчиси, шаҳар ҳунарманд табақаларининг идеологи. Феодалларнинг хулқ-атворини, идеологиясини ва сиёсатини фош қилган. Ўз қарашлари учун Б. 1277 йилда Оксфорд ун-тигида муаллимликдан четлаштирилган ва черков маъмурларининг буйруғи билан монастыр турмасига қамалган. Б. нинг дунёқараши ноизчил материалистик дунёқарашдир. У схоластик қироатхонликни ва авторитетларга кўр-кўрона сажда қилишни қоралаб, табиатни тажрибавий ўрганишга, мустақил тадқиқотлар қилишга ва фанни янгилашга даъват этарди. Экспериментга ва математикага асосланган билиш методини ҳимоя қиларди. Б. фанларнинг мақсади — инсоннинг табиат устидан ҳукмронлигини оширишдан иборат, деб ҳисобларди. Унинг асарларида алхимик, астрологик ва сеҳргарлик хурофотлари бўлишига қарамай, Б. бир қанча дадил илмий ва техникавий фаразларни айтган эди.

БЭКОН Фрэнсис (1561—1626) — инглиз философи, материализмнинг ва янги замон экспериментлаштирувчи фанининг асосчиси. Қороль Яков I даврида давлатда олий мартабага эришиб, лорд-канцлер бўлди. Машҳур «Янги Органон» трактатининг айлари (1620). Аристотелнинг «Органон»идан фарқ қиладиган бу трактатида Б. фаннинг вазифаларини ва илмий индукция асосларини янгича тушунишни ривожлантирди. Инсоннинг табиат устидан ҳукмронлигини оширишга фаннинг қодир эканлигини билимнинг мақсади деб эълон қилган Б. бу мақсадга фақат ҳодисаларнинг ҳақиқий сабабларини пайқайдиган фан эришни мумкин, деб ҳисобларди. Шунинг учун ҳам у схоластикага қарши чиққан эди. Олдин ўтган фан ё

«догматизм»га мубтало эди, чунки олим қондалар системасини, ўргумчак ўз тўрини тўқигани сингари, ўз тушунчаларидан келтириб чиқаради, ёки у «эмпиризм»га мубтало эди, чунки олим англаб олинмаган фактларни тўплашга интиларди, холос, Шундай қилиб, олдин ўтган бутун билимга нисбатан Б. скептик позиция тутини талаб қилади. Бироқ Б. ишончли билим бўлиши мумкинлигини эътироф қилади, аммо ҳақиқатга етиш учун методий реформа қилиш зарур деб ҳисоблайди. Бу реформанинг биринчи қадами ақлни унга доимо хавф солиб турувчи янглишлардан («идоллар»дан) тозалашдан иборат бўлмоғи лозим. Бу янглишларнинг бир қисми бутун одамзодга ҳос бўлган ақл мойилликларидан, бир қисми олимларнинг айрим группаларига ва ҳатто айрим шахсларга ҳос бўлган мойилликлардан туғилади, бир қисми тилнинг номукамаллиги ва воқеалигидан келиб чиқади ва, ниҳоят, бир қисми бировларнинг фикрларини нотанқидий ўзлаштиришдан пайдо бўлади. Сохта қарашлар бартараф қилингандан кейин янги фanning ҳақиқий методига ўтиш мумкин. Б. нинг фикрича, фан тажриба фактларини рационал қайта ишладан иборат бўлмоғи лозим. Методик умумлаштириш ёки индукция воситаси билан ҳосил қилинган тушунчаларга суянган қондалар мазкур фан ҳулосаларининг асослари (уртача аксиомалар) бўлади. Экспериментни аналитик тушуниш индукциянинг асосини ташкил этади. Бир томонлама ривожлантирилган бу аналитик тушуниш, Энгельс сўзлари билан айтганда, шунга олиб келдики, Б. (ундан кейин эса Локк) 15—16-асрларда таркиб топган метафизик тафаккур методини табиётдан философияга

қўчирди. Ўз индукция назариясида Б. «салбий инстанциялар»нинг, яъни умумлаштиришга зид келадиган ва шу билан уни, етарли бўлмаган асос сифатида, қайта қарашни талаб этадиган ҳолларни танлашнинг аҳамиятини биринчи бўлиб кўрсатиб ўтган эди. Б. нинг философияни ривожлантиришдаги хизмати шундан иборатки, у, биринчидан, материалистик традицияни қайта тиклади ва шу нуқтаи назардан — ўтмишнинг фалсафий таълимотларини қайтадан баҳолаб чиқди: ilk грек материализмининг юқори кўтарди ва идеализмнинг янглишларини очиб ташлади. Иккинчидан, Б. табиатни ўзинча материалистик тушунишни ишлаб чиқиб, материяни зарраларнинг мажмуи деб қарашни, табиатни эса хилма-хил сифатларга эга бўлган жисмларнинг мажмуи деб қарашни мазкур материалистик тушунишга асос қилиб қўйди. Ҳаракат материянинг ажралмас хоссаси бўлиб, Б. нинг назарича, бу ҳаракат механик равишда ўрин алмаштириш билан чекланмайди (у ҳаракатнинг 19 турини санаб чиққан). Б. нинг бу қарашларининг барчаси янги эҳтиёжлар ва талабларни ақс эттирардики, Англияда дастлабки капитал жамғарилиши даврида фан олдида ана шундай талаблар қўйилган эди. Бироқ, Б. изчил материалист эмас эди. Унинг таълимоти, Маркс таъбири билан айтганда, «теологик ноизчиллик билан» ҳали тўла эди. Б. нинг сиёсий эътиқодлари «Янги Атлантида»да ақс этган эди, утопиядан иборат бўлган бу асарда иқтисодий жиҳатдан равнақ топадиган жамият тасвирланган. Бу жамиятда ҳаёт фанинг ва юксак техниканинг оқилона асосларида ташкил этилган бўлади, аммо унда ҳукмрон ва итбат қилувчи синфларнинг қарама-қаршилиги сақланиб қолади.

В

ВАВИЛОВ Сергей Иванович (1891—1951)— совет физиги, СССР ФА президенти (1945—51). В. нинг асосий асарлари физик оптикага, бошлича, фотолюменесценция табиатини ўрганишга бағишланган. В. нинг хизмати шу эднки, у янги физиканинг бир қанча революцион кашфиётларини диалектик-материалистик нуқтаи назардан талқин қилди. У материянинг алоҳида тури сифатида майдон ҳақидаги тасаввурни ривожлантирди, *корпускуляр-тўлқин дуализмининг* изчил материалистик шарҳини ишлаб чиқишга муҳим ҳисса қўшди, *математик гипотеза* ҳозирги замон физикасининг етакчи билиш методи эканлигини кўрсатди ва ҳ. к. В. Лукреций, Галилей, Ньютон, Ломоносов, Фарадей, Лебедев ва б. ҳақида мароқли ва чуқур тадқиқотлар ёзди.

ВАЗНСИЗ СУБСТАНЦИЯЛАР

(вазисиз суюқликлар, флюидлар) — гипотек вазисиз моддалар (тепелорд, ёруғлик, магнит, электр — мусбат ва манфий — суюқликлар, флогистон ва б.) бўлиб, бу моддалар жисмларнинг таркибий элементлари, тегишли хоссаларнинг ҳомиллари ҳисобланарди. В. с. ҳақидаги тасаввур 18-асрда ва 19-асрнинг бошларида айниқса кўп ёйилган эди. У вақтда жисмларнинг тузилиши ва хоссалари ҳали уларнинг бриллида гидрок этилмас эди ва объектнинг турли хоссалари кўп ҳолларда, бир жисмдан иккинчи жисмга ўтиб турувчи алоҳида сиртқи актив ибтидоларнинг атрибутлари, деб тасаввур этиларди. В. с. ҳақидаги таълимот *элементлар* ҳақидаги, актив форма ва пассив материя ҳақидаги қадимги натурфилософик тушунчаларнинг (мас., *Аристотель*) ривожланишидир ва химиявий элементлар ҳақидаги тасаввурларнинг шаклланиши билан боғлиқдир. Хоссалар, сифатлар, ҳаракат, кучларни уллар объекттив равишда хос бўлган нарсалардан ажратиб, уларни қандайдир мустақил нарса деб қараш динамизм, *энергетизм*,

витализмда ҳам ўз аксини топган. В. с. ҳақидаги таълимот нечоғлик ҳато ва содда бўлишига қарамай, табиёт илмида муҳим роль ўйнади, у хилма-хил физикавий ва химиявий ҳодисаларни умумлаштириш ва системалаштиришга имкон берди, уларни тадқиқ қилиш учун умумий асос яратиб берди.

ВАЙШЕШИКА (санскритча: «више-ша» — хусусият) — қадимги ҳинд философия системаси. Бу философия биринчи марта Канада (эраминдан олдинги 3-аср) томонидан систематик баён қилинган («Вайшешикасутра») В. Праштападаннинг (эрамининг 4-асри) асари «Падартха-дхарма-санграха»да анча ривожлантирилган. В. системасида материалистик тенденциялар жуда кучли. В. бутун мавжудот учун *етти категория* белгилайди: субстанция, сифат, амал, умумийлик, хусусият, хослик, йўқлик. Дастлабки уч категория реал суратда мавжуддир. Ундан кейинги уч мантиқий категория — ақл фаолиятининг маҳсулларидир. «Хусусият» категорияси (В. таъйимотига ном бўлган бу категория) билиш учун муҳим роль ўйнайди, чунки унда субстанцияларнинг реал хилма-хиллиги акс эттирилади. Олам сифатга эга бўлган ва амал қилиб турадиган субстанциялардан иборат. В. тўққиз субстанция борлигини кўрсатади: тупроқ, сув, нур, ҳаво, эфир, замон, макон, руҳ, ақл. Дастлабки тўрт субстанция атомлари барча моддий объектларни ташкил этади. Атомлар абадий, бўлинмас, кўринмас бўлиб, кўламли йўқдир, лекин уларнинг комбинациялари барча кўламли жисмларни ташкил этади. Оламин руҳ атомларнинг бири кишини бошқаради. Атомларнинг доимий ҳаракати натижасида замонда, маконда ва эфирда мавжуд бўлган олам вақт-вақти билан яратилиб, бузилиб туради. Атомлар келиб чиқишига қараб сифат жиҳатдан тўрт жинсга бўлинади ва сезгиларнинг тўрт туркини:

бадан, ҳамъ, кўз, ҳид сезгиларини пайдо қилади. В. нинг ғнотсеологияси *ньяйнинг* билиш назариясига яқин бўлиб, тўрт хил чин, тўрт хил ёлгон билиш борлигини кўрсатади. Идрок, хулоса, зеҳн ва интуиция ҳақиқатни юзага келтиради.

ВАН ЧУН (27—104)— хитой философ-материалисти. «Таңқидий мулоҳазалар» («Лунь хэн») деган асосий асариди у мистика ва идеализмга, ҳодисалар ва нарсаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини белгилайди, маълум мақсадга йўлловчи олий куч ҳисобланган «осмон» ҳақидаги таълимотга қатъий қарши чиқди. В. Ч. таълимотида кўра нарсаларнинг ҳаммаси моддий элементлар «ци»дан иборат ўз манбаига ва бош негизига эгадир. «Ци» тарқалиб кетса ҳамма нарса ҳалок ва йўқ бўлади. Инсоннинг ҳиссий идрокларини ва сезгиларини В. Ч. объектив оламни билиш процессининг бошланғич моменти деб эълон қилди. У «туғма» билим мавжудлигини инкор қиларди. В. Ч. ижтимоий ҳаёт табиатнинг стихияли ҳодисаларига боғлиқ эканлиги ҳақидаги назарияга қарши чиқди. Тарих давра бўйлаб ривожланади, равнақ даврдан кейин таназул бошланади, сўнгра процесс яна такрорланади.

ВАТАНПАРВАРЛИК (грек. *patris* — ватан) — ахлоқий ва сиёсий принцип, социал ҳис-туйғу; бу ҳис-туйғунинг мазмуни — ватанга меҳр-муҳаббат боғлаш, унга содиқ бўлишдан, унинг ўтмиши ва ҳозирги учун фахрланишдан, ватан манфаатларини ҳимоя қилишга интилишдан иборат. В. — алоҳида-алоҳида ватанларнинг асрлар ва минг йилликлари давомида мустаҳкамланиб келган энг чуқур ҳис-туйғулардан биридир» (В. И. Ленин, 37-т., 190-б.). Тарихан В. элементлари тузилган ерга, тилга, анъаналарга меҳр қўйиш шаклида қадим замондаёқ шаклланади. Синфий жамиятда В. мазмуни синфий бўлиб қолади, чунки ҳар бир синф ватанга унинг ўзига хос манфаатлари орқали ўз муносабатини ифодалайди. Капитализм ривожланаётган, *миллатлар* шаклланаётган, миллий давлатлар ташкил

топаётган шароитда В. ижтимоий онгининг ажралмас таркибий қисми бўлиб қолади. Бироқ синфий антагонизмлар кескинлашиб борган сари буржуа жамиятининг ривожланиши процессида В. нинг зиддиятли характери намоён бўлади: буржуазия ҳукрон синфга айланиши билан унинг В. и умум-миллий моментларни акс эттирмай қўяди (мас., феодализмга қарши кураш даврида шундай бўлган эди), у эксплуататорлик манфаатлари билан чекланиб, *миллатчилик* ва шовинизм билан туташиб кетади, чунки «капитал меҳнаткашларга қарши барча мамлакатларнинг капиталистлардан иборат ўз интифоқини қўриқлашни ватан, халқ манфаатларидан ва бошқа ҳамма нарсдан юқори қўяди» (В. И. Ленин, 36-т., 328—329-б.). Майда буржуазия В. и учун миллий маҳдудлик ва миллий худбинлик характерлидир, унинг ватанга бўлган муносабатида белгиловчи омил социал тараққиёт манфаатлари эмас, балки тор тамаъғирлик манфаатларидир. Буржуазия жамиятида пролетариатнинг ватани йўқдир, лекин ўз социал табиатига кўра у шундай бир синфдан иборатки, бу синф халқнинг туб миллий манфаатларининг ифодачиси ва шунинг учун ҳам ҳақиқий В. нинг ҳимоячиси бўлиб майдонга чиқади. Социалистик революция давомида ватаннинг социал моҳияти ўзгаради, социализм — миллий ифтихор объекти ва меҳнаткашларнинг ҳақиқий ватани унинг бош элементи бўлиб қолади, *интернационализм* билан чамбарчас боғлиқ бўлган социалистик умумхалқ В. и шаклланади. Жаҳон социалистик системаси пайдо бўлиши билан меҳнаткашларнинг ватани кенгайиб бормоқда. Социалистик В. фақат ўз ватанига эмас, балки бутун *жаҳон социализм системасига* ҳам содиқликда, империализмга қарши барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари олиб бораётган кураш билан бирдамликда ифодаланади.

ВАҲИЙ — каромат — диний-идеалистик философия тушунчаси бўлиб, бу тушунча ҳақиқатга ғайри ҳиссий равишда бевосита эришишни билди-

ради, ammo бу фақат мистик равшанлик пайтида мумтоз кишиларга муяссар бўлади. Идеалист философлар нуқтаи назарича, В. ҳақиқатга ва ʻигуликка интилиш билан боғлиқдир. В. ни пайқашга қодир бўлмаган кишилар учун ҳақиқат эътиқод мавзун бўлиб қолади. Фан бундай изоҳни рад қилади, чунки у В. ни ғайри ҳиссий кучга кўр-кўрона эътиқод қилиш талаби билан боғлайди. В. ни *интуициядан* фарқ қилмоқ зарур.

ВВЕДЕНСКИЙ Александр Иванович (1856—1925)— рус буржуа философи ва психолог, неокантчи, Петербург ун-тининг профессори (1888), Петербург философия жамиятининг раиси (1899). В. Кант философиясининг идеяларини изчиллик билан ривожлантириб, эътиқод билан билимнинг, жон билан жисмнинг дуализмини чуқурлаштирди ва ҳ. к. «Жонлантириш чегаралари ва белгилари» асарнда (1892) В., бегона руҳий ҳаётнинг ҳеч қандай объектив белгилари йўқ ва шунинг учун уни билиб бўлмайди деган эди. («В. нинг психо-физик қонуни»). В. факт руҳий ҳодисаларни тасвирлаш билан чекланувчи психология системасини асослаб беришга уринган эди («Ҳеч қандай метафизикасиз психология», 1914). Логикада — собит қадам идеалист («Логика — билиш назариясининг бир қисмидир», 1909). Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин атеизмга қарши чиқди («Атеизм билан курашда худого ишонич тақдир», 1922).

ВЕБЕР Макс (1864—1920)— немис социолог. *Неокантчиликка* ва *позитивизмга* яқин эди. В. нинг фикрича, ҳар қандай социал-иктисодий ҳодисанинг моҳияти фақат унинг объектив томонлари билангина эмас, балки аввало тадқиқотчи нуқтаи назаридан, муайян процессга нисбат бериладиган маданий қиммат билан белгиланади. Ижтимоий фанлар фақат ҳодисалардаги айрим фактни ўрганади, деган фикрга асосланиб, В. илмий абстракциялар ўрнига ўзбошимча фикрий конструкцияни — «идеявий тип»ни тикиштиришга урин-

ган эди. «Идеявий тип», В. нинг фикрича, воқеликни акс эттирмайди, бу фақат айрим фактларни системалаштириш ва тушуниш учун ишлатиладиган қуролдир, тарихчи воқелик билан таққослаб кўрадиган тушунчадир. В. нинг идеялари ўз мазмуни жиҳатидан ижтимоий-итисодий формациялар ҳақидаги марксча таълимотга қарши қаратилган эди. В. нинг «идеявий типлар» назарини ҳамда унинг тарихий факторларнинг «кўплиги» тўғрисидаги концепцияси ҳозирги замон буржуа социологиясига катта таъсир кўрсатди. Асарлари: «Миллий давлат ва халқ хўжалиги сиёсати» (1895), «Протестантлик этикаси ва капитализмнинг руҳи» (1905), «Хўжалик ва жамият» (1912) ва б.

ВЕДАЛАР — қадимги ҳиндларнинг тўрт асосий муқаддас китоби: Ригведа, Атхарваведа, Самаведа ва Яжурведа. Бу китоблар эраміздан олдинги 12—7-асрлар мобайнида яратилган. Мазкур китоблар сирасига кирадиган браҳманлар (ведачилик маросимларини баён қилувчи ва шарҳловчи китоблар), ведачилик маросимларининг мистик мазмунини тушунтириб берадиган ва ведачилик символикаларини очиб кўрсатадиган араньяклар («Ўрмончилик китоблари») ва кейинроқ яратилган *Упанишадалар* (В. нинг диний маросимлари ва мифологияси фалсафий нуқтаи назардан асослаб берилган ҳамда худо, инсон ва табиат ҳақидаги умумий муҳокамалар биринчи ўринга сурилган китоблар) ҳам «В» сўзи билан белгиланади. «В», сўзи шунингдек турдош тарзда, «муқаддас китоб», «олий доннимандлик» маъносда ҳам ишлатилади. В. да қадимги диний тасаввурлар билан бир қаторда мавжум муҳокамаларга доир бўлимлар ҳам бордир, бу бўлимларда энди оламнинг мавжудлигининг сабаблари ва мақсадлари ҳамда инсон хатги-ҳаракатларининг сабаблари масалалари ўртага ташланади.

ВЕДАНТА (айнан: «Ведаларнинг таммати») — ҳинд философиясининг ортодоксал системаларидан бири, *Упанишадалар* базасида пайдо бўлган диний-фалсафий таълимот. В.

ҳозирга қадар ҳам *ҳиндуизм* философиясида муҳим ўрин тутиб келмоқда. В. нинг асосий қондалари биринчи марта Бадаряна томонидан унинг Ведантасутраларида (3—4-асрлар) баён этилган. Кейинчалик В. мазкур асарга ва Упанишадаларга ёзилган шарҳларни нашр этиш йўли билан ривожлантирилди. В. да икки йўналиш мавжуд. Улардан бири — адвайта (мутлақ нодуализм) бўлиб, унинг асосчиси Шанкара (8-аср) эди. Адвайтага кўра, оламда ягона олий руҳий моҳият (худо)дан бошқа ҳеч қандай ўзгача реаллик йўқдир. Бу худо эса ҳеч нима билан белгиланмайди, ҳеч нимага боғлиқ эмас ва бесифатдир. Коинот предметлари ва ҳодисаларининг хилма-хиллиги ҳақидаги тасаввур беҳабарлик натижаеидир (авидья): ҳақиқатда эса худодаң бошқа ҳамма нарса нуқул хом ҳаёлдир (майя). Адвайта интуиция ва кароматни билишнинг асосий методлари деб биллади ва ҳулоса билан сезги иккинчи даражали роль ўйнайди, деб ҳисоблайди. Индивиднинг зўр бериб ҳаракат қилишларидан мақсад — бутун хилма-хиллик замирида яккаюягона худо турганлигини пайқаб олишдир. Инсоннинг психик ҳолатлари (авастха) тўғрисидаги, ташқи воқеликка сабаб бўладиган нарса ҳақидаги таълимот Шанкара В. сида катта роль ўйнаган. В. нинг иккинчи йўналиши — вишишта-адвайта (фарқ қилувчи нодуализм) бўлиб, унга Раманужа (11—12-асрлар) асос солган. Раманужа таълимотига кўра, уч реаллик: материя, жон, худо мавжуддир. Улар ўзаро бир-бирига бўйсунди: индивидуал жон моддий жисми ўзинга бўйсундиради, худо ҳар иккаласи устидан ҳукмронлик қилади. Худосиз жон ҳам, материя ҳам воқелик сифатида эмас, фақат соф тушунчалар сифатида мавжуд бўлишлари мумкин. Индивиднинг зўр бериб ҳаракат қилишларидан мақсад — моддий мавжудликдан қутилишдир, бунга эса руҳий активлик, билим ва худого муҳаббат боғлаш йўли билан эришилади. Бу кейинги ҳол айниқса муҳим ҳисобланади. Адвайта худо Шивага

бирмунча кўпроқ даражада сиғиниш билан боғлиқ эди, вишишта-адвайта эса кўпроқ худо Вишнуга сиғиниш билан боғлиқдир.

ВЕЙТЛИНГ Вильгельм (1808—71) — коммунизмнинг биринчи немис назариётчиси, коммунист-утопист; агитатор, пропагандист ва ишчилар ташкилотчиси, тикувчилик ишхонасининг халфаси. «Адолатлилар иттифоқи» ишига қатнашиб, унинг учун программ ҳужжат сифатида «Исоният ҳозир қандай аҳволда ва аслда у қандай аҳволда бўлмоғи лозим» деган брошюрани ёзган (1838). Муҳожир бўлиб АҚШга кетган, унда коммуна тузган ва бу коммуна кейин тарқалиб кетган. Умрининг охирида I Интернационал фаолиятини таъриқлаган. Асосий асари «Гармония ва озодлик гарантйялари» (1842); (1962 йилда русчага таржима қилинган). Бу асарини Маркс немис ишчиларининг тенги йўқ ва порлоқ қалдирғочи, деб атаган эди. В. айрим ҳолда ҳар бир индивиднинг ва яхлит ҳолда бутун жамиятнинг қобилиятлари билан эҳтирослари ўртасида уйғунлиқни таъминлайдиган коммунистик жамият қуришга интиларди. В. бу жамият қурилиши системасини батафсил тасвирлаб, ўткинчи даврнинг қийинчиликларини ҳам назарда тутадди ва бу давр учун диктатуранинг энг яхши идора усули деб ҳисоблайди. В. нинг фикрича, янги жамиятда етакчи ролни фойдалли фанлар ўйнайди. Барча фанларга философия раҳбарлик қилади. Фанларини В. уч тармоққа бўлади: 1) инсон жисмоний ва руҳий ҳаётининг ҳамма кўринишларини қамраб оладиган-фалсафий медицинага, 2) фалсафий физикага ва 3) фалсафий механикага. Шу билан бирга В. абстракт философияга ва айниқса Гегель философиясига меҳри йўқлигини яширмас эди. В. нинг фикрича, коммунистик жамият революция ва революцион ҳокимият тузиш орқали қурилади; лекин шу билан бирга утинч йўл билан қурилиши мумкинлигини ҳам айтганди. В. коммунизм идеяларини тарғиб қилиш учун инжилик текстларидан кенг фойдаланар ва

айни вақтда динни танқид қиларди. «Бечора... гуноҳкорнинг инжили»ни тайёрлаб нашр этгани учун турмага қамалган эди (1843—44).

ВЕЛЛАНСКИЙ (Кавунник) Данило Михайлович (1774—1847)— рус медицина олими ва идеалист философи, шеллингчи. Петербург медицина-хирургия академиясида таҳсил кўрган (1796—1802) ва унда 1805—37 йилларда ҳамда Германияда (1802—05) муаллимлик қилган. «Медицинага пролюзия...» (1805), «Табиатнинг биологик тадқиқоти...» (1812), «Тажрибавий, кузатувчилик ва ақл югуртириш физикаси» (1831), «Умумий ва хусусий физиологиянинг асосий белгилари» (1836) ва б. асарларида В. идеалистик натурфилософияни ривожлантирди ва унда Россияда биринчи бўлиб идеалистик диалектика идеяларини пропаганда қила бошлади (ҳодисаларнинг умумий алоқадорлиги, триада формасидаги тараққиёт, тараққиёт манбан сифатида кутблар кураши ва қ. к.).

ВЕНА ТУГАРАГИ — мантиқий позитивизмнинг гоявий ва ташкилий ўзга бўлиб хизмат қилган бирлашма. Шлик томонидан 1922 йилда Вена ун-тегида индуктив фанлар философияси кафедраси ҳузурида ташкил этилган семинар асосида ривож топди. В. т. га Карнап (1926 йилдан), Ф. Вайсман, Г. Фейгль, О. Нейрат, Г. Ган, В. Крафт, Ф. Кауфман, Гедель ва б. кирган эдилар. Франк (Чехословакия), Э. Қайла (Финляндия), А. Бламберг (АҚШ), Й. Йергенсон (Дания), Айер (Англия) ва б. В. т. билан ҳамкорлик қилган эдилар. В. т. маҳизм идеяларининг бевосита вориси бўлди. Унинг ишгирокчилари *Витгенштейннинг* бир қанча идеяларини — билимнинг мантиқий анализи концепциясини, логика ва математиканинг аналитик характери ҳақидаги таълимотни, «метафизика»нинг илмий мазмунидан маҳрум қилинган традицион философияни танқид қилишни ҳам қабул қилган эдилар. Маҳистик йўналишдаги В. т. қатнашчилари маҳистик позитивизмнинг билимнинг мантиқий анализи идеялари би-

лан синтезлаштириб, мантиқий позитивизмнинг асосий қондасини тўлароқ ва аниқроқ формада ифодаладилар. 1929 йилда Карнап, Ган ва Нейрат «Илмий дунёқараш. Вена тўғараги» манифестини эълон қилдилар. Худди шу вақтда В. т. ташкилий жиҳатдан узил-кесил расмийлашади ва бошқа неопозитивистик группалар билан (В. т. Берлиндаги *Рейхенбах* — Дубислав группаси билан боғлаган алоқаларидан ташқари) халқаро алоқа ўрнатилади (*Неопозитивизм*). 1930 йилдан бошлаб В. Т. Рейхенбах группаси билан биргаликда «Erkenntnis» («Билиш») журналинини нашр этади. 30-йилларда В. т. ишгирокчилари мантиқий позитивизм идеяларини актив ишлаб чиқадилар. 30-йилларнинг охирига келиб, В. т. нинг бир қанча арбоблари Венадан жўнаб кетиши, Шликнинг ҳалок бўлиши ва, ниҳоят, Австрияни Гитлер босиб олиши муносабати билан В. т. ўз фаолиятига хотима беради. *Мантиқий эмпиризм* (Карнап, Фейгль ва б.) В. т. нинг бевосита вориси бўлди.

ВЕРАС Дени — «Севарамблар тарихи» деган роман-саёҳатноманинг автори (1677—79). Бу, Францияда утопик социализм идеяларини тарғиб қилган биринчи асар эди. В. севарамбларнинг хаёлий жамиятида уларнинг қонун чиқарувчиси Севарис томонидан ўтказилган социал реформаларни тасвирлайди. Реформалардан олдинги жамиятнинг тасвирланиши В. ни *табиий ҳуқуқ* назариётчилари билан ва 18-асрдаги социалист утопистлар билан яқинлаштиради. Реформалаштирилган Севарамбия шундай жамиятдан иборатки, унда туғилиш билан боғлиқ бўлган имтиёзлар бекор қилинади; хусусий мулкка барҳам берилади; ер ва бутун бойлик халққа тегишли эканлиги барқарор қилинади; меҳнат қариялар ва касаллардан бошқа ҳамма учун мажбурий деб эълон қилинади. Мамлакат ишлаб чиқариш принципига мувофиқ шаҳар ва қишлоқ осмазияларига бўлинган бўлиб, уларда болаларга умумий ва ҳунар билимлари бирга қўшилган ҳолда таълим берилади. Севарамблар под-

шони сайлаб қўядилар, унинг ҳокимияти сайлаб қўйилган муассасалар билан чекланган бўлади. Олий ҳоким ва худо деб қўёшга топиналади. В. нинг романи катта шухрат қозониб, кўп тақлидларга сабаб бўлди.

ВЕРИФИКАЦИЯЛАШТИРИШ ПРИНЦИПИ (лат. Verificare — ҳақиқатни исботламоқ) — *мантиқий позитивизмнинг* бошланғич принципларидан бири бўлиб, бу принципга кўра олам тўғрисидаги ҳар қандай даъвонинг ҳақиқатлиги пировард ҳисобда уни ҳиссий маълумотлар билан таққослаб кўриш йўли билан аниқланиши лозим. В. п. асосида, *Вена тўғрагида* ифодадалаб берилганидек, билиш принципи жиҳатдан ҳиссий тажриба доирасидан ташқари чиқолмайди, деган тезис ётади. Бунда тажриба маълумотларини тўғридан-тўғри тасвирловчи даъволарнинг бевосита верификациялаштириш билан бирон қондани тўғридан-тўғри верификациялаштирувчи даъволарга мантиқий элтиб боғлаш йўли билан билвосита верификациялаштириш бир-бирдан фарқ қилиб қаралади. Олам тўғрисидаги билишни «бевосита мувоқабат» дан иборат қилиб қўядиган, бевосита тажриба йўли билан текшириб бўлмайдиган илмий даъволарни билувчилик аҳамиятидан маҳрум қиладиган В. п. нинг очикдан-очик философфик ва методологик асоссизлиги мантиқий позитивистларни илмий қоидаларнинг қисман ва билвосита тажрибавий тасдиқланиши талаби тарзида мазкур принципнинг сусайтирилган вариантини қабул қилишга мажбур этди. Мазкур принцип бу формасида назарий қоидаларни эмпирик фактлар билан мувофиқлаштиришнинг фақат оддий методологик талабини ноадекват ифодалайди ва бу методологик талаб назарий билимнинг мақбуллигининг (унинг эвристик кучи, мантиқий содаллиги ва б.) бошқа факторлари ва критериялари билан бирга қўшилмоғи лозим.

ВЕРНАДСКИЙ Владимир Иванович (1863—1945) — академик, табиатшунос, теологик ва биологик фанлар билан атомлар тўғрисидаги фанларни

туташтириб иш олиб борган. 1898—1911 йилларда Москва ун-тетининг профессори, 124 профессор ва муаллим қаторида чор ҳукуматининг жабр-зулмига қарши норозилик юзасидан ун-тетни ташлаб кетди, сўнгра Фанлар академиясида ишлади. В. геохимиянинг барқарор бўлишини тугаллади: унинг янги тармоғи — биогеохимияни яратди; *ноосфера* ҳақидаги таълимотни ривожлантирди; у — генетик минералогия ва радиогеологияни яратувчилардан бири; шунингдек кристаллография, тупроқшунослик, метеоритика, тарих ва табиёт методологияси соҳасида ҳам ишлади. Узилмий илмий ёндашган В. материализм позицияларида туриб, диалектиканинг бир қанча идеяларига стихияли равишда амал қиларди. Илмий тадқиқот учун философиянинг аҳамиятига юксак баҳо берарди. Логикани ва табиёт илми методологиясини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатарди. Фан тарихи ва назариясига оид бир қанча асарлар ёзган (мас., «Илмий дунёқараш ҳақида», 1902—03 ва б.).

ВЕТТЕР Густав (1911 йил туғ.) — австриялик католик философ, неомист, иезуит, Римда Папа шарқ ин-тининг профессори эди. Унинг буржуа мамлакатларида тарқалган асарларида («Совет диалектик материализми», 1952, «Бугунги совет идеологияси», 1962 ва б.) диалектик материализмнинг тарихи ва назарияси, ҳозирги замон табиий-илмий назариялар сохталаштирилмоқда. В. философиянинг материалистик ва идеалистик философияга марксистча бўлишига эътироз билдириб, «бетараф» йўналишни — «неотомистик реализм» ни (*Неотомизм*) қаттиқ туриб ҳимоя қилади, бу йўналиш эса ҳақиқатда объектив идеализмнинг теологик формасидир.

ВЕХИЧИЛИК — рус буржуазиясининг идеологияси бўлиб, унинг сиёсий ҳаракати мамлакатда ривожланган демократик ва пролетар ҳаракати даврида расмийлашди. Шунга кўра, деб ёзган эди. В. И. Ленин, «рус буржуазияси ўзининг «имманент контрреволюционлигини» (17-т., 13-б.) тез

ошкор қилиб қўйди. 1902 йилда собиқ лшл марксистлар *Струве, Бердяев, Булакков* ошкора мистиклар билан бирликда «Идеализм проблемалари» тўпламини нашр этиб, материализмга ва материалистларча талқин этилувчи позитивизмга қарши чиқдилар. Ундан кейин тўпламлар нашр этиши ва диний фалсафий жамиятлар тузиши ниҳоят Столипин реакцияси даврида программали «Вехи» тўплами (1909) чиқиши билан тугалланади. Бу «либерал ренегатлик энциклопедияси», деб кўрсатган эди Ленин, қўйидаги уч темани ўз ичига олади: 1) рус ва халқаро демократиясининг бутун дунсқарашининг ғоявий асосларига қарши кураш; 2) озодлик ҳаракатидан юз ўгириш; 3) чоризмга нисбатан ўзининг «малайлик» ҳисларини ва шунга мувофиқ «малайлик» сиёсатини ошкора эълон қилиш. «Вехи» материализм ва атеизмга *Юркевич, Соловьев, Достоевский* илгари сурган рус диний-фалсафий традицияни қарама-қарши қўйишга уринарди. Сиңфий кураш шioriга улар «ички», «руҳий» озодлик йўлида жонбозлик қилувчи шахсни ҳимоя қилиш принципини қарама-қарши қўйган эдилар. Улар подшо ҳокимияти «биргина ўзининг найзалари ва турмалари билан бизларни халқ ғазабидан ҳали тўсиб турмоқда» («Вехи», 89-б.) деб, подшо ҳокимиятига шукрона билдирган эдилар. Вехичилар I-жаҳон урушини *шаддий шовинистлар лагеридан*, Октябрь революциясини монархиячи контрреволюция лагеридан кутиб олдилар. («De profundis» тўплами, 1918; Н. А. Бердяев ва бошқаларнинг «Потенглик философияси»). Муҳожирликда юрганда собиқ вехичилар муҳожир зиёлилардан бир қисмининг (сменовехичилар деб аталувчиларнинг) контрреволюциядан узоқлама бошлаганига қарши чиқдилар. Ушнинг ривожланишида В. ҳозирги эммон буржуа философияси учун типик бўлган бир қанча хислатларини: марксизмга қарши кураш учун диннинг позиклаштирилган формаларидон фойдаланишга уриниш, этикада фти кетган индивидуализмни ҳимоя

қилиш, философияда антиинтеллектуализм ва субъективизмни ҳимоя қилиш каби хислатларини намоён қилди.

ВИВЕКАНАНДА (асли номи — Нарендранатх Датта) (1863—1902)— ҳинд идеалист философи. *Рамакришнанинг шогирди*. 1880—84 йилларда Калкутта ун-тетида философияни ўрганди. 1893 йилда *веданта* идеяларини пропаганда қилиш мақсадида АҚШ, Англия, Японияга сафар қилди. 1897 йилда диний «Рамакришна Миссияси»ни тасис этди. В. адвайта-веданта идеяларини ўз замонаси фанининг қоидалари билан «яқинлаштириш»га уринди. Рамакришна сингари, у ҳам ведантага асосланган «ягона дин»ни қаттиқ туриб ҳимоя қиларди. Аммо В. нинг фаолияти кучайиб диний ислоҳотчилик тор доираларидан чиқиб кетди. У йирик ижтимоий-сиёсий арбоб сифатида майдонга чиқиб миллий-озодлик учун курашга даъват этди, ҳинд либераллари юргизаётган инглиз маъмурларига мурожаат қилиш сиёсатини қоралади. Ана шуларнинг ҳаммаси уни 20-аср бошларида ҳинд миллий-озодлик ҳаракатининг ўта сўл қаноти ғоявий лидерларининг бевосита салафи қилиб қўйди. В. ҳукмрон варна (сословия)га: браҳманлар, кшатрийлар, вайшлар ва шудралар сословиясига қараб фарқ қилинадиган ижтимоий прогресснинг тўрт палласи назариясини қаттиқ туриб ёқларди. В. ўз замонасининг буржуа жамиятини «Вайшлар салтанати» деб, келажак «социалистик» жамиятни «шудралар салтанати» деб атарди. У империалистларнинг миллатларни эзишини, ирқчиликни, милитаризмни қораларди. Шу билан бирга унинг «социализми» утопик майда буржуа характериға эға эди.

ВИЖДОН — этика категорияси, бу категория шахснинг ахлоқий жиҳатдан ўз-ўзини назорат қилишга, ўз-ўзини англашга қобилиятининг олий формасини ифодалайди. Бонс-баҳондан (*бурч* ҳиссидан) фарқ қилиб, В. кишининг жамият олдидати ўз масъулиятини тушуниши асосида қи-

линган ишларга ўз-ўзича баҳо беришнинг ҳам ўз ичига олади. В. кишини ўз ҳаракатлари билан шунчаки ҳурмат қозониш (ўзини камситмаслик), айтайлик, ўз ор-номусини ва қадр-қимматини сақлаш учун хизмат қилмасдан, балки ўзини тамомла жамиятга, илгор синфга, инсониятга хизмат этишга бағишлагша мажбур этади. Бундан ташқари, В. индивиднинг ўзининг ва ўзгаларнинг фикрига жамиятнинг объектив эҳтиёжларига мувофиқ равишда баб-баравар таъқидий кўз билан қарай олиш лаёқатини, шунингдек кишининг фақат ўз ҳаракатлари учун эмас, балки тева-рак-атрофида содир бўлаётган воқеалар учун ҳам жавобгарлигини назарда тутайди. В.— кишининг ижтимоий йўсинда тарбияланадиган қобилиятидир. У кишининг тарихий камолоти даражаси ҳамда кишининг ўзи яшайдиган объектив шароитдаги позицияси билан белгиланади. Жамият талабларига ва унинг прогрессив ривожланишига кишининг актив жаъоб реакцияси сифатида В. шахснинг фақат ахлоқий жиҳатдан ўз-ўзини камол топтириш ички ҳаракатлантирувчи кучиғна эмас, балки шу билан бирга уни воқеликка фаоламлиқ муносабатга ундовчи ҳамдир, В. ўз ҳаракатларининг ахлоқий аҳамиятини англашнинг рационал формасида ҳам, эмпционал кечинмалар комплексида ҳам («виждон азоби») юз бериши мумкин. Ҳар бир кишини В. ли қилиб тарбиялаш — коммунистик ахлоқни шакллантиришнинг энг муҳим шартларидан биридир.

ВИКО Жамбатиста (1668—1744)— италян буржуа философи, социблоги, Неаполдаги ун-тег профессори. В. тарихий доиравий айланиш назариясининг яратувчиси. В. гўё тарих қонуларини яратиб берадиган илоҳий ибтидонинг мавжудлигини таъ олиб, шу билан бирга, жамият ички қонуниятли сабаблар тақозоси билан ривожланади, деб кўрсатган эди. В. таълимотиға кўра, ҳар бир халқ ўз тараққиетида уч даврни (худолаб даврини; қаҳрамонлар даврини; инсоният даврини) кечиради; бу

бамисоли инсон ҳаётининг болалик, ёшлик ва етуқлик даврларига ўхшайди. Давлат фақат қаҳрамонлар даврида пайдо бўлади ва у аристократия ҳукмронлигидан иборат бўлади. Инсоният даврида унинг ўрнини демократик давлат эгаллайди ва унда эркинлик ҳамда «табиий адолат» таътана қилади. Бу — инсоният тараққиётининг чўққиси, унинг етуқлик даври бўлиб, шундан сўнг таназзул даври бошланади. Жамият бошланғич ҳолатига қайтади. Сўнгра янгидан юқорилаб ҳаракат қилиш, янги доиравий айланиш бошланади. В. ўз тарихий тараққий принципларини тил, ҳуқуқ, санъатга ҳам жорий қилган эди. Асосий асари — «Миллатларнинг умумий табиаи ҳақидаги янги фаннинг асослари» (1725).

ВИНДЕЛЬБАНД Вильгельм (1848—1915)— немис идеалист философи, неокантичликнинг баден мактаби деб аталувчи оқимнинг асосчиси; философия тарихи, логика, этика ва қимматдорлар назарияси соҳасида ишлади. Философия тарихининг ривожини кантчилик нуқтаи назаридан ёритди. Табиий ва ижтимоий-тарихий фанлар методларининг фарқини асослаб беришга уринди. В. нинг фикрича, табиий фанлар — «номотетик», яъни умумий қонуларни тадқиқ қилувчи фанлар бўлиб, тарихий фанлар — «идиографик», яъни хусусийлик, айримлик ҳақида ҳикоя қилувчи фанлардир. Умумийликни хусусийликка ва айримликка хато равишда қарама-қарши, қўйишга асосланган бу фарқ марксизмнинг тарихий тараққиётнинг объектив қонуларни ҳақидаги таълимотиға қарши қаратилган эди. Асосий асарлари: «Қадимги философия тарихи» (1888), «Янги философия тарихи» (2 томлик, 1878—80), «Муқаддима» (1884), «Тарих ва табиийёт» (1894).

ВИНЕР Норберт (1894—1964)— америка математиги, Массачусет технология ин-ти профессори (АҚШ). В. нинг илк асарлари бошлича математика асосларига бағишланган. В. шунингдек назарий физика билан шуғулланиб, математик анализ ва эҳти-

молчиқлар назарияси соҳасида бир қатор катта натижалар ҳосил қилган. Нерв фаолияти юзасидан (мексикалик физиолог А. Розенблют билан биргаликда) қилинган тадқиқотлар билан бир қаторда электрон кузатиш ва ҳисоблаш машиналарининг ишлаши-ни ўрганиш В. ни *кибернетика* идеялари ва принципларини ифодалаб беришга олиб келди («Кибернетика ёки ҳайвон ва машинада бошқариш ва алоқа», 1948). В. нинг умум философик қарашлари эклектик қарашлардир.

ВИНКЕЛЬМАН Иоганн Иоахим (1717—68)— немис маърифатчиси, тарихчи ва санъат назариячиси. В. нинг «Қадимги замон санъати тарихи» (1764) деган асосий асари санъат тарихини илмий тадқиқ қилишга биринчи уриниш эди. В. нинг фикрича, санъатнинг ривожланиши ҳам табиий факторларга (иқлим), ҳам ижтимоий факторларга («давлат тузумининг ва бошқаришнинг таъсири ва улар юзга келтирган фикрлар тарзи») боғлиқдир. Эркинлик натижасида, «олийжаноб оддийлик ва ваэмин улугворлик» тимсоли сифатида туғилган қадимги грек санъати В. нинг эстетик идеали эди, у шу идеалга амал қилишга даъват этарди. В. нинг эстетик қарашлари эстетика ва санъатнинг ундан кейинги ривожига таъсир кўрсатди.

ВИТАЛИЗМ (*vitalis* — ҳаётӣй) — биологияда идеалистик таълимот бўлиб, у ҳаётӣй фаолиятнинг ҳамма процессларини гўё тирик организмларда жо қилинган алоҳида номоддий факторлар (*энтелехия*, «яратувчи куч», «формага интилиш» ва ҳ. к.) — амалиётга боғлаб изоҳлайди. В. нинг бош манбалари Платоннинг гўё ҳайвонлар ва ўсимликлар оламига жон бағишлайдиган жон ҳақидаги таълимотига ҳамда Аристотелнинг энтелехия ҳақидаги таълимотига бориб тақалади. В. концепция сифатида 17—18-асарларда таркиб топди. Г. Шталя, Я. Иксюль, Дриш, ҳозирги вақтда — Л. Бергаламфи, А. Венцль ва б. В. нинг вакиллари-дрлар. В. тирик табиатнинг сифат

жиҳатдан ўзига ҳослингини далил қилиб кўрсатиб, ҳаётӣй фаолият процессларини моддий физикавий-химиявий ва биологик қонуниятлардан ажратиб қўяди. Тирик табиатни тирикмас табиатга ҳаддан ташқари қарама-қарши қилиб қўйиш В. ни тирик нарсанинг тирикмас нарсадан пайдо бўлиши мумкинлигини инкор қилишга олиб келади. Масала бу тахлитда қўйилганда ҳаётнинг ё илоҳий келиб чиқишини, ёки унинг абадий мавжудлигини тан олиш қолади. В. биологиянинг кам ишланган проблемаларини дастак қилиб яшаб келмоқда. Ҳаёт моҳияти, структура ва функцияларнинг ахлитлиги, мақсадга мувофиқлиги, эмбриогенез, регенерация, организмнинг яланглиниши проблемалари ва ҳ. к. виталистик бузишларнинг асосий объектларидир. Мас., В. нуқтан назардан эмбрионал ривожланиш — муртақнинг илгаритдан белгилаб қўйилган мақсадни амалга оширишга интилишидир. Фаннинг ривожланиш тарихи В. ни рад этиш тарихидан иборат. Энгельс, Тимирязев, И. Мечников, И. Павлов ва бошқаларнинг асарларида В. чуқур танқид қилинган.

ВИТГЕНШТЕЙН Людвиг (1889—1951)— философ ва логик, *аналитик философия*ни яратувчилардан бири, Венада туғилган. «Мантиқий-фалсафий трактат»ида (1921) «мантиқий жиҳатдан муқаммал» ёки «идеал» тил концепциясини илгари сурди; унинг назарида *Рассел* ва *Уайтхед*нинг «Principia Mathematica» деган бош асарида баён қилинган тарздаги мантиқий логика тили мазкур «идеал» тилнинг тимсоли эди. Бу концепция билимни *конъюнкция* ва *дизъюнкция* ва ҳ. к. мантиқий операциялари билан ўзаро боғлиқ бўлган кўпдан-кўп элементар даъволар сифатида тасвирлашга асосланган маҳдуд мантиқий формализм хусусиятларини олам ҳақидаги билимнинг бутун мажмуига ноҳақ равишда экстраполяция қилиш (жорий қилиш)дан иборат. В. мантиқий атомизм назарияси шундаги онтологик асослашни мантиқий-гносеологик концепцияга муқаддима қи-

лади. «Идеал» тил схемасига тушмаган нарсаларнинг ҳаммасини традицион философия, этика ва ҳ. к.—В. илмий мазмундан маҳрум этилган деб эълон қилади; философия фақат «тилни танқид қилиш» сифатидагина бўлиши мумкин деб эътироф этилади. В. «тил»га, онгга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган объектив реаллик ҳақидаги масаланинг қўйилишини рад қилиб, *солипсизмга* келади. «Мантикий-фалсафий трактат» идеяларини *мантикий позитивизм* қабул қилиб олди. В. нинг бир қанча мантикий идеялари (ҳақиқатлик аҳамиятини аниқлашнинг жадвал ёки матрица методини татибқ этиш, эҳтимоликка бўлган қарашлар ва ҳ. к.) ҳозирги замон логикасининг ривожланишига таъсир кўрсатди. В. нинг «Фалсафий тадқиқотлар» асарида (1953) яқунланган қарашлари *лингвистик фило-софияга* таъсир кўрсатди.

ВОЛЬТЕР Франсуа Мари Аруэ (1694—1778)— француз ёзувчиси, фило-софия, тарихчиси, француз маърифатчилиги йўлбошчиларидан бири. Нотариус оиласида туғилган, иезуитлар коллежиясида тарбияланган. Феодализмга қарши ёнан сатираси учун икки марта қамалган (1717 ва 1725). Умрининг кўп қисмини Франциядан ташқарида ўтказган. *Дидро* Энциклопедиясида ҳамкорлик қилган. В. деист (*Деизм*); унинг дунёқарashi эндиатлидир, у Ньютон механикаси ва физикаси тарафидан бўлиб чиққан ҳолда худо-халлоқнинг, «биринчи туртки»нинг мавжудлигини эътироф қилади. В. нинг фикрича, табиатнинг ҳаракати абадий қонуларга мувофиқ содир бўлади, лекин худо табиатдан ажралмасдир, у алоҳида субстанция эмас, балки кўпроқ табиатнинг ўзига хос амалиёт принциpidир. Ҳақиқатда В. худони («буюк геометр») табиат билан бирдай қилиб кўрсатишга мойилдир. У *дуализмни* танқид қилади, алоҳида турдаги субстанция сифатида жон тўғрисидаги тасавурни улоқтириб ташлайди. В. нинг фикрича, онг материянинг ҳос-саси бўлиб, фақат тирик жисмларга хосдир, лекин у бу тўғри қондани ис-

ботлаш учун теологик далил келтириб, материяга фикрлаш қобилиятини худо ато қилган, дейди. 17-асрдаги теологик метафизикага қарама-қарши ўлароқ, В. табиатни илмий тадқиқ қилиш талабини илгари сурди. У Декартнинг жон ва туғма идеялар ҳақидаги таълимотини рад этиб, кузатиш ва тажрибани билимларнинг манбаи деб ҳисобларди ва *Локкнинг* сенсуализмини тарғиб қиларди. Фаннинг вазифаси — объектив ҳақиқатни ўрганишдан иборат. Бироқ, В. «охирги сабаблар» борлигини фараз қилар ва тажриба бизга «олий ақл» ва коинот «архитектори» мавжудлиги эҳтимолидан дарак бермоқда, деб ўйларди. В. социал-сиёсий қарашларининг феодализмга қарши қаратилганлиги яққол кўриниб турарди. У крепостникликка қарши курашар, граждандарнинг қонуи олдида тенглигини ёқлаб чиқар, мол-мулкка қараб солиқ солишни, сўз эркинлигини талаб қиларди ва ҳ. к. Лекин у, жамиятнинг бойлар ва камбағалларга бўлинишини муқаррар, деб ўйлаб, хусусий мулкни танқид қилишни қатъиян рад этарди. В. нинг фикрича, оқилона давлат тузуми тепасида маърифатли монарх (подшо) турадиган конституцион монархия эди. Умрининг охирида В., давлатнинг энг яхши типи республикадир, деган ишончга мойил эди. Тарихий асарларида у жамият тараққиётига таврот-христианча нуқтаи назардан қарашни танқид қилиб, инсоният тарихи манзарасининг тарихини чизиб берди. «Тарих философияси»га (бу терминни В. киритган) худонинг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда жамиятнинг прогрессив тараққиёти идеяси асос қилиб қўйилган. Лекин тарихнинг боришини В. идеяларнинг ўзгаришига боғлаб идеалистларча изоҳларди. В. нинг клерикализмга ва диний фанатизмга қарши олиб борган кураши унинг фаолиятида гоят катта аҳамият касб этган эди. В. сатирасининг ўқлари қаратилган асосий мўлжал христианлик ва католик черкови эди, католик черковини у тараққиётнинг асосий душмани, деб ҳисоб-

ларди. Шунга қарамай, В. атеизмни маъқул кўрмас эди. У конкрет образда (Исо, Муҳаммад, Будда ва ҳ. к.) гавдаланган худони инкор этар экан, жазоловчи худо идеяси халқ орасида яшамоғи керак, деб ўйларди. Бунда В.нинг синфий маҳдудлиги ўз таъсирини кўрсатган эди. Асарлари: «Фалсафий мактублар» (1733), «Метафизика ҳақида трактат» (1734), «Ньютон философиясининг асослари» (1738), «Халқларнинг хулқ-атворлари ва руҳи ҳақидаги тажриба...» (1756).

ВОЛЬФ Христиан (1679—1754)— немис идеалист философи, маърифатчиси, *Лейбниц* философиясини системасига солган ва омалаштирган киши, Галледаги ун-т профессори. В. Лейбниц таълимотида диалектик элементларни ситиб чиқарди, умумий алоқадорликни, борлиқнинг уйғунлигини гуё худо томонидан азалдан белгилаб қўйилган мақсадларга боғлаб изоҳловчи метафизик телеологизмни ривожлантирди. Шунингдек В. схоластикани ҳам системалаштирган ва уни янгиллаган киши эди. Ҳ. системасининг тузилишига у рационалистик дедукция методини асос қилиб қўйди. Бу методга кўра, философиянинг барча ҳақиқатлари зиддиятнинг формал-мантиқий қонунидан хулоса қилиб чиқарилади. В. математика, физика, химия, ботаника ва ш. к. ларни тарғиб қилишда катта роль ўйнади. Жамиятга бўлган қарашларида у маърифатли абсолютизмни ҳамоя қиларди. В.нинг асосий асари: «Логика, ёки инсон фаросатининг кучлари ҳақида оқилона фикрлар» (1712).

ВОЛОНТАРИЗМ (лат. voluntas — ирода)— идеалистик философиянинг бир йўналиши бўлиб, бу йўналиш, бошқа идеалистик йўналишлардан фарқли ўлароқ, идрокни, тасаввурни ёки тафаккурни эмас, балки иродани бирламчи деб эътироф қилади ва уни бутун мавжудотнинг бош асоси деб билади. В.нинг икки турини — объектив идеализм формасини ва субъектив идеализм формасини фарқ қилиб қарамоқ керак. *Шопенгауэр* ва *Э. Гартман* биринчи форманинг типик вакиллари дилар. Шопенгауэр *Кант-*

нинг агностицизмни ўнгдан танқид қилиб, ҳодисалар (тасаввурлар) асосида ётган «нарса ўзида»— бирламчи, ҳеч нимага боғлиқ бўлмаган «коламий ирода»дир, деб даъво қилади. Шопенгауэр фикрича, барча тирик вужудларнинг ҳаракатлантирувчи кучи — стихияли инстинктив характерга эга бўлган «яшаши интилиш иродаси»дан иборат. Онгли ирода кўр-кўрона, инстинктив индивидуал иродага нисбатан ҳосиладир. Шопенгауэрча, В. *буддизм* елктирган индивидуал яшаш иродани тарк этиб, индивидуалликни космик оламий иродага қоршийтириб юбориш ҳақидаги фаталистик доктринани тарғиб қилади. В.нинг субъектив идеалистик формаси *Штирнер* ва *Ницше* учун характерлидир. Уларнинг таълимотларида индивидуал ирода, «мен» ҳаракатлантирувчи куч бўлиб чиқади. Шу билан умумий объектив қонуният принципи қатъиян рад этилади. Шопенгауэрнинг пессимистик ва фаталистик В. идан фарқли ўлароқ, Ницшенинг В. и агрессив характерга эга бўлиб, олий ирода потенцияси сифатида «иродани ҳокимият мартабаси»га кўтарди. Ницшенинг доктринаси вулгарлаштирилган формада фашизм идеологиясининг манбаларидан бири бўлиб хизмат қилди. Узининг ҳар иккала формасида В. идеализмнинг иррационал баёнидан иборатдир, бу баёнда борлиқнинг руҳий бош ибтидоси мантиқий, рационал қонуниятли ибтидо тарзида эмас, балки рационал, илмий билишга бўйин бермайдиган ибтидо тарзида талқин қилинади. Гарчи «В.» турмини философия доирасига фақат 19-асрнинг охирида киритилган бўлсада (Теннис, 1883, Паульсен, 1892), аслида, В. идеялари борлиқнинг яратилган бош ибтидоси сифатида илоҳий ирода тўғрисидаги теологик доғмалардан бошлаб узоқ ўтмишга бориб тақалади. *Августин*, сўнгра эса *Дунс Скотт* таълимотларида волонтаристик фикрлар айниқса яққол ифодаланган. В. 19-асрдаги буржуа психологиясида (*Вундт*, Мюнстерберг) катта таъсирга эга бўлди. Бу психология ироданинг

бошқа психик функцияларга нисбатан устуңлигини эътироф қиларди. Идеалистик логикада ва билиш назариясида В. қизқишлар, интилишлар функцияси деб қараладиган муҳокамадаги ва умуман билишдаги қатъий ролини тасдиқлашда ифодаланди. **Прагматизм** философияси бу хилдаги қарашнинг энг изчил ифодасидир. Социал-сиёсий назарияда ва практикада В. тарихнинг объектив қонуналарини билишга таянадиган, илмий равишда асосланган ижтимоий фаолиятни инкор этишни, бу фаолиятни сиёсий йўлбошчиларнинг субъектив ўзбошимчилигидан иборат қилиб қўйишни билдиради. Сиёсий В. турли формаларга: бир томондан, **народникликнинг** субъектив, социологияси, анархистик авантюризм формасига, иккинчи томондан, фашизм агрессияси ва фюрер диктатураси формасига киради. В. нинг турли формалари Маркс ва Энгельснинг «Немис идеологияси» дан бошлаб марксизм классикларининг асарларида чуқур танқид қилинди. Илмий марксистик дунёқараш табиат, жамият ва билиш процессини тушушида илмга хилоф, индетерминистик, иррационалистик идеализм билан сиғишмайди. Марксизм сиёсатдаги В. га душманларча қараб, ижтимоий практиканинг ҳамма соҳаларида ижтимоий тараққиётнинг объектив қонуналарини ва тенденцияларини илмий билишга ҳамда волюнтаристик ўзбошимчиликка ёт бўлган кенг социалистик демократия принципларига таянади.

ВОРИСЛИК — тараққиёт процессида **ингидик** билан **эскилик** ўртасидаги объектив зарурий алоқа, **инкорни инкор** қонунининг энг муҳим белгиларидаги бири. Метафизикадан фарқли ўлароқ, материалистик диалектика асосий диққат-эътиборни табиат, жамият ва тафаккурдаги илгариллаб ривожланиш процессларини ўрганишга қўчиради. Материя ҳаракати формаларининг генезисидек шунини кўрсатадики, ҳаракатнинг ҳар бир юқорироқ формаси, қўйин формалар билан ворисларча алоқадор бўлганлигидан, уларни бекор қилмайди,

балки ўзига киритиб, бўйсундириб олади. Диалектикларча тушунилган инкор фақат эскиликни тугатишни эмас, балки олдинги босқичларда қўлга киритилган прогрессив рационал нарсани сақлаб, янада ривожлантиришни назарда тутадиган, бусиз борлиқда ҳам, билншда ҳам олдинга қараб ҳаракат қилиб бўлмайди. В. процессларини тўғри тушуниш фанининг, санъатнинг ривожланиш қонуниятларини анализ қилиш учун, ўтмиш ютуқларига нотанқидий муносабат билан ҳам, маданий меросни нигилистларча инкор қилиш билан ҳам курашиш учун алоҳида аҳамиятга эгадир.

ВОРОВСКИЙ Вацлав Вацлавович (1871—1923)— марксист публицист, революционер, совет дипломати. 1891—97 йилларда Москва ун-тида ва Москва олий техника билим юртида ўқиди. Октябрь революциясидан кейин дипломатик ишда ишлади. В. нинг асарларида марксистик идеяларни пропаганда қилиш ва оммалаштириш, уларни бузишга ва сийқалаштиришга қарши кураш катта ўрин тутарди. Унинг Маркс ҳақидаги биографик асарларида («Берлиндан хат», 1908; «Карл Маркс», 1917 ва б.) марксизм асосчиларининг фалсафаси, иқтисодий ва сиёсий қарашлари баён этилган. «Коммунистик манифест» ва унинг Россиядаги тақдири» (1907), «Россиядаги марксизм тарихига доир» (1908) асарларида Россияда марксистик таълимотнинг тарқаллиш тарихи баён қилинган, «Манифест»нинг рус тилига қилинган таржималари батафсил таҳлил этилган: В. «Коммунистик манифест»ни, Маркснинг 1849 йил 7 февралда присяжныйлар суди олдида сўзлаган нутқини ва «Гегелнинг ҳуқуқ философияси танқидига доир» асарини таржима қилган. В. нинг бир қанча асарлари ишчилар ҳаракатидаги стихиялик ва онглилик масаласига, партиянинг касаба союзларига, аграр масалага муносабатига ва Россиядаги революцион ҳаракат тарихига, неокантилик, махистлик, диний-мистик идеологияни танқидий таҳлил қилишга бағиш-

ланган («Жизнь» журнали редакциясига хат», 1901; «Саросималар ва тинччилик қолганлар», 1906; «Герцел социалист эдими?» 1920 ва б.). В. дастлабки марксистик адабий таъкидчилардан бири. У санъатда революцион идеалларнинг ролини, социал пессимизм ва декадентликнинг синфий моҳиятини очиб кўрсатди («Модернистларнинг буржуалиги ҳақида», 1908; «Базаров ва Санин», 1909; «Максим Горький», 1910; «Леонид Андреев», 1910 ва б.).

ВОКЕЛИК — реал суратда мавжуд бўлиб, ривожланаётган, ўз моҳиятини ва қонуниятини ўз-ўзида ҳамда ўз амалиёти ва тараққиётининг натижаларини ўзида жо этган нарса. Бундай В.—ўзининг бутун конкретлигида объектив реалликдан иборат. Ана шу маънода В. бутун зоҳирий, уйдирма ва ҳаёлий нарсаларнинг эмас, балки фақат мантиқий (фикрий) бўлган нарсаларнинг ҳаммасидан ҳам (гарчи бу нарсалар бутунлай тўғри бўлса-да), шунингдек ҳали ҳозирча мавжуд бўлмасдан, фақат мумкин деб билинган, эҳтимол тутилган нарсаларнинг ҳаммасидан ҳам фарқ қилади (таққосланг: *Борлик, Реаллик, Моҳият, Мавжудлик, Имконият ва воқеълик*).

ВУЛЬГАР МАТЕРИАЛИЗМ (лат. *vulgaris* — содда, оддий) 19-асрнинг ўрталаридаги фалсафий оқим бўлиб, у материализмнинг асосий принципларини сийқалаштирар ва дағаллаштиради. Табиёт илми гуркираб ривожланиб, унинг ҳар бир янги кашфиёти идеалистик ва диний тасаввурларнинг емирилишига ёрдам бераётган шаронгда, В. м. табиёт илми стихияли материализмнинг идеалистик (аввало классик немис) философияга позитив реакциянинг ифодаси бўлиб майдонга чиқди. Бу оқимнинг вакиллари (Фогт, Бюхнер, Молешотт) табиий-илмий назарияларни актив омалаштириб, уларни ўз таъбирларича, фалсафий «шарлатанлик»ка қарама-қарши қўйдилар. Лекин улар идеализм ва дин билан бирга умуман философияни рад этдилар, барча фалсафий масалаларни табиёт

илмининг — конкрет тадқиқотларида ҳал қилишни ўйладилар. Улар метафизик материализмнинг камчиликларига шерик бўлиб, *онг* ва бошқа ижтимоий ҳодисалар фақат физиологик процессларнинг натижасидан иборатдир, овқатнинг таркибига, иқлимга ва ҳ. к. боғлиқдир, деб ҳисоблардилар. Вульгар материалистлар физиологик процессларни онгнинг сабабчиси деб эътироф қилиб, онг билан материя бирдай қилиб кўрсатардилар, фикрий мианинг модда ажратиб чиқаришидан иборат деб қарардилар. Вульгар материалистик тенденция турли формаларда кейинчалик ҳам, хусусан табиёт илми ва, жумладан, физиология фактларини баъзи фалсафий умумлаштиришларда намоён бўлди. Чунончи, инсоннинг онги ижтимоий маҳсул эканлиги ва барча психик процессларнинг мазмуни ижтимоий борлиққа сабабли боғлиқ эканлигини тушунмаслик баъзи философлар ва табиатшуносларнинг фикрларимиз, ҳисларимиз, тасаввурларимизнинг мазмунини белгилайдиган конкрет физиологик процессларни топшига уринишлариға ҳали ҳам сабаб бўлмақда.

ВУЛЬГАР СОЦИОЛОГИЗМ — ижтимоий ҳодисаларни сийқа талқин қилишдан иборат бўлиб, бундай талқин қилиш тарихий материализмни бузади, чунки у ижтимоий тараққиётнинг айрим факторларини: техникани, ишлаб чиқаришни ташкил этиш формаларини, экономикани, сиёсатни, идеологияни бир томонлама бўрттириб кўрсатади. Тор маънода — идеологиянинг синфий шарт-шаронгга боғлиқ эканлигини сийқа тушуниш. Философиядаги В. с. (*Богданов, Шулятиков*) адабий танқид ва эстетикадаги В. с. (*В. Шулятиков, В. Перверзев, В. Фриче*) идеологиянинг илбий мустақиллигини инкор этишда ва барча идеологик формаларни бевосита ишлаб чиқариш усулидан келтириб чиқаришда намоён бўлди. В. с.нинг тилшўносликдаги кўриниши *тияни* синфий ва устқурма ҳодиса деб талқин қилишдан иборат таълимот эди. В. И. Ленин В. с. ни матери-

лизмни беҳад сийқалаштириш, тарихдаги материализмга карикатура деб атаган эди.

ВУЛЬГАР ЭВОЛЮЦИОНИЗМ — бу назария тараққиётни бирон-бир ҳодисанинг бошланғич хоссаларининг оддий кўпайиши ёки камайиши деб қарайди, тараққиётнинг сакрашсимои юз беришини, миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтишини, бир сифатнинг ўзгариб бошқа сифатга айланишини инкор қилади; *диалектиканинг* қарама-қаршиси. В. э. реформизм ва оппортунизмнинг фалсафий асосидир; ҳозирги вақтда у капитализмнинг социализмга «трансформацияси» ҳақидаги буржуа назарияларининг методологик асоси бўлиб қолди. *Преформизм* деб аталувчи концепция В. э. нинг биологиядаги кўринишидир.

ВУНДТ Вильгельм (1832—1920) — немис психологи, физиолог ва идеалист философи, Лейпциг ун-тетида философия профессори. В. экспериментал психологиянинг асосчиларидан бири. Бу психологияни у материализм ва идеализмдан юқори турувчи фан

деб қарарди. *Психофизик параллелизм* назарияси унинг психологик қарашларининг асосини ташкил этарди. В. нинг фалсафий қарашларида *Спиноза*, *Лейбниц*, *Кант*, *Гегель* ва б. идеялари эклектик тарзда қўшилиб кетган эди. Билиш процессини В. уч босқичга бўлган эди: биринчи босқич — кундалик оддий турмушни ҳиссий билиш, иккинчи босқич — айна бир тадқиқот мавзуга фақат турлича нуқтан назардан қарашдан иборат хусусий фанларни фаросат билан билиш; учинчи (оқилона билиш) босқич — «метафизика» шугуullanадиган ҳар қандай билимнинг фалсафий синтези. В. нинг фикрича, метафизикада табиёт билан психологиянинг дуализми бартараф қилиниб, материализм билан идеализмнинг қўшилишига эришилади. Метафизика предмети — борлиқни — В. ирода бахш этилган руҳий қимматдорлар системаси деб таърифлайди. В. нинг фалсафий қарашлари В. И. Лениннинг «*Материализм ва эмпириокритицизм*» китобида қаттиқ танқид қилинган.

Г

ГАЛАКТИКА (грек. galaktikos — сомон йўли) — Сомон йўли система-син тахминан 100 миллиард юлдуз-нин ва шулардан бири бўлмиш Кўёшни ҳам ўз ичига оладиган космик систе-ма. Га га кирувчи юлдузларнинг тўда-лари ва ассоциациялари, газ ва чанг туманликлари бутун олам тортилиш кучлари билан ягона мураккаб систе-мага боғланган бўлиб, бу системада жуда хияла-хил ҳаракатлар содир бўлиб туради. Га да қўшни юлдузлар ўртасидаги масофа тахминан бир неча сўғлик йилга барабардир, Га нинг кўдаланги — тахминан 100 минг сўғлик йилга барабар. Га га ўх-шайдиган ва ҳар бири бир неча мил-лиарддан тортиб то юз миллиардлар-га юлдузларни ўз ичига оладиган космик системалар, шунингдек газ (бошлича водород) ва чанг ҳам га-лактикалар деб аталади. Улар жам бўлиб *Метагалактика*ни ташкил эта-дилар. Адабиётда ҳали ҳам «гайри-галактик туманликлар» деган анъана-вий ном учраб туради. Бу ном шу нарса билан боғлиқки, галактикалар-нинг юлдузлик табиати атиги 20-аср-нинг 20-йилларида узил-кесил аниқ-ланди.

ГАЛИЛЕЙ Галилео (1564—1642) — италян физиги ва астрономи. Га Арс-тотелдининг обрў-эътибори олдида кўр-кўрона сажда қилишни, догматик схоластикани танқид қилди ва бирин-чи бўлиб табиат ҳодисаларини мате-матик ва айниқса геометрик *модел-лаштириш* шаклида илмий *экспери-мент*ни систематик татбиқ эта бошла-ди. Га нинг механикадаги асосий юзги инерция қонунини, нисбият принципини аниқлашдан иборат эди; бу қонунга кўра жисмлар система-сининг бир маромдаги ва тўғри чизиқ бўйлаб қиладиган ҳаракати бу систе-мада содир бўладиган процессларда акс этмайди. Га нинг астрономик каш-фиётлари диний ақидаларга қарши кўришда муҳим аҳамиятга эга эди ва улар *Коперникнинг* гелиоцентрик сис-

темасининг ҳақиқатлигини тасдиқлов-чи муҳим далил бўлди. Га нинг дунё-қарashi ҳам ўз замонаси учун про-грессив дунёқараш эди. У, олам бениҳоя, материя абадий, табиат яго-надир, деб ҳисобларди. Табиатнинг замирида механика қонунларига бўй-сунувчи мутлақ ўзгармас атомлар-нинг қатъий механик сабабияти асос бўлиб ётади. Кузатиш, тажриба та-биатни билишнинг бошланғич нуқта-сидир. Ҳодисаларнинг ички зарурия-тини билиш, Га фикрича, билишнинг олий босқичидир. Бироқ Га диний хуро-фотлардан халос бўлмаган эди, у илоҳий биринчи турткини эътироф этарди. Асосий асари: «Оламнинг энг асосий икки системаси — Птоломей системаси ва Коперник системаси ҳа-қида диалог» (1632).

ГАЛИЧ Александр Иванович (1783—1848) — рус философи, эстетик ва психолог, Петербург педагогика ин-тини тамомлаган (1808), Германия-да таҳсил кўрган (1808—13). Объек-тив идеалист, Га университет лекция-ларида (у 1817—21-йилларда Петер-бург ун-тетига дарс берган) ва «Инсон манзараси...»да (1834) инди-видуал тафаккурнинг борлиқ қонун-ларига бўйсунушини, билиш процес-сида сезгиларнинг катта роль ўй-нашини, билишнинг босқичма-босқич ривожланиб боришини (гипотеза — тушунча — идея), тафаккурнинг фи-зиология билан боғлиқлигини таъкид-лаб кўрсатган. «Фалсафий системалар тарихи...» асарида (1—2 китоб, 1818—19) философия тарихининг ривожла-ниш қонуниятларини ифодалаб бе-ришга уринган, материализмга қарши чиққан, лекин тажрибавий фанлар-нинг методологиясига юксак баҳо бер-ган. «Нафосат фани тажрибаси» аса-рида (1825) Россияда биринчилардан бири сифатида *романтизм* эстетикаси-ни тарғиб қилиб, классицизмга тақ-лид назариясини танқид қилган.

ГАЛЛЪ Людвиг (1794—1863) — илк немис социалист-утопистлардан

бири бўлиб, француз ва инглиз коммунистик идеяларнинг таъсирини бошдан кечирган; *Фурье* билан, баъзи сен-симонистлар ва *Оуэн* билан шахсан таниш бўлган. 1825—28 йилларда эълон қилинган асарларида («Менинг истаklarим ва ҳаракатларим» ва б.) Г. эндигина тугилиб келаётган капиталистик тузумни танқид қилган. Г. халқ оммасининг қашшоқланишини тўхтатишнинг йўли кам ерли деҳқонларни ва ҳунармандларни кооперативлаштиришдан иборат деб билган-у, лекин революцион тўнтарош идеясини ҳам, капиталистларни экспроприация қилиш идеясини ҳам илгари сурмаган. Г. нинг идеологияси — пролетарлашнинг процессини дард-алам билан ҳис қилаётган ва лекин хусусий мулкка асосланган тузумни идеаллаштиришдан воз кеча олмаган майда мулкдорнинг социализмдан иборат. Трирда Г. иш билан ва бошпана билан таъминлаш жамияти ташкил этган. Америкага бориб, унда социалистик жамоа ташкил этишга уринган. Муваффақиятсизликка учрагач, ўз ватанига қайтиб келган.

ГАМАН Иоганн Георг (1730—88) — немис идеалист философи, *бевосита билим ҳақидаги* таълимот тарафдори, «Бўрон ва ҳужум» адабий ҳаракатига таъсир кўрсатган. Г. *маърифатчилик ва рационализм* идеяларига қарши чиқди. Мистик интуициянинг ижодий кучига ишонини уларга қарама-қарши қилиб қўйди. Шу билан бирга Г. борлиқнинг умумий қонуни сифатида қарама-қаршиликлар бирлиги ҳақида чуқур фикр айтиб, бу билан *Фихте*, *Шеллинг* ва *Гегелнинг* идеалистик диалектикасига таъсир кўрсатди. Г. нинг асосий асари: «Филлогининг салб юришлари» (1762).

ГАМИЛЬТОН Уильям (1788—1856) — инглиз идеалист философи ва логика олими. Г. билишни «билинувчи предметнинг мавжудлик шароитларининг юз бериши» деб тушуниб, объектив ҳақиқатни инкор қилган ва агностицизм позициясига ўтган; «абсолютликни», яъни моддий воқеликни, Г. нинг фикрича, фақат ғайри табиий каромат воситаси орқали билиш мум-

кин. У Кантга эргашиб, априоризмни ҳамда ахлоқий постулатларни диний эътиқоднинг асоси деб эътироф қилган. Логикага предикатнинг микродрий таърифи (квантификацияси) ҳақидаги таълимотни киритиб, шу билан ҳукмини тенгламадан, логикани эса ҳисобдан иборат қилиб қўйишга уриниб кўрган; ҳозирги замон *математик логиканинг* салафларидан бири эди. Асосий асари: «Метафизика ва логикага доир лекциялар» (4 томлик, 1859—60).

ГАНДИ Мохандас Кармчанд (1869—1948) — Ҳиндистонда миллий-озодлик ҳаракатининг лидерларидан бири, гандизм идеологияси ва тактикасининг асосчиси. Философияда Г. объектив идеалист. Унинг системасининг бош принципи — худо билан ҳақиқатнинг айнан бирдайлигидир. Ҳақиқатга эришиш ахлоқий жиҳатдан ўз-ўзини камол топтириш процесси билан боғлиқдир. Г. нинг ахлоқий қарашлари жайнизмдаги ахимс принципига, «севи қонуни» ва «азоб-укубат қонуни»га (*Жайнизм*), шунингдек брахмачария (ўз заифликларига эрк беришдан сақланиш), апариграҳа (тамаъғир бўлмаслик) ва бошқа принципларга асосланади. Гандизмнинг характерли хусусияти ижтимоий-сиёсий проблемаларни ҳал қилишга ахлоқий нуқтан назардан қарашдан, сиёсий фаолиятни «ахлоқлаштириш»дан иборат. Г. нинг ижтимоий-сиёсий қарашлари аввало унинг сатяграха (айнан: ҳақиқатда қаттиқ туриш) концепциясида баён этилган. Сатяграхани амалга оширишнинг асосий формалари — ҳамкорлик қилмаслик ва граждандарча итоат қилмасликдир (инглиз империализмининг ҳукмронлиги шароитида). Г. эксплуататор синфларни экспроприация қилишга қарши чиқиб, жамиятни тубдан революционий йўл билан қайта қуриш мумкинлигини инкор этиб, ижтимоий тараққиёт ўсишдан иборат эмас, балки кишиларнинг эҳтиёжларини ихтиёрий чеклашдан иборат, дээр эди. Г. ҳиндлар билан мусулмонлар бирлигининг ҳимоячиси бўлиб, паст табақаларнинг (масталарнинг) хўрланишини туга-

тинин, хотин-қизларни озодликка чиқаришини, халқ маорифини миллий системага солишни ва ш. к. ёқлаб чиқди. Махатма («буюк қалб») унвонига сазовор бўлди. Гандизм Ҳиндистон миллий конгресси ҳукмрон буржуа партиясининг расмий идеологиясидир.

ГАРТИ Дэвид (1705—57)— инглиз медицина олими ва материалист философи, ўзининг идеялар ассоциацияси вибрацион назарияси билан шуҳрат қозонган. Г. нинг таълимоти унинг асосий асари «Инсон ҳақида, унинг тузилиши, бурчи ва умидлари ҳақида ўй-фикрлар»да баён қилинган. Г. нинг фикрича, ташқи объектлар сезги органларига таъсир кўрсатиб, сенсор нервларда модданинг энг майда зарраларининг вибрацияларини (изтиробланишларини) юзага келтиради. Бу вибрациялар (изтиробланишлар) нервлар бўйлаб эфир орқали бир заррадан иккинчи заррага ўтказилиб мияга берилади. Миядаги вибрацияларнинг тартиби, йўналиши, миқдори ва частотаси тегишли сезгилар ва идеяларнинг пайдо бўлишини белгилайди. Г. идеяларнинг келиб чиқишининг моддий характерини таъкидлаб кўрсатаркан, шу билан бирга механик вибрацияларни идеяларнинг ўзлари билан айнан бирдай қилиб қўймас эди, чунки «вибрациялар жисмоний бўлиб, идеялар эса руҳий табиатга эгадир». Г. нинг материализми ҳар ҳолда механистик материализм эди, бугина эмас, у ҳатто деистик формага буркалган эди. Г. нинг таълимоти *Пристлига* ва *Ж. Миллга* катта таъсир кўрсатган ва *ассоциатив психологиянинг* манбаларидан бири бўлиб хизмат қилган эди.

ГАРТМАН Николай (1882—1950)— немис идеалист философи, Марбург, Берлин ва б. ун-тларнинг профессори. *Неокантчиликнинг марбург мактабига* қўшилди, сўнгра унинг субъектив — идеалистик рационалиزم билан қаноатланмай, ундан узоқлашди. Борлиқ ҳақидаги, борлиқ категориялари ва билиш категориялари ҳақидаги таълимотни ривожлантирди. Г. нинг «танқидий онтология» деб аталувчи назарияси

марказида борлиқнинг қатламлари: анорганик, органик қатламлар, жон ва руҳ ҳақидаги таълимот турарди. Унинг философиясида иррационализм ва агностицизм хислатлари кўриниб туради, чунки борлиқнинг ҳамма қатламларига кирувчи асосий формалари сирли ва билиб бўлмайдиган формалар деб эълон қилинади. Г. ўз онтологияси асосларида натурфилософиясини, объектив руҳ философиясини, «қимматдорлар» назарияси билан бирга этикани, эстетика ва билиш назариясини тузган эди. Г. нинг асосий асарлари: «Этика» (1925), «Онтологияни асослашга доир» (1935), «Табиат философияси» (1950), «Эстетика» (1953).

ГАРТМАН Эдуард (1842—1906)— немис идеалист философи, ҳозирги замон иррационализм ва волюнтаризм мактабларининг салафларидан бири. Г. нинг асарлари орасида «Онғисизлик философияси» (1869) энг катта таъсирга эга эди. *Шопенгауэр* сингари, у ҳам онғисиз руҳий ибтидони борлиқнинг асоси деб ҳисобларди. Шундай ибтидо идеяси Г. нинг этикасига сингиб кетади. Унинг фикрича, бахт тилаш бахтсизлик манбаидир; барча истақ ва тилақлардан воз кечиш — машаққатсизликка, бахтнинг ягона турига ва ягона замирига эришиш йўлидир. Машаққатсизликка эришиш учун инсониятни унинг устидан ҳукмронлик қилувчи уч иллозиядан: бу дунёдаги бахтдан, охират дунёдаги бахтдан ҳамда җамиятни ўзгартириш ва тақомиллаштириш воситаси билан эришиладиган бахтдан халос қилмоқ зарур. Г. нинг социал тараққиёт натижасида бахтга эришининг ҳар қандай имкониятини инкор қилувчи таълимоти фақат фалсафий маънодагина эмас, балки социал-сиёсий маънода ҳам реакцион таълимотдир.

ГАССЕНДИ Пьер (1592—1655)— француз материалист философи, физик ва астроном, поп, бир қанча ун-тларнинг профессори. Г. *схоластикани*, *Аристотелнинг* схоластика томонидан бузилган таълимотини ҳамда *Декартнинг* туғма идеялар ҳақидаги таълимотини қаттиқ танқид қилиб

чиқди; Эпикур материализмини қайтадан бунёдга келтирди, унинг асосида ўз таълимотини қурди. «Философия мажмуаси» (1658) номли асосий асариди у философияни уч қисмга бўлди: 1) логика, унда билишнинг ишонччилик проблемаси анализ қилиб берилади ҳамда скептицизм ва догматизм танқид қилинади; 2) физика, унда Г. атомистик назарияни асослаб, макон ва замоннинг объективлигини, уларни яратиб ва йўқ қилиб бўлмаслигини исбот қилган; 3) этика, унда Г. черковнинг таркидунёчилик ахлоқиға қарши чиқди ва, Эпикур сингарди, у ҳам ҳар қандай мамнуният ўз-ўзича саодатдир, ҳар қандай фазилат — қанчалик «ҳузур-ҳаловат» бахш этса, шунчалик саодатлидир, деган фикрни тасдиқлади. Ўз ижтимоий-сиёсий қарашлари жиҳатидан Г. чекланмаган монархия тарафдоридир, бу эса буржуазиянинг абсолют монархия билан сиёсий муроса-мадора қилишнинг ифодаларди. Г. астрономия соҳасида кўнгина кузатишлар ўтказган ва кашфиётлар қилган (Меркурийнинг қўш гардиши бўйлаб юриши ҳақидаги кузатиш, Юпитернинг илгари кашф этилган тўрт йўлдошидан ташқари яна беш йўлдошнинг кашф этилиши ва б.) ҳамда фан тарихига доир асарлар ёзган. 17-асрнинг тарихий шароитида Г. философ ва олим сифатида прогрессив роль ўйнаган эди. Бироқ унинг материализми изчил эмас эди, бу ҳол дин ва черков билан муроса қилишда намоси бўлган эди. Мас., у худони атомларнинг яратувчиси деб эътироф қиларди, инсонда материалистларча тушуниладиган «ҳаётий жон»дан ташқари, яна ғайри ҳиссий «акдлий жон» ҳам бор, деб ҳисобларди.

ГЕГЕЛЬ Георг Вильгельм Фридрих (1770—1831) — немис философи, объектив идеалист, немис классик философиясининг вакили. 1801 йилдан Иена ун-тетиди, 1818 йилдан Берлин ун-тетиди муаллимлик қилди. Ёшлигида Г. радикал тафаккур тарзи билан ажралиб турарди, у француз революциясини табриклаган эди, прусс монархиясининг феодал тартиб-

ларига қарши чиққан эди. Вена конгрессидан кейин бошланган реакция Гегелга ҳам таъсир кўрсатди. Г. философияси буржуа революцияси арасида Германия тараққиётининг эйдиатли характерини ўзига хос бир тарзда акс эттирарди: Г. немис буржуазиясининг идеолоғи эди, бинобарин унинг философияда мазкур буржуазиянинг икки ёқлама табиати акс эттирилган эди. Шунинг учун ҳам, бир томондан, унинг философияси Германияда буржуа революциясини ғоявий тайёрлашнинг ифодаси сифатида прогрессив ва ҳатто революцион тенденцияларга эга эди, иккинчи томондан эса, унда немис буржуазиясининг ноизчилиғи ва кўрқоқчилигининг, унинг реакцияон юнкерлик билан муроса-мадора қилишга мойиллигининг натижаси сифатида консерватив ва реакцияон идеялар яққол кўриниб турарди. Бу икки ёқламалик Г. нинг ҳамма асарларида, шу жумладан унинг «Рух феноменологияси» (1807) асарида ҳам ўз ифодасини топган эди. Бу асарни Маркс «Гегель философиясининг ҳақиқий сарчашмаси ва сири» деб атаган эди. Бу асарда инсон онгининг дастлабки учқунларидан бошлаб то фанни ва илмий методологияни онгли равишда эгаллаб олганга қадар давом этган эволюцияси қараб чиқилади (феноменология — оннинг тарихий тараққиёт ҳолатида олинган ҳодисалари (феноменлари) ҳақидаги таълимот демакдир). Г. *бегоналашиш* категориясини анализ қилганда, гарчи идеалистик формала бўлса-да, «меҳнатнинг моҳиятини фаҳмлайди», яъни инсоннинг предмет *фаолиятининг* кўпгина муҳим томонларини англаб олади, инсонни ва унинг тарихини «унинг *ўз меҳнати*нинг натижаси» (Маркс) деб қарайди, демак, тарихнинг баъзи реал қонуниятларини пайқай бошлайди. Г. *субстанция* тўғрисидаги тезисни субъект сифатида, фаол, актив ибтидо сифатида асослайди. Г. философиясининг бошланғич қондаси — борлиқ билан тафаккурнинг айниятидир, яъни реал олами идеянинг, тушунчанинг, руҳнинг зуҳуроти деб тушунишдир. Бу

айнияти Г. абсолют идея билан ўз-ўзини билишнинг тарихан ривожланувчи процесси деб қарайди. Г. нинг абсолют (объектив) идеализми системасининг («Фалсафий фанлар Энциклопедияси»да (1817) қисқача баён қилинган идеализми системасининг) кенгайтирилган тарздаги мазмуни қуйидагилардан иборат. Табиат ва жамиятнинг барча ҳодисалари замирида — «абсолют идея», «оламий ақл» еки «оламий руҳ» асос бўлиб ётади. Бу ибтидо актив ва фаолдир, шу билан бирга унинг фаолияти тафаккурда, аниқроғи эса, ўз-ўзини билишдадир. Ўз тараққиётида абсолют идея уч босқични босиб ўтади: 1) идеянинг ўз бағрида, «соф тафаккур стихияси»да ривожланиши — Логика, бунда идея бир-бирига боғлиқ бўлган ва бир-бирига ўтиб турадиган мантиқий категориялар системасида ўз мазмунини очиб кўрсатади; 2) идеянинг «ўзга шакл» формасида, яъни табиат формасида ривожланиши — табиат философияси; табиат ривожланмайди, балки унинг руҳий моҳиятини ташкил этувчи мантиқий категорияларнинг ўз-ўзича ривожланишининг ташқи кўриниши бўлибгина хизмат қиладди; 3) идеянинг тафаккурда ва тарихда («руҳ»да) ривожланиши — руҳ философияси. Бу босқичда абсолют идея яна ўз-ўзига қайтади ва инсон онги ва фаолиятининг турли кўринишларида ўз мазмунини пайқаб олади. Г. нинг назарини, абсолют идеянинг ўз-ўзича ривожланиши ва шу билан бирга ўз-ўзини билиши унинг ўз системаси билан тугалланади. «Логика фани»да (1812—16) айниқса тўлиқ баён этилган *диалектика* Г. философиясининг энг қимматли ютуғи эди. Бу асарда Г. диалектиканинг энг муҳим қонунлари ва категорияларини анализ қилиб берган, диалектика, логика ва билиш назариясининг бирлиги тўғрисидаги тезисни асослаган, тафаккур тарихида диалектик логиканинг биринчи кенгайтирилган системасини яратган. Г. нинг билиш назариясига қўшган ҳиссаси гоёт катта, хусусан унинг *мушоадачиликни*, «нарсалар ўзида»нинг ва ҳо-

дисаларнинг қантча дуализмини қилган чуқур таъқиди катта аҳамиятга эгадир. Г. нинг шунингдек «Хуқуқ философияси» (1821), «Философия тарихига доир лекциялар» (1833—36), «Тарих философиясига доир лекциялар», (1837) каби асарлари ҳам гоёт мароқлидир. У диалектикани татбиқ этиб, фаннинг актуал проблемаларини анализ қилиб, философиянинг ҳамма соҳаларида чуқур из қолдирди. Аммо Г. нинг диалектикаси мистик пардага бурканган эди. Г. философиясининг идеализми ҳамда унинг буржуача маҳдудлиги уни ўз диалектик идеяларига тўғридан-тўғри хиёнат қилишга (оламнинг ва билишнинг ривожланиши тугалланганлигини, эътироф этиш, диалектикани мистификациялаштириш, тараққиёт принципини фақат идеявий ҳодисаларга жорий этиш, бир қанча мантиқий категорияларни ривожлантиришдаги схематизм ва сунъийлик, улар системасининг биқиклиги, диалектикадан изчил социал ҳулосалар чиқара билмаслик ва чиқаришни истамаслик, мавжуд нарса билан муроса қилиш ва уни оқлаб кўрсатиш, прусс монархиясини жамият тараққиётининг тожи деб эътироф қилиш), миллатчилик хурофотларига олиб келди ва ҳ. к. Г. нинг философияси марксизмнинг шаклланишида катта роль ўйнайди; марксизм унинг философиясидаги энг қимматли нарсани — диалектикани сақлаб қолиб, уни қайта ишлаб, табиат, жамият ва тафаккурнинг тараққиёти ҳақидаги жиддий илмий таълимотга айлантirdи. Марксизм бу немис философининг агностицизмга қарши курашига, унинг историзмига, инсон ақлининг кучи ва қобилиятига ишонишига, унинг логика ҳақидаги таълимотига юксак баҳо берди; Г. логика ҳақидаги таълимотида реал олам билан назарий ва амалий фаолиятнинг муҳим қонуниятлари алоқадор эканлигини пайқай билган эди.

ГЕГЕЛЧИЛИК — қ. *Еш гегелчилар*, *Эски гегелчилар*.

ГЕДОНИЗМ (грек. hedone — хузур-ҳаловат) — этика назариясидаги ахлоқий талабларни асослаш принци-

ли бўлиб, бу принципга кўра, ҳузур-ҳаловат келтирувчи ва азоб-уқубатдан қутқазувчи нарсга яхшилик деб, азоб-уқубат келтирувчи нарсга эса ёмонлик деб таъриф қилинади. Назарий Г. этикада *натурализмнинг* бир кўринишидир. Инсондаги унга табиат томонидан жо қилинган ва унинг бутун иш амалини белгилайдиган бош ҳаракатлантирувчи нбтидо ҳузур-ҳаловатдан иборат, деган тасаввур Г. нинг асосини ташкил этади. Ҳузур-ҳаловатга эришиш мақсадга бирдан-бир иштиёқ ва шу билан бирга ахлоқий талаб деб эълон қилинади. Г. ахлоқ-одоб принципи сифатида кишиларга дунёнинг шод-хуррамликларига, ўзлари учун ва бошқалар учун максимал роҳат-фароғат олишга интилишни буюради. Г. қадим замондаёқ пайдо бўлган. Грецияда *Аристипп* этикасининг мухлислари бўлган ва Ҳузур-ҳаловатни олий саодат деб ҳисоблаган кишилар гедониклар деб аталган. Г. *Эпикур* назариясида энг ривожланган формасига эришган. Г. идеялари *Милль* ва *Бетнам* *утилитаризмида* марказий ўринни ишғол қиларди. Ҳозирги замон буржуа назарияларида Г. одатда фақат методологик принцип — яхшиликни таърифлаш усули сифатидагина мавжуддир. Лекин ҳатто буржуа этика олимларининг кўпчилиги ҳам яхшиликни ҳузур-ҳаловат орқали таърифлашни ахлоқ проблемаларини қўпол сийқалаштириш ва вульгарлаштириш деб ҳисобламақдалар.

ГЕЙЗЕНБЕРГ Вернер (1901 йил, туг.) немис физик назарётчиси. Ҳозирги вақтда ГФРда ишлайди. *Квант механикани* яратувчилардан бири. 1927 йилда *ноаниқликлар нисбатини* нфодадала берди. 30-ва 40-йилларда квант механиканинг ва атом физикасининг турли назарий проблемаларини ишлаб чиқди. 50-йилларнинг бошидан «элементар» зарраларнинг ягона назарияси устида ишламоқда. Бу назария зарраларнинг юз беришини субстанциянинг («бош материянинг») ўзи билан (унинг «ўз таъсири» билан) ўзаро таъсирига боғлаб изоҳлайди. Г. ҳозирги замон назарий физикасининг

фалсафий масалалари юзасидан кўпдан-кўп чиқишларида позитивистик платформага мойиллик кўрсатди: физик реалликнинг кузатишга боғлиқ эмаслигини инкор этарди, микропроцессларнинг «индетерминизми» ҳақида сўзларди. Бироқ табиатшунос сифатида у махсус тадқиқотларида, аслда, табиатга материалистик қарашларга қўшилади.

ГЕЙНЕ Генрих (1797—1856)— немис шоири, революционер-демократ, Маркснинг дўсти. Г. биринчи бўлиб немис классик философиясига (ва Гегель диалектикасига) хос революцион характерни кўрсатиб, бу философияни сиёсий революцияни тайёрлаш деб қаради. Философия тарихи, Г. нинг фикрича, спиритуализм билан сенсуализмнинг кураш тарихидан иборат; шоир ўзини сенсуализм тарафдори деб эълон қилди. («Германияда дин ва философия тарихига доир», 1834). Дин ва идеализмни танқид қилишни Г. феодализмга, монархияга ва филистерликка қарши кураш билан боғлайди. У демократик революцияни, сен-симонча руҳда тушуниладиган социализмни ёқлаб чиқади. Г. нинг фикрича, инсониятнинг келажакги халқ оммасининг ўз моддий эҳтиёжлари ва манфаатларини қондириш ҳуқуқини амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқдир. «Материализм» терминини Г. 18-асрдаги механистик материализм билан бирдай деб тушуниб, унга Спиноза руҳидаги *пантеизмни* қарама-қарши қилиб қўйди.

ГЕККЕЛЬ Эрнст (1834—1919) — немис дарвинист биолог, Иена ун-ти профессор. *Дарвиннинг эволюцион назариясини* ва *табiiй-тарихий материализмни* ёқлаб чиқишлари билан шухрат қозонди. Г. дарвинизмни янада ривожлантиришга қаратилган бир қанча назарий қондаларни айтди — *биогенетик қонун*, *филогенез* ҳақидаги таълимот (*филогенез* ва *онтогенез*), ҳаётнинг анорганик моддалардан табиий пайдо бўлиши идеяси. Г. Дарвиннинг органик эволюция фактори сифатида табиий танланиш ҳақидаги тасаввурини чуқурлаштириб, организмдарнинг муҳит таъсири

остида ўзгарувчанлигининг мослашувчилик характерини таъкидлаб кўрсатди. Г. нинг «Дунё жумбоқлари» китоби (1899) унинг шуҳратини кенг ёйди. Бу китобда олим диний идеалистик дунёқарашни фош қилди ва табиатга материалистик қарашларни қаттиқ туриб ёқлади. Идеалистик философия ва дин тарафдорлари, идеалистик кайфиятдаги табиатшунослар (Лодж, Хвольсон) бу китобга қарши курашга отландилар. Илғор олимлар Г. ни ҳимоя қилиб чиқдилар. В. И. Ленин «Дунё жумбоқлари»га юксак баҳо берди. (18-т., 413—425-бет) Г. дин ва черков билан алоқасини расмий равишда узди. Аммо у ҳамма вақт собиг қадам эмас эди, материализм ва атеизмдан чекинмишларга йўл қўйиб, расмий дин ўрнига худо — Табиатга ишонини (*Спиноза* пентеизми руҳида) жорий этишни талқиф қилди.

ГЕКСЛИ Томас Генри (1825—95)—инглиз табиатшуноси *Дарвиннинг* дўсти ва давомчиси. Г. биология, қиёсий анатомия, палеонтология ва антропологияга доир бир талай асарлар ёзган. Ўз асарлари билан у дарвинизмни ҳимоя қилиш ва асослаб бериш ишига катта ҳисса қўшди. У философия соҳасида ўзини Юм тарафдори ҳисобларди, унга эргашиб, сезгиларимизнинг ҳақиқий сабабини ҳеч қачон ишончли равишда билиб бўлмайди, деб исбот қилмоқчи бўларди. Г. ўзининг философияда тутган бу позициясини «агностицизм» сўзи билан роса ўринлатиб тавсифлаган эди. Лекин *агностицизм* унинг стихияли-материалистик позицияларини (айниқса табиёт илми соҳасида) хаспўшлаш учунгина хизмат қиларди.

ГЕЛЬВЕЦИЙ Клод Адриан (1715—71) — 18-асрдаги француз материализмининг намояндаси. Г. философиясининг асосини Локкнинг *сенсуализми* ташкил этарди ва бу таълимотдан идеалистик элементлар чиқариб ташланган эди. Объектив равишда мавжуд бўлган материя, Г. нинг фикрича, сезгилар ёрдамида билинади. Г. хотирани билишнинг ик-

кинчи қуроли деб ҳисобларди ва уни «бўлинувчи ва лекин заифлашган сезги» деб таърифлар эди. Г. тафаккурни сийқалаштирган ҳолда талқин қилиб, уни фақат сезгиларнинг комбинациялаштирилиши деб тушунарди. У ижтимоий муҳитнинг инсон характерини тарбиялашдаги ролинини таъкидлаб кўрсатар ва шунга боғлаб феодал муносабатларни капиталистик муносабатлар билан алмаштириш зарурлигини асосларди. Бироқ, Г. нинг фикрича, ижтимоий тараққиётда инсон онги ва эҳтироси белгилувчи роль ўйнайди. Г. нинг қарашларини Маркс ва Энгельс чуқур тавсифлаб берганлар: «Ҳиссий таассурот, худбинлик ва тўғри тушунилган шахсий манфаат бутун ахлоқнинг асосини ташкил этади. Инсон ақлий қобилиятларининг табиий тенглиги, ақл муваффақиятларининг sanoat муваффақиятлари билан бирлиги, инсоннинг табиий эзгулиги, тарбиянинг бутун куч-қудрати — унинг системасининг энг асосий моментлари ана шулардан иборат» (2-т., 144-б.). Г. нинг инсоннинг камол топишида муҳитнинг ҳал қилувчи роль ўйнашини эътироф этиши, унинг шахсий ва ижтимоий манфаатларнинг уйғунлашиб бирга қўшилиши ҳақидаги идеяси, ақлий қобилиятларнинг тенглиги ҳақидаги идеяси *утопик социализмни* тайёрлашда катта роль ўйнайди. Г. нинг асосий асарлари: «Ақл тўғрисида» (1758) ва «Инсон тўғрисида» (1773).

ГЕЛЬМГОЛЬЦ Герман (1821—94)—немец табиатшуноси. Кенигсберг, Бонн, Гейдельберг ва Берлинда профессор эди. Унинг тирик организмнинг физикавий-химиявий тадқиқот методлари витализмга зарба берди ва биологияда материалистик қарашларнинг ривожланишига ёрдамлашди. Физиологияда Г. бир қанча йirik кашфиётлар қилди (нерв толасидаги изтиробнинг тарқалиш тезлигининг ўзгариши, сезги органлари физиологияси ва фазони идрок қилиш қонуниятлари юзасидан ўтказилган тадқиқотлар ва б.). Назарий физика ва табиёт илмининг бошқа бўлимларига оид асарларида Г. сти-

хяли-материалистик қарашларга амал қиларди. Аммо бир қанча ҳолларда Г. материализмдан чекиниб, кантчиликка мойиллик кўрсатган эди. Чунинчи, «сезги органларининг ўзига хос энергияси» ҳақидаги таълимотдан у нотўғри хулоса чиқарган эди. Бу хулосага кўра, сезгилар нарсаларнинг объектив хоссаларининг субъектив образлари эмас, балки мазкур хоссаларга ҳеч қандай ўхшашлиги бўлмаган белгилар, «исроглифлар»дир, ҳолос (*Исроглифлар назарияси*). Б. И. Ленин ўзининг «*Материализм ва эмпириокритицизм*» китобида Г. фалсафий қарашларининг ноизчиллигини танқид қилган.

ГЕНЕТИКА (грек. *genetikos* — келиб чиқишга оид) — организмларнинг *ирсияти* ва ўзгарувчанлиги ҳақидаги таълимот. Г. нинг предмети — организмларни қўлга ҳосил қилиш моҳиятидан иборатдир, бу эса молекуляр ички ҳужайра структураларида ёзилган генетик информация орқали насллар ўртасидаги моддий алоқани назарда тутади. Генетик информациянинг (мутациянинг) молекуляр ёзувидаги ўзгаришлар ирсий ўзгарувчанликнинг юзага келишига сабаб бўлади. Ҳужайрадаги бошқарув системаларини, уларнинг келиб чиқишининг тарихий ўзига хослигини ва уларнинг ўзгаришларга сабаб бўладиган процессларни тадқиқ қилганда, Г.— *биологиянинг асосий тармоғидан* иборат. Г. фан сифатида генларнинг мажбуудлиги кашф этилгандан кейин (Г. Мендель, 1866) шаклланди. Ирсиятнинг хромосома назариясининг яратилиши (Т. Х. Морган, 1910) ва бу назариянинг генларнинг хромосомалардан жой олганлигини кўрсатиб берганлиги биологияда материализмнинг қарор топиши йўлида янги қадам бўлди, чунки ген тушунчаси ҳужайранинг муайян моддий структуралари билан алоқадор бўлиб қолди. Бироқ Г. нинг менделизм ва морганизм билан боғлиқ бўлган тараққиёт босқичлари механистик ва идеалистик назариялардан холи эмасдир. Механицизм генетик аппаратнинг тўла дискретлиги тўғрисида-

ги таълимотда ва геннинг бўлинмаслиги ҳақидаги идеяда ифодаланган бўлса, идеализм генларнинг ўзгармаслиги ҳақидаги концепцияларда ифодаланди. Г. нинг ривожланиб бориши процессида бу назариялар рад қилинди: генларнинг радиация таъсири остида (Г. А. Надсон, Г. Г. Филиппов, 1925; Г. Г. Меллер, 1927), химиявий бирикмалар таъсири остида (И. А. Рапопорт, Ш. Ауэрбах, 1946) ва табиий шароитларда ўзгариши исбот қилинди. Муҳит факторлари таъсири остида ўзгарувчанлик генларнинг туб хоссаси сифатида кўндаланг бўлиб турди. Геннинг мураккаб тузилишини совет олимлари томонидан кашф этилиши (1929) унинг гўё парчаланмас единица эканлиги ҳақидаги даъвонинг асосизлигини исботлади, генларнинг тутган вазиятининг таъсири юзасидан ўтказилган экспериментлар (1933, 1934). Генетик материалнинг тузилишидаги системадорликни очиб кўрсатди. Сўнгра (1944) оқсил эмас, балки нуклеин кислоталар генетик информациянинг моддий ҳомили эканлиги кўрсатиб берилди. ДНК (дезоксирибонуклеин кислота) молекулаларининг физикавий-химиявий табиатининг ва генетик моҳиятининг Уотсон ва Крик томонидан очиб кўрсатилиши (1953) ҳозирги замон молекуляр Г. ни яратушга олиб келди ва умуман молекуляр биологияга асос солди. Бу йўналишнинг ривожланишида Н. К. Кольцовнинг асарлари асос солувчи роль ўйнади, чунки бу асарларда хромосома гигант молекула сифатида қараб чиқилган эди. Янада тараққий қилиб бориш процессида Г. аста-секин ўз тадқиқотларида физика, математика, кибернетика ва химиядан комплекс равишда фойдаланишга ўтади. Бу ҳол дискрет тарзда ёзилган генетик информацияда системадорликни барқарор қилишга ва ҳужайра тўғрисидаги таълимотни яхлит, очиқ ўз-ўзини регуляция қилувчи ва ўз-ўзини такрор ҳосил қилувчи система тўғрисидаги таълимот сифатида реал мазмун билан тўлдиришга имкон берди. Равшанки, уруғ-

лантирилган тухумдан тортиб то индивидгача бўлган индивидуал ривожланиш сирининг турли комплексларидан информация кўчириб олишнинг генетик тарзда программалаштирилган алмашинуви хусусиятларида жо қилингандир. Эволюциянинг сирининг организмлар билан муҳитнинг диалектик бирлиги асосида турларнинг генетик информацияси янги системаларнинг популяцияларидаги танлаш яратадиган программалаштирилмаган ўзгаришлардадир. Популяциялар Г. си ҳақидаги таълимотга С. С. Четвериков асари билан асос солинди (1926). 1934 йилда генетик ҳодисаси аниқланди ва бу ҳодиса популяцияларидаги ва айниқса ирсий касалликлар тарқалиши муносабати билан инсон популяцияларидаги ўзгаришларни ўрганиш учун туб асос бўлиб қолди. Г. нинг назариясининг ҳам, практикасининг ҳам ривожланиш истиқболлари ҳужайралардан изоляция қилинган генларни ажратиб олиш юзасидан ҳамда генларнинг химиявий синтези юзасидан олиб бориладиган ишларга боғлиқ. Ачитқи ҳужайранинг генларидан бирининг химиявий синтези аллақачон амалга оширилди. Маълум мақсадга қаратилган мутацияларни (ўзгаришларни) ҳосил қилиш методларининг ишлаб чиқиши инсоннинг органик олам устидан тўла ҳукмронлигини таъминлайди. Ҳозирги замон Г. си учун характерли нарса шуки, унинг қишлоқ хўжалик практикаси билан, медицина билан, микробиология билан, халқ хўжалигида атом энергияси ва химиядан фойдаланиш, космик биология билан алоқаси тобора кучайиб бормоқда. Н. И. Вавиловнинг тадқиқотлари билан Г. ва селекция синтези учун асос солинди. Ҳозирги замон фанлари системасида Г. нинг муҳим роли шундай бир фактни юзага келтирдик, у биологиянинг асосий фалсафий масалалари юзасидан тўқнашувлар майдони бўлиб қолди. Г. билан диалектиканинг ўзаро таъсири соҳасида, биринчи навбатда, тарихийлик, системадорлик, яхлитлик, детерминизм

масалаларида идеализм ва механицизмни танқид қилиш вазифалари ҳозир ҳам кўндаланг бўлиб турибди. Инсон проблемасини ўрганиш муносабати билан Г. масалалари айниқса кескин бўлиб турибди. Шундай бир назария вужудга келмоқдаги, бу назарияга кўра, инсоннинг камол топишида социал ворислик категорияси етакчи роль ўйнайди. Бу ҳол инсоният тарихида социал категорияларга биологик тус беришга, ирқий камситишни оқлаб кўрсатишга ва ҳ. к. синфий тақозо билан қилинаётган барча уринишларнинг илдизига борта урмоқда. Социал ва илмий-техника революциялари авж олаётган янги шароитда инсон шахсининг камол топишида генетик программа билан социал тарбиянинг ўзаро муносабати проблемасини махсус ўрганишни талаб қилмоқда. Г. нинг асосий тушунчаларини мантиқий-методологик анализ қилиш, генетик билишни татбиқ этиш имкониятлари ва соҳасини баҳолаш зарур. Бу сўнги масала айниқса муҳимдир, чунки генетик ҳодисаларда ҳаракатнинг шундай махсус формасининг ўзинга хос хусусияти чуқурроқ тарзда юз бермоқдаки, бу хусусият ҳаётни характерлайди.

ГЕНЕТИК МЕТОД (грек. genesis — келиб чиқиш, ривожланиш) ҳодисаларни ўрганиш методи бўлиб, бу метод мазкур ҳодисаларнинг ривожланишини анализ қилишга асосланади. Тарихан Г. м. фанда (17-асрдан бошлаб) тараққиёт идеяси барқарор бўлиши натижасида пайдо бўлди математикада — дифференциал ҳисоб, геологияда *Лайель* назарияси, космогонияда — Кант — Лаплас гипотезаси, биологияда — *эволюцион назария* ва ҳ. к. Шу билан бирга Г. м. философияга кириб, унда ҳукмронлик қилиб келган аналитик методни суриб чиқармоқда. Г. м. методлардан бири сифатида ҳозирги замон математикасига ва логикасига кирди. Г. м. (1) тараққиётнинг бошланғич шароитларини, (2) унинг асосий бошқичларини, (3) тараққиёт-тенденциялари, йўлларини аниқлашни

талаб этади. Бундай тадқиқотнинг асосий мақсади — ўрганилаётган ҳодисаларнинг замонадаги алоқасини аниқлашдан, қуйи формалардан юқори формаларга ўтишларни ўрганишдан иборат. Г. м. нинг эмпирик анализдан устунлиги шундаки, тадқиқот бунда реал тараққиётга параллел суратда боради ва худди шу тараққиёт пайдо бўлаётган идеяларнинг текшириш мезони бўлиб хизмат қилади. Бироқ Г. м. ўзининг ҳамма устунликларига қарамай, тараққиёт процессининг бутун мураккаблигини очиб беришга қодир эмасдир. Шунинг учун, агар Г. м. бирдан-бир, абсолют метод сифатида тадқиқот этилса, агар у бошқа методлар билан тўлдирилмаса, у вақтда бу метод ҳам хатоларга ва воқеликни бузиб кўрсатишга, тараққиёт процессини сийқалаштиришга, вульгар эволюционизмга олиб келади. Ҳозирги замон фанига Г. м. диалектик метод элементларидан бири бўлиб кирган.

ГЕНИЙ (лат. *genius* — даҳо) — ижодий истеъдоднинг энг юқори даражаси, чўққиси; шундай истеъдод соҳиби бўлган киши. Г. билан талант уртасидаги тафовутнинг маълум даражада нисбийлигини назарда тутган ҳолда шунини кўрсатиб ўтиш мумкинки, Г. нинг ижодийети фавқуллодда янгилиги ва ўзига хослиги билан, инсоният жамияти тараққиёти учун алоҳида тарихий аҳамияти билан характерланади ва шунга кўра бу ижодийет инсоният хотирасида абадий сақланиб қолади. Г. (баъзи идеалист философлар ўйлаганидек) мистик нарс эмас, инсондан устун турувчи куч эмас, балки ўзининг зўр қобилиятлари ва зўр меҳнати туфайли энг муҳим ижтимоий эҳтиёжларни ифодалай олган ва қондира билган инсондир.

ГЕОГРАФИК МУҲИТ — тирик ва тирикмас табиат предметлари ва ҳодисаларининг мажмуи (ер пўсти, атмосферанинг қуйи қисми, гидросфера, устки тупроқ қатлами, ўсимликлар ва ҳайвонлар олами). Бу предмет ва ҳодисаларнинг ҳаммаси муайян тарихий босқичдан ижтимоий

ҳаёт жараёнига тортилган бўлади ва ҳар қандай жамиятнинг яшаши ва ривожланишининг зарур шароитини ташкил этади. Жамият ривожланиб борган сари, Г. м. нинг доираси ўзгариб, кенгайиб боради. Тарихнинг илк босқичларида кишилар тирикчилик воситаларининг асосан табиий манбаларидан (ёввойи ўт ва ҳайвонлардан, унумдор тупроқдан ва ҳ. к.) фойдаланганлар. Кейинчалик табиий воситаларини ташкил этувчи табиий бойликлар, яъни қазилма ва энергетик ресурслар тобора катта аҳамият касб этиб боради. Г. м. жамият ҳаётида муҳим роль ўйнайди. У мамлакатлар ва халқларнинг ривожланиш суръатларини фақат секинлаштириб ёки тезлаштирибгина қолмай, балки бир қанча ҳолларда хўжаликнинг айрим тармоқларининг ривожланишига ҳал қилувчи таъсир ҳам кўрсатади. Ўзининг табиий ҳолатида табиий шароитлар ҳамма вақт ҳам ишлаб чиқаришнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондира бермайди. Шунинг учун кишилар уларни ўзгартириб, бошқа шаклга солади. Шундай қилиб, инсон Г. м. ни ўзгартиришнинг энг кучли омилдир. Лекин бу ўзгаришларнинг миқёслари, характери ва формалари техника ва ижтимоий тузум даражасига боғлиқдир. Капитализмга хос бўлган ишлаб чиқариш анархияси ва конкуренция табиатга оқилона таъсир кўрсатишга халақит беради ва Г. м. нинг жамият учун зарарли ўзгаришларига сабаб бўлади. Фақат коммунистик формацияда кишилар «ўзларининг табиат билан модда алмашунувларини... тартибга соладилар, бу алмашувни ўзларининг умумий назоратлари остига оладилар... уни энг кам куч сарф қилган ҳолда ва инсон табиатига энг муносиб бўлган ва унга тенг келадиган шароитда амалга оширадилар» (К. Маркс ва Ф. Энгельс, 25-т., II қисм, 387-б.). Коммунизмнинг моддий-техника базасини барпо этиш Г. м. нинг барча элементларидан халқ манфаатлари йўлида самарали ва планли равишда фойдаланишга асосланган.

ГЕОПОЛИТИКА — сиёсий доктрина бўлиб, бу доктрина иқтисодий ва сиёсий география маълумотларини далил қилиб, империалистик босқинчиликнинг турли формаларини оқлаб кўрсатади. Назарий нуқтага назардан Г.— буржуача *фетишизм*нинг турли хил кўринишларидан биридир. Географик фазо хўжалик сиёсатининг элементи сифатидагина эгаллаб оладиган ўзига хос хусусиятлар Ернинг хусусиятлари қилиб кўрсатилади. Г. 1-жаҳон уруши олдиндан пайдо бўлади: бу назарияни давлатларни «хаётий кенглик» учун кураш олиб борувчи организмлар деб қараган немис географи Ратцель, империалистик босқинчиликнинг химоячилари бўлмиш Х. Маккиндер (Англия), адмирал Мэхен (АҚШ) илгари сурадилар. «Г.» тушунчасининг ўзини биринчи бўлиб швед давлатшуноси Р. Челлен киритган. «Давлат ҳаёт формасидир» деган асаридан у географик фазога империалистик қарашнинг қонунийлиги *мальтусчилик* ва *социал-дарвинизм* далиллари билан асосламоқчи бўлади. 1923—27 йилларда немисча «Геополитика» журналі атрофида тўплаган тўгарак Г. ни одатдаги сиёсий географиядан фарқ қилувчи махсус фан деб эълон қилади. Бу тўгаракнинг раҳбарлари Хаусгофер ва Э. Обст Г. ни очиқдан-очиқ нацистлар идеологиясига хизмат қилдирдилар. 2-жаҳон урушидан кейин Г. АҚШда (Н. Спикман ва б.), Канадада (Гринвуд) ва айниқса ГФРда (К. Шмитт, Г. Гримм, А. Хеттнер, А. Грабовский ва б.) янада ишланиб такомиллаштирилмоқда. Г. ҳозирги кунда марказий вазифа — давлатлараро империалистик бирлашмалар ва блокларнинг заруригини асослаб беришдан, коммунистик Шарқ билан буржуача Ғарб (цивилизациянинг «қитъа» ва «денгиз» тип) ўртасидаги қарама-қаршилик географик шароитдан келиб чиққанлигини исботлашдан иборат, деб билгиди. Г. илгариги мальтусчилик далиллари билан бир қаторда бугунги кунда маданият-психология ва маданият-

нинг қиёсий тарихи даъволаридан кенг фойдаланмоқда. Ҳозирги замон геополитик концепцияларида «сиёсий географияга глобал ёндошиш» деб аталадиган, одатда империализмнинг жаҳонга ҳукмрон бўлиш даъвосини акс эттирадиган қараш катта роль ўйнамоқда.

ГЕРАКЛИД Понтийлик (эрамиздан олдинги 4-аср) — *Платоннинг* *бевосита* шогирди. Унинг қарашларига атомистик тенденция хос эди. У, атомлар ўзича бир хил оламий ақл — «нус» томонидан шаклга солинади, деб фараз қиларди. Жонни ҳам у атомистик руҳда тушунадди, ammo бунда пифагорча таъсир яққол сезилиб туради. Г. нинг астрономиясида гелиоцентрик тенденция, унинг музика назарияларида эса Аристотелнинг таъсири сезилиб туради. Унинг кўпдан-кўп асарлари сақланиб қолмаган.

ГЕРАКЛИТ (эрамиздан олдин тах. 544 — тах. 483) қадимги грек материалист ва диалектик философи. Кичик Осиёда, Эфесда туғилган, аристократлар зотидан. Унинг фақат айрим парчаларигина бизгача етиб келган «Табиат ҳақида»ги асари чуқур фикрлиги ва баённинг сирлилиги билан шуҳрат қозонган (Г. нинг «қоронғу» лақаби ҳам ана шундай келиб чиққан) Г. нинг фикрича, табиатнинг бош моддаси — энг ўзгарувчан ва серҳаракат — оловдир. Умуман олам, айрим нарсалар ва ҳаттоки жонлар ҳам оловдан келиб чиққан. «Бутун мавжудот учун айни бир бўлган бу космосни ҳеч қандай худо ва ҳеч қандай инсон яратмаган, у меъёри билан ёниб, меъёри билан ўчиб турадиган абадий жонли олов тарзида ҳамisha бўлган, бор ва ҳамisha бўлади». Бу афоризм, В. И. Ленин таъбири билан айтганда, «диалектик материализм асосларининг жуда яхши баёнидир» (29-т., 311-б.). Ҳамма нарсалар Г. «логос» деб аталган заруриятга мувофиқ оловдан пайдо бўлади. Олам процесси давралаб айланади: «буюк йил» ўтиши билан ҳамма нарса янгидан «олов»га айланади. Табиатнинг ҳаёти — узлуксиз ҳаракат процессидан

иборат. Унда ҳар қандай нарса ва ҳар қандай хосса ўз қарама-қарши-сига ўтади; совуқ иссиқ, иссиқ совуқ бўлади ва ҳ. к. Ҳамма нарса муттасил ўзгариб, янгиланиб туриши сабабли, айтиб бериш дараё сувига икки марта кириб бўлмайди, иккинчи марта кирувчига энди янги сув оқиб келган бўлади. Иисов ҳаётида ҳамма нарсанинг ўз қарама-қаршисига бу қандай ўттиши олдий ўзгарин эмас, балки курашдир. Бу қарама-қаршилик ёпасига умумийдир, «ҳамма нарсанинг отаси, ҳамма нарсанинг подшоисидир». Бироқ қарама-қаршиликлар курашида уларнинг айнияти намоён бўлади: айтиб бериш нарса юқорига чиқиб ва пастга тушиб йўлидир, ҳаёт ва ўлимдир ва ҳ. к. ўзгариннинг яппи умумийлиги ва ҳар бир хоссанинг ўз қарама-қаршисига ўттиши ҳамма сифатларни нисбий қилиб қўяди. Билишнинг асосини сезгилар ташкил этади. Агарда бирон нарса ҳислар идрок қиладиган ёругликдан бекиниб қолган бўлса-да, лекин у ақл нуридан бекиниб қололмайди. Г. ўз дунёқарашини кўнчилик замондошлари ва патридоиларининг дунёқарашига қарима-қарши қўяди. Жамиятга аристократларча қарашлар Г. да баъзи прогрессив ҳислатлар билан қўшилиб кетади: у аристократлар ҳимоя қилган ананавий, ёзилмаган ҳуқуққа қарши чиқиб, унга давлат томонидан белгиланган қонуни қарима-қарши қилиб қўядики, бу қонуни учун кишилар ўз туғилган шахрининг дасурали учун жанг қилгандек жанг қилмоқлари лозим.

ГЕРБАРТ Иоганн Фридрих (1776—1841)— немис идеалист философи, психолог ва педагог. Г. бутун маъжудотнинг асоси — «реаллар»дан — абадий, ўзгармас, руҳий (*Лейбницдаги* «монада» каби) ва билиб бўлмас (*Кантдаги* «нарса ўзида» каби) моҳиятлардан иборат, деб ҳисобларди. «Жон»— ҳамма психик ҳодисаларни туғдирадиган энг мукамал «реал»дир. Логикада Г. Кант позицияларида турарди. Педагогикада у ўз устозини Песталлоцдининг демократик принципларидан юз ўгирди. Унинг

айрим қарашлари (диққатнинг активга ва пассивга бўлиниши, тажрибавий психологияни эътироф этиш ва б.) ижобий роль ўйнайди. Динни у телеология билан асосларди. Г.нинг социал-сиёсий қарашлари реакциондир: у конституцион тузумни рад қилар, ҳукмрон синфларга итоат қилишни халқ оммасининг олий фазилати, деб ҳисобларди.

ГЕРДЕР Иоганн Готфрид (1744—1803)— немис маърифатчи философи, ёзувчи, адабиётшунос. 1762—64 йилларда Кенигсбергда таҳсил кўриб, *Кант* лекцияларини тинглаган эди. Кантнинг ақли «танқид»ини рад этиб, билиш қобилиятини ҳамда ақлга нисбатан тилнинг бирламчилиги ҳақидаги таълимотни унга қарама-қарши қилиб қўйди. Макон ва замон тушунчаларини. Г. тажрибадан келтириб чиқарди, материя ва билиш формаларининг бирлигини қаттиқ туриб ҳимоя қиларди. Табиатдаги прогресс ҳақидаги тушунчага таяниб, тарихдаги прогресс ҳақидаги («Иисоният тарихи философиясига доир идеялар», 1784—91) ва жамиятнинг гуманизмга томон ҳаракати ҳақидаги таълимотни ривожлантирди. Г. турли халқларнинг, шу жумладан жанубий славян халқларининг маънавий маданияти ўзига хослигини таъкидлаб кўрсатар, жанубий славян халқларининг поэзиясига юксак баҳо беради. Жамият тараққиётида ишлаб чиқариш (хунармандчилик) ва фашинг роли ҳақида бир қанча фаразларни айтган эди. *Шеллинг* ва *Гегелнинг* айрим киши ҳаракатларининг субъектив мақсадлари билан уларнинг объектив тарихий натижаси бир-бирига мос бўлиб тушмаслиги ҳақидаги таълимотининг келажигини олдиндан пайқаган эди.

ГЕРЦЕН Александр Иванович (1812—70)— рус революцион-демократи, ёзувчи, мутаффақир — материалист, *народникликнинг* асосчиси. Москва ун-тетини тамомлаган (1833), чор маъмурулари томонидан икки марта (1835—40 ва 1841—42) сўргун қилинган. 1847 йилдан муҳожириликда яшаган. Франция ва Италияда

1848—49 йиллардаги революцияларнинг ўз кўзи билан кўрган. 1852 йилдан асосан Лондонда истиқомат қилди ва унда Эркин рус босмаханасини ташкил этди (1853). Рус тилида цензурасиз «Колокол» газетасини нашр қилди (1857—67). Парижда вафот этди. Асосий фалсафий асарлари: «Фанда дилетантизм» (1842—43), «Табиятни ўрганиш ҳақида мактублар» (1845—46), «Нариги соҳилдан» (1847—50), «Роберт Оуэн» (1860), «Ўтмиш-кечмиш ва ўйлар»га айрим боб бўлиб кирган), «Муҳолифга мактублар» (1864), «Эски ўртоққа» (1869). Г. нинг ғоявий йўли мураккаб; аммо унинг зиддиятларга тўла назарий изланишлари орасида бир асосий интилиш ўзига йўл очиб олади, у ҳам бўлса, ижтимоий-фалсафий фикр эришган олий ютуқларга асосланиб, келажакдаги социал инқилобга асос бўла оладиган янги, «реалистик», илмий назария яратиш эди. Француз утопик социализми идеяларини (бу идеялар билан Г. биринчи марта 1832 йилда танишган эди), Реставрация даври романтик тарихшунослигини ва 19-асрдаги немис классик философиясини Г. 40-йилларнинг бошларида танқидий муҳокамадан ўтказиб ва қайта ишлаб, оригинал атеистик ва материалистик дунёқарашга айлантирди; Гегель диалектикасини материалистларча талқин қилишга уриниш бу дунёқарашнинг муҳим томони эди. Кейинчалик Г. бу диалектикани «революция алгебраси» деб атаган эди. Г. «диалектик материализмга жуда яқинлашиб борган эди» (Ленин). Г. нинг фалсафий изланишларининг асосий темаси борлиқ билан тафаккурнинг, практика билан назариянинг, жамият билан шахснинг бирлигини исботлашдан иборат. Г. билишнинг воқеликка адекват бўлган ҳамда тажриба ва ақл югуртиришнинг, «эмпирия» ва «спекуляция»нинг бирлигидан иборат бўлган методини топишга ва ифода-лаб беришга уринарди. Тарих философияси соҳасида Г. ижтимоий қонун проблемасига катта эътибор берарди; бу қонун унга пировард ҳисобда

тарихнинг стихияли бориши (халқларнинг онгсиз ҳаёти) билан индивидлар онгли фаолиятининг (фанининг ривожланишининг) бирга қўшилшидан иборат бўлиб туюларди. Социал-сиёсий соҳада назария билан практиканинг бирлиги шиори Г. ни халқ оmmasига революцион маърифат бериш ва шу йўл билан уни социалистик тўнтаришга тайёрлаш учун курашга бошлаб боради. Бу кўп қиррали ва лекин ичдан боғлиқ бўлган проблематика Г. нинг ғоявий камолотининг турли босқичларида турлича намоён бўлади. 1848—49 йиллардаги революция унинг социал-фалсафий қарашларига анча ўзгаришлар киритди ва бу революциянинг мағлубияти Г. нинг руҳий тушкунлигига асос бўлди. Ғарбий Европа воқелигида тарихнинг бориши билан социалистик идеални илгари суриб, ишлаб чиққан инсон тафаккурининг ривожини бир-бирига мос келишини кўрмагач, Г. Ғарбда ижтимоий инқилобнинг эҳтимол тутилган истиқболларига нисбатан пессимистик ва скепстик кайфиятга тушади. Герценга «рус» деҳқон социализми назарияси бу пессимизмни бартараф қилишга уриниш эди: деҳқонлар жамоаси Г. нинг назарида социалистик келажакнинг реал куртаги бўлиб кўринган эди. Рус тарихининг ундан кейинги боришини Г. деҳқонларни барча феодал-самодержав бўғовлардан қутқариш ва деҳқонларнинг патриархал — коллектив турмушини социалистик назария билан қўшишдан иборат бўлади, деб фикр қиларди. Шу муносабат билан Г. Россияда деҳқонлар масаласини тубдан ҳал этишни талаб қилибгина қолмай, шу билан бирга тараққиётнинг капиталистик фазасини четлаб ўтиш масаласини ҳам ўртага ташлади. Бироқ 60-йилларнинг ўрталаридаги воқеалар Г. ни Россияга ҳам «буржуа чечачи» юқаётганлигига тобора кўпроқ ишонтира бошлади. Г. нинг руҳий тушкунлигини ҳақиқатан бартараф қилиш унинг умрининг охириларидагина кўрина бошлади. Бу вақтда у анархист Бакунин билан алоқани

узиб, Фарбий Европада янгидан кўтарилаётган ва I Интернационал раҳбарлик қилаётган ишчилар ҳаракати социализмни амалга ошириш учун гарантиядир, деган фикрга кела бошлайди. Буржуа тарихшунослиги Г.нинг социал-фалсафий эволюциясининг мазмунини бузиб кўрсатиб, уни дин қидирувчига (*Булгаков*, В. Зеньковский, В. Пирожкова ва б.), революция ва социализмнинг муҳолифига (*Струве*, Г. Кон, И. Берлин ва б.) айлантиришга уринадилар.

ГЕСС Моисей (1812—75)—немис майда буржуа публицисти ва философи. Аввал *ёш гегелчиларга* қўшилди («Европа триархияси», 1841), *Фалсафий коммунизмнинг* шаклланишида катта роль ўйнайди. «Рейн газетаси»да ва «Швейцариядан йигирма бир лист» тўпламида эълон қилинган мақолаларида («Амалиёт философияси», «Социализм ва коммунизм», 1843) ва б. асарларида немис философияси билан француз утопик социализми идеалларини қўшишга уринди. *Г. Гегель* ва кўпинча *Фейербах* таълимотига таянган ҳолда, мавжуд жамиятни танқид қилиб чиқди, бу жамиятнинг асосий иллатини у инсоннинг «чин моҳияти»ни беғоналаштиришда деб биларди. *Фейербахдан* фарқли ўлароқ, Г. фақат динни эмас, балки хусусий мулкни ҳам, меҳнатнинг мажбурий характерини ва ҳ. к. тушунарди, у социал революцияни зарур деб биларди. Аммо Г. бу социал революцияни пролетариатнинг синфий курашидан ажралган ҳолда тасаввур қилар ва уни пировард ҳисобда кишиларни маънавий озод қилишдан, абстракт гуманизм ва альтуризм принципларини барқарор этишдан иборат қилиб кўяр эди. Бу қоидалар «*чин социализм*»да янада ривожлантирилди. Г. майда буржуа социализми позицияларида туриб қолган ҳолда, Маркс раҳбарлигидаги коммунистлар Союзининг аъзоси эди, 60-йиллардан бошлаб эса лассалча ишчилар иттифоқига аъзо эди; I Интернационал *фалсафисида* қатнашди. Сионистик тасаввурларга бир қадар маҳлиё ҳам

бўлди («Рим ва Қуддус», 1862), тамомланмай қолган сўнгги асари «Материянинг динамик назарияси»да (1877) Г. ўзининг социалистик қарашларининг табиий-илмий нуқтаи назардан асослашга уринган эди.

ГЕДЕЛЬ Курт (1906 йил туғ.)— австрия математиги ва логика олими. *Метаматематика* ва математик логика проблемаларини ишлаб чиққан. 30-йилларда Вена ун-тетида, 1940 йилдан АҚШда ишлаган. Г. ҳосил қилган энг муҳим натижа — етарлича бой формал системаларнинг нотўлиқлигини (шу жумладан *тўпламлар* аксиоматик назариясини ва натурал сонлар арифметикасини) исботлашдан иборат (1931): бундай система-ларда ҳақиқий гаплар мавжуд бўлиб, бу гапларни улар доирасида исбот қилиб ва рад этиб бўлмайди. Г.нинг бу натижаси формал системаларнинг маҳдудликларини жадал тадқиқ қилишга сабаб бўлди (А. Черч, С. Клини, *Тарский*, А. Мостовский, П. Новиков ва б. асарлари), фалсафий нуқтаи назардан эса бу натижа илмий билишни тўла формаллаштириш принципиал жиҳатдан мумкин эмаслигини тасдиқлашни билдиради. Моделлар назариясидаги (*предикатлар* тор ҳисобининг тўлиқлиги ҳақидаги теорема), *конструктив логика*, рекурсив функциялар назарияси ва ҳ. к. соҳасидаги муҳим натижалар ҳам Г. га тааллуқлидир. Г. ўз фалсафий қарашларида 30-йилларда *неопозитивизм* таъсирини бошдан кечирди, кейинчалик субъективизмни танқид қилиб чиқди.

ГЕТЕ Иоганн Вольфганг (1749—1832)— немис шоири, табиатшуноси ва мутафаккири. Г.нинг фалсафий қарашлари Европа назарий фикрининг ривожланишида катта роль ўйнади. Г. назария билан тажрибанинг бирлигини қаттиқ туриб ҳимоя қилади. «Авалда иш бўлган»— деган фикр унинг оламга ва билишга қарашининг асосий принциpidир. У табиат қонуналарининг объектив характерига ишонган бўлиб тараққиёт манбаини унинг ўзиде, деб билади. Г. *Спиноза* концепциясини (уни

тинчилиги руҳида талқин қилиб) тараққий идеяси билан тўлдиришга интилади. Ижобий ва салбий ибтидо-ларнинг («юқориланиш» ва «қутбийлик») ўзаро таъсири, Г. нинг фикри-ча, ҳар бир ҳодисага хосдир; бу ўзаро таъсир янги сифатни туғдиради. Г. ҳаракатни материянинг мавжудли-гининг асосий формаси деб қарайди. Лекин ҳаракатнинг хилма-хил фор-маларини изоҳлашга ожизлик қил-ганидигидан *гиллозоизмга* ўтади, аба-дий ҳаётий куч — энтелехиянинг мавжудлигини фараз қилади. Г. нинг қарашлари ноизчил ва зиддиятли бў-лишига қарамай, материализмга яқиндир. Г. нинг эстетикаси ва ба-дий асарлари жаҳон санъати на-зарияси ва практикасининг ривожла-нишига катта таъсир кўрсатди.

ГЕШТАЛЬТПСИХОЛОГИЯ (нем. Gestalt — форма, яхлитлик) — ҳозир-ги замон чет эл психологиясида идеа-листик сенсуалистик йўналиш бўлиб, бу йўналиш 1912 йилда Германияда пайдо бўлган. Г. нинг салафи — Хр. фон Эренфельс (1859—1932). Асосий вакиллари: М. Вертгаймер (1880—1944), В. Келер (1887—1967) ва К. Коффа (1886—1941). Фалсафий асоси гуссерчилик ва махизмдан иборат. *Ассоциатив психологияга* қара-ма-қарши ўлароқ Г. *сезгиларни* эмас, балки қандайдир психик структура-ларни, яхлит шакллари ёки «геш-тальтлар»ни психиканинг бирламчи ва асосий элементлари деб ҳисоб-лайди. Уларнинг шаклланиши, Г. нинг даъвосича, гўё психикага ичдан хос бўлган содда, симметрик, би-қўқ фигуралар тузиш қобилиятига бўйсунди. Г. нинг назарияси инди-видни ташқи муҳитдан ва унинг амалий фаолиятдан ажратиб қў-йишига асосланади. Гешталтистлар тушунмаларнинг яхлитлигини пирова-рдан ҳисобда имманент субъектив «қонуңлар» билан изоҳлайдилар, бу эса уларни идеализмга олиб келади. Кейинчалик Г. нинг идеялари (ай-ниқса «гештальт» тушунчаси) физи-кий, физиологик ва ҳатто иқтисо-дий ҳодисаларга ҳам таъбиқ этилди. *И. Павлов* ҳамда материалист пси-

хологлар (Л. Виготский ва б.) Г. нинг назарий асосизлигини кўрсат-дилар.

ГИЛОЗОИЗМ (грек. hyle ва zoe — модда ва ҳаёт) — бу шундай бир таъ-лимотки, унга кўра ҳаёт ва, демак, сезувчанлик табиатдаги барча нар-саларга хосдир. Дастлабки грек ма-териалистлари, Бруно, баъзи фран-цуз материалистлари (*Робине*) ва б. гилозоистлар эдилар. «Г.» термини биринчи марта 17-асрда жорий этил-ган. Бу таълимот, материянинг бар-ча формалари сезиш ва фикрлаш қо-билиятига эгадир, деб ҳисоблайди. Ҳақиқатда эса сезиш — фақат юксақ даражада ривожланган органик ма-териянинг хоссасидир.

ГИЛЬБЕРТ Давид (1862—1943) — 19-асрнинг охири, 20-асрнинг бошла-рида немис математика ва логика олими, Геттинген математик макта-бининг асосчиси. Г. нинг асосий иш-лари алгебраик инвариантлар назариясига, алгебрик сонлар назарияси-га, математика ва математик логи-ка асосларига оид. «Геометрия асос-лари» асарида (1899) Г. Эвклид геометриясини жиддий аксиоматик равишда тузди, бу эса илмий билим-ни аксиомалаштириш соҳасидаги тадқиқотларни янада ривожланти-риш истиқболига олдиндан анча йўл очиб берди (*Аксиоматик метод*). 1900 йилда Г. шундай проблемаларни ифодалаб бердики, бу проблемалар-ни ишлаб чиқиш 20-асрда математи-канинг ривожланишини кўп жиҳат-дан олдиндан белгилаб берди. Г. нинг *мулоҳазалар ҳисоби* ва *предик-катлар ҳисоби* соҳасидаги ишлари катта аҳамиятга эгадир. 20-асрнинг бошларида Г. математикани асос-лашга янгича ёндошиш асосларини ифодалаб берди, бу усул, бир томон-дан, математика асосларида форма-лизм концепциясининг юзага кели-шига, иккинчи томондан, математи-канинг янги бўлими *метаматемати-канинг* (исботлар назариясининг) пайдо бўлишига олиб келди.

ГИПОСТАЗЛАШТИРИШ (грек. hypostasis — моҳият, субстанция). 1. Умумий маънода — ҳақиқатда би-

рор ниманинг фақат хоссаси, муносабатигина бўлган нарсани мустақил яшовчи объект (субстанция) даражасига кўтариш. 2. Кенг тарқалган маънода абстракт тушунчалар мустақил яшайди, деган идеализмга хос даъво.

ГИПОТЕЗА (грек. hypothesis — асос, фараз) — бу бир фараз бўлиб, унда бир қанча фактлар асосида объектнинг, ҳодисанинг алоқаси ёки сабаби мавжудлиги ҳақида хулоса чиқарилади ва лекин бу хулосани тўла исботланган деб бўлмайди. Шу тариқа чиқарилган хулосалар ҳам гипотетик хулосалар деб аталади. Фанда Г. га эҳтиёж шундай вақтда пайдо бўладики, у вақтда ҳодисалар ўртасидаги алоқа уларнинг сабаби, гарчи улардан олдин ўтган ёки улар билан бирга борган кўпгина ҳолатлар маълум бўлса-да, ҳали унчалик равшан бўлмайди, у вақтда ҳозирги ҳолатнинг баъзи характеристикаларга қараб ўтмиш манзарасини қайта тиклаш ёки ўтмиш ва ҳозирги ҳолат асосида ҳодисанинг келажак тараққиёти ҳақида хулоса чиқариш керак бўлади. Аммо муайян фактлар асосида Г. ни илгари суриш — бу фақат биринчи қадамдир. Г. нинг ўзи, эҳтимоллик характериға кўра, текширишини, исботлашни талаб этади. Шундай текширишдан кейин Г. ё илмий назария бўлиб қолади, ё ўзгартирилган шаклга солинади, ёки, агар текшириш салбий натижа берса, йиғиштириб қўйилади. Г. ни илгари суриш ва текширишининг асосий қондалари қуйидагилардан иборат: 1. Г. ўзи даҳлдор бўлган барча фактларга мувофиқ бўлмоғи ёки ҳеч бўлмаганда улар билан бирга сиғишмоғи лозим. 2. Бир серия фактларни изоҳлаш учун илгари сурилган ва бир-бирига қарама-қарши бўлган кўп Г. лардан мазкур фактларнинг кўп сонини бир ҳилда изоҳлаган Г. афзалроқдир; албатта, мазкур сериядаги фактлардан айримларини изоҳлаш учун иш Г. си деб аталадиган фаразларни илгари суриш мумкин. 3. Бир-бирига боғлиқ бир серия фактларни изоҳлаш учун мумкин қадар камроқ фарқли бўл-

ган Г. ларни илгари сурмоқ лозим ва уларнинг алоқаси мумкин қадар маҳкамроқ бўлмоғи керак. 4. Г. ни илгари сурганда унинг хулосаларининг эҳтимоллий характерини англамоқ зарур. 5. Бир-бирига зид келадиган Г. лар ҳаммаси бирга чин бўлиши мумкин эмас; аммо улар айни бир объектнинг турли томонлари ва алоқаларини изоҳлаган тақдирда бу қоидадан истиснодир. Ҳозирги замондаги позитивистлар, эмпириклар, «ёппаиндуктивистлар» ва ш. к. фанининг вазифаси — объектив олам қонуниятлари ҳақида Г. тузиб ўтирмасдан, фактларни протокол тарзида қайд қилиб боришдан иборат, деб ҳисоблайдилар, чунки, уларнинг фикрича, Г. фақат «иш гипотезаси» ролини ўйнайди ва реал аҳамиятга эга бўлмайди. Ҳозирги замон фанининг характери, илмий тадқиқотда экспериментнинг мураккаблашиб бораётганлиги кенг илмий гипотезаларга тобора кўпроқ мувожаат қилишни ниҳоятда зарур қилиб қўймоқда ва Ф. Энгельснинг «Табииётнинг ривожланиш формаси, модомики у фикр қилар экан, *гипотезадир*... деган қондасини тасдиқламоқда» (К. Маркс ва Ф. Энгельс, 20-т., 555-б.).

ГИПОТЕТИК-ДЕДУКТИВ МЕТОД — методологик усуллар системаси бўлиб, бу система баъзи даъволарни гипотезалар сифатида илгари суришдан ва бу гипотезаларни улардан биздаги бошқа билимлар билан жамлаб хулосалар чиқариш йўли билан текширишдан ва бу хулосаларни фактлар билан таққослаб кўришдан иборат. Г.-д. м. ни таъбиқ этиш бир қанча бошқа методологик операциялар билан, яъни фактларни таққослаб кўриш, мавжуд тушунчаларни қайта қараб чиқиш, янги тушунчалар тузиш, гипотезаларни бошқа назарий қондалар билан мувофиқлаштириш ва ҳ. к. билан боғлиқдир. Янги гипотезаларни илгари суриш, уларга кирадиган назарий тасаввурларни ишлаб чиқиш ижодий хаёлнинг актив фаолият кўрсатишичи назарда тутати. Шу сабабли гипотезанинг мавжуд эмпирик мате-

риал билан фақат формал мантикий алоқаларининггина аниқлашга асосланган Г.-д. м. нинг формал-мантикий модели кифоя қилмайди.

ГИПОТЕТИК-ДЕДУКТИВ НАЗАРИЯ — табиий-илмий билишнинг мантикий уюшув формаларидан бири. Г.-д. н. тушунчаси — дедуктив ёки аксиоматика назария тушунчасини, бу тушунча математика методологиясида қандай таркиб топганлигини, эксперимент ва кузатишга таяннадиган табиий-илмий билимнинг ўзига хос проблематикасини ҳисобга олган ҳолда конкретлаштиришдир. Умуман дедуктив системалар олдига қўйиладиган талаблардан ташқари, Г.-д. н. унинг қоидаларини эмпирик текширишдан ўтказишни таъминлайдиган эмпирик шарҳлаш имкониятини назарда тутди. Эмпирик шарҳлаш — шарҳланган гаплар деб аталадиган, назарий тушунчаларнинг аҳамиятини қандайдир бевосита кузатиловчи белгилар билан боғлайдиган гаплар орқали берилади. (*Операционал таърифлар*).

ГНОСЕОЛОГИЯ — қ. *Билиш назарияси*.

ГНОСТИКЛАР (грек. gnosis — билим) — диний-фалсафий оқим вакиллари бўлиб, улар христианлик теологиясини Қадимги Шарқ динлари билан ҳамда *неоплатонизм* ва *пифагореизм* билан бирлаштирган эдилар. Г. билиб бўлмайдиган, ўзини руҳий равонда (эманацияда) намоён қиладиган «ёмонлик» манбаи — материяга қарама-қарши турадиган руҳий бош ибтидонни эътироф этадилар. Мисрлик Валентин (2-аср) ва суриялик Василид (2-аср) асосий гностиклардирлар.

ГОББС Томас (1588—1679) — инглиз материалист философи, инглиз буржуа революциясининг замондончи, бу революция вақтида муҳожир бўлиб Парижга кетиб қолди ва унда «Гражданин ҳақидаги таълимотнинг фалсафий элементлари» (1642), «Левиафан» (1651) номли асосий асарларин ёзди. 1652 йилда Англияга қайтиб келди. Г. механистик мате-

риализм таълимотини ривожлантирди, Ф. Бэкон материализмининг системалаштирди. Маркс айтганидек, Г. нинг материализми бир томонлама бўлиб қолади: «Ҳиссиёт ўзининг ёрқин бўёқларидан маҳрум бўлиб, *геометриг* абстракт ҳиссиётга айланади. *Физикавий* ҳаракат *механик* ёки *математик* ҳаракатга қурбон қилинади: *геометрия* асосий фан деб эълон қилинади» (К. Маркс ва Ф. Энгельс, 2-т., 143-б.). Г. нинг фикрича, олам — механик ҳаракат қонуналарига бўйсундирилган жисмлар мажмуидир. Г. ҳайвонлар ва инсоннинг руҳий ҳаётини ҳам ҳаракат ва куч-гайрагдан иборат қилиб қўяди. Улар мураккаб механизмлар бўлиб, тамомила ташқаридан бўладиган таъсирлар билан белгиланади. Бундан Г. қуйидагича хулоса чиқаради: 1) алоҳида субстанциялар сифатида жонларнинг мавжудлигини инкор этиш, 2) моддий жисмларни ягона субстанция сифатида эътироф этиш, 3) худога ишониш фақат ҳаёлнинг маҳсули эканлигини тасдиқлаш. Г. табиатнинг сифат жиҳатдан хилма-хиллигининг объектив характерини инкор этиб, бу характерни инсон идрокларининг хоссаси деб ҳисобларди ва бу идроклар замирида нарсаларнинг механик тафовутлари асос бўлиб ётади, деб ўйларди. Билим тўғрисидаги таълимотида у *Декартнинг тугма идеялар* назариясини танқид қилди. Г. барча идеяларни сезгилардан келтириб чиқариб, идеяларни таққослаш, бирга қўшиш ва тақсимлаш йўли билан қайта ишлаш ҳақидаги таълимотни ривожлантирди. У, тажриба ёки айрим фактларни билиш нарсаларнинг алоқалари ҳақида фақат эҳтимолий ҳақиқатларни кўрсатиб беради, деган фикрни айтиб, ҳар ҳолда тилнинг, яъни номлар қобилиятининг тақозоси билан юзага келадиган ишончли умумий билим умумий идеяларнинг белгилари бўлиб қолиши мумкинлигини эътироф этарди. Ҳуқуқ ва давлат ҳақидаги таълимотида Г. жамиятни худо барқарор қилганлиги тўғрисидаги наза-

рийни улоқтириб, ижтимоий шартнома назариясини ёқлаб чиқди (*Ижтимоий шартнома назарияси*). Абсолют монархияни давлатнинг энг яхши формаси ҳисобларди, лекин кўпдан-кўп изоҳлар ва писандаларида, аслида, революцион принципларга ўрин берарди. Унинг ғояси — асли маънодаги монархик принцип эмас, балки давлат ҳокимиятининг чекланмаган характеридир. Г. айтган давлат ҳокимиятининг ҳуқуқлари 17-асрнинг ўрталарида Англияда буржуа революциясини амалга оширган синфларнинг манфаатлари билан мос бўлиб тушади. Г. нинг жамият ва давлат тўғрисидаги назариясида ижтимоий ҳодисаларни материалистик тушуниш куртаклари бор эди.

ГОГОЦКИЙ Сильвестр Сильвестрович (1813—89)— рус идеалист философи. Киев руҳоний академиясининг (1841—51) ва Киев ун-тетининг (1851 йилдан) профессори. Г. нинг фалсафий қарашлари онгли равишда православияни, сиёсий реакцияни ҳимоя қилишга қаратилган эди. У атеизмга олиб борувчи таълимот деб материализмни ерга уради. Философиянинг вазифаси табиий ва ахлоқий оламнинг ақдли ва яратувчи ибтидоси сифатида худонинг идеяларини тасвирлаб кўрсатишдан иборат, деб биларди. Г. нинг фикрича, худонини билиш туғмадир ва унга эътиқод ёрдамида эришилади. Худо идеясини инсоннинг билишидан ажратиб бўлмайди, инсоннинг билиши эса иккиламчи бўлиб, дчки тажрибадан, бевоқифа ишончдан, яъни диний эътиқоддан келиб чиққан ҳосиладир. Г. нинг ёзган асарлари илмга хилоф эканлиги *Антонович* ва *Писарев* томонидан кўрсатилган. Г. нинг «Фалсафий лексикон» асари (4 томлик, 1857—73) Россияда философик энциклопедия яратиш йўлидаги дастлабки уринишлардан бири бўлиб, бир қадар билдирувчиллик аҳамиятига эга эди.

ГОДВИН Уильям (1756—1836)— инглиз сиёсий мутафаккири ва адиби, майда буржуа тенгламачилик утопиясининг вакили. Ешлигида диссидентлик вонзи эди, 18-асрнинг 80-

йилларидан бошлаб собит қадам раціоналист бўлиб қолди. Ижтимоий ахлоқ ва социал муҳитнинг инсонга таъсирини биринчи ўринга қўяр эди. Хусусий мулкни ва ҳар қандай давлат ҳокимиятини бекор қилишни талаб этарди. Унинг ғоя ва мақсади — кичик-кичик жамоаларга уюшган мустақил майда ишлаб чиқарувчилар жамиятидан иборат эди. Г. эҳтиёжларига қараб тақсимлаш коммунистик принципини қаттиқ туриб ёқларди. Шу билан бирга Энгельс антициалистик Г. қарашларининг характерли хусусияти эканлигини қайд қилиб ўтган эди. Г. анархистик таълимотларга таъсир кўрсатган эди.

ГОЛЬБАХ Поль Анри (1723—89)— француз материалист философи ва атеисти. Келиб чиқиш жиҳатидан немис барони, лекин умрининг кўп қисмини Францияда ўтказди. Г. нинг асосий асари «Табият системаси» (1770) Париж парламентининг қарорига биноан ўтга ташлаб куйдирилди. Унинг бошқа асарлари — «Фош этилган христианлик» (1761), «Чўнтак илоҳиети» (1768), «Соғлом фикр» (1772) номли асарлардир. Г. динни ва идеалистик философияни, айниқса *Беркли* таълимотини танқид қилиб чиқди. Г. идеализмни *соғлом фикрга* зид келадиган хом хаёл деб биларди. Диннинг пайдо бўлишини у бировларнинг жоҳиллигидан, қўрқувидан ва бошқа бировларнинг алдовидан деб изоҳларди. Г. нинг фикрича, материя — «бизнинг ҳисларимизга бирор тарзда таъсир кўрсатадиган нарсаларнинг ҳаммасидир». Материя ўзгармас ва бўлимас атомлардан иборат бўлиб, бу атомларнинг асосий хоссалари кўламлилиқ, оғирлик, шакл, ўтказмасликдир. Материянинг атрибути бўлган ҳаракатни Г. механистик нуқтан назардан, фазода жисмларнинг оддий ўрин алмашишидан иборат, деб қарарди. Г. нинг фикрича, инсон табиятини бир қисми бўлиб, унинг қонунларига бўйсунди. Г. детерминизмни қаттиқ туриб ҳимоя қиларди-ю, лекин шу билан бирга сабабиятни механистик тарзда тушунарди. У тасодифлар-

нинг объектив мавжудлигини инкор этар, уларни сабаблари бизга номаълум ҳодисалар, деб таърифларди. Бишлиш назариясида Г. сенсуализмга амал қилиб, агностицизмга қарши чиқарди. Сиёсатда Г.— конституцион монархия, кўп ҳолларда эса маърифатли абсолютизм тарафдори эди. Жамиятга қарашларида Г. идеалист бўлиб, «фикрлар оламни идора қиладди» деб даъво қиларди. У, қонун чиқарувчиларнинг фаолияти тарихда ҳал қилувчи роль ўйнайди, деб ҳисобларди. Кишилари овоз қилиш йўли маорифда, деб биларди. Г. нинг фикрича, ўзининг асл табиатини билмаслик одамзодни шунга олиб келдики, у асоратга солинди ва ҳукуматларга қурбон бўлди. Буржуа жамиятини Г. ақл салтанати, деб тушунарди.

ГОМЕОМЕРИЯ (грек. homeomegria — ўхшаш қисмли ёки ўхшаш қисмлари бўлган нарса)— Анаксагор философиясининг термини; бироқ Анаксагордан етиб келган ва унинг кейинроқ чиққан шарҳчилари томонидан бизга қолдирилган фрагментларда бу термин йўқ. Бутун мавжудоти Анаксагор турли сифатли зарраларни бениҳоя миқдорга бўлинган деб тасаввур қиларди ва бунинг устига яна ҳар бир зарра унинг назарида ўз зарраларининг бениҳоя миқдорига бўлинарди. Анаксагорнинг фикрича, худди Г. сифат жиҳатдан бир хил ва сифат жиҳатдан оригинал заррадан иборат бўлиб, бу зарра бениҳоят майдороқ зарраларни ўз ичига олган. Шунинг учун ҳам бу зарра бир-бирига ўхшаган ёки ўзаро ўхшаш бўлган зарраларни ўз ичига олган нарса номи билан аталади. Ҳозирги замон математика тили билан айтганда, Г. шундай чексизликдан иборатки, унинг ўзи чексизлик даражасида берилгандир.

ГОМЕОСТАЗИС (грек. homoios — ўхшаш; stasis — турғунлик, ҳаракатсизлик)— динамик мувозанат типини бўлиб, бу тип ўз-ўзини регуляция қилувчи мураккаб системалар учун характерлидир ҳамда у — системани соқлаш учун жуда муҳим бўлган

параметрларни мумкин бўлган чегаралар доирасида тутиб туришдан иборатдир. «Г.» тушунчасини биологик организмлардаги бир қанча гомеостатик процессларни ёзиб чиққан америкалик физиолог У. Кэннон кiritган. Кейинчалик бу тушунча кибернетика, психология, социология ва б. фанларда жорий қилинди. Гомеостатик процессларни тадқиқ этиш қуйидагиларни ажратиб кўрсатишни назарда тутди: 1) кўп ўзгарганда системанинг нормал ишлашини бузадиган (мас., юксак даражадаги ҳайвонларнинг қони температураси) параметрларни; 2) ташқи ва ички муҳит шароитлари таъсири остида мазкур параметрларнинг йўл қўйиш мумкин бўлган ўзгариш чегараларини; 3) ўзгарувчиларнинг қимматлари мазкур чегаралардан ташқари чиқаётганида ишлай бошлайдиган конкрет механизмларнинг мажмуини. Ҳар бир шундай механизм муҳим параметрларнинг ўзгаришини қайд этади ва мувозанатнинг бузилган ҳолатини қайта тиклаш томонига қараб ҳаракат қиладди. Гомеостатик процессларни ўрганиш гетеростазис тушунчаларни (гомеостатик системалар иерархиясини, параметрларни кўпроқ муҳим ва камроқ муҳим параметрларга бўлишни акс эттирувчи гетеростазис тушунчаларини) ва гомеорез тушунчаларини (системанинг ривожланиш процессида муҳим параметрларнинг қонуний ўзгаришини таъминлайдиган ички механизмларни) ишлаб чиқишга олиб келди.

ГОМОГЕНЛИЛИК ВА ГЕТЕРОГЕНЛИЛИК (грек. homogenes ва heterogenes)— бир жинслилик ва турли жинслилик. Қант философияда гомогенлилик принциппига кўра, тур тушунчалар уларни умумий бир жинс тушунча билан бирлаштиришга имкон берадиган ўзаро бирон муштаракликка эга бўлишлари лозим. Гетерогенлилик принципи ҳам, ўз навбатида, умумий жинс тушунча билан бирлаштириладиган тур тушунчалар бир-бирларидан фарқ қилишларини тақозо этади. Ҳозирги замон тасаввурларига кўра, гомогенлилик

принципи турли жинсдан бўлган принципларни ягона бир назария доирасида бирлаштирашни таъқиқлайди. Бу принципнинг бузилиши эклектикага олиб боради.

ГОРГИЙ (эраמידан олдин тах. 483—375)— леонтиналик қадимги грек софисти, қўлдорлик демократиясининг тарафдори. *Протагор релятивизми*ни рационалистик *агностицизм* билан тўлатди. Унинг асарлари бизгача *Платон* ва бошқа авторлар баёнида етиб келган. Узининг «Мавжуд эмаслик ёки табиат ҳақида» асарида *Г. элеатларга* таяниб, уч қоидални илгари суради: қандайдир бирор нарса мавжуд эмасдир; агар қандайдир бирор нарса мавжуд бўлганда ҳам эди, уни билиб бўлмас эди; агар қандайдир бирор нарсани билиб бўлганда ҳам эди, билинган нарсани ифодалаб бўлмас эди.

«ГОТА ПРОГРАММАСИНИ ТАНҚИД»— К. Маркс асари. 1875 йилда ёзилиб, 1891 йилда эълон қилинган. Немис социал-демократияси программа лойиҳасини танқид қилишдан иборат. Бу программани Маркс герман социал-демократиясининг лассалчилик (*Лассаль*) олдида таслим бўлиши, деб атаган эди. Маркс Лассалнинг, ишчилар синфига нисбатан қолган барча синфлар «фақат бир реакцион омmani» ташкил этади, деган даъвосини қаттиқ танқид қилди ва бу қоида пролетариат билан деҳқонлар иттифоқини инкор этади, деб кўрсатди. Маркс Лассалнинг пролетариатнинг қаншоқлигини абадийлаштирувчи «иш ҳақи темир қонуни»нинг реакцион мазмунини очиб ташлади. «Г. п. т.» да *илмий коммунизмнинг* асосий проблемалари очиб берилган. Маркс социалистик революциянинг, пролетариат диктатурасини ўрнатишнинг муқаррарлиги тўғрисидаги қоидални ривожлантирди, келажакдаги коммунистик жамиятнинг илмий анализ қилиб берди. Бу асарда биринчи марта капитализмнинг коммунизм билан алмашинуви процессида ўтиш даврининг зарурлиги ҳақидаги, шу давр давлати сифатида пролетариатнинг революцион дикта-

тураси ҳақидаги қоида илгари сурилди. Маркс томонидан *социализм ва коммунизмга* коммунистик формациянинг икки фазаси деб, «коммунизмнинг иқтисодий етуқлик» (Ленин) босқичлари деб берилган таъриф ҳам илмий коммунизмга қўшилган муҳим ҳисса эди. Маркс кўрсатган эдики, коммунистик жамиятнинг юқори фазасидагина капитализмнинг «туғма доғлари»дан халос бўлинади, инсонни меҳнат тақсимотига бўйсунishi каби уни асоратга солувчи ҳолат баргараф қилинади, меҳнат тирриклик воситасидан биринчи ҳаётий эҳтиёжга айланади, ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётнинг шундай даражасига бориб етадики, маҳсулотларнинг мўл-кўллиги таъминланган бўлади ва жамият ўз байроғига: «Хар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга эҳтиёжга яраша» деб ёзиб қўйиши мумкин бўлади.

ГРАВИТАЦИОН ПАРАДОКС — қ. *Космологик парадокслар*.

ГРАЖДАНЛИК ЖАМИЯТИ — бу термин марксизмдан бурунги философияда, 18-асрдан бошлаб, ижтимоий муносабатни, тор маънода эса, мулкий муносабатни билдирарди. Инглиз ва француз материалистларида Г. ж. назариясининг муҳим камчилиги—унинг ишлаб чиқариш усуллариининг ривожланишига боғлиқ эканлигини тушунмасликдан, унинг шаклланишини инсоннинг табиий хусусиятларига, сиёсий вазифаларга, бошқариш ва қонун чиқарувчилик формаларига, ахлоқ-одобга ва ҳ. к. боғлаб изоҳладан иборат эди. Г. ж., яъни ижтимоий алоқаларнинг мажмуи индивидларга нисбатан қандайдир ташқи бир нарса деб, бу индивидларнинг фаолияти авж оладиган «муҳит» деб қараларди. Г. ж. деганда Гегель хусусий мулкка, мулкий ва сословияли муносабатларга асосланган «эҳтиёжлар системаси»ни, ҳуқуқий муносабатлар ва ҳ. к. системасини тушуниб, жамият тараққиётининг бирон тарздаги қонунилари ҳақида фараз қилган эди. Гегелнинг идеализми бунда Г. ж. нинг давлатга қарамлигида намоён бўлган эди. Давлатни у, Г. ж. дан фарқли ўлароқ,

объектив руҳнинг ҳақиқий формаси деб ҳисобларди. Маркс Г. ж. термини ва тушунчасини илк асарларида биринчи марта 1843 йилда, Гегелни танқид қилиш муносабати билан ишлатган эди. Г. ж. деганда Маркс оила, сословиялар, синфлар уюшмасини, мулк ва тақсимот муносабатларини, умуман жамиятнинг яшаш ва ҳаракат қилиш формалари ва усулларини, инсоннинг ҳақиқий ҳаёти ва фаолиятини тушуниб (бу термин асл маънодаги буржуа жамиятини билдириш учун ҳам ишлатилади), уларнинг объектив характерини ва иқтисодий асосини таъкидлаб кўрсатади. Кейинчалик етарли даражада аниқ бўлмаган Г. ж. терминини Маркс илмий тушунчалар системаси билан алмаштиради (жамиятнинг иқтисодий структураси, иқтисодий базис, ишлаб чиқариш усули ва ш. к.).

ГРАМШИ Антонио (1891—1937)— Италия Коммунистик партиясининг асосчиси, марксизмнинг назариётчиси ва пропагандисти. Революцион фаолияти учун Г. фашистлар суди томонидан (1928) 20 йил турма қамоғига ҳукм қилинган эди. Г. механистик философияни, яъни (20-йилларда) Европа мамлакатларининг бир қанча компартияларида тарқалган ўнг оғмачилик идеологиясининг ғоявий асосини фош қилишда муҳим роль ўйнайди. Г. нинг асосий асарлари «Турма дафтари»да тўпланган. Философияда Г. асосий эътиборини тарихий материализм проблемаларига қаратган: базис ва устқурманинг, пролетариат ва интеллигенциянинг ўзаро муносабатларини тадқиқ этган, идеологиянинг (философия, санъат, ахлоқ ва ҳ. к.) илмий мустақиллигини анализ қилиб чиққан. Г. нинг италян маданияти юзасидан ўтказган тадқиқотлари, католицизмни, философиядаги идеалистик таълимотларни (хусусан крочелистикни — *Кроче*) ва социологияни қўлган танқиди жуда мароқлидир.

ГРАНОВСКИЙ Тимофей Николаевич (1813—55)— рус тарихчиси ва социологи, Москва ун-тетининг профессори (1839—55), фарбчиликнинг кўна кўринган вакилларида бири

(*Фарбчилар, Славянофиллар*). Г. нинг умумназарий қарашларига *Станкевич, Белинский, Герцен* таъсир кўрсатган; шунингдек у немис классик философияси идеяларини ўзлаштириб олган. Жамиятдаги революцияларни ҳам ўз ичига оладиган тарихий процесс. Г. нинг фикрича, қатъий, қонунийдир. Қонунни у ғоявий, ахлоқий мақсад деб тушунади, уни амалга ошириш учун шахс катта роль ўйнаши мумкин, лекин шу билан бирга «омманинг ўзида ҳам маълум даражада тарихий мазмун борлигини» инкор қилиши ярамайди. Ана шу нуқтаи назардан Г. инсондан маънавий жавобгарликни олиб ташлайдиган таълимот бўлган *фатализмни* рад этади. Г. нинг тарихий тараққиётга бўлган ва диалектика элементларини ўз ичига олган қарашлари эволюцион тарзда ўсиб борарди: бу қарашлар идеализмдан натурализмга тобора кўпроқ майл кўрсатиб, тарих ўз тадқиқот методини табиёт илmidан олиши керак, деб ҳисобларди. Бундай метод руҳий олам билан табиат фактларини ўзаро таъсирида олиб синчиклаб ўрганиш натижасидир. Социал ҳодисаларни изоҳлашда у географий шароитларга кўпроқ аҳамият беради. Г. конституцион монархия тарафдори; у либераллик нуқтаи назаридан крепостной ҳуқуққа қарши чиқарди. Г. рус жамиятига ва рус тарих фанига самарали таъсир кўрсатди. Г. «Умумий тарихнинг ҳозирги аҳволи ва аҳамияти» асарида (1852) ўз қарашларини тавсифлаб берган.

ГРОЦИЙ Гуго (1583—1645)— нидерланд юристи, тарихчи, давлат арбоби. *Табиий ҳуқуқ* ва ижтимоий шартнома (*Ижтимоий шартнома назарияси*) тўғрисидаги буржуа назарияларининг таниқли вакилларида бири. Г. нинг фикрича, ҳуқуқ ва давлатнинг келиб чиқиши илоҳий эмас, балки дунёвийдир. Давлат кишилар ўртасидаги шартнома натижасида пайдо бўлади. Г. нинг таълимоти давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги назарияни теология ва ўрта аср *схоластикаси* ҳомийлигидан халос қилди. Асосий

асари — «Уруш ва тинчлик ҳуқуқи ҳақида» (1625).

ГУМАНИЗМ (лат. *humanus* — инсоний) — инсонпарварлик, инсоннинг фазилатлари ва ҳуқуқларини ҳурмат қилишни, кишиларнинг бахт-саодати тўғрисида, уларни ҳар томонлама камол топтириш тўғрисида, ижтимоий ҳаётда инсон учун қулай шарт-шароит яратиб бериш ҳақида гамхўрлик этишнинг ифодаловчи қарашларнинг мажмуи. Дастлабки вақтларда Г. идеяларини халқ оmmasи эхсанлашга ва ахлоқий нуқсонларга қарши кураш жараёнида стихияли равишда ишлаб чиққан. Шарҳда Г. Форобий, Саъдий, Навоий ижодида ривожлантирилди. Шаклланган ғоявий ҳаракат сифатида Г. Уйғониш даврида (15—16-асрларда) вужудга келади. Бу даврда Г. феодализмга ва ўрта аср теологик қарашларига қарши курашган буржуазия идеологиясини акс эттиради, прогрессив материалистик қарашлар билан маҳкам боғлиқ бўлади. Гуманистлар инсон шахсининг эркинлигини эълон қилдилар, диний аскетизмга (таркидуиё қилишга) қарши чиқдилар, инсоннинг дунёвий эҳтиёжлардан лаззатланиш ва завқ-шавқ олиш ҳуқуқини ҳимоя қилдилар. Уйғониш даврининг энг йирик гуманистлари—Петрарка, Данте, Бокаччо, Леонардо да Винчи, Эразм Роттердамский, Бруно, Рабле, Монтель, Коперник, Шекспир, Ф. Бэкон ва б. дунёвий дунёқарашнинг шаклланишида муҳим роль ўйнайдилар, лекин улар халқдан узоқ эдилар, маълумларнинг революцион ҳаракатига салбий назар билан қарайдилар. Буржуа Г. и 18-аср маърифатчиларининг асарларида ўз раънақига эришди: бу маърифатчилар эркинлик, тенглик ва биродарлик ширини майдонга ташлаган эдилар, кишиларнинг ўз «табиий хулқ-атворини» тўсиқсиз ривожлантиришга бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилиб чиққан эдилар. Аммо ҳатто ўзининг энг яхши кўришилари жиҳатидан ҳам буржуа Г. и. чеклангандир, чунки у гуманистик идеалларни хусусий мулкка ва индивидуализмга асослайди. Капиталистик жамиятда Г. ширларни билан бу шир

орларни реал амалга ошириш ўртасидаги зиддият, яъни буржуазия ҳал қилмайдиган зиддият ана шундан келиб чиқади. Ҳозирги замон буржуа идеологларининг Г. ҳақидаги муҳокамаларининг мақсади, одатда, капитализмнинг ҳақиқий иллатларини, унинг гайри инсоний моҳиятини яширишдир. Деярли энг аввалдан бошлаб Г. ичида бошқа бир оқим ҳам ажралиб чиққан эди, унинг вакиллари бўлмиш *Мор*, *Кампанелла*, *Мюнцер*, кейинроқ эса утопик социализм тарафдорлари меҳнаткашлар оmmasининг манфаатларини ифодаладилар. Улар жамиятнинг антигуманистик характерини кўргач, унинг иллатларини танқид қилдилар, мол-мулк тенглигини талаб қилдилар, лекин улар тарихнинг объектив қонуналарини билмаганларидан, адолатли жамиятга эришишнинг реал йўллари ва воситаларини очиб беролмас эдилар. *Социалистик* Г.—сифат жиҳатдан янги Г. дир. Маркса-Ленинча философия ва илмий коммунизм назарияси социалистик Г. нинг назарий асосини ташкил этади; бу философия ва назария меҳнаткашларни социал зулмдан озод қилиш, коммунизм куриш барча кишиларнинг ҳар томонлама ва уйғун равишда камол топиши учун, шахсининг чинакам эркинлиги учун зарурий шарт эканлигини исбот қилиб берди. Социалистик Г. пролетариат идеологиясининг муҳим таркибий қисмидир, чунки фақат шу синфига эксплуататор синфларга қарши, коммунизм учун олиб бораётган кураш билан инсоният гуманистик идеалларининг тавталаси учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Социализм хусусий мулкка, кишининг киши томонидан эксплуатация қилинишга барҳам бериб, кишилар ўртасида чинакам инсонпарварлик муносабатларини: киши кишига дўст, ўртоқ ва биродар муносабатларини ўрнатмоқда. Коммунизм Г. нинг олий мужассам тимсолидир, коммунистик жамиятда ҳар қандай тенгсизлик қолдиқларига барҳам берилади, «Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга эҳтиёжига яраша» деган принцип барқарор қилинади, шахс-

нинг ҳар томонлама, муқаммал ривожланиши учун ҳамма шарт-шароит яратилади. Г. тушунчаси шунингдек Уйғонish даврининг маданияти ва идеологиясини тавсифлаш учун ҳам ишлатилади.

«ГУМАНИСТИК» ЭТИКА—буржуа ахлоқ назариясида бир йўналиш бўлиб, у 20-асрнинг 20-йилларидан бошлаб АҚШда тарқалган. Унинг асосий вакиллари — У. Файт, И. Бэббитт, К. Гарнет ва И. Левин — ўз назарияларига шундай деб ном беришларига сабаб шуки, улар ахлоқ-одобни «ўзинга хос инсоний» ҳодисалардан келтириб чиқарар эмишлар, ҳақиқатда эса, буни улар индивидуал психология ҳодисаларидан келтириб чиқарадилар. Ахлоқ асосларини бу хилда чеклаб қўйиш «Г.» э. тарафдорларини ахлоқ-одобни ниҳоятда индивидуалистик ва субъективистик тушунишга олиб келади. Ахлоқ мезонини улар инсоннинг ўз ҳаракатларини англаб олишдан ва илгари ўз олдига қўйган ҳар қандай мақсаддан воз кечишга тайёр бўлиб туришдан (Файт), индивиднинг ички саранжомлигидан ва «ташқи экспанция»дан воз кечишдан (Бэббитт), донишмандликдан (Гарнет) ёки ниҳоят хатти-ҳаракатнинг оқилона бўлишидан (Левин) иборат қилиб қўядилар. Бу критериялар (мезонлар)нинг ҳаммаси нуқул юзаки бўлиб, ахлоқнинг конкрет мазмунини очиб бермайди: улар шахс билан жамият ўртасидаги ахлоқий муносабатларнинг мураккаб системасидан бутунлай ўзбосимчалик билан юлқиб олинган. «Г.» э. ахлоқда барча кишилар учун барабарига жорий этиладиган умумий принципларнинг аҳамиятини инкор қилади: бунда ҳар бир шахс ўз ҳаракатлари учун бирдан-бир ҳақам бўлиб майдонга чиқади. Мас. Файт, инсон ўз-ўзларини ҳимоя қилишга қодир бўлмаган бошқа кишиларнинг манфаатларини ҳурмат қилишга мажбур эмасдир, деган хулосага келади. Шундай қилиб, «Г.» э. нинг ҳақиқий гуманизм билан ҳеч қандай алоқаси йўқдир, унинг ошқора индивидуализми баъзан эгоизмни оқлаб кўрсатишга ўтиб кетади.

ГУМБОЛЬДТ Александр (1769—1859)— немис философи, табиятшуноси, ҳозирги замон географиясига асос солганлардан бири. Г. нинг асарлари ичда фалсафий жиҳатдан мароқли бўлганлари: «Изтиробланган мускул ва нерв толалари устида ўтказилган тажрибалар» (2 томлик, 1797—99), «Табият манзаралари» (1808), «Ўсимликлар географияси» (мақолалар туркуми, 1806—26), «Янги дунёнинг кеча-кундуз барабарлашадиган соҳаларига саёҳат» (30 томлик, 1807—33), «Космос» (5 томлик, 1845—59) номли асарлардир. Философиянинг асосий масаласини Г. материалистларча ҳал қиларди. Ички активлик кучига эга бўлган материяни у бирдан-бир космик субстанция деб ҳисобларди. Унинг фикрича, ҳаракат, макон ва замон материянинг ялли умумий ва туб асосли хоссаларидир. Г. ҳаракатни ҳодисаларнинг универсал ўзаро алоқадорлиги ва ривожланишининг бирлиги, деб диалектик талқин этилишини қаттиқ туриб ҳимоя қиларди. У ҳаракатнинг манбаи ва характери тўғрисидаги механистик концепцияни бартараф қилишга уринар ва Гегель ифодалаб берган диалектика қонуларини материалистларча талқин қилишга ҳаракат қиларди. Г. Кантни, Шеллинг ва Гегель натурфилософиясини, Кантнинг позитивизмини танқид қилиб чикди. Фан билан материалистик философиянинг иттифоқ бўлишига у катта аҳамият берарди. Унинг фалсафий ва табиий-илмий ғоялари метафизик қарашларнинг илди-энга ботла уришга ёрдамлашди. Г. сенсуализм билан рационализмнинг бирлигини эътироф қилган ҳолда, воқеликни поэтик англашни ёқлаб фикр юритарди, унинг фикрича, воқеликни бундай англаш билишни ижтимоий фойдали ва инсонпарвар қилиб қўяди. Г. нинг гносеологик қарашларининг кучли томони — табиат билан экспериментал алоқа қилиш заминда билишга эришиш мумкинлигини эътироф қилишдан иборат. Индукция, дедукция, анализ, синтез, унинг фикрича, илмий мантикий тафаккурнинг энг муҳим қонуларидир. Г. немис бур-

жуазиясининг радикал қанотининг маифаатларини ифодалар, 18-аср охиридаги француз буржуа революциясини хуш кўрарди.

ГУМБОЛЬДТ Вильгельм (1767—1835) — немис философи, тилшунос ва давлат арбоби, *А. Гумбольдтнинг* акаси. Унинг асосий асарлари: «Давлат фаолиятининг чегаралари тўғрисида» (1792), «Гётеннинг «Герман ва Доротея» эпосининг обзори» (1799), «Тарихчининг вазифалари тўғрисида» (1821), «Ява оролидаги кавиларининг тиллари ҳақида» (1836—39). Г. Кантнинг фалсафий таълимотини қабул қилиб, уни ижтимоий тарих материали асосида конкретлаштиришга ва ривожлантиришга уринди, бир қанча масалаларда эса объектив идеализм томонига оғди. Г. нинг тарихий билиш назариясига кўра, жаҳон тарихи билиш доирасидан ташқарида турадиган руҳий кучнинг фаолияти натижа-сиздир. Г. нинг фикрича, инсоният тарихи, гарчи у индивидларнинг изоҳлаш мумкин бўлган иштиёқлари силсиласидан таркиб тошиб, тасвирга бўйин берадиган бир нарса сифатида намойиш бўлса-да, ҳар ҳолда уни сабабли нуқтан назардан тушуниб бўлмайди. Ала шунинг учун ҳам фан сифатидаги тарихнинг ўзини маълум даражада эстетика босини мумкин. Тил тўғрисидаги таълимотида Г. тилларнинг қийсий-тарихий тадқиқот методи каби жуди қимматли методи тақдим этди. Г. немис буржуазияси либерал қанотининг вакили эди. Унинг антифеодал қарашлари маориф системасини реформа қилиши, Германияни бирлаштириши идеялари доирасидан нарига ўтмас эди. Берлин иттифоқи ташкил этишда (ГДР) актив қатнашди. Бу ун-тет А. ва В. Гумбольдтлар номига қўйилган.

ГУРВИЧ Георгий Давидович (1894—1965) — француз социологи, Россияда туғилган, 1917 йилдан кейин мухожир бўлиб Францияга кетган. Асосий асарлари — «Социологиянинг ҳозирги замондаги вазифаси» (1950), «Социал детерминизм ва инсон эркинлиги» (1955). Социологияда диалектик гилерэмпиризм деб аталувчи

оқимнинг асосчиси. Бу оқим социал реаллики унинг барча «қатламлари», «даражалари», «ўлчовлари ва аспектилари»да унинг барча «зиддиятлари» билан ҳар томонлама ўрганиши даъво қилади. Ҳақиқатда эса, Г. нинг концепциясида тарихга хилофлик, ўта формализм ва идеализм яққол кўри-ниб турибди, чунки бу концепция жамиятнинг ягона белгилувчи асоси тушунчасини, объектив социологик қонунларни, жамият ва тараққиёт тушунчаларини «сохта проблемалар» деб эълол қилади ва социологиядан чиқариб ташлайди. Г. тинчлик тарафдорлари ҳаракатига қўшилган эди.

ГУССЕРЛЬ Эдмунд (1859—1938) — немис идеалист философи, феноменология мактаби деб аталувчи оқимнинг асосчиси (*Феноменология*), Геттинген ва Фрейбургда профессор. Унинг философиясининг манбалари — *Платон, Лейбниц, Брентано* таълимотларидир. Г. нинг назарий программаси — философияни жиддий фанга айлаштиришдан, илмий билимнинг соф логикасини яратинишдан иборат. Г. нинг фикрича, шу мақсад билан лантиқий категорияларни ва қонунларни соф ҳолида дастлаб ажратиб олмоқ зарур. Философияда дунёқараш бетарафлигини даъво қилган Г. борлиқдан ажратилган «соф онг»ни ва конкрет субъект (индивид) онгини ажратиб кўрсатишга уринган эди. Шу тариқа платонча объектив идеализм руҳидаги «соф моҳиятлар»га эришилади. Улар «аҳамиятга эга бўлсалар-да», лекин ўз-ўзинича мавжудликка эга эмасдилар. Умуҳан олганда, Г. нинг қарашлари асос эътибори билан субъектив-идеалистик қарашлардан иборат, чунки билишнинг предмети, объекти, унинг нуқтан назарича, субъектнинг унга қаратилган онгидан ташқарида мавжуд бўлмайди. Предмет унга қаратилган интуитив натижасида очилади (ва яратилади). Ҳақиқат критерияси — субъектнинг шахсий кечинмаларидан иборат. Г. нинг идеялари буржуа философиясининг ундан кейинги ривожига катта таъсир кўрсатди. Г. объектив идеализмининг элементлари *Н. Гартманнинг* «танқи-

лий онтологиясида ҳамда АҚШ ва Англиянинг неореалистик мактабларида ривожлантирилди. Г. нинг субъектив идеализми эса немис (айниқса Хайдеггер) экзистенциализмга кўп жиҳатдан асос бўлди. Асосий асарлари—«Мантқиқий тадқиқотлар» (1900, 1901) ва вафотидан кейин эълон қилинган «Европа фанларининг кризиси ва трансцендентал феноменология» (1954), «Биринчи философия» (1956—59).

ГХОШ Ауробиндо (1872—1950)— ҳинд идеалист философи, «интеграл веданта» деб аталувчи оқимнинг асосчиси. 20-асрнинг бошларида ҳинд миллий-озодлик ҳаракатининг экстремистлар деб аталувчи радикал қаноти йўлбошчиларидан бири бўлиб майдонга чиқди. 1922 йилда диний жамоа (Ашрам)ни таъсис этди. Г. нинг асосий философик асарлари—«Илоҳий ҳаёт», «Инсоният тарихининг давра-си», «Инсоният бирлигининг идеали». Бу асарларда ведантаннинг турли йўналишларининг элементлари (адвайта, двайта, вишишта) Ғарбнинг идеалистик философияси (Гегель, Брэдли, Александер) идеялари билан чатишиб кетади. Г. нинг фикрича, инсоният тарихи жараёнида «етилмаган онг»дан онгга ва «олий онг»га ўйилди ва худди ана шу мистик «олий онг»га эришилганда тарихнинг жумбоқлари ҳал қилинади ва инсониятнинг орзу-умидлари рўёбга чиқарилади. Г. ижтимоий тараққиётнинг капитализмдан ва социализмдан фарқ қиладиган «учинчи йўли»ни кашф этганлигини даъво қилди, амалда эса буржуазиянинг идеологи бўлиб майдонга чиқди. Агар 1914—20 йилларда унинг фалсафий таълимотида миллатларнинг мустақил тараққиёт ҳуқуқини ҳимоя қилиш, феодал ўтмишни, империалистик сиёсатни танқид қилиш ва ш. к. масалалар энг муҳим роль ўйнаган бўлса, кейинги йилларда унинг таълимотининг динни тарғиб этиш ва социализмни танқид қилиш билан боглиқ бўлган реакцион томонлари биринчи ўринга сурилди.

ГУЗАЛЛИК — эстетика категорияси бўлиб, унда воқелик ҳодисалари

ва санъат асарлари ўз инъикосини ва баҳосини топади; бу санъат асарлари инсонга эстетик лаззат ҳис-туйғусини бағишлайди, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида: меҳнат, социал-сиёсий, ва маънавий соҳаларида инсоннинг яратувчилик ва билувчилик кучлари ва қобилиятларининг эркинлиги ва тўлиқлигини предмет-ҳиссий формада гавдалантиради. Г. — воқеликни эстетик ўзлаштиришнинг асосий ижобий формасидир. Унда эстетик идеал ўзининг бевосита ифодасини топади. Г. озодлик ва инсоният тараққиёсига душман бўлган кучлар билан курашда, хунуклик ва қабиҳлик билан курашда шаклланганлигидан, у ҳаётда фожиавий вазиятлар орқали қарор топиши, фожиавий характерга эга бўлиши мумкин. Идеализм (Платон, Кант, Гегель) Г. ни руҳнинг, онгнинг (объектив ёки субъектив онгнинг) хоссаси деб қарарди. Марксдан бурунги материализм Г. нинг объективлигини қаттиқ туриб ҳимоя қиларди-ю, лекин кўпинча, ўзининг мушоҳадакорлигига кўра, Г. ни нуқул табиий сифатдан иборат қилиб қўярди (қисмлар билан бутуннинг симметрияси, гармонияси, инсоннинг табиий вужуд эканлиги ва ҳ. к.). Н. Г. Чернышевский Г. нинг ҳаёт деб, ҳаётнинг тўлиқ юз бериши деб оригинал ва революцион таърифини илгари сурди, «Г.» тушунчаси тарихий характерга ва турли синфларда турли мазмунга эгадир. Диалектик-материалистик эстетика Г. ижтимоий-тарихий практиканинг маҳсулидир, деган фикрга асосланади. Г. ижтимоий одам (объектив қонунларни билиш меъёрига мувофиқ равишда) муайян тарихий шароитда ўзининг ижодий истеъдодларини ва қобилиятларини энг тўлиқ ва эркин суратда рўёбга чиқарган, у предмет ҳиссий олам устидан ҳукмронлик қилган, меҳнатдан жисмоний ва интеллектуал кучларнинг ўйинидан лаззатлангандек лаззатланган чоқда бунёда келади ва ривожланади. Г. ўзининг умумлашган ифодасини санъат асарларида, бадий образларда топади. Ҳаётдаги ва санъатдаги Г. руҳий шодлик ва лаззат бахш этиб; жамият-

да гоят катта билувчилик ва тарбиячилик ролинн ўйнайди. Капитализм ўз моҳияти билан санъатга ва инсоннинг эстетик камол топишига душмандир. Ҳозирги замон шароитида ҳақиқий Г. жамиятни революцион йўл билан қайта қуриш учун кураш йўлла-

ридагина ўсиб ривожланмоқда. Фақат коммунизм барча меҳнаткашларни гўзаллик қонунлари юзасидан ижодийга жалб этиш учун қулай социалистик шароитларни вужудга келтирмоқда.



ДАВИДОВ Иван Иванович (1794—1863)— рус идеалист философи ва филозоги, Москва ун-тетини тамомлаган ва 1822—47 йилларда профессор бўлган. Ҳз фаолиятининг илк даврида турли фалсафий идеяларни — сенсуализм ва шеллингча идеализмни эклектиklarча бирга қўшган, бу эса унинг «Логиканинг бошланғич асослари» асаарида (1819—20) акс эттирилган; унинг «Философиянинг фан сифатида мумкинлиги ҳақида кириш сўзи» ҳам (1826) шеллингча-идеалистик нутқ эди. Кейинчалик Д. «расмий халқ» реакцияон идеологиясининг тарафдори бўлиб, ўзининг бутун эътиборини адабиётшунослик, филология ва эстетика проблемаларига қаратди. «Бизда герман философияси мумкин бўларми-кан» (1841) мақоласида Д. Гегель философиясини ўнгдан танқид қилди ва рус фалсафий тараққиётининг миллий ўзига хослиги идеясини славяно-филларча (*Славянофиллар*) талқин қилди.

ДАВЛАТ — иқтисодий жиҳатдан ҳукмронлик қилувчи синфнинг сиёсий ташкилоти бўлиб, бу ташкилотнинг мақсади мавжуд тартибни қўриқлаш ва бошқа синфларнинг қаринлигини бостиришдан иборат. Д. жамият синфларга бўлиниши натижасида эксплуатация қилинувчи халқни бостириш учун эксплуататор синфнинг қурол сифатида пайдо бўлди. Д. нинг ташкил топиш процесси ўз армияси, полицияси, турмалари ва турли хилдаги мажбур қилиш муассасалари билан алоҳида ошқора ҳокимиятнинг ажраллиб чиқишидан иборат эди. Ишлайб чиқариш воситаларига хусусий эгаллик қилишга асосланган жамиятларда Д. ҳаминша ҳукмрон эксплуататор синфнинг, унинг диктатурасининг қурол сифатида, бостириш формалари қанчалар бўлишидан қатъи назар, эксплуатация қилинувчи омми бостириш учун махсус куч бўлиб келди. **Хитрий** замондаги империалистик Д. **лар** монополистик буржуазиянинг ҳукмронлигини сақлаб қолиш ва кен-

гайтириш мақсадини кўзлаб, халқларнинг озодлик ҳаракатини, оммианинг тинчлик, демократия ва социализм учун курашини бостиришга уринмоқдалар. Пролетар Д. и. принципиал равишда бошқача характерга эгадир. Бу Д. ҳам синфий диктатура, яъни *пролетариат диктатурасидир*, аммо барча меҳнаткашларнинг — аҳолининг катта кўпчилигининг манфаатларини кўзлаб иш тутадиган диктатурадир, бинобарин, бу Д. нинг мақсади эксплуататорларни бостиришдан иборатдир. Социалистик Д. турли формаларга эга бўлиши мумкин, лекин уларнинг моҳияти битта: пролетариат диктатурасидир. 2-жаҳон урушидан кейин Европа ва Осиёнинг бир қанча мамлакатларида халқ демократияси Д. лари пайдо бўлди, улар СССРдаги Советлар билан бир қаторда социалистик Д. формаларидирлар. Энгельс, пролетар Д. ини эндиликда асл маънодаги Д. деб ҳисоблаш мумкин эмас, деб ёзган эди. Асл маънодаги Д.— ўзини кўпроқ халқдан бегоналаштирадиган, унга қарама-қарши бўлиб турадиган ва вазифаси халқни эксплуататор синф иттифотида сақлашдан иборат бўлган кучдир. Пролетар Д. и. эса ўз моҳиятига кўра халқ манфаатларини *ифодалайди*. Ана шундан унинг бошқа бир хусусияти келиб чиқади, бу хусусиятини Ленин таъкидлаб, уни «*ўлаб* борадиган давлат» деб атаган эди. Д. абадий мавжуд бўлмайди. Келажакда у ўз ўрнини коммунистик ижтимоий ўз-ўзини бошқаришга бўшатиб беради. Коммунистик жамият қурилиши жараёнида ишчилар синфи диктатурасидан ўсиб чиқадиган *умумхалқ давлати* келажакда давлатсиз жамиятга бориш йўлидаги бир босқичдир.

ДАВЛАТ ВА ДАВЛАТ-МОНОПОЛИСТИК КАПИТАЛИЗМ — капиталистик экономика формалари бўлиб, бу формаларнинг характерли хусусияти шуки, бунда хусусий капиталистик хўжаликлар давлат хўжаликларига айланади ва давлат мамлакатининг хў-

жалик ҳаётига кенг миқёсда аралашадиган бўлади. Монополиялардан олдинги даврда Д. к. капиталистик такрор ишлаб чиқариш процессини тезлаштиришга хизмат қилди. Давлатнинг аралашуви шунда ифодаландики, капиталистик экономиканинг ривожланиши учун қулай шароитлар яратиб берилди (хусусий капиталистларга ёрдам пули берилди, улар ҳимоя остига олинди, давлат ҳисобига йирик корхоналар қурилди ва ҳ. к.). Капиталистлар давлатдан мустамлакалар босиб олиш учун ҳам фойдаландилар. Имперализм даврида давлатнинг мамлакат экономикасига иқтисодий жиҳатдан аралашуви учун шарт-шароит кучаяди: ишлаб чиқаришни концентратсиялаш ва умумлаштиришнинг ўсиши монополияларга мамлакат экономикасини давлат орқали назорат қилишга имкон беради. Д.-м. к. вужудга келиб, унинг характерли хусусияти шу бўладики, энг йирик монополиялар меҳнаткашларни энг қўн талаш ва монопол-юқори фойда олиш мақсадида буржуа давлат ашарати билан бирланиб, чатиниб кетадилар. Экономикага давлатнинг аралашуви пировард ҳисобда молия капиталининг манфаатларини кўзлаб, ишчилар синфига қарши қаратилган ҳолда амалга оширилади, бу эса эксплуатацияни кучайтиришга олиб боради (тўғри, бу ҳол давлат билан хусусий монополистик группалар ўртасида низолар чиқиши мумкинлигини истисно қилмайди). Д.-м. к. шароитида капиталистик экономиканинг давлат томонидан тартибга солиниши турли формаларда амалга оширилади, бу формалардан асосийлари давлат мулки, давлат соҳибкорлиги, товарларни давлат йўли билан сотиб олиш ва давлат йўли билан хизмат кўрсатиш, капитал солишларни ва истеъмолчилик талабини тартибга солиш, экономикани «давлат йўли билан программалаштириш»дан иборат. Жаҳон капиталистик экономика доирасида ишлаб чиқаришнинг тобора кўпроқ умумлаштирилиши Д.-м. к. нинг халқаро формаларини вужудга келтирди: халқаро иқтисодий муносабатлар хал-

қаро иқтисодий ташкилотлар (мас., ТСГБ — тарифлар ва савдо ҳақида генерал битим, ХВФ — Халқаро валюта фонди, ХРРБ — Халқаро реконструкция ва тараққиёт банки) ёрдамида давлат йўли билан тартибга солинди, импералистик интеграция йўлига қўйилди ва ҳ. к. Лекин буларнинг ҳаммаси капитализмнинг социал табиатини ўзгартирмайди ва капитализмнинг эволюцион йўли билан ўзгариб социализмга айланishiга хизмат қилмайди. Капитализмнинг табиати шундайки, давлатлаштириш процесси муайян доира билан чегараланган бўлади, бутун капиталистик ишлаб чиқаришнинг тамомла қамраб ололмайди. Д.-м. к. капитализмнинг асосий қонувларини бекор қилмайди, ишлаб чиқариш анархиясини, иқтисодий кризисларни бартараф қилмайди. У ишлаб чиқаришни янада концентратсиялаш ва умумлаштиришга олиб келади, капитализмнинг асосий зиддиятини, яъни ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги, меҳнат билан капитал ўртасидаги зиддиятни ниҳоят даражада кескинлаштиради ва бу билан унинг узл-кесил ҳалокатини яқинлаштиради. «Давлат-монополистик капитализм — социализмни энг тўла моддий тайёрлаш демакдир, унинг муқаддимаси демакдир, бу тарихий зинапоиннинг шундай босқичидирки, бу босқич билан социализм деб аталадиган босқич ўртасида ҳеч қандай оралиқ босқичлар йўқдир» (Ленин, 34-т., 193-б.). Меҳнаткашларни эксплуатация қилишни кучайтирадиган, ишчи ва миллий ҳаракатни бостирадиган Д. м. к. дан мустамлакачилик ҳукмронлигидан озод бўлган мамлакатлардаги Д. к. ни фарқ қилмоқ зарур. У мазкур мамлакатларда прогрессив роль ўйнаб, миллий экономикани ривожлантиришга ва миллий мустақиллигини мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда. Бирор мамлакатдаги Д. к. га баҳо берганда ундан кимнинг манфаати учун: монополиялар манфаати учунми ёки халқ манфаати учунми фойдаланаётганини назарда тутмоқ керак. Пролетариат диктатураси шароитида Д. к.

асосий иқтисодий уклад бўлмай, принципал равишда бошқача мазмун касб этади, яъни ишчилар синфи назорати остида бўлиб, йирик ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун фойдаланилади. Ленин сўзлари билан айтганда «агар давлатдаги ҳокимият ишчилар синфи қўлида бўлса, давлат капитализми орқали ҳам коммунизмга ўтиш мумкин» (45- т., 263- б).

ДАВЛАТ ВА КОЛХОЗ-КООПЕРАТИВ МУЛК ФОРМАЛАРИ — социалистик мулкнинг икки формаси. Бу формаларнинг иккаласи ҳам ишлаб чиқариш воситаларига коллектив эгаллик қилишга асосланган. Улар ўрта-сидаги тафовут шундан иборатки, давлат мулки бутун халққа қарашли бўлиб, кооператив-колхоз мулки эса қишлоқ ва кустар-хунармандчилик кооперацияси айрим ишлаб чиқариш коллективларининг мулкидир. Колхозларга ер абдий бириктирилган бўлиб, бу ерларни улар ўз хоҳишларига мувофиқ тасарруф қиладилар. Меҳнат натижалари, ҳаракатланувчи ва ҳаракатланмовчи мол-мулк колхозга қарашлидир. Қишлоқ хўжалик артели аъзолари ижтимоий мулкка эгаллик қилишдан ташқари, ўз ихтиёрларидаги ёрдамчи хўжаликдан — томорқа, майда мол ва ш. к. лардан ҳам фойдаланадилар. Колхозлар ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиши муайян босқичга етиб, колхозчиларнинг эҳтиёжларини ижтимоий ишлаб чиқариш ҳисобидан тўла қондириш мумкин бўлган чоқда, ёрдамчи хўжалик аста-секин барҳам топади. Муайян мулк формаларининг ўзаро муносабатида давлат, умумхалқ мулки етакчи роль ўйнайди. Коммунизм қурилиши жараёнида улар аста-секин яқинлашиб боради. КПСС Программасида келажакда уларнинг ягона коммунистик мулкка қўшилиб кетиш йўллари кўрсатилган. Давлат мулки ишлаб чиқаришни концентратиялаштириш ва марказлаштириш, уни янада кооперативлаштириш ва ихтисослаштириш йўли билан такомиллаштирилади. Кооператив колхоз мулки умумхалқ мулкига колхозларнинг иқтисодий жиҳатдан янгида ривожланиши, улар асосий

фондларининг ўсиб бориши, колхоз мулкини давлат мулки билан кооперативлаштириш, колхозлараро ишлаб чиқариш алоқаларининг ривожланиши (колхозлараро электр станциялар қуриш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари барпо этиш ва ҳ. к.) йўли билан яқинлашади.

«ДАВЛАТ ВА РЕВОЛЮЦИЯ. Давлат тўғрисида марксизм таълимоти ва революцияда пролетариатнинг вазифалари» — В. И. Лениннинг 1917 йил август-сентябрда ёзилган ва 1918 йил май ойида нашр этилган асари. Россияда социалистик революцияга тайёргарлик кўриш шароитида пролетариатнинг давлатга муносабати тўғрисидаги масала кескин назарий ва амалий-сиёсий аҳамият касб этди. «Д. ва р.» да Ленин давлат тўғрисидаги марксистик назариянинг асосий проблемаларини, бу назарияни Маркс ва Энгельс 1848—51 йиллардаги революцияларнинг ва хусусан 1871 йилги Париж коммунасининг тажрибасини умумлаштириш асосида ривожлантирилганлигини ёритиб берган. Ленин марксизмнинг, ишчилар синфининг революцияда давлатга нисбатан асосий вазифаси — буржуа давлат машинасини синдириш ва *пролетариат диктатурасини* ўрнатишдан иборат, деган хулосасини асослаб берди. Ленин коммунистик жамиятнинг икки фазасини тавсифлаб, пролетар давлатининг ўлиб боришининг иқтисодий асосларини анализ қилади ва социалистик давлатчиликнинг ривожланиш йўлларини: демократизмни кенгайтириш, жуда кенг меҳнатқашлар оmmasини давлатни идора қилиш ишларига жалб этиш ва ҳ. к. белгилаб беради. В. И. Лениннинг китобида марксизмнинг давлат тўғрисидаги таълимотини бузган, бу таълимотнинг революцион мазмунини ситиб чиқарган (айниқса пролетариат диктатурасини инкор қилган) анархизм ва оппортунизм маъв этувчи даражада қаттиқ танқид қилинган. Лениннинг *социалистик давлат* тўғрисидаги асосий идеялари КПСС Программасида янада ривожлантирилди.

ДАЙ ЧЖЭНЬ (1723—77) — хитой материалист философи. Табиий фан-

ларин, айниқса математика ва астрономияни ўрганишга кўп эътибор берди. Д. Ч. нинг таълимотига кўра, табиат абдийдир ва инсон онига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир. Неоконфуцийчилик натурфилософиясининг икки асосий—идеявий «ли» ва моддий «ци» тушунчаларининг ўзаро муносабати ҳақидаги саволга жавоб бераркан, Д. Ч., «ци» бирламчи, «ли» эса иккиламчидир, деди. Олам доимо қарор топиш ва ривожланиш процессидадир. Ҳаракатни у қарама-қарши кучларнинг: ижобий «ян» ва салбий «ин»нинг (*Ньн ва ян*) ўзаро таъсирига боғлаб изоҳларди. Уларнинг ҳаракати абдий бўлиб, уни йўқ қилиб ва табиатдан ажратиб бўлмайди. Барча ҳодисалар ва нарсалар табиий заруриятга бўйсундирилгандир. Д. Ч. сезгиларни билишнинг асоси деб эътироф қилган ҳолда, «туғма билим»нинг мавжудлигини инкор этарди. У умумий ҳулосаларни тажриба йўли билан текшириш зарурлигини айтарди. Ўзининг ижтимоий-сиёсий қарашларида у, халқнинг озодлиги маорифнинг ривожланишига ва шахснинг ўз-ўзини ахлоқий камолатга етказишига боғлиқдир, деган фикрini билдирарди.

ДАЛАМБЕР Жан Лерон (1717—83)—18-асрдаги француз маърифатчилиги вакилларида бири, философ ва математик. Д. *Дидронинг* сафдоши бўлиб, Энциклопедиянинг математик бўлимига редакторлик қилган (*Энциклопедистлар*). У инсон билишининг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихини ёзишга ҳамда асосан *Ф. Бэкон* принципларига таянган ҳолда фанларни туркумлашга уринган. Философияда Д. *сенсуализм* тарафдори ва декартча *туғма идеялар* назариясининг муҳолифи эди. Бироқ унинг сенсуализми изчил материалист эмас эди. Д. нинг фикрича, тафаккур материянинг хоссаси эмасдир, жон (руҳ) эса материяга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир. Шундай қилиб, Д. *дуализм* позицияларида турарди. Шунингдек у *нарсаларни билиш* мумкинлигини ҳам инкор этарди. Бошқа француз маърифатчиларига қарама-

қарши ўлароқ, у ахлоқ-одоб ижтимоий муҳит шароитига боғлиқ эмасдир, деб даъво қиларди. Д. худони уюштирувчи субстанция, деб эътироф этарди. Д. нинг поизчиел сенсуализми Дидро асарларида, жумладан унинг «Даламбернинг туши» асарида (1769) танқид қилинган. Д. нинг асосий фалсафий асари — «Философия элементлари»дир (1759).

ДАЛЬТОН Жон (1766—1844)—инглиз химия ва математика олими. Д. нинг асарлари атомлар ва бошланғич элементлар ҳақидаги натурфилософик тасавурларнинг экспериментал маълумотлар билан конкрет алоқасини аниқлашда катта роль ўйнади. Д. химиявий элементларни атомларнинг қатъий муайян миқдорий характеристикага — атом оғирликка эга бўлган турлар деб қарарди ва кўп химиявий элементларнинг атом оғирликларини аниқлаб чиққан эди. Д. ўзаро фақат бутун-бутун единицалар билан бирки оладиган, химиявий жиҳатдан бўлинмас атомлар ҳақидаги идеяга асосланиб, химиянинг асосий қонуналаридан бирини — содда қиррали нисбатлар қонунини кашф этди. Д. нинг кашфиётлари атомистиканинг натурфилософик фароздан табиий илмий назарияга айланишига кўмаклашди, табиёт илмида материализмнинг позицияларини мустақкамлади. Худди шунинг учун ҳам Энгельс Д. ни ҳозирги замон химиясининг отаси деб атаган эди.

ДАО — хитой классик философиясида энг муҳим категориялардан бири. Дастлабки пайтда Д. «йўл», «тариқат» деган маънони билдирарди. Кейинчалик Д. тушунчаси философияда табиатнинг «йўллари»ни, унинг қонуниятларини билдириш учун табиқ этиладиган бўлди. Шў билан бирга Д. инсоннинг ҳаётий йўли маъносига ҳам эга бўлиб, «ахлоқ нормаси» («дао-дэ») тушунчасига айланди. Тафаккурда Д. «логика», «асос», «далил» («дао-ли») маъносини билдирарди. Хитой философияси ривожланиб бориши билан бирга Д. тушунчасининг мазмуни ҳам ўзгариб борди. Материалист философияларда (Лао-цзи, Сюнь-цзи, Ван Чун ва б). Д. нар-

саларнинг табиий йўли, уларнинг қонуниятини деб қаралади. Идеалистларда Д. «идеявий ибтидо», «ҳақиқий йўқлик» (Ван Би ва б.), «илоҳий йўл» (Дун Чжун-шу ва б.) деб талқин этилади. Шундай қилиб, Д. асосий нуқталардан бири бўлиб, унда материалистлар билан идеалистларнинг қарашлари ажралиб кетади.

ДАОСИЗМ — «дао» ёки нарсаларнинг «йўли» ҳақидаги таълимот бўлиб, у Хитойда эраимиздан олдинги 6—5-асрларда пайдо бўлган. *Лао-цзи* Д. нинг асосчиси деб ҳисобланади унинг асосий идеяларини «Дао дэ цзин» китобида баён қилинган. Ҳамма нарсалар ўз «йўли» — «дао» туфайли туғилади ва ўзгаради. Оламда ўзгармайдиган нарсалар йўқ ва ўзгариш жараёнида уларнинг ҳаммаси ўз қарама-қаршиликка айланади. Инсон нарсаларнинг табиийлигига эргашиб бориши, фалсафа сотишдан воз кечиши лозим. Д. ҳукмронликка ва зулмга қарши чиқиб, ибтидоий жамоа ҳаётига қайтишга даъват этарди. Эраимиздан олдинги 4—3 асрларда яшаган *Ян Чжу*, *Сунь Цзянь*, *Инь Вэнь*, *Чжуан-цзи* Д. нинг ташқи тарафдорлари эдилар. Ян Чжунинг фикрича, ҳаётнинг табиий қонунирига (дао) риоя қилиш инсонга «бутунликда ўз табиатини сақлаб қолишга» имкон беради, *Сунь Цзянь* ва *Инь Вэнь*нинг таъбирича, бундай риоя қилиш инсоннинг донишмадлик соҳиб бўлиши ва ҳақиқатин билиши учун ҳам зарурдир. *Сунь Цзянь* ва *Инь Вэнь*, одамнинг жони энг нозик моддий зарралар «цзин ци» дан иборат бўлиб, бу зарралар бизнинг тафаккур организмиз («син»)нинг «тозалиги» ёки «инфосиялигига» қараб келиб-кечиб туради, деб ҳисоблар эдилар. *Чжуан-цзи* тафаккурни «осмон ва ер ойнаси, нарсалар мавзунинг ойнаси» деб атарди. У билишнинг предмети сифатида бирлик ва кўплик, абсолютлик ва инсбийлик, донийлик ва ўзгарувчанлик диалектикасини илгари сурди. Аммо *Чжуан-цзи* бирликни кўпликда, осойишталикни ҳаракатда абсолютлаштиришга, «дао»ни нарсалардан ажратиб алоҳида қилиб қўйишга ури-

нард, бу эса унинг «амалиётсизлик» назариясига ғоявий асос бўлди ва бу назария эраимиз чегарасида Д. динининг шаклланиши учун ғоявий манбалардан бири бўлиб қолди (Д. философиясини диний таълимот бўлган Д. дан фарқ қилмоқ керак). Кейинчалик Д. философиясининг рационал идеялари хитой материалистларининг (*Ван Чун ва б.*) таълимотларида ривожлантирилди.

ДАРВИН Чарлз Роберт (1809—82) — инглиз табиатшуноси, органик олам тарихий тараққиёти назариясининг асосчиси. Кембридж ун-тида таҳсил кўрган. Ўз замонаси биологияси ва қишлоқ ҳўжалик практикаси маълумотларини ҳамда даврий олам саёҳати вақтида (1831—36) тўплаган жуда кўп факт-материалларни умумлаштириб, тирик табиатнинг эволюцияси ҳақидаги хулосага келган. 1859 йилда босилиб чиққан «Турларнинг табиий танланиш йўли билан келиб чиқиши ёки ҳаёт учун курашда қулай шароитдаги зотларнинг сақланиб қолиши» асарида *эволюцион назария*нинг асосий қондаларини баён қилиб берди. 1868 йилда «Қўлга ўргатишга ҳайвонлар ва экиб парвариш қилинадиган ўсимликлар» асарида Д. *сунъий танлаш йўли* билан уй ҳайвонларининг ва маданий ўсимликларнинг пайдо бўлишини тушунтириб берди. «Одамнинг келиб чиқиши ва жинсий танланиш» асарида (1871) одамнинг ҳайвон аждодларидан келиб чиққанлигини табий-илмий асосда изоҳлаб берди. Бироқ одамнинг ҳайвонлар олаmidан ажралиб чиқишини белгиллаган социал сабабларни — меҳнатнинг, бурро-бурро қилиб сўзлашнинг, ибтидоий поданинг, ижтимоий онгининг ролини — кейинчалик Ф. Энгельс очиб берди. Дунёқараши жиҳатидан Д. табий-илмий материалист, стихияли диалектик, атеист бўлса-да, лекин буржуача маҳдудлик хислатларига эга эди. Унинг асарлари илмий биологияни яратишда, идеализмга, теология ва метафизикага қарши курашда муҳим роль ўйнади, табииёт илминини диалектик-материалистик томонга қарата қайта қуришга кўмаклашди.

ДАЯННДА Мульшанкар (тахаллуси — Сарасвати) (1824—83) — ҳинд идеалист философи, диний реформатор. 1875 йилда Бомбейда «Ориё саммаж» (орийлар жамияти)ни ташкил қилди. Бу жамият «ведаларга қайтишни, орийларнинг қадимги динини қайтадан бунёдга келтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Д. бутпарастликка, кўп худолликка, қончиларнинг зўравонлигига, бидъат-хурофотларга, қолоқ урф-одатларга ва ҳ. к. қарши чиқиб, *ҳиндуизмни* ўрта асрчиликка хос хусусиятлардан «тозалашга» уринди. Диний реформаторлик Д. да маърифатчилик идеялари билан ажойиб-ғаройиб бир тарзда қўшилган эди. У умумий табиий-илмий таълимнинг зарурлигини ҳимоя қилиш билан бирга фан натижаларини *ведалар* қоидаларининг ривожланиши тарзида кўрсатишга уринади. Философияда Д. Мадхвнинг двайта-ведантасининг давомчиси сифатида майдонга чиқиб, шу таълимот қоидалари асосида қадим замоннинг 6 «ортодоксал» фалсафий системаларининг ҳаммасини «яраштиришга» уринди. Д. қадимги Ҳиндистон варчаларининг идеаллаштирилган системасини ўрта асрчилик феодализмга тузумига ва ўзига замондош бўлган Ғарб буржуа цивилизациясига қарама-қарши қилиб қўйишга уринади. Унинг сиёсий идеали конституцион монархия эди. Ҳиндистоннинг мустақил миллий тараққиётини ёқлаб фикр билдирган Д. шаклланиб келаётган ҳинд буржуазиясининг идеолог сифатида майдонга чиқди ва ўтмишнинг фалсафий ва сиёсий идеяларини маъзур буржуазия маънавиятларига мослаштирди.

ДЕДУКТИВ МЕТОД —илмий назариялар тузиш усули бўлиб, бу усулнинг ўзига хос хусусияти —хулоса чиқаришнинг дедуктив техникасини татбиқ этишдан иборат (*Дедукция, Хулоса*). Философияда Д. м. билан бошқа методлар (мас., индуктив метод) ўртасида қатъий чегара қўйишга, дедуктив муҳокамани фанда дедукциянинг ролини ғайри тажрибавий равишда ҳаддан ташқари ошириб юбориш деб талқин қилишга уриниб кў-

рилган эди. Ҳақиқатда эса дедукция билан индукция чамбарчас боғлиқ, дедуктив муҳокаманинг бориши эса инсоннинг кўп асрлар давомидаги амалий-билувчилик фаолияти таъноси билан вужудга келгандир. Д. м. илмий билим тузишнинг мумкин бўлган методларидан биридир. Бу метод, одатда, эмпирик материал тўпланиб, уни системалаштириш, ундан барча натижаларни кўпроқ қатъийлик ва изчиллик билан хулоса қилиб чиқариш ва ҳ. к. мақсадида назарий равишда изоҳлангандан кейин татбиқ этилади. Бунда янги билим ҳам ҳосил қилинади —мас., дедуктив равишда тузилган назариянинг мумкин бўлган интерпретацияларининг (шарҳларининг) мажмуи сифатида янги билим ҳосил қилинади. Дедуктив системалар (назариялар) тузишнинг умумий схемаси қуйидагиларни ўз ичига олади: 1) бошланғич базисни, яъни бошланғич терминлар ва тасдиқларнинг мажмуини; 2) фойдаланиладиган маънавий воситаларни (хулоса ва таъриф қоидаларини); 3) (2 ни) татбиқ этиш йўли билан (1)дан ҳосил қилинадиган хулоса тасдиқларнинг (гапларининг) мажмуини. Бу ҳилдаги назариялар татқиқ этилганда уларнинг билимининг генезиси ва ривожидан абстракция қилинган айрим компонентлари ўртасидаги ўзаро муносабат анализ қилиб чиқилади. Бинобарин, уларни ўзича бир хил *формаллаштирилган тиллар* деб қараш мақсадга мувофиқдир, бу тилларини ё синтактик аспектда (бунда тилга кирувчи белгилар ва ифодалар ўртасидаги ўзаро муносабат уларнинг тилдан ташқаридаги маъноси ҳисобга олинмаган ҳолда ўрганилади), ёки семантик аспектда (бунда система белгилари билан ифодалари ўртасидаги ўзаро муносабатлар уларнинг маъноси нукта назаридан қараб чиқилди) анализ қилиш мумкин. Дедуктив системалар аксиоматик системаларга (*Аксиоматик метод*) ва конструктив системаларга (*Конструктив (генетик) метод*) бўлинади. Д. м. дан тажрибага ва экспериментга асосланган равишда фойдаланганда у *эпистемик-дедуктив метод* сифатида юзага келади.

Илмий билимнинг тузилишининг дедуктив усул билан анализ қилиниши антик философиядаёқ бошланган (Аристотель, Эвклид, стоиклар), у янги замон философиясида катта ўринни ишғол қилган (Декарт, Паскаль, Спиноза, Лейбниц ва б.) лекин билимнинг дедуктив тузилиш принциплари 19-асрнинг охири, 20-асрнинг бошларида тўлиқ ва аниқ ифодалаб берилди (бунда математика логика аппарати-дан кенг фойдаланилди). То 19-асрнинг охиригача Д. м. деярли фақат математика соҳасида татбиқ этилди. 20-асрда кўпгина ғайри математик фанларни — физиканинг айрим бўлимлари, биология, лингвистика, со-циология ва б. ни дедуктив (қисман, аксиоматик) тузишга уриниш кенг расм бўлди.

ДЕДУКЦИОН ТЕОРЕМА — мета-логиканинг энг муҳим теоремаларидан бири. Унда айтилади: агар В даги мулоҳаза А да ҳам шундай асос бор, деган фараз билан бирор тўпلام асосларидан хулоса қилиб чиқарилса (*Хулоса*), у вақтда шундай фаразсиз (*А*) да ҳам шундай асос бор, деган фаразсиз) аини тўпلام асосларидан: «Агар А бўлса, у вақтда В бўлади» деган мулоҳаза хулоса қилиб чиқарилди. Д. т. кўпгина муҳим мантиқий системаларга: айтилган фикрлар ва предикатларнинг классик ва конструктив ҳисобларига, формал арифметикага ва ҳ. к. татбиқ этилади. (Айни вақтда, мас., *модал логиканинг* баъзи системаларига уни татбиқ қилиб бўлмайди). Д. т. формаллаштирилмаган муҳокамаларда ҳам кенг татбиқ этилади.

ДЕДУКЦИЯ (лат. deductio — хулоса чиқариш) муҳокама қилиш (*хулоса чиқариш*) усулларидан ва тадқиқот методларидан бири. Д. деганда кенг маънода умуман хулоса тушунилади, кўпроқ ўзига хослик ва кўпроқ ишлатилиш маъносига эса, логика қонунлари асосида бир ёки бир неча бошқа тасдиқлар (асослар)дан ишончли харақатерга эга бўлган исбот ёки тасдиқ (натижа) хулоса қилиб чиқарилди. Дедуктив хулоса чиқарилган тақдирда натижалар асосларда яширин ҳо-

латда бўлса, улар мантиқий анализ методларини татбиқ этиш оқибатида мазкур асослардан келтириб чиқарилиши лозим. Д. тўғрисидаги ҳозирги замон тушунчаси Д. нинг аристотелча, умумийликдан хусусийликка хулоса чиқариш деб талқин қилинишидан анча нарига ўтиб кетган умумлашмасидан иборат бўлиб, аристотелча татрифнинг бир ёқламалигини кўрсатади.

ДЕЗАМИ Теодор (1803—50) — француз революцион утопик коммунизмининг вакили, махфий революцион жамиятларнинг («Ил фелляри жамияти», «Марказий республика жамияти» ва б.) иштирокчиси. 1848 йилги революцияда ишчиларнинг талабларини актив суратда ҳимоя қилди. Узининг утопик назариясида Д. Морелли, Бабёф (*бабувизм*) ва Фурье-нинг издоши бўлиб, *Кабининг* «тинч» коммунизмига ва Ламеннинг «христиан социализми»га қарши чиқди. Уз фалсафий қарашларига кўра, Д. материалист ва атеист, *Гельвецийнинг* издоши эди. Маркс ва Энгельс Д. нинг таълимотига, «реал гуманизм» деб ва «*коммунизмининг мантиқий асоси*» деб юксак баҳо бердилар. Д. нинг асосий асари — «Муштараклик кодекси»дир (1842).

ДЕИЗМ (лат. deus — худо) — худонинг оламнинг шахсиз биринчи сабабчиси сифатида мавжудлигини эътироф қилувчи таълимот. Д. нинг нуқтаи назарича, олам яратилгач, ўз қонунларининг амалига ташлаб қўйилган. Д. Англияда пайдо бўлган. Унинг отаси Г. Чербери (1583—1648). Феодал-черков дунёқараши ҳукмронлик қилган шароитда Д. кўп ҳолларда атеизмнинг яширин формаси, материалистлар учун диндан ажралишнинг қулай ва энгил усули эди. Францияда Вольтер, Руссо, Англияда Локк, Ньютон, Толанд, ахлоқ философи Шефтсбери, Россияда А. Н. Радищев, И. П. Пнин, И. Ф. Ертов ва б. — Д. нинг вакиллари эдилар. Идеалистлар (Лейбниц, Юм) ва дуалистлар ҳам Д. байроғи остида чиқардилар. Ҳозирги замон шароитида Д. замирида динни оқлаб кўрсатишга интилиш яширин-гандир.

ДЕКАБРИСТЛАР — 1825 йил декабрда самодержавиега ва крепостниликка қарши қўзғолон уюштирган рус дворян революционерлари. Ленин Россиядаги озодлик ҳаракатининг дворянлар босқичи ҳақида сўзларкан, Д. билан *Герцени* унинг энг атоқли арбоблари деб атаган эди. Д. махфий ташилотлар туздилар («Шимолий жамият», 1821; «Жанубий жамият», 1821; «Бирлашган славянлар жамияти», 1823); ammo Д. нинг таъсири бу жамиятнинг илгор табақаларини қамраб олди. Д. нинг қуроли қўзғолон бостирилди. Ҳаракатнинг энг таниқли ташилотчилари ва идеологари (П. Пестель, К. Рилеев, С. Муравьев-Апостоль, П. Каховский ва М. Бестужев-Рюмин) қатл этилди ва 100 дан ошиқ киши қаторгага ҳукм қилинди. Д. ҳаракати феодал тартибларга қарши кураш олиб борган халқ оммасининг порозилигини ақс эттирарди. Д. самодержависини йўқ қилишни, ҳуқуқсизлик, крепостникликини тугатишни, демократик эркинликлар барқарор қилишни ўз олдларига вазифа қилиб қўйган эдилар. Д. нинг дворянларча маҳдудлиги халқ революциясидан қўрқинида, қўзғолон вақтида қатъий тактика тутмаганликда ифодаланди. Ленин, Д. халқдан ниҳоят даражада йироқ эдилар, деб кўрсатган эди. Рус давлатининг келажакдаги тузилиш режалари бошлича Пестелнинг «Русская правда»сида, Н. Муравьев томонидан ёзилган «Конституция лейпцигси»да, «Бирлашган славянлар қондалари»да ва б. ҳужжатларда баён этилган. Д. нинг кўпи (Пестель, Рилеев ва б.) республика барпо этиш зарурлигини асослаб бердилар. Д. орасида конституцион монархия тарафдорлари ҳам бор эди. (Н. Тургенев, Г. Батеньков ва б.), бу эса Н. Муравьев конституциясида ақс эттирилган эди. Ленин рус ижтимоий фикрида Д. ўрнатган республикачилик традициясини таъкидлаб кўрсатган эди. Д. нинг лойиҳалари ва ғоялари улар ҳаракатининг буржуача йўлдан боришини ифодаларди. Д. философиянинг вазифасини, «ҳақиқатни

излашдан, ақлни маърифатли қилишдан ва уни хурофотлардан тозалашдан, инсонга ватанга меҳр-муҳаббат ва инсонпарварлик руҳини сингдиришдан иборат, деб билардилар. Д. нинг қарашларининг шаклланишида *Ломоносов* ва *Радищевнинг* материализми, шунингдек француз материалистик философиясининг ғоялари асосий роль ўйнади. Д. крепостниклик идеологиясига қарши динга, мистицизмга ва идеализмга қарши чиқдилар. И. Якушкин, Н. Крюков, П. Борисов, И. Горбачевский, В. Раевский ва б. Д. орасидаги материалистлар эдилар. Уларнинг материализми табиий фанларга таянарди. Мас., Якушкин «Ҳаёт нима?» асарида ёзган эдики, табиат предметлари объектив суратда мавжуддир; материя абадий ҳаракатда бўлган ва маконни тўлдириб турадиган атомлар («бирликлар») дан иборат. Атомларнинг чирмашуви оламий жисмларнинг тузилишига олиб келади. Моддий олам «ўзгартиб бўлмайдиган» қонуларга бўйсундирилган. Улардан асосийлари сабабий қонунилар. Якушкиннинг фикрича, материя тирик вужудларни туғдиради, бу вужудлар тараққиётининг чўққисин инсон бўлиб, у ўзининг фикрлаш қобилияти билан ҳайвонлардан принципал равишда фарқ қилади. Фикр—материал модданинг, яъни миянинг алоҳида хоссасидир. Тафаккурни материалист-Д. материяга нисбат бермас эдилар, унинг ўзига хос хусусиятини таъкидлаб кўрсатардилар, лекин унинг социал табиатини тушунмас эдилар. Д. оламин билдиш мумкинлигини эътироф этиб, билшнинг икки йўлини: тажриба (ҳиссиёт) ва ақл йўлларини қайд қилиб кўрсатардилар. Ҳиссиёт предметларнинг таъсири остида тасаввурларни, сезгиларни вужудга келтиради. Ақл эса оламдаги ҳодисалар ва қонуларнинг муштараклигини, алоқадорлигини очиб беради. Билимларнинг ҳақиқатлиги янги тушунчаларни эски тушунчалар билан мувофиқлаштириш ва улар ўртасидаги зиддиятларни бартараф қилиш йўли билан текширилади. Материалист Д. Декартнинг *дуализмини* ва идеалистик немис фи-

лософиясини таъқид қилиб, ҳаракат иштирокчилари ўртасидаги идеализм тарафдорларига (Е. Оболенский, В. Кюхельбекер, М. Луини ва б.) қарши чиқдилар. Материалистик философия ва табиий фанларни билиш баъзи Д. нинг атеизмга ўтишига ёрдамлашди. Д. диннинг илдизларини маълумларнинг ўзларининг оғир аҳволларини охираг дунёда яхши ҳаёт кечирish умиди билан безашга интилишларида деб билардилар. Д. нинг гоёлари, метафизиклик ва мушоҳадакорлик хусусиятларига қарамай, ўз замонаси учун илгор гоёлар эди. Ижтимоий ҳодисаларни изоҳлашда идеалист бўлган Д. жамият ҳаётида илм-маърифат ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир, деб ҳисоблардилар. Кўп Д. табиий ҳуқуқ ва ижтимоий шартнома тарафдорлари эдилар. Д. ҳаракати рус революционерлари иккинчи авлоди бўлиши революцион демократларнинг камол топишида таъсир кўрсатди.

ДЕКАРТ Рене, латинча ёзувда Картезий (1596—1650)—француз философи, математиги, физиги, физиологи. Ла Флеш иезуит коллежиясида таҳсил кўрган. Армияда хизматни ўтагандан кейин ўша вақтда илгор капиталистик мамлакат бўлган Нидерландияга кўчи борган ва унда 20 йил хилватда яшаб фан ва философия билан шугулланган. Нидерланд илоҳиётчиларининг таъқибидан Швецияга кўчиб кетишга мажбур бўлган (1649) ва ўша ерда вафот этган. Д. нинг философияси унинг математикаси, космогонияси ва физикаси билан боғлиқдир. Математикада Д.—аналитик геометрияни яратувчилардан биридир. Механикада у ҳаракат ва осойишталикнинг нисбийлигини кўрсатди, таъсир ва қарши таъсирнинг умумий қонуни ҳамда икки нозластик жисмнинг урилишида ҳаракатнинг тўла миқдори сақланиши қонунини ифодалаб берди. Космогонияда у фан учун янгилик бўлган кўчи системасининг табиий ривожланиши идеясини ривожлантирди: космик материя зарраларининг уюрмали ҳаракатини у оламнинг тузилишига ва осмон жисмларининг келиб чиқишига сабаб бўладиган мазкур материянинг

асосий ҳаракат формасидир, деб ҳисобларди. Бу гипотеза сўнгра табиатни диалектик тушунишга ёрдамлашди, ваҳоланки Д. ўзи тараққиётни ҳали механистик тарзда тушунарди. Д. нинг математик ва физикавий тадқиқотларига боғлиқ ҳолда унинг материя ёки жисмий *субстанция* ҳақидаги таълимоти таркиб топди. Д. материяни кўлам билан, ёки фазо билан бирдай деб тушунарди: фақат кўламлига субъективликка боғлиқ бўлмасдан, жисмий субстанциянинг зарурий хоссалари тақозоси билан юзага келади, деярд эди у. Бироқ Д. нинг материалистик физикасига *дуализм* кириб олади: Д. нинг фикрича, ҳаракатнинг умумий сабабчиси — худодир: материяни ҳаракат ва осойишталик билан бирга худо яратган, худо материяда ҳаракат ва осойишталикнинг айни бир миқдорини сақлаб туради. Д. нинг инсон ҳақидаги таълимоти ҳам худди шундай дуалистик тарздадир: унинг фикрича, инсонда жонсиз ва тирикмас жисмоний механизм продаланувчи ва фикрловчи жон билан боғлиқдир. Д. нинг фикрича, турли хилдаги жисм билан жон махсус орган — гудасимон без деб аталадиган орган воситаси билан ўзаро таъсир қилишади. Физиологияда Д. ҳаракатлантувчи реакциялар схемасини белгилаб бердики, бу схема рефлектор ҳаракатнинг дастлабки илмий тасвиротларидан биридир. Аммо Д. нинг материалистик физиологияси жоннинг номоддийлиги ҳақидаги таълимот билан зидма-зид тарзда қўшилиб, намойён бўлган эди: Д. нинг фикрича, моҳияти кўлама бўлган жисмдан фарқли ўлароқ, жоннинг моҳияти тафаккурдадир. Д. ҳайвонларни жондан ва фикрлаш қобилиятидан маҳрум бўлган мураккаб автоматлар, деб биларди, холос. *Ф. Бэкон* билан бирга Д. инсоннинг табиат кучлари устидан ҳукмронлигини, техника воситаларини кашф этиш ва ихтиро қилишни, сабаб ва амалларни билишни, инсон табиатини такомиллаштиришни билимнинг туб вазифаси деб биларди. Бу вазифага эришиш учун Д. ҳамма нарсанинг маъжудлигидан дастлаб шубҳаланмоқ

зарур, деб ҳисобларди. Бу шубҳа — бугун мавжудотнинг билиб бўлмаслигига ишониш бўлмай, балки билимнинг сўзсиз ишончли бўлган ибтидосини топиш учун ишлатиладиган бир усулдир, холос. Д. «фикрлайман, демак, мавжудман» деган қойдани ана шундай ибтидо деб ҳисобларди. Д. ана шу тезисга асосланиб, худонинг мавжудлигини ҳам келтириб чиқаришга, сўнгра эса ташқи оламнинг реаллигига ишонишга уринарди. Билиш ҳақидаги таълимотда Д. — *рационализмнинг* отасидир; рационализм унда математик билимнинг логик характерини бир ёқлама тушуниш натижасида вужудга келди. Математик билимнинг умумий ва зарурий характери Д. га ақлнинг ўз табиатидан келиб чиққандек туюлиши сабабли, Д. билиш процессида дедукциянинг фавқулодда роль ўйнашини кўрсатдики, бу дедукция интуитив тарзда пайқаладиган тўла ишончли аксиомаларга таянади. Д. нинг ўз-ўзини англашнинг бевосита ишончлилиги ҳақидаги, *туғма идеялар* ҳақидаги (бундай идеялар сирагина у худо, руҳий ва жисмий идеяни ҳам киритарди) таълимотлари ундан кейинги идеализмга таъсир кўрсатди ва материализм вакилларининг танқидига учради. Аксинча, табиат ҳақидаги асосан материалистик бўлган таълимот, табиатнинг ривожланиши ҳақидаги назария, материалистик физиология, илоҳиётга душман бўлган механистик метод янги замонда материалистик дунёқарашнинг шаклланишига Д. нинг таъсир кўрсатишига сабаб бўлди. Асосий асарлари: «Метод ҳақида муҳокама» (1637), «Философия асослари» (1644).

ДЕМБОВСКИЙ Эдвард (1822—46)— поляк философи, 1846 йилги Краков революциясида революцион-демократик группанинг йўлбошчиси. «Коммунистик партия Манифести»да Маркс ва Энгельс Д. группаси ҳақида ёзиб, уни аграр революцияни Польша миллий озодлигининг шартли қилиб қўяётган ва олиб бораётган курашида уни коммунистлар қўллаб-қувватлайдиган партия деб атаган эдилар. Энгельс Польша мисаласи юзасидан сўз-

лаган нутқида (1848) Д. группасининг «деярли пролетарча жасорат кўрсатганлигини таъкидлаб ўтган эди. Философияда Д. 18-аср охириларидаги поляк материалистлари Г. Коллонтай ва С. Стадцининг прогрессив традицияларини давом эттирди. Д. Гегелга идеализмни бартараф қилиб ва француз маърифатчиларининг метафизик материализмининг танқид қилиб, «ижодиёт философияси» ёки ҳаётий практика билан маҳкам боғлиқ бўлган ва «оддий халқ» манфаатларини ифода-лайдиган «кеלאжак философияси»ни яратишни талаб қилиб чиқди. У, диалектика деҳқонлар томонидан помешчиклар зулмини ағдариб ташлаш ва коммунистик тузум барпо қилиш идеясини асослаб бермоғи лозим, деб ҳисобларди. Ана шу нуқтан назардан Д. «мавжуд ёмонлик билан мураса қилгани» учун, янгиликни эскиликка хизмат қилдиришга уриганлиги учун Гегель диалектикасининг танқид қилди. Д. атеист эди, бинобарин, динни ва католик черковининг феодал реакциясининг қуроли, деб фож қилган эди. Жамиятга бўлган қарашларида Д. идеалист бўлиб қолган эди: Фейербахнинг натуралиزمини қабул қилмасдан, инсон ақлини тарихнинг ҳаракатлан-тирувчи кучи деб ҳисобларди. Д. Энгельснинг «Шеллинг ва каромат» асарини табриклади. У Польшада революцион демократизм эстетикасининг асосчиларидан бири, «соф санъат» назариясининг муҳолифи сифатида «халқчиллик» ва «юксаклик» категорияларини революцион романтизм руҳида ишлаб чиқди. Д. нинг асосий фалсафий асарлари: «Эклектизм ҳақида бир неча фикр» (1843), «Ижодиёт поляк философиясига хос принцип-дир» (1843), «Философиянинг истиқбол-и ҳақидаги фикрлар» (1845).

ДЕМИУРГ (грек. demiurgos, айнан — мастер, хунарманд, кўчирма маънода — яратувчи, халқоқ) — Платон идеалистик философиясида ва янги платончилар мистикасида оламни яратувчи, коинотни бунёд этувчи халқоқ, худонинг сифатларидан бири.

ДЕМОГРАФИЯ (грек. demos — халқ ва grapho — ёзаман; халқно-

ма) — халққоли ҳақидаги фаи. Д. халққолини ва унинг ўзгаришини миқдор ва сифат тавсифларига мувофиқ ҳам яхлит ҳолда, ҳам айрим группаларини ўрғанади. У халққоли сонини, географик жиҳатдан бўлинишини ҳамда аҳолини синфларга, ижтимоий группаларга мансублигига, машғулотига, жинси, ёши, миллати, тили, оилавий аҳоли, маданий даражасига ва ҳ. к. қараб тадқиқ қилади. Бунда аҳолини такрор ҳосил қилиш процесслари туғилиш, ўлиш, никоҳда бўлиш, умр кўриш ҳамда аҳолининг миграция процесслари, бу процесслар оқибатидан юзага келувчи факторларнинг уларга таъсир қилиши Д. да марказий ўринни ишғол қилади.

«ДЕМОКРАТИК СОЦИАЛИЗМ» — ҳозирги замон *реформизмининг* расмий идеологияси бўлиб, бу идеология социалистик интернационал Франкфурт (1951) конгрессининг «Демократик социализмнинг мақсадлари ва вазифалари» деган декларациясида эълон қилинган эди ва марксизм-ленинизм идеологиясига қарама-қарши қилиб қўйилган эди. «Д. с.» нинг назарий илдизлари *неокантчиликка* ва у тарғиб қилаётган ахлоқий социализмга бориб тақалади. Бу концепцияга кўра, социализм табиий-тарихий тараққиётнинг қонуний маҳсули эмас; у жамиятнинг барча табақа вакилларига баббаравар муассар бўладиган ахлоқий идеалдир. Демак, жамиятни социалистик қайта қуриш проблемаси — бу бошлича ахлоқий проблемадир, кишиларни социализм руҳида қайта тарбиялаш ва тарбиялаш проблемасидир. Унда синфий кураш, социалистик революция ва пролетариат диктатураси рад қилинади. Социализм фақат «демократик тарзда», яъни буржуа давлати доирасида ва буржуа ҳукуматлари томонидан амалга ошириладиган социал ва айниқса маданий-тарбиявий тадбирларнинг йиғиндиси натижасида пайдо бўлади. Социализм «демократия» тарзида, яъни капиталистларни ҳам қўшган ҳолда, барча социал табақалар ва группаларнинг уйғун бирлиги сифатида мавжуд бўлади. Бу реформистик

қондалар Австрия ва ГФР с.-д. партияларининг ҳамда Англия лейбористларининг программ ҳужжатларида акс эттирилгандир. Узининг объектив мазмунига кўра, «Д. с.» концепцияси буржуа жамиятнинг асосий тиргаларини абадийлаштиришга қаратилган.

ДЕМОКРАТИЯ (грек. demos — халқ ва kratos — куч, ҳокимият) ҳокимият формаларидан бири бўлиб, унинг характерли хусусияти шуки, озчиликнинг кўпчиликка бўйсунуши принципи расмий равишда эълон қилинади ҳамда граждандарнинг эркинлиги ва тенг ҳуқуқлилиги эътироф этилади. Буржуа фанида Д. га таъриф берилганда одатда фақат ана шу формал белгилар билангина чекланиб қолинади ва бу белгилар жамият ҳаётининг социал иқтисодий шароитларидан ва ҳақиқий ҳолдан ажратилган ҳолда олиб қаралади. Натижада оппортунистлар ва реформистлар пеш қилдиган «соф» демократия ҳақидаги тасаввур пайдо бўлади. Ҳақиқатда эса ҳар қандай Д. жамиятнинг сиёсий ташкилоти формаси сифатида «пировард ҳисобда, ишлаб чиқаришга хизмат қилади ва, пировард ҳисобда, айна жамиятнинг ишлаб чиқариш муносабатлари билан белгиланади» (В. И. Ленин, 42-т., 276-б). Шу муносабат билан Д. нинг тарихий тараққиётини, унинг тўғридан-тўғри *ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг* алмашинувиغا, синфий курашнинг характерини ва кескинлигига боғлиқ эканлигини ҳисобга олмоқ лозим. Синфий-антагонистик формацияларда Д. ҳақиқатда фақат ҳукмрон синф вакиллари учун мавжуд бўлади. Чунончи, буржуа жамиятида Д. буржуазиянинг синфий ҳукмронлик формасидир. «Феодал тузумга нисбатан буржуача Д. жамият тараққиётида тарихан прогрессив босқич эди. Маълум вақтгача буржуазия ўз сиёсий ҳукмронлигининг воситаси сифатида Д. дан манфаатдор бўлади. У конституция ишлаб чиқади, парламент ва б. вакиллик муассасалари тузади, омманинг тавфиқи остида умумий сайлов ҳуқуқи ва формал сиёсий эркинликлар

жорий қилади. Аммо бу демократик ҳуқуқлар ва муассасалардан фойдаланиш имкониятлари меҳнаткашлар оммаси учун турли йўллар билан қирқиб қўйилади ва буржуа республикасининг бутун демократик аппарати омманинг сиёсий активлигини бўғишга ва меҳнаткашларни сиёсий ҳаётга қатнашишдан четлаштиришга мослаштирилган бўлади. Эълол этиладиган формал сиёсий ҳуқуқлар ҳеч нима билан гарантияланмайди, вакиллик муассасалари эса ҳаммадан кўпроқ ҳукмрон синфнинг сиёсати учун қурол бўлиб хизмат қилади. Буржуа Д. си учун характерли нарсас — унда парламентаризмнинг мавжудлигидир, яъни унда ҳокимиятнинг қонуни чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятга бўлинганлиги ва ижро этувчи ҳокимиятнинг роли тобора ошиб бораётганлигидир. Империализм даврида буржуа давлатларида Д. дан сиёсий реакцияга бурилиш содир бўлади, бунинг натижасида меҳнаткашлар оммасининг ва барча прогрессив кучларнинг Д. учун, демократик ҳуқуқлар учун кураши жамиятнинг социалистик асосда қайта қуриш йўлида пролетариат синфий курашининг муҳим шарти ва омили сифатида зарур аҳамият касб этади. Социалистик Д. олий формадаги Д. дир, халқнинг кўпчилиги учун, меҳнаткашлар оммасининг кенг доиралари учун ҳақиқий Д. дир. Унинг иқтисодий негизи ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулкчилигидир. Социалистик мамлакатларда яширнинг овоз бериш йўли билан ҳақиқатан умумий, тўғри тенг сайлов ҳуқуқи амалга оширилмоқда. Барча граждандлар, жинси, миллати, irqидан қатъи назар, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётда тенг ҳуқуқлардан фойдаланиб, давлатни бошқаришда иштирок этмоқдалар. Социалистик Д. системасида халқ контроли органлари муҳим ўрин тутмоқдалар, уларнинг ишларида миллионларча меҳнаткашлар қатнашмоқдалар. Социалистик Д. граждандларга қонуни чиқариш йўли билан моддий гарантияларни таъминлаб бермоқда. Чунинчи, социалистик жамиятда меҳнат қилиш ҳуқуқи эълол

қилинибгина қолмасдан, қонуни чиқариш йўли билан мустаҳкамлангандир ва эксплуатация тугатилганлиги, ишсизлик йўқ қилинганлиги, ишлаб чиқаришнинг ривожланишида кризисларнинг йўқлиги ва ҳ. к. туфайли реал суратда таъминлаб берилгандир. Социалистик демократизмнинг буржуага Д. дан туб фарқи ҳам ана шундадир. Социалистик демократизмнинг янада ривожланиши пролетариат диктатурасининг ўсиб *умумхалқ давлатига* айланиши билан боғлиқдир. Коммунизм қурилиши жараёнида амалга оширилган социалистик Д. нинг ҳар томонлама ривожлантирилиши вақти келиб, давлатни *коммунистик ижтимоий ўз-ўзини бошқариш* билан алмаштиришга олиб келади.

ДЕМОКРИТ Абдерлик (эраמידан олдин тах. 460—370) — қадимги грек материалист философи, *Левкппнинг* шогирди, греклар орасида биринчи энциклопедик ақл-заковат соҳиб (Маркс). Ленин Д. ни қадим замонда материализмни энг яққол ифодаловчи киши деб ҳисобларди. Д. — *атомистиканинг* асосчиларидан бири. У икки бош ибтидон: атомлар ва фазони эфирроф этарди. Шу билан бирга у атомларни, яъни материянинг бўлимас зарраларни ўзгармас деб ҳисоблайди: улар абадий бўлиб, доимо ҳаракат қилиб туради ва формаси, катталиги, ҳолати ва тартиби билан бир-бирдан фарқ қилади. Товуш, ранг, маза каби бошқа хоссалар атомларга тааллуқли бўлмай, балки фақат шартли равишда, «нарсаларнинг ўз табиатига боғли бўлмаган ҳолда» мавжуддирлар. *Нарсаларнинг бирламчи ва иккиламчи сифатлари* ҳақидаги таълимотнинг куртаклари ана шу қарашда-ёқ борди. Атомларнинг бирикшидан жисмлар ҳосил бўлади; атомларнинг парчаланиши жисмларнинг ҳалок бўлишига олиб боради. Бениҳоя кўп атомлар бениҳоя бўшлиқда абадий ҳаракат қилади; улар турли йўналишларда ўрин алмаштиргандарида баъзан бир-бирлари билан *тўқнашиб* атомлар уюрмасини ҳосил қиладилар. Бениҳоя кўп «туғилиб ва ўлиб турадиган» оламлар ана шу тариқа содир

бўлади, бу оламларни худо яратган эмас, улар табиий йўл билан, зарурият юзасидан пайдо бўладилар ва ўладилар. Д. сабабиятни зарурият билан бирдай деб билиб, тасодифни инкор этди ва уни билмаслик натижаси деб қарарди. Билиш назариясида у, нарсаларнинг сезги органларига таъсир қиладиган позиккина пардачалари («шакллари» — образлари) жисмлардан чиқиб, ажралиб туради, деган фаразга асосланарди. Ҳиссий идрок — билишнинг асосий манбаидир, лекин у предметлар ҳақида «қоронгу» билим беради, холос; бу билим узра бошқа, «ёруғ», янада позикроқ билим — ақл воситаси билан билиш юксалиб туради ва бу билим оламнинг моҳиятини: атомлар ва бўшлиқни билишга олиб боради. Бу билан Д. билишда ҳиссийёт билан ақлнинг ўзаро муносабати проблемасини ўртага ташлади. Ҳозирги қарашларига кўра, Д. антик демократиянинг намо-яндаси, қулдорлик аристократиясининг мухолифи эди. *Эпикур* ва *Лукреций Кар* Д. материализмининг давомчилари эдилар.

ДЕ МОРГАН Август (1806—71) — ишғилиз математика ва логика олими. У логикага доир бир неча асар ёзган бўлиб, бу асарларида логика соҳасида математик методларни татбиқ этиш идеясини ва бундай татбиқ этишнинг дастлабки натижаларини баён этган. Ҳозирги замон математик логикасида логика алгебрасининг қуйидаги фундамента қонунлари Де М. номи билан юритилади: *конъюнция* инкори инкорлар *дизъюнкция*сига баравардир; *дизъюнкция* инкори инкорлар *конъюнция*сига баравардир (1847).

ДЕНОТАТ ВА ДЕСИГНАТ — қ. *Ном*.

ДЕОНТОЛОГИЯ (грек. deon — бурч) — этика назариясининг бир бўлими бўлиб, унда бурч, ахлоқий талаблар ва нормативлар ва умуман ахлоқ-одоб учун социал заруриятнинг юз беришининг ўзига хос формаси сифатида бурчли бўлишлик проблемалари қараб чиқилади. Бу термин *Бентам* томонида киритилган бўлиб, уни умуман ахлоқ ҳақидаги таълимотга

маъно бериш учун ишлатган. Кейинчалик Д. ахлоқий *аксиологиядан* — ёмонлик ва яхшилик назариясидан, умуман ахлоқий *қимматдорлардан* фарқ қилина бошланди. Бурчли бўлишлик (бирон нарсани амалга ошириш ёки юзага чиқариш лозимлик) йўли билан ахлоқ-одоб социал қонунларнинг талабларини, шу жумладан жамиятнинг ва инсоннинг эҳтиёжларини ифодалайди, хусусий буйруқда, умумий нормада, хатти-ҳаракатнинг умумлаштирилган принципларида, ахлоқий ва ижтимоий *идеалда* турли формаларга киради. Д. худди ана шу формаларни ва уларнинг ўзаро муносабатини ўрганади. Бурчли бўлишликни қимматдорликдан ажратиб қаровчи кўп буржуа назарияларига (деонтологик *интуитивизм* ва б.) қарама-қарши ўлароқ, марксистик этика бурчли бўлишлик билан қимматдорликни маҳкам алоқадор қилиб, уларни айни бир ахлоқий муносабатнинг икки томони деб қарайди. Шу сабабдан марксистик этика Д. ни алоҳида назарий фан ёки этиканинг мустақил соҳаси деб эмас, балки ахлоқий тадқиқотнинг бирон-бир ўзига хос вазифаларга эга бўлган муайян соҳаси деб ҳисоблайди, холос.

ДЕСНИЦКИЙ Семён Ефимович (вафоти 1789) — рус маърифатчиси, ҳуқуқшунос, социолог; Москва ва Петербург ун-тетларида таҳсил кўрган, сўнгра Глазго ун-тетида ўқиб, унда докторлик диссертацияси ёқлаган (1768). Россияга қайтиб келгач, Москва ун-тетида ҳуқуқ профессори бўлиб ишлаган. Унинг «Юриспруденцияни ўрганиб олишга доир бевосита ва яқин усул ҳақида бир неча сўз» (1768), «Эр-хотинлиқнинг бошланиши ва келиб чиқиши ҳақида юридик муҳокама...» (1775), «Мулк ҳақида халқлар ишлатадиган турли тушунчалар тўғрисида юридик муҳокама...» (1781), «Муқаддас, табаррук ва тақводорликка қабул қилинган нарсалар ҳақида юридик муҳокама...» (1772) ва б. асарлари рус социологик фикрнинг ривожланишида катта роль ўйнайди. Д. тўрт босқич (ҳайвон овлаш, чорвачилик, деҳқончилик ва «тижорат

ҳолати») ҳақида сўзлайди, унинг фикрича, инсоният тараққиёти ана шу босқичларни босиб ўтган. У Россияда биринчилар қаторида мулк ва оиланинг («эр-хотинлик»нинг) тарихий келиб чиқиши ва ривожланиши ҳақидаги қоидаларни илгари сурди. Диний эътиқодларнинг келиб чиқиши масалаларида Д. Аничков қарашларига қўшилди. Крепостникликка салбий назар билан қараб, Россияда «қонун чиқарувчи, судловчи ва жазоловчи ҳокимиятнинг» янги ташкилотини ҳақида лойиҳа ишлаб чиқди, лекин бу лойиҳани чор ҳукумати рад этди.

ДЕТЕРМИНИЗМ ВА ИНДЕТЕРМИНИЗМ (лат. *determinare* — белгиламоқ).—1) *Сабабиятнинг* ўрни ва роли ҳақидаги масала юзасидан қарам-қарши фалсафий концепциялар. Барча ҳодисаларнинг умумий, қонуниятли алоқадорлиги, сабабли ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги таълимот Д. деб аталади. Изначл Д. сабабиятнинг объектив характеришни тасдиқлайди, бу эса уни сабабиятнинг умумий характеришни сўзда эътироф этиб, амалда унинг объективлигини инкор қилиш орқали мазкур умумий характеришни чеклаб қўювчи (*Қант*) сохта детерминистик концепциялардан фарқ қилади. И. учун шу нарса характерлики, у сабабиятнинг умумий характеришни инкор этади (ўта кетган формада — умуман сабабиятни инкор этади). Д. идеялари қадимги философиядаёқ пайдо бўлиб, антик атомистикада ўзининг энг яққол ифодасини топади. Д. янги замон табиёт илмида ва материалистик философияда янада ривожланиди ва асосланади (*Ф. Бэкон, Галилей, Декарт, Ньютон, Ломоносов, Лаплас, Спиноза*, 18-асрдаги француз материалистлари). Бу даврда Д. табиёт илмининг ривожланиш даражасига мувофиқ механистик, абстракт характерга эга бўлади. Бу ҳол механиканинг қатъий динамик қонуналарига боғлаб тасвирланган сабабий формасини абсолютлаштиришда ўз ифодасини топади, бу эса сабабият билан заруриятни бирдай нарса деб қарашга ва тасодифнинг объектив характеришни инкор этишга олиб бора-

ди. Бундай нуқтаи назарни энг бўрттирилган формада П. С. Лаплас ифодалаб берган эди (механик Д. нинг лапласча детерминизм деган бошқа номи ана шундай келиб чиққан); Лаплас коинотдаги барча зарраларнинг координатлари ва импульсларининг қиммати замоннинг муайян моментида унинг ўтмиш ёки келажақ моментдаги ҳолатини бутунлай бир қимматли тарзда белгилайди, деб ҳисобларди. Бу тариқа тушунилган Д. *фатализмга* олиб боради, мистик характер олади ва амалда худонинг азалдан белгилаб қўйганига ишбонш билан тутайди кетади. Фаннинг ривожланиб бориши лапласча Д. ни органик табиат ва ижтимоий ҳаётдагина эмас, балки физика соҳасида ҳам рад этди. Квант механикада *нбаниқликлар нисбатининг* аниқланиши лапласча Д. нинг асосизлигини кўрсатди, лекин шу билан бирга идеалистик философия уни И. руҳида талқин қилди (электроннинг «ирода эркинлиги» ҳақидаги, микропроцессларда сабабиятнинг йўқлиги ва ҳ. к. ҳақидаги ҳулосалар). Диалектик материализм сабабиятнинг объектив ва япни умумий характеришни эътироф этиб, механистик Д. нинг маҳдудлигини бартараф қилмоқда, у сабабиятни зарурият билан бирдай нарса деб қарамайди ва унинг юз беришини фақат динамик типдаги қонуналардан иборат қилиб қўймайди (*Статистик ва динамик қонуният*). Д. ва и. нинг илгари ҳам ҳеч қачон сусаймаган кураши ҳозирги вақтда табиёт илмида ҳам, хусусан ижтимоий ҳодисаларни ўрганиш соҳасида ҳам ниҳоятда кескинлашиб кетди. Ҳозирги замон буржуа философияси И. ни социологияда *волюнтаризм*, эмпирик социология формасида кенг пропаганда қилмоқда, унда эмпиризм «ҳар қандай умумлаштиришга тупуришга» интилиш тарзида намоён бўлмоқда ва ҳ. к. Буржуа социологлари Д. ни ўз ҳолича рад этмаган ҳолларда эса Д. уларда дағал-вульгар формаларга кирди (ижтимоий тараққиётнинг биологик назариялари, вульгар техницизм ва б.). Фақат тарихий материализмгина социал тадқиқотларда ҳақиқий Д. ни

биринчи бўлиб барқарор қилди. 2) табиий-илмий адабиётда «Д.» ва и.» тушунчаси реал алоқаларнинг қатъий бир қимматли характерини (Д.) ва уларнинг эҳтимоли характерини (И.) билдириш учун ишлатилади. 3) «Д.» тушунчаси бир хил воқеалар, ҳодисалар, томонларнинг бошқа хиллари билан детерминацияси (белгиланиши) нинг турли формалари учун тўпламаном сифатида ҳам ишлатилади. Бундай ҳолда сабабият детерминация формаларидан бири сифатида тушунилади.

ДЕФИНИЦИЯ (лат. definitio—таъриф)— қисқача мантикий таъриф бўлиб, бу таъриф предметнинг муҳим фарқ қилувчи белгиларини ёки тушунчанинг маъносини — унинг мазмуни ва чегараларини белгилайди.

ДЕШАН Леже Мари (1716—74)— француз материалист философи, бенедиктинчи монах. Унинг «Ҳақиқат ёки Ишончли система» деган асосий асари биринчи марта русча таржимада босилиб чиқди (1930). Д. нинг фалсафий қарашлари шу билан характерланадики, уларда спинозизмга яқин бўлган рационалистик тенденциялар билан диалектик идеялар ўзича бир йўсинда қўшилиб кетган. Д. системасининг асосий тушунчаси барча физик жисملарнинг бирлигидан иборат «универсал яхлитликдир», бу «универсал яхлитлик» ғайри ҳиссий моҳиятдан иборат бўлиб, у ҳисларга эмас, балки ақлга муяссар бўлади. Д. худо тушунчасини одамлар яратган деб тасдиқлаган ҳолда, атеизмни маърифатчиларнинг тор доирасига муяссар бўладиган нарса деб ҳисобларди.

ДЗЭН-БУДДИЗМ — буддизмнинг йўналишларидан бири. 6-асрда Хитойда пайдо бўлди, энг кўп тарқалган жойи Япония эди. Будданинг ва барча вужудларнинг ягона моҳияти ҳақидаги, табиий йўл барча назарий методлардан юқори турадиган *дао* ҳақидаги тасаввур Д.-б. нинг асосини ташкил этади. Бошқа мактаблардан фарқли ўлароқ, Д. б. «йилт этиб кўришиш» — *саторини* тарғиб қилади, Д.-б. нинг иррационализи ва интуитивизми ҳусусан кейинги 20 йил мобай-

нида Ғарбий Европа ва Америка философларини унга жалб этмоқда.

ДИАЛЕКТИКА (грек. *dialektike*) — табиат, жамият ва тафаккур тараққиётининг энг умумий қонунари ҳақидаги фан. Д. нинг илмий тушунчасидан олдин узоқ тарихий давр ўтган, Д. тушунчасининг ўзи ҳам терминнинг дастлабки мазмунини қайта ишлаш ва ҳатто бартараф қилиш жараёнида пайдо бўлган. Антик философияёқ бутун мавжудотнинг ўзгарувчанлигини жуда кучли суратда таъкидлаб кўрсатган, воқеликни процесс деб тушунган эди, ҳар қандай хоссанинг қарама-қарши хоссага ўтиши бу процеслда қандай роль ўйнашини ёритиб берган эди (*Гераклит*, қисман милет материалистлари, пифагорчилар). Бундай тадқиқотларга «Д.» термини ҳали татбиқ этилмаган эди. Дастлабки пайтларда бу термин билан («*dialektike techne*» — «диалектика санъати») диалог ва мунозара маҳорати: 1) савол ва жавоблар воситаси билан мунозара олиб бориш қобилияти, 2) тушунчаларни туркумлаш, нарсаларни жинслар ва турларга бўлиш маҳорати белгиланарди. *Аристотель* элейлик *Зенонни* Д. нинг ихтирочиси деб ҳисоблайди, чунки Зенон ҳаракат ва тўплам тушунчаларини фикрлашга уринганда пайдо бўладиган зиддиятларни анализ қилиб чиққан. *Аристотел*нинг ўзи «Д.» ни исботлаш ҳақидаги фанга онд эҳтимолий фикрлар тўғрисидаги фан бўлган «аналитика»дан фарқ қилиб қарайди. Элейликлар кетидан (*Элей мактаби*) *Платон ҳам* ҳақиқий борлиқни айнан бирдай ва ўзгармас, деб таърифлайди, лекин шунга қарамай «Софист» ва «Парменид» диалогларида у, мавжудотнинг олий жинслари фақат шундай тарзда фикр қилиниши мумкинки, улардан ҳар бири мавжуддир ва мавжуд эмасдир, ўз-ўзига тенгдир ва тенг эмасдир, ўзига айнан ўхшашдир ва ўзининг «ўзга ҳолатига ўтиб турувчидир, деган диалектик хулосаларни асослаб беради. Шу сабабли борлиқ зиддиятларни ўз ичига олади; у биттадир ва кўпдир, абадийдир ва ўткинчидир, ўзгармасдир ва ўзгарувчандир, осойиш-

тадир ва ҳаракатдадир. Зиддият руҳини фикр юритишга ундаш учун зарурий шартдир. Платоннинг фикрича, худди ана шу санъат — Д. санъатидир. Неоплатончилар (*Плотин, Прокл*) Д. ни ривожлантиришни давом эттирдилар. Феодал жамаиятининг философияси бўлмиш схоластикада Д. формал логика деб атала бошланди ва бу логика риторикага қарама-қарши қилиб қўйилди. Уйғонини даврида *Николай Кузанский* ва *Бруно* «қарама-қаршиликларнинг мос келиши» ҳақидаги диалектик идеяларини илгари сурадилар. Янги замонда, *метафизика* ҳукмрон бўлишига қарамай, *Декарт* ва *Спиноза* (биринчиси — ўз космогониясида, иккинчиси — субстанция ҳақидаги, яъни ўз-ўзига сабабчилик ҳақидаги таълимотида) диалектик тафаккур намуналарини кўрсатадилар. 18-асрда Францияда *Руссо* ва *Дидро* диалектик идеяларга жуда бой эканликларини намоён қиладилар. Биринчиси тарихий тараққиётнинг шартли сифатида зиддиятларни талқин қилади, иккинчиси, бундан ташқари — ўзига замондош бўлган ижтимоий опндаги зиддиятларни талқин қилади («*Жиян Рамо*»). Д. нинг тараққиётида Марксгача бўлган энг муҳим босқич немис классик идеализми эди ва бу идеализм метафизик материализмдан фарқли ўлароқ, воқеликда фақат билиш предметини кўриб қолмай, айни вақтда уни фаолият предмети деб ҳам қарарди. Шу билан бирга билишнинг ва субъект фаолиятининг ҳақиқий, моддий асосини билмаслик натижасида немис идеалистларининг диалектик идеялари маҳдудликка ва хатоликка тушиб қолди. Метафизикада биринчи бўлиб *Кант* раҳна очди. У физик ва космогоник процессларда қарама-қарши кучларнинг аҳамиятини кўрсатди, Декартдан кейин биринчи бўлиб табиатни билишда тараққиёт идеясини жорий этди. Билиш назариясида *Кант* «антиномиялар» ҳақидаги таълимотда диалектик идеяларни ривожлантиради. Аммо ақл Д. си, Кантнинг фикрича, иллюзиядир, бинобарин, фикр баъзи ҳодисаларни билиш билан чекланган ўз доираларига қайтиб келгач, бу

иллюзия бартараф қилинади. Кейинчалик билиш назариясида («*Фаншунослик*»)да *Фихте* категорияларни худоса қилиб чиқариш «антитетик» методини ривожлантирди, бу методда муҳим диалектик идеялар бор эди. Кантдан кейин *Шеллинг* табиат процессларини диалектик тушунишни ривожлантиради. *Гегелнинг* идеалистик диалектикаси Марксгача бўлган Д. тараққиётидаги чўққи эди. Гегель «биринчи бўлиб бутун табиий, тарихий ва руҳий оламни процесс тарзида, яъни узлуксиз ҳаракат, ўзгариш, бошқа ҳолатга ўтиш ва ривожланиш тарзида тасаввур этди ҳамда бу ҳаракат ва ўзгаришнинг ички алоқадорлигини очиб беришга уринди». (К. Маркс ва Ф. Энгельс, 20-т., 23-б.) Д. тушунчасига бериладиган абстракт таърифлардан фарқли ўлароқ, Гегель фикрича, бир таърифнинг иккинчисига шундай ўтиши борки, бу ўтишда мазкур таърифларнинг бир томонламалиги ва чекланганлиги, яъни уларда ўз-ўзини инкор қилиш борлиги очилиб қолади. Шу сабабли, Гегелнинг фикрича, Д. «фикрнинг ҳар қандай илмий кенгайтирилишининг ҳаракатлантирувчи жонидир ва у шундай бир принципдан иборатдирки, бу принцип ёлғиз ўзи фаннинг мазмунига имманент алоқа ва зарурият киритади». Гегель Д. сининг натижаси унинг ўзи берган қимматдан анча ошиб кетди. Гегелнинг зарурият ҳақидаги, яъни унинг тақозоси билан ҳамма нарса ўз инкорига келадиган зарурият ҳақидаги таълимоти ҳаётни ва фикрни революционлантирувчи асосдан иборат эди, шунинг учун ҳам илгор мутафаккирлар Гегель Д. сини «революция алгебраси» (Герцен) деб билган эдилар. Фақат Маркс ва Энгельс Д. нинг чинакам илмий тушунчасини яратдилар. Улар Гегель философиясининг идеалистик мазмунини улоқтириб ташлаб, тарихий процессини ва билишнинг ривожланишини материалистик тушуниш, табиат, жамият ва тафаккурда юз бераётган реал процессларни умумлаштириш асосида Д. ни туздилар. Илмий Д. да борлиқнинг ҳам, билишнинг ҳам ривожланиш қо-

нуллари узвий равишда қўшилиб кетади, чунки улар ўз мазмуни жиҳатдан айнан бирдай бўлиб, фақат форма жиҳатдан фарқ қиладилар. Шу сабабли материалистик Д. фақат «онтологик» таълимот бўлмай, балкиgnoseологик таълимот ҳамдир, тафаккурни ва билишни баббаравар қарор топишда ва ривожланишда олиб қаровчи логикадир, чунки нарсалар ва ҳодисалар ривожланиш процессида маълум бир ҳолатда қарор топадилар ва уларда, тенденция сифатида, уларнинг келажаги, қандай ҳолатга киришлари жо қилинган бўлади. Ана шу маънода билиш назариясини ҳам билишнинг умумлаштирилган тарихи сифатида материалистик Д. қараб чиқади ва ҳар бир тушунчада, ҳар бир категорияда, ниҳоятда умумий характерга эга бўлишига қарамай, тарихийлик тамгаси босилган бўлади. Материалистик Д. нинг асосий категорияси—зиддиятдир. Зиддиятлар ҳақидаги таълимотда у ҳар қандай тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучини ва маънаини очиб беради; диалектик тараққиётнинг қолган барча категориялари ва принципларининг калити ҳам маъруз таълимотдадир, бу категория ва принциплар — миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиш йўли билан ривожланишдан, тадрижотнинг узилишидан, сакрашлардан, тараққиётнинг бошлангич моментини инкор этишдан ва бу инкорнинг ўзини инкор этишдан, дастлабки ҳолатнинг баъзи томонлари, хислатларининг юқори асосда такрорланишидан иборат. Тараққиётни худди ана шундай тушуниш Д. ни ҳозирги замон буржуа ва реформистик назарияларга хос бўлган ҳар хил вульгар-эволюцион қарашлардан фарқ қилади. Материалистик Д. табиат ва жамиятнинг тадриж қилиш фалсафий методидан иборатдир. Д. нинг ана шу нуқтаи назаридан қарагандагина объектив ҳақиқатнинг қарор топишининг мураккаб, зиддиятларга тўла йўлини, фан тараққиётининг ҳар бир босқичида абсолютлик ва нисбийлик, барқарорлик ва ўзгарувчанлик элементларининг алоқасини, умумлаштиришнинг

бир хил формаларидан иккинчи хил чуқурроқ формаларига ўтишларни тушуниш мумкин. Ҳеч қандай турғунлик ва ҳаракатсизлик билан келишолмайдиган материалистик Д. нинг революцион моҳияти уни жамиятнинг амалий равишда қайта қуриш қуролига айлантирмақда, бу қурол ижтимоий тараққиётнинг тарихий эҳтиёжларини, эски формаларнинг янги мазмунга мувофиқ келмаслигини, инсониятнинг тараққиётга ёрдамлашувчи олий формаларга ўтиш зарурлигини объектив равишда ҳисобга олишга ёрдамлашмоқда. Коммунизм учун курашнинг стратегия ва тактикаси диалектик-материалистик дунёқараш билан тўла мувофиқлаштирилиб қурилмақда (*Диалектик логика*).

ДИАЛЕКТИК ЛОГИКА — диалектик материализмнинг логика ҳақидаги таълимоти, объектив оламнинг ривожланиши ва ўзгаришнинг тафаккурдаги инъикос қонунилари ва формалари тўғрисидаги, ҳақиқатни билиш қонуниятлари ҳақидаги фан. Д. л. ўз илмий ифодаси жиҳатидан марксистик философиянинг таркибий қисми сифатида пайдо бўлди. Аммо унинг элементлари қадим замон философиясида, айниқса антик философияда, Гераклит, Платон, Аристотель ва б. таълимотларида бор эди. Тарихий шароит тақозосига кўра, узоқ вақт давомида тафаккур қонунилари ва формалари ҳақидаги бирдан-бир таълимот сифатида *формал логика* ҳукм суриб келди. Лекин тахминан 17-асрдан бошлаб ривожланиб бораётган табиий илми ва фалсафий фикр эҳтиёжларининг тақозоси билан формал логиканинг етарли эмаслиги, тафаккур ва билишнинг умумий принциплари ва методлари ҳақида ўзгача таълимот зарурлиги пайқала бошлайди (Ф. Бэкон, Декарт, Лейбниц ва б.). Бу тенденция янги замонда немис классик философиясида энг яққол ифодасини топди. Чунончи, Кант умумий ва трансцендентал логикани бир-бирдан фарқ қилиб қаради; унинг фикрича, трансцендентал логика умумий, яъни формал логикадан шу билан фарқ қиладики, у билимларнинг ривожлани-

шини ўрганади ва формал логика сингари мазмунни назардан қочирмайди. Д. л. ни ишлаб чиқишда Гегелнинг хизмати айниқса каттадир; Гегель уни ҳар томонлама ишланган системага солди ва лекин бу системани оламга идеалистик қараш руҳида талқин қилди. Логика ҳақидаги марксистик таълимот илгариги таълимотдан энг қимматли нарсаларни танлаб олиб, инсон билими тараққиётининг ғоят катта тажрибасини қайта ишлаб чиқди ва уни билиш ҳақидаги муштаваам фан сифатида умуллаштирди. Д. л. формал логикани четга улоқтириб ташламайди, балки фақат мантиқий тафаккурнинг зарур ва лекин нотўқис формаси сифатида унинг чегараларини чизиб қўяди. Д. л. да борлиқ ҳақидаги таълимот борлиқнинг оингда акс этиши ҳақидаги таълимот билан чамбарчас боғлиқдир, у мазмунли логикадир. Диалектика шунинг учун ҳам мантиқий таълимотдирки, у тараққиётнинг мантиқий ва билувчилик функцияларини тадқиқ қилади. Д. л. нинг билишнинг ўзининг қарор тониш, ривожланиш процессини ўрганишдан иборат бошқа бир асосий вазифаси ана шу билан боғлиқдир. Д. л. билиш тарихига таянади, у — инсон тафаккури ва жамият тарихий практикаси тараққиётининг умуллаган тарихидан иборат. Д. л. нуқтан назаридан билиш қонунилари — бу фикрнинг ташқи ҳолатдан ички ҳолатга томон, ҳодисалардан моҳиятга томон, камроқ чуқур моҳиятдан кўпроқ чуқур моҳиятга томон, бевоситаликдан бавоситаликка томон, абстрактликдан конкретликка томон, нисбий ҳақиқатлардан абсолют ҳақиқатга томон ривожланиш қонунаридир. Бу тарихийлик (историзм) бутун фанга сингиб кетгани сингари, Д. л. нинг ҳар қандай қондасига ҳам сингиб кетгандир. Д. л. да *анализ ва синтезнинг*, индукция ва дедукциянинг, эмпирик ва назарийликнинг билишнинг мустақил формаларига парчаланиб кетиши бартараф қилинади, бундай парчаланиб кетиш билиш тўғрисидаги илгариги таълимотларнинг характерли хусусияти эди; бошқа

формалар сингари, билишнинг бу формаларини ҳам Д. л. энг юқори синтезда, бир-бирига ўтиб турувчи қарама-қаршиликлар тарзида тадқиқ қилади. Абстрактликдан конкретликка томон юқорилаб бориш усули (*Абстрактлик ва конкретлик*) Д. л. да умумий мантиқий принцип сифатида катта аҳамиятга эгадир, чунки бу принципда *тарихийлик* билан *мантиқийликнинг* бирлиги энг тўлиқ мужассамлашгандир. Д. л. мантиқий *категориялар* системаси тарзида тузилади ва бу категорияларда инсониятнинг билувчилик ва амалий фаолиятининг натижалари синтезлаштирилади. Категориялар системаси ҳақидаги, яъни субординация — бараварига бўйсуниш тартиби ҳақидаги масала ҳали етарлича ўрганилган эмасдир, лекин мантиқийлик билан тарихийликнинг бирлиги, билимларнинг ҳодисалардан моҳиятга томон, оддийликдан мураккабликка томон ва ҳ. к. ҳаракати принципига мувофиқ келадиган қараш усули энг эҳтимолга яқин ва самарали усулдир. Д. л. ни ишлаб чиқишга ғоят зўр ҳисса қўшган Ленин ана шу томонга катта эътибор берарди. Ҳозирги замон фанида формаллаштирилган мантиқий системалар ҳамда тафаккурнинг айрим томонларини ва вазифаларини ўрганувчи мазмунли формал мантиқий назариялар катта роль ўйнамоқда. Д. л. инсон билишининг шундай умумий мантиқий базисидирки, шундай мантиқий назариядирки, бу назария нуқтан назаридан барча хусусий ва конкрет мантиқий назарияларни, уларнинг аҳамияти ва ролин изоҳлаб бериш мумкин ва лозимдир.

ДИАЛЕКТИК МАТЕРИАЛИЗМ — илмий фалсафий дунёқараш, марксча таълимотнинг таркибий қисмларидан бири, унинг фалсафий асоси. Д. м. Маркс ва Энгельс томонидан яратилди. Ленин ва бошқа марксистлар уни янада ривожлантирдилар. Д. м. 19-асрнинг 40-йилларида пайдо бўлиб, фан ютуқлари ва революцион ишчилар ҳаракатининг практикаси билан чамбарчас боғланган ҳолда ривожланиб келди. Д. м. нинг пайдо бўлиши

инсоният фикри тарихида, философия тарихида чинакам революция бўлди. Лекин бу революция ворисликни, инсоният тафаккури тарихи эришган барча илгор ва прогрессив нарсаларни танқидий равишда қайта ишлаб чиқишни ўз ичига оларди. Олдин ўтган фалсафий тараққиётнинг икки асосий оқими Д. м. да бир бутун бўлиб қўшилди ва оламга янгича қараш, янги ва чуқур илмий назар билан ёндошиш билан самарадор қилинди. Бир томондан, бу ўз манбалари билан узоқ ўтмишга бориб тақаладиган материалистик философияни ривожлантириш йўли эди, иккинчи томондан, оламга диалектик назар билан қарашни ривожлантириш йўли бўлиб, унинг ҳам философия тарихида чуқур традициялари бор эди. Фалсафий фикрнинг фан билан ва инсониятнинг бутун тарихий практикаси билан маҳкам боғланган ҳолда ривожланиши қонуниятли равишда материалистик дунёқарашнинг ғалабасига олиб борарди. Лекин эски материалистларнинг таълимотларида шундай жиддий етишмовчилик бор эдики, бу таълимотлар, диалектиканинг айрим учқунлари бўлишига қарамай, метафизик, механистик таълимотлар эдилар, уларда табиатни тушунишдаги материализм билан ижтимоий ҳодисаларни изоҳлашдаги идеализм қўшилиб кетган эди. Янги замонда оламга диалектик қарашни ривожлантирган философлар асосан идеалистлар эдилар, бу айниқса Гегель системасида яққол кўринган эди. Маркс ва Энгельс эски материалистларнинг таълимотини ва идеалистларнинг диалектикасини шунчаки ўзлаштириб, бир бутунга синтезлаштириб қўя қолмадилар. Улар табиёт илмининг энг янги ютуқларига, инсониятнинг бутун тарихий тажрибасига таянган ҳолда, материализм диалектик бўлган тақдирдагина илмий ва охиригача изчил материализм бўлиши мумкин, диалектика эса материалистик бўлган тақдирдагина чинакам илмий диалектика бўлиши мумкин, деб исбот қилдилар. Ижтимоий тараққиётнинг боришига ва унинг қонуналигини илмий қарашнинг ишлаб чиқилиши

ҳам (*Тарихий материализм*) Д. м. нинг шаклланишининг энг муҳим элементи бўлди. Оламга диалектик-материалистик назар билан қарамасдан туриб, идеализмни унинг энг сўнгги макони бўлиш инсоният жамиятининг моҳиятини изоҳлаш соҳасида энг иш мумкин эмас эди. Лекин жамиятга материалистик нуқтаи назардан қарамасдан, ижтимоий-тарихий практикани ва аввало инсоният турмушининг негизи бўлиш ижтимоий ишлаб чиқаришни анализ қилмасдан туриб ҳам изчил фалсафий дунёқараш яратиб, инсон билишининг қонуналигини изоҳлаб бериш мумкин бўлмас эди. Марксизм асосчилари бу вазифани ҳал қилдилар. Шу сабабли Д. м. табиат, инсоният жамияти ва тафаккур ҳодисаларининг бутун соҳасини ягона тушунча билан қамраб оладиган, воқеликни изоҳлаш ва анализ қилишнинг фалсафий методини дунёни революцион-амалий ўзгартиш идеяси билан ўзида узвий равишда бирга қўшадиган фалсафий синтез сифатида пайдо бўлди. Дунёни революцион-амалий ўзгартиш, эски философиядан фарқли ўларок, Д. м. нинг энг характерли хусусиятларидан биридри, чунки эски философия асосан дунёни изоҳлаш вазифаси билан ўзини чеклаб қўярди. Бунда энг революцион синф бўлган, кишини киши томонидан эксплуатация қилишга асосланган социал тузумни йўқ қилишни ва синфсиз, коммунистик жамият қуришни ўз олдига вазифа қилиб қўйган ишчилар синфининг дунёқараш сифатида марксистик философиянинг синфий илдиэлари ўз ифодасини топди. Д. м. пайдо бўлиши билан философиянинг ўзига хос тадқиқот предметиға эга бўлган алоҳида фанга ажралиб чиқиш тарихий процесси асосан тугалланди. Табиат, жамият ва тафаккур тараққиётининг энг умумий қонуналири, объектив оламнинг ва унинг инсон миёсидаги инъикосининг умумий ибтидолари ва асослари Д. м. нинг мавзунини ташкил этади, мазкур умумий ибтидо ва асослар ҳодиса ва процессларга тўғри илмий қарашни, воқеликни изоҳлаш, билиш ва амалий ўзгартиш методини кўрса-

тиб беради. Д. м. нинг тамал тоши — оламнинг моддий табиати ҳақидаги, оламда материя ҳамда унинг ҳаракат ва ўзгартиш қонуналаридан бошқа ҳеч нима йўқлиги ҳақидаги таълимотдир. Д. м. гайри табиий моҳиятлар ҳақидаги ҳар қандай тасаввурларнинг, уларнинг диний ва идеалистик философияси қандай либосга бурканмасин, қатъий ва муросасиз душманидир. Табиат нариги дунёга хос кучнинг турткиси билан эмас, балки унинг ўзида, унинг қонуналарида жо бўлган сабабларга кўра ривожланиб, ҳаётни ва фикрловчи материяни ўз ичига олган ҳолда ўзининг олий формаларига етади. Д. м. томонидан ишлаб чиқилган тараққиёт диалектик назария (*Диалектика*) шундай умумий қонуналарни кўрсатиб берадики, бу умумий қонуналар туфайли материянинг ҳаракат қилиш ва ўзгариш, қўйи формалардан юқори формаларга ўтиш процесслари амалга ошади. Табиат, макон, замон ҳамда уларнинг материянинг ҳар қандай турларининг ўзгарувчанлигини ва моддий зарраларининг сифат жиҳатдан бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга айланиши битмас-туганмас қобилиятга эга эканлигини этироф этилиши ҳақидаги ҳозирги замон физик таълимотлари Д. м. билан тўла мувофиқ бўлибгина қолмасдан, балки фақат ундан зарур фалсафий идеяларни ва методологик принципларни олишлари мумкин. Табиатнинг бошқа ҳодисаларини тадқиқ қилувчи фанлар ҳақида ҳам худди шу ганин айтса бўлади. Исониятнинг ижтимоий ҳаётнинг ўз умрини ўтаб бўлган эски формаларидан янги, социалистик формаларга томон кескин бурилиш ясаган ҳозирги замон тарихий практикаси ҳам Д. м. принципларини худди шундай тасдиқламоқда. Борлиқ ҳақидаги, объектив олам ҳақидаги таълимотни объектив оламнинг ипсон онгидаги инъикоси ҳақидаги таълимот билан бир бутун қилиб болаган Д. м. билиш назарияси ва логикадан иборатдир. Д. м. нинг бу соҳада қўйган ва билиш ҳақидаги таълимотни мустаҳкам илмий пойдевор устига қурган принципаал янги қадами шундан иборат бўлдики, *прак-*

тика билиш назариясига қўшилди. «Назарияни чалғитиб мистицизмга олиб борувчи барча мистериялар ипсон практикасида ва бу практикани тушунишда рационал суратда ҳал қилинади» (Маркс). Д. м. диалектик тараққиёт назариясини билишга татибқ қилиб, ипсон тушунчаларининг тарихий характерини аниқлади, илмий ҳақиқатлардаги нисбийлик ва абсолютликнинг ўзаро алоқасини очиб берди, билиш ҳаракатининг объектив логикаси ҳақидаги масалани ишлаб чиқди (*Диалектик логика, Билиш*). Д. м. ривожланиб борувчи фандир. Табиёт илми соҳасида ҳар бир йирик кашфиёт қилиниши билан, ижтимоий ҳаёт формалари ўзгариши билан унинг принциплари ва қондалари фанининг ва ипсоният тарихий тажрибасининг янги маълумотларини ўзига сингдириб, конкретлашади ва ривожланади. Д. м.— коммунистик партиялар программаси, стратегия ва тактикасининг, бутун фаолиятнинг фалсафий асосидир.

ДИАЛЕКТИК ТЕОЛОГИЯ— ҳозирги замон протестантлик теологиясининг бир йўналиши бўлиб, у асосан ГФР ва АҚШда тарқалган. У 20- йилларда Германияда вужудга келган эди ва буржуа жамияти кризисини «ипсоннинг маънавий кризиси» деб изоҳлашга уринилган эди. Д. т. нинг гоявий манбалари — *Кьеркегорнинг* диний-мистик таълимотидан ва немис *экзистенциализмидан* иборат. Бу йўналишга асос солган гайри герман теологи Карл Барт дастлабки реформаторлик теологиясини кальвинизм руҳида янгилашни ёқлаб, хоҳ католик философияси томонидан худонинг борлигини фалсафий исботлашдан, хоҳ диний эътиқодни «тақводор руҳнинг натижалари»дан келтириб чиқаришдан иборат бўлсин (*Шлейермахер*), диний эътиқодни ҳар қандай рационал асослашга қарши чиқди. Бартнинг ва Д. т. бошқа тарафдорларининг асарларида гегелча терминологиядан кенг фойдаланилади. Ўз сиёсий қарашлари жиҳатидан Д. т. тарафдорлари буржуа либерал донраларга бориб тақаладилар.

ДИДРО Дени (1713—84)—француз философи, маърифатчиси, Энциклопедия раҳбари, ёзувчи, санъат танқидчиси, *Вольтер* билан бирга ўз замонасининг ижтимоий фикрига катта таъсир кўрсатди. Философияда деизм ва этика идеализмидан материализмгача (табиат ҳақидаги таълимотда, психологияда, билиш назариясида) ва атеизмгача бўлган йўлни тез босиб ўтди. *Д. Ламетри* ва *Гольбах* билан бирга табиатни механистик материалистик асосда тушунарди; лекин бу тушунчага у диалектиканинг баъзи элементларини — материя билан ҳаракатнинг алоқадорлиги, табиатда содир бўладиган процессларнинг алоқадорлиги, табиий формаларнинг абадий ўзгарувчанлиги идеяларини киритган эди. Сизгиларнинг ўзинга хос мазмунини вужудга келтира оладиган моддий зарраларнинг механик ҳаракатига воситачи бўладиган усул масаласини *Д. Материя*нинг ялли умумий сезувчанлиги ҳақидаги фикрни илгари суриш йўли билан ҳал қилади. *Д.* бу қарашни ривожлантириб, психик функцияларнинг материалистик назариясини бслгилаб берди, бу назария ундан кейинги рефлекслар ҳақидаги таълимотга муқаддима бўлди. Бу назарияга кўра, ҳайвонлар сингари, одамлар ҳам сезиш қобилиятига ва зеҳнга молик этилган инструментлардир. *Д.* идеалистларнинг тафаккурнинг спонтанлиги ҳақидаги тасаввурларини рад этди: ҳамма фикрий хулосалар табиатнинг ўзида жо бўлган, бинобарин, биз фақат тажрибадан бизга маълум бўлган, ўртасида ё зарурий, ёки шартли алоқа бўлган ҳодисаларни кўриб қилиб борамиз, холос. *Д.* нинг фикрича, бундан бизнинг сезгиларимиз предметларнинг ойнада акс этгандек айни копияларидан, деган хулоса келиб чиқмайди: сезгиларнинг кўпчилиги ва уларнинг ташқи сабаблари ўртасидаги ўхшашлик тасаввурлар билан уларнинг тилдаги номлари ўртасидаги ўхшашликдан ортиқ эмасдир. *Д.* Локкнинг *бирламчи ва иккиламчи сифатлар* ҳақидаги фикрига қўшилиб иккиламчи сифатларнинг объектив характерини таъкидлаб кўрсат-

ган эди. *У Ф. Бэконнинг*, ўз манбаи жиҳатидан тажрибага боглиқ бўлган билим ҳақиқатга етиш билан қаноатланиб қолишни эмас, балки инсоннинг қудратини такомиллаштириш ва ошириш қобилиятига эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган, деган қарашини ривожлантирди. Шу билан бирга *Д.* тафаккур ва билишнинг ривожланишида техника ва саноатнинг ролинн назарда тутди. Эксперимент ва кузатиш билишдаги методлар ва қўлланмалардир. Улар асосида тафаккур гарчи тўла ишонарли бўлмасда, лекин ҳар ҳолда эҳтимолга жуда яқин билимга эришиши мумкин. *Энциклопедия* тузиш (*Энциклопедистлар*) *Д.* ҳаётининг энг асосий иши бўлиб қолди. Мазмуни жиҳатидан илғор бўлган *Энциклопедия* жанговар оҳангда эди: унда янги идеяларни пропаганда қилиш билан бирга қоқоқ фикрлар, бидъат-хурофотлар, диний эътиқодлар танқид қилинади. Ҳоят катта қийинчиликларга қарамай, *Д.* Энциклопедияни нашр этишни охирига етказишга муваффақ бўлди. *Д.* санъат ва бадний танқид масалаларига доир кўп асарлар ёзди: янги реализм эстетикасини ривожлантириб, яхшилик билан гўзалликнинг бирлиги идеясини ҳимоя қилди. Эстетиканинг ўзи ишлаб чиққан назарий принципларини ўз романлари ва драмаларида амалга оширишга ҳаракат қилди. Марксизм классиклари *Д.* нинг фаолияти ва таълимотига юксак баҳо бердилар. *Д.* да «Диалектиканинг юксак намуналари бор» («Жиян Рамо», 1762—79) деб кўрсатган эди Энгельс (20-т., 20-б.). Ленин кўрсатган эдики, *Д.* ҳозирги замон материализми қарашига жуда яқинлашиб келган эди. (18-т., 30-б.) ва у «асосий философик оқимларни яққол суратда қарама-қарши қилиб қўйган» эди (ўша ерда, 34-б.). Аммо шунчалик муваффақиятлар бўлишига қарамай, ижтимоий ҳодисаларни тушунишда *Д.* идеалист бўлиб қолган эди. У феодал истебдодига қарши курашиб, маърифатли монархия сиёсий тузумини ёқлаб чиқарди. *Д.* нинг асосий асарлари: «Табиатни тушунтиришга оид фикрлар» (1754), «Далам-

бер билан Дидро суҳбати» (1769), «Материя ва ҳаракатнинг фалсафий асослари» (1770), «Физиология элементлари» (1774—80).

ДИЗЪЮНКЦИЯ (лат. disjunctio— ажратмоқ)— мантикий операция бўлиб, мантикий боғловчи «ё—ёки» ёрдами билан икки мулоҳазани бирлаштиришдан мураккаб мулоҳаза ҳосил қилади. Символлик ёзуви AVB (A ёки B деб ўқилади). Классик математик логикада D. нинг икки тури: ноқатъий (бирлаштирувчи) ва қатъий (ажратувчи) турлари фарқ қилиб қаралади. Ноқатъий D. мураккаб мулоҳаза ҳосил қилади, бу мулоҳаза унга кирувчи мулоҳазалардан лоақал биттаси чин бўлган тақдирда, чин бўлади ва унга кирувчи мулоҳазаларнинг ҳаммаси ёлгон бўлган тақдирда, у ҳам ёлгон бўлади. Қатъий D. мураккаб мулоҳаза ҳосил қилиб, бу мулоҳаза унинг таркибидаги мулоҳазалардан биттаси чин бўлган тақдирдагина, чин бўлиб чиқади.

ДИЛЬТЕЙ Вильгельм (1833—1911)— немис идеялет философи, Берлин ун-тининг профессори, *ҳаёт философияси* деб аталмиш оқимнинг вакили. D. учун марказий масала— тарихий формаларда ривожланиб борувчи жонли руҳ ҳақидаги тушунчадир. D. тарихий процесснинг қонуниятларини билишнинг рад этган: философия гайри ҳиссий моҳиятларини билишдан иборат бўлолмайди, у фақат «фанлар фанга», яъни «фан ҳақидаги таълимот» бўлиши мумкин, холос. Фанлар оламиини D. табиат ҳақидаги фанларга ва руҳ ҳақидаги фанларга бўлади; сўнги фанларнинг мавзун ижтимоий воқеликдан иборат. Философия онгни анализ қилишдан иш бошламоғи лозим, чунки фақат ана шу анализгина гўё «мен»нинг бевосита кечинмаларидан йўл олиб табиий ва руҳий ҳаётнинг моҳиятига етиш воситасини берар эмиш. Руҳ тўғрисидаги барча фанларнинг асоси—психологиядир, аммо сабабиятга таянувчи изоҳли психология эмас, балки тасвирий психологиядир. D. бадий ижодни тавсифлар экан, фантазиянинг ролин таъкидлаб кўрсатарди: шоир фанта-

зия ёрдами билан тасодифий нарсани муҳим нарса даражасига кўтаради ва типик нарсани индивидуал нарсанинг асоси сифатида тасвирлайди. D. нинг фикрича, «Изоҳлаш ҳақидаги таълимот» ёки «герменевтика» философия билан тарихий фанлар ўртасида боғловчи ҳалқани ташкил этади.

ДИН— кишиларнинг кундалик ҳаётида улар устидан ҳукмронлик қилувчи ташқи кучларнинг уларнинг миёсида фантастик акс этиши, бу инъикосда ердagi кучлар ерда турмайдиган кучлар шаклига киради. Идеологик нуқтаи назардан (фалсафий идеализм бу нуқтаи назарни далиллар билан исбот қилмоқчи бўлади) қараганда D. инсоннинг азалий ички ҳис-туйғуси билан боғлиқ бўлиб, бу ҳис-туйғу унинг қандайдир руҳий ибтидо билан алоқасини ифодалайди. D. ижтимоий онгнинг ўзига хос формаси бўлиб, бу форма дунёқараш, ҳис-туйғулар ва сўнгиниш маросимларининг (маросимий-сехрий амалларнинг) бирлиги билан ажралиб туради. D. нинг асосий ва ҳал қилувчи белгиси—гайри табиий кучга ишонидир. Марксизм D. ни социал шароитга боғлиқ бўлган ва шунинг учун ҳам тарихан ўзгича ҳолиса деб қарайди. Инсоният тарихининг узоқ даври давомида одамлар ҳеч қандай D. ни билмаганлар. D. *ибтидоий жамоа тузуми* тараққиётининг муайян босқичида инсоннинг даҳшатли ва тушуниб бўлмайдиган табиат кучлари олдида ожизлигининг инъикоси сифатида пайдо бўлган. Синфий жамиятда D. нинг илдиллари аксарият кишиларнинг жамият тараққиётининг стихияли процесслари олдида ожизлиги билан, омманинг эксплуатация қилиниши ва муҳтожлиги билан боғлиқдир. Бунда D., В. И. Ленин сўзлари билан айтганда, «умр бўйи бошқаларга ишлаб муҳтожлик ва ғарибликда яшаб келган халқ оммасини ҳар ерда ва ҳамма ерда эзадиган руҳий зулм шаклларида бирийдир». (12-т., 142-б.). Социалистик революция ғалаба қозонгач, D. ижтимоий оннга ўз таъсирини аста-секин йўқота боради. Бунга эса кенг халқ оммаси орасида илмий коммунистик *дунёқарашининг*

тарқатилиши ёрдамлашади. Ривож топган коммунистик жамиятдагина Д. узил-кесил барҳам ейди ва уни кишиларнинг турмушидан бартараф қилиш мумкин бўлади. Аммо Д. нинг барҳам ейиши ўз-ўзидан юз берадиган процесс эмасдир, бунинг учун оммани атеизм руҳида тарбиялаш соҳасида сабот-матонат билан иш олиб бориш, табиий-иялмий, гуманитар билимларни ва марксистик дунёқарашни кенг пропаганда қилиш керак бўлади. В. И. Лениннинг «Социализм ва дин», «Ишчилар партиясининг динга муносабати ҳақида» ва бошқа мақолаларида Д. нинг моҳияти ҳақидаги, коммунистик партиянинг Д. га муносабати ҳақидаги масала ҳар томонлама ёритиб берилган.

ДИНАМИК СТЕРЕОТИП (грек. *dynamikos*, *stereos* ва *typos* — ҳаракатчан, қаттиқ из)—И. Павловнинг олий нерв фаолияти ҳақидаги таълимотидаги тушунчалардан бири бўлиб, бу тушунча шартли рефлексларнинг организм ҳаёти процессида ишланган ҳаракатчан, нисбатан мустақкам, доимо такрор ҳосил бўлиб турадиган мураккаб системасини билдиради. Д. с. ҳаётнинг барқарор, муайян изчилликда алмашиниб турадиган (уйқунинг уйғоқлик билан, бир хил ҳаракатларнинг иккинчи хил ҳаракатлар билан ва ҳ. к. алмашиниб туриши) шaroитларининг таъсири остида шаклланади. Натижада ўзаро боғланган шартли рефлексларнинг мувозанатли системаси вужудга келади. Шартли рефлексларнинг стереотип оқими бош мия катта ярим шарлари пўстининг ишлашини системалаштиради ва шу билан уни энгиллаштиради. Бу ҳол нерв энергиясининг тежаб сарфланишига ва ишланган Д. с. базасида янги шартли рефлексларнинг энгилроқ ташкил топишига ёрдамлашади. Одатдаги ҳаёт тарзининг ва фаолиятнинг кескин ўзгариши барқарор бўлган Д. с. ни бузади ва олий нерв фаолиятига салбий таъсир кўрсатади, кўпинча асабийликнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Д. с. нинг мувозанатли жараёни ижобий эмоциялар (мамнуният, қувноқлик, тетиклик

ва б.) билан бирга боради, унинг бузилиши эса оғир ҳисларни (ҳафалқ, руҳий тушқунлик, умидсизлик ва б.) тугдиради. Ҳар қандай ишдаги муваффақият кўп жиҳатдан меҳнат фаолиятининг ташкил этилишига, режали ва маромли бўлишига боғлиқдир.

ДИОГЕН-КИНИК (эрамыздан олдин 404—323) синоплик — грек философи, киник мактабининг асосчиси (*Киниклар*) *Антисфеннинг* шогирди; ўз устозининг қарашларини энг ўта хулосалар даражасига етказди. Антисфен сингари, у ҳам фақат алоҳидаликни эътироф этиб, *Платоннинг идеялар* умумий моҳиятлардир, деган таълимотини танқид қилди. У цивилизациянинг барча ютуқларини рад қилди ва фақат зарурий эҳтиёжларни қондириш бялангина чекланинга даъват этди. Шунингдек у кўп худодликни ва унинг ҳамма диний маросимларини ҳам рад қилиб, уларни фақат одамлар расм қилган ортиқча даҳмаза деб ҳисобларди. Д. с. лoсoвьячилик тафовутларини танқид қилиб, аскетизмни (тарки дунёчиликни) тарғиб этарди. Анъанавий ривоятга кўра, у ҳукмдорлар олдида ўзини дадил ва мустақил тутган, ижтимоий хатти-ҳаракат қондаларига нафрат билан қараган; айтишларича, у бочкада яшаган эмиш. Аммо унинг очикдан-очик нафсига тош уриб яшаганлиги ҳақиқатга қўғри келмаса керак, чунки унинг ҳақидаги маълумотлар зидма-зиддир.

ДИОГЕН ЛАЭРТСКИЙ — эрамызининг 3-асридаги грек ёзувчиси. Унинг «Философияда шуҳрат қозонган ёзувчиларнинг ҳаёти, таълимоти ва ҳикматлари ҳақида ўн китоб» деган каттакон асари философия тарихидан антик даврининг бизгача етиб келган бирдан-бир йиғма асар сифатида аҳамиятга эгадир; бу асар грек философияси вакилларининг таржимаи ҳолларига оид маълумотларни ва уларнинг таълимотларини ўз ичига олиб, *Секст Эмпирик* билан тамомланади. Д. Л. кўпинча ҳатто анекдот даражасига бориб етадиган ҳикматлар ва маълумотларнинг энг қадимги тўпловчиси сифатида эътиборга лойиқдир. Унинг асарида *стоикларга* (VII китоб)

ва *Эпикурга* (X китоб) бағишланган бўлим энг мароқлидир. Унинг сўнги китобида Эпикурнинг бизга етиб келган бирдан-бир асари: унинг уч мактуби ва «асосий фикрлар»и келтирилган. Д. Л. стоикларга танқидий муносабатда бўлади; скептикларга ва Эпикурга эса у меҳр-муҳаббат кўзи билан қарайди.

ДИРАК Поль (1902 йил туг.) — инглиз физика назариячиси, *квант механикаси* яратувчилардан бири ва релятивистик квант назариясининг асосчиси; бу назария «элементар» зарраларнинг ўзаро бир-бирига айланиши қонунини очиб берди ва антинейтроннинг (позитрон, антипротон, антинейтроннинг) мавжудлигини биринчи марта башорат қилишга имкон берди. Д. ўзини *копенгаген мактабининг* ва айниқса «кузатувчилик принципининг» тарафдори деб эълон қилиб айтган фалсафий фикрлар билан унинг физикага оид асарлари ўртасида баъзи зиддиятлар бор; бу асарларида у ўзининг «маиший энергия» ва шу каби энг гайри оддий «кузатилмайдиган» миқдорларни дэйдил жорий қилувчи *математик гипотезанинг* устаси эканлигини кўрсатади.

ДИСКРЕТЛИК — қ. *Узлуқлик ва узлуқсизлик*.

ДИСКУРСИВ (лат. discursus — муҳокама) — ҳиссий, бевосита, интуитив билмидан фарқли ўлароқ, муҳокама орқили, восита билан ҳосил қилинадиган интиқий, далил-неботли билим *демакдир*. Ҳақиқатларнинг бевосита (интуитив) ва билвосита (далил-небот асосида қабул қилинадиган) ҳақиқатларга бўлинишини *Плагон* ва *Аристотель* асарларидаёқ учратиш мумкин, «Д.» термини эса *Фома Аквинскийда* учрайди. Метафизиклар Д. тафаккур родини ё буткул инкор қилардилар (Якоби ва б.), ёки унинг родини бўрттириб кўрсатардилар (Х. Вольф ва б.). *Кант* ва *Гегель* (идеалистик нуқтаназардан), марксизм (диалектик материализм нуқтаназаридан) бишлининг Д. томонининг муҳим родини эътироф қилардилар.

ДИСПАРАТ (лат. disparatus — бўлинган, алоҳида қилинган) — таққос-

лаб бўлмайдиган. 19—20-асрлар логикисида Д. термини нисбатан жуда кам ишлатилади ва фақат тушунчаларгагина тадбиқ этилади. Предметлари умумий хоссалардан маҳрум бўлган ва шунга кўра уларни янада умумлаштириш мумкин бўлмаган тушунчалар таққослаб бўлмайдиган тушунчалар деб аталади (мас., металл ва ўйин, квадрат билан идеология). *Баъзан* Д. фарқловчи ҳукмлар деб аталади (мас., Лейбницда: «иссиқлик билан ранг мутлақо бир хил эмасдир», «инсон билан жонивор бир хил эмасдир, ваҳоланки ҳар қандай инсон жонивордир»). Баъзи психологлар (мас., Герbart) Д. ни турли сезги органларининг сезишларидан иборат деб атайдилар: мас., кўк ва қаттиқ, ширин ва иссиқ.

ДИСТИНҚЦИЯ (лат. distinctio — фарқ қилиш) — онгнинг амали бўлиб, бу амал предметлар ўртасидаги ёки онгнинг ўзининг элементлари (сезгилар, тушуночалар ва ҳ. к.) ўртасидаги объектив фарқни акс эттиради. *Логикада* Д. деганда *тушунча таърифининг* ўрнини босувчи усул тушунилади (мас., водород кислороддан шу билан фарқ қиладики, ўзи ёнади, аммо ёнишни кучайтирмайди). Д. термини ўрта асрларда киритилган эди. Схоластлар у билан объектив фарқни (реал, моҳиятли, сабабли ва б. Д. ни) ҳам шунингдек фикрий фарқ қилишни (ақл Д. си, субъектив, формал ва б. Д. ни) ҳам белгилар эдилар. «Д.» термини ҳозирги замонда ҳам ишлатилади.

ДИЦГЕН Иосиф (1828—88) — кўнчи ишчи, «Германиянинг энг кўзга кўринган социал-демократ ёзувчи философларидан бири» (В. И. Ленин, 23-т, 130-б.). Ўз-ўзидан ўрганиб философ бўлган Д. Фейербах материализмининг кучли таъсирини кечирди ва мустақил равишда материалистик диалектикани кашф этди. Германия, Россия ва Америкада яшаб, ишлади. Д. нинг асосий асарлари — «Инсон мянса фаолиятининг моҳияти» (1869), «Философия аквизити» (1887) — асосан гносеологияга бағишланган. Д. нинг фикрича, онг — абдий мавжуд бўлган ва ҳаракатланадиган материя-

нинг, «универсум»нинг идеявий маъсулидир. Оғнинг ҳомили бўлмиш мия — «солабий яхлитлик»нинг бир қисмидир. Оннинг мазмуни — табиий ва ижтимоий борлиқдан иборат. Билиш ҳиссий ва абстракт формаларда содир бўлади; у — нисбий ҳақиқатдан абсолют ҳақиқатга томон ҳаракат процессидан иборат. Кантнинг агностицизмини рад қиларкан, Д., инсоннинг ҳар иккала формадаги билиши — ташқи оламнинг образи бўлиб, у тажрибада текшириб кўрилади, деган эди. «Универсум»ни у ҳаракатда деб қарарди ва тараққиёт манбаини зиддиятда деб биларди. Бироқ Д. да диалектика илмий системага солинмади, у диалектикани билиш назарияси сифатида тўлиқ очиб беришга муваффақ бўлмади (тўғри, бу соҳада унинг бир қанча айрим фикрлари мавжуддир). Бу ҳол Д. ни релятивизмга ва вульгар материализмга ён босишга, моддийлик билан идеявийликни аралаштириб юборишга олиб келди. Д. нинг хато фикрларидан махистлар диалектик материализмга қарши курашда фойдаландилар. Ленин Д. нинг ноизчиллигини қайд қилиб, умуман олганда унинг таълимоти марксизм йўлидан ривожланди, деб таъкидлаган эди. Д. курашчан атеист, Маркс, Энгельс таълимотининг оташин пропагандисти, марксизм философиясининг пролетарча партиявийлигини, ижтимоий тузумнинг социалистик принципларини қаттиқ туриб ҳимоя қилувчи эди.

ДИҚҚАТ — психик ҳолат бўлиб, бу ҳолат инсоннинг билувчиллиги ва амалий фаолиятининг йўналишини ва муайян объектда ёки фаолиятда тўпланишини таъминлайди. Предметга бенхтнёр (уйламасдан) қилинган Д. (физиологик жиҳатдан мўлжалли рефлексдан иборат бўлган Д.) мазкур предметнинг ўзининг алоҳида хусусиятлари: янгилиги, унда юз берадиган ўзгаришлар, бошқа объектлардан фарқ қилиб туриши, унинг таъсир кучи (ёруғ нур, кучли товуш) туфайли юз беради. Ихтиёрий (била-кўра туриб) қилинган Д. англаб олишдан вазифа билан белгиланади. Фақат инсонга хос бўлган ихтиёрий Д. меҳнат

фаолияти билан бирга ривожланади. Маркс таъбири билан айтганда, меҳнат бажариладиган органларнинг шиддатидан ташқари, меҳнатнинг ҳамма вақтида Д. да ифодаланадиган мақсадга мувофиқ прода бўлиши зарур.

ДОБРОЛЮБОВ Николай Александрович (1836—61) — рус революцион мутафаккири, материалист, танқидчи ва публицист, *Чернишевскийнинг* сафдоши. Руҳоний оиласида туғилган. Нижний Новгородда руҳоний семинарияни (1853) ва Петербургда Бош педагогик ин-тни (1857) тамомлаган. 1856 йилда «Современник» да ҳамкорлик қилиб, унда (1857—61) танқид ва библиография бўлимини бошқарган. Беш йиллик ижодий фаолияти давомида Д. фан (педагогика, эстетика ва философия) ҳамда санъат масалаларига оид кўп мақолалар ёзган. Улардан энг муҳимлари: «Тарбияда обрўэтиборнинг аҳамияти ҳақида» (1857); «Инсоннинг ақлий ва ахлоқий фаолияти билан боғлиқ ҳолда ўзвий камол топиши (1858); «Жаноб Жеребцов тўқиб чиқарган рус цивилизацияси» (1858); «Ўтган йил адабиётини майда-чуйдалар» (1859); «Роберт Овен ва унинг ижтимоий реформалар йўлидаги уринишлари» (1859); «Обломовчилик нима?» (1859); «Зулмат салтанати» (1859); «Ҳақиқий кун қачон келади, ахир?» (1860); «Рус авом халқини тавсифлаш белгилари» (1860); Зулмат салтанатида ёруғ нур» (1860). Д. турли фалсафий проблемаларга мурожаат қиларкан, табиат билан инсоннинг генетик муштараклиги принципни, инсон организмда психик ва физиологик процессларнинг бирлиги ҳақидаги материалистик идеяни қаттиқ туриб ҳимоя қилди, фалсафий дуализмга қарши чиқди, билиш масалаларида агностицизм ва скептицизмга қарши курашди ва ҳ. к. Д. ўз замонасининг табиёт илми маълумотларига таяниб христиан динининг асосий ақидаларидан бирига — «жон» билан жисмни қарама-қарши қўйишга қарши мунозар олиб борди. Д. *Фейербах*ни яхлит, бир бутун вужуд бўлмиш инсон ҳақидаги фаннинг асосчиси деб биларди. Д. ижтимоий масалаларга мурожаат қи-

ларкан, инсон ҳаракатларининг социал шароитга боғлиқ эканлигини кўрсатиб, шу билан ҳақиқатда антропологик принципнинг етишмовчилигини ва маҳдудлигини очиб берган эди. Д. тарихийликка интилар, табиат ва жамиятдаги тараққиёт принципини қаттиқ туриб ҳимоя қиларди. Гарчи Чернишевскийга нисбатан Д. социалистик назарияни ишлаб чиқишга камроқ эътибор берган бўлсада, лекин у ўз устози турган позицияларда туриб, Россиянинг социализм йўлидан ривожланиши учун курашарди. Д. йирик эстетик эди. У *Белинский* традицияларини ривожлантириб, адабиёт ва санъатнинг социал вазифаси — ўша давр воқелигидаги «ижтимоий муносабатларнинг ғайри табиийлиги»ни тасвирлаб кўрсатиш, халқнинг «табиий интилишлари»ни аниқлаб бериш, ҳаётдан идеални излаб топишдан иборат эканлигини кўрсатган эди. Езувчи-санъаткорнинг асосий фазилати — унинг тасвиротидаги ҳақиқатдадир. Ҳаёт тадқиқотининг усули сифатида «реал танқид» ҳақидаги қондини ишлаб чиқар экан, ўзининг асосий мақсади рус жамиятининг онгини уйғотиш ва ривожлантиришдан иборат деб билар экан, Д. шу билан бирга, фақат революция, омманинг революцион ҳаракатигина мавжуд тартибларни тубдан ўзгартишга, «илдизидан чириганлиги» яққол кўриниб турган самодержав механизмининг синдириб ташлашга, крепостниклик «зулмат салтанати»га хотима беришга қодирдир, деб ўйларди. Д. либерал адабий шош қилувчиликнинг сохта радикал характериини саваларди. У шундай жамиятни орзу қилардики, унда «инсоннинг қадрқиммати... унинг шахсий фазилатлари билан белгиланадиган бўлсин», «моддий ноз-неъматларни эса ҳар бир киши ўз меҳнатининг миқдори ва аризишга қатъий мутаносиб меъёрда оладиган бўлсин».

ДОГМАТИЗМ — ақидапарастлик — философия ва фанда — практика ва фаннинг янги маълумотларини, ўрин ва вақтнинг конкрет шароитларини ҳисобга олмасдан, ўзгармас тушунчалар, формулалар билан иш кўрувчи,

яъни ҳақиқатнинг конкретлик принципини эътиборсиз қолдирувчи тафаккур усули. Д. нинг пайдо бўлиши тарихан диний тасаввурларнинг, дин догматларига (ақидаларига) ишониш талабларининг кучайиб бориши билан боғлиқдир, чунки дин ақидалари радди-бадал қилиб бўлмайдиган, танқид этиб бўлмайдиган ва барча диндорлар учун мажбурий бўлган ҳақиқатлар, деб даъво қилинади. Антик *скептицизм* тарафдорлари олам ҳақидаги ҳар қандай ижобий таълимоти Д. га қўшардилар. Янги замонда Кант Декартдан тортиб то Хр. Вольфгача бўлган рационалистик философияни «догматик» деб атаб ўз *критицизми*ни унга қарама-қарши қўйган эди. Ҳозирги замон философиясида Д. оламнинг ўзгарувчанлиги ва ривожланиши идеясини инкор этгувчи антидиалектик концепциялар билан ҳамда диалектик тараққиёт қонуналарининг ўзи турли тарихий шароитларда, турли объектлар ва процессларда турлича юз беришини тушунмаслик билан боғлиқдир. Сиёсатда Д. сектантликка, ижодий марксизмдан воз кечишга, субъективизмга, практикадан узилишга олиб боради. Ҳозирги замон шароитида Д. *ревизионизм* билан бир қаторда халққаро ишчилар ҳаракати учун катта хавфдир. Догматиклар жаҳон тараққиётининг ўзгарган шароитларини ҳисобга олмасдан, бошқача вазиятга мувофиқ бўлган эски формулаларга қаттиқ ёпишиб оладилар. Шунинг натижасида улар, мас., капитализмдан социализмга ўтишининг фақат бир формасини — қуроли қўзғолон формасини қонулаштириб, жамиятни революцион йўл билан қайта қуришнинг бошқа формалари бўлиши мумкинлигини рад этадилар. Д. нинг характерли хусусияти шуки, у «сўл» иборалар ва «ўта революцион» шiorлар билан чиранади, амалда эса бу шiorлар революцион сиёсатдан жуда узоқ сафсатабозликка айланиб кетади. Ленин Д. нинг ҳамма хилдаги кўринишларига қарши шафқатсиз кураш олиб боришга даъват этган эди.

ДОНИШ Аҳмад (1827—1897) —бухоролик атоқли олим, маърифатпар-

вар мутафаккир, математика, медицина, астрономия, адабиёт, музыка, хат-тотлик, философия, ахлоқ масалалари билан шуғулланган. Диний фанатизм ҳукмрон бўлган Бухоро шароитида Д. табиий илмларни тарғиб қилди. Узи астрономия соҳасида қатор кузатишлар олиб борди. *Форобий*, *Ибн Сино*, *Беруний*, *Улғбек*, *Бедил* асарларини ўрганди ва уларнинг фикрларини давом эттиришга ҳаракат қилди. Москва ва Петербургга уч бор саёҳат қилиб, рус маданиятининг ютуқлари билан танишди ва уларни Бухоро шароитида тарғиб қилди, рус халқи билан дўстликка қақирди. «Россия — деб ёзди у, — миллати ва дини билан биздан фарқ қилса ҳам, у инсонгарчиликда, ҳаққонийликда ва дўстликда ҳаммага ўрнақдир». Д. ижтимоий ҳаёт масалалари, тарих, философия ва айрим конкрет табиий фанларга, астрономияга оид «Жадвали соати тулу ва ғуруби шамс». «Тақвими соли асб», «Рисола фи амали курра», «Манозир ал кавокиб», «Фавонди мутафорриқа дар илми нужум» каби қатор асарлар ёзди. Унинг фалсафий-ахлоқий қарашлари энг катта ҳажмли асари «Наводир ул вақое» («Нодир воқеалар»)да, сиёсий-ижтимоий қарашлари «Таржимаи аҳволи амирони Манғития» («Мангит амирларининг тарихи») асарида кенг ифодасини топди. Д. диний идеология таъсирида бўлса-да, табиий-илмий билимларнинг жамият учун зарур эканлигини таъкидлади, табиатни, унинг чексиз бойликларини ўрганишга қақирди, астрономик кузатишларида моддий дунёнинг инсондан ташқарида мавжудлигини ва узлуксиз ўзгарувчанлигини эътироф этди. Ерни бошқа осмоний jismlar сингадги юмалоқ, табиий ҳодисалар ўз ички сабабий боғланишда деб тушунди, масалан, ер қимирлаши худодан эмас, унинг марказидаги масса ҳаракатидан деб билди. Тана ва жон узвий боғлиқлигини тасдиқлади. Инсоннинг ақли ва билувчилик қобилиятини улуғлади. Д. ижтимоий қарашларида диний фатализмни қоралади, ижтимоий тенглик назариясини ёқлаб чиқди, лекин турли

табақаларнинг тенг ҳуқуқчилигини амалга ошириш катта қийинчиликлар, қон тўкишлар билан боғлиқлигини эътироф этди. Синий зиддиятни яхши тушунган ҳолда руҳонийлар, ҳукмдорлар ва Бухоро амирининг ахлоқсизлиги, шафқатсиз, зolimлигини кескин танқид қилди. Улар ахлоқини ҳаётдаги барча ёмонликларнинг сабаби деб билди. Ижтимоий ҳаётни яхшилаш йўлида реформа ўтказишни талаб этди.

ДОСТОВСКИЙ Фёдор Михайлович (1821—82)— рус реалист ёзувчиси ва мутафаккири. «Бечора кишилар» деган биринчи романидаёқ (1846) инсонпарвар сифатида майдонга чиқди, унинг бу инсонпарварлик қарашларининг асосий хусусияти «одам ҳақида қайғуриш» (Добролюбов) эди. *Белинский* «Бечора кишилар»га юксак баҳо берган эди («бизда социал романга биринчи уриниш»). У вақтда Д. Белинскийнинг идеялари таъсири остида эди. Ушандан буён демократик ва социалистик идеялар доимо ёзувчининг диққат марказида туради. 1847 йилда Д. *петрашевчилар* тўғрарига кириб, унинг Н. А. Шешнев бошичилик қилган радикал қанотига қўшилди. 1849 йилда бошқа петрашевчилар билан бирга қамоққа олиниб, отишга ҳукм қилинди, бу ҳукм кейин тўрт йил каторга билан алмаштирилди. Сибирда Д. нинг қарашларида эволюция содир бўлди, унинг дунёқарашида антиномик зиддият кучайди: у социал тенгсизликка қарши курашнинг революцион методларини батамом инкор этишга, Россия ва Фарбнинг қарама-қарши тақдирлари ҳақидаги, халқ онгида самодержавия ва дин идеяларининг алоқадорлиги ҳақидаги фикрга келди ва ҳ. к. Аммо у халқлар биродарлигининг, ҳар бир айрим кишининг камолоти ва бахтсаодатиға асосланган социал уйғунлик тўғрисидаги гуманистик идеалларга содиқлигича қолаверди. Д. нинг бу қарашлари заминчилик деб аталган, *славянофиликка* (*ғарбчилик* белгилари билан бирга) яқин турган концепцияда бирёқлама ифодаланди. Д. Петербургга қайтиб келгач (1859),

М. Достоевский, Н. Страхов ва А. Григорьев билан бирга бу концепцияни ривожлантиради. Социализм ва революцияга Д. жамиятнинг юқори табақаларини «замин» билан — рус халқи билан тинчлик асосида (хат-савод ва маърифат тарқатиш воситаси билан) бирлаштиришни қарама-қарши қилиб қўяди. Д. нинг нуқтаи назари-ча, рус халқи унда сақланиб қолган «ёппа тотувлик» ва «ёппа одамийлик» ҳақидаги христианлик идеали туфайли, Европа цивилизациясининг натижаларини ўзлаштириб олишга ва ғарб жамиятларига хос бўлган словосвиялар адоватидан сақланишга қодирдир. Шу хилдаги идеални ёппасига амалга оширишни Д. рус халқининг тарихий вазифаси деб билади. Социал антогонизмларни шу йўсинда бартараф қилишдаги консерватизм ва утопизм яққол кўриниб турибди. Узининг баддий асарларида Д. социал ахлоқий масалаларни кескин қилиб қўяди, буржуа цивилизациясига хос бўлган «худбинлик, сурбетлик, қулчилик, нифоқ солиш, соқчиликти танқид қилади, реформадан кейинги Россияда ҳукм сурган «ахлоқий бузилиш»ни дард-алам билан ҳис қилади» (Луначарский). Унинг ижодида шахснинг руҳий-ахлоқий мушкулотлари билан боғлиқ бўлган проблемалар устун ўрин тутади. Д. одамни «увада» эмас, «михча» эмас (социология тили билан айтганда), дўттибозлик объекти деб эмас, балки эркин природага эга бўлган ва қилган иши учун жавобгарликни ҳис қиладиган шахс деб билади ва шунинг учун ҳар қандай ҳаётий вазиятда: «одамлар орасида ҳамшиша *одам* бўлиб қолмоқ керак ва ҳар қандай бахтсизлик юз берганда ҳам зорланмаслик ва руҳни туширмаслик лозим» деган юксак ва қаттиқ ахлоқий принципга амал қилишни талаб этади. У инсонга бутунлай вазиятга боғлиқ бўлган ва ҳамшиша (агар унга ўзининг жаққий манфаатлари маълум бўлса) ақл-фаросатнинг амри билан иш кўрадиган вужуд, деб маърифатчилик нуқтаи назаридан қарашни рад қилади. Д. нинг фикрича, шахснинг унинг бутун структураси билан боғлиқ бўл-

ган эркинлиги фақат яхшилик манбаи эмас, балки ёмонлик манбаи ҳамдир, «инсоннинг пийҳонлик манбаи ҳамдир. Чексиз эркинлик ёки вужудга келган муносабатларга қарши индивидуалистик исён деспотизмга, кишилар орасига нифоқ солишга, азоб-уқубат чекишга, шахснинг маънавий ҳалокатига, ҳаттоки ўлимга олиб келади. Д. нинг фикрича, уйғунлашувга ва мукаммал жамиятга бориладиган йўл хокисорлик ва азоб-уқубат чекиш орқали ўтадики, бу ҳол инсонга руҳий тушкунликни енгилга ва Хриstda (Исода) бирлашиб кетиш идеалини, худо-одам идеалини танлаб олишга ёрдам беради (худо бўлмаса, «хаммаси раво» деган қоида тантана қилади ва жамият аста-секин тубсиз зулмат-залолат ичига тушиб боради). Д. ўз диний идеалининг мавжудлигига ишонмоқчи бўлган эди-ю, лекин реал ҳақиқат уни бошқа хулосалар чиқаришга ундаб, унинг онгида ҳал қилиб бўлмайдиган зиддиятларни туғдирди («то тобутга солинигунча ишонмайди-ган ва шубҳаланадиган ўғлон» дегар эди у ўзи ҳақида). Д. нинг дунёқарашидagi антиномизм (зидма-зидлик) фақат диний масалаларга қарашдагина эмас, балки социал-ахлоқий, эстетик ва тарихий масалаларга қарашда ҳам ифодалангандир, лекин унинг учун бедоиларчи нараса гуманистик нуқтаи назар эди. У ўз қаҳрамони тилидан, ёмонлик кишиларнинг нормал ҳолати бўлишига ишонгим кесмайди ва ишоналмайман, деган эди. «Хўрланганлар ва ҳақоратланганлар» га меҳр ва дард-алам билан, шахснинг социал ва маънавий эзилишига нафрат билан қараш ижодидан Д. прогрессив инсониятга яқин турарди. Ёзувчининг ижоди жаҳон адабиётига, кўп философларнинг қарашларига анча таъсир кўрсатди. Ҳозирги замон буржуа идеологлари (хусусан экзистенциализм ва мистицизм тарафдорлари) Д. нинг қарашларини ниҳоятда бузиб талқин қилдилар. Унинг романлари («Жиноят ва жазо», 1866; «Идиот», 1868; «Ажнналар», 1871—72; «Успириш», 1875; «Ака-ука Қарамазовлар», 1879—80) дан ташқари, «Мак-

тув»лари ва «Ёзувчининг кундалиги» Д.нинг қарашларини аниқлаш учун китга аҳамиятга эгадир.

ДРАМАТИЗМ (грек. drama — ҳаракат, амал) — эстетик категория бўлиб, бу категория инсон ҳаётидаги зиддиятларини ва конфликтларни, инсоннинг тенарак-атрофдаги ижтимоий ва табиий муҳит билан ўзаро муносабатини акс эттиради ва умумлаштиради. Манфаат ва мақсадлари курашда тўқнашиб, ҳал қилинадиган кишилар Д.нинг ҳомилларидирлар. Ҳаётий Д.дан санъат ўз асарларининг мазмуни ва формасини тўплаб олади. Модернистик санъат ҳаёт ҳақиқатидан, ҳақиқий одамийликдан, демак, Д.дан ҳам қочиш учун турли йўллари излайди. Реалистик санъат воқеликни унинг бутун мураккаблиги ва зидма-зидлиги билан ҳаққоний қайта ҳосил қилган ҳолда ҳаёт Д.ига, кишиларнинг тақдирини ва кечинмаларига ҳуқур кириб боради. *Драматик конфликт* Д.нинг энг тўғри ва марказлашган кўринишидир.

ДРИШ Ганҗ (1867—1941) — немис биолог, неовитализмнинг асосчиси (*Вигализм*). Ҳаётни механистик изоҳлашга зид ўлароқ, Д. ҳаётий ҳодисалар замирида алоҳида номоддий куч— *энтелехия* асос бўлиб ётади, деган тезисни илгари сурди. Д.нинг фикрича, энтелехия ҳаётий процессларнинг бутун жараёнини белгилаб, уларга мақсадга мувофиқ характер беради. Энтелехиянинг фаолияти моддий қонуларга бўйсунмаганлиги сабабли, уни фанга боғлаб изоҳлаш мумкин эмас. Энтелехия ҳақидаги таълимотда Д. қарашларининг идеализми ва агностицизми акс этган эди.

ДУАЛИЗМ (лат. duo—икки)—фалсафий таълимот бўлиб, бу таълимот *монизмга* қарама-қарши ўлароқ, моддий ва руҳий субстанцияларни тенг ҳуқуқли асослар деб ҳисоблайди. Д.нинг асосий далили — кўп ҳолларда материализм билан идеализмни келтиришига уринишдан иборат. Онгини материядан дуалистик ажратиш *ширлар*да ҳисобда идеализмга олиб келади. Д. энг кўп даражада *Декарт* ни *Кант* философияси учун характерлидир. Д. *психофизик параллелизм* на-

зариясига фалсафий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

ДУНЁҚАРАШ — принциплар, қарашлар, маслақларнинг мажмуи бўлиб, улар айрим кишининг, социал группанинг, синф ёки умуман жамиятнинг фаолияти йўналишини ва воқеликка муносабатини белгилайди. Д. ижтимоий онгинг барча формаларига тааллуқли элементлардан таркиб топади: унда фалсафий, илмий, сиёсий, ахлоқий ва эстетик қарашлар катта роль ўйнайди. Илмий билимлар Д. системасига қўшилгач, инсоннинг ёки группанинг тенарак-атрофдаги социал ва табиий реалликда бевосита амалий йўл туттиш мақсадига хизмат қилади; бундан ташқари, фан инсоннинг воқеликка муносабатини рационаллаштириб, уни бидъат-хурофотлардан ва янглишлардан халос қилади. Ахлоқий принциплар ва нормалар кишиларнинг ўзаро муносабатлари ва хатти-ҳаракатини тартибга солувчи бўлиб хизмат қилади ва эстетик қарашлар билан бирга тенарак-атрофдаги нарсаларга, фаолият формаларига ва фаолиятнинг мақсад ва натижаларига муносабатини белгилайди. Фалсафий қарашлар ва эътиқодлар Д.нинг бутун системасининг фундаментини ташкил этади: худди философия фан ва практиканинг жами маълумотларини назарий жиҳатдан англайди ва уларни воқеликнинг энг объектив ва тарихан муайян манзараси шаклида ифодалайди. Д.нинг бош масаласи— *философиянинг асосий масаласидир*. Шу масаланинг ҳал этилишига қараб, Д.нинг икки асосий тури: материалистик Д. ва идеалистик Д. бир-биридан фарқ қилиб қаралади. Д. ижтимоий борлиқнинг инъикосидир. Синфий жамиятда у синфий характерга эгадир; одатда, ҳукмрон синфнинг Д.и ҳукмронлик қилади. Ривожланган социалистик жамиятда Д. халқаро миқёсда синфий кураш сақланг қолганлиги сабабли ўз синфий табиатини сақлаб қолади, ammo бунда ишчилар синфининг Д.и бутун жамиятнинг Д.и сифатида юзага чиқа бошлайди; унинг илмий-назарий ва гоёий-сиёсий асосини марксизм-ленинизм ташкил эта-

ди. Социализм шароитида коммунистик Д. ни онгли ва маълум мақсадга қаратилган ҳолда ўстириш коммунистик партия ва давлатнинг асосий вазифаларидан бири сифатида юзага келади. Буржуа идеологлари ва ревизионистларнинг даъвосича, коммунистик ижтимоий тузум Д. ни тўла унификация қилишга (бир андазага солишга) олиб борар эмиш. Бироқ, социализм даврида коммунистик Д. нинг аҳқомронлиги фақат жамиятнинг барча ҳукмлари илмий марксча-ленинча идеологияни қабул қилганликларини билдиради, ҳолос. Социалистик жамиятда Д. ғоявий асосининг сўзсиз бирлиги унинг хусусий компонентларида индивидуал тафовутларнинг бойлигини назарда тутади ва рўёбга чиқаради. Д. нинг сифат характеристикаси учун унда фақат билимларнинг эмас, балки маслакларнинг ҳам мавжудлиги муҳимдир. Агар билимлар асосан Д. системасининг мантиқий компоненти-дан иборат бўлса, маслаклар билишга ҳам, реалликнинг ўзига ҳам муайян ахлоқий ва эмоционал-психологик муносабатни назарда тутади. Д. да психологик, социал-психологик ва эмоционал моментларнинг муҳим роли шунга боғлиқки, улар характернинг хислатларини ва инсоннинг кайфиятини, пировард ҳисобда эса ўз Д. нинг принциплари учун ҳаракатга, курашга тайёрлигини белгилайди. Худди билимлар негизидан ўсиб чиқадиган маслаклар шахснинг, гуруҳнинг, синфнинг активлиги манбаидир. Социалистик жамиятда марксча-ленинча Д. принципларини шахсн коммунистик тарбиялаш процессида маслакка айлантиришга ғоят катта аҳамият берилишининг сабаби ҳам шудир.

ДУНС СКОТТ Иоанн (1265 (ёки 1266)—1308) францисччи монах, ўрта аср схоластикасининг таниқли вакили. Шотландияда туғ., Оксфорд ва Париж ун-тетларида дарс берган. Маркс таъбири билан айтганда, Д. С. «...*Теологиянинг ўзини материализмни тарғиб қилишга мажбур этган*». *Томизмни* кескин танқид қилиб чиққан. *Фома Аквинскийдан* фарқ қилиб, философияни теологиядан ажратишга ҳара-

кат қилган, ҳеч нимадан яратиш идеясини рационалистик асослаш мумкин эмаслигини исботлаган, ақлнинг иродага боғлиқ эканлигини эътироф этган. Д. С. нинг тушунишича, худо — бу мутлақ эркиндикдир. *Универсалиялар* ҳақидаги ўрта аср мунозараларида *номинализмни* дастур тутган. Ягоналикнинг устунилигини таъкидлаб кўрсатмоқ учун Д. С. индивидуал фарқ маъносида haecceitas («этость») терминини ихтиро этган. Логикага «интенция», «ақл билан пайқалувчи тур» тушунчасини киритган, конкрет маънони (унинг термини) абстракт маънога биринчи бўлиб қарама-қарши қўйган. Шунингдек ҳозирги замон математик логикасида машҳур «Елғондан истаган нарсанинг ҳаммаси келиб чиқади» деган қондани барқарор этган; логикада умумийликнинг икки кванторини фарқ қилиб қараган: 1) ҳар қандай (omnis), «ҳар бир» маъносида ҳаммасини қаторасига олиб; 2) истаган (unusquisque), «биз ниманики олмайлик» маъносида (абстракциянинг юқорироқ тури).

ДЬЮИ Жон (1859—1952) — америкалик идеалист философ бўлиб, АҚШ буржуа философияси, социологияси, эстетикаси ва педагогикасига катта таъсир кўрсатган; *прагматизмнинг* «Чикаго мактаби»ни таъсис этган. Гегелчиликдан бошлаб эволюционистик позитивизм орқали йўл босиб ўтган Д. прагматизмнинг янги ривоятини ишлаб чиқиб унга *«инструментализм»* ёки «гуманистик натурализм» деб ном берди. Д. материалистик инъикос назариясига қаршн қаратилган ўз философиясининг субъектив-идеалистик ва агностик моҳиятини жуда эҳтиётлик билан ниқоблайди. Узининг социологик асарларида Д. буржуа либерализмининг («тартибга солинувчи эркинлик» ва «тенг имкониятлар» назариясининг) ҳамда индивидуализмининг ҳимоячиси бўлиб чиқади. Синфий курашга ва социалистик революцияга у синфлар ҳамкорлигини ва педагогик реформалар йўли билан жамиятти яхшилашни қарама-қарши қилиб қўяди. Д. педагогикасининг «экспериментал методи» илмий **билим**ларни эгал-

лаб олинга хилофан, индивидуал эпчиллик, ташаббускорлик, уддабурунликни тарбиялаб ўстиришга асосланган Д. бошчилик қилган «Мустақил сиёсий ҳаракат лигаси» антисовет пропагандада актив иштирок этиб келган эди. Асарлари: «Мактаб ва жамият» (1899), «Философияда реконструкция» (1920), «Логика, тадқиқот назарияси» (1938), «Инсон проблемалари» (1946).

ДЮГЕМ Пьер (1861—1916)—француз физиги ва философи, фан тарихи ва методологиясининг мутахассиси. Узининг «Физика назарияси, унинг мақсадлари ва тузилиши» (1909) китобида классик физика қисмларини ҳамда 19-асрнинг охири—20-асрнинг бошларидаги илмий тасаввурларни қимматли анализ қилиб берди, лекин умуман олганда *Пуанкаренинг конвенционализмини*, *Махнинг тафаккурни тежаш принципини* ва инсон бил-нларининг нисбийлигини тарғиб қилди ва бунда оламнинг объектив бирлигининг натижаси сифатида турли назарияларнинг ички ворислигини таъкидлашдан кўра кўпроқ уларнинг ўзаро бир-бирини истисно қилишини таъкидлаган. Билишнинг нисбийлигини бир томонлама метафизикларча изоҳлаш идеализмга ва агностицизмга йўл очиб берди (*Физик идеализм*). Асосий асари—«Олам системалари» (1913—59).

ДЮРИНГ Евгений (1833—1921)—немис механика профессори, философи ва экономисти. Чинловниклар орасидан чиққан; Берлин ун-тетининг приват-доценти (1863—77). Философияда эклектик бўлиб, позитивизмини, ноизчил ва ҳатто вульгар материализмини ҳамда ошқора идеализмини бирга қўшиб юборган; сиёсий иқтисод ва социологиясида майда буржуа идеологиясининг ҳимоячиси. Илгари мавжуд бўлган икки мустақил партияни—ласалчилар ва эйзенахчилар партияларини бирлаштириш асосида пайдо бўлган Германия с.-д. партияси ўз сафларини мустақкамлаётган ва назария масалалари аниққа муҳим аҳамият касб этган даврда Д. Маркс ва Энгельс таълимотига қарши чиқди. Д.нинг философия, сиёсий иқтисод ва социализм масалаларидаги чалқаш ва зарарли қарашларини айрим социал

демократлар қувватладилар. Д.нинг ёзганлари ҳали мустақкамланиб олманган немис ишчилар ҳаракати учун хавфли эканлигини назарда тутиб, Энгельс Д. га қарши чиқди ва махсус ёзган *«Анти-Дюринг»* китобида унинг қарашларини танқид қилиб, дабдаласини чиқарди. Кейинчалик Д. разолатга кетиб, антисемитизм даражасига тушди ва ирқчиликни тарғиб қилишга киришди. Асосий асарлари: «Философия курси» (1875), «Миллий ва социал иқтисод курси» (1876), «Миллий иқтисод ва социализмининг танқидий тарихи» (1875).

ДЮРКЕЙМ Эмиль (1858—1917)—француз социологи ва философи; позитивист, *Контнинг* давомчиси, Сорбона ун-тетининг профессори. Д.нинг даввосица, социология жамиятни алоҳида руҳий реаллик сифатида ўрганмоғи лозим, чунки бу реаллик қонунлари индивидуал психика қонунларидан фарқ қилар эмиш. Д.нинг фикрича, ҳар қандай жамият умумқимматга эга бўлган коллектив тасаввурларга асосланади; олим социал фактлар билан, яъни коллектив тасаввурлар (ҳуқуқ, ахлоқ, дин, ҳиссиёт, одат ва ҳ. к.) билан иш кўради, бу тасаввурларни ижтимоий муҳит инсон онгига мажбурий суратда жо қилади. Ижтимоий тараққиётни уч факторга: аҳоли зичлигига, алоқа йўлларининг ривожланишига, коллектив онгга боғлаб изоҳлайди. Ҳар қандай жамият социал ҳамжиҳатлик билан характерланади. Ибтидоий жамиятда ҳамжиҳатлик «механистик» бўлиб, қон-қардошликка асосланарди. Ҳозирги дунёда ҳамжиҳатлик «узвий» бўлиб, меҳнат тақсмотига, яъни тиркчилик воқитларини топишда синфий ҳамдўстликка асосланади. Д. динни ижтимоий ҳаётнинг муҳим моменти деб ҳисобларди. Одамлар яшаб турар экан, дин ҳам жамиятнинг тараққиёт босқичларига мувофиқ равишда ўз формаларини ўзгартирган ҳолда яшай беради, чунки динда жамият ўз-ўзини илоҳийлаштиради. Д.нинг асосий асарлари: «Ижтимоий меҳнат тақсмоти тўғрисида» (1893), «Социология методи» (1895), «Диний ҳаётнинг элементар формалари» (1912).



ЕВГЕНИКА (грек. *eigenes* — зотдор, зотли) — ирсият, инсон *генетикаси* қонуларини ўрганувчи фан. Буржуа социологиясида бу терминдан *ирқчиликка* ва *мальтусчиликка* яқин бўлган назарияни билдириш учун фойдаланилади; бу назария *Дарвин* таълимотини бузиб, социал тенгсизликнинг мавжудлигини кишиларнинг психика ва физиология жиҳатдан тенг қимматли эмаслиги билан изоҳлайди. Бу назария фашистлар Германиясида ва АҚШда тарқалган эди.

ЕТАРЛИ АСОС ҚОНУНИ — умумий мантиқий принцип бўлиб, бу принципга кўра, бирон қоида унинг учун етарли асос ифодалаб бериш мумкин бўлган тақдирдагина чин ҳисобланади. Етарли асос чинлиги илгаритдан маълум бўлган ва ундан мантиқий равишда асосланувчи фикр

келиб чиқадиган қоидадан (ёки қондалар мажмуидан) иборат. Асоснинг чинлиги ё тажриба йўли билан амалда исбот қилиниши, ёки бошқа қоидаларнинг чинлигидан хулоса қилиб чиқарилиши мумкин. Е. а. қ. мантиқий жиҳатдан тўғри тафаккурнинг муҳим белгиларидан бирини — исбот қилиш мумкинлигини характерлайди. Е. а. қ. биринчи марта *Лейбниц* томонидан ифодалаб берилган эди. тўғри, у илгари ҳам кўп мантиқий системаларда тусмол билан пайқалган эди (мас., *Левкиппда*, *Аристотелда*). Шопенгауэрнинг докторлик диссертацияси («Етарли асос қонунининг тўртламчи илдиизи ҳақида», 1813) шу қонунга бағишланган. Уз характери жиҳатидан Е. а. қ жуда умумий методологик принципдир.



ЁЛҒОН — ҳақиқат ҳолни бузиб кўрсатувчи фикр. Аристотель **Е.** ни гнесеологик жиҳатдан таърифлаб, воқеликка эид бўлган нарсани ёлғон деб ҳисобларди: агар ҳукм воқеликда ажралган нарсани бирлаштира ёки воқеликда бирлашган нарсани ажратса, у ёлғондир. Бемаънилик ёки беҳудаликни **Е.** дан фарқ қилмоқ керак. Психологик ва ахлоқий нуқтан назардан онгли **Е.** билан бегараз **Е.** ни ажратмоқ лозим (шунингдек қ. *Янглиш*).

ЁШ ГЕГЕЛЧИЛАР (ёки сўл гегелчилар) — гегелча фалсафий мактабнинг радикал қаноти. Уларнинг *Гегель* философиясини шарҳлаши ва христианликни танқид қилиши ўша вақтдаги исми шароити учун буржуа-демократик тафаккурнинг уйғониши ва умуман сиёсий қизиқишнинг ўзига хос формаси эди. Гегелчилик сўл қанотининг шаклланишига **Д. Штраус**нинг «Исонинг ҳаёти» китоби (1835) ёрдам берди. Бу китобда инжил ақидалари танқидий равишда таҳлил қилинган эди. Штраус Исони одатдаги тарихий шахс деб қарар ва унинг ғайри табиий шахслиги мифнинг уйдирмаси деб ҳисобларди. Ундан кейин динни онгнинг сохта формаси деб танқид қилиб чиққан киши **О. Бауэр** эди. Бауэр инжил ақидаларини ғирт сохта гаплар деб, Исонинг шахсини эса уйдирма деб қарарди. **Е. г.** нинг назариялари ижтимоий онгни дин моделида — социал структура (идеология) сифатида анализ қилишга биринчи уриниш бўлганлиги учун қизиқарлидир. Уларнинг диққат марказида жамият ҳақидаги сохта тасаввурлар қандай пайдо бўлади ва мажбур қилувчи кучга эга бўлади, деган масала туради. Штраус бу фактни мифологик қарашларнинг анъанавий барқарорлигига боғлаб изоҳларди; Бауэр аини ҳодисанинг

маънаини индивидуал «ўз-ўзини англаш» маҳсулларининг «бегоналашуви»да, инсон миясининг маҳсуллари унга боғлиқ бўлмаган абстракциялар деб қарала бошлашда деб биларди. **Е. г.** нинг идеалистик таълимотини танқидий анализ қилиш ижтимоий онгнинг соф имманент анализи маҳдудлигини очиб ташлади ва моддий ижтимоий муносабатларни тадқиқ қилиш, жамиятнинг маънавий ҳаётини улардан келтириб чиқариш зарурлигини кўрсатди. Бу вазифани маълум даражада *Фейербах* ҳис қилган эди; уни **Маркс** ва **Энгельс** бажардилар, улар 19-асрнинг 40-йилларида ёш гегелчилар ҳаракатида қатнашган бўлсаларда, лекин ижтимоий тараққиётни тубдан янгича тушунишга — тарихий материализм назариясига келган эдилар. Буржуа радикализи сифатида ёш гегелчиликнинг ожизлиги тарихда халқ оммасининг ролин камситишда энг яққол намоён бўлди. Бу ҳол анархизмнинг дарақчиларидан бири бўлиб қолган *Штурнер* асарларидан кўриниб турибди. Синфлар кураши ҳақидаги, ижтимоий тараққиётнинг объектив қонунлари ҳақидаги, иқтисодий муносабатларнинг жамият ҳаётидаги роли ҳақидаги фикр **Е. г.** га ёт эди. Революцион гапбозлик **Е. г.** нинг характерли хусусияти бўлиб, бу гапбозлик Германиянинг буржуача тараққиётинга тўқинлик қилаётган ҳукмрон синфларга қарата қилинган либералларча дўқ-пўписадан иборат эди, холос. **Е. г.** халқни «руҳинг» ва тараққиётининг «душмани» деб қарардилар, «танқидий фикрловчи шахс»ни эса тарихни ҳаракатга келтирувчи куч деб ҳисоблардилар. **Е. г.** идеаларини **К. Маркс** ва **Ф. Энгельс** «*Авлюлар оиласи*» ва «*Немис идеологияси*» асарларида танқид қилганлар.



ЖАЙНИЗМ — эрамиздан олдин тах. 6-асрада пайдо бўлган ҳинд фило-софиясининг ноортодоксал системала-ридан бири. Ж. онтологик плюрализм системасидан иборат. Бу системага таттвалар—моҳиятлар ҳақидаги таъ-лимот асос қилиб олинган, бу моҳият-лар бошланғич материал бўлиб, ундан олам тузилади ва шу билан бирга улар туб асосли ҳақиқат бўлиб, ундан билим тузилади. Икки бош таттва бў-либ, бири жива (жон)дир, унинг асо-сий хусусияти онгдир, иккинчиси ажи-ва (жондан иборат бўлмаган нарса-ларнинг ҳаммаси). Ж. да материя аживанинг турли кўринишларидан бири бўлиб, сезиш, товуш, ҳид, ранг ва маза сифатларига эгадир. Материя атомардир, сезги органларига муяссар бўлади, ўзгаришларга дучор бўлади, ибтидоси ва интиҳоси йўқ ва илоҳий яратилиш натижаси эмасдир. Бундан ташқари, яна «кармик материя» деб аталувчи материя ҳам мавжуд бўлиб, у жоннинг жисм билан алоқасига са-бабчидир. Ягона жон ёки олий худо йўқ; оламда жонли вужудларда мужассамлаштирилган ёки мужассам-лаштирилмаган гоят кўп миқдорда ва ўзгармайдиган жонлар мавжуддир. Материя каби жонларни ҳам ҳеч ким яратган эмас, улар азалдан ва ҳами-ша мавжуддирлар. Ҳар қандай жон потенциал равишда ҳамма жойда ҳо-зиру позирдир, ҳамма нарсага кир-диган ва қудратлидир, лекин унинг имкониятлари ўзи яшайдиган конкрет жисм билан чеклангандир. Ж.нинг этикаси жонли вужудга зиён етказ-маслик (ахимса) ҳақидаги таълимот-га таянади. Ж.нинг фалсафий систе-масига жайнистик дин асос қилиб олинган бўлиб, эрамиздан олдин 9—8-асрларда яшаган донишманд (тирт-ханкар) Махавира (ёки Жина) унинг асосчиси ҳисобланади. Ж. дини Маха-вирага ва б. тиртханкарларга сиги-нишни ўз ичига олади.

ЖАМИЯТНИНГ МОДДИЙ-ТЕХ-НИКА БАЗАСИ — бирон-бир *ижти-*

мой-иқтисодий формациянинг пайдо бўлиши ва ривожланиши учун зарур бўлган ишлаб чиқариш материал, моддий шароитларнинг (меҳнат қу-роллари ва воситаларининг) мажмуи. Ж. м.-т. б. *ишлаб чиқарувчи кучлар-нинг* таркибий элементи бўлиб, улар-нинг бошқа бир элементига—юмушчи-га, унинг маданий камолотига, интел-лектуал ва иродавийлик сифатларига муайян талаблар қўяди. Бирон-бир ижтимоий формациянинг М.-т. б. ол-динги формациядан миқдор ва сифат жиҳатидан фарқ қилиши мумкин. Си-фат ўзгаришлари ишлаб чиқариш та-раққиётида ишлаб чиқариш револю-циялари характерига эга бўлган тўн-таришлар содир бўлган чоқда намоён бўлади. Ҳар бир шундай сакраш жа-миятга, инсониятга меҳнат характери-да ва унинг унумдорлик даражасида сифат жиҳатдан янги босқичга кўта-рилиш имкониятини беради. Биринчи сифат сакраши *ибтидоий жамоа ту-зуми* доирасида содир бўлган эди ва у металларни, аввало темирни эри-тишнинг кашф этилиши ва меҳнат-нинг металл қуроолларини ясаш билан боғлиқ эди. Бу ҳол экинларни парва-риш қилиш ва ҳайвонларни қўлга ўр-гатиш билан бир қаторда қўшимча маҳсулот олиш ва кишини киши то-монидан эксплуатация қилиш учун имконият тугдирди ва антагонистик ижтимоий-иқтисодий формациялар-нинг — *қулдорлик тузуми* ва *феода-лизмнинг* пайдо бўлиши учун асос бўлди. Уларнинг М.-т. б. бир-бирдан сифат жиҳатдан эмас, балки миқдор жиҳатдан фарқ қилади. Уларнинг ҳар иккаласи асосида юмушчи томонидан индивидуал равишда қўлланиладиган ва ундан муайян қўл меҳнати малака-ларини талаб этадиган меҳнат қуро-ллари ётади. Ишлаб чиқариш моддий шароитларининг тараққиётида иккин-чи сифат сакраши сановат революцияси деб аталувчи даврда содир бўлди ва у йирик сановатни вужудга келтир-дики, ана шу йирик сановат *капитализм-*

нинг, яън маънодаги М.-т. б. бўлди. Пирик саноат табиий фанлар кашфиётларидан фойдаланиш натижасида вужудга келтирилган машина техникасига асосланган. Маркс ёзганидек, сув тегиримони феодал бошлиқ жамиятни вужудга келтирса, буғ тегиримони капиталист бошлиқ жамиятни вужудга келтиради. Йирик саноат тараққиётининг муайян даражаси социалистик революциянинг ғалабаси учун имкон беради ва социалистик жамият қурилиши учун иқтисодий база бўлиб хизмат қилади. Социалистик ишлаб чиқариш усули коммунизмнинг биринчи босқичи сифатида капиталистик ишлаб чиқариш усулидан ишлаб чиқаришнинг моддий томонидан кўра кўпроқ юмушчининг аҳволи билан фарқ қилади, чунки унда эксплуатациядан озод қилинганч юмушчи ижтимоий мулк бўлган ишлаб чиқариш воситалари эгаллигига шерикдир. Ишлаб чиқариш моддий шароитларининг ривожланишидаги учинчи сакраш ҳозирги вақтда содир бўлмоқда. Бу ҳозирги замон *илмий-техника революциясидир*. Гарчи илмий-техника революциясининг ютуқларидан капитализм ҳам фойдаланса-да, лекин ишлаб чиқаришнинг моддий томонида унинг тақозоси билан вужудга келадиган туб ўзгариш капиталистик муносабатларнинг ишлаб чиқариш воситалари хусусий мулклигининг тор тарихий доираларига сиймайди. Аксинча, ижтимоий мулк уларни ҳар томонлама татбиқ қилиш учун, шу асосда *коммунизмнинг* М.-т. б. ини қуриш учун кенг имконият очиб беради. Коммунизмнинг М.-т. б. илмий-техника тараққиётининг барча ютуқларидан, энергиянинг (аввало атом энергетикаси) манбаларидан ва уни ҳосил қилиш ва ўзгартиш усулларидан кенг фойдаланиши, яъни сунъий материаллар яратиш ва уларни кенг қўлланиши (химия ва химия саноати ролининг ошиши), ишлаб чиқаришни комплекс *автоматлаштириши*, унга одамнинг бевосита аралашини талаб қилмайдиган технологик процессларни жорий этиши, ишлаб чиқаришни ташкил этишининг ва уни бошқаришнинг зарур

моддий шароитлари сифатида электроникани ва электрон-ҳисоблаш техникасини ривожлантиришни назарда тутлади. Коммунизмнинг М.-т. б. ақлий меҳнатнинг ҳам, жисмоний меҳнатнинг ҳам характерини сифат жиҳатдан ўзгартиради, уларнинг уйғунлашиб қўшилишига олиб келади. У фаннинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланишини, ишлаб чиқаришнинг эса фаннинг амалий татбиқотига айланишини назарда тутлади, бу эса одамнинг оғир, бир хилдаги меҳнатдан халос бўлишига кўмаклашади, меҳнатни ижодий ва ҳузур-ҳаловат келтирувчи меҳнатга айлантиради. Коммунизмнинг М.-т. б. моддий ва маънавий поз-неъматларни шу қадар мўл-кўл қилиб яратадики, бу мўл-кўлчилик коммунизмнинг «Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга эҳтёжига яраша» деган асосий принципини амалга оширишга ўттиш имкониятини беради. Халқ ҳўжаллигини ривожлантиришининг 1971—75 йилларга мўл-жалланган беш йиллик плани СССРда коммунизмнинг М.-т. б. ни барпо этишда муҳим босқичдир.

ЖАМИЯТНИНГ ОРГАНИК НАЗАРИЯСИ — 19- асрнинг иккинчи ярмидаги буржуа назарияси бўлиб, бу назария инсоният жамиятини биологик организмга ўхшатарди. Бу мактабнинг вакиллари (Спенсер, Шеффорд, Лиминфельд) жамият структурасини организмнинг структурасига ўхшаб тузилган, деб қарардилар. Шу билан синфий тенгсизлик ва буржуа жамиятининг бошқа хислатлари табиий, бартавраф қилиб бўлмайдиган қилиб кўрсатиларди.

ЖАМИЯТНИНГ СОЦИАЛ-СИЁСИЙ ВА ҒОЯВИЙ БИРЛИГИ— жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, ғоявий ва маънавий манфаатлари умумияти, бу умумият социализм қуриш натижасида юзага келади. Бу бирликнинг иқтисодий асоси — ишлаб чиқариш воситаларининг социалистик мулклигидан, социалистик ишлаб чиқариш муносабатларидан иборат; унинг сиёсий асосини эса социалистик давлат, социалистик демократия системаси ташкил этади. *Миллий масаланинг* ҳал этили-

ши жамиятнинг бундай бирлигининг зарур шарт-шароитларидан бири ва ажралмас хусусиятидир. Ишчилар синфининг идеологияси бўлган ва социализм қурилгач, бутун халқнинг идеологияси бўлиб қоладиган марксизм-ленинизм жамият социал бирлигининг ғоявий асосини ташкил этади. Совет жамиятининг социал-сиёсий ва ғоявий бирлиги, мас., шунда яққол намоён бўлмоқдаки, бутун совет халқининг умумий мақсади КПСС раҳбарлигида коммунизм қуришдан иборатдир.

ЖАМОА — ибтидоий жамоа тузилишнинг асосий иқтисодий ячейкаси бўлиб, у биқик ишлаб чиқариш уюшмасидан иборат эди, ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулкчилигига, коллектив меҳнатга ва эркаклар билан аёллар, катталар билан болалар ўртасида меҳнат тақсимотининг табиий формасига ва ишлаб чиқарилган маҳсулотни биргаличиб тақсимлаш ва истеъмол қилишга таянарди. Ж.нинг ривожланиши шу билан характерланардики, унда ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучи тарққий қилиб, Ж. аъзолари доимо бажарадиган меҳнат фаолиятининг турлари мураккаблашиб ва кўпайиб, бу турларнинг ўзаро алоқаси (неолит даврида деҳқончилик ва чорвачиликка ўтишда) кучайиб, Ж. га кирган оилаларнинг иқтисодий мустақиллиги ўсиб бормоқда эди. Бу шароитда хўжалик, оилавий, диний-маросимий ҳаёт одатда умумий ажлдодан келиб чиққан ва умумий уруғдошлик номи билан юрадиган қондон-қариношлар группасининг консолидацияси билан белгиланади. Шу сабабли ибтидоий Ж.нинг энг кўп тарқалган формаси уруғдошлик Ж.си эди. Никоҳнинг экзогамлигига (айни бир уруғдаги эркак ва аёлнинг никоҳга киришга унамаслик оdatига) кўра, уруғдош Ж. қон-қардош ўзагининг бир қисми вақтинча турарди ва никоҳга киргач Ж. ни ташлаб кетарди (матрилокал никоҳда эркаклар, матрилокал никоҳда аёллар жамоани ташлаб кетардилар, яъни хотин эрнинг уруғ жамоасига, эркак эса хотиннинг уруғ жамоасига ўтар-

ди). Ж. ўзагининг доимий қисми эса бошқа уруғдан хотин олар ёки эрга тегарди. Уруғдошлик алоқалари асосида моддий ва маънавий ҳаётнинг турли соҳаларида жамоаларо алоқалар ривожланади ва бу алоқалар қабила уюшмасини вужудга келтирувчи уруғдошлик жамиятига асос бўлиб хизмат қилади. Ижтимоий меҳнат тақсимоти пайдо бўлгач ва Ж.лар ўртасида доимий савдо-сотиқ йўлга қўйилгач, Ж.лар ўзаро табақаланиб бойларга, зодагонларга ва камбағалларга, бўйсунувчиларга ва жамоа ичиде — мулкдорларга ва йўқсилларга, эксплуатация қилинувчиларга ажралади ва аста-секин қишлоқ жамоасига айлана боради.

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ — афкор омма манфаатларининг муштараклиги билан боғлиқ бўлган кишиларнинг бирон-бир социал группалари, бирлашмаларининг гайри расмий оммавий онги шаклидаги ижтимоий онининг ўзига хос мавжудлик усули бўлиб, бу усулда уларнинг ижтимоий ҳаётдаги воқеалар ёки ҳодисаларга, партиялар, муассасалар ва шахсларнинг фаолиятига муносабати қайд этилади. Ж. ф. тавсиялар ва талаблар формасида ифодаланади, шунингдек бирон-бир социал тартиботларнинг ҳаракатларини, айрим кишининг ёки кишиларнинг қандайдир группасининг хатти-ҳаракатларини маъқуллаш ёки қоралашда намоён бўлади. Ж. ф. синфий ташкилотлар ва муассасаларнинг оммага маълум мақсадни кўзлаб кўрсатадиган таъсири натижасида ҳам, стихияли равишда — амалий ҳаётий тажриба, барқарор бўлган анъаналар асосида ҳам таркиб топади. Шунинг учун ҳам Ж. ф. да манфаатлар ўртасидаги тафовутгина эмас, балки бу манфаатларни бир хил даражада англамаслик ҳам кўзга ташланади. Антагонистик жамиятда ҳаммиша бир-бирини истисно қилувчи икки Ж. ф. мавжуд бўлиб, улар эксплуататорлар билан эксплуатация қилинувчиларнинг қарама-қаршилигини акс эттиради. Социализм шароитида Ж. ф.нинг табиати ва характери тубдан ўзгаради. Бунда фикрлар кураши

антагонистик характерга эга бўлмайди ва фикрлар ўртасидаги тафовутлар туб манфаатларнинг муштараклиги ва жамият аъзолари коммунистик онгининг ўсиши туфайли бартавраф қилинади. Бувга танқид ва ўз-ўзини танқидни авж олдириш, халқ манфаатларини тобора тўлароқ ҳисобга олиб бориш йўли билан зришилади; ижтимоий тараққиёт қонунлари билими билан қуролланган Коммунистик партиянинг фаолияти ҳам аслда ана шунга қаратилгандир. Социалистик давлатчиликнинг коммунистик ижтимоий ўз-ўзини бошқариш томонига қараб ривожланиши Ж. ф. нинг коммунистик тарбия воситаси бўлиши ва киниларнинг хатти-ҳаракатини ўзича бир йўсинда тартибга солиш сифатидаги ролининг ошиб боришига сабаб бўлади.

ЖАҲОН СОЦИАЛИСТИК СИСТЕМАСИ — социализм ва коммунизм йўлидан бораётган овоз, суверен халқларнинг социал, иқтисодий ва сиёсий ҳамдўстлиги. Ж. с. с. нинг ташкил топиши — ишлаб чиқарувчи кучларни ва инсоният жамияти бутун ҳастини интернационаллаштириш, унинг социал-иқтисодий ва сиёсий тараққиёт йўлидан ҳаракат қилиб боришининг объектив тарихий процессининг қонуниятли натижасидир. Ж. с. с. нинг ташкил топиши ва ривожланишининг объектив зарур шартини — унга кирувчи мамлакатлар иқтисодий асосининг бир типдалиги — ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклиги, социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари (бу ҳол мазкур мамлакатларда социалистик ишлаб чиқариш усулининг ўзига хос қонунларининг амал қилишини тақозо этади); давлат тузумининг бир типдалиги — ишчилар синфи бошлиқ халқ ҳокимияти; идеологик асоснинг бирлиги — марксизм-ленинизм; революцион ғалабалари ва миллий мустақилликни империалистик кучлар тажовуздан ҳимоя қилишда манфаатларнинг муштараклиги; охириги мақсаднинг бирлиги — коммунизм қуриши; Ж. с. с. нинг ташкил топиши — коммунистик формация қарор топишининг сифат жи-

ҳатдан янги босқичи бўлиб, бу босқич социалистик мамлакатларнинг маҳкам иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳамкорлигига асосланган, халқаро социалистик бирдамлик иллари билан боғланган (*Интернационализм*) халқаро муносабатларнинг принципиал янги типининг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан характерланади. Бу муносабатлар халқаро ҳаётда жаҳон социалистик хўжалиги, халқаро социалистик меҳнат тақсимоти, социалистик иқтисодий интеграция, жаҳон социалистик бозори, социалистик мамлакатларнинг халқаро ташкилотлари каби янги ҳодисаларни вужудга келтирди. 1949 йилда тузилган Иқтисодий Ўзаро Ёрдам Кенгаши (СЭВ) қардош мамлакатларнинг иқтисодий ва илмий-техника ҳамкорлигини кенгайтиришга ва такомиллаштиришга, халқаро социалистик меҳнат тақсимотининг қарор топиши ва ривожланишига кўмаклашди. Социалистик мамлакатларнинг ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдами уларнинг куч-ғайратларини бирлаштириш, ишлаб чиқарувчи кучларни тезлик билан юксалтириш, ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш, халқ фаровонлиги даражасини ошириш, Ж. с. с. га кирган мамлакатларнинг тараққиёт даражасини тадрижий суратда барабарлаштириб бориш мақсадида иқтисодий ресурслар ва имкониятлардан кўпроқ оқилона ва тўлароқ фойдаланишга ёрдам бермоқда. 1955 йилда тузилган Варшава Шартномаси Ташкилоти қардош мамлакатларнинг социалистик ғалабаларини ҳимоя қилишда, сиёсий бирлигини мустаҳкамлашда ва уларни жипслаштиришда муҳим роль ўйнамоқда; бу Ташкилот ҳозирги вақтда социализм мамлакатларининг ташқи сибат соҳасидаги фаолиятини координациялаштириш маркази бўлиб қолди. Антиимпериалистик курашда ҳал қилувчи куч бўлган Ж. с. с. янги жаҳон урушининг олдини олишга ғоят катта ҳисса қўшмоқда. 60-йилларнинг ўрталарида Ж. с. с. ўз тараққиётининг янги палласига кирди, бу палланинг характерли хусусияти шунки, СССРда коммунистик жамият қуриши авж олиб кет-

ди, социалистик ҳамкорликнинг бир қанча бошқа мамлакатларида социализмнинг асослари қуриб тугалланди ва улар ривожланган социалистик жамият қуришга ўтдилар. Тобора етук бўлиб бораётган социалистик ижтимоий тузум ўзининг иқтисодий ва социал-сиёсий ташкилотининг афзаллигини тобора тўлароқ очиб кўрсатмоқда. Бунга эса социалистик жамият тараққиётини бошқаришнинг мукамалроқ иқтисодий ва сиёсий формалари ва методларини ишлаб чиқиши ва жорий этиши, шу жумладан иқтисодий реформаларни амалга ошириш, социалистик ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг самарадорлигини ва б. сифат кўрсаткичларини оширишни таъминловчи *меҳнатга моддий ва маънавий рағбатлантиришларни* тақомиллаштириш ёрдамлашмоқда. Ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва тақомиллаштириш ҳамда социалистик иқтисодий интеграцияни ривожлантиришнинг 1971 йил июлда Иқтисодий Узаро Ердам Кенгашининг XXV сессиясида қабул қилинган Комплекс программа ана шу проблемаларни ҳал қилишга қаратилган. Ж. с. с.—бу ҳали ёш, ўсиб бораётган социал организм бўлиб, унда синовга бардош беролмаган томонлар ҳам бўлди. Уни тақомиллаштириш, юз берувчи зиддиятларни ўз вақтида ҳал этиши кўп жиҳатдан барча социалистик мамлакатларда амал қилаётган умумий қонуниятларни ва ҳар бир мамлакатнинг конкрет-тарихий шароитида бу қонуниятларнинг юз бериш формаларини ҳисобга олиб борнишга, яъни Ж. с. с. нинг ривожланишида умумий ва миллий-алоҳида томонларни тўғри қўшиб олиб борнишга боғлиқ. КПСС XXIV съезди Ж. с. с. яшаб келган чорак аср давомида унинг ривожланишига яқун ясаб, Ж. с. с. нинг ташкил этилиши, ривожланиши, мустақамланиши тарихий тараққиётни тезлаштирувчи омил бўлди, социализмнинг бутун дунёда тантана қилиши учун янги истиқболлар очиб берди, деб таъкидлади.

ЖЕВОНС Уильям Стенли (1835—82)—инглиз экономисти, логика оли-

ми, философи. Манчестер ва Лондон ун-тлари профессори. Ж. биринчилар қаторида иқтисодий ҳодисаларни анализ қилиш учун математик методни татбиқ этди, аммо у бу ҳодисаларни вульгар материализм руҳида талқин қилди. Логика соҳасида у *Булни*г давомчисидир. Мантқий машинани яратиш идеясини ана шу Ж. айтган. Билиш назариясида у «*агностицизмга* мойил эди. Энг йирик асарлари: «Сиёсий иқтисод назарияси», «Дедуктив ва индуктив логикадан бошланғич дарслик», «Фан асослари».

ЖЕГАЛКИН Иван Иванович (1869—1947)—логика ва математика олими, Москва ун-тетининг профессори, РСФСРда хизмат кўрсатган фан арбоби; математик логика совет мактабни яратувчилардан бири. Ж. 1927—28 йилларда икки сон арифметикаси — ноль («тоқ») ва бирлик («жуфт») шаклида мулоҳазалар логикасини тузди ва у билан логик ва зифаларни ечишда катта соддаликка эришди. Ж. логикасида, мулоҳазалар логикаси тузилишининг одатдаги усулидан фарқи ўлароқ, қўшувчи *дизъюнкциядан* эмас, балки қатъий айнувчи дизъюнкциядан фойдаланилади (бу арифметикадаги тоқ ва жуфтни қўшувга мувофиқ келади).

ЖЕМС Уильям (1842—1910)—америкалик психолог ва идеалист философ, *прагматизмнинг* энг йирик номояндаси. Гарвард ун-теги (АҚШ) профессори (1889—1907). Материалистик, илмий дунёқарашга қарши курашди. Ж. метафизик методнинг асосизлигини англаб, унга диалектикани эмас, балки иррационализмни қарама-қарши қилиб қўяди. Ж. психикани «онининг оқими» деб қарарди ва уни анализ қилганда иродавий ва эмоционал ибтидоларнинг ролини таъкидлаб кўрсатган эди. Ж. ҳақиқатнинг объектив тушунчаси ўрнига фойдали амалиёт, манфаатларга мувофиқ иш тутиш деган прагматик принципни тикиштириб, *фидеизмга* йўл очади, исботлаб ва асослаб бўлмайдиган диний эътиқод ҳуқуқини асослаб «бермоқчи бўлади». Ж. нинг «радикал эмпиризми» фақат шундан иборатки, у реалликни «соф

тажрибага, «онг»га элтиб тақайди, унинг «бастараф монизм»и эса моддийлик билан рухийликни айна ўша «тажриба»нинг икки хил аспекти деб қарайди. Ж. динни ҳимоя қиларди ва мистик «тажриба»ни «ўрганиш» юзасидан унинг ўзи Нью-Йоркда махсус равишда тузган ташкилотда актив қатнашарди. Асосий асарлари: «Психология принциплари» (1890), «Диний тажрибанинг хилма-хиллиги» (1902), «Прагматизм» (1907).

ЖЕНТИЛЕ Жованни (1875—1914)—италиялик философ ва сиёсатчи. Рим ун-тети профессори; Муссолини ҳукуматида маориф министри. «Маркс философияси» асарида (1899) марксизмни танқид қилиб чиқди. Ж. шунингдек Гегель таълимотини ҳам тафтиш қилиб, ундан табиатни ва объектив идеяни чиқариб ташлади ва «актуализм» системасини — *янги гегелчиликнинг* субъектив-идеалистик кўринишларидан бирини яратди. Ж.нинг айтишича, бугун мавжудот — фикрловчи фикрнинг натижасидир, бу фикр ҳамиша актуал, активдир; унинг ижоди макон ва замон шарт-шароити билан боғлиқ эмасдир. У вужудга келтирадиган материя, гарчи фикр билан бирликда бўлса-да, ўлик, қотиб қолгандир. Ж. солипсизмдан қочиб учун универсал «мен» тушунчасини киритади. Реалик индивидуал онг идеяларига айнан тенг эмасдир, балки коинотдаги ғайри шахсий трансцендентал ибтидонинг соф тафаккурдан иборатдир, бу ибтидо эса қарор топиш процессида барча қарама-қаршиликларни бартараф қилиб боради. Узнинг *социал-сиёсий қарашларида* Ж. либерализмдан фашизмга томон оғиб борди. Ж. философиясининг субъективизми ва волонтаризми италян фашизми идеологиясининг асосларидан бири бўлиб қолди. Асосий асарлари: «Гегель диалектикасининг реформаси» (1913), «Билиш назарияси сифатида логика системаси» (1917).

ЖИНС Жемс Хепвуд (1877—1946)—инглиз физиги ва астрофизиги, фанни оммалаштирувчи; фалсафий қарашлари бўйича — *физик идеализмнинг* таниқли намоянаси. Назарий физи-

ка, астрофизика ва космогонияга онд бир қанча тадқиқотларнинг автори. 20- асрнинг 20—30- йилларида Ж. илгари сурган Қўешнинг бошқа юлдуз билан жуда яқинлашуви натижасида қўеш системасининг келиб чиқиши ҳақидаги ҳалокатли гипотеза катта шухрат қозонди. Бу гипотеза (асоссиз бўлиб чиққан гипотеза) нуқтаи назардан планеталар системаси коинотда камдан-кам учрайдиган ва тасодиқий ҳодисадан иборат бўлмоғи лозим.

ЖОЛИО-КЮРИ Фредерик (1900—58)—француз физиги, коммунист, Жаҳон Тинчлик Кенгашининг раиси (1951—58), Париж фанлар академиясининг аъзоси, СССР ФА мухбир аъзоси. Ж.-К. сунъий *радиоактивлик* ҳодисаларини кашф этди, электрон-позитрон буғларининг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга айланишини тадқиқ қилди, нейтрон кашф этилиши муносабати билан биринчилар қаторида атом ядроларининг бўлиниши ва атом энергиясидан амалий фойдаланиш мумкинлигини кўрсатди. Диалектик материализм тарафдори эди. Ж.-К.нинг ҳаёти ва фаолияти илгор философик методологияни эгаллашининг муҳимлигини тасдиқлайди, бу методология илмий ютуқларга эришишга ва олимнинг социал масъулятини англашига ёрдамлашади. Тинчлик учун атоқли курашчи сифатида Ж.-К. 1951 йилда «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Ленин мукофоти билан тақдирланди.

ЖОН— руҳ — бу термин баъзан *психика* терминининг синоними тарзида ишлатилади. Ибтидоий одамларнинг тасаввурларида Ж. қандайдир моддий нарса (соя, қон, нафас ва ш. к.) деб қаралган. Динда Ж.— қандайдир жисмсиз, ўлмайдиган, нариги дунёда жисмдан мустақил, алоҳида яшайдиган номоддий куч деб тушунилади. Идеалистик философияда Ж. онгнинг бирон-бир элементи билан бирдай қилиб кўрсатилади. *Платонда* бу абадий идеялар, *Гегелда* эса руҳнинг материя билан алоқасида юз берадиган қуйи, ҳиссий кўринишидир (ҳис қилувчи ва фаолият кўрсатувчи Ж.). Ж. ҳақидаги таълимот ўрта аср

шарқ философиясида ҳам кенг тарқалган бўлиб, *Форобий*, *Ибн Сино*, *Ибн Рушд* таълимотларида у инсон танаси билан узвий боғлиқ ҳолда талқин этилган. Масалан, *Форобий* Ж. ни танадан мустақил ажратиб қўйишни, уни танадан танага кўчиб юради, деган таълимотни танқид қилади. Дуалистик таълимотларда Ж. қандайдир азалий ва жисм билан бир қаторда мавжуд бўлган нарса деб тушунилади (*Декарт*, *Спенсер*, *Вундт*, *Жемс*). Маркетинча бўлган материализмда (*Демокрит*, метафизик материализм) Ж. ҳосила, иккиламчи, жисмга боғлиқ, бир нарса деб тушунилган, лекин шу билан бирга Ж., психик фаолият, элементар механикавий ёки физик-химиявий процесслардан иборат қилиб қўйилган. Кўпинча айрим материалист философлар оламнинг ёппасига жон-

лилигини фараз қилганлар (*Гилозоизм*). Инсон психикасининг чинакам илмий изоҳи диалектик материализм философиясида берилган бўлиб, бу философия ҳозирги замон табиёт илми маълумотлари асосида Ж. ҳақидаги гайри илмий, идеалистик тасаввурларни рад қилмоқда.

ЖОФФРУА СЕНТ-ИЛЕР (1772—1844) — француз зоологи, Париж фанлар академиясининг аъзоси. Ж. ўз замонаси учун прогрессив бўлган органик оламнинг «ягона тузилиш плани» идеясини илгари сурди; теварак-атрофдаги муҳитнинг организмларнинг ривожланишига таъсирини, улардаги ўзгаришларнинг авлоддан-авлодга берилиши мумкинлигини эътироф этди. Ж. нинг tadқиқотлари эволюцион назарияни тайёрлашда (*Дарвин*) муҳим роль ўйнади.

З

ЗАМОН ВА МАҚОН—материя мавжудлигининг асосий формалари. Бунда философияни аввало З. ва м. реал нарсаларми ёки улар фақат инсон онгида мавжуд бўлган соф абстракциялардан иборатми, деган масала қизиқтиради. Идеалист философлар З. ва м. нинг объектив характерини писанд қилмайдилар; уларни индивидуал онгининг мазмунига қарам қилиб қўйдилар (Беркли, Юм, Мах), уларни ҳиссий мушоҳиданинг априор формалари деб (Кант) ёки абсолют руҳнинг категориялари деб (Гегель) қарайдилар. Материализм З. ва м. нинг объектив характерини таъкидлаб, замондан ва макондан ташқари реалликини инкор этади. З. ва м. материядан ажралмасдир. Уларнинг универсаллиги ва ялли умумийлиги ана шунда намоён бўлади. М. уч ўлчовлидир, З. битта ва фақат битта ўлчовга эгадир; М. бир вақтда мавжуд бўлган объекларнинг жойлашиш тартибини ифодалайди, З. эса бир-бирини алмаштириб турадиган ҳодисалар мавжудлигининг изчиллигини ифодалайди. З. орқага қайтмайди, яъни ҳар қандай моддий процесс бир томонга — ўтмишдан келажакка қараб ривожланади. Табиёт илмининг ривожланиши, З. ва м. моддий процессларга боғлиқ бўлмаган ҳолда, бир-биридан алоҳида, мустақил моҳиятлар сифатида мавжуддир, деб даъво қилувчи метафизик концепциянинг асосизлигини кўрсатди. Диалектик материализм З. ва м. нинг ҳаракатланувчи материя билан сиртқи алоқадорлигини шунчаки эътироф қилибгина қолмайди, балки шу билан бирга, ҳаракат З. ва м. нинг моҳиятидан иборат ва, демак, материя, ҳаракат, З. ва м. бир-биридан ажралмасдир деб ҳисоблайди. Бу идея ҳозирги замон физикасида тасдиқланди. 18—19-асрлардаги табиёт илми З. ва м. нинг объективлиги ҳақида сўзлаб, уларни, Њьютон сингари, бир-биридан ажрал-

ган ва материя билан ҳаракатга мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган мустақил бир нарса деб қарарди. Қадимги замон натурфилософларининг (Демокрит, Эпикур) атомистик қарашларига мувофиқ табиатшunosлар то 20-асрга қадар М. ни бўшлиқ (фазо) билан бирдай қилиб кўрсатиб келдилар, уни мутлақ деб, ҳаммаша ва ҳамма жойда бир хилда турувчи ва ҳаракатсиз, деб ҳисобландилар, З. ни эса бир маромда ўтиб борадиган нарса деб қарардилар. Ҳозирги замон физикаси М. ни, жисмлар тўпланадиган бўш жой деб ва З. ни бутун бениҳоя коинот учун ягона деб қаровчи эски тасавурларни улоқтириб ташлади. *Эйнштейн нисбият назариясининг* энг асосий хулосаси худди шундан иборатки, у З. ва м. ўз-ўзича, материядан ажралган ҳолда мавжуд бўлмасдан, балки улар бир-бири билан универсал алоқадорликда бўлиб, бу алоқадорликда улар ўз мустақилликларини йўқотишларини ва ягона, бўлинмас замон-маконнинг нисбий томонлари сифатида юз беришларини аниқлаб берди. Фан шуни исбот қилиб бердики, замоннинг ўтиши ва жисмларнинг кўлами мазкур жисмларнинг ҳаракат тезлигига боғлиқдир, тўрт ўлчовли континуумнинг структураси ёки геометрик хоссалари (макон-замон) модда массаларининг тўпланишига ва улар вужудга келтирадиган тортилиш майдонига қараб ўзгариб туради. М. ва З. нинг ҳозирги замон назариясини яратишда *Лобачевский*, Рيمان, Гаусс, Бойайнинг идеялари катта роль ўйнади. Невкклид геометриянинг кашф этилиши З. ва м. ни ҳиссий идрокнинг ғайри тажрибавий формалари деб даъво қилган кантча таълимотни рад қилди. *Бутлеров*, *Федоров* ва улар издошларининг қилган тадқиқотлари маконий хоссалар моддий жисмларнинг физикавий табиатига боғлиқ эканлигини, материянинг

физикавий-химиявий хоссалари атомларнинг маконда жойлашиш тақозоси билан юзага келишини очиб берди. Бизнинг З. ва м. тўғрисидаги тасаввурларимизнинг ўзгарувчанлигидан фалсафий ва «физик» идеализм уларнинг объектив реаллигини инкор қилиш учун фойдаланмоқда. Дialeктик материализмга кўра, инсоннинг билиши ўз тараққиётида объектив-реал З. ва м. ҳақида тобора чуқурроқ ва тўғрироқ тасаввур бермоқда.

ЗАРДУШТИЙЛИК — қадимги Эрон дуалистик дини бўлиб, афсонавий пайғамбар Зардушт (Зароастр, Заратуштра) унинг асосчиси ҳисобланади. З. эрамиздан олдинги 7-асрда узил-кесил расмийлашган. З. таълимотидаги асосий масала дунёда доимо бири-бири билан курашувчи икки қарама-қарши ибтидо — яхшилик ва ёмонликдир: яхшиликни ёруғлик худоси Аҳурамазда (Ормузд) ўзида гавдалантирса, ёмонликни қоронғулик худоси Анхрамайму (Ахриман) ўзида гавдалантиради. Охират дунё, қиёмат куни худо қози бўлиб, қайтиб тирилган бандаларини сўроқ қилиб, тегишли журмини бериши, бокира қиздан келгуси халоскорнинг туғилиши каби эсхатологик (*Эсхатология*) идеялар З. га хосдир, бу идеялар *яхудолик* ва *христианликка* катта таъсир кўрсатган. Ҳозирги вақтда З. форсизм формасида мавжуд бўлиб, унда илгариги дуалистик идеялар сақланган ҳолда ягона қудратли худо ҳақидаги тасаввурлар авж олиб кетган.

ЗАРУРИЯТ ВА ТАСОДИФ — фалсафий категориялар бўлиб, бу категориялар объектив оламнинг икки хилдаги объектив алоқадорлигини акс эттиради. З. ҳодисаларнинг ички моҳиятидан келиб чиқади ва уларнинг қонунини, тартибини, структурасини билдиради. З. — муайян шароитда албатта юз бериши лозим бўлган нарсадир. Аксинча, Т. нинг асоси муайян ҳодисанинг моҳиятида эмас, балки муайян ҳодисага бошқа ҳодисаларнинг кўрсатадиган таъсиридан, бинобарин, у бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам, бу ёки бошқача тарзда юз бериши ҳам мумкин. З. ва т. нинг ўзаро

муносабатини диалектик-материалистик тушуниш икки концепцияга қарама-қарши бўлиб туради, бу концепциялардан бири З. ни инкор қилади ва ҳамма нарсани Т. дан, вазиятларнинг тасодифий тўғри келиб қолишидан иборат қилиб қўяди, иккинчиси эса, аксинча, Т. га хотима беришга уриниб, умуман унинг объектив характерини инкор этади ва ҳамма нарсани З. дан иборат қилиб қўяди. Биринчи концепция кўпдан-кўп субъектив-идеалистик назарияда (қадимги замон *скептицизмидан* тортиб то ҳозирги замон *прагматизмигача*) ўз ифодасини топди. Иккинчи концепцияга механистик детерминизм ҳам, диний *фатализм* ҳам амал қилиб келди. Бироқ фаталистик таълимот нормадан ҳар бир тасодифий оғишни ҳам, таъдиднинг асосий қонунари сингари, азадатдан зарур ҳисобланса-да, амалда Т. ни З. даражасига кўтариш у ёқда турсин, аксинча, З. ни Т. даражасига туширди. Бу ҳар иккала метафизик қингайишни *Гегель* диалектик-идеалистик позициялардан туриб бартараф қилди, лекин фақат диалектик материализм З. ва т. нинг моҳиятини ва ўзаро муносабатини илмий тушуниш йўлини кўрсатди. Марксистик философия ҳар бир ҳодисани унинг қолган ҳодисаларга муносабатида олиб қарайди. У ҳар қандай процессда ҳамisha муҳим (зарурий) ва номуҳим (тасодифий) хоссаларни ажратиб кўрсатиш мумкин, деган методологик принципга асосланади. Шу сабабли З. ва т. — ўзаро алоқадор бўлган, бир-бирига ўтиб турадиган ва бир-бирисиз мавжуд бўлолмайдиган диалектик қарама-қаршиликдан иборат. Ҳар бир ҳодиса ички зарурият тақозоси билан пайдо бўлади, лекин унинг пайдо бўлиши кўпдан-кўл ташқи шароитлар билан боғлиқдир ва бу шароитлар конкрет ўзига хослиги ва бениҳоя хилма-хиллиги сабабли Т. нинг, муайян ҳодисанинг тасодифий белгилари ва томонларининг манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ўзининг ички З. и ҳам, ўзининг ташқи «тасодифий» асослари ҳам бўлмаса, ҳеч қандай ҳодисанинг юз бериши мумкин эмас. Шунинг учун З. муқар-

рар равишда Т. билан тўлдирилади. Т. З. дан иборат ўз асосига эгадир, унинг юз бериш формасидир. Т. нинг замирида ҳамшиша З. яширинган бўлади ва бу З. табиат ва жамиятдаги тараққиётнинг боришини белгилайди: «Юзада тасодиф ўйини содир бўлган жойда шу тасодифнинг ўзи ҳамшиша ички, пинҳоний қонунларга бўйсунган бўлиб чиқади. Ҳамма гап фақат ана шу қонунларни очишдадир» (К. Маркс ва Ф. Энгельс, 21-т., 306-б.). З. билан Т. нинг ўзаро муносабатини диалектик-материалистик тушуниш ҳодисаларнинг сабабли, қонуниятли силсиласини кузатиб боришга имкон беради. Шу билан бу тушуниш ҳодисаларнинг тасодифий боғланишларидан уларнинг зарурий асосини очиб бериши лозим бўлган фаннинг вази-фасига мувофиқ келади. Фан, шу жумладан диалектик материализм—принципал билиб бўлмаслик ва назорат қилиб бўлмасликнинг душманидир. Фан, дейди Маркс, зарурий алоқа кучини йўқотган жойда тўхтаб қолади. Муайян ҳодиса (мас., жамият тараққиёти) нечоғли мураккаб бўлмасин, қандайдир кўндан-кўп зоҳирий ёки ҳақиқий Т. ларга боғлиқ бўлмасин, уни пировард натижада объектив қонунлар, объектив З. бошқаради. Диалектик материализм З. билан Т. нинг фақат алоқасини эмас, балки ўзаро бир-бирига ўтишларини ҳам кўришга имкон беради. Мас., *Дарвиннинг* органик оламнинг эволюцияси ҳақидаги таълимоти ана шундай бир-бирига ўтишларни ҳисобга олишга асосланган. Маркс қиймат формаларининг ривожланиши ҳақидаги таълимотида З. ва Т. диалектикасининг бу муҳим томонини очиб берди. Ҳозирги замон табиёт илми ва жамиятшунослик З. ва Т. нинг моҳияти ва алоқалари ҳақидаги диалектик-материалистик хулосаларни янги маълумотлар билан бойитмоқда (*Эҳтимолликлар назарияси, Статистик ва динамик қонуният*).

ЗЕНОН (эрамыздан олдин 490—430) — элей мактаби вакилиридан бири. У биринчи бўлиб диалог формасини амалда жорий қилган. Ҳаракат-

нинг диалектик табиати ҳақидаги муҳим масалаларни салбий формада ўртага ташлаган мантиқий парадокслари билан машҳурдир. З. нинг назари-ча, борлиқ зиддиятли эмасдир, шунинг учун зиддиятли борлиқ хаёлий (зоҳирий) борлиқдир. З. нинг парадокслари шу нарсага ишбот қилишга бориб тақаладики, 1) нарсалар тўпламини мантиқий равишда фикр қилиш мумкин эмас, 2) ҳаракатнинг мавжудлигини фараз қилиш зиддиятга олиб келади. Унинг ҳаракатнинг мумкинлигига қарши парадокслари энг машҳурдир: «Ахилл ва тошбақа», «Ей ўқи» ва б. (*Апория*). Ленин З. нинг далилларни устивда фикр юритиб, Гегелнинг унга қарши эътирозининг тўғрилигини таъкидлаб кўрсатган эди: ҳаракат қилиш — шу жойда бўлиш ва айни вақтда унда бўлмаслик демакдир; бу — макон ва «замоннинг узлуклиги ва узлуксизлиги бирлигидан иборатдир, ҳаракатни мумкин қилиб кўядиган нарса ҳам худди ана шудир.

ЗЕНОН (эрамыздан олдин тах. 336 йилда туғилган, тах. 264 йилда вафот этган) — стоицизмнинг асосчиси. Кипр оролидаги Китионда туғилган. Савдогарнинг ўғли. Кратесда (киник), сўнгра Стильпонда ва Диодорда (*мегара мактаби*) таҳсил кўрган; кейинчалик платончи Полемонда ўқиган. Тах. 300 йилда Афинада ўз мактабининг таъсис этган ва бу мактаб стоиклар мактаби деб ном олган (бу «стоа пой-кил» сўзларидан олинган бўлиб, дсворлари нақшлар билан безатилган гулдор пешайвон демакдир). З. нинг асарлари бизгача оз-моз фрагментлар шаклида етиб келган. З. философиянинг уч қисмини: логика, физика ва этикани фарқ қилиб қараган. Маълумки, З. «каталепсис» (тушунча) терминини жорий қилган. З. нинг таълим беришича, тасаввур («фантисия») нарсаларнинг қалбдаги изидир («түпосис»). З. «қамраб олувчи образ»ни ҳақиқат мезони деб ҳисобларди, чунки у воқеликни пайқаш билан боғланади (*Стоиклар*).

ЗИГВАРТ Христоф (1830—1904) — немис логика олими, Түбинген ун-тининг философия профессори (1865—

1903), неокантчи. Ўз логикаси билан шуҳрат қозонган (1873—78). З. нинг фикрича, логика психологияга асосланади, бу тафаккур ҳақидаги техникавий, норматив таълимотдир. У зарурият ва умумқимматдорликни ҳақиқат критерияси деб ҳисобларди, чунки улар учун объектив оламда ҳеч қандай таянч йўқдир; З. диний эътиқодни бош далил қилиб олувчи яққол аёнликни зарурий тафаккурнинг асоси деб таълоҳ қиларди. У ҳукм тўғрисидаги таълимотни энг муфассал ишлаб чиққан.

ЗИДДИЯТ—диалектика категорияси бўлиб, бу категория ҳар қандай ҳаракатнинг ички манбаини, ҳаётийлик илдизини, ривожланиш принципини ифодалайди. Объектив оламнинг нарсалари ва ҳодисаларидаги З. ни эътироф этиш худди диалектикани метафизикадан фарқ қилдиради. «...Диалектика — предметларнинг ўз моҳиятида зиддиятни ўрганишдир...» (В. И. Ленин, 29- т., 227- б.). Тафаккурда, тушунчалар, назарияларда инъикос этувчи диалектик З. ларни фикрнинг чалкашлигини ва поймалойлигини ифодаловчи «мантиқий» З. лардан фарқ қилмоқ керак.

ЗИДДИЯТ ҚОНУНИ — логика қонунини бўлиб, бу қонунга кўра, бир-бирини инкор этувчи (*Инкор*) икки гап айти бир вақтда чин бўлиши мумкин эмас. З. қ. ни биринчи бўлиб *Аристотель* ифодалаб берган. З. қ. ни: *Бир гап айти бир вақтда ҳам чин, ҳам ёлғон бўлиши мумкин эмас, деб ҳам ифодаласа бўлади.* Формал зиддиятларнинг муҳокамага ёки илмий назарияга кириши уларни ожиз қилиб қўяди. З. қ. объектларнинг сифат муайянлигининг тафаккурдаги инъикосидир, бу шундай оддий фактнинг инъикосидирки, агар объектнинг ўзгариши назардан соқит қилинса, унда бу факт айти бир вақтда бир-бирини истисно қилувчи хусусиятларга эга бўлолмайди.

ЗОМБАРТ Вернер (1863—1941) — немис социологи, экономисти, Берлин ун-тети профессори. З. нинг социологик тадқиқотлар маззуи — алоҳида социал ҳодиса сифатида капитализм

ҳақидаги масаладан, социал мобиллик ва социал стратификация проблемаларидан иборат. Аввал бошда у ўзини социалист ва Маркс тарафдори ҳисоблаб юрарди, сўнгра антимарксистик позицияларга ўтиб кетди. З. нинг марказий идеяси капитализмнинг «социал плюларизм» жамиятига эволюция қилишидан иборат бўлиб, унда капитализм билан социализм узоқ вақт сақланиб турар эмиш. З. нинг ҳозирги замон буржуа ва реформистик социологиясига анча катта таъсир кўрсатган таълимотининг объектив тарихий мазмуни капитализмни абадийлаштиришдан, унинг умумий кризисини ва унинг ўрнига социализмнинг келиши тарихан муқаррарлигини инкор этишдан иборат. *Баден мактабининг неокантчилиги* З. нинг социологик қарашларининг философик асосини ташкил этарди. Асосий асарлари: «19-асрдаги социализм ва социал ҳаракат» (1896), «Ҳозирги замон капитализми» (3 томлик, 1902, 1928), «Капитализмнинг келажаги» (1932).

ЗУРЛИК НАЗАРИЯСИ — идеалистик назария бўлиб, бу назарияга кўра ажтимоий тендентизлик бировларнинг бошқаларга зўрлик қилиши натижасида пайдо бўлган эмиш. З. н. буржуа идеологлар орасида энг кўп тарқалган. *Дюринг* синфларнинг пайдо бўлишини жамиятнинг бир қисмининг иккинчи қисмига зўрлик қилиши билан боғлаб қарарди (ички зўрлик), австралиялик социолог Гумплович (1838—1909) ҳамда Каутский ва б. кучлироқ қабилининг кучсизроқ қабилини асоратга солишини синфлар ва давлатнинг пайдо бўлишининг ҳал қилувчи сабаби деб ҳисоблардилар (ташқи зўрлик). Марксизм тарихда зўрликнинг родини инкор этмайди, лекин шу билан бирга, зўрликнинг ўзи иқтисодий шарт-шароитдан келиб чиқади, деб эътироф қилади. З. н. дан империалистик буржуазия идеологлари янги мустамлакачиликни ҳимоя қилиш, «зўравонлик» сийёсатини, «совуқ уруш»ни авж олдириш сийёсатини оқлаб кўрсатиш учун фойдаланмоқдалар.

И

ИБН РУШД Муҳаммад (лат. ёзилиши — Аверроэс; 1126—98) ўрта аср араб философи ва олими, Кордова халифалиги даврида Испанияда яшаган. И. Р. ислом динидан алоқасини узмаган ҳолда *Аристотель* философиясининг материалистик элементларини ривожлантирган, материя ва ҳаракатнинг абадийлигини ва яратилмаганлигини исбот қилган, индивидуал жоннинг ўлмаслигини ва охираат дунё ҳаётини инкор этган. И. Р. *иккиёқлама* ҳақиқат тўғрисидаги таълимоти асослаб берган. У ислом илоҳиётчиси Ал Ғаззолийнинг мистик қарашларини қаттиқ танқид қилган. И. Р. нинг Аристотель, асарларига ёзган шарҳлари Европа филозофларини антик философия билан таништиришда катта роль ўйнаган. И. Р. таълимоти (*аверроизм*) ни ислом ва христиан ортодоксияси қаттиқ таъкиб қилган.

ИБН СИНО Абу Али (лат. ёзилиши — Авиценна; 980—1037) — ўрта оснелик философ, врач ва энциклопедист олим. Бухоро ва Эронда яшаган. И. С. ислом динига ишончини сақлаб қолган ҳолда, шунга қарамай, антик дунёнинг философики ва илмий меросини, аввало *Аристотелнинг* таълимотини Шарқда ва Европа мамлакатларида тарқатишда катта роль ўйнаган. И. С. рационал тафаккурни барқарор қилиш, табиий-илмий ва материалистик билимларни тарғиб этиш учун кўп ишлар қилган. И. С. 5 томлик «Тиб қонунлари» асари билан медицина илмининг ривожига катта ҳисса қўшди. Ўзининг философик таълимотида у Аристотелнинг материалистик ва идеалистик тенденциясини сақлаб қолади. И. С. Аристотелнинг логика, физика ва метофизикасини мустақил равишда ривожлантирди. У материянинг абадийлигини эътироф этиб, материяни айрим нарсалар хилма-хиллигининг сабабчиси деб қаради, астрологик ва

бошқа хурофотларга қарши чиқди. «Китоб аш-шифо», «Донишнома» асарларида унинг логик ва физик қарашлари баён этилган.

ИБТИДОИЙ ЖАМОА ТУЗУМИ— бирламчи (ёки архаик) ижтимоий формация бўлиб, унинг структураси кишилар умумиятнинг жамоа ва уруғдошлик формаларининг ўзаро таъсири билан характерланади. Ибтидоий одамнинг фаолияти *жамоа* (қондош, уруғдош, қишлоқ жамоаси) доирасида ўтади, бу жамоа оилаларининг (жуфт, катта-катта ва ҳ. к. оилаларнинг) ячейкаларидан таркиб топган бўлиб, бу ячейкалар одамнинг ўзини такрор ҳосил қилади ва жамоага озми-кўпми қарам бўлган хўжалик, диний ва ш. к. фаолият марказларидан иборат бўлади. Никоҳнинг экзогамлигига (эр-хотиннинг бир уруғдан никоҳ қилинамаслигига) кўра, жамоа таркибига қон-қариндошлик ўзаги билан бир қаторда бошқа жамоалардан чиққан эр-хотинлар ҳам киради. Никоҳ муносабатларининг тартибга ёлиниши жамоалар орасидаги алоқаларни барқарор қилиб ва тартиб-низомга солиб, жамоаларнинг социал яхлитлигининг ўзаро алоқадор элементларига айланишига ёрдамлашади (австралияликларнинг никоҳли туркумлари, уруғ-қабилла уюшмаси ва ҳ. к.). И. ж. т. социал муносабатларнинг туғилишидан то синфий жамиятнинг пайдо бўлишига қадар даврни ўз ичига олади. Бирламчи формация тушунчасини кенг маънода талқин этганда, ибтидоий пода фазаси И. ж. т. нинг бошланиши, синфий табақаланиш эндигона кўрина бошлаган жамоа давлатчилик жамияти эса унинг тугалланиш босқичи ҳисобланади. Ибтидоий жамоа муносабатлари уруғдошлик жамоаси билан *уруғнинг* ўзаро таъсири натижасида ташкил топган уруғдошлик тузуми даврида энг структур тугалланишига етади.

Ишлаб чиқариш воситаларининг (ишлаб чиқариш қуруллари, ер, шунингдек турар жой, хўжалик асбоблари) умумий мулклиги бунда ишлаб чиқариш муносабатларининг асоси бўлиб хизмат қилади. Бунда умумий мулк доирасида қурул, уй-рўзғор буюмлари, кийим-кечак ва ш. к. лар шахсий мулк ҳисобланади. Инсоният техника тараққиётининг бошланғич босқичлари, коллектив мулк формалари, диний-сехргарлик тасаввурлари шароитда мавжуд бўлган ибтидоий турмуш муносабатлари меҳнат қуруллари, хўжалик формаларининг такомиллашуви, оила-никоҳ муносабатлари ва бошқа муносабатларнинг эволюцияси натижасида янги социал муносабатлар томонидан суриб чиқарилади (ёки қисман уларга мослашиб кетади).

ИДЕАЛ (грек. *idea* — тасаввур)— 1) ижтимоий идеал бирон-бир социал группанинг интилишлари ва фаолиятининг олий мақсади бўлмиш энг мукамал ижтимоий тузум ҳақида унинг иқтисодий ва сиёсий манфаатларига мувофиқ келадиган тасаввур. Ижтимоий онг тарихида прогрессив И. лар ҳам бўлиб, бу идеаллар жамият тараққиётининг объектив тенденциясига бирор даражада мувофиқ келган ва революцион ҳаракатларнинг ғоявий асоси бўлган; шунингдек реакция И. лар ҳам бўлиб, бу идеаллар умри тугаган синфларнинг манфаатлари ва тасаввурларини акс эттирган, ижтимоий тараққиётнинг боришига зид келган ва шунинг учун ҳам амалга оширилмаган. Синфларни келиштиришга, ҳусусий мулкни, социал тенгсизликни ва эксплуатацияни сақлаб қолган ҳолда ишлаб чиқариш аристократиясини бартараф қилишга интилаётган ҳозирги замон буржуазиясининг И. и. утопикдир. Утмишдаги кўпгина прогрессив И. лар ҳам утопик бўлган (*Утопик социализм*). Марксизм социализмни утопиядан фанга айлантириб, пролетариатнинг ижтимоий И. ини ҳақиқатан амалга ошириш — коммунизм барпо этиш йўлларини кўрсатиб берди, коммунизм — эркин ва онгли меҳнатчиларнинг юксак да-

ражада ташкил топган жамиятидир, унда «Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга эҳтиёжига яраша» деган принцип ҳукм суради; 2) ахлоқий идеал — ахлоқий камолот ҳақидаги тасаввурлардир, бу тасаввурлар кўпинча олий ахлоқий намуна бўлиб хизмат қиладиган маънавий сифатларни ўзида гавдалантирган шахс образида ифодаланади. Ахлоқий тарбия мақсади ахлоқий И. га кўпроқ яқинлашиши мумкин. Бу И. синфнинг социал-иқтисодий аҳолини акс эттиради ва унинг ахлоқ-одоб мезонига ва ижтимоий И. ига мувофиқ келади. Индивидуализм, эгоизм (худбинлик), бемехр муомала, ҳар қандай воситаларни ишга солиб ўзининг тамаъгирлик мақсадларига эришиш буржуазия А. и. ининг мазмунини ташкил этади. Пролетариатнинг А. и. и, аксинча, коммунизм учун курашувчининг коллективизм, ўртоқларча ўзаро ёрдам, интернационализм, одампарварлик, ижтимоий бурчни юксак даражада англаш, ҳаққонийлик, камтарлик ва ш. к. хислатларини назарда тутди; 3) эстетик идеал — субъект билан объектнинг, инсон билан ижтимоий бутуннинг (ҳамда табиатнинг) тарихан энг тўлиқ узвий бирлиги бўлиб, бу birlik туб мақсадлар сифатидаги инсон ижодий кучларининг эркин ва универсал ривожланишида ўз ифодасини топади. Э. и. объектив формада — меҳнат ва бутун ижтимоий практикада ҳам, субъектив формада — яхлит шахс сифатида индивиднинг ҳисларида, кечинмаларида, образларида, дидларида, баҳоларида, тушунчаларида ҳам амалга ошади. *Санъатда* Э. и. бадий образларда ўзининг энг мукамал ифодасини топади. Фаолиятнинг ҳар қандай соҳасида ижоднинг асоси бўлмиш Э. и. айни бир вақтда ҳаётдаги ва санъатдаги *гўзалликни* баҳолаш учун мезон бўлиб ҳам хизмат қилади. Синфий жамиятда Э. и. синфий характерга эгадир. Марксгача бўлган таълимотлар Э. и. ни меҳнат ва ижтимоий-сиёсий практикадан ажратилган ҳолда, ақл сойтиш принципларидан келтириб чиқа-

радилар. Шундай бўлишига қарамай, ўтмиш даврлар (антик Греция даври, Уйғониш даври) Э. и. ида, тарихан чекланган томонлар бўлиши билан бир қаторда, умуминсоний элементлар — инсон шахсининг бутунлигини маълум даражада рўёбга чиқариш ҳам бор эди. Ҳозирги замон буржуазияси Э. и. ни аллақачон йўқотиб қўйган, шунинг натижасида буржуа санъати тобора айниб, расво формаларга (абстракционизм, сюрреализм ва ш. к.) кирмоқда. Коммунизм Э. и. н. инсоният эстетик тараққиётида олий ва сифат жиҳатдан янги босқич бўлиб, унинг замирида маънавий бўлиб, ахлоқий покллик ва жисмоний камолотни ўзида гавдалантирган ҳар бир кишининг ижодий кучларини ҳар томонлама ва яхлит ҳолда ривожлантириш асос бўлиб ётади.

ИДЕАЛИЗМ — философиянинг асосий масаласини ҳал этишда материализмга қарама-қарши философик оқим. И. руҳий, номоддий нарсани бирламчи деб ва моддий нарсани иккиламчи деб билади, бу эса уни, олам замонда ва маконда ниҳоялидир, уни худо яратган, деб даъво қилувчи дин ақидаларига яқинлаштириб қўяди. И. онгни табиатдан ажратилган ҳолда олиб қарайди, бинобарин уни ва билиш процессини мистификациялаштиради ва кўпинча *скептицизм* ва *агностицизмга* келади. Изчил И. материалистик детерминизмга телеологик нуқтаи назарни қарама-қарши қўяди (*Телеология*.) Буржуа философлари «И.» терминини кўп маънода ишлатадилар, бу йўналишнинг ўзини эса улар ҳозир чинакам философик йўналиш деб қарайдилар. Марксизм-ленинизм бу нуқтаи назарнинг асоссизлигини исбот қилмоқда, аммо И. ни фақат беҳудалик ва бемаънилик деб қаровчи метафизик ва вульгар материализмга қарама-қарши ўлароқ, марксизм-ленинизм идеализмнинг ҳар қандай конкрет формасида гносеологик илдишлар борлигини таъкидлайди. (қ. В. И. Ленин, 29-т., 322-б). Назарий тафаккурнинг ривожланиши

шунга олиб келадики, И. нинг имконияти тушунчаларни уларнинг объектларидан ажратиб ташлаш энг элементар абстракциядаёқ юз беради. Бу имконият фақат синфий жамият шароитидагина воқеликка айланади, чунки унда И. мифологик диний-фантастик тасаввурларнинг фансимон давоми сифатида пайдо бўлади. Ўз социал илдишларига кўра, И., материализмга қарама-қарши ўлароқ, одатда, борлиқни тўғри акс эттиришдан, ижтимоий муносабатларни тубдан қайта қуришдан манфаатдор бўлмаган консерватив, реакцион табақалар ва синфларнинг дунёқарши сифатида юзага келади. Бунда И. инсон билишининг ривожланишидаги муқаррар қийинчиликларни абсолютлаштиради ва бу билан илмий тараққиётга тўсқинлик қилади. Шу билан бирга И. нинг айрим вакиллари янги гносеологик масалаларни ўртага қўйиб ва билиш процесси формаларини тадқиқ қилиб, бир қанча философик проблемаларни ишлаб чиқишга жиддий қизиқдилар (мас., Гегелнинг диалектикани ишлаб чиқиши). И. нинг кўпдан-кўп мустақил формуларининг вакиллари бўлган буржуа философларига қарама-қарши ўлароқ, марксизм-ленинизм унинг ҳамма хилма-хил қўринишларини икки гуруппага: шахсли ёки шахсиз умумий руҳни, қандайдир ғайри индивидуал онгни воқеликнинг асоси деб қабул қилувчи *объектив идеализмга* ва олам ҳақидаги билимларни индивидуал онгнинг мазмунидан иборат қилиб қўювчи *субъектив идеализмга* бўлади. Бироқ субъектив И. билан объектив И. ўртасидаги тафовут абсолют эмасдир. Кўпгина объектив-идеалистик системаларда субъектив И. элементлари бор; иккинчи томондан, субъектив идеалистлар *солипсизмдан* йироқлашишга уриниб, кўпинча объектив И. позицияларига ўтадилар. Философия тарихида объектив-идеалистик таълимотлар аввал Шарқда пайдо бўлади (*Веданта, Конфуцийчилик*). Объектив идеализмнинг классик формаси *Платон* философияси эди. Платон объектив

И. нининг, умуман қадимги замон И. га хос бўлган хусусияти диний-мифологик тасаввурлар билан маҳкам алоқадорлигидир. Бу алоқадорлик эрамининг бошларида, антик жамият кризиси даврида кучайди, чунки бу даврда фақат мифология билан эмас, балки ўта кетган мистицизм билан ҳам чатишиб кетган неоплатонизм ривожланади. Обьектив И. нинг бу хусусияти ўрға асрчилик даврида янада кучлироқ ифодаланади, чунки бу даврда философия тамоман теологияга бўйсунди (*Августин, Фома Аквинский*). Аввало Фома Аквинский томонидан қайта қурилган объектив И. сохталаштирилган аристократизмга асосланади. Фома Аквинскийдан кейин объектив-идеалистик схоластик философиянинг асосий тушунчаси номоддий форма тушунчасидан иборат бўлиб қолдики, бу форма замон ва маконда ниҳояси бўлган оламни донолик билан режалаштирган гайри табиий худонинг иродасини бажарадиган мақсадли ибтидо деб талқин этилади. Декардан бошлаб янги замон буржуа философиясида индивидуалистик бонсбахоналар кучайиб борган сари субъектив И. тобора кўпроқ ривожлана борди. Беркли системасининг ва Юм философиясининг гносеологик қисми субъектив И. нинг классик кўриниши бўлди. Кант философиясида «нарсга ўзида» субъектнинг онгига боғлиқ эмаслиги материалистик тасдиқлавиш билан, бир томондан, бу онинг априор формалари ҳақидаги агностицизмни асослаб берадиган субъектив-идеалистик қонда ва, иккинчи томондан, бу формаларнинг гайри индивидуал характерини объектив-идеалистларча эътироф қилиш бирга қўшиб юборилади. Кейинчалик субъектив-идеалистик тенденция Фихте философиясида, объектив-идеалистик тенденция эса Шеллинг ва айниқса Гегель философиясида устуңликни эгаллади. Гегель диалектик И. нинг ҳамма томондан қамраб оладиган системасини яратди. Гегель мактаби тарқалиб кетгандан кейин И. нинг эволюцияси шу билан

белгиландики, буржуазия энди прогрессив ижтимоий роль ўйнамайдиган бўлиб қолди ва диалектик материализм философиясига қарши кураша бошлади. Буржуа философларининг ўзлари «И.» тушунчасини фақат унинг энг ошкор, спиритуалистик формаси билан бирдай қилиб кўрсата бошладилар. Кўпгина гўё «оралиқ» ва ҳатто гўёки И. дан ва материализмдан «устун турадиган» таълимотлар (*позитивизм, неореализм* ва б.) пайдо бўлди. Агностицизм ва иррационалистик таъсирлар, «заруран ўз-ўзини алдаш» учун философияни мифологиялаштириш, инсон ақлига ва инсониятнинг келажагига ишонмаслик кучайди ва ҳ. к. Реакцион сохта атеизм, (нищечилик, фашистик философик концепциялар, позитивизмнинг баъзи турлари ва б.) ривож топди. Капитализмнинг умумий кризиси даврида И. нинг *экзистенциализм* ва *неопозитивизм* каби формалари ҳамда католик философиясининг бир қанча мактаблари, биринчи гада *неотомизм* жорий қилинади. Юқорида айтилган уч оқим 20-асрнинг ўрталарида И. нинг асосий кўринишлари бўлиб, лекин шу билан бир қаторда улар ичида ҳам И. нинг майда-майда эпигончилиги (тақлидчилик) мактабларига парчаланиш процесси давом этади. Ҳозирги замон И. формаларининг «хилма-хиллиги»га (*феноменология, танқидий реализм, персонализм, прагматизм, ҳаёт философияси, философик антропология* ва б.) асосий социал сабаблар шундан иборатки, буржуа онгининг инқирозга кетиш процесси чуқурлашиб бормоқда ва идеалистик философиянинг империалистик кучларга «боғлиқ эмаслиги» иллюзиясини мустаҳкамлашга уриниш кучаймоқда. Иккинчи томондан, қисман бунга қарама-қарши бўлган процесс — 20-аср буржуа идеологиясининг тутган умумий антикоммунистик йўли асосида И. нинг турли оқимларининг яқинлашиши ва ҳаттоки «дугагайлашиб» кетиши ҳам содир бўлмоқда. В. И. Лениннинг «Материализм ва эмпириокритицизм»

китобида ҳозирги замон И. формаларини танқид қилишга илмий асос солинган ва унда позитивизмнинг фақат махистик кўринишигина эмас, балки империализм даври бутун буржуа философиясининг асосий мазмуни ҳам марксистик анализ қилиб чиқилган.

ИДЕАЛИЗМНИНГ ГНОСЕОЛОГИК ВА СИНФИЙ ИЛДИЗЛАРИ—

идеалистик философиянинг пайдо бўлиши ва мавжудлигини изоҳловчи сабаблар ва шароитлар. Идеализмнинг гносеологик (назарий-билиш) илдиэлари инсоннинг билиш процессини изоҳлашда метафизик бир ёқламаликдан ва субъективистик ғаразгўйликдан иборат. Идеализм жонли инсон билиши заминидан пайдо бўлиб, бу билишнинг мураккаблигидан, зиддиятчилигидан фойдаланади. Билиш процессининг ўзидан инсон сезгилари, тушунчаларининг реал нарсалардан ажралиши, фантазиянинг объектив воқелиқдан йироқларга парвоз қилиш имконияти мавжуддир. Бу имконият белгичаларидан, томонларидан, қирраларидан бирини бир ёқлама бўрттириб ривожлантириш, шишириб материядан, табиатдан ажратилган, изоҳийлаштирилган абсолютга айлангириш натижасида воқелиқ тусига киради. «Қайсарлик ва бир ёқламалик, подонлик ва қотиб қолганлик, субъектизм ва субъектив кўрлик воёла (ана шу) идеализмнинг гносеологик илдиэларидир» (В. И. Ленин, 29- т., 322- б.). Объектив идеализм тушунчаларнинг, абстракт тафаккурнинг родини бўртдириб, абсолютлаштиради, субъектив идеализм эса идрокларнинг, сезгиларнинг родини бўртдириб, уларни объектив оламга бир хилда қарама-қарши қилиб қўяди. Идеализмнинг синфий илдиэлари жамиятнинг антагонистик синфларга бўлиниши, эксплуататор синфлар ҳукмронлигининг барқарор бўлганлиги, ижтимоий меҳнат тақсимоги, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнатни бир-биридан алоҳида қилиб, қарама-қарши қўйишлиши билан боғлиқдир. Билишнинг меҳнаткашлар ссммаси амалий фаолиятидан ажра-

лиши ва идеологик фаолиятнинг ҳукмрон синфлар томонидан монополия қилиниши ана шу тариқа пайдо бўлади, бу эса инсон фаолиятини ақлий, идеявий томонининг абсолют мустақиллиги ва алоҳида яратувчилик роли ҳақидаги хом хаёлларнинг пайдо бўлишига ва қарор топишига олиб келади. Худди ана шуларнинг ҳаммаси идеяларнинг, тушунчаларнинг, умуман идеяга доир нарсаларнинг материяга, табиатга, борлиққа нисбатан бирламчилиги тўғрисидаги нотўғри фикрнинг туғилишига сабаб бўлади. Идеализмнинг назарий-билиувчилик илдиэлари синфий илдиэлар билан маҳкам боғлиқ бўлиб, бу синфий илдиэлар идеалистик дунёқарашни туғдирибгина қолмасдан, балки уни эксплуататор синфларнинг манфаати йўлида мустаҳкамлаб ҳам беради.

ИДЕАЛЛАШТИРИШ — тажрибада ва воқелиқда принципиал равишда амалга ошириб бўлмайдиган баъзи абстракт объектларни тузиш билан боғлиқ бўлган фикрий ҳаракат. Идеаллаштирилган объектлар бйрон-бир реал объектларнинг баъзи ниҳояли тасодифларидан иборат бўлиб, уларни илмий анализ қилиш учун восита бўлиб, мазкур реал объектлар назариясини тузиш учун асос бўлиб хизмат қилади; шундай қилиб, идеаллаштирилган объектлар пировард ҳисобда объектив предметлар, процесслар ва ҳодисаларнинг инъикоси сифатида майдонга келади. Математикадаги — «нуқта», «тўғри чизиқ», «актуал чексизлик» тушунчалари, физикадаги — «абсолют қаттиқ жисм», «идеал газ», «абсолют қора жисм» тушунчалари, физик химиядаги «идеал эритма» тушунчаси идеаллаштирилган объектларнинг мисоллари бўлишлари мумкин. И. ўзи маҳкам боғлиқ бўлган абстракция билан бир қаторда воқелиқ қонунларини билишнинг муҳим воситаси бўлиб юзага келмоқда.

ИДЕНТИФИКАЦИЯ — бирон-бир аломатлар асосида объектларнинг айниятини аниқлаш.

ИДЕОЛОГИЯ—қарашлар ва идеялар, яъни сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний, философик қарашлар ва идеялар системаси. И. устқурманнинг бир қисми бўлиб (*Базис ва устқурма*), шу тарзида пировард ҳисобда иқтисодий муносабатларни акс эттиради. Антагонистик синфлар мавжуд бўлган жамиятда синфий манфаатлар курашига идеологик кураш мувофиқ келади. И. воқеликнинг ҳаққий ёки сохта инъикоси бўлиши, илмий ёки илмга хилоф бўлиши мумкин. Реакцион синфларнинг манфаатлари сохта И. дан озиқланади, прогрессив, революцион синфларнинг манфаатлари илмий И. нинг шаклланишига кўмаклашади. Марксизм-ленинизм чинакам илмий И. бўлиб, ишчилар синфининг, тинчлик, эркинлик ва тараққиётга интилувчи инсолият аксариятнинг ҳаётий манфаатларини акс эттиради. Сўнги вақтларда буржуа философлари орасида И. ва воқеликка илмий қарашнинг сиғишмаслиги ҳақидаги фикрлар тарқала бошлади. И. ни улар фақат бирон халдаги группалар, партиялар ва ш. к. ларнинг манфаатларини ифодловчи субъектив бир нарсга деб қарамоқдалар. Философия ва умуман фанни «идеология доирасидан чиқариш»га интилишнинг сабаби ҳам шудир, бу интилиш амалда фан ва философияни синфий курашдан четга тортишдан, воқеликни жиддий илмий, объектив анализ қилиб берувчи бирдан-бир И. бўлган марксизм-ленинизмнинг ролини камситишдан иборат. Шу сабабли, КИСС XXIV съездида таъкидлаб ўтилганидек, буржуа И. сига, антикоммунизм ва антисоветизм ҳамда ўн ва «сўл» ревизионизмга қарши кураш — халқаро коммунистик ҳаракат гоёвий бирлигининг зарур шартидир. Ўз тараққиётида экономика билан боғлиқ бўлган И. аини вақтда маълум даражада нисбий мустақилликка ҳам эгадир. Бу мустақиллик, жумладан, шунда ифодаланадики, И. нинг мазмунига, одатда, бевосита иқтисодий изоҳ бериб бўлмайди, гап шундаки, иқтисодий ва идеологик тараққиётда маъ-

лум даражада тенгсизлик мавжуддир. Бунда И. нинг нисбий мустақиллиги идеологик тараққиётнинг тўғридан-тўғри экономикага элтиб тақаб бўлмайдиган ички қонуниятларининг амалида, иқтисодий базисдан анча йироқ бўлган идеологик соҳаларда кўпроқ таъсир кўрсатади. И. нинг нисбий мустақиллиги шу билан изоқланадики, идеологик эволюцияга бир қанча ғайри иқтисодий факторлар: И. нинг тараққиётидаги ички ворислик алоқаси, у ёки бошқа идеологларнинг шахсий роли, И. нинг турли формаларининг бир-бирига ўзаро таъсири ва ш. к. факторлар ёрдамчи таъсир кўрсатади.

ИДЕЯ (грек. *idea*—айнан: «кўриниб турган нарсга», шакл, образ)— философик термин бўлиб, бу термин «мазмун», «маъно», «моҳият»ни билдиради ҳамда у тафаккур ва борлиқ категориялари билан маҳкам боғлиқдир. Философия тарихида «И.» категорияси турли маънода ишлатилади. И. фақат онгда мавжуд деб қаралганда, у: 1) ҳиссий предметларнинг инъикоси сифатида онгда пайдо бўладиган ҳиссий образларни (*Содда реализм*); 2) субъектнинг сезгилари ва таассуротларидан ёки оламни тугдирувчи ижодий ибтидодан иборат қилган қўйилувчи нарсалар «мазмун» ёки «моҳияти»ни (*Субъектив идеализм*) билдиради. Баъзи философик системаларда И. материалистик принципни ҳам билдирадиди (чунончи, Демокрит ўз атомларини «идеялар» деб атайди). Объектив идеализм системаларида И. барча нарсаларнинг объектив равишда мавжуд бўлган моҳияти деб ҳисобланади (*Объектив идея*). Мас., Гегелда И.— барча нарсаларнинг мазмуни ва яратувчиси бўлиб, нуқул логик тарзда ривожланиб боради ва объектив, субъектив ҳамда абсолют босқичларни босиб ўтади. И. тўғрисидаги масаланинг ҳал қилиниши тафаккурнинг борлиққа муносабати масаласини тўғри қўйишга боғлиқ. Бу масала фақат диалектик материализмда изчиллик билан илмий равишда ишлаб чиқилган бўлиб, унда И. объек-

тин реалликнинг инъикоси деб қаралади. Шу билан бирга И. нинг моддий ноқеликка, уни ўзгартиш мақсадида, тескари таъсири ҳам таъкидлаб ўтилади. И. деганда билиш формалари ва усулларининг яна бири тушуниладик, бу форма ва усулларнинг мазмуни — умумлаштирилган назарий принципнинг ифодаланишидан иборатдир, бу принцип ҳодисаларнинг моҳиятини, қонунини тушунтириб беради. Мас., оламнинг моддийлиги ҳақидаги, модда ва майдоннинг икки ёқлама корпускуляр-тўлқинсимон характери ҳақидаги ва ҳ. к. идеялар ана шундай идеялардир.

ИДЕЯВИЙЛИК (грек. idea — идея, образ)— инсон онгининг тавсифи бўлиб, бу тавсиф уни моддийликка, материяга гносеологик қарама-қарши қўйишга асосланади. «Онгининг қай тариқа мавжудлигини ва онг учун ниманингдир мавжудлигини кўрсатувчи усул *билимдир* (Маркс). Олам ҳақидаги *билим* — нарсаларнинг объектив алоқадорлигининг идеявий формасидир. Лекин муайян форма мустақил борлиққа эга бўлмасдан, фақат инсон фаолиятининг объектив олам билан муносабатдорлигидагина мавжуддир. Шу сабабли мустақил суратда, объектив равишда мавжуд бўлган оламдан фарқли ўлароқ, бу олам тўғрисидаги билим ва умуман онг И. сифатида характерланади. Гарчи онг фақат муайян моддий воситалар ва процесслар (жамиятнинг амалий фаолияти, марказий нерв системасининг физиологияси, тил алоқасининг сигнал воситалари ва ш. к.) ёрдами билан ҳаракат қилса-да, у мазкур воситалар ва процессларнинг ҳеч биридан иборат эмасдир. Реал суратда мавжуд бўлган нарсалар билан эмас, балки нарсаларнинг «ўрин-босарлари», уларнинг моделлари сифатида юзга келадиган образлари, тилдаги маъно ва мазмуни билан иш кўрувчи И. объектив қонунларни тадқиқ этишга ва улар асосида келажак лойиҳаларини тузишга қодирдир. И. шунингдек объектив воқеликни бузиб кўрсатувчи хаёлий тасав-

вурлар ва тушунчалар яратишга ҳам қодирдир. Шу сабабли илмий билиш предметлар ҳақидаги билимни предметларнинг ўзи билан зарурият тарикасида доимо қарама-қарши қўйиб ва таққослаб кўриб, нарсалар ҳақидаги билимда ва ҳодисаларда уларнинг объектив моҳияти нечоғлик аниқ ва тўла акс этишини, бошқача қилиб айтганда, бизнинг билимимиз нечоғлик ҳақиқатлигини равшан қилиб беради.

ИДРОК — предметнинг яхлит образи бўлиб, бу образ объектив оламнинг сезги органларига таъсири натижасида пайдо бўлади. И. предметларнинг ташқи томонларини акс эттиради. Кўриш, бадан билан сезиш ва эшитиш И. лари бўлади. Кўриш И. лари энг кўп гносеологик аҳамиятга эгадир. Улар инсоннинг теваракатроф муҳитдаги предметлар билан ўзаро таъсир кўрсатиш процессида кўриш сезгиларидан шаклланади. Бу ўзаро таъсир чоғида предметнинг контурлари предметни пайпасловчи қўлнинг ҳаракат структурасини белгилайди, қўлнинг ҳаракат структураси эса ўз навбатида кўриш образи структурасини белгилайди. Кўриш образининг шаклланишини инсон образини ташқарига чиқариш тарзида субъектив равишда ҳис этади. Ҳақиқатда эса, И. индивидга тааллуқли бўлиб, ташқи предметларнинг ва бизнинг жисминимизнинг кичрайтирилган моделдир. Кўриш И. нинг структураси объектларнинг ўзларининг структураси билан бирдай эмасдир. У объектив инъикос қонунларига мувофиқ тузилади. Мас., темир йўлнинг объектив равишда параллель рельслари олддан қараганда бизга бир-бирига туташаётгандек кўринади; йироқлашган предметларнинг линия ҳажмлари қисқаради, яқин предметларнинг ҳажми эса ошиб боради ва ш. к. И. нинг қарор топиш процессининг ҳаракатландирувчи компонентлари катта ёшли одамда минимум даражагача (кўзларнинг ҳаракати) қисқарган бўлади. И. дан тасаввурлар тузилади. Билиш процессида И. лар қуйидагича роль ўйнайди: 1) сигнал функциясини ба-

жаради (мас., қайраш чархида пўлат ишланаётган чоқда ҳосил бўлган учқунларнинг формасига қараб биз пўлатнинг маркаси тўғрисида фикр юритамиз); 2) назарияларнинг дастлабки элементлари учун негиз сифатида юзага келадиган айрим алоқалар ва муносабатларни назардан ўтказиш учун бошланғич материал бўлиб хизмат қилади. Чунончи, Вильсон камерасидаги элементар зарраларнинг траектория элементлари ўртасидаги муносабатларга қараб мазкур микрообъектларнинг заряди, массаси ва ш. к. ҳақида фикр юритиш мумкин; 3) тасаввурлар каби, И. ҳам ҳиссий тажрибада сезилмаган структураларнинг моделлари бўлиб хизмат қилиши мумкин. Мас., реал даврий (циклик) структураларни куватиш химия олими Ф. А. Кекулени бензол молекулаларининг даврий (циклик) тузилиши ҳақидаги фикрга олиб келган.

ИЕРОГЛИФЛАР (ёки символлар) **НАЗАРИЯСИ** — гносеологик концепция бўлиб, бу концепция, сезгилар ёрдамида онда предмет ва ҳодисаларнинг белгиларини акс эттирадиган образлар эмас, балки нарсалар ва уларнинг хоссалари билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган символлар, аломатлар, иероглифлар вужудга келади, деб исбот қилмоқчи бўлади. И. н. ни *Гельмгольц* И. Мюллер ифодалиб берган ва «сезги органларининг ўзига хос энергияси қонуни» деб аталган қонуни асосида ишлаб чиққан эди. Маъкур қонунга кўра, психик ҳолат — организмнинг ўз ишрларининг ҳолатини кечиритидан иборатдир, сезгиларнинг ўзига хос хусусияти эса ташқи таъсирларга эмас, балки сезги органларининг хоссаларига боғлиқдир. «Иероглиф» терминини Г. В. *Плеханов* киритган. Бундай нуқтан назар гносеологияга агностицизм элементини киритади. Дialeктик материализм сезгини предметларнинг сифатларининг оддий копияси деб ҳисобламайди. Объектив олам билан ўзаро таъсирда пайдо бўладиган сезгилар сезги органларининг ўзига хос тузилишига

ҳам боғлиқдир. Бироқ бу ўзига хос хусусиятнинг ўзи пировард ҳисобда электромагнит тўлқинлар (ёруғлик) ва ҳаво тебранишлари (товуш) ва ш. к. муҳит ўзгаришлари ҳақидаги информациянинг объектив ва донимий ҳомиллари билан белгиланади. Бир томондан, сезгилар — объектив оламнинг субъектив образидир. Улар шундай субъектив воситалардан иборатки, бу воситалар ёрдами билан ташқи нарсаларнинг реал образи қайта ҳосил қилинади. Шу сабабли сезгилар бизни воқелик билан боғлайди, бинобарин, улар инсон онги билан объектив оламини ажратиб турадиган жарликдан иборат эмасдир. Плехановнинг бу масаладаги хатоларини Ленин «Материализм ва эмпириокритицизм» асарида танқид қилган эди.

ИЖОД, ижодиёт — сифат жиҳатдан янги моддий ва маънавий қимматдорлар яратадиган инсон фаолияти процесси. И. инсоннинг меҳнатда пайдо бўлган қобилияти, шу қобилияти туфайли у воқелик материалидан (объектив олам қонуниятларини билиш асосида) хилма-хил ижтимоий эҳтиёжларни қондирадиган янги реаллик яратади. И. нинг турлари яратувчилик фаолиятининг характери билан белгиланади (ихтирочи И. и, ташкилотчи И. и, илмий ва бадиий И. и ва ҳ. к.). Идеализм бадиий И. и илоҳий шайдолик (Платон), онглик билан онгсизликнинг синтези (Шеллинг), «онгсизликнинг ҳаётбахш нафаси» (Э. Гартман), мистик интуиция (Бергсон), инстинктлар зухуроти (Фрейд) деб қарайди. Марк்சча-ленинча назарига кўра, И. процессида инсоннинг ҳамма маънавий кучлари, шу жумладан *хаёли*, шунингдек таълим ва практикада орттирадиган, ижодий ниятини амалга ошириш учун зарур бўлган маҳорати иштирок этади. Ижод фаолияти имкониятлари ижтимоий муносабатларга боғлиқдир. Коммунизм хусусий мулкка асосланган жамиятда мавжуд бўлган меҳнатнинг ва инсон қобилиятларининг *бегоналашувини* бартараф қилиб, И. нинг барча тур-

ларининг ривожланиши ва ҳар бир инсон шахсида ижодий қобилиятларнинг камолотга етказиш учун шарт-шароит туғдиради.

ИЖОДИЁТ ПСИХОЛОГИЯСИ — психологиянинг бир соҳаси бўлиб, бу соҳа инсон томонидан фанда, техникада, санъатда, меҳнат фаолиятининг турли шаклларида янги, оригинал нарсалар яратилишининг қонуниятларини тадқиқ қилади. Таълим ва ўйиннинг ижодий моментлари ҳам И. п. нинг мавзудир. Идеалистик назарияларда И. п. ни очиб бериш учун ўтмишда қилинган уринишлар илмий жиҳатдан қизиқарли эмасдир, чунки уларнинг авторлари ижодиётни хато равишда фақат мумтоз кешиларга муяссар бўладиган ва сабабини тушунтириб бўлмайдиган ҳодиса, деб қарардилар. Кўпинча ижодий ишда меҳнатнинг ёки умуман бирон хилдаги фаолиятнинг, шу жумладан тафаккурнинг ҳар қандай роли инкор этиларди; янгиликнинг кашф этилиши тўсатдан ўз-ўзинча ёки сабабини тушунтириб бўлмайдиган онгсиз иш натижасида бошланади, деб ҳисобланарди. Материалистик психология ижод процессида англамасдан қилинадиган ишларнинг маълум родини инкор этмайди; шу билан бирга у ривожланган формалардаги ижодиёт меҳнатнинг натижасидир, деган қоидага асосланади. Ижодий фаолиятнинг боис-сабаблари ва мақсадлари жамият эҳтиёжларидан туғилади, бирон-бир ижодий вазифани ҳал қилиш имконияти эса жамиятнинг ривожланиши доаманда бунинг учун зарур шарт-шароит пайдо бўлган чоқда бошланади. Олимлар, ихтирочилар ва санъаткорлар бунда фан, техника ва санъатнинг ривожланиши процессида ишланган ва жамғарилган билимлар ва усуллардан фойдаланадилар. Бироқ асли ижодий момент кўп ҳолларда нарсалар ва ҳодисаларнинг бунгача маълум бўлмаган хоссаларини акс эттирувчи янги иш усулини, методини ва йўлини очишни назарда тутади. Инсон бутун диққат-эътиборини бирон вазифага тўллаганда одатда ўз-ўзини

кузатиш билан шуғуллана олмайди, бинобарин, кўп ҳолларда ижодий вазифани бажаришнинг бориши ҳақидаги оғзаки ҳисобот воқеаларнинг ҳақиқий жараёнига мутлақо мувофиқ келмайди. Фараз, гумоннинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган, англамасдан қилинадиган иш процесслари ўз-ўзини кузатишда умуман акс эттирилмайди (улар фақат объектив методлар билан қайд этилиши мумкин), шу сабабли ҳал этиш йўлининг топилиши қандайдир тўсатдан содир бўлган нарса каби ҳис этилади, ваҳоланки ҳақиқатини суриштирганда у шиддатли ва жуда узоқ меҳнатнинг маҳсулидир. Ижодий фаолият инсоннинг активлиги, билимлари ва қобилиятларини максимум даражада сафарбар қилишни талаб этади. Бундай сафарбарлик ироданинг шиддат билан ишга солинишида ва ўзига хос эмоционал ҳолатларда ўз ифодасини топадики, бунинг кўп ёзувчилар бадний адабиётда муфассал тасвирлаб кўрсатганлар.

ИЖТМОИЙ БОРЛИҚ — жамиятнинг моддий ҳаётини тавсифловчи фалсафий категория. И. б. ижтимоий онгга нисбатан бирламчи бўлиб, ундан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир. Жамиятнинг моддий ҳаёти — моддий неъматлар ишлаб чиқаришдан ҳамда ишлаб чиқариш ва жамиятнинг реал амалий ҳаёти процессида кишилар ўртасида вужудга келадиган моддий муносабатлардан иборат (*Ижтимоий борлиқ ва ижтимоий онг*).

ИЖТМОИЙ БОРЛИҚ ВА ИЖТМОИЙ ОНГ — жамият ҳаётининг икки, моддий ва маънавий, томони бўлиб, бу томонлар ўзаро бир-бири билан муайян алоқада ва ўзаро таъсирда бўлади. И. б. деганда марксизм жамиятнинг моддий ҳаётини, моддий неъматлар ишлаб чиқариш ҳамда шу ишлаб чиқариш жараёнида кишилар қиринишадиган муносабатларини (синфий жамиятда — синфий муносабатларини) тушунади. И. о. — бу қарашлар, тасаввурлар, идеялар, сиёсий, юридик, эстетик, этикавий ва

б. назариялар, философия, ахлоқ, дин ва онгнинг б. формаларидир. И. б. ва и. о. нинг ўзаро муносабати тўғрисидаги масала философиянинг асосий масаласини жамиятга табиқан конкретлаштиришдан иборат. Марксизмга қадар жамият ҳаётида онгнинг белгиловчи роли ҳақидаги тасаввур философияда ҳукмрон қараш бўлиб келган эди. Ҳақиқатда эса онг — кишиларнинг маънавий ҳаётида улар И. б. нинг инъикосидан бошқа нарса эмасдир. Жамият ҳақидаги фанни мустаҳкам илмий асосга кўйган бу қонданинг биринчи таърифини Маркс ва Энгельс «Немец идеологияси»да қўйидагича ифодалаб берганлар: «... ўз моддий ишлаб чиқаришини ва ўз моддий алоқасини (яъни ишлаб чиқариш муносабатларини.— *Ред.*) ривожлантирувчи кишилар ўзининг ана шу воқелиги билан бирга ўз тафаккурини ва ўз тафаккурининг маҳсулларини ҳам ўзгартиради. Онг турмушини эмас, балки турмуш онгин белгилайди» (3-т., 25-б.). Марксизм кишиларнинг ҳаётини тушуниш учун бу ҳал қилувчи фактни тушунтирибгина қолмади. У И. б. ва и. о. нинг ўзаро муносабатлари оддий эмас, балки мураккаб ҳаракатчан эканлигини ва ижтимоий ҳаёт тараққий этиб, мураккаблашиб бориши билан бирга ривожланиб боришини ҳам кўрсатди. Агар тарихнинг дастлабки босқичларида И. о. кишилар моддий муносабатларининг бевосита маҳсули сифатида шаклланиб борса, кейинчалик, жамият синфларга бўлингандан, сиёсат, ҳуқуқ, сиёсий кураш пайдо бўлгандан кейин, И. б. кишиларнинг онгига кўпдан-кўп оралик звенолар воситаси орқали ҳал қилувчи таъсир кўрсатади; давлат ва давлат тузуми, ҳуқуқий ва сиёсий муносабатлар ва ҳ. к. ана шундай воситалар бўлиб, улар ҳам И. о. га ғоят катта таъсир кўрсатади. Бундай шароитда И. о. ни бевосита моддий муносабатлардан келтириб чиқариш вольгарлаштириш ва сийқалаштиришга олиб келади. Айни вақтда марксизм И. о. нинг катта роль ўйнашини ва унинг И. б. нинг

ўзининг ривожланишига таъсир кўрсатишини билишни ва ҳисобга олишни талаб қилади. Кишилар ҳаётининг бу икки томонини мутлақ қарама-қарши қилиб қўйиш, нима бирламчи ва нима иккиламчи, деган асосий масала доирасидагина жойиздир. Бу масала доирасидан ташқарида уларни бундай мутлақ қарама-қарши қилиб қўйиш маъносини йўқотади, ammo у ёки бошқа даврларда И. о. нинг роли ҳал қилувчи роль бўлиши мумкин ва ҳақиқатда шундай бўлмоқда, тўғри, ўшанда ҳам у пировард ҳисобда И. б. билан белгиланади ва унга боғлиқ бўлади. И. о. ва унинг хилма-хил формалари, улар нечоғлиқ И. б. га боғлиқ бўлмасин, нисбий мустақилликка эгадир. Бу нисбий мустақиллик шунда ифодаланадики, жамият моддий ҳаётидаги ўзгаришлар ҳеч қачон И. о. нинг маҳсулларини янгидан вужудга келтирмайди, чунки маънавий тасаввурлар — илмий, фалсафий, бадиий ва бошқа идеялар — илгари тўпланган материалга боғлиқдир ва ўз тараққийнинг муайян ички логикасига бўйсунди. Бундан ташқари, моддий муносабатлардаги ўзгаришлар И. о. нинг бир онда бўлмагани, автоматик ўзгаришларини юзага келтира олмайди, чунки кишиларнинг маънавий тасаввурига анчагина инерция кучи ҳосил, бинобарин, фақат янги тасаввурлар билан эски тасаввурлар ўртасидаги кураш ўзгарган моддий ҳаётнинг, янги турмушнинг қатъий талабларидан юзага келадиган кучларнинг галабасига қонуниятан суратда олиб келади. И. б. ва и. о. ҳақидаги марксистик таълимот ғоят катта методологик аҳамиятга эга бўлиб, ижтимоий ҳаёт проблемаларини илмий равишда ўртага қўйишга ва амалий равишда ҳал этишга ёрдам-лашади.

ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ФОРМАЦИЯ — жамиятнинг тарихий типи бўлиб, бу тип муайян ишлаб чиқариш усулига асосланади ва инсониятнинг *убтидоий жамоа тузумидан қулдорлик тузуми, феодализм ва капитализм* орқали коммунистик формацияга қараб прогрессив ривожланиши-

нинг босқичи сифатида майдонга келатиш «И.-и. ф.» тушунчасини биринчи марта марксизм ишлаб чиққан бўлиб, у тарихни материалистик тушунишнинг туб асосини ташкил этади. Бу тушунча, биринчидан, тарихнинг бир даврини иккинчи даврдан фарқ қилишга ва «умуман жамият» ҳақида муҳокама юргизиш ўрнига тарихий воқеаларни муайян формациялар доирасида тадқиқ қилишга имкон беради; иккинчидан, ишлаб чиқариш тараққиётининг бир хил босқичида турган турли мамлакатларнинг (мас., капиталистик Англия, Франция, АКШ ва ҳ. к.) умумий ва муҳим белгиларини очиб бериш ва, демак, тадқиқотда такрорланишликнинг умумий илмий критериясидан фойдаланиш имкониятини беради (бу критерияни ижтимоий фанга татбиқ этишнинг субъективистлар инкор этадилар); учинчидан, жамиятни ижтимоий ҳодисаларнинг (онла, давлат, черков ва ҳ. к.) механик мажмуи деб, тарихий процессни эса турли факторлар (табиий шароитлар ва маориф, савдо-сотиқнинг ривожланиши ва даҳоннинг туғилиши ва ҳ. к.) таъсирининг натижаси деб қаровчи эклектик назарияларга хилофан, «И.-и. ф.» тушунчаси инсоният жамиятини унинг тараққиётининг ҳар бир даврида бир бутун «социал организм» деб, яъни барча ижтимоий ҳодисаларни уларнинг узвий бирлигида ва *ишлаб чиқариш усули* асосида ўзаро таъсирида ўзига қамраб олувчи ягона «социал организм» деб қарашга имкон беради. Ниҳоят, тўртинчидан, бу тушунча айрим кишиларнинг интилиши ва ҳаракатларини катта-катта омма ва синфларнинг ҳаракатларидан иборат қилиб қўйишга имкон берадики, бу омма ва синфларнинг манфаатлари уларнинг айна формация ижтимоий муносабатлари системасида тутган ўрни билан белгиланади. Ҳар бир И.-и. ф. ўз пайдо бўлиши ва ривожланишининг алоҳида қонунарига эгадир. Шу билан бирга ҳар бир формацияда уларни жаҳон тарихининг ягона бир процессига боғловчи умумий қонуналар амал қилади. Бир

формациянинг иккинчиси билан ал-машинашии социал революция натижасида юзага келади. Капиталистик жамият — синфларнинг антагонизмига асосланган формацияларнинг охиригисидир. У билан инсониятнинг тарих олди даври тугалланади. Коммунистик формация биринчи марта тарихда инсониятнинг социал тенгсизликни тугатиш ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг тезлаштирилган ривожига асосида чексиз тараққиёти учун шарт-шароит яратиб беради. Коммунистик формация инсониятнинг чинакам тарихини бошлайди.

ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР — кишилар ўртасидаги муносабатлар бўлиб, бу муносабатлар уларнинг биргаликдаги амалий ва маънавий фаолияти натижасида қарор топади; моддий ва идеологик муносабатларга бўлинади. Моддий неъматлар ишлаб чиқариш инсоният жамиятининг яшashi ва ривожланишининг асосини ташкил этади. Шу сабабли ҳамма И. м. дан энг муҳими ишлаб чиқариш, иқтисодий муносабатлардир. *Ишлаб чиқариш муносабатлари* ҳамма бошқа И. м. нинг — сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний ва ҳ. к. муносабатларнинг характери билгилайди. Барча И. м. нинг ишлаб чиқариш муносабатларига боғлиқ эканлигини тушуниш биринчи марта жамият тарихий тараққиётининг қонуниятларини илмий равишда изоҳлашга имкон беради.

ИЖТИМОЙ ОНГ ФОРМАЛАРИ — объектив олам ва ижтимоий борлиқнинг кишилар онгидаги инъикосининг турли формалари, бу формалар мазкур ижтимоий борлиқ асосида амалий фаолият жараёнида пайдо бўлади. Ижтимоий онг сиёсий идеология, ҳуқуқий онг, ахлоқ, дин, фан, санъат, философия формаларида мавжуд бўлади ва юз беради. Воқеликнинг қундалик онгдаги бевосита инъикосидан фарқ қилиб, И. о. ф. озми-кўпми системалаштирилган онг сифатида назарий тафаккур воситасида юзага келади. И. о. ф. объекти ва инъикос формасига, социал функ-

циялари ва тараққиёт қонунларининг ўзига хос хусусиятларига қараб бир-биридан фарқ қилади. И. о. ф. нинг жуда хилма-хиллиги объектив оламнинг ўзининг — табиат ва жамиятнинг сермазмунлиги ва хилма-хиллиги билан белгиланади. Турли И. о. ф. воқеликнинг турли соҳалари ва томонларини акс эттиради (мас., сиёсий идеялар синфлар, миллатлар, давлатлар ўртасидаги муносабатларни акс эттиради ҳамда синфлар ва социал группаларнинг амалий ишларида рўёбга чиқариладиган сиёсий программаларга асос бўлиб хизмат қилади; *фанда* табиат ва жамиятнинг конкрет қонунлари билиб олинади ва ҳ. к.). Онгнинг ҳар бир формаси ўзига хос инъикос предметиға эға бўлганлигидан алоҳида инъикос формаси билан ҳам характерланади (мас., илмий *тушунча*, ахлоқий *норма*, бадний *образ*, диний *ақида*). Лекин объектив оламнинг ранг-баранглиги ва мураккаблиги турли И. о. ф. нинг юз бериш имкониётини яратеди, холос. Бу имкониёт эса конкрет ижтимоий эҳтиёж асосида рўёбга чиқарилади. Чунончи, фан тажриба ва эмпирик билимларнинг оддий жамгарилиши ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши учун етарли бўлмай қолган вақтдагина пайдо бўлади; сиёсий ва ҳуқуқий қарашлар ва идеялар синфлар ва давлат пайдо бўлиши билан бирға ҳукмронлик ва итоат қилиш ва ҳ. к. муносабатларини асослаш ва мустақамлаш учун пайдо бўлади. Ҳар бир ижтимоий-иқтисодий формацияда онгнинг барча формалари ўзаро боғлиқ бўлиб, умуман муайян жамиятнинг маънавий ҳаётини ташкил этади. Бирон хилдаги И. о. ф. ни вужудға келтирувчи ижтимоий эҳтиёжнинг ўзига хос хусусияти мазкур формалар жамият ҳаётида ва тараққиётда ўйнайдиган конкрет тарихий ролни ҳам белгилайди. Коммунизм ғалаба қозонғач, сиёсий ва ҳуқуқий идеологияға эҳтиёж ҳам йўқолади, натижада улар барҳам толади. Аммо фан, санъат каби И. о. ф. равнақ топади ва улар хилма-хил ижтимоий эҳтиёжларға хизмат қи-

либгина қолмасдан, балки шахснинг маънавий қиёфасини шакллантириб, унинг ҳар томонлама камол топиши, актив ижодий фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит бўлиб ҳам хизмат қилади.

ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТДА

ПРОГРЕСС ВА РЕГРЕСС (лат. *progressus* — олға қараб ҳаракат қилиш; *regressus* — орқаға кетиш) — умуман жамиятнинг ёки унинг айрим томонларининг ривожланишидаги қарама-қарши формалар бўлиб, бу формалар ё жамиятнинг юқорилаб бориш йўли билан илгарилаб ривожланишини, равнақини, ёки ўз умрини тугатган эски формаларға қайтишини, турғунлик ва инқирозини билдиради. Ижтимоий П. нинг мезони бўлиб аввало ишлаб чиқарувчи кучларнинг, иқтисодий тузумнинг, шунингдек улар белгилаб берадиган устқурма тартиботларининг ривожланиш даражаси, фан ва маданиятнинг ривожланиши ва тарқалиши, шахснинг камол топиши, ижтимоий эркинликнинг ўсиб бориш даражаси хизмат қилади. Тарихнинг айрим даврларида айрим мамлакатларда жамият тараққиётини П. ёки Р. нуқтан назаридан тавсифлаш учун сиёсий ҳаёт, маданият, маориф ва ҳ. к. формалар ўзининг нисбий мустақиллигига кўра энг муҳим аҳамият касб этиши мумкин; тўғри, шуниси ҳам борки, бу формалар иккиламчи, ҳосила нарсалар бўлиб, жамиятнинг иқтисодий тузumi билан белгиланади. Сиёсий факторлар тақозоси билан юзаға келган ижтимоий Р. га фашистик диктаторлик идора усуллари (*фашизм*) ҳукм сурган (ёки ҳукм сураётган) мамлакатларнинг тарихи мисол бўлиши мумкин. Антагонистик ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг ривожланиши ниҳоятда зидма-зиддир. Гарчи бу формациялар тарихнинг маълум даврларида жамият П. нинг боғланичи бўлиб хизмат қилсаларда, уларға ҳаминша Р. нинг хислатлари *хосдир*, бу хислатлар аини жамият инқирозға юз тутган даврда устун бўлиб қолади. Бироқ ўшанда ҳам Р. ялли умумий бўлолмайди, чунки бутун инсо-

нинг жамияти ривожланишининг асосий тенденцияси Р. эмас, балки П. дир, бу П. айни ҳолда янги жамият элементлари ва зарур шартларининг пайдо бўлишида ҳам, ижтимоий ҳаётнинг айрим томонларининг ривожланишида ҳам ифодаланади. Чунончи, мис., империализм даврида буржуа жамиятининг ривожланиши умуман Р. ҳодисалари билан характерланса ҳамки, шунга қарамай, капитализм шароитида фан ва техниканинг кўп тармоқларининг ҳамда бир қанча бошқа ижтимоий ҳодисаларнинг П. и. кўзга ташланади. Бироқ муайян жамиятнинг ҳаётийлиги, унинг П. ёки Р. га қобилигига баҳо бериш учун унинг жамият П. идан манфаатдор бўлган синфларга ва социал группаларга ижтимоий тараққиёт қонуниятларини чуқурроқ билиш ва улардан фойдаланишга ёрдам берадиган умумий ривожланиш тенденциясини аниқлаб олиш зарур. Философияда ва социологияда «П.» ва «Р.» тушунчалари турлича талқин қилинади. Капитализмнинг прогрессив ривожланиш даврнинг мутафаккирлари (*Вико, Гердер, Гегель* ва б.) П. ни эътироф этган ва уни рационал суратда асослаб беришга уринган эдилар. 19-асрнинг иккинчи ярмида бошланган капитализмнинг тушқунлик даври учун тарихга асосан икки хил қараш характерлидир: у ҳам бўлса *Кант* асос солган позитивистик қараш ва тарихий-маданий қарашдир (бу қарашга рус славяно-фил олими Н. Я. Данилевский асос солган; Ж. Тойнби, П. А. Сорокин ва б. унинг тарафдорларидирлар). Позитивистларнинг концепциясига кўра, тарих илмий равишда аниқланган фактларни эмпирик тасвирлашдан иборат бўлиши, бунда умуман тарихнинг моҳиятига кирилмаслиги ҳамда П. ва р. ҳодисаларини тушунишга уринишлар бўлмаслиги керак. Маданий-тарихий концепция айрим маданиятлар ёки цивилизацияларни тадқиқ этишни тарихда П. ва р. ни ўрганишнинг энг муҳим усули деб ҳисоблайди. Бу концепция инсоният тарихини ўзининг П. ва р. давлари-

га эга бўлган маданиятлар ёки цивилизациялар мустақил «типлари»нинг алмашинуvidан иборат деб қарайди. Тойнби ва Сорокиннинг фикрича, фақат ҳозирги замонда, маданиятлар аро алоқаларнинг кенгайиши (интермаданий коммуникациялар) туфайли, турли маданиятларнинг ўзаро таъсири кучайган. Шу сабабли П. ни эндиликда турли цивилизацияларнинг ягона умуминсон маданияти томони га янада интеграция қилиши деб тушуниш мумкин. Бироқ бу интеграция, Тойнбининг нуқтаи назарча, Ғарбнинг капиталистик маданияти асосида амалга оширилмоғи лозим. Баъзи буржуа психология назариялари тарих ҳодисаларини субъектив факторлар билан, мас., у ёки бошқа «тарихий» шахсларнинг алоҳида хусусиятлари билан изоҳлашга уринмоқдалар. Марксизм-ленинизм П. ва р. ни илмий равишда изоҳлаб берди. П. ҳеч қандай Р. нинг қайталанишлари бўлмаган илгарилаб, ривожланиб бориш сифатида фақат ноантогонистик, коммунистик жамиятда юз бериши мумкин.

ИЖТИМОЙ ШАРТНОМА НАЗАРИЯСИ — давлат ва ҳуқуқнинг одамлар орасида онгли равишда тузилган шартнома натижасида пайдо бўлганлиги ҳақидаги идеалистик таълимот. Бу назариянинг тарафдорлари нуқтаи назарича, жамият ва давлатдан бурун тўла анархия бўлиб, «ҳамма ҳаммага қарши уруш қилган» ёки, баъзи қарашларга кўра, роҳат-фароғат эркинлиги бўлган. Кишилар гўё узоқ вақт яшаб келган «табiiй ҳолат»нинг умумий хусусияти чекланмаган шахсий эркинликдир. Кишилар ўз хавфсизлигини, хусусий мулкни ва бошқа шахсий ҳуқуқларини таъминлаш учун давлат фойдасига бу эркинликдан воз кечишга онгли суратда қарор қилганлар. Давлатнинг шартнома асосида келиб чиққанлиги ҳақидаги дастлабки тасаввурлар қадим замондаёқ пайдо бўлган (эрамиздан олдинги 5-асрдagi хитой философи Мети, софистлар, *Сократ, Эпикур*). И. ш. н. 17—18-асрларда буржуазиянинг феодализмга ва аб-

солют монархияга қарши кураши муносабати билан кенг авж олган формага кирди (*Гоббс, Гассенди, Спиноза, Локк, Руссо* ва б.). Бу назария буржуазиянинг сиёсий ҳукмронликка бўлган даъволарини идеологик асослаш бўлди. И. ш. н.нинг буржуача маҳдудлиги бошлича хусусий мулкнинг «табiiий» ҳуқуқи абадийлигини тасдиқлашда ва, шундай қилиб, кишиларнинг иқтисодий тенгсизлигини оқлаб кўрсатишда ифодаланди. И. ш. н. га Россиядаги (*Радищев*), АҚШдаги (*Жефферсон*) ва бошқа мамлакатлардаги маърифатчилик фикрининг вакиллари ҳам қўшилдилар.

ИЗОМОРФИЗМ ВА ГОМОМОРФИЗМ (грек. *isos* — бир, хил, *homoi-os* — ўхшаш, *morphé* — форма) — объектларнинг *структуралари* ўртасидаги мувофиқликни тавсифловчи тушунчалар. Таркибидаги элементларларнинг табиатидан қатъий назар олиб қараладиган икки система бири-бирига изоморф системалар бўлиши учун биринчи системанинг ҳар бир элементига иккинчи системанинг атиги биргина элементи мувофиқ келиши ва бир системадаги ҳар бир операцияга (алоқага) иккинчи системадаги операция (алоқа) мувофиқ келиши шартдир ва аксинча. Ана шундай ўзаро бир қимматли мувофиқлик И. деб аталади. Тўлиқ И. фақат абстракт, идеаллаштирилган объектлар ўртасида бўлиши мумкин, мас., геометрик фигура билан унинг формула шаклидаги аналитик ифодаси ўртасидаги мувофиқлик. И. таққосланадиган объектларнинг ҳаммаси билан эмас, балки фақат билувчилик ҳаракатида қайд қилинган баъзи хоссалари ва муносабатлари билан боғлиқ бўлиб, бу объектлар ўзининг бошқа муносабатлари ва хоссаларида фарқ қилишлари мумкин. Г. тушунчаси И.нинг умумлашмасидир, бунда мувофиқлик фақат бир томонга нисбатан бир қимматли бўлади. Шу сабабли асли нусханинг гомоморф образи унинг структурасининг нотўлиқ, тахминий тасвирдир. Мас., карта билан жой ўртасидаги, ёзилган овоз билан

унинг асли, яъни ҳаво муҳитининг товуш тебранишлари ўртасидаги муносабат ана шундай. И. ва г. тушунчалари *математик логика* ва *кибернетикада*, физика, химияда ва билимнинг бошқа соҳаларида кенг татбиқ этилмоқда. Бишлиш назариясида бу тушунчалар образ билан предмет ўртасидаги, назария билан объект ўртасидаги ўхшашликни (мувофиқликни) анализ қилганда, *информациянинг* ўзгариб бошқа шаклга киришини анализ қилганда самарали татбиқ этилмоқда. И. ва г. «модель» (*Моделлаштириш*), «*сигнал*», «образ» (*Инъикос, Идеявийлик*) тушунчалари билан маҳкам боғлиқдир. Объектларни структура тушунчасининг муайян тарзда ташкил топган системалари деб қарашнинг илмий қараш бўлиб қолганлиги туғайли, И. Г. ҳам, мувофиқликнинг ўхшашлари ва б. турлари сингари, муҳим гносеологик аҳамиятга эга бўлган умумий илмий қараш бўлиб қолди.

ИЗОҲ — илмий тадқиқотнинг энг муҳим функцияси (ва шунга мувофиқ бу тадқиқотнинг мазкур функция бажариладиган босқичи) бўлиб, унинг вазифаси ўрганиладиган объектнинг *моҳиятини* очиб беришдан иборат. Тадқиқотчининг реал практикасида И. изоҳланувчи объект муайян *қонунга* (қонунларга) бўйсуниниши кўрсатиши йўли билан амалга оширилади И. атрибутли, субстанционал, генетик (жумладан, сабабли), контрагентик (жумладан функционал), структур ва ҳ. к. бўлиши мумкин. Ўз механизмига кўра, И. ўз қонуни орқали бериладиган И. га ва *моделлаштириш* ёрдами билан бериладиган И. га бўлинади. И. *тасвир* билан маҳкам боғлиқ бўлиб, одатда, унга асосланади ва, ўз навбатида, *илмий башорат* учун базани ташкил этади.

ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАҚИҚАТ (ёки қўшалоқ ҳақиқат) — бу термин философия ва илоҳиёт ҳақиқатларининг бир-бирдан мустақиллиги ва улар ўртасида объектив зиддиятнинг бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги таълимотни ифодалайди; бу таъли-

моғ ўрта аср даврида пайдо бўлган, фанчи дин бўғовларидан ҳалос қилишга қаратилган эди. Бу таълимот *ароб философиясида* энг яққол ифодасини топган. Чунончи, *Ибн Рушд*, философияда илоҳиёт учун мақбул бўлмайдиган ҳақиқатлар бор ва, аксинча, деб ҳисобларди. Бу таълимотни *аверроизм*, *номинализм* вакиллари (*Дунс Скотт*, *Уильям Оккам*), Уйғонинг даврида—*Пьетро Помпонацци* ва б. ривожлантирдилар.

ИККИЛАМЧИ СИФАТЛАР — қ.

Бирламчи ва иккиламчи сифатлар.

ИЛЛЮЗИЯЛАР (лат. *illusio* — алдам, янглишиш) — воқеликни бузуқ тарзда идрок қилиш. И. нинг икки тури фарқ қилиб қаралади. Улардан баъзилари ғайри оддий ташқи шароитдан вужудга келади ва шу шароитда объектлар идрок қилинади: бунда физиологик механизмлар нормал суратда ишлайди. Бошқалари эса идрок қилиш процессида қатнашувчи физиологик механизмларнинг патологик ишлашига боғлиқ бўлади. Идеалистик философиянинг вакиллари И. дан бизнинг идрокларимиз объектив оламга ноадекват бўлганини исбот қилиш учун далил сифатида фойдаланадилар. Лекин биз И. ни ҳодисаларнинг махус туркуми сифатида ажратиб, уларни адекват идрокларга қарама-қарши қўя олишимиз фактнинг ўзиёқ агностик «хулосалар»нинг нотўғрилигидан далолат беради. И. га қарама-қарши ўлароқ, ташқи объектлар йўқ бўлганда юзага келадиган галлюцинацияларни И. дан фарқ қилиб қарамоқ керак.

ИЛМИЙ БАШОРАТ—бу илмий олдидан кўриш назарий ва экспериментал маълумотларни умумлаштиришга ва тараққиёт объектив қонуनларини ҳисобга олишга асосланади; табиат ва жамиятнинг ҳали кузатилмаган ёки ҳали тажрибада аниқланмаган ҳодисаларини олдидан айтиш. И. б. икки хил бўлиши мумкин: 1) номаълум, тажрибада қийд этилмаган ва лекин мавжуд бўлган ҳодисалар хусусида (мас., античирраларнинг, янги химиявий

элементларнинг, қазилма конлар жойининг олдидан айтилиши ва ҳ. к.); 2) муайян шарт-шароит бўлган тақдирда келажакда эндигина пайдо бўлиши лозим бўлган ҳодисалар хусусида (мас., капитализмнинг ҳалок бўлиши ва коммунистик формациянинг ғалаба қилиши муқаррарлиги ҳақида Маркс ва Энгельснинг олдидан айтган фикрлари, В. И. Лениннинг социализмни дастлаб алоҳида бир мамлакатда қўриш мумкинлиги ҳақидаги хулосаси, КПСС Программасининг келажакдаги коммунистик тузумнинг асосий белгилари ҳақидаги қондалари). И. б. ҳамisha табиат ва жамиятнинг билиб олинган қонуनларини номаълум бўлган ва ҳали юзага келмаган ҳодисалари соҳасига жорий этилишига асосланадики, айни қонунлар бу соҳада ўз кучини сақлаб қолиши лозим. И. б. да муқаррар равишда эҳтимолий фаразларнинг ҳам, айниқса келажакдаги воқеалар ва уларнинг муддатлари хусусида эҳтимолий фаразларнинг ҳам элементлари бўлади. Бунинг сабаби шунки, тараққиёт процессида илгари мавжуд бўлмаган сифат жиҳатдан янги сабабий боғланишлар ва имкониятлар пайдо бўлади, жамиятга татиққан эса, бу нарса унинг ривожланиш процессининг алоҳида мураккаблигидан келиб чиқади, бу мураккаблик шу билан боғлиқки, жамиятда онгга, индивидуал характерга ва ш. к. ларга эга бўлган истеъдодли кишилар иш кўради, бу эса қўйилмаган вазиятларнинг пайдо бўлишига олиб келади. И. б. нинг тўғрилигининг мезони ҳамisha практиқадир. Воқеликнинг объектив қонуниятларини инкор қилиш (агностицизм, скептицизм) И. б. ни инкор қилишга олиб келади, бу эса муқаррар равишда ижтимоий тараққиётнинг идеалистик назариялари билан боғлиқдир. Аксинча, И. б. ни эътироф қилиш тарихни материалистик тушунишга асослангандир.

ИЛМИЙ КОММУНИЗМ — *марксизм-ленинизмнинг* уч таркибий қисмидан бири бўлиб, бу қисм капитализмни тугатишга ва социалистик

жамият, сўнгра эса коммунистик жамият қуришга қаратилган социал ҳаракатни ўрғанади. Барча эзилганларни ва эксплуатация қилинувчиларни ўз атрофида бирлаштирувчи, бутун прогрессив инсониятнинг меҳр-муҳаббатини қозонувчи ишчилар синфи антикапиталистик ҳаракатнинг ҳаракатлантирувчи кучи ва раҳбари бўлиб майдонга чиқаётганлиги сабабли, И. к. нинг асосий масаласи— пролетариатнинг оламшумул-тарихий вазифаси тўғрисидаги масаладан иборат. Бу қоида социалистик жамият қуриш қуроллари бўлган пролетар, *социалистик революция* ва *пролетариат диктатураси* назариясида конкретлаштирилмоқда. Шундай қилиб, И. к. кишини киши томонидан эксплуатация қилишни тугатишнинг ва жамиятнинг капитализм зиддиятлари нималигини билмайдиган ва *утопик социализм* вакиллари орзу қилган янги тузумни жорий қилишнинг фанга асосланган реал йўлини кўрсатмоқда. Маркста-ленинча фаннинг таркибий қисми бўлган И. к. унинг бошқа икки таркибий қисмининг — диалектик ва тарихий материализм философияси ҳамда сиёсий иқтисоднинг хулосаларига таянади. Синфий кураш назарияси ва қўшимча қиймат назарияси И. к. учун айнақса катта аҳамиятга эгадир. *Ўз навбатида*, И. к. ҳам назарий фикр олдида жамиятни қайта қуришнинг амалий проблемаларини қўяр экан, диалектик тафаккур методини ривожлантиришга, тарихий ва социал қонуниятларни очишга, иқтисодий фани, шу жумладан социализм сиёсий иқтисодини янада ишлаб чиқишга ундайди. Дунёқараш ва сиёсий идеология сифатида И. к. пролетариатнинг, яъни зиммасига жамиятни қайта қуриш вазифаси юкланган синфнинг манфаатларини ифодалайди.

У озодлик ҳаракати практикаси билан маҳкам боғлиқдир. Шу сабабли умуман марксистик таълимот ҳақида Маркс айтган фикри, яъни назария умумий тарзида олинган революцион ишчилар ҳаракатининг

тажрибасидир, деган фикрни И. к. га тўла-тўқис татбиқ этиш мумкин. Шу билан бирга И. к. фақат пролетариат синфий кураши, социалистик революция ва пролетар диктатураси тажрибасини эмас, балки оммавий демократик ҳаракатларнинг, буржуа-демократик ва миллий-озодлик революцияларининг тажрибасини ҳам умумлаштирмоқда. Утопик социализмга қарама-қарши ўлароқ, И. к. янги жамият тузумини ўз ичига оладиган формаларни ўйлаб чиқармайди, бу формаларни ўзбошимчлик билан тўқимайди. У кенг халқ оmmasи ижоди билан яратиладиган янгиликни ҳаётдан, социалистик ва коммунистик қурилиш практикасида топади, коммунизмнинг бу навниҳолларининг назарий ва амалий аҳамиятини кўрсатади ва уларнинг тезлик билан ривожланишига ва кенг ёйилишига кўмаклашади. Халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати тажрибасини, СССРдаги ва бошқа социалистик мамлакатлардаги социалистик ва коммунистик қурилиш практикасини умумлаштириш асосида И. к. капитализмдан коммунизмга ўтиш йўлига кирган ҳар бир мамлакат учун шарт бўлган умумий қонуниятларни ифодалаб бермоқда (*Социализм ва коммунизм*). Амалий фаолиятда олдинда турган вазифаларни ҳал этишнинг хилма-хил усуллари ва воситалари билан, ҳар бир айрим мамлакатнинг конкрет шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олиш билан, янги формалар ва методларни қидириб топиш билан бирга қўшиб олиб бориладиган бу қонуниятларга амал қилиш амалий муваффақиятга кўмаклашибгина қолмасдан, балки шу билан бирга И. к. назариясини янада ривожлантириш ва бойтиш учун қўлай шарт-шароит ҳам яратиб беради.

ИЛМИЙ СОЦИАЛИЗМ — қ. *Илмий коммунизм*.

ИЛМИЙ-ТЕХНИКА РЕВОЛЮЦИЯСИ — ҳозирги замон ишлаб чиқарувчи кучлар системасида юз бераётган туб, сифат ўзгариши бўлиб, бу ўзгариш мазкур системанинг ҳамма

компонентларини, технологик муносабатларнинг ҳамма томонларини қамраб олади ва аввало шу билан характерланадиги, техника ўз тараққиётининг янги босқичига — *автоматлаштириш* босқичига қиради, автоматлаштириш эса И.-т. р. нинг бош йўналишидир. Ишчи техника процессида бевосита қатнашишга, техника, машина функцияларини бажаришга мажбур бўлган машинали ишлаб чиқариш автоматлаштирилган ишлаб чиқаришга ўрин бўшатиб бера бошлайди ва бунда меҳнат предмети ишчининг бевосита иштирокисиз ҳаракат қиладиган техника системаси томонидан буткул ишлана беради. Ривожланган автоматлаштириш формаларида автоматик линиялар системасига кибернетик аппаратура қўшимча қилиб берилади ва бу аппаратура ҳисоблаб ечиш, назорат қилиш, бошқариш функцияларини бажаради, Кибернетик техника фақат моддий ишлаб чиқаришга эмас, балки бошқариш фаолиятига, хизмат кўрсатиш соҳасига, фанга, таълимга ҳам жорий этилади. И.-т. р. давомида ишлаб чиқаришнинг технологик методлари ҳам ўзгаради. Меҳнат предмети ишлашнинг моддий ишлаб чиқаришда устунлик мавқеини эгаллаб келган механик технологияни самаралироқ методлар суриб чиқара бошлайди, бу методлар билан ишлашда предметнинг шунчаки формасигина ўзгариб қолмасдан, балки модданинг молекуляр ва атом структураси ҳам ўзгаради, у ўзгариб кўрсатилган хоссаларга молик янги моддага айланади. Синтетик материаллар ишлаб чиқаришнинг химиявий технологияси, атом энергияси ҳосил қилиш методлари, плазмахимик процесслардан, лазерлардан, юқори ва паст температураларнинг ёпиқ технологиясидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида, сугил саноатда, медицинада қўлланиладиган биохимик ва биофизик таъсир кўрсатиш методлари ана шундай. Технологиянинг ўзгаришига мунофиқ суратда материаллар, ҳомлиш ҳам ўзгаради, сунъий материаллар тораб кенгроқ татбиқ этилади.

ган бўлади, электроэнергиянинг ишлаб чиқариш истеъмоли кескин суратда ошади. Жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг тубдан ўзгаришини белгиловчи бу процессларнинг ҳаммаси ҳозирги замон *фани* эришган ютуқлар асосида, фан билан техниканинг, фан билан моддий ишлаб чиқаришнинг қўшилиб чатишиб кетиши асосида содир бўлмоқда. Ҳозирги замон шароитида, айниқса социализм даврида, бу процесс ҳар томонлама йўл билан бормоқда, чунки фан бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиб, фақат техникада эмас, балки моддий неъматларни ишлаб чиқарувчиларнинг ўзида ҳам мужассамлашмоқда, уларнинг маданий-техника савиясини оширмоқда, уларнинг интеллектини ва ижодий қобилиятларини ривожлантирмоқда. И.-т. р. авж олиб бораётган шароитда ишлаб чиқаришга энди айрим «авангард» фанлар эмас, балки тадқиқотларнинг тобора кенгроқ fronti таъсир кўрсатмоқда. Бунга фақат табиий фанлар эмас, балки ижтимоий фанлар ҳам, мас., ишлаб чиқариш экономикаси ва унинг ташкил этилиши, меҳнатнинг илмий ташкил этилиши, жамиятнинг бошқаришнинг илмий принципларини ишлаб чиқиш, конкрет-социологик тадқиқотлар, *социал психология*, ишлаб чиқариш эстетикаси, социал ва илмий-техника тараққиётни прогностлаштириш ҳам қиради. И.-т. р. нинг социал моҳияти — ишлаб чиқаришда одамнинг ўрни ва ролининг ўзгаришидан иборат. Автоматлаштиришнинг жорий этилиши принцип жиҳатдан бу ролни камситиш у ёқда турсин, балки, аксинча, уни кескин суратда оширади, чунки одам механика, техника функцияларини бажаришдан озод бўлиб, мазмунлироқ ижодий меҳнат билан шугулланиш имкониятига эга бўлади. Одам билан техника ўртасида функцияларнинг қайта тақсимланишининг натижаси сифатида меҳнат мазмунини, кадрларнинг профессионал структурасини, меҳнаткашларнинг маданий-техника савиясини ўзгартиш зарурати пайдо бўлади. Меҳнат унумдорлигининг

ўсиши таъсири остида моддий ишлаб чиқаришда банд бўлганларнинг нисбий проценти қисқаради ва шунга мувофиқ ишлаб чиқаришдан ташқари соҳадаги фаолият, айниқса илмий фаолият, билим олиш ва медицина хизмати кўрсатиш ривожланади. Капитализм шароитида И.-т. р. нинг бу талаблари антагонистик ижтимоий муносабатлар натижасида издан чиқади. Чунончи, кадрларнинг профессионал структурасидаги ўзгаришлар шунга олиб борадики, традицион касбларнинг вакиллари кўчага чиқариб ташланади. Янги технологиянинг табиқ этилиши ишчини «сиёб сунини олиш» системасини кучайтиради. Ишлаб чиқаришдан ташқари фаолият, аввало, фаолиятнинг «паразит» турлари (реклама, биржа, маъмурий-бюрократик ва полиция аппарати) ҳисобига ўсади. Социализм шароитида, КПСС XXIV съездида таъкидлаб ўтилганидек, И.-т. р. ютуқларини социалистик хўжалик системаси афзалликлари билан узвий равишда бирга қўшиб амалга оширилаётган фан ва техника тараққиёти коммунизмнинг *моддий-техника базасини* қўришнинг асосий йўли ва воситасидир. Социализм шароитида И.-т. р. нинг муваффақият билан авж олиши муҳим социал-сиёсий вазифаларни ҳал этишга, капитализм билан иқтисодий мусобақада социализмнинг ғалаба қозонишига ёрдамлашмоқда.

ИЛҲОМ — илҳомланиш, руҳланиш—инсоннинг ижодий фаолиятнинг турли хиллари учун айниқса хушнуд ҳолати. Пушкин сўзлари билан айтганда «илҳом поэзияда керак бўлгани сингари, геометрияда ҳам керакдир». И. инсоннинг барча маънавий кучлари ижод объектида батамом тўпланганлигини, ҳиссий, руҳий кўтаринкилигини (ижод қувончини, ижодий тугъёни, эҳтиросни) билдиради, бунинг натижасида меҳнат фоят сермахсул бўлади. И. ни идеалистларча «илоҳий жазава», мистик интуция ва тўсатдан руҳланиш (*Платон, Шеллинг, Э. Гартман, З. Фрейд, Г. Рид* ва б.) деб тушунишга қарама-қарши ўлароқ, материализм И. нинг қандай

бўлмасин ғайри табиий характери борлигини инкор этади, уни ижоднинг ижтимоий ва индивидуал стимуллари ҳамда меҳнат процессининг ўзининг тақозоси билан юз берадиган психик ҳолат деб қарайди. М. Горький, И. муваффақиятли иш процессидаёқ унинг натижаси сифатида, ундан лаззатланиш туйғуси сифатида юз беради, деган эди.

ИМКОНИЯТ ВА ВОҚЕЛИК — категориялар бўлиб, бу категорияларда объектив оламнинг диалектик тараққиёти, предметларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг турли паллалари ва босқичлари акс эттирилган. И. тараққиётнинг мавжуд ҳодисаларда жо бўлган объектив тенденциясини, объектнинг (предмет, ҳодисанинг) пайдо бўлиши учун шарт-шароит борлигини ёки ҳеч бўлмаганда, объектнинг пайдо бўлиши учун бундай шароит йўқлигини ифодалайди. Бирон И. нинг рўёбга чиққанлиги натижаси сифатида мавжуд бўлган ҳар қандай объект (предмет, ҳолат, вазият) В. деб аталади. И. билан В. нинг ўзаро алоқадорлиги ва бир-бирига ўтб туриши *детерминизм* принципига асосланган. Реал ва абстракт И. ни фарқ қилиб қарайдилар. Абстракт (ёки формал) И. бирон-бир ҳодисани юзага чиқарадиган бирор хилдаги шарт-шароит ҳақиқатда йўқлигини ифодалайди. У яна бирон нарса томон интилаётган ва лекин ҳали ривожланиб етилмаган тенденцияни ҳам ифодалаш мумкин. Реал И. унинг рўёбга чиқиши учун зарур шарт-шароит мавжудлигини билдиради. Аммо абстракт И. маълум шароитда реал И. га айланиши мумкин ва аксинча. Абстракт ва реал И. лар ўртасидаги миқдор муносабати ҳодисаларнинг эҳтимоллик даражасида ифодаланиши мумкин (*Эҳтимолликлар назарияси*). Бирон-бир ҳодисанинг И. и. ўз-ўзича қарама-қарши ҳодиса И. ини ёки унинг пайдо бўлмаслик И. ини истисно қилмайди. Реал И. ларни ҳисобга олиш, улардан баъзиларини В. га айлантириш учун фаолият кўрсатиш, ноқулай И. ларнинг пайдо бўлиш хавфини

баргараф қилиш инсоннинг энг муҳим амалий вазифасидир. И. ни назарий анализ қилиш, жумладан унинг зарурат ва тасодиф билан ўзаро муносабатини ҳисобга олиш худди ана шундай фаолият кўрсатишни назарда тутати. Муайян ҳодисанинг мавжуд бўлиши учун керакли шарт-шароитларнинг тўла комплексини стихияли суратда пайдо бўлган ёки онгли равишда тайёрланган тақдирда И. В. га айланади. Худди шунинг учун ҳам шарт-шароитлар қанчалик кўпроқ бўлса ва улар қанчалик муҳимроқ бўлса, И. шунчалик реалроқ бўлади. Чунончи, товар ишлаб чиқариши шароитида иқтисодий кризисларнинг пайдо бўлиши И. и. товар айирбошлаш ишларидаёқ мавжуд бўлади. Лекин бу И. нинг В. га айланиши учун шароитлар ва муносабатларнинг бутун бир йигиндиси керак бўладики, оддий товар ишлаб чиқариш соҳасида бундай ҳол ҳали мавжуд бўлмайди. Бундай шароит ва муносабатлар фақат ривожланган капиталистик жамиятда пайдо бўлади, чунки унда ишлаб чиқариш кризислари ёки тушкунлиги зарурат бўлиб қолади. Инсон амалий фаолияти давомида табиатнинг муайян материалларини ва кучларини комбинациялаштирган ҳолда ўзи истаган ҳодисаларни (бундай ҳодиса учун тўла шарт-шароит комплексини яратгач) ҳақиқатда юзга чиқариши ва ўзи истамаган ҳодисаларни (уларнинг сабабини баргараф қилгач) йўқ қилиши мумкин. Албатта, бундай фаолият мутлақ эмасдир — у объектив олам қонунлари билан чекланган бўлиб, бу қонунларга мувофиқ ривожланиб боради. Ижтимоий ҳаётта кишиларнинг амалий фаолияти туфайли И. В. га айланади. Мас., коммунистик партия раҳбарлик қилаётган халқнинг онгли фаолиятисиз коммунистик жамият қуриш мумкин эмас, лекин бу фаолият ижтимоий тараққиётнинг объектив қонунларига мувофиқ амалга оширилмоғи лозим. Философия тарихида Маркс ва Энгельсдан илгари *Аристотель* ва *Гегель* И. билан В. му-

носабатини энг чуқур анализ қилиб берганлар.

ИММАНЕНТЛИК — анъанавий ақл югуртириш философиясининг ва ҳозирги замон идеалистик мактабларининг марказий тушунчаларидан бири. «И.» термини ўз мазмуний маъносига кўра, Аристотелга бориб тақалади; у ўзининг айнан маъносида биринчи марта ўрта аср схоластикасида татбиқ этила бошлади. И. нинг ҳозирги замондаги тушунчасини Кант киритган эди. *Трансцендентликдан* фарқли ўлароқ И. бирор нарсанинг ўз-ўзида бўлишини билдиради. И. танқид идеяни ёки идеялар системасини танқид қилишдан иборат бўлиб, бу танқид мазкур идея ёки системанинг ўз асосларидан келиб чиқади; философиянинг И. — философияни процесс сифатида идеалистик қараб чиқишдан иборатдир, бу процесс нуқул ўз қонунлари билан белгиланади ва экономика, синфий кураш, ижтимоий онг формаларининг фалсафий фикрнинг эволюциясига таъсирини истисно қилади.

ИМПЕРИАЛИЗМ (лат. *imperiūm* — ҳокимият, ҳукмронлик) — монополистик капитализм, капитализмнинг энг юқори ва энг сўнгги босқичи, социалистик революция арафаси. И. нинг илмий назариясини В. И. Ленин ишлаб чиқиб, 19—20-асрларнинг чегарасида капиталистик ишлаб чиқариш усули бир қанча янги муҳим хусусиятлар касб этганлигини аниқлаб берди: ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши соҳасида — ишлаб чиқаришни концентрациялаштиришнинг юқори даражасига эришилди ва бу даража капиталистик монополияларнинг тузилишига яқинлаштириб қўйди; ишлаб чиқариш муносабатлари соҳасида — мазкур монополияларнинг ҳукмронлиги ўрнатилди. В. И. Лениннинг тавсияга кўра, «ҳукмронлик ва у билан боғлиқ бўлган зўравонлик муносабатлари» (27-т., 323-б.), яъни монополиялар томонидан капитализмнинг иқтисодий муносабатларига киритилган муносабатлар унинг сиёсий устурмасида буржуа демократиясидан реак-

цияга қараб ва ҳатто фашистлар идора усулини ўрнатишга қадар буряишини юзага келтирди. Ана шуларнинг ҳаммаси В. И. Ленинга капитализм тараққиётнинг алоҳида — империалистик босқичига кирганлиги ҳақида бундай худоса чиқаришга имкон берди: «Имперализм — шундай бир босқичдаги капитализмдирки, бу босқичда монополиялар ва молия капиталининг ҳукмронлиги вужудга келган, капиталини четга чиқариш ғоят катта аҳамият касб этган, халқро трестлар ўртасида дунёни бўлиш бошланган ва энг йирик капиталистик мамлакатлар томонидан бутун ер юзи территориясини бўлиб олиш тамомланган бўлади» (27-т., 387-б.). Ҳозирги замон капитализмининг умумий ва асосий қонуни бўлган эконимикани монополиялаштириш И. нинг тарихий ўрнини олдиндан белгилаб қўяди: И.— ўз тараққиётининг энг юқори ва энг сўнгги босқичидир, у чириб-ириб бораётган, паразит ва ўлиб бораётган капитализмдир. Эконимикани монополиялаштириш бу босқичда капитализмининг барча иқтисодий қонуналарининг, шу жумладан капиталистик мамлакатлар иқтисодий ва сиёсий тараққиётининг нотекислиги қонунининг ўзига хос бир тарзда амал қилишини тақозо этади. Бу нотекислик кескин кучайиб, сакрашсимо, конфликтли характер касб этади, бу эса дунёни империалистик давлатлар ўртасида бўлиб олиш тугалланган шароитда жаҳон урушларини келтириб чиқаради. Агрессив, босқинчилик характери империалистик мамлакатларнинг ташқи сиёсатига хос хусусиятдир, бу хусусият монополияларнинг жаҳонга ҳукмронлик ўрнатишга интилишини акс эттиради. Мамлакат ичкарисида бундай сиёсат эконимикани ҳарбийлаштириш билан бирга олиб борилади, бу эса И. нинг паразитлик характерини энг яққол кўрсатади. Монополияларнинг ҳукмронлиги муқаррар равишда жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожига тўсқинлик қилиш тенденциясини тундиради, аммо бу ҳол айрим даврлар-

да ишлаб чиқаришни нисбатан тез ўсиб боришини истисно қилмайди. Монополиялаштириш ишлаб чиқаришни тобора кўпроқ умумлаштиришга, бу билан эса синфий антагонизмларнинг тобора кўпроқ кескинлашувига олиб боради ва натижада социализмнинг галабаси учун объектив шарт-шароит вужудга келтиради. Улуғ Октябрь социалистик революцияси капитализмнинг умумий кризисига — капиталистик ишлаб чиқариш усули ўрнини социалистик ишлаб чиқариш усули эгаллашининг тарихий процессига асос солди. Жаҳон социализм системасининг барпо бўлиши ва мустамлакачилик сиёсий системасининг емирилиши бу кризиснинг янада чуқурлашиб бораётганлигини билдиради. Социализм билан қарама-қарши курашиш шароитида капитал мамлакатларининг ҳукмрон доиралари синфий курашнинг кучайиб оммавий революцион ҳаракатга айланиб кетишидан ўлгудек қўрқадилар. Монополиялар ўз позицияларини мустаҳкамлаш учун, ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг самарадорлиги ва сурбатларини ошириш учун, меҳнаткашларни эксплуатация қилишни кучайтириш учун илмий-техника тараққиёти ютуқларидан, капиталистик монополиялар ва буржуа давлати кучларини бир бутун механизмга бирлаштираётган давлат-монополистик капитализмдан, шунингдек давлатлараро ўўжалик интеграциясидан кенг фойдаланмоқдалар. Аммо капиталистик эконимикани давлатлаштириш ҳам капитализмининг асосий зиддиятини ҳал қилишга қодир эмасдир, балки у фақат бу зиддиятнинг ҳаракати ва кескинлашувининг ўзига хос формасидир, холос. «Социализм,— дейилади КПСС XXIV съезди резолюциясида,— дунёнинг анчагина қисмида мустаҳкам барқарор бўлган ва муттасил ривожланиб бораётган, капиталистик давлатлар ичида жамиятни революцион йўл билан қайта қуришни ёқлаб чиқаётган кучлар ўсиб бораётган, миллий озодлик учун кураш кўп мамлакатларда кучайиб, эксплуатация ва

зулмининг бутун тузумига қарши курашга айланаётган ҳозирги даврда империализмининг тарихий истиқболи йўқлиги яна кўпроқ яққол кўринмоқда».

ИМПЛИКАЦИЯ (лат. *implico* — маҳкам боғлайман)— мантикий операция бўлиб, бу операция «агар... у вақтда» боғловчисига мувофиқ келадиган мантикий боғловчи воситаси ила икки мулоҳазадан мураккаб мулоҳаза тузади. Импликатив мулоҳазада антецедент, яъни «аграр» сўзи бошда келадиган мулоҳаза билан консеквентни, яъни «у вақтда» сўзидан кейин келадиган мулоҳазани бирибидан фарқ қилиб қарайдилар. Классик математик логикада моддий И. тушунчаси асос қилиб олинади ва бу И. чинликнинг функцияси воситаси билан белгиланади: И. антецедент чин бўлиб, консеквент ёлгон бўлган тақдирдагина ёлгон бўлади ва қолган ҳамма ҳолларда чин бўлиб чиқади.

ИНВАРИАНТЛИК — координатлар ва замон муайян ўзгартирилган ҳолларда миқдорлар, тенгламалар, қонуларнинг ўзгармасдан, сақланиб қолиш хоссаси. Мас., классик механикадаги ҳаракат қонулари Галилейнинг макон-замон ўзгартиришларига нисбатан инвариантдирлар; *нисбият назариясидаги* ҳаракат қонулари Лоренц ўзгартмаларида инвариантдирлар; «элементар» зарралар назарияларида макон-замоннинг дискрет табнати акс эттириладиган ўзгартишларга нисбатан инвариантдирлар. Эски назариядан янги назарияга ўтганда И. нинг илгариги хоссаси ё қолади, ёки умумлаштирилади, аммо чиқариб ташланмайди. И. оламнинг моддий бирлигидан, физик объектлар ва улар хоссаларининг принципвал яқинслигидан келиб чиқади.

ИНДЕТЕРМИНИЗМ — қ. *Детерминизм ва индетерминизм.*

ИНДИВИДУАЛИЗМ (лат. *individuum* — бўлинмас) — ахлоқий принцип бўлиб, бу принцип буржуа идеологияси ва ахлоқи учун айниқса характерлидир. И. нинг назарий асоси —

жамиятда шахснинг ўзига мустақиллигини ва абсолют ҳуқуқларини эътироф қилишдан иборат. Эксплуатор синфларнинг назарийчилари И. «ўзгармас инсоний табиатда жо қилинган деб ҳисоблайдилар. Ҳақиқатда эса шахсни коллективга қарама-қарши қўйиш, ижтимоий манфаатларни шахсий манфаатларга бўйсундириш принциpidан иборат бўлган И. хусусий мулк пайдо бўлиши ва жамият синфларга бўлиниши билан вужудга келди. И. буржуа философиясида ва этикасида ўзининг энг тўлиқ назарий асосини топди. Агар буржуа муносабатлари барқарор бўлаётган даврда И. концепциялари шахсни феодализм ва католик черкови бўғовларидан озод қилиш учун курашда ижобий роль ўйнаган бўлса (*Гуманизм*), буржуазия ҳукмрон синф сифатида қарор топгандан кейин И. ни тарғиб қилиш тобора кўпроқ антигуманистик мазмун касб этади ва пировард ҳисобда капиталистик эксплуатация муносабатларини ҳақ қилиб кўрсатишга хизмат қилади. И. *Штирнер* философиясида ўзининг энг тугал ифодасини топди, империализм даврида эса, *Ницше* уни тугал-тўқис ифодалаб берди, унинг «элита» ва «инсондан афзал» ҳақидаги таълимотини фашизм ўзига ғоявий қурол қилиб олди. Социалистик жамият шароитида И. нинг кишилар онгидаги сарқитлари коммунистик ахлоқ принципларига тамомла зид келади ва бу ахлоқ И. га коллективизмни қарама-қарши қилиб қўяди. Социалистик жамият И. нинг сарқитларини баргараф қила бориб, шахснинг ҳақиқий манфаатларини ҳимоя қилмоқда ва индивидуалликни равнақ топтириш ҳамда инсоннинг истеводларини ривожлантириш учун реал шарт-шароит яратмоқда.

ИНДУКТИВ ЛОГИКА — традицион логикада бир бўлим бўлиб, бу бўлим хусусийликдан умумийликка қараб хулосалар чиқаришнинг (*Индукция*) мантикий процеслари билан шуғулланади. Традицион индуктивизм вакиллари, мас., *Милль*, *И. л.*

нинг вазифасини айрим, эмпирик ҳодисалардан умумий назарий билим олиш процессларини анализ қилишдан иборат деб билардилар. Логика тарихида И. л. предметининг бошқа концепцияси ҳам мавжуд бўлиб, бу концепция унинг вазифаларини *гипотетика-дедуктив метод* доирасидаги илмий даъволарни текширишнинг мантиқий критерияларини анализ қилиш билан чеклаб қўяди; бу концепцияни 19-асрда инглиз логика олими Уэвелл ифодалаб берган эди, у ҳозирги замон логика фанида кенг тарқалди. Бу концепциянинг илмий-назарий қондалар ҳосил қилиш учун индуктив методларнинг етарли эмаслиги тўғрисида ўз асоси бор, чунки мазкур қондаларни ифодалаш янги фикрий мазмунни узвий бўлакларга бўлиб, янги илмий абстракциялар тузишни назарда тутлади. Бу концепциянинг маҳдудлиги — умуман илмий билим олиш процессларини мантиқий тадқиқ қилишдан, яъни уларни индивидуал онгнинг хусусиятларига боғлиқ бўлмаган ва билиш процессларининг объектив мазмунни билан белгиланадиган ижтимоий процесслар сифатида анализ қилишдан гайри қонуний бош тортишдан иборат. Ҳозирги замон И. л.си ўз татбиқот соҳасини кенгайтормоқда ва фақат хусусийликдан умумийликка қараб хулоса чиқаришларни эмас, балки текшириладиган билимнинг чинлигини, ҳақиқатлиги бизга маълум бўлган билимлар асосида ишончли тарзда аниқлаш мумкин бўлмайдиган ва фақатгина биринчи билим сўнгги билимлар билан тасдиқланиши ёки тасдиқланмаслигини, агар тасдиқланса, қай даражада тасдиқланишини белгилаш мумкин бўлган умуман барча мантиқий муносабатларни ҳам қараб чиқмоқда. Ҳозирги замон И. л.сининг марказий тушунчаларидан бири, бинобарин, тасдиқланиш даражаси тушунчасидан иборат бўлиб, бу тушунча одатда мавжуд эмпирик билимларда гипотезанинг эҳтимоллиги сифатида шарҳланади. Ҳозирги замон И. л.си шу билан эҳтимолликлар назарияси методларидан фойда-

ланади ва *эҳтимолли логикага* айланади.

ИНДУКТИВ ТАЪРИФ — математик ва логик системалар объектларини таърифлаш усулларидан бири. Бунда қуйидагилар кўрсатилади: а) системанинг бошланғич ёки элементар объектлари; б) мавжуд объектлардан системанинг янги объектларини тузишга имкон берадиган қондалар ёки операциялар. *Натурал сон* (арифметикада), *тўғри тузилган ҳамда исбот қилинадиган формулалар* (мантиқий *ҳисобларда*) ва б. шу тарихда таърифланади. И. т. тўлиқ бўлмоғи лозим, яъни унинг воситалари билан айти системадаги барча объектлар ва фақат шуларгина таърифланмоғи лозим.

ИНДУКЦИЯ (лат. *inductio* айримликдан умумийликка) — *хулоса чиқариш* типларидан бири ва тадқиқот методи. И. назарияси масалалари Аристотель асарларидаёқ учрайди, ammo 17—18-асрларда эмпирик табиёт пайдо бўлиши билан унга аёнликка катта эътибор берили бошланди. Ф. Бэкон, Г. Галилей, И. Ньютон, Ж. Гершель ва Ж. С. Милль И. масалаларини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшадилар. Хулоса чиқариш формаси сифатида И. айрим фактлардан умумий қондаларга ўттиш имкониятини таъминлайди. Одатда индуктив хулоса чиқаришларнинг уч асосий тури ажратиб кўрсатилади: *тўлиқ И.*; *оддийча ҳисоблаб чиқиш орқали* (оммавий И.); *илмий И.* (сўнгги икки тур нотўлиқ И. ни ташкил этади). Тўлиқ И. яхлит туркум ҳақида, унинг барча элементларини қараб чиқиш асосида чиқарилган умумий қонда хулосасидан иборат; унинг хулосаси ишончли бўлади-ю, лекин унинг татбиқот соҳаси туркумлар билан чекланган бўлади ва бу туркумларнинг аъзолари осонгина кўзга ташланади. Оммавий И. бўлган тақдирда туркум элементларининг бир қисмида бирон аломатининг мавжудлиги, айти туркумдаги барча элементларда шу аломат бор, деб хулоса чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилади. Оммавий И. чексиз

татбиқот соҳасига эгадир, лекин унинг хулосалари фақат эҳтимолий қондаларни ташкил этади ва бу қондаларни кейинчалик исбот этиш лозим бўлади. Илмий И. ҳам айни туркумдаги элементларнинг бир қисмидан бутун туркумга нисбатан хулоса чиқаришдан иборат, лекин бунда хулоса чиқариш учун туркумнинг тадқиқ этилувчи элементларидаги айни аломатнинг бутун туркумга мансублигини шарт қилиб қўювчи муҳим алоқаларни очиб бериш усуллари илмий И. да асосий ўринни ишғол қилади. Бу ҳол мураккаб анализни назарда тутади. Традицион логикада бундай усуллардан баъзилари, яъни сабабий боғланиш тадқиқоти деб аталадиган усуллар қўйидагича ифодалаб берилган: бирдан-бир ўхшашлик методи, бирдан-бир фарқлаш методи, ўхшашлик ва фарқлашнинг қўшма методи (қўшалоқ ўхшашлик методи), йўлдош ўзгаришлар методи ва қолдиқлар методи. И.нинг тадқиқот методи деганда ҳодисаларни тажрибавий ўрганиш йўли тушунилади ва бу ўрганиш давомида айрим фактлардан умумий қондаларга ўтилади, айрим фактлар умумий қондага бошлаб бораётгандек туюлади. Реал билишда И. ҳаминша *дедукция* билан бирликда юзага чиқади. Диалектик материализм И. билан дедукцияни ўз-ўзи билан қаноатланувчи универсал методлар деб эмас, балки воқеликни диалектик билишнинг чамбарчас боғлиқ бўлган ва бир-бирини тақозо қиладиган моментлари деб қарайди ва шунинг учун улардан ҳар бирининг ролини бир томонлама бўртдириб кўрсатишга қарши чиқади (*Индуктив логика*).

ИНКОР — 1. Материалистик диалектикада И. тараққиётнинг зарур momenti, нарсаларнинг сифат жиҳатдан ўзгариш шарти сифатида қараб чиқилади (*Инкорни инкор қонуни*). 2. Мантиқий операция бўлиб, унинг ёрдамида муайян мулоҳазадан янги (бошланғич мулоҳазанинг инкори деб аталувчи) мулоҳаза келиб чиқади, бу шундайки, агар бошланғич мулоҳаза чин бўлса, у вақтда унинг И. и.

ёлғон бўлади, агарда у ёлғон бўлса, у вақтда унинг И. и. чин бўлади.

ИНКОРНИ ИНКОР ҚОНУНИ — диалектиканинг асосий қонунларидан бири. Бу қонун биринчи марта *Гегелнинг* идеалистик системасида ифодалаб берилган. И. и. қ. *ворислиқни*, янгининг эски билан алоқасини, қўйи босқичнинг баъзи хоссаларининг тараққиётнинг юқори босқичида тақдорланишликни ифодалайди, тараққиётнинг прогрессив характерини асослайди. Диалектикада инкор категорияси бир предметнинг иккинчи предметга айланишини билдиради ва айни вақтда биринчи предмет «йўқ қилинган» бўлади. Лекин бу шундай «йўқ қилиш»ки, у янги тараққиёт учун кенг майдон очиб беради ва босиб ўтилган босқичларнинг бутун ижобий мазмунини сақлаб қолиш билан боғлиқ момент сифатида юз беради. Диалектик инкор ҳодисанинг ички қонуниятларидан туғилади ва ўз-ўзини инкор сифатида майдонга чиқади. Диалектик инкорнинг моҳиятидан тараққиётнинг алоҳида хусусияти келиб чиқади ва бу хусусият қўшалоқ инкор ёки инкорни инкор билан ифодаланади. Объектнинг ўз-ўзлигича ривожланиши унга ичдан хос бўлган эйдидиялардан (*Қарама-қаршилиқлар бирлиги ва қураши қонуни*), унда ўз инкорининг мавжудлигидан вужудга келади. Эйдидия объектнинг (ва билишнинг) ҳаракатида ҳал этилади, бу эса икки қарама-қаршилиқка нисбатан «учинчисининг пайдо бўлганлигини билдиради. Бу икки қарама-қаршилиқ бир-бирини фақат истисно қилмасдан, балки шу билан бирга ўзаро бир-бирга ўтиб туриши ҳам сабабли, «учинчисини шундай инкордан иборат бўладики, у айни вақтда сақланиб қолиш (*олиб ташланиш*) сифатида юз беради. «...Инкор ҳар қандай тараққиётнинг худди (форма томондан *олиб қараладиган*) ҳаракатланувчи бошланишидир: қарама-қаршилиқка бўлиниш, уларнинг қураши ва ҳал этилиши, шуниси ҳам борки (*тарихда қисман, тафаккурда тамомла*), *ортирилган тажриба асосида дастлабки*

Бошланғич нуқтага янгидан эришилади, эришилганда ҳам юқорироқ босқичда эришилади» (К. Маркс ва Ф. Энгельс, 20-т., 640—641-б.). Объектни вужудга келтирган шароит ва зарур шартлар унинг ривожланиши билан йўқ бўлиб кетмайди, балки унинг томонидан такрор ҳосил қилиниб, «гўё эскига қайтиши» (Ленин) ташкил этади. Тафаккурда ҳам бу ҳол инкорни инкор орқали, ҳақиқатнинг аллақачон қўлга киритилган моментларини назариянинг ривожланишидаги янги босқичда чуқурроқ англаб олиш орқали ифодаланади. Диалектика, логика ва билиш назариясининг бирлиги принциpigа асосланиб, фақат амалий ва назарий фаолият қонуни сифатида И. и. қ. ни тадқиқ қилиш орқали унинг ялпи умумийлигига мазмунли маъно бериш мумкин. Инсоннинг ташқи оламга бўлган муносабатларининг асосини практика ташкил этиши сабабли, назарий (билувчилик) муносабатни ҳам ана шу практиканинг хусусиятлари белгилаб беради. Бу муносабат шундан иборатки, ривожланаётган объектни қайта ҳосил қилиш фақат унинг билиш тарихида, бир-бирини диалектик тарзда инкор этувчи назария ва концепциялар орқали амалга оширилади. Объектда (ва назарияда) ўзини инкор этиш инкониятининг мавжудлиги фаолият орқали очиб берилади ва бундай фаолиятсиз уни пайқаб бўлмайди. Билим ўз ривожининг ҳар бир босқичида бирёқламадир, яъни предметнинг ялпи умумий таърифларини уни ўз формасида қайта ҳосил қилиш орқали очиб беради. Бу зиддият фаолиятда ҳал қилинади, билим эса бу фаолиятнинг моментидир, чунки у инсон меҳнати-нинг маҳсулларида доимо предметлаши туради ва шу қадар доимо предметликдан чиқиб туради (*Предметлашиш ва предметликдан чиқиш*). Худди ана шу ҳаракатда ялпи билим сифатида билимнинг ривожланиши содир бўлади, бир назария иккинчисини инкор этади, предмет оламнинг ҳаракат қонунилари унинг бир ҳолатини иккинчи ҳолати инкор қилиши

сифатида очиб берилади. Бунда эса шундай бир фактнинг изоҳи борки, инкор этилувчи ҳолат улоқтириб ташланмайди, балки ўзгартирилган шаклда сақлаб қолинади. Сабабки объектга бир ёқлама ёндашиш анда қандайдир ўтиб кетмайдиган, инкор давомида сақланиб қолган бир нарсани очиб беради. Шунинг учун рад этилаётган билимнинг бутун ижобий мазмунини сақлаб қолиб, уни янги назария таркибига қўшган тақдирдагина илмий назарияни ривожлантириш мумкин. Табиёт илмида эски ва янги назариянинг бундай муносабати мувофиқлик принциpidа ифодаланади. Объектив оламнинг ўз диалектикаси худди ана шундай йўл билан очиб берилади. И. и. қ. нинг ҳам билиш қонуни сифатида ва ҳам объектив олам қонуни сифатида юз беришининг сабаби шудир. И. и. қ. тараққиётнинг катта давраларига оид бўлиб, бир бутунга татбиқан бу тараққиётнинг формасини ташкил этади; бу тараққиёт доирасидан ташқарида ривожланаётган янги бир бутун пайдо бўлади. Чунончи, капитализмнинг инкори бўлган коммунизм *иктисодий-ижтимоий формацияларнинг* алмашинуви формасида жамият тараққиётига хотима беради, бу ҳол диалектик инкорни истисно қилмайди, бу инкорнинг ўзига хос хусусиятини эса янги жамият зиддиятларининг ноантагонистик характери белгилайди.

ИНСОН—одам, киши — ижтимоий мавжудот. «...Инсоннинг моҳияти айрим индивидга хос абстракт эмасдир. Ўз воқелигида бу моҳият бутун ижтимоий муносабатларнинг мажмуидир» (К. Маркс ва Ф. Энгельс, 3-т, 3-б.). И. ни бирор йўсинда ҳамма ижтимоий фанлар ўрганади; лекин И. ни бутун ҳолда ва саъятдан фарқли ўлароқ, рационал нуқтаназардан фақат философия пайқаб ета олади. Бироқ философия И. нинг кучи ва қобилиятини ундан ажратилган ва унинг ўзига қарши қўйилган ҳолда, унинг ақлини, активлигини ва ш. к. абсолютлаштирган ва уларга мустақиллик берган ҳолда қараб

чиқса, ўзининг бу вазифасига бирор даражада хилоф ниш тугади. И. проблематикасини *антропология* билан алмаштиришга ёки бу проблематикани *онтология* руҳида кичкина бир деталь деб ҳисоблашга уриниш ҳам асоссиздир. И. нинг чинакам изчил философиясини марксизм яратиб берди, марксизм кишиларни субъектлар сифатида, бутун моддий ва маънавий маданиятни яратувчилар сифатида олиб қарайди. Биология нуқтани назаридан И. нинг моҳиятини тугул, ҳатто унинг организмнинг аҳамиятини ҳам тушуниб бўлмайди: *антропогенез* тугалланган вақтдан бошлаб организмдаги ўзгаришлар маданиятнинг белгилловчи таъсирида йўлланиб келмоқда. Оламга ва бошқа кичиларга инсонларча муомала қилиш, меҳнат қилиш, теварак-атрофдагилар билан алоқада бўлиш, фикрлаш, ахлоқий ҳис-туғулар ва эстетик кечинмалар қобилияти — буларнинг ҳаммаси натуралистларча ва якка ҳолда олинган индивиднинг («робинзон»нинг) белгилари эмас, организмнинг хоссалари эмас, балки, ижтимоий-тарихий практика жараёнида таркиб топган хислатлардир, бу хислатлар И. нинг моҳиятини унинг индивидуал мужассамоти ва зуҳуротида кўрсатиб беради. Бу хислатлар инсоннинг ижтимоий муносабатлар системасига, меҳнат фаолияти жараёнига қўшилиши натижасида, ижтимоий маданиятни ўзлаштиришда ва такрор ҳосил қилишда (*Меҳнат, Фаолият*) унинг қатнаша бориши билан шаклланади. Худди ана шу процесда И. тарихан ўзини одам қилиб яратди ва ўзини доимо такрор ҳосил қилиб И. сифатида тарбияланиб келмоқда. И. ни фарқ қилишга имкон берадиган тарихий мезон — қуроллар ёрдами билан меҳнат қуроллари ишлаб чиқаришдан иборат. «...Бутун тарих,— деб ёзган Эди Маркс,— ...инсон табиатининг узлуксиз ўзгаришидан иборат» (4-т., 162-б.); И. нинг ўзгармас табиати йўқдир. Лекин бу табиат ўз-ўзлигича эмас, балки И. нинг ўзининг фаолиятида ўзгаради. «...Ҳамма нарсани қиладиган инсондир... Энгельс сўзла-

ри билан айтганда, тарих... инсон фаолиятдан бошқа нарса эмасдир...» (2-т., 102-б.). Социал «муҳит» сифатида майдонга чиқадиган нарса ҳақиқатда фақат кишиларнинг ўзларининг ишлаб чиқариш кучларидир, уларнинг ўз ишлаб чиқариш ва бошқа социал муносабатларидир, қисқача қилиб айтганда, «инсоннинг дунёсидир». Вазиятнинг. И. га таъсири пировард ҳисобда фақат унинг фаолиги билан предмет фаолият формаларининг диалектик ўзаро таъсири ички процессининг бир моментидир, холос. Бинобарин, Маркснинг фикрича, «кишиларнинг ижтимоий тарихи, улар бунга англаш-англамасликларидан қатъи назар, ҳамisha фақат уларнинг индивидуал ривожланиш тарихидир» (27-т., 402—403-б.). Шу билан бирга И. маданиятининг мутлақ асоси ва шарт табиатдан иборат, И. шу табиатни ижодий ўзлаштириш йўли билан ундан ўз маданиятини яратади. Ижтимоий И. тарихни яратувчидир, ўз маданияти предмет дунёсини ва шу маънода ўз-ўзини яратувчидир. Шунинг учун ҳам И. тамонила социал вужуддир. Айрим И. маданиятининг бойлиги ҳамisha унинг бошқа кишилар билан қиладиган алоқалари бойлигига тенгдир ва шу алоқаларда мавжуддир. Тарихан шаклланган ижодий қобилиятларнинг эгаси сифатида, ўз хатти-ҳаракатларининг, баҳоларининг барча оқибатлари учун ва ижтимоий ҳаётнинг муайян нормаларини қабул қилганлиги учун индивидуал *жавобгар* сифатида И.— *шахсдир* (шунингдек қаралсин: *философияда — «Мен»*).

ИНСОНИЙ МУНОСАБАТЛАР НАЗАРИЯСИ — ҳозирги замон буржуа социология назарияси, бу назария капитализмнинг гўё инсонларварлик характерини асослаб беришга уринади, эксплуататорлар билан эксплуатация қилинувчилар ўртасидаги муносабатларни рақбарлар (ишлаб чиқариш ташкилотчилари) билан итоат қилувчилар (ижрочилар) ўртасидаги христианлик бурчларига асосланган «инсоний муносабатлар» қилиб кўр-

сатади. И. м. н.—«халқ капитализми» назариясининг таркибий қисмидир. Бу назарияда капиталистик эксплуатацияни ниқобловчи, ишчиларни синфий курашдан чалғитувчи турли тadbирлар таклиф қилинади (ишчиларни монополияларнинг фойда олишларига иштирок эттириш ва акцияларга эга қилдириш, группалаб страхованине қилдириш, корхона эгаларининг ишчиларнинг уйларига бориб байрам совгалари топшириши, ишчилар билан маъмуриятнинг биргаликда маълаҳатлашиб олиши ва ҳ. к.). Амалда эса «инсоний муносабатлар» программасининг бир қисмини ташкил этувчи бу тadbирларга қилинадиган чарқимларни корхона эгалари ишчиларнинг меҳнатини интенсификация қилиш (жадаллаштириш) йўли билан қоплайдилар.

ИНСТИНКТ (лат. *instinctus* — табиий туйғу, табиий интилиш) — психик фаолият формаси, хатти-ҳаракат тип. Кенг маънода И. онга қарама-қарши қўйилади. Хатти-ҳаракатнинг инстинктив типни ҳайвонлар учун характерлидир; у яшашнинг биологик формалари асосида тузилган бўлиб, бу формалар муҳитга мослашиш процессида ҳосил қилиб борилади. Онгли хатти-ҳаракат эса инсоннинг табиатни маълум мақсадга қарата ўзгартиришида ифодаланади ва табиат қонуниятларини англаб олиш асосида қўрилади. Ҳазирга хосроқ маънода И. биологик ирсият билан мустаҳкамланган, ҳайвонларнинг муайян турига хос бўлган хатти-ҳаракатдан иборат. И. Павловнинг фикрича, И. шартсиз рефлекслар силсиласидан иборат. И. нисбатан паст даражада ташкил топган ҳайвонларда (ҳашаротлар, балиқлар, қушларда) энг кескин ифодаланган. Эволюцион тарзда ривожланиб борган сари турма ҳаракатларнинг роли қисқариб боради ва индивидуал тажрибага таянувчи мураккаб-рефлектор фаолият тобора кўпроқ аҳамият касб этади. Инстинктлар инсонга ҳам хосдир. Аммо бунда улар ҳал қилувчи роль ўйнамайди, чунки инсоннинг ўзига хос фаолияти ижтимоий-тари-

хий процессларнинг натижаси сифатида пайдо бўлади ва ривожланади, бинобарин, асосан биологик сабаблар билан эмас, балки социал сабаблар билан қўзғалади.

ИНСТРУМЕНТАЛИЗМ — америкалик философ Дьюи ва унинг издошларининг субъектив-идеалистик таълимоти, *прагматизмнинг* кўринишларидан бири. Дьюининг фикрича, субъект билан объектнинг, фикрлар билан фактларнинг, психик ҳолат билан физик ҳолатнинг тафовути — бу фақат «тажриба» ичидаги тафовутлар, «ситуация» элементлари, «воқеа» аспектларидир, холос. Шу ҳилдаги дудмал терминлар ёрдами билан ҳамда тажрибанинг «социаллиги»ни далил қилиб кўрсатишлар билан И. нинг идеалистик характери ниқобланмоқда. И. та кўра, тушунчалар, илмий қонунлар ва назариялар фақат инструментлардир, холос (бу идеализм формасининг номи ҳам ана шундан келиб чиққан), улар қуроолар, «ситуация калитлари», «амалиёт режалари»дирлар. И. билишни организмнинг ҳаётий функцияси деб эътироф қилган ҳолда, унинг аҳамияти худди объектвий олами акс эттириш қобилиятидан иборат эканлигини инокор этади ва ҳақиқатни «муайян ситуацияда муваффақиятни таъминловчи» «ҳаққоний» бир нарса деб субъективистларча қарайди. Дьюи ва унинг мухлислари ижтимоий синфларнинг реаллигини тан олмайдилар ва «умуман» жамият, шахс ва давлат тўғрисидаги метафизик абстракциялар билан иш кўрадилар. Инструментал «тараққиёт назарияси» («мелноризм»)га кўра, тараққиёт жамиятнинг муайян мақсадларга эришувида эмас, балки ҳаракат процессининг ўзида эмиш. Аслини суриштирганда, Дьюининг «мелноризми» «Ҳамма гап — ҳаракатда, туб мақсад — ҳеч нима» деган эски оппортунистик шioriни қайтадан тирилтирмоқда. Дьюи И. нинг асосий мухлислари (Хук, Чайльдс, Шлезингер) марксизмга актив сурадда қарши чиқмоқдалар.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛИЗМ (лат. *intellectualis* — ақлий) — фалсафий иде-

листик таълимот бўлиб, у интеллект воситаси билан билишни биринчи ўринга суради ва уни ҳиссий билишдан ва практикадан метафизикларча ажратиб қўяди. *И. рационализмга* жинсдошдир. Антик философияда *И.*нинг вакиллари ҳиссий билишнинг ҳақиқатлигини инкор этиб, фақат интеллектуал билишни бирдан-бир ишончли билим деб ҳисоблаганлар (*элеатлар*, платончилар). Янги философияда *И.* сенсуализмнинг бир ёқламалигига қарши чиқади, *Декарт* ва картезианчилар, қисман спинозизм унинг вакилларилирлар. Ҳозирги замон буржуа философиясида хийла даражада агностицизм юки остида қолган *И. мантиқий позитивизм* томонидан амалга оширилмоқда. Диалектик материализм ҳиссий ва интеллектуал билишнинг бирлигини этироф қилади (*Билиш, Назария ва практика*).

ИНТЕЛЛИГЕНЦИЯ (лат. *intelligens*—тушуновчи, ақлли)—зиёлилар—касб тариқасида ақлий меҳнат билан шугулланувчи кишилардан иборат социал группа. Ишженерлар, техниклар, врачлар, адвокатлар, артистлар, ўқитувчилар ва фан ходимлари, хизматчиларнинг кўп қисми *И.* га кирadi. *И.* қулдорлик ва феодал жамиятларидаёқ пайдо бўлган, лекин у социалистик формациядан олдинги формацияларда капитализм даврида энг кўп ривожланган. *И.* ҳеч қачон алоҳида синф бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки у турли синфлардан тўпланади ва ижтимоий ишлаб чиқариш системасида ўзининг алоҳида мавқеига эга бўлмайди. Социал қатлам сифатида у мустақил сисёат юргизишга қобил эмасдир, унинг фаолияти ўзи хизмат қиладиган синфларнинг манфаатлари билан белгиланади. Капиталистик жамиятда *И.* нинг анча қисми буржуазияга хизмат қилишга мажбурдир. Илмий-техника тараққиёти *И.* нинг сонини кўпайтириб, унинг жамият ҳаётидаги ролини оширмоқда. Айни вақтда капитализм бу тараққиётни тобора кўпроқ бўғиб қўймоқда, ҳақиқий маданиятга ўзининг душманлигини кўр-

сатмоқда. *И.* нинг ижодий кучларининг кенг яйраб ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Бу зиддият. *И.* нинг кўпгина қатламларини ишчилар синфига нигорон бўлиб қарашга мажбур этмоқда, чунки зиёлиларнинг кўпи ўз аҳволи жиҳатидан ишчилар синфига яқинлашади. *Социалистик революция* галаба қозонгандан кейин ишчилар синфи олдида эски *И.* дан фойдаланиш ва янги *И.* ни шакллантириш кескин проблема бўлиб туради. Социализм шароитида ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасида эндиликда қарама-қаршилик бўлмайди, улар ўртасида фақат муҳим тафовут қолади, холос, бу тафовут коммунизм қурилиши давомида бартараф қилиб борилади. Айни вақтда ишчилар синфи, деҳқонлар ва *И.* нинг яқинлашиш процесси юзага келади. Социализм даврида илмий-техника революциясининг авж олиши шароитида илмий-техника *И.* сининг ўсиш суръатлари бошқа ҳамма социал группаларнинг ўсиш суръатларидан ошиб кетади. Ишчилар ва деҳқонлар билан биргаликда социалистик *И.* коммунистик жамият қуришда актив қатнашади. «Коммунизм галаба қилгач, кишиларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат узвий суратда қўшилиб кетади. Интеллигенция алоҳида социал қатлам бўлмай қолади, жисмоний меҳнат ходимлари ўз моддий-техника савияси жиҳатидан ақлий меҳнат кишилари даражасига кўтарилади» (КПСС Программаси).

ИНТЕЛЛИГИБЕЛ (лат. *intelligibilis* — ақл-фаросат) — фалсафий термин бўлиб, бу термин фақат ақл ёки интеллектуал *интуиция* билан пайқаладиган предмет ёки ҳодисани билдиради. «*И.*» терминига ҳиссиёт ёрдами билан пайқаладиган предметни билдирувчи «сенсбел» термини қарама-қарши қўйилади. «*И.*» тушунчаси схоластикада ва Кант философиясида кенг татбиқ қилинарди.

ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ (пролетар, социалистик интернационализм) (лат. *inter*— аро ва *patio* — халқ — халқаро)— ишчилар синфи ва унинг

партияси идеологиясининг асос солувчи принципларидан бири бўлиб, у турли мамлакат меҳнаткашларининг капитализмга қарши ўз социал ва миллий озодлиги учун, социализм ва коммунизм қуриш учун курашида халқаро ҳамкорлигини ифодалайди. И. нинг асоси — пролетариатнинг конкрет вакиллари қайси давлат ва миллатга мансублигидан қатъи назар, унинг синфий манфаатлари ва олиб бораётган курашининг туб мақсади муштараклигидан иборат. И. халқаро коммунистик ҳаракат тонгида пайдо бўлди ва дастлабки вақтларда ишчиларнинг қундалик онгида интернационал ҳамкорликнинг социал ҳис-туйғулари ва шioriлари тарзида акс этди. И. *илмий коммунизм* пайдо бўлиши билан ўз назарий асосига эга бўлди. К. Маркс ва Ф. Энгельснинг «Коммунистик манифест» ва Б. асарларида капиталга қарши курашда турли мамлакат ишчилари бирлигининг объектив зарурати очиб берилган, И. нинг асосий идеялари ифода-лаб берилган ва унинг «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган шiori эълон қилинган. И. нинг принципи халқаро буржуазияга қарши курашда турли мамлакат меҳнатчиларининг бир-бирларини қўллаб-қувватлаши ва ҳамкорлигини, барча халқларнинг тенг ҳуқуқчилигини эътироф этишни, бир миллат томонидан иккинчи миллатни ҳар қандай эзигга мурасасиз қарашни, интернационал ва миллий манфаатларни бирга қўшиб олиб боришни назарда тутати. Шунинг учун И. буржуа *миллатчилиги* ва буюк давлатчилик шовинизмига ҳам, шунингдек ирқчилик ва мустамлакачилик идеологиясига ҳам, бетарафлик никоби остида миллий ва сиёсий ҳуқуқда тенгсизликни, империалистик ҳукмронлик ва зулмни яширувчи *космополитизмга* ҳам тубдан қарама-қаршидир. И. идеялари тарихда биринчи марта СССРда социализм қурилиши процессида амалга оширилди. СССРда *миллий масала* ҳал қилинди, тенг ҳуқуқли халқларнинг кўп миллатли давлати тузилди, синфий ва миллий антаго-

низмлар нимадигини билмайдиган миллатлараро янги типдаги муносабатлар вужудга келди. Шу асосда пролетарча И. нинг ўсиб социалистик И. га айланиши юзага келмоқда, бу эса И. нинг социал базасининг кенгайишида, унинг бутун жамят идеологиясига айланишида яққол кўринмоқда. И. социалистик *ватанпарварлик* билан узвий равишда боғлиқдир. Коммунистик ва ишчи партияларнинг 1969 йилда бўлиб ўтган халқаро Кенгашида: «Марксчи-ленинчилар айни бир вақтда ҳам ватанпарварлар, ҳам интернационалистлардирлар, улар миллий торликни ҳам, миллий, манфаатларни инкор этишни ёки уларга етарли баҳо бермасликни ҳам, гегемонизм тенденциясини ҳам рад этадилар» — деб таъкидланган эди. Жаҳон социализм системаси барпо бўлиши билан И. социалистик мамлакатларнинг давлатлараро муносабатларига ҳамда социалистик мамлакатлар халқларининг капитализм мамлакатлари меҳнаткашлари ва ўз миллий озодлиги учун курашаётган халқлар билан ўзаро муносабатларига асос қилиб қўйилди.

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ВА МОДЕЛЬ — семантик тушунчалар бўлиб, бу тушунчалар *метаматематика* ва *металогика*да ҳам, шунингдек умуман фанда ҳам муҳим роль ўйнайди. И. деганда кенг маънода қимматларнинг ҳисобнинг бошланғич ифодаларига нисбат берилиши тушунилади, бунинг натижасида муайян ҳисобнинг тўғри тузилган ҳамма ифодалари мазмун ҳосил қилади (*Маъно ва мазмун, Ном, Логик семантика*). Интерпретациялаштирилган ҳисоб, шундай қилиб, *формаллаштирилган* тилдан иборат бўлади ва бу тилдан мазмунга эга бўлган турли мулоҳазалар ифодалангани ва исботлангани. М. тушунчасидан фойдаланиб; И. нинг формал таърифини бериш мумкин. Айтайлик, бирон-бир ҳисоб мулоҳазаларининг қандайдир бир туркуми берилган бўлсин; агар шу мулоҳазаларга кирувчи барча константлар ўзгарувчи тегишли типларга алмашти-

рилса (Туплар назарияси), у вақтда биз пропозиционал функциялар туркумини ҳосил қиламиз (*Предикат*). Предметларнинг шу туркумдаги ҳар бир пропозиционал функцияни бажарувчи ҳар қандай тўплами мулоҳазаларнинг ва тегишли ҳисоблашнинг қараб чиқиляётган туркумининг М. и. деб аталади. Ҳисоблаш М. и. тушунчаси ёрдами билан И. тушунчаси киритилади: ҳисоблаш И. си ажратиб олиган ёки била туриб тузилган М. деб аталади. И. тушунчаси воситаси билан ўз навбатида *логик ва фактик чинлик*, аналитик ва синтетик ҳукмлар аниқланади. Мантиқий системаларнинг моделлар назарияси *Тарский, Карнап, Ж. Кемени*, совет математиги А. И. Мальцев ва б. асарларида ривожлантирилди. Табиий фанларда М. термини одатда «моделлаштириляётган» ва «моделлаштириладиган» системаларнинг *изоморфизм* ва *гомоморфизм* тушунчаларига асосланган ўзгача маънода ифодаланади (*Моделлаштириш*).

ИНТРОЕКЦИЯ (лат. intro—ич, iectio — жо қилиш)— *Авенариус* томонидан натуралистик ва мушоҳадачилик (метафизик) материализмни талқин ва танқид қилиш учун киритилган тушунча; бу тушунчага қарама-қарши ўлароқ, Авенариус «принципиал координация» назариясини илгари сурди. Авенариуснинг фикрича, И. ўзига хос руҳий образни — *идеявийликни* индивид онгига ножиоз равишда «жо қилиш»дан иборат бўлиб, бу *дуализмга* олиб келади. Бироқ диалектик материализм идеявийликнинг ижтимоий-амалий табиатини очиб бериш, уни фақатгина индивидуал онгнинг ҳолатларидан иборат қилиб қўймаслик, уни моддийликнинг инъикоси деб қараш йўли билан И. ва дуализмдан қочади. Ленин «*Материализм ва эмпириокритицизм*» китобида И. назариясини танқид қилган.

ИНТРОСПЕКЦИЯ (лат. intro — ич, speculare — қарамоқ, назар солмоқ)— ўз ички психик ҳодисаларини кузатиш, ўз-ўзини кузатиш. И. олий психик фаолиятнинг ривожланиши би-

лан — инсоннинг теварак-атрофдаги воқеликни англаши билан, унда ички кечивмалар дунёсининг ажралиши билан, иш амалларининг ички режалари шаклланиши билан боғлиқдир. Унинг натижалари ўз фикрлари, ўз ҳис-туйғулари ҳақидаги мулоҳазалари формасида ифодаланиши мумкин. Идеалистик психология И. ни психик ҳодисаларни ўрганишнинг бирдан-бир ёки асосий методи деб ҳисоблайди, бу метод гўё мазкур ҳодисаларнинг моҳиятига бевосита кириш имкониятини берад эмиш. Материалистик психология И. нинг маълумотлари ўзининг билдирувчилик аҳамияти жиҳатидан бевосита ҳиссий билиш чегарасидан чиқмайди ва бу маълумотларнинг моҳиятини ўрганиш учун қатъий объектив методлар бўлиши зарур деб ҳисоблайди. Шундай қилиб, илмий психологияни ўрганиш учун И. метод сифатида эмас, балки психологик тадқиқот объектларидан бири сифатида юзга келади.

ИНТУИТИВИЗМ — 1) философияда идеалистик оқим бўлиб, бу оқим империализм давридаги буржуа философиясида катта таъсирга эга бўлди. Рационал билишга И. воқеликни бевосита «пайқаш»ни қарама-қарши қилиб қўяди, унингча, бундай «пайқаш» *интуицияга* асосланади, интуиция эса онгнинг алоҳида қобилияти деб тушунилади ва уни ҳиссий тажрибага ҳам, дискурсив, мантиқий тафаккурга ҳам нисбат бериб бўлмайди. И. тўғридан-тўғри мистцизм билан туташади. *Бергсон, Лосский* ва б. И. нинг вакилларидирлар; 2) этикада — 20-асрдаги буржуа этикасининг йўналишларидан бири бўлиб, бу йўналиш этикадаги ҳозирги замон *формализмига* асос солди. У дастлаб Англияда (Мур, Г. Причард, Д. Росс, Ч. Броуд, Э. Кэрригт, Э. Юинг), 50-йилларда эса АҚШда (Б. Блэншард, Э. Холл, О. Жонсон) тарқалди. И. нинг идеялари этикада биринчи марта ҳали 17—18-асрлардаёқ неоплатончиларнинг (Р. Прайс, Р. Кэдворт, С. Кларк) *кембридж мактаби* томонидан ифодалан берилган эди, сўнгра улар ҳозирги замон

буржуа этикачилари томонидан ривожлантирилди. И. нинг этикадаги асосий қондаси шундан иборатки, энг умумий ахлоқий тушунчалар (яхшилик ва ёмонлик) «нодир» характерга эга бўлиб, уларни ҳеч қандай бошқа сифатга нисбат бериб бўлмайди, бу тушунчалар гўё шубҳаланиб бўлмайдиган, изоҳлаб бўлмайдиган, «ўз-ўзидан кўриниб турган» тушунчалар эмиш, улар соф интуитив равишда билинар ва исботсиз татбиқ қилинар эмиш. Бу идеялар интуитивистларни шундай ишончга олиб келадикки, *норматив этика* ўз хулосаларини бошқа фанларнинг маълумотларига асослай олмайди, балки у билимнинг тамомила ажратиб яккалаб қўйилган соҳасини ташкил этади. Интуитивистлар дастур қилиб олган нуқтаи назарга кўра, асосий ахлоқий тасаввурлар ғайри тарихий, абсолют характерга эга бўлиб, инсоният жамияти билан боғлиқ эмасдир, улар универсумнинг «ғайри табиий» «ўлчови»ни ташкил этади. Бу нуқтаи назар объектив равишда буржуа ахлоқининг универсаллиги ва мустақамлигини асослаш ролини ўйнайди.

ИНТУИЦИОНИЗМ — математиканинг фалсафий асосларидаги йўналиш бўлиб (*логицизм, формализм* ва *эффективизм* билан бир қаторда), бу йўналиш 20-асрнинг бошларида унинг назарий асослари атрофидаги мунозара муносабати билан пайдо бўлган эди (Л. Брауэр, Г. Вейль, А. Гейтинг ва б.). И. га кўра, математик фикр рационал *интуицияга* асосланади ва бу интуиция, 1-дан, барча математик объектларнинг ақлий тузилиш процессини, 2-дан, бу процесда актуал бениҳоялик (*Актуал ва потенциал бениҳоялик*) абстракциясидан фойдаланишдан воз кечини ва, 3-дан, тузлаётган объектларнинг яққол тафовути ва айниятиги ўз ичига олади. И. нинг нуқтаи назарича, бутун математика ана шундай интуиция воситаси билан яратилади, шунинг учун математик объектлар уларнинг ақлий системаларига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлмайди. Шу билан бирга бу ақлий системалар аристо-

телча логика формасидан фарқ қиладиган бошқача логикани, яъни *учинчиси истисно қонуниси* — интуиционистик логикани талаб қилади. *Парадокслардан* қочиш учун математик исбот мантикий қатъиятга эмас, балки интуитик яққоликка асосланмоғи лозим: бу исбот бошланғич асослардан ва муҳокама қоидаларидан бошлаб унинг ҳар бир босқичи интуитив тушунилган тақдирдагина ишончли бўлади. Шундай қилиб, исботларда у ёки бошқа мантикий қонунлар ва қоидаларни татбиқ этиш мумкинлигини ҳам пировард ҳисобда интуиция ҳукм қилмоғи лозим. Аммо И. (*интуитивизмдан* фарқ қилиб) интуицияни логикада қарама-қарши қўймайди. У фақат математика логикага асослана олмайди, деб ҳисоблайди ва логикани математиканинг қисмлари деб тушунишини кенгайтириб, мантикий теоремаларни энг умумийлик тарзидаги математик теоремалар деб қарайди.

ИНТУИЦИЯ (лат. *intueri* — сиичиклаб қараш) — мураккаб — аввал мантикий муҳокама қилмасдан, ҳақиқатни бевосита пайқаш қобилияти. Марксдан илгариги философияда И. билувчилик фаолиятининг алоҳида формаси деб қаралган. Мас., ўрта аср Шарқ философиясида И. пайғамбарларга хос бўлган махсус билиш усули сифатида талқин этилиб, у илгор мутаффакирлар — *Форобий, Берунийлар* томонидан танқид қилинган. *Декарт* исботнинг дедуктив формаси аксиомаларга асосланади, аксиомалар эса ҳеч қандай исботсиз соф интуитив тарзда пайқалади, деб ҳисоблаган. *Декартнинг* фикрича, И. дедуктив метод билан қўшилганда тўла ишончлиликнинг умумий критерияси бўлиб хизмат қилади. И. *Спиноза* философиясида катта ўрин тутарди. *Спиноза* И. ни билишнинг «учинчи хили», нарсаларнинг моҳиятини қамраб олувчи энг ишончли ва муҳим билиш деб ҳисобларди. Ҳозирги замон буржуа философияси ва психологиясида И. билимнинг логика ва ҳаётий практика билан сиғишмайдиган мистик усули, деб қаралади

(*Интуитивизм*). Ҳозирги замон буржуа этикасининг кўп вакиллари нуқтаи назарича, И. маънавий тафаккур билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, «тусмол билан» кишиларнинг хатти-ҳаракатини баҳолашга имкон беради. Диалектик материализм И. ни *бевосита билим* деб, воситаланган билим билан диалектик тарзда боғланган (*Билиш*) жонли мушоҳада деб қарайди ва И. ни ақлдан устун турадиган, мистик билиш қобилияти деб талқин этишни рад қилади. И. ни ҳақиқатни пайқашнинг оддий йўллари билан қандайдир принципал оғиш деб ҳисоблаш ярамайди, у мазкур оддий йўллarning юз беришининг маънавий йўллари билан практика билан воситаланган қонуниятли формасидир. Ҳақиқатни гўёки «тўсатдан» пайқаш замирида жамғарилган тажриба, илгари ҳосил қилинган билим ётади. И. психологик механизми кам ўрганилган, лекин мавжуд экспериментал маълумотлар унинг замирида индивиднинг теварак-атрофдаги муҳит билан информатсион, сигналли ўзаро таъсир жараёнида бевосита (англанган) маҳсул билан бир қаторда ёрдамчи (англанмаган) маҳсулни акс эттириш қобилияти бор, деб ҳисоблашга имкон беради. Бироқ муайян шароитда амалиёт натижасининг мазкур (илгари англанмаган) қисмини индивид томонидан аниқлаш имконияти туғилади. Интуитив билиш натижалари вақти келиб маънавий равишда исбот қилинади ва практикада текшириб кўрилади.

ИНФОРМАЦИЯ (лат. informatio — тушунтириш, баён қилиш) — а) бирор хилдаги маълумотларнинг, билимларнинг мажмуи; б) *кибернетиканинг* асосий тушунчаларидан бири. И. нинг илмий тушунчаси ахборотларнинг мазмун томонини кўп жиҳатдан назардан соқит қилиб, уларни миқдор нуқтаи назардан олиб қарайди; И. нинг миқдор тушунчаси ана шу тариқа жорий этилади ва бу тушунча ахборот устида сўз борган воқеанинг аҳтимоли даражасига тескари пропорционал миқдор сифатида белгиланади. И. илмий тушунчасининг

ишлаб чиқиши оламнинг моддий бирлигининг янги аспектини очиб беради, илгарилари бутунлай турлича бўлиб кўринган кўпгина процессларга: алоқанинг техник каналлари бўйича ахборотлар беришга, нерв системасининг ишлашига, ҳисоблаш машиналарининг ишига, бошқаришнинг хилма-хил процессларига ва ҳ. к. ягона бир нуқтаи назардан қарашга имкон беради. Буларнинг ҳаммаси И. ни узатиш, сақлаш ва қайта ишлаш процесслари билан боғлиқдир. И. тушунчаси бунда физикадаги энергия тушунчасига ўхшаш ролни ўйнайди, чунки, физикадаги энергия тушунчаси ҳам умумий нуқтаи назардан энг турлича физик процессларни тасвирлашга имкон беради. И. тушунчасида икки нуқтаи назарни фарқ қилиб қарамоқ керак. Биринчидан, И. система ни уюштириш меъёридан иборатдир. И. учун бўлган математик ифода тескари белги билан олинган *энтропия* учун бўлган ифодага айнан тенгдир. Система энтропияси унинг тартибга солилмаганлик даражасини ифодаलाши, И. уни уюштириш меъёрини беради. Шу тариқа тушунилган И. системанинг, ўз-ўзидан процессининг ички ҳолатини ташкил этади, бинобарин уни структурали И. деб аташ мумкин бўлади. Структурали И. дан ҳаммиша икки процессининг муносабати билан боғланган нисбий И. ни фарқ қилмоқ керак. И. назарияси одатда инъикос билан маҳкам боғлиқ бўлган худди нисбий И. билан иш кўради. Агар предметда бошқа предметнинг таъсирини акс эттирувчи ўзгаришлар содир бўлса, у вақтда биринчи предмет иккинчи предмет ҳақидаги И. нинг ҳомили бўлиб қолади, дейиш мумкин. Кибернетик системаларда предметда (В) бошқа предметнинг (А) таъсири билан содир бўлган ўзгаришлар В нинг шунчаки қандайдир характеристикалари бўлмасдан, балки А ҳақидаги И. нинг худди ҳомили сифатида кибернетик системани ишлаш фактори бўлиб қолади. Нисбий И. кибернетик системалардан олдинги системаларда (бошқариш билан боғлиқ бўлмаган тириклик та-

биат системаларида) бўлган потенциал ҳолатидан чиқиб, бунда актуал И. га айланади, яъни кибернетик системалардан олдинги системаларда бўлган пассив инъикос актив инъикос бўлиб қолади. Ана шу нуқтаи назардан инсоннинг миёси ташқи оламдан тушадиган нисбий актуал И. ни сақлайдиган ва қайта ишлайдиган ғоят мураккаб кибернетик системадан иборат. Миянинг ташқи оламни акс эттириш ва билиш хусусияти И. ни узатиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган процесслар ривождаги бир ҳалқа сифатида намоён бўлади. Шу сабабли И. тўғрисидаги ҳозирги замон таълимотида сезгига жиндеш бўлган хусусият, яъни инъикос бутун материяга хос эканлиги ҳақидаги ленинча тезиснинг конкретлашуви ни кўриш мумкин.

ИНЪИКОС — материалистик гносеологиянинг асосий тушунчаларидан бири. Диалектик материализм юксак даражада ташкил толган материянинг (ҳайвонлар ва инсоннинг) хосаси сифатидаги психик И. билан анорганик табиатдаги инъикос хосасини фарқ қилиб қарайди. Энг оддий организмлар ва ўсимликлардаги қўзғалиш тирикмас табиат жисмлари билан психикага молик бўлган вужудлар ўртасидаги ўткинчи формади. Тирикмас табиат жисмларининг И. и шу билан характерланадики, у нарсаларнинг хосаси сифатида бошқа нарсаларнинг таъсири остида ўзгаради ва бунда мазкур ўзгаришларнинг структураси таъсир кўрсатувчи нарсанинг бирор томонига мувофиқ келади. И. нинг бу хосаси инсоннинг теварак-атрофидаги оламни билиш процессининг жисмоний негизидир ва уни билиш мумкинлигини исботловчи муҳим далилдир. Психик И. ҳайвонларда ва инсонда пайдо бўлади, у шунинг натижасида пайдо бўладигани, объектлар уларнинг акс эттириш аппаратида таъсир ўтказиши, бу таъсирларнинг излари аналитик-синтетик йўл билан қайта ишланади, шунингдек қайта ишлаш маҳсуллари объектларнинг махсус ўринбосарлари сифатида татбиқ этилади. Нарсаларнинг

ва улар хоссаларининг қисқик инъикоси ёрдами билан субъект ўз теварак-атрофидаги муҳитдан йўл топиб олади. Психик И. нинг икки томони: 1) И. нинг мазмуни (таъсир, билим) ва 2) унинг моддий мавжудлик формаси ёки усули ва ифодалари мавжуддир. Психик И. нинг мазмуни қуйидаги асосий белгилар билан характерланади: инъикоснинг модаллиги ёки турли хиллиги ва бу модалликнинг материя ҳаракатининг турли хоссаларига ва формаларига сифат жиҳатдан мувофиқлиги (мас., ранг ва дид сезгилари турли модалликларга оиддир); объектнинг фан қонуналари ёрдами билан ифодаланадиган *структураси*; инъикос ва оригинал структуралари ўртасидаги мувофиқлик тури (*изоморфизм* ва *гомоморфизм*, ўхшашликнинг ҳар хил турлари ва б.); ҳиссий образнинг предметлиги, тушунчаларнинг, назарияларнинг предмет маъноси ёки эса мазмуни ва ҳ. к.; олувчи учун инъикоснинг қимматлилиги (фойдалилиги); инъикоснинг оригиналга адекватлиги. Адекватлик мана бундай кўрсаткичларга қараб баҳолашни мумкин: инъикоснинг, билимнинг ишончлилигига (исботлаш мумкинлигига) қараб, инъикоснинг аниқлиги ва тўлиқлигига ҳамда унинг чуқурлигига (моҳиятлилигига) қараб. Инсоннинг билиши ҳайвонларнинг психик И. идан ўзининг ижтимоий табиати билан сифат жиҳатдан фарқ қилади, унинг бу ижтимоий табиати эса тил билан боғлиқ бўлган *онгининг* мавжудлигига ва ташқи оламни актив ўзгартишда намоён бўлади.

ИНЪИКОС НАЗАРИЯСИ — марксистик философияда — диалектик-материалистик *билиш* назариясининг асоси, у барча даражалар ва формалардаги *инъикоснинг* энг умумий белгилари ва хоссаларини очиб беради. И. н. вазифаларига акс эттириш фаолияти барча формаларнинг табиий-илмий асосларини аниқлаш, шу жумладан инсон *онгининг* келиб чиқиши ҳақидаги, унинг физиологик механизмлари ҳақидаги масалалар ҳам қиради. «И. н.» ва «билиш назария-

си» терминлари марксистик фалсафий адабиётда билувчилик фаолиятининг моҳияти, асоси ҳақида гап борганда синонимлар тартиқасида ишлатилади. Гносеологик принцип сифатида инъикос марксистик материализмдан бурунги материализмда ҳам эътироф этилган, бироқ, В. И. Ленин кўрсатиб ўтганидек, эски материализмнинг ҳамма балоси шу эдики, у диалектикани И. н. га татбиқ эта билмас эди, шунинг натижасида инъикос ташқи оламнинг пассив, ўлик «фотоурати» деб тушуниларди. Марксизм инъикосни диалектик равишда, ҳиссий ва раціонал билишнинг, фикрий ва амалий фаолиятнинг ўзаро таъсирининг мураккаб ва зиддиятли процесси деб, инсон ташқи оламга пассив равишда мослашмасдан, балки унга таъсир кўрсатиб, уни ўзгартирадиган ва ўз мақсадларига бўйсундириб оладиган процесс деб тушунади. Шу сабабли марксистик И. н. ни «конформистик» деб танқид қилишнинг ҳеч қандай асоси йўқдир, бу И. н. гўё билувчи субъектни тева-рак-атрофдаги оламни пассив ва бў-шанг мушоҳада этишга маҳкум қилар эмиш. Аксинча, инсоннинг ва инсониятнинг актив предмет фаолияти онгнинг дунёни адекват билишни таъминловчи акс эттириш функцияси асосидагина ва дунёга объектив қонунларга мувофиқ таъсир кўрсатиш базасидагина амалга ошиши мумкин.

ИНЬ ВА ЯН — қадимги хитой философиясининг асосий тушунчалари. Дастлабки пайтларда ян ва инь табиатдаги ёруғлик ва қоронғулик, қаттиқлик, юмшоқлик, эркаклик ва хотинлик ибтидоларини ифодалаш учун хизмат қилган. Хитой философиясининг ривожланиш процессида ян ва инь энг ўта, энг қатъий қарама-қаршиликларнинг: ёруғ ва қоронғу, кундуз ва кеча, қуёш ва ой, осмон ва ер, иссиқ ва совуқ, мусбат ва манфий ва ҳ. к. ларнинг ўзаро таъсирини тобора кўпроқ символлаштира борганлар. Инь ва ян неоконфуцийчилик спекулятив схемаларда, хусусан ли ҳақидаги, яъни абсолют қонун ҳақидаги таълимотда тоғат абадга аҳами-

ятга эга бўлди. Ҳаракатнинг космик кучлари деб, табиатдаги доимий ўзгарувчанликнинг бош сабабчиси деб қараладиган инь — ян — қутбий кучларининг ўзаро таъсири ҳақидаги концепция аксарият хитой мутафаккирлари диалектик схемаларининг асосий мазмунини ташкил этади. Инь — ян кучларининг дуализми ҳақидаги таълимот — хитой философиясидаги диалектик системаларнинг мутлақ элементиدير. Инь — ян ҳақидаги тасаввурлар хитой медицинаси, химияси, музыкаси ва ҳ. к. ларнинг назарий асосларини ишлаб чиқишда ҳам хилма-хил равишда татбиқ этилди.

ИППОЛИТ Жан (1907 йил туг.) — француз философ экзистенциалист. Асосий асарлари Гегелга бағишланган. Аристотель философияси ўрта асрлар учун қандай аҳамиятга эга бўлган бўлса, Гегель философияси ҳам ҳозирги замон учун худди шундай аҳамиятга эгадир, деб даъво қилган И. асосий фалсафий йўналишларни гегелча системанинг айрим қисмларининг давоми деб қарайди. И. нинг нуқтаи назарича, Гегель таълимоти — «ҳаёт онтологияси» инсоннинг мавжудлигини билишнинг асоси бўлмоғи лозим. Шундай қилиб, у Гегелни экзистенциалистга айлантаради. И. ўзининг сохта концепциясига асосланиб, Марксни гегелчи қилиб кўрсатади, марксизмдан идеализм элементларини топишга уринади.

ИРОДА — инсоннинг бирон ишни бажаришга қаратилган онгли интилиши. Идеализм И. ни, ташқи таъсирлар ва шароитлардан мустақил бўлган ва объектив зарурият билан боғлиқ бўлмаган хусусият деб, инсоннинг ишлари ва хатти-ҳаракатларини эса идеалистларча тушуниладиган «эркин» И. нинг юз бериши деб, сохта нуқтаи назардан олиб қарайди. Ҳақиқатда эса инсоннинг маълум мақсадга қаратилган иродавий фаолиятининг манбаи — объектив оламдан, инсоннинг дунёни ўзгартишга қаратилган ҳамда табиатнинг объектив қонунларига таянадиган предмет — амалий фаолиятдан иборат.

Субъектнинг ички шароитлари (эҳтиёжлари, қизиқишлари, истаклари, билими ва ҳ. к.) призмаси орқали акс эттирилган объектив олам унинг учун турли мақсадларни ўз олдига қўйиш, қарорлар қабул қилиш, бирон тарзда ҳаракат қилиш имкониятини яратиб беради. Фақат субъектнинг истакларига қараб танлаб оладиган (*волюнтаризм, экзистенциализм*)

И. эмас, балки объектив заруриятга мувофиқ тўғри танлаб оладиган И. эркиндир. Энгельс сўзлари билан айтганда, И. эркинлиги худди ишнинг кўзини билиб қарор қабул қилиш қобилиятини билдиради. Иш ёки ҳаракатнинг иродали характери шундай ҳолларда яққол намоён бўладики, унда инсонга мақсадга эришиш учун ташқи ёки ички тўсиқларни енгишга тўғри келади. Иродали ишнинг бошланғич омили маълум мақсадни олдига қўйиб, уни англаб олишдан, сўнгра эса ҳаракатни бошлашга қарор қабул қилишдан, ишни амалга ошириш учун энг мақсадга мувофиқ усулларни танлаб олишдан иборат. Муайян бир ишнинг иродали иш сифатида тавсифлаш учун ҳал қилувчи нарса қарорни бажаришдир. И. кучини инсонга табиат бахш этган эмас. Маълум мақсадларни танлай билиш, тўғри қарорлар қабул қилиш, уларни бажариш, бошлаган ишни охирига етказиш қобилияти — билимлар, тажриба, тарбия ва ўз-ўзини тарбиялашнинг натижасидир.

ИРОДА ЭРКИНЛИГИ — қ. *Ирода.*

ИРРАЦИОНАЛ — ақл, тафаккур билан пайқалмайдиган, мантиқий тунунчаларда ифодалаб бўлмайдиган демакдир. «И.» термини билишда ақлнинг ролини инкор этувчи фалсафий йўналишларни тавсифлаш учун ишлатилади.

ИРРАЦИОНАЛИЗМ — (лат. irrationalis — ғайри ақлий — I. фалсафий таълимот бўлиб, у ақлнинг, тафаккурнинг билувчилик имкониятлари чекланганлигини қаттиқ туриб таъкидлайди ва интуиция, ҳис-туйғу, инстинкт ва ш. к. ларни билишнинг асосий хили деб эътироф этади. И. воқеликни қонуниятдан маҳрум бўл-

ган, тасодифлар ўйинига, кўр-кўрона иродага бўйсунадиган бетартибликдан иборат деб ҳисоблайди. Иррационалистик таълимотлар, одатда, жамият тараққиётининг бурлиш даврларида пайдо бўлади ва одатда мантиқий мунтазам системалар формасида эмас, балки афоризмларда ифодаланган тарқоқ идеялар, кайфиятлар тарзида илгари сурилади. И. 19-асрнинг охири — 20-асрнинг бошларида, капитализм империализмга айланаётган, капитализмни «рационаллаштириш» ва шу мақсадда табиий-илмий ва техника билимларидан фойдаланиш йўли билан уни «яхшилаш»га қаратилган буржуа либерал реформистик идеаллар, умидлар пучга чиққан даврда юзага келди. Бу даврда бир қанча иррационалистик таълимотлар ва аввало «ҳаёт философияси» пайдо бўлади. Кейинчалик, 20-асрнинг 30-йилларида И. нинг бошқа бир тури *экзистенциализм* илгари сурилади. *Фрейдизмда* ҳам иррационалистик мотивлар яққол кўринади. Умуман И. илмга хилоф йўналиш сифатида йўлбошчининг, «фюрер»нинг зийраклиги учун, «қон ва ирқ» нидоси учун илмий фикрни рад этган реакцион фашистик назарияларга озиклантирувчи замин бўлди. Бирон-бир формада у ҳозирги замон буржуа философияси, социологияси ва психологиясида кенг тарқалгандир. 2. Этикада ахлоқ-одоб табиатини талқин этишнинг методологик принципи бўлиб, бу принцип кўп буржуа ахлоқ назариялари учун характерлидир: ҳозирги вақтда бир қанча мактабларни (экзистенциализм, *неопротестантизм, «гуманистик» этика, ўз-ўзини рўйбга чиқариш этикаси* ва б.). э. даги И. нинг ахлоқий формализм ва натурализм билан бир қаторда мавжуд бўлган алоҳида бир йўналишга бирлаштирмоқда. Э. даги И. учун характерли нарса шуки, у ҳар бир индивиднинг ҳар қандай ахлоқий вазияти ва ҳолати ўзига хосдир, деб даъво қилади. Шунга асосланиб, ахлоқнинг умумий принципларини ифодалаб бериш, хусусан «рационал тафаккур ва фан ёрдами

билан уларни асослаб бериш мумкин эмас, деб хулоса чиқарилади, чунки рационал тафаккурни ва фанни ўз ахлоқ соҳасига татиқ қилиб бўлмас эмиш, чунки улар хилма-хиллик пидидан фақат абстракт — умумий нарсани илиб олар эмиш. Жамиятда татиқ этиладиган, ўзига хос характерга эга бўлган, бирон-бир амалий эҳтиёжларга хизмат қиладиган ахлоқни иррационалистлар «ноасил» ахлоқ деб эълон қилмоқдалар. Уларнинг нуқтаи назарича, «асил» ахлоқ, шунингдек умуман инсоннинг борлиги ҳам, ҳеч қандай таърифга ва умумлаштиришга сиғмайди, улар табиат ва жамият қонунларидан ташқаридадирлар: унда одам ўзини объектив қарамлик салтанатига хилофан мутлақ эркин вужуд сифатида барқарор қилади. Бу ахлоқ шахсий иниятга (ёки худонинг таърифлаб бўлмайдиган иродасини шахсий талқин этишга) асосланган «ижодий» ахлоқ деб эълон қилинади ва фақат ҳар бир кишининг индивидуал жавобгарлиги деб ҳисобланади. Шундай қилиб, э. даги И. ахлоқни ўта реалитивистик ва волонтаристик тушунишга, инсон томонидан танлаб олинadиган ахлоқий позициянинг бирон-бир объектив қиммати борлигини инкор этишга олиб келади. Э. даги И. нинг айрим оқимлари гарчи буржуа ахлоқидаги апологетизм, догматизм ва утилитаризмни танқид қилсалар-да, шу билан бирга улар — уларнинг вакиллари бунни истайдиларми — истамайдиларми — икки дунё қарашнинг кураши шароитида шахсни йўлдан адаштиришга кўмаклашадилар.

ИРСИЯТ — тирик организмларнинг белгилар ва хоссаларни ота-онадан авлодга ўтказиш қобилияти. Бу қобилият биологик эволюция процессида пайдо бўлди ва ривожланди. Организмлар И. нининг ўзгаришлари ташқи муҳит таъсири натижасида юзага келади. Бундай ўзгаришлар мутациялар деб аталади. Зарарли мутациялар организмнинг ҳалок бўлишига олиб боради, фойдалилари табиий танланиш билан мустаҳкам-

ланиб қолади. Мутациялар ва табиий танланиш — биологик эволюциянинг асосий факторларидир, организмларнинг ҳозирги турлари ана шу биологик эволюциянинг натижасидир. Ҳозирги замон *биологиясининг* кашфиётига кўра, молекулалари етарли даражада барқарор бўлган, ўз-ўзини қайта ҳосил қиладиган ва оқсиллар синтезини регуляция этадиган моддалар организмда И. нинг моддий ҳомилилари бўлиши мумкин. Ядро нуклеин кислоталарининг молекулалари хоссаларнинг ана шу комплексига эгадирлар. И. моддий ҳомилиларнинг аниқланиши тирик вужудларнинг бу қобилиятининг ғайри табиий сабаблари ҳақидаги идеалистик тасаввурларни рад этмоқда. Ҳозирги замон *генетикаси* И. нинг маълум мақсадга қаратилган ўзгаришининг конкрет йўлларини очишга яқинлашиб қолди. Бу кашфиёт тирик табиатни билишда ва ўзгартишда муҳим босқич бўлади.

ИРҚЎЛЛИК — реакцион назария бўлиб, бу назария социал тенгсизликни, эксплуатацияни, урушларни кишиларнинг турли ирқларга мансублиги билан оқлаб кўрсатмоқчи бўлади. И. кишиларнинг ижтимоий моҳиятини уларнинг биологик, ирқий белгиларидан иборат қилиб, ирқларни ўзбошимчалик билан «олий ва паст» ирқларга ажратади. Фашистлар Германиясида И. расмий идеология бўлиб, агрессив урушларни, одамларни кўлаб қиришни оқлаб кўрсатишга хизмат қилган эди. **И.** АҚШда негр аҳолисига нисбатан паст, беқадр кишилар, деб қарашда яққол кўринмоқда. Илгари қолоқ бўлган халқларнинг, айниқса социалистик мамлакатларда тез суръат билан ривожланаётганлиги, бу мамлакатларда ирқий антагонизмнинг йўқлиги И. нинг тамоман асосизлигини исбот қилди.

ИСБОТ — бирон-бир даъвонинг чинлигини (ёки ёлгонлигини) асослаб чиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган муҳокама. И. таянадиган ва улардан манتيқий равишда тезис келиб чиқадиган ҳужумлар И. нинг *далиллари*

(асослари) деб аталади. Далилларччи деб қабул қилинади, аммо уларнинг И. и. тезисга таянмаслиги лозим, йўқса *исботда мужмаллик* деб аталадиган хато келиб чиқади. Тезиснинг чинлигини аниқлаб берувчи И, оддийча И. деб аталади, тезиснинг ёлгонлигини аниқлаб берувчи И. эса раддия деб аталади. И. бевосита бўлиши мумкин, яъни бир қатор хулосалардан иборат бўлиши мумкинки, бу хулосаларнинг асослари далиллардир ёки улардан хулоса қилиб чиқариладиган қондалардир, ённки қўшимча фаразлар ёрдамида амалга оширилдиган И. дир. Бу сўнгги И. қуйидагича тузилади: фаразлар ёрдамида айрим қондалар исбот этилади: сўнг бу қондаларнинг И. и. махсус қондалар ёрдамида ўзгартирилиб (фаразларсиз) дастлабки И. шаклига солинади. И. да хатолар бўлиши мумкин, бу хатолар ё тезисни сохталаштиришдан, ё асоссиз ёхуд хато далилларни қабул қилишдан, ённки, И. нинг нотўғри усулидан келиб чиқади. Хатоси бўлган И. асоссиздир. Бироқ И. нинг асоссизлигининг очилиши ҳақи тезиснинг ёлгонлигининг И. и. демак эмасдир. Тезиснинг чинлигини ишончли далиллар билан эмас, балки бирон-бир эҳтимоллик билан (*эҳтимоллик логика*) аниқлаб берувчи И. лар ҳам бўлиши мумкин.

ИСБОТДА МУЖМАЛЛИК (лат. *circulus in demonstrando* — мантиқий хато бўлиб, бу хато шундан иборатки, исбот қилинувчи тезиснинг ўзининг ёрдами билан исбот қилинган қондадан исботнинг далили сифатида фойдаланилади. Бу хато баъзан илмий ишларда ҳам учрайди. Мас., кўпгина математиклар 2 минг йилдан охиқ вақт давомида Эвклиднинг параллеллилар ҳақидаги бешинчи постулатини исбот қилишга уриниб, исбот қилинувчи постулатнинг ўзини норавшан формада ўз исботларига асос қилиб қўйган эдилар. Маркс кўрсатган эдики, А. Смит ва б. буржуа экономистларининг муҳокамаларида «мужмаллик» бор: товарларнинг қиймати иш ҳақи, фойда, рентаининг йиғиндисидан пайдо бўлади,

иш ҳақи, фойда, рентаининг қиймати эса, ўз навбатида, товарлар қиймати билан белгиланади ва ҳ. к.

ИСЛОМ, ёки **МУСУЛМОНЛИК** (араб. *мўминлик, итоатгўйлик*) — дунё динларидан бири бўлиб, у асосан Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларида, Шимолий Африкада, Жанубий-Шарқий Осиёда тарқалган; СССРда Урта Осиё республикалари, Шимолий Кавказ, Закавказья, Таристон ва Бошқирдистон АССРдаги диндорлар орасида ёйилган. И. 7-асрда араб халқлари ибтидоий жамоа тузумидан суний жамятга ўтаётган, улар Араб халифалиги феодал теократик давлатига бирлашаётган даврда Фарбий Арабистонда пайдо бўлди. И. нинг мусулмонларнинг «муқаддас» китоби Қуръонда баён этилган диний таълимоти ибтидоий динларнинг элементларидан, шунингдек *яхудолик, христианлик, зардуштиликдан* таркиб топган. И. нинг асоси қудратли худо (оллоҳ) ҳақидаги ақидадан иборат. Мусулмончиликнинг ўзаги — худо азалдан тақдирга ёзиб қўйганлиги ҳақидаги таълимотдир. Қуръонда айтилишича, худо ҳар бир кишининг қисматини азалдан белгилаб қўйган. Қуръон инсоннинг худо олдида ожизлигини тарғиб қиларкан, диндорларни сабр-тоқат қилишга, оллоҳга ва унинг ердаги расулларига (вакилларига) қулларча итоат қилишга даъват этади ва бунинг эвазига охират дунёда жаннатда роҳат-фароғатда яшашни ваъда қилади. И. нинг характерли хусусиятлари шундан иборатки, у «ғайри динлар»га, яъни ислом динига топинмайдиган кишиларга душманлик билан қарашни тарғиб қилади, аёлларнинг қадр-қимматини ерга уради, кўп хотин олишни қонунлаштиради. И. социал тенгсизликни ҳақ қилиб кўрсатади, одамларни охират дунёда роҳат-фароғат кўришни бемаъни қуттишга ундайди. Ҳозирги замон И. ида замонга мослашув (модернизация) тенденциялари кўринмоқда, бундай тенденциялар янги шароитга мослашиб олишга уринаётган кўпгина ҳозирги динларга хосдир. Бу тенден-

инлар илмий дунёқараш билан диний дунёқарашнинг «бирга сифатли» товларини тарғиб қилишда, II. ш энг эскирган диний маросимлардан тозалашга уринишда намоён бўлмоқда. Хорижий Шарқ мамлакатларида айрим мусулмон идеологлари омманинг социал ўзгаришларга интилаётганлигини ҳисобга олиб, худди II. да социалистик ғоялар энг тўлиқ ифодасини топади, деб исбот қилишга уринмоқдалар. Аммо революцион кураш жараёнида меҳнаткаш мусулмонлар диний аҳкомларнинг жамият-ни социал ўзгартиш вазифалари билан сифишмаслигини англамоқдалар. Шу билан бирга реакцияон доиралар антикоммунизмни тарғиб қилиш учун II. дан фойдаланмоқдалар. Социалистик жамиятда сақланиб қолаётган мусулмончилик сарқитлари диндорларнинг онгини қоронгулаштириб, коммунизм қурилишида уларнинг активлигини сусайтирмоқда.

ИСТОРИЗМ — нарсалар ва ҳодисаларни уларнинг ривожланишида, қарор топишида, уларни белгиловчи конкрет тарихий шарт-шароит билан алоқадорлигида билиш принципи. II. ҳодисаларга шундай ёндашишни билдирадими, бу усул ҳодисаларни муайян тарихий тараққиётнинг маҳсули деб, уларнинг қандай пайдо бўлганлиги, ривожланганлиги ва ҳозирги ҳолатига келганлиги нуқтаи назардан қарайди. Назарий тадқиқотнинг муайян усули бўлган II. — ҳар қандай ўзгаришни (боринги ҳатто сифат ўзгаришини ҳам) эмас, балки нарсаларнинг моҳиятини, уларнинг сифат жиҳатдан ўзига хослигини аниқлаб берадиган специфик хоссалари ва алоқаларининг шаклланиши ифодаланадиган ўзгаришни қайд қилиб кўрсатишдан иборат. II. нарсалардаги ўзгаришларнинг қайтаришмас ва ворислик характерини эътироф этишни назарда тутаяди. II. фаннинг энг муҳим принципларидан бири бўлиб қолди, бу принциплар унга табиатнинг илмий манзарасини тасвирлаб бериш ва унинг ривожланиш қонуниятларини очиб кўрсатиш имкониятини беради (мас., дарвинча эволю-

ция назарияси). Диалектик методнинг ажралмас ва муҳим томонини ташкил этувчи шу принцип туфайли, марксизм давлат, синфлар ва ш. к. мураккаб ижтимоий ҳодисаларнинг моҳиятини тушунтириб беришга, капитализмнинг тарихан ўткичи характерини, унинг ўрнини социализм эгаллаши муқаррар эканлигини олдиндан кўришга муваффақ бўлди. Ҳозирги замон буржуа философияси, социологияси, логикасининг характерли хусусиятларидан бири шуки, улар II. принципини инкор этадилар, II. га қарши курашадилар ёки уни позитивистик, эмпирик руҳда талқин қиладилар.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ — бу тушунча табиат билан моддалар алмаштиришнинг ўзига хос инсоний типини — кишиларнинг ўз тирикчилиги учун зарур моддий шарт-шароитларни вужудга келтириш мақсадида табиатни актив ўзгартиш процессини ифодалайди. Табиат бахш этган нарсалар билан ўз эҳтиёжини қондирувчи ҳайвонлардан фарқли ўлароқ, инсон ўзига тирикчилик учун зарур бўлган нарсаларни — озиқ-овқат, кийим-кечак, турар жой ва ш. к. — ишлаб чиқаради. Шундай қилиб, II. ч. инсон ҳаётининг абадий табиий шарты — бутун инсоният тарихининг асосидир. Ҳар қандай нарсани II. ч. учун уч элемент бўлиши зарур: нарсани тайёрлаш мумкин бўлган табиат предмети; бу тайёрлашни амалга оширишга ёрдам берадиган меҳнат воситалари; инсон фаолиятининг, унинг меҳнатининг маълум мақсадга йўналтирилиши. II. ч. ҳамisha ижтимоий характерга эга бўлиб, икки хилдаги муносабатларни ўз ичига олади: кишиларнинг табиатга муносабатларини, бу муносабат ишлаб чиқарувчи кучлар тушунчасида ифодаланади (II. ч. процессининг мазмунини акс эттиради) ва кишиларнинг бир-бирига муносабатини; бу муносабат ишлаб чиқариш муносабатлари тушунчаси билан характерланади (II. ч. процессининг ижтимоий формасини акс эттиради). Бу икки томоннинг ўзаро муносабати ишлаб чиқариш муносабат-

ларининг ишлаб чиқарувчи кучлар характерига (ва ривожланиш даражасига) мувофиқлиги қонуни билан белгиланади. И. ч. ҳамisha тарихан муайян ишлаб чиқариш усули сифатида: ибтидоий жамоа, қулдорлик, феодал, капиталистик, коммунистик ишлаб чиқариш усуллари сифатида реал суратда мавжуддир. Умуман И. ч.—бу ҳар қандай ишлаб чиқариш усулига хос бўлган баъзи умумий моментларни узвий бўлакларга бўлиб, тавсифлашга имкон берадиган абстракциядир. И. ч. ишлаб чиқарилган нарсаларни тақсимлаш, айрибошлаш, истеъмол қилиш билан узвий равишда боғлиқдир. И. ч. билан истеъмол—ижтимоий ҳаётнинг икки хилдаги ва шу билан бирга ўзаро алоқадор бўлган қарама-қарши томонлардир. Бу ўзаро таъсирда белгилувчи нарса И. ч. бўлиб, у фақат истеъмол буюмини яратиб ва истеъмол усулини белгилаб қолмасдан, шу билан бирга инсон эҳтиёжларининг юзага келиши ва ривожланишининг негизи бўлиб ҳам хизмат қилади. И. ч. процессида инсон фақат табиатга таъсир кўрсатиб, уни ўзгартибгина қолмайди, шу билан бирга у ўз табиатини, ўз қобилиятлари ва билимларини, эҳтиёжларини ва қизиқишларини ҳам ўзгартиради. И. ч. истеъмол билан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг тақсироти орқали боғлиқ бўлиб, бу тақсирот И. ч. амалга ошириладиган ишлаб чиқариш муносабатларининг характерига боғлиқдир. Синфий-антагонистик формацияларда И. ч. воситаларининг эгалари — қулдорлар, помещиклар, капиталистлар — бутун қўшимча маҳсулотни, баъзан эса ҳатто зарур маҳсулотнинг бир қисмини ҳам ўзлариники қилиб оладилар, меҳнаткашлар оmmasи—қуллар, деҳқонлар, пролетарлар эса, И. ч. воситаларидан тамомла ёки қисман маҳрум этилганликлари сабабли, ўзлари ҳосил қилган бойликнинг озгина ҳиссаси билан қаноатланишга мажбурдирлар. Коммунистик формация бу адолатсизликка барҳам беради. Коллектив мулк қарор топиши ва эксплуататор синфлар тугатилиши билан И. ч.

процесси барча жамият аъзоларининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришга бўйсундирилади. Социализм шариотида истеъмол буюмларининг тақсироти ҳар бир киши томондан умумий фондга қўшган меҳнатнинг миқдори ва сифатига қараб, коммунизм даврида эса эҳтиёжга қараб амалга оширилади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВОСИТАЛАРИ — бу тушунча ишлаб чиқаришнинг шахсий элементи, яъни юмушчилардан фарқли ўлароқ, ишлаб чиқариш процессининг мавжудлиги учун зарур бўлган буюм элементларининг мажмуини билдиради. И. ч. в., яъни инсон шаклини ўзгартирган табиат буюмлари ва инсонга буюмларнинг шаклини ўзгартишга ёрдам берадиган меҳнат воситалари ўз-ўзидан ҳеч қандай янги ижтимоий бойлик ярата олмайди. Ишлаб чиқариш процессида улар фақат ўз қийматини — тўла ёки қисман — тайёрланган маҳсулотга кўчиради. Янги бойликлар эса жонли инсон меҳнати билан яратилади, инсон меҳнати табиат берган нарсани самарали қилиб, уни ижтимоий ҳаётнинг зарур элементига айлантиради. И. ч. в. га, биринчидан, инсоннинг таъсир кўрсатишига объект бўлиб хизмат қиладиган меҳнат предметлари киради, ҳозирги замон ишлаб чиқариш процессларида (қазилма саноатдан ташқари) уларга хом ашё ҳам, яъни инсоннинг муайян таъсирига учраган, унинг меҳнати билан шакли ўзгартирилган табиат предметлари ҳам киради; иккинчидан, меҳнат воситалари — инсон меҳнат предметига таъсир кўрсатиш учун фойдаланадиган барча моддий элементлар мажмуи (ишлаб чиқариш қуроллари, ишлаб чиқариш бинолари, транспорт, хом ашё ва маҳсулотларни сақлайдиган омборлар, экин-тикин қиладиган ер) киради. Барча меҳнат воситалари ичнда ишлаб чиқариш қуроллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун, демак, жамиятни ривожлантириш учун ҳам энг катта аҳамиятга эга, бу қурооллар мажмуини Маркс, «ишлаб чиқаришнинг суюк ва мушак системаси» деб атаган

эди. Ишонинг ўз табиий кучларини оширишига ёрдам берадиган ишlab чиқариш қуроллари унинг ишlab чиқариш имкониятлари ривожининг ва ижтимоий ишlab чиқарувчи кучлар ривожининг мезони бўлиб, демак, меҳнат амалга ошадиган ижтимоий муносабатларнинг кўрсаткичи бўлиб ҳам майдонга чиқади. Шунинг учун ҳам Маркс, иқтисодий даврлар нима ишlab чиқарилиши билан эмас, балки қандай қилиб ва қандай воситалар орқали ишlab чиқарилиши билан фарқ қилади, деган эди (қ. 23-т., 191-бет).

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МУНОСАБАТЛАРИ — жамият ҳақидаги марксистик фаннинг энг муҳим тушунчаларидан бири бўлиб, бу тушунча ҳар қандай жамиятда мавжуд бўлган объектив, моддий, кишилар онгига боғлиқ бўлмаган, ижтимоий маҳсулот ишlab чиқариш, моддий ноз-неъматларни айриб ошлар ва тақсимлаш процессида кишилар ўртасида вужудга келадиган муносабатларни акс эттиради. И. ч. м. ҳар қандай ишlab чиқариш усулининг зарур томонини ташкил этади, чунки кишилар биргаличиб фаолият кўрсатиш ва ўз фаолиятларини ўзаро айриб ошлар учун маълум тарзда бирлашмасдан туриб ишlab чиқара олмайдилар. И. ч. м. нинг негизи — ишlab чиқариш воситаларига бўлган мулк муносабатларидир. Ижтимоий, коллектив мулк шароитида жамият аъзолари ишlab чиқариш воситаларига нисбатан тенгдирлар ва ишlab чиқариш процессида улар ўртасида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам муносабатлари мавжуддир. Хусусий мулк асосида кишилар ўртасида хўжайинлик ва итоат қилиш муносабатлари ўрнатилди. Ижтимоий мулк тарихда уруғ, қабила, жамоа мулки шаклида, умумхалқ ёки давлат мулки, кооператив-колхоз мулки шаклида юзага келади; хусусий мулк эса тарихда уч асосий тип шаклида: қулдорлик, феодал, капиталистик типлар шаклида юзага келган бўлиб, бунга кишини киши томонидан эксплуатация қилишнинг уч асосий формаси мувофиқ келарди. Ишlab чи-

қарувчиларнинг шахсий меҳнатга асосланган хусусий мулки мавжуд бўлиб келди ва ҳозирга қадар ҳам мавжуд бўлиб келмоқда, лекин бу мулк формаси ҳамisha айни жамиятда ҳукмронлик қилувчи И. ч. м. га бўйсунган бўлади ва уларнинг белгилловчи таъсири остида аста-секин барҳам топиб боради. Асосий И. ч. м. дан ташқари, ижтимоий-иқтисодий формациянинг бири ҳалок бўлиб, иккинчиси пайдо бўлиши даврларида ўткинчи И. ч. м. юзага келиб турарди. Бу муносабатларнинг алоҳида хусусияти шундан иборатки, улар бир хўжалик тузилиши доирасида тип жиҳатдан турлича иқтисодий муносабатларнинг қўшилиб кетиши билан характерланади. Мас., ибтидоий жамоа тузуми бузилаётган даврда патриархал оила доирасида уруғдошлик муносабатларининг қолдиқлари билан қулдорлик муносабатларининг куртаклари бирга қўшилиб кетган эди. Қулдорлик муносабатлари бузилаётган даврда бир қанча мамлакатларда қулдорлик ва феодал муносабатларнинг элементларини ўзида қўшиб олган колонат пайдо бўлди; капитализмдан социализмга ўтиш даврида баъзи иқтисодий формалар коллектив ва хусусий мулкка асосланган муносабатларни ўзида қўшиб олиб боради (давлат капитализми, аралаш давлат-хусусий корхоналар, қишлоқда кооперациянинг ярим социалистик формалари ва ҳ. к.).

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КУЧЛАР ХАРАКТЕРИГА МУВОФИҚЛИГИ ҚОНУНИ — К. Маркс кашф этган объектив иқтисодий қонун бўлиб, бу қонун барча ижтимоий-иқтисодий формацияларда ишlab чиқарувчи кучлар билан ишlab чиқариш муносабатларининг ўзаро таъсирини белгилайди. Ишlab чиқарувчи кучлар ишlab чиқаришнинг белгилловчи, энг революцион ва ҳаракатчан элементидир. Улар доимо ривожланиб боради, ваҳоланки ишlab чиқариш муносабатлари барқарорроқ элементдир. Шу сабабли жамият та-

раққиётининг маълум босқичида янги ишлаб чиқарувчи кучлар билан эскирган ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасида зиддият пайдо бўлади. Лекин ишлаб чиқариш муносабатлари ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишда нечоғлиқ орқада қолмасин, улар эртами-кечми ишлаб чиқарувчи кучлар ривожининг даражасига, уларнинг характериға мувофиқ келишлари лозим ва жамият тараққиётининг тарихи кўрсатишича албатта мувофиқ келадилар. Антагонистик синфларға бўлинган жамиятда ўсиб кетган ишлаб чиқарувчи кучлар билан эски ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги зиддият ҳамisha конфликт даражасига бориб етади ва бу конфликт социал революция йўли билан ҳал қилинади (*Социал революция*). Социализм шароитида мулк ижтимоий характерға эға бўлганлиги туфайли ишлаб чиқариш муносабатлари, ишлаб чиқарувчи кучлар ҳолатиға тамомила мувофиқ бўлиб, уларға тезлаштирилган ва кризис нималигини билмайдиган тараққиёт учун кенг майдон очиб бермоқда. Бироқ социализм шароитида ҳам ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатларининг айрим томонлари ўртасида зиддиятлар пайдо бўлиб туради. Лекин бунда бу зиддиятлар конфликт даражасиға бориб етмайди, чунки бунда ижтимоий мулк ҳукм суради ва умри тугаётган ишлаб чиқариш муносабатларини сақлаб қолмадан манфаатдор бўлган синфлар бўлмади. Бундай вазиятда ўсиб бораётган зиддиятларни ўз вақтида пайқаб, ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш йўли билан уларни бартараф қилиш тадбирларини кўриш учун имконият яратилади. Маъмур қонун ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг алмашувини тушуниш учун калит беради.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УСУЛИ — хашиларнинг тирикчилиги учун зарур бўлган воситаларни (озик-овқат, кийим-кечак, уй-жой, ишлаб чиқариш куроллари) ишлаб чиқаришининг конкрет турини тавсифловчи тушунча, бу ишлаб чиқариш ижтимоий муно-

сабатларнинг тарихан муайян формаларида амалға оширилади. И. ч. у. — тарихий материализмнинг энг муҳим категорияларидан биридир, чунки у ижтимоий ҳаётнинг асосий соҳасини — кишиларнинг моддий-ишлаб чиқариш фаолияти соҳасини кўрсатади, умулан ҳаётнинг социал, сиёсий ва маънавий процессларини белгилайди. Тарихан муайян ҳар бир жамиятнинг структураси, унинг ҳаракат қилиши ва ривожланиш процесси И. ч. у. га боғлиқдир. Ижтимоий тараққиёт тарихи — И. ч. у. нинг ривожланиш ва алмашиниш тарихидир, жамиятнинг бошқа ҳамма структур элементларининг ўзгариши ҳам ана шу билан белгиланади. И. ч. у. чамбарчас боғлиқ йқки томоннинг: *ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатларининг* бирлигидир. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши уни белгилувчи томон — ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишидан бошланади, бу ишлаб чиқарувчи кучлар муайян даражада ишлаб чиқариш муносабатларига, яъни ўзлари улар доирасида ҳозиргача ривожланиб келган ишлаб чиқариш муносабатларига зид келиб қолади. Бу ҳол ишлаб чиқариш муносабатларининг қонуниятли ўзгаришиға олиб келади, чунки улар эндиликда ишлаб чиқариш процессининг зарур шарти сифатида хизмат қилмайдиган бўлиб қолади. Бир ишлаб чиқариш муносабатларининг алмашинуви — эски иқтисодий базисни янгиси билан алмаштиришни билдирадиган алмашинуви — эса улар устида турган устқурманиннг озми-кўми тезлик билан ўзгаришиға, бутун жамиятнинг ўзгаришиға олиб келади. Шундай қилиб, И. ч. у. нинг алмашиниши кишиларнинг хоҳиши билан эмас, балки *ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқарувчи кучлар характериға мувофиқ келиши* умумий иқтисодий қонунининг амал қилиши тақозоси билан содир бўлади. Бу алмашиниш — бутун жамият тараққиётига *ижтимоий-иқтисодий формациялар алмашинишининг* табиий тарихий жараёни характериғи беради.

Ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги конфликт — социал революциянинг иқтисодий асосидир, бу революцияни жамиятнинг прогрессив кучлари амалга оширади. Социалистик И. ч. у. шароитида ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасида пайдо бўладиган зиддиятлар конфликт даражасига бориб етмайди, чунки унда ишлаб чиқариш муносабатлари ишлаб чиқариш эришган янги даражага мувофиқ келмай қолган тақдирда, ишлаб чиқариш қуроллари ва воситалари ижтимоий мулк бўлганлиги сабабли, бутун жамият бу муносабатларни ўзгартиришдан манфаатдор бўлади. Коммунистик партия ва давлат социалистик И. ч. у. нинг ривожланиш қонуналарини билишга таяниб, пайдо бўлаётган зиддиятларни ўз вақтида пайқаб олиш ва уларни бартараф қилиш учун конкрет тадбирлар ишлаб чиқиш имкониятига эгадир. И. ч. у. нинг ривожланиш ва алмашилиш тарихий босқичлари ибтидоий жамоа, қулдорлик, феодал, капиталистик ва коммунистик И. ч. у. тушунчалари билан акс эттирилади. Юқорида санаб кўрсатилган у ёки бошқа И. ч. у. ни характерлайдиган тушунчалардан ҳар бири янада конкретлаштиришга муҳтождир, токи шу йўл билан айни бир И. ч. у. нинг турли вариантларининг тарихий ўзига хослигини (мас., антик ёки шарқий қулликни, капитализм ривожининг пруссча ёки америкача йўлини, турли мамлакатларда социализмнинг ўзига хос хусусиятларини, айрим мамлакатлар нокапиталистик ривожланишнинг ўзига хослигини ва ҳ. к.) акс эттириш мумкин бўлсин.

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КУЧЛАР — жамғарилган ва жонли меҳнатнинг узвий бирлиги, яъни *ишлаб чиқаришнинг* моддий ва шахсий элементларнинг мажмуи бўлиб, бу элементлар табиат предметларидан инсон эҳтиёжларини қондира оладиган нарсаларни ишлаб чиқариш учун зарурдир. Ишлаб чиқаришнинг моддий элементларига меҳнат қуроллари,

ишлаб чиқариш бинолари, темир йўллар, каналлар, тош йўллар, буғ, электр ва бошқалар кучи билан ишлайдиган двигателлар, трубопроводлар, элеваторлар, ёки, бошқача қилиб айтганда, инсон томонидан меҳнат предметига унинг таъсирини ўтказувчи бўлиб хизмат қилиш учун мослаштирилган барча предметлар ва предметларнинг комплекслари кирди. Шахсий элементларга меҳнат воситаларини ишлаб чиқарадиган ва уларни ҳаракатга келтирадиган кишилар кирди. И. ч. к. нинг белгилувчи моддий элементи — ишлаб чиқариш қуроллари, машиналар, машиналарнинг комплексларидир. «Ишлаб чиқаришнинг суяк ва мушак системасининг» (К. Маркс ва Ф. Энгельс, 23-т., 191-б.) ташкил этувчи худди ана шу меҳнат воситаларини марксизм философияси ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасининг кўрсаткичи деб ҳисоблайди. «Иқтисодий даврлар нима ишлаб чиқарилиши билан эмас, балки қай тарзда, қандай меҳнат воситалари орқали ишлаб чиқарилиши билан фарқ қилади» (ўша жойда). Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай процесси даставвал меҳнат воситаларини ясашни, сўнгра эса истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш учун улардан фойдаланишни назарда тутди. Шунинг учун ижтимоий ишлаб чиқариш ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришга («А» группаси) ва истеъмол воситалари ишлаб чиқаришга («Б» группаси) бўлинади. Ҳар қандай кенгайтирилган ишлаб чиқаришнинг қонуни — «А» группасини устун даражада ривожлантиришдан, тобора унумлироқ қуроллар, машиналар ва бошқа меҳнат воситаларини ясаш ва шу асосда экономиканинг барча тармоқларини қайта қуроллантиришдан иборат. ҚПСС XXIV съезди илгор техниканинг ролинин назарда тутиб, «ҳозирги замондаги юксак унумдор техника асосида халқ ҳўжалигининг барча тармоқларини қайта қуроллантиришни оғимасдан ва планли равишда амалга ошириш, янги техникани ва прогрессив технологияни

яратиш ва ўзлаштириш муддатларини бутун чоралар билан қисқартириш...» учун илмий-техника тараққиётини тезлаштириш вазифасини қўйди. Бу коммунизмнинг *моддий-техника базасини* қуриш учун айниқса муҳимдир, бутун ижтимоий ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш учун машиналар системаси бу базанинг негизи бўлмоғи лозим. Аммо одамларсиз ҳатто энг мукамал техника ҳам ўликдир. Ишлаб чиқариш қуроллари ва меҳнат воситаларининг ҳаммаси инсон қўлларининг ишидир, унинг амалий куч-қувватининг натижасидир, жамғарилган тажриба ва билимларнинг моддийлашувидир, табиатни ўзлаштиришда инсон эришган муваффақиятларнинг кўрсаткичидир. Инсон — энг асосий И. ч. к. дир. Одамлар билан бирликдагина меҳнат воситалари жамиятнинг И. ч. к. ини ташкил этади. Ана шундай бирликда меҳнат воситалари, гарчи улар инсоннинг оқилона фаолиятининг натижаси бўлса-да, шу билан бирга инсоннинг табиатга қанчалик ҳокимлик қилганлиги меъёрини белгилаб беради, яъни унинг ўзининг қанчалик камолотга эришганлиги даражасини тавсифлайди. Инсон ўзи билан табиат ўртасида жойлаштирадиган меҳнат воситаларини тақомиллаштириб ва шу муносабат билан ижтимоий ишлаб чиқаришнинг бутун процессини ривожлантириб бораркан, шу иши давомнда ўзи ҳам ўзгаради. И. ч. к. нинг ва аввало меҳнат қуролларининг ривожланиши — бутун тарихий тараққиётнинг асосидир. И. ч. к. нинг ривожланиб бориши кетидан *ишлаб чиқариш муносабатлари* ҳам ўзгаради, ундан кейин эса устқурманни ва ижтимоий ҳаётнинг ҳамма бoshқа томонларининг ўзгариши содир бўлади.

ИҚТИСОДИЙ МАТЕРИАЛИЗМ — ижтимоий тараққиётнинг бирдан-бир кучи — экономикадир, деб тарихни бир томонлама тушуниш. Сиёсат ва сиёсий муассасаларнинг, идеялар, назарияларнинг тарихий процесдаги аҳамияти бунда рад этилади

ёки камситилади. И. м. тарихни материалистик тушунишни вулгарлаштириш сифатида пайдо бўлди. Фарба Э. Бернштейн, Россияда «*легал марксизм*», «*экономизм*» вакиллари — И. м. нинг тарафдорлари эдилар. Тарихий материализм И. м. дан тубдан фарқ қилади. Тарихий материализм моддий ишлаб чиқаришни жамият тараққиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи деб билар ва сиёсий муассасалар, гоаялар, назарияларнинг келиб чиқишини жамиятнинг иқтисодий тузумига, жамият моддий ҳаётининг шароитларига боғлаб изоҳлар экан, айни вақтда сиёсий муассасалар, идеялар, назарияларнинг ижтимоий тараққиётда гоая катта аҳамиятга эга эканлигини ҳам таъкидлайди (*Экономика ва сиёсат*).

ИҚТИСОДИЙ УСИШ БОСҚИЧЛАРИ НАЗАРИЯСИ — америка социологи У. Ростоунинг концепцияси, «ягона индустриал жамият» назариясининг вариантларидан бири, бу вариант «Иқтисодий ўсиш босқичлари. Нокоммунистик манифест» китобида (1960) баён этилган. Бу назарияга кўра, тарих беш босқичга бўлинади: 1) то капитализмга қадар бутун жамиятни ўз ичига оладиган «традицион жамият»; бу жамиятнинг характерли хусусияти шуки, унда меҳнат унумдорлигининг даражаси паст бўлади, экономикада қишлоқ хўжалиги ҳукмронлик қилади; 2) «ўткинчи жамият», бу жамият монополиядан олдинги капитализмга ўтиш билан шартли равишда тўғри келади; 3) «силжиш даври», бу давр саноат революциялари ва индустриялашнинг бошланиши билан характерланади; 4) «етуклик даври» — индустриялаштиришнинг тугалланиши ва саноат жиҳатдан юксак тараққий қилган мамлакатларнинг пайдо бўлиши; 5) ҳозир гўё фақат АҚШда эришилган «оммавий истеъмолнинг юксак даражаси даври» И. ў. б. н. да тарихий тараққиётнинг ҳақиқий негизи — ишлаб чиқариш муносабатлари — ўрнига турли факторларнинг (техника-иқтисодий, психологик, сиёсий, маданий-тарихий ва б. омилларнинг) эклектик ўзаро таъсири қўйилади. И. ў.


О н ў социал моҳиятига кўра сифат жиҳатдан турлича бўлган ҳодисаларни умуман «индустриал жамият» доирасига тикштириб, уларни бирдай қилиб кўрсатишга уринади (мас., социалистик ва капиталистик индустрияларини бирдай қилиб кўрсатишга ури-

ниш). И. ў. б. н. капитализмни оқлашга уришиб, социалистик революцияларнинг зарурлигини инкор қилади, бутун дунё АҚШ намуна бўлаётган «ягона индустриал жамият»га қараб ҳаракат қилмоқда, деб исботламоқчи бўлади.



ЙОГА (санскритча—бирлашиш, қўшилиш)— ҳинд диний-фалсафий таълимоти бўлиб, бу таълимотга Патанжали (эраמידан олдин ёки кейин тахминан 1- аср) асос солган деб ҳисоблайдилар. **И. ҳиндуизмнинг** асосий қоидаларига қўшилиши билан бирга, мистик экстазни ҳамда инсонни қуршаб турган реал олам йўқ бўлиб кетадиган тамомла гангши ҳолатига олиб борадиган машқлар системасини индивидуал руҳнинг худо билан бирлашуви йўлида асосий нарсга деб ҳисоблайди. Бу машқлар энг қадим замонларга бориб тақаладики, у замонда шуларга ўхшаш усуллар гўё ғайри табиий кучларни қўлга олишга ёки бўйсундиришга ёрдам берган эмиш. Патанжали бу машқларни фақат системалаштириб, ўзининг «И.-сутра»сида баён қилган эмиш. **И.** нинг қуйи босқичи — «хатха-И.» дан, яъни жисмоний машқ усулларидан иборат бўлиб, бу усуллар тачни шундай ром қилишга қаратилган бўладикки, бундай

ром қилиш «раджа-И.» га, яъни психик машқларга ўтиш имкониятини беради, бу машқлар эса реал воқеликдан батамом ажралишга олиб боради. **И.** нинг ёрдами билан гўё беихёя кичрайиб, кўзга кўринмайдиган бўлиб қолиш ҳам, жуда улкан даражада катталаниб кетиш ҳам, истаган жойга бориш, нарсаларни мингларча километр наридан туриб «кўриш», бировларнинг фикрларини ўқиш, ўтмишни ва келажакни билиш, ўлганлар билан суҳбат қилиш ҳам мумкин эмиш. **И.** машқлари «қутулиш» йўллари билан бири сифатида Ҳиндистон динларининг кўпига (шу жумладан буддизмга ҳам) кирган. «Хатха-И.» мутлақо асоссиз равишда ҳамма дардлардан шифо топишнинг ва организмнинг ажойиб бир тарзда соғайиб кетишининг универсал методи қилиб кўрсатилади, аммо унинг баъзи усуллари (мас., нафас олиш методикаси) илмий даволаш физкультурасида муайян ўрин тутгандир.



КАБАНИС Пьер Жан Жорж (1757—1808)— француз материалист философи, маърифатчиси, врач; 1789—94 йиллар революциясининг замондоши, жирондист; якобинчилар террорини қоралаган эди. К. француз материализми мактабига мансуб бўлиб, бу мактаб, Декартнинг метафизикасига қарама-қарши ўлароқ, унинг физикасига ёндашарди. К. нинг фалсафий тадқиқотларининг асосий проблемаси физиология эди. У, онг бошлича инсоннинг физиологик функцияларига, унинг ички органларининг фаолиятига боғлиқ, деб ҳисобларди. К., жигар сафро ишлаб берганидек, мия ҳам фикр «ажратиб беради», деган даъво-си билан *вульгар материализм* томонига оғарди. У, табиий фанлар жамият ҳақидаги таълимотнинг асосидир, деб ҳисобларди; медицина ва физиологиянинг вазифаси — жамият хулқ-атворини ўзгартишдан иборат. Инсон организмнинг тузилишини ва фаолиятини билиш ижтимоий ҳодисаларни ва уларнинг ўзгаришларини тушунишнинг калитидир. Умрининг охирида К. виталист бўлиб, жоннинг мустақил яшашини эътироф қилган эди. Асосий асари — «Инсоннинг физикавий ва ахлоқий табиади ўртасидаги муносабат» (1802).

КАБЕ Этьен (1788—1856)—француз утопик социалисти. Қарбонарийлар махфий жамиятининг аъзоси эди. 1830 йилги француз буржуа революциясига қатнашди. «Икарияга саёхат» фантастик романида (1840) ва б. асарларида К. ўзининг коммунистик идеяларини баён қилган ва бу идеялар «Икария коммунизми» деб ном олган. К. нинг утопиясига майда буржуача хислатлар — истеъмолда тенгламачилик, келгуси жамиятда динни сақлаб қолиш, камбағаллар билан бойларни «муро-сага келтириш» идеяси хос эди. К. пролетариатнинг революцион курашига қарши коммунизмни тиңч йўл билан амалга оширишни ёқлаб чиққан эди.

Фалсафий масалаларда, хусусан тарихга бўлган қарашларида К. идеалистик ақидаларга амал қилиб, 17-аср рационализмининг платонизм ва неоплатонизм билан қўшган эди. Маркс, К. гарчи коммунизмнинг энг юзаки бўлса-да, танилган вакили эди, — деб ёзган эди.

КАВЕЛИН Константин Дмитриевич (1818—85)— рус идеалист философи, тарихчиси ва сиёсий арбоби. Москва ун-тетининг адъюнкти (адъюнкт— профессор ёрдамчиси—*тарж.*) (1844—48) ва Петербург ун-тетининг профессори (1857—61). Ешлигида гарбчи (*Гарбчилар*), *Белинский* ва *Герцен* мухлиси эди. 50-йилларда либерал бўлди, бу эса шунга олиб келдики, «Современник» журнали ва Герцен у билан алоқасини узди. У 60-йилларда сиёсий ва ахлоқий қарашларни асослаб бериш учун философияга мурожаат қилади. «Психологиянинг вазифалари» (1872) ва «Этиканинг вазифалари» (1885) асарларида христианлик этикасини оқлаб кўрсатиш учун психологияни мослаштиришга уриниб кўрди. Унинг фикрича, философия индивидуал инсон руҳи ҳақидаги фан, моддий субстратидан қатъи назар ахлоқий, руҳий оламни изоҳловчи психология бўлмоғи лозим. К. умумийликни тадқиқ қилувчи материализм ва идеализмнинг «абстрактлигига» индивидуал руҳнинг «конкрет» билимини қарама-қарши қўяди. Шу асосда гўё фалсафий системаларнинг (позитивизм ҳам шунга кирди) бир ёқламалиги ва маҳдудлиги орадан кўтари-лар эмиш. К.— *ирода* эркинлигининг тарафдори. К. назариясининг асосизлиги *Сеченов* томонидан К. нинг «Психологиянинг вазифаси» китобига ёзилган мулоҳазаларда кўрсатиб утилган.

КАЛЬВИН Жан (1509—64)— Франциядаги *Реформация* арбобларидан бири. 1536 йилдан Женевада истиқомат қилиб, унда шаҳарнинг ҳа-

қиқий диктатори бўлиб олди (1541), дунёвий ҳокимиятни черковга бўйсундиришга эришди. К. асос солган *протестантизм* системаси — кальвинизм — «ўша вақтдаги буржуазиянинг энг дадил қисмининг» (Энгельс) талабларини ифодаларди. Кальвинизмнинг асоси — худо баъзи кишиларнинг тақдирига «халос бўлишни» ва баъзи кишиларнинг тақдирига «қарғишга қолишни» олдиндан ёзиб қўйганлиги ҳақидаги таълимотдир. Лекин бундай тақдирга ёзиб қўйганлик актив фаолият кўрсатишни йўққа чиқармайди, чунки, К. нинг фикрича, диндор киши гарчи ўз қисмати нима бўлишини билмасда-да, ўз шахсий ҳаётидаги муваффақиятлари билан у «худонинг мумтоз кишиси» эканлигини исбот қилиши мумкин. Кальвинизм капиталнинг дастлабки жамғарилиши даврида буржуазиянинг қорчалонлигини оқлаб кўрсатарди. Бу ҳол шунда ўз ифодасини топган эдики, мўътадиллик ва тежамкорлик энг яхши фазилат деб эълон этилар, ва дунёвий аскетизм тарғиб қилинарди. К. нинг характерли хусусияти шу эдики, у бошқача фикр қилувчиларга диний нуқтан назардан душманларча қарарди. Унинг буйруғи билан олим Сервет ўтга ташлаб куйдирилган эди (1553). К. нинг асосий асари — «Христианлик диний эътиқодидаги панд-насихат» (1536).

КАМПАНЕЛЛА Томмазо (1582 йилда монахликка ўтказилганга қадар — Жованни Доменико (1568—1639) — италян философи, илк утопик коммунизмнинг вакилларидан бири. К. *Телезионинг* натурфилософик қарашларига қўшилларди, *схоластикага* қарши чиқиб, ўша вақт учун илғор бўлган *сенсуализм* ва *деизм* идеяларини ривожлантирарди (бирок бу идеялар унда диний-мистик қарашлар билан, сеҳргарлик ва астрологияга қизиқиш билан қўшилиб кетган эди). Унинг эркин фикрлилиги учун инквизиция томонидан таъқиб қилинарди. К. инсониятнинг бирлигини ва роҳат-фароғатда яшашини орау қиларди. 1599 йилда К. Италияни испанлар истибодидан озод қилиш мақсадида кўзголон кўтаришга уринди. Унинг

махфий ташкилоти *фош* қилинди, К. шафқатсиз қийноқлардан кейин турмага ташланди ва 27 йил турмада ётди. Турмада ўзининг «Қуёш шаҳри» деган утопиясини ёзди (1602). 1623 йилда эълон қилинган бу асарида К. хусусий мулк бўлмайдиган, ялпи меҳнат мўл-кўлликни таъминлайдиган, аммо турмушнинг қатъий низом-тартиби мавжуд бўлган, қоҳинлар ҳокимияти, аслда теократик характерга эга бўлган идеал жамият ҳақида ёзган эди. К. ўзининг коммунистик идеалини ақлини буйруғи ва табиат қонунлари билан асосларди. «Қуёш шаҳри» прогрессив ижтимоий фикрнинг ривожланишида катта роль ўйнади.

КАМЮ Альбер (1913—60) — француз ёзувчиси ва философи, атеистик *экзистенциализм*нинг вакили, Нобель мукофотининг лауреати (1957). К. нинг қарашлари *Кьеркегор*, *Ницше*, *Достоевский*нинг ҳамда немис экзистенциалист философларининг таъсири остида шаклланди. К. философиясининг марказий мавзуси — инсоннинг яшашининг маъноси ҳақидаги масаладан «хаёт яшашга арзийдими» деган масаладан иборат. Буржуа жамиятининг бюрократлаштирилган структурасига киритилган ҳозирги замон индивидини қараб чиқаркан, ўз яшашининг маъноси хусусида ҳар қандай ўй-хаёлдан маҳрум қилинган интеллигентнинг маънавий ҳаёти эидиятларини анализ қиларкан, К., инсоннинг яшashi беҳуда, деган хулосага келарди ва «беҳудалик» категориясини ўз философиясининг бош принципи қилиб қўяди. Инсон ҳаётининг бемаънилиги К. да Сизифнинг афсонавий образини гавдалантиради: маккорлиги учун жазога тортилган Сизиф катта тошни думалаб-таб тоққа чиқаради ва тоғ чўққисига чиқай деганда тош думалаб яна пастга тушади ва Сизифнинг бу иши тўхтовсиз такрорлана беради. Инсон бундай бемаъниликка чидай олмасдан «исён кўтарарди»; ана шундан бошлаб вақт-вақти билан «исёнлар», революциялар кўтарилиб, улардан инсон ўзининг «сизифча аҳволи»дан қутилиш учун стихияли равишда

нажот қилайди. «Уюштирилган», «тайёрланган» революцияни К. ўз тушунчасига эид деб ҳисоблайди, худди шунингдек у, революция унинг ўзини ижудга келтирган вазиятдан ҳақиқатан қутилиши йўлини кўрсатиши мумкин, деган ҳар қандай умидни пуч халф деб ҳисоблайди. К. нинг руҳий кайфияти—«беҳуда» дунёда нажотсиз ёлғизликда қолган, ҳозирги замон капиталистик жамиятнинг шафқатсизлигини ўзича ифодалаган инсоннинг кайфиятидир. Асосий асарлари: «Сизиф ҳақида афсона» (1942), «Чет киши» (1942), «Исёంచి» (1951).

КАНТ Иммануил (1724—1804) — немис философи ва олими, немис классик идеализмининг отаси. Кенгсбергда туғилиб, ўқиган ва ишлаган; бу ерда 1755—70 йилларда доцент, 1770—96 йилларда ун-тет профессори. К.—«танқидий» ёки «трансцендентал» идеализмининг асосчиси. «Ғайри танқидий» даврда (1770 йилгача) К. «Небуляр» космогоник гипотезани яратди, бу гипотезада планета системасининг пайдо бўлиши ва эволюцияси дастлабки «туманлик»дан келтириб чиқарилади. Айни шу вақтда К. бизнинг Галактикамиздан ташқарида галактикаларнинг Катта коиноти мавжудлиги гипотезасини айтди. Ернинг бир кеча-кундуздаги айланиши — ишқалашнинг ошиши натижасида — секинлашуви ҳақидаги таълимоти, ҳаракат ва осойишталик ҳақидаги таълимоти ривожлангирди. Коинот билан Ернинг табиий ривожланиши ҳақидаги материалистик идеяни бирлаштирган бу тадқиқотлар диалектиканинг шаклланишида муҳим роль ўйнади. «Ғайри танқидий» даврдаги фалсафий асарларида К.—*Юмнинг* эмпиризми ва скептицизми таъсири остида — реал асос билан манتيқий асос ўртасидаги тафовутни кўрсатди, философияга манфий миқдорлар ҳақидаги тушунчани киритди ва замондошларининг мистика ва «руҳбилликка» қизиқишларини масҳара қилиб кулди. Бу ишларнинг ҳаммасида тафаккурнинг дедуктив-формал методларининг роли тажриба фойдасини кўзлаб чегаралаб қўйилади. 1770 йил-

да К. нинг «танқидий» давр қарашларига ўтиши содир бўлди; 1781 йилда «Соф ақлни танқид», унинг кетидан «Амалий ақлни танқид» (1788) ва «Муҳокама қобилиятини танқид» (1790) асарлари пайдо бўлди. Бу асарларда билишнинг «танқидий» назарияси, этика, эстетика ва табиатнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги таълимот изчил суратда баён қилинди. «Танқидий» даврдаги асарида К. билиш формаларини ва бизнинг билувчилни қобилиятларимизнинг чегараларини дастлаб тадқиқ этишдан олдин ақл югуртириш философияси системасини (ўша вақтда расм бўлган терминга кўра, «метафизикани») тузиш мумкин эмаслигини исботлашга уринади. Бу тадқиқотлар уни *агностицизмга*, яъни шундай фикрга олиб келадики, гўё табиатда ўз-ўзligича мавжуд бўлган нарсаларни («нарсалар ўзида») принцип жиҳатдан биз билишимиз мумкин эмас: таъбир фақат «ҳодисалар»га, яъни бизнинг тажрибамизда нарсаларнинг юз беришига воситачи бўладиган усулга исбатан бўлиши мумкин эмиш. Фақат математика ва табиётда ишончли назарий билим мавжуддир. К. нинг фикрича, бу билим шунга боғлиқки, бизнинг онгимизда ҳиссий мушоҳаданинг «априор» формалари яққол кўриниб турибди, фаросатнинг худди шундай априор формалари ёки тушунчалари, алоқанинг ёки ҳиссий тилма-хиллик ва фаросат тушунчалари синтезининг априор формалари мавжуддир, бу формаларга, мас., субстанцияларнинг доимийлиги қонуни, субстанцияларнинг ўзаро таъсир қонуни асосланади. К. нинг фикрича, ақлда мутлақ билимга қатъий интилиш жо қилинган бўлиб, бу интилиш олий ахлоқий талаблардан келиб чиқади. Ана шунинг таъсири остида инсон фаросати макон ва замонда оламнинг чегаралари ёки чексизлиги ҳақидаги, оламнинг бўлинмас элементлари мавжуд бўлиши мумкинлиги ҳақидаги, оламда содир бўлаётган процессларнинг характери ҳақидаги, мутлақ зарурий вужуд сифатида худо ҳақидаги масалаларни ҳал қилишга интилади.

К., қуйдаги қарама-қарши фикрлар баб-баравар исботлаш йўли билан асослаб борилиши мумкин, деб ҳисобларди: олам ҳам ниҳоялидир ва ҳам чегаралари йўқдир; бўлинмас зарралар (атомлар) бор ва бундай зарралар йўқ; ҳамма процесслар сабабли боғланиш тарзида юз беради ва эркин равишда содир бўладиган процесслар (хатти-ҳаракатлар) мавжуддир; мутлақ зарур вужуд бор ва бундай вужуд йўқ. Шундай қилиб, ақл табиатан антиномиялидир, яъни зиддиятларда иккиланувчидир. Бироқ, К. нинг фикрича, бу зиддиятлар ҳар ҳолда фақат зоҳирийдир. Жумбоқнинг ечими — эътиқод фойдасини кўзлаб билишни чегаралашда, «нарсалар ўзида» билан «ҳодисалар»ни фарқ қилишда, «нарсалар ўзида»ни билиб бўлмайди, деб эътироф этишдадир. Шундай қилиб, инсон айни бир вақтда ҳам эркин эмасдир (ҳодисалар оламидаги вужуд сифатида), ҳам эркиндир (билиб бўлмайдиган ғайри ҳиссий оламнинг субъекти сифатида); худонинг борлигини исбот қилиб бўлмайди (билим учун) ва айни вақтда эътиқоднинг зарурий постулати бўлиб, бизнинг оламда ахлоқий тартиб борлигига ишончимиз ана шунга асосланади ва ҳ. к. К. да «нарсалар ўзида»нинг ва «ҳодисалар»нинг дуализми учун ҳамда агностицизм учун асос бўлиб хизмат қилган бу таълимот немис классик идеализмида ижобий диалектикани ишлаб чиқиш учун туртки бўлди. Аксинча, билишни, хатти-ҳаракатни ва ижодиётни тушунишда бу таълимот дуализмнинг, агностицизм ва формализмнинг асири бўлиб қола берди. Чунончи, К. этикада мутлақ буйруқни (*Катвий императив*) унинг асосий қонуни деб эълон қилди, бу буйруқ хатти-ҳаракатнинг мазмунига мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолда хулқ-атворнинг ялпи умумий қонуни бўла оладиган қоидага амал қилишни талаб этади. Эстетикада К. гўзаллиқни «мароқланмаган» ҳузурдан иборат қилиб қўйди, бу ҳузур эса санъат асарида тасвирланган предметнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигига боғлиқ эмасдир ва у фа-

қат форманинг тақозоси билан юзага келгандир. Зотан, К. ўз формализмнинг изчил суратда амалга оширилмаган: этикада — қатъий императивнинг формал характерига хилофан — у ҳар бир шахснинг ўз қадр-қиммати принципини илгари сурдики, бу қадр-қиммат ҳатто бутун жамиятнинг бахт-саодати йўлида ҳам қурбон қилинмаслиги лозим; эстетикада — гўзаллиқни тушунишдаги формализмга хилофан — у поэзияни санъатнинг олий тури деб эълон қилди, чунки поэзия идеални тасвирлашгача юксакликка кўтарилди ва ҳ. к. К. нинг жамият ҳаётининг тарихий процессида антагонизмларнинг роли ҳақидаги таълимоти ва абадий тинчликнинг зарурлиги ҳақидаги таълимоти прогрессив таълимотлар эди. К. халқаро савдо-сотикни ва турли давлатлар учун ўзаро фойдалли алоқаларни ривожлантиришни тинчликни барқарор қилиш ва сақлаш воқитаси деб ҳисобларди. К. нинг зиддиятларга тўлиб-тошган таълимоти илмий ва фалсафий фикрнинг ундан кейинги ривожланишига фоят катта таъсир кўрсатди. Марксизм-ленинизм классиклари К. ни танқид қилганлариди, унинг янглишлари, зиддиятлари ва ноизчиллигининг социал сабаби — ўша вақтдаги немис буржуазиясининг қолоқлигида ва зайфлигида, деб кўрсатган эдилар. 19-асрнинг охири — 20-асрнинг биринчи ярмида таназзуллашиб кетаётган буржуа фикри К. нинг ноизчиллигидан фойдаланди, ўзининг реакцияон системаларини (*Янги кантчилик, Ахлоқий социализм, Марбурге мактаби, Баден мактаби*) асослаш учун унинг бир қанча хато таълимотларини ўзлаштириб олди.

«КАПИТАЛ» — Маркснинг бош асари бўлиб, бу асар капиталистик ишлаб чиқариш усули қонуналарини очиб берди ва социализмни илмий асосга қўйди. Маркс «К.»ни ўз умри давомида қилинган иш, деб атаган эди. Маркс «К.» устида ишлашни 40-йилнинг ўрталаридан бошлаб то вафотигача давом эттирган эди. Биринчи томи 1867 йилда чиқди, ундан кейинги томлари Маркс вафотидан

кейин босибди чiqдн, уларни Энгельс нашрга тайёрлаган эди: иккинчи томи 1885 йилда, учинчи томи 1894 йилда чiqдн. «К.» ишг. чет тилга қилинган биринчи таржимаси русча таржима эди (1872). Биринчи томи капитал ҳосил қилиш процессини анализ қилишга, иккинчиси муомала процессига, учинчиси умуман капитални такрор ҳосил қилиш процессига бағишланган. Тўртинчи том («Қўшимча қиймат назарияси») иқтисодий таълимотлар тарихига ва танқидига бағишланган. Маркс *ижтимоий иқтисодий формация* сифатида капитализмни тўла-тўқис анализ қилиб берди, унинг пайдо бўлиш, ривожланиш ва ҳалок бўлиш қонуналарини очиб кўрсатди. Энг катта иқтисодий тадқиқотдан иборат бўлган «К.» шу билан бирга гоят катта фалсафий аҳамиятга ҳам эгадир. У «энг мураккаб бир ижтимоий формацияни материалистик метод билан илмий асосда анализ қилиб беришнинг намунаси, ҳамма эътироф қилган ва ҳаммадан устун бўлган намунасидир» (В. И. Ленин, 1-т., 150-б.). Унда материалистик диалектика ажойиб татбиқ этилибгина қолмай, шу билан бирга у объектив воқеликни тадқиқ қилиш методи сифатида, логика ва билиш назарияси сифатида ҳамма асосий томонлардан ишлаб ҳам чиқилган. Маркс кўрсатдики, капитализм ривожланаётган ҳодисадир, тарихан ўткинчи ишлаб чиқариш усулидир, бу усулнинг миқдор ўзгаришлари унинг туб сифат ўзгаришлари учун янги, социалистик ишлаб чиқариш усулига сакраш учун зарур замин ҳозирлайди. Капитализмнинг Маркс томонидан қилинган бутун анализи бошдан охиригача, товар ишлаб чиқаришнинг дастлабки кўринишларидан тортиб то «экспроприататорларни экспроприация қилиш» пайти қонуниятли суратда бошланадиган энг юқори кульминацион нуқтасигача унинг ҳаракати ва тараққиётидаги зиддиятларни очиб ташлаш белгиси остида ўтади. Маркс бу зиддиятларнинг кучайиб бориш шалларини, уларнинг мазмуни ва ҳал қилиниши усулларини ва ўзгаришларнинг батафсил ва чу-

қур кузатиб боради ва ижтимоий-иқтисодий формациялар тараққиётининг энг муҳим ва умумий қонуналаридан бирини бундай деб таърифлаб беради: «...Ишлаб чиқаришнинг маълум тарихий формаси зиддиятларнинг ривожланиши — унинг емирилиши ва янгисининг тузилишининг бирдан-бир тарихий йўлидир» (23-т., 499-б.). Шу билан бирга «К.» тушунчаларни ва тафаккурнинг бошқа формаларини диалектик-материалистик анализ қилишнинг конкрет гавдаланишидан ҳам иборат, чунки мазкур тушунчалар ва бошқа тафаккур формалари воситаси билан объектив воқелик бутун мураккаблиги ва ҳар томонлигида қайта ҳосил қилинади. Маркс иш кўрадиган иқтисодий тушунчалар эңчил, ҳаракатчан, диалектик равишда зиддиятли бўлиб, улар реал ижтимоий муносабатларнинг ўзгарувчанлигини ва зидма-зидлигини акс эттиради. Маркс томонидан «К.» да ишлаб чиқилган ва татбиқ этилган абстрактликдан конкретликка томон (*Абстрактлик ва конкретлик*) юқорилаб бориш методи айниқса муҳим аҳамиятга эгадир. Тушунчалар ҳаракати, уларнинг ривожланиши ва ўтишлари логикаси товар ишлаб чиқаришнинг тарихини, ишлаб чиқариш усулининг тарихий тараққиётини акс эттиради. Бироқ Маркс *тарихийлик билан мантиқийликнинг* алоқаси шунчаки оддий ва тўғри йўл билан борадиган алоқа эмаслигини кўрсатди. Капиталистик ишлаб ичқариш усули ўтмишда мавжуд бўлган иқтисодий формаларни (мас., савдо ва пул капиталлари, рента ва ш. к.) ўзига бўйсундириб, модификация қилиши сабабли, анализ қилиш логикаси саноат капитали қаби асосий ва ҳал қилувчи формани асос қилиб олишни талаб этади. Маркс таъбири билан айтганда, бу шундай бир ёруғликки, қолган ҳамма нарсага ёригади ва фақат у туфайли муҳим муносабатларни тушуниб олиш мумкин бўлади. Шу сабабли Маркс бир қанча ҳолларда тарихан кейинроқ пайдо бўлган категорияларни онгли равишда бошланғич категориялар қилиб олади, олдин

ўтган категорияларни эса улардан кейин қараб чиқади (мас., савдо, банк капиталлари, рента саноат капиталидан кейин тадқиқ этилади). У жиддий илмий методология туфайли, қай-тариқа қўшимча қиймат (қўшимча қиймат ҳақидаги таълимот марксистик сиёсий иқтисоднинг негизини ташкил этади) капиталистик ишлаб чиқаришнинг барча ҳодисалари ва процессларида ўзининг конкрет гавдаланишига эга бўлишини кўрсата билган. «К.»— жамиятга ва ижтимоий тараққиётга тарихий-материалистик нуқтаи назаридан қарашнинг классик намунасидир. Ленин, «К.» туфайли тарихий материализм гипотеза бўлмай қолди ва исбот қилинган илмий назарияга айланди, деб кўрсатган эди. «К.»да тарихий материализмнинг ҳамма асосий қондалари ва тушунчалари ишлаб чиқилган. Маркс капитализмнинг ривожланишини табиий-тарихий процесс сифатида ишлаб чиқарувчи кучларнинг, барча ижтимоий ўзгаришларнинг пировард ҳисобда ҳал қилувчи ана шу манбаининг ривожланиши асосида тадқиқ қилади. Маркс ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатларининг диалектикасини, уларнинг бирлигини ва зиддиятларини, буржуа жамиятининг ишлаб чиқариш муносабатлари тадрижий суратда ва лекин муқаррар равишда ишлаб чиқаришнинг эркин ривожланишини бўғиб қўядиган ва буржуа ишлаб чиқариш муносабатларини социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари билан алмаштиришни талаб қиладиган факторга айланишини кўрсатади. Капитализмнинг ҳозирги замон идеологлари, «К.» энди эскирди, унинг асосий қондаларини 20-асрдаги буржуа жамиятига татиқ қилиб бўлмайди, деб исботлашга уринмоқдалар. Ҳақиқатда эса идеяларни империализм ҳақидаги ленинча назарияда янада ривожлантирилган Маркснинг бу асари ҳозир ҳам ишчи-лар синфининг капитализм зулмидан қутулиш учун олиб бораётган курашида қудратли қуролдир, марксизмнинг сўнмас илмий ва революцион кучининг мангу ёдгорлигидир.

КАПИТАЛИЗМ — феодализм ўрнига келган *ижтимоий-иқтисодий форма-ция*. К. нинг асоси — ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий мулк-лигидан ва ёлланма меҳнатни эксплуатация қилишдан иборат. Капиталистик ишлаб чиқаришнинг асосий қонуни қўшимча қиймат олишдир. Ишлаб чиқариш анархияси, вақт-вақти билан бўладиган иқтисодий кризислар, сурункали ишсизлик К. нинг харак-терли хусусиятларидир. К. нинг асо-сий зиддияти — меҳнатнинг ижти-моий характери билан хусусий капи-талистик ўзлаштириш формаси ўрта-сидаги зиддият—капиталистик жамия-тнинг асосий синфлари бўлмиш про-летариат билаң буржуазия ўртасида-ги антагонизмда ўз ифодасини топа-ди. К. нинг бутун тарихи давомида пролетариат олиб борган синфий ку-рашнинг энг юқори нуқтаси — *соци-алистик революция*дир. К. нинг иде-ологлари жар солиб зълон қилаётган сиёсий тенглик кўп жиҳатдан формал тенгликдир ва у доим иқтисодий тенг-сизлик билан тўлиб туради. Капита-листик базис устидаги бутун устқур-ма, давлат машинаси ва идеология меҳнаткашлар оммасини сиёсий ҳаёт-дан четлатишга мослаштирилган. 16-асрда пайдо бўлгач, К. жамият та-раққиётида прогрессив роль ўйнади, феодализмга нисбатан анча юқори меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чи-қарувчи кучларнинг тез ривожлани-шини таъминлади. 19—20-асрлар че-гарасида К. ўзининг энг юқори, охири-ги босқичига — *империализм* дав-рига қадам қўйди, империализм дав-рининг характерли хусусияти шуки, унда монополиялар ва молия олигар-хияси ҳукмронлик қилади, ҳамма со-ҳада (сиёсат, идеология ва ҳ. к.) реакция кучаяди. Бу даврда милита-ризмни кучайтирувчи ва монополия-ларнинг қувватини давлатнинг кучи билан қўшувчи *давлат-монополистик капитализм* кенг ёйилади. Ҳозирги за-мон К. и бутун инсониятнинг ҳаётий манфаатларига, прогрессив интилиш-ларига душмандир. Биринчи жаҳон уруши ва Улуғ Октябрь социалистик революцияси *капитализмнинг умий*

кризисини асос солдилар, К. зиддиятларининг кескинлашаётганлиги, тобора яшидан-янги мамлакатларнинг капиталистик системадан тушиб бораётганлиги, миллий-озодлик ҳаракати натижасида мустамлакачилик системасининг емираётганлиги, халқаро майдонда кучлар нисбатининг *социализм* фойдасига ўзгараётганлиги мазкур кризиснинг юз беришидир. «Капитализмнинг янги шароитга мослашишига уриниши ижтимоий система сифатида уни стабиллашга олиб бормаётир,— дейилади КПСС XXIV съезди резолюциясида,— капитализмнинг умумий кризиси ҳамон чуқурлашиб бормоқда».

КАПИТАЛИЗМНИНГ УМУМИЙ КРИЗИСИ—жаҳон капиталистик системасининг бузилиш процесси бўлиб, бу процесс буржуа жамиятининг ҳамма томонларига: экономикасига, сиёсатига ва идеологиясига шиддат билан кириб боради. К. у. к. ҳақидаги назарияни В. И. Ленин чириб бораётган капитализмдан иборат бўлган *империализм* ҳақидаги таълимот муносабати билан ишлаб чиққан эди, сўнгра бу назария КПССнинг ва қардош коммунистик партияларнинг назарий ҳужжатларида бойитилди. К. у. к. империализмнинг имманитет қонунларидан тугилган. Унинг асосий белгилари шуки, бу кризис оқибатида жаҳон капитализм системасининг ҳукмронлик соҳаси тораяди, бу эса социалистик давлатларнинг ташкил топишида ва империализм мустамлака системасининг кризисиди, империализмнинг ички иқтисодий ва сиёсий зиддиятларининг ниҳоятда кескинлашишида ифодаланади. Умуман капиталистик системанинг кризиси бўлган К. у. к., шундай бўлишига қарамай, бу системанинг айрим звеноларида капитализмнинг ривожланиши мумкинлигини истисно қилмайди. Шундай даврлар ҳам бўладики, бу даврларда айрим капиталистик мамлакатларнинг ўсиш суръатлари юксак даражага етади. Лекин капитализмнинг ўсиши — бу айни вақтда унинг барча зиддиятларининг ўсиши ҳам демакдир. К. у. к. ни бартараф қилиш учун

давлат-монополистик капитализмдан фойдаланишига уринишлар бу процессни фақат чуқурлаштирмоқда ва жамиятни революцион йўл билан қайта қуришни тайёрламоқда. К. у. к. 3 асосий босқичдан ўтган бўлиб, бу босқичларнинг ҳар бирида К. у. к. нинг асосий белгиси ўзига хос равишда юз беради. 1-жаҳон уруши ва Октябр революцияси даврида бошланган 1-босқичнинг характерли хусусиятлари шуки, бу босқичда жаҳонда биринчи социалистик давлат барпо бўлди ва мустамлакачилик кризиси бошланди. К. у. к. нинг 2-жаҳон урушидан бошланган 2-босқичи шу билан характерланадики, бу босқичда капитализмдан тобора яшидан-янги мамлакатлар ажралиб чиқди (*Халқ демократияси*) ва жаҳон социализм системаси ташкил топди, мустамлака системаси емирла бошлади. К. у. к. нинг 3-босқичи (50-йиллар) шу билан белгиланадики, бу босқичда капитализмнинг барча зиддиятлари янада чуқурлашди ва унинг таъсир доираси торайди. К. у. к. нинг 3-босқичининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у жаҳон урушига боғлиқ бўлмаган ҳолда пайдо бўлди. Бу ҳол уруш ўз-ўзлича, етилмаган зиддиятларсиз К. у. к. нинг ривожланиш шарти бўлмаслигидан далолат беради. Унинг ҳар бир янги босқичининг бошланиши капитализмнинг дунё миқёсида тутган ўрни ва ролининг сифат жиҳатдан ўзгариши билан белгиланади. Бу эса аввало жаҳон социалистик системасининг янада мустаҳкамланиши ҳамда жаҳон тараққиётининг боришига унинг иқтисодий ва сиёсий таъсир кўрсатишининг кучайиши билан боғлиқдир. Ҳозирги замон капитализмнинг хусусиятларидан бири шундан иборатки, у дунёдаги янги вазиятга мослашмоқда (эксплуатациянинг қўпроқ ниқобланган формаларини қўлланмоқда, бир қанча ҳолларда жузъий реформаларга рози бўлмоқда). Аммо бундай мослашиш бир система сифатида капитализмнинг стабиллашувини билдирмайди. К. у. к., КПСС XXIV съездида таъкидлаб ўтилганидек, ҳамон чуқурлашиб бормоқда.

КАРИНСКИЙ Михаил Иванович (1840—1917) — рус логика олими ва философи. 1869—94 йилларда Петербург руҳоний академиясида ва бошқа ўқув юрларида философиядан дарс берди. «Герман философиясининг охириги даврининг таъкидий обзори» асарида (1873) немис идеализмига қарши чиқди. Ўз қарашларида материализмга мойиллик кўрсатарди («Ходиса ва воқелик», 1878; «Ўз-ўзидан яққол кўриниб турган ҳақиқатлар тўғрисидаги масала юзасидан янги эмпиризм мактабида ихтилоф», 1914; «Логика», литографияда босилган, СПб, 1884—85, ва б.). «Хулосаларнинг туркумланиши» деган докторлик диссертациясида (1880) К. логикада синлогистик ва индуктив йўналишларни ишлаб чиқди ва бу масалада янги фикрларни айтди. «Ўз-ўзидан яққол кўриниб турган ҳақиқатлар тўғрисида» деган асарида (1893) К. билиш назарияси масалаларида Кант философиясининг догматизм ва априоризмини таъкид қилди. К. бир неча марта неокантчиларга (шу жумладан А. И. Вееденскийга) ҳамда берклича субъектив идеализмга қарши чиқди. К.—философия тарихига оид оригинал асарларнинг автори («Ипполитнинг философ Анаксимен ҳақида шубҳали гувоҳлиги», 1881; «Қадимги философия тарихидан лекциялар», 1885; «Янги философия тарихидан лекциялар», 1884, ва б.).

КАРЛЕЙЛЬ Томас (1795—1881) — инглиз буржуа философи ва тарихчиси. К. нинг дунёқарши — пантеизм. Немис идеалистик философиясини ва реакция романтизми тарғиб қилди. *Фихтенинг* оламнинг яратилиш ибтидоси сифатида субъектнинг актив фаолияти ҳақидаги таълимотини К. жамиятга татбиқ этиб, «қаҳрамонларга сиғинишни» яратди. К. нинг фикрича, жамият тарихи — буюк кишилар таржимаи ҳолидан иборат. К.—тарихий доирвий айланмиш назариясининг тарафдори. Унинг капитализмни таъкид қилиши «феодал социализми»га яқиндир. Европада 1848 йил революциялари ва Англияда чартистлар ҳарикати мағлубиятга учраган

дан кейин К. узил-кесил йирик буржуазия лагерига ўтиб олди, унинг диктатурасини қувватлади, ишчилар синфига нисбатан кўрилган жазо-таъкибларни, Англиянинг мустамлакачилик сиёсатини ҳақ қилиб кўрсатмоқчи бўлди. Ҳозирги замон буржуа философлари ва социологари К. нинг меросидан марксизм-ленинизмга қарши кураш учун фойдаланмоқдалар. Асосий асарлари: «Сартор Резартус» (1834), «Қаҳрамонлар, қаҳрамонларни эъзозлаш ва тарихда қаҳрамонлик» (1840), «Ўтмиш ва ҳозир» (1843), «Француз революцияси тарихи» (3 томлик, 1837). «Ҳозирги замон памфлетлари» (1850).

КАРНАП Рудольф (1891 йил туғ.) — философ ва логик, *неопозитивизм* лидерларидан бири. Вена тўғрагининг актив иштирокчиси эди. Вена ва Прага ун-тларида философиядан дарс берди. 1936 йилдан АҚШда Калифорния ун-тегида философия профессори бўлиб ишлайди. К. учун характерли нарсаси шуки, у философиянинг дунёқаровчилик хусусиятини илкор эътибор ва ун математик логика апаратида асосланган «фан тилининг мантикий анализи»дан иборат қилиб қўяди, К. нинг тушуничча, бу анализнинг назарий-билувчилик асоси — эмпиризмнинг *конвенционализм* билан бирлаштиришдан иборат. К. нинг асарларида неопозитивизмнинг фалсафий концепцияси логика назарияси ва фаннинг мантикий-методологик анализи соҳасидаги талқиқотлар билан чирмашиб кетади. К. нинг табиатга қарашлари эволюциясандаги мантиқийлики икки босқичга ажратиш мумкин: 1) синтаксистик босқич, бунда К. логика фанини тил фанининг мантикий синтаксиси сифатида олиб қарарди ва 2) семантик босқич, бунда К. фан тилининг фақат формал аспекти эмас, балки мазмун томони ҳам талқиқот предмети қилиб қўяди. Бу босқичда К. логик *семантикани* бошланғич тушунчалари асосида формал логиканинг ягона бир системасини тузишга уринади. К. ўзининг сўнги асарларида назарий прагматикани (*Семаотика*) ишлаб чиқиш мум-

билишши қараб чиқади. К.нинг асосий асарлари — «Тилнинг логик синтаксиси» (1934), «Семантикага оид таълиқотлар» (1942—47), «Маъно ва зиғурият» (1947), «Символик логикага муқаддима» (1954).

КАРНЕАД КРИЕНЛИК (эрамиздан олдин 214—129) — грек философи, Унинг академиянинг (*Платон академияси*) бошлиғи. Принципиал скептик бўлиб, академия бўйича ўз салафи *Аркесилайнинг* скептик философиясини чуқурлаштирди. Унинг ўзи ҳеч нима ёзмаган, унинг лекциялари эса бизгача етиб келмаган. Унча-мунча жуда камбағал манбалар чинакам билишнинг мумкин эмаслиги ҳақидаги ва ҳар қандай билишни жуда деганда эҳтимолий тасдиқдан иборат қилиб қўйиш ҳақидаги академик скепсис учун тилик бўлган таълимоти кўрсатиб ўтадилар. Бу эҳтимоликнинг турли даражаси анализ қилиб кўрилса-да, улардан ҳеч бири ҳақиқатга тенг деб эътироф этилмади. Мавжудотнинг номукамаллиги ҳақидаги таълимот муносабати билан К. худонинг борлиғини теологик исботлашни танқид қилганлиги маълумдир. Этикада ҳам скептиklar учун одат бўлган табиий ноз-неъматлар ҳақидаги ва табиатга ҳеч қандай таъсир кўрсатмаган ҳолда табиат билан мутаносиб ҳаёт ҳақидаги таълимоти тарғиб қилган.

КАРТЕЗИАНЛИК (Cartesius — Декарт номининг лат. транскрипцияси) — Декартнинг ва хусусан унинг издошларининг таълимоти. 17—18-асрларда француз ва нидерланд философлари орасида аиниқса кенг тарқалган картезианлик мактаби икки йўналишга: Декартнинг табиатни механистик-материалистик тушунишига қўшилган прогрессив йўналишга (Леруа, Ламетри, Кабанис) ва Декартнинг идеалистик метафизикасига қўшилган реакция йўналишга (Мерсье, окказионализм, Мальбранш) ажралиб кетди.

КАССИРЕР Эрнст (1874—1945) — идеалист философ, неокантчилик марбурге мактабининг асосий вакиллари-дан бири. Берлин, Гамбургда филосо-

фия профессори, Германияда фашистлар диктатураси ўрнатилгандан кейин Швеция ва АҚШда истиқомат қилди (Иель ин-тининг профессори эди). Марбург мактаби идеяларини гносеология тарихини ва философия тарихини ишлаб чиқишга татбиқ этди. «Субстанция тушунчаси ва функция тушунчаси» китобида (1910; русча таржимаси: «Билиш ва воқелик») илмий абстракцияларга реаллик инъикоси деб қарашга эътироз билдирди, моддий оламни соф тафаккур категорияларига қориштириб юборди, унинг қонунларини эса сохталаштириб, улар ўрнига идеалистларча талқин этилган функционал қарамликни тикқштирди; кейинчалик илмий билишни «символик» тафаккур формаларидан бири қилиб кўрсатишга уринди. К. философия тарихига доир — антик философия, Уйғониш даври, Маърифатчилик даври философиясига доир бир қанча асарлар, Лейбниц ва Кант ҳақида монографиялар ёзди. Асарлари: «Философияда ва янги замон фанида билиш проблемаси» (4 томлик, 1906—57), «Символик формалар философияси» (3 томлик, 1923—29).

КАТАРСИС (грек. katharsis — тозалаш, мусаффо қилиш) — қадимги грек эстетикасининг тушунчаси бўлиб, санъатнинг инсонга эстетик таъсирини тавсифлайди. «К.» сўзини греклар кўп маънода: диний, ахлоқий, физиологик ва табиий маъноларда ишлатганлар. *Аристотель* «Поэтика»да, трагедия аффектларни (руҳий ҳажонларни) тозалашни дард-алам ва қўрқув йўли билан амалга оширади, деб кўрсатган эди. «Поэтика»да у, музика ҳам инсонга таъсир кўрсатганида «ўзича бир нав мусаффолик, яъни ҳузур қилиш билан боғлиқ бўлган енгиллик» бағишлайди, дейди. К. га бағишланган жуда кўп адабиётда унинг моҳияти ҳақида бир фикр йўқ. Афтидан, К. эстетик кечинмада санъатлаштирилган физиологик моментни ҳам (ҳис-туйғуларнинг ниҳоятда ҳаяжонланишидан кейинги енгиллик), ахлоқий моментни ҳам (инсон ҳис-туйғуларини одижаоблик даражасига кўтариш) ўз ичига олади.

КАТЕГОРИЯЛАР (грек. *katēgoria*— кўрсатма, гувоҳлик) философияда — асосий тушунчалар бўлиб, бу тушунчалар воқелик ва билиш ҳодисаларининг энг умумий ва муҳим хоссаларини, томонларини, муносабатларини акс эттиради. К. билишнинг ижтимоий практика асосида тарихий ривожланиши процессида ташкил топди. Улар инсонга ўз теварак-атрофидаги олами чўқур билишга имкон беради. Объектни билиш процесси инсон онгида воқеликнинг акс этишининг оддий механистик жараёни бўлмай, балки ҳиссий маълумотлардан абстракцияга, айримликдан умумийликка ва ҳ. к. ўтишнинг мураккаб процессидир. Абстракт тафаккурнинг энг муҳим белгиларидан бири—тушунчаларнинг, К. нинг ташкил топишидир. К. ҳақидаги таълимотнинг сарчашмалари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Мас., *вайшешика* таълимотида субстанция, сифат, амал ва ҳ. к. К. и. ҳақида сўзланган. Фалсафий К. ни ишлаб чиқишда *Аристотелнинг* хизмати катта бўлган. У 10 К. ни санаб кўрсатган: моҳият, сифат ва б. К. ни у борлиқнинг асосий жиқслари деб қараган ва уларнинг билувчилик аҳамиятига юқсак баҳо берган. Урта аср шарқида *Ал Кинди*, *Форобий*, *Ибн Сино*, *Беруний*, *Ибн Рушдлар* категориялар ҳақидаги таълимотни ривожлантирдилар. К. ҳақидаги таълимотни янги замонда *Кант* ривожлантирди, аммо К. ни у мушоҳада ва фаросатнинг априор формалари деб билади. *Гегель* К. ни диалектик ривожланишида олиб қарарди — унинг логикасининг гоят катта қиммати ҳам ана шундан иборат, лекин унинг системасида К. идеявий моҳиятлардир, ҳақиқий олами яратувчи абсолют идея ривожининг поғоначаларидир. Ҳозирги замон идеалистик, хусусан неопозитивистик философиясида К. ё назар-писандага олинмайди, ёки инсон тажрибасини тартибга солишнинг соф субъектив ва «қулай» формаси деб қаралади. Бошқа идеалистлар (*Н. Гартман*, *неотомизм*, *экзистенциализм* ва ҳ. к.). К. ни соф руҳий трансцендент моҳиятларга нисбат берадилар. Диалектик мате-

риализм К. га борлиқни акс эттириш формалари ва билишнинг таянч нуқталари деб катта аҳамият беради. Диалектик материализмнинг асосий К. лари: *материя*, *ҳаракат*, *замон ва макон*, *сифат ва миқдор*, *зиддият*, *сабабият*, *зарурият ва тасодиф*, *мазмуни ва форма*, *имконият ва воқелик* ва ш. к. Бу К. ўзаро муайян алоқада бўлиб, муайян системадан иборатдир, бу системада улар шунчаки ўзбошимчилик билан бир-бири ёнида жойлаштирилган эмас, балки реалликнинг ва билиш тараққётининг объектив қонунарига мувофиқ равишда бири иккинчисидан келтириб чиқарилади (*Категориялар координацияси ва субординацияси*): К. системасини тузишнинг асосий принципи — *тарихийлик ва мантиқийлик* бирлигидан, билишнинг ҳодисадан моҳиятга томон, ташқи ҳолатдан ички ҳолатга томон, абстрактликдан конкретликка томон, оддийликдан мураккабликка томон ривожланишидан иборат. Марксистик философиядаги ва ҳар қандай бошқа фандаги К. биқик, ўзгармас система эмасдир. Объектив воқеликнинг ривожланиб бориши ва илмий билимнинг илгарилаб кетиши муносабати билан илмий К. нинг сони ва мазмуни бойиб боради, К. системаси объектив олами тўла ва ҳар томонлама акс эттиришга тобора кўпроқ яқинлашиб боради. К. ривожланаётган воқеликнинг муҳим алоқаларини ифодаларкан, уларнинг ўзлари акс эттирадиган ҳодисалари каби ҳаракатчан, эпчил бўлмоқлари лозим.

КАТЕГОРИЯЛАРНИНГ КООРДИНАЦИЯСИ ВА СУБОРДИНАЦИЯСИ (лат. *co, cum* — с, биргаликда; *sub* — остида, кейин; *ordinatio* — тартибга солиш) — тушунчалар, категориялар системаларининг икки хили бўлиб, уларга кирувчи элементларнинг алоқа структураси билан бир-биридан фарқ қилади. Координацион система элементлари мустақил аҳамиятга эгадир ва сиртдан бир-бирига қарамдир. С. элементлари мустақил бирликлардан иборат эмасдир, уларнинг аҳамияти бошқа элементларнинг аҳамиятидан келиб чиқади ва улар билан

ички алоқада бўлиши, бирининг иккинчисига ўтишини, ривожланишини назарда тутлади. Билимнинг алоҳида системалари сифатида К. ва С. билишнинг турли процессларнинг якунидир. Бўлишнинг асоси деб қабул қилинган белгига мувофиқ предметнинг таркибий қисмларга бўлиниш процесси К. га олиб келади. Билимнинг бундай тури ягона бир бутуннинг функционал қарам қисмларини кўздан кечириш учун зарур бўлса-да, лекин у абстракт ва чеклангандир. У метафизик, нодialeктик системалар учун характерлидир. К. с. ривожланаётган нарсалар ва ҳодисаларни диалектик қайта ҳосил қилиш процессида фикрнинг абстрактликдан конкретликка томон, оддийликдан мураккабликка томон ҳаракат қилишига асосланган. Бир фикр иккинчи фикрни туғдиради, бир категориядан иккинчи категорияга ўтиш эса фақат фикр билан белгиланади, деб даъво қилувчи идеалистик С. дан (Гегель) фарқли ўлароқ, диалектик материализм К. с. ни тузиш методини беради ва бу метод объектив предметни ўрганишга ҳамда унинг ҳақидаги билимни назарий жиҳатдан ривожлантиришга асосланади. Маркснинг «Капитал»и классик мисол бўлиши мумкин. Билим ҳаракатининг натижаси уяда К. с. формасида ифодаланган. Предмет диалектикаси тушунчалар диалектикасида акс эттирилган. Манتيқийлик ва тарихийлик бирлиги, мантиқий категориялар системасини билишнинг умумлаштирилган тарихи деб тушуниш диалектик логика С. к. сида энг муҳим мезондир.

КАТЕДЕР-СОЦИАЛИЗМ (нем. Katheder — кафедра)—19- асрнинг иккинчи ярмида капитализмнинг социализмга тинч йўл билан ўсиб киришини биринчи марта «асослаб» берган бир гуруҳ герман либерал профессорлари ва сёбатчиларининг, социал-ахлоқий мактаб вакилларининг кинояли номи («кафедрадан чиққан социализм»). К.-с. тарафдорлари сёсий иқтисоддаги тарихий мактаб таълимотига амал қилиб, сёсий иқтисод тор маънодаги иқтисодий ҳодиса-

ларни ўрганиш доирасидан чиқишни ва бошқа ижтимоий фанлар билан қўшилишни лозим, деб ҳисоблардилар. Иқтисодий муносабатларнинг давлат томонидан тартибга солиниши мумкинлиги ана шу билан боғланарди. К.-с. ишчилар ҳаракатининг куайишига ўзига хос бир «акс-садо эди, у буржуазиянинг пролетариатнинг онглиги ўсиб бораётганлигини тўхтатишга уринишини ифодаларди. Париж коммунаси бостирилгандан кейин катедер-социалистар 1872 йилда «Социал-сёсий иттифоқ» ташкил этдилар ва бу иттифоқ социал реформалар ва давлатнинг иқтисодий муносабатларга аралашуви зарурлигини тарғиб қила бошлади. Л. Штейн, А. Вагнер, Г. Шмоллер, Л. Брентано, *Зомбарт* К.-с. нинг вакилларидилар.

КАТОЛИЦИЗМ (грек. catholicos—конногга оид)—христианликнинг кўринишларидан бири бўлиб, у асосан Ғарбий Европа ва Латин Америкаси мамлакатларида тарқалган. Муқаддас руҳ фақат ота-худодан эмас, балки ўғил-худодан ҳам келиб чиққанлигини эътироф қилиш, атрофда гуноҳдан пок бўлиш ҳақидаги, Рим папасининг Исонинг ноиб сифатида пешволик қилиши ҳақидаги, папанинг гуноҳдан поклиги ва ҳ. к. ҳақидаги ақида — К. нинг догматик хусусиятларидир. Рухонийларнинг уйланмаслиги, латин тилида ибодат қилиш, айниқса авж олган марианизм (худонинг онаси биби Марьямга сийғиниш) ва ҳ. к. К. ни диний маросимлар ва аҳкомлар жиҳатдан *православиядан* фарқ қилдиради. К. нинг маркази — Ватикан монополистик буржуазия билан идеология, сёсий ва иқтисодий жиҳатдан боғлиқдир. К. ўз таъсирини католик партияларга, касаба союзларига, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотларига, ўқув юртларига, матбуотга, наشريётларга ва ҳ. к. ёймоқда. Ҳозирги замон К. и. шу билан фарқ қиладики, у ўз диний таълимотини табиئёт илмининг сохталаштирилган маълумотлари билан тасдиқлашга, католик «социал доктрина» ни эълон қилиш йўли билан социал-сёсий ҳаётга таъсир кўрсатишга

урилимоқда. Сўнгги йилларда К. да шундай тенденциялар кўриндики, бу тенденциялар унинг позицияларини омма орасида мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, улар католик ақидалари ва диний маросимларини замонавийлаштиришда, ибодатларни маҳаллий тилларда ўтказишда, Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларида маҳаллий аҳолидан руҳонийлар тайёрлашда, черковни «спёсатдан холи қилиш» шиорида ва ҳ. к. ўз ифодасини топди. Католик руҳонийларнинг кўп вакиллари омманинг кайфиятини ҳисобга олиб, социал реформалар ўтказишни ва зийрак, реалистик сёсат йўлини туттишни ёқлаб фикр билдиришмоқдалар, бу эса, мас., Рим папаларининг сўнгги энцикликлариди (ўзига тобе черковларга қарата қилган мурожаатларида) ва тинчликни ёқлаб сўзлаган нутқларида ифодаланди. **Неотомизм** К. нинг расмий философияси деб эълол қилинган (Папа Лев XIII нинг энциклакаси «Этерни патрис», 1879).

КАУЗАЛЛИК — қ. *Сабабият*.

КАУТСКИЙ Карл (1854—1938) — немис тарихчиси ва экономисти, герман социал-демократияси ва II Интернационалнинг лидерлари ва назарийётчиларидан бири, центризм идеологиди. Прагада туғилган. 1874 йилда с.-д. партияга кирган. К. у вақтда Лассаль, анархизм ва *позитивизм* философияси таъсири остида эди. 70-йилларнинг охиридан бошлаб К. с.-д. матбуотда актив қатнашди, айниқса 1881 йилда Маркс ва Энгельс билан танишгандан кейин марксизм билан жуда яқинлашди. К. марксистик идеяларни пропаганда қилувчи бир қанча асарлар ёзди: «Карл Маркснинг иқтисодий таълимоти» (1887), «Энг янги социализмнинг салафлари» (1895), «Аграр масала» (1899), «Христианликнинг келиб чиқиши» (1908) ва б. В. И. Ленин сўзлари билан айтганда, К. «марксистик тарихчи бўла биларди» (37-т., 278-б.). Ленин ўша йиллардаёқ К. оппортунистик ҳатоларга ва марксизмни бузишларга йўл қўйди, бунинг учун Энгельс томонидан танқид қилинди. 1909 йил-

да унинг «Ҳокимиятга бориш йўли» брошюраси, босилиб чиқди, бу брошюра ни Ленин энг сўнгги марксистик асар деб баҳолади. Бу асарда автор социализмга синфий курашнинг кескинлашуви ва социалистик революция орқали борилишнинг исбот қилган. Ленин у буржуа давлат машинасини синдириб, унинг ўрнига пролетар ҳокимияти органларини ўрнатиш тўғрисидаги масалани четлаб ўтган. 1910 йилда К. герман с.-д. сида «центр» группасини ташкил этади ва шу вақтдан бошлаб очикдан-очик революцион марксизмга қарши чиқди, марксистик философиянинг партиявийлигини инкор этади. К. нинг «Пролетариат диктатураси» асарини (1918) Ленин марксизмни мешчанларча бузишнинг ва уни сўзда мунофиқларча эътироф этиб, амалда ундан разилларча юз ўгиришнинг намунаси деб атади. К.— «ультраимпериализм» ҳақидаги анти-марксистик назариянинг авторидир. Россиядаги социалистик революцияга душманларча назар билан қараган К. умрининг охиригача Советларга қарши пропаганда олиб борди. К. нинг хоинлигини Ленин «Пролетар революцияси ва ренегат Каутский» асарида қаттиқ қоралади. Ўз фалсафий қарашларига кўра, К. эклектик бўлиб, материализм билан идеализм элементларини бирга қўшган эди. 1927—29 йилларда К. нинг «Тарихни материалистик тушуниш» (2 томлик) китоби чиқди. Бу китобида у диалектик ва тарихий материализм назариясини ҳақиқатда буздаи ва *социал-дарвинизм* позицияларига ўтади.

КВАЗАРЛАР (квази юлдузли радиоманбалар, ўта юлдузлар)— галактикалардан ташқари объектлар, оптик ва радио диапазонда интенсив нурланиш манбалари; массада *галактикалардагига* қараганда тахминан юз баравар кичик бўлган К. тахминан юз баравар интенсивроқ нурланади, шу сабабли катта масофаларда (миллиардларча ёруғлик йиллари) кузатилади ва кўп қизил *силжишларга* эгадир. К. 1963 йилда кашф этилди. Ухшаш бўлган ва лекин кўзга кўринарли радионурланиш бўлмаган обь-

ектлар) кинзага лар ёки квазиолдузли галактикалар деб аталади. Ҳар иккила объектнинг табииати ҳозирча аниқланган эмас, эҳтимол, бу жуда ёш (эндигина вужудга келаётган) галактикалар бўлиши мумкин.

КВАНТ МЕХАНИКА (квант назарияси)— физиканинг микрообъектлар ҳаракатини ўрганувчи бўлими. К. м. га 1924 йилда физик объектларнинг корпускуляр-тўлқин табииатини кашф этган Луи де Бройль асос солган эди. К. м. нинг изчил схемасини 1925—27 йилларда Шредингер, Гейзенберг ва б. яратган эди. Физик назария (корпускуляр-тўлқин дуализми, номуайяликлар нисбати ва ҳ. к.) сифатида К. м. нинг асосий белгилари ҳаракат квантининг мавжудлигига боғлиқ. Ҳаракат квантининг миқдори арзимас даражада кичик деб ҳисоблаш мумкин бўлган шароитда К. м. классик механикага ўтади (*Мувофиқлик принципи*). Классик механикадан фарқли ўлароқ, К. м. да айрим зарранинг хатти-ҳаракати ҳамиша эҳтимолли, статистик характерга эгадир. Шу муносабат билан К. м. да ҳаракат траекторияси тушунчаси ва сабабият ҳақидаги классик тасаввур ўз маъносини йўқотади. Микрозарранинг ғайри оддий хоссаларини микрообъект ҳолатининг квант-механик характеристикасини берувчи тўлқин функцияси акс эттиради. Бу функция микрообъектлар ҳаракатининг асосий қонуни бўлган квант-механик «тўлқин тенглама» асосида белгиланади. Кичикроқ тезликлар шароитида бундай қонун Шредингер тенгламаси ҳисобланади. Каттароқ тезликлар бўлган тақдирда микрообъектлар ҳаракатининг қонунлари нисбият назариясининг талабларини ҳисобга олувчи Дирак тенгламаси билан ифодаланади. К. м. физика, химия ва ҳатто биология ҳодисаларининг жуда кенг доирасини— атом тузилишини, радиоактивликни, элементларнинг даврий системасини ва ҳ. к.— тушунтириш имкониятини берди. К. м. классик физикага нисбатан материянинг чуқурроқ даражаси билан иш кўриши сабабли, у субъект билан объектнинг, билим билан фи-

зик реалликнинг, имконият билан воқеликнинг, тасодиф билан заруриятнинг, детерминизм билан индетерминизмнинг, физик «яққоллик» билан математик формализмнинг ва ш. к. фалсафий проблемаларни чуқурроқ тарзда ўртага қўйди. Бу проблемаларга фалсафий нуқтаи назардан турлича қараш К. м. нинг ўзига хос асосий хусусиятларини ва аввало тўлқин функциясини турлича талқин қилишда бевосита юз бермоқда. Классик физика тилида тўлқин функциясининг моҳиятини принцип жиҳатдан ифодалаб бўлмайди, чунки тўлқин функциясига кўра, микрозарранинг хоссалари — тўлқин ва корпускулярнинг қарама-қарши, классик маънода бир-бирини истисно қилувчи хоссаларнинг синтезидан иборатдир. Микрозаррани тушуниш учун диалектик зиддиятни ва диалектик синтезни тўғри қараб чиқишга имкон берадиган материалистик диалектика нуқтаи назарида туришгина kifoya қилмайди, бунинг учун аввало макон ва замон ҳақидаги тасаввурларимизни чуқурлаштироқ ва шу билан К. м. доирасидан чиқмоқ зарур. Физиканинг ўзи бу ишни қилолмаган даврда К. м. нинг «копенгагенча интерпретацияси» кенг тарқалган эди ва у тўлқин функциясини фақат «микрообъектнинг ҳолати ҳақида бизнинг маълумотларимизнинг ёзиб қўйилиши» деб эълол қилган эди (*Копенгаген мактаби*). Идеалистларча фикр қилувчи баъзи олимлар умуман микрооламнинг объективлигини, ундаги сабабиятни инкор этиш, кузатувчининг ва приборнинг ролини ҳаддан ошириб кўрсатиш ҳулосасига келган эдилар. Ҳақиқатда эса, тўлқин функцияси микрообъектнинг объект хоссаларини акс эттиради, бинобарин, бу хоссаларнинг ғайри оддийлигидан субъектив ҳулосалар чиқариш ярамайди. «Элементар» зарраларнинг ўзаро бир-бирига айланишини, уларнинг структурасини, уларнинг вакуум билан чамбарчас боғлиқлигини очиб берган ва шу билан «парадокслар»нинг объектнинг ҳаракатини тасдиқлаган ҳозирги замон физикасининг ривожланаётганлиги

муносабати билан бир қанча йприк олимларнинг (мас., Гейзенберг, Борнинг) позитивистик методологиядан узоқлашаётганликлари қонуниятлидир.

КВАНТОРЛАР — математик логика операциялари бўлиб, бу операциялар мантикий ифодаларга татиқ этилади ва предметлар соҳасининг (ёки *предикатлар* соҳасининг) миқдор характеристикасини беради ва натижада ҳосил қилинадиган ифода мазкур характеристикага киради. Умумийлик К. и ва мавжудлик К. и. энг кўп ишлатилади.

КВИЕТИЗМ (лат. *quiētus* — амал қилмайдиган) — 17-асрда *католицизмда* пайдо бўлган бир йўналиш бўлиб, у ҳаётга *пассив мушоҳадакорлик* билан қарашни, актив фаолият кўрсатишдан воз кечишни тарғиб қиларди. К. нинг принципи — *фатализмнинг* оқибатидир. У бирор-бир даражада ҳамма диний оқимларга хос бўлган реакцион йўналишдир. Марксистик этика фатализмни рад қилган ҳолда, инсон гарчи вазиятга боғлиқ бўлсада, у бу вазиятга актив таъсир қилиши мумкин деб ҳисоблайди. Марксистик этика бепарволикни, ташаббусизликни, ёмонликка қаршилик кўрсатмасликни қоралайди ва инсондан коммунизм идеалларини амалга ошириш йўлида актив фаолият кўрсатишни талаб этади.

КЕМБРИДЖ МАКТАБИ — 1) 17-асрда инглиз философиясидаги бир йўналиш бўлиб, у *Платон* философиясини қайтадан бунёдга келтирган эди. К. м. Ф. Бэконнинг ва Гоббснинг эмпирик материализмига тугма идеялар ҳақидаги идеалистик таълимотни қарама-қарши қўйган эди, бу таълимот эса билиш ҳақидаги *платонча таълимот* ва ўрта аср «реализми» руҳида талқин қилинарди. Чунончи, Р. Кэворт (1617—88) абадий ҳақиқат идеяларини ва илоҳий ақлдаги эзгуликларни инсон томонидан айтиладиган муҳокамаларнинг ва унинг амалий ишларининг мезони деб ҳисобларди. Ташқи предметлар фақат билиш учун бир баҳонадир, аммо унинг манбаи эмасдир. Табиат—ило-

ҳий мақсадларни амалга оширишнинг уйғун системасидир. Картезианчилик метафизикасидан (Беме ва каббала таъсири остида) мистицизмга ўтган Г. Мор (1614—87) К. м. нинг ўта мистик қанотининг вакили эди. К. м. вакиллари атеизм ва материализмга қарши кураш олиб бориб, динни қаттиқ туриб ҳимоя қилардилар. Буржуа адабиётида К. м. асосси равнишда Уйғошиш даврининг элементлари деб қаралади. 2) Фалсафий анализ мактаби — инглиз *неопозитивизми* кўринишларидан бири. Бу мактаб философияни сунъий «тилар»нинг эмас, балки жонли, сўзлашув тилининг (умуман мантикий позитивизмдан фарқли ўлароқ) мантикий анализи деб қарайди. Аналитикларнинг К. м. қарашларига кўра, «анализ» аини бир мазмунга эга бўлган ва лекин ўзгача формада ифодаланган ва биринчи тушунчани англатмайдиган бошқа тушунча орқали анализ қилинадиган тушунча ифодасидан иборат. Аналитиклар К. м. ига *Мур* асос солган, Ж. Райл, Ж. Уисдом, М. Блэк ва б. унинг асосий вакилларидир. Философияда К. м. неопозитивизм доирасидан чиқмайди. 3) Кенгроқ маънода «К. м.» номли турли йўналишларга мансуб бўлган, Кембридж ун-тети теварагида бирлашган («кембридж философияси») бир гуруҳ ҳозирги замон философлари — С. Д. Броуд, *Поппер*, *Айер*, Ж. Райл, М. Мастерман, Р. Брайтуайт, Г. Бонди ва б. га нисбатан татиқ этилади.

КИБЕРНЕТИКА (грек: *kybernetike* — бошқариш санъати) — техника қурилмаларида, тирик организмларда ва инсон уюшмаларида бошқариш процесслари ва системаларининг умумий белгилари ҳақидаги фан. К. принциплари биринчи марта *Винер* асарларида баён қилинган. К. нинг пайдо бўлиши автоматик регуляциялар назарияси соҳасида эришилган бир қатор техникавий ва табиий-илмий ютуқлар асосида тайёрланган эди: тез ҳаракат қиладиган кузатувчи ва программа билан бошқарилувчи ҳисоблаш қурилмаларини ясашга имкон берган радиоэлектроника; уни *информацияни*

узини ва ўзгартиш проблемаларини тадқиқ этишга татбиқ этиш билан боғлиқ бўлган *эпихомоликлар назарияси*; *математик логика ва алгоритмлар* назарияси; нерв фаолияти физиологияси ва гомеостаз бўйича бажарилган ишлар. Энергияни ёки моддани ўзгартирувчи қурилмалардан фарқли ўлароқ, кибернетик системалар учун информацияни қайта ишлаш процесслари характерлидир. Бошқариш системаларини ўрганишда К. макро-ва микроёndoшишларни бирга қўшади. Макроёndoшиш системанинг ички тузилиши номаълум бўлган, фақат унинг «чиқишида» ва «киришида» информациянинг ҳаракати (системага тушадиган информация ва системанинг реакцияси) кузатилган тақдирда татбиқ этилади. Информациянинг асосий оқимлари ва бошқариш системасининг ниҳояли функциялари шундай усул билан очиб берилди. Вазибаларнинг бу тип *«қора қути»* проблемалари деб ном олган. Микроёndoшиш системанинг ички тузилиши ҳақида муайян билимга эга бўлишни назарда тутди ва унинг асосий элементларини, ўзаро алоқадорлиги, уларнинг ишларининг алгоритмларини ва бу элементлардан бошқариш системаларини синтезлаштириш имконияти билан боғлиқдир. К. нинг марказий проблемаларидан бири — ўз-ўзича уюшувчи (ўз-ўзича созланувчи) системаларнинг структураси ҳақидаги масаладан иборат. Бошқаришнинг мураккаб системалари шундай деб аталади, бу системалар одатда ўзаро таъсир қилувчи кичик системалар иерархияларидан (зинапоаяларидан) иборат бўлиб, бирон хилдаги ҳолатларни (ёки ўз ҳолатларининг характеристикаларини) — бу ҳолатларни бузадиган ёки уларга эришшга халақит берадиган ташқи факторларнинг таъсир кўрсатиши шароитида — барқарор сақлашга ёки уларга эришшга қобилдир. Ўз-ўзича уюшувчи системалардан энг мукамалларини тирик табиатда эволюцион процесс шакллантириб бергандир. Шу сабабли К. тирик организмлардаги ва техника қурилма-

ларидаги бошқариш функциялари орасидаги ўхшашликдан фойдаланади. К. нинг аҳамияти ҳозирги вақтда энг аввал шундай имкониятлар асосида яққол кўринмоқдаки, бу имкониятларни у ишлаб чиқаришни ва инсоннинг формаллаштирилувчи ақлий меҳнатининг барча турларини автоматлаштириш учун, моделлаштириш методи билан бошқаришнинг биологик системаларини тадқиқ қилиш ва регуляциялаш (гормонал, нерв системаларини, ирсият механизмининг регуляциялаш) учун, янги типдаги медицина ва б. аппаратуралар яратиш учун очиб бермоқда. К. методларини экономикани ва инсон фаолияти уюштирган бошқа соҳаларни тадқиқ этишга татбиқ қилиш ҳам ўз истиқболига эгадир. Энг турлича табиат объектларининг К. методлари бундай кенг қамраб олинчи субъектив ўзбошимчалик натижаси бўлмасдан, балки объектив асосга эгадир, чунки тирик организмлар билан математик тасвирга ва тадқиқотга бўйин берадиган суний қурилмалар функциялари ва структураларининг бир қадар умумийлиги мавжуддир. Ана шу маънода синтетик фандан иборат бўлган К. ўз мисолида фанларнинг янги типдаги ўзаро таъсири намунасини кўрсатади ва материя ҳаракатининг янги формалари, *инъикос назарияси* ва фанларнинг туркумланиши ҳақидаги фалсафий таълимот учун кенг материал беради. К. нинг ривожланиши бир қанча умумий методологик проблемаларни: инсон тафаккури билан кибернетика машиналари амалларининг ўзаро муносабати ҳақидаги, информациянинг табиати ва унинг *энтропиянинг* физик тушунчаси билан алоқаси ҳақидаги, шубҳасиз фалсафий характерга эга бўлган, уюшган, мақсадга мувофиқ келадиган, тирик ва б. деб аталадиган нарсаларнинг моҳияти ҳақидаги проблемаларни муҳокама қилишга сабаб бўлди. Ана шу проблемалар теварагида диалектик материализм билан идеализм ўртасидаги кураш авж олди. Чунончи, идеалистик философия психик фаолиятни тадқиқ этишнинг объектив методла-

ри мумкинлигини рад қилиб, бу фаолиятнинг баъзи муҳим белгилари ва механизмларини очиб беришга ёрдамлашадиган К. натижаларига қарш чикмоқда. Диалектик материализм кибернетик аналогияларнинг объектив асосга эга эканлигини таъкидлаш билан бирга, инсон билан машинани, инсон онги билан кибернетик система функцияларини айнан бирдай қилиб кўрсатиш хато эканлигини қаттиқ туриб изҳор этмоқда.

КИНИКЛАР қадимги грек фалсафий (сократчи) мактабнинг вакиллари (эрамиздан олдинги 4-аср), *Антисфеннинг* издошлари. Синоплик *Диоген* уларнинг энг машҳур вакилидир. К. қўлдорлик жамияти демократик қатламларининг кайфиятини ифодалардилар. Ижтимоий нормаларга нафрат билан қарашни, бойликдан, шон-шўхратдан, ҳамма ҳиссий қониқишлардан воз кечишни улар бахт ва фазилат негизи деб ҳисоблардилар.

КИРЕЕВСКИЙ Иван Васильевич (1806—56)— рус публицисти ва идеалист философи, славянофиликнинг асосчиларида бири (*Славянофиллар*). «*Любомудрлар*» (яъни философлар—*тарж.*) тўғарагига яқин эди; «Европеец» (1832) ва «Москвитянин» (1845) журналларига муҳаррирлик қилди. К. нинг бир қанча мақолаларида (Тўла асарлар тўплами, I—II том, 1911) ривожлантирилган ва антирационалистик, диний-интуитивистик назарияга таянган қарашларига кўра, айрим кишининг, миллатлар ва улар гуруҳларининг (мас., славяндар, ғарбий европалықлар ва ш. к.) ҳаёти динга асосланган бўлиб, бу диннинг типни миллиннинг ўқимишлиги ва бутун ҳаётининг характерини белгилайди. К. нинг фикрича, модомки ҳақиқий дин славяндар, бошлича руслар қабул қилган православ дини экан, демак, фақат славянларгина истиқболга эгадирлар. Қўлган халқлар православ-христиан цивилизациясини қабул қилиш шарти билангина тараққийга умид боғлашлари мумкин. Акс ҳолда (К. нинг фикрича, Ғарбий Европа дучор бўлгани сингари) цивилизация айниб-бузилиб кетади. Ёмон-

ликка қаршилиқ кўрсатмаслики, синфий табақаланишнинг йўқлигини, жамоа турмушини (уни К. идеаллаштирарди) К. рус халқининг алоҳида хусусиятлари деб ҳисобларди. Ғарчи К. Европа философиясининг (мас., унинг метафизиклигини) ва буржуа цивилизациясининг (мас., тамаъгирилик, эгоизми) айрим томонларини танқид қилган бўлса-да, умуман унинг қарашлари социологияда ҳам, сиёсий проблемаларда ҳам реакцион утония эди.

КИРЕНЧИЛАР — қадимги грек (сократча) фалсафий мактаб тарафдорлари бўлиб (Шимолий Африка, эрамиздан олдинги 5-аср), киренлик *Аристипп* томонидан ташкил этилган ва *гедонизми* — бахтни ҳиссий лаззатлар билан тенглаштиришни тарғиб қилган. К. қўлдорлик аристократиясининг идеологиясини ифодалар эдилар.

КЛАССИЦИЗМ (лат. classicus — намунали) — абсолютизм равнақ топган даврда (17—18-асрлар) Европа санъати учун характерли бўлган бадий метод ва эстетик назария. Н. Буалонинг «Поэтик санъат» шеърый трактатида (1674) энг тўлиқ ифодаланган К. эстетик программаси антик давр бадий асарларни санъатдаги намуналар сифатида илгари сурган эди. Лекин эски формалар янги гоъвий мазмун билан: умуммиллий манфаатларни мадҳ қилиш, инсон психологиясига эътиборла қараш билан тўлдирилди. Бироқ, К. шу хилдаги эстетик программа асосида пайдо бўлган реалистик традициялар унинг бошқа принципларига, яъни сарой аристократик маданиятининг тор сословияли характери, жумладан қўйи сословиялар «чиркин» ҳаётини тамомла назар-писанд қилмаслик тақозоси билан вужудга келган принципларга зид кела бошлади. Бу ҳол К. санъатини абстракт рационализмга ва схематизмга олиб келди. К. Францияда энг изчил ифодасини топди (П. Корнель, Ж. Расин, Ж.-Б. Мольер, Н. Пуссен ва б.). 18-асрнинг охириларида (мас., француз буржуа революцияси даврида) К. доирасида ёш

Буржуазиянинг революцион санъати (Ж. Л. Давид ижодиди энг тўлиқ ифодасини топган «янги К.») ривожланиш бошлайди.

КЛЕРИКАЛИЗМ (лат. clericalis — черковга оид) — капиталистик мамлакатлардаги ижтимоий-сиёсий йўналиш бўлиб, у ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида дин ва черковнинг позицияларини мустаҳкамлашга уришди. Ҳаётнинг объектив синфий ролига кўра, К. буржуа ҳукмронлигини мустаҳкамлашга, меҳнаткашларни илмий коммунистик дунёқарашдан, коммунизм идеалларидан чалғитишга хизмат қилмоқда. Ҳозирги замон К. и. омма орасида черковнинг таъсирини мустаҳкамлаш учун ўз партияларини, касаба, деҳқонлар, ёшлар, хотин-қизлар ташкилотларини ва б. оммавий бирлашмаларни тuzмоқда. Черков пешволари бу ташкилотлардан фойдаланиб, «социал тотувлик» ғояларини тарғиб қилмоқдалар. Италия, ГФР, Испания ва бир қанча б. мамлакатларда К. нинг таъсири кучлидир.

КОВАЛЕВСКИЙ Максим Максимович (1851—1916) — рус социологи, тарихчиси, ҳуқуқшуноси ва сиёсий арбоби, академик (1914 йилдан). Москва ун-тегида (ундан бўшатилди), Петербург ун-тегида, шунингдек Европа ва Американинг бир қанча ун-тетларида ҳуқуқ илмидан дарс берган. К. — классик позитивизм тарафдори, Москва психология жамиятининг асосчиларидан бири (1884). Маркс ва Энгельс ғоялари билан таниш бўлган, бу эса унинг асарларида ўз аксини топган ва ер эгаллиги тарихига, Европа иқтисодий тараққиётига қизиқишда ифодаланган («Жамоа ер эгаллиги. Унинг емирилишининг сабаблари, бориши ва оқибатлари», 1879; «Капиталистик хўжалик пайдо бўлишидан олдин Европанинг иқтисодий ўсиши», 1898—1903). К. нинг оила тарихига оид тадқиқотлари тўғрисида Энгельс ижобий фикр билдирган. Унинг конкрет-тарихий асарларида К. қийсий-тарихий методни ишлаб чиқди. Унинг махсус асарлари социологик таълимотларни таҳлил қилиш-

га бағишланган («Ҳозирги замон социологлари», 1905; «Социология», 2 томлик, 1910). К. социал тараққиёт назариясининг тарафдори эди. Бу тараққиётни у халқлар, синфлар, группалар ўртасидаги бирдамликнинг ривожланиб боришида кўради. К. нинг фикрича, бу бирдамлик кўпдан-кўп сабаблар (иқтисодий, социал, сиёсий сабаблар) натижасида пайдо бўладики, улар орасидан асосий ва ҳал қилувчи факторни ажратиб кўрсатиб бўлмайди. Шунинг учун тарихчи, К. нинг нуқтаи назарича, ижтимоий ҳодисаларнинг ривожидидаги ўзаро таъсирни ва нисбатдошликни қайд қилиш билан кифояланмоғи лозим. Социал тараққиётни биологлаштирувчи назариялар ҳамда буржуа «экономизми» ва катедер-социализм К. га анча таъсир кўрсатган. Бу оқимларнинг тарафдорлари сингари, К. ҳам жамиятни қайта қуришнинг революцион методларини инкор этган. У рус либерализмининг, демократияни монархия билан муросага келтиришни асослаб беришга интиларди. Унинг сиёсий фаолияти Ленин асарларида танқид қилинган.

КОГЕН Герман (1842—1918) — немис философи, Марбургда профессор, марбург мактабининг асосчиси. 70-йиллардан эътиборан Кантнинг таърифи назариясининг, унинг этикаси ва эстетикасининг идеализм руҳида кантчи идеализмга қараганда кўпроқ изчиллик билан қайта ишлаб болади: сезгиларнинг реал сабаби сифатидаги «нарса ўзида»ни инкор этди ва уни фақат таърибанинг сўнгги тушунчаси деб қарай бошлади. К. Кантга таяниб, логика, этика, эстетика ва дин философиясини қамраб оладиган философия системасини тузди. К. нинг фикрича, философия фандан олдин биринчи бўлиб етилади ва у нарсаларни эмас, процессларни эмас, балки фanning фактларини ўз предмети деб фараз қилади. Философиянинг жони — идеалистик метод бўлиб, бу метод ҳечқис кичик микдорларнинг математик ҳисобини намуна қилиб олади. Билувчи тафаккур — ижодий тафаккурдир; унинг предмети «бе-

рилган» эмас, балки унга вазифа қилиб «юклатилган». Тушунчалар билиш талабларини қондираркан, янги талаблар туғдиради, бинобарин, философияда ҳам, фанда бўлгани сингари, охириги инстанцияда жавоблар бўлмайди. Фалсафий онг — билувчи онгдир; ҳатто диндорлик ҳам систематик билишнинг равшанлигига асосланади. Асосий асарлари: «Қантинг тажриба назарияси» (1871), «Философия системаси» (1902—12, 3 томлик).

КОГЕРЕНЦИЯ НАЗАРИЯСИ (лат. *cohaerentia* — ички алоқа) — неопозитивистик ҳақиқат назарияси. Бу назарияга О. Нейрат ва *Карнап (Вена тўғрисида доирасида)* Шликка қарши қилган мунозаралари жараёнида асос солдилар ва уни ривожлантирдилар. Шлик ўзининг ҳақиқатни идеалистик* тушунишига «реалистик» тус берган бўлса, унинг муҳолифлари К. н. ни жорий қилиш билан ҳақиқатда ошқоқра субъективизм позициясига ўтдилар. К. н. га кўра, ҳақиқатлик муайян системадаги гапларнинг ички мослигига асосланган. Ҳар қандай янги гап, агар уни системанинг ички нозидиятчилигини бузмасдан унга киритиш мумкин бўлса, ҳақиқатдир. Ҳақиқат бўлиш — нозидиятчи системанинг элементи бўлиш демакдир. Бунда система — бошланғич аксиомаларнинг мажмуидан дедуктив равишда ривожлантирилган тил структураси сифатида тушунилади. Дастлабки изўитларда К. н. эмпирик фактларни қайд этувчи гапларнинг махус тип бўлган «протокол гапларни эътироф этишига таянади ва шундай қилиб, системанинг реаллик билан алоқасига бирор даражада йўл қўярди. Кейинчалик, ҳар қандай гап «протокол гап» (К. Поппер) деб ҳисобланиши мумкин, деган постулат қабул қилинган. К. н. соф конвенционалистик (*Конвенционализм*) қиёфага кирди.

КОЗЕЛЬСКИЙ Яков Павлович (тах. 1728—94) — рус маърифатчиси, философи. Артиллерия ва Инженерлик мактабларида математика ва механикадан дарс берган; кейинчалик сенатда хизмат қилган. К.— «Фалсафий гаплар» (1768), «Исон билиши...

ҳақида мулоҳазалар» (1788), «Арифметик гаплар...» (1764), «Механик гаплар...» (1764), «Философия ва унинг қисмлари ҳақида француз энциклопедиясидан олинган мақолалар» (1 қисм, СПб, 1770) ҳамда «Панднасихат философияси ва унинг қисмлари ҳақидаги мақолалар» (II қисм, СПб., 1770) асарларининг авторидир. К. материалистик идеяларни қаттиқ туриб ҳимоя қилар, ўрта аср схоластикасини ва мистикани танқид қиларди. У философияни илоҳидан ажратиб, философиянинг вазифаси — «нарсалар ҳақида ва инсоннинг ишлари ҳақида бош билимларни» беришдан иборат, философия «сабабларни ҳақиқатлар билан синаяш фанидир» деб ҳисобларди. К. табиатга бўлган қарашларида 18-аср механистик материализми идеяларини ривожлантирди. К. табиатни «барча нарсаларнинг умумий материяси» деб эълон қиларкан, олам тўрт моддий стихиядан иборат, материя ва ҳаракатни йўқ қилиб бўлмайди, деб исбот қилишга уринади. Айрим мантиқий категорияларни таърифлашда К. да волефчиларнинг таъсири сезилиб туради. К. ҳиссий идрокларни билиш назариясида бошланғич ибтидо деб ҳисоблаб, тажрибага ҳамда ақлнинг фаолиятига катта ўрин берарди. Бутун билиш ни у тарихий, фалсафий ва математик билишларга, кишилар эришган ҳақиқатларни эса натурал панднасихат ва мантиқий ҳақиқатларга бўларди. К. *монадалар* ҳақидаги, *азалдан белгилан қўйилган уйғунлик* ҳақидаги, ёмонликка қаршilik кўрсатмаслик ҳақидаги таълимотнинг диний-мистик томонларини қаттиқ танқид қилди. У крепостной ҳуқуқни, бекорчилики ва текинхўрликни танқид қилиб, меҳнатни, камтарлик билан ҳаёт кечиришни, кишиларга инсонпарварлик билан муносабатда бўлишни кўкларга кўтариб мақтарди.

КОИНОТ—традицион тушунчада—моддий олам, моддий объектларнинг, сифат жиҳатдан турлича материя формаларининг бутун мажмуи. Ҳозирги вақтда бундай тушунчани аниқланган тушунча суриб чиқармоқда:

К космология объекти бўлиб, моддий оламни билишнинг ҳозирги даражасида астрономик (кузатувчи ва нарийбий) тадқиқотга муяссар бўладиган қисмидан иборатдир. То 18-асрга қадар қуёш системаси космология объекти бўлиб келди (юлдузларнинг табиати ва уларгача бўлган масофа ҳақида ҳақиқатда ҳеч нарса маълум эмас эди), 20-асрнинг 20-йилларига қадар юлдузлар К. и., яъни *Галактика* унинг объекти бўлди, ҳозирги шароитда эса *Метагалактика* унинг объектидир. Материя сифат жиҳатдан бениҳоя бўлганлиги ва унинг қонунилари турли маконий-замоний миқёсларда бир хил бўлмаганлиги сабабли, ҳар бир бундай конкрет қонунни бутун К. га татбиқ қилиб бўлмайди.

КОИНОТНИНГ «ИССИҚЛИК УЛИМИ» — оламнинг охириги ҳолати, бу ҳолат гўё барча ҳаракат формаларининг қайтарилмас иссиқлик формасига айланиши, иссиқликнинг фазода тарқалиши ва *энтропиянинг* максимал даражасида оламнинг мувозанат ҳолатига ўтиши натижасида пайдо бўлар эмиш. Бундай хулоса термодинамиканинг иккинчи қонунини абсолютлаштириш ва уни бутун коинотга жорий этиш асосида қилинади. К. «и. ў.» идеяси асоссиздир, чунки 1) коинот фазода чексиздир ва сифат жиҳатдан турли сон-санocsиз кўп системаларнинг нобиқик мажмуидан иборатдир; 2) бутун коинотдаги материянинг мумкин бўлган ҳолатларининг кўплиги чексиздир ва уларни исталганча катта вақт орасида рўёбга чиқариш мумкин эмас; энтропиянинг максимал даражаси билан тенглаштирилдиган энг эҳтимоллик ҳолати тушунчасини умуман оламга татбиқ қилиб бўлмайди; 3) термодинамиканинг иккинчи қонуни материянинг мумкин бўлган барча ўзгаришларининг йўналишини аниқлай олмайди; оламда бошқа қонунлар борки, бу қонунлар тарқоқ материя ва энергиянинг марказлашуви ва уларнинг тараққиётнинг янги даврларига қўшилиши учун шароит яратиб беради. Юлдузлар ва галактикаларнинг ташкил топиши ана шу

процесснинг кўринишларидан бирidir. Коинотда материянинг қайтариб бўлмас ўзгариши оламнинг қақдидир ниҳояли ҳолатга интилишини билдирмайди, балки у тараққиётнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатлари, имкониятлари ва тенденцияларнинг бениҳоя пайдо бўлиб туришидан иборатдир.

КОЛЛЕКТИВ ВА ШАХС. К. тушунчасини қуйидаги белгилардан иборат қилиб кўрсатиш мумкин: а) бирон-бир умумий вазифалар асосида индивидларнинг бирлашуви; б) биргалишиб ишлаш ва ўзаро ёрдам; в) ҳамжиҳатликнинг маълум даражада донмиёлиги; г) ҳар қандай К. составига кирувчи Ш. (*Шахс ва жамият*) мазкур К. билан муайян муносабатларда бўлади. Бу муносабатларнинг характери муайян К. ишлаб турадиган социал муҳитга ҳамда унинг фаолиятининг жинси ва турига боғлиқдир. Мас., капиталистик корхонадаги ишлаб чиқариш К. и билан социалистик ишлаб чиқариш К. и ўртасидаги фарқ жуда муҳимдир. Буржуа жамиятида бундай К. ўртасидаги ўзаро муносабатлар шахсий манфаатлар билан коллектив манфаатларнинг қарама-қаршилигидан келиб чиққан бўлиб, бу қарама-қаршиликни мазкур жамият доирасида бартараф қилиб бўлмайди. Бинобарин, ҳақиқий эркинлик бирон-бир К. га мансуб бўлиш билан сиғишмайди, инсон ўз индивидуал қобилиятини фақат К. дан ташқарида рўёбга чиқара олади, деган тасаввур ана шундан келиб чиқади. Социалистик ижтимоий тузум К. билан ш. ўртасида уларнинг манфаатлари ва мақсадларининг муштараклиги асосида ўзаро муносабатларнинг барқарор бўлиши учун қулай муҳит яратиб беради. Ижтимоий ва шахсий манфаатларнинг бирга қўшиб олиб борилишининг социалистик жамиятга хос бўлган принципи ва практикаси ўзларининг фаолият тури ва у билан боғлиқ бўлган тафовутлардан қатъи назар барча коллективларнинг ҳаётига ўз таъсирини жорий қиладики, бу тафовутлар қуйидагиларга тааллуқлидир: алоқа даражаси ва ҳамжиҳат-

лининг тезлигига (моддий ишлаб чиқариш соҳасида ишловчи К. ларда, мас., фабрика- завод коллективларида бундай алоқа ва ҳамжиҳатлик юқори даражада бўлади, устқурма меҳнатининг бир қанча соҳаларида эса бу алоқа анча суст бўлади); энг юқори даражага бориб етадиган ички группавий регламентацияга, мас., ҳарбий қисмларда; гоёвий мотивларнинг устуңлик даражасига, бундай устуңлик партиявий К. ларда яққол намоён бўлади. Социалистик жамиятдаги бу К. ларнинг ҳаммасига, фақат К. да индивид ўз қобилиятларини ҳар томонлама ривожлантиришга имкон берадиган воситаларга эга бўлади ва, демак, фақат К. да шахсий эркинлик бўлиши мумкин, деган машҳур марксистик қондани баб-баравар татбиқ этиш мумкин. Бироқ бу қонданинг амалий равишда рўёбга чиқарилиши кўн жиҳатдан субъектив факторларга: К. нинг шахсий составига ва унинг аъзоларининг манфаатларига, уларнинг ўзаро муносабатларидаги принципиалликка ва самийликка, К. раҳбарининг иш кўзини билишига, юз-хотир қилмаслигига, К. аъзоларининг фикрига ҳурмат билан қарashiга, ўзининг бошқариш ҳуқуқлари ва вазибаларидан оқилона фойдаланишига боғлиқдир ва ҳ. к. Бу факторларнинг ҳаммаси коллективнинг жипешувини ҳам, унинг ҳар бир аъзоси учун коллектив алоқада ўз кучи ва қобилиятларини ривожлантириш ботида зарур воситаларни топиш имкониятини ҳам белгилаб беради.

КОЛЛЕКТИВИЗМ (лат. collectivus— жамлама) — кишилар ижтимоий ҳаёти ва фаолиятининг принципи бўлиб, бу принцип *индивидуализмга* қарама-қаршидир. К. бир қанча тарихий формаларга эгадир. Ибтидоий жамиятда у яшаш учун биргаликда курашда гавдаланган. Жамоа мулки унинг негизи бўлган. Қўлдорлик ва феодал жамиятларда К. ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулк ҳукмрон бўлганлиги сабабли, *индивидуализм* томонидан суриб чиқарилади, К. фақат қолдиқ формалар шаклида (мас., ердан биргаликда жамоа

бўлиб фойдаланиш) сақланиб қолади. Капитализм шароитида буржуа индивидуализми тўла ҳукмронлик қилади. Айни вақтда К. нинг янги формаси ҳам туғилади ва пролетариат бу форманинг эгаси бўлади. Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий характерда бўлиши, корхоналардаги меҳнатнинг катта-катта группалар томонидан бажарилиши пролетар коллективларининг вужудга келишига ва пролетарларда коллективчилик маслакларининг шаклланишига сабаб бўлади. Социалистик жамиятда К. ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида кишилар муносабатларининг умумий принципи, *коммунистик ахлоқнинг* энг муҳим талаби бўлиб қолади. К. социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини ифодаларкан, социализм даврида ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклиги унинг социал негизи, барча граждaнларнинг тенг ҳуқуқлиги эса унинг спсиёи негизи бўлади. К. жамият билан шахс ўртасида шундай муносабатлар бўлишини назарда тутадик, бундай муносабатларда умуман жамият тараққиёти шахснинг камол топиши учун қулай шароит вужудга келтиради, шахснинг камол топиши эса бутун жамият тараққиётининг шартидир. Ўртоқларча ўзаро ёрдам, жамият олдидаги бурчни англаш ва адо этиш, шахсий манфаатларни ижтимоий манфаатлар билан онгли равишда бирга қўшиб олиб бориш, коллективда тенглик, коллективни ва унинг қарорларини ҳурмат қилиш, ўз ишлари ва ўртоқларнинг хатти-ҳаракати учун коллектив олдида масъулиятни англаш — кишилар ўртасидаги муносабатларда К. принципдан келиб чиқадиган асосий талаблардир. Коллектив одам ҳақида, унинг эҳтиёжларини қондириш ҳақида, шахснинг куч ва истеъдодларини тўла ривожлантириш ҳақида гaмхўрлик қилади. К. принципи инсоннинг индивидуаллигини тугатишни билдирмайди. Аксинча, фақат коллективизмда инсон ўз лаёқатлари ва истеъдодларини тўла-тўқис очиб кўрсата олади. Коммунизм К. нинг олий формасини билдирadi.

КОМБИНАТОР ЛОГИКА (лат. combine — бирлаштирма, қўшмоқ) — математик логикадаги йўналишлардан бири бўлиб, бу йўналиш шундай тушунчаларни анализ қилиш билан шуғулланадики, бу тушунчалар классик математик логика доирасида янада ўрганилмасдан қабул қилинади. Узгарувчи, функция тушунчалари, олмош қоидалари ва ш. к. шулар жумласига кириди. Классик математик логикада икки хилдаги қоидалардан фойдаланилади. Биринчи хилдаги қоидалар соддача ифодаланади ва ҳеч қандай чекловсиз фойдаланилади. Мас., *modus ponens* қоидаси ана шундай. Бу қоида мана бу тариқа ифодаланади: агар «башарти А бўлса, у вақтда В» ва «А» бўлади» деган гаплар ҳулоса қилиб чиқарилган бўлса, у ҳолда «В» гапни ҳулоса қилиб чиқарилади. Бу қоидадан бир қаррали автоматик бажаришга татиқ этиш мумкин. Иккинчи хилдаги қоидалар (мас., олмош қоидаси) жуда мураккаб равишда ифодаланади ва бир қанча чеклашлар ва изоҳларни назарда тутати (буларсиз у қоидаларни соф формал равишда фойдаланиб бўлмайди). К. л. нинг вазифаларидан бири шундай формал системаларни тузишдан иборатки, натижада у системаларда олмош қоидага ўхшаш қоидалар учрамайдиган бўлсин.

КОМЕНСКИЙ Ян Амос (1592—1670) — чех педагог-гуманисти ва философи, схоластик таълим системасининг душмани. К.—«Морава биродарлари» группаларидан бирининг, антифеодал ҳаракат ҳамда немис феодаллари ва католик черковига қарши миллий кураш давомида вужудга келган сектанинг раҳбари. Дин масалаларида у протестант бўлиб, пантеизмга яқин турарди. Унинг сенсуалистик билиш назариясида ва диалектикасида анчагина материалистик тенденциялар мавжуд. К. нинг фикрича, билиш — оқилона таълим билан маҳкам боғлиқ бўлган актив процессдир. У айтар эдики, барча кишилар билишга ва билим олишга лаёқатлидирлар; бинобарин оддий халқ билимлардан баҳраманд бўлмоғи лозим. Педа-

гогика тарихида К. биринчи бўлиб махсус фан сифатида дидактика системасини тузди. Унинг дидактик принциплари (кўргазмалик, тадрижийлик, тақлид, машқ) табиат қонунларини англаб-тушуниб билишни ва оқилона равишда тузилган билимларни ўзлаштиришни талаб қиларди. К. нинг илғор қарашлари педагогиканинг ундан кейинги ривожига катта таъсир кўрсатди. Унинг асосий асарлари: «Тилларни билишга кенг йўл» (1631), «Буюк дидактика» (1657).

КОМИКЛИК (грек. komodia—қувноқ томоша, ўйин-кулги, ашула)—эстетика категорияси бўлиб, бу категория муайян социал ҳодисанинг, кишилар хулқ-атворлари ва одатларининг объектив ҳақиқат ҳолга ва прогрессив ижтимоий кучлар эстетик идеалга тарихан вужудга келган (тўла ёки қисман) номувофиқлигини кулги формасида ифодалайди. Уз келиб чиқиши, моҳияти ва эстетик функцияси жиҳатдан К. социал характерга эгадир. Унинг сарчашмалари ижтимоий ҳаётнинг объектив зидиятларидадир. К. турлича кўринишда янгилик билан эскиликнинг, мазмун билан форманинг, мақсад ва воститаларнинг, амал ва вазиятнинг, инсоннинг реал моҳияти ва унинг ўзи ҳақидаги фикрининг номувофиқлигида юз бериши мумкин. Мас., *хунукликнинг*, тарихан ўлимга маҳкум бўлган, инсон шаънига тўғри келмайдиган нарсанинг мунофиқона равишда ўзини гўзал, илғор ва инсонларвар қилиб кўрсатишга уриниши К. нинг бир туридир. Бундай ҳолда К. газабли кулгига ва сатирик салбий назар билан қарашга сабаб бўлади. Молдунё тўплаш учун молдунёга бемаъни ҳирс қўйиш кулгилидир, чунки бундай ҳирс ҳар томонлама камол топган инсон идеалига зид келади. Маркс кулгини умри тугаб бораётган нарсага қарши курашда революцион танқиднинг кучли қуроли деб ҳисобларди. Социалистик жамиятда К. ҳаммадан кўра кўпроқ газабли сатирик танқид мавзуй бўлган *ўтмиш сарқитлари* (текинхўрлик, мансабпарастлик, бюрократизм, лаганбардор-

лик, ҳушомадгўйлик) шаклида ҳамда ижтимоий ва шахсий ҳаётнинг хаттоки ижобий ҳодисаларида учрайдиган ва юмористик тарзда масхаралаб кулиш лозим бўлган вазиятлар шаклида юз беради. К. нинг турли формалари: сатира, юмор ва ҳ. к. мавжуддир.

КОММУНИЗМ — қ. *Социализм ва коммунизм.*

КОММУНИКАЦИЯ (лат. *communicare* — бирон киши билан маслаҳатлашмоқ) — идеалистик философия категорияси бўлиб, алоқа маъносини билдиради ва бу алоқа ёрдами билан «Мен» икинчи «Мен»да ўзини топади. К. *Ясперс*нинг экзистенциализмида ҳамда ҳозирги замон француз *персонализми*да энг тўлиқ ифодаланган. Тарихан К. ҳақидаги таълимот *матрипатчиликка* бориб тақаладиган *ижтимоий шартнома*га хилофан вужудга келди. К. назариясининг тарафдорлари (*Ясперс*, *О. Больнов*, *Э. Мунье*) ижтимоий шартнома ўз асоси эътибори билан контракт, битимдан иборат бўлиб, унинг иштирокчилари икки томонлама мажбурийтлар олиш билан чекланадилар, улар фақат шу мажбурийтлар туфайлигина, яъни абстракт равишда, қиёфасиз суратда бир-бирларини танийдилар ва англайдилар, деб таъкидлайдилар. Уларнинг фикрича, шартнома — кишиларнинг ҳақиқатан бир-бирдан узилишига асосланган алоқадан иборат. К. эса онгли равишда ўрнатиладиган ўзаро қарамлик деб қаралади ва бу қарамлик шартномага қарама-қарши қилиб қўйилади. «Контракт ўрнига контакт» (*Ф. Кауфман*). Мунозара К. ни барҳарор қилиш воситаси деб эълон қилинади, чунки мунозара давомида кишилар тафаккурнинг умум қабул қилган нормалари уларни бир-бирдан ажратишига ва уларни фарқ қилдирадиган, индивидуал равишда такрорланмайдиган нарса уларни яқинлаштиришига ишонч ҳосил қиладилар. «Индивидуал равишда такрорланмайдиган нарса» — бу ҳақиқатда жуда эҳтиёт қилиб ниқобланадиган субъектив кўрқув, ташвиш ва изтироблардан иборат бўлиб, шу ташвиш ва

кўрқувлар ичида одамлар (ҳар қайси ўз майлича) пировард ҳисобда ҳозирги замон буржуа жамиятининг бирон группасига амалда мансублигини ҳис қилади, холос. Ана шу нуктага назардан мунозара фақат шундай мансубликни аниқлаб олиш воситаси бўлиб чиқади, умуман К. доктринаси эса каста ва корпоратив алоқаларни ҳимоя қилишнинг нозиклаштирилган формасидан иборат бўлади. Объектив равишда К. тўғрисидаги таълимот коллективни марксистларча тушунишга қарама-қарши қилиб қўйилади.

КОММУНИСТИК АХЛОҚ — коммунистик ижтимоий-иқтисодий формацияга мувофиқ келадиган ҳаётини принциплар ва ахлоқ-одоб нормаларининг мажмуи. К. а. нинг объектив мезони — коммунистик жамият ғалабаси учун курашдан иборат. Унинг қуйидаги асосий принциплари КПСС Программасида қайд қилинган: коммунизм ишига содиқлик, меҳнат билан ижтимоий бойлиқни кўпайтириш, ижтимоий бурчини англаш, коллективизм, гуманизм, интернационализм. К. а. нинг бошланғич тарихий формаси ишчилар синфининг капиталистик жамият ичидаёқ шакллانган революцион ахлоқи эди. Гарчи бу ахлоқ пролетариат синфини курашига батамом бўйсундирилган ва ўзини эксплуататорларнинг ҳукмрон ахлоқига қарама-қарши қилиб қўйган бўлса-да, пролетар ахлоқи социал зулмга ва ахлоқий иллатларга қарши курашда минг йиллар давомида халқ оммаси томонидан яратилган асосий умуминсоний ахлоқ-одоб нормаларини ўзига сингдириб борди. Шу билан бирга ишчилар синфи синфий бирдамлик, интернационализм ва коллективизм каби ўз ахлоқ-одоб нормаларини ҳам илгари сурди. К. а. умуминсоний ахлоқнинг бу барча прогрессив нормаларини мерос қилиб олади. Социализм ғалаба қозонгач, К. а. пролетариатнинг синфий ахлоқлигидан чиқиб, умуман жамиятнинг ахлоқ-одоб қонунига айланади; унинг принциплари янги мазмун билан бойиб боради ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига ёйилади. Шундай қилиб,

К а нсоннинг ахлоқ-одоб тараққий-
лашининг олий босқичидир. К. а. норма-
лари фақат кишиларнинг хатти-ҳара-
кати доиралари билан чекланмайди;
улар жамиятни ўзгартишнинг таъ-
сирчан факторлари бўлиб, бу фактор-
лар коммунистик ижтимоий тараққи-
лашнинг бутун жараёнига таъсир кў-
рсатади. К. а. нормаларининг ёппасига
рўсм бўлиши, инсоннинг пухта ан-
ланган ижтимоий бурчга мувофиқ
хатти-ҳаракат қилиши шахс билан
жамият ўртасидаги муносабатларни
қонуни чиқариш ва маъмурий йўл билан
тартибга солишнинг кўпгина зве-
ноларини аста-секин ортиқча қилиб
кўяди, ташқи мажбур этишнинг ҳам-
ма формаларини истисно қилади ва
шахснинг чинакам эркинлигини бар-
қарор қилишга олиб келади. Қону-
нлар кодексининг ва маъмуриятчилик
формаларининг К. а. нормалари билан
табiiий алмашиниши ахлоқ-одоб
тарихида революция бўлади. Ҳозирги
вақтда К. а. нормалари ўзининг
сўйлиши ва қарор топиши процессида
икки жиҳатдан нокоммунистик ахлоқ-
ий нормалар билан тўқнаш келмоқ-
да: биринчиси социалистик жамият
ичидаги тўқнаш бўлиб, унда умри ту-
гаган эски нормалар *ўтмиш сарқитла-
ри* сифатида, жамиятдаги мавжуд қо-
нуларга риоя қилмаслик, бу қону-
ларни бузиб, ахлоқсизлик ҳаракатла-
ри ва жиноятлар содир қилиш тарзи-
да мавжуддир; социалистик жамият-
дан ташқарида К. а. га буржуа
жамиятининг ахлоқи қарама-қарши
бўлиб туради. Бу мураккаб кураш ва
яратувчиликда К. а. бутун инсоният-
нинг келажак ахлоқи сифатида шакл-
ланмоқда (*Ахлоқ, Этика*).

**КОММУНИСТИК ИЖТИМОИЙ
ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШ** — комму-
низм давридаги жамият ташкилоти
бўлиб, бу ташкилот мамлакат ичкари-
сида ривожланган коммунистик жам-
ият қурилиши билан, халқаро соҳада
социализмнинг ғалаба қозониши ва
мустаҳкамланиши билан қарор топа-
ди. К. и. ў.ў б. нинг алоҳида хусу-
сиятлари шундан иборатки, унинг ор-
ганлари ва функциялари сиёсий ха-
рактерини йўқотади, жамиятни бош-

қариш иши эса алоҳида касб бўлмай
қолади. *Коммунизмнинг моддий-тех-
ника базасини* вужудга келтириш,
коммунистик ижтимоий муносабат-
ларни ривожлантириш ва янги киши-
ни камол топтириш, жамиятнинг бар-
ча аъзолари онгини юксак даражага
етказиш ва бунинг натижасида ҳуқуқ
ва ахлоқ нормаларининг коммунист-
тик жамият аъзолари хатти-ҳарака-
тининг янги нормаларига қўшилиб
кетишига эришиш—К. и. ў.ў. б. нинг
пайдо бўлишининг шартларидир. К. и.
ў.ў. б. нинг ташкил топишнинг асо-
сий йўналиши — социалистик демок-
ратияни янада ривожлантиришдан,
барча граждандарни жамиятнинг бош-
қариш ишларига жалб этишдан ибор-
рат. Бу вазифани ҳал этиш меҳнат-
кашлар турмуши моддий ва маданий
шароитини доимо яхшилаб боришни,
халқ вакиллиги формаларини ва сай-
лов системаси демократик принципла-
рини такомиллаштиришни, коммуни-
стик қурилишнинг энг муҳим масала-
ларини ва қонунларнинг лойиҳаларини
умумхалқ муҳокамасига қўйиш
практикасини кенгайтиришни, ҳоким-
ият ва бошқариш органларининг
фаолияти устидан халқ назоратининг
турли формаларини ҳар томонлама
кенгайтиришни, сайлаб қўйиш ва ҳи-
соб бериш принципини давлат ва иж-
тимоий ташкилотларнинг барча раҳ-
бар ходимларига аста-секин жорий
этишни талаб қилади. К. ў.ў. б. нинг
пайдо бўлиш процесси давлат ҳоким-
ияти органларининг ижтимоий ўз-
ўзини бошқариш органларига айлани-
шинигина эмас, балки барча мавжуд
ижтимоий ташкилотларнинг ташаб-
бускорлиги ўсишини ҳам назарда ту-
тади. «Социалистик давлатнинг ри-
вожланиши унинг аста-секин ижти-
моий коммунистик ўз-ўзини бошқа-
ришга айланишига олиб келади, унда
Советлар, касаба союз, кооператив
ташкилотлари ва меҳнаткашларнинг
бошқа оммавий ташкилотлари бирла-
шади» (КПСС Программаси).

КОММУНИСТИК МЕҲНАТ — 1)
Тор ва қатъий маънода — етук ком-
мунистик жамият шароитидаги меҳ-
нат бўлиб, бу меҳнат ташаббускор-

ликка айланади ва шунинг учун ҳам дар бир киши учун энг биринчи эҳтиёж бўлиб қолади; бу «ҳеч қандай ҳокимият, ҳеч қандай давлат нормалаштирмаган» меҳнатдир, «бирон муайян мажбуриятни адо этиш учун, маълум миқдордаги маҳсулотни олиш ҳуқуқига эга бўлиш учун қилинадиган меҳнат эмас... балки ихтиёрий меҳнатдир, нормадан ташқари меҳнатдир, ҳақ олишга умид боғламасдан қилинадиган меҳнатдир...» (В. И. Ленин, 40-т., 36, 315-б.). Коммунизм даврида меҳнатнинг буюмли натижаси ва социал оқибатлари бутун жамиятнинг бойлиги бўлиш билан бирга шахснинг ҳам бойлиги ва ўз-ўзини барқарор қилиш усули бўлиб қолиши сабабли, меҳнат олий мукофот сифатида майдонга чиқади. Бунинг маъноси — «муҳтожлик ва ташқи мақсадга мувофиқлик зўри билан қилинадиган иш тўхтайди» демакдир (К. Маркс ва Ф. Энгельс, 25-т., II қисм, 386-б.), яъни К. м., Маркс таъбирича, «ташаббускорликнинг ўзининг тўла камолоти сифатида майдонга чиқиб, унда табиат тақозоси билан юзага келган зарурат ўзининг бевосита формасида барҳам ейти...» Бунинг асосий зарур шарти шундан иборатки, инсоннинг ишлаб чиқарувчи кучлари энг юқори даражада ривожланади, унинг фаолиятининг бўлиниши (Меҳнат тақсимоти) бартараф қилинади, бунинг натижасида «инсоннинг ўзи нарсаларни ўзи учун ишлаганга мажбур қила оладиган меҳнат тўхтайди» (ўша ерда, 46-т., I қисм, 281, 280-б.). Бундай шароитда инсон кундалик меҳнатда ижтимоий ходим сифатида, барча нормалар ва мақсадларнинг яратувчиси сифатида майдонга чиқади, чунки тирикчилик воситаларини таъминлаш вазифаси эндиликда унга ҳукмронлик қилмайдиган бўлади. Фаолият зарурияти эндиликда ташқи, сиртдан буюриладиган зарурият сифатида юз бермайди, балки ички мазмун касб этади. Шу асосда «инсон кучларининг туб мақсаддан, ҳақиқий эркинлик салтанатидан иборат ривож бoшланади» (ўша ерда, 25-т., II қисм, 387-б.). Ин-

сон «фаолият»дан ташқари сохта эркинлик изламайди, «чунки унинг учун ҳақиқий эркинлик очиқ бўлади, меҳнат эса бу эркинликнинг фаол зуҳури бўлади» (ўша ерда, 46-т., II қисм, 110-б.). К. м. иш вақти билан бўш вақт ўртасидаги қарама-қаршиликни бартараф қилади, эстетик ҳузур-ҳаловат манбаи бўлиб қолади. 2) Кенг маънода — социализм давридаги меҳнат элементларининг шундай маъмуидан иборатки, бу элементларнинг ривожланиши асл маънодаги К. м. га ўтишни ҳозирлайди. Бу — меҳнатнинг фақат техникавий, илмий, бадий ижодга эмас, балки социал ижодга ҳам айланиш тенденциясидир, меҳнатнинг ҳақ тўланадиган ва ижтимоий асосда бажариладиган меҳнатга яқинлашув тенденциясидир, шахснинг реал маъсулиятининг ўсишидир. Бу тенденцияларнинг юз беришининг сабаби ёлғиз онгнинг ўзгаришидагина эмасдир, балки аввало воқеликнинг ўзининг ўзгаришида, меҳнат социал моҳиятнинг ўзгаришидадир. Ленин социализм шароитида К. м. нинг куртакларини кўрсатар экан, бу терминни ишлатишга эҳтиётлик билан, ниҳоят даражада талабчанлик билан қарашга, унга фақат «амалда коммунистик бўлган нарсани амалга оширадиган» ҳодисаларни нисбат беришга, яъни социалистик меҳнат билан К. м. ўртасидаги тафовутларни сидириб ташламасликка даъват этган эди (қ. 40-т., 35—36, 315-б.).

«КОММУНИСТИК ПАРТИЯ МАНИФЕСТИ»—К. Маркс ва Ф. Энгельс томонидан ёзилиб, 1848 йилнинг бошларида эълон этилган илмий коммунизмнинг биринчи программ ҳужжати; унда марксизм асослари яхлит баён этилган. «Буржуа ва пролетарлар» деган биринчи бобда ижтимоий тараққиёт қонунлари очиб берилган, ишлаб чиқариш усулларининг алма-синиuvi муқаррар ва қонуниятли эканлиги асосланган. Маркс ва Энгельс ибтидоий жамоа тузумидан ташқари, жамиятнинг бутун тарихи синфлар кураши тарихи эканлигига асосланиб, капитализмнинг ҳалокати муқаррарлигини асослаб бердилар ва:

ини ижтимоий тузум — коммунизмни қуриш йўллари кўрсатдилар. Худди шу бобда эски жамиятни революцион йўл билан қайта қурувчи инанчи жамият барпо этувчи, барча меҳнатқашларнинг манфаатларини меҳнатқашларнинг пролетариатнинг тарихий вазифаси тушунтирилган. «Пролетарлар ва коммунистлар» деган иккинчи бобда Маркс ва Энгельс ишчилар синфининг бир қисми ва унинг илгор отряди — коммунистлар партиясининг тарихий ролини очиб берганлар. Коммунистларнинг энг яқин мақсади — «пролетариатни бир синф қилиб уюштириш, буржуазия ҳукмронлигини ағдартиш, сиёсий ҳокимиятни пролетариат қўлига олишдир (4-т., 437—438-б.). Бу бобда Маркс ва Энгельс пролетариат диктатураси идеясини илгари сурдилар, коммунистларнинг оилага, мулкка муносабатини тушунтирдилар ва пролетариат ҳокимият тепасига келгандан кейин амалга ошириши лозим бўлган иқтисодий тадбирларни белгиладилар. «Социалистик ва коммунистик адабиёт» деган учинчи бобда Маркс ва Энгельс социализм байроғи остида майдонга чиққан буржуа ва майда буржуа оқимларни қаттиқ танқид қилганлар ва утопик социализм ва коммунизм системаларига ўз муносабатларини билдирганлар. «Коммунистларнинг ҳар хил оппозицион партияларга муносабати» деган тўртинчи бобда Маркс ва Энгельс коммунистларнинг бошқа оппозицион партияларга нисбатан тактикасини баён этганлар. «К. п. м.» «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган ўлмас шior билан тамомланади. Ленин «К. п. м.» нинг тарихий аҳамиятига баҳо бераркан бундай деб ёзган эди: «Бу кичкина китобча бир қанча томларга арзийди: бу китобча маданий дунёнинг уюшган ва курашаётган пролетариатини ҳозиргача руҳлантириб ва ҳаракатлантириб келмоқда» (2-т., 12-б.). Илмий коммунизмнинг биринчи программ ҳужжати бўлган «К. п. м.» шу билан бирга марксизмнинг янги фалсафий таълимоти — илмий фалсафий материализм, революцион диалектика, тарих-

ни материалистик тушунишни ўзида гавдалантирган эди.

КОММУНИСТИК ТАРБИЯ — ижтимоий тарбиянинг кўп томонлама процесси бўлиб, бу процесс капитализмдан коммунизмга ўтиш даврида жамиятни ўзгартиб қайта қуриш жараёнида амалга оширилади. К. т. нинг асосий вазифаси — коммунистик жамиятнинг ўтмиш сарқитларидан холи бўлган, онгли, ҳар томонлама ривож топган кишиларини тарбиялаб етиштиришдир (*Шахснинг ҳар томонлама, мукамал камол топиши*). К. т. нинг ҳал қилувчи фактори — кишилар ижтимоий турмушнинг ўзгартишдан, уларнинг социалистик ва коммунистик қурилишда иштирок этишидан иборат. Янги кишининг камол топиши, ўз навбатида, жамиятни амалий равишда ўзгартиб қайта қуришга таъсир кўрсатади. К. т. процесси стихияли равишда, ёлғиз объектив факторлар таъсири остидагина юз бермайди, балки систематик суратда, маълум мақсадга қаратилган тарбиявий иш олиб боришни талаб қилади ва бу тарбиявий иш ҳаёт билан, жамият бахт-саодати учун қилинган меҳнат билан боғланган тақдирдагина муваффақият қозонади. Меҳнат асосида тарбиялаш, меҳнатга, ижтимоий ишлаб чиқаришга коммунистик муносабатни ривожлантириш — К. т. нинг ҳал қилувчи томонидир. К. т. нинг муҳим вазифаларидан бири — илмий марксча-ленинча дунёқарашни шакллантиришдан иборат бўлиб, бу дунёқараш олдин ўтган бутун прогрессив маданиятни, нисоният жамғарган билимларнинг бутун бойлигини ўзлаштиришни назарда тутади. Ахлоқий тарбия, коммунистик онглиликни ривожлантириш, одамлар орасида коммунистик ахлоқ талабларига мувофиқ келадиган чинакам нисонпарварлик муносабатларини ўрнатиш К. т. нинг таркибий қисmidир. Бу эса кишилар онгидаги капитализм сарқитларига қарши, шу жумладан диний хурофотларга, буржуа ва ревизионистик идеология таъсирига қарши мurosасиз суратда системали кураш олиб боришни талаб этади. К. т. нинг муҳим

томони — эстетик тарбиядан иборат бўлиб, бу тарбия эстетик дидни ривожлантиришни, кишиларни ҳозирги замон буржуа формалистик санъати таъсирининг социалистик жамиятда ҳар қандай кўринишларига мурасасиз муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашни тақозо қилади.

КОНВЕНЦИОНАЛИЗМ (лат. conventio — шартнома, битим) — философик концепция бўлиб, бу концепцияга қўра, илмий назариялар ва тушунчалар объектив оламнинг инъикоси эмас, балки олимлар орасидаги ўзбошимча битимнинг маҳсулидир; бу битим қўлайлик ва соддалик мулоҳазалари билан белгиланади. К. нинг нуқтаи назари субъектив идеализм учун жуда мос бўлиб тушади, чунки у субъект билимларидаги объектив мазмунни инкор этади. К. нинг назарий принципларини Пуанкаре ишлаб чиққан. К. нинг элементлари позитивизм, прагматизм ва операционализмда мавжуддир. Назарий системаларимизни турлича шарҳлашнинг реал имконияти К. нинг гносеологик негиздан иборатдир (айниқса математика соҳасида), чунки илмий назарияни қандайдир соф логик структура деб қараш ана шу негиздан келиб чиқади ва ҳақиқат ёки ноҳақиқат тушунчалари мазкур структурага нисбатан маъносини йўқотиб қўяди. Билиш процессини тарихий анализ қилганда К. нинг нуқтаи назари рад қилинади. Бизнинг тушунчаларимиз ва назарияларимиз инсониятнинг амалий фаолияти давомида шаклланиб, оламнинг муайян томонларини акс эттиради. Бироқ, улар ифодалангач, ўзининг реал заминидан мавҳумлаштирилиши ва бутунлай турли хилдаги ҳодисаларни тасвирлаш учун қўрол, аппарат бўлиб қолиши мумкин. Чунки, геометрик тасаввурлар техникавий вазибаларни ҳал қилишга, графикалар тузишга ва ш. к. татбиқ этилиши мумкин. Аммо айнан бирдай бўлмаган объектларнинг ўхшашлигига асосланган бундай татбиқотнинг «сунъий характери» асло назарий системаларнинг ўзининг ўзбошимчалик характерини исбот қилмайди.

КОНДИЛЬЯК Этьен Бонно де (1715—80) — француз маърифатчиси; (*Маърифатчиллик*). Греноблда туғилган, католик руҳонийси; ўз асарлари билан черков идеологиясига футур етказишга ёрдамлашди. Билиш назариясида Локкнинг издоши. Локкдан фарқли улароқ, сезгилардан, билимлар манбаидан ташқари, иккиламчи «рефлексия»нинг мавжудлигини инкор этарди. Бироқ сезгиларнинг ташқи объектлари билан алоқаси характерини тушунмаслик, уларнинг субъективлигини ошириб юбориш К. ни субъектив идеализмга олиб келди. К. нинг фикрича, сезгиларни ташқи предметлар юзига ҳелтирса-да, лекин улар билан ҳеч қандай алоқаси йўқдир. Ақл олам билан фақат сезгилар орқали боғлиқ бўлганлиги сабабли, унинг предмети объектив олам эмас, балки сезгилар мажмуидир. Шундай бўлишига қарамай, К. нинг *сенсуализми Лейбниц* идеализмга, ҳар қандай спекулятив, ақл сотиш философияга қарама-қарши бўлиб турарди; К. 18-асрдаси француз материализмига катта таъсир кўрсатган эди. Асосий асарлари: «Системалар ҳақида трактат, бу системаларда уларнинг камчиликлари ва яхши томонлари очиб берилди» (1749), «Сезгилар ҳақида трактат» (1754) ва б.

КОНДИЦИОНАЛИЗМ (лат. conditio — шароит) — фалсафий таълимот бўлиб, бу таълимот сабаб тушунчаси ўрнига шароитлар комплекси тушунчасини қўяди. К. нинг асосчиси — немис физиолог М. Ферворндир (1863—1921; философияда идеалистик позицияларни тутган) К. нинг ғоялари чет эллардаги бир қанча медицина назариётчилари орасида ёйилган.

КОНДОРСЕ Жан Антуан (1743—94) — француз философи-маърифатчиси, жирондистларга қўшилган эди, Париж фанлар академиясининг аъзоси. Иқтисодий масалаларда физикратлар (*Тюрло*) тарафдори эди. К. дининг *деизм* ва буржуа *маърифатчилиги* нуқтаи назаридан танқид қиларди, бидъат-хурофотлардан воз кечишга ва илмий билимларни ривожлантиришга даъват этарди. «Инсон ақли

тараққисининг тарихий картинаси эскириш» деган асосий асариди (1794) тарихга ақл маҳсули деб қарашни ривожлантирди, буржуа тузумини ақллилик ва «табиийлик» чўққиси деб эълон қилди. К. турли тасодифий аломатларга асосланиб, тарихни 10 даврга бўлди, капиталистик тузумнинг бениҳоя тараққий қилиши идеясини асослаб бермоқчи бўлди. К. сиёсий тенгликни ҳимоя қилиб, сословияларга бўлинишга қарши курашди, шахснинг эркин ривожланишини, деспотизмни йўқ қилишни талаб қилди. Шу билан бирга у мулкий тенгсизликни жамият учун фойдали деб ҳисобларди. К. нинг қарашлари ва иллюзиялари юксалиб бораётган буржуазиянинг идеологлари учун жуда мос эди.

КОНКРЕТ СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР — социал воқеликнинг турли соҳаларидаги (экономика, сиёсат, маънавий ҳаёт, маънавий турмуш ва ҳ. к.) ижтимоий муносабатларни, уларнинг ривожланиш қонуниятларини ва функцияларини назарий ва эмпирик тадқиқот методларини қўшиш йўли билан ўрганиш (*Социологик тадқиқот методлари*). К. с. т. бирон ижтимоий процессни ёки ҳодисани ҳар томонлама, уларнинг жамият иқтисодий, социал-сиёсий ва маънавий ҳаётининг бошқа социал тадқиқотлар белгилаб берадиган қонуниятлари билан ривожланишининг ўзаро боғлиқлиги нуқтаи назаридан қараб чиқади, шу билан бирга иқтисодий қонуниятлар бу процессларда белгилувчи қонуниятлар сифатида юз беради. К. с. т. нинг назарий асоси — умумий социологик назария — тарихий материализм бўлиб, у мазкур тадқиқотларнинг илмий методология функциясини бажаради ва социал воқелик фактларини анализ қилишга объектив нуқтаи назардан қараш йўлини топишга имкон беради. К. с. т. — ижтимоий тараққиёт тенденцияларини билишнинг, тарихий материализм назарияси билан коммунистик қурилиш практикасини бирлаштиришнинг муҳим қуролидир. Бу тадқиқотлар ижтимоий тараққиётнинг қонуниятлари ҳақида-

ги илмий назарий хулосаларни фактик (эмпирик) асослаб беришга восита бўлиб хизмат қилади ва шу тўғрисида социалистик жамиятда социал процессларни регуляция қилиш ва уларни бошқариш билан боғлиқ бўлган қарорларни қабул қилишда зарур омилдан иборат бўлади. Ижтимоий процессларни илмий анализ қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўювчи К. с. т. билан тор доирада қилинадиган амалий тадқиқотларни, кундалик информацияни анализ қилишни (мас., жамоатчилик фикрини махсус равишда сўраб чиқишни) бир-биридан фарқ қилиш керак бўлади. Ф. Энгельснинг «Англияда ишчилар синфининг аҳволи» асари, В. И. Лениннинг «Россияда капитализмнинг ривожланиши» ёки «Буюк почин» асарлари ва б. К. с. т. нинг ажайиб намуналаридир. Сўнгги йилларда К. с. т. СССРда кенг ривожланиб кетди. Совет социологлари жамиятнинг социал структурасини, меҳнатнинг омиллари ва раббатлантиришларини, ишчи кучининг ҳаракатини, вақт бюджетлари структурасини, маънавий турмушни, ёшларнинг олий маълумот олиш проблемаларини, аҳолининг миграциясини (мамлакат ичидан бир жойдан иккинчи жойга кўчишини) ва ҳ. к. ўрганмоқдалар. Бу ишлар назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, марказдаги ва жойлардаги партия, давлат ва хўжалик органлари томонидан ижтимоий бошқариш масалалари юзасидан илмий асосланган қарорлар қабул қилиш учун фойдаланилмоқда. Марксистик К. с. т. позитивистик йўналишдаги буржуа эмпирик социологиясидан тубдан фарқ қилади, чунки бу социология умумий социологик назариядан воз кечиб, микропроблемалар деб аталувчи проблемаларни ва хусусий социал ҳодисаларни синчиклаб ўрганиш доирасида биқиниб қолади. Социал процесснинг объектив қонуниятлари ўрнига маънавий ҳаётнинг сиртида ётувчи ҳодисаларни (психологизация) ва кишилар хатти-ҳаракатининг сиртдан қайд этилувчи бир хилдаги ишларини (бихевиоризация) қўяр экан, эмпирик социология ижтимоий тараққиёт-

нинг чуқур ички манбаларини очиб беришга қодир эмасдир. Қўшгина буржуа социологлари ижтимоий тараққиётнинг реал практикаси билан ҳам, уларнинг ўзлари қиладиган эмпирик тадқиқотларнинг маълумотлари билан ҳам мос келмайдиган тарихнинг мавҳум идеалистик концепциялари ичидан назарий мушкулотдан қўтилиш йўлини топишга уринмоқдалар.

КОНКРЕТ СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ—социолог томонидан дастлабки информацияни танлаб олиш ва кейин уни анализ қилиш усуллари ёки йўллари. Шундай методлардан уч группасини фарқ қилиб қарайдилар. Биринчи группага айрим фактларни аниқлаш ва дастлабки маълумотларни тўплаш системаси қиради. Фактларни аниқлаш бевосита кузатиш—четдан ёки ичдан (бунда тадқиқотчи социал процессни унинг иштирокчиси сифатида гўё «ичдан туриб» кузатади) кузатиш, ҳужжатларни (расмий ҳужжатларни—таржима ҳоллар, хатлар, кундаликларни) анализ қилиш йўли билан ёки сўраб чиқиш (эркин интервью, берилган программага мувофиқ қилинадиган интервью, анкета тарқатиб сиртдан сўраб олиш ва б.) йўли билан бажарилади. Тадқиқотнинг бу босқичида дастлабки маълумотларнинг барқарорлигини, ишончлилигини ва асосланганлигини таъминлаш муҳимдир, бунга эса фактларни қайтадан текшириш, назорат тариқасида кузатишлар ва сўраб чиқишлар, информация тўплашнинг турли методларини қўшиб олиб бориш йўли билан эришилади. Методларни бундай қўшиб олиб бориш ўз навбатида фактларни дастлабки тартибга солиш тартибини, ҳажмини ва системасини белгилаб беради (методларнинг иккинчи группаси). Бу методлар группасига монография текшириш (муайян ижтимоий ҳодиса ёки процесснинг турли томонларини хилма-хил усуллар билан ўрганиш), ёппасига ёки танлаб кузатиш ва сўраб чиқиш қиради. Танлаб тек-

шириш кузатиш объектнинг умумий мажмуиятидан шундай ҳиссани (мас., ўқувчилар аудиториясини текшириганда газетхонлар ҳиссасини) статистик равишда аёбланган танлашни назарда тутадик, натижада бу ҳисса етарли даражада салмоқли бўлсин, токи унинг асосида шу хилдаги нарсаларнинг бутун мажмуига оид тенденцияларни тўғри аниқлаш имконияти туғилсин. Методларнинг учинчи группасини дастлабки маълумотларни ишлаб чиқиш: ёзиш ва туркумлаш, умумлаш, системага солиб анализ қилиш ва б. усуллари ташкил этади. Маълумотларни ишлашда мантиқий усуллардан (анализ ва синтез) ташқари статистик қонуниятни излаш катта аҳамиятга эгадир. Анализнинг муҳим методи социал экспериментдан иборат бўлиб, унинг процессида тадқиқотчи кузатилувчи ҳодисаларда сабаб-натيجا алоқалари тўғрисидаги гипотезаларни текширади. Тадқиқотнинг бирон-бир методини танлаш асосан ўрганиладиган объектнинг табиати ва тадқиқотнинг назарий асосларига боғлиқ. Бу назарий асослар илгаритдан тадқиқот программаси шаклида ифодаланади ва унда тадқиқотнинг вазифаси, мақсади, маълумотларни анализ қилишга оид асосий тушунчалар, ўрганиладиган процесснинг муҳим характеристикалари ўртасидаги эҳтимол тутилган алоқалар ва қарамликлар ҳақидаги фаразлар (гипотезалар) баён этилади. Марксистик *конкрет социологик тадқиқот* тарихий материализмга таянади. Тадқиқот программасининг методологик принциплари дастлабки маълумотларни тўплаш ва ишлаш методларини шу тариқа қўшиб олиб боришни белгилашга имкон берадики, бундай қўшиб олиб бориш информациянинг объективлигини, фактларни уларнинг мажмуида, «ҳеч бир истисноз» (В. И. Ленин), конкрет социал вазиятда қараб чиқишни таъминлайди.

КОНСЕКВЕНЦИАЛ ЭТИКА (лат. consequentia — оқибатлар) — ахлоқий назарияларнинг бир тили бўлиб, бу назарияларда хатти-ҳаракатнинг аҳ-

лоқий қимматдорлиги унинг оқибатларига қараб белгиланади (*утилитаризм, седонизм, эвдемонизм, аксиологик интуитивизм* ва кўпгина б. оқимлар). К. э. тарафдорлари, ахлоқ-одоб жамият ва инсоннинг бирор хилдаги эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади, деган фикрга асосланидилар ёки, ҳеч бўлмаганда, унинг мақсадга мувофиқлик характери ни расмангина тан оладилар. Марксистик этика К. э. принципни умуман эътироф қилган ҳолда, унинг камчилигини қайд қилди кўрсатади. Ижтимоий мақсадга мувофиқлик тушунчаси ёрдами билан у (гарчи тўлиқ суратда бўлмаса-да) у ёки бошқа жамиятда мавжуд бўлган ахлоқнинг фақат умумий принциплари ва нормаларининггина тушунтириб беради-ю, аммо ҳар бир конкрет хатти-ҳаракатнинг баҳосини ва таълинини у тушунчага нисбат бермайди. Ҳар бир конкрет хатти-ҳаракати бу хилдаги ҳаракат одатда олиб келадиган социал оқибатларга асосланиб баҳолаш керак бўлади.

КОНСТРУКТИВ ЛОГИКА (лат. constructio — тузилиш) — математик логикадаги бир йўналиш. К. л. нинг асослари, гарчи улар *интуитционизм* философияси билан боғлиқ бўлмаса-да, интуитционистик мактаб томонидан қўйилган. К. л. нинг ривожланиши Л. Брауэр, Г. Бейль, А. Гейтинг асарларида бошлаб берилган эди. К. л. нинг асосий идеяси — ниҳояли тўпламлар учун тўғри бўлган принципларни (мас., бутун қисмдан каттароқ, *учинчиси истисно қонуни* ва ҳ. к. ҳақидаги қондани) бениҳоя тўпламларга кўчиришдан иборат. Бениҳоялик тушунчасига классик логика билан К. л. нинг нуқтан назари бошқа-бошқадир: классик логика бениҳоялиқни актуал, тугал деб қараса, К. л. потенциал, қарор топаётган нарса деб қарайди (*Актуал ва потенциал бениҳоялик*). К. л. учун объектларнинг ва умуман логик-математик назарияларнинг индуктив тузилиши характерлидир. К. л. принципларига асосланиб, ҳозирги замон математик логикаси ва математикасининг асосий натижаларини қайтадан қараб чиқишга урин-

моқдалар. Совет олимларидан А. Н. Колмогоров, А. А. Марков, Н. А. Шанин К. л. ни ривожлантиришга катта, ҳисса қўшдилар.

КОНСТРУКТИВ (генетик) МЕТОД — илмий назарияларнинг дедуктив тузилиши усулларидан бири (*Дедуктив метод*). К. м. идеяси математика ва логиканинг аксиоматик асослашдаги қийинчиликларини бартараф қилишга уриниш сифатида (мас., тўпламлар назарияси парадоксларини тугатиш ва ҳ. к. мақсадларида) пайдо бўлди ва (*Гильберт, Л. Я. Брауэр, А. Гейтинг, А. Н. Колмогоров, А. А. Марков, П. Лоренцен* ва б. асарларида) ишлаб чиқилди. *Аксиоматик методдан* фарqli ўлароқ, назариянинг конструктив тузилишида бошланғич, шу назария доирасида исбот қилиб бўлмайдиган фикрларни ва аниқлаб бўлмайдиган терминларни минимум даражасига етказишга уринибгина қолмасдан, шу билан бирга уларнинг мазмун жиҳатдан яққол бўлиши тўғрисида махсус равишда ғамхўрлик ҳам қиладилар. К. м. бажариши лозим бўлган асосий вазифа формал системда қараб чиқиладиган объектларни ва улар ҳақидаги фикрларни изчилик билан конструкциялашдан (мавжуд воситалар асосида амалга ошириладиган ёки мумкин бўлган конструкциялашдан) иборат. Назариянинг бошланғич объектларини бериш ва янгиларини тузиш махсус қондалар ва таърифларнинг мажмуи ёрдами билан амалга оширилади. Системанинг ҳамма қолган фикрлари конструктив назариялар учун ўзига хос хулоса чиқариш техникаси ва математик индукцияга асосланган рекурсив таърифлар ёрдами билан назариянинг бошланғич базасидан ҳосил қилинади. Ҳозирги вақтда К. м. фақатгина формал фанлар соҳасида татбиқ этилмоқда — унинг ёрдами билан конструктив математика ва логика тузилоқда. Бироқ, бу методни табиий-илмий билимини тузишга ҳам татбиқ этиш мумкинлигини рад этиш учун ҳеч қандай асос йўқ.

КОНТ . Огюст (1798—1857)— француз философи, *позитивизмнинг*

асосчиси. Сен-Симоннинг секретари ва хизматдоши бўлган (1818—24). Қ. «позитив философияси»нинг асосий тезиси, фан ҳодисаларнинг ташқи қиёфасини таъсирлаб кўрсатиш билан чегараланиши керак, деган талабдан иборат. Қ. ана шу тезисга асосланиб, «метафизика», яъни ҳодисаларнинг моҳияти ҳақидаги таълимот баргараф қилинмоғи лозим, деб даъво қилган эди. Қ. кенг табиий-илмий материални синтезлаштиришга уринди, лекин бу уриниш Қ. нинг фалсафий позицияси (субъектив идеализм ва агностицизм) туфайли фанни сохталаштиришга олиб келди. Қ. табиатни билиш тарихини уч паллага бўлди: бу паллалардан ҳар бири дунёқарашнинг муайян типига: теологик, метафизик ва позитив типларига мувофиқ келарди. Биринчи, теологик паллада инсон ақли ҳодисаларни ғайри табиий кучларнинг, худонинг таъсири билан изоҳлашга уринган. Қ. нинг фикрича, метафизик дунёқараш теологик дунёқарашнинг ўзгарган шаклидир. Метафизик дунёқарашга кўра, барча ҳодисаларнинг асосини абстракт метафизик моҳиятлар ташкил этади. Теологик ва метафизик дунёқараш ўрнига, Қ. нинг фикрича, «позитив метод» келади ва бу метод «абсолют билим»дан (аввало материализмдан ва объектив идеализмдан) воз кечишни талаб этади. Қ. нинг уч ҳадли формуласи фан ва философиянинг ҳақиқий тарихини бузиб кўрсатарди: мас., кичтача схемадан инсон фикри тараққиётдаги бугун бир давр — антик давр тушиб қоларди. Пировард ҳисобда кичтача формула у Сен-Симондан кўчириб олган диалектик триадага қилинган бемаъни тақлид эди. Қ. ўзининг уч ҳадли схемасидан фанларни туркумлаш учун, гражданлик тарихини системалаштириш учун фойдаланди. Қ. нинг социологиясининг («социология» термини уникидир) харақтерли хусусияти шуки, у жамиятни изоҳлашга илмга хилоф нуқтаи назардан қарарди. Унинг социологик таълимотининг асосий идеяси — буржуа тартибларини революцион йўл билан ўзгартишни бефойда деб даъво

қилишдан иборат. Қ. нинг фикрича, капитализм инсоният тарихининг эволюциясини тугаллайди. Қ. шахсий худого сифиниш ўрнига абстракт олий зотга сифиниши илгари сурувчи «янги» динни тарғиб қилишни социал уйғунликни барқарор этиш воситаси деб ҳисобларди. Қ. нинг асосий асарини — «Позитив философия курси» (1830—42).

КОНТА Василе (1845—82)—румин материалист философи. Қ. ўзининг фалсафий хулосаларини табиёт илми маълумотларига, айниқса Лайель, Ламарк, Дарвин, Геккель назарияларига асосланиб чиқаради. Қ. нинг фикрича, табиат онгдан олдин мавжуд бўлган. Гарчанд Қ. вульгар материалист Фогтга қарши чиққан бўлса-да, лекин у тафаккурни илмий тушуниш даражасига кўтарила билмади. Қ. нинг фикрича, бениҳоя материя макон ва ва замонда абадий ривожланади. Қ. материя формаларининг тафовутига асосланиб қонунларни туркумлаштираркан, айни вақтда тасодифни инкор этарди ва барча қонунлар фатал (тақдирга боғлиқ) деб даъво қиларди. Инсоннинг билувчилик қобилиятини у, воқеликнинг ўзи сингари, битмас-туганмас деб ҳисобларди. Қ. билим практика билан текширилади деб ҳисобларди ва практика деганда лаборатория экспериментини ва шахсий тажрибани тушунарди. Аслида атеист бўлган Қ. доноликни ва ибтидоий одамнинг табиий кучлардан қўрқиниши диннинг манбаи деб ҳисобларди. Жамият ҳақидаги таълимотида Қ. идеалистлигича қолган эди. Қ. нинг материализми 19-асрнинг иккинчи ярмида Руминиянинг ижтимоий-сиёсий фикри ривожига анча таъсир кўрсатди. Асосий асарлари: «Фатализм назарияси» (1875—76), «Материалистик метафизикага доир очерклар» (1879).

КОНТРАПОЗИЦИЯ ҚОНУНИ (лат. contra — қарши; positio — қоида) — логика қонуни бўлиб, бу қонунга кўра агар бирон-бир А ҳукмидан В ҳукми келиб чиқса, у вақтда В ҳукмини инкор қилишдан А ҳукмини инкор қилиш келиб чиқади.

КОНФЛИКТ (драматик) (лат. *conflictus* — тўқнашув) — ҳаётий зиддиятларни ифодалашнинг ўзига хос эстетик формаси, қарама-қарши инсоний хатти-ҳаракатлар, идеялар, интилишлар, эҳтиросларнинг кескин тўқнашувини санъатда қайта ҳосил қилиш формаси. К. ижтимоий тараққиётдаги муайян социал кучлар ва тенденцияларнинг тўқнашувини асосида пайдо бўлади ва ҳал қилинади. Драматик К. нинг ўзига хос мазмуни — *гўзаллик* билан *хунуклик* ўртасидаги курашдан, бу курашнинг муайян эстетик *идеал* нуқтаи назардан ҳал қилиниши ва баҳоланишидан иборат. Реалистик санъат ҳаётий зиддиятларни типик вазиятларда типик характерларнинг ўзига хос тўқнашувини формасида қайта ҳосил қилади. *Социалистик реализм* санъати асарига К. одатда янгиликнинг, гўзалликнинг галаба қилиши билан ҳал қилинади, ammo бу галабага эришилгунча унинг йўлида жиддий муваффақиятсизликлар, вақтинча мағлубиятлар ёки ҳатто қаҳрамоннинг фожиаи ҳалок бўлиши каби ҳодисалар рўй беради. К. нинг роли ва формаси кўп жиҳатдан санъатнинг у ёки бошқа турлари ва жанрларида типиклаштириш қобилиятлари ва воситаларига боғлиқдир. Ҳақиқий санъатда драматик К. гоёвий ва социал мазмуннинг чуқурлиги ва аҳамиятлиги, кескинлиги ва шиддатлилиги билан ажралиб туради ва мукамал бадний формада ифодаланади, бу эса асарнинг инсонга эстетик таъсирини таъминлайди.

КОНФУЦИЙЧИЛИК — қадимги Хитойда етакчи гоёвий оқимлардан бири. К. нинг асосчиси Конфуцийдир (эрамиздан олдин 551—479). Унинг қарашларини издошлари «Лунъюй» («Сухбатлар ва муҳокамалар») китобида баён қилганлар. К. нинг фикрича, инсон тақдирини «осмон» белгилайди ва одамларнинг «нажиб» ва «паст» кишиларга бўлинишини ўзгартиб бўлмайди. Кичик каттага, пастда турувчи юқорида турувчига сўзсиз илоат қилмоғи лозим. *Мэн-цзи* Конфуцийнинг таниқли издоши бўлиб, у со-

циал тенгсизликни «осмон иродаси»га боғлаб изоҳларди. К. нинг бошқа бир тарафдори Сюнь-цзи (эрамиздан олдин 298—238) материалистик таълимот яратди. Бу таълимотга кўра осмон табиятнинг бир қисми бўлиб, онга эга эмасдир. У айтар эдики, инсон нарсаларнинг қонунларини (*дао*) билиб олгач, улардан ўз манфаатлари учун фойдаланмоғи лозим. Бироқ К. да имтиёзли синфларни ҳақ қилиб кўрсатиш ва «осмон ирода»сини кўкларга кўтариб мақташ етакчи йўналиш бўлиб қолди, бу эса Дун Жун-шу (эрамиздан олдинги 2-асрда) томонидан конфуцийчилик ортодоксал доктринасини яратиш учун асос бўлди. 11—12-асрларда *Чжу Си* ва б. орқали К. янги конфуцийчилик деган оқимда фалсафий асосини топади, бу оқим эса, нарсаларда икки ибтидо: *ли* — оқилона ижодий куч ва *ци* — пассив материя бор, деб таълим берарди. Биринчи ибтидо инсонда ижобий фазилат — яхшиликка интилиш пайдо қилади, иккинчи ибтидо эса салбий сифат — ҳиссий вавсасаларга илоат қилишни вужудга келтиради. Ван Ян-мин (1472—1528) К. ни субъектив идеализм руҳида асослаб берди. Кўп асрлар давомида К. феодаллар Хитойнинг ҳукмрон идеологияси бўлиб келди.

КОНЦЕПТ (лат. *conceptus* — тушунча) — 1) таъриф, ақлий образ, умумий фикр, тушунча (*Концептуализм*); 2) *логик семантикада* — *номнинг* мазмуни.

КОНЦЕПТУАЛИЗМ — схоластик философиянинг бир йўналиши, *Абеляр*, *Жильбер Порретаний*, *Иоанн Солисберий* унинг вакиллари. *Универсалиялар* ҳақидаги мунозаралар концептуалистлар, номиналистлар снгари (*Номинализм*), реализм таълимотини (*Ўрта аср реализми*) рад қилган ҳолда, умумийликнинг айрим нарсалардан қатъи назар реал суратда мавжудлигини инкор этган эдилар, лекин улар номиналистлардан фарқ қилиб, мияда тажрибадан олдинги умумий тушунчалар, концептлар, воқеликни билишнинг алоҳида формаси сифатида мавжудлигини эътироф

этардилар. Янги замонда Локк К. позицияларига яқин эди.

КОНЪЮНКЦИЯ (лат. conjungere— бирлаштирмақ)— мантиқий операция бўлиб, бу операция мантиқий «ва» ёрдами билан бирлаштирилган икки мулоҳазадан мураккаб мулоҳаза тuzади. (Символик ёзуви $A \cdot B$). Тузилган мураккаб мулоҳаза унга кирувчи барча мулоҳазалар чин бўлган тақдирдагина ва фақат шундагина чин бўлиб, қолган барча ҳолларда ёлгондир.

КОПЕНГАГЕН МАКТАБИ — квант механика фалсафий проблемаларини позитивистик шарҳлаш йўлини тутган бир группа физикларга (Бор, Гейзенберг, Вейцеккер, Иордан ва б.) берилган ном. Тарихан бу группа 20-асрнинг 20-йиллари охирида Копенгагенда, Бор раҳбарлик қилган назарий физика ин-тутида вужудга келган эди. Бир қанча физиклар, копенгагенча шарҳлаш тарафдорлари, аввало Бор ва Гейзенберг квант механикани яратини ва ривожлантиришда, унинг математик ашаратини ва экспериментал материални шилла чиқини ва шарҳлаш соҳасида катта хизмат кўрсатдилар. Бироқ бу мактабнинг фалсафий позицияларига, унинг, айниқса илк боқичлардаги, субъективистик мулоҳазаларига *неопозитивизмнинг* катта таъсири кўринган эди. Мазкур мактабнинг баъзи вакиллари микрооламдаги прибор родини хато равишда «назорат қилиб бўлмайдиган бузилишлар»дан иборат қилиб қўйган ҳолда, «сабабиятнинг ҳалок бўлганлигини», «электроннинг эркин продаени» ва х. к. тарғиб қила бошлаган эдилар. Бу хилдаги қарашлар совет физиклари (С. И. Вавилов, В. А. Фок, Д. И. Блохинцев ва б.) ва чет эл физиклари (*Эйнштейн, Ланжевен* ва б.) томонидан танқид қилинди. Ҳозирги вақтда бу мактаб яхлит бир бутун эмасдир. Иордан ва Вейцеккер позитивистик позицияларда қолган бўлсалар, Гейзенберг позитивизмни танқид қилмоқда. Бор квант механиканинг бир қанча фалсафий проблемаларини материалистик тушунишга яқинлашиб борди.

КОПЕРНИК Николай (1473—1543)— поляк астрономи, оламнинг гелиоцентрик системасини яратувчи. Фан тарихида К. таълимоти революцион иш эди ва у туфайли табиятнинг тадқиқ қилиш ўзининг мустақиллигини эълон қилди. Табиётнинг теологиядан қутилиши ана шундан бошланди. К. нинг Ернинг Қуёш атрофида айланиши ҳақидаги ва Ернинг ўз ўқи теуарағидан бир кеча-кундузда айланиб чиқини ҳақидаги таълимоти Птолемейнинг геоцентрик системаси билан ва унга асосланган Ерни худонинг ўзи мумтоз қилганлиги ҳамда кинотда одамнинг имтиёзли мавқеи ҳақидаги диний тасавурлар билан алоқанинг узиллишини билдирарди. Бу назария шунингдек Аристотелдан бошланиб келган ва схоластика томонидан фойдаланилган осмон ва ер ҳаракатларини қарама-қарши қилиб қўйишни ҳам улоқтириб ташлаб, оламни худо яратганлиги ҳақидаги диний афсонага зарба берди, қуёш системасининг табиий пайдо бўлганлиги ва ривожланганлиги ҳақида келажакда таълимотлар юзага келиши имкониятини яратди. К. нинг кашфиётлари қаттиқ курашга сабаб бўлди: черков уларни қоралади ва таъқиб қилди, унинг замонидаги ва ундан кейинги даврлардаги илғор мутафаккирлар бу кашфиётларни ўзларига жангovar байроқ қилиб олиб, уларни янада ривожлантирдилар ва К. системасидаги, мас., барча юлдузларнинг ягона бир «сфера»да ва Қуёшнинг кинот марказида жойлашганлиги ҳақидаги хато қондаларни бартараф қилдилар. К. нинг «Осмон сфераларининг айланишлари ҳақида» номли асосий асари (1543) К. нинг антик атомизми ютуқлари билан ва қадимги олимларнинг астрономик гипотезалари билан таниш бўлганлигидан далолат беради (*Оламнинг гелиоцентрик ва геоцентрик системаси*).

КОРПОРАТИВ ДАВЛАТ (лат. corporatio — бирлашма) — буржуа диктатурасининг энг реакция, фашистик формаси бўлиб, у 1-жаҳон урушидан кейин капитализмнинг умумий кризиси шароитида пайдо бўлди. К. д.

нинг асосий хусусиятлари — ишчилар синфи ташкилотларини тугатишдан, аҳолини мажбурий равишда корпорацияларга тақсимлашдан (мас., капиталистлар корпорацияси, ишчилар корпорацияси, хизматчилар корпорацияси), сайлаб қўйиладиган орган бўлиши парламентни тугатиш ва унинг ўрнига «корпорациялар вакилиги»ни ташкил этишдан иборат; бунинг натижаси шу бўлиб чиқадики, меҳнаткашлар батамом ҳуқуқсиз бўлиб қолади, улар корпорациялар ёрдамида монополиялар томонидан шафқатсиз эксплуатация қилинади. К. д. фашистлар Италиясида ва Португалиясида жорий этилган эди. К. д. нинг асосий мақсади — монополистик капитал диктатурасини ниқоблашдан ва фашистлар давлатини корпорациялар доирасида «синфлар ҳамкорлиги», «манфаатлар уйғунлиги»дан иборат қилиб кўрсатишдир.

КОРПУСКҮЛЯР-ТЎЛҚИН ДУАЛИЗМИ — микрообъектларнинг ўзига хос сифати бўлиб, бу сифатни *квант механика* тасвирлаб кўрсатади ва мазкур объектларда қарама-қарши корпускуляр ва тўлқин хоссалари мавжудлигида ифодаланади. К.-т. д. нинг аниқ физик формулировкаси де *Броиль* тенгламаларида берилган. К.-т. д. да макро- ва микроламанинг ички алоқаси, улар бирлигининг хусусиятлари ифодаланади. К.-т. д. нинг шарҳланишида квант механика катта қийинчиликларга дуч келди. Механистик қараб чиқишда қарама-қарши, корпускуляр ва тўлқин хоссалари бир-биридан ажралиб, турли объектларнинг характеристикаси бўлиб қолди. *Қўшимчалик принципи* бирмунча бошқачароқ нуқтаи назарни илгари суради, бу принцип мазкур хоссаларни тасвирлаб кўрсатишлар ўртасида «қўшимчалик» муносабати шаклида муайян алоқалар борлигини аниқлашга интилади. Диалектик нуқтаи назардан қаралганда айни бир вақтда микрообъектга хос бўлган корпускуляр-тўлқин хоссаларнинг объективлиги ва уларнинг турли экспериментал шароитларга қараб юз бериши имконияти таъкидлаб кўрсатилади; мик-

рообъектларнинг бу қарама-қарши хоссаларини уларнинг бирлигида вазуаро алоқадорлигида билишга эътибор берилади. К.-т. д. нинг *Ланжевен*, В. А. Фок, *Вавилов* ва б. олимлар томонидан ривожлантирилган бу интерпретацияси (шарҳи) микрозарра-ни корпускула ҳам, тўлқин ҳам эмас, балки қандайдир учинчи нарса, уларнинг синтези деб ҳисоблайди ва бунинг учун ҳозирча яққол тасаввурлар мавжуд эмас, дейди. «*Элементар*» зарраларнинг янги назариялари шундай тасаввурларни ҳозирда ноқ бера бошлади.

КОСМИК ТЕЛЕОЛОГИЯ ЭТИКАСИ — буржуа ахлоқ философияси йўналиши, бу йўналиш 20-асрнинг биринчи ярмида АҚШда (Фредерик Вудбриж, У. Н. Шелдон) ва Англияда (Оулеф Стёлдон) тарқалган; унда ахлоқий натурализм ва объектив идеализм элементлари бор. К. т. э. га кўра ахлоқни фақат коннотнинг эволюцион ривожланиши нуқтаи назаридан тушуниш мумкин эмиш, бу тараққиёт асосида гўё қандайдир оламий мақсад ётар эмиш. Бундай тараққиётнинг ҳар бир босқичи илгари-дан белгилаб қўйилган бўлиб, мавжуд воситаларнинг шу мақсадга мослашуви воситаси билан амалга оширилар эмиш. К. т. э. тарафдорлари инсонни табиат ва космоснинг бир қисми деб қарайдилар, унинг ахлоқий вазифасини эса табиатни «табiiй телеология» нуқтаи назаридан янада оғли яратишдан иборат, деб ҳисоблайдилар. К. т. э. да ахлоқий фаолиятнинг мақсади худди шунга бориб тақалади ва шу билан бу мақсадга гайри социал, космик ва биологик мазмун берилади. Ахлоқни инсоннинг қандайдир азалдан белгилаб қўйилган мақсадга хизмат қилиши деб тушуниш К. т. э. ни «табiiй қонун» диний этикаси билан яқинлаштиради (*Неотомизм*).

КОСМОГОНИЯ (грек. kosmos — коннот ва geneia — туғилиш) — астрономиянинг бир бўлими, осмон жисмлари ва улар системаларининг келиб чиқиши ва ривожланиши ҳақидаги фан. Уни шартли равишда планеталар

К. си ва юлдузлар К. сига бўлиш мумкин, аммо уларнинг ҳар бирининг проблемаларини ҳал қилиш ўзаро боғлиқдир. К. нинг хулосалари астрономия, физиканинг бошқа бўлимлари-га ҳамда геологияга ва Ер ҳақидаги бошқа фанларга асосланади. К. ҳам, космология сингари, философия билан маҳкам боғлиқдир, у материализм билан идеализм, фан билан дин ўртасидаги кескин курашнинг майдони бўлиб келди ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Космогоник проблемаларнинг қийинчилиги шунга боғлиқки, космик объектларнинг ривожланиш процесслари бир неча миллион ва миллиард йилларга чўзилади; бунга нисбатан астрономик кузатишлар ва ҳатто бутун астрономия тарихи жуда ҳам оз вақтни ўз ичига олади. Илмий К. тахминан 200 йил бурун, *И. Кант* планеталар бир вақтлар *Қуёшни* қуршаб турган чангли туманликдан ташкил топганлиги ҳақидаги гипотезани илгари сургандан кейин, вужудга келди. *Кантнинг* (1755) ва *Лапласнинг* (1796) гипотезалари (*Небуляр гипотеза*) қуёш системаси тузилишининг баъзи муҳим хусусиятларини тушунтириб беролмади ва бинобарин йиғиштириб қўйилди. Бир қанча бошқа гипотезалар илгари сурилди, улардан *Жинс гипотезаси* (1916) катта шухрат қозонди. Бироқ бу гипотеза ҳам энгиз бўлмайдиган қийинчиликларга дуч келди. Ҳозирги вақтда фактларга асосланган материал тўплаш ва уни умумлаштириш давом этаётган бўлса-да, лекин проблема ҳали хал қилинганча йўқ. Совет олимлари (*О. Ю. Шмидт*, *В. Г. Фесенков* ва б.) ўз асарлари билан планеталар К. сига муҳим ҳисса қўшдилар. Юлдузларнинг табиати ва тузилиши фақат 20-асрдагина аниқланди. Юлдузлар эволюциясининг характери ҳозирги вақтда умумий тарздагина равшандир, лекин уларнинг келиб чиқиши ҳақида фақат фаразларни айтиш мумкин. Юлдузларнинг газ ва чанг конденсацияси натижасида вужудга келганлиги ҳақидаги тасаввурлар узоқ вақт ҳукм суриб келди. Ҳозирги вақтда бошқа бир тасаввур

ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра юлдузлар ва юлдуз системалари ўта зич юлдузлардан олдинги модданинг парчаланиши натижасида пайдо бўлади. Юлдуз тўдалари ва галактикаларнинг ривожланиши ҳақида бир қанча ишлар ҳам амалга оширилди. *Мета-галактик К.* сини одатда космология фанига нисбат берадилар.

КОСМОЛОГИК ПАРАДОКСЛАР— коинотнинг ниҳояли қисмлари учун белгиланган физик қонуниятларни яхлит ҳолдаги коинотга татбиқ қилганда пайдо бўладиган мушкулликлар (зиддиятлар). Ньютонча физика доирасида энг муҳим К. п. *Нейман-Зелигернинг* гравитацион парадокси ва *Шезо* — *Ольберснинг* фотометрик парадоксидир. Биринчи парадокс энгиз бўлмайдиган мушкулликлардан иборат бўлиб, бу мушкулликлар умумолам тортилиш қонуини нонулевой ўртача зичликка эга бўлган массанинг бениҳоя статик системасига татбиқ этганда пайдо бўлади. Иккинчи парадокс шундан иборатки, нурланувчи массаларнинг (юлдузлар, галактикаларнинг) худди шундай системаси тунги осмоннинг қуёшнинг сиртқи ёруғлиги билан тенглашадиган ёруғлигини вужудга келтириши лозим эди, маълумки, ҳақиқатда бундай ҳол кўринмайди. К. п. ностационар (кенгайиб боровчи) коинот релятивистик космологиясида мавжуд эмас: қизил силжиш барча йироқ нурланувчи объектларнинг сиртқи ёруғлигини пасайтиради. Эйнштейн тортилиш тенгламалари характериинг ўзи эса (ўзаро таъсирларнинг татбиқ этилиши ниҳояли тезлигини ҳисобга олиш, массалар катта системасининг ностационарлиги) гравитацион парадоксни истисно қилади. К. п. билишда муайян эвристик роль ўйнайди: фикр қилиш мумкин бўлган моделларнинг ҳаммасидан фақат К. п. га олиб келмайдиганларигина ҳисобга ўта олади.

КОСМОЛОГИЯ (грек. kosmos — коинот ва logos — таълимот)— астрономиянинг бир бўлими, яхлит боғланган бутун сифатидаги коинот ҳақидаги ва коинотнинг шу бутуннинг қисмлари сифатидаги астрономик куза-

тишлар қамраб олган коинот соҳаси ҳақидаги фан. Дастлабки содда космологик тасаввурлар энг қадим замонда инсоннинг коинотда ўз ўрнини англаб олишига интилиши натижасида пайдо бўлган. Қузатиш маълумотларининг тўлланиши ва антик философиянинг, планеталарнинг зоҳирий чалкаш ҳаракати замирида қонуниятли ҳақиқий ҳаракатлар бекиниб ётган бўлиши лозим, деб ишонтириши оламнинг геоцентрик системасини яратишга олиб келди, сўнгра бу система черков ва схоластика билан қаттиқ кураш натижасида оламнинг гелиоцентрик системаси билан алмашилади. *Ньютон* томонидан умумолам тортилиш қонуни кашф этилгандан кейин космологик проблемани физик вазифа сифатида — тортилувчи масалаларнинг бениҳоя системасининг хатти-ҳаракати ҳақидаги вазифа сифатида — қўйиш имконияти туғилди. Аммо шу билан бирга жиддий мушкулликлар — космологик парадокслар пайдо бўлиши аниқланди. Бу мушкулотлар ҳозирги замон релятивистик *К.* томонидан, яъни *нисбият назариясига* асосланган космологик назария томонидан бартараф қилинмоқда. Бироқ бунда бошқа қийинчиликлар пайдо бўлдики, бу қийинчиликлардан идеалистлар ва фидеистлар кенг фойдаландилар. 20-йилларда совет физиги *А. А. Фридман* томонидан тузилган, умумий нисбият назариясига асосланган моделлар ҳозирги вақтда фанда деярли умумнинг эътирофига сазовор бўлди. Бу ҳозирги замон космологик моделларнинг реал қиммати шундан иборатки, улар *метagalактиконинг* тузилиши ва ривожланишининг умумий қонуниятлари ҳақида тасаввур ҳосил қилдирмоқдалар ва, шундай қилиб, улар бениҳоя моддий оламни билишнинг бениҳоя процессида муҳим босқичдирлар.

КОСМОПОЛИТИЗМ (грек. kosmopolites — дунё граждани) — буржуа назарияси бўлиб, бу назария *содда* моддининг бирлиги учун ватанпарварлик ҳис-туйғуларидан, миллий аниқлият ва анъаналардан воз кетишига даъват этади. Ҳозирги замон

буржуа идеологлари тарғиб қилаётган ана шу формасида *К.* империализмнинг дунёга ҳукмрон бўлишига интилишини ифодалайди. *К.* ни (жаҳон ҳукумати тузиш ва б. идеялари) тарғиб қилиш халқларнинг миллий мустақиллик учун, давлат суверенитети учун курашини сусайтади. *К.* *интернационализм* билан сиғишмайди.

КОСМОС (грек. kosmos—коинот) — коинот, умуман ва яхлит тарздаги олам, *Ерни*, қуёш системасини, бизнинг ва қолган барча галактикаларни қўшган ҳолда ҳаракатланувчи материянинг бутун мажмуи. Аммо космонавтиканинг ривожланиши билан *К.* деганда одатда коинотнинг *Ерга* қўшни бўлган қисминигина, бу ҳисобдан *Ерни* чиқариб ташлаган ҳолда, тушуна бошладилар (ана шу маънода «космик» — «ердан ташқари» демакдир); бу ҳолда *Ер* билан *К.* ўртасидаги, коинотнинг бир қисми сифатидаги *К.* билан қолган коинот ўртасидаги чегара одатда аниқ бўлмай қолади (*Космология*).

КРЕАЦИОНИЗМ (лат. creatio — яратиш) — оламнинг, тирик ва тирикмас табиатнинг бир яратувчилик ҳаракати билан яратилганлиги ҳақидаги диний таълимот. Бутун мавжудотнинг олти кун ичида худо томонидан яратилганлиги ҳақида тавротда айтилган фикр креационистик фикрдир. *Линней*, *Кюве*, *Ж.* *Агассиснинг* (1807—73) барча турдаги ҳайвонлар ва ўсимликларнинг ғайри табиий келиб чиққанлиги ҳақидаги нуқтани назари биологиядаги *К.* нинг кўрнинчларидан биридир. Ҳозирги замон фанининг маълумотлари *К.* нинг тамоман асосизлигини қўрсатмоқда (*Энергиянинг сақланиш қонуни*, *Дарвин*, *Ҳаёт*).

КРИТИЦИЗМ — *Кант* ўз идеалистик философиясига берган ном. У ўз философиясининг асосий мақсадини инсоннинг билувчилик қобилиятини танқид қилишдан иборат деб ҳисобларди. Ўз танқиди натижасида *Кант* нарсаларнинг моҳиятини билиш учун инсон ақлининг имконияти борлигини инкор этарди. Инсон билишнинг чеклаб қўядиган ва фақат идеалистик тарз-

да тушуниладиган тажрибани унинг манбаи деб билладиган бошқа субъектив-идеалистик таълимотлар ҳам К. деб аталади. Объектив равишда К. эмпиризм ва рационализмнинг чекланганлигини идеалистик нуқтаи назардан бартараф қилишга уриниш эди.

КРОПОТКИН Петр Алексеевич (1842—1921) — *анархизмнинг* рус назариячиси, география олимми; князь онласидан келиб чиққан. Экспедициялар натижасида (асосан Сибирь бўйлаб) қимматли физик-географик материал тўплаган; Евросиёнинг қадимги музланиш назариясини ишлаб чиққан («Музлик даври ҳақида тадқиқот», 1876). 70-йилларда «чайқовчилар» народниклик ташкилотига қўшилган, 1874 йилда қамоққа олинган, аммо икки йилдан кейин чет элга қочган. 1-жаҳон уруши вақтида шовинист-мудофаачи бўлган. 1917 йилда Россияга қайтиб келган. Гарчи К. ҳамisha марксизмга ва пролетариат диктатурасига қарши чиқиб келган бўлса-да, у ҳар ҳолда умрининг охирида Октябрь революциясининг тарихий аҳамиятини тан олган. Узининг асарларида («Нон ва эрк», 1892; «Далалар, фабрикалар ва мастерскойлар», русча нашри 1903; «Ҳозирги замон фани ва анархия», 1913 ва б.) К. анархик (давлатсиз) коммунизм деб аталувчи назарияни ривожлантирди, бу коммунизмни гўё эски тартиблар эмирилгандан кейин дарҳол жорий қилиш мумкин эмниш. Келажак жамиятни у социал революция натижасида ташкил тошган эркин ишлаб чиқарувчи жамоаларнинг (коммуналарнинг) федерацияси шаклида тасаввур қиларди. К. нинг фалсафий қарашлари *позитивизм* билан механистик материализмни бирга қўшади. Тарихни марксистларча тушунишга у абстракт бирдамлик ва ўзаро ёрдам концепциясини қарама-қарши қилиб қўярди, бу бирдамлик ва ўзаро ёрдамни у ижтимоий ва ахлоқий ривожланишнинг асосий фактори деб қарарди. К. диалектикани рад қилиб, табиётнинг индуктив-дедуктив методни тафаккурнинг бирдан-бир илмий методи

деб ҳисобларди. *Прудон* ва *Бакунин* назариялари, шунингдек *Конт* ва *Спенсер* позитивизми К. нинг қарашларига катта таъсир кўрсатган эди.

КРОЧЕ Бенедетто (1866—1952) — италян буржуа философи, янги гегелчи, Неаполда профессор бўлган (1902—20). 19-асрнинг охиридаёқ К. марксизмнинг фалсафий ва иқтисодий таълимотини танқид қилиб чиққан эди. К. нинг философияси — абсолют идеализмдан иборат. К. «олаий руҳнинг юксалиши»нинг 4 bosқичини белгилайди: эстетик bosқич (руҳнинг айримликда гавдаланиши), мантикий bosқич (яъни умумийлик соҳаси), иқтисодий bosқич (хусусий манфаатлар соҳаси) ва ахлоқий bosқич (умумий манфаат соҳаси). К. нинг эстетикаси ҳозирги замон буржуа санъатшунослигига катта таъсир кўрсатди. Ҳиссий образларда ифодаланган айримликни интуитив пайқаш сифатидаги санъатни у умумийликни оқилона билиш сифатидаги мантикий тафаккурга қарама-қарши қилиб қўйган эди. К. нинг этикаси ахлоқ-одобнинг социал асосларини, унинг синфий характерини бекитишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. К. индивиднинг «умумийлик»ка, яъни ҳукмрон эксплуататорлик системасига бўйсунуши ахлоқий принципни илгари суради. У италян либерал буржуазиясининг нуфузли идеологи ва сиёсий лидери ва фашизмнинг душмани эди. Асосий асари — «Рух философияси» (1902—17).

КСЕНОФАН Колофоний (эрамиздан олдин 6—5-асрлар) — грек философи, элеий мактабининг асосчиси, элегиянавис шоир ва сатирик. *Антропоморфизмни* ва шу билан бирга бутун мифологияни дастлаб танқид қилиб чиққанлардан бири сифатида машҳурдир; у қаттиқ уқдириб айтардики, одамлар худоларни фақат ўзларига ўхшатиб яратадилар ва агарда ҳар қандай ҳайвон худоларга ишонганида эди, у ҳам худоларни бiron ҳайвон шаклида тасаввур қилган бўлар эди. Барча *олдосократчилар* билан бирга борлиқни нуқул моддий тарзда; яъни ер ва сув тарзида ҳамда улардан

пайдо бўлган нарса тарзида талқин қиларкан, К. абстракциянинг шундай даражасига бориб етдики, бу даража уш борлиқни ҳамма жойда бир хилда, ўзига айнан ўхшаш ҳолда, бир жинсда ва ўзгармас шаклда кўришга мажбур этди. Гарчи К. ўзи бирлик ва кўплик, бирдайлик ва ўзгарувчанлик проблемалари билан ҳам шуғулланган бўлмасада, унинг қарашлари мазкур категорияларни диалектик ўзаро муносабати масаласини ўртага қўйишга ёрдамлашди. Библик назариясида К. ҳиссий маълумотларнинг, «фикрларнинг» етарли эмаслигини исбот қилди.

КУЗЕН Виктор (1792—1867)— француз идеалист философи, эклектик. У ҳар қандай фалсафий система турли таълимотларда мавжуд бўлган «ҳақиқатлар»дан тузилиши мумкин, деб даъво қиларди. К. нинг философияси *Гегелнинг* идеалистик система-сидан, *Шеллингнинг* «каромат философияси»дан, *Лейбницнинг* монадологиясидан ва б. идеалистик таълимотлардан ўзлаштириб олинган шундай «ҳақиқатлар»нинг эклектик қўшилмасидан иборат. Материализмнинг душмани бўлган К. гўё коинотни яратган худо тўғрисидаги қарашларга қўшилларди, охират дунёнинг борлигини эътироф этарди, философия билан динни муроасага келтиришга даъват қиларди. К. нинг таълимоти Францияда идеалистик философиянинг ундан кейинги ривожига таъсир кўрсатди. К. нинг асосий асари — саккиз томдан иборат «Философия тарихи курси»дир (1815—29).

КУТЮРА Луи (1868—1914)— француз философия ва логика олими, *Рассел* ва *Уайтхед* томонидан ишлаб чиқилган математика принципларини маънавий асослаш тарафдори ва омалаштирувчи; *Лейбниц* асарларида мавжуд бўлган маънавий ҳисоб идеяларининг тадқиқотчиси; *Лейбницнинг* логика масалаларига бағишланган, 19- асрнинг охириларигача эълон қилинмаган фрагментлари ва майда асарларининг ношири. «Логика алгебраси» асарида. (1905) биринчилар қаторида чет эл логика адабиётида рус

олими *Порецкий* томонидан логика алгебрасида ҳосил қилинган натижаларга муносиб баҳо берди ва улардан фойдаланди. Узининг «Математика принциплари» деган асосий асарига (1905) қилган иловасида К.— расселча маънавий ва математик формализм нуқтаи назариядан қараб — Кантнинг математика назариясини, унинг маънавий-гносеологик асосларини танқид қилишни ривожлантирди. Бир қанча мақолаларида *Пуанкаренинг* «ярим кантча» математик назариясига қарши чиқди.

ҚЕРКЕГОР Серен (1813—55)— даниялик философ, *экзистенциализмнинг* салафи. Немис романтикларининг шоғирди бўлган К. *кейинчалик* ўзи «эстетик ақлбозлик» деб атаган романтик кайфиятга қарши ҳамда немис идеалистлари, асосан *Гегел* философиясига қарши чиқди. К. Гегелни умумият — инсоният, халқ, давлат нуқтаи назаридан муҳокама юргизувчи, шахсли ибтидонинг онтологик аҳамиятини истисно қилувчи ақл сотувчи философлар мактабининг бошлиғи деб ҳисоблайди. К. нинг фикрича, шахсли ибтидон философия нуқтаи назаридан тушуниш мумкин эмасдир, сабабки философия, Гегелда бўлгани сингари, жамиятни бош нуқта қилиб олади, чунки бунда шахснинг асосини ташкил этувчи энг муҳим нарса, унинг *экзистенцияси* йўқлади. К. нинг даъвосига кўра, энг сўнги философия фақат «экзистенциал» философия, яъни чуқур шахсий характерга эга бўлган философия бўлиши мумкин. К. нинг «фалсафачиликнинг илмий усулини» бешахс усул, деб рад қилишга уриниши ана шундан келиб чиқди. К. инсонни «экзистенция» деб қараркан, унинг «турмушга боғлиқ, онтологик структурасини анализ қилиб, «қўрқув», «умидсизланиш», «қатъият» ва ҳ. к. тушунчаларни татбиқ этади, кейинчалик бу тушунчаларни экзистенциалистлар ривожлантирадilar. Шу билан бирга К. шахсининг мавжудлигининг уч усулини, ёки уч типдаги экзистенцияни: эстетик, ахлоқий ва диний типларини белгилайди, улардан диний типни у

энг олий тип деб ҳисоблайди. К. диний таълимотининг энг муҳим категорияси «парадокс» категориясидир. К. нинг фикрича, илоҳий дунё билан инсоний дунё ўлчовдош эмаслиги сабабли, дин мантиқий тафаккурдан воз кечишни назарда тутадиган «парадокслар» инсоний логика ва этика нуқтаи назаридан бемаъни «парадокслар» соҳасига олиб киради. Бу икки соҳани «бирга қўшишга ҳар қандай уринишни, улар ўртасида муроса-мадорани К. қаттиқ қораларди; умрининг охириги йилларида К. билан черков ўртасида пайдо бўлган низоининг сабаби ҳам шу эди. К. нинг идеялари экзистенциализмнинг манбаи бўлиб хизмат қилибгина қолмади; унинг диний таълимоти К. Бартнинг *диалектик теологиясига* ҳамда кўпгина бошқа протестант ва католик философларга ҳам таъсир кўрсатди. Асосий асарлари: «Еки — ёки» (1843), «Қўрқув ва титроқ» (1843), «Қўрқув» тушунчаси» (1844), «Ўлим касали» (1849).

КЮВЬЕ Жорж (1769—1832)— француз табиатшуноси, Париж фанлар академиясининг аъзоси. К. қиссий анатомия ва палеонтологиянинг ривожига катта ҳисса қўшди. Тирик табиат ҳодисаларига метафизик қарашларни дастур қилиб олган эди, унинг «ҳалокатлар назарияси» органик олам эволюцияси идеясини истисно қиларди. Энгелс сўзлари билан айтганда, «Кювьенинг Эрн ларзага солиб турадиган революциялар ҳақидаги назарияси сўзда революцион ва амалда реакция назария эди. Бу назария худонинг бир ҳаракат билан яратиши ўрнига бир қанча такрор яратиш ҳаракатларини қўйган эди ва мўъжизалардан табиатнинг муҳим дастагини ясаган эди» (20-т., 352-б.).

КЎЛАМ — маконнинг асосий тавсифларидан бири бўлиб, унинг ўлчамларини (бўй, эн, баландлигини) ифодалайди. «К.» тушунчасида нарсалар ва ҳодисалар алоқаси муайян типининг нисбий барқарорлик ва доимийлик momenti акс этади. Худди ана шу барқарорлик жисмларнинг ўлчамларини тақдослаш имкониятини беради. Метафизик материализм маконни

ҳаракатланувчи материядан ажратиб, уни соф К. деб қарарди. Чунончи, қадимги атомистлар бўшлиқнинг (фазонинг) мавжудлигини атомлар ҳаракатининг зарур шарт сифатида фарз қилиб, маконга фақат К. хоссасини нисбат берардилар. Янги замон философиясида маконга соф К. деб қараш *Декартда* энг ёрқин ифодасини топди. *Лейбниц* макон тўғрисидаги декартча концепцияни танқид қиларкан, ҳаққоний суратда, К. дан фақат маконнинг геометрик хоссалари ҳақида хулоса чиқариш мумкин, деб кўрсатган эди; К. ўзининг изоҳи учун жисм талаб этади, жисмсиз у пуч абстракциядир. Маконни К. билан метафизикларча бирдай қилиб кўрсатишни танқид қилиш бобида ундан кейинги қадамни *Толанд* қўйди, у таъкидлаб кўрсатдики, маконни бўш ва соф К. деб тасаввур қилиш материяни фақат К. орқали таърифлашдан, К. ни ички активликдан маҳрум деб хато тасаввур қилишдан келиб чиқади. Математикада маконнинг К. и ва формаси каби геометрик хоссаларининг унинг физик хоссаларидан фарқи ҳақидаги яққол тасаввур фақат *ноэвклид геометриялар* кашф этилгандан кейингина ҳосил қилинди. Шундай фарқ қилиш зарурлиги ҳақидаги дастлабки фикрлардан бирини немис математиги Грассман айтган эди (1844). Ундан кейин бу идея *Лобачевский*, М. Паша, Д. Пеано ва *Гильберт* асарларида ривожлантирилди. Диалектик материализм маконни материянинг мавжудлик формаси сифатида таърифлар экан, шу билан, жисмларнинг, жумладан улар К. и нинг хоссалари ҳаракатланувчи материянинг хоссаларига боғлиқдир, деб тасдиқлайди.

КЎПМАЪНОЛИ ЛОГИКА — формал-мантиқий система бўлиб, унинг ифодалари интерпретацияда (шарҳлашда) иккидан ошiq чинлик маъносини олади (фақат икки маънога — «чин» ёки «ёлғон» — маъносига эга бўлган тақдирда, классик икки маъноли логика бўлади), умумий ҳолда эса, маъноларнинг ҳар қандай ниҳояли ёки бениҳоя кўплигидан иборат бўлади.

Шу хилдан биринчи системалар—мулоҳазаларнинг уч маъноли логикаси ва мулоҳазаларнинг п-маъноли логикаси *Лукаевич* (1920) ва Э. Пост томонидан (1921) тузилган. Ҳозирги вақтда К. л. нинг бир қанча системалари тузилган бўлиб бундай системаларнинг умумий назарияси ишлаб чиқилмоқда. К. л. системаларини ишлаб чиқишдан мақсад — илмий тадқиқотнинг ҳам умуммантиқий, ҳам махсус илмий вазифаларини ўз ичига оладиган турли конкрет вазифаларини ҳал этишдир. Мас., Я. Лукаевичнинг мулоҳазаларнинг уч маъноли ва тўрт маъноли логикаси *модал логика* яратиш мақсадида, Д. А. Бочварнинг уч қимматли ҳисоби классик математик логика *парадоксларини* ҳал қилиш учун тузилган. К. л. нинг квант механикани асослашга (Г. Биркгоф, Ж. Нейман, *Рейхенбах* асарлари) ва релейли схемалар назариясига (В. И. Шестаков, Г. Моисил ва б. асарлари)

табiiқ этилаётганлигини ҳам қайд қилиб ўтмоқ керак.

КЎРИНИШ (зуҳур)— парсалар *моҳиятининг*, аниқроғи, моҳиятнинг бирон-бир томонининг ҳисларга бевосита таъсир этган ташқи кўриниши, К. да субъектив момент мавжуд бўлиб, нарса зоҳиран ўзгача бўлиб туюлади (қисман сувга ботган предметларнинг зоҳиран синиқ кўриниши, Қуёшнинг зоҳиран Ер теварагида айлангандек кўриниши ва б.). Аммо К. объектив моҳият билан бирон тарзда боғланган бўлиб, унинг юз беришидир. Ҳодисанинг моҳияти ҳақида нотўғри тасаввур туғдирадиган бу моментнинг ўзи объектив факторлар тақозоси билан юз беради. Билишнинг вазифаси — К. ни моҳиятга элтиб тақашдан ва моҳият қандай қилиб ташқи формаларда, ҳодисаларда юз беришини изоҳлаб беришдан иборат (*Моҳият ва ҳодиса*).



ЛАБРИОЛА Антонио (1843—1904)— биринчи италян марксистси, публицисти, философи. Буржуа демократизми ва Гегель идеализми билан алоқани узгач, Л. марксизм йўлини тутди. Л. таъкидлаб айтган эдики, тарихий материализм яратилиши билан коммунизм «фолбнлик фарази» бўлмай қолди, балки муқаррар суратда «ҳозирги замон синфий курашининг охириги натижаси ва оқибати» сифатида намоён бўлди. «Коммунистик партия манифести»нинг юзага келишини Л. социал фандаги туб ўзгариш деб қарарди. Устқурманнинг ҳосилалик характерини эътироф қиларкан, Л. шу билан бирга «иқтисодий материализм»ни рад этди, иқтисодий момент фақат санъатда, динда ва билимнинг турли соҳаларида фикрнинг йўналишини белгилайди, холос, деб қайд қилди. У *Ницше*, *Э. Гартман*, *Кроче* ва *неокантчилик* идеяларини танқид қилиб чиқди. Л. нинг философик ва социологик қарашлари хатолардан холи эмасдир (*агностицизм* элементлари, диалектикага етарли баҳо бермаслик ва қ. к.). Унинг «Тарихий материалистик тушуниш очерклари» деган (1895—98, вафотидан кейин 1925 йилда эълон қилинган) энг яхши асаридир. Унинг ва Тольятти қарашларининг шаклланишига катта таъсир кўрсатди.

ЛАВРОВ Исаур Лаврович (1823—1900) — *народниклик* назариятчисси, социологияда рус «субъектив мактаби»нинг отаси, публицист. Помещикнинг ўғли. «Земля и воля» ва «Народная воля» махфий революцион ташкилотлари ишида иштирок этди. I Интернационал аъзоси эди. Лондонда турганида Маркс ва Энгельс билан танишди. Философия, социология, этика, ижтимоий фикр тарихи, санъат масалалари юзасидан мақолалар билан чиқди. Л. қизиққан масалалар марказида Россияда революциянинг ривожланиш йўллари проблемаси ту-

рарди. Л. социалистик революция ҳақидаги марксистик таълимотнинг Европанинг тараққий қилган капиталистик мамлакатлари учун адолатли эканлигини эътироф қиларди-ю, лекин уни рус шароитига татбиқ этиш мумкинлигидан шубҳаланарди. Л. нинг (*Герцен* таъсири остида таркиб топган) социал-сиёсий доктринасининг маъзи ўзаро алоқадор бўлган икки идеядан иборат эди; 1) рус деҳқонлар жамоасининг социалистик табиати ҳақида; 2) рус озодлик ҳаракатида интеллигенциянинг алоҳида роли ҳақида. Бу идеялар Л. нинг бутун фалсафий-тарихий концепциясида из қолдирди. Л. тарихнинг «процесс сифатида»ги хусусиятларини тавсифлар экан, маданият ва цивилизация тушунчаларини бир-биридан фарқ қилиб қарайди. Маданият жамоатчилик асоси бўлиб, у халқнинг психик тузилишида, унинг маиший турмушининг ва умумий ҳаёт тарзининг ўзига хослигида намоён бўлади. Маданият тафаккурнинг тузилиши билан эмас, балки тафаккурга мойиллик даражаси билан характерланади. Цивилизация — бу онгли, ҳаракатланувчи ибтидоидир; у маданият формаларининг прогрессив алмашинувида намоён бўлади. «Танқидий равишда фикр қилувчи шахслар» цивилизациянинг ёвчилардирлар. Инсон онгининг (аввало ахлоқий онгининг) танқидий равшанлик меъёри Л. да тараққиёт критерияси сифатида юзага келади. Ижтимоий тараққиёт шахс онгининг ошишидан ва шахслар ўртасидаги бирдамликдан иборат. Философияда Л. материализм билан идеализмни бирга қўшувчи эклектикдир. У позитивизм ва агностицизм таъсири остида субъектив идеализмга мойиллик кўрсатарди. Асарлари: «Тарихий мактублар» (1869), «Фанларни туркумлашнинг мақсади ва аҳамияти» (1886), «Позитивизмнинг вазифалари ва уларнинг ҳал қилиниши». (1886);

•Фикр тарихидаги энг муҳим моментлар» (1899) ва б.

ЛАНЖЕВЕН Чарлз (1797—1875)—инглиз табиатшуноси, геологи. «Геология асослари» деган асосий асариди (1830—33) ўша вақтда геологияда ҳукмрон бўлган *Кюввеннинг* ҳалокатлар назариясига қарши чиқди. Л. геологик ўзгаришларни доимо амал қилувчи сабабларнинг (атмосфера ёғинлари, эрозиялар ва ҳ. к.) таъсири остида Ернинг секинлик билан ўзгариб боришига боғлаб изоҳлайди. Бу ўз асос эътибори билан материалистик назария бўлса ҳам, аммо унинг катта камчилиги бор эди, чунки Ернинг бутун ривожланишини фақат бир хилдаги тасодифий ўзгаришларга эгиб тақарди. Шу билан бирга Л.нинг эволюцион назарияси табиатнинг мутлақ ўзгармаслиги ҳақидаги теологик қарашга раҳна солди ва метафизик тафаккур усулининг ҳалокатга учрашини тайёрлади. Умрининг охирида Л. *Дарвиннинг эволюцион назариясини* тан олди, «Геология асослари»нинг дастлабки нашрларида у бу назарияни инкор қилган эди.

ЛАМАРК Жан (1744—1829)—француз табиатшуноси бўлиб, у ўзининг «Зоология философияси» асариди (1809) биринчи бўлиб тирик одамнинг эволюцион ривожланиши ҳақидаги мукаммал назарияни баён қилган эди. Л. ўз замонаси табииёт илми натижаларини умумлаштириб, ташқи муҳитнинг ўзгариши организмларда янги хоссаларнинг пайдо бўлишига олиб келади ва бу хоссалар наслдан-наслга ўтиб туради, деган қондани илгари сурди. Шу билан Л. турларнинг доимийлиги ҳақидаги метафизик назарияга ҳамда *Кюввеннинг* ҳалокатлар назариясига қарши чиқди. Л.нинг фикрича, тирик нарса махсус моддий «флюидлар» ёрдами билан тирикмас нарсдан пайдо бўлади, шуниси ҳам борки, аввал энг оддий формалар ташкил топиб, сўнгра улардан аста-секин мураккаброқ формалар ривожланиб чиқади. Бироқ Л., материя ўз-ўзидангина ҳаракат қилиш қобилиятига эга эмас, тирик нарса ҳам, тирикмас нарса ҳам «иллоҳий ички мақсад»

туфайли йўлланиб турилади, деб ҳисобларди. Л. таълимотининг телеологик-томонини янги ламаркчилар ўзлаштириб олдилар, улар эволюция процессида «руҳ факторлари»нинг етакчи роль ўйнашини ёқлар эдилар. Л.нинг эволюцияда ташқи муҳитнинг ва ирсиятнинг роли ҳақидаги идеясида *Дарвин* ўзининг *эволюцион назариясида* фойдаланган.

ЛАМЕТРИ Жюльен Офре де (1709—51)—француз материалист философи, врач. Асосий асарлари: «Одам — машина» (1747), «Эпикур системаси» (1750). Руҳонийлар ва ҳокимларнинг таъқибига учраган. Л. таълимоти *Декарт* физикаси ва *Локк* сенсуализмидан келиб чиқади. Л. кўламли, ички жиҳатдан актив, сезувчан моддий субстанцияни эфирроф этарди. Материя формалари — анорганик, ўсимликлар ва ҳайвонлар (инсон ҳам шунга кирди) оламларидан иборат бўлиб, улар ўртасида, Л.нинг фикрича, сифат фарқлари йўқдир. Л. тафаккурнинг ялли умумийлигини инкор этарди. Тафаккур фақат инсонга ҳос бўлиб, у материянинг мураккаб тузилишининг натижаси деб қаралади. У тафаккур қобилиятини сезгилар ва хотира асосида пайдо бўлган тасаввурларнинг таққосланиши ва комбинациялашуви деб тушунарди. Л.—*механицизм* вакили бўлиб, шу билан бирга аста-секин эволюция идеяларига яқинлашиб борган эди. У маорифни ва машур шахсларнинг ишларини тарихий тараққиётнинг асосий сабаблари деб ҳисобларди. Л. маърифатли абсолютизм тарафдори эди. Л.нинг атеизми чекланган бўлиб, у динни халқ оммаси учун сақлаб қолишни ёқлаб чиққан эди.

ЛАНЖЕВЕН Поль (1872—1946)—француз физика олими, жамоат арбоби, коммунист, диалектик материализм тарафдори, Париж ун-тети профессори, Париж фанлар академиясининг чет эллик аъзоси. Л. газларнинг нонизацияси соҳасида, буг-ва диамагнетизм назариясида ва б. соҳаларда бир қанча йирик тадқиқотлар қилган. Л. асарларида *Дорен*

ўзгартиришларига, масса дефекти ҳодисасига, *корпускуляр-тўлқин дуализмига*, микроҳодисаларнинг статистик қонуниятларига ва б. га илмий шарҳ берилган. Шунингдек у позитивистик концепцияларни, индетерминизмни, *номудайянкликлар нисбатдошлигини* субъективларча талқин қилишларни танқид қилиб чиқди. Л. ёши қайтиб қолганида марксча-ленинча философия билан танишгач, табиёт илми учун унинг аҳамиятига юксак баҳо берди. Л. нинг сўзларига қараганда, диалектик материализм экспериментал методни кенгайтиришга ва бойни-тишга имкон беради.

ЛАССАЛЬ Фердинанд (1825—64) немис ишчилар ҳаракатининг арбоби, оппортунизмнинг алоҳида формаси — лассалчиликнинг асосчиси. 1848 йил революциясида қатнашди, 1860 йилда Умумгерман ишчилар иттифоқи ташкилотчиларидан бири эди. Унинг ишчиларни бирлаштириш учун олиб борган агитациясига марксизм-ленинизм классиклари ижобий баҳо бердилар. Лекин умуман олганда Л. синфий курашдан воз кечиш сиёсатини юргизди. Аслида идеалист бўлган Л. давлатни ғайри синфий ташкилот деб қарарди. Л. Гегелни схоластикаларча талқин қилиб, унинг философиясидан ўзининг прусс монархияси билан ҳақиқатда келишиш бобида тутган оппортунистик сиёсий йўлини оқлаш учун фойдаланарди. Социологияда Л. мальтуслик қарашларига (*Мальтусчилик*) амал қиларди, илмга хилоф бўлган «иш ҳақи темир қонуни»ни тарғиб қиларди, бу қонунига кўра, ишчиларнинг иш ҳақини ошириш учун ҳар қандай кураш бемаъни ҳисобланарди. Л. нинг қарашлари Маркснинг «*Гота программасини танқидида*» ва Лениннинг «*Философия дафтарлари*»да танқидий анализ қилинган.

ЛАФАРГ Поль (1842—1911) — француз социалисти, халқаро ишчилар ҳаракатининг арбоби, Маркс ва Энгельснинг шогирди. Философия ва сиёсий иқтисод, дин ва ахлоқ тарихи, адабиёт ва тил соҳасида иш олиб борган. Ленин сўзлари билан айтганда Л. марксизм ғояларини энг талант-

ли ёувчилардан бири эди. Л. 1866 йилда I Интернационал аъзоси бўлгач, прудонча ва позитивистик қарашлардан қўтилди. Л. Париж коммунаси воқеаларида актив қатнашди, кейинчалик Эса Ж. Гед билан бирга Франция Ишчи партиясига бошчилик қилди. Л. «капитализмнинг социализмга тинчлик билан ўсиб кириши» ҳақидаги оппортунистик назарияга қарши, анархизмга қарши курашди, Ж. Геднинг реформистик ва миллатчилик хатоларини танқид қилди. «Карл Маркснинг иқтисодий дегерминизми» номли ўзининг асосий фалсафий асариди (1909) Л. тарих қонуналарининг объектив характерини таъкиллаб кўрсатди, устқурма ҳодисаларнинг экономика билан ўзаро алоқадорлигини очиб берди. Л. марксизмни канчилик билан «синтезлаштириш»га, материализмни идеализм билан «келиштириш»га ревизионистларча уришилларга қарши, социал-дарвинизмга ва бошқа буржуа назарияларига қарши чиқди. «Билиш проблемаси» асариди (1910) *агностицизмни* чуқур ва зукколик билан рад этади. Л. «Пий IX жаннатда», «Одам ва Ҳаво ҳақида афсона», «Капиталнинг дини» деган динга қарши ёзган памфлетларида дин капитализмнинг ҳимоячиси ролини ўйнашини фош қилди. Л. нинг Маркс ҳақидаги хотиралари жуда мароқлидир, бу хотираларида у буюк курашчи ва мутафаккирнинг образини тасвирлаб берган. Л. нинг асарлари бир қанча хатолари борлигига (баъзи масалаларни сийқалаштиришига, устқурманнинг актив ролига етарли баҳо бермаслигига, капитализмнинг империалистик босқичининг ўзига хос хусусиятини яхши тушунамаслигига ва б. хатоларига) қарамай, буржуа идеологиясига қарши курашда муҳим роль ўйнади.

ЛЕБЕДЕВ Петр Николаевич (1866—1912) — рус олими, Россиядаги биринчи физиклар мактабининг асосчиси. Л. физиканинг турли соҳаларида: акустика, электр, оптика ва б. соҳаларида энг йирик тадқиқотлар қилган. Л. нинг шўҳратини оламга ётган асосий ютуғи шуки, у ёруғликнинг

ҳаттиқ жисмларга босимини кашф этди ва ушн ўлчаб чиқди, бу эса ёруғликнинг электромагнит назариясини риножлантиришга ёрдамлашди. Бу билан ёруғлик ҳам, модда сингари, материянинг мавжудлик формаларидан бири эканлиги кўрсатилди. Л.нинг тадқиқотлари энергитизмнинг асосизлигини очиб ташлашга ёрдамлашди.

ЛЮБИ-БРЮЛЬ Люсьен (1857—1939)— француз социологи ва этнологи; 1899 йилдан Сорбоннда профессор. Л. Б.нинг социологик қарашлари Цюркгейм таъсири остида шаклланди. Ибтидоий халқларни ўрганиш билан шуғулланаркан, Л.-Б., турли социал типларга тафаккурнинг турли формалари мувофиқ келади, деган хулосани чиқарган. Ибтидоий одам тафаккури ҳозирги замондаги одамнинг мантиқий тафаккуридан фарқ қилади: у ғайри мантиқий бўлиб (унда инддият қонуни эътиборга олинмайди), табиий нарса билан ғайри табиий нарсани фарқ қилмайди. Л.-Б.нинг таъвосича, ибтидоий одам тасаввуринда дастлабки сабаб билан энг охири натижа бевосита боғлиқ бўлади; зралик алоқалар эътиборга олинмайди. Бунда, Л.-Б.нинг фикрича, шерикчилик (партиципация) қонуни мал қилади. Л.-Б.нинг бой этнографик материали ва айрим хулосалари нча мароқлидир; аммо унинг ибтидоий тафаккурнинг маданий одам тафаккуридан сифат жиҳатдан фарқ қилиши ҳақидаги асосий қондаси иллий танқиддан паст туради. Л.-Б.нинг асосий асарлари: «Қўйи жамяятларда тафаккур функциялари» (1910), «Ибтидоий тафаккур» (1921).

ЛЕВКИПП (эраמידан олдин тах. 400—440)— Демокритнинг замондоши ва сафдоши, у билан бирга атоиштикага асос солган киши. Л.нинг ўзининг текстлари деярли бутунлай йўқлиги ва унинг ҳақидаги маълумотлар арзимас даражада бўлганлиги абабли, Л.— адабий уйдирма бўлса керак, деган фараз илгари сурилганди (Эрвин Роде, П. Таннери ва б.); «ркулан папирусларидаги янги маълумотлар бу фикрни рад этмоқда. Л.

фанда ишлатиладиган уч янги тушунчани киритган: 1) абсолют бўшлиқ, 2) бу бўшлиқда ҳаракатланувчи атомлар ва 3) механик зарурият тушунчаси. Сақланиб қолган бир текстага асосланиб, Л. сабабият қонунини ҳам, етарли асос қонунини ҳам биринчи бўлиб аниқлаб берган, деб эътироф қилиш мумкин: «Ҳеч бир нарса сабабсиз пайдо бўлмайди, аммо ҳамма нарса бирон асосда ва зарурият тақозоси билан пайдо бўлади».

«ЛЕГАЛ МАРКСИЗМ»— марксизмнинг буржуа адабиётда акс эттирилиши, унинг либерал-буржуача бузилиши. 19-асрнинг 90-йилларида пайдо бўлди. Бу вақтга келганда Ленин, Плеханов ва б. *народниклик* идеологиясининг назарий ожизлигини кўрсатган эдилар, марксизм эса рус фикрининг етакчи йўналиши бўлиб таркиб топган эди. Буржуа интеллигенцияси орасида ишчилар ҳаракатининг вақтинчалик «ҳамроҳлари» пайдо бўлди. Уларнинг мақолалари легал, яъни ҳуқумат томонидан руҳсат этилган «Новое слово», «Начало» ва б. газета ва журналларда босилар эди, улар ўз мақолаларида *народниклар*ни танқид қилиш учун марксизмнинг баъзи қондаларидан фойдаланар эдилар (шунинг учун уларни «легал марксистлар» деб атай бошлаган эдилар). «Легал марксистлар» учун, деган эди Ленин, *народниклик* билан алоқани узиш мешчанлар (ёки деҳқонлар) социализмидан пролетар социализмига эмас, балки буржуа либерализмига ўтишни билдирарди. *Струве*, М. Туган-Барановский, *Бердяев* ва б. «Л. м.»нинг кўзга кўринарли вакиллари эдилар. Улар ишчилар ҳаракатини буржуазия манфаатларига мослаштиришга уринардилар, буржуа тузумини кўкларга кўтариб мақтардилар ва капитализм олдига бориб таълим олишга даъват этардилар. Марксизмдаги асосий масалани (синфий кураш ва пролетар революцияси ҳақидаги, пролетариат диктатураси ҳақидаги таълимотни) «Л. м.» инкор этарди. Ленин «легал марксистлар»га қарши бемуроса кураш олиб борди, аммо шуниси ҳам борки, на-

родникликни узил-кесил тор-мор қилиш ва марксистик идеяларни кенгроқ ёйиш мақсадида Ленин улар билан вақтинча келишишга йўл қўяр эди. «Народникликнинг иқтисодий мазмуни ва унинг жаноби Струве китобида танқид қилиниши» асариди (1894—95) Ленин «Л. м.»нинг антимарксистик моҳиятини кўрсатди, буржуа объективизмини қаттиқ танқид қилиб, революцион марксизмнинг партиявийлигини унга қарама-қарши қилиб қўйди. Философияда «легал» марксистлар», одатда, кантичлик позицияларида турардилар (*Вехишчилик*).

ЛЕЙБНИЦ Готфрид Вильгельм (1646—1716)— немис философи, олими, жамоат арбоби. Математиканинг ривожига катта ҳисса қўшди (дифференциал ҳисобни яратувчилардан бири), физиканинг ривожига ҳам қўшган ҳиссаси катта эди (энергиянинг сақланиш қонунини ҳаммадан олдин пайкаган эди); бундан ташқари, у геология, биология, тарих, лингвистика билан шугулланди, у бир қанча техника кашфётларининг автори эди. Ҳз фалсафий эволюциясини Л. механистик материализмдан бошлади. Лекин бу дунёқараш доирасидаги *субстанциянинг* пассив характери билан қаноатланмасдан, кейинчалик *монадалар* ҳақидаги («Монадология», 1714) таълимотда ўз ифодасини топган объектив идеализм позицияларига ўтди. Л. нинг фикрича, материя субстанция бўлолмайди, чунки материя кўламлидир ва шу сабабли бўлинувчидир, субстанция эса мутлақ бацит бўлмоғи лозим. Монадалар бўлимас, руҳий субстанциялардан иборат бўлиб, бутун коинот ана шулардан таркиб топади. Монадалар сони чексиздир, улардан ҳар бири идрок ва интилишга эгадир, бу эса Л. нинг фикрича, субстанциянинг ҳаракатчанлигини, активлигини ва фаол характерини таъминлайди. Унинг таълимотининг диалектикиси ана шунда намоён бўлди. Ленин кўрсатиб ўтганидек, Л. «материя билан ҳаракатнинг чамбарчас... боғлиқлиги принципига яқинлашиб борган эди» (29-т., 67-б). Лекин бу диалектика идеалистик ва тео-

логик диалектика эди. Л. нинг фикрича, монадалар бир-бири билан жисмоний суратда ўзаро таъсир кўрсатишмайди, лекин шу билан бирга улар ягона ривожланувчи ва ҳаракатланувчи олами ташкил этади ва бу олам олий монадага (абсолютга, худоба) боғлиқ бўлган *олдиндан белгиланган уйғунлик* билан тартибга солинади. Олдиндан белгиланган уйғунлик тушунчаси Л. философиясининг энг реакцион қисмига — унинг *теодицеясига* асос бўлиб хизмат қилди. («Теодицея», 1710). Л. нинг билиш назарияси — идеалистик рационализм — *Локкнинг* сенсуализми ва эмпиризмга қарши қаратилган. Локкнинг «Интеллектда ҳеч нарса йўқки, у ҳиссиётда бўлмасин» деган қоида-сига Л. «Интеллектнинг ўзидан бошқа» деб қўшиб қўйган. Локкнинг, ақл силлиқ тахта (*tabularasa*)дир, деган қарашларига қўшиммас экан, ҳиссий тажриба билимнинг ялпи умумийлиги ва зарурлиги манбан эканлигини инкор этар экан, Л., фақат ақл шундай манба бўлиши мумкин, жон турли тушунчалар ва қойдаларни азалдан ўзида сақлаб келади, бу тушунча ва қондаларни фақат ташқи объектлар уйғотади, деб даъво қилган эди («Инсон ақли дўғрисида янги тажрибалар», 1704; 1765 йилда нашр этилган). Аслини олганда, Л. *туғма идеялар* ҳақидаги декартча таълимотни ўзгартиб бошқача шаклга солган, Л. нинг фикрича, бу идеялар, мрамар тошдаги томирчалар сингари, ақлда жо этилган. Билимнинг равшанлиги, яққоллигини ва зиддиятли эмаслигини у ҳақиқат критерияси деб ҳисобларди. Л. нинг фикрича, шунга мувофиқ ақл ҳақиқатларини текшириш учун аристотелча логика қонунари (айният, зиддият ва учинчиси истисно қонунари) етарлидир; «факт ҳақиқатлари»ни текшириш учун етарли асос қонуни зарур. Л. нинг илмий меросида логикага онд асарлар катта ўрин тутади. У аристотелча *силлогистиканинг* традицион системасини ривожлантирибгина қолмастан, шу билан бирга ҳозирги замон *математик логиканинг* отаси ҳам эди. Л. бугун

таффикури формаллаштиришга имкон берилган универсал тил (*ҳисоб тили*) яратишни идеал деб ҳисобларди. Ижтимоий сиёсий фаолиятда Л. немис буржуазиясининг феодализм билан муроса қилиш кайфиятини ифодаларди.

ЛЕММА (грек. лемма — фараз, *ухимни*) — математикада — теоремаларни исботлашда ишлатиладиган ёрдамчи фараз; логикада — шартли айтувчи хулоса чиқариш (лемматик силлогизм). Катта асосдаги ҳукмларнинг мақдорига қараб (кичик асосдаги *опциянкция* ҳадларига мувофиқ равишда) Л. дилемма (икки ҳадли Л.), трилемма (уч ҳадли Л.), полилемма (кўп ҳадли Л.) сифатида юзата келади. Л. нинг энг кўп тарқалган турли дилемма бўлиб, у икки қарордан (*альтернативалардан*) бирини танлаш зарурлигини ифодалайди.

ЛЕНИН Владимир Ильич (1870—1924) — Маркс ва Энгельс ишнинг давомчиси, рус ва халқаро пролетариатнинг доҳийси, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет давлатининг асосчиси. Симбирск (ҳозирги Ульяновск)да туғилган. 1887 йилда гимназияни тамомлагач, Қозон ун-тининг юридик факультетига кирди, лекин студентлар ҳаракатида қатнашгани учун қamoққа олинди, полиция назорати остида сургун қилинди. 1891 йилда Петербург ун-тетини экстерн тамомлади. Қозонда (1888—89) ва Самарада (1889—93) Л. марксистик назарияни ўрганиди ва марксист бўлиб еттишди, Самарада биринчи марксистик тўгаракни ташкил этади. 1893 йилда Петербургда келгач, Петербург марксистларига раҳбар бўлади. 1894 йилда ўзининг биринчи йирик асари «Халқ дўстлари» кимлар ва улар социал демократларга қарши қандай курашадилар?» китобини ёзди ва унда народниклар назарияси ва тактикасининг асосsizлигини исбот қилди ҳамда Россия ишчилар синфига ҳақиқий кураш йўлини кўрсатди. 1895 йилда Петербург марксистик тўгаракларини «Ишчилар синфини овоз қилиш учун кураш союзи»га бириштирди. Кўп ўтмай Л. қamoққа олинди,

турмага ташланади, сўнгра Сибирга сургун қилинади. 1900 йилнинг бошларида чет элга жўнаб кетади ва унда биринчи умумрус марксистик газета «Искра»ни ташкил этади. Бу газета янги тупдаги марксистик партияни вужудга келтиришда, унинг биринчи программасини ишлаб чиқишда, реформистлар ва оппортунистларга қарши курашда фоят катта роль ўйнади. 1903 йилда РСДРПнинг II съездида большевиклар партияси тuzилди. Бу партия Л. раҳбарлиги остида Россия пролетариати ва меҳнаткаш деҳқонларини чор самодержавиясини ағдартиш ва социалистик ижтимоий тузум барпо этиш учун кураш йўлидан бошлаб борди. 1905 йилги рус буржуа-демократик революцияси, 1917 йилги Февраль революцияси ва 1917 йилги голибона Октябрь социалистик революцияси бу йўлдаги босқичлар эди. Л. нинг буюк хизмати шундан иборатки, у марксистик таълимотни янги тарихий шароитга татбиқан ижодий равишда ишлаб чиқди, рус революцияларининг ҳамда Маркс ва Энгельс вафотидан кейинги халқаро революцион ҳаракат тажрибаси асосида уни конкретлаштирди. «Империализм капитализмнинг юқори босқичи» асарида (1916) Л. капиталистик ишлаб чиқариш усулининг Маркс «Капитал»ида қилинган анализини давом эттирди ва империализм шароитида иқтисодий ва сиёсий тараққиёт қонуниятларини очиб берди. Ленинизмнинг ижодкорлик руҳи Л. яратган *социалистик революция* назариясида ўз ифодасини топди. У янги шароитда социализм дастлаб бир ёки бир неча мамлакатда галаба қозониши мумкинлигини исбот қилди. Л. биринчи пролетар давлатига бош бўлди ва бу давлат унинг раҳбарлигида ички ва ташқи душманларга қарши курашда ўз ҳаётини сақлаб қола билди ва социализмни тинчлик билан қуришга киришди. Л. Маркс ва Энгельс фояларини ривожлантириб, СССРда социалистик қурилишнинг конкрет программасини ишлаб чиқди ва бу программа партия ва бутун совет халқи учун қўлланма бўлиб қoғди. Маркс-

изм барча таркибий қисмларининг, шу жумладан философиянинг ривожланишидаги янги босқич Л. номи билан боғлиқдир. Уз фаолиятининг биринчи қадамларидан бошлаб Л. диалектик ва тарихий материализмни янада ривожлантиришга ғоят катта эътибор берди. Марксистик философия шундай бир қурол эдики, Л. янги тарихий давр ишчилар синфи ва унинг партияси олдига қўйган барча масалаларни ҳал этишда шу қуролдан фойдаланди. Л. марксистик философияни кўп идеялар билан бойитди. 1908 йилда у ўзининг асосий фалсафий асари «Материализм ва эмпириокритицизмни ёзиб, унда табиёт илмининг эришган янги ютуқларини диалектик материализм нуқтаи назардан чуқур анализ қилди ва марксистик философия фанининг, айниқса билиш назариясининг туб принципларини ривожлантирди (материалистик инъикос назариясини, объектив ҳақиқат ва унинг нисбий ҳақиқатлардан абсолют ҳақиқатга томон ривожланиш диалектикаси ҳақидаги таълимотни асослаб берди, материя, макон ва замон, сабабият ва б. категорияларни таърифлаб берди, материя хоссаларининг мураккаблиги ва битмас-туганмаслиги ҳақидаги қондани ишлаб чиқди ва ҳ. к.). Л. зийраклик билан маҳизмда ҳозирги замон буржуа ва ревизионистик философиянинг шундай бир йўналишини кўрдик, бу йўналиш янги методлар билан материализмга путур етказишга ва гносеология ва логикада мутахассислашиб, идеализмни ҳимоя қилишга ва сақлаб қолишга уринмоқда эди. Л. нинг маҳизми қилган танқиди ўзининг кундалик муҳим аҳамиятини ҳозир ҳам сақлаб қолмоқда, у марксистларга реакциян философияга қарши қандай курашиш кераклигини ўргатмоқда. Л. ўзидан олдин ҳеч ким қилмаган ишни қилиб, философияда *партиявийлик* принципи тўғрисидаги масалани кескин равишда ўртага қўйди, марксистлардан идеализм ва метафизиканинг ҳар қандай кўринишларига қарши изчиллик билан кураш олиб боришни талаб қилди. У материалистик

диалектикани, унинг ўзи «марксистизмнинг жони» ва унинг «туб назарий асоси» деб атаган ана шу диалектикани янада такомиллаштириш ва ривожлантириш устида айниқса кўп ишлади. У тараққиёт назарияси сифатида диалектиканинг кўп қирралигини кўрсатди, диалектика, логика ва билиш назариясининг мос келиши ва бирлиги ҳақидаги ғоят муҳим қондани асослаб берди. Маркс «Капитал»-ни ана шундай бирликнинг намунаси қилиб кўрсатаркан, Л. шу жиҳатдан жуда кўп қимматли фикрларни айтди ва бу фикрлар диалектика устида ишлагани янада давом эттириш учун бутун бир программани ташкил этди («Философия дафтари»). Унинг экономика, сиёсат, стратегия ва тактиканинг энг хилма-хил масалаларига бағишланган конкрет асарлари диалектикани реал ҳаётга татбиқ этишнинг мислсиз намуналарини кўрсатади. «Қурашчан материализмнинг аҳамияти тўғрисида» деган мақоласида (1922) Л. марксистик философияни, шу жумладан динга ва диний дунёқарашга қарши кураш соҳасида уни янада ривожлантиришнинг муҳим вазифаларини белгилаб берди. Бу ленинча кўрсатмалар ҳозирги кунда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Л. тарихий материалистик тушунишни марксистик философиянинг энг буюк ютуғи деб ҳисобларди. Тарихий материализм назариясини у ижтимоий тараққиётнинг ва жамиятни социалистик асосда қайта қуриш учун олиб бориладиган революцион курашнинг қонуниятларини тушуниш учун илмий пойдевор деб биларди. Л. янги даврда иқтисодий, сиёсий ва маънавий ривожланиш масалаларини ижодий равишда тадқиқ қиларкан, марксистик социологиянинг ҳамма томонларини ривожлантирди. Унинг синфлар ва синфий кураш ҳақидаги, давлат ва революция ҳақидаги («Давлат ва революция»), социалистик революция ва коммунистик жамият қурилиши даврида халқ оmmasининг роли ҳақидаги, омма, партия ва йўлбошчиларнинг ўзаро муносабати ҳақидаги масалалар юзасидан қилган тадқиқотлари

ҳамда социалистик қурилиш шароитида ижтимоий тараққиёт умумий қонуниятлари юз беришининг янги формалари хусусида, экономика ва сиёсатнинг ўзаро муносабати ҳақида, маданият ва маданий революция ҳақида, социалистик ахлоқ, санъатнинг принциплари ва кўпгина бошқа масалалар ҳақида илгари сурган идеялари алоҳида-аҳамиятга эгадир. Л. шунингдек марксистик тарихий-фалсафий фан соҳасида ҳам қимматли фикрларни айтиди, ўтмишдаги бир қанча философларга (антик философларга, француз материалистларига, Кантга, Гегелга ва б.) чуқур ва оқилона баҳо берди. Л. рус революцион-демократик мутафаккирларнинг (Белинский, Герцен, Чернишевский ва б.) ролига юқори баҳо берди, улар ҳақида ҳамда Россияда революцион ҳаракат ва ижтимоий фикрнинг ривожланиш процесслари ҳақида унинг айтган фикрлари рус материалистик философиясининг илмий тарихи учун назарий асосни ташкил этади. Марксизмнинг давоми ва ривождан иборат бўлган ленинизм, чамбарчас бир бутундан иборат бўлган марксизм-ленинизм — тинчлик, демократия ва социализм учун курашаётган ҳозирги замон илгор инсониятнинг байроғидир.

ЛЕСЕВИЧ Владимир Викторович (1837—1905)— рус позитивист философи. В. И. Ленин уни биринчи ва бирик рус эмпириокритиги деб атаган эди (қ. 18-т., 55-б.). Л. 1877 йилгача Конт тарафдори эди («Тараққиёт идеясининг ривожланиш очерки», 1868), сўнгра «янги танқидий немис мактаби» (К. Геринг, А. Риль, *Авенариус*, И. Петцольд ва б.) позициясига ўтиб, бу мактабни позитивизмнинг юқори босқичи деб ҳисоблади. Л. нинг фикрича, бу мактаб Конт философиясини билишнинг ишлаб чиқилган ва «соф тажриба» асосида қурилган наларияси билан тўлдирди. Л. нинг фикрича, психология ўз анализи учун бошланғич маълумотларни психологиядан олади, психологиянинг ривожланиши эса онда априор элементларнинг мавжудлиги ҳақидаги қондани

рад этади. Л. философиянинг дунёқараш ролини инкор этар экан, философия фақатгина хусусий фанлар ишлаб чиқадиган тушунчаларни «бирлаштириб», яхлит «дунё англаш»ни вужудга келтиришга ёрдам беради, деб ўйлайди. У *Лавров* ва *Михайловскийдан* (Социологиядаги субъектив метод) кўп идеяларни ўзлаштириб олиб, ижтимоий ҳаётни идеалистларча изоҳларди. Л. рус философиясидаги диний-идеалистик йўналиш вакиллари (Соловьев, А. А. Козлов ва б.) позитивистик нуқтан назардан танқид қилади. Асосий асарлари: «Позитив философиянинг асос ибтидоларини танқидий тадқиқ қилиш тажрибаси» (1877), «Илмий философия ҳақидаги мактублар» (1878), «Илмий философия нима?» (1891).

ЛЕССИНГ Готхольд Эфраим (1729—91)— немис маърифатчиси, философ, публицист, драматург, танқидчи ва санъат назарётчиси. Л. нинг бутун фаолияти немис халқи ва унинг маданиятининг эркин, демократик ривожланиши учун, феодал реакциясининг сиёсати ва идеологиясига қарши курашга қаратилган эди. «Одамзодни тарбиялаш» деган фалсафий асарида (1780) Л. ҳар қандай мажбур қилишлардан холи бўлган, дин маърифатли ақлга бутунлай ўрин бўшатиб берадиган келажакдаги жамиятни орзу қиларди. «Дано Натан» деган фалсафий драмасида Л. фақат дин эркинлиги идеясини эмас, балки ҳур фикрлилик ҳуқуқини ҳам эълон қилади, халқларнинг тенглигини тасдиқлайди ва уларни дўст бўлишга даъват этади. Л. нинг дунёқарашини Германиядаги маърифатчилик ҳаракатининг зиддиятлигини ифодалар экан, пировард ҳисобда идеалистик дунёқарашлигича қолган бўлса-да, лекин унда материалистик тенденциялар ҳам бор эди. Жаҳон эстетик фикрида бир даврни ташкил этган «Лаокоон» (1766) ва «Гамбург драматургияси» (1767—69) асарларида Л. поэзия, драматургия, театрда реализм принципларини қаттиқ туриб ҳимоя қилади, дворянча классицизм назарияси ва практикасига қаттиқ зарба

беради. Лекин Л. тасвирий санъатларининг мавзуи фақат гўзаллик соҳаси билан чекланиб қолади. Л. санъатнинг турли шакллари ва жанрларидаги ижодиётнинг объектив қонуналарини аниқлаб беришга интилса-да, лекин бу қонуналарнинг тарихий характерини кўрмади. Л. сийқа ахлоқ-гўйликка қарши чиқаркан, санъатнинг, айниқса театрнинг ахлоқий тарбиявий ролини қаттиқ туриб ҳимоя қилади. Л. нинг драматик ижодиёти исемис классик адабиётини бошлаб берди, унинг эстетик қарашлари эса мазкур адабиётнинг ривожига самарали таъсир кўрсатди.

ЛИ (хитой философиясида) — қонуни, нарсаларнинг тартибини, формани ва ш. к. билдирувчи тушунча. Идеалистлар Л. ни моддий ибтидоцига қарама-қарши ўлароқ, руҳий, номоддий ибтидо деб талқин қилардилар. *Конфуцийчилик*да Л. нинг бошқа бир тушунчаси ҳам бўлиб, бу тушунча турли социал гуруҳларнинг хатти-ҳаракат хридасини билдиради.

ЛИБЕРАЛ ХРИСТИАНЛИК (лат. *liberalis* — эркин, ҳур) — буржуа теологияси, философияси ва этикасидаги йўналиш бўлиб, 19-асрда кенг тарқалган эди. Унинг қолдиқлари (кваркерлар ҳаракати, «ахлоқий қайта қуролланиш» ва б.) ҳозирга қадар сақланиб келмоқда. Л. х. нинг вакиллари (АҚШда — Уолтер Раушенбуш, Шейлер Мэтьюз, Френсис Пибоди, Европада — Альбрехт Ритчл, Эрист Трельб, Адольф Харнак ва б.) христианлик диний таълимотини социал ва ахлоқий проблемаларни ҳал қилишни конкрет программага айлантириш («социал инжил» ҳаракати) идеясини кўтариб чиқдилар. Л. х. кўпгина бошқа диний таълимотлардан шу билан фарқ қиладики, у инсон ва жамиятнинг тарихий имкониятларига оптимистик назар билан қарайди, социал ва илмий-техника тараққиётнинг «халоскорлик» вазифасини бажаришига ишонади. Л. х. тарафдорлари христианликни ҳозирги замон фани даражасига мувофиқ равишда замонавийлаштиришга уринмоқдалар, Исо масеҳ (Христ) таълимотининг оқило-

налигини ва ижтимоий мақсадга мувофиқлигини рационал-мантқий ишботлашга катта эътибор бермоқдалар, улар жамиятнинг яхшиланиши унинг мулкдорларга ҳам, йўқсилларга ҳам баб-баравар қаратилган ваъз-насиҳатининг ишончли эканлигига боғлиқ бўлади, деб ҳисоблайдилар. Л. х. нинг этикадаги тарафдорлари тавротнинг панд-насиҳатларини дунёвий ахлоқ тушунчаларига яқинлаштиришга уриниб, жамиятга хизмат қилишни худого хизмат қилишнинг энг яхши формаси деб қарамоқдалар. «Илоҳий салтанат»ни улар нисоният тарихининг боришида эришадиган ижтимоий идеал деб, Исо образини оддий бандлар тақлид қиладиган ахлоқий идеал, намуна деб талқин қилмоқдалар. Умуман Л. х. буржуа жамиятнинг тарихий имкониятлари ҳусусидаги охиригача батамом йўқ қилинмаган хом хаёлларга асосланади ва у мазкур жамиятнинг маъд этишининг либерал формасидан иборат. Капитализм умумий кризисининг ҳужуми унинг социал асосига болта урди, Л. х. нинг идеялари ўнгдан *неопротестантизм* томонидан қаттиқ танқид қилинди.

ЛИКЕЙ, ёки лицей — дастлабки вақтда қадимги Афина яқинида, ликейлик Апполон ибодатхонаси ёнида жойлашган муқаддас чакалакзорнинг номи, сўнгра гимнастика ўйинлари учун эрамиздан олдинги 5-асрда қурилган бинога берилган ном. Унда эрамиздан олдин 335 йилда *Аристотель* ўз философия мактабини таъсис этган ва бу мактаб қарийб саккиз аср мавжуд бўлиб турган. Аристотелдан кейин Л. га унинг шогирди *Теофраст* раҳбарлик қилган. Эвдем Родосский, Дикеарх, Стратон Л. нинг энг танқидий арбоблари эдилар. Эрамиздан олдинги 1-асрда Л. фалсафий ижодиёт маркази бўлмай қолган, унда фақат Аристотель асарлари нашр этилган ва шарҳланган. Қулдорлик тузуми емирилгандан кейин Л. ҳам мавжуд бўлмай қолган.

ЛИНГВИСТИК ФИЛОСОФИЯ (лат. *lingua* — тил) (шунингдек «лингвистик анализ философияси», «қундалик тил философияси» номи би-

дан ҳам машҳурдир) — *аналитик философиянинг* асосий йўналишларидан бири. Асосан Англияда тарқалган (*Рассел*, *Ж. Остин*, *Ж. Уайсман* ва б.). АҚШда *М. Блэк*, *П. Малкольм* ва б. Л. ф. га яқин қарашларга амал қиладилар. Л. ф. нинг икки мактаби: «*Кембридж*» ва «*Оксфорд*» мактаблари машҳурдир. «*Кембридж*» мактабининг шаклланишига бевосита *Витгенштейн* таъсир кўрсатган; «*Оксфорд*» мактаби эса *Витгенштейн*дан ташқари, *Мур* қарашларининг кучли таъсирини ҳам кечирган. Неопозитивизмнинг бошқа мактаблари сингарин, Л. ф. ҳам философиянинг дунёқараш характерини инкор этади ва традицион фалсафий проблемаларни тилнинг тафаккурга йўлдан оздирувчилик таъсири натижасида пайдо бўладиган сохта проблемалар деб ҳисоблайди. Л. ф. нинг вазифаси, унинг тарафдорлари фикрича, фалсафий проблемаларнинг сохта характерини кўрсатишдан, тилни ишлатишдаги хатоларда уларнинг пайдо бўлиш манбани очиб беришдан ва шу билан, Л. ф. «кембридж» мактабининг вакиллари таъкидлаб кўрсатишларича, «терапевтик функция»ни бажаришдан иборат. Л. ф. тарафдорлари «метафизикани бартараф қилиш»га интилар. Жанлар, фақат традицион философиянинг «онтологик метафизикаси»ни улоқтириб ташлабгина қолмайдилар, шу билан бирга *манتيқий позитивизмнинг* гносеологик метафизикасини, унинг «бевосита мавжудлик», *верификациялаштириш* ва б. принциплари билан бирга қўшиб инкор ҳам қиладилар. Худди философиянинг ўзинга хос проблематикасидан воз кечиб Л. ф. ни позитивизмнинг ўта формаси сифатида ажратиб кўрсатади. Л. ф. тарафдорлари, айниқса унинг оксфорд гунаҳисининг вакиллари, *манتيқий позитивистлардан* фарқли ўлароқ, тилни анализ қилиш философиянинг бирдан-бир мумкин бўлган иши деб ҳисоблар эканлар, сунъий тил-моделларин эмас, балки табиий сўзлашув тилини ўз диққат-эътиборларининг объекти қилиб оладилар. Шу билан бирга улар, табиий сўзлашув тилла-

рининг бойлигини қандайдир «идеал тил» схемаларида тўла-тўқисифодалаш мумкин эмас, деган умуман тўғри қоидага асосланидилар. Бироқ Л. ф. тил билан тафаккур муносабатининг (тилнинг фикри образларнинг шаклланиши юзасидан билувчилик фаолияти процесслари билан алоқаси, тил формалари генезиси ва б.) бутун фалсафий проблематикасини анализ қилишдан бош тортар экан, шу билан у тадқиқотни тилдаги ифодаларни ишлатишнинг турли хилларини эмпирик таъсирлашга маҳкум этади, тилнинг моҳиятини изоҳлаб бериш йўлини беркитади ва пиروвард ҳисобда тилни конвенционалистик талқин қилишга келади. Тил унинг учун дунёни таъсирлаш воситаси эмас, балки конструкциялаш воситасидир, тил қандайдир ўз-ўзи билан қаноатланувчи кўчга айланиб қолади. Фалсафий проблематикани майдалаб юборини, фаннинг ва ижтимоий онгинг қатъий муҳим масалаларидан юз ўгириш, схоластик тенденциялар — ана шуларнинг ҳаммаси Л. ф. ни ҳатто буржуа философлари орасида (*мас., Рассел*) қаттиқ танқидга учратмоқда, аммо шуниси ҳам борки, Л. ф. вакиллари асарларининг метафизик тадқиқот учун (*Метатегория*) маълум аҳамияти борлигини инкор қилиб бўлмайди. Сўнгги вақтда Л. ф. тарафдорларининг соф «анализ»нинг ортодоксал позициясидан йироқлаштиш тенденциялари ва мазмунли фалсафий проблемаларга мурожаат қилиши кўринмоқда (*П. Струосон*, *С. Хэмшайр*).

ЛИННЕЙ Карл (1707—78) — швед табиатшуноси, Упсалада ун-тет профессори. Л. нинг тарихий хизмати — ўсимлик ва ҳайвонот оламининг туркумлашини яратишдан иборат. Л. туркумлашнинг асосий бирлиги — турдир. Унинг системаси сунъийдир, чунки озгина сондаги ташқи белгиларнинг ўхшашлигига асосланади. Л. нинг дунёқарашини метафизикдир, чунки у турларнинг ўзгарувчанлигини инкор этарди, турларнинг сони ўзларининг «яратилган» кунидан бошлаб доимий бўлиб қолади, деб ҳисобларди.

ЛОБАЧЕВСКИЙ Николай Иванович (1792—1856)— рус математиги. Асосий асарлари: «Геометриянинг асослари тўғрисида» (1829), «Параллелларнинг тўла назарияси билан геометриянинг янги асослари» (1835—38). Л. геометриясининг тузилишига геометрик муносабатларнинг моддий жисмларнинг ўз табиатига маҳкам боғлиқлиги идеяси асос қилиб қўйилган. Л. *Эвклид* геометриясининг бешинчи постулати шу геометриянинг бошқа қондаларидан мустақил эканлигини фараз қилиб, геометриянинг маънавий зид келмайдиган янги системасини тузди, бу системада бешинчи постулат бундай талқин этилади: тўғри чизикдан ташқарида ётган нуқта орқали бир эмас, балки кам деганда икки параллел чизик ўтказиш мумкин (Л. нинг фикридан қатъи назар К. Ф. Гаусс ва Я. Бойай ҳам шу идеяларга келган эдилар; лекин улардан фақат иккинчиси 1832 йилда ўз натижаларини эълон қилишга журъат этди). Параллеллар ҳақидаги постулатни Л. реалликнинг ўзига, нарсаларнинг табиатига мурожаат қилиш йўли билан исботлашга интиларди. Янги геометрияни ривожлантириб, у эвклидча геометриядаги кесиклар билан бурчаклар ўртасидаги боғлиқлик инкорни фазонинг хоссаларини тўлиқ тасвирлаб бермайди, деб кўрсатди; у ҳақиқатда шундай боғлиқлик мавжуд деб ўйларди. Бу ҳол шунда кўринадики, мас., учбурчак томонларининг миқдори билан унинг бурчаклари ўртасида алоқа бордир. Шунга кўра, Л. геометриясида учбурчак бурчакларининг йиғиндисини икки тўғри чизикдан кичикроқдир. Л., янги геометрик муносабатлар ё астрономик тадқиқотларда, ёки микроҳодисалар соҳасида намойиш бўлиши мумкин, деб фараз қиларди. Одатда эса ердаги миқёслар доираларида мавжуд бўлган геометрик муносабатлардан фойдаланмоқдаларки, бу миқёслар учун Эвклид геометрияси ҳаққонийдир. Л. геометрияси Кант априоризмига қарши ишончли далил бўлди. Ўз фалсафий қарашларига кўра, Л. материалист бўлиб, олам ҳақидаги тасаввурларни

реалликнинг инсон онгига таъсири натижаси деб ҳисобларди. Л. янги геометрияни кашф қилганидан кейин эвклидчи геометрияни эндиликда фазовий формалар априорлигининг исботи деб қараш мумкин эмас эди. Априоризмни танқид қиларкан, Л., билиш ҳис-туйғулар воситаси билан ҳосил қилинади ва туғма тушунчалар йўқдир, деб таъкидлаган эди. Геометрияни революциялаштирган янги идеяларни кашф этиш ва далил ҳимоя қилиш Л. нинг буюк хизмати-дир.

ЛОГИКА — қ. *Диалектик логика*, *Математик логика*, *Формал логика*.

ЛОГИКА АЛГЕБРАСИ — математик логиканинг бир бўлими бўлиб, у алгебраик методларни маънавий объектларни — туркумларни, фикрларни ва б. ўрганишга татбиқ этишга асосланади. Тарихан Л. а. туркумлар алгебраси сифатида пайдо бўлди (*Буль*) ва фақат кейингина мулоҳазалар алгебраси сифатида шарҳланади. Л. а. мулоҳазаларни фақат уларнинг ҳақиқатлик аҳамияти томонидан олиб қарайди, шу билан бирга айни бир ҳақиқатлик аҳамиятига эга бўлган мулоҳазалар тенг қимматли деб ҳисобланади. Л. а. харф символлиқасидан фойдаланади. Мулоҳазаларнинг ўзини билдирувчи символлардан ташқари, маънавий операциялар учун символлар жорий этилади ва бу символлар ёрдамида Л. а. нинг бир хилдаги ифодаларидан иккинчи хилдаги ифодалар тузилади. Ҳозирги вақтда Л. а. электр ва релей-контакт схемалар назариясида ҳам татбиқ этилмоқда.

ЛОГИК АТОМИЗМ — Рассел ўзининг «Ташқи олами билишимиз» (1914), «Логик атомизм философияси» (1918) ва б. асарларида, *Витгенштейн* «Маънавий-фалсафий трактат»ида ифодалаб берган концепция. Л. а. га мувофиқ бутун олам бир-бири билан боғланмаган *атомлар фактлардан* иборат. Л. а. философияси, Рассел ўзи эътироф қилишча, *ўта плюрализмдир*, чунки у кўндан-кўп айрим нарсаларнинг мавжудлигини тасдиқлайди ва мазкур нарсалардан иборат қандайдир бирликни, яхлитликни инкор

эгади. Тарихан Л. а. Ф. Брэдлиннинг *яңи гёселчиликка* реакция тарикасида пайдо бўлган, чунки Брэдл фақат абсолют, яхлитлик реалдир ва айрим нарсалар фақат зоҳирийдир, деб даъво қилган. Л. а. нинг шаклланишига, жумладан Витгенштейннинг «Мантиқий-фалсафий трактат»ида баён этилган олам ҳақидаги билимнинг мантиқий модели кучли таъсир кўрсатган; бу моделга кўра ҳар қандай билим мантиқий операциялар билан боғлиқ бўлган «атомар» гаплар мажмуи сифатида тушунлади, оламнинг сруктураси эса билимнинг мантиқий тузилишига қиёсан хулоса қилиб чиқарилади. Л. а. да дискретлик ва айримлик моментлари абсолютлаштирилган эди. Л. а. нинг асосизлигини пировард ҳисобда унинг тарафдорлари ҳам тан олган эдилар.

ЛОГИК ВА ФАКТИК ҲАҚИҚАТ (мантиқий ва амалий ҳақиқат) — мантиқий тушунчалар бўлиб, улар *Лейбницга* бориб тақалади. Лейбниц зарур ҳақиқатлар ёки «ақл ҳақиқатлари» билан тасодифий ҳақиқатлар ёки «факт ҳақиқатлари»ни бир-бирдан фарқ қилиб қарарди: биринчиларининг чинлиги логика қонуналаридан келиб чиқади, иккинчиларининг чинлиги ҳақиқат ҳолга мувофиқликдан келиб чиқади. Логика қонуналарини абсолют қонуналар деб қараркан, Лейбниц «ақл ҳақиқатлари» эҳтимол тутилган барча оламлардан чиндир, ваҳоланки факт ҳақиқатлари эҳтимол тутилган оламлардан фақатгина бирортасида (шу жумладан бизни қуршаб турган оламда ҳам) чиндир, деб ҳисоблайди. Юм билан Кант ҳам ана шундай фарқ қилишарди (*Синтетик ва аналитик тушунчалар*). Ҳозирги замон логикаси бу фарқни сақлаб қолиб, уш абсолют маънодан маҳрум қилмоқда. Чунончи, Карнап — Кемени *логик семантикаси* системасида муайян формаллаштирилган тилнинг йўл қўйиш мумкин бўлган барча интерпретацияларида (*Интерпретацияни модель*) чин бўлган мулоҳазалар минггача чин деб, йўл қўйиш мумкин бўлган барча интерпретацияларда эмас, балки ажратиб олинган бирор

интерпретацияда чин бўлган мулоҳазалар фактан чин ҳисобланади.

ЛОГИК КВАДРАТ — қ *Мантиқий квадрат*.

ЛОГИК НАТИЖА — логиканинг асосий тушунчаларидан бири. Агар бирор мулоҳазада айтиладиган информация бошқа мулоҳазаларнинг маъмуидаги информациянинг бир қисмини ташкил этса, у вақтда мазкур мулоҳаза кейинги мулоҳазаларнинг Л. и. си бўлади. Кейинги мулоҳазалар чин бўлганда, биринчи мулоҳаза ҳам чин бўлади. Логик натижа муносабати объективдир, у шу маънода умумий характерга эгадирки, уларнинг дескриптив терминларини (предметларнинг номларини, хоссалар ва муносабатларнинг белгиларини) тегишли семантик категорияларнинг бошқа терминлари билан алмаштирганда ҳосил бўладиган ҳар қандай (англашилган) мулоҳазалар учун ва уларнинг эркин ўзгарувчиларининг (агар айни мулоҳазаларда шундай ўзгарувчилар бўлса) фараз қилиш мумкин бўлган ҳар қандай маъноларида сақланиб қолади. Бошқача қилиб айтганда, мазкур муносабат мулоҳазаларнинг конкрет мазмунига боғлиқ эмасдир ва фақат уларнинг мантиқий формаларидан (ва пировард ҳисобда — улардаги мантиқий терминларнинг мазмунидан) келиб чиқади. Айни тушунча Л. и. нинг семантик тушунчаси деб аталади. Шу билан бир қаторда бирор-бир *формаллаштирилган тил* учун синтактик тушунча мавжуд бўлиб, бу тушунча мазкур тил қондалари билан бошқа мулоҳазалардан бирон мулоҳазани хулоса қилиб чиқариш мумкинлиги сифатида аниқланади. Формаллаштирилган тилларни тузганда синтактик мазмундаги натижа муносабатлари семантик мазмундаги тегишли муносабатларни қайта ҳосил қилишига интиладилар.

ЛОГИК ПОЗИТИВИЗМ — 1. *Неопозитивизмнинг* кўринишларидан бири. Ҳозирги асрнинг 20-йилларида *Вена тўғарагида* (Карнап, О. Нейрат ва б.) пайдо бўлди. Эмпирик философиянинг Берлин жамияти (*Рейхенбах*, Гемпель ва б.) мазкур тўғарак билан

маҳкам ҳамкорлик қиларди. 20-йилларнинг охирилари — 30-йилларнинг бошларида Л. п. буржуа интеллигенциясининг илмий доираларида кенг тарқалади ва неопозитивистика «фан философияси»нинг гоявий асоси сифатида майдонга келади. 30-йилларнинг охириларидан Л. п. нинг асосий маркази АҚШ бўлиб қолади. Бу босқичда Л. п. (бир қанча хусусий масалалар юзасидан унинг позицияси Вена тўғараги давридагига нисбатан анча ўзгарган эди) логик эмпиризм номи билан машҳурдир. Л. п. махизмнинг ва умуман Беркли билан Юмдан бошлаб давом қилиб келаятган позитивистик субъектив-идеалистик традициянинг ворисидир. Бироқ логик позитивистлар эски позитивизм учун характерли бўлган ва ўзини обрўсизлантирган психологик ва биологик нуқтаи назардан билишга қарашдан воз кечиб, позитивизмнинг умумий дас-турларини билимнинг формал-логик анализи методи билан қўшишга урин-моқдалар. Л. п. нинг фикрича, ҳақиқий илмий философия фақат фан тилининг мантиқий анализи сифатида бўлиши мумкин. Бу анализ, бир томондан, «метафизика»ни (яъни традицион философияни) бартараф қил-ишга, иккинчи томондан, илмий билишнинг мантиқий тузилишини тадқиқ қилишга қаратилмоғи лозим; бундан мақсад «бевосита мавжуд нарса-ни», яъни илмий тушунчалар ва даъво-ларнинг эмпирик жиҳатдан текши-риладиган мазмунини аниқлашдир. Бундай тадқиқотнинг туб мақсади ил-мий билимни «ягона фан» системаси-да қайта қуришдан иборат деб назар-да тутиларди; токи бу система «бевосита мавжуд нарса»нинг тасвирини берадиган бўлсин ва унда айрим фан-лар — физика, биология, психология, социология ва ҳ. к.— ўртасидаги та-фовутлар тушунчаларнинг мазмуни типий жиҳатидан ҳам, уларнинг тузи-лиш усули жиҳатидан ҳам орадан кў-тарилладиган бўлсин. Шу билан бирга логика билан математика «формал фан» сифатида қараб чиқилади, улар олам ҳақидаги билим деб эмас, балки «аналитик» даъволар йиғиндиси деб

талқин қилинади ва бу даъволар формал ўзгартишларнинг келишич йўли билан белгиладиган қойдалар-ни ифодалаб беради. 30-йиллар-нинг бошларида Л. п. «бевосита мав-жудлик» принципининг баъзи энг ёқимсиз натижаларидан халос бўлиш-га уринади. У физикализм концепция-сини қабул қилади, бироқ бу ҳол Л. п. философиясининг субъективистик ха-рактерини бартараф қилмади. Ичидил субъектив-идеалистик сенсуализмдан мажбуран воз кечиш логик позити-вистларни худди ўшандай асоссиз конвенционалистик концепцияларга олиб келади (Нейрат—Карнапнинг ко-геренция назарияси). Л. п. нинг субъ-ектив-идеалистик моҳияти унинг «фан философияси» ролига бўлган даъво-ларининг ноҳақлигини олдиндан бел-гилаб беради. Шу билан бирга асл маънодаги мантиқий тадқиқотлар со-ҳасида Л. п. нинг баъзи вакиллари қимматли натижаларга эга бўлдилар (Карнап, Рейхенбах ва б.). 2. Этика-да Л. п. 20—40-йилларда Англия, АҚШ, Австрия, Германия, Польшада, Скандинавия мамлакатларида ва Ла-тин Америкасида кенг тарқалди; у ахлоқий муҳокамаларни формал ло-гика ҳамда неопозитивистлар табиий ва аниқ фанларга татбиқ этган мето-дика воситалари билан тадқиқ қилиш-га уринишдан иборат эди. Бундай уриниш ахлоқ ҳодисаларини ўта фор-мал нуқтаи назардан қарашга, улар-нинг табиатини ниҳоят даражада сий-қалаштиришга ва бир талай илмий жиҳатдан асоссиз хулосаларга олиб келди. Позитивистлар ахлоқ-одобнинг ўзига хос социал табиатини тушунол-маган эдилар; ахлоқнинг келиб чиқи-ши ва тарихий тараққиёти масалала-ри уларнинг тадқиқотлари соҳасидан ташқарида қўлиб келди, ахлоқнинг амал қилиш механизми улар учун ту-шунарли бўлмай қолди. Этикадаги Л. п. тарафдорлари ахлоқ ижтимоий муносабатларнинг ва онгнинг алоҳи-да формасидан иборат эканлиги фак-тини эътиборга олмас эдилар; улар-нинг ўрганиш объекти нуқул ахлоқий тил эди. Этика фанини ана шундай торайтириш орқасида ахлоқий тушу-

чаллар ва муҳокамаларнинг ўзини улар буниб талқин қилар эдилар. Мас., яхшилик билан ёмонликни сезги органлари идрок қилмаслигига, уларни соф эмпирик кузатиш ва эксперимент билан текшириб бўлмаслигига асосланиб, позитивистлар, бу тушунчалар умуман бемазмундир, деган хулосага келдилар. Ахлоқий муҳокамалар верификацияга (*Верификациялаштириш*лиқ принципи) бўйин бермаслиги сабабли, позитивистлар уларни маъно-мазмундан маҳрум қилдилар, «бемаъно», «сохта муҳокамалар» деб эълон қилдилар. Бундай методология кейинчалик ахлоқ ҳақидаги бир қанча психилистик хулосаларга олиб келди (*Эмотивизм*).

ЛОГИК СЕМАНТИКА — логиканинг бир бўлими бўлиб, у тил ифодаларининг маъносини ўрганади; аниқроқ маънода — *металогиканинг* бир бўлими бўлиб, у логик ҳисоблар интерпретациясини (*Интерпретация ва модель*) ўрганади (*Формаллаштирилган тил*). Л. с. нинг асосий тушунчаларини икки гурпуага бўлиш мумкин: 1) белгилаш назарияси деб аталадиган назарияга кирувчи тушунчалар, бу тушунчаларни муайян тил ифодаларига татбиқ этиш интерпретацияни танлашга (ҳақиқат тушунчаси, белгилаш, бажаришлик, номлаш (*Ном*), экстенционаллик, синтетик чинлик ва б. тушунчалар) жуда ҳам боғлиқдир; 2) мазмун назарияси деб аталадиган назарияга мансуб тушунчалар (*маъно ва мазмун*, синонимия, аналитик чинлик ва б.) муайян тилнинг мумкин бўлган барча интерпретацияларига нисбатан аниқланади. Формаллаштирилган тилларни метаназарий (*Метаназария*) нуқтаи назардан қараб чиққанда заруран семантик анализга мурожаат қилишга тўғри келади, чунки кўпгина муҳим фактларни (мас., тўлиқлик ва нозидиятлик проблемаларига оид фактларни) соф синтактик қараш (*Логик синтаксис*) доирасида аниқлаб бўлмайди. Л. с. масалаларини биринчи марта *Фреге* батафсил қараб чиққан. Поляк логикаларининг *Львова-Варшава мактаби* ҳамда *Карнап*, В. Куайн, А. Чёрч, Ж. Кемени

Л. с. нинг ривожига катта ҳисса қўшдилар. Фан тилларининг ва табиий тилларнинг семантик хоссаларини тадқиқ қилиш математик лингвистика, машина таржумаси ва б. муносабати билан тобора кўпроқ амалий аҳамият касб этмоқда.

ЛОГИК СИНТАКСИС — 1) қоидалар системаси бўлиб, бу қоидалар бирор ҳисобнинг ифодаларининг тузилиши ва ўзгартирилишини белгилаб беради; 2) *металогика* бўлими бўлиб, бу бўлим шарҳланмаган ҳисоблар структураси ва хоссаларини ўрганади. Логик ҳисобларни синтактик жиҳатдан қараб чиққанда қўндаланг бўлиб турадиган масалалар нозидиятлик (*Аксиомалар системасининг нозидиятликлиги*), тўлиқлик (*Аксиоматик назариянинг тўлиқлиги*), мустақиллик (*Аксиомалар системасининг мустақиллиги*), ҳал қилиш (*Проблема ни ҳал қилиш*), исбот қилишлик проблемаларидан иборатдир. Исбот қилишлик проблемаси алгоритмни топишдан иборат бўлиб, бу алгоритм ҳар қандай исбот қилинадиган (яъни аксиомалардан хулоса қилиб чиқариладиган) мулоҳаза учун унинг исботини тузади. Шундай қилиб, Л. с. исбот назариясини ўз ичига олади. Л. с. тушунчасини 1919 йилда *Витгенштейн* киритган. Аслини олганда, Л. с. проблемаларини математик логиканинг кўп вакиллари 19-асрнинг охиридаёқ қараб чиққанлар (*Фреге, Рассел, Гильберт, Гёдель, Чёрч, Клини* ва б.). *Карнап* «Тилнинг логик синтаксиси» асарида (1934) Л. с. проблемаларини ва тушунчаларини системали суратда баён қилиб берган, унда, жумладан, табиий фанларнинг у ёки бошқа бўлимларини формаллаштурувчи тилларнинг синтактик тадқиқотининг самарадорлиги кўрсатиб ўтилган (*Формаллаштурулган тил*).

ЛОГИК ФОРМАЛАР (мантқиқий шакллар) — турли конкрет мазмунга эга бўлган фикрларни (ва фикрларнинг қисмларини) тузиш, ифодалаш ва боғлашнинг билиш процессида амалга ошириладиган усуллари. Л. ф. инсониятнинг ижтимоий-тарихий практикаси жараёнида таркиб топган

бўлиб, умуминсоний характерга эга-дир ва тафаккурда воқеликни акс эттириш формаларидир ва ўзлари ҳам воқеликнинг энг умумий хусусиятларини акс эттиради (мас., ҳар қандай предмет у ёки бошқа хоссаларга эга бўлиб, бошқа предметларга нисбатан қандайдир муносабатда бўлади, предметлар туркумларни ташкил этади, баъзи ҳодисалар бошқа ҳодисаларни юзага келтиради ва ҳ. к.). Бир қатор Л. ф. мавжуд бўлиб, улар *формал логикада ўрганилади*) *тушунчалар* ва *ҳукмлар*, *хулосалар* ва *исботлар*, *таърифлар* ва б.). Билишда бирон-бир Л. ф. дан фойдаланиш тафаккурда акс этирилаётган мазмуннинг характери билан белгиланади. Тилда Л. ф. тегишли ифодаларнинг грамматик тузилиши билан ҳамда фикрнинг бирон мантикий структурасини кўрсатадиган махсус сўзларни («ва», «но», «ёки», «агар... у вақтда», «фақат», «барча», «баъзи» ва б.) ишлатиш билан ифодаланади. Математик логикада Л. ф. мантикий ҳисобларни тузиш воситаси билан ифодаланади. Дialeктик логикада Л. ф. ўзгарувчан, ривожланаётган воқеликнинг ҳамда билишнинг ўзининг ривожланишининг тафаккурдаги инъикоси нуқтаи назардан ўрганилади.

ЛОГИК ХАТОЛАР (мантикий янглишлар) — муҳокамада фикрнинг нотўғри боришидан келиб чиқаётган хатолар. Л. х. бирор хилдаги тасдиқларнинг муайян муҳокамасини нотўғри талқин қилиш ёки улардан асослар сифатида фойдаланиш (мас., маълум сифатда чин бўлган бирон-бир даъво мутлақ чин деб қаралади) натижасидан, муҳокама давомида логика қонунларини бузиш (мас., силлогизмда маълум бўлган «терминларни тўртлов», бунда гўё умумий терминларнинг мавжудлиги туфайли асослар бир-бирига боғланади, ваҳоланки, ҳақиқатда бу терминлар замирида турли тушунчалар яширинган бўлади) натижасида, муайян муҳокамада асладан хулоса бўлмаган даъвонинг хулоса сифатида нотўғри талқин қилиш (мас., *исботда* — тезисни сохталаштириш) ва ҳ. к. натижасида юз беради.

Л. х. бегараз хатоларга (*паралогизмлар*) ва онгли хатоларга бўлинади.

ЛОГИК ЭМПИРИЗМ — *аналитик философия* вариантларидан бири бўлиб, у 20-йилларнинг охири — 30-йилларнинг бошларидаги *логик позитивизмнинг* бевосита давомидир. *Карнап*, *Рейхенбах*, *Фейгль*, Гемпель, Бергман, *Франк* — Л. э. нинг асосий вакиллари дидрлар. Логик позитивизмнинг асосий идеяларини — философияни фан тилининг мантикий анализидан (эндиликда 30-йилларнинг бошларида бўлгани сингари, фақат синтаксисик анализдан эмас, балки семантик анализдан ҳам — *логик семантика*) иборат қилиб қўйиш ҳақидаги тезис, объектив реалликнинг мавжудлигини назарий жиҳатдан оқлаш мумкин эмаслиги ҳақида қоида ва б. ўзгаришсиз сақлаб қолган ҳолда Л. э. илк логик позитивизмга нисбатан, жумладан, *Вена тўғарагининг* ўта субъективизмидан воз кечгач, бирмунча ўзгариб бошқа тусга кирди. Чунки, «фаннинг эмпирик тили» сифатида Л. э. субъектнинг шахсий кечинмалари тилини эмас, балки ҳиссий суратда идрок этиладиган физик ҳодисаларни ифодаловчи буюм тилини илгари суради. Бироқ бу ҳол фалсафий материализм позицияларига ўтишни билдирмайди, чунки буюм тилининг қабул қилиниши Л. э. учун нарсалар оламининг объектив мавжудлиги ҳақидаги назарий фикрни эътироф этиш билан боғлиқ эмасдир. Л. э. Вена тўғараги даврида илгари сурилган илмий билимни эмпирик мавжудликдан иборат қилиб қўйишликни ҳам улоқтириб ташлайди. Амма илмий тушунчалар Л. э. объектив реалликнинг инъикосини эмас, балки фақат ҳиссий-мавжуд нарсани уюштиришнинг «қулай» ва «мақсадга мувофиқ» формаларини кўради, холос. Илмий билим эмпирик суратда мавжуд бўлган нарсадан ташқари ўзига хос ғайри ҳиссий мазмунга эгадир, деб эътироф қилиш Вена тўғарагининг Л. э. ўз содоқатини сақлаб қолмоқчи бўлган идеяларига — *верификациялаштиришлик* принципи ва б. га мувофиқ келмайди. 50-йиллардан

бошлало Л. э. фалсафий оқим сифатида чуқур ички кризисга йўлиқади, бу кризис илк логик позитивизм учун хараكتерли бўлган дабдабали программалардан воз кечишда, сунсайтирилган муроса-мадора қилиш вариантларини қабул этишда, оғирлик марказини кенг фалсафий проблемалардан конкрет-манتيқий ва конкрет-методологик тадқиқотларга кўчиришда ифодаланлади. Бу тадқиқотларда Л. э. вакилларининг маълум хизматлари бор. Ҳозирги вақтда Л. э. ҳозирги замон философиясининг мустақил оқими сифатида мавжуд бўлмай қолди.

ЛОГИСТИКА — мантиқий ҳисоблар дастлабки вақтда шундай деб аталарди. Лейбниц кўпинча *математик логика* ҳақида Л. деб сўзларди. Л. ни символистик ёки математик логика деб тушуниш 1904 йил сентябрда Женевада бўлган философлар конгрессида Ительсон, Лаланд ва Кютюр таклифи билан мустаҳкамланиб қўйилган эди (*Логицизм*).

ЛОГИСТИК МЕТОД — ҳозирги замон математикаси ва логикасида қабул қилинган формаллаштирилган системалар (*Формаллаштириш*) ёки ҳисобларни тузиш методи (*логик синтаксисда* «синтаксистик система» термини ишлатилади). Бундай система-лар, белгиларнинг баъзи конфигурациялари ва уларнинг тегишли ифодалар мазмунининг мавҳумлигидаги кетма-кетлиги сингари, соф формал равишда тузилади. Л. м. қуйидагиларни назарда тутлади: (1) бирламчи символлар системаси рўйхатини; (2) бирламчи символлар кетма-кетлигининг қандай тури системанинг тўғри тузилган формулаларини (қисқартирилган шаклда ТТФ) аниқлаш — қондаларнинг дастлабки икки типини тузиш қондаларига киради; (3) ТТФ нинг қайсилари аксиомаларга киришини аниқлаш; (4) асос сифатида тегишли ТТФлардан натижа сифатида бирон-бир ТТФ бевосита хулоса қилиб чиқаришга восита бўладиган хулоса қондаларини (ёки ўзгартиш қондаларини) кўрсатиш. Бир ёки кўп сонли ТТФ лардан иборат охириги кетма-кетлик шу шарт билан исбот деб атала-

дики, бунинг учун кетма-кетликдаги ҳар ТТФ ё аксиома бўлмағи керак, ёки хулоса қондаларига мувофиқ кетма-кетликнинг олдинги ТТФ ларидан бевосита хулоса қилиб чиқарилиши керак. Исботга мансуб бўлган система ТТФлари система теоремалари деб аталади. Баъзан Л. м. тушунчасига формал системани тузишдан ташқари унинг шарҳини ҳам киритадилар (*Логик семантика*). Системанинг соф формал тузилиши айни вақтда мазмунли томонни, жумладан мантиқий қонунларнинг бирон туркумини мутлақ этибборисиз қолдириш маъносини билдирмайди. Бу қонунлар ҳисоб тузилганда ҳаммиша бирор тарзда назарда тутилади.

ЛОГИЦИЗМ — математикани асослашнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, бу йўналиш бутун математикани логикадан иборат қилиб қўйишга интилади. Гарчи бу идеяни илгари Лейбниц айтган бўлсада, фақат ўтган асарнинг охириларида уни Фреге амалга оширишга уриниб кўрди. Фреге ўз олдига қуйидаги вазифани қўйган эди; 1) математиканинг бошланғич тушунчаларини фақатгина логика терминларида аниқлаш, 2) фақатгина логика принципларига асосланиб ва фақатгина логик исботларни татбиқ этиб, математика принципларини исботлаш. Бу йўлда ундан кейин олиб борилган ишлар (*Рассел ва Уайтхед*, 1910—13, Рамсей, 1926, Куайн, 1940), уларнинг конкрет натижалари қанчалик қимматга эга бўлишига қарамай, мазкур программани амалга оширишга имкон бермади, бу эса Л. нинг принципиал жиҳатдан нотўғри методологик дастури — математиканинг объектив оламга ва уни ўрганиш вазифаларга боғлиқ эмаслиги ҳақидаги даъво билан боғлиқдир. Математик логиканинг ривожини, аксинча, математиканинг энг фундаментал бўлимларини (мас., арифметикани) логикага элтиб тақаб бўлмайди, деган хулосага олиб келди (*Гедель* теоремаси).

ЛОГОС (грек. logos — сўз, фикр, ақл, қонун) — дастлабки пайтларда ялли умумий қонунни, оламнинг асо-

сини билдируви термин. *Гераклит Л.* тўғрисида худди шу маънода сўзлаб, бундай дейди: ҳамма нарса Л. га мувофиқ содир бўлади, Л. абадий, умумий ва зарурийдир. Идеалистлар (*Гегель, Виндельбанд, Трубецкой* ва б.) *Гераклит Л.* ини ноҳақ равишда умумий ақл билан бирдай қилиб кўрсатадилар. *Платон* ва *Аристотель Л.* ни ҳам борлиқ қонуни деб, ҳам маънавий принцип деб тушунадилар. *Стоиклар «Л.»* термини билан жисмоний ва руҳий оламларнинг қонунини белгилаганлар, чунки улар пантеистик бирликда қўшилиб кетадилар (*Пантеизм*). Яхудо-александрия мактабининг вакили *Филон Л.* ҳақидаги таълимотни платонча идеяларнинг маъмуи ҳақидаги таълимот сифатида, шунингдек яратувчи куч — худо билан яратилган олам ўртасидаги воситачи ҳақидаги таълимот сифатида ривожлантирди (1-аср). Л. шунга ўхшаб талқин қилинганлигини биз *неоплатонизмда* ва *гностикларда*, кейинчалик христианлик адабиётида ва схоластларда (мас., *Эригенада*) кўраимиз. Янги замонда *Гегель Л.* ни ўз философиясида абсолют тушувча деб атади. Россиядаги диний-идеалистик философия вакиллари (*Трубецкой, В. Эрн* ва б.) илоҳий Л. идеясини қайтадан юзага келтиришга уриндилар. Шарқ философиясида *дао* ва, маълум маънода, *дхарма Л.* га ўхшаш тушунчалардир. Марксистик адабиётда «Л.» термини ишлатилмайди.

ЛОҚАЯТА — қадимги Ҳиндистонда материалистик таълимот. Л. ҳақидаги илк маълумотлар булда диний аҳкомлари текстларида, *Ведаларда* ва қадимги Ҳинд эпосида баён этилган. Аъбанага кўра, Л. нинг пайдо бўлишини афсонавий донишманд *Брихаспати* билан боғлайдилар. Айрим атеистик ва антиведачилик ҳуружлари афсонавий *Чарвакага* нисбат берилди. Шу сабабли бир қанча қадимги текстларда бу материализм чарвака деб аталади. Л. нинг борлиқ ҳақидаги таълимоти асосида, коннотнинг гарча предметлари тўрт унсурдан: тупроқ, олов, сув ва ҳаводан иборат, деган тасаввур ётади (баъзи текст-

ларда улар қаторига бешинчи унсур — эфир ҳам қўшилади). Ҳар бир унсурга ўзгармайдиган, йўқ қилиб бўлмайдиган ва азалдан мавжуд бўлган атомларнинг ўзига хос тури мувофиқ келади. Предметларнинг барча ҳоссалари қандай атомларнинг бирга қўшилишидан таркиб топганлигига ва атомлар қўшиладиган пропорцияларга боғлиқдир. Онг, ақл ва сезги органлари ҳам атомларнинг қўшилиши натижасида пайдо бўлади; тирик вужуд ўлгандан кейин бу қўшилиш унсурларга бўлиниб кетади ва бу унсурлар тегишли турнинг тирикмас табиатда мавжуд бўлган атомларига бирлашади. Баъзи текстларда эволюция ҳақидаги тасаввур баён этилган: бир хил унсурлар бошқа унсурлардан келиб чиқади, зотан бош унсур тупроқ, қуруқликдир. Л. нинг гносеологияси сенсуалистикдир: сезги билишнинг бирдан-бир ишончли манбаи деб эътироф этилади. Сезги органлари шунинг учун предметларни идрок қила оладиларки, уларнинг ўзлари предметлар мансуб бўлган элементлардан иборат («ўхшатмаса учратмас»). Ғайри табиий моҳиятлар устида сўз бораркан, Л. ҳар қандай воситали билимнинг ишончли эканлигини инкор этади: хулоса, натижа ҳам, худди *Ведаларнинг* далиллари сингари, билишнинг сохта усуллари деб ҳисобланади. Л. худонинг, жоннинг, карманинг (*Ҳиндуизм*) ва жонларнинг бошқа жисмларга ўтишини инкор этади. Л. нинг этикасида *гедонизм* устуни турарди. Афтидан, Л. давлатни идора қилиш ҳақидаги қадимги Ҳинд фанига маълум даражада таъсир кўрсатган бўлса керак. Л. нинг издошларига мансуб бўлган битта ҳам текст бизнинг замонамизгача етиб келган эмас. Л. унинг идеалистик мухолифлари — ведачилар томонидан 9—16-асрларда ёзилган фалсафий трактатларда ва компендиумлар (даршанлар)да тўлароқ баён этилган.

ЛОҚК ЖОН (1632—1704) — инглиз материалистик философи. Л. нинг асарлари Англиядаги Реставрация даврига оиддир. У философ, экономист ва сиёсий ёзувчи сифатида Англиядаги

сифатлар ва партиялар курашида қатнашди. «Инсон ақли тўғрисидаги тажриба» номи асосий асарида (1690) ў Гоббснинг *номинализми* ва Декартнинг рационализи таъсири билан мураккаблаштирилган материалистик *эмпиризм* билиш назариясини ривожлаштирди. Декартнинг *туғма идеялар* ҳақидаги таълимоти раҳмат эътибори билан тажрибани барча идеяларнинг бирдан-бир манбаи деб эълон қилади. Идеялар ё ташқи нарсаларнинг сезги органларига таъсири натижасида (сезги идеялари), ёки руҳнинг ҳолати ва фаолиятига қаратилган диққат натижасида (рефлексия идеялари) пайдо бўлади. Бу сўнгги фикр идеализмга ён бериш эди. Сезги идеялари воситаси билан биз ё бирламчи, ёки иккиламчи сифатларни идрок этамиз (*Бирламчи ва иккиламчи сифатлар*). Тажрибадан ҳосил қилинган идеялар билим учун фақат материалдир, ammo ҳали билимнинг ўзи эмасдир. Билим бўлмоғи учун идеялар материали фаросат фаолияти билан қайта ишланмоғи лозимки, бу фаолият сезгидан ҳам, рефлексиядан ҳам фарқ қилади ва таққослашдан, бирга қўшишдан ва мавжумлаштириш (абстракция)дан иборат бўлади. Ана шу фаолият воситаси билан оддий идеялар ўзгариб, мураккаб идеяларга айланади. Л., Гоббсга эргашиб, тилни умумий билимга эришиш мумкинлигининг шартин деб ҳисоблайди. Билимни икки идеянинг бир-бирига мувофиқлигини (ёки номувофиқлигини) идрок этиш деб таърифлагач, Л. бутун ақл югуртириш билимини, яъни идеяларнинг ақл воситаси билан мувофиқ келишини билишнинг ишончли далили деб ҳисоблайди. Аксинча, тажрибавий билим фақат эҳтимолдир; унда идеяларнинг мувофиқлигини билиш тажриба фактларига асосланиш натижасида эришилади. Ташқи предметларнинг мавжудлиги ҳақида бизнинг ишончимиз ҳис-туйғуларга таянади. Билимнинг бу турини («сенситив» турини) Л. оддий эҳтимолликдан юқори ва лекин ақл югуртириш билимининг ишончилигидан паст қўяди. Бизнинг моддий ва айниқса руҳий субстанция-

ларни билиш қобилиятимиз маълум даражада чекланганлигига ишоничига қарамай, Л. ни агностик деб бўлмайди: Л.нинг фикрича, бизнинг ваъзифамиз — ҳамма нарсани эмас, балки фақат бизнинг хатти-ҳаракатимиз ва амалий ҳаётимиз учун муҳим бўлган нарсани билишдан иборат, бундай билимни эса бизнинг қобилиятларимиз батамом таъминлайди. Давлат ҳокимияти ва ҳуқуқ тўғрисидаги таълимотида Л. табиий ҳолатдан граждандлик ҳолатига ва давлатни бошқариш формаларига ўтиш идеясини ривожлаштиради. Л.нинг фикрича, давлатнинг мақсади — эркинликни ҳамда меҳнат воситаси билан орттирилган мулкни сақлашдир. Шунинг учун ҳам давлат ҳокимияти ўзбошимча бўлиши мумкин эмас. Бу ҳокимият Л. да 1) қонун чиқарувчи ҳокимиятга, 2) ижро этувчи ҳокимиятга ва 3) иттифоқ, федератив ҳокимиятга бўлинади. Л. ишлаб чиққан давлат ҳақидаги таълимот назарияни бошқаришнинг сиёсий формасига мослаштириш тажрибаси эди, чунки Англияда 1688 йилги буржуа революцияси ва буржуазия билан дворянларнинг буржуа-лашган қисми ўртасидаги компромисс натижасида шундай форма барпо этилган эди. Л. философиясининг тарихий таъсири улкан. Агар мавжуд ижтимоий тартиб шаронтида шахс лозим даражада тарбия ва камолотга эга бўлолмаса, у вақтда кишиларнинг ўзлари мавжуд тартибни ўзгартиришлари керак, деган фикр буржуа революциясини ҳақ қилиб кўрсатиш учун катта аҳамиятга эга эди. Француз материализмининг йўналишларидан бири Л. дан бошланади. Л. томонидан бирламчи ва иккиламчи сифатларнинг фарқ қилинишидан идеалист *Беркли* ва агностик *Юм* фойдаланган эдилар.

ЛОМОНОСОВ Михаил Васильевич (1711—65)— рус энциклопедист олим, Россияда материалистик философиянинг асосчиси. Деҳқоннинг ўғли. Москвадаги славян-грек-латин академиясига киргач (1731), сўнгра (энг яхши талаба сифатида) Петербургдаги фанлар Академиясига (1736), ундан кейин чет элга, Марбург ун-тегига

юборилди. 1741 йилда Л. Россияга қайтиб келди. Л. нинг ижоди ниҳоятда ҳар томонлама бўлиб, унинг физика ва химияни ривожлантиришдаги хизматлари айниқаса каттадир. Шунингдек у рус филологияси, тарихи ва поэзиясига ҳам ҳисса қўшди. Рус филологиясининг материалистик традицияси Л. дан бошланиб келмоқда. **Материалист бўлган Л. ўша замондаги фанда ҳукмрон бўлган сафсатабозлик қарашларига қарши курашди. Идеалистик назарияларга у табиат жисмларининг табиий келиб чиққанлиги идеясини қарама-қарши қилиб қўйди.** «Ер қатламлари ҳақида»ги асарида (1763) у ўсимлик ва ҳайвонот оламининг эволюцияси ҳақидаги фаразани илгари сурди ва табиатнинг ўзгариш сабабларини ўрганиш зарурлигини кўрсатди. «Худо шундай яратган» деган уч сўзни ёддан билган ва барча сабаблар ўрнига шу жавобни берган мазкур билгонларнинг файласуфлар бўлиб олиши қийин эмас»— деб ёзган эди у. Энг майда зарралардан — «корпускуллар» (молекуларлар)га бирланган элементлар (атомлар)дан таркиб топган материянинг ўзгаришини табиат ҳодисаларини изоҳлашга асос қилиб қўйган Л. материяни ҳаракатдан ажралган ҳолда фикр қилолмас эди. Бу идеяни у модданинг ва ҳаракатнинг сақланиш қонунида ифодалаб берган эди, бу қонунни эса у 1748 йил 5 июлда Эйлерга ёзган мактубида таърифлаб берган эди (*Энергиянинг сақланиш қонуни*). Л. 18-аср табиёт пимида ҳукмрон бўлган илмга хилоф қарашларга қатъий сурабда қарши чиққан эди. «Иссиқ ва совуқнинг сабаби ҳақида ўйлар» асарида (1749) у иссиқлик яратувчи материянинг алоҳида тури сифатидаги теппород тушунчасини рад этади ва иссиқлик процессларининг сабабини материя зарраларининг ҳаракатидан изламоқ керак, деб кўрсатади. Бу фикр Л. ни табиатнинг хилма-хил ҳодисаларига материя ҳаракатининг турли формалари сабаб бўлса керак, деган фаразга олиб келади. Л. нинг фикрича, материянинг асосий хоссалари: кўламлилиқ, инерция кучи, форма,

ўтказмаслик ва механик ҳаракатдан иборат. Л. «биринчи турткини табиатнинг ривожланиш сабабларидан бири ҳисобларди ва бунда ҳам у механистик материализмнинг талқинига амал қиларди. Гносеологияда Л. материалистик позицияларда турарди. Ташқи оламнинг сезги органларига таъсирини билишнинг манбаи деб ҳисоблар экан, Л. *туғма идеялар* назариясига ва «иккиламчи сифатлар» ҳақидаги таълимотга қарши чиқди. Л. билишда тажрибага катта ўрин берарди, лекин шу билан бирга эмпирик методларни назарий умумлашмалар билан бирлаштиришга ҳақиқатга олиб келиши мумкин, деб ўйларди. Л. ўз замонаси учун янги бўлган фаннинг — физик химиянинг асосчиси эди; у биринчи бўлиб Венера планетаси атмосфера билан қўршалганини аниқлади, химияга микдорий анализ усулини систематик тадқиқот усули сифатида киритди ва ҳ. к. Россияда геология ва географияни ўрганишни ривожлантиришда, тоғ металлургия ва чиннисозлик ишларини йўлга қўйишда Л. нинг хизматлари катта. Москва ун-тетининг асосчиси бўлган (1755) Л. Россияда табиёт илмини ва материалистик философияни ривожлантиришга ёрдамлашган олимлар плеядасини тайёрлади. Ижтимоий ҳодисаларни тушунишда Л. маърифатчилик нуқтаи назарига қўшиларди ва жамият ҳаётини фақат маориф воситаси билан ва хулқ-атворни тақомиллаштириш йўли билан яхшилаш мумкин, деб ўйларди. Л. халқ оmmasининг жаҳолатда қолиш сабабларидан бири попларнинг нодонлиги, деб ҳисобларди. Руҳонийларга қарши курашда у *деизмга* мойил бўлиб, рационалистик позицияларда турарди. Л. нинг поэтик ва тарихий асарлари ватанпарварлик руҳи билан сўғорилган. «Қадимги Россия тарихи» (1766 йилда нашр этилган) асарида у рус халқининг ўзига хос характерининг ажнабий тарихчилар томонидан сохталаштирилишини рад этди.

ЛОССКИЙ Николай Онуфриевич (1870—1965)— рус идеалист философи; Петербург ун-тетининг профессо-

ри уни 1922 йилдан муҳожирикликда бўлди; 1947 йилда Нью-Йоркдаги рус руҳоний академиясининг профессори бўлди. Л. буржуазиянинг идеологи ва Совет ҳокимиятининг душмани эди. У *Платоннинг*, рус персоналисти А. А. Козловнинг идеяларини, *Соловьев* мистикасини ва б. ни бирга қўшуви «интеграл» *интуитивизм* деган системани яратишга уринди. Л. борлиқ ҳақидаги ўзининг объектив-идеалистик таълимотини (онтологиясини) «персоналистик идеал-реализм» деб атади; у органик бутун сифатида олам ҳақидаги тасаввурга асосланади: ғайри замоний идеявий шахслар, ўзаро ҳамда ғайри оламий ибтидо (худо) билан боғланган «субстанциал фаоллар» (лейбница монадага ўхшаш тушунча) воқеликнинг моҳиятини ташкил этади. Худди ана шу «фаоллар» моддий ва психик процессларнинг бутун хилма-хиллигини вужудга келтиради. Гносеологияда Л. *имманент мактаба* аяқдир. Предметлар ҳиссий, мистик ёки интеллектуал *интуиция* воситаси билан билинади (бу сўнгисига Л., *Бергсондан* фарқли ўлароқ, фаросатни ҳам киритади). Шуни ҳам борки, индивид онгда предметнинг образи эмас, балки асли нусадаги предметнинг ўзи ҳозир бўлиб турармиш. «Мен» билан моддий дунё ўртасидаги муносабат масаласининг ҳар қандай тарзда қўйилишини асда ноқонуний деб ҳисобловчи ва онг билан мазмуннинг билувчилик ишини фақат субъект доирасида бир-бирдан фарқ қилдирувчи Л. субъектив идеализм доирасидан чиқмаган эди. У 1951 йилда «Рус философияси тарихини» ёзиб, унда материализм тарихини сохта-лаштирган, рус философиясининг ўзига ҳослиги унинг динийлигидадир, деб исбот қилишга уринган эди; унинг китобида совет тузумига тўғридан-тўғри тухмат қилинган. Асарлари: «Интуитивизми асослаш» (1906), «Философияга кириш» (1911), «Олам — органик яхлитдир» (1917), «Ҳиссий, интеллектуал ва мистик интуиция» (1938), «Достоевский ва унинг христианча дунёқараш» (1953) ва б.

ЛОТЦЕ Герман (1817—81) — немис философи, Геттингенда муаллимлик қиларди. Л. нинг философияси материализм билан идеализм ўртасида ўзича бир нав компромиссдан иборат бўлиб, унда идеализм устун турарди. Л. таълимотида аниқ табиёт илми, медицина *Лейбниц* руҳида идеализм билан бирга қўшилади. Л. нинг энг машҳур асари «Микрокосм»дир (1856—64). Л. нинг идеялари *Гуссерлнинг* феноменологияси учун замин ҳозирлади. Унинг логикаси *Каринскийга* таъсир кўрсатди.

ЛУКАСЕВИЧ Ян (1878—1956) — поляк логика олими, Львов ва Варшава ун-тетларининг, кейинчалик Қироллик Ирландия академиясининг профессори. Л. — *Львов-Варшава логика мактабининг* энг таниқли вакилларидан биридир. У *кўп маъноли* (уч маъноли) *логика* системасини, бениҳоя логик символикани ишлаб чиққан, аристотелча силлогистикани, илк стоикларнинг логика таълимотини, дедукция ва модал логиканинг классик ва интуитионистик назариясини оригинал суратда тадқиқ қилган.

ЛУКРЕЦИЙ КАР (эрамиздан олдин тах. 99—55) — римлик шоир ва материалист-философ, Эпикурнинг оригинал давомчиси, «Нарсаларнинг табиаи ҳақида» поэмасининг автори. У ўз философиясининг мақсадини ижтимоий кураш ва кулфат-мусибатлар гирдобига ташланган, худолардан, ўлимдан, охиратда жазоланишдан қўрқиб эзилган шахс учун мумкин бўлган бахт йўлини кўрсатишдан иборат деб биларди. Улардан қўтилиш воситаси — Эпикурнинг нарсаларнинг табиаи ҳақидаги, инсон ҳақидаги, жамият ҳақидаги таълимотини билиб олишдир. Л. К. нинг фикрича, жон ўлади, чунки у махсус зарраларнинг вақтинча қўшилишидангина иборат бўлиб, жисм ҳалок бўлгандан кейин — айрим атомларга парчаланиб кетади. Жоннинг ўлишини эътироф этиш фақат охират дунёга ишонини эмас, балки у билан бирга охиратда жазоланишга ишонини ҳам йўққа чиқаради, инсонни дўзахдан қўрқишдан халос қилади. Шу билан бирга ўлимдан қўр-

қиш ҳам йўқ бўлади: биз яшаб турган эканмиз — ўлим йўқ; ўлим келгач — биз йўқ. Ниҳоят худолар олам ичиди эмас, балки оламлар ўртасида бўш ораликда яшашларини биз билганимиз ҳамон худолардан қўрқиш ҳам тарқалиб кетади: худолар унда роҳат-фароғатда яшаб турган ҳолда инсон тақдирига ҳеч қандай таъсир кўрсата олмайдилар. Л. К. оламини, инсон табиятини, моддий маданиятнинг, техниканинг ривожланишини ёрқин материалистик тасвирлаб ва изоҳлаб берган. Л. К. — Рим дунёсининг буюк маърифатчисидир; унинг поэма-си Уйғонинг даври материалистик философиясининг ривожига ғоят катта таъсир кўрсатди.

ЛУЛЛИЙ Раймунд (1235—1315) — ўрта аср мистик философи, илоҳиётчи ва миссионер. Парижда таҳсил кўрган ва муаллимлик қилган. *Ўрта аср реализмининг* ортодоксал вакили бўлиб, бу реализм Л. да панлогизм даражасига бориб етган эди. Л. *иккиёқлама ҳақиқат* тўғрисидаги масала юзасидан аверроизм билан курашида философиянинг теология билан тўла қўшилиб кетиши мумкинлигини исбот қилишга уринди. Аверроистлар билан мунозарлада Л. «ҳақиқат машинаси» деб аталувчи наъса ёрдами билан илмий вазифаларни ҳал қилишнинг махсус усулидан фойдаланди. Бу машинанинг ҳаракати концентрик доираларнинг бир-бирига нисбатан механик айланишидан иборат эди. Доираларнинг ҳар бирида 9 талав умумий тушулча (мас., «осмон», «худо», «инсон», «яхшилик», «ҳақиқат» ва ҳ. к.) билган эди. Л. нинг фикрича, бу тушулчалар билимнинг бутун соҳасини қамраб оларди. Доиралар айланишида мазкур тушулчаларнинг турли комбинациялари ҳосил бўларди ва бу комбинацияларни Л. янги ҳақиқатлар деб қарарди. Шундай усул билан у христианликнинг барча ҳақиқатларини исбот қилишга умид боғлаган эди. Л. нинг логик машина яратиш йўлидаги уринишда логик операцияларни формаллаштиришнинг оқилона идеяси мавжуд бўлиб, бу идея кейинчалик *Лейбницга* ва маълум даража-

да умуман математик логиканинг ривожига таъсир кўрсатган эди.

ЛУНАЧАРСКИЙ Анатолий Васильевич (1875—1933) — совет жамоат ва давлат арбоби, марксизм-ленинизм пропагандисти, санъат назарийчиси ва публицист. Ишчилар ҳаракатига 90-йилларда қўшилди. 1903 йилдан — большевик. Реакция йилларида большевизмдан йироқлашиб, махизм ва худотузувчиликни тарғиб қилиб чиқди («Дин ва социализм», 1-қисм, 1908; 2-қисм, 1911), шу важдан Ленининг танқидига учради. 1917 йил июлда янгидан большевиклар партиясига кирди. 1917—29 йилларда маориф халқ комиссари. Академик (1930 йилдан). Л. нинг дастлабки асарларида («Позитив эстетика асослари», 1904; «Танқидий ва мунозаралий этюдлар», 1905 ва б.) *позитивизмнинг* (*Спенсер, Авенарцус, Богданов*) таъсири бор эди. Лекин октябрдан олдин ёзган ўзининг энг яхши асарларида («Санъат ҳақида мунозара», 1905; «С.-д. бадний ижодиёт вазифалари», 1907; «Пролетар адабиёти ҳақида мактублар», 1914) у декадентликни танқид қиладди, *санъатнинг партиявийлиги*, маданиятнинг ривожланишига революциянинг таъсири, пролетар синфий курашида санъатнинг аҳамияти, санъаткор дунёқарашининг унинг ижоди билан алоқаси ва ш. к. проблемаларни пролетарча позициялардан қараб ишлаб чиқишга ҳаракат қиладди. Октябрдан кейинги даврда Л. социалистик маданиятнинг йirik ташкилотчиси бўлиб қолди, тўғри, бу соҳада унинг айрим хатолари ҳам бўлди (мас., Пролеткульт масаласида). Бу даврда у санъат назарийчиси сифатида ўзини яққол кўрсатди. У диалектик-материалистик позициялардан адабиёт тарихини сифатида (рус ва совет классикари ҳақидаги, революцион демократлар ҳақидаги, Грбий Европа ёзувчилари ҳақидаги ва ш. к. асарлар), эстетик сифатида («Санъатда синфий кураш», 1929; «Ленин ва адабиётшунослик», 1932 ва б.), театр ва музыка танқидчиси сифатида майдонга чиқадди. Бу даврда у санъат назарияси ва бадний ижод

учун муҳим аҳамиятга эга бўлган проблемаларини: ленинча ғоявий мерос ва илмий эстетика, маданий революция, санъатга партия раҳбарлиги, марксистик танқиднинг вазифалари, *социалистик реализм*, пролетар санъатининг классик мерос билан алоқаси, буржуа модернизмга қарши кураши, санъатшуносликда *вульгар социология*си проблемаларини ҳар томонлама ғриштига алоҳида эътибор беради.

ЛЬВОВ-ВАРШАВА МАКТАБИ — I- ва 2-жаҳон урушлари ўрғасидаги даврда асосан Варшава, Львов ва Краковда иш олиб борган бир гуруҳга поляк логиклари ва философлари (*Лукасевич*, Т. Котарбинский, К. Айдукевич, С. Лесьневский, Л. Хвистек, *Тарский* ва б.). Унинг асосчиси — К. Твардовский. Фалсафий Л.-В. м. да энг хилма-хил йўналишларнинг (Т. Котарбинский материализмдан тортиб то Я. Саламухи ва *Бохенскийнинг* неомизмигача бўлган йўналишларнинг) вакиллари бор эди. Бу мактаб вакилларининг аксарияти учун характерли нарсаси шуки, улар: а) *иррационализмни* инкор этардилар, математик логика аппарати ёрдами билан *традицион рационализмнинг* асосий идеялари ва принципларини аниқлаб бердилар; б) илмий муҳокама логикасини аниқ тадқиқ қилишга интидилар; в) *логик семантикага* қизиқардилар. Л.-В. м. вакиллари математик логикани, математика асосларини, дедуктив фанлар методологияси, логика тарихи ва логик семантикани ривожлантиришга анча ҳисса қўшдилар. Жумладан Я. Лукасевич, М. Вайсберг, Я. Слупецкий ва б. биринчилар қаторида кўпмаъноли ва модал логикани ишлаб чиқдилар, Л. Хвистек, С. Лесьневский, В. Собочинский, Лукасевич, Тарский ва б. эса *металогиканинг* асосий тушунчаларини тадқиқ қилдилар. Бу мактаб вакиллари шунингдек муносабатлар логикаси, тўпламлар назариясини аксиомалаштириш, номларни ҳисоблаш ва б. проблемалар билан ҳам шуғулланган эдилар. *Халқ Польшасининг* философлари ва логиклари Л.-В. м. прогрессив

идеяларини ишлаб чиқишни давом эттирмоқдалар.

«ЛЮБОМУДРЛАР» («доншмандликни сеувчилар») — 1823—25 йилларда Москвада яшаб турган «Любомудрие жамияти» махфий фалсафий тўғарагининг аъзолари. Бу тўғарак философия, эстетика ва адабиёт масалалари билан шуғулланган. У аъзоларининг сиёсий қарашлари жиҳатидан бир хилда бўлган бу тўғарак философияда немис идеализмига, асосан Шеллингга эргашган, француз материализминини ва классицизм эстетикасини танқид қилган. Бу тўғаракнинг рус философияси учун аҳамияти шу билан белгиланадики, натурфилософия, гносеология, эстетика, ижтимоий назарияда идеалистик диалектика идеяларини ривожлантирган ва пропаганда қилган. «Л.» «Мнемосина» альманахинини нашр этганлар (4 китоби чиққан. М., 1824—25), альманахда фалсафий мақолалар билан бир қаторда бадний асарлар ҳам босилган. Бу альманахда Пушкин ва Грибоедов қатнашиб турганлар. Тўғаракда унинг раиси В. Ф. Одоевский консерватив позиция туган. У асосан философия, эстетика масалаларига оид мақолалар ёзган. Декабристлар қўзғолон кўтаргач, Одоевский ташаббуси билан тўғарак ёпилган, тўғаракнинг қозғолари куйдирилган. «Мнемосина»да адабиёт бўлиминини бошқарган декабрист В. К. Кюхельбекер, декабризмга меҳр-муҳаббат билан қараган шoir, философ ва эстетик Д. В. Веневитинов, А. И. Кошелев радикал позиция тутганлар. Ака-ука Киреевскийлар, А. С. Хомяков, С. П. Шевириев ва б. ҳам тўғарак аъзоси бўлганлар. Радикал арбоблар тўғаракдан чиққандан кейин (Кюхельбекер декабрист сифатида сурғун қилинган, Веневитинов Петербургда кетиб қолган ва тез орада вафот этган) декабрдан сўнгги реакция шароитида тўғарак консерватив гуруҳга айланган («Московский вестник» журнали).

«ЛЮДВИГ ФЕЙЕРБАХ ВА КЛАССИК НЕМИС ФИЛОСОФИЯСИНING ОХИРИ» — Ф. Энгельснинг фалсафий асари бўлиб (1886), диа-

дектик ва тарихий материализмни асослаш ва ривожлантиришда кўзга кўринарли роль ўйнади Бу асарига автор К. Маркснинг «Фейербах ҳақида тезислар»ини илова қилган. Асарнинг бошида Ф. Энгельс гегелча философиянинг моҳиятини тавсифлайди, унга хос зиддиятларни анализ қилади ва марксистик диалектика билан Гегель диалектикасининг туб қарама-қаршилигини кўрсатади. Сўнгра Энгельс философиянинг асосий масаласига ва унинг икки томонига классик таъриф беради ва агностицизмни (аввало Юм ва Кант агностицизмни) танқид қилиб, унинг энг қатъий раддияси практика эканлигини кўрсатади. Материализм ва идеализмга таъриф бергач, Ф. Энгельс шу асосда 17—18- асрлардаги инглиз ва француз материалистларининг ҳамда Фейербахнинг қарашларини анализ қилиб чиқади, эски механистик, метафизик материализмнинг маҳдудлигини, ижтимоий ҳодисаларни тушунишда унинг идеалистик ноизчиллигини кўрсатади. Фейербах қарашларини муфассал тадқиқ қиларкан, Энгельс унинг идеализмни қилган танқидининг аҳамиятини таъкидлаб кўрсатади, лекин шу билан бирга унинг янги дин яратишга уринишини ҳамда этика соҳасидаги идеалистик қарашларини танқид қилади. Диалектик материализм билан бутун эски философия ўртасидаги туб тафовутни аниқлаб бергандан кейин, Энгельс асарининг охириги қисмида тарихин материалистик тушунишнинг моҳиятини қисқача формада баён қилиб беради. У тарихий материализм назариясини ривожлантира бориб, устқурманнинг инсоний мустақиллиги ҳақидаги қондан таъкидлаб кўрсатади, бу эса ўша вақтда пайдо бўлган иқтисодий материализмни танқид қилиш учун аҳамиятли эди. Марксизмнинг философияда қилган туб ўзгаришининг сабаблари, маз-

муни ва аҳамиятининг Энгельс томонидан анализ қилиниши ҳамда тарихий ва диалектик материализм моҳиятининг соддача баён этилиши бу асарни (уни В. И. Ленин «Коммунистик манифест» билан бир қаторга қўйган эди) марксист философиясининг пайдо бўлиш тарихи ва асосий идеяларини ўрганиш учун тенги йўқ қўлланма қилиб қўяди.

ЛЮТЕР Мартин (1483—1546)—*Реформациянинг* таниқли арбоби, *протестантизмнинг* асосчиси. 16—17- асрларда Германия матънавий ҳаётининг ҳамма соҳаларига катта таъсир кўрсатган. Библиянинг (Тавротнинг) Л. томонидан қилинган таржимаси умуммиллий немис тилининг шаклланишида муҳим роль ўйнади. Л. мўътадил бюргерлик реформациясининг тарафдори эди. У черковнинг ва руҳонийларнинг инсон билан худо ўртасида воситачилик ролинини ўйнашини инкор этарди. Инсоннинг «халос бўлиши», дер эди у, «хайрли ишлар»ни, сир-асрорларни, диний маросимларни адо этишга эмас, балки унинг эътиқодининг самимийлигига боғлиқдир. Диний ҳақиқат манбаи «муқаддас ривоят» (черков йиғинларининг қарорлари, папаларнинг муҳокамалари ва ш. к.) эмас, балки Инжилнинг ўзидир. Бу талабларда илк буржуа дунёқарашининг феодал идеологияси ва черков билан низоси ифодаланарди. Шу билан бирга Л. немис бюргерчилигининг моддий манфаатларини ифодалаган доктриналарга қарши чиқди, *табиий ҳуқуқ* назариясини, илк буржуа гуманизми идеяларини, эркин савдо принципларини танқид қилди. Буюк деҳқонлар урушида (1525) Л. ҳукмрон синф томонида турди. «...Лютер,— деб ёзган эди К. Маркс,— *художўйлик* қўллигини фақат шу билан енгдики, унинг ўрнига *эътиқод* қўллигини қўйди» (1- т., 422- бет).



МАБЛИ Габриэль Бонно де (1709—85)—француз тарихчиси ва сиёсий мутафаккири, мол-мулкнинг мушта-раклигига асосланган тузумнинг қиз-гич қимбачиси. Жуда кенг адабий мерос қолдирган. М. коммунистик ту-зумни хайрихоҳлик билан тавсифлаб берган, унинг фикрича, бу тузум ин-соният тарихининг тонгида мавжуд бўлган ва у хусусий мулкнинг келиб чиқиши барча ижтимоий иллатлар-нинг сабабчисидир, унга асосланган тузум эса кишиларнинг табиий тенг-лигига ва социал инстинктларига зид-дир, деб ҳисоблаган. Аммо М. комму-нистик тартибларга қайтишни имко-ниятсиз ҳисоблаб, мулкий тенгсизлик-ни юмшатишнинг тенгламачилик про-граммасини илгари сурган. М. киши-лар адолатсиз, ақлга тўғри келмайдиган қонунларга бўйсунмаётганликлари-га ишонч ҳосил қилгач, халқнинг ре-волюция қилишга ҳақи борлигини эътироф этади. Бироқ революцияни у коммунистик идеалга эришишнинг асосий шarti деб ҳисобламайди, фа-қат маҳдудроқ мақсадларга эришиш воситасидир, дейди. М. изчил социа-лист-утопист эмас эди. Лекин унинг социал философиясининг кўп томон-лари социалистик идеяларнинг ёйили-шига кўмаклашди. Асосий асари: «Қо-нуни чиқарувчилик ҳақида ёки қонун Принциплари» (1776).

МАВЖУДЛИК — мавжуд бўлиш — узгарувчан нарсаларнинг алоқадор-лиги ва ўзаро таъсиридаги бутун хил-ма хиллиги. Нрсаларнинг М. ини уларнинг ички моҳиятидан ҳам, фал-сат уларнинг борлигидан ҳам иборат бўлиб бўлмайди. Нрсаларнинг мо-ҳиятини, негизини уларнинг М. идан воқоори кўйиб, уларнинг М. ини ўзгар-мас, тасодифий ва қисқа муддатли деб эътироф этувчи фалсафий назар-нилар хато назариялардир. Лекин нарсаларнинг М. ини уларнинг моҳия-тинин юқори туради, бу моҳиятни ё буткул мавжуд эмас, ёки пайқаб бўл-

майдиган, инсоннинг билиши ва прак-тикаси эришолмайдиган бир нарса деб қаровчи назария ҳам хатодир. Тўғри қараш шундан иборатки, М. бўлмаса моҳиятнинг бўлиши мумкин эмас (у ҳолда табиат ва жамиятнинг реал ҳаёти билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган буткул ҳаракатсизлик олами ҳақидаги тасаввур ҳосил бўла-ди), моҳият бўлмаса М нинг ҳам бў-лиши мумкин эмасдир (у ҳолда фа-қат ташқи, нотинч, тасодифий ҳолат қайд қилинади). Фақат М. билан мо-ҳиятнинг, борлиқ билан вужудга ке-лишнинг бирлигигина бутун мавжу-дотни тушуниш имкониятини беради.

МАДАНИЙ ДАВРАЛАР НАЗА-РИЯСИ — тарихий-маданий тараққи-ётда муқаррар такрорланишлик ҳа-қидаги таълимот бўлиб, бу таълимот қиёсий-тарихий методнинг кризисидан келиб чиққан. 19-асрнинг охири — 20-асрнинг бошларида қиёсий анализ критериялари ҳақидаги масала кес-кин бўлиб турди. Тарихий таққослаш-лар ва аналогиялар, одатда, процес-сларнинг бориши формасинигина на-зарда тутиб, аммо уларнинг мазмуни-ни асло ҳисобга олмаслиги тобора равшанроқ бўлиб қолди. М. д. н. бу қийинчиликларни сунъий бартараф қилиш усулини таклиф этди. Бу на-зария тарафдорлари (*Шпенелер, Тойнби*), тарихнинг ички қарамлиги худди тарихий процессларнинг бори-ши формасида, уларни характерловчи «умумий маданият стили»да ифодала-нади, деб даъво қилган эдилар. Улар-нинг фикрича, тарихий аналогиялар асослашга муҳтож эмасдир, улар ўз-лигича ишончлидир. Тарихий анало-гиялардан фойдаланиш ёрдамчи ме-тод деб эмас, балки тарихнинг фун-даментал онтологик структурасини интуитив пайқаш деб ҳисобланарди. Тарихий-маданий процессларнинг так-рорланишлик, синхронлик, даврий ай-ланишлик характери умумтарихий қонунларнинг мавжудлигининг бир-

дан-бир далили деб қараларди. Бу назариянинг социал йўналиши Шпенглер таълимотида яққол очиб берилган. Шпенглер тарихий ҳаракатни ўтмишга онгли тақлид қилиш асосига қуришга давват этарди. Бундай йўл тутишнинг амалий натижалари шпенглерча «тарихчилик»нинг асосий принципларини қурол қилиб олган фашистлар идеологиясида яққол кўринган эди.

МАДАНИЙ РЕВОЛЮЦИЯ (социалистик) — жамият маънавий ҳаётидаги туб ўзгаришлар бўлиб, бу ўзгаришлар социалистик ва коммунистик қурилиш процессида юзага келади. Социалистик М. р. нинг моҳияти — маданият соҳасидаги фаолиятнинг беғоналаштирилган формасига барҳам беришдан иборат, унинг мақсади маданий-тарихий процесснинг субъекти сифатида уйғун, ҳар томонлама ривожланган шахсни камолотга етказишидир. М. р. — умуман социалистик революциянинг таркибий қисми бўлиб, бу революция унинг учун ҳамма зарур шарт-шароитларни яратиб беради ва аввало ҳокимиятнинг, барча моддий ва маънавий бойликларнинг халқ қўлига ўтишини таъминлайди. Капитализмдан социализмга ўтиш даврида М. р. нинг асосий вазифалари озми-кўпми қисқа муддат ичида халқ маорифининг бутун ишини қайта қуришни амалга оширишдан, кенг халқ оmmasини маданият ютуқларидан баҳраманд қилишдан иборат. Ана шунинг натижасида меҳнатқилларнинг хўжалик, давлат ва ижтимоий ҳаётини бошқаришда бевосита иштирок этиши учун, социалистик интеллигенция кадрларини тарбиялаб етиштириш ва янги социалистик маданиятни шакллантириш учун зарур шарт-шароит яратилади. М. р. нинг бу вазифалари муайян конкрет мамлакатга хос хусусиятлардан қатъи назар, социалистик қурилишни амалга оширадиган барча мамлакатлар учун муштаракдир. СССРда М. р. нинг бу вазифаларини ҳал этилиши натижасида аҳолисининг кўпчилиги саводсиз бўлган мамлакат жаҳодат ва нодонликдан маданият чўққиларини эгаллаш сари сак-

ради. Социализмдан аста-секин коммунизмга ўтиш даврида, КПСС Программасида таъкидлаб кўрсатилганидек, маданий тараққиёт М. р. нинг тугалловчи босқичи бўлади. Бу босқичда маданият соҳасидаги тенгсизлик қолдиқлари, яъни ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасида, шаҳар билан қишлоқ ўртасида муҳим тафовутларнинг мавжудлиги билан боғлиқ бўлган қолдиқларни тугатиш, социалистик миллатларнинг маданиятларини янада яқинлаштириш, барча меҳнатқилларни юксак ғовийлик ва коммунизмга садоқат руҳида, меҳнатга ва ижтимоий мулкка коммунистик муносабат руҳида тарбиялаш, буржуа қарашлари ва хулқ-атворларининг сарқитларини батамом бартараф қилиш, маънавий маданиятнинг ҳақиқий бойлигини вужудга келтириш вазифалари биринчи ўринга сурилади. Ишлаб чиқарувчи кучларни юксалтириш, техникани тараққий қилдириш ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни ривожлантириш, меҳнатқилларнинг ижтимоий активлигини ошириш, ўз-ўзини бошқаришнинг демократик асосларини ривожлантириш, маънавий турмушини коммунистик қайта қуриш жуда кўп даражада ана шу вазифаларнинг ҳал этилишига боғлиқ.

МАДАНИЙ-ТАРИХИЙ МЕТОД — тарихий процесснинг ички бирлиги ва яхлитлигини идеалистик асослаш формаларидан бири. Бу методни 19-асрнинг охириларида либераллик йўналишидаги немис тарихчиси К. Лампрехт (1856—1915) илгари сурган эди, у буржуа тарихи фанида ҳукмрон бўлган индивидуаллаштирувчи методга — тарихни машҳур шахсларнинг ҳаётини тасвирлашдан иборат қилиб қўйишга (Ранке ва унинг мактаби) қарши чиққан эди. Лампрехтнинг фикрича, социал ҳаётнинг турли томонларини маданият тушунчаси ёрдами билан синтезлаштириш мумкин. Шу билан бирга маданият моддий муносабатларга бевосита чирмашиб кетган, стихияли равишда таркиб топадиган, халқ ҳаётининг тузилишида, маънавий турмушда ва

коллективликда ўзини ифодалайдиган оғ сифатида талқин қилинади. М.-т. м. буржуа тарихчилиги кризисни идеалистик асосда бартараф қилишга чала-чулпа уринишни билдирарди: ижтимоий ҳаётнинг айрим томонлари маданият тушунчасига соф эклектикларча бирлаштирилади, моддий-иқтисодий муносабатлар маънавий эволюция факторларидан бири сифатида ҳисобга олинади. Шундай бўлишига қарамай, тарихга ижтимоий тараққиёт қонуниятлари ҳақидаги фан деб қараш М.-т. м. ни буржуа тарихшунослигининг бошқа методларидан яққол суратда ажратиб турарди. Философия тарихига доир ҳозирги замон ғарб адабиётида М.-т. м. субъективистик йўналишлар томонидан очиқдан-очиқ суриб чиқарилган.

МАДАНИЯТ (лат. cultura — парвартиш қилиш, ишлов бериш) — ижтимоий-тарихий практика процессида инсоният яратган ва яратаётган ҳамда жамият тараққиётида тарихан эришилган босқични характерлайдиган моддий ва маънавий қимматдорликлар мажмуи. Торроқ маънода моддий М. (техника, ишлаб чиқариш тажрибаси, ишлаб чиқариш процессида вужудга келтирилган моддий қимматдорлар) ҳақида ва маънавий М. (фан, санъат ва адабиёт, философия, ахлоқ, маориф ва ҳ. к. соҳасида маънавий қимматдорликларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш) ҳақида сўзлаш расм бўлган. М. тарихий ҳодиса бўлиб, социал-иқтисодий формацияларнинг алмашинувига қараб ривожланади. Маънавий М. ни моддий негиздан ажратиб қаровчи ва уни «элита»нинг руҳий маҳсули деб талқин қилувчи М. нинг идеалистик назарияларига қарама-қарши ўлароқ, марксизм-ленинизм моддий неъматлар ишлаб чиқариш процессини маънавий М. нинг ривожланиши учун асос ва мазба деб қарайди: бундан, бевосита ёки билвосита формаларда М. кенг меҳнаткашлар оммасининг фаолияти билан яратилади, деган хулоса келиб чиқади. Моддий шароитга боғлиқ бўлган маънавий М. ўз моддий асосидан автоматик тарзда ўзгармай-

ди, балки нисбий мустақиллик билан характерланади (турли халқлар маданиятларининг ривожланишидаги воқислик, ўзаро таъсир ва ҳ. к.). Сифий жамиятда М. ўз гоёвий мазмуни жиҳатидан ҳам, ўзининг амалий йўналиши жиҳатидан ҳам сифий характерга эга бўлади, бу эса капитализм шароитида ҳар бир М. да икки М. нинг мавжудлигида: ҳукмрон буржуа М. и да ва меҳнаткашлар оммасининг демократик ва социалистик М. нинг озми-кўпми ривожланган элементлари шаклида мавжудлигида ифодаланади. «Буржуа жамияти М. и» билан «буржуа М. и» (яъни ҳукмрон сиф М. и) тушунчаларини бир-биридан ажратиб қараш зарурлиги ана шу билан боғлиқдир. Социалистик М. ўтмишнинг ҳамма прогрессив ютуқларини мерос қилиб олар экан, ўзининг гоёвий моҳияти жиҳатидан ҳам, ўзининг социал функцияси жиҳатидан ҳам ҳозирги замон буржуа М. идан тубдан фарқ қилади, бу эса социалистик ишлаб чиқариш усулининг капиталистик ишлаб чиқариш усулидан умуман устуңлигини акс эттиради. Социалистик ва коммунистик қурилиш процессида амалга ошириладиган маданий революция учун барча зарур шарт-шароитларни таъминлаб берувчи социалистик революциясиз социалистик М. ни вужудга келтириш ва барқарор қилиш мумкин эмас. Халқчиллик, коммунистик гоёвийлик ва партиявийлик, илмий дунёқараш, социалистик гуманизм, коллективизм, социалистик ватанпарварлик ва интернационализм социалистик М. нинг яққол ажралиб турувчи хусусиятларидир. Социалистик М. ни вужудга келтириш ва ривожлантиришда Коммунистик партия раҳбарлик ролин яънайди, социалистик давлатнинг бутун маданий-тарбиявий фаолияти шу партия таъсири остида ўтади. Социализм шароитида шаклан миллий, маъмунал социалистик М. равнақ топади, миллатлар ўртасида моддий ва маданий қимматдорликларнинг айрибонланиши жадаллашади, ҳар бир миллатнинг маданий хазинаси интернационал характерга эга бўлувчи ижо-

диётлар билан тобора кўпроқ бойиб боради. Бу эса келажақда коммунистик жамият ягона умуминсоний М. ининг шаклланишига ёрдамлашади.

«Коммунизм маданияти, дейилади КПСС Программасыда, жаҳон маданияти яратган ҳамма яхши нарсаларни ўз ичига олиб ва ривожлантириб, инсониятнинг маданий тараққиётида янги олий босқич бўлади. Коммунизм маданияти жамият маънавий ҳаётининг барча ранг-баранг томонларини ва бойликларини, янги дунёнинг юксак гоёвийлиги на инсонпарварлигини ўзида гавдалантиради. Бу — синфсиз жамият маданияти, умумхалқ, умуминсоният маданияти бўлади».

МАЗМУН ВА ФОРМА — 1) Фалсафий категориялар, бу категориялар табиий ва социал реализмнинг икки томони ўртасидаги: предмет ёки ҳодисани ташкил этувчи элементлар ва процессларнинг муайян тарзда тартибга солинган мажмуи, яъни М. и ва бу М. нинг мавжуд бўлиш, ифодаланиш усули, унинг турли модификациялари, яъни Ф. си ўртасидаги алоқадорликни акс эттиради. Ф. тушунчаси М. нинг ички ташкил топшии маъносида ҳам ишлатилади ва шу маънода Ф. проблематикаси *структура* категорияси янада ривожлантирилади. Марксистик философиядан олдинги философияда, айниқса идеалистик философияда Ф. структурадан иборат қилиб қўйиларди, М. эса элементлар ва хоссаларнинг қандайдир тартибга солинмаган мажмуи («материя») билан айнан бирдай қилиб кўрсатиларди, бу эса Ф. нинг М. дан устуланиги ҳақидаги идеалистик тасаввурларнинг узоқ тарихий давр давомида мустаҳкамланиб ва сақланиб келишига сабаб бўлди. Материалистик диалектикада М. ва нарсанинг моддий материал субстрати («материя») бир-биридан фарқ қилинади. Бу эса социалистиксодий муносабатларни анализ қилиш учун айниқса муҳим методологик аҳамиятга эгадир, чунки бу социалистиксодий муносабатларда нарсанинг асл маънодаги барча таърифлари, шу жумладан моддий М. билан ҳиссий конкрет моддий Ф. ўзгача, социал

М. нинг мавжудлиги ва юз бериши Ф. си аҳамиятига эгадир. «Материя» билан М. ни фарқ қилиш зарурлиги асл маънодаги табиий ҳодисаларга нисбатан ҳам сақланади: бунда М. тамомила муайян (яъни унинг структураси билан бирликда олинган) ва айни хилдаги ҳодисалар учун хос бўлган моддий субстратни ташкил этади. Структура, ички тартиб — М. нинг зарур компонентидир. Структура, тузилиш ўзгариши билан объектнинг М. и, унинг физикавий ва химиявий хоссалари тубдан ўзгаради. М. нинг хилма-хил модификацияларини, унинг мавжуд бўлиш ва юз бериш усулларини қайд қилувчи Ф. ҳам муайян структурага эгадир. М. билан Ф. нинг ривожланиш процессидаги ўзаро таъсири М. нинг турли компонентларининг (шу жумладан унинг структурасининг) Ф. га таъсирини ҳам, Ф. нинг турли структура компонентларининг М. структурасига таъсирини ҳам албатта ўз ичига олади ва бунда М. билан Ф. нинг объектвий субординацияси (кичикнинг каттага бўйсунуши) ҳисобга олинади. М. билан Ф. нинг ўзаро алоқадорлигида М. объектнинг етакчи, белгилловчи томонини ташкил этади. Ф. эса объектнинг модификациялашадиган, М. нинг ўзгаришига ва унинг конкрет яшаш шароитига қараб ўзгарадиган томонини ташкил этади. Ўз навбатида Ф. ҳам нисбий мустақилликка эга бўлган ҳолда М. га тескари актив таъсир кўрсатади: М. га мувофиқ келадиган Ф. унинг ривожланишини тезлантиради, ваҳоланки ўзгарган М. га мувофиқ келмай қолган Ф. унинг янада ривожланишига тўсқинлик қилади. М. билан Ф. нинг ўзаро муносабати — диалектик қарама-қаршиликларнинг типик ҳолати бўлиб, бу қарама-қаршиликлар М. билан Ф. нинг бирлигини ҳам, улар ўртасидаги зиддиятлар ва конфликтларни ҳам кўрсатади. М. билан Ф. нинг бирлиги нисбий, ўткинчидир, тараққиёт давомида улар ўртасида муқаррар равишда конфликтлар ва зиддиятлар пайдо бўлади. Натжидада М. билан Ф. ўртасида номувофиқлик юзага келади, бу номувофиқлик пировард ҳи-

созда эски Ф. ning «ташланиши» ва улардан М. га тенг келадиган янги Ф. ning пайдо бўлиши билан ҳал қилинади. М. билан Ф. ўртасида зиддиятларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва бартараф этилиши, М. билан Ф. ning кураши (М. билан Ф. ning оир-бирига ўтиб туриши, эски Ф. ning янги М. билан «тўлатилиши», Ф. ning М. га тесқари таъсири ва ҳ. к.) — тараққиёт диалектик назариясининг муҳим компонентидир. Жамият тараққиётидаги М. билан Ф. ning ўзаро муносабати айниқса мураккаб ва диалектик зиддиятдир. *Ишлаб чиқариш усулида, базис ва устқурмада, экономика ва сийсатда* ва б. ларда М. билан Ф. ўртасидаги зиддиятлар — ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим ҳаракатлантирувчи кучларидан биридир. 2) Тафаккурда — логика фанининг энг асосий тушунчалари, бу тушунчаларнинг конкрет аҳамияти *формал ва диалектик логиканинг бошланғич назарий абстракциялари* ва идеализацияларининг мажмуи билан белгиланади. Билишнинг муайян томонлари ҳозирги замон формал логикасининг аппарати ва методлари билан ўрганиладиган ҳоллари тафаккурнинг М. и ва Ф. си тушунчаларининг аҳамияти тафаккур Ф. ларини (*логик формалар*) хулоса чиқаришнинг, мулоҳазанинг ёки мулоҳазалар мажмуининг (жумладан, *назариянинг*) синтактик структураси воситаси билан тафаккур М. ларини эса уларнинг бирон-бир конкрет интерпретацияси (*Интерпретация ва модель*) ёрдами билан аниқлаш мумкин. Материалистик диалектикада, логикадаги сингари, тафаккур М. и. деганда табиий ва социал воқелик ўзига хос шаклида, яъни тафаккурнинг илмий-назарий объекти бўлиб кўринган шаклида тушунчалар, тасаввурлар, назариялар, билишнинг тарихий тараққиётининг давомида ифодаланган ва воқеликка бўлган муносабатларининг бавоситалик даражасига қараб бир-бирдан фарқ қиладиган турли абстракциялар ва идеализациялар шаклида тушунилади (конкрет ва абстракт-умумлашган билувчилик М. и, назарий ва эмпи-

рик даражадаги билим ва ҳ. к.). Тафаккур Ф. — ижтимоий субъектнинг объект билан идеявий жиҳатдан амалга оширадиган фаолиятининг хилма-хил усулларидан иборат, бу усуллар объектив реалликнинг қонуниятлари ва хоссаларни тафаккур М. ида тақрор ҳосил қилишга қаратилгандир (категориялар, абстрактликдан конкретликка томон юқорилаб бориш, хулоса чиқаришнинг турли формалари ва ҳ. к.). Тафаккур Ф. ларининг мажмуи билувчилик М. ини муайян тарзда уюштиради ва янги билим олиш процессларида субъектнинг фикрини йўллаб туради. 3) Санъатда — умуман санъатнинг ёки айрим бадий асарнинг бир-бирини белгиловчи томонлари, бу томонлардан М. етакчилик ролини ўйнайди. Санъатнинг М. и хилма-хил воқеликнинг эстетик ўзига хослигидан, асосан нисондан, инсоний муносабатлардан, ўзининг бутун конкретлиги билан жамият ҳаётидан иборат. Ф. бадий асарнинг ички тузилиши, конкрет структураси бўлиб, бу структура М. ни очиб бериш ва гавдалантириш учун ўзига хос тасвир-ифода воситалари ёрдами билан вужудга келтирилади. Асар М. ининг асосий элементлари — унинг темаси ва ғоясидир. Тема муайян асарда акс эттириладиган ва маъно берилган ҳаётий ҳодисалар мажмуини очиб беради. Ғоя тақрор ҳосил қилинадиган воқелик ҳодисалари ва зиддиятларининг моҳиятини, эстетик *идеал* позицияларидан туриб уларга образли-эмоционал баҳо бериши ифодалаб, инсонни муайян эстетик, ахлоқий, сийсий хулосаларга олиб келади. Санъат асарларининг бадий Ф. си кўп қирралидир. Унинг асосий элементларига қуйидагилар киради: сюжет, композиция, бадий тил, моддий тасвир-ифода воситалари (сўз, қофия, ритм, товуш интонацияси, гармония, ранг, колорит, линия, рисунук, ёруғ-соя, ҳажм, тектоника, па, мизансаҳна, кинемонтаж ва ҳ. к.) Ф. ни М. дан ажратувчи *формализмдан* ва Ф. билан М. ни бирдай қилиб кўрсатувчи *на- турализмдан* фарқли ўлароқ, марк-

снстик эстетика М. билан Ф. нинг чамбарчас бирлигини, уларнинг бир-бирига мувофиқлигини бадиийликнинг муҳим мезонларидан бири деб ҳисоблайди.

МАИШИЙ ТУРМУШ — жамият ҳаётининг энг муҳим соҳаларидан бири бўлиб, бу соҳа кишиларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий-сиёсий фаолиятинда ташқаридаги бутун турмушнинг ўз ичига олади: озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, дам олиш, кўнгли очиш, соғлиқни сақлашга ва ҳ. к. га бўлган эҳтиёжлар қондириладиган моддий ва маданий муҳит. Ижтимоий маиший турмуш ва шахсий маиший турмуш бир-бирдан фарқ қилинади. Турмуш шароитларини ва турмуш эҳтиёжларини қондириш воститаларининг характери *ишлаб чиқариш усули* билан белгиланади ва бу усулдаги ўзгаришларга боғлиқ бўлади. Шу билан бирга халқларнинг *урф-одатлари, хулқ-атворлари*, анъаналари, синфий тафовутлар, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовут, жамиятда аёлларнинг тутган мавқеи, миллий тафовутлар, жамиятнинг идеологияси ва маданияти М. т. да чуқур из қолдиради. Шахсий М. т. ни уюштиришнинг энг муҳим формаси *оиладир*. Социалистик жамиятда меҳнаткашларни М. т. и моддий ва маънавий ишлаб чиқариш даражасининг юксалиши билан бирга яхшиланиб бормоқда: халқнинг моддий фаровонлиги ва маданий даражасини огишмай юксалтириш амалга оширилмоқда. «*КПСС Совет Иттифоқида ҳар қандай капитализм мамлакатига нисбатан энг юксак турмуш даражасини таъминлашдан иборат оламшумул тарихий аҳамиятга эга бўлган вазифани қўймоқда*» (КПСС Программаси).

МАЙМОНИД (Моисей бен-Маймун, 1135—1204) — яҳудий философи, аристотелчи, *яхудолликда* (иудаизмда)ги рационалистик мактаб лидерларидан бири. Гносеология ва илмда Форобийга эргашди. М. философиясининг асоси — яҳудий теологиясининг аристотелизм билан синтездан иборат; М. Тавротни ва яҳудолликнинг

айрим ақидаларини «кўтаринки руҳ билан» (аллегорик) талқин қилиш йўли орқали дин ва философияни бирлаштиришга уринган эди. М. нинг фикрича, билишнинг туб мақсади — олий ҳақиқатни оқилона асослаб беришдир. М. ўзининг яққол ифодаланган рационалистик идеялари учун диний мутаассиблар томонидан таъқиб қилинди. М. нинг асосий асари «Иккиланувчиларнинг пири» («Морэ Невухим») Фарбий Европада катта шуҳрат қозонди ва кейинроқ юзага келган *схоластикада* анча таъсир кўрсатди. М. нинг идеялари Россияда «жуҳудлар қавми» сектасида ҳам ёйилган эди.

«МАЙМУННИНГ ОДАМГА АЙЛАНИШИ ПРОЦЕССИДА МЕҲНАТНИНГ РОЛИ»— Ф. Энгельснинг асари (1876), унда инсон ва инсоният жамиятининг пайдо бўлиши қонуниятлари қараб чиқилган. Энгельс биология, палеонтология ва антропология тўплаган материалларни умумлаштириб, биологик эволюция процессида меҳнатга ўтиш учун зарур шартлар (одамнинг аждодлари бўлмиш одамсимон маймунларнинг тик юриши, олдинги оёқларининг эркин тутилиши, психиканинг юксак даражада ривожланиши) вужудга келишини кўрсатади. Қурулларни ясаш бошланиши билан меҳнат ўзига хос инсон фаолиятининг хусусиятларини касб этади, бу эса нутқ ва тафаккурнинг пайдо бўлишига олиб келади, ҳаётнинг социал формалари қарор топа борган сари нутқ ва тафаккур ҳам ривожлана боради. Инсон табиат кучларини ўзига бўйсундиради. Инсон табиатдан, ҳайвонлар сингари, фақат истеъмолчи сифатида фойдаланмайди, балки унй ўзининг йлгаритдан белгилаб қўйган мақсадларига хизмат қилдиради. Меҳнат, нутқ, тафаккур ва инсоннинг қарор топиш даврида жисмоний тузилиши бир-бирига таъсир ўтказиб туради. «*Меҳнатнинг роли...*» асары тугалланмаган қўлёзмадан иборат бўлиб, бу қўлёзма дастлаб Энгельс ёзмоқчи бўлиб ният қилган «*Куллининг уч асосий формаси*» деган катта асарнинг кириш қисми сифатида

бунёдга келган. Бу очерк биринчи марта 1896 йилда немис тилида эълон қилинган. Кейинчалик у «*Табиат диалектикаси*»га киритилган.

МАКИАВЕЛЛИ Никколо ди Бернардо (1469—1527) — италян мутафаккири, эндигина вужудга келастган буржуазиянинг идеолог. Жамият, деб таълим берарди М., худонинг иродаси билан эмас, балки табиий сабаблар таъқозоси билан ривожланади. Тарихнинг ривожланишига «моддий манфаат» ва куч асосдир. М. халқ оммаси билан ҳукмрон синфлар манфаатларининг қарама-қаршилигини уқдириб кўрсатган, феодал ўзаро урушлардан холи бўлган, халқ ғаласиларини бостира оладиган кучли миллий давлат тузишни ёқлаб чиққан эди. Сиёсий курашда буюк мақсадлар учун ахлоқ қонуларини менисимасликни ва ҳар қандай воситаларни ишга солишни жоиз деб ҳисобларди, ҳукмдорларнинг ҳокимият учун олиб борган курашида шафқатсизлик ва хиёнаткорликни ҳақ қилиб кўрсатарди. Маркс сўзлари билан айтганда, М. нинг тарихий хизмати шундан иборатки, у давлатга биринчилардан бўлиб инсоний кўз билан қарай бошлаган ва унинг қонуларини теологиядан эмас, балки ақл ва тажрибадан келтириб чиқарган эди. (қ. 1-т., 111-6). Асосий асари — «Князь» (1513).

МАКОН — қ. *Замон ва макон*.

МАКРО- ВА МИКРООЛАМ — объектив реалликнинг икки ўзига хос соҳаси бўлиб, улар материянинг структур даражаси билан бир-биридан фарқ қилади. Макроҳодиса соҳаси оддий оламдан иборат бўлиб, унда инсон яшайди ва ҳаракат қилади (планеталар, ер jismlари, кристаллар, катта молекулалар ва б.). Микроолам (атомлар, ядролар, «элементар» зарралар ва б.) сифат жиҳатдан бошқа соҳадан иборат бўлиб, унда объектларнинг ҳажмлари сантиметрнинг миллиардлаб улушидан кичикдир, вақт оралиқлари эса секунднинг миллиардлаб улушини ташкил этади, яъни уларни бевосита кузатиб бўлмайди. Бу оламлардан ҳар бири

материянинг тузилишининг, маконий-замоний муносабатларнинг, ҳаракат қонуниятларининг ўзига хослиги билан характерланади. Чунончи, макрооламда моддий объектлар яққол ифодаланган узлукли, корпускуляр ёки узлуксиз, тўлқинли табиатга эга бўлиб, уларнинг ҳаракати классик механиканинг динамик қонунарига бўйсунди. Микроолам ҳодисалари учун, аксинча, корпускуляр ва тўлқинли хоссаларнинг маҳкам алоқаси характерли бўлиб, бу алоқа *квант механиканинг* статистик қонунарида ўз ифодасини топади. Макро- ва микрооламнинг ўзига хос айрилиш чегараси *Планкнинг* доимий деб аталувчи назарияси кашф этилиши муносабати билан аниқланган эди. Макро- ва микрооламнинг ўзига хос хусусияти билишда ўз аксини топмоқда, эски физика назарияларининг татбиқ этилиш соҳасининг чекланишига ва янги физика назарияларининг пайдо бўлишига (*нисбуят назарияси*, квант механика, «элементар» зарралар физикаси) олиб келмоқда. Ҳозирги замон «физик идеалистлари» макро- ва микрооламнинг тафовутини, уларнинг билиш хусусиятларини абсолютлаштириб, микрооламнинг объективлигини ва билиш мумкинлигини инкор этмоқдалар. Ҳақиқатда эса, фан макро- ва микроолам ўртасида маҳкам алоқа борлигини кўрсатмоқда ва, жумладан, юқори энергиянинг микроразаралари тўқнашганда макроскопик объектларнинг юзага келиши мумкинлигини очиб бермоқда. Физиканинг атом оламига, сунгра эса атом ядроси ва «элементар» зарралар оламига кириб бораётганлиги В. И. Лениннинг «материянинг теранлик жиҳатдан бениҳоялиги» ҳақидаги хулосасининг порлоқ исботи ва диалектик материализм принципларининг тасдиқланиб ва бойиб бораётганлигини кўрсатувчи далилдир.

МАЈАКА — кўникма — узоқ вақт қайта-қайта такрорлаш натижасида автоматлашиб қоладиган иш-ҳаракат. М. нинг физиологик механизми — *динамик стереотипдир*. Ҳайвонлар М. си англамасдан қилинадиган ҳаракат-

лардир. Улардаги М. теварак-атрофдаги нарсаларга мослашиш, кўникиш давомида таркиб топади. Психологик механизм жиҳатдан уларга ўхшаш М. инсонда ҳам пайдо бўлади. Бу вазиятнинг конкрет хусусиятларига мослаштирилган автоматлаштирилган ҳаракатлардир. Бу ҳилдаги М. лардан баъзилари амалий жиҳатдан қимматли бўлса-да, лекин ҳозирча улар пишиқ англаб олинган эмасдир, бинобарин, уларни ҳозирги замон татлий формалари ёрдамида бошқа кишига бериб бўлмайди. М. нинг олий формаси инсондаги шундай М. дан иборатки, унинг компонентлари дастлаб англаб олинган бўлади, англаб-билиб бўлақларга бўлинади ва М. нинг объектив шаклланиш вазиятнинг умумлаштирилган хусусиятларига мувофиқ келадиган системаларга бирлаштирилади. Бундай ҳолда инсон М. нинг автоматлашиши ва ишлаб туриши процессида ўз ҳаракатларини онгли равишда назорат қилиш имкониятини сақлаб қолади ва эҳтиёж туғилишига қарб уларни анча осонлик билан қайта туза олади. М. фаолиятнинг барча турларига, ҳам ташқи фаолият турига (мас., ҳаракатлантурувчи М.), ҳам ички фаолият турига (мас., автоматлаштирилган ақлий ҳаракатлар) киради. М. инсон ижодий фаолиятининг якунигина эмас, балки шарт ҳамдир.

МАЛЬБРАНШ Никола (1638—1715)— француз идеалисти, *окказионализм* тарафдори. *Декарт* системасидagi дуализмни идеалистик позициялардан туриб бартараф қилишга уринди. М. нинг философиясида худого гоят катта ўрин берилган: худо бутун мавжудотни яратибгина қолмасдан, уни ўзида сақлаб ҳам туради; худонинг доимо аралашиб туриши — барча ўзгаришларнинг ягона сабабидир; кўламли ва фикрловчи субстанциялар ўртасида ҳеч қандай «табиий сабаблар» ва «ўзаро таъсирлар» йўқдир. Билиш назариясида ҳам М. идеалистик позицияларда туради: инсон нарсаларни асло сезги органларининг уларга таъсири туфайли билмайди; билиш бутун мавжудот идея-

ларни кишиларнинг мушоҳада қилишидир, бу идеяларнинг манбаи эса худодир. Асосий асари — «Ҳақиқатнинг изланиши ҳақида» (1674—75).

МАЛЬТУСЧИЛИК — фанга хилоф социологик доктрина. Инглиз руҳонийси Мальтус (1766—1834) номи билан шундай деб аталган. Мальтус ўзининг «Аҳоли ҳақида қонун тажрибаси» асарида аҳоли ҳақида шундай қарашларни баён этган эдики, бу қарашлар сўнгра буржуа ижтимоий фикрида, айниқса 19-аср охиридаги сиёсий иқтисодда кенг ёйилган эди. Мальтус *халқ-аҳолининг* қандайдир ғайри тарихий қонунини ифодалаб берган, бу қонунга кўра халқ-аҳолининг ўсиши геометрик прогрессияда, тирикчилик воситаларининг ўсиши эса фақат арифметик прогрессияда содир бўлар эмиш. Ана шундан у ижтимоий тараққиётнинг зиддиятларини худоса қилиб чиқарган. М. бу зиддиятларни бартараф қилишнинг аҳолининг иқтисодий жиҳатдан таъминланган ўсишининг олдини олиш (никоҳларни, туғишларни тартибга солиш) билан ҳамда аҳоли сони очарчилик, эпидемиялар, урушлар ва ҳ. к. воситаси билан «табиий» тартибга солиш билан боғлайди. Ҳозирги замон М. ининг асосий вазифаси социал зиддиятларни демографик воситалар билан бартараф қилиш ҳақидаги хом хаёллардан иборат бўлиб қолмоқда. Ф. Энгельснинг М. га берган баҳосини унинг ҳозирги замон концепцияларига татиқ қилиб айтиш мумкинки, худди Мальтуснинг ўз назариясидан бўлганидек, бу концепциялардан ҳам «биз социал ўзгаришлар фойдасини кўзлаб энг кучли иқтисодий далилларни тўплаб ола берамиз, чунки Мальтус сўзсиз ҳақли бўлган тақдирда ҳам ҳар ҳолда бу ўзгаришни дарҳол амалга ошириш зарур бўлган бўларди, негаки фақат ана шу ўзгариш, фақат ана шу ўзгаришни амалга ошириш туфайли оммани маърифатли қилишгина кўпайиш инстинктини ахлоқий томондан ҳам чеклаш имкониятини берган бўлар эдики, бу чеклашни Мальтуснинг ўзи аҳолининг

ортишига қарши энг осон ва энг таъсирчан восита деб ҳисоблайди. Ана шу назария воситаси билан биз инсониятнинг ниҳоят даражада хўрлашганини, унинг конкуренция шароитларига қарамлигини тушуна бошладик» (1-т., 567-б.). Сўнги вақтда М. нинг турли концепцияларининг айниқса актив суратда ёйлаётганлиги (мас., Г. Браун, Ж. Боннер ва б. нинг «аҳоли оптимуми» назариялари) ер юзи аҳолисининг тезлик билан ўсиб бориши ва капитализм зиддиятларининг янада кескинлашётганлиги билан боғлиқдир. Бу концепциялардан империализмнинг янги мустамлакачилик снѐсатининг воситаси сифатида кенг фойдаланмоқдалар.


«МАН» (нем. тап — ноаниқ ўзлик олмоши) — *экзистенциализм* тушунчаларидан бири; уни *Хайдеггер* киритган. Немис тилида «М.» шахсий номъалум гапларда субъект сифатида юзага келади. «М.» оламида бўлиш бу, Хайдеггернинг фикрича, шахснинг мавжудлигининг шундай бир усулидирки, унда шахс ҳар бир вазиятда ўзининг ҳақиқий йўлини танилаб ўтирмасдан, «ҳамма сингари» фикрлайди, ҳис қилади ва иш тутади. «М.» тил, тафаккурнинг ва ҳ. к. «буюмлашган» формаларида қотиб қолган хатти-ҳаракат, ахлоқнинг ҳамма қабул қилган шаклида намоён бўлади. Хайдеггернинг фикрича, «М.» ҳамиша инсонга душман бўлиб, унинг эркин фаолиятига тўсқинлик қилади, уни шахслик ҳолатидан чиқаради. «М.» нинг ҳукми остида қичиб, эркинликка эга бўлмоқ учун инсон, *экзистенциализм* даъвосича, ўзини ҳаёт билан ўлим ўртасидаги *чегара вазиятига* қўймоғи лозим. Фақат ўлим олдида қўрқувни ҳис қилгач, шахс «кундалик турмуш ташиши» дан қутилиб чиқиб, эркин бўлиб қолади ва ўз қилмишлари учун жавобгар бўла олади. «М.» концепциясида шахснинг ва буржуа жамиятининг ўзаро муносабатлари проблемаси иррационалистик тарзда ҳал қилинган. Бу концепцияда шахс билан жамиятнинг капиталистик тузум учун характерли бўлган антагонизми акс эттирилган. «М.» буржуа «бегоналаш-

ган жамияти»га (*Бегоналашиш*) ўзига хос ахлоқий оппозициядан иборатдирки, бу жамиятни қайта қуришнинг реал йўлларини экзистенциалистлар кўрмайдилар.

МАНДЕВИЛЬ Бернард (1670—1733) инглиз насихатгўй философи. Ўзининг «Асаларилар ҳақида масалжи» (1705) билан машҳурдир. Бу масалда ўз замонасининг жамиятини қаттиқ сатира билан савалаган. Масалда асаларилар уясидаги ҳаёт таъсирланган бўлиб, унда ёмон кирдикорлар авж олиб кетади ва ҳар бир зот фақат ўз манфаатини ўйлайди. Асалариларни жазоламоқ учун Юпитер уларнинг ҳаммасини ҳалол ишлайдиган қилади. Бу эса асаларилар уясининг хонавайрон бўлишига олиб келади. М. мажозий тарзда инсоннинг ёмон кирдикорлари бўлиши муқаррардир, кишиларнинг салбий сифатлари — умуман жамият тараққиёти учун шартдир, худбинлик эса — шахсий ва ижтимоий тақомиллашувнинг яширин пружинасидир, деган фикрни баён қилади. Социал тенгсизлик шароитида ёмонликнинг бўлиши муқаррарлиги ва ҳатто фойдалилиги ҳақидаги идеяни биринчи бўлиб М. айтган ва сўнгра уни *Гегель* ривожлантирган эди. Бу идея *Шефтсберги* қарашларига қарши қаратилган эди. Бироқ М. буржуа жамиятининг сўзсиз ҳимоячиси эмас эди. Бу жамиятда миллатнинг бойлиги меҳнатчиларнинг камбағаллигига таянишини у равшан кўриб туради. Маркс М. нинг хизматларига юксак баҳо бериб, уни «софдил ва фикри равшан киши» деб атаган эди (23-т., 629-б.). М. кейинроқ майдонга келган философлар ва экономистларга (*Гельвеций*, Адам Смит ва б.) катта таъсир кўрсатди.

МАНТИКИЙ КВАДРАТ (қарама-қаршиликлар квадрати)ни *Михаил Писёлл* таклиф этган (11-аср). У *Аристотель* логикасидаги *ҳукмларнинг* тўрт асосий турини эсда сақлаш учун мнемоник (*Мнемоника* — мумкин қадар кўпроқ маълумотлар, фактларни эсда қолдиришни енгиллатиш учун қўлланиладиган усуллар маж-

муи — тарж.) усул бўлиб хизмат қилади. У диаграмма шаклида бўлиб, унда бу муносабатлар яққол кўрсатилган. А, Е, I, O ҳарфлари тегишли равишда умумий тасдиқ, умумий инкор, жузъий тасдиқ ва жузъий инкор ҳукмларни билдиради.



МАНФААТ (лат. interest — аҳамиятли, нафли бўлмоқ) — 1) индивид, оила, коллектив, синф, миллат, умуман жамият учун керакли объектив қимматни тавсифловчи тушунча. Тегишлича шахсий манфаатлар билан умумий манфаатлар, яъни оила, группа, синф, миллат, жамият манфаатлари бир-бирдан фарқ қилиб қаралади. М. индивиднинг онги ва продасининг маҳсули эмас, балки кишиларнинг продаси ва ҳаракатининг тегишли йўналишини белгилловчи объектив социал шартлардан вужудга келгандир. Умумий М. ҳаминча бирон социал ва тарихий умумийлик (синф, миллат), у ёки бошқа коллектив ва бирлашма (сиёсий партия, қасаба, кооператив бирлашмаси ва ш. к.) таркибига кирувчи кишиларнинг М. идан иборат. Ҳар қандай бирлашма мазкур бирлашмага кирувчи индивиднинг таянч олиши асосида пайдо бўлади ва ташкил топади. Социал ва тарихий умумийликка (синфий, миллий умумийлик) мансублик эса кишиларнинг ўз-ўзини белгилаши натижа-

си эмасдир. У М. нинг бирлигига боғлиқдир, бу М. лар эса шу хилдаги ҳар бир умумийликнинг социал табиати ва унинг яшаш шарт-шароити билан белгиланади. Объектив равишда М. муайян умумиятнинг ҳар бир аъзосининг М. и эканлигини унинг барча аъзолари ҳаминча бирдай англай бермайди. Чунончи, пролетариатнинг синфий М. и объектив равишда ҳар бир алоҳида ишчининг М. идир, ammo ишчиларнинг айрим группалари ёт синфий идеология таъсири остида ўз синфий М. ларини англашдан маҳрум бўлишлари ва ҳаттоки бу М. лар зиддига ҳаракат қилишлари мумкин. Марксчи-ленинчи партияларнинг барча пролетарлар ўз синфий М. ини англашлари учун кураш олиб боришининг зарурлиги ана шундан келиб чиқади. Антагонистик жамиятларда прогресс кучлари билан реакция кучлари ўртасида доимо кураш олиб борилади, шунинг учун ижтимоий М. лар уларда ҳеч қачон бир хилда бўлиши, яъни муайян жамиятнинг барча аъзолари учун бир тарзда бўлиши мумкин эмас. Социализм шароитида барча социал группалар — ишчилар, деҳқонлар, зейиллар — коммунистик ижтимоий идеалнинг муштараклиги билан бирлашган бўлиб, улар шу идеални рўёбга чиқариш учун интиладилар. Шу билан социализмда жамиятнинг М. и жамиятнинг барча аъзолари учун муштарак бўлиб қолади. Ammo бу ҳол кишиларни ўз ижтимоий М. ини англаш руҳида тарбиялаш вазифасини кун тартибидан олиб ташламайди (Шахс ва жамият); 2) психологияда — қизиқиш — объектага ижобий эмоционал муносабат, эътиборни шу объектага тўплаш. Вақтли, вазиятга боғлиқ қизиқиш муайян бир ишни бажариш жараёнида пайдо бўлади ва иш бажариб бўлингандан кейин сўнади. Барқарор қизиқиш шахснинг нисбатан доимий хислатидан иборат бўлиб, инсоннинг ўзи амалга оширадиган фаолиятга ижодий муносабатининг муҳим шартидир, бу ҳол инсоннинг фикр доирасини кенгайтиришга, билимларини бойитишга кўмаклашади.

МАНФААТ НАЗАРИЯСИ — ҳозирги замон буржуа аксиологияси ва этикасидаги йўналиш бўлиб, бу йўналиш 20-йиллардан натурализм доирасида пайдо бўлди, у *прагматизмга* яқин туради. Унинг тарафдорлари Р. Перри, Д. Паркер (АҚШ), Ф. Теннант (Англия) ва б.—воқеликдаги предметлар ва ҳодисаларнинг инсон учун аҳамиятини (уларнинг қимматдорлигини, шу жумладан маънавий қимматдорлигини ҳам) уларнинг жамиятда бажарадиган объектив ролига қараб эмас, балки инсоннинг уларга нисбатан субъектив муносабатига, унинг манфаатига қараб белгилайдилар. Манфаатнинг ўзи эса соф психологик тарзда одамлар ҳис этадиган истак, интилиш, майл, меҳр, муҳаббат (ёки, аксинча, жирканиш, ёмон кўриш, нафратланиш) тарзида тушунилади. Манфаатларнинг инсон ҳаётини фаолияти усулига социал жиҳатдан боғлиқ эканлиги, улар тарихий тараққиётнинг объектив қонунилари билан белгиланиши, аслда, эътиборсиз қолдирилади. Бу ҳол қимматдорлар табиатини субъектларча талқин қилишга олиб келади. Ахлоқ-одоб буржуа-либерал руҳида хусусий манфаатларни келиштириш ва муро-қа қилдириш деб, яхшилик — индивидуал манфаатларнинг максимал йиғиндисига мувофиқ келадиган нарса деб, бурч эса *утилитаризм* руҳида: шундай иш қили, аини жамиятда энг кўп миқдорда мавжуд бўлган истак ва интилишлар қондирилган бўлсин деб тушунилади. Шундай қилиб, ахлоқ-одобнинг тарихий мақсади жамиятни қайта қуриш ва бутун инсониятнинг туб манфаатларини қондириш йўли билан манфаатлар душманлигини бартараф қилиш — мурока мадора қилиш ва оппортунизмнинг сиёсий программаси даражасигача тубанлаштирилади, зиддиятларни юмшатиш, рақобатчиларнинг ўзаро келишувни вазифаси билан алмаштирилади.

МАРБУРГ МАКТАБИ — янги кантчилик йўналишларидан бири. Коген, Нитторн, Кассирер, Штаммлер бу йўналишнинг вакиллари эдилар. Улар

Кант таълимотидаги материалистик тенденцияни улоқтириб, изчил субъектив идеализм позицияларига ўтдилар. М. м. таълимотларига кўра, философия олам ҳақидаги билим бўлмайди, у хусусий фанларнинг методология ва логикасидан иборат. М. м. философлари объектив воқеликни инкор этиб, билишни ҳиссий мазмундан ажратишга интилар ва уни тушунчалар тузилишининг мантиқий процесси деб қарардилар. Шу билан бирга М. м. методологияси хусусий фанларга мажбуран тиқиштирилган мазмунсиз умумий принциплар шаклида юзага келиши муқаррар эди. Бурчли бўлиш принцили бу принципларнинг асосийси ҳисобланарди ва бу принципни М. м. вакиллари социология соҳасига жорий қилган эдилар. М. м. вакиллари ижтимоий тараққиётнинг объектив қонуниятларини инкор қилиб, социализмни фақат ахлоқий ҳодиса деб, ғайри синфий «ахлоқий идеал» деб қарардилар. М. м. назариётчилари марксизмни кантчилик билан «тўлдирish»га даъват этиб, ялми коммунизмдан унинг асосий иқтисодий ва сиёсий мазмунини ситиб чиқарган, уни революцион курашни ва пролетариат диктатурасини инкор қилишга яқинлаштириб қўйган эдилар. М. м. нинг социологик идеялари Россиядаги «легал марксизм»га таъсир кўрсатди ва II Интернационал оппортунистларининг (*Бернштейн, Каутский, М. Адлер ва б.*) марксизмни ревизия қилишларига асос бўлди. Ҳозирги вақтда бу идеялардан ўнг социалистлар марксизм-ленинизмга қарши курашда фойдаланмоқдалар.

МАРЕШАЛЬ Пьер Сильвен (1750—1803) — француз материализми ва атеизмининг плебей-демократик қантонининг вакили. М. табиатнинг абадий мавжудлигини эътироф этарди. Фақат унинг конкрет кўринишлари «формалари» пайдо бўлиб ва йўқ бўлиб туради. Билиш ҳақидаги таълимотда М. сенсуализм. М. нинг материализми унинг атеизмининг назарий асосидир. Худо — табиатнинг синонимидир. Одамлар қўрқувнинг таъсири

остида олий вужудни ўйлаб чиқарганлар ва табиат хоссаларини унга нисбатан берганлар. М. бабёфчилар (*Бабёфчиллик*) ҳаракатига қўшилиб, утопик коммунизм даражасига кўтарилган. М. нинг асосий асари «Тенглар манифести»дир. Ўзининг атеистик қарашлари жиҳатидан М. *энциклопедистлардан* юқори туради. Динни узил-кесил бартараф қилишни у эксплуататорлик тузумини революцион йўл билан ағдариб ташлаш ва коммунизм барно қилиш билан боғлаб қаради.

МАРИТЕН Жак (1882 йилда туғ.) — француз католик философи, неотомизмнинг таниқли лидери, 1945—48 йилларда Ватиканда француз элчиси. Сўнгги йилларда Принстон ун-тетига (АҚШ) муаллим. Дастлабки вақтларда М. нинг қарашлари *Бергсон* философиясига ва витализм идеяларига яқин эди. 1906 йилдан М. узил-кесил равишда католик философияси позицияларига ўтади. М. нинг фикрича, *фан*, *метафизика* ва *мистика* — булар *мустиқил*, бир-бирини тўлдирувчи *билим* формаларидир. М. нинг *кўпдан-кўп* асарларида психология, социология, эстетика, этика ва педагогика проблемалари ортодоксол томоним нуқтан назаридан ёритилади. Асосий асарлари: «Санъат ва схоластика» (1920), «Антиморери» (1922).

МАРК АВРЕЛИЙ Антонин (121—180) — философ-стоик, Рим императори (161—180). Ўзининг фалсафий қарашларини афоризмлар шаклида «*Ўз ўзимга*» деган ибона асарига баён қилган. Рим империясининг етилиб қолган кризис М. А. философиясининг ўзига хос хусусиятини белгилаб берди. Унинг талқинида стоицизм материалистик хислатларни узил-кесил йўқотиб, диний-мистик характер олади. М. А. да худо бутун мавжудотнинг бош асосидир, у оламий ақл бўлиб, жисм ўлгандан кейин ҳар қандай индивидуал онг унда қоришиб кетади. М. А. нинг этикасига *фатализм*, тақдирга тан беришни ва аскетизмни тарғиб қилиш ҳам хосдир. У мувоқабда бўлиш ва оламни идора қилувчи фатал заруриятни эти-

роф қилиш орқали ахлоқий тақомилланишга ва покланишга, ўзни юлтишга даъват этади. М. А. нинг философияси *христианликка* катта таъсир кўрсатган, ваҳоланки императорнинг ўзи христианларни шафқатсиз таъқиб этган.

МАРКОВИЧ Светозар (1846—75) — серб революционер-демократи, материалисти, философ ва утопик социалист. Россияда таҳсил кўрган. М. нинг дунёқараши шундай бир даврда шаклландики, бу даврда Сербияда буржуа-демократик революцияни тугаллаш масаласи кескин бўлиб туради. Рус революцион-демократларнинг идеялари унинг қарашларига катта таъсир кўрсатди. М. капитализмни қаттиқ танқид қилди ва Париж коммунасини далил ёқлаб чиқди. Маркс ва Энгельснинг асосий асарлари билан таниш бўлишига ва I Интернационал ишида қатнашганлигига қарамай, М. диалектик ва тарихий материализм ҳамда илмий социализм даражасига кўтарила олмади. У хато қилиб, задругага (катта патрнархал оилага) ва қишлоқ жамоасига таянган ҳолда, халқ революцияси галабасидан кейин, капитализмни четлаб, социализмга келиш мумкин, деб ҳисобларди. М. нинг фалсафий қарашлари унинг революцион-демократик программасининг назарий асоси бўлиб хизмат қилди. «*Фан* ва ҳаётдаги реал йўналиш» асарига (1871—72) философияда, этика ва эстетикада материалистик йўл тутди. М. шунингдек дарвинизмни оммалаштирувчи ҳам эди. Жамиятга қарашларида у идеалистлигича қолиб, жамиятнинг ривожланиши асосан кишиларнинг ғоявий етуқлиги даражаси билан белгиланади, деб ҳисобларди.

МАРКС Карл (1818—83) илмий коммунизм, диалектик ва тарихий материализм ва илмий снёсий иқтисоднинг асосчиси, халқаро пролетариатнинг йўлбошчиси ва устози. Трирда туғилган, унда 1835 йилда гимназияни тамомлаган. Бонн ва Берлин ун-тетларида ўқиган. Шу вақтларда унинг дунёқараши шакллана

бошлаган. М. эволюциясининг бош нуқтаси гегелча философия, унинг сўл йўналишидир (*Еш гегелчилар*). Лекин ёш гегелчилар орасида М. назарияда ҳам, практикада ҳам революцион-демократик позицияни энг изчиллик билан ҳимоя қилди. Узининг энг илк асари бўлмиш «Демокрит натурфилософияси билан Эпикур натурфилософияси ўртасидаги тафовут» (1841) деган докторлик диссертациясида М. ҳали идеалистлигича қолган ҳолда Гегель философиясидан энг радикал ва атеистик хулосалар чиқаради. 1842 йилда М. «Рейн газетаси»нинг ходими, сўнгра редактори бўлади. Унинг раҳбарлигида газета революцион демократия органига айланди. Амалий фаолият ва назарий тадқиқотлар гегелча философия билан тўғридан-тўғри тўқнашуга олиб келади, бунга бу философиянинг консерватив сиёсий хулосаларни келиштириш тенденциялари, назарий қоидаларнинг реал ижтимоий муносабатларга ва уларни ўзгартириш вазифаларига номувофиқлиги сабаб бўлади. Фалсафий жиҳатдан Гегель ва ёш гегелчилар билан тўқнашиш материалистик позицияларга ўта бошлашда ифодаланган эди, бунга эса М. нинг реал ҳаётий, аввало иқтисодий муносабатлар билан танишиши ва *Фейербах* философияси катта таъсир кўрсатган эди. М. нинг дунёқарашидаги узил-кесил бурилиши (1844) унинг синфий позицияси ўзгариши билан, революцион демократизмдан пролетарча коммунизмга ўтиш билан боғлиқ эди. Бу ўтиш Европада синфий курашнинг ривожланиши тақозоси билан юзага келган эди (шу жумладан Германияда 1844 йилги Силезия қўзғолони М. га катта таъсир кўрсатган эди); бу ўтишнинг яна бир сабаби шу эдики, «Рейн газетаси» ёпилгандан кейин (1843) М. Парижда келган ва унда революцион курашда қатнашган эди. Бунинг устига сиёсий иқтисодни, утоник социализмни, тарихни ўрганиш ҳам бу ўтишда катта роль ўйнаган эди. М. нинг янги позицияси «Немисфранцуз йилномаси»да ўз ифодасини топти (1844, «Гегелнинг ҳуқуқ фило-

софяси танқидига доир. Муқаддима» ва «Яхудийлар масаласига доир» мақолалари). Бу асарларида М. биринчи марта пролетариатнинг тарихий ролини очиқ кўрсатади, социал революциянинг муқарраллиги тўғрисидаги, ишчилар синфи ҳаракатини илмий дунёқараш билан қўшиш зарурлиги ҳақидаги хулосага келади. Шу вақтда М. Энгельс билан яқиндан танишади ва у билан ҳамкорликда янги дунёқарашни систематик ишлашга киришади. М. нинг «Иқтисодий-фалсафий қўлёзмалари» (1844) ҳамда Энгельс билан бирликда ёзилган «*Алшёлар оиласи*» (1845) ва «*Немис идеологияси*» (1845—46), М. нинг «*Фейербах ҳақида тезислар*» (1845) ва «*Философия қашшоқлиги*» (1847) асарлари илмий тадқиқотларнинг натижаларини умумлаштиришга ва янги назариянинг асосий қоидаларини асослашга бағишланган. Марксизм ўзининг бутун тарихий қисмларининг узвий бирлигида яхлит таълимот сифатида шаклланди. М. 1847 йилда Брюсселда истиқомат қилганида коммунистлар Союзининг яширин пропагандастик жамиятига қўшилди ва Союзнинг II съезидга қатнашди. Съезднинг топшириғига мувофиқ М. ва Энгельс ўзларининг машҳур «*Коммунистик партия манифести*»ни туздилар (1848). Унда олдинги барча назарий тадқиқотлар асосида «янгича дунёқараш, яъни ижтимоий ҳаёт соҳасини ҳам ўз ичига олган изчил материализм, тараққиёт тўғрисидаги энг мукаммал ва чуқур таълимот бўлган диалектика, синфий кураш назарияси ва янги, коммунистик жамият ижодчиси бўлган пролетариатнинг оламшумул-тарихий революцион роли доҳиёна бир суратда аниқ ва равшан баён этилган» (В. И. Ленин, 26-т., 53-б.). Диалектик ва тарихий материализм чинакам илмий философиядир; унда материализм ва диалектика, табиатни ва жамиятни материалистик тушуниш, борлиқ ва билиш ҳақидаги таълимот, назария ва практика узвий равишда қўшилиб кетган. Бу эса Марксдан олдинги материализмнинг метафизиклигини, унга хос бўлган му-

шоҳидачиликни, антропологизмни ва тарихни тушунишдаги идеализмни баргараф қилишга имкон берди. М. нинг философияси — билишнинг ва дунёни ўзгаришнинг энг актив методи. 19—20- асрларда практика ва фаннинг ривожланиш тарихи марксистик философиянинг идеализм ва мета-физик материализмнинг барча формаларидан устунлигини яққол исбот қилди. Илмга хилоф, антипролетар ва майда буржуа оқимларига қарши курашда М. таълимоти улғайиб, ишчилар синфи манфаатларини назарий ифодалашнинг бирдан-бир формаси бўлиб қолди. Партиявийлик, илмий назариядан ҳар қандай чекинишга муросасизлик — М. фаолиятининг хараكتерли хусусиятидир. Фанда революционер бўлган М. пролетариатни озод қилиш учун курашда актив қатнашди. Германияда 1848—49 йиллардаги революция даврида у сиёсий курашнинг олдинги маррасида турди. Ўзи ташкил этган ва раҳбарлик қилган «Янги Рейн газетаси»да М. революцияда пролетар позицияларни қатъий суратда ҳимоя қилди. 1849 йилда Германиядан сургун қилинган, М. буткул Лондонга кўчиб кетди. Коммунистлар Союзи тарқатиб юборилгандан кейин (1852) М. нинг пролетар ҳаракатидаги фаолияти I Интернационални ташкил этиш (1864) билан ва унинг бутун иши билан боғлиқдир. М. барча мамлакатлардаги революцион ҳаракатни диққат билан кузатиб борар, Россияга жуда қизиқиб қарарди. Умрининг охиригача у ўз замонасининг энг кескин воқеаларининг қоқ марказида бўлди. Бу эса М. га ўз назариясини ривожлантириш учун зарур материал бериб турди. Европада 1848—49 йиллардаги революция тажрибаси М. га социалистик революция ва синдий кураш назариясини, пролетариат диктатураси ҳақидаги, буржуа революциясида пролетариатнинг тактикаси ҳақидаги, пролетариатнинг деҳқонлар билан иттифоқининг зарурлиги ҳақидаги («1848 йилдан 1850 йилгача Францияда синдий кураш», 1850), буржуа давлат машинисининг емирилиши муқаррар-

лиги ҳақидаги («Луи Бонапартнинг ўн саккизинчи брюмераси», 1852) идеяларни ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилди. Париж коммунаси тажрибасини ўргангач («Францияда гражданлар уруши», 1871), М. биринчи пролетар давлатининг тадбирларини чуқур анализ қилиб, пролетариат диктатурасининг давлат формасини кашф этди. Илмий коммунизм назарияси М. нинг «Гота программасини танқид»ида (1875) янада ривожлантирилди. М. нинг энг катта илмий қизиқиши сиёсий иқтисод билан, унинг асосий асари «Капитал» билан боғлиқ эди («Капитал»нинг I томи 1867 йилда чиқди, II томини Энгельс 1885 йилда нашр этди, III томи 1894 йилда чиқди). Илмий сиёсий иқтисоднинг яратилиши коммунизмни илмий асослаш учун энг муҳим восита бўлди. Шу сабабли «Капитал»ни М. ўзининг асосий мақсади деб билиб, бутун куч-қувватини унга бағишлаган, ўз оиласининг манфаатларини, ўз соғлигини унга қурбон қилган эди. «Капитал» ҳамда унга оид кенг тайёргарлик ишлари (улар ичида 1857—59 ва 1861—63 йиллардаги қўлёзмалар айниқса муҳимдир) беқиёс даражада фалсафий аҳамиятга эгадир. Марксистик философиянинг энг муҳим томон ва принциплари (диалектик метод, диалектика, логика ва билиш назариясининг бирлиги принципи ва б.) ҳар тарафлама ривожлантирилган ва капитализм иқтисодий муносабатлари системасини тадқиқ қилишга порлоқ суратда татбиқ этилган. Ўзининг дастлабки иқтисодий асарларидан бири бўлмиш «Сиёсий иқтисод танқидига доир» асарига (1859) ёзган сўз бошидаёқ М. тарихни материалистик тушунишнинг моҳиятини қисқача баён қилган. «Капитал»да бу тушуниш гипотезадан фанга айланди. М. нинг философиясини тавсифлаш учун унинг ёзишмаларидан кўп материал топиш мумкин. Инсоният тарихида ҳеч бир бошқа таълимот М. яратган таълимот каби практикада яққол тасдиқланган эмасдир. Янги тарихий шариҳта В. И. Ленин, унинг шоғирдлари ва издошлари томонидан ривож-

лангирилган бу таълимот бир қанча мамлакатлардаги ғолибона социалистик революцияларда мужассам ифодасини топди ва ҳозир у пролетариат партиясининг ҳамда халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг фаолиятига илмий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ—*Маркс, Энгельс, Лениннинг* революцион таълимоти бўлиб, бу таълимот фалсафий, иқтисодий ва социал-сиёсий қарашларнинг яхлит ва мунтазам системасидан иборат. Марксизм 19-асрнинг 40-йилларида ишчилар синфи озодлик курашининг заминида пайдо бўлди ва унинг туб манфаатларининг назарий ифодаси, унинг социализм ва коммунизм учун олиб бораётган курашининг программаси бўлиб қолди. Марксизмнинг пайдо бўлиши табият ва жамият ҳақидаги фанда буюк революцион тўнтариш эди. Марксизм асосчилари философия, сиёсий иқтисод, социализм ҳақидаги таълимот ва б. шу каби соҳаларда илмий жасорат кўрсатиб, чинакам революцион фан яратдиларки, бу фanning вазифаси дунёни фақат тўғри изоҳлаб беришдангина иборат бўлмай, балки уни ўзгартишдан ҳам иборатдир. Маркс таълимоти, деб кўрсатган эди В. И. Ленин, тўлиқ ва мунтазам таълимотдир. У кишиларга яхлит дунёқарашни бахш этади. Бу таълимот ҳаммадан кучлидир, чунки тўғри таълимотдир, Марксизмдаги асосий нарса — синфсиз коммунистик жамият қурувчи ишчилар синфининг оламшумул-тарихий ролини асослаб беришдир. М.-л. нинг энг муҳим таркибий қисми бўлган *илмий коммунизм* Маркс яратган, капиталистик ишлаб чиқариш усули қонуларини очиб берган ва капиталистик жамият ўрнинга социалистик жамият келиши муқаррарлигини исботлаб берган сиёсий иқтисодда чуқур иқтисодий ифодасини топди. М.-л. нинг фалсафий асоси *диалектик ва тарихий материализмдир*. М.-л. догматизм билан сиғинмайдиган жонли ва ижодий таълимот сифатида ривожланмоқда. Унинг ижодий кучини у ҳаётдан, рево-

люцион практикадан олади. Назарий билан практиканинг маҳкам алоқадорлиги М.-л. нинг характерли хусусиятидир. Ана шу хусусият уни ҳар хил реформистик ва ревизионистик назариялардан ажратиб туради. Маркс билан Энгельс ўз таълимотини тинмай ривожлантирдилар, уни янги қоидалар ва хулосалар билан бойтирдилар, бу қоида ва хулосаларнинг тўғрилигини омманинг революцион тажрибасида, фanning эришган янги ютуқларида синаб кўрдилар. Марксизмни ижодий ривожлантиришнинг янги босқичи В. И. Ленин номи билан чамбарчас боғлиқдир, В. И. Лениннинг марксистик таълимотга қўшган ҳиссаси шу қадар буюкки, бу таълимот эндиликда ҳақли суратда М.-л. деб аталади. В. И. Ленин марксистик диалектикани бошланган янги тарихий давр ҳодисаларини анализ қилишга моҳирона татбиқ этди, капитализмни марксча анализ қилишни давом эттириб, капиталистик ишлаб чиқариш усулининг империалистик босқичи ҳақидаги таълимотни яратди, социалистик революция назариясини ривожлантириб, социализмнинг дастлаб бир ёки бир неча мамлакатда ғалаба қилиши мумкинлиги ҳақидаги хулосага келди. СССРда социалистик революциянинг ғалаба қозониши Ленинча идеяларни турмушга оширди. М.-л. нинг ундан кейинги ижодий ривожлантирилиши СССРдаги ва б. социалистик мамлакатлардаги социалистик қурилиш тажрибаси билан ва жаҳон социалистик системасининг ташкил топиши билан чамбарчас боғлиқдир. КПССнинг ва б. мамлакатлар пролетар партияларининг съездлари, коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг Кенгашлари, қарорлари ва ҳужжатларида марксча-ленинча таълимот ҳозирги замон проблемаларига татбиқан янада ривожлантирилди. КПСС Программасининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши, XXIII ва XXIV партия съездларининг қарорлари М.-л. нинг ривожланишида янги муҳим даврни кўрсатади. Программа ҳозирги замон капитализмининг янги ҳодисаларини ҳисобга

Олишга асосланади, ҳозирги босқичдаги синфий ва миллий-озодлик кураши тажрибасини умумлаштиради, социалистик революция, уруш ва тинчлик масалаларини, коммунизм қурилишининг туб проблемаларини ижодий ҳал этади. Халқроқ коммунистик ҳаракатнинг практикаси ва тарихий тажрибаси кўрсатдики, М.-л. ишчилар синфининг ва барча меҳнаткашлар оммасининг идеологияси сифатида кўп қиррали ифодага эга бўлиб, ўзининг принципиал асосларини ҳар бир алоҳида мамлакатнинг ўзига хос шароитларига таъбиқан конкретлаштирилмоқда. Айрим мамлакатлар революцион ҳаракати тажрибаси марксизм-ленинизм таълимотида умумлаштирилмоқда ва М.-л. нинг умумий хазинасига қўшилмоқда. Ҳозирги вақтда М.-л. фақатгина назария эмас, балки социализм ва коммунизм қураётган юз миллионларча кишиларнинг амалий иши ҳамдир. Социализм ва коммунизм қурилиши шароитида марксча-ленинча назариянинг роли ва аҳамияти беқийс ўсиб бормоқда, чуқури социализм ва коммунизм онгли ва планли равишда қурилмоқда. Ревизионизмга, догматизмга ва сектантликка қарши, Маркс, Энгельс, Ленин революцион назариясини ҳар қандай бузишларга қарши, уни амалда ижодий таъбиқ этиш учун кураш М.-л. ни, илгаригидек, янада ривожлантиришнинг муҳим шартларидан биридир.

МАРСЕЛЬ Габриэль (1889—1973)— француз философи ва ёзувчиси, католик экзистенциализм деб аталувчи оқимнинг етакчи вакили, Сорбоннада философия профессори. Унинг асосий асарлари: «Метафизика кундалиги» (1925), «Борлик ва молик бўлишлик» (1929), «Одамлар одамийликка қарши» (1951). Барча экзистенциалистлардан М. *Кьеркегор* таълимотига ҳаммадан кўра яқинроқ туради. М. нинг фикрича, философия фанга қарама-қарши туради, у объектлар оламини ўрганса-да, лекин экзистенциал тажрибага, яъни шахснинг ички руҳий ҳаётига дахл қилмайди. Экзистенциал тажриба ўз моҳияти

жиҳатидан иррационал бўлиб, унда «сир-асрор» бордир ва бу сир-асрор» га шахс «жалб эвлгандир», бинобарин, у эътиқод матлузи бўлиб хизмат қилади. М. нинг фикрича, худди экзистенциал тажриба орқали худони пайқаш мумкин, шунинг учун худо борлигини рационал исбот қилишлардан воз кечиш керак бўлади. М. нинг этикаси тақдири азал ва ирода эркинлиги ҳақидаги католик таълимотга асосланади. Сиёсатда у реакцион позиция тутайди.

МАРТИ Хосе (1853—95)— кубалик мутафаккир, публицист, шоир, миллий-озодлик ҳаракатининг идеолог ва йўлбошчиси. М. нинг қарашлари яққол ифодаланган революцион-демократик характерга эгадир. Революцияни у фақат миллий мустақилликка эмас, балки социал-янгилашга, чинакам демократик тузум барпо этишга ҳам олиб борадиган йўл деб қарарди («Бизнинг идеяларимиз», 1892; «Революция», 1894, ва б.). М. нинг фикрига кўра, ижтимоий тараққиёт асосини халқ оммасининг фаолияти ташкил этади. Материализм билан идеализмнинг «ҳаддан ошишини» бартараф қилишга уринишдан иш бошлаган М. нинг фалсафий қарашларида («Философик идеялар», 1877) вақти билан материалистик тенденция яққол кўрина бошлайди. *Дарвин*, *Геккель*, *Гексли* асарлари таъсири остида М. ҳаётнинг келиб чиқишига, одамнинг пайдо бўлишига асос эътибори билан материалистик нуқтаназардан қараб, бу процесслар табиий кучлар таъсири остида содир бўлади, деб тушунарди. У сафсатабозлик ва диний ақидалар бўғиб ташламаган эркин тафаккурни ёқлаб, илмий билим ҳуқуқини қаттиқ туриб ҳимоя қиларди, спиритуализм, схоластика, клерикализмни танқид қилишга катта эътибор берарди («Дарвин ва Талмуд»; «Янги ва қизиқарли китоб», 1884; «Падре Макглиннинг черковдан ронда қилиниши», 1887 ва б.). Шоир сифатида М. латин америка адабиётига катта ҳисса қўшди. Унинг эстетик қарашларининг муҳим хусусияти — санъатнинг ижтимоий-тар-

овийини родини асослаб беришдан iborat.

МАСАРИК Томаш Гарриг (1850—1937) — чех философи ва сиёсий арбоби, буржуа Чехословакиясидаги ижтимоий фикрнинг номарксистик оқимлари орасида ҳукумрон мавқени эгаллаган масарикизм оқимининг асосчиси. Асосий асарлари: «Конкрет логика асослари, фанларнинг туркумланиши ва системаси» (1885), «Ҳозирги замон кишии ва дин» (1896—98), «Социал масала» (1898), «Социологиядан қўлланма. Социологиянинг моҳияти ва методлари» (1900—01) ва б. М. нинг философияси (ўз философиясини у «реализм» деб атар эди) изчил эмас эди. Унда позитивистик эмпиризм (бу асосан М. нинг илк асарлари учун характерлидир) иррационалистик ва диний-ахлоқий идеялар билан қўшилиб кетади. М. нинг фикрича, билиш ҳодисалар чегарасидан чиқиб, инсон борлигининг маъноси ҳақидаги, тарихнинг маъноси ҳақидаги масала кўндаланг бўлиб турган чоқда, дин ўз ҳуқуқини олади. Шу билан бирга дин деганда у одатдаги ортодоксал илоҳиётни эмас, балки «ахлоқий ишонч»га асосланган эътиқодни тушунади. М. абстракт гуманизмни тарғиб қилиб, буржуа реформаторлиги («майда ишлар», ахлоқий камолот назарияси) ва синфий ҳамкорлик программасини кўтариб майдонга чиқди. М. нинг кескин антимарксистик йўналиши билан ажралиб турган қарашлари ҳар хил ўнг оппортунистик бўзғунчиликлар учун, марксча-ленинча идеологияга ревизионистларча ҳужум қилиш учун манаба бўлиб хизмат қилди.

МАСЪУЛИЯТ — жавобгарлик — этика ва ҳуқуқ категорияси бўлиб, бу категория шахснинг жамиятга (бу туғи инсониятга) нисбатан алоҳида социал ва ахлоқий-ҳуқуқий муносабатини аке эттиради ва бу муносабат ўз маънавий *бурчини* ва ҳуқуқ нормаларини бажариш билан характерланади. М. категорияси инсоннинг ўз ҳаракатларининг субъекти (автори) сифатида майдонга чиқиш қобилияти ва имконияти меёрининг фалсафий-

социологик проблемасини ва инсоннинг онгли равишда (била туриб, ўз ихтиёри билан) муайян талабларни бажариш ва ўз олдида турган вазифаларни амалга ошириш, тўғри йўл танлаш, муайян натижага эришиш қобилияти конкретроқ масалаларни ҳамда шу билан боғлиқ бўлган инсоннинг ҳақлиги ёки айбдорлиги, унинг хатти-ҳаракатларини маъқуллаш ёки қоралаш, мукофотлаш ёки жазолаш имконияти масалаларини қамраб олади. Барча ахлоқий ва ҳуқуқий таълимларда М. проблемаси эркинлик фалсафий проблемаси билан боғлиқ ҳолда олиб қаралади. Аммо марксистдан ташқарида бу проблема, одатда, абстракт тарзда ҳал этиладиган ва умуман инсонни ўз хатти-ҳаракатларида эркинлиги (*Эркинлик ва зарурият*) деган саволга бериладиган жавобга боғлиқ қилиб қўйилади. Марксистмда М. проблемаси тарихий-конкрет характерга эга бўлиб, муайян тарихий шароитда инсоннинг реал эркинлиги меёрини анализ қилиш асосида ҳал қилинади. Эксплуатациясиз ва душман синфларсиз жамият қуриш, социал ҳаётга планли-онгли асосни жорий этиш, халқ оммасини жамиятни ташаббускорлик билан бошқаришга ва тарихий ижодкорликка жалб этиш ҳар бир кишининг шахсий эркинлиги меёрини ва айни вақтда унинг социал ва маънавий М. и меёрини кескин суратда оширади. Социалистик ҳуқуқда қонунбузарнинг гражданлик, маъмурий ва жиноий М. и жиноят таркибини аниқлашнинг соф формал йўли билан эмас, балки уни тарбиялаш, ҳаёти ва фаолияти, айбини тушуниш даражаси ва келажақда уни тузатиш имконияти каби ҳолатларни ҳисобга олиш йўли билан ҳам аниқланади. Бу нарса ҳуқуқий М. билан маънавий М. ни яқинлаштиради. Коммунистик ахлоқда шахснинг М. и. фақат содир қилинган ишлар масалаларини эмас, балки индивид томонидан умуман жамият манфаатларини англаш, яъни пиروвард ҳисобда тарихнинг илгарилаб ривожланиш қонунларини тушуниш масалаларини ҳам ўз ичига олади.

МАТЕМАТИКА (грек. *mathema* — билим) — математик структуралар (элементлари ўртасида баъзи муносабатлар аниқланган тўпламлар) ҳақидаги фан. Ф. Энгельснинг таърифига кўра, «соф математика воқеий оламнинг фазовий формалари ва миқдор муносабатларини ўз объекти қилиб олади» (20-т., 37-6). Практика талабларининг таъсири остида энг қадим замонда пайдо бўлган М. тараққистининг дастлабки босқичларида сонларнинг ва геометрик фигураларнинг энг оддий турларини ўз мавзуи қилиб олган. Бу ҳол асосан 17-асргача давом этиб келган. *Нозвклид геометрияларнинг* кашф этилиши ва тўпламлар назариясининг яратилиши (*Тўпламлар назарияси*) М. нинг бутун биносини қайта қуришга ва унинг бутунлай янги тармоқларини яратишга олиб келди. Ҳозирги замон М. сида *математик логика* муҳим аҳамият касб этди. М. методларидан аниқ табиёт илмида кенг фойдаланилмоқда. Унинг биологияда ва ижтимоий фанларда татбиқ этилиши сўнги вақтгача тасодифий характерга эга бўлиб келди. Чизиқли программалаштириш, ўйинлар назарияси, информация назарияси каби тармоқларнинг (практиканинг бевосита таъсири остида) вужудга келиши ва электрон математик машиналарнинг пайдо бўлиши бунда бутунлай янги истиқболларни очиб бермоқда. М. нинг фалсафий масалалари (математик абстракциянинг характери ва келиб чиқиши, унинг хусусиятлари) ҳаминша материализм билан идеализм ўртасида кураш майдони бўлиб келди. 20-асрда М. нинг асослари проблемалари муносабати билан пайдо бўлган фалсафий масалалар (*Формализм, Интуционизм*) айниқса муҳим аҳамиятга эгадир.

МАТЕМАТИК ГИПОТЕЗА—ҳозирги замон физикасида билишнинг муҳим методларидан бири. Физика фанининг бир қанча тармоқларининг ривожланиб бориши физик объекларнинг «дағал»-ҳиссий яққоллигини йўқотиш фактига дуч келиб қолди. Шу сабабли физик эксперимент на-

тижаларини тасвирлаб кўрсатиш, шунингдек эвристик, башорат умумлашмалари аввало математик формада мумкин бўлиб қолди. Буларнинг ҳаммаси шунга олиб келдики, физика назарияси тараққийсида М. г. (экстраполяция, умумлаштирилган математик схема, математик назарияларни воқелик билан таққослаш формасида) муҳим роль ўйнай бошлади. М. г. ёрдами билан янги физик объектларни ёки уларнинг янги хоссаларини билиш материянинг чуқурроқ даражаси ҳақидаги маълум эмпирик ва баъзи бир назарий маълумотларни олдинги даражанинг умумлаштирилган ва тўлдирилган математик схемаси билан таққослаш орқали амалга оширилади. М. г. нинг принципал мумкинлиги шунга боғлиқки, ҳар қандай физика назариясининг математик аппарати материянинг тегишли даражасининг адекват инъикосидир, материянинг турли даражалари ўртасида ички ўзаро алоқадорлик, бирлик мавжуддир.

МАТЕМАТИК ЛОГИКА (ёки символ-логика) — символлар ва формулаларнинг махсус тилидан фойдаланишга таянувчи математика формал методларини логика соҳасига татбиқ қилиш натижасида вужудга келди. М. л. да мазмунли мантикий тафаккур (муҳокама ва исбот процесслари) уни формал мантикий системаларда ёки *ҳисобларда* акс эттириш воситаси билан ўрганилади. Шундай қилиб, М. л. ўз предметига кўра, логика бўлиб, ўз методига кўра, математикадир. У формал логика тараққийетида ҳозирги замон босқичидир. Логик ҳисобларнинг формал тuzилишини (*Логик синтаксис*) ўрганиш билан бир қаторда М. л. да ҳисоблар билан уларнинг *интерпретациялари* ва *моделлари* бўлиб хизмат қиладиган мазмунли соҳалар ўртасидаги муносабатларни қараб чиқиш вазифаси ҳам кўндаланг бўлиб туради. Бу вазифа *логик семантика* проблематикасини тасвирлаб беради. Логик синтаксис ва семантика *металогикага* — логик ҳисобларнинг тасвирлаш воситалари, асослари ва ҳоссалари назариясига киради. М. л. нинг баъзи бир

бошлангич тушунчалари дастлабки формада мегаро-стонк мактаби таълимотидаёқ мавжуддир (эрампздан олдин 3-аср). Логик ҳисоблаш идеясининг ўзини эса, афтидан, биринчи бўлиб, Г. В. Лейбниц ифодалаб берган. Аммо мустақил фан сифатида М. л. 19-асрнинг ўрталарида Ж. Буль асарлари туфайли шаклланган. *Логика алгебраси* Булдан бошлаб ривожланади. М. л. ни такомиллаштиришнинг иккинчи йўналиши 19-асрнинг охиридан, математикнинг ўз тушунчалари ва исботлаш усулларини асослашга бўлган эҳтиёжлари муносабати билан бошланади. Бу йўналишнинг сарчашмалари Г. Фрегенинг асарларидир. Унинг ривожланишига Б. Рассел, А. Уайтхед («Principia Mathematica», 1910—13) ва Гильберт катта ҳисса қўшдилар. Шу даврда фундаментал логик системалар — *мулоҳазаларнинг классик ҳисоби ва предикатлар ҳисоби* яратилади. М. л. нинг ҳозирги босқичи шу билан характерланадики, унда логик ҳисобларнинг хилма-хил турлари тадқиқ этилмоқда, семантика ва умуман металогика проблемаларига, логиканинг махсус илмий ва техникавий тадқиқотларига қизиқиш уйғонмоқда. Классик логика соҳасидаги ишлар билан бир қаторда математикани асослаш вазифалари муносабати билан интуиционистик ва *конструктив логика* ишлаб чиқилмоқда. Логика асосларининг анализи билан *комбинатор логика* оид тадқиқотлар боғлиқдир. Кўп маъноли логикалар назарияси яратилмоқда. Логик кузатишни формаллаштириш проблемасини ҳал қилишга уринишлар қатъий ва кучли *импликация* ҳисобларини яратишга олиб келиди. *Модал логиканинг* асослари қурилмоқда. Шу билан бирга М. л. ҳозирги замон математикасининг ўзига ҳам катта таъсир кўрсатмоқда. М. л. дан математиканинг, мас., алгоритмлар ва рекурсив функциялар назарияси каби муҳим бўлимлари ўсиб чиқди. М. л. электрон-техникага (релей контакт ва электрон схемалар тадқиқоти), ҳисоблаш техникасига (программалаштириш), *кибернетикага*

(автоматлар назарияси), нейрофизиология (нейрон шохобчаларини моделлаштириш), тилшуносликка (структур лингвистика ва *семантикада*) таъбиқ этилмоқда.

МАТЕРИАЛИЗМ (лат. materialis— моддий) — *идеализмга* қарама-қарши бўлган бирдан-бир илмий фалсафий йўналиш. Барча кишиларнинг ташқи оламнинг объектив мавжудлигига стихияли ишониши тарзидаги М. билан стихияли М. нуқтаи назарини илмий чуқурлаштириш ва ривожлантиришдан иборат фалсафий дунёқараш тарзидаги М. ни бир-биридан фарқ қилиб қарайлади. Фалсафий М. моддийликнинг бирламчилигини ва руҳийлик, идеявийликнинг иккиламчилигини тасдиқлайди, бу эса оламнинг абадийлигини, унинг яратиб бўлмаслигини, унинг замонда ва маконда бениҳоя эканлигини билдиради. Онгнинг материянинг маҳсули деб ҳисоблар экан, М. уни ташқи оламнинг инъикоси деб қарайди ва шундай қилиб, табиатни билиш мумкинлигини тасдиқлайди. Философия тарихида М., одатда, жамиятнинг оламини тўғри билишдан, табиат устидан ҳукмронлигини кучайтиришдан манфаатдор бўлган илгор синфлари ва қатламларининг дунёқарашини бўлган. М. фан ютуқларини умумлаштириб, илмий билимнинг ўсишига, илмий методларнинг такомиллашувига кўмаклашди, бу ҳол ўз навбатида инсон практикасининг муваффақиятларига, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига самарали таъсир кўрсатди. М. билан махсус фанларнинг ўзаро таъсир процессида М. нинг ўзининг тури ва формалари ўзгарди. М. нинг дастлабки таълимотлари философиянинг пайдо бўлиши билан бирга қадимги Ҳиндистон, Хитой ва Грециянинг қуддорлик жамиятларида эрампздан бир неча аср бурун астрономия, математика ва б. фанларнинг тараққийси муносабати билан юзага келади. Қадимги ва кўп жиҳатдан ҳали содда М. нинг (*Лао цзи Ян Чжу, Ван Чун, Локаята* мактаби, *Гераклит, Анаксагор, Эмпедокл, Демокрит, Эпикур* ва б.) умумий хусусия-

ти — оламнинг моддийлигини, унинг кишилар онига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжудлигини эътироф этишдан иборат. Унинг вакиллари табиатнинг хилма-хиллиги ичидан бутун мавжудотнинг ва зуҳуротнинг умумий бош асосини топишга уринганлар (*Элемент*). Материянинг атомистик тузилиши ҳақидаги гипотезани яратиш (*Левкипп*, Демокрит) қадимги М. нинг хизмати эди. Кўп қадимги материалистлар стихияли диалектиклар эдилар. Бироқ улардан кўпчилиги физик ҳолат билан психик ҳолат ўртасидаги фарқни ҳали аниқ ажратмасдан, бутун табиатга психик хоссаларни нисбат берганлар (*Гилозоизм*). Материалистик ва диалектик қондаларнинг ривожланиши қадимги М. даёқ мифологик идеология таъсири билан қўшиб қаралган. Урта асрларда материалистик тенденциялар *номинализм* формасида, «табиат билан худонинг қўшабандчилиги» ҳақидаги таълимотлар ва илк пантеистик бидъатлар (ереслар) формасида юзага келган. Урта аср Шарқда *Закария Розий*, *Форобий*, *Ибн Сино*, *Беруний*, *Умар Хайём*, *Улуғбек* каби олим-мутафаккирлар материалистик гояларнинг ривожланишига, ислом диний-мистик дунёқарашини танқид этишга катта ҳисса қўшдилар. Уйғониш даврида М. (*Телезио*, *Бруно*, ўша даврдаги натурфилософиянинг бир қанча вакиллари) кўпинча пантеизм ва гилозоизм формасига бурканган бўлиб, табиатни яхлит ҳолда олиб қарарди ва кўп жиҳатдан антик замон М. ни эслатарди. Сўнгра М. 17—18-асрларда Европа мамлакатларида яна ривож топди (*Вэкон*, *Галлей*, *Гоббс*, *Гассенди*, *Спиноза*, *Локк*). М. нинг бу формаси эндигина туғилиб келаётган капитализм ҳамда у билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш, техника, фаннинг ўсиб бориши заминда пайдо бўлди. Уша замондаги прогрессив буржуазиянинг идеологлари сифатида майдонга чиққан материалистлар ўрта аср схоластикасига ва черков пешволарига қарши кураш олиб бордилар: улар устоз деб тажрибага ва философия объекти деб

табиатга мурожаат қилардилар. 17—18-асрлардаги М. ўша вақтда гуркираб ўсиб кетган механика ва математика билан боғлиқдир, бу ҳол унинг механистик характер олишига сабаб бўлди. Уйғониш давридаги натурфилософик материалистлардан фарқли ўлароқ, 17-аср материалистлари табиатнинг сўнгги элементларини жонсиз ва сифатсиз элементлар деб қарай бошладилар. Бу даврдаги М. нинг бошқа бир хусусияти шу эдики, материалистлар табиатни бир-бири билан боғланмаган озми-кўлими алоҳида соҳаларга ва тадқиқот объектларига бўлишга интилар ва уларни тараққийётдан ташқари, ҳолатда олиб қарардилар. Бу даврдаги материалистик философия вакиллари орасида 18-асрдаги француз материалистлари (*Ламетри*, *Дидро*, *Гельвеций* ва *Гольбах*) алоҳида ўрин тутадилар. Улар умуман ҳаракатни механистик тушуниш позицияларида қолган ҳолда *Толандга* эргашиб, ҳаракатни табиатнинг универсал ва ажралмас хоссаси деб қарардилар, улар 17-аср материалистларининг аксариятига хос бўлган деистик ноизчиликдан тамомилан воз кечдилар. Ҳар қандай М. ва атеизм ўртасида мавжуд бўлган узвий алоқа 18-асрдаги француз материалистларида айниқса яққол намоён бўлди. Фарба бу М. формасининг ривожланиш чўққиси *Фейербахнинг* «антропологик» М. и. эди. Шу билан бирга Фейербахда Марксдан олдинги бутун М. га хос бўлган *мушоҳадачилик* энг яққол кўринган эди. Россияда ва Шарқий Европанинг б. мамлакатларида 19-асрнинг иккинчи ярмида революцион демократлар (*Белинский*, *Герцен*, *Чернишевский*, *Добролюбов*, *Маркович*, *Ботев* ва б.) философияси М. нинг ривожланишида олға қараб ташланган янги қадам бўлдики, бу философия *Ломоносов*, *Радищев* ва б. традициясига таяниб иш кўрарди ва бир қанча жиҳатлардан антропологизм ва метафизик методнинг тор доирасидан юқори кўтарилган эди Маркс ва Энгельс 19-асрнинг ўрталарида яратган диалектик М. олий ва энг изчил М. формаси

бўлиб қолди. Диалектик М. эски М. нинг юқорида кўрсатилган камчиликларини бартараф қилибгина қолмай, шу билан бирга унинг барча вакилларига хос бўлган инсоният жамиятини идеалистларча тушунишни ҳам бартараф қилди. М. нинг ундан кейинги тарихида принципал равишда бошқа-бошқа бўлган икки йўл: бир томондан, диалектик ва тарихий М. нинг ривожланиши, иккинчи томондан, М. нинг бир қанча сийқалаштирилган ва вульгарлаштирилган турлича кўринишлари намоён бўлди. Бу турлича кўринишлар орасида энг типиги *позитивизмга* яқинлашган вульгар М. эди; позитивизмга эса 19—20-асрлар чегарасида диалектик М. ни бузиш (марксизмни механистик ревизи қилиш ва б.) сифатида пайдо бўлган вульгар М. нинг кўринишлари мойиллик кўрсатди. 19-асрнинг иккинчи ярмида ўзининг етуқ формаларида М. буржуазиянинг тор синфий манфаатлари билан сиғишмай қолди. Буржуа философлари М. ни аморализмда, оннинг табиатини тушунмасликда айблайдилар ва М. ни унинг примитив кўринишлари билан бирдай қилиб кўрсатадилар. Улардан баъзилари М. нинг атеизмини ва назарий-билувчилик оптимизмини рад қилган бўлишларига қарамай, ишлаб чиқаришни ва табиёт илмини ривожлантириш манфаатларини кўзлаб, материалистик дунёқарашнинг айрим элементларига йўл қўйишга мажбур бўлган эдилар. Баъзан идеалистлар ўз таълимотларини «ҳақиқий» ва «энг замонавий» М. қилиб кўрсатмоқчи бўлдилар. (*Карнал*, Г. Башлар, *Сартр*). Буржуа философлари бир қанча ҳолларда М. билан идеализмнинг қарама-қаршилигини хаспўшлаб, фақат позитивизм ва *неореализмга* эмас, балки ҳозирги замон америка натурализи каби тутуруқсиз ва дудман назарияларга ҳам ёпишиб олмоқдалар. Иккинчи томондан, ўтмишда олимлар орасида кўпгина шундай кишилар бор эдики, улар идеализмни намоёншкорона этироф этар ёки «ҳар қандай философиядан позитивистларча юз ўтирар эдилар-у, мах-

сус илмий тадқиқотларида ҳақиқатда М. позицияларини ишғол қилар эдилар (мас., *Геккель*, *Больцманнинг* табиий-тарихий М. и). Ҳозирги замон илғор олимлари учун характерли нарсашуки, улар табиий-илмий М. дан онгли, пировард ҳисобда эса диалектик М. га томон эволюция қилдилар (*Ланжевен*, *Жолио-Кюри*, *Котарбинский*, *Селларс*, *Ламонт* ва б.). Диалектик М. нинг ривождаги хусусиятлардан бири — унинг янги идеялар билан бойиб боришидир. Фаннинг ҳозирги тараққиёти табиатшунос олимлар диалектик материализмнинг онгли тарафдорлари бўлиб қолишларини талаб қилмоқда. Шу билан бирга ижтимоий-тарихий практиканинг ва фаннинг ривожланиши М. философиясининг ўзини доимо ривожланиб, конкретлашиб боришини талаб этмоқда. Унинг ривожланиши эса идеалистик философиянинг энг янги кўринишларига қарши доимий кураш жараёнида амалга оширилади.

«МАТЕРИАЛИЗМ ВА ЭМПИРИОКРИТИЦИЗМ. Бир реакцион философия тўғрисида танқидий мулоҳазалар» — В. И Лениннинг философияга оид асосий асари; 1908 йилда ёзилган, 1909 йил май ойида босилиб чиққан. Бу китоб 1905—07 йиллардаги биринчи рус революциясининг мағлубияти оқибатида келиб чиққан реакция шароитида ёзилган. У вақтда диалектик ва тарихий материализмни ревизионизм ҳужумларидан ҳимоя қилиш ва ревизионистлар зўр бериб ўрнатган эмпириокритицизмнинг реакцион философиясини тор-мор келтириш марксистларнинг актуал сиёсий ва назарий вазифаси эди. «М. ва э.» китобида эмпириокритицизмнинг субъектив-идеалистик философияси тўла-тўқис танқид қилинади, унинг барча фалсафий масалалар юзасидан диалектик ва тарихий материализмга тамомилан қарама-қарши эканлиги очиб ташланади. Ленин кўрсатадики, марксизмни маҳзим билан «тўлдириш ва ривожлантириш»ни истовчи рус махистлари амалда фақат *субъектив идеализм ва агностицизмнинг* реакцион идеяларини тақролмақдалар.

Бутун инсоният тажрибаси, табиёт илмининг маълумотлари «энг янги» идеалистларнинг барча назарияларини батамом рад қилмоқда. Ленин *Махнинг, Авенариуснинг (Принципиал координация), Пирсон, Петцольдт* ва б.) ҳамда рус махистлари *Базаров, Богдановнинг (Эмпириомонизм), Юшкевичнинг (Эмпириосимволизм)* ва б. идеалистик назарияларини танқид қилади. Китобда буржуа философиясининг тараққийсида эмпириокритицизмнинг манбалари ва ўрни кўрсатилган: махистлар *Кантдан* бошлаб, ундан *Юм* ва *Беркли* томон бордилар ва уларнинг қарашлари чегарасидан нарига ўтмадилар. Махизмнинг ғоявий позицияси учун ниҳоятда характерли нарса шуки, у философиядаги *имманент* мактаби каби буржуа фикрининг энг реакцияни йўналишларига яқин туради. Сўнгра, Ленин марксистик философияда биринчи бўлиб, эмпириокритицизм билан табиёт илмининг ҳақиқий ўзаро муносабатларини сийиб берди. Ҳозирги замон табиёт илми философияси ролинини ўйнашни даъво қилиб чиққан эмпириокритицизм 19- ва 20-асрлар чегарасида ф.зикада рўй берган кризис оқибатида бир қанча физикларнинг иккиланиб қолишларидан фойдаланиб ва уларни кучайтириб, амалда фаннинг ривожига салбий таъсир кўрсатди. В. И. Ленин томонидан махизм философияси социал илдиллари ва реакция ролининг очиб ташланганлиги ғоят муҳимдир. Ленин философиянинг партиявийлиги йўлини қатъият ва шижоат билан амалга ошира бориб, махистларнинг ва умуман бутун позитивизм йўналишининг материализм ва идеализмдан баландга кўтарилиш ҳақидаги «туманли даъвоси»нинг асосизлигини очиб ташлади ва эмпириокритицизм реакция кучларига, динга хизмат қилаётганлигини, у фан ва тараққийга душман эканлигини кўрсатди. Ленин китобининг бутун мазмуни махизмни ҳамда унинг руслар ичидagi тарафдорлари ва масладошларини тўла-тўқис ва ҳар томонлама танқид қилиш билан чекланмайди. Ленин «М. ва э.»да диалектик

ва тарихий материализмнинг энг муҳим қондаларини асослаб берди ва янада ривожлантирди. У *философиянинг асосий масаласини*, марксистик философиянинг энг муҳим категорияларини (*материя, тажриба, замон ва макон, сабабият, эркинлик ва зарурият* ва б.) ҳар томонлама анализ қилиб чиқди, марксистик *билиш назариясини* (айниқса *инъикос назарияси* масалаларини, билишда практиканинг роли ҳақидаги, билишда сезиларнинг ўрни ва роли ҳақидаги, *объектив ҳақиқат, абсолют ва нисбий ҳақиқатнинг* ўзаро муносабати ҳақидаги масалаларини ва *тарихий материализмнинг* асосий масалаларини ҳар томонлама анализ қилиб чиқди. Табиёт илми янги маълумотларининг Ленин томонидан умумлаштириб берилиши айнқиқса муҳим аҳамиятга эгадир. 19- ва 20-асрлар чегарасида физикада қилинган машҳур кашфиётлар табиёт илмида революция бошланганлигидан дарак берарди, лекин худди шу кашфиётлар табиёт илми тараққийетида *физик идеализм* билан жуда маҳкам боғлиқ бўлган чуқур кризисни тугдирди. Ленин «физик» идеализмнинг синийи ва гносеологик илдилларини очиб ташлагач, физикадаги энг янги кашфиётлар материализмни рад этиши у ёқда турсин, балки, аксинча, диалектик материализмни яна бир бор тасдиқлайди, деб кўрсатди. Илмфан қозонган буюк ғалабаларнинг Ленин томонидан диалектик-материалистик асосда умумлаштирилиши табиёт илмининг кризисдан чиқиш йўлини кўрсатиб берди, табиёт илмининг бирдан-бир методи материалистик диалектика методи эканлигини яққол исботлади. Лениннинг бу китобининг аҳамияти шундан иборатки, унда материализмга фан тараққийетининг янги даражасига мувофиқ келадиган янги форма берилган. В. И. Лениннинг «М. ва э.» китоби ҳозирги вақтда ҳам буржуа философиясига ва ревизионизмга қарши курашда ғоявий қурол бўлиб хизмат қилмоқда, табиий фанларнинг ҳозирги тараққийетини фалсафий умумлаштириш ишига ёрдам бермоқда. Лениннинг «асари» марксистик

философияни ижодий ривожлантиришнинг намунаси бўлиб, назария масалаларида коммунистик гоявийлик мисоли бўлиб хизмат қилмоқда.

МАТЕРИЯ (лат. materia)—фалсафий категория бўлиб, бу категория онгга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган ва унда акс этадиган объектив реалликни билдиради (қ. В. И. Ленин, 18-т., 146-б.). М. барча мавжуд ҳодисалар, объектлар ва системаларнинг бениҳоя кўплигидир ҳамда ҳаракатнинг барча хилма-хил хоссалари, муносабатлари, ўзаро таъсирлари ва формаларининг *субстратидир*. М. фақат структур тузилиш конкрет формаларининг бениҳоя кўплигида мавжуд бўлиб, бу формалардан ҳар бири хилма-хил хоссалар ва ўзаро таъсирларга, мураккаб тузилишга эга бўлиб, бирон-бир, умумийроқ системанинг элементидир. Шу сабабли «М. ни ўз ҳолича», унинг конкрет формаларидан ташқари, бирон-бир ўзгармас бирламчи *субстанция* сифатида излаш нотўғри бўларди. М. нинг ички моҳияти унинг хилма-хил хоссалари ва ўзаро таъсирлари орқали очилади, ана шу хоссалар ва ўзаро таъсирларни билиш худди М. нинг ўзини билиш демакдир. М. нақадар мураккаб бўлса, унинг ўзаро алоқалари ва хоссалари шу қадар хилма-хил ва дифференциялашгандир. Ақлли вужудларнинг пайдо бўлиши мувофиқ келадиган олий мураккаблик даражасида М. хоссаларининг баъзилари, мас., онг, жуда ғайри оддий ва М. га ўхшамайдиган бўлиб кўринади, бу эса дафъатан қараганда М. билан сира боғланмаган бир нарсасдек тасаввур қилинади. Бундай тасаввурни абсолютлаштириш, онгнинг М. билан алоқадор эканлигини оча билмаслик доимо ҳар хил идеалистик ва дуалистик таълимотларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Диалектик материализм нуқтаназарича, М. билан онгни қарама-қарши қўйиш нисбий ва шартлидир. Унинг фақат *философиянинг асосий масаласини* қўйиш ва ҳал этиш жиҳатидангина маъноси бўлиб, ундан ташқарида абсолют маъносини йўқо-

тади, чунки онг, ижтимоий идеялар ва ҳ. к. бирон-бир моддий процессларга нисбатан уларни қандайдир белгилловчи бир нарса сифатида юзага келиши мумкин ва ана шу маънода у бирламчидир. Жамиятга актив ўзгартирувчи фаолият шунга олиб келадик, теварак-атрофимиздаги оламда моддий объектларнинг муайян группаси — ишлаб чиқариш воситалари, бинолар, химиявий синтез маҳсулотлари, истеъмол буюмлари ва ш. к. ўзларининг келиб чиқиши ва уларнинг материясини ташкил этувчи тузилиш формаси жиҳатидан маълум даражада инсон онгига боғлиқдир, чунки уларда инсоннинг ғоя ва мақсади гавдаланади. Фан ва техника тараққий қилиб борган сари моддий объектларнинг кўплиги тобора кенгайиб боради ва уларнинг хоссалари, тузилиш формаси ва ҳатто келиб чиқиши бунда табиий материаллардан фойдаланувчи кишиларнинг ўзгартирувчи онгли фаолиятига боғлиқ бўлади. В. И. Ленин ана шу маънода «инсоннинг онги объектив оламни фақат акс эттирибгина қолмай, балки уни яратадир ҳам» (29-т., 194-б.) деган эди. М. ни *объектив реаллик* деб фалсафий тушуниш М. нинг тузилиши ва хоссаларига табиий-илмий қарашлар билан конкретлаштирилмоқда ва тўлдирилмоқда. Лекин фалсафий категория сифатидаги М. ни материянинг тузилишига бирор тарздаги қарашлар билан бирдай қилиб қўйиш нотўғри бўлган бўларди, чунки бундай қарашлар фанининг янги кашфиётларига қараб ўзгариб туради, ваҳоланки, М. нинг фалсафий таърифи ўзгармасдан қола беради. Худди шунингдек, фалсафий категория сифатидаги М. ни унинг бирон конкрет тури билан, мас., модда билан ёки унинг қандайдир бир хоссаси, мас., масса, энергия ва ҳ. к. билан бирдай қилиб қўйиш ҳам хато бўлган бўларди. М. ни диалектик-материалистик тушуниш уни метафизикларча тушунишдан шу билан фарқ қиладик, М. фақат объектив равишда, инсон онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда қаралмасдан, балки шу билан бирга ҳаракат, макон ва за-

мон билан чамбарчас боғлиқ ҳолда, ўз-ўзлигича ҳаракат қилишга қобилиятли, миқдор ва сифат жиҳатлардан бениҳоя ҳолатда ҳам олиб қаралади (*Материя ҳаракатининг формалари*).

МАТЕРИЯ ҲАРАКАТИНИНГ СОРМАЛАРИ — моддий объектларнинг ҳаракати ва ўзаро таъсирининг асосий типлари. М. ҳ. ф. ни илмий таскумлашда қуйидагиларни ҳисобга олмоқ зарур: 1) моддий объектларнинг, яъни ҳаракат ҳомилларининг ўзига хос хусусиятини; 2) ҳаракатнинг аини формаси учун умумий қонунларнинг мавжудлигини; 3) материя ва ҳаракатнинг энг оддий формалардан то энг мураккаб формаларигача тарихий ривожланиши қонуниятини. Ана шу талабларга ва ҳозирги замон фанининг маълумотларига мувофиқ М. ҳ. ф. нинг уч асосий группаси ажратиб кўрсатилади: 1) анорганик табиатда; 2) тирик табиатда; 3) жамиятда. Бу группаларнинг ҳар бирида кўп М. ҳ. ф. бордир, бу эса материянинг битмас-туганмаслиги билан боғлиқдир. Анорганик табиатнинг М. ҳ. ф. ига қуйидагилар кирди: фазода ўрин алмаштириш; «элементар» зарралар ва майдонларнинг ҳаракати — электромагнит, гравитацион, ядро ўзаро таъсирлари, «элементар» зарраларнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга айланиши ва б.; химиявий М. ҳ. ф. ни ўз ичига олувчи атом ва молекулаларнинг ҳаракати ва ҳолат ўзгариши; микроскопик жисмлар — иссиқлик жараёнлари, агрегат ҳолати ўзгариши, товуш ўзгаришлари ва ҳ. к. структурасидаги ўзгаришлар; турли тартиблардаги космик системалар — планеталар, юлдузлар, галактикалар ва бошқаларнинг ўзгариши. Тирик табиатдаги М. ҳ. ф. — бу ҳаётнинг хилма-хил кўринишларидир: *моддалар алмашинуви*, организмлардаги функционал алоқалар, ташқи шароитларнинг акс этиш процесслари, турлар ичидаги ва турлар орасидаги муносабатлар, бутун биосферанинг Ердаги анорганик табиат билан ўзаро таъсири. Тирик табиатда мураккаблиги турлича яхлит-яхлит

системалар: вируслар ва бактериялар, бир ҳужайрали организмлар, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг кўп ҳужайрали, хилма-хил турлари ва, ниҳоят, бутун биосфера мавжуддир. Ҳаётнинг умумий кўриниши доирасида ҳар бир шундай группага ўзига хос М. ҳ. ф. тегишлидир, бу формаларнинг қонунлари системаларнинг структураси ва амал қилиши билан белгиланади. Ижтимоий М. ҳ. ф. кишилар *фаолиятининг* моддий ишлаб чиқариш усулидан тортиб то инсон онигича, яъни ҳаётнинг ўзига хос ижтимоий шароитлари ва аввало кишиларнинг меҳнат фаолияти асосида материянинг ҳоқсаси сифатида пайдо бўладиган инсон онигича хилма-хил кўринишларини ўз ичига олади. Олий М. ҳ. ф. нисбатан қуйи формалар асосида тарихан пайдо бўлади ва уларни мураккаброқ системанинг ривожланиш структураси ва қонунларига мувофиқ равишда ўзгартirilган шаклда ўз ичига олади. Улар ўртасида бирлик ва ўзаро бир-бирига таъсир мавжуд. Лекин олий М. ҳ. ф. қуйи формалардан сифат жиҳатдан фарқ қилади ва уни қуйи формадан иборат қилиб бўлмайди. М. ҳ. ф. ўртасидаги ўзаро муносабатларни очиқ табиатнинг ривожланишини тушуниш, мураккаб ҳодисаларнинг моҳиятини билиш ва уларни амалий бошқаришда ғоят катта аҳамиятга эгадир.

МАХ Эрнст (1838—1916) — австриялик физик ва философ, субъектив идеалист, *эмпириокритицизмнинг* асосчиларидан бири. М. нарсаларни «сезгилар комплекслари» деб эътироф қилиши билан ўз таълимотини қалсафий материализмга қарама-қарши қилиб қўйди. Юм философиясига асосланиб иш кўрган М., аслда, сабабият, зарурият, субстанция тушунчаларини «тажриба»да мавжуд бўлмаган тушунчалар деб рад этди. Махча *«тафаккурни тежаси* принципи»га мувофиқ оламни тасвирлаш фақат «тажрибанинг бетаграф элементларини ўз ичига олмоғи лозим; фақат ана шу элементлар (М. уларни сезгилар билан айнан бирдай қилиб қўярди) ва уларнинг функционал алоқаларигина

реалдир. Физик ҳолат билан психик ҳолат ўртасидаги тафовут, шундай қилиб, «функционал муносабат» тафовутидан иборат қилиб қўйилдики, ана шу «функционал муносабат»да «элементлар» қараб чиқилади: М.нинг фикрича, физик тадқиқот «элементлар»нинг ўзаро алоқадорлигини анализ қилишдан, психик тадқиқот эса, инсон организмнинг «элементлар»га муносабатини анализ қилишдан иборатдир. Тушунчаларни М. «сезгиларнинг комплекслари»ни «нарзаларни» билдирувчи символлар деб, умуман фанни эса бевосита кузатишлар ўрнини босиши лозим бўлган гипотезалар мажмуи деб қарарди. М. философиясининг субъектив-идеалистик характери В. И. Лениннинг «*Материализм ва эмпириокритицизм*» асарида очиб ташланди ва танқид қилинди. Асосий асарлари: «Сезгиларнинг анализи ва физик ҳолатининг психик ҳолатга муносабати» (1886). «Библиш ва янглишиш» (1905). М.нинг философияси *неопозитивизмнинг* шаклланишига таъсир кўрсатди ҳамда марксизмни махистларча ревизия қилишга асос бўлди (Ф. Адлер, Базаров, Богданов, Юшкевич ва б.).

МАХАЕВШЧИЛИК — майда буржуа анархистик оқим бўлиб, 1905—07 йиллардаги революциялар даврида бир қадар ёйилиб, интеллигенцияга душманлик билан қарашни тарғиб қилди. Бу оқим ўз номини, интеллигенция текникхўр синфдир, деб даъво қилган социал-демократ В. Махайский номидан олган. М. ишчилар синфини сиёсий қурашдан ва пролетар революциясидан чалғитган *экономизмнинг* кўринишларидан бири эди.

МАХИЗМ—қ. *Мах, Эмпириокритицизм*.

МАШИНА — тор маънода система бўлиб, бу система фойдали самараси фойдали иш ҳосил қилиш мақсадида энергиянинг бир турини иккинчи турига айлантириш учун инсон меҳнати билан яратилган. Моддий ишлаб чиқариш соҳасида фойдаланиладиган, кишиларнинг жисмоний меҳнати ўрнини босадиган М. лар билан бир қаторда 17-асрдаёқ ақлий меҳ-

нат ўрнини босадиган М. лар пайдо бўлди (ҳисоблаш М. лари). *Автоматлаштиришнинг* ривожланиб бориши ва аниқса *кибернетиканинг* пайдо бўлиши муносабати билан М. тушунчаси ҳодисаларнинг жуда кенг доирасига тадқиқ этила бошлади. М. деганда фақат инсон яратган системаларгина эмас, балки тирик организмлар ҳам тушуниладиган бўлди, кибернетика эса бошқариш ва алоқа ҳақидаги фан сифатида, аслида, машиналар ҳақидаги фандир. М. ни бу хилда тушунишнинг 17—18-асрлардаги механицизм билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. *Декарт* ҳайвонни жондан маҳрум бўлган М. деб қараган, *Ламетри* эса инсонни ҳам М. қаторига қўшган экан, бунда ҳам М. тушунчаси эмас, балки ҳайвон ва инсон тушунчаси бўзилган эди, чунки ҳайвон билан инсон механик ҳаракат қонунилари асосида амал қилувчи системаларга ўшатишдан эди. Ҳозирги замон фанида М. тушунчасининг ўзи ўзгариш ҳолатини кечирмоқда, бу тушунча энди материя ҳаракатининг қандайдир конкрет формаси билан боғлаб қаралмайди; фан М. қонуниятларини ўргана бориб, бошқариш системалари структураларини, бу структураларнинг хоссалари ва ишлашини, уларнинг моддий субстратини назардан соқит қилган ҳолда, тадқиқ этмоқда. Шу туғайли М. ҳақидаги илмий билимлардан инсон организмнинг ишлашини ўрганиш учун ҳам фойдаланиш мумкин, ammo инсонда «машинасимон» амаллар бўлган тақдирдагина шундай қилиш мумкин. М. тушунчасини Маркс томонидан анализ қилинган иқтисодий категория сифатида ҳам қараб чиқмоқ лозим.

МАЪНО ВА МАЗМУН. 1. Бирон-бир нарсанинг маъноси унинг ижтимоий практика учун нимадан иборат бўлишидадир ва кишиларнинг фаолиятида у бажарадиган функцияларга боғлиқдир. Бу маъно нарсанинг ҳақиқий объектив моҳияти билан белгиланади, чунки нарса фақат унинг ўз табиати билан белгиладиган функцияларини бажаради. Тилда нарсаларнинг амалий маъноси сўзлар

маъносида қайд қилинади, мустақамлананади ва сақлаб қолинади. Мазмун — унинг бошқа сўзлар ёки предметли ситуациянинг маъноси билан ўзаро муносабатдаги маъносини кенгирлаштиришдир. Маъноларнинг ўзаро муносабати, мазмунни туғдирувчи ўзаро алоқадорлиги ё воқеликнинг объектив факторлари ва муҳокаманинг объектив логикаси билан, ёки субъектив факторлар билан: инсоннинг истаклари, интилишлари, ижтимоий (шу жумладан сифий) ва шахсий мақсадлари, ниятлари ва ш. к. билан белгиланади. Бинобарин, фақат ижтимоий тажрибагина объектив маъноларнинг бирон-бир мазмуни реал нарсалар ва ҳодисаларнинг моҳияти билан мувофиқлаштиради. Ижтимоий практика субъектив бузишларни бир четга ташлаб, конкретликнинг реал хилма-хиллигини қайта ҳосил қиладиган мазмун хилма-хиллигини мустақамлайди. 2. Тил тўғрисидаги фанда маъно (лексик маъно) деганда сўзнинг мазмуни тушунилади. Сўзларнинг характерли хусусияти шундан иборатки, одатда, уларда турлича маъно бўлади, шунингдек уларнинг мазмуни ўзгарувчан бўлади. Ана шу сабабларга кўра, сўзларнинг маъноси контекста ва М. (маъно) сўзлари ишлатиладиган ситуацияга маҳкам боғлиқ бўлади. Бирон-бир объектни билдирувчи тил ифодаларининг М. ва м. тушунчаси логик семантикада яхшироқ аниқланади. Тил ифодасининг маъноси деганда одатда муайян ифодани белгилайдиган (атайдиган) предмет ёки предметлар туркуми тушунилади, ифода мазмуни деганда эса унинг фикрий мазмуни, яъни аини ифодада жо қилинган ишформация тушунилади ва шу ишформация туфайли ифода у ёки бошқа предметга нисбат берилади. Мас., «Шом юлдузи» ва «Тонг юлдузи» ифодаларининг маъноси аини бир предметдан — Венера юлдузидан иборат, ваҳоланки, уларнинг фикрий мазмуни бошқа-бошқадир. Ҳозирги замон логикасида М. билан м. ни фарқ қилиш Фрегега бориб тақалади. Тил ифодалари мазмунларининг тенглиги (сино-

нимияси) критериялари билан боғлиқ бўлган масалаларни ўрганиш логик семантика вазибаларидан биридир (Ном).

МАЪРИФАТЧИЛИК — ижтимоий-сиёсий оқим бўлиб, бу оқимнинг вакиллари эзгулик, адолат ғояларини, илмий билимларни тарқатиш йўли билан мавжуд жамиятнинг камчиликларини бартараф қилишга, унинг хулқ-атворини, сиёсатини, турмушини ўзгартиришга интилардилар. М. нинг асоси шундан иборат эдики, унинг тарафдорлари жамият тараққиётида онгнинг белгилувчи ролни идеалистларча тасаввур қилардилар, ижтимоий иллатларни одамларнинг поднонлигидан, уларнинг ўз табиатини тушунмаслигидан келиб чиққан деб изоҳламоқчи бўлардилар. Маърифатчилар тараққиётнинг иқтисодий шароитларининг ҳал қилувчи аҳамиятини ҳисобга олмас эдилар ва шунинг учун ҳам жамият объектив ҳолиларини очиб йўлни тутолмаган эдилар. Улар ўз ваъз-насиҳатларини жамиятнинг барча синфлари ва табақаларига, кўпинча ҳокимият эгаларига қаратар эдилар. М. буржуа революцияларини тайёрлаш даврида кучли суратда тарқатилган бўлиб, у буржуа ва майда буржуа идеологиясини ифодаларди. *Вольтер, Руссо, Монтескье, Гердер, Лессинг, И.-Ф. Шиллер, Гёте, Десницкий, Козельский* ва кўпгина бошқалар маърифатчилардан эдилар. Уларнинг фаолияти кўп жиҳатдан черков-феодал идеологияси таъсирини сусайтиришга ёрдамлашди. Маърифатчилар фақат черковга қарши эмас, балки диний ақидаларга ҳам, схоластик тафаккур методларига ҳам қатъий суратда қарши курашдилар. М. 18-асрда социологик қарашларнинг шаклланишига анча таъсир кўрсатди. М. нинг идеялари социалист-утопистлар, рус народниклари орасида таъсирли эди. Ҳозирги вақтда М. ижтимоий фикрнинг таъсирли оқими эмас. Бироқ унинг идеялари номарксистик интеллигенция орасида ҳозир ҳам тарқалгандир.

МАҚСАД — амалий иш натижасини онгда олдиндан пайқаш. Бевосита

мотив сифатда М. амалий ишларни йўллаб, тартибга солиб туради, практикага ички қонун сифатида сингиб кетган бўладикки, бу қонунга инсон ўз прогностини бўйсундиради. М. инсон онгининг актив томонини ифодалаганда, теварак-атрофдаги оламнинг ҳамда субъектнинг ўз объектив қонунларига, реал имкониятларига мувофиқ бўлмоғи лозим. Кишиларнинг маълум мақсадга қаратилган фаолиятида *эркинлик* билан *зарурият* ўртасидаги диалектик ўзаро муносабат ўз зухуротини топади. М. уни амалий рўёбга чиқариш учун зарур бўлган муайян воситалар билан ўзаро боғлиқ ҳолда таъсир қилгандагина воқеликни ўзгартирувчи кучга айланиши мумкин. Ироқ, яқин ва бевосита, умумий ва хусусий, оралиқ ва ниҳояли М. лар бир-бирдан фарқ қилинади. Тор маънода «М.» термини билан фаюда (биология, кибернетика) системанинг *қайтарма алоқа* йўли туфайли эришиладиган умумий ҳолати билдирилади (*Мақсадга мувофиқлик*).

МАҚСАДГА МУВОФИҚЛИК — процесс ва ҳодисаларнинг кенг ёки шартли маънодаги муайян натижага, *мақсадга* олиб келиш хусусияти. М. м.—органик оламда, ижтимоий системаларда, инсон амалий ишларида сабаб-натижа муносабатларининг ўзига хос кўринишидир. М. м. турли соҳаларда турлича ифодаланади: органик табиатда — организмларнинг мослашиш ва регуляциялари, тараққиёт жараёнларининг муайян томонга йўналиши формасида ифодаланади; ижтимоий ҳаётда — ёшани яшаб бўлган социал тартибларнинг барҳам топишида ва жамиятнинг янада ривожланишига ёрдамлашувчи янги социал тартибларнинг пайдо бўлишида, киниларнинг муайян мақсадга эришини қаратилган фаолиятида ва ш. к. ларда ифодаланади. *Телеология* фойдаланиб келган органик М. м. фактлари *Дарвиннинг* табиий танлаш назариясида, ижтимоий ҳаёт формаларининг М. м. и К. Маркснинг иқтисодий назариясида ва тарихий материализмда илмий изоҳлаб бе-

рилди. *Кибернетика* М. м. даражада уни умумий тарзда *қайтарма алоқа* амалини тушунади, бу *қайтарма алоқада* талаб қилинувчи ҳолат билан фактик ҳолат ўртасидаги фарқ ҳақидаги информация системасининг талаб этилувчи ҳолатига тобора кўпроқ яқинлашуви сабабига айланади. М. м.нинг олий формаси—инсон *фаолиятининг* М. м. идир, унда ва фақат ундагина сабаб-натижа боғланиши унинг энг муҳим звеноси сифатида онгли мақсадга қўшилади. Инсоннинг бироқ мақсадга мувофиқ келувчи ҳамма ишлари кенг маънода мақсадга мувофиқдир». Торроқ маънода эса фақат айни момент шаронтига эмас, балки тараққиётнинг умумий йўналишига ҳам мувофиқ келадиган, объектив қонунларни ва тараққиёт эҳтиёжларини билишга асосланган фаолиятгина «мақсадга мувофиқдир».

МЕГАРА МАКТАБИ — фалсафий йўналиш бўлиб, бу йўналиш эраиздан олдин 4-асрда Қадимги Грецияда мавжуд бўлган; уни *Сократнинг* дўсти ва шогирди меғаралик *Эвклид* (эраиздан олдин тах. 450—380) таъсис этган. Сократ вафотидан кейин меғарачилар *Пармениднинг* абадий ва ўзгармас якка-ю ягона (борлиқ) ҳақидаги таълимотини соқратча этика ва теологиянинг олий тушунчаси — эзгулик тушунчаси билан синтезлаштиришга уринганлар. Эвклиднинг *фикрича*, фақат якка-ю ягона эзгулик мавжуддир, ўзгармас ва ўз-ўзига айнан тенг бўлган бу эзгулик ҳақиқат, ақл, худо ва ш. к. номлар билан ҳам машҳурдир. Кўпдан-кўп ва хилма-хил нарсалар якка-ю ягона эзгуликка қарама-қарши бўлиб турадилар ва шунинг учун улар мавжудликдан ҳам, реалликдан ҳам иборат эмасдирлар. М. м. вакиллари элеилик *Зеноннинг* ва *софистларнинг* традицияларини давом эттириб, фалсафа соғишнинг асосий методи сифатида диалектика ва *эристикадан* кенг фойдаланганлар. Кейинчалик меғарачилар (Стилпон ва б.) ўз ахлоқий қарашлари жиҳатидан *киникларга* жуда яқин турганлар. Стилпоннинг шогирди *сто-*

ик-Зенон М. м. ни киник мактаб билан бирга стоиклар мактабига айлантирган (*Стоиклар*).

МЕЛЬЕ Жан (1664—1729)—материалист философ, француз *утопик социализмида* революцион йўналишининг асосчиси. М.нинг шампанлик қишлоқ юресининг «Васият» асари жамият ва унинг тақдир ҳақидаги таълимотнинг ўз замониغا яраша биринчи намунасидир. Динни ва черковни фойдаланган М.ни изчил равишда материалистик ва атеистик хулосаларга олиб келади; социал адолатсизликни танқид қилиш унда коллектив мулкка асосланган жамият қуришга даъват этиши билан қўшилиб кетади. М. унинг сўзларини «шаҳар ва қишлоқларнинг аҳолиси» эшитишини истарди. Меҳнатқашларнинг бирлашуви, уларнинг зolimларга қарши қўзғолони, М.нинг фикрича, халқнинг ўз кишидир ва у янги жамиятга ўтишининг бошланғич зарур шартидирки, бу жамиятда бойлар ва камбағаллар, зolimлар ва мазлумлар, бекорчилар ва оғир меҳнат билан ҳолдан тойган кишилар бўлмайди. Унинг «Васият» асари фақат 1864 йилда тўла нашр этилди. Бироқ 18-асрда Францияда бу асарнинг қўлёзма нусхалари тарқатилди; 18-асрнинг биринчи ярмидаги деистлардан ва *Вольтердан* тортиб то маърифатчи материалистларгача ва бабёфчи *Маршалгача* француз ижтимоий фикрининг энг турли-туман вакиллари М.нинг китобхонлари ва унинг гоъларининг пропагандистлари эдилар. Улардан ҳар бири М.дан ўз фикрига ва сиёсий манфаатларига мувофиқ келадиган нарсаларни ажратиб оларди. М.нинг дунёқараши 18-асрдаги француз материализми ва социализмининг гоъвий сарчашмаларидан биридир.

«МЕН» (философияда) — оламга, ўз-ўзига фаол муносабатда бўлувчи инсон шахсининг, индивидуаллигининг маънавий маркази. Асли «мен»га ўз хатги-ҳаракатларини мустақил назорат қилувчи ва ҳар томонлама ташаббус кўрсатишга қобилиятли инсон эгадир. Философия тарихида идеалистик концепциялар «мен»ни идеявий

ибтидо сифатида талқин қилганларида инсон «мен»нинг конкрет-тарихий фаол асосини назарда тутмас эдилар. Кўпинча бу проблема уларда фалсафий системалар тузишнинг бошланғич нуқта проблемаси сифатида ўртага қўйиларди. *Декартнинг* фикрича, «мен» ўзини фикрловчи субстанцияга мансуб нарса, рационал билишнинг интуитив ибтидоси каби намоён қилади ва шу билан ўз мустақиллигини мустаҳкамлайди. Идеализм доирасида яққаланган индивиднинг нуқтаи назари ва *мушоадачилик солипсизмига*, метафизик материализм доирасида инсонни тарихнинг сиртқи жараёнига бўйсунувчи пассив объект даражасига тушириб қўйишга олиб келарди. Немис классик философияси «мен»ни инглиз эмпиризмга хос бўлган психологик-индивидуалистик руҳда талқин қилишдан воз кечди. Лекин у «мен»ни жонли ижтимоий одамдан ажратиб, «трансцендентал субъект»га айлантирди. *Фихте* фаолиятнинг азалдан предмет характериға эгаллигини тушунмасдан, бундай «мен»ни субстанция, абсолют ижодий ибтидо деб ҳисобларди. Унингча, бу ибтидо фақат-ўз-ўзини эмас, балки ўзининг «мен-маси» сифатида бутун борлиқни ҳам назарда тутарди. Диалектикани ривожлантирган объектив идеализм инсон «мен»ининг ижтимоий моҳиятини конкрет кишилардан юқори турувчи бегоналашган куч—оламий ақл (*Гегель*) ва ҳ. к. деб талқин қиларди. *Иррационализм* эса буржуа жамиятга ўзигаги «мен»ни инкор қилиш билан тўқнашувчи шахсининг сезгисини қайта ҳосил қилди. Лекин индивидга иррационал нуқтаи назардан қараш *бегоналашши* вазиятини абадийлаштиради, холос. *Фрейдизм* капитализм шароитида шахснинг парчаланишини, интилишларни «мен»нинг «у»га (кўр-кўрона иштиёқлар оламига) ғарқ бўлиши сифатида биологлаштиришни, индивиднинг ўз ижтимоий моҳиятини бузуқ тарзда идрок этишини эса унга душман бўлган «гайри-мен» назоратининг натижаси сифатида ифодаларди. Сиёфий-антагонистик формацияларда

фаолиятнинг парчаланиши ва бегона-ланиши ҳақиқатан индивидларни қисқасиз қилиб қўйишга, уларнинг ўз «мен»ини йўқотишига олиб боради. Шу сабабли «мен»нинг сохта концепцияларини бартараф қилиш асосида инсоннинг ўзини ижтимоий муносабатлар ва жамият ҳаёти нормаларининг ижодчиси сифатида барқарор қилиш учун кураши ётади. Ҳар бир кишида актив амал қилувчи субъект сифатида унинг инсоний «мен»ининг энг тўлиқ ва эркин юзага чиқиши коммунизм даврида, шахснинг ҳар томонлама, яхлит ривожланиши шароитида мумкин бўлади.

МЕНДЕЛЕЕВ Дмитрий Иванович (1834—1907) — рус олими, химик, фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини актив ёқлаб қикди, Россияда санотни ривожлантириш учун кўп иш қилди. М. нинг фалсафий қарашлари — стихияли диалектика билан қўшилиб кетадиган материализмдир. М. спиритизмга ва энергетизмга қарши курашди. М. нинг энг зўр илмий жасорати — унинг даврий қонуннинг кашф этиши (1869) ва унинг асосида химиявий элементларнинг даврий системасини яратishi эди. Бу кашфиёти билан М. химия атомистикасининг ривожига катта ҳисса қўшди ва диалектиканинг асосий қонунларини, шу жумладан миқдорнинг сифатга ўтиши қонунини химиявий элементларга амалда татбиқ этди. Ҳозирги формулировкасида М. қонунида бундай дейилади: элементларнинг хоссалари тартиб номерига ёки атом ядроси зарядига даврий боғлиқ бўлади. Атом массаси ядро заряди билан маҳкам боғлиқдир, шу сабабли М. атом оғирликларидан фойдаланиб, ўз қонунини кашф эта билди. М. системаси химиявий элементларнинг алоқасинини эмас, балки уларнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга реал айланишини ҳам аке эттиради. Даврий қонуни — анорганик модданинг ривожланиши қонунини бўлиб, табиатга диалектик материалистик қарашни асослашга хизмат қилмоқда. М. нинг асосий исарлари — «Химия асослари» (1869—71), «Даврий қонун».

МЕЪЁР — фалсафий категория бўлиб, бу категория бирои предмет ёки ҳодисанинг сифати ва миқдорининг узвий бирлигини аке эттиради. Ҳар бир сифат жиҳатдан ўзига хос объектга муайян миқдор характеристикалари хосдир. Бу характеристикалар ўзгарувчан ва ҳаракатчандир. Бироқ уларнинг ўзгарувчанлигининг ўзи баъзи доиралар билан заруран чеклангандир ва бу доиралар чегарасидан кейин миқдор ўзгаришлари сифат ўзгаришларига олиб келади (миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонуни). Ана шу чегаралар М. нинг худди ўзидир. Ўз навбатида, муайян объект сифатининг ўзгариши унинг миқдор характеристикаларининг ва М. ининг ўзгаришига олиб боради. Миқдор билан сифатнинг алоқадорлиги ва бирлиги муайян объектнинг табиатига боғлиқдир. Агар объектнинг ривожланиши қараб чиқилса, у вақтда мазкур процесснинг сифат жиҳатдан фарқ қиладиган бир босқичидан иккинчисига ўтиш нуқталари М. нинг ўзгаришини марказий нуқталари сифатида юзага келади. Бундай марказий нуқталар ҳақида сўзлаганда меъёрларнинг марказий чизиги ҳақида сўзлаш расм бўлган. Философия тарихида М. категориясини биринчи бўлиб Гегель ишлаб чиққан.

МЕРИНГ Франц (1846—1919) — Германия ишчилар ҳаракатининг ва немис с.-д. партияси сўл қанотининг арбоби, Германия Компартиясининг асосчиларидан бири (1918 йил охирларида), тарихчи, философ, адабиётшунос, публицист. М. нинг қарашлари немис классик философиясининг таъсири остида таркиб топди; Лассалнинг баъзи идеялари ҳам унга таъсир кўрсатди. 80-йилларнинг охирларида синфлар кураши ва Маркс билан Энгельс асарларини ўрганиш М. ни пролетариат позицияларига олиб келди. Ленин сўзлари билан айтганда, М. марксист бўлишни ис-табгина қолмади, балки ҳақиқатан марксист бўлди. М. марксизмни ревизионистларча-реформистларча танқид қилувчиларга (*Бернштейн*, П. Камф-

мейер ва б.) актив суратда қарши чиқди. Унинг буржуа социологиясига (Л. Брентано, П. Барт ва ҳ. к.), янги кантчиликка (*Этика социализми*) қарши олиб борган кураши марксистик философияни капитал идеологлари ҳужумларидан ҳимоя қилишда катта роль ўйнади («Тарихий материализм», 1893; «Кант ва социализм», 1900; «Кант, Дишген, Мах ва тарихий материализм», 1910 ва кўнгина б. асарлар). *М. Шопенгауэр, Ницше, Э. Гартманнинг* 19- ва 20- асрлар чегарасидаги модал иррационалистик қонценцияларининг реакцион моҳиятини кўрсатди. М. нинг тарихий асарлари (мас., «Герман социал-демократияси тарихи», 4 томлик, 1897—98; «Карл Маркс. Унинг ҳаёти тарихи», 1918), баъзи нотўғри фикрлар бўлишига қарамай, катта илмий қимматга эгадир. «Лессинг ҳақида афсона» асарини (1892) Энгельс прусс давлатининг келиб чиқишининг мавжуд баёнларидан энг яхшиси деб атаган эди. М. Маркс ва Энгельснинг илк асарларини нашр этди. М. нинг адабиётшунослик асарларида («Эстетик раъзведкалар», 1898—99; «Шиллер», 1905 ва б.) кантчилик эстетикаси, «санъат санъат учун» назарияси, натурализм танқид қилинган. М. хатолардан холи эмас эди, бу хатолардан асосийлари марксистик партиянинг сиёсий раҳбар ва омманинг тарбиячиси сифатидаги ролига етарли баҳо бермаслик, оппортунистлар билан алоқани принципал узинининг муҳимлигини тушунмасликдан иборат эди. Философияда унинг табиати билан учун механистик материализмининг нуқтан назари етарлидир, деган фикри нотўғри эди, шунингдек бир қанча бошқа хато қондалари ҳам бор эди. 1917 йилги Октябрь революциясини М. табриклайди ва унинг таъсири остида ўзининг кўп хатоларини бартараф қилди.

МЕРЛО-ПОНТИ Морис (1908—61) — француз экзистенциалисти ва феноменолог (*Экзистенциализм, Феноменология*). Асосий асарлари: «Хатти-ҳаракат структураси» (1942), «Перцепция феноменологияси» (1945), «Диалектиканинг саргузаштлари»

(1955). М.-П. субъект билан объектнинг чамбарчас алоқадорлиги идеясини қаттиқ туриб ҳимоя қиларкан (олам субъект проекцияси, субъект олами ва инсонни объективлаштирад, уларга ўзида мавжудликни нисбат беради), философияда «учинчи йўл» тутишга уринади. Амалда эса идрокнинг бевосита маълумотларини чин реаллик деб даъво қилиш субъектив идеализмни билдиради. Бундан ташқари, М.-П. философияси эклектиkdir, у экзистенциализм билан марксизмни синтезлаштириб беришга уринади.

МЕРТОН Роберт Кинг (1910 йил туғ.) — Америка социолог. Ўз асарларида (улардан асосийси «Социал назария ва социал структура, 1949) М. функционализмнинг (*Структур-функционал анализ*) асосий қондаларини системалаштиришга уринади. У функциялар (кишиларнинг хатти-ҳаракати, унинг социал яхлитлик учун қулай бўлган объектив оқибатлари) билан дисфункциялар (хатти-ҳаракатнинг умум қабул қилган қондалари, стандартларидан ҳар хил йўл билан четга чиқиш, системанинг бирлигини ва яхлитлигини бузадиган низолар ва ш. к.) ўртасида тафовут жорий қилади. М. кишилар фаолиятининг бегараз оқибатларини (пниҳон функциялар) аниқлашни социологик анализнинг муҳим вазифаси деб ҳисоблайди. «Четга чиқувчи хатти-ҳаракат»ни меъсимаслик ёки унга фақат «номатлуб» нарсга деб баҳо бериш, М. нинг фикрича, шунга олиб келадик, ижтимоий ҳаётнинг ўзгаришлари, динамикаси социологининг назаридан тушиб қолади. Лекин бошқа буржуа социологлари сингари, М. ҳам «четга чиқишлар»ни кўпинча ахлоқий-психологик, руҳий-қимматдорлик йўсинидаги ҳодисалар жумласига киритади, уларни социал-иқтисодий муносабатлардан ажратиб қўяди. М. функционализмнинг методологик томонига катта эътибор бериб, социологиядаги сиёқа эмпиризмни танқид қилади ва эмпирик тадқиқотларни назария билан қўшиш тарафдори бўлиб майдонга чиқади. Бироқ наза-

рини асосанда у асосан «*ўрта даража*» назарияларини кўзда тутадик, бу назариялар ёрдами билан ижтимоий муносабатларнинг бутун мураккаб маъмуини изоҳлаб бўлмайди. Шунингдек, М. конкрет социологик проблемаларни ишлаб чиқиш (*оммавий коммуникация* воситаларининг тадқиқ қилини, «панел интервью» методикаси ва ҳ. к.) билан ҳам машҳурдир.

МЕТА (грек. meta — кейин, орқали, ташқари) — қўшма сўзларнинг бошланғич қисми бўлиб, у бирон нарсага эргашиб боришни, бирон нарсага ўтишни билдиради. Мас., Аристотелнинг «Метафизика»сининг шундай аталлисининг сабаби шуки, унинг асосий масалалари трактатларда философ асарларини системалаштирувчи Андроник Родосский томонидан (эрампдан олдинги 2-аср) физика ҳақидаги таълимотни баён қилувчи асарлардан кейин жойлаштирилган. Мазкур юкламадан баъзи ҳозирги замон илмий назарияларнинг номларини яшаш учун фойдаланилмоқда, мас., *метаназария*, *металогика*, *метаэтика* ва ҳ. к.

МЕТАГАЛАКТИКА (айнан: «галактиканинг ортидаги нарса» демакдир) — миллиардлаб *галактикаларни* ўз ичига олувчи космик система. Бу термин америка астрономи Х. Шепли томонидан киритилган. Утмишда «катта коинот» («юлдузли коинот», яъни «бизнинг Галактикадан фарқ қилиб») термини ҳам ишлатилган. М. ҳозирги замон кузатиш воситаларига муяссар бўладиган моддий системалардан энг каттасидир. Бизнинг Галактикамиз ўзининг икки йўлдош-галактикаси билан, бизга энг яқин турган ва Андромеда юлдузлар туркумида кўринадиган галактика билан бирга ва б. юлдузлар туркуми билан бир қаторда Маҳаллий группани — М.нинг кўп сонли кичик системаларидан бирини ташкил этади. *Қизил силжиш* М.нинг номқўлимлигидан (кенгайшидан) далолат беради.

МЕТАЛОГИКА — ҳозирги замон формал логикасининг системалари ва тушунчаларини тадқиқ этувчи назария (Метаназария). Исботлаш наза-

рияси, *формаллаштирилган тилларда* тушунчаларнинг, *ҳақиқатнинг* аниқла-ниши, мазмунни шарҳлаш ва ҳ. к. масалаларни ишлаб чиқмоқда. М. икки бўлимга: *логик синтаксис* ва *логик семантикага* бўлинади. М.нинг ривожланиши *формаллаштирилган тилларнинг* тузилиши ва *хоссаларининг* ўрганилиши билан боғлиқдир. М. соҳасидаги асосий ишлар Г. Фрегега, поляк логикларининг *Львов-Варшава мактаби* вакиллариغا, Д. Гильбертга, К. Гёделга, А. Тарскийга, А. Чёрнга, Р. Карнапга, Ж. Кеменига ва б. га тааллуқлидир.

МЕТАМАТЕМАТИКА (исботлар назарияси) — формал системалар ва *ҳисобларнинг* турли хоссаларини (зидмаслик, тўлиқлик ва б.) ўрганиш билан шуғулланувчи назария. «М» терминини *Гильберт* ўзининг математикани асослаш концепцияси (*Формализм*) муносабати билан киритган. Сўнгги йилларда бу соҳада бир қанча муҳим натижалар ҳосил қилинган (формал арифметиканинг потўлиқлиги ҳақидаги ва системанинг зидмаслигини шу системада формаллаштириладиган воситалар ёрдами билан исботлаш мумкин эмаслиги ҳақидаги *Гёдель* теоремаси ва б.).

МЕТАНАЗАРΙΑ — бу шундай назарияки, унинг тадқиқот мавзун қандайдир бошқа бир назариядан иборат бўлади. М. муайян назариянинг қондалари ва тушунчалари системасини ўрганади: унинг чегараларини, янги тушунчалар жорий қилиш ва унинг қондаларини исботлаш усулларини ва ҳ. к. белгилаб, назарияни энг рационал усул билан тузиш имкониятини беради. М. метатилда (*Метатил ва тил-объект*) формаллаштирилади. Ҳозирги вақтда логика М. си (*Металогика*) ва математика М. си (*Математика*) энг кўп ривож топган: уларнинг ривожланишида *Гильберт*, *Гёдель*, С. Клини ишлари алоҳида роль ўйнади. Номатематик фанлар учун М. яратишда фақат дастлабки қадамларгина қўйилди. М.нинг марказий вазифаси — илмий назарияларни *формаллаштириш* шарт-шароитини ҳамда *формаллаштирилган тилларнинг син-*

тактик (*Логик синтаксис*) ва семантик (*Логик семантика*) хоссаларини тадқиқ қилишдан иборат. Кибернетика ва ҳисоблаш техникасининг ривожланиши муносабати билан бундай тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

МЕТАТИЛ ВА ТИЛ-ОБЪЕКТ—ҳозирги замон логикасининг тушуначалари. Табиий ёки сунъий тил (мас. мантикий *ҳисоб* ёки конкрет илмий назария тили) тадқиқот мавзуи бўлганда, тадқиқ этиладиган, тил-объект деб аталадиган тилини ана шу тил-объект тадқиқ этиладиган тилдан фарқ қилмоқ зарур: мазкур тил тил-объектга нисбатан метатил деб аталади. Жумладан, бирон *метаназария* ифодаланган тил метатилдир. Метатил билан тил-объект ўртасида тафовутнинг йўқлиги турли хилдаги парадоксларга олиб келади. Қоидага кўра, метатил, биринчидан, тил-объектнинг ҳамма ифодаларининг *номларини* ва, иккинчидан, тил-объектнинг турлича синтастик ва семантик характеристикалари учун керакли ифодаларни ўз мазмунига киритиб олмоғи, яъни тил-объектдан мантиқан бойроқ бўлмоғи лозим. Табиий тилдан (оддий, сўзлашув тилидан) ёки *формаллаштирилган тилдан* метатил сифатида фойдаланиш мумкин. Бу сўнгги ҳолда метатилни *формаллаштириш* иккинчи тартибдаги метатилда бажарилмоғи лозим ҳ. к. Иккинчи томондан, математика ва логикани асослаш юзасидан қилинадиган тадқиқотларда (*Математика*, *Формализм*) метатилни финит (*Финитизм*) воситалар билан зич чеклаб қўйиш жуда муҳимдир.

МЕТАФИЗИКА. I. «М.» термини эразмиздан олдинги I-асрда *Аристотель* фалсафий мероси бир қисмининг *белгиси* сифатида пайдо бўлди ва унинг айнан маъноси «физикадан кейин келадиган нарса» демакдир. Аристотель ўзи ўз фалсафий таълимотининг, унинг ишониччи, бу энг муҳим бўлимини «биринчи философия» деб атаган; бу философия гўё бутун мавжудотнинг сезги органларига муяссар бўлмайдиган, фақат ақл югуртириш ёрдамида пайқаладиган ва ўзгармай-

диган, ҳамма фанлар учун мажбурий бўлган олий ибтидоларини талқин қилар эмиш. Ана шу маънода «М.» терминини ундан кейинги философияда ишлатиб келинди. Урта аср философиясида М. теологияга унинг фалсафий асоси бўлиб хизмат қилди. Тахминан 16-асрдан бошлаб «М.» термини билан бир қаторда тенг маънода «*онтология*» термини ишлатиб келинди. Декарт, Лейбниц, Спиноза ва 17-асрнинг бошқа философларида М. ҳали табиий-илмий ва гуманитар билим билан маҳкам боғланган ҳолда юзага келган эди. Бу боғланиш 18-асрда, айниқса *Вольф* ва б. онтологиясида йўқолган эди. Худди ана шу маънода «М.» термини ҳозирги замон буржуа философиясида кенг суратда ишлатилмоқда. 2. Янги замонда М. ни антидиалектик тафаккур усули сифатида, билишдаги бир ёқламалик натижаси сифатида тушуниш пайдо бўлади; бундай тушунишда нарсалар ва ҳодисалар ўзгармас ва бир-бирига боғлиқмас деб қаралади ва ички зиддиятларнинг табиат ва жамият тараққиётидаги наъба эканлиги инкор этилади. Тарихан бу нарса шундан келиб чиққан эдики, илмий-фалсафий билиш қадим замонда ва Уйғониш даврида умуман табиатни ҳаракатда, ривожланишда олиб қараган бўлса, эндиликда, илмий билим чуқурлашиб ва дифференциялашиб бориши муносабати билан, табиатни бир-бири билан алоқадор бўлмаган ҳолда қараб чиқиладиган бир қанча алоҳида соҳаларга бўлиб ташлаган эди. «М.» терминини антидиалектика маъносинда биринчи марта Гегель ишлатган эди, у илгариги М. ҳам, одатда, антидиалектика тарзида тузилганлигини назарда тутиб, шундай қилган эди. Бу ҳол «М.» терминининг турлича икки маъносини яқинлаштиради. Маркс ва Энгельс фанларнинг ва ижтимоий тараққиётнинг маълумотларини умумлаштириб, метафизик тафаккурнинг илмий асосизлигини очиб ташладилар ва материалистик *диалектика* методини унга қарама-қарши қилиб қўйдилар. Ленин билиш процессининг ҳар қандай томонлари ва моментла-

рини абсолютлаштириш метафизик характерга эга бўлишини кўрсатди.

МЕТАЭТИКА — этиканинг бир бўлими бўлиб, унда ахлоқий тилнинг эпистемологик ва логик табиатининг проблемалари ишлаб чиқилади. Бу термин этикага логик позитивистлар томонидан киритилган; уларнинг фикрича, М. ўзига хос фалсафий фандир, *норматив этикага* қарама-қарши бўлган бу фан фақат ахлоқий тилни тадқиқ қилади, у турли ахлоқий позицияларга нисбатан «бетараф»дир. Ахлоқий мулоҳазалар логикасини тадқиқ қилиш тўғрисидаги ва этиканинг метадологик ва логик проблемаларини алоҳида соҳага ажратиш мумкинлиги тўғрисидаги масала ўз-ўзлича тамомила қонуний масаладир. Лекин позитивистлар М. ни ахлоқий муҳокамаларнинг, уларнинг мазмунидан қатъи назар, соф формал тадқиқоти деб фикр қиладилар. Бундай тадқиқот яхшилик ва ёмонлик нимадан иборат, қандай қилиб ахлоқ социал-тарихий шарт-шароитга боғлиқ бўлади, инсоннинг ҳаётий фаолиятида ахлоқ-одобнинг қандай аҳамияти бор, деган масалаларга дахл қилмайди. Бироқ бу масалаларни ҳал қилмасдан туриб, М. фалсафий назария бўлмайди ва *модал логиканинг* кўринишларидан бирига айланиб қолади. Позитивистларнинг ғайри партиявий, «бетараф» фан сифатидаги этика яратилган даъвоси ҳам шу қадар ғайри қонунийдир (*Логик позитивизм*). Этиканинг социологик, тарихий ва фалсафий проблемалари инсоннинг ўз ахлоқий позициясини ва амалий ҳатти-ҳаракатини танлашига бевосита муносабати бўлган норматив масалалар билан узвий равишда боғлиқдир.

МЕТОД (грек. *methodos* — айнан маъноси: «бирон нарсага бориш йўли» демакдир) — энг умумий маънода мақсадга эришиш усули, муайян тарзда тартибга солинган фаолият. М. махсус фалсафий маънода, билиш воситаси сифатида, ўрганиладиган предметни тафаккурда қайта ҳосил қилиш усулидир. Илмий равишда асосланган М. ларни онгли суратда

тадқиқ этиш — янги билимлар ҳосил қилишнинг энг муҳим шартидир. Билишнинг ривожланиш процессида илмий тафаккурнинг *индукция, дедукция, анализ ва синтез, аналогия, таққослаш, эксперимент, кузатиш* ва ш. к. умумий принциплари ишлаб чиқилади. Ҳамма билиш М. лари асосида воқеликнинг объектив қонунилари ётади. Шу сабаблн М. назария билан чамбарчас боғлиқдир. Конкрет фанларнинг махсус М. лари мавжуддир, чунки бу фанлар ўзларига хос предметларни ўрганади. Конкрет фанлардан фарқли ўлароқ, философия билишнинг янги умумий М. ини — материалистик *диалектикани* ишлаб чиқмоқда. Моддий олам тараққиётининг энг умумий қонунилари диалектик М. нинг объектив асосини ташкил этади. Бу М. бошқа фанларнинг М. и. ўрини эгалламайди, балки уларнинг умумий фалсафий асоси бўлиб хизмат қилади ва барча соҳаларда билиш қуроли сифатида юзага келади. Диалектика айни вақтда дунёни ўзгартириш М. и. ҳамдир. Диалектик М. идеалистик диалектикага ва метафизикага қарама-қаршидир.

МЕТОДОЛОГИЯ—1) бирон фанда тадқиқ этиладиган тадқиқот усулларининг мажмуи; 2) илмий билиш ва дунёни ўзгартириш *методи* ҳақидаги таълимот. Илмий билиш методларининг назарий асоси ривожланиб бораётган фаннинг эҳтиёжлари тақозоси билан юзага келган бўлиб, Ф. Бэкон ва Декартдан бошлаб янги философияда энг ривож топди. Марксдан олдинги материалистик философия билиш методларини объектив олам қонунилари билан асосларди. Идеалистик системалар уларни руҳ, идея қонуниларига боғлаб изоҳлашга уринарди ёки инсон ақли ўзбошимчалик билан яратадиган қондалар мажмуи деб қарарди. Шу билан бирга кўпинча билишнинг умумий методи билишнинг конкрет соҳаларидан бирининг қонунилари билан (механика, математика, биология ва ҳ. к.) боғлаб қараларди, бирон-бир фаннинг методидан иборат қилиб қўйиларди.

Гегель М. га муҳим ҳисса қўшди.

У биринчи бўлиб фалсафий методнинг ўзига хос характериға, унинг конкрет фанлар методларидан фарқ қилишиға ва бу методлардан иборат қилиб бўлмаслиғига эътибор берган эди. У, метод—мазмуннинг ўзининг ҳаракатидир ва шунинг учун уни мазмун билан боғламасдан туриб ишлаб чиқиш мумкин эмас, деб таъкидлаган эди. Бироқ гегелча философия идеализми методнинг родини абсолютлаштиришға, объектив олам қонуниятларини билиш қонуниятларидан иборат қилиб қўйишға олиб келди. Марксистик М., билиш методлари замирида табиат ва жамият қонунилари асос бўлиб ётади, деган фикрдан келиб чиқади. Билиш методи воқеликнинг ўзининг объектив қонуниларини акс эттирган тақдирдагина илмий метод бўлиши мумкин. Шу сабабли илмий метод принциплари, унинг категориялари ва тушунчалари — инсон ақли яратган ўзбошимча қондалар йиғиндиси эмас, «инсоннинг ёрдами эмас, балки табиатнинг ҳам, инсоннинг ҳам қонуниятининг инъикосидир...» (В. И. Ленин, 29- т., 83- б.) Шу билан бирга марксистик М. предмет диалектикасига ҳам, унинг тафаккурдаги инъикосининг ўзига хос хусусиятиға ҳам таянади. Бу сўнги ҳол уни Марксдан олдинги материализм М. сидан тубдан фарқ қилдиради. Марксистик М. тафаккур қонуниятларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобға олади ва (буниси айниқса муҳим) уларни ижтимоий субъектнинг объектив оламға амалий таъсири билан боғлайди. Илмий билиш М. сининг аҳамияти ҳозирги шароитда ўсиб бормоқда, бу эса фаннинг, айниқса унинг физика, математика, биология, кибернетика ва ш. к. тармоқларининг гуркираб ривожланаётганлиги билан боғлиқдир. Метаназарий тадқиқотларнинг кенг ривожланаётганлиги (*Метаназария*), конкрет илмий тадқиқотларнинг М. проблемалари билан маҳкам алоқаси методологик масалаларға қизиқиш кучайиб бораётганлигидан далолат беради.

МЕХАНИЦИЗМ — бу шундай дунёқарашки, у табиат ва жамият та-

раққиётини материя ҳаракатининг механик формаси қонунилари билан изоҳлайди. М. нинг тарихан пайдо бўлиши ва ёйилиши 17—18- асрдаги классик механика (*Галилей, Ньютон ва б.*) ютуқлари билан боғлиқ эди. Классик механика материя, ҳаракат, макон ва замон, *сабабият* (лапласча детерминизм) ва ш. к. ҳақида ўзига хос тасавурларни ишлаб чиқди. Умуман М. сингари, бу қарашлар ҳам, уларнинг 17—18- асрлардаги табиёт илми даражаси билан чекланган бўлишиға қарамай, фан ва философиянинг ривожланишида ижобий роль ўйнади. Улар табиатнинг кўп ҳодисаларини табиий-илмий нуқтан назардан тушунтириб, бу ҳодисаларни мифологик ва диний-схоластик талқин этишлардан халос қилдилар. Механика қонуниларини абсолютлаштириш шунға олиб келдики, унинг оқибатида оламнинг механистик картинаси яратилди, бу картинаға кўра, бутун коинот (атомлардан планеталарғача) ўзгармас элементлардан таркиб топган биқиқ механик системадан иборат, бу элементларнинг ҳаракати эса, классик механика қонунилари билан белгиланади. Фан тараққиётининг бу даражасига метафизик тафаккур усули (*Метафизика*) мувофиқ келарди. Бироқ фаннинг удан кейинги тараққиёти М. нинг маҳдудлигини очиб берди. Электромагнит, химиявий, биологик ва айниқса социал ҳодисаларни механика нуқтан назардан изоҳлашға уришишлар муқаррар равишда муваффақиятсиз бўлиб чиқди. 19—20- асрларда табиёт илмининг эришган ютуқлари оламнинг механистик картинасини емириб ташлади ва табиий ҳамда ижтимоий процессларни янги-ча, диалектик-материалистик нуқтан назардан изоҳлашни қаттиқ талаб қила бошлади. Бундай шароитда М. нинг ҳар қандай формасида унга қайтиш илмий билимларнинг прогрессив тараққиёти йўлида тўсиқ бўлиб қолади. Кенг маънода — материя ҳаракатининг юқори формасини қуйи формаси билан (мас., социал формани биологик форма билан, биологик формани физик ёки химик форма билан ва

ҳ к) абстракт тенглаштириш ҳам •М• термини билан ифодаланади.

МЕЧНИКОВ Илья Ильич (1845—1916) рус биология ва медицина олим, жамоат арбоби ва мутафаккир. 1888 йилдан чет элда истиқомат қилди. Биологияда материалистик йўлни қаттиқ туриб ёқлади ва дарвинизми қатъият билан ҳимоя этди ва пропаганда қилди: *Дарвиннинг* мальтусчилик хатоларини танқид қилди. М. нинг зоология, эмбриология, микробиология, патология, антропология соҳасидаги тадқиқотларида стихияли диалектик тафаккур излари кўринади, бу тадқиқотлар бир қанча йўналишларда дарвинизми ривожлантирилди ва тирик табиат диалектик касини очиб беришга кўмаклашдилар. М. нинг эволюцион эмбриология соҳасидаги ишлари турли гуруҳлардаги ҳайвонларнинг эмбрион ривожланиш умумий қонуниятларини аниқлашга, уларнинг генетик қардошлигини ва органик оламнинг келиб чиқиши бирлигини исботлашга ёрдамлашди. Ўз ишлари билан М. Конгейм ва Вирховнинг ўша вақтда ҳукмрон бўлган метафизик концепцияларига қарама-қарши ўлароқ, эволюцион патология ва иммунологияга асос солди. М. нинг микроблар антагонизмдан фойдаланиш ҳақидаги идеяси кейинчалик антибиотиклар медицинасида рўёбга чиқарилди. Табиатга қарашлардаги материализм М. да тарихий идеалистик тушуниш билан қўшилиб кетган эди. Социал иллатга қарши курашда у илмий тараққиётга умид боғлаган эди. Чунки илмий тараққиётни жамият тараққиётининг ҳал қилувчи кучи ва барча социал проблемаларни ҳал этиш калити деб биларди. М. нинг дунёқарашини очиб кўрсатувчи асосий асарлари: «Инсон табиати ҳақида этюдлар» (1903), «Оптимизм этюдлари» (1907), «Рационал дунёқарашнинг қирқ йил изланиши» (1913).

МЕЧНИКОВ Лев Ильич (1838—88) — рус социолог, географ ва публицисти; И. Мечниковнинг акиси. Италияда миллий-озодлик курашда қатнашган, Гарибальди «Минггининг

кўнгилли аскари бўлган. Герцен «Колоколыда ва Чернишевский «Современник»да ҳамкорлик қилган. 1883—88 йилларда Нефшатель академиясида (Швейцария) қиёсий география ва статистика кафедрасига бош бўлган. Бутун цивилизация тарихига бағишланган социологик асар режасини тузгач, М. унинг фақат муқаддимасини ёзган. Бу муқаддима 1889 йилда «Цивилизация ва буюқ тарихий дарёлар» номи билан нашр этилган. М. географик детерминизм тарафдори. Жамият тараққиёти физик-географик муҳит билан ва аввало гидросфера билан белгиланади. Дарё, деңгиз, океан алоқа йўллари, тегишинча, қадимги, ўрта аср ва янги цивилизацияларни туғдиради. Биология қонуналарини жамиятга таъбиқ этган социологларга қарши чиқар экан, М. жамиятнинг ўзига хос хусусиятини кишиларнинг эркин кооперация (шеркат) бўлишида деб биларди. Тўғри, бу фикрида у собит қадам эмас эди, чунки у ҳайвонот оламида ҳам социал алоқа (кооперация) элементлари бор деб биларди. М. нинг назаринча, социал тараққиёт мезонин эзилшдан анархияга қараб ривожланувчи жамиятнинг ҳамкорлиги ва эркинлиги ўсиб боришидан иборат эди (М. нинг қарашларида *Бакунинг* таъсир борлиги сезилиб турарди). М. чоризмга душман эди. Плеханов уни 60-йиллардаги авлоднинг ажойиб вакили деб атаган ва «бизнинг ижтимоий ҳаётимиз, бизнинг фанимиз ва адабиётимиз кўп жиҳатдан ундан миннатдордир», деган эди.

МЕҲНАТ — бу «аввало инсон билан табиат ўртасида содир бўладиган процессдир, бу процессда инсон ўз фаолияти орқали ўзи билан табиат ўртасидаги моддалар алмашинувини амалга оширади, тартибга солади ва назорат қилади» (К. Маркс ва Ф. Энгельс, 23-т., 188-б.). Инсон ташқи табиатга таъсир кўрсатиш жараёнида уни ҳам, ўзини ҳам ўзгартиради. Инсон табиатни ўзгартираркан, ўзининг оғли мақсадини амалга оширади, табиат буюмларини ўз эҳтиёжларига мослаштиради. М. процесси уч мо-

ментни: 1) инсоннинг мақсадга мувофиқ фаолиятини, ёки М. нинг ўзини, 2) М. предметини ва 3) инсон мақсад-предметга таъсир кўрсатадиган ишлаб чиқариш қуролларини ўз ичига олади. М.—инсон ҳаётининг биринчи ва асосий шартидир. У инсонга зарур тирикчилик воситаларини берибгина қолмайди. Инсоннинг ўзини ҳам М. яратган. М. туфайли инсон ҳайвонот оламидан ажралиб чиққан. Инсоннинг ҳайвондан муҳим фарқларидан бири шуки, ҳайвон табиатнинг тайёр маҳсулотларидан фойдаланади, инсон эса М. туфайли табиатни ўз мақсадларига хизмат қилдиради, уни ўзгартиради, ўз эҳтиёжларига бўйсундиради. Турли *ижтимоий-иқтисодий фермацияларда* М. турлича формаларда юз беради, бу формалар даврнинг ижтимоий муносабатлари қай даражада ривожланганлигини кўрсатади. *Ибтидоий жамоа тўзуми* даврида, гарчи примитив формада бўлсада, умумий, коллектив М. ва ишлаб чиқариш воситаларининг ҳамда М. натижаларининг умумий мулклиги мавжуд бўлади. Бунда бировнинг меҳнати эксплуатация қилинмайди. Ундан кейинги синфий антагонистик ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг ҳаммасида инсон М. и. шафқатсизлик билан эксплуатация қилинади: *қулдорлик даврида* қул меҳнати, *феодализм даврида* крепостной деҳқон меҳнати аёвсиз эксплуатация қилинади. *Капитализм даврида* эксплуатация ўзининг энг юқори нуктасига етади. Капитализм даврида М. кишини руҳан ва жисман ишдан чиқаради ва майиб қилади. Фақат *социалистик революция* ишчини эксплуатациядан озод қилади. *Социализм* ва айниқса *коммунизм* давридагина М. ўзининг ҳақиқий вазифасини бажаради — фақат яшаш манбаи эмас, балки ижодий илҳом ва лаззат манбаи бўлиб ҳам хизмат қилади (*Коммунистик меҳнат, Ақлий ва жисмоний меҳнат, Социализм ва коммунизм*).

МЕҲНАТГА МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШЛАР — инсон фаолиятининг англаб тушуниб олинган ундов омиллар бўлиб, бу

омиллар инсоннинг меҳнатга бўлган эҳтиёжларини қондиришга қаратилгандир. Моддий рағбатлантиришлар тирикчилик воситаси сифатида меҳнатга бўлган эҳтиёжни қондириш билан боғлиқдир, маънавий рағбатлантиришлар эса меҳнат ижодий фаолиятига бўлган эҳтиёж билан боғлиқ бўлиб, бу фаолият ўз натижаларининг ижтимоий қиммати билан қаноат бахш этади. Ҳар бир *ижтимоий-иқтисодий формацияда* меҳнатга рағбатлантиришнинг ўз системаси амал қилади ва бу система ижтимоий ҳодисалар (хўжалик, ахлоқий, идеологик ва ш. к. ҳодисалар) мажмудан иборат бўлади. Рағбатлантиришларнинг характери ва мазмуни ижтимоий муносабатлар, *ишлаб чиқарувчи кучлар* тараққиётининг даражаси, шахснинг маънавий камолоти билан белгиланади. Капитализм шароитида ҳамма нарса хусусий қорчалонлик манфаатларига бўйсундирилган. Бу эса моддий рағбатлантиришларнинг чўлоқ-чўлтоқ ривожланишига сабаб бўлади ва амал қилиш соҳаси чеклаб қўйилган маънавий рағбатлантиришларга зиён етказиши. Фақат социализм шароитида моддий рағбатлантиришлар билан маънавий рағбатлантиришларнинг диалектик бирлигига асосланган рағбатлантириш системасини вужудга келтириш мумкин. Бу бирликда моддий рағбатлантириш асосий ва етакчи куч бўлиб юзага келади. Моддий ва маънавий рағбатлантиришни айни бир вақтда ўзда мослаб қўшадиган қизиқтириш формаси — мукофот системасидир. Социализм шароитида маънавий рағбатлантириш нисбий мустақилликка эга бўлишига қарамай, у моддий рағбатлантириш билан мустаҳкамланган тақдирдагина доимий амал қилувчи фактор бўлиб қолди. Социалистик жамият қонунияти моддий рағбатлантириш орқали маънавий рағбатлантиришга боришда намоён бўлади. Моддий рағбатлантиришни эътиборга олмаслик маънавий рағбатлантиришга зиён етказиши. Ўз навбатида моддий қизиқтиришларни кучайтириш ва маънавий рағбатлантириш системасини ривожлантириш

моддий манфаатдорликни керакли йўлга солиб юборади ва унинг чўлоқ-чўлтоқ формага киришига йўл қўймайди. Коммунизм даврида, меҳнат ҳаётий эҳтиёжга айлангач, кишилар ҳақ олишни ўйламасдан меҳнат қиладиган бўлгач (*Коммунистик меҳнат*) маънавий рағбатлаштиришлар асосий омил бўлиб қолади, шахсий моддий манфаатдорлик эса жамиятнинг моддий манфаатдорлиги билан бағамом қўшялиб кетади.

МЕҲНАТ ТАҚСИМОТИ. 1. Кенг маънода — ўз белгиларига кўра турлича бўлган ва айни вақтда бир-бири билан ўзаро таъсир қилиб турадиган меҳнат турларининг, умуман ишлаб чиқариш функциялари, машғулотларнинг ёки уларнинг жамларининг системаси ҳамда улар ўртасидаги ижтимоий алоқалар системаси. Машғулотларнинг эмпирик хилма-хиллиги иқтисодий статистикада, меҳнат экономикасида, тармоқли иқтисодий фаиларда, *демографияда* ва ҳ. к. қараб чиқилади. Территориал, шу жумладан халқаро М. т. ни иқтисодий география тасвирлаб беради. Турли ишлаб чиқариш функцияларининг нисбатини уларнинг моддий натижаси нуқтаи назаридан аниқлаш учун К. Маркс «меҳнатнинг тақсимланиши» терминини ишлатишни афзал кўрган. 2. Социал М. т. — ўз социал моҳияти билан инсон *фаолияти* сифатидаги М. т. бўлиб, иxtисослаштиришдан фарқи ўлароқ, у тарихан ўткинчи социал муносабатдан иборат. Меҳнатни иxtисослаштириш — меҳнат турларини предметга қараб бўлишдир, бу бўлиш ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиёгини бевосита ифодалайди ва унга кўмаклашади. Бундай турларнинг хилма-хиллиги инсоннинг табиатини ўзлаштириш даражасига мувофиқ келади ва унинг ривожланиши билан бирга ўсиб боради. Бироқ синфий формацияларда иxtисослаштириш яхлит фаолиятларининг иxtисослаштирилиши сифатида амалга оширилмайди, чунки иxtисослаштиришнинг ўзи социал М. т. нинг таъсирини дучор бўлади. Социал М. т. инсон фаолиятини шундай қисмий функциялар ва операцияларга бўлиб

ташлайдики, булардан ҳар бири ўз-ўзича энди фаолият характерига эга бўлмайди ва инсон томонидан унинг социал муносабатларини, унинг маданиятини, унинг маънавий бойлигини ва шахс сифатида ўз-ўзини такрор ҳосил қилиш усули сифатида юзага келмайди. Бу қисмий функциялар ўз мазмунидан ва мантиқдан маҳрум этилган; уларнинг зарурати М. т. системаси томонидан сиртдан уларга қўйилган талаблар сифатидагина юз беради. Моддий ва маънавий (ақлий ва jisмоний), ижро этиш ва бошқариш меҳнатнинг, амалии ва идеологик функциялар ва ш. к. ларнинг тақсимланиши ана шундай. Социал М. т. нинг ифодаси — моддий ишлаб чиқариш, фаол, саъят ва ҳ. к. ларнинг алоҳида-алоҳида соҳалар сифатида ажралиб чиқиши ҳамда уларнинг ўзларининг айрим қисмларга бўлиниб кетишидир. М. т. тарихан муқаррар равишда синфий бўлинишга қадар ўсиб боради. Энгельс бу проблеманинг Маркс томонидан қилинган анализини яқунлаб ёзган эдики: «Меҳнат тақсимоти билан бирга одамнинг ўзи ҳам бўлакларга бўлинади... Меҳнат тақсимоти қай даражада ўсиб борса, одамни бундай майиб қилиш ҳам шу даражада ўсиб боради...» (20-т., 300-б.). Одам «қисмий» бўлиб қолади (Маркс). Демак, гап М. т. иxtисослаштиришни чала-чўлтоқ тор қилишида ва ҳатто одамга муайян касбнинг бирктиб қўйилишида эмас ва фақат шунда эмасдир, гап шундаки, индивид шахс сифатида эмас, балки муайян функциянинг эгаси сифатида, муайян сифатга эга бўлган иш кучи сифатида социал алоқага кириди. У ташқаридан бюрилган ролни бажарувчи персонаж сифатида майдонга чиқади. Капитализм М. т. нинг зиддиятларини ва унинг оқибатларини ниҳоятда кескилик даражасига етказди (*Бегоналаниши*). Бу зиддиятлар, социализм ва коммунизм қурилиши давомида аста-секин ҳал қилиб борилади. Коммунизмнинг вазифаси — инсоннинг ўзини тақсимлаб қўядиган М. т. ни иxtисослаштиришни янада чуқурлаштириш ва хилма-хил қобили-

ятларни ривожлантириш асосида, яъни ҳар бир киши *шахси* ҳар *томонлама*, *яхлит камол топтириш* йўли билан батамом бартароф қилишдан иборат.

МИКРОСОЦИОЛОГИЯ (грек. mikros — кичик) — социологиянинг бир бўлими бўлиб, унинг ўрганадиган объекти кичик (состави жиҳатидан оз сонли) социал гуруҳларнинг (мас., оила, ишлаб чиқариш бригадаси, мактаб синфи, спорт командаси, дўстлар гуруҳи ва ҳ. к.) структура ва ҳаракатидан иборат. Бундай гуруҳларнинг аъзолари умумий фаолият билан бирлашган бўлиб, бир-бирлари билан бевосита шахсан ҳамжиҳат бўлиб яшайдилар, бу эса ҳар бир гуруҳ ичида муайян эмоционал муносабатларнинг (муҳрибонлик, номехрибонлик, лоқайдлик) пайдо бўлиши учун ҳам, алоҳида гуруҳавий *қимматдорликлар* ва хатти-ҳаракат қоидалари учун ҳам асосдир. М. 20-асрнинг 30-йилларида буржуа социологиясидаги йўналишлардан бири сифатида пайдо бўлди. Бу *позитивизм* философиясининг таъсири билан (социал микроламин ўрганишга қизиқиш, табиий-илмий терминологиядан социал атом, социал майдон, социал кўламлик қонуни ва ш. к. терминлардан фойдаланиш) ҳамда буржуа жамиятининг амалий социал проблемалари (синфлараро, миллатлараро, ирқлараро низоларни ҳал қилиш, армияда маънавий руҳни кўтариш ва пропаганданинг самарадорлиги, жиноятчиликка, буржуа оиласининг ахлоқий бузилишига, руҳий касалликларнинг кўнайтишига қарши кураш зарурлиги ва ҳ. к.) натижасида юзга келган. М. *социал психология* билан маҳкам боғлиқ бўлиб, унинг бир қанча йўналишлари бр: социометрик йўналиш (*Ж. Морено* мактаби), «*гуруҳавий динамика*» (*К. Левин* мактаби), социологик йўналиш (*Э. Мэйо* мактаби). Бу йўналишларнинг вакиллари кичик гуруҳлардаги социал психологик муносабатларни ўрганиш методлари ва техникасини ишлаб чиқдилар: кузатишлар, сўраб чиқишларнинг турли шакллари, интервьюлар, социометрик техника

(гуруҳа аъзолари ўртасидаги эмоционал алоқалар ҳақидаги маълумотлар, ундаги ролларнинг тақсимланиши ва унинг аъзолари ўртасидаги ўзаро таъсир намуналари асосида кичик гуруҳларнинг шкालарини, матрицаларини тузиш ва структурасини график тасвирлаш). Микросоциологик назариянинг *Г. Зиммель*, *Ч. Кули*, *Э. Дюркгейм*, *Ф. Теннис* ва б. асарларида бошлаб берилган асослари *Хоуманс*, *Бейлс*, *Морено* (*АҚШ*), *Гурвич* (*Франция*), *Кениг* (*ГФР*) томонидан ривожлантирилмоқда. Бу кишилар кичик гуруҳларнинг структураси ва ҳаракат қилиши қонуниятларини очиб бериш йўли билан кишиларнинг турди вазиятлардаги (ишдаги, турмушдаги, дам олишдаги) социал хатти-ҳаракатини бошқаришнинг оптимал моделини ишлаб чиқиб, микроструктура билан (гуруҳлар ичидаги психологик муносабатлар билан) макроструктура (гуруҳа аъзоларининг топириқ характери ва ташқи муҳит таъсирига боғлиқ бўлган маконда жойлашувлари) ўртасидаги зиддиятларини минимумга етказишдан иборат қилиб қўйишни ўз олдларига вазифа қилиб қўймоқдалар. Бу назариянинг асоссизлиги шундаки, у кичик гуруҳларни ўрганишдан ҳосил қилинган хулосаларни катта социал гуруҳларга ва бутун жамиятга кўчиришга ноҳақ равишда уринмоқда. Бу хил хатоларнинг сабаби шуки, буржуа социологлари социал ҳодисаларни анализ қилишдаги психологик факторларнинг бирламчилигини идеаллаштиради абсолюташтирамоқдалар.

МИЛЕТ МАКТАБИ (июния мактаби) — Грецияда энг қадимги материальстик фалсафий мактаб; унинг биринчи вакиллари эраминдан олдинги 6-асрга бориб тақалади. У вақтда Милет йирик савдо-сотиқ, денгизчилик ва маданият маркази эди, бу эса *Фалес*, *Анаксимандр*, *Анаксимен* каби атоқли милетликларнинг фикр доира-си кенгайишига ва илм-фанга қизиқишларига сабаб бўлди. Математика, география, астрономия соҳасида илмий кашфиётлар қилганлар ҳам шу атоқли милетликлар эди. Улар мод-

дий, жисмоний, алоҳида нарсани сув, ҳинво ва ҳ. к. бениҳоя хилма-хил ҳодисалар асосида ётувчи бирдан-бир нарсалар деб ҳисоблардилар. М. м. философлари шунингдек стихияли диалектиklar ҳам эдилар. Гиппон ва Диоген Апполоний (эрамыздан олдинги 5-аср) М. м. нинг кейинроқ майдонга чиққан, унча йирик бўлмаган вакиллари эдилар.

МИЛЛАТ (лат. *natio* — халқ) — кишилар умумиятининг тарихан таркиб топган формаси бўлиб, бу форма элат ўрнига келади. М. га аввало моддий ҳаёт шароитларининг умумияти хосдир: территория ва иқтисодий ҳаёт умумияти; тил умумияти; маданиятнинг миллий ўзига хослигида намоён бўладиган миллий характернинг маълум белгилари умумияти. М. элатга қараганда кенгроқ умумият формаси бўлиб, бу форма капиталистик формация пайдо бўлиши ва шаклланиши билан таркиб топади. Феодал тарққликни тугатиш, мамлакат ичидаги айрим областлар ўртасида иқтисодий алоқаларнинг мустаҳкамланиши, маҳаллий бозорларнинг умуммиллий бозорга бирлаштирилиши М. нинг пайдо бўлиши учун иқтисодий негиз бўлди. Бу даврда пайдо бўлган. М. ларнинг раҳбар кучи буржуазия эди, бу эса М. ларнинг социал-сиёсий ва маънавий қиёфасига муайян из қолдирди. М. лар ривожланиб борган сари, улар ичидаги социал зиддиятлар тобора кескинлашади, синфларнинг қарама-қаршилиги юзага келади. Буржуазия зиддиятларни сусайтириш учун миллатлар орасида антагонизмларни авж олдиради. У *миллатчилик* ва миллий худбинлик идеологиясини тарғиб қилади. М. лар ўртасидаги низо ва нафрат, миллий жанжаллар капитализмнинг муқаррар натижасидир. Пролетариат буржуа миллатчилигига *интернационализм* идеологияси ва сиёсатини қарама-қарши қилиб қўяди. Капитализм тугатилгач, М. ларнинг қиёфаси тубдан ўзгаради. Улар ўзгариб, синфий антагонизмлардан холи бўлган янги, социалистик М. ларга айланадилар, ишчилар синфи билан меҳнаткаш деҳқонлар иттифоқи улар-

нинг асосидир. М. лар ўртасидаги муносабатлар ҳам тубдан ўзгаради: улар ўртасида ўтмишда бўлган ишончсизлик қолдиқлари барҳам ейди, халқлар дўстлиги ривожланади. Миллий зулмнинг тугатилиши ва барча халқлар тенг ҳуқуқлилигининг барқарор этилиши, ўзаро ёрдамнинг амалга оширилиши, ўз тараққиётида орқада қолган халқларнинг хўжалик ва маданий қолақлигининг бартараф қилиниши СССРдаги социалистик М. ларнинг равнақи учун шарт-шароит туғдирди. Социализм шароитида, бир томонидан, миллатлар ривожланиб, равнақ топади, иккинчи томондан, улар яқинлашиб боради. Ана шу асосда СССРда кишилар тарихий умумиятнинг янги формаси — кўп миллатли совет халқи вужудга келди. Коммунизм тўла галаба қилгандан кейин миллатларнинг ҳар томонлама яқинлашуви миллий тафовутларнинг аста-секин барҳам топишига олиб келади. Ривожланган коммунистик жамиятга кишиларнинг М. га қараганда кенгроқ тарихий умумият формаси хос бўлиб, бу форма бутун инсониятнинг бир оиллага бирлаштиради. Аммо бундай умумият жамиятнинг узоқ ривожланиши натижасидагина ва шунда ҳам жамиятнинг тўла социал яқинчилигига эришилгандан анча кейинроқ вужудга келади.

МИЛЛАТЧИЛИК — буржуа идеологияси ва сиёсати принципларидаан бири бўлиб, бу принцип миллий айирмачиликни ва миллий мумотозликни, бошқа *миллатларга* ишонмасликни ва миллатлар орасига адоват солишни тарғиб қилишдан иборат. М. буржуа жамияти миллатларининг ташкил топиши процессида пайдо бўлди ва капитализм тараққиётининг ўзига хос шароитидан келиб чиқди. Капитализм шароитида миллатларнинг ўзаро муносабатлари характерини акс эттираркан, бунда М. икки формада: ҳукмрон миллатнинг улуг давлатчилик шовинизми формасида ва эзилган миллатнинг маҳаллий миллатчилиги формасида юз беради; улуг давлатчилик шовинизмининг ўзига хос хусусияти шуки, у бошқа миллатларга

менсимаслик назари билан қарайди, маҳаллий миллатчилик эса миллий биқўқликка интилиши ва бошқа миллатларга ишонмаслиги билан ажралиб туради. Буржуа ва реформистик идеологлар «умуммиллий» манфаатлар шiorини дастак қилиб олиб, М. дан нозик восита сифатида меҳнаткашларнинг синфий онгини бостириш учун, халқаро ишчилар ҳаракатига инфоқ солиш учун, миллатлараро урушларини ва мустамлакачиликни ҳақ қилиб кўрсатиш учун фойдаланадилар. М. ҳар қандай формада меҳнаткашлар учун мақбул эмасдир, уларнинг ҳақиқий манфаатларини фақат социалистик *интернационализм* акс эттиради. Аммо миллий-озодлик ҳаракатининг муайян босқичида коммунистлар эзилган миллат М. гини қўллаб-қувватлашни тарихан ҳаққоний иш деб ҳисоблайдилар, чунки бу М. умумдемократик мазмунни (антиимпериалистик йўналиш, сиёсий-иқтисодий мустақилликка интилиш) ўз ичига олади. Бироқ М. нинг бу хилдаги кўринишининг иккинчи томони ҳам борки, бу томони империализм билан келишишга мойил бўлган реакцион эксплуататор юқори табақанинг идеологиясини ва манфаатларини ифодалайди. Бу томонни коммунистлар сўзсиз рад қиладилар. М. дунёқараш хислати сифатида майда буржуазия орасида энг кўп тарқалган ва яшовчандир; у майда буржуа идеологиясига хос бўлган социал қатламлар ва сиёсий партиялар учун характерлидир. Миллатларининг ҳақиқий тенглиги барқарор қилинган социализм шароитида М. нинг социал илдиэлари тугатилмоқда, унинг кўринишлари эса фақат айрим кишиларнинг онгида ва ҳатти-ҳаракатида капитализм сарқитлари сифатида сақланиб келмоқда.

МИЛЛИЙ ДЕМОКРАТИЯ ДАВЛАТИ — жамиятнинг сиёсий ташкилот формаси бўлиб, бу форма миллий-озодлик революциясининг ривожланиши ва чуқурлашиб бориши давомида пайдо бўлади. М. д. д. ни империализмга ва янги мустамлакачиликка қарши сиёсий ва иқтисодий мустақиллик учун изчиллик билан

олиб борилаётган кураш, кенг демократик ҳуқуқ ва эркинликларнинг мавжудлиги, халқ оммасининг давлат сиёсатини белгилашда иштироки, революцион социал ўзгартишларнинг, биринчи навбатда аграр реформанинг амалга оширилиши характерлаб бермоқда. «Миллий демократия давлатининг сиёсий негизи тўла миллий мустақиллик учун, кенг демократия учун, антиимпериалистик, антифеодал, демократик революцияни охиригача олиб бориш учун курашаётган барча прогрессив, ватанпарвар кучларнинг блокидир» (КПСС Программаси). М. д. д. нинг ташкил этилиши ишчилар синфининг миллий-озодлик революцияда актив иштироки билан таъминламоқда. М. д. д. ўз социал табиатига кўра, социалистик давлат эмасдир, лекин у маълум шароитда мустамлака зулмидан қўтилган мамлакатларнинг капиталистик тараққиёт йўлини четлаб, социализмга ўтишининг сиёсий формаси бўлиши мумкин.

МИЛЛИЙ МАСАЛА — миллатларнинг озодлиги ва эркин ривожланиш шароитлари тўғрисидаги масала. М. м. га тарихий нуқтага назардан қарамоқ керак, чунки унинг мазмуни ва аҳамияти турли даврларда бир хил эмасдир. Миллатларнинг пайдо бўлиш процессида М. м. феодализмни ағдариб ташлаш ва миллатларни ёт миллий зулмдан қутқариш ваэифалари билан боғлиқ эди. Империализм даврида М. м. давлатлараро масалага айланиб, мустамлака халқларини озод қилиш тўғрисидаги умумий масала билан қўшилиб кетди. Унинг деҳқонлар масаласи билан маҳкам боғлиқ эканлиги маълум бўлди, чунки миллий ҳаракат қатнашчиларининг асосий оммасини деҳқонлар ташкил этарди. Ҳозирги даврда миллий-озодлик курашининг ривожланаётганлиги ва мустамлака системасини тугатиш процесси бораётганлиги муносабати билан халқаро коммунистик ҳаракат олдида империалистик давлатларнинг агрессив янги мустамлакачилик сиёсатига қарши туриш, халқларга ўз миллий мустақиллиги ва суверенитетини сақлаб қолишга ёрдам бериш

вазифаси турибди. Ҳозирги замон миллий-озодлик ҳаракатининг илғор отряди нокапиталистик тараққиёт йўлига кирган, яъни келажакда социалистик жамият қуриш йўлини тутган мамлакатлардир, чунки фақат социализм шароитида М. м. ни изчиллик билан ҳал этишга эришиш мумкин. Буржуа идеологлари миллатларни бир-биридан ажратиб яккалаб қўйишни М. м. ни ҳал қилишнинг бирдан-бир усули деб ҳисоблайдилар, ваҳоланки бундай яккалаб қўйиш амалда миллатлар орасидаги адоватни кучайтиради, бир миллатни иккинчи миллатга бўйсундиради. СССРдаги социалистик революция ва социалистик қурилиш практикаси миллий зулмни тугатиш ва халқлар дўстлигини йўлга қўйишнинг бошқача, революцион йўлини тутиш мумкинлигини ва мақсадга мувофиқлигини кўрсатди. СССРда миллатларнинг ҳуқуқда тенглиги эълон қилинибгина қолмади, балки шу билан бирга халқларнинг эски тузумдан мерос бўлиб қолган амалдаги хўжалик ва маданий тенгсизлиги тугатилди. Барча совет миллий республикалари қардошларча ўзаро ёрдамга ва биринчи галда рус халқининг ёрдамига таяниб, ўзларида ҳозирги замон саноатини, ишчилар синфи ва интеллигенциянинг миллий кадрларини яратдилар, шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятни ривожлантирдилар. Коммунизм қурилиш совет халқларининг янада зичроқ бирлашувига олиб бормоқда. Синфлар ўртасидаги чегараларнинг битиши ва коммунистик ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши миллатларнинг социал яқинлигини кучайтиради, маданият, ахлоқ ва маиший турмушнинг умумий коммунистик ҳислатларини ривожлантиришга, халқлар ўртасида ўзаро ишончни ва дўстлигини янада мустаҳкамлашга ёрдамлашади.

МИЛЛС Райт (1916—62) — америка социологи ва публицисти. Буржуа либерализми нуқтан назаридан ёзган асарларида АҚШда буржуа демократияси ниқирозининг яққол манзарасини тасвирлаган, корпорация, ҳукумат бюрократияси ва ҳарбийларнинг ва-

килларида иборат олигархиянинг ёппа ҳукмронлигини кўрсатган, АҚШнинг ҳарбийлашаётганлигини ва урушга тайёрланаётганлигини фош қилган. АҚШнинг ҳозирги замон социологиясида турли йўналишларни қаттиқ танқид қилиб, унинг методологик заифлигини, формализмини ва монополиялар манфаатига бўйсунганини кўрсатган. М. нинг фикри торлиги шунда намоён бўлдики, у жамиятни қайта қуришнинг ҳақиқий йўллари ни кўрмасди, ишчилар синфининг оламшумул-тарихий ролини инкор этарди ва марксистик философияни хато талқин қиларди. Асосий асарлари: «Ҳукмрон элита» (1956), «Учинчи жаҳон урушининг сабаблари» (1958), «Социологик хаёль» (1959).

МИЛЛЬ Жон Стюарт (1806—73) — инглиз буржуа философи, логик ва экономист, *позитивизм* вакили. Асосий асарлари: «Логика системаси...» (1843), «Сийёсий иқтисод асослари (2 томлик, 1848), «Утилитарианизм» (1863). Философияда *Юм, Беркли, Кант*нинг издоши. М. материализмини ҳам, идеализмини ҳам икки «метафизик» ҳад деб қарарди ва материяни сезгининг фақат доимий имконияти деб, руҳни эса ҳиссиётнинг доимий имконияти деб ҳисобларди. Уларни идрок қилишдан ташқарида нарса-лар мавжуд эмасдир. Инсон фақат «ҳодисаларни» (сезгиларни) биллади ва уларнинг чегарасидан чиқиб бўлмади. Логикада М. ёппанидуктивизмнинг энг ёрқин вакилидир; у янги билимлар ҳосил қилиш методи бўлган *дедукция*ни инкор қиларди ва *индукция*нинг ролини бир томонлама — метафизикларча бўрттириб кўрсатарди. И.нинг хизмати шуки, у сабабий боғланишнинг индуктив тадқиқот методларини ишлаб чиқди. Этикада М. *Бентам утилитаризми* таъсирини бошдан кечирди. Сийёсий иқтисодда М. Д. Рикардонинг меҳнат қиймати назарияси ўрнига ишлаб чиқариш чиқимлари деган вульгар назарияни қўйди, Мальтуснинг халқ-аҳоли назариясини қаттиқ туриб ёқлади. Социал сийёсий қарашлари жиҳатидан М. буржуа либерали эди.

МИЛЮТИН Владимир Алексеевич (1826—55)— рус экономисти, 19-асрнинг 40-йилларида Россиядаги социалистик фикр вакили. Петербург ун-тининг юридик факультетини тамомлаган (1847). *Петрашевчилар* тўғарагининг қатнашчиси. 40-йилларнинг охириларида «Отечественные записки» ва «Современник»да бир туркум мақолалар билан чиқди («Мальтус ва унинг муҳолифлари» ва б.), бу мақолаларда у буржуа иқтисод фани кризис ҳолатда эканлигини тавсифлаб берди. М.нинг фикрича, «фақат аниқ фанлар» инсоннинг ва жамиятнинг тараққиёт қонунларини кашф этишга олиб келиши мумкин. Бинобарин, бир томондан, иқтисодий, ижтимоий таълимотлар табиий, «ижобий» фанларнинг методларини эгаллаб олишлари, иккинчи томондан эса, иқтисодий таълимотларнинг социализм билан яқинлашуви зарур. М. ўзининг ижобий идеалини белгиланида илмий-фалсафий соҳада *Конт* социологиясига, социал-сиёсий соҳада реформаторликка мойил эди; унинг реформаторлик умидлари ишлаб чиқариш уюшмаларига бириктирилган майда мулкдорлар (деҳқонлар) синфини сақлаб қолган ҳолда бутун ерни тинч йўл билан танҳо меҳнат воситасига айлантиришга қаратилган эди.

МИМАНСА (аниқроғи: пурва-миманса)— ҳинд философиясининг ортодоксал системаларидан бири. М.нинг мухлислари, *Ведалар* том маънодаги қаромат эмасдир ва ундаги диний ва фалсафий қоидалар маънавий диний-исботга мутождир, деб ҳисоблар эдилар. Бу системада баъзи браҳманлар ва *Упанишдаларнинг* текстларига аниқса катта аҳамият берилди. М. таълимоти асосида, мужассамлик ҳолатидан—моқша—охирги нажот топшни рационал тарзда тушунириб бўлмайти ва унга билим ва бирон-бир онгли саъй-ҳаракатлар ёрдами билан эришиш мумкин, деган эътиқод эътиди. Асосий эътибор диний маросимларни бажариш ҳамда ҳар бир ҳиндга унинг кастаси томондан юкланган ҳар қандай нораволиклар ва таъқиқлардан иборат бўлган

ижтимоий ва диний бурчга — дхармага—сўзсиз риоя қилишга қаратилмоғи лозим. М. нуктаи назарча, дхармага амал қилиш ўз-ўзликча, индивиднинг интилишига боғлиқ бўлмаган ҳолда, уни охирига нажотга олиб келиши мумкин. *Санхья* сингари, М. ҳам коинотда руҳий ва моддий ибтидо мавжудлигини эътироф қиларди. М. таълимоти биринчи марта Миманса-сутраларда баён қилинган. Ривоятга кўра, бу асарни 3-асрда яшаган Жаймини ёзган. Кейинроқ майдонга чиққан шарҳловчилар М.нинг теологик томонини кучайтирганлар ва унда шахсий худо идеясини ривожлантирганлар, бу эса, афтидан, пураник мифологиянинг кучайган таъсири билан боғлиқ бўлса керак (*Ведалар*). М. санхьяга қараганда дин билан амалий равишда зичроқ боғланган таълимотдир. Айни вақтда М. мегалогиясининг ниҳоятда реалистиклиги ва рационалистлиги уни қадимги ҳинд материализми билан яқинлаштириш учун асос беради.

МИСТИЦИЗМ, МИСТИКА (грек. *mystika*— сир-асрор)— воқеликка диний идеалистик қараш бўлиб, бу қарашнинг асосини ғайри табиий қушларга ишонish ташкил этади. М. энг қадим замонда пайдо бўлиб, кейинчалик Қадимги Шарқ ва Ғарб диний жамиятлари сирли маросимларининг (мистерияларининг) ўзгармас муҳим элементи сифатида юзага келади. Бу диний маросимлардаги асосий нарсаси — инсоннинг худо билан ёки қандайдир бошқа сирли вужуд билан алоқа қилишга гўё назарқаралик, зикр-само, ваҳий-қаромат орқали эришилар эмиш. М. элементлари қадим замоннинг кўп фалсафий-диний таълимотларига (*конфуцийчилик*, браҳманизм, *орфиклар*, *пифагорчилар*, *Платон* ва янги платончилар ва ҳ. к.) хосдир. Урта аср мистик философияси (ўз социал қиммати жиҳатидан бир хилда бўлмаган философия) Бернар Клервовий (1091—1153), И. Экарт (1260—1327), И. Таулер (1300—61) ва б. номлари билан ҳамда *сўфизм* билан боғлиқдир. Кейинчалик *Беме*, *Сведенборг* каби мистиклар майдонга

чиқди. М. бирон-бир даражада янги ва энг янги замондаги деярли барча идеалистик философияларга (айниқса неоготизмга, персонализмга ва экзистенциализмнинг баъзи формаларига) хосдир. Россияда *славянофиллар*, *Соловьёв* ва унинг издошлари (*Бердяев*, *Трубецкой* ва б.) диний-мистик философияни ривожлантирдилар. Мистик философлар қандайдир мистик *интуицияни*, «руҳий тажриба»ни билишнинг олий формаси деб ҳисоблайдилар, бу «руҳий тажриба»да гўё субъект ва объектга бўлиниш йўқ бўлар эмиш ва оламнинг бош руҳий ибтидоси бўлиниш худонинг реаллиги очилар эмиш. (Одатда, М. ни реакцион сифлларнинг идеологлари тарғиб қиладилар; тўғри, шундай ҳоллар ҳам бўлганки (феодализм даврида) прогрессив идеялар (мас., Экартда) ёки революцион оппозиция мистика шаклида майдонга чиққанлар (қ. К. Маркс ва Ф. Энгельс, 7-т., 361-б.).

МИФОЛОГИЯ (грек. *mythos* — нақд, ривоят)—1. Ибтидоий онгда воқеликнинг фантастик инъикоси бўлиб, бу инъикос қадимги замон учун характерли бўлган озгаки ҳаққ ижодида гавдалантирилган. Миф — тарихнинг турли боқичларига пайдо бўладиган нақд бўлиб, унинг фантастик образлари (худолар, афсонавий қаҳрамонлар ва ш. к) табиат ва жамиятнинг турли ҳодисаларини умумлаштиришига интилишдан иборат эди. «Ҳар қандай мифология табиат кучларини ҳаёда ва ҳаёл ёрдамида енгади, бўй-сундиради ва шакллантиради; демак, у табиатнинг ана шу кучлари ҳисдан ҳаққий ҳукмронлик бошланиши билан бирга йўқ бўлади» (К. Маркс ва Ф. Энгельс, 12-т., 737-б.). М. қадимги жамият дунёқарашини беришнинг ўзига хос формасидир. Унда ғайри табиий куч ҳақидаги тасаввурлар мавжуд бўлганлиги сабабли дин элементлари бордир. М. да шунингдек ахлоқий қарашлар ҳам, инсоннинг воқеликка эстетик муносабати ҳам акс эттирилган. Маркс еўзлари билан айтганда, М. «табиатнинг онсишларча — бадий қайта ишланишидир (бунда табиат деганда бутун

предмет нарса тушунилади, демак, унга жамият ҳам киради)» (ўша ерда). Шу сабабли М. образларидан турлича тушунишда санъат жуда тез-тез фойдаланиб турган. Янги ва энг янги замон идеологиясида М. тушунчасидан оммавий онга таъсир кўрсатувчи турли хилдаги ҳаёлий тасаввурларни билдириш учун фойдаланилмоқда. 2. Мифларни, уларнинг келиб чиқишини ва уларнинг воқеликдаги инъикосини ўрганувчи фан.

МИХАЙЛОВСКИЙ Николай Константинович (1842—1904)— рус социологи, публицисти, *народниклик* назариётчиси. 70-йилларнинг бошларида М. реформистик оқим арбоби. 1877 йилда Россиянинг сиёсий тузумини тубдан ўзгартиш зарурлиги ҳақидаги хулосага келди. 1879 йилда «Народная воля» билан яқинлашди. Ленин М. ни «ўтган асрнинг сўнгги учдан бир қисмидаги рус буржуа демократиясининг энг яхши намоёндаларидан ва бу демократия назарларини ифода этган кишилардан бири эди», деб ҳисобларди (24-т., 375-б.). М. «Русское богатство» журналининг етакчи редакторларидан бири эди, бу журнал либерал народникларнинг марксизмга қарши курашига бошчилик қиларди. М. жамиятнинг «уйғун» ривожланиши ҳақидаги, капитализмга нисбатан маддоҳликдан иборат спенсерча назарияни танқид қилиб чиққан кишидир. М. «жонли шахс» манфаатларини жамият қимматдорлигининг олий мезони деб ҳисобларди. Бироқ «кишилар ўртасида шахснинг яхлитлигини майдалаб ташлаш йўли билан жорий этилган меҳнат тақсимоти» асосида ривожланаётган ҳозирги замон жамияти шахс манфаатларини «энг кўп ишлаб чиқариш манфаатларига қурбон қилмоқда. *Спенсерега* хилофан. М. ўзининг «тараққиёт формуласи»ни илгару сурди ва уни «органлар ўртасидаги мумкин қадар тўлароқ ва ҳар томонлама меҳнат тақсимотига ва одамлар ўртасидаги мумкин қадар камроқ меҳнат тақсимотига» аста-секин яқинлаша боришдан иборат деб талқин қилади. Тараққиёт формуласини М. *субъектив метод ва социоло-*

зия ёрдами билан асосламоқчи бўларди; бу метод эса тарихга «ахлоқийлик, адолатлилик, бурчлилик» нуқтаназаридан қарарди. Бу метод тарихнинг ривожланишининг объектив логикасини, социалистик идеални амалга оширишга қодир бўлган реал ижтимоий кучларни менсимас эди. Халқнинг сиёсий ноетуклиги даврида назариятчи сифатида етишиб чиққан М. аслада, Россияда оммавий революцион ҳаракатнинг юз бериши мумкинлигини истисно қиларди. Унинг оммавий ҳаракатини ўз асос эътибори ила онгсизлик ва тақлидчилик ҳаракатлари деб тақдир этган «қаҳрамонлар» ва «оломонлар» назарияси М. нинг «халқ қўзғолонига умид боғловчи революция кишилари» билан мунозарасининг натижаси эди. Плеханов ва Ленин М. нинг социологик қарашларини қаттиқ танқид қилган эдилар.

МИЧУРИН Иван Владимирович (1855—1935) — совет биологи, СССР ФАнинг фахрий аъзоси. М. *Дарвин* асарларига ва ўзининг қўлда-қўл тажрибаларига таянган ҳолда ўсимлик организмларининг *ирсиятини* (*Генетика*) ўзгартириш ва бошқариш йўллари ва методларини тадқиқ қилди. У муҳим генетик қонуларини (доминантлик эволюциясини, ирсиятнинг дискретлигини ва б.) кашф этди. М. нинг таълимоти тирик табиатни диалектик тушунишга, организм билан муҳитнинг бирлигини, тирик жисملарнинг маълум томонга қарата ўзгариш процесси фақат улар ҳаётининг ташқи шаронтига эмас, балки уларнинг ирсий асосига ҳам боғлиқ эканлигини эътироф этишга асосланади. М. нинг ижоди назария ва практиканинг бирлиги билан характерланади: у организмларнинг ривожланиш қонуларини изоҳлаб беришгагина эмас, балки уларни онгли равишда ўзгариш йўлларини ишлаб чиқишга ҳам интиларди. М. ўсимликларнинг янги формаларини ўстириш методларини ишлаб чиқди (географик жиҳатдан йироқ формаларни дурагайлаштириш, жинслараро ва турлараро дурагайлаш ва б.), мевали ўсимликларнинг 300 дан ошиқ навини яратди. У, тўғ-

ри методологик асос бўлмаса, табиёт илми муваффақият билан ривожлана олмайди ва фақат марксистик философия — диалектик материализм шундай методологик асос бўлиши мумкин, деб ҳисобларди. Мичурин таълимотининг назарий асослари унинг «Мевали дарахтлар ва буталарнинг маданий навларини уруғлардан урчи-тиш» (1911), «Олтмиш йиллик ишларнинг якунлари» (1929) асарларида баён этилган.

МИЯ — нерв системасининг марказий бўлими бўлиб, орқа ва бош М. ни ичига олади. Бош М. нинг энг юқори бўлимлари ҳайвонларнинг ва инсоннинг психик ҳаёти билан боғланган. Инсонда бош М. нинг катта ярим шарлари нутқ ва сўз абстракт тафаккур органидир. Бош М. ҳайвонлар ҳаётининг шундай даражасида пайдо бўлдики, бу даражада қўшимча мослашув реакциялари мураккаб ўзгаришчан муҳитда яшашнинг зарур шаронтларини излаб топиш жуда муҳим бўлиб қолди. Марказий нерв системаси ва унинг олий бўлими бўлмиш бош М. бошқариш органидир, яъни турли органларнинг фаолиятини ўзаро мослаштирувчи ва психик натижаси ёрдамида организмнинг ташқи муҳит билан ўзаро муносабатини тартибга солувчи системадир. Философия тарихининг ва инсон ҳақидаги фанлар тарихининг бутун давомида инсон психикаси, онининг табиати тўғрисидаги масала атрофида материалистик ва идеалистик йўналишлар ўртасида кураш борди. Аммо табиёт илмининг марказий нерв системасининг, айниқса М. нинг тузилиши ва фаолиятини ўрганиш соҳасида эришган ютуқлари бу масалада материалистик позицияларнинг галаба қилишига ёрдамлашди. Ҳайвонлар ва инсон психик фаолиятининг рефлектор табиатини исбот қилиб берган И. Сеченов ва И. Павловнинг гоёлари ва ишларининг роли айниқса каттадир. Инсонда ҳайвонлар билан муштарак бўлган воқеликнинг биринчи сигнал системасидан ташқари, сўз абстракт тафаккур билан боғлиқ иккинчи, нутқ сигнал системаси (*Сигнал системалари*) вужуд-

га келган. Бош M . да идрок қилишга (эшитишга ва кўришга) ва гапиришга оид махсус марказлар мавжуддир. Инсоннинг чуқур ижтимоий табиати нутқ билан алоқа қилишни ва сўз тафаккурини таъминлаб берувчи, ҳайвонларга нисбатан, янги, морфологик структураларнинг ташкил топишидагина ифодаланиб қолмайди. Яшашнинг ва инсониятнинг ўтмиш тажрибасини ўзлаштиришнинг ўзига хос формаси янги мия механизмларининг ишланиб такомилланиши билан ҳам боғлиқдир. Агар ҳайвонларда тур тажрибаси инстинктлар формасида наслдан-наслга берилса, одамларда тарихан таркиб толган фаолият формаларини ўзлаштириш инсоннинг индивидуал ривожланиши жараёнида содир бўлади. Шу сабабли нутқ ва музика оҳангини эшитиш, абстракт тафаккур қила билиш ва ш. к. махсус инсоний қобилиятлар морфологик эмас, балки нейродинамик мия структураларининг функцияларидан иборат бўлиб, бу структуралар нисбий барқарорликка эгадир. Одамлар психик фаолиятининг тараққийси, ҳайвонларда бўлгани сингарии, M . нинг морфологик эволюцияси билан эмас, балки инсон тажрибаси формаларининг ривожланиши, унинг сақланиши, бошқаларга берилиши ва унинг инсоннинг ақлий меҳнатини енгиллаштирувчи ва ижодий имкониятларини оширувчи автоматик қурилмалар яратишгача қайта ишлаб чиқилиши билан боғлиқдир. Кенг кибернетик ёндашиш туфайли бош M . фаолиятини ўрганиш олий нерв фаолияти физиологияси ва электро-физиологиянинг классик методларидан ташқари *моделиштириш* методи билан тўлдирилди (*Кибернетика*).

МИҚДОР (величина) — асосий математик тушунчалардан бири бўлиб, физик хоссаларнинг сонли характеристикаларини абстракциялаш сифатида ифода бўлган. M . тушунчаси воқелик объектлари ва процессларнинг миқдорий муносабатларини аниқ тавсифлашни учун хизмат қилади. Шу сабабли бу тушунча кўплик, узлуксизлик ва \emptyset тушунчалар билан бир қаторда

миқдор категориясининг аниқланган ифодаси деб қаралиши мумкин. Скаляр M . билан вектор M . ни фарқ қилиб қарайдилар: скаляр M . нинг конкрет қиммати фақат бир сон билан (мас., узунлик, юз, ҳажм ва ҳ. к.) тавсифланади; вектор M . учун фақат абсолют қиммат эмас, балки M . нинг йўналиши ҳам муҳимдир (мас., куч, тезлик ва ҳ. к.). M . нинг бошқача доимий ва ўзгарувчи M . ларга бўлиниши ҳам маълум. Ўзгарувчи M . тушунчасини математикага *Декарт* киритган бўлиб, у ҳозирги замон математикаси ва табиёт илмининг қарор топишида муҳим роль ўйнади.

МИҚДОР ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ СИФАТ ЎЗГАРИШЛАРИГА УТИШИ — *диалектиканин*г асосий қонунларидан бири бўлиб, бу қонун ҳаракат ва тараққиёт қандай қилиб, қай тарзда содир бўлишини тушунтириб беради. Тараққиётнинг бу ялли умумий қонуни қайд этиб кўрсатадики, сезилмас, тадрижий миқдор ўзгаришларининг жамланиб бориши ҳар бир айрим процесс учун муайян пайтда зарурият тақозоси билан муҳим, туб сифат ўзгаришларига, эски сифатдан янги сифатга сакрашсимои ўтишга олиб келади (*Сифат ва миқдор, Меъёр, Сакраш*). Бу қонун табиат, жамият ва тафаккур тараққиётининг ҳамма процессларида амал қилиб туради. Бу қонун тараққиётнинг диалектик концепциясини ва бу концепциянинг ҳаракатини, тараққиётни мавжудотнинг ёлғиз миқдор ўзгаришларидан, яъни эскиликни йўқ қилмайдиган ва янгиликни вужудга келтирмайдиган ўзгаришлардан иборат қилиб қўядиган ҳар хил метафизик концепциялардан фарқини тушуниш учун муҳимдир. Билимнинг ҳар қандай соҳасида — физика, химия, биология ва б. соҳаларда фаннинг ривожланиши ҳамда сўнги ўн йилликнинг мобайнидаги социал ўзгаришларнинг оламшумул-тарихий тажрибаси миқдор ўзгаришларининг натижасида юз бераётган сифат ўзгаришларининг процесси сифатидаги тараққиётнинг диалектик назариясини тасдиқламоқда ва бойитмоқда. Миқдор

ва сифат ўзгаришлари ўзаро алоқадор бўлиб, бир-бирини тақозо қилиб туради: фақат миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши содир бўлмасдан, балки бунинг тескари процесси ҳам бўлиб туради, яъни предметлар ва ҳодисаларнинг сифати ўзгариши натижасида миқдор хarakterистикалари ўзгаради. Чунончи, капитализмдан социализмга ўтиш оқибатида миқдор кўрсаткичлари ҳам аниқ ўзгарди: иқтисодий ва маданий тараққиёт суръатлари тезлашди, миллий даромад ошди ва ҳ. к. Миқдор ва сифат ўзгаришлари нисбийдир. Айни бир хилдаги ўзгаришлар баъзи хоссаларга (камроқ умумий хоссаларга) нисбатан сифат ўзгаришлари бўлиб, бошқа хоссаларга (умумийроқ хоссаларга) нисбатан фақат миқдор ўзгаришларидир. Чунончи, капитализмнинг монополиядан олдинги босқичидан монополияга ўтиш сифатининг абсолют ўзгариши эмасдир: бунда капитализмнинг сифати фақат шу маънода ўзгардики, баъзи янги муҳим белгилар ва хоссалар пайдо бўлди, аммо унинг моҳияти ўзгармади. Тараққиётнинг ҳар қандай процесси айни вақтда ҳам узлукли, ҳам узлуксиздир. Бунда узлуклик сифат сакраши формасида юз бериб, узлуксизлик миқдор ўзгариши формасида юз беради (*Эволюция ва революция*). Марксизм буржуа идеологлари ва ўнг ревизионистларнинг қарашлари илмга хилоф эканлигини исбот қилмоқда, чунки улар жамият тараққиётини аста-секин содир бўладиган эволюциядан, майда реформалардан иборат қилиб қўймоқдалар. сакрашларни, революцион ўзгаришларни инкор этмоқдалар, марксизм шунингдек анархистларнинг ва «сўл» ревизионистларнинг қарашлари илмга хилофлигини ҳам исбот этмоқда, чунки улар кучларни тўплаш, омман уюштириш ва уни ҳал қилувчи революцион ҳаракатларга тайёрлаш юзасидан узоқ вақт давомида қунт билан олиб бориладиган ишга назар билан қарайдилар. Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиш қонунини диалектик-материалистик тушуниш идеалис-

тик тушунишга тамомила қарама-қаршидир. Бу қонунни биринчи бўлиб ифодалаб берган Гегель, диалектиканинг бошқа қонунлари сингари, уни ҳам мистификациялаштириб қўйди. Миқдор ва сифат категориялари ва уларнинг ўзаро бир-бирига ўтиб туришлари Гегелда аввал абсолют идея бағрида абстракт формада ва фақат ундан кейингина табиатда юзага келади. Марксистик философия бу қонунни оламни тузиш учун асос деб эмас, балки оламни ўрганиш натижаси деб, реал воқеликда юз бераётган нарсаларнинг инъикоси деб қарайди. Обьектив оламнинг энг муҳим қонуни бўлган бу қонун шу билан бирга оламни билишнинг ва уни онгли равишда амалий ўзгартиришнинг энг муҳим принципи ҳамдир. Ижтимоий тараққиёт шароитларининг ўзгариши билан диалектика қонунларининг юз бериш формалари ҳам ўзгаради. Чунончи, социализм шароитида миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига (сакрашларга) ўтиши сиёсий революциялар формасини йўқотади, социал ўзгаришлар бунда тадрижий суратда, эскининг ўлиб бориши ва янгилик элементларининг ўсиб бориши йўли билан амалга ошади. Бу — социализмнинг коммунизмга ўсиб ўта боришининг асосий қонуниятидир.

МОДАЛЛИК (логикада) — ҳукмида айтилган даъвонинг «тақозоси»га кўра, унга бериладиган характеристика: ҳукм зарурий, эҳтимолий, тасодифик; ноэҳтимолий ва ҳ. к. бўлиши мумкин. Традицион логикада зарурий (аподиктик), эҳтимолий (проблематик) ва воқеий (ассерторик) ҳукмларни бир-бирдан фарқ қилиб қарайдилар. Ҳозирги замон логикаси М. нинг хосса-сини анализ қилганда унга мулоҳазанинг маълум «металогик» баҳоси деб қараш имкониятини беради. Шу билан бирга мантикий М. билан тасвирий М. бир-бирдан фарқ қилинади. Мулоҳазаларнинг мантикий М. ги соф мантикий фикрларга асосланиб белги-ланади. Мас., Р. нинг мулоҳазаси, агар ва фақат агар у соф мантикий асосларда чин бўлса, яъни агар Р. маснинг фарзи мантикий зиддиятга

олиб борса, демак, у чиндир. Тасвирий М. лар қаторига аввало физикавий (сабабий) М. лар киради. Физикавий М. лар айтилган мулоҳаза қанлайдир физикавий қонуларга кўра бирон зарурий, эҳтимолий ёки тасодифий ҳолатни ифодалаш-ифодаласлигига боғлиқдир. Чунончи, «Ҳамма планеталар эллипслар бўйлаб ҳаракат қилади» деган мулоҳаза физик жиҳатдан зарурдир, аммо «Планеталар сони тўққиз» деган мулоҳаза физик жиҳатдан тасодифийдир. Ҳозирги замон логикасида, жумладан *Рейхенбахнинг* номологик мулоҳазалар назариясида жиддий логик критерияларни физикавий М. билан аниқлаш ҳоллари кўринмоқда (*Модал логика*).

МОДАЛ ЛОГИКА — мантиқий система бўлиб, бу система «зарурият», «воқелик», «имконият», «тасодиф» каби муносабатларни ва уларнинг инкорини (*Модаллик*) формаллаштиради. М. л. ни тузинга биринчи марта Аристотель уринган эди («Топика», «Аналитикалар», «Маъно бериш тўғрисида»); у М. л. нинг бир қанча таърифларини ва принципларини ифодалаб берган эди. *Математик логика* ривож топган, М. л. ни ишлаб чиқишга янгидан қизиқиш пайдо бўлди. Натижада М. л. нинг бир қанча системалари тузилди. *Лукасевиц* ва *Льюис* системаларида модалликлар абсолют характерга эгадир, яъни улар бирор хилдаги бошқа мулоҳазалардан қатъи назар бир мулоҳазага ишбат берила беради. Г. Райт системаларида модалликлар нисбийдир, яъни улар мулоҳазалардан бирига ишбат берилади ва бунда бошқа мулоҳазада ифодаланган бирон шартнинг бўлиши кўзда тутилади. М. л. нинг қаноатланурлик системасини шартнинг қийинчилиги, афтидан, модалликларни мазмунли анализ қилишнинг мураккаблиги ва бундай мантиқий тузилмалар учун семантик асосларни ишлаб чиқиш зарурлиги билан боғлиқ бўлса керак.

МОДДА ВА МАЙДОН — асосий физик тушунчалар бўлиб, бу тушунчалар макроскопик даражадаги *материалнинг* икки асосий турини билдир-

ди: М. (модда) осойишталик массасига (атомлар, молекулалар ва улардан тузилган нарсалар) эга бўлган дискрет тузилмаларнинг мажмуи; **М.** (майдон) материянинг тури бўлиб, бу тур узлуксизликни характерлайди ва у осойишталикнинг нуль массасига эгадир (электромагнит М. ва торғилиш—гравитацион М.). Материянинг бир тури сифатида М. (майдон)нинг кашф этилиши ғоят катта фалсафий аҳамиятга эга эди, чунки у материяни М. (модда) билан метафизикларча бирдай қилиб кўрсатишнинг асоссизлигини очиб ташлаган эди. В. И. Ленин томонида материянинг диалектик-материалистик таърифининг ишлаб чиқиши кўп жиҳатдан М. (майдон) ҳақидаги таълимотнинг ривожланишини фалсафий умумлаштиришга асосланган эди. Субатом даражада (яъни «элементар» зарралар даражасида) М. (модда) ва м. (майдон)нинг тафовути нисбий бўлиб қолади. **М.** (электромагнит ва гравитацион майдонлар) соф узлуксизлик характерини йўқотади: уларга дискрет тузилмалар — квантлар (фотонлар ва гравитонлар) заруран таққосланади. **М.** (модда)ни протонлар, нейтронлар, электронлар, мезонлар ва ҳ. к. ни ташкил этувчи «элементар» зарралар эса тегишли нуклон, мезон ва ҳ. к. майдонларнинг квантлари сифатида юзага келади ва ўзининг соф дискрет характерини йўқотади. **М.** (модда) билан м. (майдон)ни субатом даражада ҳамда осойишталик массасининг бор ёки йўқлигига қараб фарқ қилиш қонуний эмасдир, чунки нуклон, мезон ва ҳ. к. майдонлар осойишталик массасига эгадир. Ҳозирги замон физикасида майдон билан зарралар микроламанинг чамбарчас боғлиқ бўлган икки томони сифатида, микрообъектларнинг корпускуляр (дискрет) ва тўлқинсимон (континуал, узлуксизлик) хоссалари бирлигининг ифодаси сифатида юзага чиқмоқда. **М.** (майдон) ҳақидаги тасавурлар шунингдек *ўзаротасир* процессларини изоҳлаш учун асос сифатида юзага келиб, яқин таъсир кўрсатиш принципини гавдалантирмоқда.

МОДДАЛАР АЛМАШИНУВИ — тирик организмлар яшашининг зарур шарти. М. а. тушунчаси билан организмнинг муҳит ила ҳамма энергетик алоқалари ҳамда организм ичида моддалар билан энергиянинг изчилликда бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга айланишларининг мураккаб силсиласи қамраб олинади. Усимликлар ўз танасини сувдан, карбонат ангидриддан ва минерал моддалардан кўзга кўринувчи ёруғликнинг улар илиб оладиган энергияси (фотосинтез) ҳисобига, ҳайвонлар эса ўз танасини энергия билан алақачон бойиган моддалар ҳисобига тузади. Организмлардан фарқли ўлароқ, тирикмас табиатнинг жисмлари энергияни жамғармайди, балки термодинамиканинг иккинчи қонунига бўйсуниб, энергияни фақат беради. Тирик ва тирикмас табиат ўртасидаги бу туб энергетик тафовутни тушунмаслик гўё организмларга ҳаётгийлик, активлик бахш этадиган (*Витализм*) ғайри моддий ибтидога ишонишнинг пайдо бўлиши сабабларидан бири эди. М. а. нинг моҳияти органик моддаларнинг тузилиш ва бузиллиш процессларининг диалектик бирлигидан иборат.

МОДУС (лат. modus — ўлчов, усул) — фалсафий термин бўлиб, у Марксдан олдинги философияда ишлатилган ва предметнинг, *атрибутдан* фарқли ўлароқ, фақат баъзи ҳолатларидагина унга хос бўлган хусусиятини билдирган. *Спиноза* философиясида *субстанциянинг* ҳамма ўткинчи ҳолатлари, яъни ўз борлигининг сабабига ўз-ўзлигида эмас, балки субстанцияда ва унинг атрибутларида эга бўлган ҳолатлар М. деб аталади; М. да бениҳоя кўпдан-кўп нарсалар ва уларнинг ўткинчи сифатлари ифодаланадики, ягона, абадий ва бениҳоя моддий субстанция ана шу нарсаларда ўз зухуротини топади.

МОДЕЛЛАШТИРИШ — бирон объектнинг характеристикаларини уларни ўрганиш учун махсус равишда тузилган бошқа объектда қайта ҳосил қилиш. Бу сўнгги объект модель деб аталади. Объектнинг ўзини бевосита тадқиқ этиш мумкин бўлмаган, муш-

кул, қиммат бўлган, жуда узоқ вақт талаб қиладиган ва ҳ. к. вақтда моделга эҳтиёж пайдо бўлади. Модель билан тадқиқотчини қизиқтирувчи объект ўртасида маълум ўхшашлик бўлмоғи лозим. Бу ўхшашлик ё модель ва объектнинг физикавий хараakterистикаларининг монандлигидан ёки модель билан объект бажарадиган *функцияларнинг* монандлигидан ёки объект билан унинг моделининг «хатти-ҳаракати» математик тасвирининг бирдайлигидан иборат бўлиши мумкин. Ҳар бир конкрет ҳолда модель унинг объект билан мувофиқлик даражаси етарли равишда қатъий белгиланган тақдирда ўз ролини бажара олади. Бундай мувофиқликни белгилаш билан «ўхшашлик назарияси» деган назария шугулланади ва бу назария баъзи бир «ўхшашлик критериялари»ни ишлаб чиқади. Моделининг ва унда гавдалантирилдиган объект томонларининг табиатига қараб, «физик» моделлар билан «математик» моделлар бир-биридан фарқ қилинади. Ўз навбатида унис ҳам, буниси ҳам «тўлиқ» ёки «жузъий» бўлиши, объектнинг баъзи хоссаларидан ёки у бажарадиган функциядан иборат бўлиши (бундай ҳолда у «функциональ модель» деб аталади) мумкин ва ҳ. к. Бироқ турли моделлар ўртасида белгиланадиган чегаралар етарли даражада шартлидир. Мас., «математик» модель «физик» моделдан фарқли ўлароқ, моделлаштирилувчи объектга қараганда, бошқача физик табиат характеристикалари шаклида амалга оширилиши мумкин. Фақат шу шарт биланки, моделининг маълум томонлари худди объектнинг моделлаштирилувчи хоссалари тасвирланган математик формула билан тасвирланмоғи лозим. Ҳозирги вақтда электрон ҳисоблаш машиналаридаги ва электрон моделлаштириш мосламаларидаги М. кенг расм бўлиб қолди. Бу хилдаги «моделлар»нинг асосий фазилати уларнинг универсаллиги, қулайлиги, тадқиқотнинг теалиги ва арзонлигидир. Турли табиатдаги объектлар (ва аввало тирик организмлар ва машиналар) бажарадиган

функцияларнинг ўхшашлигига асосланган моделлар методи *кибернетика*нинг асосларидан биридир. Илмий-техника тадқиқотида М. умуман илмий билиш усулларидан биридир, ҳолос. Ҳиссий ва мантиқий моделларнинг тузилиш процессининг асосий қонуниятлари *билиш назариясининг* турли бўлимларида (аввало *ҳақиқат тўғрисидаги таълимотда*) тадқиқ этиладик, унинг ютуқлари, шундай қилиб, М. нинг илмий-техника назарияси ва практикаси асосида ётади. Бу сўнги ҳол, ўз навбатида, диалектик-материалистик билиш назариясини янада ривожлантириш ва конкретлаштириш учун жуда муҳимдир.

МОНАДА (грек. monas — единица) — фалсафий термин бўлиб, у борлиқнинг структур, субстанциал единининг билдиради. У ҳар хил фалсафий системаларда турлича шарҳланади. Мас., *пифагорчиларда* М. (математик единица) оламнинг асосидир. *Брунода* («Монада, сон ва фигура ҳақида», 1591, ва б.) М. жонлангирилган материядан иборат (*Пантеизм*) борлиқнинг ягона ибтидосидир. Брунонинг фикрича, бу ибтидода ниҳоятлик билан бениҳоятликнинг, жуфт билан тоқнинг ва ҳ. к. қарама-қаршилиги бир-бирига мос келади. М. — *Лейбниц* философиясининг асосий тушунчаларидан биридир («Монадология», 1714). У М. оддий, бирик, ўзгарувчи субстанция деб ҳисоблайди. Ҳаққол идрок қилиш қобилияти бахш этилган монадалар жонлар деб аталади. Инсоннинг оқилона жони эса, Лейбниц фикрича, М. руҳдир. Ленин Лейбницнинг, М. да бутун олам акс этади, индивидуаллик сифатида у бениҳоятликни қуртак ҳолида бамисоли ҳида сақлаб туради, деган фикрини қайд қилиб, бундай деб ёзган эди: «Бунда идеализм ва динчилик бўлишига қарамай, ўзича бир хил диалектика ва жуда чуқур диалектика бор» (29-т., 70-б.). Ломоносовда «физик М» деган термин учрайди, бу термин билан у материянинг заррасини (корпускуласини) билдирган. *Гете* М. тўғрисида (уш *энтелехия* деб атаган

ҳолда) материяга хос бўлган ва объектларни индивидуаллаштиришга ёрдамлашадиган актив руҳий ибтидо деб сўзлайди. *Плюрализм* ва *персонализм*нинг ҳозирги замондаги идеалистик системаларида М. тушунчасидан фойдаланилмақда.

МОНИЗМ — фалсафий таълимот бўлиб, бу таълимот бир ибтидои бутун мавжудотнинг асоси деб билади. *Материалистик М.* ҳам, *идеалистик М.* ҳам мавжуддир. *Материалистлар материяни* оламнинг ибтидоси, асоси деб ҳисоблайдилар. *Идеалистлар рух, идея* ва ҳ. к. ларни барча ҳодисаларнинг ягона ибтидоси деб ҳисоблайдилар. *Гегель* философияси идеалистик М. нинг энг изчил йўналишидир. *Илмий* ва *изчил материалистик М.* диалектик материализм учун характерли бўлиб, бу материализм, олам ўз табиатига кўра моддийдир, оламдаги барча ҳодисалар ҳаракат қилувчи материянинг турли кўринишларидан иборат, деган фикрга асосланади. *Марксизм* философиясида материализм ижтимоий ҳодисаларга ҳам жорий этилгандир. М. нинг қарама-қаршиси *дуализмдир*.

МОНТЕИЗМ — қ. *Политеизм* ва *монотеизм*.

МОНТЕНЬ Мишель де (1533—92) — Уйғонши давридаги француз философи. Асосий асари «Тажрибалар»дир (1580). М. таълимотининг бош нуқтаси — «скептицизм». Унинг даъвосича, инсон шубҳа қилишга ҳақлидир. Урта аср *схоластикаси*, католик динининг ақидалари, худо ҳақидаги христианилик тушунчасининг ўзи шубҳа остига олинади. М. жоннинг ўлмаслиги ҳақидаги диний таълимотни рад қилиб онгни материянинг ўзига хос хоссаси деб материалистик тушунишга яқинлашиб борди. *Агностицизмдан* фарқли ўлароқ, М. нинг скептицизми оламни билиш мумкинлигини инкор этмайди. Унинг ахлоқининг асосий принципи: инсон унга дин осмонда ваъда қилган бахтини пассивлик билан кутиб ўтирмаслиги лозим, ердаги ҳаётида бахтга интилишга у ҳақлидир.

МОНТЕСКЬЕ Шарль Луи (1689—1755)— француз маърифатчи философи, сиёсий мутафаккир, социолог ва тарихчи. Дунёқарашига кўра деист; М. гарчи ижтимоий ахлоқ-одобга риоя қилишда диннинг муайян роль ўйнашини таъкидлаб ўтган бўлсада, у табиий ва ижтимоий ҳаёт ҳодисалари бўйсунадиган ялпи умумий қонуният идеясини ривожлантирди. У *провиденциализм*ни рад қилган ҳолда қонуничи «нарсалар табиатидан келиб чиқувчи зарурий муносабат» деб талқин қиларди. Табиий ҳуқуқ назариясининг асосларини қабул қилар экан, М. изчил рационалистик концепцияларнинг тарафдорларидан фарқли ўлароқ, ижтимоий қонуларнинг универсал системасини бу назария асосида қуриш мумкин эмас, деб ҳисобларди, чунки халқларнинг яшаш шароитлари турличадир, деяр эди у. М. нинг фикрича, бошқариш қонунари ва формаларининг хилма-хиллиги ана шундан келиб чиқади. М. *социологияда географик йўналишга* асос солганлардан бири эди. Ижтимоий тузумни ва жамиятда ҳукм сурувчи хулқ-одатларни белгилловчи факторлар орасида у географик муҳитга — иқлимга, тупроққа, утқи сатҳга ва ҳ. к. алоҳида аҳамият берарди. Шу билан бирга М. ижтимоий муҳитнинг родини ҳам таъкидлаб кўрсатарди, бу муҳит унда сиёсий тузум ва қонуничлик тушунчаси билан мослашиб тушади. Феодал-абсолютлик тартибларини кескин танқид қиларкан, буржувни билан дворянларнинг сиёсий компромисси идеология бўлган М. мўътадил конституцион монархия идеясини ва *ҳокимиятларни ўртада бўлиши* принципини қаттиқ туриб ёқдарди. Асосий асарлари: «Эрон мактублари» (1721), «Римликларнинг улугворлиги ва инкирозининг сабаблари ҳақида ўй-фикрлар» (1734), «Қонуларнинг руҳи тўғрисида» (1748).

МОР Томас (1478—1535)— *утопик социализм*нинг асосчиларидан бири, Уйғониш даврининг рационалист гуманисти. Буржуазия орасидан келиб чиққан М. 1529—32 йилларда Англияда юқори давлат мансабини эгаллаб

турган эди. Король буйруғи билан қатл этилди. Унинг номаълум Утопия (айнан: «аслида йўқ жой» демакдир) мамлакатига саёҳат тўғрисидаги суҳбати — ҳикояси («Давлатнинг энг яхши тузуми тўғрисида ва янги Утопия ороли ҳақида ҳам фойдалди, ҳам қизиқарли олтин китоб», 1516) утопик социализмнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Бу 18-асрнинг охирларигача социалистик фикрнинг энг яхши асаридир. М. биринчи бўлиб хусусий мулкка асосланган тузумни, ўз замонида Англиядаги социал-сиёсий муносабатларни ҳар томонлама танқид қилди ва ижтимоий мулк ҳукм сурадиган тузумни тасвирлаб берди: биринчи бўлиб ишлаб чиқаришни умумлаштириш ғоясини изчил суратда баён қилди ва бу ғояни меҳнатни ва тақсимотни коммунистларча уюштириш ғояси билан боғлади. Идеал эркин Утопия давлатининг асосий хўжалик ячейкаси — оиладир; ишлаб чиқариш ҳунармандликка асосланган бўлади. Утопичилар демократик идора усули шароитида яшаб, тенг меҳнат қиладилар, унда шаҳар билан қишлоқ ўртасида, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасида қарам-қаршилиқ бўлмайди. Одамлар кунига 6 соатдан ишлаб, қолган вақтларини илм-фанга ва санъатга бағишлайдилар. Шахснинг ҳар томонлама ривожланишига, назарий билимни меҳнат билан қўшишга катта аҳамият берилади; бу эса тарбия соҳасида социалистик қарашларнинг куртагидир. М. социалистик идеални амалга ошириш учун техниканинг юқори даражада ривожланиши зарурлигини тушунмас эди. Янги тузумга ўтишни у тинч йўл билан амалга оширишни орзу қиларди.

МОРГАН Льюис Генри (1818—81)—америкалик олим, этнограф, археолог. М. америка ҳиндуларининг турмушини ўрганиб, ибтидоий жамият тарихига онд улкан факт-материаллар тўплади ва уларни «Қадимги жамият» китобида умумлаштирди (1877). Синфлар юзага келмасдан бурунги жамият тарихини даврларга бўлишга биринчи бўлиб уйрган кич

ши ҳам М. эди. Бу уринишнинг қимматли томони шундаки, у ҳар бир даврни ишлаб чиқариш техникасининг ривожланиши билан боғлашга интилган, ваҳоланки даврларга бўлишнинг амалий жиҳати у вақтда анча эскириб қолган эди. М. биринчилар қаторида *оила* тарихий ҳодиса эканлигини, у жамият тараққиёти билан бирга ўзгариб боришини аниқлаган. Маркс ва Энгельс М. га юксак баҳо берган эдилар. Маркс унинг асосий асарининг муфассал концептини тузган. Энгельс ёзган эдики, М. «Маркс кашф этган тарихий материалистик тушунишни ўзича янгидан кашф этди...» (21-т., 25-б.). М. нинг кашфиётларидан Энгельс ўзининг «*Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши*» асарида фойдаланган. Бироқ Энгельс М. нинг маълумотларини шунчаки баён қилмасдан, балки уларни марксизм назарияси асосида қайтадан ишлаган.

МОРЕЛЛИ (18-аср)— «Рационалистик коммунизм» деб аталувчи оқимнинг собит қадам вакили. Асосий асари — «Табиат кодекси» (1755); бу трактат коллектив мулк ҳукм сурайдиган жамият принципларини асослашга бағишланган. М. ўзининг назарий системаларида рационализмга асосланади, оқилона социал тартиботни нооқилона социал тартиботга қарама-қарши қўяди. Ўз замонаси тузумини у нооқилона тузум деб, янглишлар натижаси деб қарайди. Оқилона тузумни М. ишлаб чиқаришини ва тақсимотни тартибга солидиган ягона ҳўжалик плани асосида бошқариладиган марказлашган ҳўжалик коммунаси тарзида тасаввур қилади. М. табиат ва ақлнинг буйруқларига мувофиқ келадиган жамиятнинг уч асосий қонунини ифодалаб берган: 1) хусусий мулкни бекор қилиш, 2) «яшаш ҳуқуқи» ва «меҳнат қилиш ҳуқуқи», 3) барча граждандарнинг меҳнат қилишга мажбурлиги. М. қўпол тенгламачилик коммунизмининг типик вакилидир. У овқатланишда мўтадиллик учун ва зеб-зийнатни тақиқлаш учун жон куйдиради, турмушдаги майдачуйда парсаларгача ва ҳатто эру хо-

тилик муносабатларигача маълум чегара қўйишни кўзда тутлади. М. 19- ва 19-асрлардаги кўп утопист социалистларга: Бабёф, Кабе, Бланки ва б. ларга хийла таъсир кўрсатган.

МОРЕНО Жекоб (1892 йил туғ.) — америкалик психиатр ва социолог, *социометриянинг* асосчиси. Асосий асарлари: «Ким тирик қолади?» (1934), «Социометрия асослари» (1954). Социолог сифатида М. кичик социал группаларининг, мактаб ёшидаги болаларнинг, кватир қўшниларнинг, контора хизматчиларининг, самолёт экипажи ва б. ларнинг хатти-ҳаракатидаги психологик аспектларни ўрганади (*Микросоциология*). М. асосий эътиборни одамлар ўртасида вужудга келадиган эмоционал муносабатларга, мас., бир-бирига nisбатан симпатия ва антипатия ёки бефарқлик ҳис-туйғуларига қаратаркан, кишиларнинг бу эмоцияларини, қизиқишларини ижтимоий тараққиётнинг бирламчи ва ҳал қилувчи фактори сифатида тасвирлашга уринади. АҚШда капитализм кризисининг фаҳмига етган М. барча социал проблемаларни ҳал этишнинг асосий воситаси—одамлар орасидаги муносабатларни, группаларнинг уюшувини уларнинг қизиқишларига ва симпатияларига мувофиқ тартибга солишдан иборат, деб ҳисоблайди. Америка жамиятини «жипслаштириш» юзасидан М. таклиф этган тadbirlar капитализмининг асосий таянчлари бўлмиш хусусий мулкка, монополиялар ҳукмронлигига, меҳнаткашларни эксплуатация қилишга дахл қилмайди.

МОРРИС Уильям (1834—96)— инглиз социалисти, шоири, беллетристи ва рассоми; буржуазия оиласидан чиққан; буржуа тузумини астойдил ёмон кўрарди ва тескин танқид қиларди. Аввалида жамиятни тинч йўл билан қайта қуришнинг асосий воситаси сифатида санъатга утопик қарашларга амал қилди. 80-йилларнинг бошларидан ишчи ва социалистик ҳаракатга актив қатнашди, марксизм билан танишди, лекин кўпинча у «хиссиёт социалисти» эди. (Энгельс). Келажакдаги коммунистик жамиятни

безаб-бежаб қилинган тасвир («Ҳеч қаердан хабар йўқ» деган утопистик роман, 1891) илмий характерга эга эмас эди. М. ўз ижодиётида ва сиёсий фаолиятида революцион принципларни қаттиқ туриб ҳимоя қиларди. Инглиз демократик адабиётга қимматли ҳисса қўшди.

МОРРИС Чарлз (1901 йил туғ.) — америкалик философ; у *прагматизм* идеялари (айниқса америкалик философ Ж. Миднинг доктринаси) *логик эмпиризмнинг* баъзи қондалари билан қўшиб юборди. Узининг асосий асарларида *бихевиоризм* қондаларига асосланиб, инсоннинг социал ва биологик хатти-ҳаракатини қараб чиқишга уринади. У *Пирснинг* идеяларини ривожлантириб, янги илмий фан — *семиотиканинг* асосий тушунчалари ва принципларини биринчи марта аниқ ифодалаб берди. Асосий асарлари: «Белгилар назариясининг асослари» (1938), «Белгилар, тил ва хатти-ҳаракати» (1946), «Йнсон қимматининг хилма-хиллиги» (1956).

МОТИВ — инсоннинг бирон-бир эҳтиёжини қондириш учун ҳаракатга сабаб бўладиган онгли интилиши. М. эҳтиёж асосида пайдо бўлгач, унинг озми-кўпми адекват инъикосидан иборат. М. иродали ҳаракатни муайян равишда асослаб ва оқлаб кўрсатишдан иборат бўлиб, инсоннинг жамият талабларига муносабатини билдиради. М. амалий ишлар ва хатти-ҳаракатларга баҳо беришда муҳим роль ўйнайди, чунки ҳаракатнинг муайян киши учун қандай субъектнинг мазмунига эга бўлиши шу амалий ишлар ва хатти-ҳаракатларга боғлиқ.

МО-ЦЗИ, ёки **МО ДИ** (эрамиздан олдин 479—381) — қадимги Хитойда фалсафий мактабнинг асосчиси, бу мактабнинг кўп тарафдорлари бор эди. М. ц. *конфуцийчиликнинг* муҳолифи бўлиб, азалдан белгилаб қўйилган тақдир йўқ, тақдир инсон «ялли муҳаббат» (цзань-ай) принципларини қай тариқа амалга оширишига боғлиқ, бу принциплар замирида «осмон иродаси» асос бўлиб ётади. У бир-бирларига ёрдам қилишга, фойдала меҳнат билан шугулланишга, зўра-

вонлик ва урушлардан воз кечишга, мамлакатни бошқариш учун, жамиятда тутган мавқеидан қатъи назар, доно ва муносиб кишиларни юқори кўтаришга даъват этарди. М. ц. *мистицизмга* мойил бўлса-да, унинг таълимотида баъзи бир материалистик элементлар ҳам кўринарди. Чунончи, бизнинг билимимиз воқеликни бевосита ўрганишдан пайдо бўлади, дегар эди. Кейинчалик М. ц. нинг рационал идеялари негизда, унинг издошлари «мочилар» содда материалистик билиш назариясини яратдилар ва бу назария қадимги Хитойда фалсафий фикрнинг ривожланишида катта роль ўйнайди. Эрамиздан олдинги 2-асрдан бошлаб М. ц. мактаби мустақил гоъвий оқим сифатида мавжуд бўлмай қолди.

МОҲИАТ — муайян нарсанинг мазмуни, унинг бошқа ҳамма нарсалардан фарқли ўлароқ ва бирон-бир вазиятнинг таъсири остида нарсанинг ўзгарувчан ҳолатларидан фарқли ўлароқ, ўз-ўзича борлиги. «М.» тушунчаси ҳар қандай фалсафий система учун, уларни М. нинг борлиққа муносабати қандайлиги ва нарсалар М. ининг онгга, тафаккурга муносабати қандайлиги масаласини ҳал қилиш нуқтан назаридан фарқ қилиш учун жуда муҳимдир. Обьектив идеализм назарича, борлиқ, реаллик ва *мавжудлик* нарсаларнинг М. ига боғлиқ, бу М. қандайдир мустақил, ўзгармас ва мутлақ бир нарса деб талқин қилинади. Бу ҳолда нарсаларнинг М. и алоҳида идеявий воқеликни ташкил этади ва бу воқелик ўзидан ҳамма нарсаларни тугдиради ва уларни бошқаради (*Платон, Гегель*). Субъектив-идеалистик йўналишларнинг назарича, М.—субъектдан яратилгандир, субъект М. ни ўзидан ташқарида проекциялаштиради (акс эттиради) ва уни нарсалар шаклида тақдим этади. Бирдан-бир тўғри қараш—нарсаларнинг объект М. ининг реаллигини ва унинг онгдаги инъикосини эътироф этишдан иборат. М. нарсалардан ташқарида эмас, балки уларнинг ичида ва улар орқали, уларнинг умумий асосий хоссаси сифатида, уларнинг

қонуни сифатида мавжуд бўлади. Инсоннинг билиши эса объектив олам М. ни аста-секин эгаллаб боради, унинг ичига тобора чуқурроқ кира боради. Бу билмидан объектив оламни амалий ўзгартиш мақсадида унга акс таъсир кўрсатиш учун фойдаланилади (қисс қилинг: *Воқелик, Реаллик, Моҳият ва ҳодиса*).

МОҲИЯТ ВА ҲОДИСА — фалсафий категориялар бўлиб, улар оламдаги барча объектлар ва процессларнинг яли умумий зарур томонларини акс эттиради. М. — моддий система тараққиётининг асосий белгилари ва тенденцияларини белгилайдиган чуқур алоқалар, муносабатлар ва ички қонунларнинг мажмуидир. Ҳ. — конкрет воқеалар, хоссалар ёки процесслардан иборат, бу процесслар воқеликнинг ташқи томонларини ифодалайди ва бирон М. нинг юз бериш, очилиш формасини намоён қилиб кўрсатади. М. ва Ҳ. категориялари ҳамisha ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Оламда ҳеч қандай М. йўқки, у сиртга намоён бўлмасин ва билиб олинмасин, шунингдек ҳеч қандай Ҳ. йўқки, у М. ҳақида ҳеч қандай информацияни ўз ичига олмасин. Лекин М. билан Ҳ. нинг бирлиги уларнинг бир-бирига мос келишини билдирмайди, чунки М. ҳамisha Ҳ. замирида яширинган бўлади, у нақадар чуқур бўлса, уни назарияда билиш шу қадар қийин бўлади ва узоққа чўзилади; «агарда нарсаларнинг юз бериш формаси билан моҳияти бир-бирига мос келганда эди, у вақтда ҳар қандай фан ортиқча бўлиб қолган бўлур эди» (К. Маркс ва Ф. Энгельс, 25-т., II қисм, 384-бет.). М. ни фақат абстракт тафаккур ва тадқиқ қилинувчи процесснинг назариясини яратиш асосидагина билиш мумкин. Бу ҳол билишнинг ҳиссий босқичидан рационал босқичига сифатли сакрашдан иборат бўлиб, предметлардаги асосий ва ҳал қилувчи нарсани очиб бериш билан, уларнинг тараққиёт қонунларини ифодалаш билан боғлиқдир. М. ни билиш чоғида Ҳ. ни ташқи қайд этиш ва тасвирлашдан уни изоҳлашга, унинг сабаблари ва натижасини очиб беришга ўтиш содир

бўлади. М. ни билиш критерийларидан бири — келажакдаги воқеаларни уларнинг ўзгаришининг аниқ муайян қонуни асосида олдиндан кўриш мумкинлигидир. Агар қараб чиқилмаётган объект ривожланишининг пайдо бўлиш сабаблари ва манбалари маълум бўлса, унинг шаклланиш ёки техникавий такрор ҳосил қилиниш йўллари очилган бўлса, агар назарияда ёки практикада унинг ишончли модели тузилган бўлса (*Моделлаштириш*) ва бу моделининг хоссалари оригиналнинг хоссаларига мувофиқ келса, М. билиб олинди деб ҳисоблаш мумкин. М. нинг билиб олиниши Ҳ. нинг ҳақиқий объектив мазмунини унинг зоҳирий кўринишидан ажратишга, тадқиқотдаги бузилиш ва субъективлик элементини бартараф қилишга имкон беради. М. очилиши билан билишнинг вазифалари тамомланмайди. Илгари таърифлаб берилган, М. ни ифодалайдиган қонунларни сабаб билан асослаш ва изоҳлаш зарур: муайян қонунларнинг қандайдир бирон бошқа М. га эмас, балки худди шу М. га эга бўлишининг сабаби нима, улар параметрларининг қиммати, амал қилиш чегаралари нима билан белгиланади ва Ҳ. к. Бу М. нинг ўзининг М. и. ҳақидаги масала билан тенгдир. Бу масаланинг ҳал этилиши борлиқнинг умумийроқ ва чуқурроқ ўзаро алоқалари ва қонунларини билиб олишни билдирадик, илгари топилган қонунлар ва процесслар уларнинг хусусий кўринишлари шаклида келиб чиқади. Материянинг янги структур даражалари асосида чуқурроқ М. га ўтиш содир бўлади. «Инсон фикри ҳодисадан моҳиятга томон, айтилик, биринчи тартибдаги моҳиятдан иккинчи тартибдаги моҳиятга ва ҳоказоларга томон *чексиз* чуқурлашиб бораверади» (Ленин, 29-т., 227-б.). М. билан Ҳ. нинг ўзаро муносабатида бирлик ва хилма-хиллик диалектикаси очилади. Айни бир М. нинг ўзи кўпдан-кўп турли кўринишларга эга бўлиши мумкин, худди шунингдек етарли мураккаб Ҳ. материянинг турли структур даражаларига оид бир неча М. нинг ифода формаси

бўлиши мумкин. М. Ҳ. га нисбатан барқарорроқдир, Ҳ. га эса ҳаракатчанлик ва ўзгарувчанлик хосдир. Лекин пировард ҳисобда оламдаги барча системалар ва процессларнинг моҳиятлари ҳам табиатнинг умумий тарихий тараққиётига мувофиқ равишда ўзгариб туради. М. билан Ҳ. нинг қарама-қаршилиги нисбийдир. Қонунлар ва чуқур муносабатларнинг ҳисий идрок этиладиган Ҳ. га нисбатан биринчи даражадаги М. сифатида юзага келадиган мажмуининг ўзи чуқурроқ даражадаги М. нинг юз бериши бўлади. Бу М. ҳам ўз навбатида материя структурасидаги бирон янада чуқурроқ М. нинг ифодаси бўлади ва Ҳ. к. Ҳар қандай фан ўзи тадқиқ қилаётган ҳодисалар М. ини очиб берган ва фақат ҳодисалар соҳасида эмас, балки моҳиятлар соҳасида ҳам уларнинг келажакдаги ўзгаришларини олдиндан кўришга қодир бўлган тақдирдагина етукликка ва камолотга эришади. *Агностицизм* ҳақсиз равишда М. билан Ҳ. ни ажратиб ташлайди, М. га билиб бўлмайдиган «*нарса ўзида*» деб қарайди, гўёки у Ҳ. да юз бермас ва уни билиб бўлмас эмиш. Иккинчи томондан идеалистлар нарсалар М. ига руҳий, идеявий мазмунни нисбат берадилар ва Ҳу мазмунни маъддий жисмларга нисбатан бирламчи деб ҳисоблайдилар (*Платоннинг умумий моҳиятлар идеявий олами, Гегелнинг табиат М. ининг ифодаси сифатидаги абсолют идеяси*). *Идеализмнинг* баъзи вакиллари предметларда М. билан Ҳ. ни ажратиб кўрсатишни соф субъектив процесс деб ҳисоблайдилар (*Дьюш, Льюис*). М. нинг объективлигини инкор этадилар, Ҳ. ни эса сезгилар билан бирдай қилиб қўядилар (*Мах, Феноменализм*).

МУВОЗАНАТ НАЗАРИЯСИ—вуйгар-механик ва антидиалектик назария, у мувозанатни табиий ва «нормалар» ҳолат деб, ҳаракат, тараққиётни эса вақтинча ва ўткинчи ҳолат деб ҳисоблайди. Бу назария тараққиёт манбаини ташқи зиддиятларда деб билади, умуман ички зиддиятларни, хусусан уларнинг тараққиёт манбаи эканлигини инкор этади. Ижтимоий

ҳодисаларга нисбатан М. н. шундай даъвога асосланадими, жамият тараққиёти гўё асосан унинг ташқи муҳит билан, табиат билан ўзаро муносабатига боғлиқ эмиш, антагонистик жамият тараққиётининг ҳаракатлантурувчи кучи *синфий* кураш эмас, балки табиат билан ташқи зиддиятлардан иборат эмиш. М. н. ни *Конт, Каутский, Богданов, Бухарин* ва б. қаттиқ туриб ҳимоя қилган эди. Ҳозир ҳам кўп идеалистлар, буржуа социологлар ва экономистлари, ўнг социалистлар, ревизионистлар унга таяниб иш кўрмоқдалар, Оппортунизм идеологлари капитализмнинг социализмга «тинчлик билан ўсимб кириши», синфий майфаатларнинг «уйғунлиги», ультра-империализм ва ш. к. лар ҳақидаги ўз антимарксистик ақидаларини М. п. асосида кўрмоқдалар. СССРда социализм қурилиш даврида бу назариядан ўнг оппортунизмнинг амалий ишини фалсафий асослаш сифатида фойдаланилган эди. М. н. нинг хусусиятларидан бири шундай даъводан иборатки, қарама-қаршиликлар (мас., синфларнинг қарама-қаршилиги) бир-бирини ўзаро бетарафлаштириши, баланслаштириши, мувозанатга келтириши лозим, гўё фақат ана шундай йўл билан жамиятнинг барқарор ҳолатига эришилар эмиш. Ҳақиқатда эса, қарама-қаршиликлар курашиб туради, бу кураш муқаррар равишда қарама-қаршиликларни орадан кўтаришга, жамиятнинг муайян конкрет зиддиятларини тугатишга ва натижада жамият янги ҳолатининг пайдо бўлишига олиб боради.

МУВОФИҚЛИК ПРИНЦИПИ — илм-фан ривожининг асосий методологик принципларидан бири. М. п. нинг фалсафий маъноси шундан иборатки, у билиш процесси диалектикасини, нисбий ҳақиқатлардан абсолют, тобора тўлароқ ҳақиқатга ўтиш диалектикасини ифодалайди. М. п. биринчи марта классик физика тушунчаларни кескин ўзгарган даврда ифодалаб берилган эди (*Бор, 1913*). М. п. га кўра, бир табиий-илмий назариянинг иккинчиси билан алмашинуви фақат

улар ўртасидаги тафовутни эмас, балки элоқани, ворисликни ҳам очиб берилдики, бу ворисликни математик аниқлик билан ифодалаш мумкин. Янги назария эски назария ўрнига келганида уни шунчалик инкор қилиб қўймайди, балки маълум формада уни сақлаб қолади. Бинобарин, кейинги назариядан олдинги назарияга қайта ўтиш ўртасидаги тафовутлар унчалик катта бўлмаган бирон туташ соҳада улар мос бўлиб тушиши мумкин. Мас., таъсир кванти катталиги эътиборга олинмаган шароитда *квант механика* қонунилари классик механика қонуниларига, ёруғлик тезлиги чексиз деб ҳисобланган тақдирда эса *нисбият назарияси* қонунилари классик механика қонуниларига ўтади. М. п. амал қилишини математика, физика ва б. фанлар тарихидан кузатиш мумкин. Эски ва янги назарияларнинг қонуниятли боғланиши материянинг сифат жиҳатдан турлича даражалари ички бирлигидан келиб чиқади. Бу бирлик фақат фаннинг ва фан тарихининг яхлитлигини эмас, балки ҳодисаларнинг сифат жиҳатдан янги соҳасига кирганда М. п. нинг гоят улкан эвристик ролни ҳам белгилайди. М. п. *релятивизмнинг* асослигини кўрсатишга имкон беради.

МУЖМАЛ БЕНИҲОЯЛИК—оламнинг бениҳоялигини метафизик тушуниш бўлиб, бу тушуниш макон ва замоннинг ҳар қандай миқёсларда ҳаракатнинг айна ўша бир хилдаги конкрет хоссалари, процесслари ва қонуналарининг монотон, бепеён такрорланувчи галма-галлигини эътироф этишини назарда тутаяди. Материянинг тузилишига татбиқан М. б. материянинг чексиз бўлинишлигини фараз қилишни билдиради, бундай бўлинишликда ҳар бир кичикроқ зарра айна ўша бир хилдаги хоссаларга эга бўлади ва макроскопик жисмлар сингари, ҳаракатнинг айна бир хилдаги ўзига хос қонуналарига бўйсунаяди. Коинотнинг тузилишини тушунишда у айна бир хилдаги мавжудлик хоссалари ва қонуналарига эга бўлган механик системаларнинг бениҳоя иерархиясини назарда тутаяди. Табиатнинг ривожлани-

шини тушунишда М. б. материянинг айна ўша бир хилдаги бошланғич нуқталарига доимо қайтиб турувчи бениҳоя гирдобларни эътироф этишни билдиради. М. б. тушунишнинг *Гесель* киритган. Бениҳоялик тўғрисидаги бундай тасаввурнинг ҳаттолиги материянинг структур тузилишининг беҳисоб кўп сифат жиҳатдан турли даражаларининг мавжудлиги билан исбот қилинадики, бу даражаларнинг ҳар бирида материя турли хоссаларга эга бўлади ва ҳаракатнинг турлича ўзига хос қонуналарига бўйсунаяди, сифат жиҳатдан бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишлар билан ҳамда умумий қайтарилмас ўзгариш билан характерланади.

МУЛК — моддий неъматларни ўзиники қилиб олишнинг тарихан юзага келган формаси, бу формада ижтимоий ишлаб чиқариш процессида кишилар ўртасидаги муносабатлар ифодаланади. М. нинг бирон-бир формасида синфларнинг, гуруҳларнинг ишлаб чиқариш воситаларига муносабати намоён бўлади. М. формаларининг ривожини *ишлаб чиқарувчи кучларнинг* ривожланиши билан белгиланади. *Ишлаб чиқариш усулларининг* алмашиниши М. формаларининг алмашинишига олиб боради. Бир форманинг иккинчи формадан фарқи жамиятнинг иқтисодий етуклик даражасига, иш кучининг *ишлаб чиқариш воситалари* билан қўшилиш характерига боғлиқдир. Шу билан бирга М. нинг турли формалари *меҳнат тақсимотининг* ривожланишидаги босқичлардан иборат. Жамият тарихида М. нинг икки асосий формаси — ижтимоий ва хусусий формалари бўлган. *Ибтидоий жамоа тузумига* ва *социализмга* ижтимоий М. хосдир. Айрибошлаган ривожланиши билан пайдо бўладиган хусусий М. *қулдорлик тузуми*, *феодализм* ва *капитализм* даврларида ҳукм суради. Жамиятнинг синфларга бўлиниши, синфий ва миллий антагонизмларнинг юзага келиши хусусий М. билан боғлиқдир. Ҳукмрон М. формаси мўайян бир синфнинг ҳукмронлик қилишига сабаб бўлади. Хусусий М. ни йўқ қилиш, жамиятни ижтимоий со-

диалистик М. асосида ташкил этиш антагонизмларни тугатишга, синфий тафовутларни орадан кўтаришга олиб боради.

МУЛОҲАЗА — ҳозирги замон формал логикасида муайян *тилдаги* гап бўлиб, бу гап унинг ҳақиқатлигига (чин, ёлгон) ёки модаллигига (эҳтимол, мумкин эмас, зарур ва б.) берилган баҳога боғлаб олиб қаралади. Узига иккинчи М. ни қўшиб оладиган М. қўшимча М. деб аталади; акс ҳолда эса содда М. деб аталади. Ҳар қандай М. унинг мазмунини ташкил этувчи бирон фикрни ифодалайди ва М. нинг мазмуни деб аталади. М. нинг бирон-бир чинлик баҳоси унинг чинлик маъноси деб аталади. М. нисбат бериладиган объект М. нинг предмети деб аталади. «М.» термини билан бир қаторда баъзан «гап», «муҳокама» терминлари ҳам ишлатилади.

МУЛОҲАЗАЛАР ҲИСОБИ — логик система (*Ҳисоблаш*) бўлиб, бу система ўзининг субъектив предикат структурасидан мавҳумлаштирилган ҳолда олиб қараладиган мулоҳазалар ўртасидаги **ҳақиқатлик** муносабатларига асосланган муҳокамиларни формаллаштиради. Классик М. ҳ. зиддиятчи эмасдир (*Аксиомалар системасининг зиддиятчи эмаслиги*), тўлалikka эгадир (*Аксиоматик назариянинг тўлаллиги*). Неклассик М. ҳ. ҳақида қ. *Конструктив логика, Қўймаъноли логика*.

МУНОСАБАТ -- барча ҳодисалар ўзаро алоқдорлигининг зарур momenti бўлиб, бу момент моддий оламнинг бирлиги шартидан келиб чиқади. Нарсаларнинг М. и. ҳам, уларнинг ўзлари сингари, объективдир. Нарсалар М. дан ташқарида мавжуд бўлмайд. М. ҳамisha нарсаларнинг муносабатидир. Ҳар қандай нарсанинг мавжудлиги, унинг ўзига хос хусусиятлари ва хоссалари, унинг ривожланиши унинг объектив оламнинг бошқа нарсаларига муносабатининг бутун мажмуига боғлиқдир. Бирон-бир процессга ёки нарсасга заруран хос бўлган хоссаларининг ўзи фақат уларнинг бошқа нарсалар ва процессларга М. ида юз беради. Ҳодисанинг ри-

вожланиши унинг бошқа ҳодисалар билан М. ининг ўзгаришига, бир муносабатларнинг йўқолиб, иккинчи муносабатларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Иккинчи томондан, М. нинг ичида муайян предмет мавжуд бўлган мажмуятининг ўзгариши унинг ўзгаришига олиб келиши мумкин. Нарсалар ва уларнинг хоссалари хилма-хил бўлгани сингари, М. ҳам хилма-хилдир. Объектнинг турли, айниқса қарама-қарши томонларининг ички М. ини ва унинг бошқа объектлар билан ташқи ўзаро муносабатларини фарқ қилмоқ зарур. Бунда, биринчидан, ички ва ташқи М. лар тафовутининг нисбий характерини, иккинчидан, уларнинг бир-бирига ўтиб туришини ва, учинчидан, ташқи М. лар ички М. ларга боғлиқ эканлигини, уларнинг зухуроти ва намоён бўлиши эканлигини ҳисобга олмақ зарур. Ижтимоий М. лар алоҳида характерга эгадир. Инсон ўзи яратган нарсалар билан, объектив олам билан ва бошқа кишилар билан М. га киришади. Натижада ўзи ўзлаштирган оламда у ўз-ўзини мушоҳада қилади ва бошқа одамга, у ҳам менга ўхшаш одам, деб қараш билангина ўзига ўзи одам деб қарай бошлайди (*Ўз-ўзини англайди*). Бир томондан, инсон онгининг ижтимоий характерни, иккинчи томондан эса, тарихни билиш учун ижтимоий М. ларни ўрганиш зарурлиги худди ана шу билан изоҳланади. Диалектик логикада «тушунчаларнинг муносабатлари (= ўтишлари = зиддиятлари) логиканинг бош мазмундир, **зоган** бу тушунчалар (ва уларнинг муносабатлари, ўтишлари, зиддиятлари) объектив оламнинг инъикоси сифатида кўрсатилган» (В. И. Ленин, 29- т., 178 б.) *Математик логикада* М. лар хоссаларга, кўп ўринли предикатларнинг бир ўринли предикатларга (*Предикат*) қарама-қарши қўйилиши каби, қарама-қарши қўйилади. «Кўпроқ», «баравар», «сабаб», кўпгина жинсдош М. лар ва ҳ. к. икки ўринли М. нинг мисоллари: «ўртасида», «орасида» ва б. уч ўринли М. нинг мисолидир. Формал логикада М. назарияси *Де Морган, Пирс, Э. Шредер* асарларида ба-

си қилинган. М. нинг маънавий назарияси М. нинг умумий хусусиятларини ҳамда улар бўйсунадиган қонунларни ўрганади. М. назариясининг муҳим бўлимини *туркумлар назарияси*га яқин бўлган М. ҳисоби ташкил этади. Бунда М. лар билан улар устида ўтказиладиган операциялар тадқиқ этилади ва бир М. лардан иккинчи М. ларни хулоса қилиб чиқаришга ёрдам берадиган қонунлар аниқланади.

МУНОСАБАТЛАР ЛОГИКАСИ — математик логиканинг *муносибатларни* ўрганувчи бўлими.

МҮР Жорж Эдвард (1873—1958) — инглиз идеалист философи, *неореализм* вакили. М. субъектив идеализмни танқид қиларкан, «Сезги онгни ва онга боғлиқ бўлмаган объектни ўз ичига олади» деган тезисни унга қарама-қарши қилиб қўйди. М. нинг фикрича, объектнинг статуси равшан эмасдир, уни жисмоний объект деб ҳам, «ҳиссий маълумот» деб ҳам қараш мумкин, бинобарин, фақат соғлом фикр бизни ташқи дунёнинг объективлигини эътироф қилишга мажбур этади. Шу хилдаги «соғлом фикр» философиясига кўра, коинотда моддий жисмларнинг атиги баъзи бирлари билагина алоқадор бўлган моддий объектлар ва онг амалиётлари мавжуддир. Шу билан бирга «соғлом фикр» олам ўз табиатига кўра руҳий эканлигини, илоҳий ақл, бу ақлнинг амалиётлари ва охират ҳаёт мавжудлиги мумкинлигини ҳам истисно қилмайди. М. логик анализ методини ишлаб чиқди. Унинг анализ назарияси *неопозитивизмга* таъсир кўрсатди (Ж. Райль, А. Уиндсдорф ва б. ларнинг «лингвистик анализи»). М. нинг этикаси яхшилик билан ёмонликни таърифлаб бўлмайдиган тушунчалар билан эътироф қилишга асосланган. Ахлоқий қондалар сўзловчининг эмоцияларини очиб беради, тингловчининг эмоцияларини қўзғотади ёки яширин тарзда буйруқларни ифодалайди. Ҳозирги замон позитивистик этикасидаги икки йўл: *эмотивизм* ва «ахлоқий мулоҳазаларнинг анализи» сифатидаги этика йўллари ана шундан келиб чиққан. Асосий асарлари:

«Principia Ethica» (1903), «Фалсафий тадқиқотлар» (1922), «Соғлом фикрнинг ҳимоя қилиб» (1925), «Философиянинг баъзи асосий проблемалари» (1958).

МУШОҲАДАЧИЛИК — Марксдан бурунги материализмнинг билиш назарияси соҳасидаги асосий камчилиги; бу камчилик шундан иборатки, мазкур материализм билишни ташқи оламнинг инсон сезги органларига таъсирини пассив идрок этиш, мушоҳада қилиш процесси деб қарайди, инсон эса бу таъсирни фақат идрок этади, деб билади. Шу билан бирга унда объектив олам билан инсон фаолияти бир томонлама қарама-қарши қилиб қўйиларди. Воқелик субъектив тарзда эмас, яъни субъектнинг фаолиятига боғлиқ тарзда эмас, ижтимоий практика ўзгартиб бошқа шаклга солган тарзда эмас, балки фақат объект сифатида олиб қараларди. Дарвоқе, Марксдан бурунги материалистлар практиканинг ўзини фақат тор шахсий ва тамаъгирлик эҳтиёжларини қондиришга қаратилган индивидуал фаолият деб тушунардилар, практиканинг «ифлос-савдогарлик формасидаги кўринишини» (Маркс) қайд қилар эдилар. Практикани инсоннинг ўзини ҳам, у яшайдиган дунёни ҳам яратадиган фаолият деб тушуниш уларга насиб бўлмаганди. Натижада улар фақат назарий фаолиятнигина инсоний фаолият деб ҳисоблардилар. Ҳақиқатда эса билиш процессида инсон асл ҳолатдаги табиатдан кўра кўпроқ «одамлашган» дунё билан иш кўради, яъни бирон-бир тарзда ишлаб чиқариш процессига жалб этилган бўлади, худди шунинг учун ҳам дунёни амалий ўзгартиш инсонга унинг қонуниятларини очиб беради. Бинобарин, билиш пассив мушоҳада эмас, балки дунёни амалий ўзгартиш билан чамбарчас боғлиқ бўлган актив фаолиятдир. М. учун шу нарса ҳам характерлики, у билиш субъектини фақат ҳамма билувчилик қобилиятлари биологик тарзда шаклланган табиий вужуд деб қараладиган абстракт индивид («гносологик робинзонада») сифатида тушунади. М. билиш назариясида му-

қаррар равишда метафизикага олиб боради ва идеализмни батамом рад этишни имконсиз қилиб қўяди. Марксизм М. ни бартараф қилди ва шу билан гносеологияда туб ўзгариш юзага келтирди.

МУҲИМ ВА НОМУҲИМ ХОССАЛАР — нарсалар ёки ҳодисаларнинг хоссалари, бу хоссалар ҳодисаларда ва предметларда ўйнайдиган ролига қараб бир-бирдан фарқ қилинади. М. х. сиз предмет мавжуд бўлолмайди, лекин бироқ Н. х. бўлмаганда ҳам предмет мавжуд бўла беради. М. х. предметнинг моҳиятига боғлиқдир. Философия тарихида М. х. *атрибутлар* деб, Н. х. *акциденциялар* деб аталган. Хоссаларни фарқ қилиш нарсалар ҳақидаги билимни уларнинг предметларнинг объектив мавжудлигидан келиб чиқадиган муайян баҳоси сифатида тавсифлаш учун муҳимдир. Субъектив идеализм, аксинча, М. ва Н. х. нинг тафовутини субъект нуқтаи назаридан изоҳлайди ва табиатнинг ўзида шундай тафовут борлигини кўрмайди. М. х. ва уларнинг Н. х. дан тафовути анализ қилиш, абстракциялаш ва ш. к. йўл билан билинади. М. х. ни ажратиб кўрсатишнинг ҳал қилувчи шарти инсон практикасидир, чунки инсон практикасида нарса худди ўз М. х. ида намойиш бўлади.

МЭИО Элтон (1880—1949)—америкалик социолог, америка индустриал социологиясининг ва *инсоний муносабатлар назариясининг* асосчиларидан бири. М. нинг фикрича, социал гуруҳлар ўртасидаги, мас., корхона эгалари билан ишчилар ўртасидаги муносабатлар эмоционал-психологик характерга эгадир ва шунинг учун объектив синфий зиддиятлар йўқдир. Унинг даъвосича, капиталистик корхоналардаги ишчилар ўз моддий фаровонлигини оширишга ва меҳнат шартини яхшилашга эмас, балки бошлуклар билан хайрихоҳона шахсий муносабатлар ўрнатишга қизиқар эмишлар. М. нинг фикрига кўра, социология саноатда «тичлик» ўрнатишга, меҳнаткашларнинг онгига, психологиясига, ахлоқий таъсир кў-

ратиш тавсияларини ишлаб чиқишга амалий ёрдам бермоғи лозим, токи бунинг натижасида меҳнаткашларни капиталистик эксплуатация билан келиштириш мумкин бўлсин. Асосий асарлари: «Индустриал цивилизациянинг социал проблемалари» (1945), «Индустриал цивилизациянинг сиёсий проблемалари» (1947) ва б.

МЭН-ЦЗИ (эрамиздан олдин тах. 372—289)—Конфуцийнинг таниқли издоши (*Конфуцийчилик*). Унинг қарашлари «Мэн-цзи» китобида баён этилган. Ҳз фалсафий қарашларида М.-ц. идеализм позицияларидан майдонга чиқарди. У ҳиссий идрок ва сезгиларни эмас, балки ақлнинг далолатини билиш процессининг асоси деб ҳисобларди. М.-ц. нинг даъвосига кўра, ахлоқ ва этика инсоннинг табиий сифатларидан келиб чиқади, бу сифатлар эса тугма азгулик деб эълон қилинади. Инсон табиатига хос бўлган этикавий-ахлоқий дастурлар маълум мақсадга йўналтирувчи олий куч— «осмон» дан бунёдга келади. М.-ц. шунингдек «тугма қобилиятлилар» ва «тугма билим»нинг ҳам мавжудлигини эътироф қиларди. Ҳз социал сиёсий қарашларида М.-ц. айрим прогрессив фикрларни айтарди, халқнинг бошчилик қилиш роли ва ҳукмдорнинг бўйсунлилик роли тўғрисидаги фикрни, агар ҳукмдор қўйилган талабларга жавоб бермаса, халқ уни ўрнидан туширишга ҳақли эканлигини уқдириб кўрсатарди. М.-ц. мамлакатни бирлаштиришга даъват қилиб майдонга чиқарди. Унинг таълимоти феодал Хитой идеологиясига чуқур таъсир кўрсатган эди.

МЮНЦЕР Томас (тах. 1490—1925)—черков воизи, Германиядаги Буюк деҳқонлар уруши (1525) йўлбошчиларидан бири, *Реформациянинг* радикал деҳқон-плебейлар қанотининг идеолог. Мўътадил реформатор *Лютерга* қарама-қарши ўлароқ, М. фақат католицизмга эмас, балки умуман бутун христианликка ва феодализмга ҳам қатъий суратда қарши чиқди. Реформациянинг асосий вазифасини М. черковни ва унинг таълимотларини янгилашдан кўра кўпроқ деҳқонлар

на шаҳар камбағаллари кучлари билан социал-иқтисодий инқилоб қилинган иборат деб биларди. М. нинг ўрта аср деҳқон-плебейлари *бидъати на мистикаси* таъсири остида таркиб топган дунёқараши пантеистик дунёқараш эди. Унинг тушунishiча, диний этиқод инсонда ақлнинг уйғониши натижасида, осмоний ҳаёт билан дунёвий ҳаёт ўртасидаги узилишлик бартараф қилинмоғи лозим, деган фикрдан юзага келган. Унинг *пантеизми* динни кейинчалик фалсафий нуқтаи назардан қилинган танқиддан (Д. Штраус, *Фейербах* ва б.) устун турарди. М. христианлик шнорларидан кенг революцион программани

таитанали эълон қилиш учун фойдаланарди. М. қўзғолол кўтарган деҳқонларни «ер юзида худонинг салтанати»ни ўрнатилишга—сифсий, хусусий мулксиз ва давлатсиз жамият барпо этишга даъват этарди. М. нинг диний философияси атеизмга яқинлашиб борарди, унинг сиёсий программаси эса тенгламачилик утопик коммунизмга жуда яқин эди. М. нинг идеаллари деҳқон-плебейлар оммасининг манфаатлари доирасидан анча нарига ўтиб кетган эди ва Энгельс сўзлари билан айтганда, «эндигина ривожлана бошлаган пролетар элементлари озодлиги...» (7-т., 371-б.) шарт-шароитини олдиндан пайқаган эди.



НАВОИИ Алишер (1441—1501) Низомиддин Мир Алишер—буюк ўзбек мутафаккири, шоири, давлат арбоби. Қатор шеърӣ тўплам—девлонлар, лирик ва фалсафий мазмулдаги дostonлар, тарихий ва дидактик асарлар муаллифи («Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Садди Искандарий», «Саббан-Сайёр», «Ҳайратул аборор», «Мажолисун нафос», «Мезонул авзон», «Хамсатун мутахаййирин», «Ҳолати Паҳлавон Маҳмуд», «Муҳокаматул лугатайн» ва б.). Н. ўз дунёқарашда Шарқдаги илғор фалсафий анъаналарни ривожлантирди. Н.нинг фалсафий қарашлари оламни пантеистик тушунишга асосланади. Н. Урта Шарқда, хуусан, Урта Осиёда феодализмнинг ривожланган даврида ижод этди ва ўз дунёқарашини замонасининг энг илғор интилиш-фикрларини ифодалади. Н.нинг фалсафий қарашлари пантеизмга асосланади. Пантеизм ўрта аср шаронтида прогрессив фикрларни баён этишнинг энг қулай формаси, воситаси бўлиб хизмат қилар эди. Н. учун оллоҳ ва табиат бир, бутунни ташкил этиб, оллоҳнинг барча ҳислатлари табиат зухуротида намоён бўлади. Табиатнинг ва оллоҳнинг энг етуқ маҳсули инсондир. Инсон оллоҳ даражасига кўтарилиб унинг тафаккури, ҳис-туғуларини, етуқ ахлоқий фазилатларини фалсафа ва шеърининг ҳақиқий объектини ташкил қилмоғи керак. Н. инсон тафаккурининг буюқ қудратини намоён этиб, фан, маърифатнинг ижтимоий тараққиётидаги буюқ ролин таъкидлаб оламни билишда рационалистик позицияда туради. Н. ижодида ўрта аср Шарқда шакланган гуманистик фикрлар олий даражага кўтарилди. Пантеизм ва рационализмга асосланган ҳолда инсоннинг ижтимоий тараққиётда катта ўрни тутишини эътироф этиб Н. ўз шеърини ва дostonларини буюқ инсоний фазилатларини

қуйлади. Инсонга бўлган муҳаббатни ва ҳақиқий севгини улуглади. Н. ижтимоий қарашларида реалик, адолатсизлик, маърифатсизлик, реакцион дин арбобларини, шайх-зоҳидларни кескин танқид этди, инсонларни меҳнатга, адолатга қақирди, маърифатга асосланган жамият яратиш ҳақида орзу қилди. Унинг ижтимоий-фалсафий қарашлари идеалистик характерга асосланган бўлсада ўрта аср шаронтида, феодал истибдод, диний фанатизм ҳукмрон бўлган даврда зулм ва мистикага қарши курашда муҳим прогрессив аҳамиятга эга бўлди. Н. сўнги илғор ижтимоий-фалсафий фикрлар ривожига катта таъсир кўрсатди.

НАЗАРИЯ (грек. *theoria* — тадқиқот)— умумлаштирилган билим, воқеликнинг у ёки бошқа томонларини изоҳлаш системаси. «Н.» терминини уни практикадан фарқ қилиш ёки уни *гипотезага* (текширилмаган, тахминий билимга) қарама-қарши қўйиш учун турли маънога эгадир. Н. практикадан фарқ қилади, чунки у реал воқеликни руҳий, фикрий «қуюлмаси», инъикоси, такрор ҳосил қилинганлигидир. Шу билан бирга Н. практика билан чамбарчас боғлиқдир, чунки практика билиш олдига етилиб келатган вазифаларни қўяди ва уларни ҳал қилишни талаб этади. Бинобарин, практика ва унинг натижалари умумлашган тарзда ҳар қандай Н. га узвий элемент бўлиб киради. Ҳар бир назария мураккаб структурага эгадир. Мас., физика Н. ларида икки қисмни: формал ҳисобларни (математик тенгламалар, логик символлар, қоидалар ва б. ни) ва «мазмунли» интерпретацияларни (категориялар, қонунлар, принципларни) ажратиб кўрсатиш мумкин. Н.нинг мазмули элементларини символик шаклда тасаввур қилиш мумкинлиги туфайли, унинг формал структурасини, манти-

қий алоқаларини, яъни унинг аксиомалантирилишини аниқроқ тушуришга эришилади. Н. нинг мазмули ва формал аспектилари бирлиги — унинг ривожланиш ва такомиллаштириш манбаларидан биридир. Н. нинг мазмули қисмини тузиш ва талқин этиш олимнинг фалсафий қарашлари, дунёқараш, воқеликка қарашнинг муайян методологик принциплари билан боғлиқдир. Табиий-илмий Н. лар ҳам, ижтимоий Н. лар ҳам уларни пайдо қиладиган тарихий вазият, ишлаб чиқариш, техника, экспериментнинг тарихан муайян даражаси тақозоси билан вужудга келади. Бирон даврда ҳукм сурадиган, илмий Н. ларни тузишга қулайлик туғдирадиган, ёки, аксинча, тўсқинлик қиладиган социал тартиботлар Н. ларнинг, айниқса ижтимоий Н. ларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши учун қатта аҳамиятга эгадир. Чунончи, фақат 19-асрнинг ўрталаридан бошлаб, марксизм пайдо бўлгач, социологик қарашлар биринчи марта ижтимоий тараққиёт қонунлари ҳақидаги илмий Н. га айланди. Н. лар жамиятни революцион йўл билан қайта қуришда қатта роль ўйнаши мумкин ва ўйнамоқда ҳам. Шундай қилиб, билувчилик фаолияти ва практика натижаларининг умумлашмаси сифатида пайдо бўлгач, Н. табиатни ва ижтимоий ҳаётни ўзгартишга кўмаклашмоқда. Н. нинг ҳақиқатлик критерияси практикадир (*Ҳақиқат критерияси*).

НАЗАРИЯ ВА ПРАКТИКА — фалсафий категориялар, бу категориялар билишнинг ҳамда табиат ва жамиятни ўзгартишнинг ягона бир ижтимоий-тарихий процессининг маънавий ва моддий томонини билдиради. Н. — кишилар онгида умумлаштирилган тажрибадир, объектив олам ҳақидаги билимларнинг мажмуидир, билимларнинг нисбатан мустақил системасидир, бу система тушунчалар логикасида нарсаларнинг объектив логикасини такрор ҳосил қилади. Эски, эмпирик ва позитивистик (жумладан прагматик) нуқтаи назардан фарқли ўлароқ, марксистик философия П. ни шахснинг ҳиссий субъектив тажриба-

си деб ва фақат субъектив босе баҳона билан қилинадиган иш амал деб қарамайди. П. кишиларнинг шундай фаолиятидирки, бу фаолият жамиятнинг яшашини ва ривожланишини таъминлайди, у аввало моддий ишлаб чиқаришнинг объектив процессидир, бу процесс кишилар ҳаётининг асосини ташкил қиладди, шунингдек у синфларнинг революцион-ўзгартирувчи фаолиятидан ва амалий ижтимоий фаолиятнинг дунёни ўзгартишга олиб борувчи ҳамма бошқа хилдаги формаларидан иборатдир. Илмий эксперимент ҳам П. формаларидан биридир. Н. ва п. чамбарчас бирликда бўлиб, бир-бирисиз яшай олмайди ва доимо ўзаро бир-бирига таъсир қилиб туради. Бу ўзаро таъсирнинг асоси — П. дир. Худди шу амалий ижтимоий ишлаб чиқариш фаолияти онгни туғдиради ва тараққиётнинг ҳар бир босқичида уни белгилайди, у билан бирга эса воқеликни назарий ўзлаштиришни ҳам белгилаб беради. Кишилар воқеликни бирон-бир тарзда тушунган ҳолда онгли ҳаракат қиладилар. Албатта, бундан, улар ўз ҳаракатларидан бирон қатъий изчил илмий Н. ни қўлланма қилиб иш қурадилар, деган маъно чиқмайди. Лекин уларнинг фаолияти ҳамisha билимларнинг муайян мажмуи билан йўлланади туради. Инсоният тарихининг тонгида бундай билимлар мавжудлигининг бирдан-бир формаси — узвий қисмларга бўлинмаган, ягона «қундалик онг» бўлган. Меҳнат малакаларини англаш, амалий ишлар ва кузатишларнинг натижаларини эмпирик умумлаштиришлар, ривоятлар ва этиқодлар, ижтимоий борлиқнинг тўғри ва фантастик инъикоси — бу «Н». тушунчаларнинг мантиқан мунтазам системасидан иборат эмас эди, воқеликнинг объектив логикасини илмий равишда қайта ҳосил қилиш эмас эди. Аммо унинг П. билан алоқаси шу қадар тўла эдики, натижада бу «Н.» «реал ҳаёт тили»га — кишиларнинг амалий фаолиятига бевосита «чирмашиб кетган» эди. Ақлий ва жисмоний меҳнат тақсимоли юзага келгач, Н. ва п. турли ижтимоий қутбларга (қарама-қарши то-

монларга) ажралиб кетди. Улар ҳамон бир-бирига боғлиқ, ўзаро таъсир қилиб турган ҳолда жижимой фаолиятнинг нисбатан мустақил формаларига айланадилар. Фаолиятнинг нисбатан мустақил ва махсус соҳаси сифатида «соф» Н. нинг ўзага келиши инсоният тарихида энг буюқ революцион сакрашлардан бири эди. Илмий тадқиқотнинг ривожланиши, Н. нинг абстракт-мантиқий формаси кншиларга табиий ҳодисалар моҳиятига чуқурроқ кириш, оламнинг доимо ривожланиб борадиган илмий манзарасини тузиш имкониятини берди. Иккинчи томондан, Н. ва п. нинг алоқаси олимларнинг ўзлари учун унчалик аён бўлмай қолди. Ана шу асосда хусусий мулкчилик жамияти учун характерли бўлган индивидуалистик дунёқараш билан мос тушган ҳолда билишга «назариётчи»нинг теварак-атрофидаги муҳитни индивидуал лассив мушоҳадасининг иши деб қарашдан тортиб го назарий онгни (гояни) воқеликни яратувчи деб қарайдиган идеалистик фалсафий системаларга қадар турли иллюзиялар наймо бўлди. «Шу пайтдан бошлаб онг ҳақиқатан ўзини, мен мавжуд практикани англашдан кўра бошқачароқ бир нарсакам, деб хаёл қилиши мумкин...» (К. Маркс ва Ф. Энгельс, 3-т., 30-б.). Меҳнатни умумлаштирган ва ишлаб чиқарувчи кучларни унгача исбли кўрилмаган даражада ривожлантирган капиталистик ишлаб чиқарни усули Н. нинг п. дан ажраланиши баргараф қилиш учун объектив зарур шарт шарт яратди. Шу билан бирга Н. нинг роли фақат ишлаб чиқарни процессидагина беқибс оиниб қолмайди. Буржуа тузумни тугатишга қаратилаган омманинг амалий ҳаракати илгор марксистик Н. билан қўшилиб кетади, бу назария жамиятнинг объектив қонунларини очиб беради ва пролетариат партиясининг бутун фаолиятини илмий равишда асосланган мақсадга — коммунизма эришиш сари йўллайди. Меҳнат олод қилиниб, синфий антагонизм тугатилгач, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги чегара-

лар барҳам топгач, Н. билан п. ни ажратиб ташлайдиган ва уларни бир-бирига қарама-қарши қўядиган объектив шартлар ҳам йўқолади. Н. билан п. нинг узвий боғланиши бўлмаса, халқ оммасининг амалий тажрибаси доимо назарий умумлаштирилиб борилмаса социалистик ва коммунистик жамиятни қуриш мумкин эмас.

НАЗЗАМ (835 йилда вафот этган) — ўрта аср Шарқининг йирик мутафаккири, мўътазилийлар ҳаракатининг раҳбарларидан бири, унинг анча радикал қанотининг бошлнги сифатида танилган. Н. «наззамия» (наззамизм) номи билан машҳур бўлган ўз фалсафий мактабини яратди. Бу мактаб ўрта аср мутафаккирлари ўртасида рационалистик дунёқарашни тарқатишда катта роль ўйнади. Ортодоксал исломнинг кўпгина ақидаларини рад этганлиги, динга қарши чиққанлиги учун Н. ни эркин фикр юритувчи, даҳрий деб атаганлар. Фалсафий масалаларни ҳал қилишда у диний хурофотлар билан ҳисоблашмаган ва кўпгина масалаларга материалистик позициядан ёндошган. Н. нинг фалсафий қарашлари эркинликни севувчи мутафаккирлар учун гоъвий манба бўлди. Мусулмон руҳонийлари унга душманлик кўзи билан қарадилар ва оқибатда унинг деярли ҳамма асарлари йўқ қилиб юборилди.

НАИТИВИЗМ — билишнинг диний-мистик характери тўғрисидаги идеалистик таялнмот бўлиб, бу таълимотга кўра ҳақиқат рационал-мантиқий йўл билан эмас, дискурсив тарзда эмас, балки гўё тўсатдан, ҳеч қандай боғланишсиз, биргина наития, яъни илҳомдан туғилган, худонинг қаромати билан гоийбдан инсон кўнглига солинган фикр ёрдами билан очилар эмиш. Н. соф ҳолида камдан-кам, асосан, теологик доктриналарда учрайди, аслини суриштирганда эса, бу принципга бутун иррационалистик философия қўшилади (*Иррационализм*).

НАЛБАНДЯН Микаэл Лазаревич (1829—66) — арман материалист му-

тафаккири, революцион демократ, социалист утопист, маърифатчи, шоир ва публицист. Москва университетининг табиёт факультетини тамомлаган, прогрессив арман журнали «Шимол ёдуси»га ҳамкорлик қилган. Чет элда бўлган чоғида Герцен группаси билан алоқа боғлаган; умумрус озодлик курашида актив қатнашган. Ўз фаолиятида Н. рус-арман дўстлигини мустаҳкамлаш ғоясига асосланиб, арман халқининг озодлигини рус антикрепостник революциясининг галабаси билан боғлаган, буржуа миллатчиларга ва либералларга қатъий суратда қарши чиққан. Ўз фалсафий қарашлари жиҳатидан Н. материалист бўлиб, материализмни диалектика билан қўшибга уринарди. Биши назариясида Н. ҳиссий нарса билан рационал нарсанинг, дедукция билан индукциянинг бирлигига асосланарди, умумий тушунчалар ва идеяларнинг табиатини идеалистларча тушунишни танқид қиларди. Н. Кант, Фихте, Гегель философиясини, айниқса уларнинг сиёсий қарашларини танқид қилиб чиқди. Эстетикада у реализмни ва рус революцион демократларининг қарашларини ҳимоя қиларди; бу идеялари у йирик шоир ва ёзувчи сифатида ўзининг бадиий фаолиятида гавдалантирарди. Н. нинг идеялари 19-асрдаги арман прогрессив маданиятининг манбаларидан бири бўлиб қолди. Асосий асарлари: «Икки сатр» (1861), «Деҳқончилик тўғри йўлдир» (1862), «Гегель ва унинг замони» (1863) ва б.

НАРОДНИКЛИК — Россиядаги майда буржуа деҳқонлар демократияси қарашлари системаси. Идеология сифатида Н. нинг ўзинга хос хусусияти шу эдики, унда аграр демократия деҳқонлар утопик социализми билан чатишиб кетган эди, капитализм йўлини четлаб ўтишга умид боғланган эди. Н. буржуа демократик революция йўлига нисбатан кечроқ кирган мамлакатлар учун характерлидир, чунки бу вақтда Ғарбий Европада ва Шимолий Америкада капитализм ўзини хос зиддиятларни алақачан очиб кўрсатган ва пролетариат социалис-

тик ҳаракатини юнга келтирган эди. Россияда Герцен ва Чернышевский Н. нинг отаси эдилар, улар деҳқонлар жамоаси орқали юқори, коммунистик формага ўтши мумкинлигини ҳақидан масалани биринчи бўлиб ўртага ташлаган эдилар. 19-асрнинг 70-йилларида Н. рус демократик ҳаракатида устун йўналиш бўлиб қолади, янги хусусиятлар касб этади. 70-йилларда М. А. Бакунин, П. Л. Лавров, П. Н. Ткачев ва б. Н. нинг энг кўзга кўринган идеологлари эдилар. Ўзининг ижтимоий-сиёсий мазмуни жиҳатдан жанговар революцион демократизм идеологияси бўлган Н. назарий жиҳатдан Чернышевскийга нисбатан бир қадам орқага кетди. Бу даврда Н. қарашларининг алоҳида хусусияти революцион интеллигенциянинг социал тараққиётининг боришига ҳал қилувчи таъбир кўрсатишига ишонishi эди. Ана шу нуқтан назардан интеллигенция мамлакатнинг тараққиёт йўлини белгилаб бериши лозим эди. Чернышевскийнинг социологик концепциясида марказий ўринни тутган тарихий зарурият идеяси Н. революционерлар учун номақбул бўлган буржуача тараққиёт йўлини ҳақ қилиб кўрсатадиган идея деб рад қилди. Народниклар ўз тезисларини тарихий процесснинг алоҳида хусусиятига эга эканлигини, унда инсоннинг «субъектив теологик» фаолиятининг муҳим аҳамияти борлигини далил қилиб келтириш билан ҳамда барча ижтимоий ҳодисаларни муайян «ахлоқий идеал» нуқтан назаридан қараш (*Социологиядаги субъектив метод*) билан асосламоқчи бўлардилар. Философияда 70-йиллардаги Н. назарийчилари позитивизмни тарғиб қилардилар. Улар фалсафий материализмни ва унинг гносеологиясини фан доирасидан четга чикувчи «метафизик умумлашма» деб рад этардилар. 19-аср 80-йилларининг ўрталаридан бошлаб, Н. чуқур кризис даврига кирди, бунга сабаб шу эдики, бир томондан, Н. нинг қишлоқда олиб борган социалистик пропагандаси муваффақиятсиз бўлиб чиққан ва «Народная воля» ташкилоти тор-мор келтирилган, иккинчи то-

мондан, мамлакатда синфий силжишлар юз берган, деҳқонлар буржуача эволюция қила бошлаган, пролетариат ўсиб ва унинг кураши ривожлана бошлаган эди. Революционерларнинг бир қисми (Плеханов ва б.) Н. билан алоқани узиб, марксизм позицияларига ўтган эдилар. Н. да либерал оқим устун бўлиб қолди (И. Юзов (И. И. Қаблиц), *Михайловский*, В. В. (В. П. Воронцов), С. Н. Кривенко, С. И. Южаков ва б.), бу оқим мавжуд тузумни революцион йўл билан ағдариб ташлаш учун курандан воз кечди. 80—90-йиллардаги Н. нинг асосий идеяси майда деҳқон хўжалигини капитализмга қарама-қарши қилиб қўйишдан иборат эди. Народникларнинг бир қисми мамлакатнинг капиталистик эволюциясини ва деҳқонларнинг табақалашаётганлигини эътироф этишга мажбур бўлди. Лекин у ҳам «халқ ишлаб чиқариши»ни капитализмдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги майда буржуача утопик хом хаёлларни пеш қилиб чиқди. Либерал Н. вакиллари марксизмга қарши актив кураш олиб бордилар, бу кураш уларнинг батамом гоёвий тор-мор қилиниши билан тамом топди. 20-асрнинг бошларида деҳқонлар ҳаракатининг юксалиши ва 1905—07 йиллар революцияси натижасида бир қанча народниклик гуруппалари ва партиялари пайдо бўлди, булар ичида сўдроғи эсерлар партияси эди. Эсерлар идеологияси эклектик характерга эга эди. Унда Н. нинг эски ақидалари марксизмнинг бузиб талқин қилинган айрим қондалари билан қўшилган эди. Революция давомида эсерлар доимо иккиланиб гоҳ либераллар гегемониясига бўйсунмоқчи бўлар, гоҳ помещик ер эғалигига қарши қатъий кураш олиб бормоқчи бўлар эдилар. Ленин ва Плеханов Н. ни чуқур танқид қилдилар.

НАРСА — моддий оламнинг бир қисми бўлиб, нисбатан мустақил мавжудлик хусусиятига эгадир. Бир Н. иккинчисидан ўзининг сифат муайянлиги билан (*Сифат*) фарқ қилади. **Ўзига** хос хусусиятлари туфайли Н.

бошқа Н. билан ўзаро таъсир қилишиб туради.

«НАРСА ҲИДА» ВА «НАРСА БИЗ УЧУН»— фалсафий терминлар бўлиб, биринчиси ўз-ўзликчи, бизга ва бизнинг онгимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган нарсаларни, иккинчиси билиш процессида инсон томонидан очиладиган нарсаларни билдиради. Бу терминлар 18-асрда «нарсалар ўзида»ни билиш мумкинлигини инкор қилиш муносабати билан алоҳида аҳамият касб этган эди. *Локк* томониданоқ айтилган бу қондани *Кант* муфассал асослаб берган эди ва у, биз «нарсалар ўзида»дан батамом ажралган ҳодиса билангина иш кўрамиз, деган эди. Кантда ҳам «нарсалар ўзида» ғайри табиий, билиб бўлмайдиган, тажриба эришолмайдиган моҳиятларни: худо, эркинлик ва ҳ. к. билдиради. Диалектик материализм нарсаларни тўла-тўқис билиш мумкинлигига асосланиб, билишни практика асосида «нарсалар ўзида»нинг «биз учун нарсалар»га айланиш процесси деб қарайди (*Билиш, назария ва практика*).

НАТИЖА — қ. *Сабабият*.

НАТУРАЛИЗМ (лат. natura — табиат). 1. Философияда — методологик принцип бўлиб, Марксдан олдинги баъзи буржуа назарияларига хосдир, бу назариялар жамият тараққиётини табиат қонунлари билан (иклимий шароитлар, географик муҳит, кишиларнинг биологик ва ирқий хусусиятлари ва ҳ. к. билан) изоҳлашга уринардилар. Н. *антропологизмга* яқиндир, чунки антропологизм ҳам ижтимоий ҳаётнинг ўзига хос қонуниятларини кўрмайди. Агар 17- ва 18-асрларда Н. *спиритуализм* билан курашда ижобий роль ўйнаган бўлса, кейинчалик унинг ўзи ҳам айниб реакция-идеалистик оқимга айланиб кетди. 2. Санъатга эстетик қарашлар системаси ва унга мувофиқ бадний метод бўлиб, у 19-асрнинг иккинчи ярмида шаклланди. Н. нинг фалсафий асоси *позитивизм* эди (Конт, Спенсер, И. Тэн ва б.). Н. воқеликнинг туб, чуқур процесслари ичига кириш вазифаларини ўз олдига қўймастан, ба-

дий ижодиётни воқеликнинг тасодифий, яккам-дуқкам предметлари ва ҳодисаларини копия қилиб кўчиришдан иборат қилиб қўяди. Н. эстетик концепциясининг зиддияти Э. Золяда яққол намойён бўлган эди, Золянинг ижоди кўпинча унинг социал ва биологик ҳодисаларнинг айнан бирдайлиги ҳақидаги, санъатнинг сиёсат ва ахлоқдан мустақиллиги ва ҳ. к. ҳақидаги назарий мулоҳазалари билан зид келарди («Экспериментал роман», 1880; «Театрда натурализм», 1881 ва б.). Санъатдаги ҳозирги замон Н. и. капитализмнинг эстетик мадҳиясидир. Н. учун характерли бўлган физиологизм, ибтидоий ўйин-томошалар, мелодраматизм, ташқи дабдабали чиройлилик ва ш. к. капиталистик мамлакатларда «оммавий санъат» деб аталувчи энг хилма-хил жанрларда намойён бўлмоқда. Н. тарафдорлари (бевоқифа ёки билвосита) тарғиб қилаётган пассивлик, социал курашдан воз кечishi, кишиларнинг қувончларига ва азоб-қубатларига бефарқ қараш идеялари, уларнинг инсон ҳаётининг чиркин томонларига алоҳида қизиқиш қараш Н. ни санъатдаги формалистик йўналишлар билан яқинлаштиради (*Формализм*). 3. Этикада — ўтмишдаги кўп назариялар ва 20-асрдаги буржуа этика концепциялари учун характерли бўлган ахлоқнинг асослаш методологик принципи. Бу принципга кўра, ахлоқий тасаввурлар, жумладан яхшилик тушунчаси инсон турмушининг ижтимоий қонуналаридан эмас, балки қандайдир табиий ибтидодан (космос, органик олам, инсон биологияси ёки психологияси қонуналаридан) хулоса қилиб чиқарилади. Этикадаги Н. га *гедонизм*, *эвдемонизм*, *утилитаризм*, *эволюцион этика* ва б. киради. Буржуа ахлоқ назариясида этикадаги Н. биринчи марта аксиологик *интуитивизм* вакили Ж. Мур томонидан танқид қилинди. Мур ва унинг издошлари, ахлоқ тушунчаларини «табиий ҳолатлардан хулоса қилиб чиқариб бўлмайдиган, деб ҳисоблайдилар (уларнинг фикрича, «натуралистик хато» худди ана шундан иборат). Лекин «табиий

ҳолат» деганда улар жуда кенг нарсани тушуниб, ахлоқ соҳасидан четга чиқувчи нарсаларнинг ҳаммасини, шу жумладан социал ҳодисаларнинг ҳам унга нисбатан берадилар. Натижада ахлоқ ва этика инсон ҳақидаги ҳақиқий билимлардан ва ижтимоий фанлардан ажратиб қўйилади. Бу иллат ҳозирги замон буржуа этикасида пайдо бўлган бутун формалистик йўналишга хосдир. Ҳозирги замон буржуа этикасида ахлоқ тушунчаларини табиий-илмий тушунчалардан, антропология ва психология маълумотларидан келтириб чиқарадиган мактаблар унинг натуралистик йўналишини ташкил этади. Бу, мас., *космик теллеология*, *ахлоқ-одоб ҳиссиёти ва манфаат назариясининг* этикасидир ва ҳ. к. 40—50-йилларда Фарбада бир қанча тадқиқотлар пайдо бўлди, уларнинг авторлари умуман ҳали Н. донрасидан чиқмасаларда, лекин этиканинг баъзи илмий принципларини интуитивизм ва неопозитивизм томондан очиқдан-очиқ идеалистик позициялардан туриб қилинаётган танқиддан ҳимоя қилмоқдалар. Бу принциплар қуйидагилардан иборат: 1) ахлоқий эзгулик объектив характерга эгадир, у кишиларнинг эҳтиёжлари ва манфаатлари билан, уларнинг ҳаётининг тузилиши билан боғлиқдир, 2) эзгулик тушунчасини таърифлаш, ахлоқ-одоб нормаларини эса объектив равишда асослаш мумкин; 3) ахлоқий муҳокамалар билувчилик аҳамиятига эгадир, уларнинг чинлиги тажриба йўли билан текширилади; 4) этика ва ахлоқ-одоб принциплари инсон ҳақидаги бошқа фанларнинг маълумотлари билан илмий равишда асослаб берилиши мумкин. Натуралистларнинг этикадаги формализм ва идеализмни танқид қилиши, уларнинг назарияларида умуман материализм элементларининг мавжудлиги прогрессив характерга эгадир. Марио Бунге (Аргентина) ва Эйбрэхэм Эйделнинг (АҚШ) асарлари бунга мисол бўлиши мумкин. Бу асарларнинг камчилиги шундаки, уларда ахлоқ-одоб ривожини социал иқтисодий қонуналарнинг антропологик-психологик моментлардан

фарқи аниқ тушунилмаган. Марксизм ахлоқ-одоб ўзига хос ижтимоий ҳодиса эканлигини ва этикадаги Н. қолдиқларидан батамом воз кечмасдан туриб унинг табиятини тушуниш мумкин эмаслигини кўрсатди.

НАТУРФИЛОСОФИЯ (лат. natura—табиат) —табиат философияси бўлиб, унинг алоҳида хусусияти шуки, табиатни яхлит ҳолида олиб қараб, уни асосан ақл югуртириш тарзидэ талқин қилади. Табиёт илми билан Н. ўртасидаги чегаралар, бошқа фалсафий фанлар системасида Н. нинг ўзининг тутган ўрни ҳам философия тарихида ўзгариб келди. Қадим замонда Н. табиёт илми билан ҳақиқатда қўшилиб кетган эди ва қадимги грек философиясида одатда физика деб аталарди. Қадим замондаги Н. нинг алоҳида хусусияти шу эдики, у табиатни боғлиқ ва жонли бир бутун нарса деб стихияли ва содда диалектик тарзда талқин қиларди, микрокосмос (инсон) ва макрокосмос (табиат)нинг айнан бирдайлиги идеясини илгари сурарди (*Гилозоизм*). *Космология* ва *космогония* ҳам Н. нинг узвий қисмини ташкил этарди. Н. элементлари ҳатто ўрта аср схоластикасига ҳам хосдир, бу элементлар асосан аристотелча Н. нинг, космологиянинг ҳамда неоплатонизмдаги ёруғлик метафизикасининг баъзи принциплари илгари сурган оламнинг геоцентрик картинасига мослашувдан иборат эди. Уйғониш даврида Н. кенг ёйилади. Табиатнинг схоластик картинасига қарши курашда бу давр Н. си (аниқ Н. нинг тушунчалари ва принципларини асосан сақлаб қолган, лекин табиий-илмий билимларнинг юқориқ даражасига таянган) бир қанча материалистик ва диалектик идеяларни, мас., табиатнинг бениҳоялиги ва унинг ташкил этувчи оламларнинг беҳисоблиги идеясини (*Бруно*) ва чексиз катта ва чексиз кичик миқдорлардаги қарама-қаршиликларнинг мослашиб тушуниши идеясини (*Николай Кузанский*, *Бруно*) ривожлантирди. 17-асрда табиёт илмининг бир қанча тармоқлари ва, аввало, математика билан механика, Н. дан ажралиб чиқ-

са-да, ҳар ҳолда Н. улар билан маҳкам бирликда фикр қилинарди. *Ньютоннинг* механика ва астрономия принципларини ифодаловчи асосий асари «Натурал философиянинг математик асослари» деб аталиши тасодифий эмасдир. 18-асрда француз ва европа Маорифи ва материализми философиясида Н. олдинги юз йилга нисбатан кенгайиб ва чуқурлашиб кетган барча фанларнинг энциклопедик алоқадорлиги идеясини илгари сурарди. 18-асрнинг охири—19-асрнинг бошларида *Шеллинг* Н. си катта роль ўйнади, бу Н. гарчи идеалистик асосда бўлса-да, табиат кучларининг бирлиги идеясини ифодалаб берди, ўша даврдаги бир қанча муҳим табиий-илмий кашфиётларни умумлаштирди. Шеллингнинг издошларидан бири бўлмиш *Окен* органик оламнинг ривожланиши идеясини баён қилди. *Энгельс* Н. ни тавсифлаб ёзган эдики, у «...ўзига ҳали номаълум бўлган ҳодисаларнинг ҳақиқий алоқадорлигини идеявий, фантастик алоқалар билан алмаштирди ва етишмаган фактлар ўрнини уйдирмалар билан қоплаб, ҳақиқий нуқсонларни фақат хаёлдагина тўлдирди. Шу билан бирга у кўпгина гениал фикрларни айтган ва анча кейин қилинган кашфиётларни олдиндан пайқаган, лекин анчагина бемаъни гапларни ҳам деган эди. У вақтда бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Эңдиликда эса, ўз замонамиз учун қанъатланарли «табиат системаси»ни тузиш мақсадида, бизга табиатни ўрганиш натижаларига диалектик тарзда, яъни уларнинг ўз алоқадорлиги нуқтаи назаридан назар ташлаш ва бу алоқадорликнинг ҳатто табиатшуносларнинг метафизикларча фикр қилишга ўрганиб қолган мияларига уларнинг хоҳишига қарамай кириб бораётганлигини англаш kifоядир, энди натурфилософиянинг куни битгандир. Уни қайта тирилтиришга ҳар қандай уриниш ортқича даҳмазагина эмас, балки *бир қадам орқага кетиш бўлур эди»* (21-т., 304—305-б.). Кейинчалик (19-асрнинг охири, 20-асрнинг бошларида). *Оствальд*, *Авенариус*, *Липпе*,

Дрини ва баъзи бошқа идеалист фило-софлар энг янги табиёт илми кризисини Н. ёрдами билан бартараф қилишга уриниб, бир қадам орқага ташлаган эдилар.

НЕБУЛЯР ГИПОТЕЗА (лат. nebula — туманлик) — космогоник гипотеза бўлиб, бу гипотезага кўра қуёш системаси (ёки умуман осмон жисмлари) сийраклашган туманликдан пайдо бўлган. Бу термин Лапласнинг, планеталар қизиган газ туманлигидан пайдо бўлган, деб фараз қилувчи гипотезасига, камроқ даражада — *Кантнинг*, планетар чанг туманликдан ташкил топган, деган гипотезасига татбиқ этилган; бу термин баъзан ҳозирги замон гипотезаларига ҳам татбиқ этилади. Космик жисмларнинг ва бошқа космик модда формаларининг (газ, чангнинг) табиий суратда тузилганлиги ҳақида Н. г. га асос бўлган идея ҳозирги вақтга қадар ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас (*Космогония*).

«НЕМИС ИДЕОЛОГИЯСИ» (1845—46) — Маркс ва Энгельснинг илк фалсафий асари бўлиб, бу асар *ёш гегелчилар* идеализминини ва *Фейербах* материализмининг маҳдудлигини танқид қилишга бағишланган. Маркс ва Энгельс барҳаёт бўлган вақтда бу китоб нашр этилмаган эди; биринчи марта СССРда 1932 йилда эълон қилинди. Маркс ва Энгельс *«Авильелар оиласи»*да баён этилган идеяларни янада ривожлантириб, идеализм пролетариатга душман бўлган синфлар дунёқарашни эканлигини ва, жумладан, немис ёш гегелчиларининг философияси немис буржуазиясининг қўрқоқлиги ва ожизлигини акс эттиришини кўрсатадилар. Маркс ва Энгельс Фейербах материализмининг метафизик характерини ва *мушоҳадачиллигини* танқид қилиб, тарихга қарашларида Фейербах идеалист эканлигини ва шунинг учун, худди ёш гегелчилар сингари, у ҳам ижтимоий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучларини тушунишга қодир эмаслигини кўрсатадилар. «Н. и.» да *Штирнернинг* буржуа *индивидуализми* ва

анархизми ҳамда К. Грюн, *Гесс* ва б. ларнинг *«чин социализм»* деб аталган реакцион назарияси чуқур танқид қилинган. Пролетариат душманлари билан курашда Маркс ва Энгельс «Н. и.» да илмий коммунизм назариясини ривожлантирадilar, пролетариат ўз фаолиятида ижтимоий тараққиётнинг объектив қонуниятларига таянишини исбот қиладилар. Пролетариатнинг буржуазияга қарши курашида, голибона коммунистик революцияда, коммунистик тузумнинг барпо этилиши муқаррарлигида Маркс ва Энгельс кишилар иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган иқтисодий қонулар амалининг зарур натижасини кўрадilar. «Н. и.» да таърихни материалистик тушунишнинг асосий идеялари: *«ижтимоий-иқтисодий формациялар ҳақидаги, ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари ҳақидаги* (кейинги термин ҳали ишлатилмас эди), *ижтимоий борлиқ билан ижтимоий оненинг ўзаро муносабати ҳақидаги* ва ҳ. к. масала биринчи марта кенг суратда баён қилинди. «Н. и.» да Маркс ва Энгельс асосан таркиб топган дунёқараш билан чиқдилар. Маркс ва Энгельснинг бу китоби пролетариатга душман идеологияни жанговар танқид қилиши намунасидир, фалсафий проблемаларни ишлаб чиқишда коммунистик партиявийлик мисолидир.

НЕОДАРВИНИЗМ — эволюцион таълимотда механистик йўналиш бўлиб, уни бошлича немис биолог А. Вейсман (1834—1914) асослаган ва ривожлантирган. Вейсман таълимотининг марказида «муртак плазмасиянинг узлуксизлиги ҳақидаги идея бўлиб, бу идея организмда жинсий «муртаклар» («плазмалар») ни ва жинсий элементлар («сомлар») ни ажратишни тақлиф этади. Вейсманнинг фикрича, жинсий элементлар («сомлар») ташқи муҳит таъсири остида ўзгаради ва улар коррелятив характерга эгадирлар, яъни организмнинг бошқа қисмлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Лекин бу ўзгаришлар наслдан-насла ўтмайди ва, демак, организмларнинг тарихий ривожла-

ниш процессида роль ўйнамайди. Шу билан бирга ташқи факторларнинг тасодифий таъсирлари муртақ плазмасида барқарор ирсий ўзгаришларни юзага келтириши мумкин, чунки муртақ плазмасида айрим уруғлар (моддий зарралар, ёки «детерминатлар») даражасида танланиш содир бўлади. Шу тариқа Вейсман дарвинча табии танланиш принципини *автогенез* руҳида талқин этиб, бу принципни организм ичида содир бўладиган процессларга кўчиради. Вейсманнинг қарашлари унинг антидарвинизм позицияларида турган издошларининг (голландиялик биолог Г. де Фриз, швед Иогансен ва б.) назарияларида идеалистик хулосалар чиқариш учун баҳона бўлди. Шу билан бирга биологиянинг ривожланишининг муайян bosқичида Н. нинг баъзи вакилларининг асарлари иш гипотезаси ролини ўйнади, наслдан-наслага ўтиш қонуларини ўрганишга ёрдам берди. Ҳозирги вақтда биологияда ядро нуклеин кислоталари молекулаларини *ирсиятнинг* моддий ҳомилири сифатида олиб қарамоқдалар. Неодарвинистларнинг идеяларига келсак, уларга бир қадар шаклини ўзгартган ҳолда чет эл биологиясининг бир қанча вакиллари (Ж. Гёксли — Англияда, Ж. Г. Симпсон — АҚШда ва б.) амал қилмоқдалар. Ҳозирги замон Н. тарафдорлари турли неовиталистик ва теологик концепцияларга хилофан биологик эволюция процессларини сабабга боғлаб изоҳлашга уринмоқдалар. Аммо фалсафий нуқта назардан бу уринишлар метафизик материализм доирасидан чиқмастир.

НЕОЛАМАРКИЗМ — эволюцион таълимотда ғайри илмий йўналиш бўлиб, бу йўналиш 19- асрнинг охирида кенг тарқалди. Н. нинг характерли хусусиятлари шуки, у эволюцияни фақат физиологик процесслар натижаси деб изоҳлайди, танланишнинг ижодий ролини инкор этади, организмларнинг азалдан мутлақ мақсадга мувофиқ қилиб яратилганлигини эътироф этади. Н. нинг турли хилдаги кўринишларидан бири механола-

маркизм деб аталувчи концепция эди, бу концепцияни *Спенсер* организм билан муҳитнинг мувозанати, уларнинг ўзаро таъсири шу мувозанатга олиб келиши ҳақидаги ўз назариясида энг изчил формада ишлаб чиққан эди. Эволюция эса, Спенсернинг фикрича, шу мувозанатнинг узлуксиз бузилиши натижасидир. Механоламаркизм вакилларининг организмларнинг мақсадга мувофиқлиги хусусида илмий изоҳ беришга қодир эмаслиги уларни идеализмга олиб келди. Н. нинг ўта кетган идеалистик кўриниши палеонтолог Коп (1840—97) асос солган психоломаркизмдир. Психоломаркизмга кўра, эволюциянинг манбаи онг ва ироданинг ибтидоий формалари эмиш, кимдир витализм руҳида талқин қилган «ижодий» принцип эмиш.

НЕОПЛАТОНИЗМ — Рим империяси тушқунлик даврининг (3—6-асрлар) реакцияни мистик философияси. *Платоннинг* идеалар ҳақидаги идеалистик назарияси Н. да моддий оламнинг руҳий биринчи ибтидодан мистик эманацияси (нурланиши, оқиб чиқиши) ҳақидаги таълимот формасига кирган эди. Материя қонот иерархиясида (зинапоисида) фақат қуйи поғонадир, «жаҳон руҳи»нинг эманациясидир, холос, унинг устида «руҳ» юксалиб туради, ундан яна юқориоқда эса «биринчи вужуд», ёки «яккаю-ягона» юксалиб туради. Неоплатончиларнинг фикрича, философиянинг энг юқори bosқичига таъриба ва ақл воситаси билан эмас, балки мистик экстаз йўли билан эришилади. Идеализм бу философияда айниб *геософияга* айланди. Неоплатонча мактаб дастлаб Мисрда, Александрияда пайдо бўлди (Аммоний Саккас, кейинчалик — Гипатия). *Платон* неоплатонча мактабини Римда ташкил этди. Сурияда Ямвлих (тах. 330 йилда ўлган) мактаби мавжуд эди, унинг таълимотида пифагорейизм элементлари кучли эди. Сўнгги неоплатонча мактабини *Прокл* Афинада ташкил этди ва у 529 йилгача давом этди. Дастлабки вақтларда христианликка душман бўлган ва шарқ сеҳргарлиги ва мифологиясининг кўпдан-кўп эле-

монистларнинг ўз ичига олган Н., шунга қармай, христиан *патристикасига* ва ҳам христиан мамлакатларидаги, ҳам мусулмон мамлакатларидаги феодал жамиятнинг философиясига ғоят катта таъсир кўрсатди. Н. Яқин Шарқда араб феодализми ривожланишида шаклланган ижтимоий-фалсафий таълимотларга ҳам маълум таъсир кўрсатди (*Ал Кинди, Форобий, Ибн Сино* в. б.).

НЕОПОЗИТИВИЗМ — 20- асрдаги буржуа философия йўналишларидан бири, *позитивизмнинг* ҳозирги замон формаси. Н. философияни унинг предметидан маҳрум қилиб, воқелик ҳақидаги билим фақат кундалик ёки конкрет-илмий тафаккурда ҳосил қилинади, философия эса мазкур тафаккур турлари ифодаланадиган тилни анализ қилиш соҳасидагина бўлиши мумкин, деб ҳисоблайди (*Аналитик философия*). Н. нуқтани назаридан фалсафий анализ объектив реаликка жорий этилмайди, у фақат «мавжуд», яъни бевосита тажриба ёки тил билан чекланмоғи лозим. Н.нинг ўта кетган формалари, мас., *Вена тўғрагиниче* илк Н. и., «мавжудлик»ни индивидуал кечинмалар билан чеклаб, бевосита *солмпсизмга* келади. Н.нинг энг таъсирли кўриниши *логик позитивизм* бўлди. Инглиз аналитик филозофлари, *Муринче* издошлари (Стеббинг, Уисдом ва б.) ҳам Н.нинг умумий платформасига қўшилдилар. Логик *Львов-Варшава мактаби* бир қанча вакиллари (К. Айдукевич ва б.) фалсафий қарашлари ҳам неопозитивистик қарашлар эди. 30-йилларда неопозитивистик қарашларга амал қилувчи турли гуруҳлар ва айрим филозофларнинг: Вена тўғрагининг австро-немис логик позитивистлари (*Карнап, Шлик, О. Нейрат* ва б.) ва Берлин «Эмпирик философия жамияти» (*Рейхенбах, Гемпель* ва б.), инглиз аналитиклари, позитивистик-прагматик йўналишдаги «фан философияси»нинг америкалик бир қатор вакиллари (Парель, Маргенау, Моррис, *Бриджмен* ва б.), Швециядаги Упсала мактаби, Шольц бошлиқ мюнстер логик гуруҳи (Германия) ва бошқалар-

нинг ғоявий ва илмий-ташқилий қўшилиши воқеа бўлди. Уша вақтдан бери мунтазам суратда бир қанча халқаро конгресслар қақчилди ва матбуотда Н. идеялари кенг пропаганда қилиб келинди. Узини «илмий эмпиризм» деб рўқач қилган Н. олимларнинг турли доираларига кўзга кўринарли таъсир ўтказмоқда, унинг таъсири остида ҳозирги замон фан кашфиётлари маъно беришда бир қанча идеалистик концепциялар вужудга келмоқда. Шу билан бирга формал логика ва фан методологиясининг баъзи масалалари юзасидан ўтказилган тадқиқотларнинг неопозитивистларнинг ўзлари ҳам ва неопозитивист бўлмаган, лекин неопозитивистлар ташкил этган конгрессларда, мунозараларда ва ҳ. к. ларда қатнашган олимларнинг ҳам қўлига киритган конкрет натижаларининг ижобий аҳамиятини қайд қилиб ўтмоқ керак. 30-йилларнинг охиридан Н.нинг асосий маркази АҚШ бўлиб қолади, ҳозирги вақтда АҚШда бу философия *логик эмпиризмдан* иборатдир. Инглиз Н.нинг ўзига хос кўриниши *лингвистик философиядир*. Англияда *Айер* ва *Поппер* ҳам Н.нинг вакиллари дилар. Ҳозирги замон Н. и чуқур ғоявий кризисни кечирмоқда, бу кризис туб фалсафий проблемаларни ҳал этишда қодир эмасликда, бу проблемалардан қочишда, оғирлик марказининг конкрет мантикий-методологик тадқиқотларга кўчирилишида ифодаланади.

НЕОПРОТЕСТАНТИЗМ — ҳозирги замон буржуа теологияси ва этикасидаги йўналиш бўлиб, 1-жаҳон урушидан кейин Европада (К. Барт, Э. Бруннер — қ. *Диалектик теология*), 30-йилларда эса АҚШда (Рейнгольд ва Ричард Нибуллар, П. Тиллих) ёйилди. Н. *либерал христианликни* кескин танқид қилиб чиққач, абсолют-авторитар худо билан ўз имкониятларида чекланган инсонни қарама-қарши қилиб қўйди. Н.нинг фалсафий таълимотида худо ўз иродасини эркин суратда яратувчи субъект деб тушунилади, бу эса худонинг *неотомизмда* абадий қонун деб тушу-

нишга қарама-қаршидир. Н. нуқтаи назаридан инсон ўзининг ердаги борлиғида худога душман бўлиб, заруран унинг иродасини бузади; инсоннинг принципиал суратда бартараф қилиб бўлмайдиган гуноҳга ботиши ана шундадир. Н. кишиларнинг тарихий тараққиётга, жамиятнинг, фаннинг, маорифнинг ривожланишига боғлаган умидларини пуч деб эълон қилди ва дунёвий гуманистик маданиятни танқид қилди (бу маданиятга Н. бутун Уйғониш даврини, 17—18-асрлардаги рационализм философиясини, Маорифни ҳамда марксизмни киритади). Н. тарафдорлари социал-тарихий борлиқни инсонни «худога қарши исён»га ундовчи, уни ўзини мустақил субъект ва тарихни яратувчи деб қарашга васваса қилувчи «сохта борлиқ» деб ҳисоблайди. Бу нуқтаи назардан дин (ва диний виждон) фақат танқидий вазифани—инсоннинг шунга ўхшаш гуноҳкорона даъволарини фош этиш вазифасини бажаради. Н. этикасида бу нарса дунёвий ва христианча ахлоқни қарама-қарши қўйишда ўз ифодасини топти. Дунёвий ахлоқ гўё моддий ва социал манфаатларга бўйсунар, инсоннинг гуноҳкорона хулқ-атвориغا мослашар ва мураса-мадора характерига эга эмиш. Христианча ахлоқ эса абсолют ва мутлақдир; ҳар қандай мақсадга мувофиқликдан холидир, меҳр-муҳаббат принцилига асослангандир. Лекин христианча ахлоқни, Н. тарафдорларининг фикрича, социал ҳаётда тажриба қилиб бўлмайди ва у ҳаминша фақат «мумкин бўлмаган имконият» бўлиб қола беради. Бу ахлоқни тушунчаларда, хатти-ҳаракатнинг конкрет принциплари системасида ифодалаб бўлмайди (*Иррационализм*). У инсоннинг ахлоқ-одоблиликка ҳар қандай даъволарини сўзсиз танқид қилишдан, худонинг иродасига батамом итоат қилишдан, унинг иродаси талабларининг мазмуни ва мақсадга мувофиқлигини тушунишга асло уринмаслиқдан иборатдир, холос. Н. нинг философияси ва этикаси ҳозирги замон буржуа жамиятининг маънавий кризис ҳолатини, скептик ва пессимистик кайфиятларнинг кучаяётганлигини ифодалади.

мистик кайфиятларнинг кучаяётганлигини ифодалади.

НЕОРЕАЛИЗМ — 20-асрдаги инглиз-америка философиясидаги оқим. Асосий вакиллари: Англияда *Мур*, *Рассел* (фаолиятининг илк даврида), *Александр*, *Броуд*; АҚШда — *Перри*, *Монтэгю* ва б. Материалистик инъикос назариясига қарши қаратилган, «дуализм» деб қораланадиган неореалистик билиш назарияси замирида «мустақилнинг имманентлиги» идеяси, билинадиган нарса бевосита онда бўлиши мумкинлигини, лекин шу билан бирга у ўзининг мавжудлиги жиҳатидан билишга ва табиатга боғлиқ эмаслигини эътироф қилиш асос бўлиб ётади. Н. билиш назариясининг номларидан бири — «эпистемологик монизм» — тажрибанинг «бета-раф элементлари» деган махистча концепция билан ва физик ҳолат билан психик ҳолатни «функционал» фарқ қилиш билан боғлиқдир. Онтологияда Н. «идеявий мавжудлик»ка эга бўлган умумий тушунчаларнинг реаллигини, шунингдек нарсаларнинг ўзлари боғлайдиган муносабатлардан мустақиллигини («ташқи муносабатлар назарияси») эътироф этади. Неореалистик билиш назариясининг гносеологик манбаи билиш мазмунининг билиш процессидан мустақиллигини абсолютлаштиришдан иборат; онтологиядаги манбаи — умумийликни айрим нарсалардан ажратишдан, шунингдек мантиқий алоқалар ва тушунчаларни онтологлаштиришдан иборат. Н. да «космологик» йўналиш ҳам мавжуд бўлиб, бу йўналиш идеалистларча тушунилмайдиган тараққиёт назарияси асосида универсал фалсафий системаларни ривожлантироқда (*эмергент эволюция назарияси*, *Уайтхеднинг «процесс философияси*», *Смэтснинг холизм*).

НЕОТОМИЗМ — католик черковининг расмий фалсафий доктринаси бўлиб, у *Фома Аквинский* таълимоти-га асосланади. Папа Лев XIII нинг (1879) энцикликиси (ўз қарамоғидаги черковларга қарата қилган мурожаати) билан Н. христиан ақидаларига мувофиқ келадиган бирдан-бир

қидиқий философия деб танилди. 1880-йилда Олий философия институтини ташкил этилди (Лувен, Бельгия). Бу институт ҳозир ҳам католик динига топинувчи мамлакатларда (Франция, Италия, ГФР, АҚШ, Латин Америкаси мамлакатлари) кенг тарқалган Н. нинг марказидир. *Маритен*, Жильсон (Франция), де Реймекер (Бельгия), Лотц, де Фриз (ГФР), *Веттер* (Австрия), *Бохенский* ва б. Н. нинг вакилларидирлар. Неотомистик философия *клерикализмнинг* ғоявий таянчи бўлиб хизмат қилмоқда. Неотомистлар *антикоммунизм* идеологлари орасида етакчи мавқени ишғол қиладилар. Неотомистик таълимот асосини «Философия илоҳиётнинг хизматкоридир» деган схоластик принцип ташкил этади. Н. ҳозирги замон объектив идеализмнинг теологик формасидир. Неотомистлар руҳий, илоҳий биринчи ибтидо деб тушуниладиган «соф борлиқ»ни олий реаллик деб биләдилар. Моддий олам иккиламчи ва ҳосила деб эълон қилнади. Диний ақидаларнинг рақидан исботи учун неотомистлар сохта-лаштирилган аристотелча форма ва материя, потенция ва акт (имконият ва воқелик), мавжудлик ва моҳият категорияларидан фойдаланмоқдалар. Неотомистик ақл сотиш назарияларининг натижаси худони борлиқнинг бош сабабчиси ва барча фалсафий категорияларнинг бош асоси деб эътироф қилишдир. Ҳозирги замон табиий-идмий назарияларни диний талқин қилиш Н. да катта ўрин тутади. Умуман Н. философияси жуда сершаҳоба система — *метафизикадан* иборат бўлиб, онтология, гносеология ва натурфилософия унинг асосий қисмларидир. Ўз проблематикаси ва терминологияси жиҳатидан неотомистик метафизика ўрта аср *томизмидан* анча фарқ қилади, унда Фома Аквинский таълимотининг асосий элементлари (дин ва ақлнинг уйғунлашиш принципи ва б.) 18—19-асрлардаги идеалистик системаларнинг (Кант, Шеллинг, Гегель ва б.) айрим қоидалари билан эклектик тарзда бирлаштирилган. Н. нинг нуқтай назарича,

тарихий процесс ҳар бир индивиднинг хатти-ҳаракатини олдиндан белгилаб қўядиган ғайри табиий трансцендент кучларга боғлиқ. Бу билан аслида инсоннинг жаҳон тарихининг боршига актив таъсир кўрсатиш имконияти истисно қилинади. Неотомистик социология асосини капитализм ва социализмга қараганда прогрессивроқ ва адолатлироқ «учинчи» жамият, яъни ҳокимият тепасида черков турадиган жамият ҳақидаги ғайри илмий утопик идея ташкил этади.

НИГИЛИЗМ (лат. nihilis—ҳеч на-ма)—ҳеч қандай ижобий идеалларга боғлиқ бўлмаган мутлақ инкор қилиш нуқтай назари. Н. терминини биринчи бўлиб Якоби ишлатган, у И. С. Тургеневнинг «Оталар ва болалар» романи туйфайли тарқалган. Россияда реакционерлар революцион демократларни нигилистлар деб атар, уларга бутун ўтмиш маданиятни сўзсиз инкор этишни нисбат берардилар. Амалда эса революцион демократия крепостниклик ва буржуа тузумини инкор этиб, социалистик идеаллари билан ўз ижобий программасини илгари суради, В. И. Ленин реакцион ижтимоий тартибларга нисбатан қонуний инкор этиш муносабати бўлган революцион Н. (4-т., 305-б.) билан интеллигентларча анархистик Н. ни (20-т., 276-б.) бир-бирдан фарқ қилиб қарарди. Бу кейинги Н. нинг реакцион моҳияти буржуа философиясида ўз ифодасини топмоқда. Мас., Ницше «қимматдорларни қайта баҳолаб чиқишни», яъни инсоният ишлаб берган маданиятни, ахлоқ нормаларини ва адолатни инкор этишни эълон қилган эди. Ҳозирги замон шароитида бундай Н. капиталистик мамлакатлардаги майда буржуа интеллигенциясининг бир қисми учун характерли бўлиб, расмий идеологияга қарши унинг норозилигини ифодалайди.

НИКОЛАЙ КУЗАНСКИЙ (1401—64); асли оти Николай Кребс ёки Крипфс; туғилган жойидан (Мозель бўйидаги Куэс) олинби Кузанский деб аталган—немис философи, схоластикдан гуманизмга ва илк капиталистик жамиятнинг янги фанига ўтиш

даврининг олими ва илоҳиётчиси. **Неоплатонизм** таъсири остида христиан философиясининг тушунчаларини қайта ишлаб, борлиқнинг максимуми бўлган ва чекланган фаросат табиат нарсаларини фикр қиладиган қарама-қаршиликлардан юқори турадиган худо ҳақидаги таълимотга айлантирди. Худода ҳамма қарама-қаршиликлар ниҳоялик ва бениҳоялик, энг камлик ва энг кўплик, бирлик ва кўплик ва ҳ. к. мослашиб тушади. Н. К. таълимоти ва унинг худода қарама-қаршиликларнинг мослашиб тушиши (*coincidentia oppositorum*) ҳақидаги асосий тезиси, мистик идеалистик мазмунига қарамай, бир қанча самарали идеяларни ўз ичига олади. Фаросатли қарама-қарши қўйишларнинг чекланганлигини таъкид қилиш, табиатни билиш учун математик тушунчаларнинг методологик аҳамияти, чексиз кичик миқдорларни олдиндан пайқаш, математик билишда зиддият қонунини татбиқ этиш чегаралари ҳақидаги масаланинг қўйилиши ва ш. к. ана шундай идеялардир. Асарлари: «Олимона билмаслик ҳақида» (1440), «Келиб чиқиш ҳақида» (1447) ва б.

НИСБИЙ ҲАҚИҚАТ — қ. *Абсолют ва нисбий ҳақиқат*.

НИСБИЯТ НАЗАРИЯСИ — физика назарияси, бу назарияга кўра физикавий процесслар бири иккинчисига нисбатан тўғри чизиқ билан бир текисда (махсус Н. н.), шунингдек тезланиш билан (умумий Н. н.) ҳаракат қиладиган барча системаларда бир тарзда содир бўлади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, системанинг ҳаракати ҳақида шу системани ташкил этувчи жисмлар билан бошқа жисмлар («саноқ жисмлар») ўртасидаги масофаларнинг ўзгаришларига қарабгина ҳукм қилиш мумкин, чунки мазкур жисмлар мавжуд бўлгандагина ҳаракат тушунчасининг маъноси ҳам бўлади. Бу назарияни *Эйнштейн* 1905 йилда (махсус назария) ва 1916 йилда (умумий назария) ифодалаб берган. Бу назария Галилей — Нютоннинг классик нисбият принципи деб аталувчи принципига асосланади, бу принципга кўра, механик процес-

лар бири иккинчисига нисбатан тўғри чизиқ билан ва бир текисда ҳаракат қиладиган системаларда бир тарзда содир бўлади. Оптика ва электродинамиканинг ривожланиши бу нисбият принципини ёруғлиқнинг, яъни электромагнит тўлқинларининг тарқалишига татбиқ этиш мумкинлиги (ёруғлик тезлигининг система ҳаракатига боғлиқ эмаслиги) ҳақидаги хулосага олиб келди. Бу хулоса махсус Н. н. деб изоҳланди ва бу назария абсолют вақт, абсолют *бирвақтлик* ва абсолют фазо тушунчасидан воз кечди. Эйнштейннинг фикрича, вақтнинг бориши системанинг ҳаракатига боғлиқ, вақт интерваллари шундай бир тарзда ўзгарадики, айти системاداги ёруғлик тезлиги унинг ҳаракатига қараб ўзгармайди. Шунингдек, фазовий миқёслар ҳам ўзгаради. Бу асослардан кўп сонли физик натижалар хулоса қилиб чиқарилган эди. Бу хулосалар одатда «релятивистик», яъни Н. н. га асосланган хулосалар деб аталади. Шу хилдаги физик хулосалардан Эйнштейн нисбати алоҳида аҳамият касб этдики, бу нисбатга кўра, жисмнинг массаси унинг энергиясига пропорционалдир. Бу нисбатдан ҳозирги замон ядро физикасида кенг фойдаланилмоқда. Эйнштейн махсус Н. н. ни ривожлантира ва умумлаштира бориб умумий Н. н. га келган, Классик механикада тезланма ҳаракат абсолют маънога эгадир, чунки у тезланиш ҳолатини кечирмайдиган системаларда йўқ бўлган инерция кучларининг пайдо бўлиши билан биргаликда боради. Инерция кучлари саноқ системасини кўрсатмасдан (тезланиш шу саноқ системасига нисбатан содир бўлади) тезланма ҳаракат ҳақида сўзлашга имкон беради. Эйнштейн шунга асосланиб иш кўрганки, тезланишга боғлиқ бўлган инерция кучлари ҳаракат қилмайдиган ёки тезланишсиз ҳаракат қиладиган системалардаги жисмларнинг шунга ўхшаш тезланишларни вужудга келтирадиган оғирлик кучларига айнан тенгдир. Бундан, тезланма ҳаракат абсолют эмасдир, деган хулоса келиб чиқади: тезланишли система

ҳаракатнинг тортилиш майдони йўқ бўлганда ички эффектларига қараб системага осойишталигидан ёки унинг тортилиш майдонидан бир текисда ва тўғри чизиқ билан ҳаракат қилишидан фарқ қилиб бўлмайди. Умумий Н. н. ўзининг асосий мазмунига кўра тортилишнинг янги назариясидир. Бу назария, тортилиш кучлари амал қиладиган тўрт ўлчовли фазо-вақт нозвклид геометрияси нисбатларига бўйсунгани, деган фаразга асосланади. Текисликдаги нозвклид геометрия нисбатлари эгрликка эга бўлган сиртларда одатдаги эвклид нисбатлари сифатида яққол тасаввур қилиниши мумкин. Эйнштейн шунга қиёс қилиб, тўрт ўлчовли фазо-вақтдаги геометрик нисбатларнинг фазо-вақтнинг эгриланиши сифатида эвклид нисбатларидан чеклинишни қараб чиқади. У шундай эгриланишларни тортилиш кучларининг амали билан, тортилиш майдонлари билан бирдай қилиб кўрсатган. Тортилиш — фазо-вақтнинг эгриланишидир. Бундай фаразни 1919 йилда астрономик кузатишлар тасдиқлаб берди; бу кузатишлар юлдузнинг шуъласи тўғри чизиқнинг тимсоли сифатида қуёш яқинида тортилиш таъсири остида эгриланишини кўрсатди. Умумий Н. н. ҳозирга қадар махсус назария эгаллагани сингари, тугал ва шак-шубҳасиз физик концепция характерига эга бўлган эмас. Н. н. нинг фалсафий хулосаларини диалектик материализм идеялари тамомила тасдиқламоқда. Н. н. фазо билан вақт ўртасидаги (бу алоқа фазо-вақт интервалининг ягона тushунчасида ифодаланган), шунингдек, бир томондан, моддий ҳаракат ва, иккинчи томондан, унинг мавжудлигининг фазо-вақт формалари ўртасидаги чамбарчас алоқани кўрсатди. Фазо-вақт хоссаларини моддий ҳаракатнинг хусусиятларига қараб (вақтнинг «секинланиши», фазонинг «эгриланиши») аниқлаш классик физиканинг «абсолют» фазо ва вақт ҳақидаги тасаввурларининг чекланганлигини, уларни ҳаракатланувчи материядан ажратиб қўйиш ноҳақ эканлигини очиб берди. Н. н. классик механиканинг

рационал умумлашмаси сифатидан ёруғлик тезлигига яқинлашадиган тезликлар билан ҳаракат қиладиган жисмлар ҳаракати соҳасига чиқиб олди. Буржуа философиясининг идеалистик ва позитивистик йўналишлари Н. н. дан фаннинг субъектив характери ва физик процессларнинг кузатишга боғлиқ эканлиги ҳақидаги даъволари учун далил сифатида фойдаланишга уриндилар. Бироқ Н. н. ни, ёки релятивистик механикани илмий билимнинг объективлигини инкор этувчи фалсафий *релятивизм* билан аралаштирмаслик керак. Н. н. объектив процессларнинг манзарасидир, реал воқеаларнинг классик механикага қараганда аниқроқ инъикосидир.

НИЦШЕ Фридрих (1844—1900)— немис идеалист философи, Базелда (Швейцария, 1869—78) филология профессори. Н. нинг қарашлари капитализмнинг империализм босқичига ўтиш даврида таркиб топди ва синфий курашнинг кескинлашувида буржуа идеологиясининг реакцияси бўлиб қолди. Унинг дунёқарashi «революция руҳи»га ва халқ оммасига нафрат билан тўлиб-тошган. Н. нинг фикрича, қуллик «маданиятнинг моҳияти»га тааллуқли бўлиб, эксплуатация эса «бутун жонзоднинг моҳияти билан алоқадор» эмиш. Н. нинг гоёмқасида «афтидан, муқаррар бўлган революция оқимини тўхтатиш»га қаратилган. Ана шу нуқтаи назардан Н. либерал-буржуа идеологиясининг принциплари ва нормаларини: рационалистик философияни, традицион этикани, христиан динини қайтадан баҳолайди. Н. уларнинг курашга бўлган иродасининг сустлигини, кучайиб бораётган революцион ҳаракатни бостиришга қодир эмаслигини эътироф этади ва очикдан-очиқ улар ўрнига антигуманизм ва антидемократизм принципларини илгари суради. Н. меҳнаткашларда итоатгўйлик руҳини сингдиришга қаратилган идеологияни («қуллар ахлоқи») «хўжайинлар кастаси»ни тарбиялашга қаратилган идеологиядан («хўжайинлар ахлоқи») кескин суратда фарқ қилиб, хўжайинлар учун тийиқсиз «гайри инсо-

ний» индивидуализмни тарғиб қилади. Н. нинг философияси *волюнтаризм-дир*: ақлга у иродани қарама-қарши қилиб қўяди. Усиб «ҳокимиятга интилиш иродасига» айланадиган «ҳаёт учун кураш» тараққиётнинг универсал ҳаракатлантурувчи кучи деб эътироф қилинади. Тараққиёт илмий назариясига қарши Н. «барча нарсаларнинг абадий қайтиши» ҳақидаги афсонани лбағари суради. II. таълимоти фашизм идеологиясининг манбаларидан бири бўлиб хизмат қилди. Асосий асарлари: «Зардушт шундай деган» (1883—91), «Яхшилик ва ёмонликнинг нариги томонида» (1886), «Ҳокимиятга интилиш иродаси» (1906 йилда нашр этилган).

НОАНИҚЛИКЛАР НИСБАТИ — *квант механика* принципларидан бири, бу принципни 1927 йилда *Гейзенберг* ифодалаб берган. Бу принцип микрообъектларнинг зиддиятли, корпускуляр-тўлқин табиати натижасида уларнинг координата ва импульсини айтиб бир вақтда қатъий аниқлаш имконияти йўқлигини билдиради. Н. н. қовушма ўзгарувчиларнинг: координата ва импульсининг, шунингдек вақт ва энергиянинг ноаниқликлари ўртасидаги микдорий нисбатлар шаклида ифодаланади. Зарра координатасининг ноаниқлиги нақадар кичик бўлса, унинг импульсининг ноаниқлиги шу қадар катта бўлади ва аксинча. Вақт моментини ва зарра энергиясини аниқлаш ўртасида шунга ўхшаш нисбат мавжуддир. II. н. микроразрлар ҳаракати статистик қонуниятларининг объектив характеристикаси бўлиб, бу характеристика уларнинг корпускуляр-тўлқин табиати билан боғлиқдир; «ноаниқликлар» микрообъектнинг реал ҳолатига хос бўлиб, улар билишнинг қандайдир чегарасини асло билдирмайди. Н. н. теварагида кескин фалсафий мунозара олиб борилди. Баъзи чет эл физиклари ва философлари Н. н. дан позитивизм руҳида — «элементар» зарранинг сабабий боғланганлигини инкор этиш ва микроламанинг объективлигини, унинг билиш фаолиятига боғлиқ эмаслигини инкор этини руҳида фалсафий хулоса-

лар чиқардилар («прибор» идеализми — қ. *Прибор*).

НОЁВКЛИД ГЕОМЕТРИЯЛАР — айнан—Эвклид геометриясидан фарқ қилувчи ҳамма геометрик системалар. Бироқ одатда Н. г. деганда *Лобачевский*, Я. Бойай ва Риман геометриялари тушунилади. Мантиқий нуқтан назардан қараганда Лобачевский геометрияси худди Эвклид геометрияси аксиомалари билан характерланади, бундан паралеллар ҳақидаги аксиомалар мустаснодир. Лобачевский геометриясида тўғри a устида ётмайдиган нуқта орқали текисликда (шу нуқта ва тўғри a томонидан белгиланувчи текисликда) a ни кесиб ўтмайдиган камида 'икки тўғри чизик ўтказиш мумкин, деб қабул қилинади (бундан эса уларнинг чексиз тўплами келиб чиқади). Бу геометрия теоремалари эвклидча теоремалардан фарқ қилади; чунончи, учбурчак бурчакларининг йиғиндис бунда икки тўғри бурчакдан камроқдир. Риман Н. г. сида, текисликдаги ҳар қандай тўғри чизик ўша текисликда ётган ҳар қандай бошқа тўғри чизик билан кесиб ўтади, деб қабул қилинади (параллел тўғри чизиклар йўқдир). Н. г. ҳозирги замон назарий физикасида муҳим роль ўйнайди (*Нисбият назарияси*, *Квант механика*). Уларнинг кашф этилиши фалсафий жиҳатдан ҳам муҳимдир, чунки бу кашфиёт макон тушунчасининг априорлиги ҳақидаги Кант қоидасини, маконга қандайдир ўзгармас моҳият деб метафизикларча қарашни рад қилди. Н. г. маконга материянинг мавжудлик формаси, материя билан бирга ўзгариб турувчи форма деб диалектик қарашни тасдиқлайди.

НОЗИДИЯТЛИЛИК — билим олдига қўйиладиган асосий талаблардан бири бўлиб, бу талаб шундан иборатки, ҳар бир илмий назария доирасида бирор гапни ва унинг инкорини айтиб бир вақтда хулоса қилиб чиқариш мумкин эмас. Бу талабга риоя қилмаслик назариянинг бузилишига олиб келади, чунки унда ҳар қандай гапни исботлаш мумкин бўлиб чиқади. Объектларнинг ривожланишидаги объек-

тов индияларни очиб ташлашни таъаб учун қарама-қаршиликлар бир-бири ва кураши диалектик қонуни ва билимнинг Н. н.ни талаб этиш бир-бирини истисно қилмайди. Манتيқий Н. н. ҳақидаги қонда билимини тасаввур қилиши усулига дахлдор бўлиб, бизнинг фикрларимиз ва муҳокаамаларимиз ичиқ бўлмоғи ва уларда зиддиятлар бўлмаслиги лозим, деган маънони билдиради (*Зиддият қонуни, Аксиоматик назариянинг нозиддиятчилиги*).

НОЗ-НЕЪМАТ — философияда ижобий қимматдорликни билдириш учун ишлатиладиган энг умумий тушунча (салбий қимматдорлик — офат ва Н. н. нинг қарама қаршисидир); инсоннинг муайян эҳтиёжини қондирадиган, кишиларнинг манфаатларига, мақсадларига ва интилишларига мувофиқ келадиган предмет ёки ҳодиса. **Стихияли** табиий процессларнинг натижаси, мас., тупроқнинг ҳосилдорлиги, фойдали қазилмалардан (бунинг тескараси табиий офат — стихияли фалокатлар, касалликлардан) иборат табиий Н. н. билан инсон фаолиятининг маҳсулларидан иборат ижтимоий Н. н. ни фарқ қилиб қарайдилар. Лекин ҳар икки ҳолда ҳам Н. н. предметнинг социал таърифини, унинг инсон учун фойдали аҳамиятини ташкил этади. Қандай эҳтиёжлар қондирилишига қараб, моддий ва маънавий Н. н. лар бир-биридан фарқ қилинади. Моддий Н. н. ларга озиқа буюмлари, кийим-кечак, уй-жой ва ш. к. ҳамда ишлаб чиқариш воситалари киради. Маънавий Н. н. ларга билимлар, илмий фаолиятнинг маънавий маданияти эришган ютуқлар, эстетик қимматдорлар, кишиларнинг хатти-ҳаракати ва жо бўлган ахлоқий фазилат ва ш. к. киради. Бундай бўлиниш нотўлиқ ва шартлидир, чунки кўп қимматдор ҳодисаларни унисига ҳам, бунини ҳам нисбат бериб бўлмайди, ёки улар айни бир вақтда ҳар иккаласининг ҳам белгиларига эга бўлади (тарихий тараққиёт ютуқлари, ижодиётлар, социал воқеалар, зеб-зийнат буюмлари). Узнинг яратувчилик потенциаллари, қолган ҳамма қиммат-

дорликларни яратишга ласқатлиги нуқтаи назаридан олиб қараладиган инсоннинг ўзи олиб даражадаги Н. н. сифатида майдонга чиқади. **Синфлар** ва социал системалар манфаатларининг қарама-қаршилиги шунга олиб келадикки, бир синф (жамият) **учун** Н. н. бўлган нарса бошқалар **учун** офат бўлиши мумкин. Шу сабабли Н. н. ҳам умуминсоний, ҳам синфий характерга эгадир. Н. н. агар шахснинг алоҳида эҳтиёжларига ва талабларига мувофиқ келса, у вақтда **у** индивидуал характерга ҳам эга бўлиши мумкин. Ана шу маънода Н. н. тушунчасида абсолют (умуминсоний ва умумтарихий) ва нисбий (тарихан чекланган, синфий, индивидуал) томонларни ажратиб кўрсатадилар.

НОМ — логикада — тилнинг ифодаси бўлиб, бу ифода энг кенг маънода, яъни фақат моддий объект сифатида эмас, балки биз аташимиз мумкин бўлган ҳамма нарса сифатида тушуниладиган бирон предметни билдиради. **Логик семантикада** одатда «семантик учбурчак» олиб қаралади: 1) ном; 2) ном билан белгиланувчи предмет (денотат, ёки десигнат); 3) номнинг мазмуни (*Маъно ва мазмун*). Сўзларнинг одатда ишлатилишидан фарқли ўлароқ, ҳозирги замон логикаси фақат терминларни (сўзларни) эмас, балки гапларни ҳам номлар деб қарайди. Термин билдирадиган объект терминнинг денотати, термин ифодалайдиган хосса терминнинг мазмуни ҳисобланади. Гапнинг чинлик қиммати (яъни чин ёки ёлгон) гапнинг денотати, гап ифодалайдиган ҳукм гапнинг мазмуни ҳисобланади.

НОМИНАЛИЗМ (лат. *nomen* — ном) — ўрта аср философиясидаги бир йўналиш бўлиб, у умумий тушунчаларни фақат айрим предметларнинг номлари деб ҳисобларди. **Ўрта аср реализмига** қарама-қарши ўлароқ, номиналистлар фақат ўзларининг индивидуал сифатлари билан айрим нарсаларгина реал суратда мавжуддир, деб даъво қилар эдилар. Бизнинг тафаккуримиз бу нарсалар ҳақида яратадиган умумий тушунчалар нарсаларга боғлиқ бўлмаган ҳолда мав-

жуд бўлиши у ёқда турсин, балки ҳатто уларнинг хоссалари ва сифатларини лоақал акс ҳам эттирмайди. Н. нарсаининг бирламчилигини ва тушунчаниннг иккиламчилигини эътироф этишда материалистик тенденциялар билан боғлиқ эди. Н., Маркс сўзлари билан айтганда, ўрта асрлардаги материализмининг биринчи ифодаси эди. Бироқ умумий тушунчалар объектив суратда мавжуд бўлган нарсаларнинг реал сифатларини акс эттиришини ва айрим нарсаларни умумий парсадан ажратиб бўлмаслигини, балки уни ўз ичига олишини номиналистлар тушунмас эдилар. *Росцелин, Дунс Скотт, Оккам* 11—14-асрларда энг таниқли номиналистлар эдилар. Н. идеялари янги замонда идеалистик асосда *Беркли* ва *Юм* таълимотларида ривожлантирилди, ҳозирги даврда эса улар семантик философияда ривожлантирилмоқда («*Умумий семантика*»).

НООСФЕРА (грек. nous — ақл ва sphaera — соҳа, ақл соҳаси) — планетаниннг оқилола инсон фаолияти билан қамраб олинган соҳаси, фанга *Ле-Руа* киритган ва *Вернадский* ривожлантирган тушунча. Инсоният жамияти юзага келиши ва ривожланиши билан биосфера қонуниятли суратда Н. га ўтади, чунки инсоният табиат қонуналарини эгаллаб ва техникани ривожлантириб, табиатни ўз эҳтиёжларига мувофиқ равишда тобора кўпроқ ўзгартиб боради. Н. инсоннинг космосга чиқиши ва планетаниннг бағрига кириб бориши ҳисобига узлуксиз кенгайишга мойилдир.

НОРМАТИВ ЭТИКА — бу шундай этикаки, унинг тадқиқот мавзун — ҳаётнинг маъноси, инсоннинг вазифаси, яхшилик ва ёмонлиқнинг мазмуни, маънавий бурч проблемаларидан иборатдир, у ахлоқ-одоб принципларини, идеалларини ва нормаларини назарий жиҳатдан асослаб беради. У стихияли суратда пайдо бўладиган ва бирон-бир жамият ёки синфнинг ахлоқий онги ҳал этадиган худди ўша масалаларнинг ўзини назарий формада қараб чиқади. Этикага оид ҳар қандай концепция муайян социал

группаларнинг ахлоқ-одоб идеалини ифодаларкан, пировард ҳисобда норматив концепциядир. Неопозитивистлар илмий ҳақиқат билан ахлоқ ўртасида гўё мавжуд бўлган зиддиятни ҳал этиш учун этикадан норматив масалаларни чиқариб ташлаш йўли билан «илмий» этика яратилганда уриниб кўрдилар (*Метаэтика*). Марксизм эса ахлоқ-одоб идеяларини фақат шу шарт билангина илмий-назарий асослаб бериш мумкинки, бунинг учун тарих қонуналарини, мазкур идеялар жамият тараққиётининг объектив логикасини акс эттиришини билиш лозим, деб ҳисоблайди. Ишчилар синфининг ахлоқ-одоби бу шартга жавоб берибгина қолмасдан, шу билан бирга синфсиз жамиятда умуминсоний ахлоқнинг шаклланиши учун асос ҳам бўлади. Шундай қилиб, идеалистик ва бошқа ғайри илмий қарашларнинг маҳдудлиги марксистик этикада назарияни синфларнинг кураши практикасида ва уларнинг ахлоқий қарашларидан ажратиш йўли билан эмас, балки бу курашнинг тарихий истиқболини англаш йўли билан баргараф қилинади. Н. э. бунда инсоният ахлоқининг бутун тарихий тараққиётини жиддий объектив анализ қилиш ва унинг социал асосларини тадқиқ этиш туфайли илмий этика бўлиб қолади. Коммунистик ахлоқ-одоб нормалари ва принципларини асослаш сифатида Н. э. марксистик этика соҳаларидан бири бўлиб, бу соҳа унинг қолган ҳамма бўлимлари билан мақкам боғлиқдир.

НОУМЕН (грек. nousменон) — бу термин *феноменга* қарама-қарши ўлароқ, фақат ақл билан пайқаладиган (ақл етадиган) мохиятни билдиради. Бу терминни биринчи бўлиб ишлатган *Платон* («Тимей» диалогда) Н. деганда ўз-ўзича мавжуд бўлган реалликни ва ақл югуртириш билми предметини тушунган. *Кант*да Н. икки маънода олиб қаралади: салбий, проблематик тушунча сифатида («Соф ақлни танқид») Н. — бу фаросат предмети, интеллектуал *интуициядир*. «Амалий ақлни танқид»да Кант Н. ни ғайри ҳиссий мушоҳада

предмети сифатида ижобий тушунниш мумкинлигини кўрсатади. Бу маънода Н. инсонга муяссар бўлмайди, чуқли, Кантнинг фикрича, бу сўнгги Н. фақат ҳиссиёт орқали мушоҳада қилиниши мумкин.

НУС (грек. nous — ақл) — антик философиянинг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, бу тушунча онг ва тафаккурнинг умуман мавжуд бўлган барча иш-амалларининг жаҳон миқёсда бир марказда тўпланишини билдиради. Яққол формада биринчи марта бу тушунча *Анаксагор* философиясида намоён бўлди ва бу философияда у шаклсиз материяга нисбатан шаклланиш ва тартиб принципи сифатида талқин этилди. Бу тушунча *Платонда* ва айниқса *Аристотелда* идеалистларча талқин этилди; Аристотелда бу тушунча барча формаларнинг абдий ўз-ўзини англашда ҳозир бўладиган формасидир. Бу тушунча неоплатончиларда катта аҳамият касб этди, унда бу бутун олам фахмлайдиган ва унга муайян форма берадиган алоҳида хилдаги ғайри ҳиссий борлиқ деб талқин этилмоқда. Материалистлар ҳам бу тушунчани татбиқ этганлар. *Демокрит* Н. ни олов, яъни шарсимон олов деб тушунган. *Фалесда* ҳам у космологик аҳамиятга эгадир. Афтдан, антик материалистларда Н. табиат қонунларининг мажмуи ёки уларнинг манбаидир, бу манба ҳозирча ҳиссий-моддий формада тасаввур қилинарди. Гносеологияда Демокрит аниқлик принципи сифатида Н. ни билишга саросималик ва тартибсизлик киритувчи тутруқсиз ҳиссий сезгиларга кескин қарама-қарши қилиб қўяди. Антик Н. унда шахсий ибтидонин топан ўрта аср таълимотларига қарама-қарши ўлароқ, ҳаминша шахсдан ташқаридир ва ҳатто шахсиздир.

НУТҚ — инсон фаолияти бўлиб, бу фаолият бошқа кишилар билан алоқа қилишда, фикрларни ифодалаб, бирон тил воситаси билан бошқа кишиларга беришда намоён бўлади. Н. — тилдан фойдаланиш процессидир. Нутқ орқали алоқа қилиш туфайли оламнинг айрим киши онгидаги инъикос ижтимоий онгда акс этувчи, инсониятнинг

бутун ижтимоий-ишлаб чиқариш практикаси ютуқлари билан боғланувчи нарса билан доимо тўлиб ва бойиб боради. Бу алоқада доимо фикрларнинг алмашиниё туриши содир бўлади: бир томондан, бировларнинг фикрлари тушунилиб ва ўзлаштириб олинади, иккинчи томондан эса, киши ўз фикрларини ифодалаб, изҳор этади. Шу муносабат билан бировнинг нутқини идрок этиш ва тушунишдан иборат пассив (сенсор) Н. билан ўз фикрлари, ҳис-туйғулари ва истакларини изҳор этишдан иборат актив (мотор) Н. фарқ қилиб қаралади. Сўзловчи билан тингловчи ўртасида ажратилган нарса психологик жиҳатдан Н. нинг ички структурасида бир бутунга бирлашган бўлади: киши сўзлаётиб эшитади ва тушунади, эшита ва тушунаётиб сўзлайди. Физиологик жиҳатдан бу нарса шу билан изоҳланадиги, нутқ-ҳаракатлантириш ва эшйтиш анализаторининг ишида бирлик, улар ўртасида алоқадорлик (*Сигнал системалари*) мавжуддир. Н. нинг асосий турлари: оғзаки, яъни сўзланадиган ва эшитиладиган Н. ҳамда ёзма Н. дир. Ёзма нутқ инсоният тарихида оғзаки нутқдан анча кейин пайдо бўлган ва ўз тараққиётида пиктографиядан (фикрнинг шартли схематик расмлар билан изҳор этишдан) тортиб то ҳозирги замон фонетик ёзувига қадар бир қанча босқичларни босиб ўтган. Н. нинг махсус тури ички Н. дан иборат бўлиб, бу Н. нутқ товушларининг яшрин артикуляцияси билан характерланади. Н. психологиянинг ўрганиш мавзудир, психология инсоннинг индивидуал ривожланиши жараёнида тилни ўзлаштириш, Н. нинг шаклланиш процессларини, унинг таъсир этиш, идрок қилиш, тушуниш ва айтиш шартларини тадқиқ қилади.

НЬЮТОН Исаак (1643—1727) — инглиз физиги, классик механикани яратувчи, бутун олам тортилиш қонунини ифодалаб берган ва фалсафий фикрнинг ривожига катта таъсир кўрсатган мутафаккир. 1669 йилда Кембридж ун-тетининг профессори бўлди. 1703 йилдан Қироллик жамия-

тининг президенти. Н. нинг асосий асари «Нагурал философиянинг математик асослари»да (1687) ҳаракатнинг уч қонуни (инерция қонуни, куч ва тезланишнинг пропорционаллиги қонуни, таъсир ва қарши таъсирнинг тенглиги қонуни) баён этилган; бу қонунлардан классик механика ва классик физиканинг фундаментини ташкил этувчи кўй сонли натижалар чиқарилмоқда. «Асослар»да моддий жисмларга эмас, балки бўш фазога нисбат берилган абсолют ҳаракат, абсолют фазо ва абсолют вақт тушуinchалари асослаб бериллади. Худди шу асарига Н. жисмларнинг массасига пропорционал бўлган ва масофа квадратига тескари пропорционал бўлган жисмларнинг ўзаро тортилишидан планеталар ҳаракатининг Кеплер аниқлаган қонуниларини чиқарган. Бутун олам тортилиш қонуни куёш системаси ҳақидаги гелиоцентрик тасаввурни тугаллабгина қолмасдан, балки шу билан бирга бутун кoinотда содир бўлаётган кўндал-кўп процессларга, шу жумладан физикавий ва химиявий процессларга ҳам илмий асос бериб, оламнинг ягона физик картинасининг асоси бўлиб қолди. Бироқ ньютонча тортилиш назарияси эътирозларга учради, чунки у бир жисмнинг иккинчи жисмга таъсир кўрсатишини (таъсир кўрсатганда ҳам лаҳзада таъсир кўрсатишини) мумкин деб ҳисобларди ва лекин бу таъсирни келтирувчи оралиқ моддий муҳитни ҳисобга олмас эди. «Оптика»да Н. ёруғлик синини чоғида турли рангларнинг нурларига бўлинишини кўрсатди, ёруғлиكنинг корпускуляяр назариясини алоҳида зарралардан иборат ёруғлик ҳақидаги тасаввурни илгари сурди. Математикада Н. «флюксиялар методиди»ни яратди, бу метод худди ўша даврда Лейбниц томонидан кашф этилган дифференциялаш ва интеграциялаш методлари билан асосан тўғри келади, Н. чексиз кичик миқдорлар анализини бошлаб берди. Ўз фалсафий қарашларига кўра, Н. объектив реализмни ва оламни билиш мумкинлигини эътироф қилиш позицияларида турарди. Н. системасида инерция ва

тортилиш осмон жисмлари эллиптик ҳаракатларининг битмас-туганмас такрорланишини изоҳлаб беради, лекин Н. «биринчи туртки»ни худого нисбат беради. Н. нинг теологик қарашлари ва қизиқишлари, шунингдек унинг тасвирланувчи ҳодисаларнинг ички сабабларини анализ қилишни ўзига хос равишда истамаслиги («гипотезалар қилмайман» — hypothesis noningo — деган сўзлар 18-аср фанидаги эмпиризмнинг шиори бўлиб қолди) унинг табиатни бир қимматли ва аниқ изоҳлаш системасига Европада материалистик фикрнинг ривожига катта таъсир кўрсатишга халақит бермади.

НЬЯЯ — қадимги ҳинд философиясининг ортодоксал системаларидан бири. Н. таълимотида логика ва гносеология айниқса катта роль ўйнаган. Н. нинг пайдо бўлиши қадимги афсонавий донишманд Готама номи билан боғлиқдир. Ньяя-сутралар 2-асрда ёзиб олинган. Н. таълимотига кўра, атомлардан иборат моддий кoinот мавжуд бўлиб, бу атомларнинг бирга қўшилиши барча предметларни ташкил этади. Бундан ташқари, беҳисоб даражада кўп руҳлар мавжуд бўлиб, улар эркин ҳолатда ҳам, моддий атомлар билан боғлиқ ҳолатда ҳам бўлишлари мумкин. Тартибга солувчи олий руҳий ибтидо бўлган худо Ишвара руҳларни ва атомларни яратувчи, ижод этувчи эмасдир, лекин у атомларнинг бирга қўшилишини яратади ва руҳларнинг атомлар билан алоқасини ёки руҳларнинг атомлардан холи бўлишини вужудга келтиради. Н. да Ҳиндистонда биринчи марта силлогизм назарияси ишлаб чиқилган, бу назария қадимги грек силлогизм назариясидан шу билан фарқ қилганки, у беш қисм — асос, исбот, далил, исботни татиқ этиш ва худосадан иборат бўлган. Н. билишнинг тўрт усулини: сезгилар, худоса, аналогияни ҳамда бошқа одамлар ва китобларнинг гувоҳлигини эътироф этади. Н. да шунингдек билимнинг асосий категорияларини (падартх) туркумлаш ва билиш йўналтирилган объектларни туркумлаш ҳам муфассал

ниллаб чиқилган. Н. нинг равнақи илк ўрта асрга бориб тақалади.

НЭЖОН Жак Андре (1738—1810)— француз материалист философи ва атеисти, католик черковига қарши курашчи. Н. нинг дунёқарашин *Дидронинг* бевосита таъсири остида таркиб топди, у билан Н. 1756 йилда танишган эди. Дидро уни «Энциклопедия» ишига жалб этди (*Энциклопедистлар*). Кейинчалик Н. унинг редакторларидан бири бўлиб қолди. Билиш назариясида Н. материалистик сенсуализмга амал қиларди. 1768 йил-

да у «Жанчи-философ» («Худоси-солдат») асарини эълон қилиб, унда ҳамма динлар сохта эканлигини, қўрқув ҳис-туйғусига асосланганлигини исбот қилди. Дин фақат қулларни қўрқитиш учун ўйлаб чиқарилган. Н. *Гольбахнинг* «Табиат системасини» таҳрир қилишда қатнашди ва у билан биргаликда «Чўнтак илоҳиёти» луғатини ёзди; бу луғатда дин жуда нуқтадонлик билан танқид қилинган. Н. умрининг охириги йилларини Дидронинг асарлар тўпламини нашр этишга бағишлади.



ОБЪЕКТ — қ. *Субъект ва объект.*

ОБЪЕКТИВ — объектга оид ёки объект белгилайдиган нарса. Реал объектларга татбиқан бу тушунча предметлар, хоссалар ва муносабатлар субъектдан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир, деган маънони билдиради. Тасаввурларга, тушунчаларга ёки муҳокама-ларга татбиқан у билимимизнинг маънасини, унинг моддий асосини кўрсатади. Субъектив диалектика объектив диалектикани акс эттиради. Материалистик билиш назариясининг асоси — *объектив ҳақиқатни* этироф қилишдан иборат. Идея ёки назариянинг объектив қиммати борлигини исботлашга предметни амалий эгаллаш ёки воқеликни идея ёки назарияга мувофиқ ўзгартиш процессида уларни солиштириб кўриш билан эришилади.

ОБЪЕКТИВИЗМ — бу бир концепция бўлиб, у илмий билиш тадқиқотини таъқиқий баҳолашлар ва партиявий хулосалар даражасига етказмайдиган, деб даъво қилади ва унга *шундай тиллардан сақлашни тавсия* этади. О. «ақлий тафаккур» доирасини чегаралаб, гайри илмий идеологиянинг «субъектив», «иррационал» проблемаларини деб, асосий социал, дунёқараш проблемаларидан воз кечди. Шунинг учун ҳам О. ҳаминча субъектнинг оидан ўз қўшимчасини топади ва уш ҳамма вақт назарда тулади. Фаннинг ўзини О. у янгилаб чиқарган мақсадлар учун ярамайдиган восита деб эълоп қилади. Тарихда О. кичинлар, социал гуруҳлар, синфларнинг ўзларининг фаолияти, шу фаолият қонуни асосида юзага келтириладиган процессни кўрмайди. Марксизм дунёқарашнинг «бетарафлиги» мумкин эмаслигини кўрсатди ва О. ни ҳам, субъективизмни ҳам даф қила билди. «Марксист объективистдан изчилроқ бўлиб, ўз объективизмининг чуқурроқ, тўлароқ амалга ошириши» (В. И. Ленин), бунинг учун у илмий, объектив *партиявийлик* даражасига кўтарилади.

ОБЪЕКТИВ ИДЕАЛИЗМ — *идеализмнинг* асосий кўринишларидан бири. О. и. руҳнинг бирламчилигини ва материянинг иккиламчи, ҳосилалигини этироф қилар экан, *субъектив идеализмдан* фарқли равишда, шахсий, инсоний онгни эмас, балки қандайдир объектив, нариги дунёга хос онгни, «абсолют руҳ», «олабий ақл» ва ҳ. к. ларни мавжудотнинг бош асоси деб ҳисоблайди. «Абсолют руҳ», аслида, материядан ажратилган ва унга қарама-қарши қилиб қўйилган абсолютлаштирилган тушунчадан бошқа нарса эмасдир. О. и. тушунчани моддий предметларга нисбатан қандайдир бирламчи нарса деб қараб, шу билан улар ўртасидаги ҳақиқий муносабатларни мистификациялаштиради. Чунончи, *Платон* ҳам умумий тушунчаларни «идеялар олами»да азалдан мавжуд деб, моддий предметларни эса мазкур идеяларнинг сўниқ йилтирашлари, соялари деб ҳисобларди. Умумийликни (идеяларни) айримликдан (нарсалардан) ажратиб, биринчисини абсолютлаштириш, К. Маркс сўзлари билан айтганда, О. и. нинг «сафсатабозлик назариясининг сиридир» О. и. нинг рационал билишнинг айрим томонларини абсолютлаштирувчи кўринишидан (*Платон, Гегель*) ташқари, яна шундай кўриниши ҳам борки, у «гайри ақлий идеявийлик»ни бош асос деб қилади (*Шопенгауэр, Э. Гартман*). О. и. нинг бу кўриниши буржуа философиясининг тушкунлик даври учун характерлидир, чунки бу даврда унда иррационалистик оқимлар айниқса кучаяди. Ҳозирги замон буржуа философиясида О. и. *неотомизм, персонализм* ва б. мактаблардан иборатдир. О. и. одатда, теология билан қўшилиб кетмоқда ва диннинг ўзига хос фалсафий асоси бўлиб қолмоқда.

ОБЪЕКТИВ ИДЕЯ — идеализмда энг олий жинсий тушунча бўлиб, бу тушунча объектив реалликка эгагина бўлиб қолмасдан, балки ҳиссий борлиқни ҳам белгилаб беради. Жинсий

тушуни объектив реалликка қандай муносабатда бўлишига қараб қуйидаги назариялар бир-биридан фарқ қилиб қаралади: 1) О. и. нинг дуалистик назарияси; бу назария нарсаларнинг моҳияти ҳақида ҳиссий борлиққа ҳеч қандай алоқаси бўлмаган идеявий борлиқ деб таълим берувчи *мегари мактабида* энг изчил ифодаланган. 2) О. и. нинг монистик назарияси, бу назария нарсаларнинг идеяларга «тақлиди», идеяларнинг нарсаларда «ҳозирлиги» каби тушунчаларда фойдаланади ва идеявий оламнинг ҳиссий оламга ҳал қилувчи таъсирини таъкидлаб кўрсатади. Бир формада бу монизм (*Платон*) айни идеявий оламнинг реалликка мустақил суратда таъсир кўрсатиши ҳақида сўзлайди. Иккинчи формада (*Гегель*) бундай монизм идеялар ва нарсаларнинг фарқини умуман инкор этади ва унда объектив нарсалар ривожланган ҳолатдаги мантикий категориялар тарзида фикр қилинади; 3) эманацион назария (*Стоиклар, Неоплатонизм*), бу назария бош модданинг (стоикларда бош олов, неоплатончиларда бош ягона) объектив-идеявий бош принциплар билан пайдо бўлиб, шаклланадиган бутун ҳиссий оламга оқиб ёйилиши ҳақида таълим беради. Дialeктик материализм идеявий принципнинг бирламчилигини инкор этади. Идея материянинг инъикосидир, яъни объектив мазмунга эгадир. Шунинг учун ижтимоий онгнинг турли формаларида қайд этилган ва уларнинг мазмуни маъносда ҳамда индивиднинг онгига нисбатан объектив бўлган идеяларнинг реал мавжудлиги ҳақида сўзлаш мумкин. Лекин бу ҳолда ҳам О. и. моддий воқеликнинг субъектив инъикосидир, тўғри, шуниси ҳам борки, у худди моддий воқеликнинг ўзига уни ўзгартириш ва ривожлантириш мақсадида актв таъсир қилиб туради.

ОБЪЕКТИВ РЕАЛЛИК — умуман ҳамма формалари ва кўринишлари билан бутун моддий олам. Асосий гносеологик масала нуқтаи назаридан О. р. деганда инсон онгига боғлиқ бўлмаган ва унга нисбатан бирламчи

бўлган мавжудот тушунилади. «О. р.» тушуничаси инсбидир. Индивидга нисбатан бу унинг онгидан ташқарида мавжуд бўлган ва у ақс эттирадиган нарсаларнинг ҳаммасидир. Лекин индивиднинг ўзи ўз онги билан бошқа кишиларга нисбатан О. р. бўлади. Оламга индивидуал қарашни назардан соқит қилган ҳолда, О. р. умуман *реаллик* билан мос бўлиб тушади, дейиш мумкин. Бу реаллик эса турли моддий объектларни, уларнинг хоссаларини, макон, замонни, ҳаракатни, қонунларни, турли ижтимоий ҳодисаларни — ишлаб чиқариш муносабатлари, давлат, маданият ва ш. к. ларни ўз ичига олади. Аммо бундан, О. р. тушунчаси *материя* тушунчасига қарама-қарши бўлиб туради, деб хулоса чиқариш ярамайди. Агар материяни унинг хилма-хил хоссалари ва кўриниш формаларидан (буларсиз материя мавжуд бўлолмайди) ажратиб ташланса, шундай тасаввур пайдо бўлиши мумкин. Ҳаракат, макон, замон, ҳаёт ва ҳ. к.—буларнинг ҳаммаси материянинг мураккаблик даражаси жиҳатидан ҳар хил турларнинг хоссалари ёки хоссаларининг ва ўзаро таъсирларининг кўринишларидир, ана шуларнинг ҳаммаси жам бўлиб бутун оламни ёки бутун О. р. ни ташкил этади. (*Борлиқ*).

ОБЪЕКТИВ ҲАҚИҚАТ—бу инсон билимларининг шундай мазмунидирки, бу мазмун субъектнинг иродаси ва истакларига боғлиқ эмасдир. Ҳақиқат кишиларнинг иродаси ва хоҳишига қараб тузилмайди, балки ақс эттирилмаган объектнинг мазмуни билан белгиланади, бу эса унинг объективлигини юзага келтиради. О. ҳ. ҳақидаги таълимот субъектив идеалистик йўсиндаги ҳар хил ҳақиқат концепцияларига қарши қаратилгандир, бу концепцияларга кўра ҳақиқатни инсон ўзбошимчалик билан тўзар эмиш, у кишилар ўртасидаги битимларнинг натижаси эмиш. Ҳақиқатни бундай тушуниш илмга хилофдир ва реакцион тушунчадир, чунки у ҳар хил бидъат-хурофотларни, диний эътиқодларни ва шу кабиларни, одамларнинг кўпчилиги уларга амал

қилиши сабабли, ҳақиқат, деб қарашга имкон беради. Ҳозирги замон буржуа философияси, одатда, ҳақиқатнинг объективлигига қарши чиқмоқда, бу эса илмий билимни субъективлаштиришга ва шу билан фанин бебурд қилишга ва обрўсизлантиришга олиб бормоқда. Чунки, *прагматизм* агар ҳаётда фойдаси тегадиган бўлса ҳар қандай қондани ҳақиқат ҳисоблаб қабул қила беради; *неопозитивизм* математик ва логикий ҳақиқатларни конвенциялар деб эъло қилади. (*Конвенционализм*) ва ҳ. к.

ОГАРЕВ Николай Платонович (1813—77)—рус революционер-демократи, философ, публицист ва шоир. Герцен билан бирга чоризм ва крепостной ҳуқуққа қарши, православие, самодержавие ва расмий халқчиллик реакцияни идеологиясига қарши, помешчик буржуа либерализмига қарши чиқди. О. нинг Герцен билан ёшлик чоғлариданоқ бошланган гоявий дўстлиги умрининг охиригача давом этди. Москва ун-тетиди бўлганларида Герцен ва О. махфий тўғарак туздилар, тўғарак аъзолари сисий, шу жумладан социалистик адабиётларни ҳам ўқирдилар. 1834 йилда О., Герцен ва тўғаракнинг бошқа аъзолари қамоққа олинди, 9 ой қамоқда ётгандан кейин сургун қилинди, Герцен — Вяткага, Огарев — Пензага. 1850 йилда О. иккинчи марта қамоққа олинди, 1856 йилда чет элга чиқиб кетди ва унда Герцен билан бирга «Полярная звезда», «Колокол», «Общее вече», «Рус яширин адабиёти»ни нашр этди. О. ва Герцен рус деҳқон уюшмак социализмининг, *народниклик*нинг отасидирлар. О. билан Герценнинг жамоа социализми назарияси помешчик ер эгаллигини тамомила йўқ қилишга, помешчиклар ҳокимиятини тамомила ағдариб ташлашга интилган деҳқонлар оммаси революцион талабларининг ифодаси бўлди. О. 60-йиллардаги «Земля и воля» («Ер ва эрк») революцион яширин ташилотининг тузувчилардан бири эди, бу ташилотнинг фояларини у «Халққа нима керак» деган мақоласида (1861) ва бошқа асарларида баён қилган

эди. 1840 йилгача О. идеалистик позицияларда турди. 19-асрдаги табиёт илми ютуқлари билан, француз материализми философияси ва айниқса *Фейербахнинг* «Христианликнинг моҳияти» билан танишиш унга фалсафий материализм ва атеизм позицияларида туришга ёрдам берди. Гарчи О. *антропологияга* тан берган бўлса-да, Фейербах философиясининг мушоҳадачилик характери уни қаноатлантирмас эди. У Герцен билан бирга *Гегель* философиясини, айниқса унинг диалектикасини танқидий равишда қайта ишлаб чиқади ва қайтадан фикр қилади, ундан революцион хулосалар чиқаради ва Россияда революцияни асослаш учун ундан фойдаланади. О. оннинг келиб чиқиши ва ривожланиши, абсолют ва нисбий ҳақиқатнинг ўзаро муносабати масалалари юзасидан, табиат ва жамиятнинг ривожланиш процессидаги индияларнинг проблемалари юзасидан бир қанча чуқур фикрлар айтган. О. материалистик эстетика принципларини ишлаб чиқди, *санъатнинг* ижтимоий ролини ва *халқчиллигини* таъкидлаб кўрсатди, унинг юксак гоявийлиги учун курашди, шу билан бирга «соф санъат» идеалистик назариясини қатъиян рад қилди. О. рус социал демократиясининг ўтмишдошларидан бири эди. Асарлари: «Рус масалалари» (1856—58), «Яна деҳқонларни озод қилиш тўғрисида» (1858), «Санъаткорнинг хотираси» (1859), «Баъзи масалаларни тозалаш» (1862—64), «Умумий масала ҳақида хусусий мактублар» (1866—67) ва б.

ОДАТ — муайян вазиятларда кишилар хатти-ҳаракатининг такрорланиб турадиган, ўрганиш бўлиб қолган усуллари. О. га меҳнатда ҳаммага расм бўлган усуллар, муайян жамиятда турмушда ва оилада кишилар ўзаро муносабатларининг таомул бўлиб қолган формалари, дипломатик ва диний маросимлар ҳамда қабил, синф, халқнинг алоҳида хусусиятларини акс эттирадиган ва такрорланиб турадиган бошқа ишлар киради. О. да жамиятнинг *хулқ-атвори* ҳам ўз

тукдурениши топади. О. тарихан шакл-лангани О. ларнинг келиб чиқиши ва келиб бериши халқ тарихининг, хўжалик ҳаётининг алоҳида хусусиятлари, табиий шқлим шароитлари, кишиларнинг ижтимоий аҳволи, диний қарашлар ва б. таъсир кўрсатади. О. ижтимоий расм-русум кучига эга бўлиб, кишиларнинг хатти-ҳаракатига таъсир ўтказиб туради. Шунинг учун ҳам О. ахлоқий баҳога мансубдир. Утмишда юзага келган О. ларнинг ҳаммаси ҳам прогрессив эмасдир. Мас., социалистик жамиятга умри тугаган О. ларга қарши кураш ва янги, прогрессив О. ларни ёйиш лозим бўлмақда.

ОИЛА — жамиятнинг ячейкаси (кичик социал группаси), шахсий турмуш уюшмасининг энг муҳим формаси, бу форма эр-хотинлик иттифоқига ва қариндошлик алоқаларига, яъни бир жойда истиқомат қилиб, умумий хўжалик юргизадиган эр ва хотин, ота-она ва болалар, ака-ука ва она-сингиллар ва бошқа қариндошлар ўртасидаги муносабатларга асосланади. О. нинг ҳаёти моддий (биологик, хўжалик) ва маънавий (ахлоқий, ҳуқуқий, психологик) процесслар билан характерланади. О. — тарихий категориядир. Унинг формалари ва функциялари мавжуд ишлаб чиқариш муносабатларининг, умуман ижтимоий муносабатларнинг характериға, шунингдек жамият маданий тараққиётининг даражасига боғлиқ. Қайтарма алоқа тартибига О. жамият ҳаётига таъсир кўрсатади (бола туғиш, уй-рўзгорда меҳнат қилиш, ўз аъзоларининг жисмоний, маънавий ва ахлоқий-эстетик камолотига таъсир кўрсатиш). О. нинг келиб чиқиши ҳали батамом оидинлаштирилган эмас. Мутахассисларнинг аксарияти *убиқвий жамоа тузумининг* аввалида тартибсиз жинсий алоқалар ҳукм сурган ва у вақтда О. ҳали бўлмаган, бу алоқалар ўринини группавий никоҳ эмаллаган, сўнгра эса мазкур жамият О. сининг асосий формаси сифатида жуфт О. пайдо бўлган, деб ҳисоблашди давом этмоқдалар. Янги тадқиқотлар бир қанча олимларни энг аввал

бошдан жуфт оила мавжуд эди, бу оила эр ва хотин уруғи базасида (*Оталик даври, Оналик даври*) яшаган ва қариндошликни ота томондан ҳам, она томондан ҳам ҳисоблаб борган, деган хулосага олиб келди. *Жамоа* ва *уруғнинг* ривожланиши ва бузилиши жуфт О. нинг аввалида каттакон ота (патриархал) О. сига, кейин эса моногамияга (якка никоҳликка) асосланган кичикроқ ота О. сига ҳам айланишини белгиллаган. Моногамиянинг қарор топиши билан аёллар эркаклар томонидан асоратга солинган. Аёл аста-секин ўз эри — хўжайинининг мулкига, қулига айлана боради. Войлик орттириш ва уни қонуний ворисларга бериш О. нинг асосий мақсади бўлиб қолади. Буржуа жамиятида оилавий алоқаларнинг характери кўп жиҳатдан хусусий мулкка боғлиқдир. Бунда кўпол моддий манфаат, никоҳнинг моддий жиҳатдан фойдалилиги гоят катта роль ўйнайди. Қонуллаштирилган фоҳишалик никоҳга қўшимча бўлиб қолади. Фақат меҳнаткашлар орасида бундай бузуқликлардан холи бўлган, севилга, дўстликка ва бир-бирига ишонинишга асосланадиган никоҳ-оила муносабатлари вужудга келди ва ривожланди. Бу нарса аёлларни ишлаб чиқариш соҳасига ва ижтимоий фаолиятга кенг торттиш билан боғлиқдир. Социализмнинг ғалабаси ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ва шу жумладан О. да эркак билан аёлнинг тенглиги учун кенг имконият очиб берди. Севиға, бир-бирини ҳурмат қилиш, болалар тарбиясига гамхўрлик қилиш — социалистик жамиятда О. нинг энг муҳим ахлоқий принциплари дидир. Коммунистик қурилиш жараёнида, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ўсиб ва жамият ҳаётида коммунистик ахлоқ нормалари мустаҳкамланган сари, оилавий муносабатлар ҳам такомиллашиб бормоқда. Мас., О. даги ҳуқуқий муносабатлар уларга бўлган социал заруриятлар йўқола борган сари барҳам топади; хўжалик-истеъмолчилик муносабатларининг аҳамияти ҳам аста-секин камаяди; ахлоқий, эстетик ва психо-

логик муносабатлар биринчи ўринга сурилади ва бу муносабатлар эркак ва аёл шахсининг уйғун ривожланишига мувофиқ такомиллашиб боради. Коммунизм даврида оила мустақкамланади, «оилавий муносабатлар моддий тамаълардан узил-кесил тозаланади», юксак покликка ва мустақкамликка эришади (КПСС Программаси).

«ОИЛА, ХУСУСИЙ МУЛК ВА ДАВЛАТНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ»—Ф. Энгельснинг 1884 йилда ёзган асари. Энгельс *Морганнинг «Қадимги жамият»* китобидаги материалга ҳамда фаннинг бошқа маълумотларига суянган ҳолда ўз асарида *ибтидоий жамоа тузумининг* асосий белгиларини тадқиқ этади. У жамиятнинг иқтисодий тараққиёти билан боғлиқ ҳолда никоҳ ва оила формаларининг ўзгариб боришини кузатади, уруғдошлик тузумининг бузилишини (уч халқ: греклар, римликлар ва германлар мисолида) ва унинг иқтисодий сабабларини анализ қилади, Энгельс сўнгра меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва *меҳнат тақсмоти* айирбошлашнинг, хусусий мулкнинг пайдо бўлишига, уруғдошлик тузумининг емирилишига ва *синфларнинг* ташкил топишига олиб келганлигини кўрсатади. Синфий зиддиятларнинг пайдо бўлиши ҳукмрон синфнинг манфаатларини ҳимоя қилиш қуроли сифатида давлатни вужудга келтирди. Энгельс ўз китобида қуйидаги хулосаларга келади: 1) хусусий мулк, синфлар ва давлат ҳамisha мавжуд бўлмаган, улар иқтисодий тараққиётнинг муайян босқичида пайдо бўлган; 2) эксплуататор синфлар қўлида давлат ҳамма вақт фақат зўрлик қилиш ва кенг меҳнаткаш халқ оммасини эзиш қуролидир; 3) синфлар ўтмишда қандай муқаррар равишда пайдо бўлган бўлсалар, худди шундай муқаррар йўқ бўладилар. Синфлар йўқ бўлгач, давлат ҳам муқаррар равишда йўқ бўлади. Энгельснинг китоби— жамият ҳақидаги марксизм таълимотига қўшилган муҳим ҳиссадир ва у ҳозирги вақтгача тарихий матери-

лизмни ўрганиш учун қўлланма бўлиб келмоқда.

ОЛАМНИНГ ФИЗИК МАНЗАРАСИ — бу термин табиат ҳақида (баъзан торроқ маънода — анорганик олам ҳақида) баъзи умумий физик принциплардан келиб чиқадиган тасаввурни билдиради. *Антик атомистика*, *Декарт физикаси*, *Ньютон* системаси ана шу маънода О. ф. м. эди. 17—18-асрларда О. ф. м. ни тузиш йўлидаги барча уринишлар табиатнинг мураккаб ҳодисаларини модда дискрет қисмларининг оддий механик ўрин алмаштиришига нисбат бериш мумкинлиги гоёси билан характерланарди. 19-асрда табиёт илмида ҳаракатнинг мураккаб, оддийроқ формаларга нисбат бериб бўлмайдиган формаларининг ўзига хос қонуниятлари ҳақидаги тасаввур қарор топди. Бу тасаввур Энгельснинг *«Табиат диалектикаси»*да энг чуқур ва умумий тарзда баён қилинган эди. 19-аср О. ф. м. ҳаракат формаларининг иерархиясига (поғоналарига) ва уларнинг ўзаро бир-бирига ўтишларига асосланган, бинобарин, ана шу маънода энергиянинг сақланиш ва бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш гоёси — энг умумий физик принципдир. 20-асрда ньютонча механика қонунлари эндиликда энг умумий қонунлар ролини ўйнай олмас эди. Бу ролга электромагнит ҳодисаларнинг қонунлари даъвогар бўлиб чиққан эди, лекин оламнинг электромагнит манзараси физик ҳодисаларнинг бутун мажмуни қамраб ололмас эди. Иккинчи томондан, электромагнит майдонлар гравитацион майдонларни тасвирловчи умумий *нисбият назарияси* доирасига сиғмас эди. 20-асрнинг иккинчи чорагида *Эйнштейн* ва бошқа физикларнинг ягона майдон назарияси тузиш йўлидаги уринишлари янги ва бир бутун О. ф. м. ни яратишга олиб келмади. *«Элементар» зарралар* ва уларнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга айланишлари назарияси шундай манзаранинг асоси бўлиши мумкинки, унинг тахминий тарҳлари ҳозир физикада кўринмоқда. Шундай қилиб, фаннинг ривожланиши диа-

дунёвий материализм ғояларини тасдиқламоқда, диалектик материализм, Ленин сўзлари билан айтганда, «*ҳарикат қилувчи материядан* иборат бўлган олам электромагнит бир манзара, ёнги беқиёс даражада мураккаб бўлган бошқа бир манзара эмас, балки «албатта «механик» манзара» деб даъво қилмайди (18-т., 333-бет).

ОККАЗИОНАЛИЗМ (лат. occasio — тасодиф) — 17-асрдаги диний-философия доктрина бўлиб (Кордемуа, Гейлинкс), бу доктрина жон билан танинг ўзаро таъсирини изоҳлаб бўлмаслигини (*Декартнинг* дуализми муқаррар суратда шунга олиб беради) худонинг бевосита аралашуви билан бартараф қилишга уринарди. Француз спиритуалисти *Мальбранш* О.ни ҳар қандай сабабли боғлашни умуман худонинг иши эканлигини эътироф қилиш даражасига етказди.

ОККАМ Уильям (тах. 1300—49) — ўрта аср инглиз теологи ва схоластика философи, Оксфорд ва Париж ун-тларининг муаллими, *номинализмнинг* энг йирик намояниси. Папанинг катolik черковини жаҳонга ҳукмрон қилиш даъволарига қарши курашда дунёвий феодалларнинг идеологи. *Дунс Скотт* билан бир қаторда *томизмга* схоластик оппозиция лидерларидан бири. О.нинг даъвосига кўра, худонинг борлигини ва бошқа диний ақидаларни ақл ёрдами билан исбот қилиб бўлмайди, улар фақатгина эътиқодга асосланган (*Иккиёнама ҳақиқат*). Философия ҳам, ўз навбатида, теологиядан халос бўлмоғи лозим. Даҳрликда айланган О. қамқондан қочиб Баварияга кетди.

ОККУЛЬТИЗМ (лат. occultus — сирли, пинҳон) — бу термин шундай таълимотларни билдирадикки, бу таълимотлар дунёда илмий тадқиқотга муяссар бўлмайдиган ғайри табиий феноменлар ва кучлар борлигини эътироф қилади ва улар билан ўзаро таъсир кўрсатишнинг «амалий» усулларини (*магия, спиритизм*) ишлаб чиқарди. Қадим замонда ва ўрта асрларда, табиат ва жамият ҳақида бошқа сохта тасаввурлар сингари, О. ҳам

кўпинча экономика ва фаннинг паст ривожланганлиги натижаси эди (мас, биз *Р. Бэконда, Луллийда, Парацельсда* ва б. да О.ни учратамиз). Кейинчалик О. материалистик дунёқарашга қарши кураш воситаларидан бири бўлиб қолди. *Теософия* доирасида оккульти идеяларини Р. Штейнер айниқса актив пропаганда қилган эди («Олий оламларни билишга қандай эришмоқ керак», 1909, «Сиршунослик очеркларини», 1910 ва б.); у «сиршунослик» аниқ, тажрибавий фандир, деб даъво қиларди. Ҳақиқатда эса, О., гарчи ўзининг баъзи қондаларини табиёт илми тилида ифодаласа-да, унда илмийликдан асар ҳам йўқ. Ҳозирги вақтда кўп буржуа мамлакатларида оккультизм адабиёти нашр этилмоқда.

ОЛАМНИНГ БИРЛИГИ ВА ХИЛМА-ХИЛЛИГИ. Оламнинг бирлиги унинг моддийлигидадир, у шундан иборатки, оламда мавжуд предметлар ва ҳодисаларнинг ҳаммаси ҳаракатдаги материянинг турлича кўринишлари ёки хоссаларидир. Оламда ҳеч нима йўқки, у материянинг конкрет формаси, унинг хоссаси ёки хоссалари ва ўзаро алоқаларининг юз бериши бўлмасин. Оламнинг бирлиги ҳодисалар ва предметларнинг ўзаро умумий алоқадорлигида, материянинг ҳамма турларида: ҳаракат, макон, замон, ўз-ўзинча ривожланувчи қобилияти ва б. универсал атрибутларнинг борлигида, материянинг структур тузилишининг ҳамма даражаларида амал қилувчи борлиқ умумий диалектик қонуниятларининг мавжудлигида ўз ифодасини топади. Лекин оламнинг бирлигини унинг тузилишининг бир хиллиги, мавжудотнинг оддийча бениҳоя такрорланиб туриши ва ҳамма нарсанинг бир хилдаги ўзига хос қонунарга бўйсунishi деб тушуниш ярамайди. Табиатда сон-саноксиз кўпдан-кўп сифат жиҳатдан турлича структур даражалар мавжудки, бу даражалардан ҳар бирини материя турлича хоссаларга, тузилишга эга бўлади ва ҳаракатнинг турлича ўзига хос қонунарига бўйсунди. Ҳозирги вақтда бундай даражаларнинг бир не-

часи маълум бўлиб, улар турлича миқёсларга мувофиқ келади: атом ядролари ва «элементар» зарралар, атомлар ва молекуларлар, макроскопик jismlar, турлича тартиблардаги космик системалар. Табиат ҳодисаларининг миқдор ва сифат хилма-хиллиги уларни ишончли равишда билиш учун сиғиб бўлмайдиган тўсиқдан иборат эмасдир. Инсон ақли табиат ҳодисаларининг бирлигига, оламда материя ҳаракатининг умумий хоссалари ва қонуниятлари мавжудлигига асосланиб, ҳар бир ниҳояли ҳодисада бениҳоялик элементларини, ўткинчи ҳодисада абадийлик элементларини очиб бермоқда.

ОЛАМНИНГ ГЕЛИОЦЕНТРИК ВА ГЕОЦЕНТРИК СИСТЕМАЛАРИ. Оламнинг геоцентрик (грек. ge — Ер) системасига кўра, Ер ҳаракатсиздир ва коинотнинг марказида туради; Кўёш, Ой, планеталар, юлдузлар унинг теварагида айланади. Диний қарашларга ҳамда *Платон* ва *Аристотель* асарларига асосланган бу системани қадимги грек олими *Птолемей* (*эрамининг 2-асри*) тугаллаган эди. Оламнинг гелиоцентрик (грек. *hēlios* — Кўёш) системасига кўра, ўз ўқи тегиригида айланувчи Ер Кўёш атрофида айланадиган планеталардан биридир. *Аристарх Самосский*, *Абу Райҳон Беруний*, *Николай Кузанский* ва бошқаларда бу система фойдасини қўлиб ирилган айрим фикрлар бор, лекин бу назариянинг ҳақиқий ижодчиси *Коперникдир*. *Коперник* бу назарияни ҳар томонлама ишлаб математик жиҳатдан асослаб берди. Кейинчалик *Коперник* системасига аниқлик киритилди, Кўёш бутун коинот марказида эмас, балки фақат кўёш системаси марказидадир. Бу системани асослаб беришда *Галлей*, *Кеплер*, *Ньютон* гоят катта роль ўйнади. Илғор фаннинг гелиоцентрик системанинг ғалабаси учун олиб борган кураши черковнинг Ер оламнинг марказида туради, деган таълимотига пугур етказди.

ОЛДСОКРАТЧИЛАР — қадимги грек философияси бошланғич давридаги (*эраминдан олдинги 7-аср* ва 4-

асрининг бошлари) бир группа арбобларнинг шартли номи. Бу номнинг шартли бўлишининг сабаби шуки, атоқли *О.* лардан кўплари *Сократ* ҳаётидан кейин иш кўрганлар. Бу номдаги ношартли нарсга фақат шуки, *О.* айрим кишининг мақсади ва вазифаси ҳақидаги, тафаккурнинг борлиққа муносабати ҳақидаги, тафаккурнинг имманент диалектикаси ҳақидаги масалани ҳали ўртага қўймаган эдилар ва фақат табиат, космос ҳақидаги, ҳиссий-яққол ва объектив реаллик ҳақидаги таълимот билангина чекланган эдилар. Бу масалаларнинг ҳаммаси худди стихияларнинг абадий гирдобидан иборат ҳиссий космос нуктаи назаридан ҳал қилинарди. *О.* қаторига *Фалес*, *Анаксимандр*, *Анаксимен*, *Гераклит*, *апполониялик Диоген* (*эраминдан олдинги 5—4-асрлар*), *Ксенофан*, *Пифагор*, *Парменид* ва унинг элейлик шогирдлари *Эмпедокл*, *Анаксагор*, *Левкипп* ва *Демокрит* кирди. *О.* даги фалсафачиликнинг асосий мавзуи — космос — одатдаги ҳиссий стихиялардан: яъни тупроқ, сув, ҳаво, олов ва эфирдан таркиб толган бўлиб, бу стихиялар қуюқлашиш ва сийраклашиш натижасида ўзаро бир-бирига ўтиб туради, деб фикр қилинарди. *О.* нинг бутун натурфилософияси учун стихиялар диалектикаси характерли бўлиб, бу диалектика *Демокрит* ва *Гераклит*да аниқса яққол ифодалангандир. Ҳиссий стихиялар уюштирувчи ва лекин соф моддий принцип билан йўрилган эди (*Гераклит*да — *логос*, *Эмпедокл*да — муҳаббат ва адоват, атомистларда — абадий ҳаракатчан атомлар ва ҳ. к.). *Марксизм-ленинизм* классиклари *О.* нинг мифологияда қарши курашга асосланган ва илмий философияни химоя қилишга қаратилган стихияли материализмга юксак баҳо берган эдилар.

ОЛИБ ТАШЛАШ (немисча: *Aufhebung* — бекор қилиш, йўқ қилиш ва сақлаш) — *Гегель* философиясида кенг татбиқ этилган термин. Бу термин бирон нарсани айна бир вақтда йўқ қилиш ва сақлаб қолишни бил-

диради. Гегель «О. т.»терминини абсолют идеянинг ҳаракатини тавсифлаш учун ишлатарди. Бу идеянинг ҳар бир муайян ҳолати юқори ҳолат томонидан «олиб ташланади» ва тараққийёт босқичларининг алоқаси шу билан изоҳланади. Чунончи, *триадада* юқори категория (синтез) фикр ҳаракатида антитезисни йўқ қилибгина қолмасдан, балки шу билан бирга олдинги тарққийётнинг бутун мазмунини қайта ишланган шаклда сақлаб ҳам қолади. О. т. идеясида Гегель моддий олам тараққийётнинг объектив қонуниятини ва инсон (назарий ва амалий) *фаолиятининг* хусусиятларини пайқаган. Шу билан бирга О. т. Гегелда абстракт-мантиқий характерга эга бўлиб, зиддиятларни «ҳал этишнинг» формал усули сифатида юзага келади. Дialeктик материализмда «О. т.»термини тараққийётдаги *ворислик* тадқиқ қилинганда ҳамда бирон-бир қуйи ҳодисанинг юқори ҳодисага алоқасини, муносабатини тавсифлаш учун ишлатилади (мас., механик ҳаракат материя ҳаракатининг биологик формасига «олиб ташланган» шаклда киритилганлиги ҳақидаги қонда).

ОЛИЙ НЕРВ ФАОЛИЯТИ — бош мия катта ярим шарлари пўстида вақтли алоқаларнинг ташкил топшидаги мураккаб процессларнинг мажмуи. О. н. ф. ҳақидаги *И. Павлов* таълимоти ва ҳозирги замон назариялари юксак даражада ривож топган организмларнинг теварак-атрофдаги муҳитнинг ўзгарувчи шартларига кенг мослашувини таъминлашга имкон берадиган нерв фаолиятининг ўзига хос функциясини очиб бермоқда. О. н. ф. асосан организм индивидуал тажрибада ҳосил қиладиган шартли рефлексларга таяниди. Ҳайвонларнинг О. н. ф. биринчи *сигнали системаси* ёрдамида ташқи таъсирларнинг бевосита акс этиши билан чекланган бўлади. Инсон эса кўпинча юқорироқ даражадаги иккинчи сигнал системасидан фойдаланиди, бу системада рефлектор фаолият *нутқ* орқали воситаланган бўлади. Сўз, нутқ кишиларга воқеликни мав-

ҳум, абстракт тушунчалар ва мураккаб хулоса чиқаришлар, формасида чуқурроқ, умумлашган тарзда акс этиришни таъминлаб беради. О. н. ф. тўғрисидаги таълимот психик *фаолиятнинг* физиологик асосини ва қонуниятларини очишга имкон беради. Бу таълимот инсон *онгининг* келиб чиқиши ва ривожланишини билиб олишга ёрдамлашмоқда, материалистик философиянинг, онг юксак даражада ташкил топган материянинг — бош миянинг функциясидир, деган қондасининг тўғрилигини тасдиқламоқда.

ОЛИЙ НЕРВ ФАОЛИЯТИНИНГ

ТИПЛАРИ — нерв процесслари асосий хоссаларининг (қўзғолиш ва тормозланиш) комплекслари, бу комплекслар ҳайвонлар ва инсон олий нерв фаолиятининг индивидуал хусусиятларини белгилайди. О. н. ф. т. тушунчаси *И. Павлов* томонидан киритилган. Миянинг катта ярим шарлари пўстидаги қўзғолиш ва тормозланишга, Павлов фикрича, уч асосий хусусият хосдир. Улар қуйидаги даражалар билан ифодаланади: 1) нерв процессларининг нерв ҳужайраларининг ишлаш қобилиятига боғлиқ *кучи*; 2) бир процесснинг иккинчи процессга мувозанатлиги; 3) уларнинг ҳаракатчанлиги, яъни пайдо бўлиш, тўхташ ва қўзғолишнинг тормозланиш билан алмашиниш тезлиги ва аксинча. Ана шу хоссаларнинг комбинацияси натижасида О. н. ф. т. ташкил топади. Тўрт асосий тип энг характерлидир: 1) кучли, мувозанатли, ҳаракатчан тип; 2) кучли, мувозанатли, кам ҳаракат тип; 3) кучли, мувозанатсиз тип (бунда қўзғолиш процесси кескин суратда усту туради); 4) заиф тип (бунда ҳар иккала процесс ҳам заиф, тормозланиш бирмунча усту туради). Асосий О. н. ф. т. га тўрт *темперамент* мувофиқ келади. Юқорида санаб кўрсатилган О. н. ф. т. ҳайвонларга ва инсонга муштаракдир. Павлов яна уч О. н. ф. т. ни ажратиб кўрсатадики, булар *фақат* инсонга хосдир ва *сигнал системаларининг* нисбатлари хусусиятлари билан белгилангандир: фикрлаш *типи* (бунда иккинчи сигнал системаси нис-

батан устун туради), бадий тип (бунда биринчи сигнал системаси нисбатан устун туради) ва ўртача тип. Индивид нерв процессларининг хусусиятлари унинг умумий истеъдодига боғлиқ бўлиб, *қобилиятнинг* шаклланишида индивидуал тафовутлар шарт-шароитларидан бирдир.

ОЛЬМИНСКИЙ (Александров)

Михаил Степанович (1863—1933)— рус революцион ҳаракатининг энг кеска арбобларидан бири, марксистик тарихчи ва публицист. 1883—85 йилларда Петербург ун-тида ўқиган, нардоволецларга қўшилган. Ишчи тўғарақларида революцион пропаганда олиб боргани учун қамоққа олинган ва 1898 йилда сургуни қилинган; сурғунда унинг *народникликдан* марксизмга ўтиши тугалланган. 1903 йилдан большевик. О. нинг публицистик мақолалари марксизм ғояларини, партиянинг ташкилий тузилиши ҳақидаги ленинча принципларни пропаганда қилишга, меньшевиктик «оппортунизм кўриниши»ни танқид қилишга бағишланган. Тарихчи сифатида О. давлат проблемасига, давлатнинг гайри синфийлиги ҳақидаги буржуа назарияларини танқид қилишга қатти эътибор берарди. («Россия тарихида давлат, бюрократия ва абсолютизм», 1910). О. давлатнинг жамият ҳукмрон синфларига қарамлигини кўрсатар экан, лекин давлатнинг устқурми сифатида ривожланишининг ўзига хос қонуналарини нафқамай қолган. О. нинг бу методологик хатосини В. И. Ленин ва *Воровский* танқид қилган эдилар. О. нинг асарларида рус революцион-демократик фикрни, жумладан, Салтиков-Шчедрин ижодини тадқиқ қилиш муҳим ўрин тутади (бу тўғрида 20 га яқин асар ёзган, шу жумладан 1897 йилда турмада тузилган «Шчедрин луғати», «Социал утопист замондошлар баҳосида», 1906 ва б.). О. буржуа либерал ва либерал-народник танқидчиларнинг Шчедринни ўз маслакдоши қилиб кўрсатишга уринишлари асоссизлигини исбот қилди ва бошқа революцион демократлар сингари, Шчедрин ҳам пролетар идеоло-

гиясининг бевосита ўтмишдоши эканлигини кўрсатди. О. сатирик Шчедриннинг асарлари «идеаллар учун оғишмай курашувчи принципал равишда ўзига насаҳаткам, собитқадам шахсни» тарбиялашга ёрдам беришини қайд қилиб кўрсатган эди. Марксистик эстетик ва адабий танқидчи сифатида О. санъатнинг реалистик, гуманистик ва гражданлик анъаналарини қаттиқ туриб ҳимоя қилар, декадентликини танқид қилиб чиқарди («Эстетиканинг энгилиши», 1911, «М. Горькийга қарши юриш», 1913, Ф. Сологуб, Л. Андреев, Арцибашев ва б. ҳақидаги мақолалар).

ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯ

(лат. communicate — бирор кимса билан кенгашмоқ)— техника воситалари (матбуот, радио, кинематограф, телевидение) ёрдами билан сон жиҳатдан кўп, тарқоқ ҳолатдаги аудиторияларга информациялар (билимлар, маънавий қимматдорлар, ахлоқий ва ҳуқуқий қондалар ва ш. к.) тарқатиш процесси. Буржуа социологлари, О. к. гайри синфий, партиясизлик характериға эгадир, деб даъво қиладилар. Марксистлар эса, аксинча, уларнинг социал шароитға боғлиқ эканлигини эътироф қилибгина қолмай, таъкидлаб ҳам кўрсатадилар. Капиталистик жамиятда О. к. нинг асосий вазифаси шахсни барқарор бўлган муносабатлар андазасига кўнктиришдан, кишиларни ҳукмрон идеология доирасида сақлаб туришдан иборат қилиб қўйилди. Шу сабабли О. к. воситалари бунда буржуа тафаккури андазасига онгли равишда мажбур қилишга, инсоннинг танқид қилиш қобилиятини бостиришга қаратилган ва стандарт ҳаракатлар, дидлар ва юриш-туришларнинг жуда ҳам чекланган миқдорини уқдирадиган пропаганда сифатида намоён бўлмоқда. Социализм шароитида бутунлай бошқача аҳвол юзага келади, бунда жамият ўз олдиға шахс билан коллектив (*Коллектив ва шахс*) манфаатларининг уйғунлашувига эришиши мақсад қилиб қўяди. Бунда О. к. воситаларининг асосий вазифаси шахснинг ҳар томонлама ва тўла

камол топишига кўмаклашишдан, илмий дунёқарашни ёйишдан иборат бўлиб қолади. Юқорида кўрсатилган тафовут О. к. воситаларини илмий анализ қилишнинг усули ва методларидаги тафовутни ҳам юзага келтиради. Гарбдаги социологлар ва социал психологлар аксарияти фаолиятнинг мақсади О. к. воситаларининг тинчловчиларга қиладиган таъсирини ўрганиш, пропаганда таъсири остида одамларнинг ишончлари ўзгарганлик даражасини аниқлашдир. Социалистик жамият шароитида аудиториянинг талаблари, эҳтиёжларининг структураси, кўринишлари ва уларнинг О. к. воситалари билан рўёбга чиқиш, қондирилиш даражаси тадқиқотнинг асосий мавзуси бўлиб қолади.

ОМОНИМИЯ (грек. *homos* — бир хил ва *опта* — ном) — номдошлик — бир сўзда бир неча маънонинг бўлиши. Ёзилиши бир хилда бўлган бундай сўзлар турлича (мас., ўт—олов ва ўт—майса) ёки бир сўз (мас., қонун—табиат қонуну ва ҳуқуқий қонун) ҳисобланишига қараб, 1-ҳолда асли маънодаги О. дейилади (ва бундай сўзлар омонимлар деб аталади), иккинчи ҳолда эса полисемия (кўп маъноли) дейилади. Баъзи икки омонимни бирдай ишлатишдан иборат бўлган ва айниқат қонуничи бузишга олиб келадиган мантӣқий хатонинг ўзи ҳам О. деб аталади. Ана шу маънодаги «О.» терминини Аристотель «Софистик раддиялар ҳақида»ги трактатига киритган.

ОНАЛИК ДАВРИ (лат. *mater* — она, грек. *arche* — ҳокимият) — *ибтидоий жамоа тузумининг* уруғдошлик ташкилоти формаси бўлиб, бу форма ижтимоий ишлаб чиқаришда (ёш бўғинларни тарбиялаш, ижтимоий хўжаликни юргизиш, рўзгор тутиш ва б. ҳаётий муҳим вазифаларни бажариш) ва уруғдошлик жамоасининг социал ҳаётда (жамоа ишларини бошқариш, унинг аъзолари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, диний маросимларни адо этиш ва ҳ. к.) аёлларнинг етакчилик ролини характерлайди. Оилавий муносабатлар соҳасида О. д. матриликалик

(эркакларнинг уруғдошлик жамоа оилаларига келиши) билан ва онатомонлик (уруғ-аймоқликнинг она томондан ҳисобланиши) билан характерланган. Ҳозирги замон фанининг аниқлашчи, О. д. ҳамма халқларда ҳам бўлмаган. Кўп олимларнинг фикрига кўра, О. д. ибтидоий жамоа тузумининг алоҳида бир босқичи бўлмаган.

ОНГ — объектив воқелик инъикосининг фақат инсонга хос олий формаси. О. психик процессларнинг маъмуидан иборат, бу процесслар инсоннинг объектив оламни ва ўз борлигини англаб олишида актив қатнашади. О. кишиларнинг меҳнат, ижтимоий ишлаб чиқариш фаолияти процессида пайдо бўлади ва у тил билан чамбарчас боғлиқдир, тил ҳам, онг каби, қадимийдир. Инсон туғилишидан бошлабоқ олдинги авлодлар қўли билан яратилган предметлар оламга тушади ва улардан маълум мақсадда фойдаланишни ўрганиб бориш процессидагина одам бўлиб камол топади. Инсоннинг воқеликка муносабати усули унинг бевосита жисмоний тизилиши билан (ҳайвонлардаги сингари) эмас, балки фақат бошқа кишилар билан алоқа қилиш орқали ортирилган предмет иш малакалари билан белгиланади. Предмет *фаолиятнинг* тарихан ишлаб чиқилган усулларини ва айниқас тилни эгаллаб олиш индивиднинг ташқи оламга муносабатини мазкур олам предметларининг объектив хоссаларини бавосита билишга айлантиради. Инсон ўзини ажратиб, объектив воқеликка қарама-қарши қўйиши сабабли унинг ҳаракатлари маълум мақсадга қаратилган бўлади, яъни инсоннинг актив ҳаётий фаолияти объектларнинг реал хоссалари тўғрисидаги тасаввурлар ёки билимлар билан йўналтириб турилади. Инсон объектларга тушунган, билган ҳолда муносабатда бўлгани учун унинг оламга муносабатининг усули О. деб аталади. Ижтимоий-тарихий предмет фаолияти ва инсон нутқи орқали ифодаланувчи тушунча бўлмаса, билим бўлмаса — О. ҳам бўлмайди. Предметнинг ҳар қан-

дай ҳиссий образи, ҳар қандай сезги ёки тасаввур О. нинг бир қисми бўлганлигидан, улар ижтимоий фаолият орқали орттирилган билимлар системасида муайян мазмунга эга бўлади. Билимлар тилда сақланадиган маъналар ва мазмун инсон ҳис-туйғуларини, иродасини, диққатини ва бошқа психик ҳаракатларини йўллаб ва дифференциялаштириб, бир бутун О. га бирлаштиради. Тарих тўплаган билимлар, сивсий ва ҳуқуқий гоаялар, саябат эришган ютуқлар, ахлоқ, дин ва ижтимоий психология умуман жамият онгидан иборатдир (*Ижтимоий борлиқ ва ижтимоий онг*). Аммо О. ни фақат билим билан, мантиқий тафаккур билан бирдай қилиб қўйиш ярамайди. Бутун психик соҳанинг жонли, ҳиссий-иродавий, актив фаолиятдан ташқари тафаккур умуман мавжуд эмас. Агар инсон фақат мантиқий операцияларни бирин-кетин қилиб борса-ю, лекин амалда ўз тушунчаларининг маъноси актив ҳаракатлар ва воқеликни идрок этни билан доимий муносабатдошлигини сезмаса, ҳис, этмаса, кечинмаса, у вақтда воқеликни ҳам, ўз-ўзини ҳам тушунмаган ва англамаган бўлар эди, яъни О. га ҳам, ўз-ўзини англашга ҳам эга бўлмас эди. Иккинчи томондан, «психика» тушунчаси билан «О.» тушунчасини бирдай қилиб қўйиш ярамайди, яъни инсондаги ҳамма психик процесслар аини моментда О. га киритилган деб ҳисоблаш ярамайди. Бир қанча психик кечинмалар муайян вақтда О. «остонасидан ташқарида» бўлиши мумкин (*Бешиур, Беихтиёр*). О. тарихий тажрибани, олдин ўтган тарих ишлаб чиққан билимларни ва тафаккур методларини ўзига сингдириб олгач, воқеликни идеявий тарзда ўзлаштиради, шу билан бирга янги мақсадларни, вазифаларни ўртага қўяди, келажакдаги қуролларнинг лойиҳаларини тузади, инсоннинг бутун амалий фаолиятини йўллайди. О. ни фаолият шакллантиради, О. ҳам ўз навбатида бу фаолиятга таъбир кўрсатади, уни белгилайди ва тартибга солади. Кишилар ўз ижодий-ниятларини амалий равишда рў-

ёбга чиқара бориб, табиатни, жамиятни, шу билан бирга ўзларини ҳам ўзгартирадилар. Ана шу маънода, деган эди В. И. Ленин, «инсоннинг онги, объектив олами акс эттирибгина қолмайди, балки уни яратади» (29- т., 194- б.). Фанда олиб борилган идеологияк, дунёқараш курашининг бутун давомида О. ва унинг материяга муносабати проблемаси энг кескин проблема бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда (*Философиянинг асосий масаласи*). Тарихни материалистик тушуниш туфайли марксизм бу проблемани биринчи марта илмий равишда ҳал этишга ва шу билан ҳақиқатан илмий философияни яратишга муваффақ бўлди.

ОНГСИЗЛИК — 1. Беихтиёр, англамасдан қилинган ҳаракат бўлиб, бунда ҳаракатнинг сабаби онгга етиб улгурмаган бўлади (мас., ҳимоя қилиш ҳаракати ва ҳ. к.), шунингдек бу ҳол онг табиий ёки сунъий равишда тўсилган чоқда (уйқуда, гипноз пайтида, қаттиқ маст бўлганда, лунатизм пайтида ва б.) юз беради. 2. Актив психик процесслар бўлиб, бу процесслар субъектнинг воқеликка бўлган онгли муносабатида бевоқифа қатнашмайди ва унинг учун аини пайтда субъект томонидан англабмайди (*Бешиур*). 3. Буржуа адабиётида О. кўпинча алоҳида психик соҳани билдириш учун ишлатиладики, бу соҳада абадий ва ўзгармас қизиқишлар, боис-сабаблар, натижалар тўпланиб боради, уларнинг маъноси эса инстинктлар билан белгиланади ва онг унга эришолмайди. О. ҳақидаги идеалистик таълимот *фрейдизм*да ўзининг энг тўлиқ ривожини топган. Бу концепцияга кўра, психика уч қатламдан: О. дан, беихтиёрликдан ва онгдан ташкил топади. О. психиканинг чуқур пойдевори бўлиб, инсоннинг бутун онгли ҳаётини ва ҳатто шахсларнинг ва бутун-бутун халқларнинг тақдирини белгилаб беради. Лаззатланишга ва ўлимга онгсиз натижалар (агрессия инстинкти) барча эмоциялар ва кечинмаларнинг мазмунли ўзагидир. Беихтиёрлик (ёки онгдан олдинги ҳолат)

онг билан О. ўртасидаги алоҳида чегара соҳасидир. Бу соҳага онгсиз интуициялар ёриб киради, худди шундай инсоннинг ижтимоий ҳаёти туғдирган алоҳида психик «инстанция», инсоннинг «ўта мени» (ёки виждони) уларни жиддий цензурадан ўтказида. Онг ташқи олам билан туташадиган жойда психиканинг юзаки кўринишидир, у аввало мистик онгсиз кучларга боғлиқдир. О. онгли ишларнинг мистик, билиб бўлмайдиган негизи сифатида *Герберт, Шопенгауэр* ва баъзи бошқа идеалистларнинг концепцияларида баён этилган.

ОНТОЛОГИЯ (грек. *ontos* — борлик ва *logos* — таълимот) — 1. О. ёки «биринчи философия» деганда марксистик философиядан олдинги философияда умуман борлик ҳақидаги, унинг айрим турларидан қатъи назар, ўз ҳолича борлик ҳақидаги таълимот тушунилган. Ана шу мазмунда О. *метафизикага* — борлиқнинг ақл югуртириш йўли билан ялпи умумий таърифлари системасига тенгмаънолидир. Кеч ўрта аср даврида католик философлар аристотелча метафизика идеясидан фойдаланиб, борлик ҳақида дин ҳақиқатларининг фалсафий исботи бўлиб хизмат қиладиган таълимот тузишга уринганлар. Бу уринишлар *Фома Аквинскийнинг* фалсафий-теологик системасида энг тугалланган шаклга кирди. Янги замонда (тахминан 16-асрдан бошлаб) О. деганда метафизиканинг алоҳида қисмини, бутун мавжудотнинг ғайри ҳиссий, номоддий структураси ҳақидаги таълимотни тушуна бошладилар. «О.» термини немис философи Гокленингга мансубдир (1613). Бундай О. идеяси *Вольф* философиясида тугал ифодасини топти, бу философия эса хусусий фанларнинг мазмуни билан ҳар қандай алоқани узиб, О. ни кўпинча унинг тушунчаларини (борлик, имконият ва воқелик, миқдор ва сифат, субстанция ва акциденция, сабаб ва амал ва б.) абстракт-дедуктив ва грамматик анализ қилиш йўли билан тузди. *Гоббс, Спиноза, Локкнинг*, 18-асрдаги француз материалистларининг таълимотларида қа-

рама-қарши теңденция майдонга келди, чунки экспериментал фанларнинг маълумотларига таянган бу таълимотларнинг ижобий мазмуни олий даражадаги фалсафий фан сифатидаги, гносеология ва логикадан ажралган «биринчи философия» сифатидаги О. идеясига объектив равишда путур етказди. Немис классик идеализмининг вакиллари (*Кант, Гегель ва б.*) томонидан О. нинг танқид қилиниши икки ёқлама бўлди: бир томондан, О. мазмунсиз ва тавтологик деб эълон қилинди, иккинчи томондан, бу танқид янги, мукамалроқ О. (метафизика) яратиш, уни трансцендентал философия билан (Кант), трансцендентал идеализм системаси билан (*Шеллинг*), логика билан (Гегель) алмаштириш талаби билан тамомланди. Гегель системаси идеалистик формада О. (диалектика), логика ва билиш назариясининг бирлиги идеясини олдиндан билдирган ва шу билан ақл сотиб фалсафабозлик қилиш доirasидан чиқиб оламни ҳақиқатан ижобий билиш йўлини кўрсатган эди (*Эггелс*). 2. 20-асрдаги буржуа философиясида субъектив идеалистик оқимларнинг (*янги кантчилик, неопозитивизм*) тарқалишига реакция натижасида объект-идеалистик асосда «янги онтология» тузишга уринилмоқда (*Гуссерлнинг* «трансцендентал онтологияси», *Н. Гартманнинг* «танқидий онтологияси», *Хайдеггернинг* «Фундаментал онтологияси»). Янги онтологик таълимотларда О. деганда борлиқнинг ғайри ҳиссий ва ғайри рационал интуиция ёрдами билан пайқаладиган умумий тушунчалар системаси англашилади. «Янги онтология» идеясини бир қанча католик философлар илиб олиб, Аристотелдан бошланиб келаётган «канъанавий» О. ни кантча трансцендентал философия билан «синтезлаштириш»га ва ўзларининг О. сини диалектик материализм философиясига қарама-қарши қилиб қўйишга уринмоқдалар. 3. Марксистик философияда «О.» термини ишлатилмайди, баъзан уни шартли равишда борлик тараққиётининг энг умумий қонунилари тўғриси-

даги таълимотнинг синоними сифатида татбиқ этадилар.

ОПЕРАЦИОНАЛИЗМ (лат. *operatio* — амалиёт) — ҳозирги замон буржуа философиясида бир йўналиш бўлиб, у ўз табиатига кўра, *лозик позитивизм* билан *прагматизмнинг* синтезидан иборатдир. Унга *Бриджмен* асос солган. Операционал анализ идеяси О. даги асосий идея бўлиб, бу идеяга кўра, ҳар қандай тушунчанинг маъноси шу тушунчанинг шаклланишида, ишлатилишида ва текширилишида фойдаланиладиган операцияларнинг тасвирланиши воситаси билангина аниқланиши мумкин; бу кейинги тушунча операцияларнинг тегишли қаторига айнан тенгдир. Бирон-бир операциялар билан боғлиқ бўлмаган тушунчалар бемаъни тушунчалар деб эълон қилинади. О.нинг бундай тушунчалари қаторига материализмнинг кўп тушунчалари киритилади. Операциялар «инструментал» ва фикрий бўлади («қоғоз ва қалам» операцияси ва «оғзаки» операциялар). Операционал тарзда аниқланган тушунчаларнинг қўшилишидан гаплар, гаплардан эса назарииялар тузилади. О. муқаррар равишда субъектив-идеалистик хулосаларга келади; агар биз тушунчаларда фақат ўлчаш операцияларимизнигина билиб оладиган бўлсак, у вақтда ўлчашларнинг процедураларидан қатъи назар объектларнинг ўзини эътироф этиш бемаъни бўлиб чиқади. Бриджмен ҳам худди шундай деб ёзди: «Нарсалар бизнинг ясамаларимиздир».

ОПЕРАЦИОНАЛ ТАЪРИФЛАР — бу *таърифлар* экспериментал равишда қайта ҳосил қилинадиган операцияни кўрсатиш йўли билан амалга оширилади ва бу операциянинг объектив натижасини бевосита кузатиш ёки *ўлчаш* мумкин бўлади. Бу таърифлар ҳаммадан кўпроқ илмий тушунчаларнинг жузъий эмпирик интерпретацияси (шарҳи)нинг воситаси бўлиб хизмат қилади. Энг оддий мисол: «Агар бирон суяқликка лакмус қоғози ботирилса, фақат шу лакмус қоғози кўкарган тақдирдагина

мазкур суяқлик ишқордан иборат бўлади». Айни бир илмий тушунча муайян тушунчани татбиқ этишнинг турли эмпирик вазиятларини кўрсатувчи бир неча О. т. га эга бўлиши мумкин (*Гипотетико-дедуктив назария*). О. т. нинг ролини бўрттириб кўрсатиш, уларни абсолютлаштириш *операционализм* учун характерлидир.

ОПТИМИЗМ (лат. *optimus* — энг яхши) **ВА ПЕССИМИЗМ** (лат. *peccatus* — энг ёмон) — воқеаларнинг боришига икки қарама-қарши муносабат. О. энг яхши келажакка, яхшиликнинг ёмонлик устидан, адолатнинг адолатсизлик устидан тантана қилиши мумкинлигига ишонишдир; П. эса, воқеалар ёмонлашиб бораётган, деган қарашларда, тушунлик кайфиятларида, яхшилик ва адолатнинг тантанасига ишончнинг йўқлигига намоён бўлади. Философия тарихида оптимистик қарашларни кўп мутафаккирлар бирон тарзда тарғиб қилиб келганлар: мас., қадим замонда — Платон, Аристотель, Эпикур, янги замонда — Г. Лейбниц тарғиб қилган. Лейбниц, мавжуд дунё эҳтимол тутилган дунёлардан энг яхшисидир, деб ҳисоблаган. Лейбницнинг абсолют О. и пировард ҳисобда ҳаётдаги ёмонликни, бахтсизликларни, кулфат-мусибатларни оқлаб кўрсатишга олиб келган. П. ни немис реакцион философларидан Шопенгауэр ва Э. Гартман, итальян шоири Жакомо Леопарди асослаганлар. П. умри тугаб бораётган синфлар учун, мас., ҳозирги замон реакцион буржуазияси учун характерлидир. Ёмонликнинг бўлиши муқаррар деб билувчи ва лекин инсониятнинг куч-ғайрати ёрдами билан дунёни яхшилаш мумкин, деб ҳисобловчи назария бўлмиш мелноризм (лат. *melior* — энг яхши демакдир) вакиллари О. ва п. нинг ўта кескинлигини бартараф қилишга уринган эдилар. Бу термин 19-асрда инглиз адабиyesi Ж. Эллот ва француз философи Ж. Селли томонидан киритилган эди. Мелноризм тарафдорлари, фақат индивидуал камолот йўли билан, маърифатчилик йўли билан дунёни яхшилаш мумкин, деб ҳисоб-

лайдилар. Марксизм ўз моҳияти-эътибори билан оптимистикдир, чунки у жамият тараққиётининг ва инсон имкониятларининг чексизлигига ишониши билан ажралиб туради. Мелиоризмга қарама-қарши ўлароқ, марксистик назария, ижтимоий тараққиётнинг билиб олинган қонунларига мувофиқ келувчи омма революцион фаолияти жамиятнинг прогрессив тараққиётида ҳал қилувчи роль ўйнайди, деган қоидага асосланади.

ОР-НОМУС — шаън, шараф, шаън-шараф, шон-шараф — ахлоқий онг тушунчаси ва этика категорияси, ўз мазмунига ва ахлоқий муносабатни акс эттирувчи табиатига кўра *қадр-қиммат* тушунчасига ўхшашдир. Индивиднинг ўз-ўзига ва жамиятнинг индивидга муносабатининг юз бериш формаси бўлган О.-н. ҳам, қадр-қиммат каби, инсоннинг хатти-ҳаракатини ва теварак-атрофдагиларнинг унга муносабатини тегишли равишда тартибга солади. Қадр-қимматдан фарqli ўлароқ, О.-н. тушунчаси ахлоқий жиҳатдан барча кишиларнинг тенглиги принципига эмас, балки уларнинг табақалашган баҳоисига (шахснинг социал аҳволига, синфий, миллий, касб ва коллективга мансублигига ёки нуфузига қараб бериладиган баҳога) асосланади. Бу баҳонинг критериялари ва инсонга унинг О.-н. га боғлиқ ҳолда қўйиладиган талаблар тарихан ўзгариб келган. Феодал О.-н. сословие характерига эга бўлиб, «олижаноб» сословиенинг ахлоқ нормаларига риоя қилишни талаб этарди. Буржуача О.-н. бирон тарзда хусусий мулк билан боғланади. Социалистик жамиятда фақат миллий, касбий, қисман синфий О.-н. сақланиб қолмоқда (бу О.-н. асос эътибори билан фақат меҳнат характерига эгадир), шунингдек коллектив ва индивидуал О.-н. ҳам сақланиб келмоқда. Индивидуал О.-н. фақат шахсий қадр-қимматга боғлиқ, бу қадр-қимматнинг асоси — одамнинг бошқа кишилар ёки жамият олдидagi реал хизматларидан иборатдир. Лекин О.-н. нинг бу турлари ҳам социализм даврида тубдан ўзгаради: социалис-

тик жамият бирор кишининг алоҳида имтиёзларга ҳақи борлигини тан олмайди ва ўзга миллатларнинг вакиллари, касб эгалари ва ш. к. ларга нисбатан такаббурлик-душманлик муносабатлари кўринишларини қоралайди. Сословие О.-н. нинг сарқитларига (бирон-бир социал табақанинг, ёки коллективнинг мумтозлиги ҳақидаги тасаввурларга, снобизм, ҳамма формадаги манманликка ва б.) қарши кураш — кишилар ўртасидаги кундалик муносабатларда коммунистик ахлоқни ўрнатish учун кураш йўлларида биридир.

ОРТЕГА-И-ГАССЕТ Хозе (1883—1955) — испан философи, субъектив идеалист; нишечилик йўсинидаги *ҳаёт философияси* билан ҳозирги замон *экзистенциализми* ўртасида ўткинчи позицияни ишғол қилган эди. О. нинг диққат марказида социал проблемалар турарди. «Санъатнинг гуманизмдан четлашиши» (1925) ва «Омма кўзголини» (1929) деган асарларида О. «оммавий жамият» доктринасининг асосий принципларини биринчи марта буржуа философиясида баён қилди. Буржуа демократиясининг айниб бузилиши, ижтимоий тартибларнинг бюрократлаштирилиши, пул-айирбош муносабатларининг шахсларо алоқаларнинг ҳамма формаларига жорий этилиши натижасида Ғарбда вужудга келган руҳий кайфиятни О. «оммавий жамият» деб атади. Ижтимоий алоқалар системаси таркиб топади ва бу система ичида ҳар бир киши ўзини статист, унга ташқаридан мажбурлан тикиштирилган ролнинг ижрочиси, қиёфасиз *ибтидо* — оломоннинг бир қисмчаси деб ҳис қилади. О. муайян руҳий вазиятни «ўнгдан» танқид қилади. У бу вазиятни оломанинг демократик активлиги авж олишининг муқаррар натижаси деб ҳисоблайди ва янги аристократик элита тузиш, яъни ўзбошимчалик билан «танлаш»га қўлиб бўлган, фақат бевосита «ҳаётий иштиёқ»ни (нишечча «ҳокимиятга интилиш иродаси»га яқин категория) дастур қилиб оладиган кишиларни, уюштириш йўли билан бу аҳволдан

қутилиш мумкин деб билади. О. рационализмни «оммавий жамият»нинг ўзига хос интеллектуал услуби деб ҳисоблайди. У дунёда илмдан бурунги ориентация формаларига, қадимги, ҳади бўлиниб ташланмаган «донишмандликни севиш»га қайтишга даъват этади.

ОРФИКЛАР — Қадимги Грециядаги диний оқимнинг мухлислари, бу оқим эрампздан олдинги 8-асрда пайдо бўлиб, Дионис ва Деметрага сннгини билан боғлиқ бўлган. Ярим афсонавий шоир Орфейни орфизмнинг асосчиси деб ҳисоблайдилар. О. нинг таълимоти хонавайрон бўлаётган деҳқонлар ва қулларнинг дунёқараши — *мифологияга* — насабли аристократиянинг дунёқарашига қарама-қарши эди. Мифологияда охират дунё ҳаёти ердаги ҳаётнинг давоми ҳисобланиб, жон қандайдир жисмий вужуд деб қараларди. О. эса охиратдаги ҳаётни роҳат-фароғат билан, ердаги ҳаётни азоб-уқубат билан боғлардилар, жоннинг жисмда бўлишини улар охират дунёдан тушиб келган деб ҳисоблардилар. Жисм гуноҳга боғлан бўлиб, ўлади, жон эса пок ва абдий яшайди. О. таълимотида жон билан жисмнинг мифологияга хос дастлабки бирлиги бузилган эди, инсоннинг билувчилик қобилияти худони мушоҳада қилишга қаратилган эди. О. нинг идеялари инсонни қулга, сўзловчи қуролга айлаштиришга қарши норозиликни ифодаларди. Қул ўз озодлигини жоннинг хўжайинига қарашли жисмни ташлаб кетиши билан боғларди. Пайдо бўлаётган философияга, айниқса қадимги грек идеализмига катта таъсир кўрсатгач, орфизм эрампздан олдинги 5-асрда келганда ўзининг ижобий мазмунини йўқотди ва мистик диний эътиқодларга айланиб кетди.

ОСИПОВСКИЙ Тимофей Федорович (1765—1832)—рус мутафаккир-материалисти, математика профессори ва Харьков ун-тетининг ректори, прогрессив маслақларга амал қилгани учун реакционерлар томонидан ун-тетдан бўшатилды (1820). *Кант философиясини*, геометрия ҳақиқат-

ларининг априор вужудга келганлиги ҳақидаги кантча даъвои танқид этиш билан шуҳрат қозонган. О. нинг материалистик қарашлари умуман метафизик механистик материализм доирасидан чиқмаган эди. О. *Декарт идеяларининг таъсирини* ўзида ҳис этарди, бу эса математиканинг методологик ролини ошириб юборишда, аналитик методнинг билувчилик аҳамиятига ортиқча баҳо беришда кўринган эди. О. *мистикага* қарши актив курашарди, маориф ва фаннинг ролига юксак баҳо берарди. Шу билан бирга динга қарашларида у *деизм* позицияларида туриб қолган эди. Унинг асосий фалсафий асарлари: «Мақон ва замон ҳақида» (1807), «Кантнинг дишамик системаси ҳақида мулоҳазалар» (1813).

ОТАЛИК ДАВРИ, (грек. patriarches — уруғ бошлиги)—*ибтидоий жамоа тузумининг* уруғдошлик уюшма формаси бўлиб, бу форма ижтимоий ишлаб чиқаришда (овчилик, балиқ тутиш, чорваччилик ва коллективнинг яшаш учун муҳим бўлган бошқа ишлар) ва уруғ жамоасининг социал ҳаётида (жамоа ишларини бошқариш, унинг аъзолари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб туриш, диний маросимларни адо этиш ва ҳ. к.) эркакнинг етакчилик роли билан характерланади. О. д. нинг яна бир характери хусусияти шу эдики, унда патрилокаллик (аёлларнинг уруғ жамоалари оилаларига келиши) ва ота томонлик (қариндошчиликнинг ота томондан ҳисобланиши) ҳукм суради. Ҳозирги замон фани илк О. д. билан кеч О. д. ни бир-биридан фарқ қилади; илк О. д. жуфт оиллага асосланарди, кеч О. д. эса ибтидоий жамоа тузумининг охирида катта-катта моногам патриархал оилалар шаклида юзага келган эди. *Оналик даври* сингари, О. д. ҳам ҳамма халқларда мавжуд бўлмаган, кўп олимларнинг фикрича, у ибтидоий жамоа тузумининг тараққиёт босқичи эмасдир.

ОУЭН Роберт (1771—1858)—социалист-утопист, инглиз социалистик фикр вакили, 1791—1828 йилларда

капиталистик соҳибкорлик фаолиятида иштирак этиб, йирик фабрикаларни бошқарди. У капиталистик системанинг салбий томонларини бошқа утопистларга қараганда яхшироқ биларди ва саноат революцияси шароитида мазкур салбий томонларни кескин танқид қилиб чиққан эди. О. Филантропик фаолият (ҳайрия ишлари) билан шугулланарди ва фабрика қонунчилигининг биринчи асосчиси эди. Сўнгра у танқид тигини хусусий мулкка, уни муқаддаслаштирувчи динга ва буржуача никоҳга қарши қаратди. О. — *рационализмнинг* муҳлиси, у атеист эди-ю, лекин баъзи жиҳатлардан деизм томонига оғиб турарди. Социал тузумнинг инсонга ҳал қилувчи таъсирини қайд қилиб кўрсатарди. Тарихни инсоннинг ўз ўзини билишида тадрижий прогресс деб идеалистларча таъқин қиларди; социал иллатнинг илдири кишиларнинг подонлигида деб биларди. «Янги ахлоқий (яъни социалистик) дунёни» тайёрловчи тadbирлар орасида О. тарбияга ғоят катта аҳамият берарди. У педагогика назарияси ва практикасига кўпгина қимматли ғояларни киритди. 1820 йилга келганда О. нинг асосий идеялари таркиб топди, бу идеялар системасини у кейин социалистик система деб атай бошлади. Бу системанинг принциплари — мулкнинг ва меҳнатнинг умумийлиги, ақлий меҳнат билан jisмоний меҳнатни бирга қўшиб олиб бориш, шахсни ҳар томонлама камол топдириш, ҳуқуқда тенгликдан иборат эди. О. нинг социалистик таълимотида саноат ва деҳқончилик меҳнати қўшилиб кетади, лекин деҳқончилик афзалроқ кўрилади. Келажакдаги синфсиз жамият — ўз-ўзини бошқарувчи жамоаларнинг эркин федерациясидан иборат бўлиб, бу жамоалардан ҳар бири 300 дан 2000 гача кишини бирлаштиради. О. асосий эътиборни тақсимотга берарди. У социал революциянинг зарурлигини тушунмасдан, жамиятни ўзгартиш ишида буржуа ҳукуматларига умид боғларди. У меҳнат коммуналари (асосийлари — АКШда 1825 йилдан 1829 йилгача

«Янги гармония», Англияда 1839 йилдан 1945 йилгача «Гармони-холл») ва айрибошлаш бозорлари ташкил этди; буларнинг ҳаммаси ҳалокатга учради. О. буюк утопистлардан ўз фаолиятини ишчилар синфи тақдирини билан боғлаган бирдан-бир кишидир; 19-асрнинг 30-йиллари бошларида у инглиз касаба союзи ва кооперативчилик ҳаракатида актив қатнашди; унинг идеялари ўша вақтда синдикализмни бир қадар олдиндан билдирган эди. Гарчи О. ишчилар синфининг тарихий ролини тушунмаган бўлса-да, умрнинг охиригача унинг томонида турди.

ОХУНДОВ Мирза Фаталли (1812—78)— Озарбайжон ёзувчиси, жамоат арбоби, маърифатчиси. О. нинг дунёқарashi илғор рус ижтимоий фикри таъсири остида шаклланди. О. материалист бўлиб, фақат бир, моддий субстанцияни, яъни ўз-ўзига сабабчи ҳамда оламдаги ҳамма процесслар ва ҳодисаларнинг негизи бўлган субстанцияни эътироф қилади. *Билиш назариясида* О. оламнинг моддийлигини эътироф қилишга асосланади ва *сенсуализм* позицияларини ҳимоя қилади. О. нинг материализми атеизм билан қўшилиб кетади: у исломни танқид қилади, дин билан билимнинг бирга сиғишмаслигини, жамият тарихида диннинг реакцион ролини таъкидлаб кўрсатади. О. Озарбайжон адабиёти, драматургияси ва театрининг асосчиси. О. чинакам ватанпарвар, халқлар дўстлигининг тарафдори бўлиб, Закавказье халқлари билан рус халқининг қардошлик, интернационал муносабатларини вужудга келтиришни сўлаб чиққан эди. О. нинг асосий фалсафий асарини: «Қинд шаҳзодаси Камол-Уд-Довленнинг Эрон шаҳзодаси Жалол-Уд-Довлега уч мактуби ва уларга кейинги шаҳзоданинг жавоби».

ОҚИЛОНА ЭГОИЗМ НАЗАРИЯСИ — этика концепцияси бўлиб, бу концепцияни 17—18-асрлардаги маърифатчилар илгари сурган эдилар. Унинг асосида: тўғри тушунилган шахсий манфаат ижтимоий манфаат билан мос келиши лозим, деган прин-

ция ётади. *Гельвеций, Гольбах, Дидро*, кейинчалик *Фейербах* этикасида О. э. н. ривожланиб юксалиб бораётган буржуазиянинг аскетик феодал-христианлик ахлоқига қарши курашида унинг манфаатларини ифодаларди, буржуа революцияларининг ғоявий тайёрланиши бўлиб хизмат қиларди. Бу мутафаккирлар хусусий мулкни сақлаб қолган ҳолда ижтимоий манфаатлар билан шахсий манфаатларнинг ўзвий қўшилиши мумкинлигига асосланардилар. О. э. н. революцион буржуа практикасини, шахсий ташаббускорлик эркинлигини акс эттирар, хусусий соҳибкорликни идеаллаштирарди, «ижтимоий манфаат» эса унда амалда буржуазиянинг синфий манфаати сифатида юзага чиқарди. Капитализмнинг амалий иши буржуа жамиятининг оқилоналиги ҳақидаги хом хаёлларни кўкка совурди. Рус революцион демократларида, айниқса *Чернышевский* ва *Добролюбовда* О. э. н. чуқурроқ мазмунга эга бўлиб, меҳнаткашларнинг курашини ҳақ қилиб кўрсатиш учун хизмат қилди. Улар 18-асрдаги француз материалистларининг маърифатли подшоҳлар ёки доно қонун чиқарувчилар томо-

нидан барқарор қилинадиган «оқилона» қонунлар асосида ижтимоий манфаатлар билан шахсий манфаатларнинг бирга қўшилиб кетиши мумкинлиги ҳақидаги сохта идеяларини, шунингдек Фейербахнинг «умумий меҳр-муҳаббат» принципини рад этдилар. Шахсий манфаат хатти-ҳаракат омили сифатида улар этикасида ижтимоий мазмун билан тўлдирилади. Улар инсон ҳаётининг маъносини, хатти-ҳаракатларининг мезонини халққа бегараз хизмат қилишда, уни крепостниклик бўғовларидан қутқаришда, воқеликни революцион йўл билан ўзгартишда деб билардилар. Лекин рус революцион демократлари О. э. н. га киритган рационал мазмунга қарамай, бу назария ахлоқ-одобнинг ривожланиши, жамиятда инсоннинг юриш-туриши қонунларини изчил равишда илмий изоҳлаб беролмади, чунки у тарихни диалектик-материалистик тушунишга асосланмаган эди. О. э. н., гарчи метафизик назария бўлса-да, тарихан прогрессив роль ўйнади, чунки у умуман инсонга, унинг абстракт «абдий» табиати-га муружаат қиларди.



ПАВЛОВ Иван Петрович (1849—1936)—рус табиатшуноси. Ҳарбий-медицина академиясининг профессори (1925 йилгача), академик (1907 йилдан), Нобель мукофотининг лауреати. П.—шартли рефлекслар (*Шартли ва шартсиз рефлекслар*) методи билан ҳайвонлар ва инсоннинг *олий нерв фаолиятини* объектив экспериментал ўрганишининг асосчиси. П. *Сеченовнинг* психик фаолиятнинг рефлектор характери ҳақидаги таълимотини ривожлантирди. Шартли рефлекслар методи П. га бош мия фаолиятининг асосий қонунларини ва механизмларини очишга имкон берди. Овқатни ҳазм қилиш физиологияси соҳасида қилинган ишлар П. ни шартли рефлекслар методини ҳайвонларнинг хатти-ҳаракати, психик фаолиятини ўрганишга таъбиқ этиш мумкинлиги ҳақидаги фикрга олиб келди. «Психик сўлак чиқиш» ҳодисаси ва унинг кўлдан-кўл экспериментал тадқиқотлари П. га психик ҳолатнинг сигнал функцияси ҳақида ҳалоса чиқариш учун асос бўлди. П.нинг таълимоти ва бу таълимотнинг ҳазирги замондаги ривожидан материялистик психологиянинг ва диалектик-материалистик *инъякос назариясининг* энг муҳим табиий-илмий асосларидан бири бўлиб хизмат қилмоқта (тид билан тафаккурнинг, ҳиссий инъякос билан мантиқий билишнинг алоқаси ҳақидаги қонда ва б). П. ва унинг мактаби ишларининг маълумотларидан сўнгги вақтда психик фаолиятнинг айрим томонларига тақдир қилувчи кибернетик қурилмалар ишлари ва яратиш учун фойдаланилмоқта. П.нинг асосий асарлари: «Ҳайвонлар олий нерв фаолиятини (хатти-ҳаракатини) объектив ўрганишининг йигирма йиллик тажрибаси. Шартли рефлекслар» (1923). «Бош мия катта ярим шарлари иши ҳақида лекциялар» (1927) ва б.

ПАВЛОВ Михаил Григорьевич (1793—1840) — рус натурфилософи. Москва ун-тетини тамомлаган (1816), профессор сифатида (1820—40) унда бир қатор табиатшунослик фанларидан, шу жумладан физика ва қишлоқ хўжалигидан дars берган. Биринчи асарида материалист сифатида майдонга чиқди, метафизик материализмда ўзини қизиқтирган саволларга жавоб тополмагач (1818—20 йилларда чет элга илмий командировкага бориб келгандан кейин) шеллингча натурфилософия позицияларига ўтди. Унинг натурфилософияга доир асосий асари «Физика асослари»дир (1—2-қисмлар, 1833—36). Ўз дунёқарашининг диалектик руҳда бўлиши ва фан билан маҳкам алоқаси туфайли П. идеалист бўлиб қолган ҳолда, эмпирия билан ақл сотишининг, фан билан практиканинг ўзаро муносабати, фанларнинг туркумлиниши ва б. проблемаларини самарали ҳал қилди (буни Герцен ва Чернишевский қайд қилиб ўтган эдилар).

ПАНЛОГИЗМ (грек. pan — бари-си ва logos — фикр) — борлиқ билан тафаккурнинг айнияти (бирдайлиги) ҳақидаги объектив-идеалистик доктрина бўлиб, бу доктринага кўра табиат ва жамият тараққиёти — оламий ақл, абсолют идея мантиқий фаолиятининг амалга ошишидан иборат. П. логика қонунларини ҳар қандай тараққиётнинг бирдан-бир ҳаракатлантирувчи кучлари деб эътироф қилиши билан борлиқ ва онининг ҳақиқий муносабатларини боши билан тўнкариб қўяди. Шу билан бирга бу назарияда бутун мавжудотнинг рационал, мантиқий билишга муяссар бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикр ҳам эслаб ўтилди. П. Гегель философиясида энг тўлиқ баён этилган.

ПАНПСИХИЗМ (грек. рап—бариси ва рсуче — жон)— идеалистик қараш бўлиб, бу қарашга кўра бутун табиат жонга, *психикага* моликдир; бу қараш — *анимизмининг* фалсафий йўл билан қайталанишидир. Ҳозирги замондаги кўп идеалист философлар (персоналистлар, *Уайтхед*, танқидий реалист Стронг ва б.) бу назариянинг ошқора мухлисларидирлар. Психик фаолиятни, фақат юксак даражада ташкил тонган материяга хос алоҳида хусусиятдир, деб илмий асосда тушуниш ҳар қандай П. ни рад этади (шунингдек қ. *Гилозоизм*).

ПАНТЕИЗМ (грек. рап—бариси ва theos — худо)— фалсафий таълимот бўлиб, бу таълимотга кўра, худо шахсиз ибтидоидир, у табиатдан ташқарида турмайди, балки у билан айнан бирдир. П. худони табиат ичидан қориштириб, гайри табиий ибтидони рад қилади. Бу терминни *Толанд* киритган (1705). П., хусусан ўрта аср философиясида ижобий роль ўйнаб, диний-мистик таълимотлардан, мас., Шарқда исломдаги худонинг бирдан яратувчилик фаолияти ҳақидаги ақидадан кескин фарқ қилароқ, оламнинг бирлиги, табиатнинг турли-туманлиги ва ривож ҳақидаги илғор фикрларни асослаш учун хизмат қилди. Илғор шарқ мутафаккирлари: *Форобий*, *Ибн Сино*, *Умар Хайём*, *Ибн Рушид*, *Навоий* ва б. пантеистик позицияда туриб каломни, ислом диний ақидаларини танқид қилдилар. Ўрта аср ва Уйғонинг даври Европасида ҳам пантеизм прогрессив фикрларни олга сурини учун хизмат қилди. Илғари П. шаклида кўпинча, аслда, табиатга материалистик қараш юзга келган бўлса (*Брунода* ва айниқса *Спинозда*), ҳозирги вақтда у оламнинг худода мавжудлиги ҳақидаги диний-идеалистик назарияга айлантириб юборилди ва фани дин билан келиштиришдан иборат бўлиб қолди.

ПАРАДОКСЛАР (тўпламлар логикаси ва назарияси (грек. paradoxos — қутилмаган)— формал-мантиқий зиддиятлар бўлиб, бу зиддиятлар

тўпламларнинг мазмунли назариясида (*Тўпламлар назарияси*) ва формал логикада пайдо бўлади, лекин бунда муҳокаманинг мантиқий тўғрилиги сақланиб қолади. Ҳозирги замон фанида П. 19- асрнинг охирларида тўпламлар назариясининг баъзи бўлимларидан топилди. П. бир-бирини истисно қилувчи (зидма-зид) икки ҳукм бир хил даражада исбот этиладиган бўлиб чиққан тақдирда пайдо бўлади. П. илмий назария доирасида ҳам, оддий муҳокамаларда ҳам юз бериши мумкин (мас., Рассел келтирган барча тўпламларнинг тўплами ҳақида ўз парадоксининг перифрази бундай ифодаланган: «Қишлоқ сартароши ўз қишлоғининг фақат ўз соқолини ўзи қирмайдиган аҳолисининг соқолини қиради. Хўш, у ўз-ўзининг соқолини қириши керакми?»). Формал-мантиқий зиддият ҳақиқатни топиш ва исботлашдан иборат муҳокамани бузиши сабабли (парадокс пайдо бўлган назарияда ҳар қандай гапни, чин гапни ҳам, ёлғон гапни ҳам, исбот қилиш мумкин), П. нинг манбаларини аниқлаш ва уларни бартараф қилиш усулларини топиш вазифаси пайдо бўлади. Диалектик-материалистик анализ шуни кўрсатадики, П. чуқур диалектик ва гносеологик қийинчиликларнинг ифодасидир, бу қийинчиликлар формал логикадаги предмет ва предмет соҳа тушунчалари, логикадаги ва тўпламлар назариясидаги тўплам (тўрқум) тушунчаси билан, янги (абстракт) объектларни қараб чиқишга киритишга имкон берадиган абстракция принципини татибқ этиш билан, фандаги абстракт объектларни аниқлаш усуллари ва ш. к. лар билан боғлиқдир. Шунинг учун барча П. ни бартараф қилишнинг универсал усулини бериш мумкин эмас. П. ни фалсафий англаш ва конкрет ҳал этиш проблемаси — формал логиканинг ва математика мантиқий асосларининг проблемаларидан биридир (*Антиномия*, *Семантик антиномиялар*).

ПАРАЛОГИЗМ (грек. paralogismos — нотўғри муҳокама)— логика қонунлари ва қондаларини беғараз

бузишдан иборат бўлиб, бу бузиш муҳокамани исботлаш кучидан маҳрум қилади ва одатда сохта хулосаларга олиб келади. П. ни логика қоидаларини онгли бузишдан (*Софисти́ка*) фарқ қилмоқ керак.

ПАРАЦЕЛЬС Филипп Ауреол Теофраст Бомбаст фон Гогенгейм (1493—1541)—Уйғоғиш даври врачни ва табиатшуноси, Швейцарияда туғилган. П. нинг фикрича, худо яратган бош материяга асосланган олам ўз-ўзидан ривожланувчи яхлитликдан иборат. Инсон (микросом) табиатнинг (макркосмининг) бир қисми сифатида принцип жиҳатдан уни билишга қодирдир. П. биринчилар қаторида ўрта асрдан кейин тажрибага асосланган билим ҳақидаги идеяни ҳар қандай илмий билишнинг асоси, деб эълоқ қилди. Ақл кучига ишонган П. врачларни ва олимларни муқаддас китобларни эмас, балки табиатнинг ўзини ўрганишга даъват этарди, ўрта аср мўтабар зотларини, схоластикани, динни кескин танқид қиларди. Уша вақтда ҳукмрон бўлган илмга хилоф концепциялар билан боғлиқ бўлган П. оламни изоҳлашда *антропоцентризм* ва *психоизм* позицияларида туриб қолган эди, оламдаги нарсаларнинг ҳаммасига сирли «архей» (руҳ) сингиб кетган, деб ўйларди. У медицина ва химияни фанга айлантиришга интилиш билан бирга алхимия ва *сехргарлик* кучига ҳам ишонарди.

ПАРМЕНИД — қадимги грек философи (эрамаздан олдинги 6-асрнинг иккинчи ярми — 5-асрнинг бошлари), элейлик (Жанубий Италия), элей мактабининг бошлиғи (*Элеатлар*). П. оламни ҳаракатсиз ва ёппасига тўлдирилган шар шаклида тасаввур этарди. П. «Ҳақиқат таълимоти»ни (яъни ҳақиқий борлиқ ягонадир, абадийдир, ҳаракатсиздир, бўлинмасдир, ичда бўшлиқ йўқдир, деган таълимоти) «фикр таълимоти»ни (яъни пайдо бўлиб, ўтиб турадигани, ҳаракатланадиган, қисмларга бўлинмадиган, бир-биридан бўшлиқ билли ажратилган кўпдан-кўп нарсалар мишжулдир, деган таълимотга) кес-

кин қарама-қарши қўяди. «Ҳақиқат таълимоти» ишончлидир, «фикр таълимоти» фақат ҳақиқатнамодир. «Ҳақиқат таълимоти»ни П. онгли равишда *Гераклит* ва унинг издошлари диалектичасига қарши қаратган. «Фикр таълимоти»да П. ўзининг астрономик, физик, физиологик гипотезаларини баён қилган. П. нинг содда материалистик «физика»си икки ибтидон: актив — оловли, ёруғ ибтидо билан инерт — қоронғу ибтидонни фарқ қилишга асосланади. Ҳис-туйғуларнинг кўрсатмаларига ишонмаслик, ақл югуртириш билимига юксак баҳо бериш П. таълимотига идеализм ва ҳатто *рационализм* элементини киритади, ҳаракатни инкор этиш эса П. ни қадимги грек метафизикасининг асосчиси қилиб қўяди.

ПАРСОНС Талкотт (1902 йил туғ.)— америка социолоғи, функционал мактабнинг бошлиғи. Ҳозирги замон буржуа социологиясида «умумий назария» қидириб топишни П. номи билан боғламоқдалар П. «Социал амалиёт структураси» (1937), «Соф ва амалий социологик назария очерклари» (1949), «Социал система» (1951) ва б. асарларида баён этган «социал амалиёт назарияси» ана шундай назариялик ролига даъво қилмоқда. П. *структур-функционал* анализ методидан фойдаланиб, социал система моделини тузмокда, абстракт индивидларнинг ўзаро таъсири амалиёти бу системанинг бошланғич хужайраси бўлиб хизмат қилмоқда. П. нинг нуқтан назарича, абстракт индивидларнинг амалиётларидаги мосликни аниқлашга ва уларга жамият томонидан буюрилган ролларнинг бажарилишига ёрдам берадиган ва умум қабул қилган хатти-ҳаракат нормаларини, стандартларини ўзлаштиришдан, уларни фаолиятнинг ички мотивларига айлантиришдан иборат. П. да идеявий факторлар (аввало ижтимоий онинг норматив-қимматли структураси) кишиларнинг хатти-ҳаракати (ва, демак, социал бутуннинг характери)ни ҳам белгиловчи факторлар бўлиб юзга чиқади. П. мувозанатни социал система нормал

ҳолатининг энг муҳим белгиси деб қараб, жамиятни номатлуб жанжаллардан, кескин ўзгаришлардан ва ш. к. лардан авайлаб сақлаши лозим бўлган бу ҳолатни тартибга солиш процессларига, уларни социал жиҳатдан назорат қилиб туриш воситаларига (сиёсий ва ҳуқуқий органларнинг фаолияти, кишиларнинг юриш-туришига теваарак-атрофдагиларнинг муносабати) катта эътибор беради. П. кейинги йилларда ёзган асарларида («Жамиятдаги эволюцион универсаллар», 1964, «Жамиятлар. Тарихий ва қиёсий анализ», 1967) эволюционизмнинг баъзи идеяларидан фойдаланишга, социал системалар тасвирига уларнинг ўзгаришлари анализини киритишга уринади. Аммо жамиятда содир бўлаётган процессларга унинг қарашлари консервативлигига қолади. Ўзгаришлар деганда у бошлича системанинг принцииал равишда бошқача система шаклига киришини эмас, балки системанинг адаитиш қобилиятини (мослашувчанлигини) кучайтирувчи ички табақаланишини тушунади.

ПАРТИЯВИЛИК (философияда) — ҳар қандай *дунёқарашнинг* объектив-қонуниятли социал йўналиши (синфий жамиятда—синфий йўналиши). Философия бу йўналишни субъективларча, ғараз билан қайта ҳосил қилади, ёки шундай нуқтан назарни ишлаб чиқадики, бу нуқтан назар унинг ўз проблемаларини жиддий илмий асосда ҳал этинида келиб чиқади ва лекин у ҳеч қачон «бетаараф» бўлиб қолмайди. Унинг П. и социал тараққиёт диалектикасидан, ижтимоий тараққиётнинг объектив зиддиятларидан келиб чиқади. Субъективистик П. нинг моҳияти шундаки, у философияни тарихнинг объектив борлишини билиш асосда ўзи томонидан ифодаланмаган, балки тайёр нормалар сифатида ташқаридан киритилмаган мақсадлар, нормалар ва принциплар учун воситага айлантиради. Субъективизм философияни тубанлаштириб, догмаларнинг ва бу догмалар кетида турган социал кучлар ва тартиботларнинг хизматкори

аҳволига тушириб қўяди. Аксинча, объектив П. ҳақиқатни билишдаги изчилликнинг, монизмнинг натижасидир; у фақат фаннинг ўзи ҳосил қилган ҳукосалар ва баҳолашларга амал қилишни талаб этади, чунки «ҳақиқат кимга хизмат қилса, ўшанга қарам бўлмаслиги лозим» (В. И. Ленин, 54-т., 446-б.), у истисноси ҳама нарсага ақл ҳукмига тортишни талаб қилади. Шу сабабли объектив П. фақат субъективизмга эмас, балки *объективизмга* ҳам қарама-қаршидир. П. нинг илмий объективлик билан мос келиши воқеликни, айниқса унинг диалектик зиддиятини систематик тадқиқ қилиш билан, ҳақиқатни тинмай излаш билан, фақат принципларга содиқ бўлмасдан, балки принциплар ҳам тўғри бўлиши керак, деган талабга амал қилиш билан таъминланади. Бу принциплар бойиб ва янгиланиб тургандагина тўғри бўлади. Изчил объектив П.—марксистик, коммунистик П. дир, бу П. энг прогрессив П. сифатида фақат ҳар қандай реакцион (буржуа ва ш. к.) П. га қарама-қарши туриб қолмасдан, балки чинакам илмий П. сифатида, ҳар қандай субъективизмга, *волюнтаризмга* ва *иррационализмга*, шунингдек *догматизмга* ҳам қарама-қарши бўлиб туради. Капиталистик жамиятга хос бўлган идеологик «хилма-хиллик»га қарши қаратилган коммунистик П. илмий излашишлар ва ҳал қилишларнинг хилма-хиллиги учун, яъни бирдан-бир идеология бўлган социалистик идеологиянинг қарор топишига зид келмайдиган хилма-хиллиги учун курашади. Худди ана шундай хилма-хиллик илмий ва бадий маданиятнинг ривожланиш шартидир ва унинг натижалари бойлигининг ифодасидир. Шу сабабли коммунистик П. илмий мунозараларнинг эркинлигига душманлик билан қараш у ёқда турсин, балки уни назарда тутиб, ҳақиқатнинг ижодий изланишини фикрнинг қотиб қолганлигидан, догматизмдан ҳимоя қилади. У бутун буржуа маданиятини актив танқид қилишга, аммо нигилистик танқид қилишга эмас, балки маъна-

ий қимматдорликларни сақлаб қолниш ва ривожлантиришга қаратилган танқид қилишга йўллайди. Коммунистик П. воқеликка энг чуқур революцион-танқидий ижодий ёндошидир.

ПАСКАЛЬ Блез (1623—62)—француз математиги ва физиги, *эҳтимолликлар назариясининг* асосчиларидан бири. П. нинг фалсафий қарашлари зидма-зиддир: у *рационализм* билан *скептицизм* ўртасида иккиланиб юрар, диннинг ақлдан устунлигини эътироф қилишга мойил эди. П. нинг мантиқий қарашлари (индукция ва дедукция ҳақидаги, ишончли билимнинг турлари ҳақидаги таълимот ва б.) *Декартнинг* метод ҳақидаги таълимоти давом эттирди ва *Пол-Рояль* логикасига таъсир кўрсатди. «Провинциалга мактублар»ида П. католик черковининг таянчи бўлган иезуитларни қаттиқ танқид қилган эди. П. нинг иезуитларнинг маънавий зўравонлигига қарши курашини француз жамиятининг илғор қатламлари қўллаб-қувватладилар. Асосий фалсафий асари — «*Фикрлар*»дир (вафотидан кейин, 1669 йилда нашр этилган).

ПАСТЕР Луи (1822—95)—француз олими, илмий микробиологиянинг асосчиси. П. нинг тадқиқотлари медицинада революция қилди ва бир қанча истеҳсолотларнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш учун база бўлди. Унинг қилган тажрибалари тирик организмларнинг тирикмас моддадан ўз-ўзидан тузилганлиги ҳақидаги янги хилоф тасавурларни рад этди ва ҳаётнинг келиб чиқиши ҳақидаги дўр дунёқараш аҳамиятига эга бўлган илмий назарияни ривожлантиришда ижобий роль ўйнади.

ПАТРИСТИКА (лат. pater—ота)—I—8—асрларда христианлик илоҳиёти, «черков отахонларининг маддоҳлиги бўлиб, бу «отахонлар» аввал бошда мажусийликка қарши христиан динининг ақидаларини қаттиқ туриб ҳимоя қилган ва диний эътиқоднинг антик философия билан бирга еншишмаслигини даъво қилиб чиққан эдилар. 3—асрдан бошлаб П. эллинизм философиясини (*неоплатонизм*)

христианликни асослашга мослаштиришга ҳаракат қилди. Тертуллиан (тах. 150—222), Климент Александрий (тах. 150—215), Ориген (185—254), *Августин* — П. нинг вакиллари-дир.

ПЕРИПАТЕТИКЛАР (грек. peripatetikos—сайр вақтида қилнадаган)—*Аристотель* философиясининг мухлислари. Бу ном шундан келиб чиққанки, Аристотелнинг эрамыздан олдин 335 йилда Афинада таъсис этилган философия мактабида (*Лицейда*) таълим бериш одатда сайрлар чоғида олиб борилган. Перипатетик мактаб қарийб минг йил давом этган (эрамызнинг 529 йилга қадар) ва антик фаннинг энг йирик маркази бўлган. Аристотель вафотидан кейин ботаникага оид асарлари билан айниқса машҳур бўлган эфеслик Теофраст (эрамыздан олдин 372—287), Аристотель философиясининг материалистик тенденциясини ривожлантирган ламисактик Стратон (эрамыздан олдин тах. 306—270), Аристотель асарларини нашр этган Андроник Родосский (эрамыздан олдинги I—аср), Аристотель философиясини материализм руҳида шарҳлаган Александр Афродизийский (эрамыз 2—асрининг охири — 3—асрининг бошлари) перипатетик мактабнинг энг атоқли раҳбарлари (схолархлари) бўлганлар.

ПЕРСОНАЛИЗМ (лат. persona—шахс)—диний-идеалистик оқим бўлиб, бу оқим *Лейбницнинг* монадологиясидан бошланган ва 19—асрнинг охири — 20—асрнинг бошларида америка буржуа философиясида ҳамда ҳозирги замон француз философиясида тарқалган. Бу терминни биринчи марта В. Олкотт (АҚШ, 1863), Тайхмюллер (Германия, 1889) ва Ш. Ренувье (Франция, 1901) ишлатганлар. П. нинг алоҳида хусусиятлари мана булардан иборат: 1) «шахс»ни бирламчи реаллик ва олий руҳий қимматдорлик деб эътироф этиш, шунини ҳам борки, бунда «шахс» борлиқнинг руҳий бош элементи деб тушунилади; 2) теизм билан маҳкам алоқада бўлиш. Илмий-материалистик дунёқарашга П., табиат — руҳ-«шахс»

лар»нинг мажмуидан иборат (*Плюрализм*), деб даъво қилувчи концепцияни қарама-қарши қилиб қўйди. Тараққийнинг турли босқичларида турувчи ва оламни ташкил этувчи кўпдан-кўп «шахслар» тепасида «олий шахс»—худо ҳукм суради. АҚШда П. нинг асосчиси Б. П. Боун (1847—1910) эди. АҚШда Ж. У. Хаусон (1834—1916), М. У. Калкинс (1863—1930), А. К. Киудсон (1873—1954) ҳам П. га қўшилган эдилар. Ҳозирги замон америка философиясида Боуннинг шогирди, Калифорния мактабининг лидери Р. Т. Флюеллинг (1871—1960) ва Бостон мактабининг лидери Э. Ш. Брайтмен (1884—1953) П. нинг асосий вакиллари эдилар. Уларнинг ҳаммаси П. ни протестантлик теологияси билан маҳкам боғлаб қарайдилар. Англияда Х. У. Керр (1857—1931), Германияда психолог В. Штерн (1871—1938) П. нинг энг машҳур вакиллари эдилар. Аммо уларнинг таълимотида америка персоналистлари учун характерли бўлган теология билан бевосита алоқа йўқдир. П. нинг даъвосича, асосий социал вазифа—дунёни ўзгартишдан иборат эмас, балки «шахс»ни ўзгартиб бошқа шаклга киритишдан, яъни унинг «руҳан ўз-ўзини камолотга етказишига» ёрдам беришдан иборат. Бир гуруҳ француз персоналистлари алоҳида позицияни ишғол қиладди; бу гуруҳнинг бошлиғи Э. Муньедир (1905—50). Бу—«Esprit» журнали (бу журнал 1932 йилда ташкил этилган) тепарагида бирлашган майда буржуа интеллилар гуруҳаси бўлиб, француз Қаршилик кўрсатиш ҳаракатида иштирок этган сўл католик доиралардан иборатдир, ҳозирги вақтда эса бу доиралар тинчликни ва буржуа демократиясини ҳимоя қилиб чиқмоқдалар.

ПЕРЦЕПЦИЯ (лат. percipere—идрок этмоқ)—ҳиссий идрок, нарсаларнинг онгда сезги органлари орқали акс этиши. *Лейбниц* философиясида П., руҳийликнинг қўйи (онгсиз) формаси сифатида *apperцепциядан* фарқ қиладди.

ПЕТРАШЕВЧИЛАР—сиёсий тўғарак аъзолари бўлиб, бу тўғарак

1845—49 йилларда Петербургда давом этган ва уни М. В. Буташевич-Петрашевский (1821—66) ташкил этган. Бу тўғаракка Н. А. Спешнев, А. В. Хаников, П. Н. Филиппов, Н. П. Григорьев, Н. А. Момбелли, И. М. Дебу, Д. Д. Ахшарумов, В. А. Головинский, П. А. Кузьмин, А. П. Баласогло, Ф. М. Достоевский, С. Ф. Дуров ва б. кирганлар. 1849 йилнинг апрелида тўғаракни чор ҳукумати тор-мор қилган. Ҳў состави жиҳатида тўғарак бир хилда эмас эди. Революцион-демократик гуруҳпа (Петрашевский, Спешнев, Филиппов, Ахшарумов, Григорьев, Хаников ва б.) билан бир қаторда унга либерал йўналиш тарафдорлари (Н. Я. Данилевский, А. П. Беклемешев, В. Н. Майков ва б.) ҳам кирганлар. Революцион кайфиятдаги П. Россиядаги самодержавиега ва крепостнойликка нафрат билан қараб, чоризмга қарши революцион кураш методларини ёқлаб чиққан эдилар. П. тўғарагида социалистик адабиёт ҳам ўрганиларди. Белинский, Герцен, Фейербах, *Фурье* асарларига аиниқса юксак баҳо бериларди. П. кутубхонасида Руссо, Прудон, Мишле, Леру, Сен-Жюст, Луи Блан ва бошқаларнинг асарлари ҳамда Маркснинг «Философия қашшоқлиги» ва Энгельснинг «Англияда ишчилар синфининг аҳволи» асарлари бор эди. П. нинг фалсафий ва социологик идеялари Петрашевскийнинг «Чет сўзлар кармай дугати»да (1846), Спешневнинг «К. Хасецкийга мактублар»нда, Хаников, Кашкин, Ахшарумов, Толнинг «Нутқлар»ида, Филипповнинг «Ун ўнг»ида, Григорьевнинг «Солдат суҳбати»да ва бошқа асарларида энг тўлиқ баён этилган. Материалистик позицияларда турган П. (Петрашевский, Спешнев ва б.) Кант, Гегель, Фихте, Шеллинг идеализминини танқид қилиб чиқдилар. Табиат ва унинг қонуналарини улар доимо ўзгартиш ва ривожланиш ҳолатида бўлган объектив реалликдан иборат, деб эътироф қилардилар. Табиатни П. ҳаётнинг ва инсон билмиларининг бош манбаи деб эълон қилардилар. П. тасдиқлаб айтардиларки, «оламда

материалдан бошқа ҳеч нарса йўқ», ҳеч қандай гайри табиий нарса йўқ, оламнинг табиатида жо бўлмаган ва ундан ривожланиб чиқмайдиган ҳеч бир нарса йўқдир. П. Фейербах философиясига юксак баҳо бериш билан бирга севгини диннинг янги формаси деб тарғиб қилгани учун уни танқид қилган эдилар, бундай тарғибот «ҳамма одамий худого қарата судрайди» (Спешнев) деган эдилар. Петрашевский, Спешнев, Кашкин ва б. атеист эдилар. Улар Фурье назариясини тапқидий равишда ўзлаштириб, унинг таълимотидаги диний сафсаталарни улоқтириб ташлардилар. П. нинг революцион қанотдаги утопик социализм идеялари революцион-демократик идеяларга яқин эди.

ПИАЖЕ Жан (1896 йил туг.) — швейцариялик психолог, философ ва логик. Женева ун-тида, Сорбоннада профессор ва генетик эпистемология Халқаро марказининг директори (1955 йилдан). П. каттакон экспериментал материалга таяниб, 30—40-йилларда интеллектнинг шаклланиш назариясини тузди, бу назария интеллектни операциялар системаси деб, яъни субъектнинг ташқи предмет амалиётлардан ҳосил қилинган ва бирон-бир структур яхлитликларни ташкил этадиган ички амалиётлар системаси деб қарайди. П. интеллектуал операциялар системаларини тасвирлашнинг формал аппарати сифатида математик логика ҳисобларидан фойдаланади. П. нинг психологик ва мантикий идеялари «генетик эпистемология» доирасида, яъни билимни анализ қилишга генетик ва тарихий-тапқидий нуқтан назардан қарашга асосланган назарий-билиувчилик концепцияси доирасида ўзининг умумлаштирилган ифодасини топди. П. нинг фикрича, билишнинг ривожланиши шунга олаб борадики, субъектнинг объект ҳақидаги билими тажрибанинг ўзгарувчи шароитларига нисбатан тобора кўпроқ инвариант бўлиб, тобора кўпроқ барқарор бўлиб қолади, шу билан бирга билимнинг *инвариант*лиги объектнинг ўзининг ва унинг ҳосилларининг ҳамда инсоннинг актив

билиувчилик фаолиятининг инъикоси деб қаралади. Сўнги йилларда П. генетик эпистемология проблемаларини логика, психология, лингвистика ва кибернетиканинг актуал масалалари (жумладан, психологиянинг фанлараро алоқалари, фанлар системасида унинг тутган ўрни, билишнинг структур методларининг ўзига хос хусусияти ва ҳ. к. тўғрисидаги масалалар) билан боғлаб ишлаб чиқмоқда.

ПИЗАКАНЕ Карло (1818—57) — италян революцион-демократи ва утопик социалисти. Италияни ажнабийлар зулмидан озод қилиш учун актив курашчи. П. мамлакатни бирлаштиришни социалистик тузум ўрнатиш билан боғлаб қарарди. Хусусий мулкни жамиятнинг антагонистик синфларга бўлинишининг бош ва азалий сабаби деб билган П. уни тугатишни, ижтимоий мулк жорий этишни, коллектив хўжаликлар тузишни социал тенгсизликни ва эксплуатацияни бартараф қилишнинг бирдан-бир воситаси деб қарарди. П. халқ революцияси йўли билан буржуазияни ва катта ер эгаларини зўрлик билан экспроприация қилишга даъват этарди. Ўз асарларида П. комил ишончли материалист ва диннинг мухוליфи сифатида майдонга чиқарди.

ПИРРОН элидалик (тах. эраמידан олдин 365—275) — қадимги грек философи, антик скептицизмнинг асосчиси. П. нинг таълимоти унинг шогирди Тимон асарларида маълумдир. П. нинг диққат марказида этика, бахт ва унга эришиш масалалари турган. Бахтни П. вазминлик (*Атараксия*) деб, азоб-уқубат чекмаслик (*Апатиа*) деб тушунади, унга эришиш воситасини эса скептицизмда деб билади. П. нинг таълимотига кўра, нарсалар тўғрисида биз ҳеч нима билолмаймиз, шунинг учун энг яхшиси улар ҳақида ҳар қандай муҳокама юргизишдан сақланишимиз керак; бундай сақланишнинг маънавий қиммати руҳий осойишталикка эришишдир. П. нинг таълимоти Янги Академияга ва Рим скептицизмига таъсир кўрсатди.

ПИРС Чарлз Сандерс (1839—1914)—америкалик философ ва логик, *прагматизмнинг* асосчиси, Кембридж, Балтимор, Бостонда профессор бўлган. «Бизнинг идеяларимизни қандай равшан қилмоқ керак» деган мақола-сида (1878) «Пирс принципи» деб аталувчи принципти киритди: идеянинг аҳамияти унинг амалий оқибатларидадир. П. бу оқибатларни сезгилар ила бирдай қилиб кўрсатиши билан беркличилик позицияларида турди. П. фани «этиқоднинг мустаҳкамланиши» деб тушуниб, прагматизмнинг уч методини ишлаб чиқди: «матопат методи», «авторитет методи», «П. принципига» бориб тақаладиган «илмий» метод. П. билишнинг субъектив-идеалистик назарияси зиддига тараққиётнинг объектив-идеалистик назариясини ишлаб чиқди, бу назария тараққиётнинг йўналтирувчи кучи сифатида «тасодиф» ва «севги» принципларига асосланган. *Симиотика* юзасидан олиб борган ишлари билан у математик логикага ва ҳозирги замон *позитивизмига* анча таъсир кўрсатди. П. *эпителиклар* назарияси ва муносабатлар логикаси билан шугулланган.

Пирсон Карл (1857—1936)—инглиз математиги ва идеалист философи, махист. Статистиканинг математик назарияси ва унинг биологияда татбиқ этилиши (биометрия) соҳасидини асарлари билан шухрат қозонган. Лондон ун-тетида биометрик ва енгенк лабораторияларнинг директори бўлган. «Фан грамматикаси» деган асосий фалсафий асари (1892) фан методологияси масалаларига бағишланган. П. нинг фикрича, фанининг вазифаси—фактларни тушунтиришдан иборат эмас, балки фақат туркумлаш ва тасвирлашдан иборат, холос. Бошқа махистлар сингари, П. ҳам моддий нарсаларни фақат ҳиссий гидрокларнинг гуруҳчалари деб, табиат қонунларини, макон ва замони эса инсон ақлининг маҳсуллари деб ҳисобларди. Шу билан бирга П. нинг субъектив идеализми бутун махизмда ошқоралиги ва изчиллиги билан, материализм тусига киришга

уринмаслиги билан ажралиб туради. В. И. Ленин «*Материализм ва эмпириокритицизм*» китобида П. нинг қарашларини ҳар томонлама танқид қилган.

ПИСАРЕВ Дмитрий Иванович (1840—68)— рус революцион публицисти, адабий танқидчи, материалист философ, Петербург ун-тетини тамомлаган (1861). «Русское слово» журналининг хизматдоши ва гоъвий раҳбари (1861 йилдан). Герценни подюо агенти Фиркснинг (Шедо-Ферротти) ҳужумларидан ҳимоя қилиб қарқанлиги учун 1862—67 йилларда Петропавловск қалъасида қамоқда ётган. 1867—68 йилларда «Дело», «Отечественные записки» журналларида ҳамкорлик қилган. П. нинг 1861 йилнинг охириларида шаклланган демократик, революцион ва социалистик қарашлари («XIX аср схоластикаси», 1861, «Шедо-Ферротига қарши хитобнома», 1862) кейинчалик анча ўзгарди: 1859—61 йилларда кўтарилган революцион-озодлик тўлқинларининг тезда сўниши П. ни Россияда революция қилиш учун зарур шарт-шароит йўқлигига, деҳқонларнинг ўзини озод қилишга ва эркин жамят тузишга қодир эмаслигига тобора кучлироқ ишонтиради. П. ўз фаолиятининг асосий мақсадини «оч ва юлун кишилар масаласи»ни ҳал этишдан иборат деб биларди, социал идеални ҳимоя қиларди (тўғри, мавжуд социалистик таянмолардан ҳеч бири П. ни қаноатлантирмас эди). П. революцион зўрликдан принцип жиҳатдан воз кечмаган ҳолда («О. Коитнинг тарихий идеялари», 1865; «Фирковчи пролетариат», 1865; «Салбий доктринани оммалаштирувчилар», 1868; «Генрих Гейне», 1867 ва б.) революциянинг «химиявий» йўли идеясини илгари сурди; унинг фикрича, бу йўл—тадрижий социал ўзгаришлардан иборат бўлиб, бу ўзгаришлар халқни маърифатли қилишга, меҳнат унумдорлигини (билимларни сийиш туфайли) оширишга ва «ижтимоий муассасаларни тубдан қайта қуриш» нинг асосий зарур шартлари сифатида омманинг турмуш шароитларини ях-

ниланга олиб бориши керак эди. Халқни маърифатли қилиш вазифасини П. «фикрловчи реалистлар», яъни плор зиёлилар зиммасига юкларди. Умрининг сўнгги йилларида ёзган асарлари («1789 йилдаги француз деҳқони», 1869, ва б.) П. нинг дунёқарашинда радикал тенденция ўсиб бораётганлигидан далолат беради. П. фалсафий проблемаларни қараб чиққанда, жумладан илмий билимлар прогрессив тарихий тараққиётнинг асослари деб тушунганда ҳам социал-сиёсий концепциянинг муайян роль ўйнашига сабаб бўлди. Бу ҳол П. нинг динга ва фандаги «калтафаҳм мистицизм»нинг турли хилдаги кўринишларига қарши кескин кураш бошлашига сабаб бўлди, чунки бундай ярамас кўринишлар, унинг фикрича, инсониятни ақлий тараққиёт йўлидан чалғитади ва «тажрибанинг энг оддий далилларини» ҳам тамомила ерга уради («Платон идеализми», 1861, ва б.); бу ҳол П. нинг Гегелнинг «ақл сотиш» философиясига салбий назар билан қарашига ҳам сабаб бўлди. П. «вульгар материалистлар»дан Молешотт, Фогтнинг назарияларида идеализмга муайян қарам-қаршилик бор деб биларди ва бу назарияларга ижобий баҳо беради («Молешоттнинг физиологик эскизлари», 1861; «Ҳаёт процесси», 1861; «Физиологик манзаралар», 1862), П. биринчилар қаторида Россияда дарвинизмни актив пропаганда қилди («Ҳайвонлар ва ўсимликлар оламидаги прогресс»). П. гносеологик проблемаларни қараб чиққанда *сенсуализмга* майл кўрсатаркан, аммо *эмпиризмга* салбий назар билан қарарди («Ноетук фикрнинг янглишлари», 1864); шу билан бирга у ижодий орзу-хаёлнинг яратувчилик ролини кўрсатиб ўтган эди. П. нинг ижодий орзу-хаёлга бундай даъват қилишига Ленин юксак баҳо берган эди. Ҳамма нарсада реализмнинг комил ишончли тарафдори бўлган П. «соф санъат» вакиллари билан кескин мунозара қиларди, бу мунозарادا баъзан санъатнинг «энг қатъий манфаатпарастлиги»ни эълон қилишга бориб етар ва

уни илмий тараққиёт тўсиқларидан бири деб қарарди («Эстетиканинг бузилиши», 1865; «Пушқин ва Белинский», 1865). П. нинг «Синдириш мумкин бўлган нарсани синдира бермоқ керак» деган ва ўта фикрлардан холи бўлмаган «ингилистик» даъвати олти-мишинчи йиллардаги демократларнинг самодержав-крепостник тартибга ва либерал мослашувчиликка нафратини ифодаларди.

ПИФАГОРЧИЛАР — Самос оролидан чиққан қадимги грек философи Пифагорнинг (эраמידан олдин тах. 580—500) мухлислари. Эраמידан олдинги 4-асрда айниқса катта нуфузга эга бўлган Пифагор мактаби математика ва астрономиянинг ривожланишига қимматли ҳисса қўшди. Аммо П. миқдор абстракциясини абсолютлаштириб ва миқдорни моддий нарсалардан ажратиб қўйиб, идеалистик философия йўлини тутдилар; бу философияга кўра, миқдор муносабатлари нарсаларнинг моҳиятидан иборат. Чунончи, П. музика оҳанглари билан гармонияси асосида миқдор жиҳатдан муайян интервал борлигини кашф этгач, космик «сфералар гармонияси» ҳақидаги ўз таълимотларида бу кашфиётни абсолютлаштирдилар. Ана шу асосдан пифагорча математик сонларнинг бидъатхурофотларга тўла мистикаси ўсиб чиқди ва бу мистика Пифагорнинг жонларнинг тандан танга кўчиб юриши ҳақидаги диний эътиқоди билан қўшилиб кетди. Мактаб ривожланиб борган сари унинг идеалистик ва мистик тенденцияси ҳам ўса борди. Пифагорензм фақат фалсафий мактаб эмас, балки қўлдорлик демократиясининг сиёсий ташкилоти ҳам эди. Пифагор Кротонда (Жанубий Италия) реакция Пифагорчилик иттифоқини тузди. Оралдан 500 йил ўтгач, антик қўлдорлар жамиятининг тушкунлиги даврида, сонларнинг пифагорча мистикаси *неоплатонизмда* ўзлаштирилди ва қайтадан тиргизилди.

ПЛАНК Макс (1858—1947) — немис физика назарийчиси. П. иссиқлик нуруланшининг термодинамик назариясини ишлаб чиққанида уни изоҳ-

лаш учун янги универсал донмий h ни — ҳаракат квантини киритди. Шу нарса аниқландики, ёруғликнинг тарқалиши, унинг нурланиши ва ютулиши дискрит тарзда, муайян порциялар-квантлар билан содир бўлар экан ($h = 6,62517 \cdot 10^{-27}$ эрг. сек.). Бу константанинг кашф этилиши микрооламдан сифат жиҳатдан янги соҳага — квант ҳодисалар оламига ўтишни билдирарди. Шу билан П. квант назариянинг асосчиси бўлди, бу назария энергетик процесслардаги узилшлик моментини аниқлаб берди ва атомизм идеясини табиатнинг ҳамма ҳодисаларига жорий этди. П.нинг кўп асарлари табиёт илмининг фалсафий проблемаларига, шу жумладан энергиянинг сақланиш қонунининг фалсафий аҳамиятига, оламнинг табиий-илмий картинасининг бирлигига, физик тадқиқот методологиясига, сабабият принципига, табиёт илмининг философия ва дин билан ўзаро муносабатига бағишланган. Фақининг бир қанча туб масъалаларида материалистик позицияни ишғол қилган П. позитивизмни, айниқса Мах философиясини кескин танқид қилди.

ПЛАТОН (эрамилдан олдин 428/427—347) қадимги грек идеалист философи, Сократнинг шогирди, объектив идеализмнинг асосчиси, 30 дан ошмиқ фалсафий диалогларнинг автори («Софист», «Парменид», «Гегетет», «Давлат» ва б.). П. оламга идеалистик қарашни қаттиқ туриб ёқлаган ҳолда ўша замондаги материалистик таълимотларга қарши актив курашди. Сократ, пирафоритлар, Парменид ва Гераклит таълимотларидан кенг фойдаланди. Борлиқни изоҳлаш учун нарсаларнинг жисмсиз формалари мавжудлиги ҳақидаги назарияни ривожлантирди, бу нарсаларни «шакллар» ёки «идеялар» деб атаб, уларни борлик билан бирдай қилиб кўрсатарди. «Идеялар»га П. материя ва макон билан тенглаштирилган йўқлиқни қарама-қарши қилиб қўярди. П.нинг фикрича, «идеялар» ва «материя»дан тугилган ҳиссий олам улар орасида ўрта мавқени ишғол этади. «Идеялар» абдийдир, «осмоннинг нариги томо-

нига оиддир», улар пайдо бўлмайди, ҳалок бўлмайди, бенисбатдир, макон ва замонга боғлиқ эмасдир. Ҳиссий нарсалар ўткунчидир, нисбийдир, макон ва замонга боғлиқдир. П. космологиясининг марказида «олами руҳ» психология ҳақидаги таълимот—жон бизнинг жисмимиз зиндонига қамалганлиги ҳақидаги ва қайтадан мужасамланиши ҳақидаги таълимот туради. П. билишнинг турларини билинувчи предметларнинг тафовутларига қараб бир-бирдан фарқ қиларди. Фақат чинакам ҳақиқий «шакллар» тўғрисида ишончли билиш бўлиши мумкин. Инсон ўлмас руҳининг идеялар олами ҳақидаги, яъни у ўлувчи жисмга кирганга қадар мушоҳада қиладиган олам ҳақидаги хотиралари ана шундай билишнинг манбаи бўлиб хизмат қилади. «Идеялар» билан ҳиссий нарсалар ўртасида П. фаросат билан билишга муяссар бўладиган математик объектларини жойлаштиради. Билиш методи — «диалектика» деганда П. икки ёқлама йўлни: тушунчаларни умумлаштириш знапожалари билан то олий жинсларга қадар юқорилаб бориш йўлини ва қайтадан энг умумий тушунчалардан умумийлиги тобора камай борувчи тушунчаларга қараб пастлашиб бориш йўлини тушунган. Шу билан бирга пастлашиб бориш процесси фақат «шакллар»га («идеялар»га) дахлдордир, ammo у ҳиссий айрим нарсаларга дахлдор эмасдир. Узининг сиёсий қарашларига кўра, П. Афина аристократиясининг вакили эди. Жамият ҳақидаги таълимотида у идеал аристократик давлатни тасвирлаб кўрсатган, бу давлатнинг зарур шарт қўллар меҳнатида («Қонунар») дахлдор «философлар» бошқаради; уни «соқчилар» ёки «аскарлар» кўриқлайди; бу икки хилдаги эркин граждандардан пастда «хўнарманлар» туради. Маркс сўзлари билан айтганда, П.нинг утопияси Миср каста тузумини афинача идеаллаштиришдан иборат эди. Маркс эса грек «полиси» («шаҳар-давлати») ташкил этишда меҳнат тақсимотининг ролини П. гениал суратда тушунганини қайд қилиб

кўрсатган эди. П. нинг таълимоти идеалистик философиянинг ундан кейинги эволюциясида кўзга кўринарли роль ўйнади, ҳозирги вақтда материалистик дунёқараш мухолифлари унинг таълимотидан фойдаланмоқдалар.

ПЛАТОН АКАДЕМИЯСИ — *Платон* томонидан Афина яқинида таъсис этилган (эрамиздан олдин 387) ва афсонавий қаҳрамон Академа номи билан аталган қадимги грек фалсафий идеалистик мактаби. П. а. антик материализмга қарама-қарши турарди. Унинг минг йиллик тарихининг турли босқичларида бошқа идеалистик мактабларнинг таъсирига дучор бўлди: математика ва астрономиянинг ривожланишида катта роль ўйнаган Қадимги А. да (Спевсипп ва б., эрамиздан олдинги 4—3-асрлар) пифагорчилик таъсири кучайди. Унда сопларнинг мистик назарияси асосида Платон қарашлари системалаштирилди; Урта А. (*Аркесилай* ва б., эрамиздан олдинги 3-аср) *скептицизм* таъсиридан бошдан кечирди; Янги А. (*Карнеад* ва б., эрамиздан олдинги 1—2-асрлар), Урта А. скептицизмининг чуқурлаштириб, *стоикларнинг* ҳақиқат критерияси ҳақидаги таълимотига қарши чиқди. Ундан кейинги даврларда А. платонизм, стоицизм, аристотелизм ва бошқа мактабларни эклектик равишда бирлаштиради. 4—5-асрларда А. узил-кесил *неоплатонизм* позицияларига ўтади (Афиналик Плуларх). 529 йилда А. император Юстинининг томонидан ёпилди. Уйғониш даврида Флоренцияда П. а. ташкил этилди (1459—1521) ва у платонизм позицияларидан туриб, схоластикаланштирилган *Аристотелга* қарши курашди, Платон асарларини таржима қилди, шарҳлади (Марсилио Фичино).

ПЛЕХАНОВ Георгий Валентинович (1856—1918) — рус революционери ва мутафаккири, Россияда с.-д. ҳаракатининг асосчиси, марксизмнинг таъинли назарийчиси ва публицист. П. нинг дунёқараш ва сиёсий фаолияти мураккаб эволюцияни кечирди; П. наронаиклар ташкилоти «Земля и воля» нинг (кейинчалик «Чёрный передел»

нинг) лидери эди, сўнгра муҳожирликда у (1880 йилдан бошлаб) **Маркс** ва **Энгельс** асарларини ўрганди, **Гарбий** Европадаги с.-д. ҳаракат билан алоқани йўлга қўяди, *народниклик* билан алоқани узиб, марксизмнинг комил ишончли тарафдори ва Россияда марксизм гоёларининг эҳтиросли пропагандаисти бўлиб қолади. П. Швейцарияда ташкил этган «Меҳнатни озод қилиш» группаси (1883) рус озодлик ҳаракатида марксизмнинг ёйилиши ва галаба қилишида катта роль ўйнади. П. ўзи ҳам народниклик идеологиясига, «*легал марксизм*»га, ревизионизмга ва буржуа философиясига қарши курашиб, марксистик назариянинг ривожланишига муҳим ҳисса қўшди. Бироқ 1903 йилдан кейин П. оппортунистларга нисбатан муро-сачилик позициясини тутди, сўнгра эса меньшевик бўлиб қолади. 1-жаҳон уруши вақтида П. социал-шовинистлар лагерига бўлади. Улуғ Октябрь социалистик революциясига у салбий назар билан қараган эди. Шундай бўлса-да, П. умрининг охиригача марксизмга, ишчилар синфи ишига шахсан содиқлигича қолди. Ленин, П. нинг меньшевиктик тактикаси «ўта қабиҳлик ва разиллик»дан иборат эди, деб қайд этиш билан бирга, «философияда у ҳаққоний ишни ҳимоя қилмоқда» деб таъкидлаган эди. П. нинг фалсафий ва социологик асарларига **Энгельс** ва Ленин бир неча марта юксак баҳо берган эдилар. Унинг «*Тарихга монистик қарашнинг ривожланиши масаласига доир*» (1895), «*Материализм тарихига оид очерклар*» (1896), «*Тарихда шахснинг роли масаласига доир*» (1898) ва кўпгина бошқа асарларида марксистик назария порлоқ суратда баён этилган. П. марксизмга философияда янги босқич деб баҳо берди, унинг олдин ўтган барча фалсафий ва социологик таълимотлардан сифат жиҳатдан фарқ қилишини кўрсатди. П. тарихни материалистик тушунишни ривожлантириб, ижтимоий борлик ва ижтимоий онг муносабатларининг мураккаблигини кўрсатди; муайян жамиятдаги қарама-қарши синфларнинг курашини

ифодаловчи идеялар жангида ижтимоий психологиянинг ролини таъкидлаб ўтди. П. марксистик ва бадний танқиднинг асосчиларидан бири эди; у санъатнинг келиб чиқиши ҳақидаги марксистик таълимотни ривожлантирди, санъатни ижтимоий ҳаётнинг ўзига хос инъикос формаси деб, реализмни эса воқеликни бадний ўзлаштиришнинг кенгроқ ва самаралироқ усули деб қарарди. П. рус ижтимоий фикрининг марксистик тарихини бошлаб берди, тўғри, унинг рус философиясига берган баҳоларида нотўғри айтилган фикрлар ҳам бор эди. У рус революцион демократларининг Россияда марксизмнинг ўтмишдошлари сифатида ўйнаган тарихий ролини кўрсатди. П. диннинг келиб чиқиши ва ривожланиши ҳақида, жамият ҳаётида диннинг роли ҳақида, ижтимоий онгнинг бошқа формалари орасида диннинг тутган ўрни ҳақида, марксистик партиянинг динга муносабати ҳақида бир қанча қимматли хулосалар чиқарди. Фалсафий масалаларда П. бир қанча хатоларга йўл қўйди: у тарихий тараққиётда субъектив факторнинг ролига етарли баҳо бермади, «марксизмни спинозизмга элтиб тақаш» ҳақида нотўғри ифодаларга йўл қўйди ва ҳ. к. Лекин бутун умри бўйи диалектика ва тарихий материализм учун курашган П. фалсафий қарашларининг яхлит системасида унинг айрим хатолари четдан келиб қўшилган ёт жисмдек кўринади. П. фалсафий асарларининг бойлиги ва ишонарлиги, баёнларининг содда ва қизиқарлиги уларни ҳозирга қадар ҳам марксистик философияни ўрганиш учун қимматли қўлланмалар қилиб келмоқда.

ПЛОТИН (205—270) — қадимги грек идеалист философи, Мисрда туғилган, Римда истиқомат қилган. П. *неоплатонизм* мактабнинг асосчиси-дир, бу мактаб *Платон* таълимотининг мистик мазмунини кучайтириб юборган эди. П. нинг фикрича, оламий процесс пайқаб ва ифодалаб бўлмайдиган илоҳий бош ягона ибтидодан бошланади, бу ибтидо аввал оламий ақл, сўнгра оламнинг жони си-

фатида, ундан кейин айрим жонлар сифатида, айрим жисмлар сифатида, то материягача, яъни П. материя деб тушунадиган йўқлиққача ташқарига қўйилади. П. нинг фикрича, инсон ҳаётининг мақсади — бош якка-ю ягона томон юксалиб боришдир. Бунга эса пафсни ва жисмоний иштиёқларни тийиш воситаси билан ҳамда руҳий кучларни, шу жумладан билувчилик кучларини ривожлантириш йўли билан эришилади. Юксалиб боришнинг олий экстаз (жўш-хуруш) босқичида руҳ худо билан қайтадан қўшилади. П. нинг таълимотида мистик *диалектика* яққол кўрнинг турибди: унда оламдаги уйғунликка ва гўзалликка, ёмонлик ва хунуқликка сабаб бўладиган қарама-қаршиликлар ва уларнинг бирлиги назарда тутилади.

ПЛЮРАЛИЗМ (лат. pluralis — кўплик) — *монизмга* қарама-қарши концепция бўлиб, бу концепцияга кўра бутун мавжудот ягона бир ибтидога элтиб тақаб бўлмайдиган кўплан-кўп тенг қимматли якка-якка моҳиятлардан иборат. П. нинг нуқтаи назари *Лейбницнинг* монадологиясига асос бўлган эди. Имперализм даврида П. буржуа философияси ва социологиясининг ҳукмрон методологиясига айланди. П. га мойиллик ҳозирги замон идеалистларининг (прагматистлар, неопозитивистлар, экзистенциалистлар ва б.) материалистик ва идеалистик монизмдан баландга кўтарилишига интилишини ифодалайди. Аммо пировард ҳисобда ўзининг объектив мазмунига кўра, П. фақат диалектик-материализмга қарама-қарши туради. Социологияда П. жамиятнинг ягона белгилловчи асосини инкор этиш учун, тарихга тасодикий воқеалар оқими деб қараш учун, демак, жамият тараққиёти объектив қонунларини анализ қилишдан воз кечиш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

ПОЗИТИВИЗМ (лат. positivus — ижобий) — ҳозирги замон буржуа философиясида бир йўналиш бўлиб, бу йўналиш конкрет (эмпирик) фанларни чинакам, ҳақиқий билимнинг бирдан-бир манбаи деб эълон қилади ва фалсафий тадқиқотнинг билувчилик

қимматини инкор этади. П. нинг пайдо бўлиши *спекулятив философиянинг* (мас., немис классик идеализмининг) фанларнинг ривожини илгари сурган фалсафий проблемаларни ҳал этишга қодир эмаслигига ўзига хос жавоб эди. П. иккинчи томонга қингайиб кетиб, билимлар ҳосил қилиш воситаси сифатида назарий ақл югуртиришини буткул рад этди. Илгариги философиянинг проблемалари, тушунчалари ва қондалари (борлиқ, моҳиятлар, сабаблар ва ҳ. к.) юксак даражада абстракт бўлганлигидан, уларни тажриба воситаси билан ҳал этиб ҳам, текшириб ҳам бўлмаслиги сабабли П. уларни сохта ёки маъно-мазмундан маҳрум тушунчалар деб эълон қилди. П. нинг ўзи эса эмпирик фанларга ўшатиб тузилган ва уларнинг методологиясидан иборат бўлган принципал жиҳатдан янги, «нометафизик» («позитив») философия номини олишни даъво қиларди. Бу методологиянинг асосий принципларидан бири *феноменализм* эди: илмий назариялар ва қонулар фақат эмпирик фактларнинг умумлашмаси сифатида талқин этилган ва шунга мувофиқ фаннинг вазифаси фактларин изоҳлашдан иборат деб эмас, балки уларни соф *тасвирлашдан* иборат деб эълон қилинган эди. Лекин П. нинг ўзи илгариги философиянинг қисматидан қочиб қутилолмади, чунки унинг ўзининг асосий қондалари (ақл югуртиришини инкор этиш, феноменализм ва б.) тажрибавий текширишга бўйин бермайдиган ва, демак, «метафизик» қондалар бўлиб чиқди. П. нинг асосчиси *Конт* эди, «П.» терминини ҳам шу Конт киритган эди. П. нинг ривожланишида тарихан уч босқич ажратиб кўрсатилмоқда: Конт, Э. Ляйтре, П. Лафитт (Франция), *Милль*, *Спенсер* (Англия)—биринчи босқичнинг вакиллариридлар. Ғоусеология проблемалари билан бир қаторда (билишнинг (Конт) ва логиканинг (Милль) ривожланишидаги уч босқич қонуни) асосий ўрин социологияга берилди (жамиятнинг фан асосида қайта қуриш—Конт, жамиятнинг органик наъриyasi—Спенсер). П. нинг иккин-

чи босқичининг — эмпириокритицизмнинг — пайдо бўлиши 19-асрнинг 70—90-йилларига бориб тақалади, у *Мах* ва *Авенариус* номи билан боғлиқдир; *Мах* ва *Авенариус* объектив-реал предметларни ҳатто формал эътироф этишдан ҳам бош тортдилар, ваҳоланки илк П. нинг вакиллари уларни эътироф этган эдилар. Маҳизмда билиш проблемалари субъективизмга ўтувчи ўта психологизм позицияларидан туриб талқин қилинди. Энг янги П. нинг, ёки *неопозитивизмининг* пайдо бўлиши ва шаклланиши Вена тўғарагининг (Нейрат, *Карнат*, *Шлик*, *Франк* ва б. ҳамда Берлин эмпирик философия *Жамиятининг* (*Рейхенбах*, Ф. Крауз ва б.) фаолияти билан боғлиқдир; улар кўп йўналишлари: *логик атомизм*, *логик позитивизм*, *умумий семантикани* (бу йўналишларга яқин турган *операционализм*, *прагматизмни*) ўзига бирлаштирган эди. П. нинг бу учинчи босқичда тилнинг, символик логиканинг, илмий тадқиқот структурасининг ва б. фалсафий проблемалари алоҳида ўрин тутарди. П. нинг бу йўналишининг вакиллари психологизмнинг рад этгач, «фан логикаси»ни математика билан яқинлаштириш, ғносеологик проблемаларни формаллаштириш йўлини тутдилар.

ПОЛИСИЛЛОГИЗМ — мураккаб силлогизм (*Силлогистика*) бўлиб, у силлогизмларнинг изчиллигидан, занжирдан иборат, бу занжирда олдинги (просиллогизмлар деб аталувчи) силлогизмларнинг хулосалари ундан кейинги (эписиллогизмлар деб аталувчи) силлогизмларнинг асослари таркибига киради. Формал логикада П. нинг турли шакллари *тўғрилигини* тавсифловчи баъзи умумий шартлар ифодалаб берилмоқда.

ПОЛИТЕИЗМ ВА МОНОТЕИЗМ (грек. poly—кўп, theos—бир ва theos—худо)—кўп худодилик ва бир худодилик, бир неча ёки бир худога сажда қилиш. П. ибтидоий жамоа бузилаётган босқичда *тотемизмдан*, *фетишизмдан*, *анимизмдан* пайдо бўлади. Кўндан-кўп тенг ҳуқуқли фетишларга, руҳларга ишониш конкрет қиёфага,

номга ва сизиниш аҳкомларига эга бўлган худоларга ишониш билан алмашинади. Худолар иерархиясида ижтимоий меҳнат тақсимоти, ҳукмронлик ва итоат қилишнинг ердаги муносабатлари ўз аксини топган. Қулдорлик тузумининг янада мустаҳкамланиши, монархияларнинг вужудга келиши аввалида бир динга топинишга, бир худога сизинишга олиб келди, шу билан бирга бошқа худоларнинг мавжудлиги ҳам эътироф қилинди. Сўнгра худолар пантеондан ягона, қудратли худо—ердаги подшоинг копияси ажратилди; М. барқарор бўлади. Лекин соф М. мавжуд бўлмайди. Ҳатто *ислом* ва *яхудоллик* каби монотеистик динларда ҳам П.нинг излари сезиларлидир; *христианлик*, унинг уч авлиёси, худонинг онаси, бир талай авлиё-анбиёлари ҳақида сўзлаб ўтирмаса ҳам бўлади.

ПОМПОНАЦЦИ Пьетро (1462—1524)—Уйғониш давридаги итальян философи. *Аристотель* қарашларини материалистик ва антисхоластик рўнда ривожлантирди. Узининг «Жоннинг ўлмаслиги ҳақида» деган асосий асарига (1516) П. Аристотель филозофиясидаги *сенсуализм* элементларини таъкидлаб кўрсатди, жисмнинг формасини ташкил этувчи жон ҳар ҳолда ўлишини тасдиқлади. Бу гап черков пешволарининг ғазабини қўзғотди ва натижада П.нинг китоби қуйдирилди. П. гуманизм назариячиларидан бири сифатида, диннинг асосий ақидаларидан бири бўлмиш одам жонининг ўлмаслиги ҳақидаги ақидани инкор этаркан, фақат бу ақидага ишонидан воз кечишгина одамнинг ҳақиқий табиатиға мувофиқдир, яъни инсон фаолиятининг мақсади у дунёда эмас, балки бу дунёда, ердаги дунёдадир, деб таъкидлаган эди. П. *иккиёклама ҳақиқат* концепциясига амал қилган ҳолда филозофия ва сибсатни диндан батамом ажратишга интиларди.

Поповский Николай Никитич (1730—60)— рус маърифатчиси, филозоф ва шоир, различинецлардан чиққан, *Ломоносовнинг* шоғирди. Москва ун-тетининг фасоҳат ва фило-

зофия профессори (1755 йилдан). П. «Московские ведомости» газетасининг асосчиси (1756). П. дан «Москва университети хузуридаги гимназияда бошланган фалсафий лекцияларда сўзланган нутқ» (1755), «Фанларнинг фойдаси ҳақида ва уларда ёшларни тарбиялаш тўғрисида мактуб» (1756) ва б. асарлар сақланиб қолган. Филозофияда П. *деизм* позицияларида турарди; умуман унинг қарашларини материалистик деб баҳолаш мумкин. П. *Локкнинг* «Болаларни тарбиялаш ҳақида» деган асарини, Александр Попнинг «Инсон ҳақида тажриба» асарини ҳамда Гораций, Тит Ливий ва бошқаларнинг бир қанча асарларини рус тилига таржима қилди. П.нинг хизмати шуидаки, у биринчи бўлиб ун-тетда филозофиядан лекцияларни рус тилида ўқий бошлади; у филозофия «барча фанларнинг ва санъатларнинг онасидир», у илоҳиётдан мустақил бўлмоғи лозим ва унинг вазифаси — инсон ақлининг табиатни ва кинотда оламларнинг тузилишини билишга қизиқишини қондиришдан иборат, деб исбот қилишга уринарди. П. филозофия ун-тетларда ва китобларда латин тилида эмас, балки халқларнинг она тилида ўқитилиши ва баён этилиши лозимлигини қаттиқ туриб ёқларди. П. маориф ва фанларни ривожлантириш учун, оқилона қонун чиқариш ва мамлакатни яхши идора қилиш учун, граждандлик ҳуқуқларини такомиллаштириш учун жон қуйдиранди.

ПОППЕР Карл (1902 йил туғ.)— филозоф, логик ва социолог. Венада туғилган, ҳозирги вақтда Англияда истиқомат қилади ва ишлайди. *Ўз қарашлари жиҳатидан П. неопозитивизмга* ёндашади, тўғри, шуниси ҳам борки, «классик» неопозитивизмдан (*Карнал* ва б.) фарқли ўлароқ, у филозофиянинг вазифаларини нуқул логик-лингвистик анализ доиралари билан чегаралаб қўймайди. *Верификациялаштиришлик принципи*ға хилофан, П. «сохталаштиришлик принципи»ни йлгари сурди, бу принципга кўра, назариянинг илмийлик критерияси уни тасдиқловчи мисолларни топиш имко-

иятида эмас, балки айни назарияни рад этадиган вазиятларнинг мавжудлиги имкониётдадир. Назария уни рад қилиш имкониётига нақадар кўпроқ дучор бўлса, мазкур принцип нуқтан назаридан, у фан учун шу қадар катта қимматга эгадир. Социологияда П. марксизмнинг ашаддий душман; сифатида майдонга чиқиб, объектнв тарихий зарурятнинг зарурлигини, унга асосланган илмий социал башоратнинг мумкинлигини инкор қилади; у *Риккерт* ва *Виндельбандга* эргашиб, тарихнинг вазифаларини айрим воқеаларни ўрганишдан иборат қилиб қўяди. Асосий асарлари: «Талқинот логикаси» (1935), «Очиқ жамият ва унинг душманлари» (1945), «Историзмнинг қашшоқлиги» (1944—45).

ПОРЕЦКИЙ Платон Сергеевич (1846—1907)— рус логика олими. 1887—88 йилларда Россияда биринчи бўлиб Қозон ун-тетида математик логикадан лекциялар ўқиди. П. *логика алевбрасини* ишлаб чиқди. Бу назария учун у асосларнинг муайян системасидан келиб чиқадиغان натижалар тўпламини ва муайян натижалар келтириб чиқариладиган гипотезалар тўпламини излаб топиш тўғрисидаги вазифани ҳал этишнинг оригинал ва содда методларини топди («Мантиқий тенгликларни ҳал этиш усуллари ҳақида ва математик логиканинг тескари усули ҳақида», 1884). П. нинг фалсафий позицияларини табиий-илмий материализм деб тавсифлаш мумкин.

ПОР-РОЯЛЬ—Париж яқинидаги аёллар монастири, 17-асрда — *ясенизмнинг* маркази. П.-Р. Франция йирик маърифат ўчоғи эди. У ерда *Паскаль* яшаб, ишлаган эди. П.-Р. мактабда дарс бериш учун турли дарсликлар, шу жумладан картезианча рационализм руҳида ёзилган ва катта шухрат қозонган логика дарслиги тузилган эди (авторлари Арно ва Николь). Унда, жумладан, ҳукмларнинг муфассал туркумланиши берилган ҳамда *синтетик ва аналитик* методлар ўртасидаги фарқ масаласи қариб чиқилган эди. 1712 йилда иезуитларнинг ясенистларга қарши кура-

шида улар томонида турган Людовик XIV нинг буйруғи билан монастирь куйдириб юборилди.

ПОСТУЛАТ (лат. *postulatum*—матлуб)— бирон назариянинг принципи ёки қондаси бўлиб, бу қонда мазкур назария доирасида бошлангич, исбот қилиб бўлмайдиган қонда сифатида қабул қилинган. Ҳозирги замон логикасида ва фан методологиясида «П.» тушунчасидан одатда энг кўп ишлатиладиган «аксиома» тушунчасининг синоними сифатида фойдаланилмоқда. Баъзи ҳолларда бу тушунчаларнинг маъносидан антик философиядан бошланиб келаётган тафовут сақланиб келмоқда: аксиомалар деганда бирон назариянинг мантиқий бошлангич принциплари, П. деганда— бу назариянинг бошлангич махсус—илмий принциплари тушунилади. Айрим ҳолларда «П.» термини билан муайян назариянинг аксиомаларини ва хулоса чиқариш қондаларини билдирадilar.

ПРАВОСЛАВИЕ (грек. *orthodoxia*)—*христианликнинг* бир кўриниши бўлиб, у бошлида Шарқий Европа, Яқин Шарқ ва Болқон мамлакатларида тарқалган. П. 11-асрда Европанинг ғарбда ва шарқда феодализмнинг турли йўллар билан ривожланиши натижасида мустақил йўналишга узил-кесил ажралиб чиқди. П. ақидаларининг алоҳида хусусияти шундан иборатки, у муқаддас руҳнинг фақат ота-худодан чиқиб келишини, умуман черковнинг (унинг бошлиқларининг эмас) гуноҳдан поклигини— ақидаларининг ўзгармаслигини эттироф этади, аърофни (чистилишни) инкор этади ва ҳ. к. П. нинг диний маросимлари ва аҳкомлари — бутга сажда қилишдан, оқ руҳонийлар учун никоҳнинг мажбурийлигидан, махсус (византийча) системадаги қўшиқ-қироатдан иборат ва ҳ. к. П., *католицизмдан* фарқ қилиб, ягона бир марказга эга эмас, балки у 14 мустақил (автокефал) православ черковидан иборатдир. Принципиал консерватизм П. учун жуда характерлидир. Рус П. си самодержавиега сидқидилдан берилиб хизмат қилди, унинг таянчларидан

бири бўлиб, унга қарам бўлиб келди. Пётр I дан бошлаб то 1917 йилгача рус православ церкови давлат аппаратининг бир қисми бўлиб келган эди. У революцион ҳаракатнинг душмани эди. Рус П. си юқори табақаларнинг контрреволюцион сиёсати Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин ўзгариб, диндорларнинг тазийқни остида Совет ҳокимиятига инсбатан ҳолисона муносабатга айланди (30—40-йиллардан бошлаб). Ҳозирги замон П. си ўзининг илми хилоф идеялари ва тасавурларининг ҳаммасини батамом сақлаб қолмоқда. П. идеологлари ҳозирги замон шаронтига мослашишга уринмоқдалар, диний таълимотни, диний эътиқод амалиётларини — маросимларини замонавийлаштирмоқдалар, Россия тарихида черковнинг ўйнаган ролин сохталаштирмоқдалар ва ҳ. к. П. диний философиясининг вакиллари даярли нуқул мистиклардан (*Хомяков, Бердяев, Лосский, В. В. Зеньковский* ва б.) иборат.

ПРАГМАТИЗМ (грек. pragma—иш, амал) — ҳозирги замон буржуа философиясида кенг тарқалган субъектив-идеалистик оқим. П. философиясининг марказиди «прагматизм принципи» деб аталувчи принци бўлиб, бу принцип ҳақиқатнинг қимматини унинг фойдалилиги билан белгилайди (*Нирс*). Жемсининг асарларида П. фалсафий мунозараларин бирон бир назариядан келиб чиқадиган «амалий оқибатлар»ни таққослаш йўли билан ҳал қилиш методи сифатида ва ҳақиқат назарияси сифатида ифодаланади: ҳақиқат — «биз учун энг яхши «ишлайдиган», ҳаётнинг ҳар бир қисмига ҳаммадан яхшироқ муносиб келадиган ва тажрибамизнинг бутун мажмуияти билан қўшиладиган нарсасидир». «Практика» ва ҳақиқатни субъективистик тушуниш П. ни тушунчани (идеяни) амалиёт «қуроли» деб (*Дьюи*), билишни эса субъектив «ҳақиқатлар»нинг мажмуи деб (*Ферд. Шиллернинг* «гуманизм») таърифлашга олиб келади. Бироқ амалий фойдалилик деганда П. объектив ҳақиқатнинг практика мезони билан тас-

диқланишини эмас, балки индивиднинг субъектив қизиқишларини қондирувчи нарсани тушунади. Бундай изоҳ пировард ҳисобда америка буржуаларининг тор амалиётчилигини акс эттиради. Воқеликни изоҳлашда П. *эмпириал-критицизмга* яқин бўлган «радикал эмпиризм» позицияларида туради. Объектив реаллик П. да тажриба билан бирдай қилиб кўрсатилади, билишнинг субъекти билан объектини ажратиш эса фақат тажриба ичinda амалга оширилади П. «радикал эмпиризм»га ва ҳақиқатни амалий жиҳатдан фойдали нарса деб тушунишга асосланиб, «ана шуларнинг ҳаммасига асосланиб амалий-мақсадларни кўлаб, фақат практика учун, бемалол худони пеш қилади...» (*В. И. Ленин, 18-т., 408-б.*), Логикада П. иррационализмга қараб бормоқда: Жемсда очиқ формада, Дьюида эса «илмий тадқиқот логикасини» яратишга даъват қилиш билан ниқобланган формада бормоқда. Логиканинг қонуфлари ва формаларини П. фойдали функциялар сифатида олиб қарайди. Этикада П. мелиоризмга амал қилади. Социологияда П. «буюк шахслар»га сиғиниш (*Жемс*) ва буржуа демократиясини мадҳ этиш (*Дьюи*)дан тортиб то ирқчилик ва фашизмин ҳимоя қилишгача (*Шиллер*) ўзгариб боради. Ҳозирги вақтда П. субъектив идеализмин антикоммунизм билан бирлаштирувчи (*Сидней Хук*) «экспериментал натурализм» формасида ёки П. ни *неопозитивизм* ва семантик идеализм билан бирлаштирувчи «неопрагматизм» формасида майдонга чиқмоқда (*Ч. Морриснинг* «семиотикаси», *Брид-жменнинг* *операционализи*, *К. Льюис, Карнал* ва *У. Куайн* томонидан формал логиканинг прагматик шарҳланиши). П. узоқ вақт давомида АҚШнинг маънавий ҳаётида ҳукмронлик қилиб келди, фақат кейинги йиллардагина ўз позицияларини неопозитивизмга ва диний фалсафий концепцияларга бўшатиб бера бошлади.

ПРАГМАТИКА — *семиотиканинг* бир бўлими.

ПРАКСИОЛОГИЯ (грек. praktikos — фаол) — социологик тадқиқот-

лар соҳаси бўлиб, бу соҳа турли амалиётларни ёки амалиётлар мажмуини уларнинг самарадорлиги нуқтаи назаридан олиб... қараш методикасини ўрганеди. П. га Польша ФА президенти Тадеуш Котарбиньский асос солган бўлиб, у ҳозирги замон социологик тадқиқот методларидан биридир. Бу методнинг моҳияти турли меҳнат малакалари ва усулларини амалий (ва тарихий) тадқиқ қилиш ва тавсифлашдан, уларнинг элементларини аниқлаб олишдан ва шу асосда амалий характердаги турли таъсиялар тузишдан иборат. П. мазкур категорияларнинг тарихи билан ҳамда коллективлар меҳнатининг конкрет тадқиқотлари, меҳнатни ташкил этиш, уни ихтисослаштириш формаларини анализ қилиш, меҳнатни ташкил этиш ва унинг самарадорлик даражаси ўзгаришининг субъектив (анча камроқ даражада ва объектив) факторлари билан шуғулланади. П. индивидларнинг, шунингдек ишлаб чиқариш процессида индивид билан коллективнинг ўзаро таъсирини ўрганеди.

ПРАКТИКА — қ. *Назария ва практика*.

ПРЕДИКАБИЛИЛАР (лат. praedicabilia) — Аристотель логикасида кесим жинслари. Аристотель тўрт П. ни: жинс, тур, асл белги ва тасодифий белгини санаб кўрсатади. Аристотель асарларини шарҳловчи Порфирий бу рўйхатга тур фарқини ҳам қўшади. П. айрим номларга қарама-қарши қилиб қўйилади, чуққи, П. дан фарқли ўлароқ, бундай номлар кесим бўлмайди. Аристотелда П. ҳақидаги таълимот билан «кесимлик» жинслари — категориялар (praedicamenta) ҳақидаги таълимот боғлиқдир.

ПРЕДИКАТ (лат. praedicatum) — традицион логикада *ҳукмнинг* икки терминидан бири бўлиб, бу терминда нутқ предмети (субъекти) ҳақида нимадир айтилади. 19- асрнинг охиригача логикада ҳукмнинг субъекти, одагача, грамматик эга билан бирдай қилиб, П. эса грамматик кесим тарзида тушунилиб, кесимнинг мас., сифат билан ифодаланадиган қисми билан бирдай қилиб кўрсатиларди. Шундай

қилиб, кесимлик формаси (предикатив боғланиш) атрибутив боғланишдан иборат қилиб қўйиларди, яъни предметга (субъектга) муайян белги хослигини билдирарди. Математик логиканинг ривожланиши бу нуқтаи назарни қайтадан қараб чиқишга олиб келди. Янги қараш шу билан характерланадики, П. тушунчалари алоҳида ҳилдаги функция-мантиқий (ёки пропозиционал) функция тушунчаси асосида умумлаштирилади, *мулоҳазалар* (ёки уларнинг чинлик қимматлари — «чин» ва «ёлгон») мазкур функциянинг қимматлари бўлиб хизмат қилади. Мас., «Сократ инсондир» деган мулоҳазага традицион тушунчада «S—P дир» схемаси мувофиқ келарди. Агар S ва P қимматларнинг турли соҳаларига: S—«индивидуал предметлар» соҳасига, P эса «тушунчалар» соҳасига эга бўлган ўзгарувчилар деб қаралса, у вақтда, мас., «инсон» тушунчасини ўзгарувчи P қимматли сифатида танлаганда, биз «S—инсондир», ёки «...—инсондир» (нуқталар S ҳарфи ўрнига келади) деган ифодани ҳосил қиламиз, яъни аслда, бир ўзгарувчи функциясини ҳосил қиламиз; нуқталар (ёки ўзгарувчи S) ўрнига бирон субъектнинг бунда функциянинг оддий далили ролини ўйнайдиган номи (мас., «Сократ») қўйилса, бу функция мулоҳаза бўлиб қолади («чин» ёки «ёлгон» қимматга эга бўлади). Шунга ўхшаш «...қараганда кўпроқ...» ифодаси икки ўзгарувчининг функцияси-дир, «...ва... орасида туради...» ифодаси эса уч ўзгарувчининг функцияси-дир ва ҳ. к. Математик логикада мулоҳазалар (ёки уларнинг чинлик қимматлари «чин» ва «ёлгон») уларнинг қимматлари хизматини ўтайдиган функциялар худди П. деб аталади. Шундай қилиб, ҳукмнинг структурасига ҳозирги замондаги қараш шундан иборатки, П. ва субъектнинг традицион тушунчалари функция ва унинг далилларининг тегишинча аниқ математик тушунчаларига алмаштирилади. Шунга мувофиқ П. тўпламларда (предметларнинг соҳаларида) аниқланади ва бу тўпламларнинг эле-

ментлари тегишли ўзгарувчиларнинг далиллари ёки қимматлари бўлиб хизмат қилади. П. нинг янгича талқини мантиқий муҳокамага зарур умумийлик беради, бу муҳокама фақат силлогистик хулосаларни эмас, балки носиллогистик хулосаларни ҳам бирлаштиради, ёзувнинг функционал формаси эса ҳар қандай илмий назариянинг мулоҳазаларини *формаллаштириш* учун кенг имкониятлар очиб беради.

ПРЕДИКАТЛАР ҲИСОБИ—мулоҳазаларнинг икки структурасига асосланган хулосаларни формаллаштириш йўли билан *мулоҳазалар ҳисоби*ни кенгайтиришдир. П. ҳ. формуласининг тушунчаси бир ёки бир неча предмет ўзгарувчининг *предикати* тушунишасини киритиш йўли билан кенгайтирилади.

ПРЕДИКАТНИ КВАНТИФИКАЦИЯЛАШ (лат. quantum—қанча, инглиз, quantity—миқдор)—ҳукм *предикати* ҳажмини аниқлаш. Англанавий формал логикада ҳукмлар *субъектнинг* ҳажмига қараб турларга бўлинади; бундан ҳукмларнинг икки тури фарқ қилинади: умумий ҳукмлар (мас., «Ҳамма квадратлар — тўртбурчаклардир» ва жузъий ҳукмлар (мас., «Баъзи студентлар — спортсменлардир»). Инглиз логика олими ва философи Гамильтон (1788—1856) *предикат ҳажмининг* ҳам ҳисобга олишни таклиф этган. Шундай қилиб, предикат бутун ҳажмида олинмаган ва Гамильтон умумий-жузъий ва жузъий-жузъий ҳукмлар деб атаган тасдиқ ҳукмларининг икки туридан ташқари яна икки турдаги ҳукм ажратиб юрсатилади: умумий-умумий ҳукмлар (мас., «Ҳамма тенг томонли учбурчаклар — тенгбурчакли учбурчаклардир») ва жузъий-умумий (мас., «Баъзи дарахтлар—дублардир»). Бу ҳукмларда предикат бутун ҳажмида олинади. Бундай П. к. ҳукмни тенглама сифатида олиб қарашга имкон беради. Математик логикадаги П. к. операцияси ўзгарувчи предикатларни *кванторлар* билан боғлаш операциясига бирор даражада мувофиқ келади.

ПРЕДМЕТЛАШИШ ВА ПРЕДМЕТЛИКДАН ЧИҚИШ—бу терминлар воситаси билан предмет *фаолиятнинг* характерли хусусиятларини аниқланади. П. деганда «субъектнинг фаолияти процессида инсоннинг фаол кучлари ва қобилиятларининг ҳаракат формасидан предмет формасига айланиши ва ўтиши тушунилади; П. дан чиқиш деганда—объектив предметнинг ўз соҳасидан инсон фаолияти соҳасига ва формасига ўтиши, маданиятнинг предмет-муҳассамланган формаларининг субъектнинг фаол қобилиятларига айланиши тушунилади. Бу тушунчалар *Гегель* философиясида у қай даражада «меҳнат моҳиятини қамраб олганига қараб» (Маркс) фойдаланилган. Лекин Гегель инсоннинг меҳнат фаолиятини абстракт-руҳий меҳнатдан, тафаккурдан идеалистларча келтириб чиқарган ва уни тарихга хилоф равишда бегоналашиш билан тенглаштириб қўйган. Маркснинг илк асарларида бу тушунчалар меҳнатни тавсифлаш учун принципал равишда бошқача маънога эгадир. Маркс П. лашини П. дан чиқишни birlikда олиб қарайди, меҳнатнинг инсон ҳаётида тугган ўрнини очиб беради, ўз меҳнати билан инсон объектив оламни актив равишда ўзгартириб, инсонлаштириб, ўзининг алоҳида «инсоний воқелигини», маданият оламини (меҳнатнинг актив томонини ифодалайдиган П. лашини натижасида) вужудга келтиради. Айни вақтда инсон объектив оламга, шу жумладан олдин ўтган инсоният фаолияти натижаларига боғлиқдир, бу натижаларни у ўзлаштириб, ўз фаолиятига киритади ва бу фаолиятни объектив қонулар билан (инсоннинг ўз фаолияти объекти билан алоқасини ифодалайдиган П. дан чиқиш натижасида) мувофиқлаштиради. Бундай усул Марксга меҳнат процессини илмий равишда тавсифлаш имкониятини беради, *субъект* билан *объектнинг* ўзаро муносабатини диалектик-материалистик тушуниш, билиш назарияси проблемаларини практика нуқтаи назаридан ҳал қилиш йўлини очиб беради. П. лашини

ва П. дан чиқиш аспектидан бири — меҳнат процессини инсон фаолиятининг унинг предмети (объекти) ва маҳсули билан ўзаро таъсири нуқтани назардан тавсифлаш — етук марксизмда сақланиб келмоқда. Бу нарса терминологияда ҳам ўз аксини топмоқда (мас., «Капитал»да).

ПРЕДМЕТЛИК — бирон ҳодисани, ҳаракатни, ҳолатни ва ҳ. к. ларни билдирувчи бу тушунча предметлар билан боғлиқдир ёки унинг ўзи субъектнинг фаолиятига тортилиш йўли билан предмет бўлиб қолади. Инсоннинг амалий-назарий фаолияти предмет характерига эгадир, чунки бу процесс давомида кишилар предметлар билан иш кўрадилар ва предметларни яратадилар, бу предметларнинг ўзи «жонли меҳнат моменти сифатида, предмет материалда «жонли меҳнатнинг ўз-ўзига муносабати сифатида» (К. Маркс ва Ф. Энгельс, 46-т., 1 қисм, 324-б.) юзага келади. Билим ҳам предмет характерига эгадир, чунки унинг объектив мазмуни инсон фаолияти билан ўзлаштирилган моддий дунёнинг инъикосидир. Инсоннинг, унинг фаолияти, унинг онгининг мазмуни ва ҳ. к. П. гини эътироф этиш материалистик философияни идеализмдан фарқ қилдиради. Тўғри, Гегель «П.» терминини ишлатади. Лекин П. унда фақат абсолют руҳ ривожининг айрим босқичларида унда ҳосил бўлган маҳсул (бегоналашиш)дир ва у ҳар қандай П. руҳининг, тушунчанинг, идеянинг бошқача шакли эканлигини аниглаш йўли билан олиб ташланиши, бартараф этилиши лозим.

ПРЕФОРМИЗМ (лат. praeformo — олдиндан тузаман) — 18-аср биологиясида ҳукм сурган антилилектик тараққиёт концепцияси. П. нинг даввосича, катта ёшдаги организмнинг хоссалари ва белгилари эмбрионлик ҳолатидаёқ тайёр тарзда жо қилинган эмиш. Преформистик идеяларнинг таъсирига Дарвиннинг эволюцион таълимоти зарба берди. Бу таълимотга кўра, эмбрионнинг ривожланиши *ирсият* тақозоси билан юз берадиган ва фақат ташқи муҳит-

нинг муайян шароитида намоён бўладиган изчил ўзгариб бошқа шаклга киришлар йўли билан содир бўлади.

ПРИБОР — билиш воситаси бўлиб, бу восита турли хилдаги *ўлчовларни* қайд қилиш учун татбиқ этилади. П. лар ҳозирги замон илмий билишида инсон сезги органларининг ўзига хоё кучайтиргичлари сифатида юзага келади ва бу кучайтиргичлар бевосита идрок этишга муяссар бўлмайдиган моддий объектларни тадқиқ қилишга имкон беради. Ҳозирги замондаги экспериментал мосламалар одатда турли функцияларни бажарувчи П. лар мажмуидан иборатдир: улардан бир хиллари тадқиқот объектини алоҳида қилиб ажратди ёки «яратади»; иккинчи хиллари ўрганиладиган объектнинг ҳолати ва хоссалари тўғрисидаги маълумотларни қабул қилади; учинчи хиллари П. нинг объект билан ўзаро таъсири натижаларини тадқиқотчи бевосита идрок этадиган ёруғлик ёки товуш эффектлари, фотопластикдаги излар ва ҳ. к. шаклида муайян усул билан қайд этиб боради. Воқелик ҳодисаларини ўрганиш учун шарт-шароит яратишда П. нинг ошиб бораётган ролини ҳозирги замон *физик объект* тушунчасини аналiz қилиш чоғида ҳисобга олмақда. Билишда П. нинг ошиб бораётган ролини хато талқин қилиш, уни субъективлаштириш «прибор идеализми» аталувчи оқимни юзага келтирди. Бу оқимнинг асоси — «назорат қилиб бўлмаслик принципи»дан иборат бўлиб, бу принципга кўра микрообъектларнинг бирон-бир хоссаларини ўлчаш, аниқлаш процесси «назорат қилиб бўлмайдиган бузилишни» юзага келтиради. «Прибор идеализми»нинг вакиллари (П. Йордан ва б.), П. воситаси билан субъект физик реалликни «ҳозирлайди», яратади, деб даъво қиладилар.

ПРИНЦИП (лат. principium — асос, биринчи ибтидо) — хатти-харакатнинг биринчи ибтидоси, раҳбар идеяси, асосий қондаси. Илк антик философияда биринчи ибтидо сифатида сувни, ҳавони, оловни, тупроқни ва ҳ. к. қабул қилганлар. П. ни заруриятнинг ёки ҳодисалар қонунининг

ифодаси деб қараганлар. Мантиқий маънода П.—системанинг марказий тушунчаси, асоси бўлиб, бу асос бирон қайдани умумлаштиришдан ва уни айни П. абстракция қилиб олинган соҳадаги барча ҳодисаларга жорий этишдан иборат. Амалиёт П. и ёки бошқача номи билан максима деганда, мас., жамиятда кишиларнинг муносабатларини тавсифловчи ахлоқий норма тушунилади.

ПРИНЦИПАЛ КООРДИНАЦИЯ — субъектив-идеалистик назария бўлиб, бу назарияни *Авенариус* ва унинг шогирдлари (Вилли, Петцольдт ва б.) ривожлантирган. Бу назарияга кўра, бизнинг «Мен»имиз (С системаси ёки марказий аъзо) билан муҳит (R системаси, ёки муҳолиф аъзо) ўртасида П. к. (чамбрачас алоқа) мавжуддир. Объектив олам, уни идрок этувчи бирон «Мен» бўлмаса, мавжуд бўлолмайди. Кишилар ўз «тажрибаси»да фақат мулоҳазаларда мавжуд маънолар билан — кўк, совуқ ва ш. к. сезгилар («элементлар») билан ва—ёқимли, чин, маълум ва ш. к. ларнинг «аффеқционал муносабатлари» («характерлар») билан иш кўрадилар. Бу назария инсонни материянинг узоқ ривожланиши махсули деб, табиатни эса инсондан олдин ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган мавжудот деб қаровчи фан билан сифишмайди. П. к. назарияси *Беркли* ва *Фихте* фикрларини такрорлаш билан *солипсизмга* олиб боради. Ленин ўзининг «*Материализм ва эмпириокритицизм*» китобида П. к. ни тугал-тўқис танқид қилган.

ПРИСТЛИ Жозеф (1733—1804)—инглиз олими ва материалист философи. Кислородни кашф этган. Оптика ва электр проблемалари устида ҳам иш олиб борган. Француз буржуа революцияси принципларининг воизи. Таъқиб-қувғиндан қочиб АКШга кетиб қолган (1794). П. Ф. *Бэкон* ва *Гоббс* традицияларини давом эттирган, деист сифатида француз материалистларининг *атеизмин*ни танқид қилиб чиққаж П. нинг фикрича, бутун материя кўламлилиқ, зичлик, ўтказмаслик хоссаларига эга бўлиб, унинг харак-

теристикалари тортиш ва итариш кучларининг мавжудлиги билан белгиланади. Инсоннинг сезгилари ва тафаккури — ўша материянинг бошқача тузилиши натижасидир, Локкнинг *дуализмини* П. механицизм позицияларидан туриб рад этди: мас., идеяларнинг ассоциацияларини у вибрациялар механизми билан изоҳлашга уриниб кўрди. П. эксперимент билан назарияни бирга қўшишни талаб этарди. У гипотеза, аналогия ва ш. к. лар проблемаларига кўп эътибор берган эди. Социологияда *детерминизм* принципини қаттиқ ҳимоя қилиб, *фатализмга* қарши чиқди. П.—*эвдемонизм* этикасининг тарафдори. Унинг фикрича, энг катта шахсий бахтни бошқа кишиларнинг бахти билан সিғдириш мумкин.

ПРОВИДЕНЦИАЛИЗМ (лат. *providentia* — илоҳий тақдир) — диний-фалсафий қараш бўлиб, бу қарашга кўра, инсоният жамияти тараққиётини сирили, тарихий тараққиётга нисбатан ташқи кучлар (ҳаракатлантирувчи кучлар маъносида ҳам ва мақсад маъносида ҳам)—илоҳий тақдир, *худо* белгилайди. Тарихга бу хил қараш муқаррар равишда *фатализмга* олиб келади. П. кўп тарихий-идеалистик системаларга хосдир. Ҳатто *Гегель* ҳам, тўғри, писандалар билан, «Тарих филсофияси»да «тақдир, яъни илоҳий тақдир жаҳон воқеаларини бошқариб туради» деб эътироф қилади. П. нинг идеялари диний филсофлар ва тарихчиларда, мас., *Августин*, *Фома Аквинскийда*, абсолютизмнинг француз идеологи *Ж. Боссюэда* (1627—1704), *славянофилларда* тўдарақ ифодасини топган; ҳозирги замон филсофиясида эса бу идеялар *неотомизм* ва бошқа диний оқимларнинг вакиллари томонидан ифодалаб берилмоқда. «П.» термини кенгроқ маънода ҳам ишлатилади: у шундай концепцияларга татбиқан ишлатиладики, бу концепцияларда ҳар қандай ўзгаришлар (фақат тарихдаги эмас, балки умуман жаҳондаги ўзгаришлар) «тақдир иродаси» билан белгиланади, деб қаралади. П. нинг илмий асоссизлигини ҳам, умуман тарихга идеа-

листик қарашнинг асосsizлигини ҳам тарихий материализм исботлаб берган.

ПРОКЛ. (410—485)—Афина *неоплатонизм*... мактабининг бошлиғи. Триадаликнинг (*Триада*, *Гегель*) диалектик идеяси П. га оиддир. Антик мифологияни ягона бир фалсафий схемага жойлаштиришга уринганлиги учун П. тарих-философия адабиётида мажусийликини системалаштирувчи, эллинизмнинг схоласти деб тавсифланади. П. *Платоннинг*, бирлик кўplikда очилади, кўplik эса бирликка интилади, деган фикрига асосланиб, бутун мавжудотнинг тараққийида уч босқични: ҳозир бўлиш, олга интилиш, тескари интилиш босқичларини эътироф этарди. П. нинг фикрича, тараққиёт бўлиниш ёки бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга айланиш йўли билан эмас, балки кучларнинг тўлиқлиги натижасида содир бўлади, шу туфайли бир нарса ўзи ўзгармаган ҳолда иккинчи нарсани вужудга келтиради. П. нинг асосий асарлари: «Теологик бош асос», «Платоннинг теологияси тўғрисида».

ПРОЛЕГОМЕНЛАР (грек. *prolegomena* — сўз боши)—бирон-бир фанга қисқача муқаддима бўлиб, унинг мақсади мазкур фanning мазмуни, вазифалари ва тадқиқот методи билан тахминий таништиришдир. *Кантнинг* «Фан сифатида пайдо бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай келажак метафизикасига пролегоменлар»и «Соф ақлни танқид»га бамисоли бир муқаддимадир (ҳақиқатда эса шу асарнинг қисқача баёнидир).

ПРОЛЕТАРИАТ (лат. *proletarius*—қадимги Римда йўқсиллар синфига мансуб киши)—капиталистик жамиятнинг асосий синфларидан бири бўлиб, бу синф ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлишдан маҳрум этилган, бинобарин, у тирикчилик воситаларини таъминлаш учун ўз иш кучини сотишга мажбурдир. П. феодализмнинг бағрида капитализмнинг туғилиши билан бир вақтда пайдо бўлди. Капитализмнинг ривожланиши билан бирга майда товар ишлаб чиқариш смирла боради, деҳқонлар ва ҳунар-

мандлар хонавайрон бўла бошланди, улар П. сафларини тўлдирга беради. Капитализмнинг ишлаб чиқарувчи кучлари ривожлана бориши билан П. ни эксплуатация қилиш беқийс даражада кучаяди. Синфий кураш процессида П. нинг синфий ўз-ўзини англаши этила боради. У буржуазияга қарши кураш учун ўз ташкилотларини (коммунистик ёки ишчи партиясини, касаба союзларини ва б.) тузади. Бу курашда П. фақат ўз манфаатларини эмас, балки барча меҳнатчиларнинг манфаатларини ҳам ҳимоя қилади ва ифодалайди. П.—капиталистик жамиятнинг бирдан-бир ҳақиқий революцион синфи бўлиб, у коммунистик идеологияни ёяди, *социалистик революция* ва сиёсий ҳокимиятни қўлга олиш воситаси билан буржуа тузумини йўқ қилишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Унинг асосий мақсади—социалистик ва коммунистик жамият қуришдир. Ҳозирги замон шароитида капиталистик жамиятнинг янада пролетарлашуви давом этмоқда. П. билан монополистик буржуазия ўртасидаги зиддият кучаймоқда. Меҳнаткашларнинг кенг қатламлари: деҳқонлар, зиёлиларнинг анча қисми ва бошқа табақалар П. нинг иттифоқчилари бўлмоқда. Империализмга қарши курашда мустамлака ва қарам мамлакатларнинг П. и ўсмоқда ва жипслашмоқда. Социалистик революция галаба қозонгач, П. капитализм шароитидаги ҳолатидан, яъни эрксиз, эксплуатация қилинувчи, ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилишдан маҳрум этилган синфликдан чиқиб, ишчилар синфига—мамлакатнинг тўла ҳуқуқли, ўзи учун, бутун жамият учун ишловчи хўжайинига айланади. Умумхалқ мулки билан боғланган энг илғор, энг уюшқоқ синф бўлган ишчилар синфи аҳолининг қолган қатламларига рақобарлик қилади. Социализм ва коммунизм қурилишида ишчилар синфи меҳнаткаш деҳқонлар билан иттифоқ бўлиб чиқади, деҳқонларга саноат ишлаб чиқаришида меҳнатни ташкил қилиш тажрибасини ўргатади, чунки бу ишлаб чиқариш онгли интизомга, ижодий ташаббускорликка, ҳар то-

монлама ўзаро ёрдамга асосланган бўлиб, социалистик ва коммунистик меҳнат ва ҳаётнинг янги формалари учун изчиллик билан кураш намунасини кўрсатади.

ПРОЛЕТАРИАТ ДИКТАТУРАСИ — пролетариатнинг давлат ҳокимияти бўлиб, бу ҳокимият капиталистик тузумни тугатиш ва буржуа давлат машинасини емириб ташлаш натижасида ўрнатилади. П. д. ни қўлга киритиш *социалистик революциянинг* асосий мазмунини ташкил этади, унинг галаба қозонишининг зарур шартли ва энг муҳим натижаси ҳисобланади. В. И. Ленин П. д. масаласини марксизмдаги асосий масала деб атаган эди. Пролетариат ўз ҳокимиятидан эксплуататорларнинг қаршичилигини босқинчи, революция галабасини мустаҳкамлаш, буржуа ҳокимиятини қайта тиклашга уринишларини ўз вақтида даф қилиш, мамлакатни халқаро реакциянинг агрессив ҳаракатларидан мудофаа қилиш учун фойдаланади. Аммо П. д. фақат зўрликни билдирмайди ва у асосан зўрликдан иборат эмасдир. Унинг асосий вазифаси — ижодкорлик, яратувчиликдан иборат. Пролетариатга диктатура меҳнаткашлар кенг оммасини ўз томонига оғдириб ва уларни социалистик қурилишга тортиш учун, социал ҳаётнинг ҳамма соҳаларида: экономика, маданият, маиший турмуш соҳаларида революцион ўзгаришлар қилиш учун, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва янги, синфсиз жамият қуриш учун хизмат қилади. П. д. социализм қуришининг асосий қуроли, унинг галаба қилишининг зарур шартидир. Ишчилар синфи раҳбарлик ролини ўйнаган ҳолда ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқи П. д. нинг негзини ва унинг олий принципини ташкил этади. Социалистик қурилиш жараёнида П. д. нинг социал базаси кенгайиб ва мустаҳкамланиб боради, *жамиятнинг социал-сиёсий ва ғоявий бирлиги* вужудга келади. Ишчилар синфининг ялгор отряди — коммунистлар партияси П. д. системасида асосий раҳбар ва йўл кўрсатувчи кучдир. П. д. сис-

темасига меҳнаткашларнинг турли оммавий ташкилотлари: халқ вакилиги органлари, касаба союзлари, кооперация, ёшлар союзлари ва социалистик давлат билан меҳнаткашлар ўртасида асосий боғловчи воситалар бўлиб хизмат қиладиган бошқа бирлашмалар қирадилар. Париж коммунаси П. д. нинг тарихан биринчи формаси эди, у марксизмни энг қimmatли тажриба билан бойитди ва бу тажриба Марксга келажакдаги социалистик жамиятнинг давлат формаси ҳақида хулоса чиқаришга имкон берди. Советлар — П. д. нинг янги формаси бўлиб, уни Ленин икки рус революциясининг тажрибасини ўрганиш асосида кашф этди. Ниҳоят, энг янги революцион тажриба П. д. нинг яна бир формасини — *халқ демократиясини* вужудга келтирди. П. д. ягона мақсад эмасдир, балки диктатурасиз ва синфларсиз жамиятга ўтишнинг тарихан зарур ва бирдан-бир мумкин бўлган воситасидир. Социализм қурилиши давомида у ўзгариб боради. Жамиятнинг социал структураси тобора кўпроқ унинг яқинчилигига томон ривожланиши процесси билан бир вақтда П. д. давлатининг ўсиб *умумхалқ давлатига* айланиш процесси ҳам боради ва бу давлат келажакда *коммунистик ижтимоий ўз-ўзини бошқаришни* вужудга келтириш йўлида зарур босқич бўлади.

ПРОЛЕТАР ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМИ — қ. *Интернационализм*.

ПРОПЕДЕВТИКА (грек. προπαίδευο — дастлаб таълим бераман) — дастлабки машқ, бирон фанга тайёрлов, муқаддима курси бўлиб, бу курс системага солинган ва қисқача формада баён этилган бўлади. Бу курс билимнинг тегишли тармоғини батафсил ўрганишдан олдин ўтилади. Философиянинг мактаб курси баъзан фалсафий П. деб аталади.

ПРОПОЗИЦИОНАЛ ФУНКЦИЯ — қ. *Предикат*.

ПРОСИЛЛОГИЗМ — қ. *Полсиллогизм*.

ПРОТАГОР (эраимздан олдин 481—411) — абдерлик қадимги грек философи, софистлардан энг йириги;

худосизлиги учун Афинадан ҳайдалди (унинг «Худолар ҳақида» деган китоби куйдирилди). Буржуа тадқиқотчилари П. ни мўтлақ скептик деб талқин қилиб, ундан кейин сақлаиб қолган фрагментни бундай таржима қилганлар: «Инсон—барча нарсаларнинг; мавжуд бўлгани учун мавжуд ва мавжуд бўлмагани учун номавжуд нарсаларнинг меъёридир». Лекин «учун» сўзига мувофиқ келадиган грекча ифодани бошқача таржима қилиш мумкин: «мавжуд бўлганлигидан мавжуд» ва ҳ. к. Бундай талқин қилганда П. субъективист ҳам, скептик ҳам эмасдир; унинг тезисида материалистик тусдаги *антропология* элементи бордир; бу нарса *Секст Эмпирикнинг*, П. нинг назарида «материя оқиб туради» ва «ҳамма нарсаларнинг асосий сабаблари (логослари) материядир», деб берган характеристикасига мувофиқ келади.

ПРОТЕСТАНТИЗМ (лат. protestans—норозилик билдирувчи, ошқора исбот қилувчи) — *христианликнинг православие ва католицизмдан* кейин учинчи кўриниши бўлиб, у *Реформация* даврида юзага келган. П.—мустақил ва хилма-хил динлар, черковларнинг мажмуи бўлиб, бу динлар ва черковлар ўзларига хос ақидалари ва қонун-қоидалари билан бир-биридан фарқ қилади. Протестантлар католикча аърофни (чистилишчени) тан олмайдилар, православ ва католик авлиёларини, фаришталарини, худонинг онасини рад этадилар; христианча сало-саиҳад (учбирлик) худо уларда бутунлай монопол мавқени ишғол қилади. Протестантларнинг тасаввурига кўра, инсонга ҳузур-ҳаловат, баракат черковдан ташқари худодан тушади, «қутилишга инсоннинг шахсий эътиқоди ва худонинг иродаси тўғриси эришилади. Бу таълимот руҳоний ҳоқимиятнинг дунёвий ҳоқимиятдан устунлигига, католик черкови ва Рим папасининг пешволик ролига футур отказди, инсонни феодал бўғовлардан озод қилиб, унда шахсий мулк ҳиссини, буржуа-индивидуалистик тасаввурларни уйғотди ва ҳ. к. Инсоннинг худого бошқача қарашни муносабати

билан П. да фақат руҳонийларга ва черковга эмас, балки диний маросимларга ҳам иккинчи даражали ўрин берилади. Бутларга ва майитларга чўқиниш йўқ, сир-асрорлар соми икки-тага (крещенини ва причастниенига) тушириб қўйилди, ибодат, одатда, ваъз-насихатлардан, биргалашиб номоз ўқишдан ва забур оятларини қироат қилиб куйлашдан иборат. Расман П. фақат Тавротга асосланади, лекин амалда ҳар бир протестантлик динида ўз имон калималари, мўътабар зотлари ва «муқаддас китоблари, яъни ўзича «муқаддас *киتابот*» мавжуддир. Ҳозирги замон П. а. бошлича Скандинавия мамлакатларида, Германияда, Швейцарияда, Буюк Британияда ва АҚШда тарқалган. 20-асрда П. да экуменик ҳаракат анж олиб, у черковларнинг Жаҳон кенгашини тузишга олиб келди. П. турла сиёсий тенденциялар билан боғлиқдир. Айрим дин ходимлари, айниқса социалистик мамлакатлардаги дин ходимлари П. ни янги шаронгга мослаштиришга, уни коммунистик ғоялар билан яқинлаштиришга интилоқдалар. Протестантларнинг бир қисмининг сиёсий жиҳатдан прогрессив интилишларига (тинчлик учун ва халқаро кескинликни юмшатиш учун кураш олиб боришларига) қарамай, П. ҳам, ҳар қандай дин сингари, илмга хилофдир.

ПРОЦЕСС (лат. processus — ўтиш, силжиш) — ҳодисанинг қонуниятли, изчил ўзгариши, унинг бошқа ҳодисага ўтиши (*Тараққиёт*).

ПРУДОН Пьер Жозеф (1809—65)—француз майда буржуа сиёсий арбоби, философ социолог ва экономист, *анархизмнинг* асосчиларидан бири. П. нинг асарлари: «Мулк нима?» (1840), «Қашшоқлик философияси» (1846) ва б. Философияда П.—идеалист, эклектик; у Гегель диалектикасини вульгарлаштирди, уни қўпол схемага, ҳар бир ҳодисада «яхши» ва «ёмон» томонларнинг механик қўшилиши ҳақидаги таълимотга айлантди. Инсоният жамияти тарихини П. идеялар кураши деб қарарди. П. йирик капиталистик мулкни «ўғри-

лик» деб эълон қилиб, майда мулкчиликни абдийлаштирарди. У капитализм шароитида айрим товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида «адолатли айрибошлаш»ни уюштириш ҳақидаги реакция ва утопик ғояни қаттиқ туриб ҳимоя қиларди. Марксизм асосчилари П. ва унинг тарафдорларини қаттиқ танқид қилдилар.

ПСИХИКА (грек. *psyche* — руҳ) — тирик системанинг теварак-атрофдаги олам билан сигналли ўзаро таъсири-нинг маҳсули. П. инсон учун бевосита инсон субъектив дунёсининг ўз-ўзини кузатишига муяссар бўладиган ҳодисалари: сезгилар, идроклар, тасаввурлар фикрлар, ҳислар ва ш. к. лар шаклида юз беради. П. нинг моҳияти ҳақида сўзлаганда унинг фалсафий тушунчаси билан конкрет илмий тушунчасини фарқ қилмоқ керак. П. нинг фалсафий тушунчаси *философия-нинг асосий масаласи* билан бевосита боғлиқдир. Бу жиҳатдан «П.» тушунчаси «онг», «тафаккур», «билиш», «ақл», «идея», «руҳ» ва ш. к. гносеологик тушунчалар билан бирдай қилиб қўйилади ва уни диалектик материализм юксак даражада ташкил топган материянинг алоҳида хоссасидир, бу хосса объектив воқеликнинг идеявий образлар формасидаги инъикосидир деб қарайди. Материя билан П. қарама-қаршидир, лекин фақат философиянинг асосий масаласи, яъни онгнинг борлиққа муносабати масаласи доирасидагина қарама-қаршидир, чунки материядан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда П. мавжуд бўлолмайди. «Материя билан руҳнинг, физик нарса билан психик нарсанинг, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — қарама-қаршилигини бу чегаралар доирасидан чиқариб абсолют қарама-қаршилик сифатида олиб қараш жуда катта хато бўлар эди» (18-т., 290—291-б.) Психологик тушунча тарзида П. маҳсул сифатида ва шу билан бирга тирик система (ҳайвонлар, инсон) учун теварак-атрофдаги муҳит билан ўзига хос сигналли ўзаро таъсир сифатида юзага келади. Бу ўзаро таъсир жараёнида миёда, мас., инсон миёсида, инсонни қуршаб тур-

ган муҳитни ва унинг организми системасининг ички ҳолатини ақс эттирувчи динамик структуралар (психик моделлар) шаклланади; бу моделлар воқеликнинг ақс этишини таъминлаб, шу билан бирга инсоннинг теварак-атрофидаги олам билан ўзаро таъсири процессининг регуляторлари сифатида майдонга келади, инсонга информация ташувчилардан ва уни қайта ишлашдан фойдаланиб, мазкур оламда ўзига йўл топиб олишига имкон беради. П. ўзига хос ақс эттирувчи функциясига эга бўлган моддий структура сифатида нерв ҳолатидан иборат эмасдир: бу структуранинг ҳар бир айрим momenti организмнинг органлари ва тўқималарининг ўзаро таъсири натижасида физиология қонуналарига мувофиқ тузилади; лекин П. нинг ўзи индивид билан муҳитнинг сигналли ўзаро таъсири давомида таркиб топади ва ана шу мазнода ўзгача қонуналарга, яъни психологик қонуналарга мувофиқ шаклланади. П. нинг пайдо бўлиши ҳаётнинг ривожланиши билан, тирик вужудларнинг теварак-атрофдаги муҳит билан ўзаро таъсир қилиш формаларининг мураккаблашуви билан, сигнал алоқаларининг юзага келиши билан боғлиқдир. Ҳайвонларнинг эволюцияси жараёнида махсус орган П.—нерв системаси, сўнгра эса унинг олий бўлими — миё шаклланган. Инсон П. си социал алоқа, меҳнат процессида, нутқнинг ривожини билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тараққий қилган. Инсон П. си биологик ривожланиш маҳсули бўлмиш ҳайвонлар П. сидан сифат жиҳатдан фарқ қилади. Инсон П. сининг алоҳида хусусияти шундан иборатки, у воқеликни англайди ва бу англаш натижасида воқеаларни онгли равишда олдиндан кўради ва ўз иш-амалларини планлаштиради. П. ривожининг олий формасига ўтиш П. органи бўлмиш миёнининг қайта тузилиши билан боғлиқ эди: инсон фазасида ҳайвонларнинг нерв фаолияти механизмларига иккинчи сигнал системасининг механизми — воқеликни сўз орқали сигналлаш механизмлари келиб қўши-

лади (И. Павлов). Инсон П. си энг аввалданоқ ижтимоий-тарихий маҳсулдир. Индивидуал ривожланишда ҳозирги замон кишининг П. си унинг тарихан таркиб топган фаолият формаларини эгаллаб бориши процессида шаклланоқда (*Психология, Олий нерв фаолияти*).

ПСИХОАНАЛИЗ — нерв ва психик касалликларни даволашнинг умумий назарияси ва методи бўлиб, уни З. Фрейд таклиф этган ва у *фрейдизм*нинг назарий асосларидан биридир. П. нинг асосий қондалари қуйидагилардир: психика устидан ҳукмронлик қилувчи *онгсизлик* психиканинг тарафларида «цензура» томонидан — ижтимоий тақиқлар системасининг таъсири остида ташкил топган психик инстанция томонидан ушланиб турилади. Алоҳида «жанжалли» ҳолатларда онгсизлик иштиёқлари цензурани «алдайди» ва онг олдида туш кўришлар, сўздаги хатолар, ёзувдаги хатолар, асабийлик аломатлари (касалликнинг юз бериши) ва ҳ. к. шаклида келиб туради. Психик ҳолат сомати (жисмоний) ҳолатга нисбат бирламчи бўлганлигидан, психикани ҳам субъектив методлар билан тадқиқ қилмоқ керак. Шундай методлар сифатида П. «эркин ассоциациялар методи»ни, туш кўришлар, ёзувдаги хатолар ва ш. к. ларни таъбирлаш методи жорий қилади. Бу методларнинг вазифаси — онгсизлик зухуротларининг ошқорка маъноси (ёки зоҳирий бемаънилиги) замиридан уларнинг «ҳақиқий», яъни сексуал тағсабини пайқаб олишдир. П. «исботда мужмаллик»нинг аққол намунаси: исбот қилиниши лозим бўлган онгсизликнинг ҳукмронлиги ҳақидаги фараз П. нинг ҳар бир конкрет ҳолатида худди ўша фаразга асосланган ўзбошимча талқинлар ёрдами билан «исботланади». Фрейд ўз фаолиятининг сўнги даврида, унинг шогирдлари ва ҳозирги замондаги мухлислари П. нинг субъектив методларини жамият тарихига кўчирдилар, бу тарихнинг ҳамма воқеаларини улар шахснинг ва бутун-бутун халқларнинг онгсизлик иштиёқларининг юз бериши деб ўзбо-

шимчалик билан талқин қилмоқдалар. П. ҳозирги замон *социологиясидаги психологик мактаб*нинг бир қанча йўналишларининг назарий ва методологик асосидир. Психоаналитиклар ва психосоциологлар онгсизликнинг асосий психик механизмларининг абдийлиги ва ўзгармаслигини таъкидлаб, капиталистик жамиятнинг иллатларини, инсоннинг ўзгармас онгсиз иштиёқларининг муқаррар кўринишлари, деб оқлаб кўрсатмоқдалар.

ПСИХОЛОГИЯ (грек. *psyche*—руҳ ва — *logos* — таълимот) — бу бир фан бўлиб, у юксак даражада ташкил топган тирик системаларнинг теварақ-атрофдаги олам билан ўзаро таъсирининг структур даражаларидан бирини ўрғанади. П. нинг предмети психик *фаолият*, унинг хоссалари ва ҳолатидир. П. ни унга туташ бўлган бошқа фанлардан (билиш назарияси, логика, этика, эстетика ва б.) ажратувчи чегаралар ҳеч қачон аниқ бўлган эмас. П. энг қадим замонда туғилиб, узоқ вақт давомида философия бағрида ривожланиб келган. П. нинг тарихи — материализмнинг идеализм билан қаттиқ кураши майдонидир. П. да қандай ҳал этилишига қараб материалистик ёки идеалистик позицияларни белгилаб берадиган асосий масала — психиканинг табияти тўғрисидаги масаладир; психика материянинг ривожланиш маҳсулими ёки материяга боғлиқ бўлмаган субстанциядан иборатми. 19-асрнинг ўрталарида П. га эксперимент жорий қилиниши муносабати билан у билимнинг мустақил соҳасига ажралиб чиқди. Бироқ ўша вақтда П. нинг кўп акаллари унинг тутган сохта субъективистик методологик позициялари буржуача П. ни кризисга олиб келди, 20-асрда у бир қанча идеалистик ва механистик оқимларга — *бихевиоризм, гештальт-психология, фрейдизм* ва б. — бўлиниб кетди. Диалектик материализмга асосланган фан сифатида П. СССРда вужудга келди. Бу фан П. нинг ривожланишида тарихан янги босқичдир. Илмий П. марксча-ленинча билиш назариясидан келиб чиққан бўлиб, *Семенов* илгари сўрган ва *И. Павлов*

ривожлантирган психик ҳолат рефлексор назариясидан иборат ўз табиий-илмий асосига эгадир. Ҳозирги замон П. си жуда табақалаштирилган бўлиб, психик фаолиятни ва унинг қонуларини ўрганувчи умумий П. дан ташқари, болалар П. сани, педагогика П. сани, меҳнат П. сани, инженерлик П. сани, космик П. ни ва б. ларни ўз ичига олади. П. нинг муҳим вазифаларидан бири — кишиларнинг меҳнат фаолиятини, айниқса инсон энг янги техникани бошқараётганлиги муносабати билан, тадқиқ қилишдан иборат. Социализм шароитида П. янги кишиларнинг, хусусан ёш авлоднинг маънавий қиёфасининг шаклланишини тадқиқ этмоқда, шахнинг, унинг жисмоний ва ақлий қобил-ялларнинг ҳар томонлама ривожланишига ёрдамлашадиган воситалар ва методларни қидариб толомоқда. П. психик фаолиятнинг, унинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг қонуниятларини очиб бериб, диалектик-материалистик билиш назариясини ва логикасини тузиш учун қимматли материал бермоқда (*Олий нерв фаолияти*).

ПСИХОСОМАТИКА — субъектив-идеалистик медик-психологик назария бўлиб, бу назария инсонни жон билан танининг яхлит бирлиги деб қарайди ва лекин психикани ижтимоий-тарихий практикадан ажратилган қандайдир бир нарсага, инсон организмдаги ҳамма процессларнинг бирламчи ибтидосига ва асосига айлантиради. П. *фрейдизм* руҳида инсоннинг хатти-ҳаракатидаги, касалликларнинг пайдо бўлиши ва соғлиқнинг сақланишидаги психик реакцияларнинг ролини абсолютлаштиради. П. 20- асрнинг 30- йилларида пайдо бўлди (Александр ва Данбэр).

ПСИХОФИЗИК ПАРАЛЛЕЛИЗМ — буржуа психологиясида бир йўналиш бўлиб, у *идеявийлик* сифатидаги психик ҳолат билан моддийлик сифатидаги физиологик ёки физик ҳолатнинг ўзаро муносабати масаласини дуалистларча (*Дуализм*) ҳал қилади. П. п. тарафдорлари (В. Вундт, Т. Липпс, Г. Эббингауз, Э. Б. Титченер, Т. Рибо ва б.) психик ҳолат билан

физиологик ҳолатни бир-бирига боғлиқ бўлмаган, мустақил, параллел суратда борувчи сабаб-натижа қаторларидир, деб қарайдилар. Лекин жисмоний жароҳатлар, мас., психиканинг ҳолатига таъсир кўрсатиши, психик процессларнинг маънавий мазмуни физиологик процессларнинг оқимини ўзгартириши сабабли, П. п., одатда, психофизик ўзаро таъсир назарияси билан тўлатилади (Л. Буссе, К. Штумпер, О. Кюльпе ва б.), бу назарияга кўра психик ҳолат билан физиологик ҳолат доимо бир-бирига таъсир кўрсатиб туради. Бунда ҳам, вольгар-материалистик концепциядаги сингари, психиканинг идеявий мазмуни физиология билан нисбатдош қилиш принципининг ўзи бемаънидир. Ҳақиқатда эса психик процессларнинг мазмуни объектив оламга ва унинг амалий-назарий ўзлаштирилишига боғлиб, сабабли равишда аниқлаб берилгандир. Физиологик процесслар — зарур моддий механизм бўлиб, бу механизм инсоннинг ҳаётий фаолиятини ва бутун ижтимоий функцияларини, шу жумладан билиш, инъикос процессини ҳам таъминлаб туради. Лекин ўз-ўзигича физиология психик процессларнинг мазмунини белгиламайди. Шунинг учун гносеологик тарзда психик ҳолатни инъикоснинг физиологик механизмига эмас, балки инъикос этувчи нарсага қарама-қарши қўймоқ керак. П. п. пировард ҳисобда заруран психосоматик руҳдаги идеалистик хулосаларга келади.

ПСИХОФИЗИК ПРОБЛЕМА — психик ҳолатнинг физик ҳолатга муносабати масаласи. П. п. 17- асрда Декарт икки субстанциянинг (кўламли ва фикр қилмайдиган материя-субстанциянинг ва фикр қиладиган ва лекин кўлами бўлмаган руҳ-субстанциянинг) мавжудлигини даъво қилиб, руҳ билан жисмни кескин суратда қарама-қарши қилиб қўйгандан кейин айниқса кескин тус олди. П. п. ни ҳал этишнинг сохта тенденциялари ҳозирга қадар ҳам буржуа психологиясида ҳукмрон бўлиб қолмоқда, бу психологияда *психофизик параллелизм* деган назария ва унинг турли кўриниш-

лари энг кўп тарқалган ҳолича қолиб келмоқда. П. п. га диалектик-материалистик муносабат оламнинг бирлиги унинг моддийлигидадир, деган қоидага асосланади. Психик ҳолат алоҳида ибтидо (субстанция) эмас, балки материянинг ривожланиш маҳсулидир.

ПУАНКАРЕ Анри (1854—1912) — француз математиги, Париж ун-тини-нинг профессори, Париж ФА аъзоси. Асосий асарлари математик физикага, дифференциал тенгламаларга, комбинаторий топологияга, осмон механикасига ва ҳ. к. бағишланган. П. 1905 йилда *Энштейн* билан бир вақтда махсус *нисбият назариясининг* асосий тушунчаларига келди. П., фан қонун-

лари реал оламга оид эмасдир, балки ўзбошимча битимлардан (конвенциялардан) иборатдир, деб ҳисобларди, унинг фикрича, бу битимлар тегишли ҳодисаларни (*Махнинг* «фикрни тежаш принципи»га мувофиқ) энг қулай ва фойдали тасвирлашга хизмат қилмоғи лозим. В. И. Ленин сўзлари билан айтганда. «Пуанкаре «оригинал» назариясининг асл моҳияти... табиатнинг объектив реаллигини ва объектив қонуниятини инкор қилишдан иборатдир». (18-т., 190-б.) П. нинг *конвенционалиزم* физик идеализмнинг турли кўринишларидан биридир. П. математикада интуиционистик (конструктив) йўналишнинг ўтмишдошларидан бири эди.

Р

РАВАНДИЙ Абул Хасан Аҳмад ибн Яхё ибн Исҳоқ (тахминан 827—864)—ўрта аср Шарқининг прогрессив мутафаккири. Унинг тўғрисида жуда кам маълумот сақланиб қолган, чунки Р. «таниқли шаккок, даҳрий» эди. Кейинчалик ортодоксал муаллифлар томонидан онгли равишда эсга олинмай қўйилган, унинг китоблари эса йўқ қилиб юборилган. Р. фалсафа масалаларига кўп эътибор берди. Бағдодда таълим олиб, грек ва яҳудий фалсафасини ўрганди. У аввалига мўътазиллийларга эргашди, кейинчалик шиизмга мойиллик билдириб, оқибатда эса материализм ва атеизмга яқинлашди. Р. ўз замонасининг йиринк олими бўлиб, 114 га яқин асар ёзган. У ўз гоёларини пантеистик формада ифода этган, кўзга кўринган материалист бўлган. Р. ўзининг кўпгина асарларида исломнинг диний-идеалистик таълимоти ва ақидаларини танқид қилган. У «Ат тож» деган асарига дунёнинг абадийлигини исботлашга уринган; «Китоб аз Зумрад» рисоласида пайғамбарларга қарши чиққан ҳамда ислом ва унинг ақидаларини танқид қилган, «Ад дами» («Тўкиладиган») да худони ёвузликни яратиш ва бошқаларда айблаган. Р. Қуръоннинг худо томонидан юборилганини тан олмай, уни ақл хулосаларига зид келадиган, бадний жиҳатдан хом асар сифатида талқин этган, пайғамбарлик миссиясига ишонмаган.

РАДИОАКТИВЛИК — атом ядроларининг спонтанн (ўз-ўзидан) парчалайиши бўлиб, бу парчаланнш турли хилдаги нурланишлар ҳамроҳлигида содир бўлади. Сунъий ва табиий Р. мавжуддир (радиоактивнн изотопларнинг вужудга келтирилиши). Ҳозирги вақтда Р. ҳодисасидан фанда (минералларнинг ёшини аниқлаш ва ҳ. к.), техникада (нишонланган атомлар), ҳарбий ишда (атом бомбаси) ва ш. к.

кенг фойдаланилмоқда. Р. нинг кашф этилиши (Беккерель, 1896) атомнинг бўлинмаслигига бўлган ишончни пучга чиқарди. В. И. Ленин «Материализм ва эмпириокритицизм» китобида Р. нинг кашф этилишини илмий диалектик-материалистик нуқтан назардан тушунтириб берди, бу китобида у материаянинг битмас-туганмаслигини, уни билишдаги ҳамма чегараларнинг нисбийлигини кўрсатди.

РАДИШЧЕВ Александр Николаевич (1749—1802)— рус ёзувчиси, Россияда революцион фикрнинг биринчи мутафаккири, материалист. Лейпциг ун-тегида таҳсил кўрган (1766—71). Р. нинг қарашларининг шаклланишига *Руссо, Гельвеций, Мабли, Дидронинг* социологик идеялари муҳим таъсир кўрсатди. Маблининг «Греция тарихи тўғрисида ўйлар» китобини ўзи қилган таржимасининг изоҳида (1773) Р. самодержавиени «инсонлик зотига қарши энг жирканч ҳолат» деб қоралаган эди. «Тобольскда истиқомат қилувчи дўстимга хат»ида (1782) Р., подшолар халқ «эрки» учун ўз ҳокимиятидан ҳеч қачон кечган эмас ва кечмайди ҳам, деб таъкидлаган эди. Р. нинг «Эрк» одаси (1783) инглиз ва америка революцияларининг «буюк намунаси»ни— Кромвель томонидан королнинг қатл этилишини ва америка колонистларининг озодлик учун олиб борган қуроли курашини мадҳ этган эди. «Ф. В. Ушаковнинг ҳаёти» асарида (1789) Р. «сабр косаси тўлиш» даражасига етказилган халқнинг кўзғолонини «азоб-уқубат чекаётган жамият»ни озод қилиш гарови деб эълон қилди ва «ҳокимияг кўзидан пардани олиб ташлаш»га, яъни подшоларга мурожаат қилиши йўли билан халқнинг қисматини енгиллаштиришга уринувчиларни қоралади. Бу асарларда ишлаб чиқилган концепция Р. нинг «Петербургдан

Москвага саёҳат» деган асосий асариди (1790) рус ҳаётидан олинган материал билан ҳар томонлама асослаб берилди. Бу асарда либералларча ислохотчилик йўллари билан халққа ёрдам беришга урнининг бефойдалиги кўрсатилган ва келажакдаги халқ революциясининг шартли сифатида халқни революцион маърифатли қилиш вазифаси илгари сурилган. Р.нинг сиёсий ғоялари асосида—17—18-асрлардаги энг муҳим воқеалар: Ғарбдаги ғолибона буржуа революциялари ва Екатерина II «маърифатли абсолютизм» сиёсатининг шарманда бўлганлиги, бу идора усули «юқорига умид боғлашнинг бефойдалигини (1773—75 йиллардаги деҳқонлар уруши воқеаларидан кейин айниқса яққол суратда) кўрсатганлиги умумлаштирилган. «Саёҳат»нинг нашр этгани учун Р. ўлим жазосига ҳукм қилинган, сўнгра бу жазо Сибирга (1797 йилгача) сургун қилиш билан алмаштирилган. Сургунда Р. «Инсон, унинг ўлиши ва ўлмаслиги ҳақида» фалсафий трактат ёзиб (1792), унда руҳнинг ўлмаслиги деган масалани қараб чиққан, батамом қарама-қарши бўлган икки қарашлар системасини: 18-асрдаги француз ва инглиз материалистлари (*Гольбах, Гельвеций, Пристли*) қарашлари системаси билан 17—18-асрлардаги немис идеалистлари (*Лейбниц, Гердер, Мендельсон*) қарашлари системасини тўқнаштирган. Р. мазкур материалистларнинг далилларини тажриба ва исботга асосланган далиллар деб, идеалистларнинг даъволарини эса, «хаёл»га туташ бўлган ақл сотиш фалсафаси деб тавсифлаш билан бирга руҳнинг ўлиши ҳақидаги исботларнинг материалистик системасида диалектик идеяларини, жумладан Лейбницнинг, «ҳозирда келажакнинг куртаги бор» деган идеясини татбиқ этишга урияди. У инсоннинг ердаги ҳаётида у ўлгандан кейин руҳнинг яшashi мумкинлигидан далолат берувчи ҳеч нарса йўқлигини кўрсатди. Бироқ Р. чекланган метафизик материализм нуқтаи назаридан ҳар ҳолда инсон билишининг активлиги фактини — немис идеализмининг ва-

киллари дастмоя қилиб юрган ана шу фактни пухта ўйлаб англаб ололмади. Умрининг охирида Р.нинг француз революцияси натижаларидан ҳафсаласи пир бўла бошлади. Р. «эркинлик» ва «қуллик»нинг доиравий айланиши идеясига қўшилган ҳолда яқинчилар диктатурасини эркинликнинг бузилиб мутлақ ҳокимликка айланишини кўрсатувчи янги мисол деб талқин қилди. Халқларга «бахт, эҳшилик ва эркинлик» олиб келатган «умид кемаси» ғарқ бўлганлигининг шохиди бўлгач ва Екатерина II нинг ясама либерализми Александр I идора усулида такрорланаётганлигини кўргач, Р. ўз-ўзини ўлдирди. Умуман Р.нинг ижтимоий-сиёсий қарашлари эволюцияси маърифатчиларнинг ва француз революция йўлбошчиларининг сўнги авлоди учун (Г. Рейналь, Пейн, *Кондорсе*, К. Демулен ва б.) характерли бўлган буржуа-демократик радикализмнинг шиддатли парвозини ва сўнгра унинг революция давомида синфий зиддиятларнинг чуқурлашиб кетганлиги билан боғлиқ ҳолда юз берган энг чуқур кризисини акс эттирарди.

РАЙЛ Жилберт (1900 йил туғ.) — инглиз философи, лингвистик философия деб аталувчи оқимнинг лидерларидан бири, Оксфордда философия профессори. Р.нинг фикрича, философиянинг вазифаси — бизнинг билувчилик воситаларимизни номукамал тушуниш орқасида пайдо бўлган проблемаларни ҳал қилишдан иборат, холос. Р., фикрларнинг грамматик ифода формаси кўп ҳолларда бизни адаштиради ва категориал хатолар деб аталувчи хатоларга олиб келади деб ҳисоблайди. Р. «Рух тушунчаси» деган асосий асариди (1949) *бихевиоризмга* жуда яқин бўлган концепцияни илгари суради.

РАМАКРИШНА (ҳақиқий номи — Гададхар Чаттержи) (1834—86) — Ҳиндустоннинг жамоат арбоби, *ҳиндуизмнинг* реформатори. Р. ягона умумий башарий динни тарғиб қилиб чиқди, бу диннинг фалсафий асослари *ведантадан* ва шакти-тантрадан олинган. Р. ведантанинг турли мактаблар-

рини келиштиришга уриниб, уларни йогча руҳий тажрибанинг турли босқичлари шаклида тасаввур этарди. У ички тафовутлардан маҳрум бўлган Шанкара абсолютини (ниргуна браҳманни) борлиқнинг олий ибтидоси деб эътироф қилиш билан бирга оламнинг хаёлий эканлиги ҳақидаги концепцияга қарши чиқди, ижтимоий фаолиятнинг муҳимлигини ҳимоя қилди. Ижтимоий фаолиятни у жуда тор тушунарди ва уни асосан филантропиядан ва умумий «руҳий камолот» ҳақида қайғуришдан иборат қилиб кўярди. Пулнинг ялпи ҳокимлигини, ажнабий асоратчиларнинг зўравонлигини ва ҳ. к. ифодаловчи темир асрининг (кали-юга) кулфат-офатларини бартараф этишнинг калитини Р. ана шундай деб биларди. Унинг кали-юга ҳақидаги мулоҳазаларида англиз мустамлакачилик ҳукмронлигининг оқибатларини яққол фош қилиб ташлашлар миллатни диний эътиқод воситаси билан қайта бунёдга келтиришга гўлларча ишонч билан қўшилиб кетарди. Р. нинг ваъз-насиҳатлари мустамлака тартибларига қарши пассив норозилик билдиришдан нарига ўтмас эди. Уша вақтдаги Ҳиндистон шароитида, унда феодал идеологиясининг сарқитлари сифатида сақланиб қолган кўпдан-кўп секталар ва диний таълимотлар ҳукм сурган бир чоқда, ҳар ҳолда Р. нинг ягона динни пропаганда қилиши ўзича бир нав миллий бирликка даъват этиш каби янграрди.

РАССЕЛ Бертран (1872—1970) — англиз философи, логика олими, жамоат арбоби. Р. ҳозирги замон математик логикасига анча ҳисса қўшди. У муносабатлар логикасини ривожлантирди, логик символика тилини такомиллаштирди. Асрининг бошларида Р. *Уайтхед* билан бирликда *Фрегеа* эргашиб, математикани мантиқий асослашга уриниб кўрди (*Логицизм*). Табиёт илминининг фалсафий проблемаларига оид кўп сонли асарлар унинг қаламига мансубдир. Р. нинг айтишича, философия ўз проблемаларини табиёт илмидан олади, унинг вазифаси — табиёт илми прин-

циплари ва тушунчаларини анализ қилиш ва тушунтиришдан иборат; Р. англиз *неореализми* ва *неопозитивизмининг* асосчисидир. Философиянинг асосий масаласини ҳал этишда Р. нинг қарашлари объектив идеализмдан субъектив идеализмга томон ўзгариб борди. Р. нинг фикрича, инсон ҳиссий маълумотлар билан иш кўради. Инсон сезадиган нарса — «факт» дир ёки «фактлар» агрегатидир. Фактларни физик фактлар ҳам, психик фактлар ҳам деб ҳисоблаш мумкин эмас — улар бетарафдир. Р. нинг фикрига кўра, эмпирик тарзда тасдиқланадиган нарсани соф физика соҳасига эмас, балки физикага ва бунинг устига психологиянинг тегишли бўлимига нисбат бермоқ керак. Психология — ҳар қандай эмпирик фаннинг муҳим таркибий қисмидир. Билиш назариясида Р. материалистик инъикос назариясини рад этиб, унинг ўрнига скептицизм философиясини тақлиф этган эди. Р. — диннинг душмани бўлиб, атеистик маслақларни ҳимоя қиларди. У тинчлик Нобель мукофотининг лауреати, умумий қуролсизланиш ҳаракатининг актив қатнашчиси эди; Р. нинг урушга қарши чиқишлари инсониятнинг тараққиёти ишига хизмат қилди.

РАЦИОНАЛИЗМ (лат. *rationalis* — оқилона). 1. *Билиш назариясидаги* таълимот бўлиб, бу таълимотга кўра, ялпи умумийликини ва заруриятни — ишончли билимнинг мантиқий белгиларини — тажрибадан ва унинг умумлашмаларидан чиқариб бўлмайди; уларни фақат ақлнинг ўзидан: ё ақлнинг туғма тушунчаларидан (*Декартнинг туғма идеялар назарияси*), ёки фақат ақлнинг нишоналари, майллари тарздаги на мавжуд бўлган тушунчалардан йиғиб олиш мумкин. Тажриба уларнинг юз беришига маълум даражада қўзғовчи таъсир кўрсатади, лекин мутлақ ялпи умумийлик ва мутлақ зарурият характерини уларга тажрибадан олдин келган ва гўё унга боғлиқ бўлмаган ақл мулоҳазалари ёки априор формалар хабар қилади. Ана шу маънода Р. *эмпиризма* қарама-қаршидир. Р. математика ҳа-

қиқатларининг ва математик табиётнинг мантиқий хусусиятларини изоҳлашга уриниш сифатида пайдо бўлди. Унинг 17-асрдаги вакиллари — Декарт, Спиноза, Лейбниц, 18-асрдаги вакиллари — Кант, Фихте, Шеллинг, Гегель. Р. нинг маҳдудлиги — ялли умумийлик ва заруриятнинг тажрибадан келиб чиққанлигини инкор қилишдадир. Р. бу мантиқий белгиларнинг қатъий характерини абсолютлаштиради, билимнинг камроқ умумийликдан ва заруриятдан тобора кўпроқ умумийликка ва қатъий заруриятга ўтиш диалектикасини билмайди. Р. нинг маҳдудлигини фақат марксизм бартараф қилди, чунки марксизм билишни практика билан бирликда олиб қарайди (*Билиш, Назария ва практика*). Р. билимнинг турли соҳаларида кўп томонлама кўринишларга эгадир. Психологияда Р. интеллектуал психик функцияларни биринчи ўринга суриб, мас., иродани ақлдан иборат қилиб қўяди (Спиноза); ахлоқий фаолиятнинг рационал мотивлари ва принципларини биринчи ўринга суради; эстетикада — ижоднинг рационал (интеллектуал) характерини биринчи ўринга қўяди. Бу ҳолларнинг ҳаммаси Р. ақлга, ақлий мулоҳазанинг яққоллигига, исбот қилишлик кучига ишонишни билдиради. Ана шу маънода Р. *иррационализмга* қарама-қаршидир. 2. Илоҳиётда Р. — шундай бир йўналишдирки, бу йўналишга кўра, ақл логика билан ва ақлнинг далиллари билан мувофиқ деб ҳисоблаган диний эътиқод ақидаларигина мақбулдир.

РЕАКТОЛОГИЯ (лат. ге — қарши; actio — амал) — механистик концепция бўлиб, бу концепция юсак даражада тараққий қилган ҳайвонларнинг ва инсоннинг *психикасини* ташқи таъсирларга бўлган реакцияларнинг арифметик йиғиндиси деб қарайди. Р. 20-асрнинг 20—30-йилларида совет физиологияси ва психологиясида тарқалган эди. «Р.» терминини К. Н. Корнилов киритган эди («Психологик нуқтаи назардан инсон реакциялари ҳақида таълимот», 1922). *Бихевиоризм* сингари, Р. ҳам ташқи таъсир-

нинг ички ҳолатга, организм олий нерв алоқаларининг бутун системасига боғлиқ эканлигини ҳисобга олмас эди. Р. идеалистик психология ва физиологияга қарши курашда бир қадар ижобий роль ўйнади. Лекин Р. нинг механицизми кўп ҳолларда ўснб идеализмга айланиб кетарди.

РЕАЛИЗМ (лат. realis — таъсирли, моддий) — бадий метод бўлиб, бу метод санъатнинг объектив-билувчилик ва эстетик-ўзгартирувчилик табиатини энг тўлиқ гавдалантиради. Р. нинг характерли хусусияти шуки, у инсон шахсини унинг воқеликка бўлган хилма-хил муносабатларида ҳаққоний тасвирлайди, ҳаётнинг индивидуаллаштирилган тасвири воситаси билан қонуниятликини, типиклигини очиб беради. Р. «ҳаққоний тафсилотлардан ташқари, типик характерларни типик ҳолатларда тақрор ҳосил қилишдаги ҳаққонийликини «назарда тутади (Ф. Энгельс). Р. нинг элементлари ва тенденциялари санъат тарихининг илк босқичларидаёқ кўринган эди. Лекин алоҳида бадий метод сифатида Р. Уйғониш даврида таркиб топади (Сервантес, Шекспир ва б.). 19-асрнинг ўргаларида танқидий Р. санъатида энг тугал ифодасини топади. Бу даврдаги реалистик асарларнинг (Стендаль, Бальзак, Диккенс, Хогарт, Домье, Курбе, Менье, Гоголь, Тургенев, Солтиков-Шчедрин, Некрасов, Л. Толстой ва б.) феодал ва буржуа жамияти иллатларини фош қилишга қаратилган асосий пафоси инсонни социал ва маънавий озодликка чиқариш идеяларининг ривожланишида, кишилар онгида демократик ижтимоий идеалларни қарор топшида катта роль ўйнади. Танқидий Р. йўли ҳозирги замонда ҳам капиталистик мамлакатларда ҳозирги буржуа формалистик санъатига қарши турувчи кўпгина прогрессив санъат намоёндаларининг ижодида давом эттирилмоқда. Р. нинг бадий ютуқларидан *социалистик реализм* самарали фойдаланмоқда.

РЕАЛЛИК — нарсаларнинг *йўқлик* билан ҳамда бошқа (мумкин бўлган, эҳтимол тутилган ва ш. к.) борлик

формалари билан таққосланган борлиги. Философия тарихида Р. *воқеликдан* айниқса яққол фарқ қилинган, яъни Р. кўпинча муайян буюмда бирон-бир муҳим нарсанинг борлиги сифатида, нарсанинг ўзининг борлиги сифатида талқин этилган, воқелик эса муайян буюмда бутун мавжуд ва номавжуд нарсанинг мавжудлиги деб тушунилган. Р. марксистик философияда ё объектив реалликка тенг тушунча сифатида, ёки бутун мавжудотнинг мажмуи сифатида талқин этилади (қийс қилинг: *Материя, Моҳият, Мавжудлик*).

РЕВИЗИОНИЗМ (лат. revisio — тафтиш, қайтадан қараш)— ишчиларнинг революцион ҳаракатида марксизмга душман бўлган ва лекин марксизм байроғи остида майдонга чиқаётган оппортунистик оқим. Бу оқим марксизм таълимотини, унинг революцион программасини, стратегия ва тактикасини «қайтадан қараб чиқиш» (ревизия қилиш) йўлини тутганлиги учун шундай ном олган. Р. 19-асрнинг охириларида юзага келди, бу даврда марксизм непролетар социализмининг ҳамма хилдаги кўринишлари устидан тўла галаба қозонган эди. Эски Р. нинг асосий вакиллари (19-асрнинг охири—20-асрнинг бошлари) *Бренштейн, Каутский* (Германия), *Ф. Адлер, О. Бауэр* (Австрия), Франциядаги ўнг социалистлар ва бошқалардан иборат эди. Россияда «экономистлар», меньшевиклар ва кейинроқ, Октябрь революциясидан кейин эса, троцкийчилар, бухариичилар ва бошқалар марксизмни ревизия қилиб чиқдилар. Ревизионистлар марксизмнинг ва унинг ҳамма таркибий қисмлари — философия, сиёсий иқтисод ва илмий коммунизмнинг «мағзини буржуача ситиб чиқариш» (Ленин) билан шуғулландилар. Эски Р. нинг давомчилари бўлмиш ўнг социалистик партияларнинг ҳозирги замондаги лидерлари марксизм билан узил-кесил алоқани уздилар. Қатъий маънода айтганда ҳозирги замон ўнг социализми эндликда Р. деб атала олмайди ва, бинобарин, у марксистик адабиётда *реформизм* деб таърифланмоқда. Ҳо-

зирги замон Р. н деганда коммунистик ҳаракат ичида пайдо бўлаётган ўнг оппортунистик ва «ўл» авантюристик оқимлар тушунилади. Ревизионистлар ўзларининг марксизмдан қайтганликларини жамят тараққиётининг ва синфий курашнинг энг янги шароитларини ҳисобга олиш зарурлиги ҳақидаги сафсаталар билан ниқоблаб, амалда буржуа-реформистик идеологиянинг коммунистик ҳаракатдаги югурдаклари ролини бажармоқдалар, улар «марксизм-ленинизмдан унинг революцион мағзини ситиб чиқаришга, ишчилар синфининг, меҳнаткаш халқнинг социализмга ишончини йўқотишга, ишчиларни, меҳнаткашларни империализмга қарши курашда қуролсизлантиришга ва бу йўлдан қайтаришга интилоқдалар. Ревизионистлар социалистик революциянинг ва пролетариат диктатурасининг тарихий зарурий эканлигини, марксча-ленинча партиянинг раҳбарлик ролини инкор қилмоқдалар, пролетар интернационализмининг асосларига пугур этказмоқдалар, миллатчиликка оғиб кетмоқдалар» (КПСС Программаси). Философия соҳасида ревизионистлар диалектик ва тарихий материализмнинг асосий принципларини бузиб, улар ўрнига ҳозирги замон буржуа философияси ва социологиясидан йиғиб олинган ғоялар тўпламини тиқштирмоқдалар. Материалистик диалектика софистика ва эклектика билан алмаштирилмоқда, субъективизм тарғиб қилинмоқда. Шу билан бирга ревизионистлар омманнинг онгли фаолиятининг аҳамиятини, тарихда субъектив факторнинг ролини камситмоқдалар, вулгар материализм позицияларига ўтиб, стихияли равишда «капитализмнинг социализмга трансформация қилиши»га умид боғламоқдалар. Р. учун шу нарсга характерлики, у фалсафий оқимларнинг икки лагерга — материализм ва идеализмга — бўлинишини инкор этмоқда, идеологиянинг партиявийлик *принципларидан* воз кечмоқда, назарияни *практикадан ажратиб қўймоқда*. Р. га қарши, шунингдек *догматизмга* қарши муросасиз, ҳужумкорона ку-

раш коммунистик партияларнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

РЕВОЛЮЦИОН ВАЗИЯТ — объект шарт-шароитларнинг мажмуи бўлиб, бу шарт-шароитлар муайян ижтимоий тузумнинг иқтисодий ва сиёсий кризисни ифодалайди ва социал революциянинг мумкинлигини белгилайди. В. И. Лениннинг кўрсатишича, Р. в. қуйидаги асосий белгилар билан характерланади: 1. Ҳукмрон синфлар учун ўз ҳукмронлигини ўзгармас ҳолатда сақлаб қолиш имкониятининг йўқлиги. Революциянинг бошланиши учун эскича яшашни «пастдагиларнинг истамаслиги» етарли эмасдир, бунинг устига тагин «юқоридагилар» ҳам эскича қяшай олмайдиган бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда, умуммиллий (эксплуатация қилинувчиларга ҳам, эксплуататорларга ҳам даҳл қилувчи) кризис бўлмаса, революциянинг бўлиши мумкин эмас. 2. Эзилган синфлар муҳтожлиги ва қулфатларининг олатадагидан юқори даражада кескинлашуви. 3. «Тинч» даврда ўзининг таланишига бемалол йўл қўйиб берадиган, алғов-далғов замонларда эса бутун кризис шароитига кўра ҳам, «юқори табақаларнинг» ўзлари томонидан ҳам мустақил тарихий ҳаракатга тортиладиган омманинг активлиги анча кучаяди» (қ. 26-т., 250-б.). Социал революциянинг галаба қилиши учун Р. в. нинг мавжудлигининг ўзигина кифоя қилмайди. Бунинг устига тагин объект шарт-шароитларга субъектив шарт-шароитлар, яъни революцион синфнинг дадил, фидокорона курашга қодирлиги, тўғри стратегия ва тактик раҳбарликни амалга оширадиган тажрибали революцион партиянинг мавжудлиги ҳам келиб қўшилиши керак.

РЕЙХЕНБАХ Ганс (1891—1953) — немис философи ва логика олими, Берлин ун-тетининг физика профессори. Илк асарларида геометриянинг гносеологик табиатини ва нисбият назариясининг манتيқий структурасини анализ қилиб чиққан, 20-йилларда Р.—Берлиндаги илмий философия жамиятининг асосчиларидан бири;

бу Жамият Вена тўғараги билан бирга логик позитивизм ҳаракатининг асосини ташкил этарди. Германияда фашизм галаба қилгандан кейин АҚШга кетиб қолди. Р. сабабиятни, қонуниятни, сабабият ва эҳтимоликнинг, статистик ва динамик қонуниятларнинг муносабатларини анализ қилиш билан шуғулланди ва ҳ. к. Р. гарчи логик позитивизмга ёндашган бўлсада, шунга қарамай, ўзининг баъзи асарларида (мас., «Тажриба ва олдидан кўриш», 1938) у бевосита материализмга яқинлашади. Логика олими сифатида Р. ўзининг эҳтимоли логикага оид асарлари («Эҳтимолилик назарияси», 1935) ва фан қонунларини ифодаловчи мулоҳазаларни (номологик мулоҳазалар назариясини) мантиқий анализ қилишга оид тадқиқотлари билан машҳурдир.

РЕЛЯТИВИЗМ (лат. *relativus* — нисбий) — инсон билимининг нисбийлиги, шартлилиги ва субъективлиги ҳақидаги идеалистик таълимот. Р. билимларнинг нисбийлигини тан олади-ю, лекин билишнинг объективлигини инкор этади, бизнинг билимларимизда объектив олам акс этмайди, деб ҳисоблайди. Бундай нуқтаи назар *Горгий* философиясидаёқ яққол ифодаланган, тўғри, унда Р. диалектиканинг ривожланиши учун ижобий аҳамиятга эга эди. Умуман эса Р. агностик ва субъектив-идеалистик системалар учун характерлидир. У, мас., физик идеализмнинг гносеологик манбаларидан бири эди. Диалектик материализм билишнинг нисбийлигини фақат, билишнинг ҳар бир тарихий босқичи ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётининг муайян даражаси билан ва фаннинг эришган даражаси билан чеклангандир, деган маънода эътироф этади, аммо объектив ҳақиқатни инкор этиш маъносига эътироф этмайди. Ҳозирги замон буржуа философиясида Р. дан материалистик философияга қарши кураш воситаси сифатида фойдаланилмоқда (*Абсолют ва нисбий ҳақиқат*).

РЕНАН Эрнест (1823—92) — француз философи, физиолог ва дин таъ-

рихчиси. Бошлича христианлик тарихига оид асарлари («Инсоннинг ҳаёти», «Христианликнинг келиб чиқиш тарихи» ва б.) билан машҳурдир. Р. нинг фалсафий қарашлари «Фаннинг келажак» (1890), «Фалсафий диалоглар», «Фалсафий драмалар» (1888) асарларида баён қилинган. Р. *позитивизмга* мойиллик кўрсатиб, философиянинг мустақил фан сифатидаги аҳамиятини инкор этарди: «Философия шундай зирavorки, у бўлмаса, ҳамма овқат тамсиз бўлиб туюлади, ammo унинг ўзи овқат бўлишга ярамайди». Р. нинг фикрича, оламнинг табиат қонунарига биноан амалга ошадиган тараққиётнинг мақсади — худодир, унинг таъбирича, бу худо оламда ақлий ибтидоннинг ҳукмронлигидан иборатдир. Камолотга етган, гениал инсон ана шундай ибтидоннинг мужассамоти бўлиб майдонга чиқади. Бу қонда Р. да аристократизм идеяларини тарғиб қилиш учун асос бўлди: маънавий тараққиётнинг олий босқичида турган мумтоз кишиларгина олий идеалларни амалга оширишлари мумкин. Қолган омма, Р. нинг фикрича, фақат мумтоз кишиларнинг яшаши учун зарур шарт бўлиб майдонга келади. Олий мақомотдаги ҳақиқатларни фақат озгина ақл соҳиблари назардан кечирсалар — кифоя. Мумтоз кишилар ва омма ўз бурчларини англаган тақдирдагина ахлоқли ва адолатли жамиятнинг мавжуд бўлиши мумкин. Р. демократия душмани, монархия тарафдори эди. Париж Коммунасига ниҳоятда салбий назар билан қараган эди. Шарқ халқлари фалсафий меросини талқин этишда европоцентризм позициясида, шарқ философиясининг оригиналликни инкор этиш нуқтани назарида турган (қ. *Аверроэс ва аверроизм*).

РЕСКИН ЖОН (1819—1900) — инглиз эстетиги ва танқидчиси. Р. нинг идеалистик қарашларига *Карлейль* таъсир кўрсатган эди. Р. буржуа жамиятини (бу жамиятда индивид «одамнинг қисмчаларига бўлинган, ҳаётнинг майда-майда синикларига ва увоқларига парчалаб ташланган»), унинг паразитлигини ва хулқ-таъвори-

нинг тубанлашганлигини консерватив романтизм нуқтани назаридан танқид қилган. Адолатсиз урушларнинг «асосий илдизи»ни Р. «капиталистларнинг иродасида» деб биларди. Р. нинг идеали — патриархал-хунармандлик ишлаб чиқаришдан иборат бўлиб, у шу ишлаб чиқаришни қайтадан бунёдга келтиришга интиларди. Ялпи умумий таълимни, кишиларга ахлоқий тарбия беришни Р. ижтимоий кулфатлардан қўтилиш воситаси деб ҳисобларди ва бу ишда санъатнинг гоёт катта роль ўйнашини таъкидларди. Эстетик ҳис-туйғунини у туғма деб қарарди. Санъат «тақдирчилик инстинкти»дан ва бирон нарсани гавдалантириш ёки таъсирлаш инстинктини истайдиган пайдо бўлади; санъат — «реал кучимиз билан реал предметларнинг шаклини ўзгартиришдир». Унинг объектив негизи — инсон қўли тегмаган табиатнинг руҳий, илоҳий гўзаллигидир. Мукаммал санъат воқелик гўзаллигини такрор ҳосил қилади ва шу орқали инсонни ахлоқий жиҳатдан юксалтиришга кўтарди. Р. Англиянинг маданий ҳаётига катта таъсир кўрсатарди. Асосий асарлари: «Ҳозирги замон рассомлари» (1843—60, 5 томлик), «Венеция тошлари» (1851—53, 3 томлик), «Санъат ҳақида лекциялар» (1870), «Англия санъати» (1883).

РЕСТАВРАЦИЯ ДАВРИДАГИ ФРАНЦУЗ ТАРИХЧИЛАРИ (Тьерри, Минье, Гизо, Тьер) — Реставрация даврида (19- асрнинг 20- йилларида) майдонга чиққан буржуа тарихчилари. Француз буржуа революцияси таърибаси ва *Сен-Симон* идеялари таъсири остида бу тарихчилар ижтимоий тараққиётни изоҳлашда 18- асрдаги француз материалистларидан ўтиб кетган эдилар. Буржуа жамияти ғалаба қилишидан олдинги феодализм тарихини улар синфлар кураши тарихи деб қарар, синфлар курашини эса буржуазия бошчиллигида «учинчи соловне»нинг дворянларга қарши кураши деб талқин қилар эдилар. Синфий кураш сабабларини улар ижтимоий синфларнинг моддий манфаатлари турличалиги билан боғдардилар. Мас., Тьерри пресвитерианлар билан кат-

ликлар ўртасидаги диний курашнинг сиёсий партияларнинг турли синфларнинг мулкий манфаатлари учун курашидан иборат деб қарарди. Лекин француз тарихчилари ижтимоий ҳаётнинг мулкий муносабатлардан иборат қилиб қўйиб, уларнинг асосларини — ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларини кўрмас эдилар. Синфларнинг келиб чиқиши масаласида улар идеалистик позицияларда турдилар, зўрликка — истилоларга, урушларга — ҳал қилувчи роль берардилар. Либерал буржуа идеологари бўлган Реставрация даври тарихчилари учинчи сословие ичидаги зиддиятларни инкор этар, дворянлар ва руҳонийлардан ташқари, умуман бутун халқни учинчи сословиёга қўшардилар. Улар синфий кураш буржуазиянинг тантанаси учун феодализмга қарши олиб борилганлиги учунгина уни қонуний ва прогрессив кураш деб эътироф этардилар. Лекин пролетариат синфий курашини улар ё кўрмас эдилар, ёки уни нормал, табиий тартибни бузиш деб ҳисоблардилар; синфий товушликни ва капитализмнинг абадийлигини тарғиб қилардилар.

РЕФЛЕКСИЯ (лат. reflexio — орқа қаратиш). Бу термин инъикосни ҳамда билувчилик ҳаракатининг тадқиқотини билдиради. У турли фалсафий системаларда турлича мазмунга эга бўлган. Локк Р. ни билимнинг махсус манбаи деб ҳисоблаган, бунда кузатиш онгининг ички ҳаракатларига йўналтирилади, ваҳоланки сезгининг предмети ташқи нарсалар бўлади. Лейбницнинг назарига, Р. бизда содир бўлаётган нарсага эътиборни қаратишдан бошқа нарса эмасдир. Юмнинг фикрича, идеялар — бу ташқаридан олиннадиган таассуротлар устидаги Р. дир. Гегелнинг назарига, Р. — бир нарсанинг иккинчи нарсада ўзаро инъикосидир, мас., моҳията ҳодисанинг инъикоси. 2. Рефлеклаштирмоқ — онгни ўз-ўзига қаратмоқ, ўз психик ҳолати устида фикр юргизмоқ демакдир.

РЕФОРМАЦИЯ (лат. reformare — шаклини ўзгартмоқ, тузатмоқ) — 16-

асрнинг биринчи ярмида Европада кенг антифеодал ва антикатолик ҳаракат бўлиб, бу ҳаракат протестантизмга асос солган эди. Р. — бу инсоният тарихида биринчи, ҳали енгилмаган буржуа революциясидир; буржуазия дворянларнинг бир қисми билан иттифоқ бўлиб ҳукмрон католик черковига қарши чиқди. Р. Германияда бошланди, сўнгра бир қанча Европа мамлакатларини қамраб олди ва Англия, Шотландия, Дания, Швеция, Норвегия, Голландия, Финляндия, Швейцариянинг, қисман Германия, Чехия, Венгриянинг католик системадан ажралиб кетишига сабаб бўлди. Р. черковни арзонлаштирди, соддалаштирди ва демократлаштирди, ички шахсий эътиқодни диндорликнинг ташқи кўринишларидан юқори қўйди, буржуа ахлоқ нормаларига илоҳий фотиҳа берди. Р. галаба қилган мамлакатларда черков давлатга қарам бўлиб қолгач, католик мамлакатлардагига қараганда ҳокимиятдан камроқ фойдаланадиган бўлиб қолди, бу эса фаннинг ва умуман дунёвий маданиятнинг ривожланишини енгиллаштирди. Янги диннинг миллий характери буржуа миллатларининг қарор топишига мувофиқ келарди. Р. да дворянлар ва бюрократларнинг лагерлари билан бир қаторда деҳқон-плебейлар лагерини ҳам мавжуд эди. Бу лагернинг вакиллари фақат руҳонийларга эмас, балки дворянларга ҳам, фақат сословие тенгсизлигига эмас, балки мулкий тенгсизликка ҳам қарши чиқдилар. Бу масалада улар инжилнинг илк христианликка бориб тақаладиган баъзи қондаларига таянар эдилар (Мюнцер). Католиклар Р. га контрреформация билан жавоб бердилар ва бу контрреформация протестантизмнинг Европа қитъасида янада ёйилишига хотима беришга ва уни Польшада ҳамда Францияда туб томири билан йўқ қилишга муваффақ бўлди.

РЕФОРМИЗМ (лат. reformare — ислоҳ қилмоқ) — ишчилар ҳаракати ичидаги сиёсий оқим бўлиб, бу оқим синфий курашнинг, социалистик революциянинг ва пролетариат диктатура-

сининг зарурлигини инкор этади, синфларнинг ҳамкорлигини тарғиб қилади ва ёлғиз реформалар ёрдами билан капитализмни «умумий роҳат-фароғат» жамиятига айлантиришга умид боғлайди. Р. 19-асрнинг охириги чорагида пайдо бўлди. Унинг социал базаси — ишчилар синфининг ишчи аристократияси деб аталувчи юқори табақасидан, «ўрта табақалар»нинг вакилларидан, касаба союзи бюрократиясидан иборат. Р. *ревизионизм* билан маҳкам боғлиқдир. Ҳозирги замон Р. ни реформистларнинг халқаро бирлашмаси бўлмиш Социалистик интернационал (1951 йилда таъсис этилган) ифодалайди. Унинг бир бутун, ягона дунёқаровчилик асоси йўқдир. Янги кантичилик, позитивизм, абстракт антропологизм, христианлик идеяларини эклектиklarча бирга қўшишдан шундай бир ола-була мато ҳосил бўлганки, бу мато Р. назарийётчиларининг (А. Филип, В. Эйхлер, П. Боннель, Ж. Стрэчи ва б.) маънавий қашшоқлигини бекитиб турибди. Диалектикани улар эскирган деб эълон этиб, сийқа эволюционизмни тарғиб қилмоқдалар; улар материализмни улоқтириб ташламоқдалар, социализмнинг табиий-тарихий, иқтисодий муқаррарлигини афсона деб эълон қилмоқдалар; социализмни улар руҳ соҳасидан, индивидуумнинг ғайрий замонавий ва ғайри синфий ахлоқий тасавурларидан «келтириб чиқармоқдалар». Социализмнинг атенстик традицияларига хиёнат қилинди: клерикализм билан иттифоқ тузиш, фан билан динни келиштириш ўнг социал демократиянинг программ талаби бўлиб қолди. Ҳозирги замон Р. и ўнг лидерларининг характерли хусусияти — ошкора *антикоммунизм*дир. «Антикоммунизм социал-реформизмни ғоявий-сиёсий жиҳатдан боши берк кўчага киритиб қўйди. Бу — социал-демократизм кризисининг асосий сабабларидан биридир» (КПСС Программаси). Социал-демократиянинг кризиси — *капитализм умумий кризисининг* қонуниятли натижаси, Р. нинг бутун тарихининг якунидир. Янги программаларнинг қабул қилиниши

(1958—61) Р. нинг урушдан кейинги эволюциясини, унинг капиталистик муносабатлар системасига ўсиб киришини тугаллади. Социал-реформизмнинг энг реакцион йўлбошчилари давлат-монополистик капитализмни очқалдан-очик ҳимоя қилмоқдалар, империализмнинг агрессив интилишларини қўллаб-қувватламоқдалар. Р. пролетариатнинг синфий ўз-ўзини англашига тўсқинлик қилмоқда. Р. га қарши кураш, ишчилар синфининг ажралиб кетишини бартараф қилиш — коммунистик ҳаракатнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Жамиятти революцион йўл билан қайта қурмасдан, яъни капитализмни йўқ қилмасдан туриб, ҳеч қандай реформалар социализмни вужудга келтира олмайди. Коммунистлар Р. нинг ўнг оппортунистик практикасини ва идеологиясини танқид қилиш билан бирга, тинчлик, демократия ва социализм учун курашда социал-демократик партиялар билан ҳамкорлик қилишни актив ёқлаб кўрмоқдалар.

РИККЕРТ Генрих (1863—1936) — немис идеалист философи, *Виндельбанд* билан бирга янги кантичилик *баден мактабининг* бошлиғи. Р. тадқиқотнинг мақсади — билишнинг турли соҳаларидаги имкониятлари ва методларини ўрганишдан иборат, деб ҳисобларди. У тарихий фанлар ва фалсафий тадқиқот методологиясига алоҳида эътибор берарди. Р. фанда икки метод: генераллаштирувчи абстракция методи (табиётда) ва индивидуаллаштирувчи абстракция методи (тарихий фанларда) бор, деб ҳисобларди. Бениҳоя хилма-хил индивидуал объектларни ишлаб берадиган биринчи метод ҳаммасини қамраб оладиган тушунчалар ва қонуналарни ифодалаб бериш имкониятини тугдирса, иккинчиси айрим воқеа ва ҳодисаларнинг инсон эркин равишда танлаб олади деган ахлоқий «қимматдорлар» билан, платонча типдаги идеявий моҳиятлар билан алоқасини аниқлашга имкон беради. Р. нинг фикрича, ҳамма воқеалар индивидуаллаштирилган жамият тарихида объектив қонуналар йўқдир. Р. нинг ахлоқий қарашлари

ўз замонасининг социологиясига анча таъсир кўрсатган. Асосий асарлари: «Билиш предмети» (1892), «Тушунчаларнинг табиий-идмий тузилиш чегаралари» (1896), «Фалсафий методология, онтология, ва антропологиянинг асосий проблемалари» (1934).

РОБИНЕ Жан Батист Рене (1735—1820)— француз материалист философи. Унинг қарашларининг асосий ғоявий манбалари Локк ва Кондильяк таълимотларидан иборат бўлиб, Лейбниц идеяларининг таъсирини ҳам кечирган эди. Р. макон ва замонада бениҳоя моддий субстанцияни эътироф қиларди. Табиатнинг хилма-хиллиги умумий бирлик ва уйғунлик принципига бўйсундирилгандир, бу эса нарсаларнинг сабабий боғланиши тақозоси билан юзага келгандир. Сабабиятнинг тушунишда у юмча концепцияга ён босарди (Юм). Р.—*гиллозоизм* тарафдори бўлиб, анималькулаларни — энг майда тирик зотларни — олам бисонининг элементар гиштчалари ҳисобларди. Р. материализмининг ноизчиллиги оламни моддий субстанциядан яратган худони эътироф этишда ифодаланади. Унинг билиш назариясига кўра, сезгилар — билимларнинг, шу жумладан назарий тафккурнинг манбаидир. Р. уч тилдаги ишонччиликка — ҳиссий, намоёншкорона, интуитив ишонччиликка мувофиқ равишда билишнинг уч хилини — сезги, муҳокама ва интуицияни — бири-биридан фарқ қилган. Идеяларни объектларнинг копиялари ҳисоблаб, Платон идеализмини танқид қилган; ҳиссий билишнинг ташқи ҳодисалар билан чеклаб қўйган, лекин инсон билишнинг чексизлигига ишонганлиги унинг қарашларини *агностицизмдан* фарқ қилдиради. Асосий асари: «Табиат тўғрисида» (1761—66).

РОЗИЙ Закария (864—925)— буюк мутафаккир, энциклопедист олим, медицина, химия ва бошқа фанлар бўйича кўплаб рисоалар яратиб билан бирга, фалсафа, хусусан табиат фалсафаси билан ҳам шуғулланган. Р.нинг фалсафий қарашлари Эрон ва ҳинд диний-фалсафий системалари ҳамда қадимги грек материалистлар

рининг таълимоти асосида шаклланди. Унинг дунёқарашида материалистик томон кучли. Р. дунё бешта абдий ибтидодан (яратувчи, мутлақ макон, мутлақ замон, жон ва материядан) ташкил топади деб тасдиқлайди. У ҳаракатни нарсаларнинг ажралмас хусусияти деб ҳисоблаган ва унинг манбаини нарсаларнинг ўз ичидан қидирган. Р. маълум даражада Демокритнинг атомлар ва бўшлиқ тўғрисидаги назариясини тиклади ва идеалистик таълимотга қарши чиқиб, жон ва таниннинг бирлиги тўғрисидаги тезисни олға сурди. Билиш масалаларида ҳам Розий, ҳамма вақт изчил бўлмаса ҳам, материалистик тенденцияда турди. У табиатни билиш имконияти ҳақидаги фикрларни олға суриб, тажрибага катта аҳамият берди. Диний масалаларда мутакаллимлар ва умуман ҳукмрон идеологиядан чекинди, пайғамбарликни, шунингдек «муқаддас» китобларни — Библия, Таврот, Қуръон ва бошқаларни танқид қилди. Р. бизгача етиб келмаган иккита бидъат асар—«Маҳорик ал анбий» («Пайғамбарларнинг найранглари») ва «Хиёл ал мутанабия» («Сохта пайғамбарларнинг ҳийлалари»)нинг муаллифи бўлган. Бу асарларида у пайғамбарлар ва руҳонийларнинг фарибгарлик ва алдамчиликларини фош этди, кишиларнинг тенглиги ҳақидаги ғояни тарғиб қилди. Р.нинг фалсафий ғоялари эркин фикр юритиш ва прогрессив фалсафий қарашларнинг янада ривожланишида муҳим роль ўйнади.

РОМАНТИЗМ (французча: roman-tisme; лат. romanus — римча) — баддий метод бўлиб, бу методда санъаткорнинг тасвирланувчи ҳодисаларга муносабати яққол ифодаланган бўлади, бу эса санъат асарларига кўтарикилик руҳини, ҳис-туйғуларнинг алоҳида жўш-хурушини бағишлайди. Р. 19-асрнинг 20—30-йилларида Европа санъатида классицизм ўрнига келди. Унинг пайдо бўлишига икки хил манба асос бўлди: а) халқнинг феодализмга ва миллий зулмга қарши озодлик ҳаракати; б) кенг жамоатчилик доираларининг 18-аср рево-

люцияларнинг натижаларидан ҳафсаласининг пир бўлиши. Бу ҳол Р. да икки оқимнинг шаклланишини олдиндан белгилаб қўйди. Бу оқимлардан бири буржуа тузумининг ғалабасига реакциядан иборат бўлиб, айни вақтда у революцион ва халқ ҳаракатларидан даҳшатга келарди. Унда капитализмнинг танқид қилиниши, одатда, бир томонлама характерга эга эди: унинг фақат салбий томонлари кўриларди ва янги тузумнинг ғалабаси ўзи билан бирга олиб келган прогрессив нарса эътиборсиз қолдирилди. Бу тенденция ўрта асрчилик ўтмишини мадҳ этишдан иборат бўлган хаёлий идеалларни яратишда намоён бўларди (Тик, Шлегель, Новалис, Жуковский, Кульбах ва б.). Иккинчи асосий оқим прогрессив, революцион йўналишга эга бўлиб, у жамият кенг доираларининг социал тузумини ҳам буржуа системасига, ҳам феодал системасига қарши, сиёсий реакцияга қарши норозилигини ифодаларди (Байрон, Шелли, Гюго, Занд, Мишкевич, Петефи, Рилеев, Делакура, Брюллово, Шопен, Берлиоз, Лист). Гарчи Р. нинг бу оқимининг ҳам эстетик идеаллари кўпинча утопик характерга эга бўлиб, романтикларнинг образлари эса икки ёқламалик, ички фоживийлик билан ажралиб турса-да, ҳар ҳолда улар буржуа жамиятининг зиддиятларини маълум даражада тушунишни, кенг халқ оммасининг ҳаётга қизиқишини ифодаларди ва бу идеаллар келажакка қаратилган эди. Р. нинг воқеликни бирон-бир эстетик идеал нуқтаи назаридан қайта яратишга интилишда ифодаланадиган элементлари бошқа бадий методларга, шу жумладан реализмга ҳам ҳосидир. Революцион романтика — тарихий баъворатнинг бадий формаси, санъаткор орзу-хаёлларининг гавдалениши — социалистик реализмнинг тарихий қисмидир.

РОМАНТИК МАКТАБ — романтизмнинг биринчи етук ифодаси. Бу мактаб 18-асрнинг охири — 19-асрнинг бошларида Германияда мавжуд эди. У 1798—1800 йилларда равнақ топди, чунки бу даврда Иенада ада-

бий танқидчилардан Фридрих ва Август Шлегеллар, Каролина Шлегелнинг, шoirлардан Тик ва Новалиснинг, философлардан Шеллинг ва Шлейерхеймернинг маҳкам ҳамкорлиги йўлга қўйилган эди. Бу даврда «Атенеи» журнали نامў эитиларди (1796). Р. м. маърифат рационализмига қарши чиқиб, уни ҳис-туйғуларга сиғинишга ва ижодий экстазнинг «жонсиз мулоҳазакорлиги»га қарама-қарши қилиб қўйди; унинг даъвосича, бу ижодий экстаз табиат силарини олимнинг жон кўйдириб ишлашига қараганда чуқурроқ очиб берар эмиш. Романтиклар ниҳоялик билан ниҳоясизлик ўртасидаги зиддият кечинмасини, ниҳоясизликка эришиб бўлмаслик муносабати билан чекиладиган ғам-ғуссани, ўзингга ва ўз ижодингга кинояли қарашни билишнинг ҳаракатлантирувчи кучи деб ҳисоблардилар. Р. м. вакиллари муҳаббатни, табиатга мистик сиғинишни, бадий ижодиётни, диний кечинмани ниҳоясизликка эришшнинг эҳтимолий воситаси деб ҳисоблардилар. Улар феодал-католик ўтмишни идеаллаштирадилар, улардан баъзилари Реставрация идеологлари бўлиб қолдилар. Кейинчалик Р. м. Франция, Польша, Италия, Испания, Дания, АҚШда пайдо бўлди.

«РОМАНТИК» СОЦИОЛОГИЯ — социологияда бир оқим бўлиб, у 19-асрнинг ўрталарида Англия ва Германияда вужудга келган. Аввалида «Р.» с. феодал социализм билан чирмашиб кетган эди (*Карлейль*), кейинчалик унинг идеяларини немис фашизмнинг идеологлари (Гюнтер, Крик, Розенберг ва б.) ривожлантирдилар. «Р.» с. вакиллари цивилизацияни танқид қилиб, буржуа демократиясини рад этмоқдалар. Уларнинг фикрича, инсоният кириб қолган боши берк кўчадан чиқишнинг бирдан-бир йўли «жаҳон экспансияси» йўли билан мавжуд тартибни ўзгартишдан иборат. «Р.» с. тарафдорлари ўз идеяларини ирқчилик назарияси билан боғлаб, Гобнодан бошлаб орий қабилаларининг қахрамонона ўтмишига сиғинишни даъво қилмоқдалар ва

«чангалзор қонунари»га, ҳарбий дружина қонунарига қайтишга даъват этмоқдалар ва қолий орий ирқининг бошқа халқлар устидан ҳукмрон бўлишини эълон қилмоқдалар.

РОСЦЕЛИН Иоани (тах. 1050—тах. 1120)—компьенлик. (Франция) ўрта аср схоласти. *Ансельм Кентерберрий* ва *Абеляр* билан қилган мунозараси, шунингдек авлиёни «салосани» («уч авлиёни») айрим-айрим уч худонинг йиғиндиси деб еритикларча талқин этиши билан шўҳрат қозонган. Бу тритенстик (уч худолик) таълимоти черков қоралади ва натижада Р. Суассон жомесида ундан воз кечишга мажбур бўлди (1092). Р.—ўрта аср философиясида номиналистик анъананинг асосчиларидан бири (*Номинализм*). Ансельмнинг айтишича, Р., умумий тушунчалар—фақат номлардир, шунчаки «ҳавони қалқитишдир» (*flatus vocis*) деб даъво қилган. Р.—нинг фикрича, реал тарзда фақат ҳиссий равишда идрок этиладиган айрим-айрим нарсаларгина мавжуддир. Унинг асарларидан *Абеляр*га эътилган бир хат сақланиб қолган.

РУССО Жан Жак (1712—78)—француз маърифатчиларининг сўл майда буржуа қанотининг вакили, философ, социолог, жаҳон аҳамиятига эга бўлган бадий асарларнинг автор, педагогика назарийчиларидан бири. Р. нинг асосий фалсафий ва социологик асарлари: «Одамлар орасида тенгсизликнинг келиб чиқиши ва асослари ҳақида мулоҳаза» (1755) ва «Ижтимоий шартнома» (1762). Дунёқараш масалаларида Р. *деизмга* амал қиларди. Худонинг борлигини эътироф қилиш билан бирга руҳнинг ўлмаслигини ҳам эътироф қиларди. Р. материя билан руҳни азалдан мавжуд бўлган икки ибтидо деб қарарди (*Дуализм*). Библии назариясида, гарчи ахлоқий идеяларнинг турғиллигини эътироф этса-да, *сенсуализмга* амал қиларди. Социолог сифатида Р. радикал позицияни ишғол қиларди. У феодал-сословие муносабатларини ва мустабид идора усулини қаттиқ танқид қилар, буржуа де-

мократиясини ва граждандар эркинлигини, *наса-насабдан* қатъи назар кишиларнинг тенглигини ёқлаб сўзларди. Тенгсизликнинг сабабини Р. хусусий мулкнинг пайдо бўлишида деб биларди. Шу билан бирга у майда мулкни абадий сақлаб қолиш тарафдори эди. *Ижтимоий шартнома* назариясининг тарафдори бўлганлигидан Р., *Гоббсдан* фарқли ўлароқ, «табiiй ҳолатда» ҳамманинг ҳаммага қарши уруш қилиши уёқда турсин, ҳатто кишилар орасида дўстлик ва иноқлик ҳукм сурарди, деб ҳисобларди. «Эмиль, ёки Тарбия тўғрисида» деган асарда (1762) Р. эски феодал-сословия тарбия системасини қаттиқ танқид қилиб, тарбиянинг мақсади меҳнатни ҳурмат қиладиган актив граждандарни етиштиришдан иборат бўлишини талаб этган эди. Марксизм-ленинизм асосчилари Р. нинг тарихий ролига юксак баҳо бериб, шу билан бирга унинг идеализмини ва буржуача маҳдудлигини қайд қилиб ўтган эдилар.

РУХ (лат. spiritus, айнан: эсиш, насим ҳаво, нафас, ҳид)—кенг маънода олганда, бу тушунча психик фаолиятнинг олий формаси бўлмиш *идеявийликка*, онгга айнан тенгдир; тор маънода эса *тафаккур* тушунчаси билан бирдайdir. Марксгача бўлган философиядаги турли оқимларнинг вакиллари субъектив Р. (субъект, шахс, индивидуум) билан объектив Р. ни (инсондан ажратилган ва мустақил куч сифатида мистификациялаштирилган онгни) фарқ қилиб қарайдилар; субъектив Р. ни абсолютлаштириш *субъектив идеализмга* олиб боради; объектив Р. нинг бирламчилигини эътироф қилиш эса *объектив идеализмга* олиб боради. Антик философия Р. ни назарий фаолият деб қарарди (мас., *Аристотель* назарича Р. фаолиятининг олий формаси—тафаккур ҳақидаги тафаккурдир, назариядан лаззатланишдир). Бироқ Р. бевосита интуитив равишда билинадиган ақлдан ташқари ибтидо деб ҳам тушунарди (*Плотин*). Бундай нуқтан назар сиртдан диний идеологияга яқиндир, чунки диний идея-

логия Р.— худодир, фақат эътиқод қилиш мумкин бўлган ғайри табиий кучдир, деб даъво қилади. Немис классик философияси Р. нинг активлигини таъкидлаб, уни аввало *ўз-ўзини англаш* фаолияти нуқтан назаридан олиб қарарди. Чунончи, Гегель Р. ни ўз-ўзини англаш билан онгнинг ақлда амалга ошадиган бирлиги деб, амалий ва назарий фаолиятнинг бирлиги деб тушунарди: Р. нинг борлиги унинг амалий ишидир, ваҳоланки бу амалий иш фақат билиш деб тушунилади. Гегелнинг фикрича, Р. табиий, ҳиссий нарсани енгиб, ўз-ўзини билиш процессида ўз-ўзлиги даражасигача кўтарилади. Материалистик философия Р. ни табиатга нисбатан иккиламчи деб қарайди. Антик материалистлар назарича, Р.— жоннинг бутун жисм бўйлаб қуйилган энг ақлли қис-

мидир. 17—18-асрлардаги материалистлар (*Гоббс, Локк, Ламетри*) Р. ни сезгилар комбинацияси ёки умумий ҳиссиёт деб, умуман — ҳиссий билишнинг кўринишларидан бири деб тушунардилар, холос. Диалектик материализм руҳийликни сезгиларнинг оддий йиғиндисидан иборат қилиб қўймайди ва уни материядан мустақил равишда мавжуд бўлган қандайдир бир нарса, деб тасаввур этишни рад қилади. Руҳийлик — юқори даражада ташкил топган материянинг функциясидир, кишиларнинг моддий, ижтимоий-тарихий практикасининг натижасидир. Жамиятнинг руҳий ҳаёти — ижтимоий онг — ижтимоий борлиқнинг инъикоси сифатида юз беради. Айни вақтда у ижтимоий борлиққа, инсониятнинг амалий фаолиятига актив таъсир кўрсатади.

С

САБАБИЯТ (лат. causa — сабаб) — ҳодисаларнинг генетик алоқасини билдирадиган фалсафий категория бўлиб, бу ҳодисалардан бири (сабаб деб аталадигани) иккинчисининг (натижа ёки амал деб аталадиганининг) юз беришига сабаб бўлади. Тўлиқ сабаб билан ўзига хос сабабни бир-биридан фарқ қиладилар. Тўлиқ сабаб — бу барча шароитларнинг мажмуи бўлиб, бу шароитлар мавжуд бўлганда натижа заруран бошланади. Ўзига хос сабаб — бу бир қанча шароитларнинг мажмуи бўлиб, бу шароитларнинг юз бериши (айни вазиятда натижа бошланишидан олдин бор бўлган ва сабабнинг амал қилиш шартларини ташкил этадиган кўпгина бошқа шароитлар мавжуд бўлганда) натижанинг юз беришига олиб боради. Маълум бўлишича, тўлиқ сабабни аниқлаш фақат нисбатан оддий ҳолатлардагина мумкин, одатда эса илмий тадқиқот муайян ҳодисанинг ўзига хос сабабларини очиб беришга қаратилган бўлади. Бу ҳол яна шунинг учун ҳам содир бўладик, тўлиқ сабабнинг айна вазиятдаги энг муҳим компонентлари ўзига хос сабабга бирлаштирилган бўлади, қолган компонентлар эса бу ўзига хос сабаб амалининг *шартлари* сифатидагина юзга келади. С. масаласи материализм билан идеализм ўртасидаги кескин кураш майдонидир. Материализм С. нинг объектив ва ялли умумий характери ҳақидаги тезисни қаттиқ ҳимоя қилиб, сабабий боғланишларни ондан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган нарсаларнинг ўзининг алоқаларидир, деб ҳисоблайди. Субъектив идеализм ё С. ни умуман инкор этиб, уни атиги сезгиларнинг инсон учун одат бўлиб қолган изчиллигидан иборат қилиб қўяди (*Юм*), ёки С. ни зарурий боғланиш деб эътироф қилган ҳолда, уни ҳодисалар оламига билувчи субъект олиб киради, деб ҳисоблайди (С. нинг априор характе-

ри — *Кант*). Объектив идеализм С. нинг билувчи субъектга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжудлигини эътироф этиши мумкин, аммо С. нинг илдизларини у руҳда, идеяда, тушунчада деб билади ва уларни субъектга боғлиқ эмас деб ҳисоблайди. Диалектик материализм С. нинг объектив ва ялли умумий характерини эътироф қилибгина қолмасдан, шу билан бирга унга сийқа назар билан қарашни, жумладан метафизика учун характерли бўлган сабаб билан натижани бир-бирга қарама-қарши қилиб қўйишни рад этади ва уларни ўзаро таъсир моментлари деб қарайди; бу ўзаро таъсирда натижа сабаб билан белгилашиб, ўз навбатида унинг ўзи ҳам сабабга тескари таъсир кўрсатиб, актив роль уйнайди. Сабабий боғланишлар хилма-хил характерга эгадир, бинобарин уларни, метафизик материализм қилгани сингари (мас., механик С. ни абсолютлаштирган Лаплас детерминизми сингари) қандайдир бир формадан иборат қилиб қўйиш ярамайди. Ҳозирги замон фанининг ривожланиши сабаб-натижа алоқаларининг илгари маълум бўлган формаларини абсолютлаштиришни рад этиб, уларнинг хилма-хил характерини очиб бериб, С. нинг диалектик-материалистик тушунчасини тасдиқламоқда, чуқурлаштирмоқда ва умумлаштирмоқда. Бу ҳол ҳозирги замон квант физикасида айниқса яққол намоён бўлмоқда, чунки унда макроскопик жисмнинг микрообъект билан ўзаро таъсир натижасининг бир қимматли эмаслигининг эмпирик факти билан С. ни традицион тушуниш ўртасида зиддият мавжуддир, негаки, С. нинг традицион тушунчасига кўра, бир хилдаги сабаблар бир хилдаги шароитда бир хилдаги натижалар билан бирга боради. Бунинг маъноси шуки, ё биз микрооламда статистик С. амалга ошаётганлигини ва бир хилдаги шароитда бир хилдаги микрообъектлар маълум

доирада ўзини турлича тутишини эътироф қилмоғимиз лозим, ёки макрожисм билан микрообъектнинг ўзаро таъсири натижасининг бир қимматли эмаслиги материянинг чуқурроқ даражаларида макрожисм ҳолатининг вариациялари билан изоҳлаб бериллади, деб умид қилмоғимиз лозим. Ҳозирги вақтда бу масала мунозара қилинмоқда, лекин олимларнинг кўпчилиги биринчи қарорга мойиллик кўрсатмоқда. Ҳозирги замон фанида сабабий боғла-нишларнинг математик формадаги инъикоси муҳим аҳамиятга эгадир. Объектнинг хоссаларига ва инсон би-лишининг хусусиятларига қараб, С. бир қимматли (динамик) қонунлар формасида ҳам, статистик қонунлар формасида ҳам ифодаланishi мумкин. Билиш материянинг ич-ичига ҳаракат қилиб борган сари объектларнинг ме-ханик ҳаракатини тасвирлашда ста-тистик методларнинг ва физик про-цессларни тасвирлашда бир қимматли қонунларнинг (сақланиш қонунлари-нинг) роли ошиб боради. С. катего-рияси илмий тадқиқотнинг етакчи ка-тегорияларидан бири бўлиб, бу илмий тадқиқот пировард ҳисобда ҳамisha асосий сабабий қарамликларни очиб беришга қаратилгандир (*Детерми-низм ва индетерминизм*).

САВОЛ — бирон вазият, вазифа-нинг номаълум бўлган ва аниқлани-ши лозим бўлган элементларини қайд этувчи мулоҳаза. Табиий тилда усўроқ гап билан ёки сўз бирикмаси билан ифодаланади. С. мураккаб структура-га эга бўлиб, унда проблематик томон ҳам, асертторик (тасдиқловчи) томон ҳам бор. Асертторик томон унинг мав-зуини характерлайди, С. нинг мав-жудлиги англашилиб турган ва лекин белгилари ҳали номаълум бўлган бир царсани ажратиб кўрсатади, шунинг-дек номаълумнинг мумкин бўладиган қимматларининг туркумини чегаралаб кўрсатади. С. нинг бу томони баъзан биринчи ўринга чиқиб, мустақил аҳа-мият касб этади (риторик, шама қи-лувчи, ифвогарона С. лар). Ҳақиқат-лик қимматлари нуктаи назардан С. пухта ўйланган (пухта ўйланганлик-нинг синтастик, семантик ва прагма-

тик критерияларини қондирадиган), бирор даражада тўғри қўйилган С. ларга ва бемаъни С. ларга бўлинади. С. нинг пухта ўйланганлиги, аниқлиги тўғри, равшан тафаккурнинг муҳим томониدير.

САКРАШ — миқдор ўзгаришлари натижасида предмет ёки ҳодисанинг туб, сифат ўзгариши, эски сифатнинг янги сифатга айланиши (*Миқдор ўз-гаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши*). Тараққиётнинг илгариги, эво-люцион босқичига нисбатан С. озми-кўпми очик, нисбатан тез ўзгаришлар-дан иборат. Ҳар қандай сифат ўзга-риши фақат С. орқали юз бериши мумкин. Лекин С. формалари ғоятда хилма-хил, улар ҳодисанинг характе-рига ҳам, у ривожланадиган шарт-шароитга ҳам боғлиқдир. Аслида, ҳар бир ҳодиса янги ҳодисага ўзига хос, алоҳида усул билан ўтади. Аммо бу ўтишларнинг ҳаммаси нисбатан муай-ян икки тилга: кескин ва тадрижий С. ларга бўлиниши мумкин (бу С. лар кўпинча айни бир хилдаги процес-ларда бирга қўшилиб кетади). Кес-кин С. лар шундай бир тарзда содир бўладики, эски сифат бирданга, бут-кул ўзгаради (мас., бир хил элемен-тар зарраларнинг иккинчи ҳил эле-ментар зарраларга айланиши; ижтимоий ҳаётда бир синфнинг ҳокимияти-ни йўқ қилиб, иккинчи синфнинг ҳо-кимиятини ўрнатувчи социал револю-ция кескин, алдов-далғовли С. га ми-сол бўлиши мумкин; тўғри, бундаги процесслар ҳам ғоят мураккаб ва хилма-хил, уларнинг ўзига хос фор-маси кўпгина конкрет вазиятларга боғлиқ). Тадрижий С. лар шундай бир тарзда юз берадики, мавжуд нар-са қисмларга бўлиниб-бўлиниб, ай-рим-айрим элементлари билан ўзгара-ди ва шу тариқа у тадрижий ривож-ланиш натижасида ўзгара бориб бу-тунлай бошқа шаклга киради. Таби-атда ўсимликлар ва ҳайвонот турла-рининг сифат ўзгаришлари асосан ана шундай усул билан юзга кела-ди. Ижтимоий ҳаётда биринчи типда-ги С. лар антагонистик формациялар учун характерлидир, чунки унда ҳукмрон синф эски тузумдан янги ту-

зумга тарихан етилган ўтишга тўсқинлик қилади. Бундай ўтиш (мас., капитализмдан социализмга ўтиш) фақат снэйс революция йўли билан амалга оширилиши мумкин. Иккинчи тандаги С. лар асосан ноантагонистик тузум учун характерлидир, чунки унда барча асосий социал кучлар жамиятнинг прогрессив ривожланишдан манфаатдордир. Маркс, синфсиз жамиятда социал эволюциялар снэйс революциялар бўлмай қолади, деб башорат қилганида ана шуни назарда тутган. КПСС Программаси тадрижий сифат ўзгаришлари — коммунистик қурилиш қонунидир, деган қондага асосланади. Коммунизм моддий-техника базасининг яратилиши, синфий ва бошқа тафовутларнинг баргараф этилиши, давлатнинг барҳам топиши, янги кишининг тарбиялаб етиштирилиши — буларнинг ҳаммаси социалистик жамият тараққиётида ҳал қилувчи революцион бурилишлар бўлиб, бу бурилишлар тўсатдан ва бирданга эмас, балки тадрижий ва узлуксиз суратда юз бериб боради. Аммо жузъий ўзгаришлар, «кичик» С. лар, бутунни ўзгартирмайди, шу сабабли мавжуд нарса ни тамомила ўзгартирувчи ўзгаришларнинг мажмуини бир сифат ҳолатидан (социализм) иккинчи сифат ҳолатига (коммунизм) С. деб ҳисоблаш керак бўлади. Шу билан бирга коммунизмга тадрижий суратда ўтиб бориш жамият ҳаётининг у ёки бошқа соҳаларида (мас., техникада, фанда ва ҳ. к.) тез, кескин С. ларни истисно қилмайди.

САНКХЬЯ — 1. Қадимги ҳинд эпоси Махабхаратада баён қилинган концепциялардан бири, унинг асосида инсоннинг руҳи ва психикаси ҳақидаги олий интуитив билим идеяси бор йогага қўшимча бўлиб хизмат қилади. 2. Қадимги ҳинд философиясининг ортодоксал системаларидан бири бўлиб, бу система тах. эрамининг I-асрида вужудга келган. Дуалистик таълимот бўлганлигидан, С. коинотда икки бош ибтидо: моддий бош ибтидо — пракрити (материя, табиат) ва руҳий бош ибтидо — пуруша (онг) мавжудлигини эътироф этади. Пуру-

ша олий худо — яратувчи ҳам, оламий руҳ ҳам эмасдир. Бу индивидуалликнинг абадий, ўзгармайдиган принципидир, ўзи ичида яшаб турган тирик вужуд ҳаётининг боришини ҳам, яхлит ҳолида олинган коинотнинг эволюция процессини ҳам мушоҳада қилувчи онгдир. Практики доимий ўзгариш ва ривожланиш ҳолатида бўлиб, сабаб-натига алоқадорлиги қонунига бўйсунди. Практиктининг ҳамма шаклий ўзгаришлари моддий олам мавжудлигининг асосий тенденциялари бўлмиш уч гунанинг, яъни саттва (равшанлик, тозалик), тамас (қотиб қолганлик) ва раджас (активлик)нинг унда қандай нисбатда бўлишига боғлиқдир. Бу гуналарнинг қўшилиши табиатнинг хилма-хиллигининг пайдо бўлишига олиб келади. Практики билан пурушанинг ҳамжиҳатлиги индивид билан коинотнинг эволюцияси бошланишига сабаб бўлади. Ҳар бир тирик вужуд уч қисмдан: пуруша, **нозик жисм** ва дағал жисмдан иборат. **Нозик жисм** интеллектдан, сезги органларидан ва улар билан боғлиқ бўлган элементлардан ҳамда «**Мен**» ҳиссиётидан иборат. **Нозик жисм карманнинг** марказлашувидан (**Ҳиндуизм**) иборат, у пуруша бирон **вужудга** мужассамлашувдан батамом **озод бўлишига** эришганга қадар унинг кетгандан бораверади. Дағал жисм **моддий** элементлардан иборат бўлиб, вужуд ўлғач, ҳалок бўлади. С. системасига афсонавий донишманд Капила асос содган **деб** фарз қилинади, аммо С. таълимоти — санкхья-карика — эрамининг биринчи минг йиллиги ўргаларида Ишваракришна томонидан **биринчи марта** изчил баён этилган.

САНТАЯНА Жорж (1863—1952) — америка философи, **эзувчиси, танқидий реализм** тарафдори. С. моддий оламнинг объектив мавжудлигини эътироф қилган ҳолда, **фақат** «моҳиятлар»ни, яъни билишда нарсаларнинг объектларнинг белгилари сифатида юз берадиган ҳақиқий ёки эҳтимоллий сифатларининга бинолаш мумкин, деб ҳисобларди. «Моҳиятлар»ни тушунишда С. **Платонга** ва **Гуссерлга** яқин

туради. С. онгни *эпифеномен* деб қарайди: билиш воқеликнинг инъикоси эмасдир, лекин «озми-кўпми аҳамиятли поэзиядир». Эстетикада гўзалликни у «объективлаштирилган ҳаловат» деб таърифларди. Этикада «искейпизм» (инглизча, қочмоқ) тарафдори: бахтни руҳнинг тандан, оламдан ва билишдан қутулишидан исламдоқ керак. Социологияда («Хукмронлик ва ҳокимият», 1951) С. шундай бир назарияни илгари сурдики, бу назарияга кўра, жамиятнинг ривожланишига ўз-ўзини сақлаш, моддий неъматларга интилиш ва бошқа нистинжтлар сабабчидир. Сийсий таълимотда С.— антидемократ, «элита» ҳокимиятнинг тарафдори. С. илоҳиёт ақидаларини рад этади-ю, аммо динни «ижтимоий хатти-ҳаракат поэзияси» деб эътироф этади. Асарлари: «Ақлнинг ҳаёти» (5 томлик, 1905—06) ва б.

САНЪАТ — ижтимоий онгнинг ва инсон фаолиятининг ўзига хос формаси бўлиб, бу форма воқеликни бадий образларда акс эттиради; С. дунёни эстетик ўзлаштиришнинг энг муҳим усулларидан биридир. Марксизм С. ни «абсолют руҳ»нинг, «оламиي прола»нинг, «илоҳий каромат»нинг ёки санъаткорнинг беихтиёр йўлари ва кечинмаларининг маҳсули ва ифодаси деб идеалистларча талқин қилишни рад этади. Бадий фаолиятнинг пайдо бўлишининг ҳамда ундан олдин ўтган инсон ҳис-туйғулари ва эҳтиёжларининг шаклланиш процессининг манба — меҳнатдир. Ибтидоий С. нинг дастлабки излари кеч палеолит даврига, тахминан эрамыздан олдинги 40—20 мингинчи йилларга бориб тақалади. Ибтидоий халқларда С. нинг меҳнат билан алоқаси бевосита бўлиб, ундан кейин бу алоқа тобора мураккаблашиб обради. С. нинг тарихий тараққиёти замирида жамиятнинг социал-иқтисодий структурасидаги ўзгаришлар асос бўлиб ётади. Ижтимоий борлиқнинг инъикос формаси бўлган С. жамият маънавий ҳаётининг бошқа ҳодисалари билан: фан, техника (*Эстетика ва техника*), сиёсий идеология (*Санъатнинг партиявийлиги*), ахлоқ (*Эстетик ва ахлоқий*

қарашлар) билан бирон-бир тарзда боғлиқдир. Айни вақтда С. уни ижтимоий онгнинг барча бошқа формаларидан фарқ қилдирадиган бир қанча муайян хусусиятларга ҳам эгадир. С. нинг ўзига хос предмети — инсоннинг воқеликка эстетик муносабатларидан, унинг вазифаси — дунёни бадий ўзлаштиришдан иборат. Худди шунинг учун С. асарларининг марказида инсон, кишиларнинг ижтимоий алоқаси ва ўзаро муносабатлари, уларнинг муайян конкрет-тарихий шароитлардаги ҳаёти ва фаолияти туради. С. предметни (бутун хилма-хил кўринишлари билан ҳаётни) санъаткор ўзига хос формада — бадий *образларда* ўзлаштиради, қайта ишлайди ва акс эттиради. С. да воқеликни акс эттириш предмети ва формасини унинг ўзига хос функцияси белгилаб беради, бу функция одамга лаззат бахш эта оладиган, уни маънавий жиҳатдан бойита оладиган асарлар яратиш йўли билан кишиларнинг эстетик эҳтиёжларини қондиришдан иборат, шу билан бирга бу асарлар одамда ўз фаслиятининг конкрет соҳасида гўзаллик қонунарига мувофиқ ижод қилишга лаёқатли бўлган санъаткорлик ҳис-туйғусини уйғотмоғи лозим. С. нинг ана шу ягона эстетик функцияси орқали унинг билдирувчилик аҳамияти юзага келади ва унинг кишиларга ғоявий-тарбиявий таъсири амалга ошади. Марксизм-ленинизм бадий тараққиётнинг объектив ривожланиши характерини кўрсатиб бердики, шу ривожланиш жараёнида асосий *санъат турлари*: адабиёт, рассомлик, ҳайкалтарошлик, музыка, театр, кино ва ҳ. к. вужудга келди. С. нинг ривож жамият тараққиёти билан, унинг синфий структурасининг ўзгариши билан чамбарчас боғлиқдир. Гарчи С. нинг ривожланишининг умумий йўли — воқеликни бадий акс эттиришни чуқурлаштириш йўли бўлса-да, бу ривожланиш потекис боради. Чунончи, антик дунёдаёқ С. юқори даражага эришади ва маълум маънода норма аҳамиятига эга бўлади. Ваҳоданки, қўлдорлик ишлаб чиқариш усулига нисбатан беқиёс юқо-

ри бўлган капиталистик ишлаб чиқариш усули, Маркснинг таъбирича, С. га ва поэзияга душмандир, чунки у юксак социал ва маънавий идеалларга ётдир. Бунда илғор С. буржуазия ҳали прогрессив синф бўлган капитализмнинг қарор топиш даври билан, ёки мазкур тузумга нисбатан танқидий кайфиятда бўлган санъаткорларнинг фаолияти билан боғлиқдир. Ҳозирги замондаги асл буржуа С. и учун гоъвий ва бадий тушқунлик характерлидир (*Формализм, Натурализм*). Жамиятни коммунистик қайта қуриш учун курашаётган ишчилар синфининг дунёқарашида юксак эстетик идеал гавдалантирилган. Бу идеал *социалистик реализм* С. ига асос қилиб қўйилган.

САНЪАТНИНГ ПАРТИЯВИЙЛИГИ — санъатнинг гоъвий йўналишининг энг тўлиқ ифодаси, бадий ижодда муайян ижтимоий синфнинг манфаатларини ёқлаш ва қаттиқ туриб ҳимоя қилиш. С. п. принципини В. И. Ленин «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» мақоласида (1905) ва бошқа асарларида назарий жиҳатдан асослаб берган. Антимарксистик эстетиклар С. п. ни ижод эркинлигига қарама-қарши қўйиб, уларнинг бирга сиғишмаслигини эълон қиладилар. Аммо бадий ижоднинг «бепартиявийлиги» шиори — буржуача партиявийликни ниқоблаш формасидан бошқа нарса эмасдир. Буржуа жамиятда «ижод эркинлиги» деб аталадиган нарса амалда жуда аксарият санъат арбобларининг ижоди капитал манфаатларига бўйсунушига айлантирилмоқда. Санъатнинг эксплуататор синфлар манфаатларига қарамлиги ҳалокатли эканлигини англаётган ва халқ томонида туриб ҳаракат қилаётган, ўз ижодини прогрессив ҳаракатлар билан ва биринчи галда пролетариатнинг кураши ва идеологияси билан боғлаётган санъаткорларгинагинакам эркиндирлар. Коммунистик партиявийлик принципи санъаткордан инсониятнинг ана шу гўзал ва олинжаб мақсадларига шу тариқа эркин ва онгли хизмат қилишни талаб қилади. Социалистик реализм санъат-

корлари ижод эркинлигини — Ленинча тушунишга амал қилмоқдаларки, бундай тушуниш — халқ билан бирга бориш, халқ учун эстетик жиҳатдан қимматли асарлар яратиш демакдир.

САНЪАТНИНГ ХАЛҚЧИЛЛИГИ — эстетик категория бўлиб, бу категория санъат билан халқ ўртасидаги жуда хилма-хил муносабатларни ифодалайди ва умумлаштиради; бу муносабатлар аввало шунда намоён бўладики, ҳақиқий санъат халқнинг эстетик идеалларини, унинг адолат ва гўзаллигини тушунишни, халқнинг озодлик ва бахт-саодат учун революцион кураши жўшқинлигини бевосита ёки бевосита гавдалантиради. С. х. тарихий тушунча бўлиб, унинг мазмуни жамият тараққиётининг конкрет шарт-шароити ва босқичлари билан, унда санъатнинг туган ўрни ва роли билан белгиланади. Бадий ижод — меҳнаткашлар оmmasи фаолиятининг муҳим соҳасидир. Халқнинг коллектив ижоди — профессионал санъатнинг асоси ва доимий хазинасидир. Халқ ижодиётидан энг яхши санъаткорлар ўз асарлари учун мавзулар, гоъялар, образлар танлаб оладилар. Формалистик ва натуралистик йўналишлардан фарқли ўлароқ, реалистик санъат энг асосий фарқ белгиларидан бири сифатида халқчилликни назарда тутди. Санъаткорнинг ижодида халқчиллик шунда намоён бўладики, у халқ донишмандлигини ўзига сингдириб, унинг озодлик учун курашини акс эттиради. Барча улғу санъаткорлар халқ билан бирон тарзда боғлангандирлар. Улар ўз ижодлари билан, баъзан буни англамасдан, халқ оmmasининг курашига ёрдам берадилар. «Санъат халқникидир. У ўзининг энг чуқур илдизлари билан кенг меҳнаткашлар оmmasининг энг қалин қатламларига кириб бориши лозим. У оммага... тушунарли ва омма севадиган бўлмоғи керак»; Лениннинг бу қондаси социалистик санъатнинг асословчи принципларидан биридир. Марксча-ленинча эстетика С. х. ни санъатнинг партиявийлиги билан birlikда олиб қарайди. Халқчиллик санъаткорнинг англаб олинган ички инти-

лишига айланган тақдирда, у албатта муайян ғоявий-эстетик позицияни эгаллаши, яъни халқ манфаатларини энг изчиллик билан ифодалайдиган синф, партия томонида туриши лозим.

«САНЪАТ САНЪАТ УЧУН» («соф санъат») — идеалистик эстетика принципи бўлиб, бу принцип *санъатнинг партиявийлиги* ва ғоявийлиги реалистик талабига хилофан илгари сурилади. «С. с. у.» қондаси замирида санъатни ижтимоий ҳаётдан ажратиш асос бўлиб ётади. Унинг назарий манбалари Кантнинг эстетик муҳокаманинг қизиқарли эмаслиги ҳақидаги тезисига бориб тақалади. У 19—20-асрларда, буржуа эстетиклари реализмга қарши курашда гўё фақат соф эстетик лаззатланиш мақсадларига хизмат қиладиган санъатнинг ички «ўз-ўзича қимматдорлигини», «мутлақлигини» тарғиб қилаётган вақтда, энг кўп тарқалади. Санъатнинг билдирувчилик ғоявий-тарбиявий аҳамиятини, шунингдек унинг даврнинг амалий эҳтиёжларига боғлиқ эканлигини инкор этиш муқаррар равишда санъаткорнинг жамяятдан «эркинлигини», унинг халқ олдида тўла масъулиятсизлигини таъкидлашга, яъни ўта индивидуализмга ва субъективизмга олиб келади. «С. с. у.» назарияси биринчи марта 19-асрнинг ўрталарида француз поэзиясида амалий ифодасини топди. 1917 йилги революциядан олдин Россияда «Санъат дунёси», «Зангори атиргул», «Гиштин саллот» ва б. бадий гуруҳларнинг вакиллари «соф санъат» шiorини кўтариб чиққан эдилар. Буржуа санъати «соф санъат» ҳақидаги, сиёсатдан четда туриш ҳақидаги сохта сафсаталар билан ўзининг маддоҳлик йўналишини ниқоблайди. Санъатнинг жамяятдан «мустақиллиги» ҳақидаги мунофиқона буржуача шiorга ва «С. с. у.» концепцияларига марксча-ленинча эстетика санъаткорнинг халқ манфаатларига, коммунизм ғояларига онгли равишда хизмат қилишини қарама-қарши қилиб қўяди.

САНЪАТ ТУРЛАРИ — санъатнинг мавжудлигининг тарихан таркиб топган барқарор формалари: архитекту-

ра, декоратив-амалий санъат, рассомчилик, ҳайкалтарошлик, графика, музика, хореография (ракс санъати), адабиёт, театр, цирк, бадий фотография, телевидение. Ижтимоий практика жараёнида С. т. нинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг туб сабаблари — реал оламдаги процесслар ва ҳодисаларнинг хилма-хиллиги, шунингдек воқеликни эстетик акс эттириш ва ўзгартириш усуллари ва вазибаларининг турличалигидир. С. т. нинг хусусиятлари уларнинг акс эттириш предметларининг, воқеликни такрор ҳосил қилиш усулларининг ва бадий вазибаларининг ўзига хослиги билан ҳамда бадий образ яратишнинг моддий воситалари билан белгиланади. Чунончи, адабиётда оламни эстетик қайта ҳосил қилиш сўз орқали амалга оширилади; рассомликда — ранг-баранг олам бойлигининг кўз билан идрок этиладиган образлари орқали, ҳайкалтарошликда — пластик образлар, ҳажм-фазо формалари орқали, графикада — расм линияси, штрих, ёруғлик-соя орқали, музикада — товуш интонациялари орқали, театр ва кинода — қаҳрамонларнинг ҳаракатларини ва улар асосида ётган драматик конфликтларни жонли кишилар — актёрлар томонидан гавдалантириш орқали амалга оширилади. Архитектура ва декоратив-амалий санъатнинг асосий хусусияти улар асарларида амалий ва эстетик принципларнинг бирлигидир. Назарияда ва практикада С. т. нинг турлича туркумланиши маълум. Аммо уларнинг ҳаммаси шартлидир. Бадий практикада турлича С. т. нинг ўзаро алоқадорлиги, бир-бирини бойитиши, синтези катта аҳамиятга эгадир.

САРТР Жан-Поль (1905 йил туғ.) — француз философи ва ёзувчиси, француз *экзистенциализм*нинг бошлиги. Унинг фалсафий қарашлари зиддиятлидир. Уларда *Кьеркегор*, *Гуссерль* ва Фрейд (*Фрейдизм*) идеялари ўзига хос тарзда чирмашиб кетган. С. марксистик философиянинг прогрессивлигини таъкидлаб, марксизмни экзистенциалистик антропология пойдевори устига қўйишга инти-

лади. Умуман олганда эса С. нинг концепцияси эклектик концепциядир. Бу концепциянинг характери томони шуки, у субъектив идеализмни объектив идеализм ва материализмнинг айрим элементлари билан синтезлаштиришга уринади. С. экзистенциализмнинг асосий идеяси — «мавжудлик моҳиятдан олдин келади» деган идеяни дастур қилиб олиб, айтиб бир вақтда материализмдан ҳам, идеализмдан ҳам қочишга интилади. У ўзининг «феноменологик онтологияси»ни борлиқнинг икки тури: объектив борлиқ ўрнини босадиган «борлиқ — ўзида» ва «инсон реаллиги»га, яъни онгига айнаган тенг бўлган «борлиқ — ўзи — учун» турларининг тубдан қарама-қарши қўйилиши устида қуради. Борлиқ билан онгни ажратиб қўйиш С. ни идеализмга олиб келади. С. нинг фикрича, ўзининг алоҳида хилдаги борлигининг сабабчиси бўлган онг «борлиқнинг йўқлиги»дир, ундаги раҳнади, «ҳеч нимадир», лекин фақат угина ҳаётнинг активлиги, ҳаракати, сифат жиҳатдан хилма-хиллиги манбаи бўлиб, сушт ва бемаъни дунёга мазмун киритади. С. ўз концепциясини диалектик концепция деб атайдю, лекин диалектикани индетерминизмни асослаш методига айлантиради. Унинг диалектикаси нуқул салбий диалектикадир. Унинг доираси онг соҳаси билан чекланиб, табиатдан батамом ҳайлаб чиқарилади. Ахлоқ масаласида С. соф субъективлик ва индивидуализм позицияларида туради. Бунда эркинлик асосий категория бўлиб чиқади. Эркинлик инсон хатти-ҳаракатининг моҳияти, фаолиятининг манбаи ва инсоннинг мавжуд бўлиши учун бирдан-бир имконият деб қаралади: «инсон ҳаммиша ва бутунлай эркиндир ёки у буткул йўқдир». С. ахлоқнинг объектив принципларини ва критерияларини, инсон хатти-ҳаракатининг объектив шарт-шароит билан белгиланганлигини инкор этади. Ҳар бир киши • ўзи учун қонун ихтиро қилишга», ўз ахлоқини танлаб олишга мажбурдир. • Диалектик ақлни танқид» асарида (1960) С. ўз концепциясининг субъективистик характериинг бартаф қи-

лишга ва ижтимоий муносабатларнинг, тарихий тараққиётнинг янги назариясини тузишга уринади, лекин у асосий социологик категорияларни орқага суриб ва инсоннинг индивидуал мавжудлигига асосланиб, социал-тарихий анализ ўрнига антропологик анализни қўяди. С. нинг фалсафий қарашлари билан унинг адабий ижоди чамбарчас боғлиқдир. С. нинг ижтимоий-сиёсий мавқеида собитқадамлик йўқ. У Қаршилик кўрсатиш ҳаракати иштирокчиси эди; капиталистик жамият иллатларини кескин танқид қилди, тинчлик ва демократияни актив ёқлаб чиқди, миллий-озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлади, АҚШнинг Вьетнамдаги агрессиясига қарши чиқди. Сўнгги йилларда С. ўтасўй ҳаракатга мойиллик кўрсатиб, ревизионистик идеялар билан келишмоқда. Асосий асарлари: «Хаёл» (1936), «Хаёл қилинувчи нарсаси» (1940), «Борлиқ ва ҳеч нима» (1943), «Экзистенциализм — бу гуманизм» (1946).

САҚЛАНИШ ПРИНЦИПЛАРИ — илмий принципларнинг махсус туркуми, бу принциплар табиатнинг фундаментал хоссалари ёки муносабатларининг доимийлигини акс эттиради. Физика назариялари структурасида С. п. сақланиш қонунлари ва *инвариантлик* принциплари сифатида ифодаланади. Ҳозирги вақтда қуйидагилар маълум: *энергиянинг*, массанинг, импульсининг, импульс моментининг, спиннинг, изотопик спиннинг, жұфтликнинг, галатиликнинг, электрон лептон зарядининг, барион зарядининг ва х. к. сақланиш қонун. Махсус *нисбият назариясида* табиат қонунларининг бир-бирига нисбатан бир маромда ва тўғри йўл билан ҳаракат қиладиган системаларга нисбатан инвариантлик принципи ифодаланади. Физика назариясига қўйидаги фундаментал доимийлар қиради: h — квант физикадаги Планк доимийси, c — нисбият назариясида ёруғликнинг доимий тезлиги. Бу миқдорларнинг доимийлигини С. п. нинг махсус типни деб қараш мумкин. Шу тариқа С. п. типлари хилма-хилдир. Бу хилма-хилликни мате-

рига ҳаракат, формаларининг хилма-хиллиги билан таққослаш ва маъкур формаларга мувофиқ С. п. ни туркумлаш ҳам мумкин. Амалиётининг умумийлиги даражасига қараб С. п. ни умумий ва хусусий С. п. га бўлса бўлади. Мас., энергиянинг сақланиш қонуни умумий С. п. туркумига, жуфтликнинг сақланиш қонуни эса хусусий С. п. туркумига киради. С. п. ни сақланиб қолувчи миқдорларнинг (нарсалар, хоссалар ёки муносабатларнинг) характерига қараб ҳам, математик формаларига қараб ҳам фарқ қилиш мумкин. Мурақаб, жумладан биологик системаларнинг ҳозирги замон билишида структура тушунчаси муҳим аҳамият касб этади, бинобарин, С. п. бунда тадқиқотнинг структура принциплари формасига эга бўлади. Шу муносабат билан С. п. нинг симметрия хоссалари билан, яъни бутунда қисмларнинг гармоник ритми ёки қонуниятли жойлашуви билан нисбати катта роль ўйнайди. Бу нуқтаи назардан симметрия муайян объектларнинг айнияти ва тафовути билан боғлиқ бўлган сақланиш ва ўзгариш бирлиги сифатида намоён бўлади. С. п. моддий объектларнинг ўзаро бир-бирига айланиш процессларини назорат қилиб туради; улар табиатнинг қонуниятли, зарурий сабабий боғланишларининг чуқур негизидир. Улар у ёки бу илмий назарияда энг умумий қонунлар бўлганлигидан, катта эвристик аҳамиятга эгадир. С. п. диалектик зиддият томонларидан бирини — сақланиш ва ўзгариш зиддиятини акс эттиради.

СВЕДЕНБОРГ Эммануил (1688—1772)—швед натуралист олими, кейинчалик мистик ва теософ. С. математика, механика, астрономия, кончилик ишига онд асарлари билан машҳурдир, у Петербургда фанлар академиясининг фахрий аъзоси эди. С. нинг фалсафий асарлари лейбниццавольфча рационализм руҳи билан суғорилган эди. Асабийлик ва галлюцинациялар натижасида С. мистикага берилиб кетди. С. ўзини «соҳибқаромат» эълон қилиб, менга Исонинг ўзи тонширди, деган даъво билан Таврот-

ни мажозий шарҳлашга киришди. С. нинг теософик таълимоти *гностиклар*нинг ва яҳудийча қабала таълимотининг таъсирига йўлиққан эди. С. нинг мистик таълимотини Кант «Соҳибқароматнинг хаёллари» асарида танқид қилган эди. С. нинг асосий асарлари: «Осмон сирлари» (1749—56), «Осмон, дўзах ва руҳлар олами ҳақида» (1758). С. нинг Германияда, Францияда ва Россияда мухлислари бор эди.

СЕЗГИ — объектив оламнинг инсон сезги органларига (анализатор) таъсирининг элементар натижаси. Ташқи муҳитнинг энг хилма-хил факторлари (электромагнит тебранишлар, химиявий моддаларнинг молекулалари ва ш. к.) анализаторнинг периферик қисмини — рецепторни қўзғотади; дискрет импульслар шаклидаги қўзғолув нерв йўллари билан анализаторнинг марказий қисмига — бош мия пўстига узатилади ва худди ана шу бош мия пўстида С. пайдо бўлади. Шундай қилиб, С. моддий воқеликка нисбатан иккиламчидир. Ташқи қўзғовчиларнинг ўзига хос хусусиятларига қараб, барча С. лар бир неча алоҳида-алоҳида группаларга: кўриш, бадан сезгиси, эшитиш, там, ҳид ва ҳ. к. группаларга бўлинади. С. нинг ҳар бир группаси ўзига хос модалликка — сифатлар мажмуига эга бўлади ва бу сифатларни С. нинг бошқа группаси сифатлари билан тенглаштириб бўлмайди. Чунончи, ранглар товушларга, тамларга ёки хидларга ўхшамайди. Кўриш сезгилари С. нинг энг ривожланганидир; ундан кейин бадан сезгилари, эшитиш, там, ҳид сезгилари келади. С. лар билан уларни қўзғатувчи объектив олам предметларининг хоссалари ўртасида мавжуд бўлган муносабат шу билан характерланадики, С. нинг айни бир сифатига ташқи объектларнинг турли хоссалари мувофиқ келиши мумкин. Объектив оламини билиш процесси С. дан бошланади. Бу процессда улар икки функцияни бажаради. Биринчидан, айрим равишда олинган С. лар сигнал сифатида юз беради. Мас., ранг бизга қизилган металлниң температураси тўғрисида

сигнал беради. Бизнинг айна жисмининг температураси ҳақидаги билимининг манбаи рангнинг ўзи эмас, балки ранг билан температуранинг илгаридан маълум бўлган нисбатидир. С. ларнинг иккинчи ва энг муҳим функцияси шундан иборатки, улар *идрокда* мавжуд бўлган образ таркибида объектив оламга хос алоқалар ва муносабатларни берадилар. С. лар ҳам (ҳиссий мушоҳаданинг бошқа формалари сингари) бирдан-бир канал бўлиб, инсон шу канал орқали объектив олам билан бевосита боғлангандир. Ленин «Материализм ва эмпириокритицизм»да С. нинг идеалистларча шарҳланишини танқид қилган.

СЕКСТ ЭМПИРИК (тах. 200—250 йиллар)—грек философи ва врач, *Энецидэмнинг* издоши. С. э. нинг сақланиб қолган асарларида «Пиррон асослари» ва «Математикларга қарши»—ҳамма далиллар йиғиндиси мавжуд бўлиб, бу далиллар ёрдамида антик *скептицизм* «догматик» философиянинг исботланадиган, шак-шубҳадан холи бўлган билимининг мумкинлиги ҳақидаги тасаввурини рад этган эди. С. Э. ҳамма қабул қилиши шарт бўлган қандайдир илмий, теологик, ахлоқий ва ш. к. ҳақиқатларнинг бўлиши мумкин эмаслигини исбот қилмоқчи бўлиб, бу тўғрида ҳар қандай қарордан, билимдан сақланишни тавсия этган эди, токи бу билан руҳий мувозанатга ва ҳузур-ҳаловатга эришиш мумкин бўлсин, философиянинг мақсади ҳам ана шу руҳий мувозанат ва ҳузур-ҳаловатни амалга оширишдан иборат. С. Э. ҳаётда табиий эҳтиёжлар, майллар, одатлар, қонунлар, анъаналар ва аввало одатдаги соғлом ақлга амал қилиб иш тутмоқ керак, деб тақлиф этарди.

СЕМАНТИКА — *семiotиканинг* бир тури.

СЕМАНТИК АНТИНОМИЯЛАР — мулоҳазаларда пайдо бўладиган *антиномиялар*, уларнинг предмети бирор тилнинг ифодаларидан иборатдир. Мисаллик Эбулйидага (эрампдан олдинги 4-аср) бориб тақаладиган «ёлғинчи» антиномияси С. а. нинг асосий

типларидан бирининг мисоли бўлиб хизмат қилади, бу антиномияни шу тарзда ифодалаш мумкин: [Шу саҳифада кватрат қавслар ичига олинган гап — ёлғондир]. Агар бу гап чин бўлса, у вақтда унинг мазмунидан унинг ёлғонлиги келиб чиқади. Агар бу гап ёлғон бўлса, у вақтда яна бояғидай унинг мазмунидан унинг чинлиги келиб чиқади. Шундай қилиб, зиддиятнинг мантқиқий қонуни бузилганда, ҳар қандай ҳолда бу гап ҳам чин, ҳам ёлғон бўлиб чиқа беради. Грелингнинг «гетерологик предикат» тушунчасига асосланган антиномияси ҳам С. а. га мисол бўлиши мумкин. Предикат, яъни бирон хоссани ифодаловчи сўз, агар унинг ўзи шундай хоссага эга бўлмаса, гетерологик предикат деб аталади (мас., «уч бўғинли» сўзининг ўзи уч бўғинли эмасдир). Бу таърифни «гетерологик» предикатга татбиқ этганда антиномия пайдо бўлади: агар предикат гетерологик бўлса, унда таърифга биноан, у ўзи ифодалайдиган хоссага эга бўлмайди, яъни гетерологик предикат эмасдир; агар у гетерологик предикат бўлмаса, у вақтда, яна бояғидай таърифга биноан, у ўзи ифодалайдиган хоссага эга бўлмоғи лозим, яъни у гетерологик предикатдир. Юқорида тасвирланган хилдаги антиномиялар шундай ҳолларда пайдо бўладикки, бунинг учун антиномия тузиладиган тилда ўз ифодаларини билдирадиган номлар ҳамда «чин», «ёлғон», «гетерологик» ва ш. к. предикатлар бўлиши лозим. С. а. ни истисно қилиш учун турли усуллар мавжуд; бу усуллардан бири — *метатил* билан *тилобъектни* фарқ қилишдан ва метатилдаги тегишли предикатларни қатъий аниқлашдан иборат (*Формаллаштирилган тиллардаги ҳақиқат*).

СЕМИОТИКА (грек. *semcion* — белги)—бу фан сигналзациянинг энг оддий системаларидан тортиб то табиий тилларгача ва фаннинг *формаллаштирилган тилларигача* белги системаларини (*Белги*) қиёсий ўрганиш билан шугулланади. Белги системасининг асосий функциялари қуйидагича: 1) мазмунни билдириш ёки ифодалаш

функцияси (*маъно ва мазмун*): 2) алоқа функцияси, яъни бериладиган хабарни тивгловчи (Ўқувчи) нинг тушуниб олишини таъминлаш, шунингдек ҳаракатга қўзғаш, эмоционал таъсир кўрсатиш ва ш. к. Бу функциялардав ҳар қандайни амалга ошириш белги системасининг муайян ички тузилишини, яъни турли белгилар ва уларнинг қўшилиш қонунлари мавжуд бўлишини назарда тутати. Шунга мувофиқ С. уч асосий бўлимга ажратилади: 1) синтактика, ёки белги системалари бажарадиган функциялардан қатъий назар уларнинг ички структурасини ўрганиш; 2) мазмунни ифодалаш воситаси сифатлида белги системаларини ўрганувчи семантика; 3) белги системаларининг улардан фойдаланувчиларга муносабатини ўрганувчи прагматика. Бир томондан, мазмунни ифодалашнинг етарли даражада бой воситаларига, иккинчи томондан эса, етарли даражада аниқ ифодаланган структурага эга бўлган системаларни тадқиқ этиш С. методларини ривожлантиришда энг катта роль ўйнайди. Бундай системалар ҳозирги вақтга қадар аввало математиканинг, хусусан математик логиканинг формаллаштирилган тилларидан иборат бўлиб келмоқда. *Мета-логика* энг ривожланган семиотик фандир. Семиотик тадқиқотлар фанинг янги соҳаларини формаллаштиришга кўмаклашмоқда (сўнги вақтда математик лингвистика соҳасида ривожланаётган ҳисоблар, прагматиканинг баъзи тушунчаларининг, «шеър вази» тушунчасини формаллаштириш тажрибалари ва б.). Информацияларни рационал сақлаш ва автоматик ишлаш назарияси ва практикасининг ривожланиши муносабати билан С. тушунчалари ва методлари катта аҳамият касб этмоқда; бу соҳада С. *кибернетика* билан зич туташади. С. нинг асосий принципларини биринчи бўлиб америкалик логик ва математик олим *Пирс* ифодалаб берган, кейинчалик уларни филозоф *Моррис* баён этиб, системалантирган («Белгилар назариясининг асослари», 1938). С. масалалари, аслида, асримизнинг 20-йилларидаёқ

поляк логикларининг *Львов-Варшава мактаби* вакиллари томонидан қараб чиқилган эди.

СЕНЕКА Луций Анней (эра-миздан олдинги тах. 4-йил — эра-мизнинг 65 йили) — Рим стоицизмнинг вакили (*Стоиклар*), император Нероннинг тарбиячиси, унинг ҳукми билан ўз-ўзини ўлдирган. Унинг кўп асарлари ва «Луцилийга мактублар» деган энг йирик асари асл нусхада бизгача етиб келган. С. нинг таълимоти ўша даврнинг низо-жанжалларни акс эттирарди ва ниҳоятда зиддиятли таълимот эди, бунинг Энгельс ўз асарида кўрсатиб ўтган эди (қ. 19-т., 310—311-б.). С. грёк стоикларининг *пантеизми*ни сақлаб қолган, яъни оламни бир бутун моддий ва оқилона яхлит деб қараган ҳолда, бошлича маънавий-ахлоқий проблемаларни ишлаб чиқади, унинг сўзларига қараганда, бу проблемаларни тўғри ҳал қилганда руҳнинг осойишталиги ва вазминлигига эришилади (*Атараксия*). Узининг асосан индивидуалистик этикасини у жамият ва давлат вазибалари билан боғлашга уринади. С. нинг этикаси христианлик идеологиясини ишлаб чиқишга катта таъсир кўрсатди. Энгельс С. ни христианликнинг амакиси деб атаган эди (қ. 19-т., 307-б.).

СЕН-СИМОН де Рувруа Анри Клод (1760—1825) — француз утопист социалисти. Француз буржуа революцияси вақтида яқобинчиларга қўшилди; АҚШда мустақиллик учун урушда қатнашди. С.-С. француз материалистларининг фикрларига қўшилиб, деизмга ва идеализмга қарши чиқди, уларга «физизмни», яъни табиатни ўрганишни қарама-қарши қўйди. У детерминизмни қаттиқ туриб ҳимоя қилди, уни инсоният жамияти тараққиётига жорий этди ва тарихий қонуний идеясини асослашга алоҳида эътибор берди. Тарих ҳам худди табиъет илми сингари, ижобий фан бўлмағи лозим, деб ҳисобларди у. С.-С. нинг фикрча, ҳар бир ижтимоий система тарихда олға ташланган қадамдир. Бироқ у илмий билимларнинг, ахлоқ ва диннинг илгарилаб кетишини ижтимоий тараққиётнинг ҳа-

ракатлантирувчи кучлари деб ҳисобларди. Тегишинча тарих тараққиётнинг уч фазасини: геологик (диннинг ҳукмронлик даври, бу давр қулдорлик ва феодал жамиятларини ўз ичига олади), метафизик (феодал ва диний системаларнинг емирилиш даври) ва позитив фазани (келажакдаги ижтимоий тузумни) босиб ўтади. Тарихга идеалистик қарашидан қатъий назар, ижтимоий тараққиётнинг объективлиги ҳақидаги гоя, жамият тараққиётида мулкнинг ва синфларнинг роли ҳақидаги фаразлар С.-С. нинг улкан хизматидир. С.-С. нинг социологик концепцияси олдин ўтган тарихнинг қонуниятли натижаси сифатида янги ижтимоий тузум барпо этишнинг тарихий зарурлигини асослаш мақсадларига хизмат қилди. С.-С. нинг фикрича, келгуси жамият илмий ва плацли равишда ташкил этилган йирик sanoatга асосланади, ammo unda хусусий мулк ва синфлар сақланиб қолади. Unda фан ва sanoat, олимлар ва sanoatchилар ҳукмронлик ролини ўйнайди. С.-С. ишчиларни ҳам, фабрикантларни ҳам, савдогар ва банкирларни ҳам sanoatchилар қаторига қўшган. Ҳамманинг меҳнат қилиш ҳуқуқи таъминланмоғи лозим; ҳар бир киши қобилиятига яраша ишлайди. Келгуси жамиятда кишиларни бошқариш ўрниги нарсаларни саранжомлаш ва ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилиш эгаллайди. С.-С. қарашларининг уқулқоқ характери айниқса шунда ятоқлик кўриндики, у янги жамиятни яратувчи пролетариатнинг ва эски жамиятни қайта қуриш воситаси бўлган революциянинг тарихий ролини тушуномасди. «позитив» (ижобий) философияни пропаганда қилиш йўли билан кишиларнинг ҳаётини оқилонга ташкил этишга эришиш мумкинлигига соддафаҳмлиқ билан умид боғларди. С.-С. нинг вафотидан кейин унинг таълимоти Б. П. Анфантен (1796—1864) ва С.-А. Базар (1791—1832) пропагандида қилдилар. Бироқ кўп ўтмай сен-симончилар мактаби айниб диний оқибатга айланиб кетди ва С.-С. таълимотининг заиф томонларини ҳимоя

қила бошлади. С.-С. нинг асосий асарлари: «Женевада истиқомат қилувчининг замондошларга мактублари» (1802), «Йнсон ҳақидаги фан очерки» (1813—16), «Буту: олам тортилиши ҳақидаги асар» (1813—22), «Саноат системаси тўғрисида» (1821), «Саноатчиларнинг маслаҳомаси» (1823—24), «Янги христианлик» (1825).

СЕНСУАЛИЗМ (лат. *sensus* — ҳис, сезги) — гносеология соҳасидаги таълимот, у *сезгини* билишнинг бирдан-бир манбаи деб эътироф қилади. Агар сезгилар объектив реалликнинг инъикоси деб қараладиган бўлса, у вақтда изчил С. маълум шарҳида материализмга олиб келади (*Гольбах, Гельвеций, Фейербах*). Лекин агар сезгилар фақат субъектив нарсалар деб, undan нарида ҳеч нима йўқ ёки билиб бўлмайдиган «нарсалар ўзида» бор, деб қаралса, у вақтда С. субъектив идеализмга олиб келади (*Беркли, Юм, Кант, Мах, Авенариус, Богданов*). Шу сабабли ўз-ўзлигида С. философияда ҳали материалистик йўлнинг ифодаси эмас. Гарчи С. материалистик философиянинг ривожланишида катта роль ўйнаган бўлса-да, унинг чекланганлиги кўпинча уни идеализмга қарши курашда ожив қилиб қўярди. Сезгилар билиш процессининг бошқа томонлари билан, яъни практика ва абстракт тафаккур билан узвий бирликда бўлган тақдирдагина билишнинг зарур томони бўлиши мумкин (*Билиш, Назария ва практика, Мушоҳадачилик, Эмпиризм, Рационализм*).

СЕНТИМЕНТАЛИЗМ (французча: *sentiment* — ҳиссиёт) — бадий метод, 18-асрнинг ўрталарида Англияда пайдо бўлган ва сўнгра асосан Европа адабиётида тарқалган (*Ричардсон, Л. Стерн* — Англияда; *Руссо, Мерсье* — Францияда; *Гердер, Жан-Поль* — Германияда; *Н. Карамзин* ва илк даврда *В. Жуковский* — Россияда). Маърифатнинг ривожланишида сўнги босқич бўлган С. ўз гоёвий мазмунига ва бадий хусусиятларига кўра *классицизмга* қарама-қарши турарди. С. да «учинчи сословие» демо-

қратик қисмининг ижтимоий интилишлари ва кайфиятлари, унинг феодал сарқитларга, кучайиб бораётган социал тенгсизликка ва таркиб топаётган буржуа жамиятида шахснинг ўз ўрнини йўқотиб боришига қарши норозилиги ўз ифодасини топди. Лекин С.нинг бу прогрессив тенденциялари унинг эстетик ақидаси билан, яъни табиат бағридаги табиий ҳаётни ҳар қандай зўрлик ва жабр-зулмдан озод, цивилизация иллатларидан холи турмуш деб идеаллаштириш, антирационализм, сирли ҳис-туйғуларга сажда қилиш билан чекланган эди.

СЕЧЕНОВ Иван Михайлович (1829—1905)— рус табиатшуноси, «рус физиологиясининг отаси» ва Россияда материалистик психологиянинг асосчиси. У Медицина-Хирургия академиясининг (1860—70) ва Москва ун-тининг (1891—1901) профессори эди, 1904 йилдан фахрий академик. С.—физиологик ва психологик фанларда идеализмга қарши муросасиз курашчи. С.нинг фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашларига рус революцион демократлари, айниқса Чернышевский муҳим таъсир кўрсатди. С. марказий нерв системасининг, жумладан бош миyaning экспериментал физиологик тадқиқотларига асос солди. Невр системаси физиологияси соҳасида унинг энг муҳим кашфиётлари — марказий тормозланиш ва нерв тўқимасининг «инертлиги» хоссасининг кашф этилишидир. С. рефлектор принципини бош мия фаолиятига татбиқ этиб («Бош мия рефлекслари», «Психологияни ким ва қандай қилиб ишлаб чиқиши керак» мақолалари), ҳайвонлар ва инсоннинг психик фаолияти тўғрисидаги рефлектор назариясини яратишга асос солди. У янги тушунчаларни («ҳис қилувчи снаряд» ёки анализатор, орттирилган рефлекслар ва б.) киритди, бу тушунчалар И. Павловнинг олий нерв фаолияти ҳақидаги таълимотни яратишида асосий нуқта бўлди. С. материалистик гипотезаларнинг ҳиссий инъикос табиати ва унинг билувчилик функцияси («Москва университетда биринчи лекция», «Тассурот ва воқелик»,

«Предметли фикр ва воқелик»), ҳиссий инъикосдан тафаккурга ўтиш ва фикрлаш процессларининг табиати («Фикр элементлари» мақоласи), образнинг ва психик қобилиятларнинг шаклланишида предмет, амалий фаолиятнинг роли масаласи каби бир қанча бошқа проблемаларни табиий-илмий нуқтан назардан асослашга муҳим ҳисса қўлди.

СЕХРГАРЛИК (грек. mageia — сеҳргарлик)— ибтидоий дин формаларидан бири бўлиб, у шунга асосланган эдики, тушунарли бўлмаган кўп ҳодисалар сеҳрли кучларга нисбат бериларди; у кишиларга, ҳайвонларга, ҳаёлий арвоқлар, жин-ажиналарга ва ҳ. к. таъсир қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган диний маросимлар мажмуида ифодаланади. Ибтидоий С. ни. Л. *Левин-Брюль* ва Н. Я. Марр энг самарали ўрганиб чиққанлар, улар С. да тафаккурнинг ўзига хос формасини пайқаганлар. Бу формада инсон нарсаларнинг сифат тафовутини ҳали билмайди (тушунчалар ёрдамида ёки концептуал равишда фикр қилмайди) ва шунинг учун бирон-бир ҳодисанинг ёки нарсанинг хоссаларини истаган бошқа нарсаларга кўчиради. Бундай дахлдор қилиб кўчиришни ибтидоий одам қандайдир ғайри табиий ҳолатдан холи бўлган ва сира ўзгармайдиган ҳақиқат деб фикр қилади. Ғайри табиий куч ҳақидаги тасаввур билан боғлиқ бўлган амал сифатидаги С. кейинроқ, «сеҳрли тафаккур» мантиқий тафаккур билан ёнма-ён мавжуд бўлганда пайдо бўлади. Бу вақтда табиат қонун ва ҳодисаларини билиш қобилияти бўлса-да, кишига баъзи ҳодисалар ҳар ҳолда ақл етмайдиган бўлиб туюлади. С. ҳақидаги кундалик тасаввур истаklarни маълум мақсадни кўзламадан бевосита амалга ошириш (мас., касалликни тuzатиш, ёмғир ёғдириш, бирон кишини ҳалок этиш ва ҳ. к.) мумкинлигини ишониб билан боғлиқдир. Ҳозирги замон онгига «сеҳрлий куч»га ишониб воқелик ҳодисаларини бузиб талқин этишда, жумладан инсон яратган нарсаларга улар ҳақиқатда эга бўлмаган куч ва хоссаларни нисбат беришда.

намоён бўлмоқда. Бу жиҳатдан товар *фетишизми* яққол мисолдир.

СИГНАЛ СИСТЕМАЛАРИ — воқелик инъикоснинг шартли рефлектор механизми. Рус физиолог И. Павлов ифодалаб берган С. с. ҳақидаги таълимотнинг асосий қондалари қуйидагилардан иборат. Инсонни ҳам қўшган ҳолда олий ҳайвонларда тирик системанинг теварак-атрофдаги муҳит билан мураккаб ўзаро муносабатлари учун биринчи инстанция — ярим шарларга энг яқин турувчи мия тағиўсти ва унинг мураккаб шартсиз рефлексларидир, бу рефлексларни озгина шартсиз, яъни туғилишдан бошлаб амал қиладиган ташқи агентлар юзга келтиради. Тирик вужудларнинг теварак-атрофдаги муҳитда чекланган ориентацияси ана шундан келиб чиқади. Иккинчи инстанция — катта ярим шарлар, лекин унда миянинг пешона бўлаклари қатнашмайди. Бунда шартли алоқа ёрдами билан фаолиятнинг янги принцили пайдо бўлади: у сон-саноқсиз бошқа агентларнинг озгина шартсиз агентларининг сигнализацияси бўлиб, мазкур сон-саноқсиз кўп агентлар анализ қилинади ва синтезлаштирилади ва улар худди ўша муҳитда жуда катта ориентация қилиш имкониятини яратиб беради. Бу — ҳайвонлар оламида бирдан-бир, инсонда эса биринчи сигнал системасидир. Инсон миясининг пешона бўлакларида махсус бошқа (иккинчи) сигнал системаси — сўз, нутқ билан сигналлаш қўшилади. Бу билан нерв фаолиятининг янги — олдинги системанинг беҳисоб кўп сигналларини абстракциялаштириш ва умумлаштириш ҳамда бу умумлаштирилган янги сигналларни анализ қилиш ва синтезлаштириш — принцили жорий этилади ва бу принцип теварак-атрофдаги оламда чексиз ориентация қилишга шарт-шароит туғдиради.

СИЕСАТ (грек *politike* — давлатни бошқариш санъати) — *давлат* ишларида қатнашиш, давлат фаолиятининг формаларини, вазифаларини, мазмунини аниқлаш (қ. Ленин тўплами, XXI, 14-б.). С. соҳасига давлат тузилиши, мамлакатни бошқариш, синф-

ларга раҳбарлик қилиш масалаларни, партиявий кураш ва ҳ. к. масалаларни киради. Унда синфларнинг туб манфаатлари ва ўзаро муносабатлари ўз ифодасини топади. С. шунингдек миллатлар ўртасидаги ва давлатлар ўртасидаги (ташқи сийсат) муносабатларни ҳам ифодалайди. Синфлар ўртасидаги муносабатлар ва, демак, уларнинг С. и ҳам уларнинг иқтисодий аҳволидан келиб чиқади. Сийсий идеялар ва уларга мувофиқ бўлган муассасалар иқтисодий базис устидаги устқурмадир. Аммо бундан, С. экономиканинг пассив натижасидир, деган маъно асло келиб чиқмайди (*Экономика ва сийсат*). С. ўзгартирувчи куч бўла олиш учун жамиятнинг моддий ҳаёти ривожининг эҳтиёжларини тўғри акс эттирмоғи лозим. Реакцион буржуазия С. и жамиятнинг илгарилаб ривожланиб боришига тўсқинлик қилади, чунки бу С. жамият тараққиётининг объектив эҳтиёжларига зид равишда тузилади. Коммунистик партия С. ининг кучи, аксинча, шундач иборатки, бу С. шундай эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда тузилади. Бу ялми равишда асосланган, ижтимоий тараққиёт қонуларини билишга таянадиган ва бу қонулардан жамият манфаатлари йўлида фойдаланадиган С. дир. Коммунистик партия С. и халқнинг туб манфаатларига жавоб беради, кенг меҳнаткашлар оmmas томонидан доимо қўллаб-қувватланади. Коммунизм қурилишга муваффақиятли раҳбарлик қилишга тўғри С. ни унга мувофиқ келадиган ташкилотчилик ва идеология иши билан узвий равишда боғлаб олиб бориш туфайли эришилади. Коммунистик партия С. ининг раҳбарлик қилувчи ва йўл кўрсатувчи таъсири остида маданият ва идеологиянинг ҳамма соҳалари ривожланмоқда. Партия сийсатдан қочишнинг, гоёсизликнинг ҳар қандай кўринишларини қоралайди, буржуа ва ревизионистик идеологияга қарши мurosасиз ҳужумкор кураш олиб боришни талаб қилади. Партиянинг коммунизм қуришга қаратилган ички С. и унинг ташқи С. ни белгилайди. Партиянинг ташқи С. ининг мақса-

ди — СССРда коммунизм қуриш учун тиричилик шароитларини таъминлаш, жаҳон социалистик ҳамдўстлигини бутун чоралар билан мустақамлаш, халқларнинг озодлик курашини қўллаб-қувватлаш, империалистик уруш ва агрессия сиёсатига қатъий суратда қарши ҳаракат қилишдир.

СИЛЛОГИЗМ — қ. *Силлогистика*.

СИЛЛОГИЗМ АКСИОМАСИ — силлогизмнинг асосий принципи; Аристотель уни бундай деб ифодалайди: «Биттаси иккинчиси ҳақида худди эга ҳақида сўзлайдигандек бўлса, у вақтда кесим ҳақида сўзланадиган нарсаларнинг ҳаммаси эга ҳақида ҳам сўзлаган бўлади». Аристотель «сўзлайди» термини ўрнига кўпинча «хос» терминини ишлаган, «А Б ҳақида сўзлайди» ва «Б А да мавжуд» деган ибораларни эса у тенг маъноли иборалар деб ҳисоблаган. Шундай қилиб, С. а. мазмуни (интенсив) изоҳлашга ҳам, ҳамжли (экстенсив) изоҳлашга ҳам йўл қўяди. Традицион формал логикада С. а. нинг аҳамияти барча силлогизмларни биринчи фигурдаги силлогизмларга (*Силлогистика*) нисбат бериш ишларини бажариш билан боғлиқ ҳолда намойиш бўлади. Ҳозирги замон формал логикасида С. а. масаласи силлогистикани аксиомаллаштиришнинг кенгроқ вазифаси контекстидан ҳал қилинмоқда.

СИЛЛОГИСТИКА — силлогистик *хулоса чиқариш* (силлогизм) ҳақидаги таълимот, тарихан биринчи марта *Аристотель* ифодалаб берган *дедукциянинг* мантиқий системаси. Силлогизмнинг мисоли мана бундай бўлади: «Ҳар қандай металл электр ўтказувчидир, баъзи суюқликлар — металлдир, демек, баъзи суюқликлар — электр ўтказувчидир». С. нинг асосий вазифаси — предикатнинг субъектга хослиги ёки хос эмаслиги ҳақидаги тасдиқни ўз ичига олган ва хулосанинг асослари сифатида чиқадиغان ҳукмлардан муайян хулоса қачон зарурдан келиб чиқиши ва қачон келиб чиқмаслиги умумий шартларини аниқлаб беришдан иборат. Силлогизм уч ҳукмдан: икки асос ва хулосадан иборатдир. Хулосага кирмайдиган терминни

(бу ўрта термин деб аталади) ўз ичига оладиган ҳукмлар силлогизмнинг асосларини ташкил этади. Ассерторик (воқеий) С. билан бир қаторда Аристотель модаль С. га ҳам асос солган эди (*Модаллик*); воқеан, заруран, эҳтимолан ва тасодифан хослик ёки нохослик ҳақидаги алоқалар бу С. нинг мантиқий константлари бўлиб майдонга келади. Ҳозирги замон формал логикаси нуқтаи назаридан ассерторик С. дедукциянинг нисбатан тор назариясидан иборат. Математик логика воситалари ва методларидан фойдаланиш йўли билан формал-мантиқий система сифатида С. ни систематик тузишга эришилади. Бу системани қатъий суратда аксиомаллаштириш амалга оширилади, унинг зиддиятли эмаслиги ва ҳал қилиш мумкинлиги исбот қилинади.

СИНТАКТИКА — семиотиканинг бир бўлими.

СИНТЕТИК ВА АНАЛИТИК — бу тушунчалар гапларнинг (мулоҳазаларнинг) ҳақиқатлигини аниқлашнинг турли усулларни ифодалайди. Билмнинг мантиқий жиҳатдан тартибга солинган, одатдаги тилда ёки фаннинг махус тилида қайд этилган бирон системасининг ҳамма гапларини икки тилга: аналитик ва синтетик гапларга бўлиш мумкин; аналитик гаплар шундайки, уларнинг ҳақиқатлигини фақат айтиш системанинг қоидалари асосида, тилга боғлиқ бўлмаган фактларга мурожаат қилмасдан аниқлаш мумкин; синтетик гаплар шундайки, уларнинг ҳақиқатлигини фақат шу қоидаларга асосланиб аниқлаб бўлмайди ва эмпирик маълумотларга мурожаат қилиш керак бўлади. Философия тарихида С. ва а. проблемаси билимнинг эмпирик ва назарий даражаларини фарқ қилиш билан чамбарчас боғлиқдир. *Лейбницда* бу фарқ барча ҳақиқатларни зарурий (назарий билимга) ва тасодифий (фактларга асосланган билимга) ҳақиқатларга бўлишда ўз ифодасини топган. *Кант* аналитик ҳукмлар тажрибага боғлиқ эмас; деб ҳисобларди ва уларни, синтетик ҳукмлардан фарқли уларок, предикати субъектда

мавжуд бўлган ва унга айнан тенг бўлган ҳукмлар, деб таърифларимиз. С. билан а. ни қатъий чегаралашнинг фақат муайян формалаштирилган тил учун аҳамияти бор, холос. Унинг ифодалари орасида мантиқий ҳақиқатлар (аналитик гаплар) ва фактларга асосланган ҳақиқатларни (синтетик гапларни) фарқ қиладилар. Мантиқий ҳақиқатлар тилга боғлиқ бўлмаган реаллик ҳақида ҳеч қандай бевосита хабар бермайди ва формал логиканинг мазмунини ташкил этади. Фактларга асосланган ҳақиқатлар тажрибага таянади ва конкрет фактларнинг мазмунини (шу жумладан қонунларини ҳам) ифодалайди. Аналитик гапларни тил конвенциялари деб талқин қилувчи *неопозитивизмга* қарама-қарши ўлароқ, диалектик материализм ҳар қандай фаннинг барча фикрлари пировард ҳисобда объектив реаллик билан белгилангандир, деган қондага асосланади. Гапларнинг синтетик ва аналитик гапларга бўлиниши нисбатан уларнинг билим системасида ўйнайдиган роли билан белгиланган.

СИНТОИЗМ (японча:— худолар йўли)— ибтидоий жамоа тузуми даврида Японияда пайдо бўлган дин, бу дин ўз ривожини давомидан анча ўзгаришларга дучор бўлган. Биринчи марта «синто» термини 18-асрда С. ни *буддизмдан* фарқ қилиш учун ишлатила бошланган, ammo унинг кўп маросимлари ва тасаввурлари аслда буддизмдан оллинган. 1868 йилда С. давлат дини деб эълон қилинди ва 1946 йилгача расман шундай дин бўлиб келди; ҳақиқатда эса С. 19-асрнинг охириларидан бошлаб ўз аҳамиятини йўқота бошлаган эди. С. даги асосий ақида ва аҳком — кўпдан-кўп камиларга (руҳларга) сиғинишдан иборат, бу руҳлар дастлабки вақтларда ҳайвонларда, ўсимликларда, буюмларда, табиат ҳодисаларида ва аждодларнинг арвоҳларида гавдаланиб кўринган. С. га кўра, худолар билан одамлар ўртасида алоқа Амагэ-расунинг (қуёш маъбудаси) авлоди ва унинг ердаги вакили бўлмиш император (микадо) орқали амалга

оширилади. Микадо барча японларнинг отаси ҳисобланади ва у худо даражасига кўтарилиб иззат-ҳурмат қилинади. Япония иккинчи жаҳон урушида мағлубиятга учратгач, микадонинг илоҳий насл-насаби инкор этила бошланди.

СИНФ (ижтимоий синф)— қ. *Синфлар* (ижтимоий синфлар).

СИНФИЙ КУРАШ — манфаатлари бирга сиғишмайдиган ёки бир-бирига зид келадиган *синфлар* ўртасидаги кураш. Қулдорлик жамиятидан бошлаб барча жамиятлар тарихи — синфлар кураши тарихидан иборат. Марксизм-ленинизм С. к. ни, антагонистик синфларга бўлинган жамият тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи, деб илмий равишда изоҳлаб берди, ишчилар синфининг С. к. и заруран *социалистик революцияга* ва *пролетариат диктатурасини* ўрнатигиша олиб боришини, бу диктатуранинг мақсади — ҳар қандай синфларни йўқ қилиш ва синфсиз коммунистик жамият тузишдан иборат эканлигини кўрсатди. Пролетариат С. к. ининг асосий формалари иқтисодий, сиёсий ва идеологик формалардир. Сиёсий кураш — пролетариат С. к. ининг олий формаси, ишчилар синфини ва бутун жамиятни эксплуатациядан озод қилишнинг ҳал қилувчи шартидир. Ҳозирги замон капиталистик жамияти шароитида пролетариат С. к. ининг ўткир тиги монополияларнинг ялпи ҳукмронлигига қарши қаратилган. Капиталистик монополияларга қарши курашда миллатнинг тинчликни сақлашдан, кенг демократик талабларни амалга оширишдан манфаатдор бўлган барча асосий қатламлари пролетариат теварагида бирлашмоқда. Илмий-техника революцияси, реформистлар ва ревизионистлар даъво қилганидек, капиталистик жамиятда С. к. ининг сўнишига олиб бораётгани йўқ. У, аксинча, капитализм системасидаги ҳамма эски антагонистик зиддиятларни тобора кўпроқ кескинлаштирмоқда ва янгиларини туғдирмоқда. Мас., пролетариат стачкачилик ҳаракатининг ўсиб бораётганлиги шу билан боғлиқдир. Пролетариат дикт.

тураси ўрнатилгач, С. к. янги формаларда давом эттирилади. Ленин ёш Совет республикасининг тажрибасига асосланиб, шундай формалар (вазифалар)дан бештасини кўрсатиб ўтган: 1) эксплуататорларнинг қаршичилигини бостириш, 2) пролетариат билан буржуазия ўртасидаги С. к. нинг кескинлашиб борилишининг энг ўта формаси бўлган граждандар уруши, 3) деҳқонларга ва пролетар бўлмаган бошқа меҳнаткаш оммага раҳбарлик учун кураш, 4) буржуа мутахассисларидан фойдаланиш учун кураш ва 5) янги, социалистик меҳнат интизомини сингдириш учун кураш (39-т., 261—264-б.). Конкрет тарихий шароитларга қараб, С. к. кўпми ёки озми кескинлик билан ривожланиши мумкин. «Ички ва ташқи шароитнинг бирор бир тарзда ўзгариши муносабати билан синфий кураш айрим даврларда кескинлашуви мумкин» (КПСС Программаси). Социализм тўла ва узил-кесил ғалабага эришгач, мамлакат ичида синфларнинг тўқнашувлари учун замин қолмайди, жамиятнинг социал-сиёсий ва гоёвий бирлиги барпо бўлади. Барча социал группалар — ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар — коммунизм ғалабасидан манфаатдор бўлиб, онгли равишда шу ғалабага интилган шароитда социализмнинг ўсиб коммунизмга ўтиши амалга ошиб боради. Аммо капитализм сарқитларига қарши кураш зарурияти сақланиб қолади, чунки бу курашда маълум даражада синфий мазмун сақланиб қолади ва у эски дунёнинг гоёвий қаршилик кўрсатишига қарши курашдан иборат бўлади. С. к. капиталистик дунё билан муносабатларда сақланиб қолади. Социализмни мустаҳкамлаётган, тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қиладиган ва жаҳон овозлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаётган совет халқи ишчилар синфи бошчилигида империализм кучларига қарши С. к. олиб бормоқда.

СИНФЛАР (ижтимоий синфлар). «Синфлар деб кишиларнинг катта-катта группаларига айтилидики, бу группалар ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тарихан муайян системасида

тутган ўринларига, ишлаб чиқариш воситаларига бўлган муносабатларига (кўпича қонуналарда мустаҳкамланган ва расмийлаштирилган муносабатларига), меҳнатни ижтимоий ташкил этишдаги ролларига, бинобарин, ижтимоий бойликдан ўзларига тегишли ҳиссани олиш усуллари ва миқдорларига қараб бир-бирдан фарқ қилади. Синфлар кишиларнинг шундай группаларидирки, ижтимоий хўжаликнинг муайян укладда уларнинг тутган ўринлари бошқа-бошқа бўлиши сабабли, бир группа иккинчи группанинг меҳнатини ўзиники қилиб олиши мумкин» (В. И. Ленин, 39-т., 15-б.). С. нинг мавжудлиги фақат ишлаб чиқаришнинг тарихан муайян усуллари билан боғлиқдир. С. нинг пайдо бўлишига ижтимоий меҳнат тақсимотининг ривожланиши ва ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкнинг юзага келиши сабаб бўлди. Ҳар бир синфий жамиятда асосий синфлар (қўлдорлар жамиятида — қўлдорлар ва қўллар, феодализм даврида — помешчиклар ва крепостной деҳқонлар, буржуа жамиятида — капиталистлар ва пролетариат) билан бир қаторда асосий бўлмаган синфлар ҳам мавжуддир; бундай синфлар ё эски ишлаб чиқариш усули қолдиқларининг сақланиб қолганлиги билан (буржуа жамиятида — деҳқонлар), ё янги синфнинг туғила бошлаши билан (феодализм бағрида буржуазия С. нининг туғила бошлаши) боғлиқдир. Социалистик революция натижасида ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкнинг йўқ қилиниши ва унинг ўрнига ижтимоий мулкнинг ўрнатилиши натижасида эксплуататор С. ни тугатиш ва синфий антагонизмни бартараф қилиш мумкин бўлади. Социализмнинг ғалаба қилиши меҳнаткаш С. нинг қиёфасини тубдан ўзгартиради, ишчи ва деҳқонларни бир-бири билан яқинлаштиради. Социализм шароитида ишчилар синфини эндиликда пролетариат деб бўлмайди: у эксплуатациядан озоддир, бутун халқ билан бирга ишлаб чиқариш воситаларига эгаллик қилади, шунинг учун унинг иш кучи товар эмасдир. Соци-

лим шаронтида деҳқонлар хўжалигини хусусий мулкчилик асосида юритишига ва унинг капитализмдан мерос бўлиб қолган тарқоқлигига, ибтидоий ва қолоқ техникасига абадий барҳам берилди. Деҳқонлар энди хўжаликни коллектив социалистик мулк асосида юргизмоқдалар. Интеллигенция ҳам тубдан ўзгарди. Социализм ривожланиб коммунизмга ўтиб бориши процессида ишчилар, деҳқонлар ва зиёлилар ўртасидаги чегаралар битиб боради. Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутларнинг аста-секин бартараф қилиниши бу процесснинг негизини ташкил этади. Социалистик жамиятда эришилган халқнинг *социал-сиёсий ва ғоявий бирлиги* шу билан бирга тобора мустақамланиб боради, жамиятнинг социал яқинлиги эса кучаяди. Ишчилар С. и раҳбарлик роллини бажарган ҳолда ишчилар С. и билан колхозчи деҳқонлар иттифоқининг янада мустақамланиши коммунизм қурилиши учун ҳал қилувчи сиёсий ва социал-иқтисодий аҳамиятга эгадир. Коммунизм ғалаба қозонгач, жамиятнинг С. га ва социал табақаларга бўлиниши узил-кесил барҳам ейти.

СИНФЛАР КУРАШИ — қ. *Синфий кураш*.

СИСТЕМА — ўзаро муносабат ва алоқада бўлувчи ва муайян *яхлитлики*, бирликини ташкил этувчи элементлар тўплами. С. тушунчаси ҳозирги замон фани, техникаси ва философиясида муҳим роль ўйнайди. 20-асрнинг ўрталаридан бошлаб систем усул ва С. нинг умумий назарияси соҳасида — систем тадқиқотлар ҳақидаги умум илмий ва фалсафий тасаввурларни ривожлантиришни ва С. ларнинг ўзига хос хусусиятларини, уларнинг асосий туркумлари, анализ методлари (*Тадқиқотларнинг систем методлари*) ва ҳ. к. тасвирлайдиган кенг назариялар тузишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган янги илмий йўналишлар соҳасида жадал ишлар олиб борилмоқда. С. тушунчаси узоқ тарихга эгадир. Бу-

тун ўз қисмларининг йиғиндисидан каттароқдир, деган фикрни Аристотель айтган. Стоиклар С. ни олам тартиби деб талқин этган эдилар. Философиянинг ривожланишида, антик замондан бошлаб, билим С. сининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришга катта эътибор берилган. *Кант* билишнинг системалигини таъкидлади; бу йўл *Кондильяк*, *Шеллинг*, *Гегелда* янада ривожлантирилди. Айни вақтда махсус фанларнинг турли соҳаларида С. нинг муайян типлари (геометрик билим С. си, механик С. лар ва ҳ. к.) тадқиқ этилди. Марксизм яхлит ривожланаётган С. ларни илмий билиш принципларини ифодалаб берди. Кибернетика ва у билан боғлиқ бўлган бир қатор илмий билимлар бошқариш С. си механизмларини (катта, мураккаб С. ларни) тушуниш учун катта аҳамиятга эга. С. учун фақат уни ташкил этувчи элементлар ўртасидаги алоқа ва муносабатларнинг (муайян уюшқоқликнинг) мавжудлиги эмас, балки муҳит билан чамбарчас бирликда бўлиш ҳам характерлидир, чунки муҳит билан ўзаро муносабатларда С. ўзининг яхлитлигини ифодалайди. Ҳар қандай С. юқорироқ даражадаги С. нинг элементи деб қаралиши мумкин, айни вақтда унинг элементлари кўйроқ даражадаги С. сифатида юзага кела олади. С. нинг инвариант (ўзгармаслик) ҳолатлари унинг структурасини белгилайди. Иерархиялилик, кўп даражалилик С. нинг тузилишини, морфологиясини ва унинг хатти-ҳаракатини, амалиётини характерлайди: С. нинг айрим даражалари унинг хатти-ҳаракатининг муайян ҳолатларини юзага келтиради, яхлит ҳолда амал қилиши эса унинг ҳамма томонларининг, иерархия даражаларининг ўзаро таъсир натижаси бўлиб чиқади. Табиий, техникавий ва ижтимоий табиатга эга бўлган С. ларнинг аксарияти учун уларда информацияни узатиш ва бошқариш процессларининг мавжудлиги характерлидир. Система объектининг хатти-ҳаракати, амалиёти ва тараққиётининг мураккаблиги фақат унинг, одатда, кўп сонли қисм-

дар, элементлардан, нисбатан алоҳида-алоҳида кичик системалардан, турли алоқалар ва муносабатларнинг ғоят хилма-хиллигидан иборат бўлишида эмас. Маълум мақсадга қаратилган ва хатти-ҳаракати маълум мақсадга эришишга бўйсундирилган С. лар ҳамда ўз амалиёти процессида ўз тузилишини, структурасини ўзгартира оладиган ўз-ўзини уюштирувчи С. лар С. нинг энг мураккаб типларига киради. Зотан, кўн системалар учун (тирик, социал системалар учун ҳам, катта техникавий системалар учун ҳам) даражаси жиҳатдан турлича, кўпинча ўзаро мос келмайдиган мақсадлар, бу мақсадларнинг кооперациялашуви ва низолашуви ва ш. к. лар характерлидир. 20- асрда тадқиқотларнинг систем методлари жадал ривожланиши ва бу методлардан фан ва техниканинг амалий вазифаларини ҳал қилиш учун (мас., турли биологик С. ларни, инсоннинг табиатга таъсир кўрсатиш С. сини анализ қилиш учун транспортни, космик учишларни бошқариш С. ларини, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг турли С. ларини ва ҳ. к. тузиш учун) фойдаланиш С. тушунчаларининг қатъий формал дефиницияларини (таърифларини) ишлаб чиқишни тақозо қиларди. Бундай таърифлар *тўпламлар назарияси*, *математик логика*, кибернетика ва ҳ. к. тиллари ёрдами билан тузилмоқда. Бироқ ҳар бир бундай формал таъриф С. тушунчаси мазмунининг фақат муайян аспектини ифодалайди, холос. С. нинг хилма-хил томонлари билан бирга олинган умумий таърифига эса фақат бир-бирини тўлдирувчи формал таърифлар оиласини тузиш натижасидagina эришиш мумкин.

СИСТЕМАЛАР УМУМИЙ НАЗАРИЯСИ — системалардан иборат бўлган объектларни тадқиқ қилишнинг метаназарий концепцияси. С. у. н. нинг биринчи вариантыни 20- асрнинг 40- йилларидан австриялик биолог Л. фон Бергаланфи (ҳозир АҚШда ишлайди.) томонидан илгари сурилган эди, ammo унинг ўтмишдошлари кўп

эди. Бергаланфи назариясининг асосий идеяси турли типдаги системали объектларнинг ишларини бошқарувчи қонунларнинг изоморфологини (*Изоморфизм ва гомоморфизм*) этироф этишдан ва шундай объекتلарнинг хатти-ҳаракатини тасвирловчи математик аппаратни тузишга уринишдан иборат. Бергаланфининг муҳим хизмати шундаки, у ташқи муҳит билан модда ва энергия доимо алмашилиб турадиган очиқ системаларни тадқиқ қилиб чиқди. 50—60- йилларда С. у. н. ни тузишга бир қанча бошқа усулларни татиқ этиш таклиф этилди (М. Месарович, Ж. Клар, Л. Апостель, А. И. Уемов ва б.). Бунда системали тадқиқотларнинг концептуал, мантиқий-математик аппаратини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилди. С. у. н. ҳозирги замон фанларининг ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эгадир: у системаларнинг муайян туркумларини анализ қилиш билан шуғулланадиган махсус системали назариялар ва концепцияларнинг ўрнини эгалламасдан, системали тадқиқотнинг умумий метаназарий принципларини ифодалаб бермоқда.

СИФАТ ВА МИҚДОР — философия категориялари бўлиб, объектив воқеликнинг муҳим томонларини акс эттиради. Олам тайёр ва тугал нарсалардан иборат эмас, балки процесслар мажмуидан иборат бўлиб, бу процесслардан нарсалар доимо пайдо бўлади, ўзгаради ва йўқ бўлади. Лекин бундан, улар муайян мавжудлик формасига эга эмас, муглақ беқарор ва уларни бир-бирдан фарқ қилиб бўлмайди, деган хулоса келиб чиқмайди (таққосланг: *Релятивизм*). Предмет қанчалик ўзгармасин, маълум вақтгача бошқача ҳолатда эмас, худди ўз ҳолатида, сифат жиҳатдан муайян предмет бўлиб қола беради. Предмет ва ҳодисаларнинг сифат муайянлиги уларни барқарор қиладиган, уларни чегаралаб қўядиган ва оламнинг бениҳоя хилма-хиллигини вужудга келтирадиган нарсасидир. Сифат — предметнинг муҳим муайянлиги бўлиб, шу муайянлик туфайли у бошқача предметдан эмас, балки ай-

ни ҳолатидаги предметдан иборат бўлади ва бошқа предметлардан фарқ қилади. Предметнинг сифати унинг айрим хоссаларидан иборат эмасдир. У яхлит предмет билан боғлиқ бўлиб, уни тамоилага қамраб олади ва ундан ажратиб бўлмайди. Шу сабабли сифат тушунчаси предметнинг борлиги билан боғланadi. Предмет ўз-ўзлигича қоларкан, ўз сифатини йўқотиши мумкин эмас. Бирон предметнинг бошқа предмет билан муносабатларида унинг турли хоссалари намоён бўлади; ана шу маънода предмет ва ҳодисаларнинг кўп сифатлилиги ҳақида сўзлаш мумкин. Барча предметлар сифат муайянлиги билан бир қаторда миқдор муайянлигига: муайян катталиқ, сон, ҳажм, процессларнинг юзга келиш суръати, хоссаларнинг ривожланиш даражаси ва ҳ. к. га ҳам эгадир. Миқдор — нарсанинг шундай муайянлигидирки, шу муайянлик туфайли уни (реал равишда ёки фикран) бир жинсли қисмларга бўлиш ва бу қисмларни бир бутун қилиб тўплаш мумкин. Қисмлар ёки предметларнинг бир жинслилиги (ўхшашлиги, монандлиги) миқдорнинг фарқ белгисидир. Бир-бирига ўхшамайдиган предметлар ўртасидаги тафовутлар сифат характерига, бир-бирига ўхшаш предметлар ўртасидаги тафовутлар эса миқдор характерига эгадир. Сифатдан фарқли ўлароқ, миқдор предметнинг борлиги билан унчалик маҳкам боғлиқ эмасдир; миқдор ўзгаришлари предметнинг бирданга йўқ бўлишига ёки мўҳим ўзгаришга олиб бормайди. Фақат ҳар бир предмет учун муайян чегарага етгач, миқдор ўзгаришлари сифат ўзгаришларини юзга келтиради. Ана шу маънода миқдор муайянлиги, сифат муайянлигидан фарқ қилиб, предметларнинг табиатига ташқи муносабат билан характерланади. Бинобарин, уни билиш процессида (мас., математикада) мазмундан қандайдир иш учун фарқ бўлмаган нарсдан ажратгандек ажратиш мумкин. Математик назарияларнинг табиёт ва техниканинг конкрет мазмун жиҳатдан турли со-

ҳаларида гоят кенг татбиқ этилиши мумкинлигининг сабаби шуки, математика кўпинча миқдор муносабатларини ўрганади. Сифатни миқдордан иборат қилиб бўлмайди. Ҳеч бир предмет фақат сифат, ёки фақат миқдор томонга эга бўлмайди. Ҳар бир предмет муайян сифат ва миқдор бирлигидан иборат (*Меъёр*); у сифат катталиги (миқдор) ва миқдор жиҳатдан муайян сифатдир. Меъорнинг бузилиши муайян предметни ёки ҳодисани ўзгаришга, унинг бошқа предмет ёки ҳодисага айланишига олиб келади (*Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши*).

СКЕПТИЦИЗМ (грек. *skeptomai* — шубҳаланаман) — объектив воқеликни билиш мумкинлигига шубҳа қиладиган фалсафий концепция. Изчил С. агностицизм ва нигилизм билан туташиб кетади. С. жамият тараққиётининг шундай даврларида энг кўп тарқаладики, бу даврларда эски ижтимоий идеаллар пугурдан кетган, янгилари эса ҳали мустаҳкамланмаган бўлади. Фалсафий доктрина сифатида С. антик жамиятнинг кризиси даврида (эрамаздан олдинги 4-асрда) олдин ўтган фалсафий системаларга реакция тариқасида пайдо бўлган эди, бу фалсафий системалар юзакки ақлий муҳокамалар ёрдами билан ҳиссий оламни изоҳлашга уринар ва бунда улар кўпинча бир-бирига зид келиб қоларди. С. *Пиррон*, *Аркесилай*, *Карнеад*, *Энесидем*, *Секст Эмпирик* ва б. ларнинг таълимотларида ўз чўққисига етди. Дастлабки скептиклар *софистларнинг* традицияларини давом эттириб, инсон билишининг нисбийлигини, уни формал исбот қилиб бўлмаслигини ва унинг турли шароитларга (турмуш вазиятлари, сезги органларининг ҳолати, традициялар ва урф-одатларнинг таъсири ва ш. к. ларга) боғлиқ эканлигини кўрсатган эдилар. Ҳамма эътироф этган исботли билимнинг бўлиши мумкинлигидан шубҳаланиш антик С. нинг ахлоқий концепциясига асос бўлган эди. Антик скептиклар руҳий осойишталикка (*атараксияга*) ва шу билан философиянинг асл мақ-

сади бўлган бахтга эришиш учун муҳокамалар юргизишдан сақланишни тарғиб қилардилар. Аммо скептикларнинг ўзлари муҳокама юргизишдан сақланмас ва асарлар ёзар эдилар, бу асарларда юзаки ақлий фалсафий ақидалар танқид қилинар ва С. нинг фойдасини кўзлаб (*троп*лар деб аталувчи) далиллар келтириларди. 17—18-асрлар философиясида С. нинг турли оқимлари мавжуд эди. Умуман С. ўрта аср идеологиясининг догматизмининг рад этишда муҳим роль ўйнади. *Монтень*, *Шаррон*, *Бейль* ва б. ларнинг асарларида теологларнинг далиллари шубҳа остига олинар, материализмни билиб олиш учун замин ҳозирланар эди. Иккинчи томондан, *Паскаль*, *Юм*, *Кант* ва б. ларнинг С. и ақлнинг имкониятини умуман чеклаб қўяр ва диний эътиқод учун ўрин очиб берарди. Ҳозирги замон философиясида С. нинг аъванавий далилларини позитивизм ўзига хос равишда ўзлаштириб олди. Позитивизм тажриба билан бевосита текшириб бўлмайдиган ҳар қандай муҳокамалар, умумлаштиришлар ва гипотезаларни бемаънилик, деб ҳисоблайди.

СКОВОРОДА Григорий Саввич (1722—94) — украин матрифатпарвар-демократи, философ, шоир. Камерли казакнинг ўғли. Киев-Могилян диний академиясида таҳсил кўрди (1738—41; 1744—50). Руҳонийлик мансабидан воз кечиб, дарвеш воизлик-философлик йўлини ихтиёр қилган. С. нинг дунёқарашига Феофан Прокопович ва *Ломоносов*нинг ижоди таъсир кўрсатган. Илоҳийддан олган маълумоти эса унинг қарашларига зиддиятли тус берган. Философиянинг асосий масаласини ҳал этишда С. материализм ва идеализм ўртасида иккиланади, аммо кўн проблема-ларда материалистик позицияларда турди. У Ломоносовга эргашиб, материянинг абадийлиги ва бениҳоялиги, табнатда қонуниятли боғланишларнинг ҳукмронлиги ҳақидаги хулосага келган, табнати ўз-ўзининг сабабчиси деб билган («*Рухий дунё* ҳақида дўстона суҳбат», 1775). С.

нинг дуалистик иккиланишлари уни бутун мавжудотни қамраб олувчи «уч олам»: «макрокосм» (табиат), «микроскосм» (инсон) ва «символлар олами» (Таврот) ҳақидаги назарияни яратишга олиб келди. Шу билан бирга бу оламлардан ҳар бири икки — «ташқи» (моддий) ва «ички» (руҳий) натурадан иборат. С. ўз таълимотининг *дуализмин*и бартараф қилмоқчи бўлиб, «худо» тушунчаси ва «табиат» тушунчасини бирлаштириш йўли билан уларни айнан бирдай деб ҳисоблаб (бу эса *пантеизмнинг* ўзгинаси-дир) руҳий ибтидо ва моддий ибтидо ўртасидаги зиддиятни олиб ташлашга интилган. С. инсон билишнинг чексизлигини эътироф қилган, аммо табнати тадқиқ этишни ўз-ўзини ички анализ қилиш зарурияти ва «символлар олами»ни тан олиш билан боғлаган. С. догматизм ва схоластикани дастур қилиб олган расмий динни кескин танқид қилиб, черковга душман бўлган *Коперник* гелиоцентрик таълимотини пропаганда қилган («*Илон тўфони*», 1791 ва б.), попларнинг ярамамлигини ва текинхўрлигини масхара қилиб кулган. С. нинг ахлоқий ваъз-насиҳатлари диний пардага бурканган бўлиб, «сезги ва эзгулик» динини йлаш билан боғлаб олиб борилган. У халқ манфаатларини ёқлаб қўқди, меҳнаткашлар оммасининг ҳуқуқсизлиги ва подонлигига хотима беришга даъват этди, лекин С. нинг социал проблемаларни ҳал этиши утопик характерда эди, чунки С. ахлоқий ибтидони янги жаamiaт тузишнинг асосий фактори деб ҳисобларди. С. нинг социологик қарашлари деҳқонлар антикрепостник ҳаракатининг заифлигини ва чекланганлигини акс эттирди. С. нинг асарлари у барҳаёт бўлган чоқда нашр этилма-са-да, қўлёзма рўйхат ҳолида кенг равишда қўлдан-қўлга ўтиб юрган.

СЛАВЯНОФИЛЛАР — 19-асрдаги рус ижтимоий фикрининг консерватив сиссий ва идеалистик фалсафий оқими вакиллари, улар Россия тараққиётининг алоҳида (Ғарбий Европага нисбатан) йўли зарурлигини асослашга уринганлар. Ҳз объектив маз-

мунига кўра бу, рус дворянларининг ўз имтиёзларини максимум даражада сақлаб қолган ҳолда буржуа тараққиёти йўлига ўтишининг реакциян-утолик программаси эди. С. программаси шундай бир даврда ифодаланган эдики, бу даврда ҳукмрон синф эксплуатациянинг эски формаларидан воз кечиб, янги тарихий шароитларга мослашиши зарурлиги ҳатто энг реакциян арбобларга ва ҳолаверса император Александр II га ҳам равшан бўлиб қолганди. Славянофилликнинг асосчилари — П. Киреевский ва Хомяковдир. К. ва И. Аксаковлар, Ю. Самарин, П. Киреевский ва б. С. эдилар. Славянофиллик идеялари 1839 йилда адабий ифодасини топди, 40—50-йилларда ривожланди ва Октябрь революциясидан кейин рус эмиграцияси бошлангач, панславизм томонидан қабул қилинди. С. православни, жамоа турмушини (бу турмушни улар идеаллаштириб кўрсатардилар), рус халқининг итоатқўйлигини, унинг тарихида синфий табақаланиш йўқлигини (бу эса Россия тарихини бузиш эди) рус тарихининг алоҳида хусусиятлари деб ҳисоблар эдилар. Бу концепцияни С. социологик нуқтан назардан асослаб, халқнинг тафаккур характерини белгиловчи унинг дини — ижтимоий ҳаётнинг негизидир, деб даъво қилардилар. С. назарида ҳақиқий дин православие бўлганлигидан, фақат унга топинувчи халқлар ва аввало рус халқи тараққиётга умид боғлаши мумкин, қолган халқлар эса православ цивилизациясини қай даражада қабул қилсалар, фақат шу даражада унга умид боғлайдилар. С. ўз доктринасининг фалсафий асосини диний-мистик системадан: волюнтаристик онтологиядан (Хомяков), иррационалистик гносеологиядан (Киреевский) қидирар эдилар.

СОДДА РЕАЛИЗМ — ҳар бир кишига хос бўлган стихияли материалистик дунёқараш, барча предметларнинг инсон онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжудлигига ишонш. Бироқ С. р. изчил, назарий жиҳатдан англаб етилган илмий дунёқараш эмасдир.

Субъектив идеализм (*Беркли, Мах* ва б.) С. р. ни сохта талқин қилардилар. Мас., махистларнинг даъвосига кўра, С. р. шундай дунёқараш эмишки, унга бивоан инсон фақат ўз сезгилари билан иш кўрармиш ва моддий оламнинг мавжудлиги ҳақидаги масаланинг унинг учун аҳамияти йўқ эмиш.

СОКРАТ (эрамиздан олдинги 469 — 399) — қадимги грек философи, унинг таълимоти материалистик натурализмдан идеализмга бурилишни билдиради. Афинада истиқомат қилган ва дарс берган, унинг дарсларини кўп шогирдлари: *Платон, Антисфен, Аристипп*, мегаралик Эвклид тинглаганлар. С. ўзи ҳеч нима ёзиб қолдирмаган, бинобарин, унинг таълимоти ҳақида фақат Платон ва *Аристотел*нинг гувоҳлиги асосидагина фикр юритиш мумкин. Оламнинг тузилишини, нарсаларнинг физик табиатини билиб бўлмайд; биз фақат ўз-ўзимизни билишимиз мумкин. Билиш предметини бундай тушунишни С. «Ўз-ўзингги бил» деган формула билан ифодалаган. Билимнинг олий вазифаси назарий эмас, балки амалий вазифадан — яшамоқ санъатидан иборат. С. нинг фикрича, билим — умумийлик ҳақидаги фикр, тушунчадир. Тушунчалар таърифлар орқали очилади, индукция орқали умумлаштирилади. С. ўзи этика тушунчаларини таърифлаш ва умумлаштириш намуналарини берган (мас., шавкат, адолат). Тушунчани таърифлашдан олдин суҳбат келади, бу суҳбат давомида ҳамсуҳбат бир қанча кетма-кет берилган саволлар билан зиддиятларда фош этилади. Зиддиятлар очилиши билан сохта билим бартараф қилинади, бунда ақл дучор бўладиган нотинчлик эса фикрни чин ҳақиқатни излаб топишга ундайди. Ўз тадқиқот усулларини С. «доя кампирнинг маҳорати» билан таққосларди; унинг догматик даъволарга танқидий қарашни назарда тутадиган саволлар методи сократча «киноя» деб ном олган. С. нинг этикаси — рационалистик этикадир: С. нинг фикрича, ёмон қилиқлар фақат билмасликдан

келиб чиқади ва ҳеч ким ўз холиши билан ёмон бўлмайди.

СОЛИПСИЗМ (лат. solus — ягона; ipse — ўзим) — субъектив-идеалистик назария, бу назарияга кўра, фақат инсон ва унинг онги мавжуддир, объектив олам, шу жумладан одамлар ҳам фақат индивиднинг онгидагина мавжуд. Принцип жиҳатдан олганда ҳар қандай субъектив-идеалистик философия муқаррар равишда С. га келади. *Беркли, Фихте, имманент мактаб* тарафдорлари бу қарашга энг кўп даражада яқинлашган эдилар. С. нинг нуқтаи назари инсон фаолиятини ва фанни ҳар қандай маъно-мазмундан маҳрум этади. Шу сабабли субъектив-идеалист философлар ўга С. дан қочишга уринмоқдалар, бунинг учун улар жинсий, ғайри индивидуал, илоҳий онгнинг мавжудлигини асосий қонда қилиб олмақдалар. *Сезгини* билишнинг манбаи сифатда абсолютлаштириш С. нинг гносеологик асоси бўлиб хизмат қилмоқда. В. И. Ленин «Материализм ва эмпириокритицизм» асарида С. ни танқид қилди.

СОЛОВЬЕВ Владимир Сергеевич (1853—1900) — рус идеалист философи, илоҳиётчи ва шоир. Москва ун-тини тамомлаган (1873). С. нинг қарашларига христиан адабиёти, шунингдек *буддизм, неоплатонизм* ва б. диний-фалсафий системаларнинг идеялари катта таъсир кўрсатган. Кўп нарсани у немис философиясидан (*Кант, Шеллинг, Гегель, Шопенгауэр* ва б.) ўзлаштириб олган. С. *славянофилларга* айниқса яқин эди, С. таълимотида «ваҳдатни вужуд» марказий идеядир. Бу идеяни С. абсолют, илоҳий соҳа деб, реал оламни эса унинг ўз-ўзини белгилаши ва мужассамланиши деб қарайди (сламий руҳ улар ўртасида воситачи бўлиб чиқади). Мутлақ «ваҳдат» (ҳақиқат, эзгулик ва гўзалликнинг мукамал синтези сифатида) С. нинг фикрича, фақат «яҳлит» билим билан пайқалади, бу билим эса мистик, рационал (фалсафий) ва эмпирик (илмий) билимнинг синтезидан иборатдир. **Зотан**, бу синтезнинг асосини мистик би-

лим: билиш предметининг мутлақ мавжудлигига ишониш, *интуиция*, предметнинг ҳақиқий идеясини берувчи мушоҳада (ёки хаёл), ижодиёт (ёки бу идеяни тажриба берган маълумотларда рўёбга чиқариш) ташкил этади. Бундан С. теология, философия ва фаннинг бирлиги ҳақида хулоса чиқаради ва уни «эркин теософия» деб атайди. Жамиятда «ваҳдат» идеяси ўзини шахсларнинг илоҳий-инсоний иттифоқи («эркин теократия») сифатида ёки барча миллатларни бирлаштирувчи ва инсониятнинг мутлақ мақсадларини, яъни ер юзида ҳамма социал зиддиятларни ҳал қиладиган, «илоҳий салтанат» барпо этишни белгилаб берувчи дунё черкови сифатида намоён қилади. С. нинг фикрича, «эркин теократия» гарбий (католик) ва шарқий (православ) христиан черковини черков-монархик давлат (бош руҳоний билан подшоининг диний ва дунёвий ҳокимиятнинг бирлиги) доирасида бирлаштириш натижаси бўлиши мумкин; бунда рус давлати гўё алоҳида роль ўйнар эмиш. Умрининг охирида С. пессимизмга ва *эсхатологияга* берилиб кетди. Унинг нуқтаи назарича, философиянинг асосий мақсади социал-диний идеални оқилона оқлашдан иборатдир, шунинг учун ҳам у теология хизматида бўлмоғи лозим. С. этикани ҳам динга асослайди: агар инсон «мутлақ яхшилик»ка ва илоҳий-инсоний салтанат ўрнатишга интилса, у ахлоқлидир. Гарчи С. «соф санъатга қарши чиққан бўлса-да (гўзалликка у абсолютнинг ҳиссий гавдаланиши деб қарарди ва санъатга асосан диний-тарбиявий, теургик маъно беради), унинг поэзияси ва эстетикаси рус символизмнинг гоявий манбаларидан бири бўлиб қолган эди. С. нинг буржуазия ва дворянларнинг реакцион доиралари манфаатларини объектив тарзда акс эттирган илмга хилоф назарияси 19-аср охири — 20-аср бошларига рус диний-идеалистик философиясига катта таъсир кўрсатди (*Бердяев, Трубецкой* ва б.). Асарлари: «Мавҳум ибтидоларни танқид» (1880), «Илоҳий ин-

соният ҳақида лекциялар» (1877—81). «Теократиянинг тарихи ва келажаги (1885—87) «Россия ва дунё черкови» (1889), «Эгуликни оқлаш» (1897—99) ва б.

СОРИТ (грек. soros — уюм) — силлогизмлар силсиласи, уларда олдинги силлогизмнинг хулосаси унинг кетидан келувчи силлогизмнинг асосларидан биридир, аммо бунда асослардан бири охиқ формада ифодаланмайди.

СОСЛОВИЕЛАР — тонфалар — синфий тафовут формаларидан бири, бу форма қуддорлик ва феодал тузум учун характерлидир. С. ижтимоий группалардан иборат бўлиб, улар фақат жамиятдаги маъқега қараб эмас, балки давлатда ишлов қилган юридик ўрнига қараб ҳам бирибидан фарқ қилади; бирон-бир С. га мансуб бўлиш наслдан-наслга ўтиб боради. Мас., крепостник Россияда дворянлар ва руҳонийлар юқори, имтиёзли С. га мансуб эдилар. Дворянлар бож-хирождан дорхон, тан жазосига тортилмас эди ва уларни фақат махсус дворянлар суди суд қила оларди. Мол-мулк ва крепостной деҳқонларга эгаллик қилишга ёлғиз улар ҳақли эдилар. Мешчанлар (асосан шаҳар майда ҳунармандлари, савдогарлар) ва деҳқонлар ўлпон тўловчи паст С. ҳисобланар эдилар. Қўп капиталистик мамлакатларда, айниқса умри тугаган феодал муносабатлар қатъий суратда емирилмаган капиталистик мамлакатларда сословиеларга бўлиниш сарқитлари ҳали ҳозиргача сақланиб қолган. Ҳозирги замон буржуазияси ўз синфий ҳукмронлигини сақлаб қолмоқ учун ҳар қандай сословиечилик бидъат-хурофотларини қўллаб-қувватлашга тайёр (бу жиҳатдан жамиятнинг С. га бўлиниши қайта тикланиш таклиф этган фашистларнинг «корпоратив тузум» ҳақидаги, шунингдек ҳоқимиятни мумтоз юқори табақага топширишга лавъат этувчи реакцион «элита» назариялари характерлидир). Россияда сословие тафовутлари 1917 йил ноябрда Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлар

Совети декрети билан бекор қилинган эди.

СОФИСТИКА—мунозарада ёки иш-ботларда софизмлар деб аталувчи нотўғри далиллارни, яъни ниқобланган ва сиртдан, формал жиҳатдан тўғри бўлиб кўринган ҳар хил найрангларни қўлланиш. Ленин С. ни диалектикадан фарқ қилиб таъсифлаганида, субъектив равишда татбиқ этилган тушунчаларнинг ихчамлиги—софистикага тенгдир, деб ёзган эди (қ. 29-т., 99-б.). С. нинг характерли усуллари шундан иборатки, у воқеаларни бошқа воқеалар билан алоқадорлигидан ажратиб олади, бир группа ҳодисаларнинг қонуниятларини иккинчи группа ҳодисаларига, бир тарихий давр қонуниятларини иккинчи тарихий давр воқеаларига татбиқ этади ва ҳ. к. С. фанда ҳам, сиёсатда ҳам реакцион роль ўйнайди. Халқ капитализми, демократик социализм ва ҳ. к. тўғрисида буржуа ва реформистик назариялар С. га мисол бўлиши мумкин.

СОФИСТЛАР (грек. sophistes — уста, моҳир)—«доғнишмандлик» ва «фасоҳат» муаллимлари сифатида вонзлик қилувчи қадимги грек философлари шундай деб аталган (эрампиздан олдинги 5-аср). С. ягона бир мактабни ташкил этмаган. Уларнинг қарашларидаги умумий нарса — диндан воз кечиш, табиат ҳодисаларини рационалистик изоҳлаш, ахлоқий ва социал релятивизмдир. С. нинг асосий группаси («катта» С.) қуддорлик демократияси томонида турарди. Улар учун табиатни умуман материалистик тушуниш характерлидир. Бу группанинг вакиллари — Протагор, Гипсий, Продик, Антифон — биринчи антик маърифатчи-энциклопедистлар эди. Бишли масалалари уларнинг диққат марказида турарди. Баъзи С. борлиқ ва уни бишли ҳусусида скептик хулосаларга келган эдилар (Горгий). Аристократик лагерга мансуб бўлган С.—Критий, Гипподам — фалсафий идеализмга мойиллик кўрсатардилар. С. мунозарада шундай чалқаш усулларга ёпишиб олардиларки, бу усуллар кейинчалик

софистика деб ном олди. Бу тенденция кейинроқ чиққан (эрамиздан олдинги 4-аср) ва, Аристотель сўзлари билан айтганда, «сохта донишмандлик» муаллимларига айланиб қолган С.ларда айниқса яққол кўринган эди.

СОЦИАЛ АМАЛИЁТ НАЗАРИЯСИ — ҳозирги замон буржуа социологиясининг асосий йўналишларидан бири, бу йўналиш 20-йилларда пайдо бўлган (*М. Вебер*, *Ф. Знаецкий*, *У. Макайвер*) ва айниқса АҚШда кенг тарқалган. *Парсонснинг* асарлари С. а. н. ни узил-кесил шаклга солди. С. а. н. социология предметини «социал хатти-ҳаракат» соҳаси деб тушунишга асосланади ва асосий вазифа — кишиларнинг шахсий муносабатлари назариясини ишлаб чиқишдан иборат, деб ҳисоблайди. С. а. н. «социология майдони» концепциясини ривожлантирмоқдаки, у қуйидагилардан иборат: 1) «хужайра» сифатида, яъни уни ўрганиш гўё социал қонуниятларни аниқлаш имкониятини берадиган «хужайра» сифатида ҳар қандай пкки индивиднинг олдни муносабатининг амалиёти олиб қаралади; 2) индивиднинг воқеликка (шу жумладан унинг теварак-атрофидаги одамларга ҳам) онгли муносабати билишга қарама-қарши бўлган бир нарса деб тушунилади («қимматдорлик нуқтаи назаридан қараш»); 3) индивидлар ва гуруҳларни фаолиятининг ижтимоий шароитларини анализ қилиш ўрнига уларнинг мазкур шароитлар ҳақидаги тасаввурларини анализ қилиш қўйилади; 4) гуруҳлар, табақалар, синфлар фаолиятининг моҳиятини тушуниш учун мазкур гуруҳларни ташкил этувчи индивидларнинг онгини тавсифлаш кифоя қилади. Шундай қилиб, С. а. н. нинг бошланғич асослари ижтимоий ҳодисаларни тушунишда фақат материализм принципларини илкор қилишга эмас, балки 19-асрдаги ва 20-асрнинг бошларидаги буржуа социологиясининг (*Спенсер*, *Тард*, *Гиддинг* ва б.) нуқтаи назарини ҳам илкор қилишга қаратилгандир, чунки ижтимоий тараққиёт қо-

нулларнинг объективлигига ишонини мазкур социология учун ҳали характерли эди. С. а. н. социал муносабатлардаги шахсий моментларни ўтаётган даражада фегишлаштиради. У ҳар қандай социал гуруҳнинг моҳиятини «қимматдорликлар бирлиги»дан, «норматив тартиб»дан иборат, деб ҳисоблайди ва бу таъбирларда кишиларнинг эмоционал соҳасида умумий хусусиятлар мавжудлигини ва уларнинг психологик реакциялари ва ахлоқий йўл-йўриқларининг ўхшашлигини тушунади. С. а. н. ижтимоий ҳодисалар моҳиятини бевосита кишилар онгиндан келтириб чиқаришга уринади. С. а. н. «мувозанат» концепциясида ижтимоий муносабатлар ҳолатининг идеал формаси сифатида фойдаланиб, улардаги ҳар қандай ўзгаришни жамиятнинг «касаллиги», «патологияси» деб қарайди.

СОЦИАЛ-ДАРВИНИЗМ — социологик назария, бу назария *яшаш учун курашни* ва табиий танландини ижтимоий тараққиётнинг асосий ҳаракатлантрувчи кучи деб қарайди. 19-асрнинг охириларида буржуа социологиясида тарқалган бу назария *Дарвин* таълимотини биологиядан социологияга кўчиришга асосланади (*Гумплович*, *Ратценгофер*, *Смолл*, *Сэмнер* ва б.). Ҳозирги С.-д тарафдорларининг баъзилари табиий танланиш ва яшаш учун кураш инсоният жамиятида ҳозирги кунга қадар ҳам амал қилиб келмоқда, деб даъво қиладилар, бошқалари эса, табиий танланиш соф ҳолида жамиятда 100 йил олдин амал қиларди, лекин сўнг фан ва техника тараққиётида эришилган ютуқлар натижасида яшаш учун кураш сусайди ва шундай бир аҳвол юзга келдики, эндиликда ҳаётга энг кўп мослашганларгина эмас, балки илгариги шароитда ўлиб кетишга маҳкум этилганлар ҳам яшаб қолдиган бўлди, деб ҳисоблайдилар. Бундай назарияларнинг тарғиботчилари барча социал офатларнинг илдизи мазкур «нимжон зотлар»нинг ниҳоятда кўпайиб кетаётганлигида деб биладилар Бунда С.-д, социоло-

гиядаги ирқий-антропологик мактаб билан тугатиб кетади.

СОЦИАЛИЗМ (лат. *socialis* — ижтимоий) — буржуа ишлаб чиқариш усулини тугатиш ва *пролетариат диктатурасини* ўрнатиш натижасида пайдо бўладиган социал тузум, бу тузум ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклигига асосланади, бу ижтимоий мулк эса икки формада — давлат (умумхалқ) мулки ва кооператив-колхоз мулки формаларида мавжуд бўлади. Ижтимоий мулк эксплуататор синфлар ва кишини киши томонидан эксплуатация қилиш бўлмаслигини, ишлаб чиқариш юмушчиларининг ўртоқларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам асосида қурилган муносабатларини тақозо қилади. С. да ҳар қандай социал зулм ва миллий тенгсизлик, *шаҳар билан қишлоқ, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат* ўртасидаги қарама-қаршилик тугатилган бўлади (тўғри, улар ўртасида муҳим тафовут ҳали сақланиб қолади). Социалистик жамиятда икки дўст синф — ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар бор. Синфлар ўртасидаги, шунингдек синфлар билан интеллигенция ўртасидаги тафовут аста-секин йўқолиб бормоқда. Барча социал группаларнинг муносабатлари социал-сиёсий ва ғоявий бирлик билан, социалистик миллатларнинг муносабатлари — дўстлик, ҳамкорлик ва қардошларча ўзаро ёрдам билан характерланади. С. даврида ижтимоий мулк асосида халқ хўжалигини планли ривожлантириш амалга оширилади, капитализм бундай ривожлантиришга асло муяссар бўлолмайди. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланиб ва тақомиллашиб бориши халқнинг ўсиб бораётган моддий ва маданий эҳтиёжларини тобора тўлароқ қондиришга хизмат қилади. Социалистик жамият ҳаёти кенг демократия асосида қурилиб, меҳнаткашлар давлат ишларини бошқаришга актив қатнашига жалб этилади. Социалистик демократизм социал ҳуқуқларни — меҳнат қилиш, дам олиш, бепул таълим ва медицина хизмати олиш, қарликда таъминла-

ниш ҳуқуқларини, аёллар ва эркакларнинг, барча ирқ ва миллат граждандарларининг тенг ҳуқуқлиги каби ҳуқуқларни ҳам, сиёсий эркинликларни — сўз, матбуот, митинглар ва йиғинлар қилиш эркинлигини, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлишни ҳам таъминлайди. С. коммунизмнинг юқори фазасидан ижтимоий ҳаётнинг ҳамма томонларининг етуклик даражаси билан фарқ қилади. Социализм шароитида ишлаб чиқарувчи кучлар ҳам маҳсулотларнинг мўл-кўллигини таъминлаш даражасида ривожланмаган, меҳнат эса ҳали барча жамият аъзоларининг биринчи ҳаётий эҳтиёжига айланмаган бўлади. Шу сабабли моддий неъматлар тақсимооти бунда: «ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатиغا яраша» деган принцинга мувофиқ амалга оширилади. Социализмнинг ривожланиб бориши қонуниятли равишда коммунизмга олиб келади. СССРда С. тўла ва узил-кесил галаба қилди, ривожланган социалистик жамият қурилди ва коммунизм қурилиши амалга оширилмоқда. С. Европа, Осиё ва Американинг бир қанча мамлакатларида қурилмоқда. *Жаҳон социалистик системаси* ер юзи аҳолисининг учдан бир қисмидан кўпрогини ўз ичига олади.

СОЦИАЛИЗМ ВА КОММУНИЗМ — коммунистик *ижтимоий-иқтисодий формациянинг* икки фазаси: *социализм* унинг биринчи ёки қуйи, коммунизм — юқори фазасидир. Улар ўртасидаги тафовутнинг асоси — иқтисодий етуклик босқичидан иборат. Социализм давридаёқ ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик бўлмайди ва ишлаб чиқариш муносабатлари ҳукмронлик ва итоатгўйлик билан эмас, балки эксплуатациядан озод бўлган кишиларнинг ўртоқларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдами билан характерланади. Бу жиҳатдан С. билан К. ўртасида фарқ йўқ. Лекин социализм даврида ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклиги икки формада: *давлат мулки ва колхоз-кооператив мулки* формасида мавжуд бўлади; К. даврида эса яғо-

на умумхалқ мулки бўлади. С. даврида ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар ўртасидаги тафовутлар сақланиб қолади. К. қурилиши билан бу тафовутлар йўқ бўлади. Ушанда, бир томондан, ишчилар синфи билан деҳқонлар ва, иккинчи томондан, интеллигенция ўртасидаги тафовутлар ҳам йўқолади. Бу тафовутларнинг ҳаммаси пировард ҳисобда ишлаб чиқарувчи кучлар ривожининг даражасига боғлиқдир. Тақсимот формаларидаги тафовутлар ҳам худди шу фактор билан белгиланади: бу формалар С. даврида ҳар кимга унинг меҳнатининг миқдори ва сифатига қараб, К. даврида эса ҳар кимга унинг эҳтиёжларига қараб, деган принцинга бўйсундирилган бўлади. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши асосида К. даврида маҳсулотларни бевосита тақсим қилиш барқарор қилинади, унда С. даврида ҳали мавжуд бўлган товар-пул муносабатларига ўрин қолмайди. Экономикадаги ўзгаришларга устқурмадаги ўзгаришлар мувофиқ келади (*Базис ва устқурма*). К. ривожининг муайян босқичида сиёсий ва ҳуқуқий муассасалар, сиёсий ва ҳуқуқий идеология барҳам топади, коммунистик ижтимоий турмушнинг ҳамма эътироф этган ягона қондалари қарор топади, бу қондаларга риоя қилиш ҳамма кишиларнинг ички эҳтиёжи ва одати бўлиб қолади, давлат батамом барҳам бўлиб, миллатларнинг тобора кўпроқ ҳар томонлама яқинлашуви давом этиб, бора-бора улар ўртасидаги ҳар қандай фарқ-тафовутлар батамом йўқ бўлиб кетади. К. жамият ташкилотининг олий формаси бўлиб, у юксак даражада ривожланган ишлаб чиқарувчи кучлар, фан, техника, маданият ва коммунистик ижтимоий-ўз-ўзини бошқариш асосида ишлайдиган бўлади. «Коммунизм,— дейилади КПСС Программасида,— ишлаб чиқариш воситалари бир бутун умумхалқ мулки бўлган, жамиятнинг барча аъзолари социал жиҳатдан батамом тенг бўлган синфсиз ижтимоий тузум бўлиб, бу тузумда одамларнинг ҳар томонлама камо-

латга етиб бориши билан бирга, доимо тараққий қила борувчи фан ва техника асосида ишлаб чиқарувчи кучлар ҳам ўсиб боради, ижтимоий бойликнинг барча манбалари тўлиб-тошиб туради ва «ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга эҳтиёжиди яраша» деган буюк принцип амалга ошади. Коммунизм — эркин ва онгли меҳнаткашларнинг юксак даражада уюшган жамиятидир, бу жамиятда ижтимоий ўз-ўзини бошқариш қарор топади, жамият бахт-саодати йўлида меҳнат қилиш ҳамма учун биринчи ҳаётий эҳтиёж, англандан зарурият бўлиб қолади, ҳар бир кишининг қобилияти унинг халққа энг кўп фойда келтиришини кўзлаб ишга солинади». С. нинг аста-секин ўсиб К. га айлана бориши уч асосий проблема теварагида тўпланаётган бир қанча қучуқ сифат ўзгаришларидан иборат: фан ва техника тараққиётини тезлаштириш асосида К. нинг *моддий-техника базасини* барпо этиш (бу барча социал-иқтисодий вазифалар занжирида ҳал қилувчи ҳалқадир), коммунистик ижтимоий муносабатларни ривожлантириш ва янги кишини — маънавий бойликни, ахлоқий покликни ва jisмоний мукамалликни уйғун равишда ўзида бирлаштирган, ҳар томонлама ривожланган шахсни камолатга етказиш. К. шундай бир уюшмаки, бу уюшмада шахс билан жамият ўртасида гармоник муносабатларга эришилади ва бу муносабатлар тўлиқ даражада рўёбга чиқарилади.

СОЦИАЛИСТИК ДАВЛАТ — социалистик жамият давлати, социализмнинг иқтисодий базисни устидаги устқурманнинг сиёсий қисми. С. д. — янги типдаги давлат, у *социалистик революция* натижасида буржуа давлати ўрнига келади. Социалистик устқурмани барпо этиш процесси капитализмдан социализмга ўтишининг бутун даври мобайнида давом этади. Ушундай даврининг давлати *пролетариат диктатураси* формасида майдонга келади. У ўз мақсадлари ва вазифаларига кўра социалистик давлатдир, чунки бу давлат социализм қуриш

воситаси бўлиб хизмат қилади. Социалистик жамият ривожланиб борган сари С. д. нинг функциялари ҳам ўзгариб боради; эксплуататор синфлар тугатилиши муносабати билан уларнинг қаршилигини бостириш функцияси барҳам ейдн, С. д. нинг асосий функциялари, яъни ҳўжалик-ташкilotчилик ва маданий-тарбиячилик функциялари ҳар томонлама ривож топади. *Жаҳон социализм системаси* ташкил топиши билан тинчлик ва мамлакат мудофааси учун кураш функциялари билан бир қаторда С. д. да янги ташқи функция — социалистик мамлакатлар билан қардошларча ҳамкорликни ривожлантириш функцияси пайдо бўлади. Социализм тўла ва узил-кесил ғалаба қозонгач ва жамият коммунизм қурилиши даврига киргач, пролетариат диктатураси давлати *умум-халқ давлатига* — бутун халқ иродасини ифодаловчи органга айланади. Меҳнаткашларнинг давлатни бошқаришда иштироки халқ ҳокимияти органлари (СССРда — меҳнаткашлар депутатлари Советлари) ҳамда халқ контроли органлари орқали амалга оширилади. Коммунистик жамият қурилиши процессида давлатнинг барҳам топа бориши С. д. нинг ва социалистик жамият бутун сиёсий ташкилотининг аста-секин ўсиб *коммунистик ижтимоий ўз-ўзини бошқаришга* айлана боришини билдиради. Давлат батамом барҳам топиши учун мамлакат ичида ривожланган коммунистик жамият қурилган ҳамда бутун дунёда социализм ғалаба қилиб, мустақамланган бўлиши зарур.

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА — меҳнаткашлар ижодий ташаббусининг юз бериш ва ривожланиш формаси, бу форма зиммага олинган мажбуриятларни бажариш учун курашда ифодаланади. Социалистик жамиятда амал қилувчи объектив қонуният сифатида С. м. унинг ҳамма босқичлари учун характерли бўлиб, ишлаб чиқарувчи кучларни юксалтириш, ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, меҳнаткашларни тарбиялаш, уларни ишлаб чиқаришни

бошқаришга жалб этишининг самарали воситаси бўлиб хизмат қилади. Ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклиги, социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари мусобақани ҳақиқатан оммавий миқёсда авж олдириш учун кенг имкониятлар тугдирмоқда. Капиталистик рақобатга қарама-қарши ўлароқ, С. м. меҳнаткашларнинг бирлашувига объектив равишда кўмаклашади, уларни меҳнат қилишда жипслаштиради. С. м. кишиларни меҳнатга ва ижтимоий мулкка коммунистик муносабат руҳида тарбиялашга ёрдам беради, уларда юксак маънавий сифатларни шакллантиради, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам муносабатларини, социалистик *коллективизмни*, интизом ва уюшқоқликни мустақамлайди. С. м. нинг асосий йўналиши — моддий резервларни ва кишиларнинг ижодий имкониятларини меҳнат унумдорлигини, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳар томонлама оширишга қўшимча сафарбар қилишдир. С. м. ишда юксак кўрсаткичлар учун курашнинг чинакам ижодий руҳини вужудга келтиришнинг мутлақ шартн бўлган меҳнатни илмий ташкил этишини яхшилашга кўмаклашмоғи лозим. С. м. *илмий-техника революцияси* натижаларини энг самарали жорий этишга ёрдамлашади. СССРда С. м. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаги коммунистик шанбаликлардан тортиб то *коммунистик меҳнат* учун бошланган ҳаракатларгача бир қанча босқичларни босиб ўтди. С. м. нинг даражаси ва формалари социалистик ва коммунистик қурилишнинг объектив этилган вазифалари билан белгиланади. В. И. Ленин С. м. ни ташкил этишни давлат аҳамиятига молик вазифа ҳисоблаб, у асосланиши лозим бўлган бир қанча принципларни илгари сурган эди: *ошкоралик*, натижаларни таққослаш, илгор тажрибани амалий тақорлаш мумкинлиги, ўртоқларча ўзаро ёрдам. С. м. ни тўғри ташкил этиш социалистик мажбуриятларнинг иқтисодий жиҳатдан асосланишини, социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъмин-

лайдиган иқтисодий ва техникавий тадбирларни илмий ишлаб чиқишни назарда тутди. С. м. фақат демократик асосда қурилиши мумкин, у субъективизм ва *волюнтаризм* кўринишлари билан, дабдабозлик, ихтиёринийлик принципини бузишлар, турли ташаббусларни сунъий ўрнатиб, мусобақа иштирокчиларига маъмурий тазйиқ кўрсатиш ҳамда ошиқча мажбуриятлар олиш билан сиғишмайди. С. м. меҳнаткашларнинг жонли, ижодий ишидир, бу аввало моҳирлик, омилкорлик мусобақасидир, аммо қандай қилиб бўлса ҳам план кўрсаткичларини бажариш деган гап эмасдир. Бунда шартнома асослари С. м. да катта аҳамиятга эга, шартнома асослари ҳамкасбларнинг меҳнат мусобақасини, маҳорат конкурсларини рағбатлантиради ва ҳ. к. *Меҳнатга моддий ва маънавий рағбатлантиришни* диалектик тарзда бирга қўшиб олиб бориш мустақил ижтимоий ҳодиса бўлган С. м. нинг ривожланишига кўмаклашувчи ички механизм бўлиб хизмат қилади. Ленин С. м. ни моддий манфаатдорлик асосида ташкил этиш зарурлигини алоҳида таъкидлаб кўрсатган эди. Ходимларнинг ғайрат-ташаббусидан ва моддий мукофотлашдан тўғри фойдаланишда С. м. даги шахсий ва ижтимоий манфаатлар диалектикаси намоён бўлади.

СОЦИАЛИСТИК РЕАЛИЗМ — бадий метод, бу методнинг моҳияти воқеликни революцион ривожланишида олиб, ҳаққоний, тарихий жиҳатдан конкрет акс эттиришдан иборат. С. р. 20-асрнинг бошларида капитализм кризис бошланган, пролетариат синфий кураши юксалган ва Россияда социалистик революцияга тайёргарлик кўрилаётган шароитда пайдо бўлди (Горькийнинг «Она» романи ва пьесалари, Д. Беднийнинг ва бошқа пролетар шоирларининг шеърлари). Утмиш санъати энг яхши реалистик аъёналарининг давоми ва ривож бўлган С. р. инсониятнинг бадий ривожланишида янги босқичдир. С. р. нинг моҳияти — коммунистик дунёқараш нуқтаи назардан ифодаланган

ҳаётий ҳақиқатдир; бу дунёқараш санъаткорларга тасвирланувчи ҳодисаларнинг тарихий моҳиятини англаб олиб, санъатда фақат ҳозир ва ўтмишни эмас, балки ижтимоий тараққиёт тенденциясини ҳам ҳаққоний акс эттириш имкониятини беради. Коммунистик эстетик идеал С. р. санъатида ижобий қаҳрамоннинг — меҳнаткашнинг ва курашчининг, коммунизм жамиятининг яратувчиси ва бунёдкорининг янги типиди гавдаланади. С. р. нинг етакчи ғоявий-эстетик принциплари — коммунистик ғоявийликдан, ҳалқчиллик ва партиявийликдан, меҳнаткашлар оmmasининг кураши билан узвий боғланишдан, социалистик гуманизм ва интернационализмдан, тарихий оптимизмдан, формализм ва субъективизмнинг, натуралистик примитивизмнинг ҳар қандай кўринишларини қабул этмасликдан иборат. Шу туфайли С. р. санъати — кишиларни *коммунистик тарбиялашнинг* қудратли қуролидир. С. р. ҳар бир кишининг индивидуал майлларига мувофиқ хилма-хил формалар ва усуллар таллашда санъаткорларнинг ижодий ташаббуси кенг намоён бўлишига кўмаклашади.

СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯ — жамиятнинг тубдан сифат ўзгариши, бу ўзгариш капитализмдан социализмга ўтишни билдиради. С. р. хусусий мулкка асосланган, ҳукмронлик қилиш ва бўйсунушдан иборат ишлаб чиқариш муносабатлари ўрнинга ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам муносабатларини жорий қилади ва шу билан кишини киши томонидан ҳар қандай эксплуатация қилишни тугатади. С. р. назариясига Маркс ва Энгельс асос солдилар, улар ижтимоий тараққиёт қонуларини очиб бериб, С. р. жамият тараққиётининг қонуниятли натижаси эканлигини исбот қилдилар, пролетариатнинг оламшумул-тарихий вазифасини, социализм куриш учун буржуа давлат машинасини синдириш ва пролетариат диктатурасини ўрнатиш зарурлигини асослаб бердилар. С. р. янги ишлаб чиқариш усулининг тайёр формалари йўқ бўлган чоқда бошланади ва шу-

нинг учун у ижодий характерга эга. Пролетариатнинг ҳоқимиятни қўлга олиши — революцион ўзгартишларнинг фақат бошланишидир. Янги жамият қуриш туб социал ўзгартишларнинг бутун бир тарихий даврини ўз ичига олади, бу даврни Маркс капитализмдан коммунизмга (унинг биринчи фазасига) махсус ўтиш даври деб таърифлаган эди. Пролетариат диктатураси янги жамият қуришнинг қуроли бўлиб хизмат қилади. Пролетариат диктатураси ҳақидаги хулоса — Маркс революцион таълимнинг асосий яқунидир. В. И. Ленин марксизмни ижодий ривожлантириб, капитализмнинг империалистик босқичини анализ қилиш асосида революция назариясини бир қанча энг муҳим принципаал янги қоидалар билан бойитди: пролетариатнинг дастлаб бир ёки бир неча мамлакатда галаба қилиши ҳақидаги қоида, бундан социал-иқтисодий ва сиёсий системалари турлича бўлган мамлакатларнинг бирга яшаши зарурлиги келиб чиқади; революция энг аввал жаҳон капиталистик хўжалигининг занжиридаги энг заиф ҳалқаларни узиб ташлаши ҳақидаги; буржуа-демократик революцияда пролетариатнинг гегемонлик қилиши ва бу революциянинг ўсиб социалистик революцияга айланиши ҳақидаги; революциянинг галабаси учун ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқининг ҳал қилувчи аҳамияти ҳақидаги; ривожланган капиталистик мамлакатлардаги ишчилар курашининг мустамлака халқларининг миллий-озодлиқ ҳаракати билан боғланши ҳақидаги; *революцион вазият* ҳақидаги; объектив ва субъектив факторларни бирга қўиши ҳақидаги; С. р. нинг хилма-хил формалари ҳақидаги ва қатор бошқа қоидалар шулар жумласидандир. СССРдаги ва бошқа мамлакатлардаги социализм қурилишининг тажрибаси шуни кўрсатдики, ишчилар синфининг раҳбарлиги ва пролетариат диктатурасини ўрнатиш, ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқи, капиталистик мулкни тугатиш, қишлоқ хўжалигини социалис-

тик асосда қайта қуриш, халқ хўжалигини планли ривожлантириш, маданий революция, миллий зулмни тугатиш, социализм галабаларини ҳимоя қилиш, пролетар интернационалиزم — С. р. нинг энг асосий қонунийларидир. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражасига, миллий хусусиятларга, халқ маданиятининг умумий даражасига, тарихий традицияларга, мамлакат ичиди ва халқаро майдонда синфий кучларнинг нисбатига кўра бу қонунийларнинг бирон-бир тарзда юз бериши ҳар бир конкрет мамлакатда капитализмдан социализмга ўтишнинг ўзига хос хусусиятларини ташкил этади. Чунончи, мавжуд шарт-шароитларга кўра революция формаси тинч ва тинч бўлиши мумкин. Марксизм-ленинизм, синфий курашнинг қаттиқлик даражаси ва кескинлиги реакцион буржуа доираларининг халқнинг аксарияти продасига қаршилик кўрсатиши кучига, бу доираларнинг зўрлик ишлатишига боғлиқдир, деган қоидага асосланади. Ҳозирги даврда С. р. назарияси янада ривожлантирилиб, бир қанча янги хулосалар билан: бирон-бир мамлакатда революцияни тинч йўл билан амалга ошириш учун қўлай шарт-шароитнинг мавжудлиги, қолоқ мамлакатларда тараққиётнинг нокапиталистик йўли бўлиши ва *миллий демократия* давлати тузиш мумкинлиги, жамиятни социалистик асосда қайта қуриш учун курашда ўтиш босқичларининг мумкинлиги, молия олигархиясига қарши чиқётган барча демократик ҳаракатларни битта қудратли антиимпериалистик оқимга бирлаштириш ҳақидаги хулосалар билан тўлдирилди.

СОЦИАЛ МОБИЛЛИК (французча *mobile* — ҳаракатчан) — социологик тушунча бўлиб, бу тушунча ижтимоий структурадаги социал гурупларнинг ҳаракатчанлигини билдиради. Буржуа социологиясида (*Социал стратификация*) С. м. — кишиларнинг жамиятнинг бир табақасидан иккинчи табақасига ўтиши, ижтимоий аҳволнинг ўзгариши демакдир. «Гори-

зонтал социал мобиллик» (яъни кишиларнинг бир социал группадан худди ўша социал даражада жойлашган иккинчи социал группага ўтиши) билан «вертикал социал мобиллик»ни (яъни кишиларнинг бошқа социал табақа ёки синфга ўтишини) бир-биридан фарқ қилиб қарайдилар. Социал структуранинг мобиллиги, ўзгарувчанлиги ҳақиқатан бўлиб туради. Лекин буржуа социологлари унинг характерини бузиб, капиталистик жамиятда мобиллик синфий элдиятларнинг юмшаши, социал яқинликнинг қарор топиши томонига қараб амалга оширилади, деб даъво қиладилар. Буржуа социологлarning даъвосича, «вертикал социал мобиллик» «паст табақалардан бўлган кишига социал зинапоядан юқори кўтарилиб, «оллий синф» қаторига қўшилиб, миллионер бўлиб олишга имкон берар эмис. «Социал мобиллик» назарияси «синфий ҳамкорлик»нинг реформистик концепцияси вариантларидан биридир. Ҳақиқатда эса буржуа жамиятида айрим шахслар ва оилаларнинг «юқори кўтарилиш йўли», яъни ижтимоий аҳволнинг ўзгариши истисно бир ҳол бўлиб, ишлаб чиқариш системасида бутун синфнинг аҳволини ўзгартирмайди. Буржуа жамиятида С. м. нинг асосий йўналиши «юқорига» қараб эмас, балки «пастга» қараб кетишдир, бу йўналиш шаҳар ва қишлоқ майда буржуазиясининг хонавайронлигини акс эттиради. Капитализм синфий элдиятларини юмшатишга эмас, балки кескинлаштиришга олиб боради. Социализм шаронтидаги социал ҳаракатчанликнинг табияти бошқача. У ақлий меҳнат билан jisмоний меҳнат ўртасидаги, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутларни аста-секин тутатиш билан боғлиқ бўлиб, социал структуранинг коммунистик жамиятнинг келажакдаги социал яқинлигини шакллантиришга қараб ривожланишининг қонуниятли тенденциясидан иборатдир.

СОЦИАЛ (ёки ижтимоий) **ПСИХОЛОГИЯ** — 1. Социал группалар, синфлар, миллатлар, халқлар психо-

логиясида улар ҳаётининг социал-иқтисодий шаронтига умумийлиги гуфайли юз берадиган ҳис-туйғулар, ирода, кайфиятлар, расм-одатлар, анъаналарнинг мажмуи. Масалан, пролетариат психологиясининг ўзига хос хусусиятлари — *коллективизм* ва синфий бирдамлик ҳис-туйғусидан, ижтимоий бурчни англашдан, *интернационализмдан*, инсон кадр-қимматини юксак даражада ҳис этишдан иборат, буржуазия психологияси эса *индивидуализмдан*, юлғичликдан, таъмагирликдан ва ш. к. лардан иборат. Социализм қурилиб, жамиятнинг маънавий-сиёсий ва мафкуравий бирлигига эришилгач, пролетар психологиясининг ўзига хос хусусиятлари бутун жамиятга тааллуқли бўлиб қолади. Коммунизм қурилиши процессида *шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги*, *ақлий меҳнат билан jisмоний меҳнат ўртасидаги* социал чегараларнинг орадан кўтарилиб бориши коммунистик жамият меҳнатчиларининг асосан ягона психологияси шаклланишига олиб келади. 2. Кишиларнинг индивидуал ва группавий (коллектив) фаолиятининг психологик ва социал омилларининг ўзаро таъсири объектив қонунларини ўрганувчи фан. С. п. жамиятдаги турли социал группалар, табақалар ва синфларнинг психологик хусусиятларини, шахсларнинг социал-тарихий типларининг шаклланиш хоссалари (синфий, миллий ва б.) ва қонунларини, турли ижтимоий группалардаги социал-психологик ўзаро муносабатларини, коллектив алоқа ва ўзаро таъсирининг турли формаларини ўрганadi. Социал психологик фикр асосий принципларининг сарчашмалари *Платон*, *Аристотель*, *Фейербах*, *Гегель* ва ўғмишдаги бошқа мутафаккирларнинг фалсафий қарашларидан бошланади. Фаннинг махсус тармоғи сифатида С. п. 19-аср 90-йилларининг охирида вужудга келди. Буржуа С. п. сининг ривожланишида икки асосий йўналиш — инсон хатти-ҳаракати психологияси соҳасида социал-психологик проблематикани ажратиб қарашга уриниш (Жамс, У. Мак-Дугалл)

ва ижтимоий алоқалар муайян системасининг маҳсули сифатида инсон шахси ҳақидаги тасавурларнинг шаклланиши (*Дюркгейм, Леви-Брюль*), «социал роллар» назарияси-ни яратиш (*Парсонс, Мертон*) каби йўналишлар кўринган эди. 20-йилларда буржуа социологияси доирасида социал группалар, жамоатчилик фикри, шахснинг социализациялашиш процессининг социал-психологик характеристикаларини эмпирик тадқиқ қилиш ривожланади (*Томас, Лазарсфельд*). Шахснинг ички структураларини, мотивация ва ориентировка системаларини, социал установкаларини, социал ситуацияларга бўлган реакцияларни тадқиқ қилишнинг экспериментал методлари Ғарбда *гештальтпсихология* (*Левин, Аш*), *бихевиоризм* (*Оллпорт, Бейлс*), *фрейдизм* (*Хорни, Фромм, Кардинер*) доирасида олиб борилмоқда. Капиталистик мамлакатлар С. п. сидаги турли назарий ва экспериментал усулларга идеализмнинг умумий иллатлари, яъни жамиятда ишлаб чиқариш муносабатларининг белгилловчи ролини менсимаслик ва психик факторларнинг социал тараққётда устуналигини эътироф қилиш каби иллатлар ҳосидир. Техник усуллар ва эмпирик натижалар (айниқса группа хатти-ҳаракатини ўрганиш) соҳасида буржуа тадқиқотчилари маълум ижобий тажрибага эгадирлар, бу тажрибадан марксча социал-психология фани фойдаланмоқда. Марксча социал-психология фани социал-психологик ҳодисаларга диалектик-материалистик нуқтаи назардан қарайди, уларнинг ижтимоий-тарихий шароит тақозоси билан юзага келганлигини эътироф этади. Бундай қараш шахс ва жамиятнинг ривожланиши тарихий тараққийнинг объектив логикасига боғлиқ эканлигини очиб кўрсатишини эмас, балки объектив социал-психологик процессларнинг унга таъсир қилишини ҳам назарда тутаяди. Г. Плеханов, А. Лабриоланги асарлари, совет психологлари ва педагогларидан В. М. Бехтерев, К. Н. Корнилов, Л. С. Виготский, А. С. Ма-

каренко ва б. ларнинг тадқиқотлари марксча-ленинча С. п. нинг ривожланиши учун катта аҳамиятга эга бўлди. Ўзининг фан сифатида қарор топишининг ҳозирги босқичида С. п. социологияга ва умумий психологияга хос бўлган тадқиқот методларидан кенг фойдаланмоқда (мас., назорат қилиб туриладиган группа эксперименти, анкета тарқатиш ва интервью олиш, жамоатчилик фикрини, ҳужжатларни ўрганиш ва снаш ва зияятларини кузатиб бориш). С. п. методлари мантиқий-назарий ва эмпирик анализ аппаратларини ҳамда махсус социометрик процедураларни ўз ичига олади. С. п. нинг таркибий қисмлари унинг қуйидаги бўлимларидан иборат: моддий ишлаб чиқариш психологияси, ижтимоий турмуш (онла, хизмат кўрсатиш системаси, дам олиш) психологияси, сиёсий ҳаёт психологияси, ижтимоий онининг фаил, санъат, дин ва бошқа формалари психологияси.

СОЦИАЛ РЕВОЛЮЦИЯ (лат. *revolutio* — инқилоб, ўзгариш) — жамият ҳаётида туб ўзгариш бўлиб, бу ўзгариш умри тугаган эски ижтимоий тузумнинг ағдариб ташланишини ва янги, прогрессив ижтимоий тузумнинг ўрнатилишини билдиради; бир ижтимоий-иқтисодий формациядан иккинчисига ўтиш қуроли ва воситаси. Социал революцияларни тасодифот деб қаровчи либерал буржуа назарётчилари ва оппортунизмдан фарқли ўлароқ, марксизм-ленинизм, революциялар — антагонистик формацияларда *синфий кураш* ривожининг зарурий қонуниятли натижасидир, деб таълим беради. С. р. эволюция процессини, янги ижтимоий тузум элементларининг ёки зарур шартларининг эски жамият бағрида тадрижий суратда етилиб бориш процессини тугаллайди; янги ишлаб чиқарувчи кучлар билан эски ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги зиддиятни ҳал қилади, умри тугаган ишлаб чиқариш муносабатларини ва бу муносабатларни мустаҳкамловчи сиёсий устқурмани емириб ташлайди, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ямада

ривожланишига кенг майдон очиб беради. Эски ишлаб чиқариш муносабатлари уларнинг хомиллари бўлган, яъни умри тугаган тартибларни давлат ҳокимияти кучи билан қўриқлаб турадиган ҳукмрон синфлар томонидан қўллаб-қувватланади. Бинобарин, ижтимоий тараққиётга йўл очиш учун илғор синфлар мавжуд давлат тузумини ағдариб ташламоқлари лозим. Ҳар қандай С. р. нинг асосий масаласи — сиёсий ҳокимият масаласидир. «Давлат ҳокимиятининг бир синф қўлидан иккинчи синф қўлига ўтиши — ҳам қатъий-илмий, ҳам амалий-сиёсий маънодаги *революциянинг* биринчи, бош, асосий принциpidир» (В. И. Ленин, 31-т., 133-б.). Ҳокимиятнинг ҳукмрон реакцион синф қўлидан революцион синф қўлига ўтиши кескин синфий кураш йўли билан амалга оширилади. Революция — синфлар курашининг олий формасидир. Революция даврларида илгари сиёсий ҳаётдан четда турган кенг халқ оммаси онгли равишда курашга кўтарилади. Худди шунинг учун ҳам революция даврлари ижтимоий тараққиётнинг ғоятда тезлашувини билдиради. Революцияларни сарой ўзгаришлари, исёнлар ва ш. к. лар билан аралаштириш ярамайди. Бундай ўзгаришлар ҳукумат тепасида турганларни ўзгартишдан, ҳокимиятдаги айрим шахсларни ёки группаларни ўша синфдан бўлган бошқа шахслар ёки группалар билан алмаштиришдан иборат, холос. Ҳокимият масаласи С. р. нинг мазмунини тамомламайди. Кенг маънода С. р. революцион синф амалга оширадиган барча социал ўзгаришларни ўз ичига олади. Революциялар характери улар қандай социал вазифаларни амалга оширишлари ва уларда қандай социал кучлар иштирок қилиши билан белгиланади. С. р. нинг олий тип *социалистик революциядир*, бу революция ўтмиш даврлардаги ҳамма революциялардан тубдан фарқ қилади, чунки у халқларнинг ҳаётида энг чуқур ўзгаришларни юзага келтиради. Илгариги революциялар *эксплуатациянинг* бир формаси ўрнига *ижтимоий*

чисили жорий қилар эдилар, холос; социалистик революция эксплуататор синфларни тугатади ва кишини киши томонидан ҳар қандай эксплуатация қилишни илдизи билан қуритади. Империализм даврида капиталистик мамлакатлар иқтисодий ва сиёсий тараққиёти нотекислигининг кескинлашуви социалистик революцияларнинг турли мамлакатларда турли вақтда содир бўлишига олиб боради. Бундан жаҳон миқёсида капитализмдан социализмга ўтиш учун бутун бир тарихий давр зарурлиги аён бўлиб турибди. Бу давр ичида мамлакатлар бирин-кетин капитализм системасидан чиқиб, капиталистик системанинг кризисини тобора кўпроқ чуқурлаштиради. Бу даврда миллий-озодлик революциялари ҳам ғоят катта аҳамият касб этиб, империализмнинг мустамлака системасини емира боради, унинг орқа томонларига зарба беради. Шунингдек турли хилдаги демократик озодлик ҳаракатлари ҳам бу даврда катта роль ўйнайди. «Социалистик революциялар, антиимпериалистик миллий-озодлик революциялари, халқ демократик революциялари, кенг деҳқонлар ҳаракати, халқ оммасининг фашист ва бошқа мустабид режимларни ағдариб ташлаш учун кураши, миллий зулмга қарши умумдемократик ҳаракатлар — буларнинг ҳаммаси капитализмни қақшатиб, емираётган ягона жаҳон революцион процессига қўшилиб кетмоқда» (КПСС Программаси). Ҳозирги даврда умуман жаҳон капиталистик системаси пролетар революцияси учун етилиб қолди. Бироқ ҳар бир айрим мамлакатда революциянинг авж олиш имконияти бир қанча объектив шарт-шароитга (*Революцион вазият*), шунингдек революция субъектив факторининг етуклик даражасига боғлиқдир.

СОЦИАЛ СТРАТИФИКАЦИЯ

(лат. *stratum* — қатлам ва *facere* — қилмоқ) — жамиятнинг структураси ҳақида буржуача социологик таълимот, С. с. назариясига кўра, жамият социал қатламларга, ёки «стратлар»га бўлинади. Бўлинишга асос қилиб

турли белгилар: иқтисодий, сиёсий, биологик, ирқий, диний ва б. белгилар олимпиади, зотан, буржуа социологларни орасида стратификация критерияларини танлашда бирлик йўқдир. «С. с.» тушунчаси жамиятнинг синфларга бўлинишини ҳам ўз ичига олади, лекин бу бўлинишга бўлган муносабатсиз, номуҳим критериялар (мас., машғулот хиллари, турар жой типни, истиқомат қиладиган район, даромад миқдори ва ш. к.) асос қилиб қўйилади. Бир қанча буржуа социологларнинг фикрича, С. с. ҳаракатчанлиги, ўзгарувчанлиги билан характерланади, чунки у социал мобилликка, яъни кишиларнинг бир стратдан ёки синфдан иккинчисига ўтиб туришига боғлиқдир. С. с. назарияси ҳозирги замон буржуа жамиятининг синфий структурасини сохталаштиради, ишлаб чиқариш соҳасидаги муносабатлар тақозоси билан вужудга келган синфий табақаланиш ўрнига иккинчи даражали, ҳосила структур тузилмаларни тикиштиради ва шу билан синфий тенгсизлики ва эксплуатацияни хаспўшлаб қўяди. Фақат марксизм-ленинизм синфий бўлинишнинг ҳақиқий критерияси кишиларнинг ишлаб чиқариш воситаларига муносабати билан белгиланишини аниқлаб, жамият синфий структурасининг бирдан-бир тўғри, илмий назариясини яратиб берди. Шу билан бирга марксистик социология ижтимоий меҳнат тақсироти натижасида юзага келган ички синфий социал тафовутларни ҳам тадқиқ қилади.

СОЦИАЛ ЭКОЛОГИЯ (грек. oikos — макон ва logos — таълимот) — социологиянинг бир бўлими, унда инсон ва муҳитнинг ўзаро муносабати проблемалари қараб чиқилади. С. э. 20-асрнинг 20-йилларида АҚШда пайдо бўлди (Р. Парк ва Э. Бэржесс асарлари). С. э. нинг предмети ва асосий тушунчалари ҳозирча аниқ белгиланган эмас. Баъзи социологлар унинг вазифаси инсоннинг табиий муҳит, яъни ҳайвонлар ва ўсимликлар муҳити билан ўзаро муносабатини — С. э. ни ижтимоий формаларнинг социал факторлар билан,

яъни мазкур формаларга нисбатан «муҳит» сифатида юз берадиган социал факторлар билан ўзаро муносабати ҳақидаги фан, деб таърифлайдилар; учинчилари — С. э. ни социал тартиботларнинг маконда жойлашуви ҳақидаги фан деб таърифлайдилар. Буржуача С. э. нинг кўп тушунчаларни социал-дарвинизмдан ўзлаштириб олинган; чунончи, унда ижтимоий процесслар (мас., миграция) организмларнинг мослашувчанлиги ҳақидаги биологик таълимот доирасида қараб чиқилади. С. э. нинг инсон (ёки группа) ва макон-социал муҳит ўртасидаги ўзаро боғлиқлигини ўрганишга оид бўлимлари илмий жиҳатдан қизиқарлидир. Табиий ресурсларнинг қўрилтилиши ва инсонни қуршаб турган муҳитнинг ифлосланиши билан бирга содир бўлаётган ҳозирги замон илмий-техника революцияси муносабати билан табиат ва жамиятнинг ўзаро муносабати масаласи айниқса кескин тус олди. Бу биосфера мувозанатининг инсоният ҳаёти учун хавфли бўлган бузилишига олиб келади. Буржуа назариялари бу проблеманинг социал шароитлар билан, капитализмнинг табиатга йиртқичларча муносабати билан боғлиқ эканлигини эътиборсиз қолдиради. Марксизм эса жамият билан табиатнинг ўзаро муносабати масаласини диалектик тушуниш учун ҳам, бу масалани жамиятни коммунистик қайта қуриш асосида тубдан амалий ҳал этиш учун ҳам ҳамма-зарурий асосларга эгадир.

СОЦИОЛОГИЯ (лат. societas — жамият ва грек. logos — таълимот) — социал системаларнинг ҳам глобал (умуман жамият), ҳам хусусий системалар сифатида ривожланиши ва амал қилиши қонуниятлари ҳақидаги фан; С. эмпирик методлардан фойдаланиб, турли социал ҳодисаларнинг ўзаро алоқасини ва кишилар социал хатти-ҳаракатининг умумий қонуниятларини ўрганади. С. мустақил фан сифатида 19-асрдагина пайдо бўлди («С.» термини Конт киритган), лекин унинг сарчашмалари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Энг қадимги фал-

сафий системалар ҳам ижтимоий ҳаётни ва тарихий тараққиёт тенденцияларини ўзича тушунтирадиган бирон социал философияни ўз ичига оларди. 18-асрда автоном фан сифатида *тарихий философияси* пайдо бўлди, у жамият тараққиёти қонунларини ва ҳаракатлантирувчи кучларини ўрганишга бағишланади. Аммо Марксдан олдинги тарих философиясида гарчи кўпгина қимматли қоидалар бўлса-да, умуман олганда у спекулятив, ақл сотиш философияси эди. Ижтимоий ҳаётнинг мураккаблашуви ва илмий билимнинг табақаланиши С. нинг философиядан ажралади, мустақил фанга айланишини муқаррар қилиб қўйди; С. ижтимоий муносабатларни назарий анализ қилишни социал фактларни эмпирик тадқиқ қилиш билан қўшиб олиб боровчи мустақил фанга айланди. Жамиятшуносликни «кузатишга асосланган фанлар даражасига» кўтариш талабини аслда *Сен-Симон* илгари сурган эди. Аммо бу талабни рўёбга чиқариш фақат Маркс ва Энгельсга муяссар бўлди. Улар яратган тарихни материалистик тушуниш (*тарихий материализм*) ҳар қандай илмий жамиятшуносликнинг фалсафий пойдеворини ташкил этибгина қолмасдан, шу билан бирга ижтимоий ҳаёт структурасини, энг муҳим социал ҳодисаларнинг (ишлаб чиқариш усули, синфлар, сиёсий муассасалар, маданият, ижтимоий онг формалари ва ҳ. к.) алоқадорлигини ва ижтимоий-иқтисодий формациялар тараққиётининг қонуниятларини назарий анализ қилишни ҳам ўз ичига олди. Марксизм классиклари эмпирик социал тадқиқотга ҳам катта аҳамият берардилар. Маркснинг «Капитал»и, Энгельснинг «Англияда ишчилар синфининг аҳволи» ва «Турар-жой масаласига доир» асарлари, Лениннинг «Россияда капитализмнинг ривожланиши» ва «Буюк почин» асарлари — назарий тадқиқот билан конкрет социал процессларни анализ қилишни узвий қўшиб олиб боришнинг классик намуналаридир. Революция галабасидан кейин Ленин бир қанча энг муҳим вазифалар соҳасида социал тад-

қиқотлар ўтказишни илгари сурди (36-т., 372-б.). Сўнгги йиллари С. СССРда ва б. социалистик мамлакатларда айниқса тез суръатларда ривожланмоқда. Коммунизм қурилишининг умумий ва ўзига хос қонуниятлари, илмий-техника революциясининг авж олиши, кишиларнинг меҳнатга муносабати, никоҳ ва oilанинг ривожланиш тенденциялари, урбанизация, дам олиш проблемалари, давлатни бошқаришни такомиллаштириш йўллари ва усуллари ва ш. к. лар тадқиқ қилинмоқда. Шу билан бирга хилма-хил тадқиқот методларидан фойдаланилмоқда: назарий анализ, статистик умумлаштириш, турли анкеталар ва ҳ. қ. Сўнгги вақтда амалий масалаларни ҳал этишда, жамият тараққиётига илмий раҳбарликни таъминлашда марксистик С. нинг роли ошиб бормоқда. Конт отаси ҳисобланадиган номаксистик С. ўз ривожда бир қанча босқичларни босиб ўтди. 19-асрнинг иккинчи ярмида *позитивизм* таъсири остида бўлган С. асосан тарихий-эволюцион характерга эга. Социологлар ижтимоий ҳаётнинг қайси томонини («фактор») асосий деб ҳисоблашларига мувофиқ С. *социологияда географик йўналиш*, ирқий-антропологик мактаб (Гобино, Чемберлин, Аммон, Лауж) биоорганик мактаб (Лилиенфельд, Шеффле, Вормс, Фульт), *социал-дарвинизм* каби бир қанча оқимларга бўлиниб кетди. 19-асрнинг охирларида *социологиядаги психологик мактабнинг* турли кўринишлари — инстинктивизм, *бихевиоризм*, интроспекционизм — кенг тарқалади. Шундай назариялар пайдо бўлдики, бу назариялар индивидуал эмас, балки коллектив, ижтимоий онгни (Гиддингс, Кули, *Дюркгейм*) ёки социал ўзаро таъсирининг абстракт формаларини (Теннис, Зиммель, Бугле) биринчи ўринга қўяди. Иқтисодий материализм деб аталувчи оқим ҳам тарқала бошлади. 20-асрнинг бошидан эътиборан ғарбий С. га идеалистик фалсафий оқимлар—*неокантчилик*, *ҳаёт философияси* ва б., шунингдек *фрейдизм* кучли таъсир кўрсатди. 19-асрда С. асосан назарий фан

эди, 20-асрнинг 20-йилларидан бошлаб эса унда эмпирик тадқиқотлар катта роль ўйнай бошлайди, бу ҳол сошиологик тадқиқотлар техникасини такомиллаштиришга сабаб бўлди ва С. ни амалий татбиқ этиш имкониятини кенгайтирди. Буржуа С. си ҳукмрон синфга идеологик жиҳатдан хизмат кўрсатиб, унинг манфаатларини назарий жиҳатдан асослабгина қолмайди («халқ капитализми», «ягона индустриал жамият» назариялари, *антикоммунизм*), балки бир қанча амалий вазифаларни ҳал қилишда унга ёрдам бермоқда (жамоатчилик фикрини ўрганиш, пропагандани ташкил этиш, саноатда «инсоний муносабатлар»ни йўлга қўйиш, бошқаришнинг оптимал методларини қидириб топиш ва ш. к.). Ҳозирги замон С. сининг предметини ташкил этувчи ижтимоий ҳодисаларнинг кенг доираси уни ихтисослаштириш муқаррар эканлигини шарт қилиб қўймоқда. Умумий С. ва социологик назария билан бир қаторда тадқиқотнинг озми-кўпми автоном соҳалари ажралиб чиқмоқда (индустриал С., оила, шаҳар, жиноятчилик С. си ва ш. к.). Бироқ соф тасвирий С. ижтимоий ҳаётнинг туб масалаларига жавоб бермайди ва капитализм шароитида осонгина бемаъни фактографияга айланиб кетади. Бу ҳол сўнги йилларда социологик эмпиризмни кризисга олиб келди. Социологларнинг аксарияти умумлаштирувчи социологик назария ишлаб чиқиш зарурлиги тўғрисидаги хулосага келмоқдалар. Философияга қизиқиш пайдо бўлди. Аммо номарксистик С. нинг ғоявий асослари бир хил эмас. Социологлар орасида «табiiий-илмий оқим» деб аталувчи оқимнинг вакиллари бўлиб, улар позитивизм ва *неопозитивизм* таъсирини бошдан кечиримоқдалар. Улар орасида шунингдек *феноменология*, *экзистенциализм* ва б. фалсафий оқимларнинг тарафдорлари ҳам бор. Ғарб социологлари орасида, айниқса ёшлар орасида, ашаддий реакционерлар ва антикоммунистлар билан бир қаторда капитализмга танқидий назар билан қарайдиган ва унинг зиддиятларини текшириб билишга урина-

ётган олимлар ҳам оз эмас. Сўнги йилларда уларнинг кўпларида марксизмга ва марксистик С. га қизиқиш кучайди. Бу эса турли социологик ғояларга ва уларнинг авторларига алоҳида-алоҳида баҳо бериш зарурлигини тақозо қилади. Марксистик социологлар, В. И. Ленин кўрсатмаларига амал қилиб, буржуа С. си эришган ҳамма ижобий нарсадан фойдаланмоқдалар, лекин шу билан бирга марксистлар «уларнинг реакцион тенденциясини улоқтириб ташлай *билшлари*, *ўз* йўлларини ўтказиб, бизга душман бўлган кучлар ва синфларнинг *бутун йўлига* қарши кураша билшлари керак (18-т., 409-б.).

СОЦИОЛОГИЯДАГИ БИОЛОГИК МАКТАБ — 19-асрнинг иккинчи ярми ва 20-асрнинг бошларида буржуа психологиясидаги бир оқим. Бу мактабнинг асосий қойдалари биология қонунларини (яшаш учун кураш, табиий танланиш, организмнинг ҳужайрали структураси ва ҳ. к.) инсоният жамияти ҳаётига пала-партиш кўчирришга, шунингдек *мальтусчилик* ва *иркчилик* идеяларидан фойдаланишга қурилмоқда. Ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини биологиядан далиллар келтириш ёрдами билан изоҳлашга уриниш илмга хилофдир. Ленин ёзгандек, «*умуман биологик тушунчаларни: ижтимоий фанлар соҳасига кўчирриш — пуч гап* эканлигини кўрсатишдир» (18-т., 392-б.). Мазкур таълимотнинг синфий моҳияти шундан иборатки, у ижтимоий ҳаётнинг ҳақиқий қонуналарини хаспўшлашга интилиб, инсонни соф биологик вужуд қилиб кўрсатмоқчи бўлади ва унга хусусий мулкчиликнинг, индивидуализмнинг ва ҳ. к. «ўзгармас инстинктлари» азалдан хосдир, деб даъво қилади (шунингдек қ. *Антропосоциология*, *Социал-дарвинизм*, *Жамият органик назарияси*).

СОЦИОЛОГИЯДАГИ ГЕОГРАФИК ЙУНАЛИШ (географик детерминизм) — буржуа социологиясидаги йўналишлардан бири бўлиб, у жамият тараққиётини географик шароитларга (иқлим, замин, дарёлар ва ш. к.) тўғридан-тўғри қараб қилиб қўяди. *Географик муҳитнинг* жамият тараққиё-

тиниң асосий фактори деб эътироф этилиши, аслда, тарихни натуралистик, идеалистик рудха изохлашни билдиради. Табний шароитларнинг жамият ҳаётида белгилувчи роль ўйнаши ҳақидаги идеяни аллақачон антик мутафаккирлар (*Платон, Аристотель, Форобий* ва б.), диний-афсонавий қарашларга қарама-қарши ўлароқ, илгари сурган эдилар. Муайян йўналиш сифатида географик детерминизм 18-асрда шаклланди. Унга *Монтескье* асос солган эди. Янги замон даврида бу йўналиш, ижтимоий ҳодисаларни худо азалдан белгилаб қўйган, деб тарғибот юргизиб юрган феодал-диний идеологияга қарши курашда прогрессив роль ўйнади. 19-асрнинг ўрталаридан бошлаб географик йўналиш ўзининг прогрессив аҳамиятини йўқотди (*Бокль, Риттер, Ле Пле, Ратцель*). Боклда географик детерминизм социал-тенсизлиқнинг абадийлигини асослаб, мустамакка босиб олишларни оқлаб кўрсатишга хизмат қилади. *Л. Мечниковнинг* назарияси ҳам географик йўналишга яқин эди. Бу назария, жамият тараққиёти муқаррар равишда деспотиядан анархияга қараб боради, деган қондани асослаб беришга уринарди. Географик мактаб идеялари империализм даврида *геополитиканинг* пайдо бўлиши учун замин ҳозирлади.

СОЦИОЛОГИЯДАГИ ПСИХОЛОГИК МАКТАБ — жамият ҳақидаги субъектив-идеалистик концепциялар бўлиб, бу концепциялар 19-асрнинг охириларида тарқалган. П. м. вакиллари ижтимоий ҳодисаларни тушуниш қалитини индивидлар психикасидан ёки коллектив психикадан (индивидларнинг психик ўзаро таъсиридан) излардилар. П. м. га америка социологи *Лестер Уорд* асос солган. Жамиятнинг сифат жиҳатдан ўзига хос хусусиятини Уорд социал ҳодисаларнинг психологлияда деб биларди. П. м. нинг иккинчи йирик вакили француз социологи *Г. Тард* эди, у кишиларнинг бир-бирга тақлид қилишини (мода, анъана) социологиянинг қонуналари деб ҳисобларди. С. п. м. га исмиёс социологи *Г. Зиммель* ҳам қў-

шилади. 20-асрнинг боши шу билан машҳур бўлдики, бу вақтга келиб П. м. емирила бошлади, ошқора, шарт-таки психологизмдан воз кечилди. Жамият ҳақидаги психологик назариялар шаклан ўзгариб, *Дюркгеймнинг* «социологизм»нинг, *Вебернинг* «институционализм»нинг кучли таъсирини кечирмоқда. Ҳозирги замон психологизми мактаб эмасди, балки деярли бутун буржуа социологиясига асос бўлган ўзига хос методологик принципдир. Ижтимоий ҳодисаларни психологлаштириш ҳозирги вақтда энг кўп даражада социал-психология концепциялари билан белгиламоқда (*Э. Богардус, Л. Бернард* ва б.). *Фрейдизм* ҳам кенг тарқалди. Психологизмни ўзича бир нав социал реформизм деб қараш мумкин, чунки унинг асосида илмга хилоф интилиш бўлиб, бу интилиш психологик воситалар ёрдами билан инқирозга юз тутган буржуа жамиятини тақомиллаштиришга қаратилган. Шу билан бирга социологиядаги психологизм кенг оммага таъсир кўрсатиш жиҳатдан муайян информациядан иборат.

СОЦИОЛОГИЯДАГИ СУБЪЕКТИВ МЕТОД — тарихий билишни идеалистик талқин қилиш, бу талқиннинг асосини тарихий билишни тадқиқотчининг ахлоқий *идеали* билан детерминлаштириш (белгилаш) ҳақидаги қоида ташкил этади. Народниклар бу методнинг Россиядаги тарафдорлари эдилар. «Социология этикадан алоҳида фан эмасди. Унинг асосий ҳақиқатлари — шахсий ахлоқ-одоб ҳақиқатларидир» (*П. Л. Лавров*). Ана шу маънода тарихий билим табиий-илмий билимга қарама-қарши бўлиб туради. С. с. м. вакиллари *фигурча*, социологнинг, тарихчининг вазифаси — ҳақиқий ахлоқий идеални ишлаб чиқишдан ва унга мувофиқ равишда фактик материални тартибга солишдан иборат. Бу идеалнинг инсониятнинг ўтмиш ҳаётида амалга оширилиши тарихий воқеаларни группалашнинг бирдан-бир қонуни, ижтимоий тараққиёт қонунидир. Социалистик позициянинг тарихий тадқиқот учун аҳамиятини ҳаққоний суратда»

таъкидлаб кўрсатиш билан бирга С. с. м. бирон-бир нуқтан назарни вужудга келтирадиган объектив, пировард ҳисобда социал-синдий асосли инкор этарди. С. с. м. назарида ижтимоий фандаги ҳар қандай «ахлоқий идеал» баббаравар субъектив ва нисбийдир. Унга эришиш объектив зарурият билан эмас, балки ирода билан белгиланади. Шунинг учун тарихий билимнинг ҳақиқатлик критериясини С. с. м. субъектив-идеалистик нуқтан назардан қўйиб, ҳал этарди. *Михайловский* «ғаразли фикрлар»дан халос бўлишни, мас., «илмий софдилликда», «сиёсий ахлоқ-одобда», ахлоқий идеал характерида деб биларди. С. с. м. нинг гносеологик асоси — тарихий процессни позитивистик талқин қилишдан иборат (*Позитивизм*). Марксизм тарихий билимнинг объективлиги ва партиявийлиги принципни С. с. м. га қарама-қарши қўяди.

СОЦИОЛОГИЯДАГИ ФУНКЦИОНАЛ МАКТАБ — ҳозирги замон буржуа социологиясидаги мактаблардан бири (*Малиновский*, *Рэдклиф-Браун*, *Мертон*, *Парсонс*, *П. Сорокин*). Ф. м. нинг нуқтан назарига кўра, жамият ягона, ўзаро алоқадор «социал система», бу системанинг ҳар бир элементи муайян функцияни бажаради. Компонентларининг ўзаро таъсири ва ягона белгилловчи асоснинг йўқлиги — бундай системанинг туб хусусиятидир. Аммо ҳақиқатда «руҳий қимматдорларнинг типлари» Ф. м. да системанинг асосий белгилловчи қисми ҳисобланди. Марксистик философия ва социология Ф. м. нинг метафизиклигини, тарихга хилофлигини ва идеализмини танқид қилади (*Структур-функционал анализ*).

СОЦИОМЕТРИЯ — амалий *микросоциология*. С. эмпирик социологиянинг оддий методлари (анкета тўлдириш, интервью олиш ва ш. к.) ёрдамида бирон айрим участкада кишиларнинг кичик группаларида, бирлашмаларида: цехда, ўқув синфида, волейбол майдончасида, квартирада ва ш. к. да иш, ўқини, дам олиш вақтида, уй-рўзғорда психологик ўзаро муносабатларни ўрганади. Микросо-

циологиядаги алоҳида йўналиш сифатида С. Ж. *Морено* мактабидан иборат. АҚШда С. нинг махсус маркази — Морено ин-ти мавжуд бўлиб, у «Социометрия» журналинини нашр этади. Морено ва унинг мухлислари С. га кичик группаларни шундай қайта группалаш йўли билан социал уйғунликка эришиш воситаси деб қарайдилар, бунинг натижасида гўё мазкур кичик группаларда бирлашган кишиларнинг истаклари ва ҳустуйғулари бирлиги барқарор бўлар эмиш. Жамиятни психологик қайта қуришнинг «социометрик революция» деб аталадиган бу идеяси утопик гождир, чунки у энг асосий нарсага — буржуа жамиятининг иқтисодий ва сиёсий асосларига дахл қилмайди.

СОҒЛОМ ФИКР — инсон ўзининг кундалик амалий фаолияти давомида ҳосил қилган қарашлар, маънавлар, тафаккур формаларининг мажмуи. «С. ф.» термини философик адабиётда аввало идеализмнинг ҳаётдан ажралган ақл сотиш назарияларига хилофан ишлатиб келинди. Бу жиҳатдан С. ф. нинг нуқтан назари материализм позицияси билан мос бўлиб тушади. Ўтмишдаги материалистларнинг донмо С. ф. далиллари дастур қилиб олганликлари тасодифий эмасдир. Бироқ С. ф. ни бундай тушунишда қатта етишимовчилик бор эди. У предметлар ва процессларнинг моҳиятига тегмасдан, кундалик практикадаги маҳдудликни акс эттиради. Шу сабабли С. ф. нуқтан назари кўпинча илмий тафаккурга қарама-қарши қилиб қўйиларди. Фаннинг илмий чиқариш билан тобора кенгроқ алоқаси, илмий қарашларнинг аҳолининг барча табақалари орасида ёйилиши кундалик практиканинг тавсифларини ҳам ўзгартиб, уни фаннинг практикасига яқинлаштирмоқда ва С. ф. нинг тавсифларини ҳам ўзгартиб, уни маълум даражада илмий билишга яқинлаштирмоқда. Худди шунинг учун ҳам уларнинг ўтмишда қарама-қарши қилиб қўйилганлиги жуда шартли бўлиб қолмоқда.

СПЕКУЛЯТИВ ФИЛОСОФИЯ (ақл сотиш философияси)— билимнинг ақл сотиш типига, яъни билимни тажрибага мурожаат қилмасдан, *рефлексия* ёрдамида хулоса қилиб чиқаришга асосланган фалсафий системалар. С. ф. «ақлнинг соф кучи»га асосланиб, у ёки бошқа ақл югуртириш принципларини тузади ва бу принциплар билан бутун объектив воқеликни қамраб олишга интилади. Бундай типдаги билимнинг мумкинлигига сабаб шуки, табиий-илмий, тажрибавий билим етарли бўлмайди, бу билим дунёни назарий ва амалий ўзлаштириш доираси билан чекланган, уни уюштириш регулятив принципларини индивидуал тажрибадан хулоса қилиб чиқариб бўлмайди, онгда тажрибавий билишнинг муқаддима сифатида оламнинг яхлит маъзараси мавжуд, инсон бутун илмий билимни синтез қилишга интилади. Даставвал С. ф. нарсаларнинг *гайри табиий* асослари ҳақидаги таълимот сифатида *метафизика* тарзида шаклланди. Лекин Аристотелда, мас., бундай таълимот фалсафий билимнинг ўзига хос хусусиятини англашнинг ўзича бир хил формаси бўлса, ўрта асрларда ақл сотиш биринчи галда *схематикани*, унинг *теологияга* бўйсунганлигини билдиради. 17—18-асрларда философиянинг аниқ фанларга (механика-математикага) қараб йўл тутиши муносабати билан антиспекулятив тенденциялар пайдо бўлади, бу ҳол айна бир вақтда метафизик тафаккур методининг ҳукмронлигига олиб келади. Спекулятив тенденциялар эса *натурфилософия* ва ҳар хил теологик ноинчилик шаклида сақланиб қолади. *Гегель* системасида спекулятив зиддиятларни диалектик ҳал қилиш йўли билан эришилмаган ва фаросатликка қарама-қарши қўйилмаган ижобий-оқилона нарса сифатида қаралади (*Фаросат ва ақл*). Шу туйғайли спекуляция доирасида Гегель кўпинча «предметни» ўзини қамраб оладиган ҳақиқий баёнотни беради», аммо шу билан бирга спекуляция «...сира ақлга сиғмайдиган ва энг гайри табиий равишда предметга

қулларча бўйсунми ҳолатига тушиб қоладикки, бу предметнинг энг тасодифий ва энг индивидуал таърифларини у мутлақо зарур ва яли умуний таърифлар деб қайд қилишга мажбур бўлади» (К. Маркс ва Ф. Энгельс, 2-т., 66, 67-б.). Гегель философиясининг умуман спекулятив характери идеалистик ақл юритишини ва ошкора теологияни тугдиради. Фейербах «маст спекуляция философиясини» қаттиқ танқид қилган эди. Кейинчалик С. ф. га қарши кураш умуман ҳар қандай философияга қарши курашга қўшилиб кетди (*Позитивизм*). С. ф. нинг асосизлигини таъкидлар эканмиз, унинг рационал натижаларини 'ва фалсафий тафаккурнинг ўзига хос хусусиятларини вужудга келтиришга интилишини ҳисобга олмоқ керак. Инсоннинг ташқи оламга муносабатининг умумий формаларини махсус тадқиқ этиш билан боғлиқ бўлган бу ўзига хос хусусият марксизмда спекулятив тарзда эмас, балки предмет *фаолиятини* анализ қилиш орқали очилади.

СПЕНСЕР Герберт (1820—1903)— инглиз социологи ва психологи, *позитивизм* асосчиларидан бири, империализм даври арафасида либерал буржуазия идеологиясининг вакили. С. нинг фалсафий қарашлари *Юм, Кант, Милль* таъсири остида таркиб топди. Унинг системасида «билиб бўлмас нарса» ҳақидаги таълимот каттагина ўрни тутган эди. С. нинг фикрича, ҳар қандай илмий тушунча зиддиятлдор ва шунинг учун ҳам уни билиб бўлмайди. Унинг даъвосича, фаннинг нарсалар моҳиятига киролмаслигининг бошқа бир далили шундан иборатки, фан фақат индивиднинг чекланган тажрибасига, яъни сохта асосга таянади. «Билиб бўлмайдиган нарсани» эътироф қилиш динга ҳам таянади, С. ана шунга асосланиб, фан билан диннинг яқинлигини даъво қилган эди. С. таълимотидаги субъектив-идеалистик қондалар ва *агностицизм* объектив идеализм элементлари («абсолют реалликни» инсон сезгилари ва таассуротларининг манбаи деб эътироф

этиш) билан ва хусусий фанларнинг проблемаларини стихияли материалстик талқин этиш билан қўшилиб кетган эди. Бундай талқин С. нинг эволюция ҳақидаги таълимотида энг кўп ўрин олган. Эволюция идеясини С. жонли вужудлардан барча предмет ва ҳодисаларга кўчирди. Бироқ эволюцияни у модда ва ҳаракат оламидаги қайта тақсимланиш, деб механистик равишда тушунган ва шу билан моддий оламнинг турли соҳалари ўртасидаги чегараларни йўққа чиқарган эди. Спенсерча эволюция концепцияси унинг социологик қарашлариغا, яъни *жамиятнинг органик назарияси* деб аталувчи қарашларига асос бўлган; бу назариянинг туб хусусияти ижтимоий ҳаётни биология терминлари асосида анализ қилишга ва илмга хилоф равишда реакцияни уринишдан иборат эди. С. социализмнинг ашаддий душмани эди. Асосий асари — «Синтетик философия системаси» (1862—96).

СПИНОЗА Барух (Бенедикт) (1632—77) — нидерланд материалист философи. Диний ҳурфикрлиги учун Амстердам яҳудий черков жамоасидан ронда қилинган. Асосий асарлари — «Илоҳиёт-сиёсатга оид трактат» ва «Этика». С. — *философияда геометрик методнинг* яратувчиси эди. С. нинг таълимоти шундай бир тарихий вазиятда таркиб топдики, бу вазият Нидерландияни испан феодал монархияси зулмидан озод бўлгандан кейин илғор капиталистик мамлакатга айлантирган эди. Асрнинг илғор ақл-заковат соҳиблари бўлмиш Ф. Бэкон ва Декарт билан бирга С. билимнинг мақсади — табиатга ҳукмронлик қилишни қўлга кiritишдан ва инсонни камолатга етказишдан иборат, деб ҳисобларди. Ўз салафларининг таълимотини С. эркинлик ҳақидаги таълимот билан тўлдирди: у қандай қилиб — зарурият доирасида — инсон эркинлиги мумкинлигини кўрсатди. Бу вазифани ҳал этишда С. учун унинг табиат ҳақидаги таълимоти таянч бўлди. Декартнинг дуализмига қарама-қарши ўлароқ, С. фақат табиат мавжуддир,

у ўз-ўзига сабабчидир ва ўзининг борлиғи учун бошқа ҳеч нарсага муҳтож эмас, деб ҳисобларди. «Яратувчи табиат» сифатида у субстанциядир ёки, унинг таъбири билан айтганда, худоди. Муғлақ субстанциядан — борлиқдан С. хоҳ жисмий бўлсин, хоҳ фикрловчи бўлсин, айрим ниҳояли нарсалар (модуслар) оламини фарқ қилади. Субстанция яккаю-ягонадир, модуслар эса беҳисоб кўпдир. Бениҳоя ақл бениҳоя субстанцияни унинг барча кўришишлари ёки аспектларида пайқаб ола билган бўлур эди. Лекин бизнинг ниҳояли инсоний фаросатимиз субстанциянинг моҳиятини фақат икки аспектда: «кўлам» сифатида ва «тафаккур» сифатида бениҳоя моҳият деб пайқайди. Бу субстанция атрибутлари ҳақидаги С. таълимоти умуман материалистик, лекин метафизик таълимотдир, чунки ҳаракатни С. субстанциянинг атрибути деб ҳисобламайди. С. инсон ҳақидаги таълимотини ана шу қоидалар асосида қўрган. С. нинг фикрича, инсон бир зот, унда кўлам модусига — танага — тафаккур модуси — руҳ мувофиқ келади. Ҳар иккала модус бўйича ҳам инсон табиатнинг бир қисмидир. Руҳнинг модуси ҳақидаги таълимотида С. психик ҳаётнинг бутун мураккаблигини ақл ва эҳтирослардан ёки эффектлар — шодлик, қайғу, қўмсашлардан иборат қилиб қўйган. Иродани у ақл билан бирдай қилиб кўрсатган. С. нинг фикрича, ўзини сақлашга интилиш ва ўз фойдасини кўзлаш инсоннинг хулқ-атворини ҳаракатга келтиради. С. ирода эркинлиги ҳақидаги идеалистик таълимотни рад этиб, ирода ҳамиша мотивларга боғлиқ деб эътироф қилади, лекин шу билан бирга у эркинлик заруриятни билишга асосланувчи хатти-ҳаракат сифатида юз бериши мумкин деб ҳисобларди. Бироқ С. нинг таълимотида кўра, омма эмас, фақат донишманд эркин бўлиши мумкин. Эркинликни бундай тушуниш, абстракт ва тарихга хилофдир. Билиш ҳақидаги таълимотида С. *рационализм* йўлини давом эттиради. У ақл-

га асосланувчи интеллектуал билимни куйи турдаги билимдан — ҳиссий билимдан юқори куйган ва тажрибанинг ролини камситган. У ҳақиқатни бевосита мушоҳада қилишни, ёки ақл интуициясини интеллектуал билимнинг энг юқори тури деб эътироф этади. Шу билан бирга у — Декартга эргашиб — равшанлик ва яққолликни ҳақиқат мезони деб эълон қилди. Атеизмни ҳамда диний ва илмий ҳур фикрликни ривожлантиришда С. нинг роли катта. Диннинг мақсади нарсаларнинг табиатини билиш эмас, балки фақат кишиларни ахлоқий ҳаёт тарзида яшашга ундашдир. Шу сабабли дин ҳам, давлат ҳам фикр эркинлигига таъжовуз қилмаслиги лозим. Жамият ҳақидаги таълимотида С. — Гоббснинг давомчисидир. С. нинг Гоббсдан фарқи шу эдики у монархияни эмас, балки демократик идора усулини ҳокимиятнинг олий формаси ҳисобларди ва давлатнинг мутлақ ҳокимлигини эркинлик талаблари билан чеклар эди. С. 17—18-асрлардаги метафизик материализмга кучли таъсир кўрсатди, унинг диний ҳур фикрлиги эса кейинги атеизмнинг ривожланишига таъсир ўтказди. С. нинг фалсафий қарашларига Энгельс юксак баҳо бериб бундай деган эди: «Шуни ўша замондаги философиянинг энг буюк хизмати деб эътироф этмоқ керакки... у Спинозадан тортиб то буюк француз материалистларигача дунёни унинг ўзини асослаиб изоҳлагани матонат билан урилиб, буни бутун тафсилоти билан оқлашни келажакнинг табиёт илмига ҳавола қилди» (20-т., 350-б.).

СПИРИТУАЛИЗМ (лат. spiritus — руҳ, арвоҳ). 1. Оламнинг руҳий бош асоси ҳақидаги идеалистик таълимот. Баъзи спиритуалистлар назарча, моддий олам — худонинг ва унинг қудратининг юз бериш усулидир, бошқаларининг назарида эса, — моддий олам — нисов онгининг иллюзиясидир. С. тарафдорлари руҳнинг тандан мустақил ҳолда яшашини эътироф этишади. Изчил спиритуалистлар ҳозирги замон билими эришган ютуқларни

сохталаштириб, фанни руҳларга ва илоҳий ваҳийга кўр-кўрона ишонини билан алмаштиришни таклиф этмоқдалар. 2. Буржуа философиясида «С.» термини билан кўпинча идеализмни билдирадилар.

СПОНТАНЛИК (спонтанийлик) (лат. spontaneus ўз-ўзича) — ўз-ўзича юз беришлик: ташқи таъсирлар билан эмас, балки ички сабаблар билан юз берган процессларнинг характери-стикаси; шунингдек ўз-ўзича ташаббус кўрсатиш, ички ундовлар таъсири остида актив ҳаракат қилиш қобилияти. С. нинг фалсафий тушунчасини биринчи бўлиб антик атомистлар зарурият ва тасодиф, имконият ва воқелик, эҳтимоллик, ирода эркинлиги проблемалари муносабати билан ишлаб чиққанлар. Мас., Эпикур атомнинг тушиш чоғида тўғри қизиқдан ўз-ўзича четга огишини қараб чиққанида буни тасодиф ва ирода эркинлигини асослаш, механик детерминизмдан воз кечиш билан боғлаган. Аммо С. ни эътироф этиш тақдири азалга, воқеликни теологик талқин қилишга ишонини ўз-ўзича истисно қилмайди. Чунончи, Лейбницнинг монадологиясида ҳар бир монада мутлақ спонтан, ўз-ўзича қаноатланувчи оламдан иборат, лекин айни вақтда барча монадалар азалдан белгиланган уйғунлик оламини ташкил этади. Диалектик материализм С. га материянинг ўзини хос хусусияти, унинг ўз-ўзича ҳаракатининг юз бериши деб қарайди. Материалистик диалектика нутқани назардан, деб кўрсатган эди В. И. Ленин, «дунёнинг барча процессларини уларнинг «ўз ҳаракатида», уларнинг спонтанийлик тараққиётида, уларнинг жонли ҳаётида билиш шарти—уларни қарама-қаршиликлар бирлиги сифатида билишдир» (29-т., 317-б.). Ҳаракат ва тараққиётнинг С. ини эътироф этиш ривожланаётган объектга ташқи таъсирларни, бу объектнинг бутун объектив олам билан ўзаро алоқадорлигини ҳисобга олиш зарурлигини истисно қилмайди. С. ни объектив оламга боғлиқ бўлмаган ва сабаб билан белгиланган «ирода эркинлиги» деб идеалистик тушунини

асосиз ва фан маълумотларига эид-дир.

СССРДА МАРКСИСТИК ФИЛОСОФИЯ—Октябрь социалистик революциясидан кейин пайдо бўлди. Ўз ривожининг дастлабки йилларида у эски, буржуа философиясининг қолдиқларига қарши, шунингдек меньшевизмининг, рус махизмининг (*Богданов* ва б.) ва шу кабиларнинг фалсафий назарияларига қарши курашда тараққий этди. 1922 йилда «Под знаменем марксизма» номи билан биринчи марксистик фалсафий журнал ташкил этилди (1944 йилгача чиқиб турди; 1947 йилдан «Вопросы философии» журнали чиқмоқда). Мазкур журналнинг учинчи сонида В. И. Лениннинг журнал вазифаларига ва совет философиясини ривожлантиришга бағишланган «Курашқан материализмнинг аҳамияти ҳақида» деган мақоласи эълон қилинди. Лениннинг бу мақоласи ҳам, унинг б. назарий асарлари сингари, совет философларининг ундан кейинги фаолиятининг бутунисига қатъий таъсир кўрсатди. Дастлабки йилларда асосий вазифа Коммунистик партия билан ва унинг мамлакатни социалистик асосда қайта қуриш учун олиб бораётган бутун кураши билан маҳкам боғлиқ бўлган янги философ кадрларни тарбиялаб етиштиришдан иборат эди. Совет давлати яшаб турган биринчи даврдаги сийфий кураш идеологиянинг ҳамма соҳаларида, шу жумладан философия соҳасида ҳам ўз ифодасини топди. 20-йилларнинг охири — 30-йилларнинг бошларида механистик материализмни яна қайтадан кўтариб чиққан кишиларни (Н. И. Бухарин, А. И. Варьяш, В. Н. Сарабьянов ва б.), шунингдек диалектик материализмни гегелча ревизия қилишнинг кўринишларини (А. М. Деборин группасини) танқид қилиш авж олиб кетди (Дебориннинг тарафдорлари марксистик философиянинг ривожланишида ленинга босқичга етарлича баҳо бермас эдилар, марксча диалектика билан гегелча диалектиканинг туб қарама-қаршилигини етарли даражада таъкидлаб кўр-

сатмас эдилар). «Под знаменем марксизма» ва б. нашрларда социалистик жамият қуриш, маданий революция проблемалари ишлаб чиқилди, ўтмишнинг философия тарихи марксистик философия нуқтаи назаридан қайтадан фикр қилиб чиқилди, табиатшунослар билан иттифоқ бўлиш учун, уларнинг диалектик материализм позицияларига ўтишлари учун кураш олиб борилди. Биринчи марта эълон қилинган Ф. Энгельснинг «Табиат диалектикаси» (1925), сўнгра В. И. Лениннинг «Философия дафтарлари» (1929) янги масалаларни тадқиқ қилишга ундади. Бироқ бошқа ижтимоий фанлар сингари совет философиясининг ривожланиши ҳам Сталин шахсига сийғиш даврида жиддий тўсқинликка учради. Унинг «Диалектик ва тарихий материализм тўғрисида»ги асари ҳеч бир асос бўлмаган ҳолда марксистик философиянинг «чўққиси» деб эълон қилинди. Шахсга сийғишнинг партия томонида танқид қилиниши, КПССнинг XX ва ундан кейинги съездлари қарорларида марксизмнинг янада ижодий ривожлантирилиши совет философиясининг ривожиди янги босқични бошлаб берди. Бу босқичнинг характерли хусусияти шу бўлдики, фалсафий тадқиқотлар тематикаси анча кенгайди ва ҳозирги замон философия фанининг актуал масалаларини ёритишга бўлган муносабат чуқурлашди. Догматизм белгиларини бартараф қилган янги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратилди, шунингдек справочник ва энциклопедия характеридagi нашрлар («Философтик энциклопедия») чоп этилди. Ҳозирги замон совет философия ривожининг асосий йўналиши коммунистик қурилиш вазифаларидан, табиий ва ижтимоий фанларнинг янги маълумотларини чуқур назарий англаш ва умумлаштириш заруриятидан келиб чиқади. Бир қанча совет философлари тарихий материализм проблемалари устида, шунингдек илмий коммунизм назарияси масалаларини: коммунистик қурилиш, социализмдан коммунизмга ўтиш диалектикаси, со-

циалистик давлатнинг ривожланиши, социалистик мулкнинг икки формасининг қўшилиши, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги, жисмоний меҳнат билан ақлий меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутларни бартараф қилиш, социалистик маданиятни ривожлантириш қонуниятлари ва б. масалалар устида ишлаб келдилар ва ишламоқдалар (В. Г. Афанасьев, Г. М. Гак, Г. Е. Глезерман, С. М. Ковалев, А. С. Ковальчук, М. Я. Ковальзон, Ф. В. Константинов, А. Н. Маслин, Ц. А. Степанян, П. И. Федосеев, Г. П. Францев, Д. И. Чесноков, П. Ф. Юдин ва б.). Сўнгги йилларда социологик тадқиқотлар кенг ривожланди. Г. М. Андреева, Б. А. Грушин, Ю. А. Замоскин, А. Г. Здравомислов, И. С. Кон, Г. В. Осипов, В. С. Семёнов, В. А. Ядов ва бошқаларнинг асарларида социологик тадқиқотлар методологияси проблемалари ишлаб чиқилмоқда. Мазкур асарларда ижтимоий ҳаётнинг турли томонлари, жумладан ҳозирги замон илмий-техника революциясининг социал тараққийга таъсири конкрет анализ қилинган, ҳозирги замон буржуа социологияси танқид этилган. Совет философларининг тадқиқотларида диалектик материализм масалалари каттагина ўрин тутди. Улардан энг муҳимлари — материалистик диалектикани, социализм шароитида унинг юз бериш қонунларининг янги формаларини, диалектик логика ва билиш назарияси масалаларини янада ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган масалалардир. Совет философлари Ленин кўрсатмаларига амал қилиб, диалектик логика ва билиш назариясини ишлаб чиқиш, диалектик материализм категорияларини ўрганиш учун «Капитал» логикаси тадқиқотидадан фойдаланмоқдалар (Ф. И. Георгиев, Э. В. Ильенков, Б. М. Кедров, П. В. Копнин, М. М. Розенталь, М. Н. Руткевич, Е. П. Ситковский, А. Г. Спиркин, Б. С. Украинцев, В. П. Чертков). Ҳозирги замон табиётини фалсафий умумлаштириш соҳасидаги асарлар муҳим қимматга эгадир (Э. Кольман, И. В. Кузнецов, С. Т. Ме-

люхин, С. Р. Микулинский, Н. Ф. Овчинников, М. Э. Омеляновский). Жаҳон философияси тарихини марксистик тадқиқ қилиш соҳасида совет философлари катта роль ўйнадилар; сўнгги йиллар ичида рус материалистик философиясини ўрганиш, шунингдек ҳозирги замон буржуа философиясини танқидий анализ қилиш юзасидан анча ишлар қилинди (В. Ф. Асмус, Б. Э. Биховский, М. А. Динник, М. Т. Иовчук, Г. А. Курсанов, Л. О. Маковельский, Ю. К. Мельвил, М. Б. Митин, Е. Д. Модржинская, Х. Н. Момджян, И. С. Нарский, Т. И. Ойзерман, А. Ф. Окулов, В. В. Соколов, Ш. В. Хидашели, И. Я. Щипанов). Коммунистик қурилиш коммунистик ахлоқ, марксистик этика проблемаларини ишлаб чиқишни, кишилар онгида ва ҳуқуқатворидаги капитализм сарқитларига қарши, диний дунёқараш таъсирига ва ҳ. к. қарши курашни философия соҳасида энг муҳим вазифалардан бири сифатда илгари сурди. Бир қанча философларнинг асарлари ана шу проблемаларга бағишланган (В. Н. Колбановский, В. П. Тугаринов, А. Ф. Шишкин). Сўнгги йилларда совет философлари эстетика проблемаларини: эстетик фикр тарихини, эстетика категорияларини, социалистик реализм назариясини тадқиқ этишга, буржуа эстетик концепцияларини танқид қилишга ва ҳ. к. катта эътибор бермоқдалар (Ю. Б. Боров, А. Г. Егоров, Д. Я. Зис, В. С. Кеменов, М. А. Лифшиц, М. Ф. Овсянников, Л. Н. Соловьев, Г. М. Фридлендер ва б.). Катта бир группа логика олимлари логика фанининг актуал проблемаларини тадқиқ қилиш билан, математик логика, семантика ва ш. к. эришган ютуқларини умумлаштириш билан шуғулланмоқдалар (К. С. Бакрадзе, Б. В. Бирюков, Е. К. Войшвилло, Д. П. Горский, А. А. Зиновьев, П. В. Таванец ва б.). Психологиянинг фалсафий масалаларини ишлаб чиқиш кенг ривож топди (Б. Г. Ананьев, А. Т. Бочориншвили, А. Н. Леонтьев, С. Л. Рубинштейн). Совет философлари олдида катта вазифа-

лар турибди: улардан энг муҳимлари — коммунистич қўрилишнинг реал процессларини умумлаштиришдан, янги маданиятни ривожлантиришдан, коммунистич жамият кишисини тарбиялаб камолга етказишдан, табиёт илми эришган энг янги ютуқларни фалсафий нуқтаи назардан чуқур англаб олишдан, фан ва практиканинг ҳозирги замон даражасига мувофиқ келадиган диалектик-материалистик логика устида иш олиб боришдан иборатдир.

СТАНКЕВИЧ Николай Владимирович (1813—40) — рус идеалист мутафаккири; Москва ун-тетининг филология факультетини тамомлаган (1834); С. тузиб, раҳбарлик қилган тўғаракка 1833—37 йилларда Белинский ва турли вақтда Бакуини, К. Аксаков ва б. кирган эдилар. Социал проблемаларни ҳал этишнинг ўзаги сифатида этика масалалари С. нинг диққат марказида турарди. Крепостной ҳуқуқнинг душмани, рус дворянлари ахлоқий бузуқлиги ва худбинлигининг танқидчиси бўлган С. ахлоқий камолатга ва маърифатчилик фаолиятига, кишиларни «меҳр-муҳаббат принципи» асосида бирлашишга даъват этарди, аммо «меҳр-муҳаббат принципи» унда диний формага кирган эди. Ижтимоий тараққиёт йўллари бундай тушуниш улоғизм бўлишига қарамай, С. нинг пропагандаси рус воқелигини танқид қилиши ва жамиятга хизмат қилишга даъват этиши билан ижобий аҳамиятга эга эди. С. нинг фалсафий қарашлари дастлаб унинг рус устозлари М. Г. Павлов, Н. И. Надеждин, Давидов, М. П. Погодин ва бошқаларнинг, шунингдек «*любомудрлар*»нинг таъсири остида шаклланган; бу ҳақда асосан унинг «*Езишмалари...*» (1857), шунингдек «*Шеърлар. Трагедия. Проза*» китобида тўпланган асарларига (1890) қараб ҳукм чиқариш мумкин. Кейинчалик (1834 йилдан бошлаб) С. Шеллинг, Кант, Гегель асарларини ўрганиб, улардан ўзини қийнаб келган саволларга жавоб топишни истади. С. нинг қарашлари идеалистик

диалектика руҳида эди. Умрининг сўнгги йилларида философияни воқелик билан яқинлаштириш фикрига келди, ёш гегелчи Чешковскийнинг ва аллақачон гегелчи философияни танқид қилишига ўтган Фейербахнинг идеяларини маъқуллади. Белинский, Герцен, Добролюбов С. нинг фаолияти ва шахсига юксак баҳо берган эдилар.

СТАТИСТИК ВА ДИНАМИК ҚОНУНИЯТ — ҳодисаларнинг қонуниятли сабабий боғланишининг юз бериш формалари. Д. қ.— сабабий боғланиш формаси, бунда системанинг муайян ҳолати унинг ҳамма кейинги ҳолатларини бир маъноли тарзда аниқлайди, бунинг натижасида бошланғич шартларни билиш системанинг янада ривожланишини олдиндан аниқ айтиш имкониятини беради. Д. қ. ташқи таъсирларга камроқ боғлиқ, нисбатан озроқ сонли элементларга эга бўлган барча автоном системаларда амал қилади. Мас., у қуёш системасида планеталар ҳаракатининг характери аниқлайди. С. қ.— сабабий боғланиш формаси, бунда системанинг муайян ҳолати унинг ҳамма кейинги ҳолатларини бир маъноли тарзда эмас, балки фақат муайян эҳтимолилик билан аниқлайдики, бу эҳтимолилик ўтмишда жо қилинган ўзгариш тенденцияларини рўёбга чиқариш имкониятининг объектив меъёридир. С. қ. доимо ўзгариб турадиган ташқи шароитларга боғлиқ ва жуда кўп элементлари бўлган ҳамма ноавтоном системаларда амал қилади. Қатъий қилиб айтганда, ҳар қандай қонуният статистикдир. Бунинг сабаби шунки, материя битмас-туганмасдир ва ҳар қандай система беҳисоб даражада кўп элементлардан иборатдир. Бундан ташқари, ҳар бир система биқик эмас ва у теварак-атрофдаги муҳит билан ўзаро таъсир қилишиб туради. Шу сабабли ҳар қандай Д. қ. рўёбга чиқиш эҳтимолиги единицага яқин бўлган статистик қонуниятдир, чунки ташқи таъсирлар ва системадаги кўп ички боғланишлар унга катта таъсир кўрсатмайди. С. қ. ни принципал равишда Д. қ. дан иборат қилиб ўз-

майди. Бунинг сабаби шуки: 1) материя битмас-туганмасдир ва системалар биқиқ ҳолатда эмасдир, 2) системаларнинг ўтмиш ҳолатларида жо қилинган кўп тараққиёт тенденцияларини рўёзга чиқариш имконияти йўқдир, 3) имконият ва тенденцияларнинг тараққиёт процессида сифат жиҳатдан янги ҳолатлар пайдо бўлади. Шу сабабли етарли даражада — мураккаб ҳар қандай тараққиёт процесси С. қ. га бўйсунди, ваҳоланки Д. қ. бу процесснинг айрим босқичларининг фақат яқин тутилган ифодасидир, холос (*Детерминизм*).

СТИЛЬ (санъатда)—услуб—образли системанинг, бадний ифодалаш воситалари ва усулларининг тарихан таркиб топган, барқарор умумийлиги, бу умумийлик ғоявий-эстетик ва ижтимоий-тарихий мазмуннинг бирлигидан келиб чиқади. Бу бирликка муайян ижодий метод асосида эришилади. С. да жамият ҳаётининг социал-иқтисодий шарт-шароити ҳам, бирон-бир халқнинг хусусиятлари ва анъаналари ҳам ўз аксини топади. Мас., архаик С., эллин, роман, готик С., Уйғонини даври С. и, барокко, рококо, ампир, модерн ва б. С. лар ана шундай. Ҳар бир С. энг тўлиқ равишда муайян *санъат турларида* юз беради. Чуқур ижтимоий ўзгаришларни ифодаловчи янги С. нинг туғилиши бадний форма билан ғоявий мазмун ўртасида принципиал янги нисбат пайдо бўлган чоқда содир бўлади. Буржуа формалистик эстетикаси Заъзан С. нинг ҳаддан ташқари кенг тушунчасини бериб, уни бадний метод билан бирдай қилиб кўрсатади (бу эса *реализми* ёлғиз С. дан иборат қилиб қўяди), баъзан уни торайтириб, бирон санъаткорнинг ижодий услуби даражасига тушириб қўяди. Шунингдек дунёқарашга ҳам, бадний методга ҳам боғлиқ бўлмаган қандайдир «давр С. и» ҳақидаги даъволар ҳам ҳатодир. Ҳар бир даврда турли бадний методлар мавжуд бўлади, бу методлар доирасида турли С. лар ривожланади ва бу С. лар ҳам ўз навбатида турли ижодий услуб ва тасвир тарзига эга бўлган санъаткор-

ларни ўз ичига олади. С. ва услубларнинг хилма-хиллиги — *социалистик реализм*нинг характерли хусусиятидир.

СТИХИЯЛИЛИК ВА ОНГЛИЛИК — тарихий материализм категориялари, улар объектив тарихий қонуният билан кишиларнинг маълум мақсадга қаратилган фаолияти ўртасидаги муносабатни билдиради. Стихиялилик деганда ижтимоий тараққиётнинг шундай бориши тушуниладики, унда мазкур тараққиётнинг иқтисодий ва социал қонунари кишилар томонидан англаб олинмаган бўлади, уларнинг назорати остида бўлмайди ва кўпинча удар табиий офатларнинг вайронкорлик кучи билан амал қилади, кишиларнинг англаб қилинган ҳаракатлари эса қўйилган мақсадларни амалга оширишга олиб бормайди, балки, аксинча, улар учун бутунлай кутилмаган натижаларга олиб келади. Тарихий фаолиятда онглилик шунини билдирадиги, кишилар ўзлари биллиб олган ижтимоий тараққиёт қонунарига таяниб амал қилдилар ва бу тараққиётни планли равишда ўз мақсадларини амалга оширишга томон йўллайдилар. Социализмдан бурунги барча ижтимоий формациялар кўпинча стихияли равишда ривожланиб келди. Ҳокимиятнинг Коммунистик партия раҳбарлигидаги ишчилар синфи қўлига ўтиши, ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий мулклиги ўрнига ижтимоий мулклигининг ўрнатилиши тарихда янги даврни — онгли тарихий ижодкорлик даврини очди. Бироқ кишиларнинг социализм давридаги тарихий фаолияти билан социализмдан бурунги формациялардаги тарихий фаолияти ўртасидаги фарқ мутлақ эмасдир. Илгари ҳам кишилар ўз фаолиятларида тарихнинг объектив қонунарига бирор даражада таяниб, тарихий заруриятнинг айрим кўринишларини аста-секин биллиб борганлар. Айниқса бу ҳол ижтимоий тараққиётнинг тарихий бурилиш пайтларида, объектив жиҳатдан етилган вазифалар тазйиқи остида (мас., буржуа революцияларида) юз берган. Ишчилар синфи ва унинг пар-

тияси ҳаракатининг характерли хусусияти шундан иборатки, у марксизм кашф этган тарих қонунларига таяниб, тараққиётнинг асосий йўналишини олдиндан кўриб туради ва мазкур қонунларга мувофиқ маълум мақсадни кўзлаб иш кўради, ўз мақсадларининг амалга ошишига эришади. Социализм даврида субъектив факторнинг роли, ошиб боради. Бироқ ижтимоий фаннинг бирон-бир масалалари ҳар томонлама ишлаб чиқилмаганлиги ва объектив қонунлардан тўла фойдалана билмаслик орқасида, шунингдек ижтимоий онгнинг ижтимоий бўлиқдан маълум даражада орқада қоллиши натижасида бунда ҳали стихиялилик элементлари қолади. С. ва О. масаласи фақат назарий эмас, балки коммунистик партиянинг оммага раҳбарлик қилиши учун муҳим-сиёсий аҳамиятга ҳам эгадир. Марксизм-ленинизм, бир томондан, оппортунизм ва *ревизионизмга* қарши кураш олиб боради, чунки улар ўз хусусиятларига кўра стихиялилик олдида сажда қиладилар, ишчилар синфи партиясининг онгли, ташкилотчилик фаолияти родини камситадилар, иккинчи томондан, у *волюнтаризмга* ва субъективизмга қарши кураш олиб боради, чунки улар объектив қонунлар билан, оммаши онги даражаси билан ҳисоблашмасдан, фақат ўз хоҳиш-иродалари билан қарорлар қабул қилиш ва ҳаракат этиш кучига таяниб иш кўрадилар.

СТОИКЛАР — эразмиздан олдинги 4- асрнинг охириларида юнон маданияти базасида, космополитик ва индивидуалистик гояларнинг тарқалиши ва математик билимлар асосида техниканинг ривожланиши муносабати билан пайдо бўлган фалсафий таълимот вакиллари. Эразмиздан олдинги 4—3- асрларда стоиклар мактабининг асосий вакиллари — *Зенон* ва *Хрисипп* эди. С. ишлаб чиққан фанларининг ўрни ва родини улар қуйидаги қиёс билан белгилаганлар: логика — девор, физика — ҳосилдор тупроқ, этика — унинг мевасидир. Философиянинг асосий вазифаси — этикада; билим фақат донишмандлик касб этиш,

яшай билиш учун воситадир, холос. Табиатга муносиб равишда яшамоқ керак. Чин донишманднинг идеали ана шундай. Бахт — эҳтирослардан холи бўлишда, руҳнинг осовишталтигида, лоқайдликдадир. Ҳаётда ҳамма нарсани тақдир белгилайди. Кимки шунни истаса, тақдир уни ўзига эргаштириб боради; қаршилик кўрсатганини зўрлаб олиб кетади. С. табиатни тушунишда материалист эдилар. Оламда фақат турли зичликдаги жисмлар бор. Чинлик билан чинни фарқ қилмоқ керак. Чиннакамга фақат жисмлар мавжуддир. Чинлик эса жисмсиздир ва мавжуд эмасдир. Чинлик — бу фақат айтилган фикрдир. Стоицизмда материализм *номинализм* билан қўшилиб кетади. Ҳиссиёт воқеликни қандайдир айримлик сифатида қабул қилади. Фан умумийликни билишга интилади, лекин оламда умумийлик мавжуд эмасдир. С. тўрт категорияни тан олишарди: 1) субстрат (моҳият), 2) сифат, 3) ҳолат (мас, «дадир»), 4) нисбий ҳолат («бирон нарсанинг ўнг томонидадир»). С. предикатлар логикасидан (*Аристотель*) фарқли ўлароқ, оддий мулоҳазалардан мураккаб мулоҳазалар тузиш ҳақидаги таълимот сифатида *мулоҳазалар* логикасини яратдилар ва шу асосда пропозиционал ҳулоса назариясини ривожлантирдилар. С. ҳукмларнинг шундай боғланиш турларини аниқлардиларки, бу боғланиш ҳозирги замон логикасида *конъюнкция*, *дизъюнкция* ва моддий *импликация* деб аталади. Хрисиппнинг шогирдлари — тарслик *Зенон* ва селекциялик *Диоген*, сидонлик *Бозт* (119 йилда ўлган) ва родослик *Панэтий* (эразмиздан олдинги 2- аср) кейинги даврларнинг энг атоқли С. и эдилар. Эразмизнинг дастлабки асрларида стоицизм Рим заминида ривожлана бошлади, стоицизм таълимотининг асосан ахлоқий ва диний гоялари ишлаб чиқилди; бунга *Л. Анней Сенекани*, *Муссоний Руфни*, *Эпиктетни*, император *Марк Аврелийни* киритиш керак бўлади.

СТОЛЕТОВ Александр Григорьевич (1839—96) — рус олими, ватан

физикасининг ва ҳозирги замон электротехникасининг асосчиларидан бири. С. табиат ҳодисаларини материалистик талқин қилишни қаттиқ туриб ёқларди. У рус физикларидан биринчи бўлиб, маҳизм философиясига қарши чиқди ва уни декадентлик, тушқунлик философияси деб тавсифлади («Гельмгольц ва ҳозирги замон физикаси» мақоласи, 1894). Ҳз фаолиятининг дастлабки даврида С. «барча физик ҳодисаларни механиканинг асосий принципларидан иборат қилиб қўйишга» интилган эди, лекин табиёт илмининг энг янги кашфиётлари таъсири остида у механистик материализмнинг маҳдудлигини енга бошлади. «Механик» терминини С. кўпинча «материалистик», «илмий» маъносида ишлатган. «Механицизм» байроғи остида у, аслда, табиёт илмида материализм учун кураш олиб борди. С. нинг дунёқарашини илғор рус материалистларнинг таъсири остида шаклланди. Ҳз гоёлари учун С. чор ҳукумати томонидан таъқиб этилди ва бу унинг академик қилиб сайланишига йўл қўймади.

СТРУВЕ Петр Бернгардович (1870—1944) — рус буржуа экономисти, философи, публицисти. 19-асрнинг 90-йилларида «легал марксизм»нинг бош вакили («Россиянинг иқтисодий ривожланиш масаласига доир танқидий мулоҳазалар», 1894). Кейинчалик буржуа-либерал ҳаракати ўнг қанотининг идеолоғи, кадетлар партиясининг лидерларидан бири (1905 йилдан бошлаб) бўлиб қолиди. Октябрь революциясидан кейин оқ муҳожир ва Совет ҳокимиятининг душмани. Экономист сифатида С. вольгар сийсий иқтисод тарафдори бўлиб, қийматнинг меҳнат назариясини инкор этарди. Философияда *позитивизм* ва *янги кантчиликдан* диний-идеалистик метафизика томон оғиб бориб, «тажрибада ёки фанда» билиб бўлмайдиган мутлақ идеал борлиқнинг мавжудлигини асосламоқчи бўлди («Фалсафий тараққийтимизнинг характеристикасига доир»—«Идеализм проблемалари» тўпламида, 1902). Унинг тарихий процесснинг иррационалиги ҳақидаги

гоёси ана шундан келиб чиқарди. «Вехи» тўпламидаги (*Вехичиллик*) «Интеллигенция ва революция» мақоласида у «атеистик социализм»ни танқид қилиб, «давлатга қаршилик қилгани» (яъни самодержавиега қарши курашгани) ва «динсизлиги» учун рус демократик интеллигенциясидан юз ўғирди. В. И. Ленин С. тўғрисида сўзларкан, уни «1894—1898 йилларда марксизмбозлик қилган» контрреволюционер либерал, деган эди (20-т., 242-б.). Ленин асарларида, айниқса унинг «Народниқликнинг иқтисодий мазмуни ва унинг жаноб Струве китобида танқид қилиниши» асарида, «Турли мавзуларда» (1902), «Patriotica» (1911), «Хўжалик ва баҳо» (2-қисм, 1913—16) ва б. асарларида С. нинг қарашлари танқид қилинган.

СТРУКТУРА (лат. *structura* — тузилиш) — *система* ташкил топишининг тузилиши ва ички формаси, бу форма мазкур система элементлари ўртасидаги барқарор ўзаро алоқаларнинг бирлиги сифатида юзага келади. Тадқиқотнинг мақсади қандайлигига қараб назарияда С. нинг дам бир, дам иккинчи компоненти биринчи ўринга чиқиши мумкин. Системалар изоморфизми (*Изоморфизм ва гомоморфизм*) даражасини ўрганганда аввало улар С. сининг функционал муносабатларининг умумий қонунлари каби шундай компоненти юз берадики, бу умумий муносабатларни тадқиқ этиш *кибернетиканинг* энг муҳим вазифаларидан биридир. Агарда системалар тузилишининг ўзига хос хусусиятлари, улар хоссаларининг ва ўзаро таъсирларининг табиати ўрганилса, у вақтда С. нинг моддий мазмуни, яъни системаларни ташкил этувчи элементларнинг мажмуи бир-бири билан ўзаро алоқадорлигида биринчи ўринга чиқади. Системаларнинг моддий таркиби яғна бўлганда уларнинг С. си элементлар алоқаларининг характерига, уларнинг фазода жойлашувига ва ш. к. ларига қараб турлича бўлиши мумкин, мас., бу ҳол изомер моддаларда шундай намоён бўлади. Ички алоқаларининг шунга ўхшаш қонунларига эга, лекин моддий таркиби жиҳатдан

турлича системаларда ҳам С. бир хилда эмасдир. С. даги элементларнинг боғланиши *қисм ва бутуннинг ўзаро алоқадорлиги* диалектикасига бўйсунadi. Элементларни яхлит системага бирлаштирганда унинг хоссалари таркибий компонентлар хоссаларининг алгебранк йиғиндисидан фарқли бўлиб чиқади. Шу билан бирга яхлит системанинг ўзининг структур муносабатлари ўзининг мавжудлигининг умумий қонунига бўйсунувчи компонент элементлар ички хусусиятларининг ўзгаришига сабаб бўлади. Структурлик — реал суратда мавжуд барча объектлар ва системаларнинг ажралмас атрибутидир. Ички ўзгаришлар ва бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш қобилияти бўлмаган, С. сиз жисмлар оламда бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир моддий объект ички ва ташқи алоқаларнинг битмас-туганмас хилма-хиллигига, турли-туман ҳолатларга айланиш қобилиятига эгадир. Илмий назарияда *тасвирдан изоҳга*, ҳодисалардан моҳиятга ўтиш тадқиқ қилинадиган системалар ва процесслар С. сени билиш билан мослашиб тушади, шундан кейин материянинг чуқурроқ даражалари структур хусусиятларини билиш вазифаси пайдо бўлади, лекин бу жараён ҳам материянинг миқдор ва сифати бениҳоялиги туфайли тугаллана олмайди. Оламда сифат жиҳатдан турли системаларда структур тузилишининг, структур муносабатларнинг беҳусоб кўп даражалари, тиллари мавжуддир. Табиий ва ижтимоий фанларнинг ҳар бирида С. нинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда айни фаннинг предметини ташкил этувчи системаларнинг ўзгариш қонунари тадқиқ этилади. Диалектик-материалистик философия барча моддий системаларнинг структур тузилиши ва ривожланишининг энг умумий, универсал қонунарини ўрғанади. Оламни фалсафий ва табиий-илмий билиш реал суратда мавжуд системаларнинг структур хусусиятларини билишга анча тўғри келади.

СТРУКТУРАЛИЗМ — конкрет-илмий методологик ориентация, у объ-

ектлар *структурасини* аниқлашни илмий тадқиқот вазифаси сифатида илгари суради. С. 20- асрнинг бошларида бир қанча гуманитар фанларда (лингвистика, адабиётшунослик, психология ва 5.). позитивистик йўналишдаги сийқа эволюционизмга реакция сифатида пайдо бўлди. С. математика, физика ва б. табиий фанларда ишлаб чиқилган структур тадқиқот методларидан фойдаланади. С. учун шу нарса характерлики, у тадқиқ қилинувчи объектларнинг актуал ҳолатини тасвирлашга, уларга ичдан хос бўлган ғайри замонавий хоссаларни аниқлашга чуқур эътибор беради, тадқиқ қилинувчи объектлар билан тадқиқот воситаларини аниқ фарқ қилишга интилади ва, бинобарин, ажратиб яққалаб қўйилган фактларни биринчи ўринга қўйишдан возкечади ҳамда ўрганилаётган системанинг фактлари ёки элементлари ўртасидаги муносабатларни қайд этади. Объектни ўрганганда С. тадқиқот вазифаси доирасида кузатилувчи фактлардан объектнинг ички структурасини (унинг иерархиясини ва ҳар бир даража элементлари ўртасидаги алоқадорликни) аниқлаш ҳамда тасвирлашга, сўнгра объектнинг назарий моделини тузиб, тадқиқ қилинаётган материал асосида уни шарҳлашга томон ҳаракат қилишни назарда тутлади. Бир қанча фанларда С. нинг ривожланишига *семиотиканинг*, лингвистикада Ф. Соссюр, этнологияда К. Леви-Стросс, психологияда Д. Вигетский ва *Пиаже* идеясининг вужуда келиши ҳамда *металогика* ва *метаматематиканинг* ишлаб чиқилиши (*Фреге*, *Гильберт*) таъсир кўрсатди. Фаолият процессларини С. учун бир қадар умумий тадқиқот предмети деб аташ мумкин, бу процесслар белгилар системалари ёрдами билан уларнинг қатнашчиларининг алоқа қилишида воситачи бўлади. С. учун қуйидагилар ана шундай системалар бўлиб чиқади: табиий тил, ибтидоий социал ва маданий структуралар ва ш. к. Структур методларнинг коикрет фанларда татбиқ этилиши ижобий натижалар берди, мас., лингвистикада у *ёзувсиз*

тилларни тасвирлаш, номаълум ёзувларни тил системалари реконструкцияси методлари билан аниқлаб олиш ва ш. к. лар билан боғлиқ бўлган ва-зифаларни ҳал этишга ёрдам берди. С. идеялари маданият ҳодисалари фанлараро тадқиқотларини бирлаштиришда, ўзига хос хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда гуманитар ва табиий фанларни яқинлаштиришда ҳам муайян методологик роль ўйнайди. Бироқ структур методларнинг турли билим соҳаларида кенг тарқалиши С. ни фалсафий система даражасига кўтариш ва шундай система сифатида уни бошқа системаларга, шу жумладан марксизмга қарама-қарши қўйиш каби асоссиз уринишларни вужудга келтирди. Ҳар қандай конкрет-илмий методология сингари, С. га ҳам хос бўлган билувчилик чегараларини мейсмаййдиган бу хилдаги уринишлар мутлақ қонунсиз уринишлардир, шунинг учун ҳам улар совет олимларининг ҳамда чет элларда марксист филозофларнинг асарларида ҳаққоний танқид қилинмоқда. Структура тушунчасига тарихга хилоф равишда ёндашишга, объектлар структурасининг ривожланиши ва ўзгаришининг манбаб бўлган ички зиддиятларни инкор этишга марксистик философия К. Маркс «Капитал»да чуқур ифодасини топган структуранинг диалектик анализи методологик принципларини қарама-қарши қилиб қўяди. Маркснинг капитализмга муайян структурарга эга бўлган система деб қараши (бу структуранинг топилиши тасвирлаш даражасидан моделлаштириш даражасига ўттириш талаб қилди) конкрет фанлар методологик аппаратининг тақомиллашув йўналишини яққол кўрсатиб берди.

СТРУКТУР-ФУНКЦИОНАЛ АНАЛИЗ — системали объектларни, аввало социал системаларни тадқиқ қилиш методи. Ижтимоий ҳаёт турли формаларининг С.-ф. а. и социал системаларда структураларни ташкил этувчи системаларни ва уларнинг бир-биринга нисбатан ролини (функциясини) ажратиб кўрсатиш асосида қурилади. Ҳозирги замон буржуа со-

циологиясида С.-ф. а. Парсонс ва Мертон номлари билан боғлаб қаралади, чунки уларнинг асарларида умумий антрология доирасида алоҳида методологик йўналиш сифатида шакланган илк функционализм идеялари ривожлантирилган эди (Б. Малиновский, А. Радклифф-Браун). Парсонс структур категориялар (қимматлар системаси, социал нормалар, умумиятларнинг типлари ва уларда қатнашувчиларнинг роллари) билан функционал категориялар (ўз-ўзини сақлаш, интеграция, мақсадга эришиш ва адаптация) ўртасидаги тафовутни анализга асос қилиб қўяди. У жамиятга идеалистларча қарашга амал қилиб, социал структурани метиндек мустақкамлайдиган қимматлар ва нормалар системасини социал муносабатларнинг асосий тартибга солувчи омили деб ҳисоблайди. Мертон С. ф. а. га берган шарҳида структур категорияларни социал жиҳатдан ажратиб кўрсатишдан бош тортиб, жамиятнинг амалиёт процессида структур элементлар билан муайян функциялар ўртасида қаттиқ алоқа бўлмайди, деб даъво қилади. У С.-ф. а. аппаратини қатъий функционал асосга қуриб, функцияларни система учун қудай ва ноқудай оқибатларига (функция ва дисфункция) ва уларнинг система қатнашчилари учун яққоллигига (ошкора ва яширин, ёки латент, функциялар) қараб бир-биридан фарқ қилади. Барча функцияларни у социал ҳодисанинг С.-ф. а. и моделида — парадигмасида (намунасида) бирлаштиради. Бу хилдаги қарашлар ҳозирги замон америка социологияси эмпиризмга реакциядир. Иккинчи томондан, социал системанинг функционал изоҳланиши жамият ҳақидаги марксистик фанга қарама-қарши қилиб қўйилади. Бу қарашларнинг метафизиклиги, тарихга хилофлиги ва идеализми — социал система мувозанатини бошланғич тушунча сифатида эътироф этиш, тарихий процессни инкор қилиш, буржуа жамиятининг энг чуқур социал конфликтларини эътиборсиз қолдириш натижасидир. Социал реалликдан ажралганлиги, ақлбозликдан иборат

эканлиги, ижтимоий ҳодисаларни спекулятив нуқтаи назардан изоҳлаганлиги учун Парсонс ва Мертоннинг социологик идеялари ҳатто буржуа социологиясининг ўз доирасида ҳам танқид қилинмоқда. Марксистик танқид тобора илгари бориб бу социологик концепцияларнинг гносеологик ва синфий илдизини очиб берди. Шу билан бирга Парсонс ва Мертон қарашларининг танқид қилиниши систем объектларни тадқиқ қилиш (*Тадқиқотларнинг систем методлари*) воситаларидан бири бўлмиш С.-ф. а аналитик аппаратини рад этишни билдирмайди. Маркс капитализм тарихи ва структурасини анализ қиларкан, социал-функционал яхлитликнинг юзага келиш қонунари унинг амал қилиши қонунларининг айни ўзи эмасдир; аммо бу қонунлар узвий равишда бир-бири билан алоқадордир, деб кўрсатган эди. Маркснинг «Капитал»ни капиталистик экономикани ва мураккаб ривожланувчи система сифатида умуман капиталистик жамиятнинг структур (систем) ва функционал анализ қилишини классик намунаси дир. *Ижтимоий-иқтисодий формация, меҳнат тақсимоти*, ижтимоий ҳаёт ва ижтимоий тартиботларнинг турли соҳалари ва ш. к. тушунчалар марксистик социологиянинг асосий категориялари бўлиб юзага келади. С.-ф. а.— назария доирасида проблемаларни ўртага қўйишдан конкрет социал тадқиқотларга ўтишда социал ҳодисаларни ўрганишининг айниқса таъсирчан восита дир. Марксистик социологияда С.-ф. а. тарихий (генетик) усулга қарама-қарши қўйилмайди, балки у билан бирликда юзага келади, бу эса тадқиқ қилинувчи объектларни ҳар томонлама, конкрет ўрганиш имкониятини беради.

СУБСТАНЦИЯ (лат. substantia — моҳият) — материя ўз-ўзича ҳаракатининг барча формалари, инсон ва унинг онгини ҳам қўшган ҳолда табиат ва тарихнинг барча хилма-хил ҳодисаларининг ички бирлиги нуқтаи назаридан бутун табиат, бинобарин, илмий билишнинг, конкретлиқнинг назарий инъикосининг (*Абстрактлик ва*

конкретлик) фундаментал категорияси. Философия тарихида дастлабки вақтларда С. ҳамма нарсани ташкил этадиган модда деб тушунилади. Урта аср Шарқида С. *Киндий, Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд* асарларида моддий асос, моҳият сифатида талқин этилиб экзистенциядан фарқ қилинади. Кейинчалик бутун мавжудотнинг асосини излаганда, С. худонинг махсус нишонаси деб тушунилади (*схоластика*), бу эса руҳ билан жисмнинг дуализмига олиб боради. Дуализм — теологик ва илмий тафаккурнинг сиғишмаслигининг ўзича бир ифодасидир. Янги замонда Декарт С. проблемасини энг кескин қилиб қўйди. Материалистик философия йўлларидаги дуализмни бартараф қилишни *Спиноза* амалга оширди, у кўлам ва тафаккурни ягона бир С. нинг атрибутлари ҳисобларди ва С. ни ўз-ўзича сабабчи деб қарарди. Бироқ Спиноза С. нинг ички активлигини, «ўзича ташаббускорлиги»ни асослаб бера олмаган эди. Бу вазифа (гарчи изчиллик билан *Бўлмаси*-да) немис классик философиясида ҳал қилинади. *Кант* С. ни «у шундай бир доимий нарсани, фақат унга нисбатангина ҳамма вақтли ҳодисаларни аниқлаш мумкин» деб тушунади. Аммо Кант С. ни субъектив равишда, тажриба маълумотларини синтезлаштирувчи тафаккурнинг априор формаси, деб талқин қилади. *Гегель* С. ни, нарсаларнинг номўҳим, ўзгарувчи, ўткинчи томонларининг яхлитлигидир, мазкур томонларда бу яхлитлик «уларнинг абсолют инкор этилиши сифатида, яъни абсолют қувват ва шу билан бирга ҳар қандай мазмуннинг бойлиги сифатида очилади» деб «идеянинг (инсон онгининг) ривожланиш процессида муҳим босқич» деб, «ҳар қандай янада ҳақиқий ривожланишнинг негизи» деб таърифлайди. Бу билан С. ни айни бир вақтда субъект деб, яъни актив ўз-ўзини туғдирувчи ва ўз-ўзича ривожланувчи ибтидо деб тушуниш ҳам боғлиқдир. Шу билан бирга С. ни Гегель идеалистларча, фақат абсолют идеянинг ривожланиш momenti сифатида олиб қарайди. Марксистик философия

бу идеяларни материализм нуқтаи назаридан танқидий равишда қайта ишлаб чиқади. Бунда С. материя сифатида ва айни вақтда ўзидаги ҳамма ўзгаришларнинг «субъекти», ўзидаги барча форма тузилишларининг актив сабабчиси, шунинг учун ҳам у алоҳида, ундан фарқ қиладиган «субъект»нинг (худо, руҳ, идея) «мен», онг, экзистенция ва ҳ. к. нинг) ташқаридан дохил бўладиган фаолиятига муҳтож эмасдир, деб тушунилади. С. тушунчасида материя унинг онга қарама-қаршилиги нуқтаи назаридан эмас, балки унинг барча ҳаракат формаларининг, барча тафовутлари ва қарама-қаршиликларининг, шу жумладан бориқ билан онг ўртасидаги қарама-қаршиликнинг ҳам ички бирлиги жиҳатидан акс эттирилгандир. Маркс «Капитал»да қийматни анализ қилганда, аввало, унинг барча хусусий (алоҳида) юз бериш формаларидан (айирбошлаш ва қўшимча қийматдан, фойда, рента ва ш. к. лардан) қатъи назар, унинг субстанцияси масаласини ўртага қўяди. Шу муносабат билан маҳсулотнинг ҳар қандай товар формаси «инсон меҳнатининг тафовутларидан маҳрум этилган оддий йиғинди» деб қараладики, бу йиғинди «айирбошлаш қийматининг ва унинг барча ривожланган формаларининг субстанциясини ташкил этади». Худди ана шу туфайлигина қўшимча қийматининг ва капиталнинг сирини очилди; капитал шаклида қиймат «ўз-ўзидан ривожланувчи, ўз-ўзидан ҳаракатланувчи субстанция» сифатида, «автоматик тарзда амал қиладиган субъект» сифатида юзага келади. Ана шундай тушунинида С. материалистик монизмнинг асосий категорияси сифатида, назариянинг ҳақиқий, мазмунли бирлигининг асоси ва шарти сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам В. И. Ленин «материали билишнинг субстанцияни билишгача (тушунишгача) чуқурлаштириш керак» деб талаб қилар ва «сабабни ҳақиқий билиш ҳодисаларининг ташқи кўринишини билишдан субстанцияга чуқурлашиб боришдир», деб ҳисобларди (29-т., 142—143-б.).

Философияда антисубстанциалистик позицияни неопозитивизм қаттиқ тўғри ёқлаб, С. ни сохта ва шунинг учун ҳам фан учун зарарли категория деб эълон қилмоқда. С. категориясидан воз кечиш, «субстанциал» нуқтаи назарни йўқотиш назарияни айниб бузилиш, тутуруқсиз эклектизм, бирлаштириб бўлмайдиган қарашлар ва қондаларни формал бирлаштириш йўлига бошлаб боради, К. Маркс таъбири билан айтганда, «фанни гўрга тикади».

СУБСТРАТ (лат. sub—ост ва stratum — қўйиш, бино, иншоот)— бирликнинг моддий негизи, турли предметларнинг ва айрим, яқка предметнинг, нарсанинг турли хоссаларининг яқжинслиги (қиёс қилинг: *субстанция*).

СУБЪЕКТ ВА ОБЪЕКТ (лат. subiectum — эга; objectum — предмет)— фалсафий категориялар. «С.» тушунчаси аввалда (мас., *Аристотелда*) хоссалар, ҳолатлар ва амалларнинг ҳомилини билдиради ва шу жиҳатдан *субстанция* тушунчасига тенг эди. 17-асрдан бошлаб «С.» тушунчаси, у билан нисбатдош бўлган «О.» сингари, аввало гносеологик маънода ишлатиладиган бўлди. С. деганда ҳозир актив амал қилувчи ва билувчи, онг ва иродага эга бўлган инсон тушунилади; О. деганда С. нинг билувчилик ва бошқа фаолият қаратилган нарса тушунилади. С. билан О. муносабатининг философиянинг асосий масаласи билан боғлиқ бўлган проблемаси материализм ва идеализм томонидан турлича ҳал қилиниб келинди. Материализм О. ни С. га боғлиқ бўлмаган нарса деб қарарди ва уни объектив олам деб, тор маънода эса билиш предмети деб тушунарди. Бироқ Марксдан бурунги материализм бу проблемани илмий ҳал қилолмаган эди, чунки С. ва О. нинг С. га бевосита таъсир кўрсатиши билан боғлаб қарарди. Шу билан бирга С. қандайдир пассив, фақат ташқи таъсирларни қабул қилувчи ва уларни «табиат»дан ҳосил қилинган усул билан қайта ишловчи С. деб қараларди. С. нинг ўзи эса ажратиб, яқкалаб қўйил-

ган индивид деб, бу индивиднинг хусусиятлари унинг табиий келиб чиқиши билан белгиланган, деб тушунарларди, чунки предмет *фаолиятнинг* қонуниятлари — С. активлигининг ҳақиқий асослари — ҳали очилмаган эди. Идеалистлар С. ва О. нинг ўзаро таъсирини ва О. нинг ўзининг мавжудлигини С. нинг фаолиятдан келтириб чиқарардилар ва шу асосда билишда С. нинг актив роль ўйнашни изоҳлашга уринардилар. Шу билан бирга субъектив идеализм учун шу нарса характерлики, у С. ни индивиднинг психик фаолиятининг бирлигиндан ва О. нинг амалда бартараф қилинишидан иборат, деб тушунади, чунки О. унда фақат С. ҳолатларининг маъмузи деб тушунилади. Обьектив идеализмнинг, айниқса *Гегелнинг* С. ва О. га нисбатан практиканинг роли ҳақидаги, бу муносабатнинг С. нинг тарихига, ижтимоий табиатига боғлиқ эканлиги ҳақидаги фаразлари қимматлидир. Диалектик материализм О. нинг С. га боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжудлигини эътироф қилишга асосланади, лекин шу билан бирга уларни бирлик ҳолатида олиб қарайди. О.—С. нинг абстракт қарама-қаршилиги эмасдир, чунки С. О. ни актив ўзгартиради, «одамлаштиради», бинобарин, инсониятнинг ижтимоий-тарихий практикаси уларнинг ўзаро таъсирининг асосини ташкил этади. Худди ана шу практикада воқеликнинг томонлари ва хоссалари амалий ва назарий фаолият О. нга айланади. О. нинг онгда ўзгартирилиши орқали обьектив реаликнинг мазмуни такрор ҳосил қилинади. Шунга мувофиқ, обьектив реаликни, О. ни ва *билиш предмети*ни фарқ қилмоқ черак. Шу нуқтаи назардан қараганда ташқи оламни ўзгартиш процессида шаклланидиган ва ўзгарадиган С. нинг активлигини тушуниш мумкин. Бунинг маъноси — инсон фақат тарихда, жамиятда С. га (жумладан, ўз-ўзини англовчи С. га) айланади ва шунинг учун у ҳамма қобилиятлари ва имкониятлари практикада ўсиб етишган ижтимоий вужуддир, демекдир. Шу сабабли марксизмда субъективлик С.

нинг О. га қарама-қарши ички (психик) ҳолати деб эмас, балки С. нинг фаолиятдан келиб чиқадиган ҳосила деб ва С. шу фаолият формаларида О. нинг мазмунини такрор ҳосил қилади, деб тушунилади. С. ва О. нинг ўзаро алоқаларида актив куч бўлган инсон шунга қарамай ўзбошимча ҳаракат қилмайди, чунки О. С. нинг фаолиятига муайян чегара ва чек қўяди. Худди ана шу асосда О. нинг қонуниятларини билиш зарурияти пайдо бўлади, бинобарин С. нинг фаолиятини мазкур қонуниятлар билан мослаштириш керак бўлади, чунки С. нинг мақсади предмет оламнинг ривожланиш мантиқига мувофиқ шаклланади, обьектив равишда С. нинг эҳтиёжларига ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади. Инсон шунга ва обьектив қонуниятларни билиш даражасига қараб ўз олдига онгли мақсадларини қўяди, бу мақсадларга эришиш жараёнида О. ҳам, С. нинг ўзи ҳам ўзгариб боради.

СУБЪЕКТИВ ИДЕАЛИЗМ — фалсафий оқим, унинг вакиллари ё обьектив оламнинг мавжудлигини инкяр этадилар, ёки ушн тамомилан субъектнинг активлиги билан белгиланадиган бир нарса деб қарайдилар. Субъект яшайдиган ва амал қиладиган оламни С. и. субъектнинг сезгилари, кечинмалари, ҳаракатлари, кайфиятлари олами деб ҳисоблайди. Изчил амалга оширилган С. и. *солицизмга* олиб келади. *Беркли, Юм, Фихте* — С. и. нинг классик вакилларидир. *Конт* ҳам С. и. идеаларини ривожлантирди. 19—20-асрлардаги С. и. турли кўринишларга эгадир. Булар аввало *позитивизм*нинг турли мактабларидан (махизм, прагматизм, *операционализм, логик эмпиризм, лингвистик философия* ва ш. к.), «*ҳаёт философияси*» ва ундан келиб чиққан *экзистенциализмдан* иборат. С. и. нинг ҳозирги замон тарафдорларида (унинг 19-асрнинг охири — 20-асрнинг бошларидаги оқимларидан фарқли ўлароқ) ва аввало позитивизмнинг турли мактаблари вакилларида жуда барала кўриниб турган субъективизмни, пси-

хологизм ва релятивизмни бартараф қилиш тенденцияси сезилиб турибди, «умумқимматга эга бўлган ҳақиқатлар»ни ажратиб кўрсатувчи қандайдир критерияларни излаб топишга уриниш улар учун характерлидир. Бу йўлда субъектив идеализм билан объектив идеализм ўртасида илгари анча яққол кўришиб турган чегара орадан кўтарилди. Субъектив ва объектив идеализм элементлари, мас., хилма-хил неорсалистик оқимларда (*Неорсализм*) бирлашади. Ҳозирги замон С. и. и ҳаммадан кўпроқ «реализм» байроғини кўтариб чиқмоқда. Бироқ унда иррационализм белгилари (айниқса, экзистенциализм философиясида) тобора кўпроқ кўзга ташланмоқда. С. и. нинг назарий-билувчилик асоси фаолиятнинг турли соҳаларида субъективнинг актив ролини ва аввало билиш процесси субъектив моментларини абсолютлаштиришдан иборат. Диалектик материализм философиясининг кўрсатишича, амалий-ишлаб чиқариш, илмий-тадқиқот ва ижтимоий-тарихий фаолиятда субъективнинг актив роли ўзбошимчалик билан бажариладиган роль эмасдир... Бу роль инсон онтига боғлиқ бўлмаган объектив олам ва унинг қонуналарининг мавжудлигига зид бўлиши у ёқда турсин, балки, аксинча, уларни назарда тутати. Билишнинг субъектив формаси унинг объектив мазмуни ва манбаини истисно қилмайди. Бугина эмас, бу форманинг ўзи объектив олам ва инсон практикасининг энг умумий хусусиятларини акс эттиради. Шу сабабли фақат философиянинг асосий масаласи доирасида объективлик билан субъективликни қарама-қарши қўйиш мумкин. Объектив олам бизнинг у ҳақдаги тасавурларимизга боғлиқ эмаслигини, билишнинг объективлигини чинлигини инсонга практика исбот қилиб беради.

СУНЬ-ЦЗИ (эрамиздан олдин тах. 298—238)— қадимги Хитой материалист философи. У ўз таълимотида қадимги Хитойнинг кўп фалсафий мактаблари ва йўналишларининг тасавурларини танқидий қабул қилиб, улардан фойдаланди, табиат ҳақида

мунтазам таълимот яратди. Осмон тушунчаси унда мистик олий ҳукмдор эмас, балки табиий ҳодисалар маъмуни билдиради: С. оламнинг яратувчиси мавжудлигини инкор этарди. Барча ҳодисалар ва нарсаларнинг пайдо бўлиши ва ўзгариши доира бўлиб юзага келади ва уларга икки кучнинг: ижобий ян билан салбий иннинг (*Инь ва ян*) ўзаро таъсири сабаб бўлади. С. нинг фикрича, билиш процесси сезги органларининг далилларидан бошланади. Бироқ фақат ҳиссий тажриба маълумотлари устида фикр юргизиш натижасидагина инсон тўғри ва ҳар томонлама тасавур ҳосил қилиши мумкин. С. нинг инсон табиатининг туғма ёвузлик сифатлари ҳақидаги назарияси кенг шухрат қозонди. Инсондаги яхши фазилатларнинг ҳаммаси тарбия жараёнида вужудга келтирилади. С. нинг таълимоти хитой философиясининг ундан кейинги ривожига чуқур таъсир кўрсатди.

СУНЬ ЯТ-СЕН (1866—1925)— хитой революционер-демократи. Гонконгда медицинадан таҳсил кўрган. 1894 йилда Хитойда биринчи «Хитой уйғонш иттифоқи» революцион ташкилотини тузган. 1905—07 йиллардаги рус революциясининг таъсири остида С. ҳукмрон династияни ағдариб ташлаш учун революцион кучларни жипслаштиради ва сиёсий программа сифатида уч принципти: «миллат принципи» (Хитойнинг миллий мустақиллиги), «халқ ҳокимияти принципи» (республика тузиши), «халқ роҳат-фароғати принципи» (социал тенгсизликни йўқ қилиш) илгари суради. С. нинг революцион-демократик программасига Ленин юксак баҳо берди, ammo Ленин С. нинг Хитойда капитализмнинг «олдини олиш» мумкинлиги ҳақидаги хаёлий тасавурини танқид қилган эди. Улуг Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси С. га катта таъсир кўрсатди. У Хитой Компартияси билан яқинлашди, гоминданни қайта қурди ва янги демократик революция талабини қўллаб-қувватлади. Янги шароитда С. нинг уч принципи уч сиёсий йўл-йўриқ: СССР

билан иттифоқ бўлиш, Хитой Компартияси билан иттифоқ бўлиш ва ишчилар билан деҳқонларни қўллаб-қувватлаш билан тўлдирилди. С. нинг иқтисодий программаси «капитални чеклаш», яъни йирик ажнабий ва маҳаллий капитални национализация қилиш талабиди ўз ичига оларди. С. СССРнинг буюк дўсти эди, у Совет Иттифоқининг Хитойдаги революцион ҳаракатини қўллаб-қувватлашга юксак баҳо берди. У «шундай бир вақт келадик, Совет Иттифоқи энг яхши дўстимиз ва иттифоқчимиз сифатида қудратли ва озод Хитойни табриклайди, ўшанда дунёдаги эзилган халқларнинг озодлиги учун буюк жангда ҳар иккала мамлакат қўлни-қўлга бериб олға босадилар ва галаба қозонадилар», деб ишонарди. С. нинг фалсафий қарашлари унинг революцион демократизмининг назарий асоси эди. У онгининг материяга муносабати масаласини материалистларча ҳал қиларди. Билиш процессини С. инсоннинг амалий фаолияти билан боғлаб қарарди, билишнинг натижаларини — ғоялар ва принципларини — эса дунёни ўзгартиришга ёрдамлашувчи актив куч деб ҳисобларди. Ижтимоий ҳодисаларни изоҳлашда С. умуман идеалистлигича қолган эди. С. нинг асосий фалсафий асари — «Сунь Вэнь таълимоти»дир.

СХОЛАСТИКА (грек. scholasticos — мактабга хос) — ўрта аср «мактаб философияси», унинг вакиллари бўлмиш схоластлар диний дунёқарашини назарий жиҳатдан асослаб беришга уринардилар. Антик философиянинг идеялари (*Платон* ва айниқса *Аристотель* идеялари) С. нинг фалсафий базисини бўлиб хизмат қилди (*Аристотел*нинг қарашларини С. ўз мақсадларига мослаштирган эди). *Универсалиялар* ҳақидаги мунозара ўрта аср С. сизда катта ўрин тутарди. Тарихан С. энг неча даврга бўлинади: илк С. (9—13-асрлар) учун неоплатонизмининг таъсири характерлидир (*Иоани Скотт Эриген*, *Ансельм Кентерберский*, *Ибн Рушд*, *Ибн Сино*, *Маймонид*). «Классик» С. маҳалида (14—15-асрлар) «христианча аристотелизм» ҳукм

сурди (*Буюк Альберт*, *Фома Аквинский*). Кейинчалик (15—16-асрлар) католик илоҳиётчилари (*Суарес*, *Казанус*) билан протестант илоҳиётчилари (*Меланхтон*) ўртасида ўтган мунозаралар пировард ҳисобда католик черковининг реформацияга қарши курашини ақс эттирарди. Баъзи буржуа авторлар схоластик философиянинг равнақини шу ғоявий кураш билан боғлайдилар. Ундан кейинги асрларда С. янги замон философияси илғор таълимотларининг (*Декарт*, *Гоббс*, *Локк*, *Кант*, *Гегель* ва б.) вайронкорлик таъсирига йўлиқиб, ўз нуфузини йўқота бошлайди. 19-асрдан эътиборан С. жонланиб, католик философиясининг турли мактабларини (*Томизм*, *платонча-августианча*, *францистча* мактабларини ва б.) бирлаштира бошлайди.

СЦИЕНТИЗМ (сайентизм, лат. scientia ва инглизча science сўзларидан олинган бўлиб, билим, фан демакдир) — *фаннын*г ролини маданият системасида, жамиятнинг ғоявий ҳаётида абсолютлаштиришдан иборат концепция. С. одадга табиий ва аннқ фанлар деб аталувчи фанларни илмнинг намунаси деб қарайди. Қарашларнинг қатъий бир системасига кирмаган, балки кўпроқ ғоявий ориентациядан иборат бўлган С. ҳар хил, турлича даража ва куч билан юз бериши мумкин, унда аннқ фанларга сиртдан тақлид қилинади, бу эса математик символикани сунвий равишда татбиқ этишда ифодаланади ёки мазкур фанлар учун характерли бўлган форманиннг фалсафий-дунёқарашлик ва социал-гуманитар проблемалари атайин анализга бериледи (аксиоматик қурилиш, дефинициялар системаси, логик формаллаштириш ва ш. к.), сўнгра мазкур табиий фанлар бирдан-бир илмий билим сифатида абсолютлаштирилиши ва фалсафий дунёқарашлик проблематикаси билувчилик мазмуни ва маъносидан маҳрум, деб инкор этилиши мумкин (*неопозитивизм*). С. философияда унинг бошқа фанларга нисбатан ўзинга хос хусусиятига етарли баҳо бермасликда, махсус илмий билимга нисбатан

Ўз спецификасига эга бўлган ижтимоий онгининг алоҳида формаси сифатидаги философияни инкор этишда ифодаланади. Социологияда С. социал анализ объектининг табиий фанлар тадқиқ қиладиган объектларга нисбатан алоҳида хусусиятларини инкор этиш билан, қимматдорлик моментларини ҳисобга олиш зарурлигини менсимаслик билан, эмпиризм ва баёнчилик билан, социал-фалсафий проблематикага оид ҳар қандай назарий системаларга душманларча қараш билан, социал тадқиқотлардаги микдорий методларнинг аҳамиятини абсолютлаштириш билан боғлиқдир. Ҳозирги замон буржуа маданиятида антисциентизмнинг турли вариантлари С. га қарама-қарши бўлиб турибди, бу вариантлар инсон мавжудлигининг туб проблемаларини ҳал этишда фаннинг имкониятлари чекланганлигини қаттиқ туриб таъкидламоқда, ҳеч бўлмаганда фанга инсоннинг ҳақиқий моҳиятига душман куч деб баҳо бермоқда. Изчил антисциентизм философияни фандан принципиал равишда фарқ қиладиган, унинг фикрича, соф амалий аҳамиятга эга бўлган, олам ва инсоннинг борлигининг ҳақиқий проблемаларини тушуниш даражасига кўтарилишга қодир бўлмаган қандайдир бир нарса деб қарайди. Антисциентизм социал-гуманитар билимни фақат қимматдор онг соҳаси деб талқин қилади ва илмий тадқиқотнинг объективлиги принципини бу соҳага татиқ қилиш мумкин эмас, деб даъво қилади. Марксизм-ленинизм ҳар қандай дунёқараш, фалсафий ва социал-гуманитар проблематикага илмий қараш принципини қаттиқ туриб таъкидлаш ва фаннинг ролининг антисциентик камситишга уринишларни рад этиш билан бирга сийқ С. ни ва унинг маданият системасида фаннинг тутган ўрни ва функцияси ҳақидаги,

онгининг турли формаларининг ўзаро муносабати ҳақидаги мураккаб масалаларга эътиборсизлик билан қарашни инкор этади. Шу сабабли баъзи буржуа ва ревизионистик «гуманизм ҳимоячилари» томонидан марксизмни С. да айблаш гаразли, догматик характерга эгадир.

СУҲ ГЕГЕЛЧИЛАР — қ. *Еш гегелчилар*.

СУҲИЗМ, сўфилик (арабча сўф — жуи сўзидан олинган; сўфи — жуипўш, маллапўш — исломда диний-мистик таълимот, 8—9-асрларда пайдо бўлган ва Араб халифалигида тарқалган. Илк С. учун шу нарса характерли эдики, у айрим материалистик элементларни ўз ичига олган *пантеизмга* амал қиларди. Кейинчалик *неоплатонизм*, ҳинд философияси, христианликнинг баъзи идеялари таъсир остида С. да марказий ўринни *аскетизм* ва ўта мистицизм эгаллайди. С. нинг мухлислари фақат худонинг борлигини реал деб, тева-рак-атрофдаги нарсалар ва ҳодисаларни эса эманация (илоҳий қудратнинг кўринишлари) деб эътироф қилган ҳолда, инсон руҳини худо табиати мистик қўшишни олий мақсад деб эълон қиладилар. С. нинг таълимотига кўра, динга ишонувчи киши экстазда, яъни жазаво билан зикр-самога тушгандагина «худонинг жамолини кўришга мушарраф бўлади» Ал Ғаззоли (1059—1111), Суховарди (12-аср), ўрта осийлик философ Яссавий (12-аср), Сўфи Оллоёр (1720 йилда ўлган) ва б. С. нинг таниқлик вакиллари эдилар. Лекин илгор мутафаккирлар — Руми (13-аср), Жомий, Навоий (15-аср), Машраб (18-аср) кабилар сўфизм терминологиясидан, ундаги пантеистик дунёқарашдан ўзларининг гуманистик ҳур фикрларини олға суриш учун фойдаландилар.



ТАБИАТ — бутун бениҳоя хилма-хиллигида ўз кўринишлари билан бизни қўраб турган олам. Т.— ондан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган *объектив реалликдан* иборат. Унинг ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам йўқдир, замонда ва маконда бениҳоядир, тўхтовсиз ҳаракат қилиб ва ўзгариб турувчидир. Анорганик Т. ўз тараққиётида қонуниятли суратда органик Т. ни туғдиради (*Биосфера*), органик Т. эса инсоннинг пайдо бўлиши учун ҳамма зарур шарт-шароитни ҳозирлайди. Бироқ инсоннинг пайдо бўлиш процессида ҳал қилувчи фактор — меҳнатдир. Жамиятнинг пайдо бўлиши Т. нинг ўзини туб моҳияти билан ўзгартиради (*Ноосфера*). Кишилар Т. нинг объектив қонуниятларини билиб, махсус равишда тузилган меҳнат қуролилари ва воситалари ёрдами билан унга таъсир ўтказиб, жамиятга зарур бўлган моддий неъматларни ҳосил қилиш учун Т. нинг моддаларидан ва энергиясидан фойдаланадилар. Шу билан одамлар яшайдиган табиий муҳит сунъий муҳит билан тўлатилади ва у «иккинчи табиат» деб аталади, яъни табиатда тайёр ҳолда топилмайдиган ва ижтимоий меҳнат процессида яратилдиган нарсалар мажмуидан иборат бўлади. Лекин одамлар Т. га тобора кўпроқ ҳукмронлик қилиб, уни актив ўзгартиб боришлари билан унга мансуб бўлишдан чиқмайдилар, унинг узвий қисми бўлмасдан қолмайдилар. Кишилар Т. қонуниларига ёрдам қилгандагина табиий куллар ва процесслардан фойдаланиб, Т. ни истаган томонга қарата ўзгартиришлари ва бошқа шаклга киритишлари мумкин. Жамиятнинг Т. билан муносабатлари даражасининг асосий кўрсаткичи — *ишлаб чиқарувчи кучлар* характеридир.

«ТАБИАТ ДИАЛЕКТИКАСИ» — Энгельснинг тамомланмаган фалсафий асари; биринчи марта СССРда эълон этилган (1925). Бу асар бир қанча

ёзувлардан иборат бўлиб (1873—86), табиёт диалектикасининг энг муҳим проблемаларини ишлаб чиқишга бағишланган. Энгельс, диалектик материализм филозофияси табиий фанларнинг энг муҳим натижаларини умумлаштиришга асосланмоғи лозим ва ўз навбатида табиий фанлар ҳам фақат диалектик материализм асосидагина самарали ривожланишлари мумкин, деб ҳисобларди. «Т. д.»да тарих ҳамда табиёт илмининг энг муҳим масалалари фалсафий нуқтаи назардан чуқур тадқиқ этилган, механицизм, метафизик метод, шунингдек табиёт илмидаги идеалистик ва агностик концепциялар танқид қилинган. Ўз замонаси илм-фаннинг чуқур билимдонлиги билан Энгельс қандай қилиб табиатга метафизик қараш фан тараққиётининг ўзи билан ичдан портлаётганлигини ва диалектик методга ўрин бўшатиб беришга мажбур бўлганлигини, қандай қилиб табиатшунослар метафизик тафаккурдан диалектик тафаккурга ўтишга тобора кўпроқ мажбур бўлаётганликларини кўрсатди. Энгельс материя ҳаракатининг формалари ҳақидаги диалектик-материалистик таълимотни ривожлантирди; шунга мувофиқ у табиий фанларни туркумлаш принципларини ишлаб чиқди, ўзининг конкрет туркумлашини тақдим этди ва уни «Т. д.»га асос қилиб қўйди. Энгельс табиёт илми тараққиётининг асосий қонуनларини фалсафий нуқтаи назардан батафсил тадқиқ қилди, уларнинг диалектик характерини очиб берди. Энгельс энергиянинг сақланиш ва бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга айланиш қонунининг мазмунини кўрсатаркан, термодинамиканинг иккинчи принципини қараб чиқди ва коннот иссиқлик ўлимига қараб бормоқда, деган хулосанинг Энгельснинг очиб ташлади (*Коннотнинг «иссиқлик ўлими»*). Энгельс *Дарвиннинг* турларнинг келиб чиқиши ҳақидаги таълимотини чуқур диализ қи-

либ, у таълимотнинг асосий мазмуни бўлган тараққиёт назарияси материалистик диалектика билан тўла мувофиқ келишини кўрсатди. Энгельс инсоннинг қарор топишида меҳнатнинг роли ҳақидаги масалани ишлаб чиқишга катта эътибор берди. Шунингдек у қандай қилиб математик тушунчалар ва операциялар табиатнинг ўзидаги нарсалар ва процессларнинг муносабатларини, унда ўзининг реал тимсолларига эга бўлган ҳолда, акс эгтиришини ҳам кўрсатди ва ўзгарувчи миқдорнинг жорий этилиши диалектиканинг математикага кириб бораётганлигини билдиришини таъкидлади. «Т. д.»да Энгельс тасодиф билан заруриятнинг ўзаро муносабати масаласини тадқиқ қилиб, механистик қарашларнинг ҳам, идеалистик қарашларнинг ҳам хатолигини очиб ташлади ва Дарвин таълимоти материали асосида қандай қилиб табиёт илмининг ўзи диалектика қондаларини конкретлаштираётганлигини кўрсатди. «Т. д.»даги табиёт илмининг махсус масалаларига тааллуқли бўлган айрим қисмлар фаннинг тараққиёти муносабати билан эскирмай қолгани мумкин эмас эди, аммо Энгельснинг табиёт илмий масалаларини анализ қилишга ва уларни фалсафий умумлаштиришга диалектик-материалистик нуқтаназардан қараши ҳозирги шаронгда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолгандир. «Т. д.»даги кўн қондалар табиёт илмий тараққиётидан бутун-бутун ўн йиллар олдин баъорат қилинган. Бу асар табиёт илмининг мураккаб проблемаларига диалектик қарашнинг намунаси дур.

ТАБИЁТ — табиат ҳақидаги фан; яхлит тарзда олинган табиий фанларнинг мажмуи, инсон билишининг уч асосий соҳаларидан бири (жамият ва тафаккур ҳақидаги фанлар билан бир қаторда), Т. саноат ва қишлоқ хўжалик техникаси ва медицинанинг назарий асосидир; философик материализмнинг ва табиатни диалектик тушунишнинг табиий-илмий пойдеворидир. Т. нинг мавзуи—табиатда юз бериб турадиган материянинг турлича кўринишлари ва уларнинг ҳаракатла-

ридан, уларнинг алоқалари ва қонуниятларидан, борлиқнинг асосий формаларидан иборат. Ўз мазмуни ва табиат ҳодисаларини ўрганиш методи жиҳатидан Т. эмпирик ва назарий Т. га, ўз объектининг характери жиҳатидан эса, тирикмас табиатнинг ҳаракат формаларини (механикавий, физикавий, химиявий ва б. формаларини) ўз мавзуи қилиб олган анорганик Т. га ва ҳаёт ҳодисалари мавзудан иборат бўлган органик Т. га бўлиниши мумкин. Т. нинг ички структураси, *фанларнинг туркумланиши* ана шу билан белгиланади. Оламнинг табиий-илмий ўки «физикавий» манзарасини ишлаб чиқишда иштирок этгани, бошлича ўзининг назарий қисми (тушунчалари, категориялари, қонуналари, назариялари, гипотезалари) билан, шунингдек илмий тадқиқот усуллари ва методларини ишлаб чиқиши билан Т. философияга бориб ёндашади; у философиянинг ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади, давр яратувчи табиий-илмий кашфиётларга қараб материализм формаларининг алмашииб туришига қонуний шарт-шароит туғдиради. Иккинчи томондан, Т. техника билан, ишлаб чиқариш билан маҳкам боғлиқдир. «Ишлаб чиқаришнинг маънавий потенцияси» (Маркс)дан иборат бўлган Т. шу билан ўзича бир йўсинда бевосита ишлаб чиқарувчи куч сифатида юзага чиқади, зотан коммунистик жамият қурилиши процессида Т. нинг бу социал функцияси тўлиқ равишда юз беради. Т. нинг умумий тараққиёт йўли — табиатни бевосита мушоҳада қилишдан бошлаб (қадим замонда) унинг аналитик зўлиниши (15—18-асрлар) ва бу бўлиниши сўнгра мустаҳкамлаш ва абсолютлаштириш ва шунинг учун ҳам табиатга метафизикларча қарашга айлантириш орқали табиат манзарасини ҳар томонламалик, яхлитлик ва конкретлик ҳолида синтетик қайта бунёд қилишга (19—20-асрлар) томон боришдан иборат. Диалектиканинг 19-асрда стихияли равишда Т. га кириши 20-асрда Т. нинг кризиси билан мушкуллашди, бу кризиснинг сабабларини ва уни бартараф қилиш йўлларини

В. И. Ленин «Материализм ва эмпириокритицизм» китобида кўрсатиб ўтди. Ҳозирги замон Т. ининг марказида то 20- асрнинг ўрталаригача физика турган бўлиб, у атом энергиясидан фойдаланиш усулларини топган ва микролам соҳасига, элементар зарраларнинг ичига кириб олган эди; физика Т. нинг бошқа тармоқларининг — астрономия (космонавтика), кибернетика, бионика, химия, биология ва б. тармоқларини — ривожланишини тезлаштирди. Физика, химия, математика ва кибернетика билан бирга молекуляр биологияга сунъий биосинтез вазифасини назарий равишда экспериментал тарзда ҳал этишга ёрдамлашмоқда, ирсиятнинг моддий моҳиятини очишга, химиявий алоқанинг табиатини билишга, космогония ва космология проблемаларини ҳал қилишга кўмаклашмоқда. Ҳозирги замон табиатида энди биргина физика эмас, балки фанларнинг бутун бир группаси (молекуляр биология, кибернетика, макрохимия) пешқадамлик қила бошлади. Ҳозирги замон Т. и илгари сураётган философик проблемаларни чуқур ўрганмасдан туриб, материалистик диалектикани ижобий ишлаб чиқиш ва диний-идеалистик таълимотларга қарши муваффақият билан кураш олиб бориш мумкин эмас, чунки диний-идеалистик таълимотлар 19- ва 20- асрлар чегарасида қилганидек, ҳозир ҳам Т. да давом этаётган революциядан озиқланмоқда. Т. нинг тобора ошиб бораётган роли ҳозирги замон *илмий-техника революциясига* айниқса кучли таъсир кўрсатмоқда.

ТАБИЙ-ТАРИХИЙ МАТЕРИАЛИЗМ (табий-илмий материализм) — В. И. Ленин бу тушунчалар билан «ташқи оламнинг онгимизда акс эттириладиган объектив реаллигига стихияли равишда жуда аксарият табиатшуносларнинг философик жиҳатдан онгсиз ҳолда ишонилларини» тавсифлаб берган эди (18-т., 414-б.). Т.-т. м. нинг табиатшунослар орасида кенг тарқалганлиги моддий оламни эттироф этиш табиатнинг ўзини билишдан келиб чиқишидан далолат бе-

ради. Аммо агар Т.-т. м. мунтазам философик назария бўлиб шаклланмаса, у вақтда у бир ёқлама механик, метафизик материализм доирасидан чиқмайди ва айниб вульгар эмпиризм ва позитивизмга айланиб кетади. Т.-т. м. нинг чекланганлиги илмий назарияларнинг кескин ўзгариши даврида тўлароқ очиб ташланади, у илгари барқарор бўлиб қолган тасавурларга зид келадиган янги билиш натижаларини изоҳлаш учун кифоя қилмай қолади. Шу сабабдан янги илмий фактларни талқин этишдаги қийинчиликлар кўп ҳолларда табиатшуносларни стихияли-материалистик ишонилардан воз кечинга, идеализмга (*Физик идеализм*) олиб келади. Фақат диалектик материалистик философия нуқтаи назаридан хусусий фанларнинг хулосаларини тўғри фалсафий умумлаштириш мумкин.

ТАБИЙ ҲУҚУҚ — давлатдан мустақил бўлган идеал ҳуқуқ ҳақидаги таълимот; бу ҳуқуқ гуё инсоннинг ақли ва «табиати»дан келиб чиқар эмиш. Т. ҳ. идеялари антик даврдаёқ илгари сурилган эди (Сократ, Платон ва б.), ўрта асрларда Т. ҳ. илоҳий қонуннинг кўринишиларидан бири ҳисобланган (Фома Аквинский). Фарбдаги буржуа революциялари даврида (17—18- асрлар) Т. ҳ. идеялари энг кўп тарқалган эди. Т. ҳ. тўғрисидаги таълимот тарафдорлари — *Гроций, Спиноза, Локк, Руссо, Монтескье, Гольбах, Кант, Радищев* ва б. — ундан феодализмни танқид қилиш, буржуа жамиятининг «табиийлиги» ва «ақлга мувофиқлиги»ни асослаб бериш учун фойдаланган эдилар. Имперализм даврида Т. ҳ. идеялари ниҳоятда бузилган формада — айниқса католик черковининг социал-демагогиясида — капитализмни ҳимоя қилиш учун фойдаланилмоқда.

ТАВТОЛОГИЯ (грек. tauto — худди ўшанинг ўзи) — 1. Математик логикада *айнан-чин мулоҳазаларнинг* худди ўзи. 2. Анъанавий логикада — таъриф, бу таърифда таърифловчи таърифланувчида фикр қилинадиган нарсани бошқа сўзлар билан оддий такрорлашдан иборат бўлади.

ТАДҚИҚОТНИНГ СИСТЕМ МЕТОДЛАРИ — объектларни *системалар* сифатида анализ қилиш ва туришнинг методологик принциплари мажмуи. Т. с. м. мураккаб ривожланувчи объектларни — кўп даражали, иерархик, одатда ўз-ўзича уюшувчи биологик, психологик, социал ва ҳ. к. системаларни, катта техникавий системаларни, инсон-машина системалари ва ш. к. системаларни тадқиқ этишда кенг татбиқ этилмоқда. Системаларни (систем объектларни) анализ қилиш вазифаси аниқлашнинг аниқ бўлган. Бироқ 19-асрнинг ўрталаригача тадқиқ қилинадиган мураккаб объектни айрим қисмларга бўлишга интилиш ва бутуннинг хоссаларини унинг қисмлари хоссалари билан изоҳлаш характерли бир тенденция бўлиб қола берган. Илмий билимнинг ривожланиши бундай тадқиқот усулининг етарли эмаслигини ва систем объектларнинг адекват билиш методларини топиш зарурлигини кўрсатди. Диалектик материализм аниқ шундай методларни ишлаб чиқиш учун назарий база бўлди. Маркс ва Ленин ривожланган энг мураккаб объектни — капиталистик жамият иқтисодий муносабатлари системасини — чуқур анализ қилиб, тадқиқот систем методологиясининг қатор принципларини баён этиб бердилар. Т. с. м. ни тушуниш учун абстрактликдан конкретликка томон (*Абстрактлик ва конкретлик*) юқорилаб бориш методи катта аҳамиятга эгадир. Т. с. м. нинг кенг ривожланиши — ҳозирги замон фани ва техникасининг характерли хусусиятларидан биридир. Систем тадқиқотда анализ қилинадиган объект элементларнинг муайян тўплами деб қаралади ва мақсуд элементларнинг ўзаро алоқадорлиги бу тўпламнинг яхлитлик хоссаларини белгилайди. Асосий эътибор тадқиқ қилинувчи объектнинг ичида ҳам, унинг ташқи муҳит билан ўзаро муносабатларида ҳам юз бериб турадиган алоқалар ва муносабатларнинг барча хилма-хиллигини аниқлашга қаратилади. Систем объектнинг муҳит билан ўзаро таъсири назардан

соқит қилинса, уни принципиал равишда анализ қилиб чиқиш мумкин бўлмайди. Систем элементлари Т. с. м. доирасида бутун ичида уларнинг тутган «ўринлари» ва функцияларини ҳисобга олган ҳолда қараб чиқилади; улар нисбатан бўлинмас, яъни муайян вазифа ва айни объект контекстидаги бўлинмас элементлар деб тушунилади. Принцип жиҳатдан система элементларининг ўзлари системалардан иборат бўлиши мумкин; шунга ўхшаш муайян система бошқа бир контекстда мураккаброқ системанинг элементи, ёки кичик система, деб қаралиши мумкин. Яхлит система сифатидаги объектнинг хоссалари фақат унинг айрим элементлари хоссаларини жамлаш билан эмас, балки кўпроқ унинг структураси хоссалари билан, қараб чиқилаётган объектнинг алоҳида система тузувчи, интегратив (бирлаштирувчи) алоқалари билан белгиланади. Системаларнинг хатти-ҳаракатини, аввало маълум мақсадга қаратилган хатти-ҳаракатини тушуниш учун муайян система рўёбга чиқарилган бошқариш процессларини — бир кичик системадан иккинчи кичик системага хабар бериш йўлларини ва системанинг бир қисмининг иккинчи қисмига таъсир кўрсатиш усулларини аниқлаш зарур. Системалар тузилиши ва амалиётининг иерархик тарзда уюшганлиги уларни тадқиқ қилганда система кўйи даражаларнинг унинг юқори бошқариш даражаси элементлари томонидан координация қилиниши характерини аниқлаш зарурлигини таъқозо қилади. Шу билан бирга системани юқори даражада бошқариш фаолияти унинг қолган барча кичик системаларининг амал қилиши натижалари билан белгиланади. Т. с. м. да тадқиқ қилинувчи объектлар хатти-ҳаракатининг эҳтимоли характерини очишга муҳим аҳамият берилади. Т. с. м. нинг муҳим хусусияти шундан иборатки, фақат тадқиқот объекти эмас, балки шундай объектни тадқиқ қилиш процессининг ўзи ҳам мураккаб система сифатида юзага келади, бу системанинг вазифаси, жумладан, тадқиқ қилинувчи объект-

нинг турли моделларини бир бутун қилиб қўшнидан иборат. Ниҳоят, систем объектлар, одагга, ўзларининг тадқиқот процессига бефарқ қарамайди ва улар кўп ҳолларда бу процессга муҳим таъсир кўрсатишлари мумкин. 20- асрнинг иккинчи ярмида илмий-техника революцияси авж олган шароитда Т. с. м. мазмунини янада аниқлаш — систем усулнинг фалсафий асосларини багафсил очиб бериш, систем тадқиқотнинг мантиқий ва методологик принципларини ишлаб чиқиш, системаларнинг умумий назариясини тузишда янада илгарилар деб кетиш ҳоллари юз бермоқда. Т. с. м. ривожининг ҳозирги босқичи учун худди шу нарса характерлики, кибернетикада, бошқариш ва ташкил қилиш назариясида, ўйинлар ва қарорлар қабул қилиш назариясида ишлаб чиқилган махсус формал тиллар доирасида, шунингдек логика ва фан методологияси доирасидаги систем тадқиқот процедураларини аниқроқ ифодалашга ҳаракат қилинмоқда.

ТАЖРИБА — 1. Философияда анъанавий маънода ташқи оламнинг ҳиссий-эмпирик инъикоси. Шундай бир нуқтаи назар кенг тарқалганки, бу нуқтаи назарга кўра, Т. ҳар қандай билимнинг бирдан-бир манбаидир (*Эмпиризм, Сенсуализм*). Шу билан бирга материализм ташқи, объектив, онгга боғлиқ бўлмаган Т. манбаини эътироф этарди. Марксдан олдинги материализмнинг *мушоҳадачилиги* бу масалани тушунишда шу тариқа таъсир қолдирган эдики, Т. ташқи оламни фақат пассив идрок этиш натижаси деб қараларди. Лекин ўз-ўзликча ҳиссий Т. умумий ва зарур билимни бермайди, балки объектив олам ҳодисаларининг фақат ташқи, юзаки томонини илиб олади, ҳолос. Т. тушунчасини талқин этишда мушоҳадачилик материализмининг камчиликларига реакция сифатида, бир томондан, *рационализм*, иккинчи томондан эса, *субъектив-идеалистик* ва агностик тушунча пайдо бўлди. Бу кейинги тушунча Т. субъект онгининг турли ҳолатларидан (кечинмалар, сезилар, идроклар, оғзаки мулоҳазалар, назарий

тафаккур системаларидан) иборат қилиб қўярди, унинг манбаи эса эътиборсиз қолдириларди, эки принципал суратда билиб бўлмайдиган манба деб эълон қилинарди. Бу масалада Кант алоҳида позиция тутган эди. У, объектнинг («нарса ўзида») онгга пала-партиш таъсирлари фақат фаросатнинг априор (тажрибадан бурунги) формаларининг тартибга солувчи фаолияти натижасидагина Т. га айланади, деб ҳисобларди. Аммо Кант томонидан масалани бундай қўйишда, унинг идеализмига қармай, рационал мазмун бордир, у ҳам бўлса — билишда субъект тафаккурининг активлиги ҳақидаги идеядир. Ҳозирги замон позитивизми Т. ни инсоннинг сезилари, ҳиссий кечинмалари ва ш. к. ларидан иборат қилиб қўйиши билан, аслида, бу Т. замирида нима борлиги ҳақидаги, яъни онгга боғлиқ бўлмаган ҳолда реал олам мавжудлиги ҳақидаги масалани ўртага қўйиб, ҳал этиш имкончилиги ва зарурлигини инкор этади ва бу масалани «сохта» масала» деб ҳисоблайди. Марксизм олдин ўтган философиянинг эришган ютуқларидан фойдаланган ва материализм традицияларини давом эттирган ҳолда Т. ни талқин этишнинг мушоҳадачилик характерини бартараф қилди: марксизм объектив реалликка нисбатан тажрибанинг иккиламчи, ҳосила эканлигини эътироф этаркан, уни онгнинг пассив мазмуни деб эмас, инсоннинг ташқи оламга амалий таъсир кўрсатиши деб белгилайди. Ана шу таъсир кўрсатиш процессида ҳодисаларнинг зарурий алоқалари, хоссалари, қонуниятлари очилади, фаолиятнинг мақсадга мувофиқ методлари қидириб топилади ва синаб кўрилади ва ш. к. Шундай қилиб, Т. ижтимоий субъектнинг ташқи олам билан ўзаро таъсир сифатида ҳам, шундай ўзаро таъсирнинг натижаси сифатида ҳам тушунилади. Бундай тушунишда Т. ижтимоий практиканинг бутуниси билан қўшилиб кетади. Т. фанни бойитишнинг, назария ва практикани ривожлантиришнинг энг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилмоқда. 2. Шунингдек

илмий эксперимент ва кузатиш ҳам Т. деб аталади.

ТАЙЦЗИ, ЁКИ «БУЮК ЧЕК»— Хитой философияси тарихида онтологик ва натурфилософий схемаларнинг асосий тушунчаларидан бири. Бу тушунча биринчи марта «Узгарилар китоби»да учрайди, унда мазкур тушунча барча ҳодисалар ва нарсаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг бошланғич босқичини, сабабини билдиради. «Т» термини неоконфуцийчилик мактаби назарияларида етакчи ўрини ишғол қилади. Мас., Чжоу Дунь-и (1017—73) «Буюк чек режасининг изоҳи» деган асарида оламнинг ривожланиши жараёнини кўрсатади. Дастлабки вақтда табиат хаос, ёки «чексиз буюк чек» ҳолатида бўлган. «Буюк чек»нинг *инь ва ян* ҳамда беш бош унсур, ёки «стихия» алоқаси орқали ўз-ўзича ҳаракат қилиши воқеликнинг бутун хилма-хиллигининг пайдо бўлишига ва ривожланишига олиб келади. *Чжу Си* таълимотида Т. идеалистларча талқин қилинган. У Т. ни абсолют қонун— *ли* билан тенглаштирган.

ТАНТРИЗМ — қадимги Ҳиндистон диний-фалсафий таълимоти, бу таълимот дастлабки вақтда аёллар маъбудаларига сугиниш ва ҳосилдорликни қараминлашга қаратилган сеҳргарлик маросимлари билан боғлиқ эди. Тарих давомида кейинроқ пайдо бўлган динларнинг таъсири остида Т. ўзгарган: будда, шива, шакта ва вишну Т. и пайдо бўлган. Урта аср Т. нинг характерли хусусияти шу эдики, у майя адвайта-веданти таълимотига қарши қаратилган эди, у оламнинг реаллигини ва унинг руҳий бош ибтидодан эволюция қилиб келганлигини эътироф этарди. Тантристлар микро-макрокосмининг тузилишини айнан бирдай ҳисоблаб, инсон билишидан табнатни билиш калитини топишга уринардилар. Уларнинг инсон жисми (деха вада) ҳақидаги таълимотида қадимги ва ўрта аср Ҳиндистонида химия ва медицинанинг ривожланганлиги ҳақида фикр юргизишга имкон берадиган кўпгина маълумотлар бор. Шуниси характерлики, тантристлар-

нинг психофизик машқлари (садхана) аскетик тарки дунёчилик билан боғлиқ эмасдир. Бугина эмас, «мукти»нинг аънаввий диний мақсади (руҳий озодликка чиқиш) тантристларда «бухукти» (лаззатланиш) билан қўшилиб кетади. Т. нинг муҳим хусусияти — кастаси, жинси ва ёшидан қатъи назар, унинг барча ҳиндларга мурожаат қилишидир. Бу ҳол Т. да иътидоий жамоа идеологияси бир қанча муҳим белгиларининг сақланиб қолганлиги билан боғлиқдир. Т. ҳинд философиясининг ривожланишига қатта таъсир кўрсатди. Жумладан, афтидан илк *санкхья* идеялари унинг таъсири остида шакланган бўлса керак. Янги замонда Т. таъсирини *Рамакришна*, *Вивекананда*, *Тагор*, *Гхози* ва б. бошдан кечирган эдилар.

ТАНЬ СИ-ТУН (1865—98) — хитой философи, 19-аср охириларидаги буржуа-реформаторлик ҳаракатининг идеологиди. Т. ўз фалсафий қарашларини «Жэнь-сюэ» («Инсонпарварлик ҳақидаги таълимот») китобида баён қилди ва бу китоб Хитойда буржуа-революцион ҳаракатнинг ривожланишида катта роль ўйнади. Т. реформаторлар ҳаракатининг талабларини назарий жиҳатдан асослашга уринган. Унинг таълимоти аънаввий хитой философияси идеяларининг Фарбий Европанинг баъзи табиий-илмий тасаввурлари билан қўшилиб кетишидан иборат. Унинг таълимотининг асосий тушунчаси — «жэнь» фақат ахлоқий нормани эмас, балки метафизик принципни ҳам билдиради. «Жэнь» «эфир»даги барча ҳодисалар ва нарсаларнинг ўзаро таъсирини бирлаштирувчи фактордан иборатдир. Т. этика ва ахлоқнинг ижтимоий қонун-қоидаларга боғлиқ эканлиги ҳақида сўзларди. У ўз қарашларида собит қадам эмас эди. Унинг таълимотида илмий тасаввурлар дин билан, материализм идеализм билан, диалектика метафизика билан чирмашиб кетган эди.

ТАНҚИД ВА ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД (грек. *kritike* — баҳолаш) — марксистик партияларнинг ва меҳнат-кашларнинг бошқа ташкилотларининг

фаолиятидан хатоларни ва камчиликларини очиб ташлаш ва бартараф қилиш усули. Маркснинг ўзиёқ, пролетар революцияси — унинг хусусияти ҳам ана шунда — ривожланиш мақсадига ўз-ўзини танқид қилади, деб кўрсатган эди. В. И. Ленин ҳам У.ў. т. ҳақида Коммунистик партия ишининг энг муҳим принципи деб сўзлар эди. Социалистик революция ғалаба қилгач, Т. ва ў.ў. т. жамият тараққиёти асосий ҳаракатлантирувчи кучларидан бири бўлиб қолади. Т. ва ў.ў. т. социализмнинг ноантагонистик характерга эга бўлган зиддиятларини очиб ташлаш ва ҳал қилишнинг алоҳида формаси сифатида юзага келади. Т. ва ў.ў.т. нинг ижодкорлик роли меҳнаткашларнинг коммунизм қурилишида актив иштирок этиши формаси бўлган социалистик мусобақада яққол ифодаланган. Т. ва ў.ў. т. коммунизмнинг моддий-техника базасини қуришда халқнинг ташаббускорлигини авж олдиришда, халқ оmmasини ижтимоий бошқаришга кенг жалб этиш воситаси бўлиб, коммунистик жамият кишини тарбиялашнинг, жамиятнинг илгарилаб боришга тўсқинлик қилувчи консерватив, қолақликка қарши курашнинг қуроли бўлиб хизмат қилмоқда.

ТАНҚИДИЙ РЕАЛИЗМ (философияда — 1) 20-асрнинг 20—30-йилларида АҚШ буржуа философиясидаги оқим (Дрейк, Лавджой, Пратт, Роджерс, Сантаяна, Селлар ва б.). *Неореализмга* реакция сифатида пайдо бўлди. Неореалистларнинг объектнинг онга «имманентлиги» ҳақидаги, объектнинг онга бевосита «кириши» ҳақидаги тезисига Т. р. билувчилик ишининг структураси ҳақидаги ўз таълимотини қарама-қарши қилиб қўйди. Билувчилик иши уч элементга: субъектга, объектга ва «мавжудлик»ка ёки «моҳият»га бориб тақалади. Бу «моҳият» гўё худди бизнинг онгимизнинг мазмунини ташкил этар эмиш. Т. р. нинг таълимотига кўра, «моҳиятлар» объектдан фарқли ўлароқ, бевосита ишончлик орқали бизга берилган бўлиб, онгимизнинг барча маҳсуллари уларда бирлаштирилган

эмиш. Т. р. бу моҳиятларни, ўрта аср реализмининг универсалиялари сингари, қандайдир объектив равишда мавжуд нарсалар, деб тасаввур қилишга уринади. «Моҳият» физик реалликдан фарқ қиладиган, алоҳида реалликка эгадир; мақоний-замоний характеристикани унга татбиқ қилиб бўлмайди. Т. р. нинг даъвосича, «моҳиятлар» ҳеч бир ҳолда нарсаларнинг образлари ёки копиялари бўлмайди. Шундай қилиб, Т. р. ҳам, неореализм сингари, материалистик *инъикос назариясига* қарши қартилган. Т. р. реал оламнинг мавжудлигини эътироф этади; Т. р. га кўра, бу эътироф инстинктга ва реал оламга «ҳайвоний эътиқод»га (Сантаяна) асосланган. Бу ҳаёлий «реализм»нинг гносеологик манбаи моддийлик билан идеявийликнинг, объективлик билан субъективликнинг бир-биридан фарқ қилишини унинг томонидан сохта талкин этилишида, онни объектив оламга метафизикларча қарама-қарши қўйишдир. 2) 19-асрнинг охириларида Германияда пайдо бўлган (Э. Бехер, *Дриш*, Венцль ва б.) ҳозирги замон табиёт илмини теологик шарҳлашга ихтисослашётган (билимни дин билан мурокаб қилдиришга ва фаннинг «ожизлиги» ва «маҳдудлиги»ни исбот қилишга уринишлар) оқим ҳам «Т. р.» деб аталади.

ТАРАҚҚИЁТ — ривож, ривожланиш, ривожлантириш, тараққий қилиш, тараққий—қуйи (оддий) ҳолатдан юқори (мураккаб) ҳолатга томон ҳаракат қилиш процесси бўлиб, бу процесснинг энг асосий характери хусусияти — эскиликнинг йўқ бўлиши ва янгиликнинг пайдо бўлишидан иборат (*Янгилик ва эскилик*). Анорганик системалар, тирик олам, инсоният жамияти, билиш Т. и *диалектика*нинг умумий қонунларига бўйсунди. Т. учун спиралсимон форма характерлидир. Т. нинг ҳар қандай айрим процессининг ибтидо ва интиҳоси бор. Шу билан бирга аввалбошдаёқ тенденцияда Т. нинг интиҳоси бўлади, айни даврнинг тугалланиши эса янги даврнинг ибтидосини бошлаб беради, бу даврда биринчи даврнинг баъзи

хусусиятлари муқаррар равишда такрорланади. Т.— имманент процессдир: қуйи ҳолатдан юқори ҳолатга ўтиш шунинг учун пайдо бўладичи, қуйи ҳолатда пинҳон тарзда юқори ҳолатга олиб борадиган теңденциялар бўлади, юқори ҳолат эса ривожланган қуйи ҳолатдир. Шу билан бирга Т. нинг етарли даражада юқори босқичидагина қуйи ҳолатдаги юқори ҳолатга кўтарилиш ишоралари тамомила аниқ кўринади ва биринчи марта тушунарли бўлиб қолади. Мас., онг — материянинг Т. и натижасидир, ана шу нуқтаи назардангина материя фундаментида ётган умумий ияъикос хосса-сини очиб бериш мумкин. Т. ни назарий формада фақат *диалектик логика* методлари ва усуллари ёрдами билангина такрор ҳосил қилиш мумкин (қ. мас., *тарихийлик ва мантиқийлик*).

ТАРАҚҚИЕТДАГИ СПИРАЛЬ — тараққиёт натижасининг образли тасвири, бу тасвирини Ф. Энгельс ва В. И. Ленин *инкорни инкор* қонунини тавсифлаганда қўлланганлар. Тараққиёт шундай бир тарзда амалга ошадик, бирон-бир ҳодисанинг ўзгариб бoшқа шаклга кириш процессида «гўёки эскига қайтиш» (Ленин), яъни қуйи бoсқичларнинг баъзи белгилари ва хусусиятларининг юқорироқ бoсқичда такрорланиши содир бўлади. Тараққиётнинг бу хусусиятини тикка-сига ўралиб борувчи С. нинг яққол образи шаклида тасаввур қилиш мумкин, унда ҳар бир ўрам олдинги ўрамни такрорлагандек бўлиб кўринади-ю, лекин бу такрор юқорироқ бoсқичда содир бўлади, умуман олганда эса юқорилab, юксалиб бoраётган тараққиёт образи ҳосил бўлади. С. бўйлаб ривожланиш айни вақтда метафизика учун характерли бўлган тараққиёт тушунчасига қарама-қарши қўйилади, чуқури метафизика тараққиётни янгилик пайдо қилмасдан биқик доира бўйлаб ҳаракат қилишдан иборат деб тушунади.

«ТАРИХГА МОНИСТИК ҚАРАШ-НИНГ РИВОЖЛАНИШИ МАСА-ЛАСИГА ДОИР»—Г. В. Плеханов-нинг 1895 йилда Н. Бельтов тахаллуси

билан чиққан асари. Шу китоб асосида «рус марксистларининг бутун-бутун авлодларини тарбиялаб вояга етказган..» (Ленин, 19-т., 359-б.). Бу китобда Марксдан олдинги философия ва социология мазмуни равишда анализ қилиб берилган, 18-асрдаги француз материалистларининг, Рес-тавридаги давридаги буржуа тарихчиларининг, социалист-утопистларнинг қарашлари, немис идеалистик философияси танқидий қараб чиқилган. Плеханов бу назарияларнинг тарихий ва синфий маҳдудлигини очиб ташгайди ва фақат Маркс билан Энгельс илмий материалистик философияни яратганликларини, фақат марксизм жамият ҳақида ҳақиқий фан яратганлигини, унинг ривожланишининг моддий асосини очиб берганлигини кўрсатади. Китобда марксистик философияни баён қилиш билан бир қаторда народникларнинг гайри илмий қарашлари чуқур танқид қилинган, бу танқид ўша даврда, хусусан муҳим аҳамиятга эга эди. Плехановнинг бу асари ҳозирги вақтда ҳам марксизм философиясини ўрганиш учун энг яхши қўлланмалардан биридир.

ТАРИХИЙ ДОИРАВИЙ АЙЛАНИШ НАЗАРИЯСИ—Вико яратган идеалистик назария, унга кўра жамият тарихида айни бир хилдаги бoсқичлар бениҳоя такрорлана беради. 19—20-асрларда буржуа назариялари ва социологлар Вико назариясидаги ижобий элементларни — тарихий тараққиёт гоёсини, ижтимоий тараққиёт қонуниятини эътироф қилишни ва ҳ. к. улоқтириб, инсониятнинг доимо бошланғич нуқтага қайтиб туриши ҳақидаги реакцион идеясини биринчи ўринга қўядилар (*Нищие, Шпенелер*). Ҳозирги кунда бу назариянинг асосий тарафдори *Тойнбидир* (*Ижтимоий тараққиётда прогресс ва регресс*). Т. д. а. н. да тарихий процесснинг айрим моментлари (такрорланишлик ва б.) абсолютлаштирилади ва бузиб кўрсатилади.

ТАРИХИЙЛИК ВА МАНТИҚИЙЛИК—философик категориялар бўлиб, бу категориялар тараққиёт процессининг муҳим хусусиятларини, шу-

нингдек фикрнинг мантиқий ривожланиши билан предметнинг тарихи, процесснинг ўзининг тарихи ўртасидаги ўзаро муносабатни тавсифлайди. Т. муайян объектнинг пайдо бўлиш ва шаклланишининг реал процессини, М. эса, мазкур объектнинг ривожланган ҳолатида мавжуд бўлган томонларининг ўзаро муносабатларини, алоқа ва ўзаро таъсир қонуиларини ифодалайди. Т. М. га тарихий процесс сифатида унинг натижасига оид бўлиб, бу натижада реал тарихнинг боришида изчиллик билан таркиб топаётган алоқалар «тўла етукликка, ўзининг классик формасига» (Энгельс) эришган бўлади. Т. ва м. зиддият моментини ўз ичига олувчи диалектик бирликда бўлади. Уларнинг бирлиги, биринчидан, шунда ифодаланадики, Т. да М. нинг мавжудлик даражаси тараққиётнинг ҳар қандай процесси ўзининг объектив йўналишини, муайян натижага олиб келадиган ўз заруриятини ўзига жо қилган меъёрга бўлади. Гарчи процесснинг бошланишида М. объектнинг ривожланган структурасининг ифодаси сифатида ҳали йўқ бўлса-да, процесс билан ўтадиган фазаларнинг изчиллиги умуман ва яхлит ҳолда шундай бир муносабат билан (мантиқий алоқа билан) мослашиб тушадики, бу муносабатда ривожланган системанинг компонентлари мавжуд бўлади ва муайян ўзига хос объектнинг қарор топиши билан процесс тугалланади. Иккинчидан, Т. ва м. нинг бирлиги шунда ифодаланадики, ривожланган яхлитлик томонларининг ўзаро муносабати ва ўзаро қарамлиги мазкур яхлитликнинг пайдо бўлиш тарихини, унинг ўзига хос структурасининг шаклланиш тарихини такрор ҳосил қилади. Натижа ўзининг қарор топиш процессини «олиб ташланган» тарзда ўзида сақлайди: М. Т. ни ўз ичга олади. Лекин гарчи Т. ва м. нинг бирлиги объект тарихи билан унинг ривожланган формаси ўртасидаги ўзаро муносабатни тушуниш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлса-да, улар фақат умуман ва яхлит ҳолда мослашиб тушади, холос, чунки «тўла етукликка ва классик формага»

эришган объектда ҳамма тасодифий, ўткинчи нарсалар, тарихий процесс учун муқаррар бўлган тараққиётнинг барча эгри-бугри йўллари назардан тушиб, кўздан йўқолади. М. «тузатилган» Т. дир, лекин бу «тузатиш» «тарихий процесснинг ўзи берадиган қонуналарга мувофиқ равишда» (Энгельс) амалга оширилади. Тафаккурда воқеликни акс эттиришининг мантиқий ва тарихий усулларидаги тафовут ана шундан келиб чиқади. Бу тадқиқот усулларининг тафовути — бу шунчаки ва фақат тадқиқот субъектини маҳсадларининг тафовути эмасдир, унинг ўз объектив асоси бордир. Худди шунинг учун ҳам воқеликнинг ўзида тараққиёт процесси ва натижаси, улар гарчи бирликда бўлса-да, мослашиб тушмайди, тарихий ва мантиқий тадқиқот усулларининг мазмун жиҳатидан тафовутли бўлиши муқаррардир. Тарихий тадқиқотнинг вазифаси — у ёки бошқа ҳодисаларнинг конкрет шарт-шароитлари ва асосларини, уларнинг бир хил тарихий зарурий босқичлардан иккинчи хил тарихий зарурий босқичларга ўтишларининг тарихий изчиллигини очиб беришдан иборат. Мантиқий тадқиқотнинг вазифаси — системанинг алоҳида элементларининг ривожланган яхлитлик таркибида ўйнайдиган родини очиб беришдир. Лекин ривожланган яхлитлик ўз ривожининг фақат унинг ўзига хос характерини ифодалайдиган шароитлари ва моментларинингга сақлаб қолади ва шу билан ривожланган яхлитликни мантиқий қайта ҳосил қилиш унинг ҳақиқий тарихини очишнинг калити бўлиб чиқади. «Одамнинг анатомияси — маймуннинг анатомияси учун калитдир» (Маркс). Шу билан бирга бу икки тадқиқот усулини бир-бирдан фарқ қилдирадиган чегаралар шартли, ҳаракатчандир, чунки М. ҳам лировард ҳисобда Т. дир, аммо фақат унинг конкрет формасидан холи бўлган, умумлашган, назарий тарзда намоён бўлган Т. дир ва, аксинча, Т. ҳам М. дир, аммо фақат конкрет тарихий тараққиётнинг тан ва жонига бурканган М. дир. Т. ва м. диалектикаси билишнинг умум-

мий қонуларини, воқеликни билиш процессида фикрнинг ҳаракати логикасини очиб берувчи *диалектик логика* учун катта аҳамиятга эгадир.

ТАРИХИЙ МАТЕРИАЛИЗМ — марксча-ленинча философиянинг таркибий қисми, жамият ҳақидаги фалсафий фан; бу фан философиянинг асосий масаласини тарихга татбиқан материалистларча ҳал қилади ва шу асосда тарихий тараққётнинг умимий қонуларини ва уларнинг кишилар фаолиятида рўёбга чиқиш формаларини тадқиқ қилади. Т. м. *социологиянинг* ва бошқа ижтимоий фанларнинг назарий ва методологик базасини ташкил этади. Марксдан олдин ўтган барча философлар, шу жумладан материалистлар ҳам, ижтимоий ҳаётни тушунишда идеалист эдилар, chunkи улар шундай бир фактни қайд қилиб, кўр-кўрона кучлар амал қиладиган табиатдан фарқли ўлароқ, жамиятда одамлар, яъни ўз ҳаракатларида идеал ғоя ва мақсадларни дастур қилиб олган онгли зотлар амал қиладилар, деяр эдилар. Шу муносабат билан В. И. Ленин материализм идеясининг ўзи социологияда генуал идея эди, деб кўрсатган эди (қ. 1-т., 147-б.). Т. м. нинг яратилиши ижтимоий фикрнинг ривожланишида туб ўзгариш бўлган эди. Бу ўзгариш, бир томондан, умуман оламга — фақат табиатга эмас, балки жамиятга ҳам — изчил материалистик нуқтаи назардан қарашга, иккинчи томондан, ижтимоий ҳаётнинг моддий негизини ва унинг ривожланишини белгиловчи қонуларни, демак, ана шу моддий негиз аниқлаб берувчи ижтимоий ҳаётнинг бошқа ҳамма томонларининг ривожланишини ҳам очиб кўрсатишга имкон берди. Маркс жамият тараққётининг табиий-тарихий процесси ҳақидаги ўз асосий идеясини ишлаб чиқаркан, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидан иқтисодий соҳани ва ҳамма ижтимоий муносабатлар орасидан, бошқа барча муносабатларни белгиловчи ва асосий муносабатлар деб, ишлаб чиқариш муносабатларини ажратиб кўрсатди. Марксизм ҳар қандай инсоният жа-

мияти учун асосий факт — тирикчилик воситалари топишни бошланғич нуқта қилиб олгач, кишилар ўз турмушларини ишлаб чиқариш процессига кўришадиган муносабатларни шу факт билан боғлаб қўйди ва шу *ишлаб чиқариш муносабатлари* системасида шундай бир негизни — ҳар бир муайян жамиятнинг реал базисини — кўрдик, бу негиз сиёсий-юридик устқурмаларга ва ижтимоий фикрнинг турли формаларига бурканади. Ишлаб чиқарувчи кучлар ривожининг муайян босқичида пайдо бўладиган ишлаб чиқариш муносабатларининг ҳар бир системаси ҳам улардан фақат биригагина хос бўлган хусусий қонуларга, яъни пайдо бўлиш, ишлаб туриш ва юқори формага ўтиш қонуларига бўйсунди. Кишиларнинг ҳар бир *ижтимоий-иқтисодий формация* доирасидаги ҳаракатлари — беннҳоя хилма-хил, индивидуаллаштирилган, афтидан, ҳеч қандай ҳисобга ва системалаштиришга бўйин бермайдигандек бўлиб кўринган ҳаракатлари — катта-катта оммаларнинг, синфий жамиятда — ўз фаолиятида ижтимоий тараққётнинг етилган эҳтиёжларини рўёбга чиқарадиган синфларнинг ҳаракатларидан иборат қилиб умумлаштирилди. Т. м. нинг кашф этилиши Марксгача бўлган барча социологик назарияларнинг икки асосий камчилигини бартараф қилди. Бу назариялар, биринчидан, идеалистик назариялар эди, chunkи улар инсон фаолиятининг ғоявий мотивлариин қараб чиқиш билан чеклаңардилар ва бу мотивлар ниманинг натижасида келиб чиққанлигини, қандай моддий сабаблар уларни вужудга келтирганлигини тадқиқ қилмас эдилар ва, иккинчидан, улар фақат машҳур шахсларнинг тарихдаги ролини тадқиқ қилиб, тарихнинг ҳақиқий яратувчилари бўлмиш халқ оммасининг ҳаракатларига эътибор бермас эдилар. Т. м. ижтимоий-тарихий процесснинг моддий шартшароитга боғлиқ эканлигини очиб бериб, идеялар, сиёсий ва б. муассасалар ҳамда ташкилотларнинг ролини инкор этувчи вульгар-материалистик назарияларга хилофан уларнинг ўз-

ларнинг вужудга келтирган базисга кўрсатилган тескари, актив таъсирининг уқдириб ўтади ва субъектив факторнинг — кишилар, синфлар, партиялар ҳаракатларининг, омманинг онглигини ва уюшқоқлигининг ғоят катта роль ўйнашини намоён қилади. Т. м. *фатализмга* ҳам, *волонтаризмга* ҳам душманлик назари билан қарайди. Одамлар ўз тарихини ўзлари яратадилар, аммо уни ўзбошимчалик билан ярата олмайдилар; чунки ҳар бир янги авлод унгача яратилган муайян объектив шароитда яш кўради. Бу шароитлар ва уларга таъсир кўрсатувчи асосий қонулар кишиларнинг фаолияти учун хилма-хил имкониятлар очиб беради. Бу имкониятларнинг рўёбга чиқарилиши, демак, тарихнинг реал бориши кишиларга, уларнинг активлиги ва ташаббусига, прогрессив кучларнинг уюшқоқлигига ва жипслашганлигига боғлиқдир. Т. м. нинг асосий белгилари биринчи марта Маркс ва Энгельс томонидан «*Немец идеологияси*» асариде баён этилган эди. Т. м. моҳиятининг таърифи «Снёсий иқтисод танқидига доир» асарининг сўз бошисида берилган (1859). Лекин фақат «*Капитал*» дунёга келгандан бошлаб, Т. м. «ижтимоий фаннинг синоними» бўлиб қолди (В. И. Ленин, 1-т., 149-б.). Тарихий тараққиётнинг янги тажрибасини жамғариб бориш билан бирга, умуман марксизм сингари, Т. м. ҳам заруран ривожланиб ва бойиб боради. В. И. Ленин империализм, пролетар революциялари давридаги бундай ривожланишнинг ажойиб намунасини кўрсатди. Т. м. пролетариатнинг революцион синфий кураши билан, социалистик ва коммунистик қурилиш эҳтиёжлари билан, фанларнинг ривожланиши билан маҳкам боғлиқдир. Ҳозирги замон идеология курашида Т. м. буржуа философияси ва социологиясига, оппортунизмга ва ревизионизмга қарама-қарши туради.

ТАРИХНИ ИДЕАЛИСТИК ТУШУНИШ — бу шундай бир таълимоти, у ижтимоий тараққиётнинг асосий кучини идеяларда, назарияларда, кишиларнинг онгида ва ҳ. к.

деб билади. Бу таълимот Марксдан олдинги фанда танҳо ҳукмронлик қилиб келган эди. Унда жамият тараққиёти ё «абсолют идея»нинг, «оламий ақл»нинг, ғайри индивидуал онгнинг фаолиятига боғлаб (мас., *Гегель*), ёки айрим атоқли шахснинг фаолиятига боғлаб (мас., *ёш гегелчилар, народниклик*) изоҳланарди. Марксгача бўлган материалистик философия ҳам ана шундай тасавурлар доирасидан чиқмаган эди. Чунончи, 18-асрдаги француз материалистлари тарихнинг боришини кишиларнинг қарашларининг ривожланишига, билимларнинг тарқалишига боғлиқ деб ҳисоблардилар. Фейербах тарихдаги даврлар алмашинувини диндаги ўзгаришлар билан боғлаган эди ва ҳ. к. Ҳозирги замон буржуа социологиясида идеализм, жамият тараққиётидаги объектив қонуниятни инкор этиш, *волонтаризм, ирқчилик* ва *мальтусликнинг* турли вариантлари ва ш. к. лар танҳо ҳукм сурмоқда. Ҳозирги замон буржуа социологияси ё пессимизм ва тарихий процессга ишонмаслик уруғини сочишга, ёки манвуд ҳақиқат ҳолни оқлаб кўрсатиб, меҳнаткашлар оммасининг диққат-эътиборини ижтимоий муносабатларни революцион йўл билан ўзгартиш учун курашдан чалғитишга уринмоқда. Ижтимоий тараққиётнинг илмий назарияси — *тарихий материализмдир*.

ТАРИХНИ МАТЕРИАЛИСТИК ТУШУНИШ — қ. *Тарихий материализм*.

ТАРИХНИНГ ОБЪЕКТИВ ВА СУБЪЕКТИВ ФАКТОРЛАРИ — ижтимоий тараққиётнинг икки хил шароити. О. ф. деганда шундай шароитлар тушуниладики, бу шароитлар кишиларга боғлиқ эмасдир ва улар фаолиятининг йўналишини, доираларини белгилаб беради. Мас., табиий шароитлар, ишлаб чиқаришнинг эришилган даражаси, моддий, снёсий ва маънавий тараққиётнинг тарихан етилган вазифалари ва эҳтиёжлари — ана шундай шароитлардир. С. ф. га омма, синфлар, партиялар, айрим шахсларнинг фаолияти, уларнинг онги, иродаси, ҳаракат қилиш маҳорати

ва ш. к. лар киради. О. ф. ҳамisha белгиланган факторлар сифатида юз беради, лекин уларнинг таъсири фақат С. ф. нинг таъсири орқали юзага келади. С. ф. объектив шарт-шароит ҳозирланган тақдирдагина улар ҳал қилувчи роль ўйнаши мумкин. Бир ижтимоий-иқтисодий формациядан иккинчи, прогрессивроқ ижтимоий-иқтисодий формацияга ўтиш билан С. ф. нинг ижтимоий тараққиётга таъсири орта боради. Социалистик жамиятда С. ф. нинг роли айниқса кучли суратда ошади, чунки инсоният тарихида биринчи марта ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини планли равишда ривожлантириш имконияти яратилади, кенг халқ оммаси социализм ва коммунизм қурилишига онгли равишда қатнашадиган бўлади.

ТАРИХ ФИЛОСОФИЯСИ—Марксдан бурунги философияда тарихнинг мазмун проблемалари, унинг қонуниятлари, инсоният тараққиёсининг асосий йўналиши билан шугулланувчи билим соҳаси шундай деб аталган. Тарихан Т. ф. антик даврдан бошланади. Янги замонда уш 18-асрнинг маърифатчилари (*Вольтер, Гердер, Кондорсе, Монтескье*) ишлаб чиқдилар. Маърифатчилар *Авеустин Блаженнидан* бошланиб келаётган тарихни илоҳийлаштиришга қарши курашиб, Т. ф.га сабабият идеясини киритдилар, прогресс назариясини ишлаб чиқдилар, тарихий процесснинг бирлиги идеясини баён этдилар, географик ва социал муҳитнинг инсонга таъсирини асослаб бердилар. Буржуа Т. ф. нинг ривожланишида *Гегелнинг* Т. ф. олий босқич бўлди. Гегель тарихни руҳнинг, идеалнинг ўз-ўзидан ривожланишининг ягона, қонуниятли, ички зарур процесси деб қарарди. Т. ф. нинг спекулятив, априор ва идеалистик характерида ифодаланган чекланганлиги Маркс ва Энгельс томонидан бартараф этилди. Тарихий материализмнинг кашф этилиши чинакам илмий тарихни яратиш учун асос бўлди. Ҳозирги замон буржуа философиясида ғарб цивилизациясининг муқаррар ҳалок бўлишини башорат қилаётган *Тойнби, Шпенглернинг* туш-

қунлик концепциялари энг мўътабар бўлиб қолди. Сўнги вақтда У. Ростоу Т. ф. нинг «антимистик» вариантини яратишга уришиб кўрди (*Иқтисодий ўсиш босқичлари назарияси*). Капитализмга ҳалокат келтираётган тарихнинг объектив қонунилари олдида буржуазия даҳшатга тушиб қолганлигини акс эттирувчи буржуа социологлар ва историографларининг кўпчилиги тарихни фалсафий умумлаштиришдан бош тортмоқда. Улар тарихга тасодифларнинг бетартиб алмашиниб туриши деб қараб, сабабият, қонуният, прогресс тушунчасини рад этмоқдалар.

ТАРСКИЙ АЛЬФРЕД (1902 йил туғ.)—логик ва математик, *Львов-Варшава мактабининг* таниқли вакиллари билан бири.

ТАСАВВУР — воқелик предметлари ва ҳодисаларнинг ҳиссий-яққол, умумлашган образи бўлиб, бу образ предмет ва ҳодисаларнинг ўзларининг сезги органларига бевосита таъсирсиз ҳам онгда сақланиб қолади ва такрор ҳосил қилинади. Инсон Т. ида индивидуумларнинг ўз практикаси туғайли объектив равишда уларнинг мулки бўлиб қоладиган нарса мустаҳкамланиб, сақланиб қолади. Гарчи Т. индивидуал ҳиссий инъикос формаси бўлса-да, инсонда у ижтимоий тарзда ишланиб келган маънолар билан чамбарчас боғлиқдир, у тил воситасида юзага келган, ижтимоий мазмун билан лиқ тўлдирилган, ҳамisha анланган ва фаҳмлаб олинган. Т.—оннинг зарур элементидир, чунки у тушунчаларнинг *маъно ва мазмунини* доимо нарсаларнинг образи билан боғлайди ва айни вақтда онга предметларнинг ҳиссий образлари билан эркин равишда иш кўриш имкониятини беради.

ТАСВИР, тасвирлаш — илмий тадқиқот босқичи бўлиб, бу босқич фақат қабул қилинган белгиларнинг муайян системалари ёрдами билан эксперимент ёки кузатиш маълумотларини қайд қилишдан иборат. Т. оддий тил йўли билан ҳам, фан тилини ташкил этувчи махсус воситалар (символлар, матрицалар, графикалар

ва ҳ. к.) билан ҳам амалга оширилади. Т. фанда объектни назарий тадқиқ қилишга ўтишни (*Изоҳ*) тайёрлайди. Т. билан изоҳ бир-бири билан маҳкам боғлиқдир. Фактларни тасвирламасдан туриб уларни изоҳлаб бўлмайди; иккинчи томондан, изоҳсиз Т. ҳали фанни ташкил этмайди. Позитивистлар (Конт, Мах, Пирсон ва б.) илмий тадқиқот табиатини ўта феноменализм нуқтаи назаридан талқин этиб, фаннинг вазифаси фақат «фактларни соф ҳолда тасвирлаш» дан иборат деб эълон қилдилар.

ТАСОДИФ — қ. *Зарурият ва тасодиф*.

ТАФАККУР — алоҳида тарзда тузилган материя—миянинг олий маҳсули, объектни оламнинг тушунчалар, муҳокамалар, назариялар ва ҳ. к. лардаги инъикосининг актив процесси. Т. кишиларнинг ижтимоий-ишлаб чиқариш фаолияти процессида пайдо бўлади ва воқеликнинг воситали инъикосини, унинг қонуниятли алоқаларини очиб беришни таъминлайди. Т. нинг моддий физиологик механизмларини олий нерв фаолияти физиологияси тадқиқ қилади. Аммо миёна билан чамбарчас боғлиқ бўлган Т. ни физиологик аппарат фаолияти билан тўлатуқис изоҳлаб бўлмайди. Т. аввало биологик эволюция билан эмас, балки ижтимоий тараққиёт билан боғлиқдир; у ўзининг пайдо бўлиш хусусиятлари жиҳатидан ҳам, фаолият усули жиҳатидан ҳам, ўз натижалари жиҳатидан ҳам, ижтимоий маҳсулдир. Бунинг сабаби шуки, Т. фақат инсоният жамиятига хос бўлган меҳнат ва нутқ фаолияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолдагина мавжуддир. Шу сабабли инсон Т. и нутқ билан жуда маҳкам боғланган ҳолда амалга ошади ва унинг натижалари *тилда* қайд қилинади. *Абстракция, анализ ва синтез*, муайян вазифаларни ўртага ташлаш ва уларни ҳал этиш йўлларини топиш, *гипотезаларни*, идеяларни ва ш. к. ларни илгари суриш каби процесслар Т. га хос хусусиятлардир. Т. процессининг натижаси ҳамшира бирон-бир фикрдан иборат бўлади. Т. нинг воқеликни умумлаштириб акс

этириш қобилияти инсоннинг умумий тушунчалар тузиш қобилиятида ифодаланади. Илмий тушунчаларни тузиш тегишли қонуnlарни ифодалаб бериш билан боғлиқдир. Т. нинг воқеликни бевосита акс этириш қобилияти инсоннинг *хулоса чиқариш*еа, маънавий хулоса қилишга, *исботлаш*га бўлган қобилиятида ифодаланади. Бу қобилият билиш имкониятларини фавқулодда даражада кенгайтиради. У бевосита гидрокка муяссар бўладиган фактларни анализ қилишдан бошлаб, гидрокка сезги органлари ёрдамида муяссар бўлмайдиган нарсаларни билишга қараб боришга имкон беради. Тушунчалар ва уларнинг системалари (илмий назариялар) инсоният тажрибасини қайд қилади (умумлаштиради), улар кишилар билимларининг йиғиндисидир ва воқеликни янада билиш учун бошланғич нуқтадир. Инсон Т. и турли фанлар (олий нерв фаолияти физиологияси, *логика, кибернетика, психология, гносеология* ва ш. к.) томонидан ва турли методлар билан ўрганилмоқда. Экспериментал тадқиқотлар орасида сўнги вақтда Т. ни турли кибернетик қурилмалар ёрдамида *моделлаштириш* формасида уни тадқиқ қилиш методлари катга роль касб этди. Т. ҳар бир индивидуум ҳаётида соф интеллектуал процесс сифатида мавжуд эмас, балки бошқача психик процесслар билан чамбарчас боғлиқдир, яъни умуман инсон онгидан ажралган ҳолда мавжуд эмасдир. Идеализм Т. ни ҳамшира материядан (инсон миёна, *тилдан*, жамиятнинг амалий фаолиятидан) ажратишга уриниб келди, улар ўрта-сида алоқа борлигини эътироф қилган тақдирда ҳам, айрим индивидуумларнинг Т. ини материядан ва айрим кишиларнинг онгидан юқори турадиган қандайдир руҳий ибтидоларнинг ҳосиласи деб кўрсатишга уринишди (*мас., Гегель*). Ҳозирги замон буржуа философияси ўзининг *неопозитивизм* орқали, қандайдир реал суратда мавжуд нарса деб умуман Т. ни инкор қилиш позицияларига ўтиб олди. Неопозитивизм *бихевиоризма* эрганиб, инсоннинг бутун тажрибасини

фақат бевосита кузатилувчи фактлардан иборат қилиб қўйиб, Т. ни материя билан бир қаторда (ҳамиша ҳиссий суратда идрок қилинувчи факт сифатида юз берадиган тилдан фарқли ўлароқ) сохта деб эълон қилди. Неопозитивизм тил ифода воситаси, фикрнинг мавжудлик формаси эканлигини назар-эътиборга олмайди. Ҳақиқатда эса тилни анализ қилиш орқали миянинг Т. деб тавсифланадиган хоссалари ўрганилмоқда.

ТАФАККУРНИ ТЕЖАШ ПРИНЦИПИ — субъектив-идеалистик қонда, бу қондага кўра, ҳар қандай билишнинг ҳақиқат критерияси минимум билувчилик воситалари ёрдами билан максимум билимларга эришишдир; бу принципти *Мах* («Ишнинг сақланиш принципи», 1872) ва *Авенариус* («Философия — кучларни энг кам сарфлаш принципига мувофиқ олам ҳақидаги тафаккурдир», 1876) киритган; ҳозирги буржуа философиясида тарқалган. В. И. Ленин Т. т. п. ни идеалистик ирриини сифатида («Материализм ва эмпириокритицизм» китобида) қаттиқ танқид қилди, чунки илмий қондаларнинг ҳақиқатлиги улар фикрни қанчалик «тежаш» билан эмас, балки уларнинг объектив оламга мувофиқ келиши билан белгиланади.

ТАФОВУТ — ҳар қандай бирликнинг зарур моменти, ҳар қандай нарса, ҳодиса, процесснинг алоҳида хусусияти бўлиб, бу хусусият уларнинг **ички** зиддиятини, уларнинг **ривожини** тасвирлайди. Т. материянинг ўз-ўзича ҳаракатидан, бир бутуннинг диалектик иккиланишидан, **зиддиятларнинг** пайдо бўлишидан келиб чиқади. Т. ларнинг имманент келиб чиқиши ва уларнинг ўзаро муносабати эволюциянинг ички объектив логикасини кўрсатади. Ички Т. ни айни конкрет нарсанинг ривожланиши билан бевосита боғлиқ бўлмаган ташқи Т. лардан фарқ қилмоқ керак. Ташқи Т. фақат айни нарса ҳамма бошқа нарсалардан фарқ қилишини, мустаҳкам ва исбатан барқарор нарса сифатида юзага келишини билдиреди, холос. Ички Т. ўзининг ривожланиши про-

цессда нарса бошқача бўлгандай кўринади-ю, айни вақтда ўз ҳолчига қолади: бунда айнинг билан Т. нинг бирлиги яққол намоён бўлади. Т. зиддиятнинг бошланғич палласини кўрсатади. Т.— «ўзидаги зиддият», очилмаган, ривожланмаган зиддиятдир. Шу билан бирга ички Т. билан ташқи Т. ни бир-бирдан ажратиб бўлмайди. Ички Т. лар процесснинг ривожланиб бориши давомида ва ривожланаётган ҳодисанинг у ёки бошқа томонлари алоҳида-алоҳида бўлиб ажраллини натижасида ўзлари ташқи Т. ларга айланишлари мумкин. Иккинчи томондан, ташқи Т. лар ички Т. ларга зарур қўшимча бўлиб, уларнинг юз беришига ўзича-бир нав туртки бўлиб хизмат қилишлари мумкин.

ТАШҚИ ВА ИЧКИ. 1. Предмет ёки процесснинг томонлари бўлиб, бу томонлар бутунлик структурасидаги ўрни ва роли билан фарқ қилинади. Ташқи ҳолат категорияси предметнинг юзаки, бевосита ҳис этиб бўладиган томонини ёки предметдан ташқарида мавжуд бўлган воқеликни акс эттиради. Ички ҳолат категорияси предметнинг муҳим томонини акс эттиради. Ички ҳолат бевосита байқалмайди ва ташқи ҳолат орқали, зуҳуротлар орқали билинади. Предметнинг ташқи томонлари ички томонлар билан, қонуни билан, моҳият билан белгиланади ва улар орқали очилади, билинади. Предметнинг ички табиати қараб чиқиш предметнинг зиддиятларини, унинг ривожланиш манбаини ва ташқи юз бериш формаларини тушунишга олиб боради. 2. Реаллик томонлари бўлиб, бу томонларни кишилар ташқи ва ички олам сифатида фарқ қиладилар. Ички ҳолат—бу маънавий олам бўлиб, ташқи ҳолат—бу табиат оламидир. Ташқи ҳолат билан ички ҳолатнинг, объективлик билан субъективликнинг ҳақиқий алоқаси фан ва философия тарихида материализмнинг идеализм ва агностицизм билан кураши жараёнида аниқлаб олинди.

ТАШҚИ ОЛАМ — инсон онгидан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган моддий пред-

метлар, ҳодисалар, уларнинг муносабатлари ва ўзаро алоқаларининг мажмуи. Т. ш.—билиш манбаидир. Инсон Т. о. ни — табиат ва жамиятни — ижтимоий-ишлаб чиқариш практикаси жараёнида билади. Идеализм нуқтаназаридан Т. о. ё оламдан устун турувчи руҳий вужуднинг ижодий маҳсулидир (объектив идеализм), ёки шахс онгининг конструкциясидир (субъектив идеализм).

ТАЪРИФ (ёки дефиниция)—манتيқий усул бўлиб, бу усул бирон объектни фарқ қилиш, излаб топиш, тузишга, фанга янгидан киритиладиган терминнинг маъносини ифодалашга ёки фанда аллақачон мавжуд бўлган терминнинг маъносини аниқлашга имкон беради. Т. турларининг хилма-хиллиги Т. нинг вазифалари, манتيқий структураси ва ш. к. лар билан нималарнинг таърифлаб-аниқлаб берилишига боғлиқдир. Реал Т. лар ёрдами билан предметлар ўзларига хос характеристикаларига (хоссалари ва муносабатларига) қараб ажратилади. Кўп ҳолларда улар жинс ва тур фарқи орқали Т. формасига киради (мас., «Қислород элементдир (жинс), унинг атом оғирлиги 16 га тенгдир (тур фарқи)»). Номинал Т. лар ёрдами билан фанга, мураккаброқ ифодаларнинг қисқартмалари сифатида, янги терминлар киритилади, янгидан киритиладиган терминнинг маъноси изоҳлаб берилади ва ҳ. к. Семантик Т. ларда аниқланувчи тилнинг бирон ифодасидир, аниқловчи эса бирон предметдир (мас., «Бешбурчак» сўзи беш томонли кўпбурчакликни билдиради). Синтаксис Т. ларда аниқланувчи предмет бошқа предметлардан улар билан иш кўриш қоидалари, уни ишлатиш усуллари ва мақсадлари орқали фарқ қилинади (мас., шахмат ўйинида фигуралар уларнинг шахмат тахтасида тутган бошланғич мавқеларини, ўйин давомида улар билан иш кўриш қоидалари орқали аниқланади). Генетик таърифларда аниқланувчи предмет унинг ташкил топиш, пайдо бўлиш, тузилиш усулини кўрсатиш орқали ажратиб кўрсатилади (мас., «Айлана — туташган эгри чи-

зиқ бўлиб, у кесма текислигида тўғри чизиқнинг ҳаракатсиз нуқта атрофидан айланишидан ҳосил бўлади»). Т. фанда катта роль ўйнайди, у ҳар қандай илмий назариянинг муҳим қисмини ташкил этади. Т. лар ёрдами билан фанга янги тушунчалар киритилади, узоқ вақт давомида олиб борилган илмий тадқиқот натижалари қайд этилади, фанда учраб турадиган мураккаб тасвирлар соддалаштирилади ва ҳ. к. Шу билан айрим равишда олинган Т. лар чеклангандир, чунки улар ҳодисаларнинг ҳар томонлама алоқаларини уларнинг тўла ривожланиш ҳолатида қамраб ололмайди (*Операционал таърифлар, Индуктив таъриф*).

ТАЪСИРЛАНИШЛИК — қўзишлик, изтиробланишлик — бутун тирик зотнинг хоссаси бўлиб, бу хосса ташқи ва ички муҳитнинг таъсирига қисқа муддатда реакция бериш қобилиятида ифодаланади. Т. — материя инъикосининг умумий биологик формаларидан биридир. Т. нинг энг оддий хоссаси деб аталадиган энг элементар форма — таксислардан — таъсирланиш манбаига (ёруғликка, ҳидга ва ҳ. к.) томон ёки ундан орқага томон қилинадиган ҳаракатдан иборат. Т. базасида филогенетик (тарихий) ривожланиш процессида сесканишлик пайдо бўлади. Сесканишлик — тўқималарнинг дифференцилланиши натижасидир. Тирик вужудларнинг мураккаблашиб бориши ва нерв системасининг тузила бориши билан инъикосининг биологик формалари ҳам мураккаблашади, шартсиз ва шартли рефлекслар пайдо бўлади. Т. нинг асосида муайян алмашинув процесслари содир бўлади, оқсил моддаларнинг компонентлари ҳаракат қилиб туради, Т. ҳақидаги таъбиот марксистик инъикос назариясининг асослаш учун бой материал бермоқда.

ТАҚДИР — қисмат, пешона — кишилар ҳаётидаги ҳамма воқеаларни олдиндан белгилаб қўядиган гайри табиий куч ҳақидаги диний-идеалистик тасаввурни ифодаловчи тушунча. Қадимги грек мифологиясида одамларнинг ва ҳатто худоларнинг қисмати Т. маъбудалари бўлмиш мойра-

ларга (римликларда — паркарларга) боғлиқ бўлган. Замон ўтиб бориши билан Т. ни оламни идора қилувчи олий адолат сифатида тасаввур қила бошлаганлар (грекларда — Дике, Немезида). *Христианликда ва исломда* ҳам Т. худонинг қудрати, олий зот шаклида намоён бўлади. Т. ни азалдан пешонага ёзиб қўйилган илоҳий қудрат деб тасаввур қилиш ҳозирги замондаги ҳамма динларга хосдир. *Протестантизмда* бу тасаввур яққол ифодаланган фаталистик характерга эгадир (*Фатализм*). Баъзи диний йўналишлар (мас., *католицизм, православие*) Т. ҳақидаги тасаввурлар фаталиزمини илоҳий тақдири азал идеяси билан инсон ирода эркинлигини эклектик равишда бирга қўшиб воситаси ила бўшаштиришга уринмоқдалар. Гайри фалсафий маънода Т. тушунчаси инсон ёки бутун бир халқ ҳаётида юз берган аҳволни ифодалаш учун ҳам ишлатилади.

ТАҚДИР АЗАЛ НАЗАРИЯСИ — диний-идеалистик таълимот бўлиб, бу таълимотга кўра, оламда бор нарсаларнинг ҳаммаси ва ҳаттоки инсон психикасининг ҳодисалари ҳам ё худонинг иродаси билан (*Августин, Лютер, Кальвин, Азалдан белгиланган уйғунлик*), ёки қатъий механик зарурият билан азалдан белгиланган (*Фатализм*). Бу назария хусусан ислом ва унинг теологияси—каломнинг энг муҳим қонуларидан ҳисобланар эди. Т. а. н. изчиллик билан даном эттирилса, тараққиётни инкор этишга ва ҳар қандай фаолитнинг бемаънилигини эътироф этишга олиб боради. Ҳозирги замон фани Т. а. н. ни рад этмоқда ва материянинг *ўз-ўзича ҳаракат қилиши* ҳақидаги диалектик материализм таълимотини тасдиқламоқда.

ТАҚҚОСЛАШ — қиёс қилиш, солиштириб кўриш, чоғиштириш — объектлар ўртасидаги ўхшашлик ёки тафовут белгиларини (ёниқи унсини ҳам, бунисини ҳам) аниқлаш мақсадида уларни таққослаб кўриш. Т. *умумлаштиришининг* энг муҳим шартидир. У *аналогия* бўйича хулосалар чиқаришда катта роль ўйнайди. Т.

нинг натижасини ифодаловчи муҳокамалар таққосланадиган объектлар ҳақидаги тушунчаларнинг мазмунини очиб беришга хизмат қилади; бу жиҳатдан Т. *таърифни* тўлдирувчи, баъзан эса унинг ўрнини босувчи усул бўлиб хизмат қилади.

ТЕИЗМ (грек. theos — худо) — диний-фалсафий таълимот. Т. гайри табиий вужуд сифатида шахсан худонинг мавжудлигини тан олади, гўё у ақл ва иродага эга бўлиб, барча моддий ва маънавий процессларга сирли равишда таъсир кўрсатиб турар эмиш. Оламда содир бўлаётган нарсаларнинг ҳаммасини Т. худо қудратининг кўриниши деб қарайди. Табиий қонуният Т. да худонинг кароматига боғлаб қўйилади. *Деизмда* фарқли ўлароқ, Т. худонинг оламдаги барча воқеаларда иштирок этишини даъво қилади ва *пантеизмдан* фарқли ўлароқ, худони ломакон, яъни оламда макон-манзили йўқ ҳолда мавжуд, деб таъкидлайди. **Ҷ.** — *клерикализм, теология* ва *фидеизмнинг* идеологик асосидир. Т. фанга ва илмий дунёқарашга душмандир.

ТЕЙЯР ДЕ ШАРДЕН Пьер (1881—1955) — француз палеонтолог олими, философ ва теолог, синантропни биринчи бўлиб топганларда бири. Т. нинг фалсафий концепцияси — «христиан эволюционизми» — идеалистик *пантеизмнинг* кўринишларидан биридир. Т. да худо «эволюция Исоси» бўлиб, «универсум тўқимаси»нинг ҳар бир заррасида алоҳида руҳий энергия шаклида намоён бўлади, ана шу энергия эволюциянинг ҳаракатлантирувчи ва йўлловчи кучидир. Қонiotнинг ривожланишини («космогенез» — «христагенез») Т. руҳ эволюциясининг бир қанча босқичлардан иборат, бу босқичлар материянинг мураккаблашуви воситасида амалга ошади, деб тасвирлайди. Унинг тараққиёт концепциясида диалектиканинг анча элементлари бор (сакрасимонлик, зиддиятлик ва ҳ. к.). Инсон пайдо бўлгандан кейин амалга ошадиган оламнинг такомиллашуви процессидаги муҳим ўрин, Т. нинг фикрича, кишиларнинг ўзлари-

нинг онни ва феолияти орқали фаига тааллуқлидир. Т. Фанни воқеликка диний муносабатнинг кўринишларидан бири деб ноҳақ талқин қилиб, дин билан фан ўртасидаги қарама-қаршиликни бартараф этишга умид боғлайди. Т. нинг асарларида *христианликни* замонавийлаштириш масалалари катта ўрин тутади. Т. нинг идеялари Ғарбда («тейярдизм» номи билан) кенг тарқалди. Т. концепциясининг ўзи зиддиятли бўлганлиги сабабли, унинг идеяларидан баъзан қарама-қарши сиёсий позицияларда турган турли ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари фойдаланмоқдалар. Диний-идеалистик асослар Т. концепциясида воқелик ривожланишининг реал манзарасини бузиб кўрсатса-да, ҳар ҳолда унинг концепциясида оптимизм ва гуманизм элементлари бордир. Тейярдизм ҳозирги замон буржуа философиясининг бир қанча оқимларидан ана шу билан фарқ қилади. Асосий асарлари: «Илоҳий муҳит» (1927), «Инсон феномени» (вафотидан кейин эълон қилинган, 1955).

ТЕЛЕЗИО Бервардино (1508—88)—Уйғониш давридаги италян натурфилософи, материалист. Асосий асари «Нарсаларнинг ўз принципларига кўра уларнинг табиати ҳақида» (1565). У табиатни тажрибавий ўрганишга даъват этарди, сезги органлари инсон билимларининг асосий манбаи эканлигини таъкидлаб кўрсатарди, схоластика учун характерли бўлган ақл сотиш-силлогистик методга қарши чиқди. Т. *Бруно* ва *Кампанелла*га катта таъсир кўрсатди ва Ф. *Бэконнинг* ўтмишдошларидан бири бўлиб қолди. Табиатни талқин этишда Т. бутун фазони тўлдириб турган (шу тариха бўлишққа ўрин қолдирмайдиган) *материя*, *худо сийғари*, азалий ибтидоидир, деган фикрга асосланарди. Унинг давридаги бошқа натурфилософлар сийғари, Т. ҳам гилозоистик идеяларга амал қиларди *Гилозоизм*). Т. ривожлантирган космологик қарашлар системаси шундай бир идеяга бориб тақалардики, бу идеяга кўра, қарама-қарши ва жонли ибтидолар бўлган ўзини сақлашга

интиладиган иссиқ ва совуқ *материя* учун кураш бошлайди. Бунда иссиқ Куйшда, совуқ эса Ерда тўпланган.

ТЕЛЕОЛОГИЯ — грек. teleos — мақсад) — табиатдаги барча ҳодисаларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълум мақсадга йўналтирилганлиги ҳақидаги фалсафий таълимот. Т. нинг нуқтаназарича, фақат инсон эмас, балки табиатдаги барча ҳодисалар ҳам бiron мақсадга қаратилган ибтидога, алоҳида жонга эгадир. Агар инсон ўз олдига мақсадни онгли равишда қўйса, табиатда мақсад онгсиз равишда амалга оширилади. Т. *гилозоизм*, *панпсихизм*, *пантеизм* ва ҳ. к. билан чамбарчас боғлиқдир. Т. га кўра, ҳаёт ва тафаккур принциплари пойдеворининг ўзидадир, материя эса ўлик атомлардан эмас, балки ғира-шира тасаввур қобилиятига эга бўлган «жонли» монадалардан иборат. Т. нинг биринчи изчил системаси *Аристотель* томонидан ишлаб чиқилган, у ҳар бир нарсанинг ўз вазифаси бор, у ўзида актив мақсадли ибтидо, жонли, *энтелехияни* олиб юрди ва шу билан бирга табиатнинг ҳамма мақсади олий бир мақсадга бўйсунган, умумжаҳон гармониясига қўшилган бўлади, деб ҳисобларди. Аристотелча Т. нинг бу асосий идеяси *Фома Аквинский*, *Лейбниц*, *Гегель*, *Хайдеггер* ва б. таълимотида сақланиб келмоқда. Табиатнинг мақсадни кўзлаган ибтидои оламдан таниқаридадир ва унинг ўзи оламий процесснинг олий асосий ва туб мақсадидадир, деган тасаввур худонинг борлигини физикотелеологик исботлашга асос бўлди. *Азалдан белгиланган чўгунлик* таълимоти билан учта чиқазилган бу тасаввурнинг мантқиқ асосизлигини Кант кўрсатиб берган эди. *Тирик табиатта телеологик қараш* 17—19-асрлардаги биологик назарияларда кенг тарқалган эди. *Дарвиннинг эволюцион назарияси* тирик зотларнинг нисбий мақсадга мувофиқлигини оқилона талқин қилиб бериш билан биологияда Т. нинг ҳукмронлигига путур етказди. Дарвиндан кейин биологиядаги телеологик концепциялар *неовитализм*, *исоламаркизм* ва ш. к.

томонидан тарғиб қилинди. Кибернетика кўрсатадики, мақсадга мувофиқлик—предметнинг теварак-атрофдаги муҳитга оптимал мослашиш процессидир.

ТЕМПЕРАМЕНТ (лат. temperamen-tum) — қисмларнинг тегишли нисбати) — шахснинг индивидуал хусусиятларининг мажмуи, бу унинг психик фаолияти динамикасини кўрсатади. Т. ҳис-туйғуларнинг кучида, уларнинг чуқурлиги ёки юзакилигида, уларнинг ўтиш тезлигида, барқарорлигида ёки тез алмашинувида юз беради; шунга ўхшаш Т. индвидид ҳаракатларининг хусусиятларида намоён бўлади. Т. асосида *олий нерв фаолиятининг типлари* ётади. Кучли, уштабиат, ҳаракатчан тип сангвиник Т. га мувофиқ келади, бу Т. нинг характерли хусусияти шуки, унда кайф-ҳолат тез пайдо бўлиб, дарров ўзгаради, ҳаракат чаққон бўлади; кучли, вазмин, камҳаракат тип флегматик Т. га мувофиқ келади, бу Т. да кайф-ҳолат барқарор, ҳаракатлар босиқ бўлади; кучли беқарор тип холерик Т. га мувофиқ келади ва унда кайф-ҳолат кескин ўзгаради, ҳис тугёни бўлади, шитоб билан ҳаракат қилинади; бўшанг тип меланхолик Т. га мувофиқ келади ва унда ҳис-туйғулар секинлик билан пайдо бўлиб, лекин чуқур ва узоқ давом этади, сиртдан унчалик сезилмайди. Шунинг айтиб ўтмоқ керакки, Т. фақат нерв системасининг туғма хоссалари билан эмас, балки турмуш ва фаолият шaroитлари билан ҳам белгиланади; Т. индвидиднинг умри ичида ўзгармасдан қолмайди, Ҳар қандай Т. шахснинг барча ижтимоий зарур хусусиятларининг ривожланишига тўсқинлик қилмайди, лекин ҳар бир Т. уларнинг шаклланишининг алоҳида йўллари ва усулларини талаб қилади. Т. инсон характерининг ўзига хос хусусиятларининг зарур шартларидан бирини ташкил этади.

ТЕНГЛИК — 1. Жамиятдаги кишиларнинг бир хилдаги аҳволини билдирувчи тушунча, аммо бу тушунча турли тарихий даврларда ва турли халқларда турлича мазмунга эгадир. Буржуача тушунчада Т. граждaнлар-

нинг қонун олдида ҳуқуқий тенглигини билдиради, холос, аммо бунда кишини киши томонидан эксплуатация қилиш, мулкий ва сиёсий тенгсизлик сақланиб қолади, меҳнаткашлар оммаси амалда ҳуқуқсизлигича қола беради. Т. тўғрисидаги майда буржуа назариялари ҳар бир кишининг хусусий мулки бўлиши, бўлганда ҳам озми-кўпми тенгламачилик асосида мулкка эга бўлишини даъво қилади. Ҳар иккала ҳолда ҳам асосий масала — *ишлаб чиқариш воситаларига* муносабат масаласи ҳисобга олинмайди. Марксизм, ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий мулкчилигини йўқ қилмасдан ва эксплуататор синфларни тугатмасдан туриб, иқтисодий (моддий) неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш соҳаси), сиёсий (синфий, миллий ва давлатлараро муносабатлар соҳаси) ва маданий (маънавий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш соҳаси) Т. бўлиши мумкин эмас, деган фикрга асосланади. Ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан чиннакам Т. социализмнинг галабаси натижасидагина пайдо бўлади. Лекин социализм шарoитида социал тенгсизлик қолдиқлари ҳали сақланиб қолади, бунинг сабаби шуки, моддий ишлаб чиқариш етарли даражада ривожланган бўлмайди, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутлар давом этади, меҳнат миқдори ва сифатига қараб тақсимлаш принципи амалга оширилади ва ҳ. к. Коммунизм шарoитидагина тўла Т. жамиятнинг тўла социал якжинлиги юзага келади. Аммо коммунистик Т. барча кишиларнинг қандайдир баб-бараварлаштиришни билдирмайди, аксинча, ҳар бир киши учун ўз қобилиятлари ва эҳтиёжларини индивидуал сифатлари ва дидларига мувофиқ равишда, эркин суратда ривожлантириш бобида чексиз имкониятлар очиб беради. 2. Логикада *айният* билан мос келади. Ҳар қандай Т. симметрик, транзитив ва рефлексив муносабат хоссаларига эгадир. Т. нинг бу хоссаларидан,

жумладан, айрича учинчи миқдорга тенг бўлган икки миқдор ўзаро тенгдир, деган машҳур аксиома келиб чиқади.

ТЕОГОНИЯ — грек. theos — худо ва гонейя — туғилиш). 1. Худоларнинг келиб чиқиши ҳақидаги диний афсоналар системаси. Европа адабиётида қадимги грек мифологиясининг машҳур биринчи шеърли тўплами Гесиоднинг (эрамиздан олдинги 8- аср) «Теогонияси»дир. 2. Л. Фейербахнинг 1857 йилда нашр этилган асарининг номи; бу асарда антик, яҳудий ва христиан мифологияси ва теологиясида худо ҳақидаги тасаввурларнинг эволюцияси танқидий равишда қараб чиқилган.

ТЕОДИЦЕЯ (грек. theos — худо ва dikē — ҳуқуқ, адолат) — «худони оқлаш»; диний-фалсафий трактатлар қудратли, энг доно ва пур-неъмат хурога ишониш билан оламда ёвузлик ва адолатсизликнинг мавжудлиги ўртасида очиқ ва муросага келтириб бўлмайдиган зиддиятни нима қилиб бўлса ҳам оқлашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. 17—18- асрларда турли-туман «Т.»лар фалсафий адабиётнинг бутун бир тармоғи бўлиб қолди. *Лейбницнинг* «Т.»си (1710) катта шуҳрат қозонди, унинг идеяларини Вольтер «Кандид» сатирик фалсафий романида (1759) заҳарханда билан масхара қилиб кулди. Ҳоз социал моҳиятига кўра, «Т.» — эксплуататорлик жамиятида ҳукмрон бўлган ёвузлик ва адолатсизликни диний-фалсафий оқлашдан иборат. Бунга ҳозирга қадар ҳам кўпдан-кўп теологик, жумладан католик асарлар бағишланмоқдаки, улар ёвузликни реаллик деб эмас, балки «махрумлик» («privatio»), ниманингдир «йўқлиги» деб софистларча талқин қилмоқдалар.

ТЕОЛОГИК ЭТИКА — бирон теологик системага асосланувчи этика. Ҳч асосий дин: *христианлик, ислом ва буддизмнинг* ахлоқий таълимотлари Т. э. нинг энг таъсирли йўналишлари бўлиб келди ва ҳозир ҳам шундай. Т. э. даги ахлоқ манбаи — худодир, худо унда ахлоқий эзулик ва фази-

латнинг мужассамланиши сифатида намоён бўлади, жамиятда ёмонлик ва ахлоқсизлик эса инсоннинг гуноҳқорлигига боғлаб изоҳланади. Худо бунинг устига яна ахлоқнинг бирдан-бир мезони бўлиб кўринади. Бирон бир хатти-ҳаракатнинг яхши ёки ёмон бўлишининг сабаби шуки, у худонинг «моҳияти»га ёки иродасига мувофиқ ёки зид келади. Ниҳоят, худо ахлоқий баҳо сифатида намоён бўлади, яъни ахлоқий хатти-ҳаракатга баҳо беришда бирдан-бир авторитет ҳисобланади. Т. э. ўз йўналиши жиҳатидан антисоциал ахлоқдир, чунки у жамиятнинг ахлоқий баҳолар беришга ҳақли эканлигини инкор этади. Т. э. да қиёмат куни савобкорларнинг муқофотланиши ва гуноҳкорларнинг жазоланиши ҳақидаги таълимот катта ўрин тутайди, илоҳиётчилар охиратда шундай бўлади деб даъво қиладилар (*Эсхатология*). Яхшилик ва адолатнинг тўла тантана қилиши ё охират билан, ёки «худонинг салтанати» бошланиши билан боғланади. Итоат-гўйлик, мўминлик, ёвузликка қаршилик кўрсатмаслик ва ҳаммасини кечирини яхши фазилатлар даражасига кўтариш ана шундан келиб чиққан. Т. э. эксплуататорлик жамиятининг ахлоқий маддоҳи бўлиб майдонга чиқмоқда.

ТЕОЛОГИЯ (грек. theos — худо ва logos — сўз, таълимот), ёки илоҳиёт, — муайян бир диннинг ақида ва аҳкомларини системалаштириш. Тавротга, биринчи жаҳон соборларининг қарорларига ва «черков отахонлари»га, «муқаддас китоблар» ва «муқаддас ривоятлар»га таянадиган христиан Т. си асосий илоҳиётга (фундаментал теология, *апологетикага*), догматик илоҳиётга, ахлоқий илоҳиётга, черков тўғрисидаги таълимот ва ҳ. к. га бўлинади. Т. га ўта догматизм, авторитарлик (тўла ҳоқимлик) ва схоластиклик (сафсатабозлик) хосдир. Ҳозирги вақтда Т. билан фанни сифдириш мумкинлигини исбот қилишга уринаётган диний философия Т. билан туташади. Т. бир неча марта баърача замонлардаги прогрессив мутафаккирларнинг танқидига учради. Т.

ни танқид қилиш илмий атеизмнинг ажралмас қисмидир.

ТЕОРЕМА — ҳозирги замон формал логикасида ва математикасида қатъий равишда тузилган бирон дедуктив (мас., аксиоматик) назариянинг ҳар қандай ибораси, бу ибора мазкур назариянинг бошланғич қоидаларига (*аксиомаларига*) ва (ёки) шу назария учун жоиз бўлган хулоса қоидалари назариясининг аллақачон исбот қилинган ибораларига татбиқ қилиш асосида исботланган (хулоса қилиб чиқарилган)дир. Силтастик системаларда Т. туркуми хулоса қилиб чиқариладиган формулалар туркумига тенгдир; семантик системаларда аксиомалар ва Т. лар туркуми муайян назариянинг чин иборалари туркумига мос келади. Аксиомалар билан Т. лар ўртасидаги тафовут шартлидир: бирон назариянинг аини бир хилдаги иборалари бир ҳолда аксиомалар сифатида қабул қилиниши, иккинчи ҳолда Т. лар сифатида исбот этилиши мумкин. Шунга кўра, Т. ларга кўпинча аксиомалар ҳам нисбат берилади (аксиоманинг исботи бир формуладан — унинг ўзидан иборат). Бирон назарияга нисбатан ифодаланмаган ва мазкур назариянинг мезон назарияси мазмунли воситалари билан исботланадиган Т. лар метатеоремалар деб аталади (мас., дедукция ҳақидаги Т.).

ТЕОСОФИЯ (грек. theos — худо ва sophia — донишмандлик, билим, айнэн — «худобилиш») — баъзан *теология* билан (мас., «*Арионагитикалар*»)да ёки *мистиканинг* гайри диний эътиқоднинг айрим формалари билан бирдай қилиб қўйиладиган тушунча; бу мистиканинг вакиллари инсоннинг бевосита ички тажрибасини, мистик *интуцияни* худони пайқаш усуллари сифатида расмий черков ақидалари обрў-эътиборидан афзал кўрадлар (ана шу жиҳатдан *Бёме* ёки *Сведенборг* тилидаги мутафаккирлар теософлар жумласига киради). 1875 йилда Нью-Йоркда Теософия жамиятини ташкил этган Е. П. Блаватскаянинг (1831—91) таълимоти асл маънодаги Т. деб аталади (бу жамиятнинг мар-

кази кўп ўтмай Ҳиндистонга кўчди; ҳозир ҳам ишлаб турибди). *Антропософияни* тузувчи Р. Штейнер 1913 йилгача бу жамиятнинг актив аъзоси эди. Жамиятнинг мақсадларини ва ўз идеяларини Блаватская «*Сирли докторина*» (1888), «*Теософия калити*» (1889) ва б. асарларида баён этган. Т. «илмий» методлар билан илоҳий донишмандликни билишни, бу-доннишмандликни шахсга муяссар қилишни ва пировард ҳисобда инсонни ўлгандан кейин «жаннат роҳат-фарогати»га сазовор этишни даъво қилади. Бунга индиивида рухий-илоҳий жавҳарни топиш йўли билан фақат илми гоийбдан хабардор бўлган Т. «*пирларини*»гина эриша олади (*оқкулътизм*). Турли шарқий ва ғарбий динларнинг ва идеалистик системаларнинг (асосан *буддизмнинг* ва ҳинд философиясидаги бошқа йўналишларнинг) элементларини эклектик равишда ўзида бирлаштириб олган Т. олам ва инсон ҳақидаги гайри илмий мистик-фантастик тасавурлар йнғиндисидир.

ТЕРМИН (лат. terminus — чек, чегара). 1. Фан, техника, санъат ва ш. к ларнинг муайян тушунчасини қайд этувчи бир маъноли сўз. Т. фан тилининг элементидир, у фан маълумотларини, айниқса оддий тилда тегишли номлари бўлмаган маълумотларини аниқ ва бир маъно билан билдириш зарурияти тақозоси билан жорий этилган. Т. ларнинг оддий тилдаги сўзлардан фарқи шуки, уларда эмоционал бўёқ бўлмайди. 2. Логикада ҳукмнинг (субъект ва предикат) ёки силлогизмнинг зарур компоненти (хулоса предикати катта Т. деб, хулоса субъекти кичик Т. деб, силлогизм асосларига кирадиган ва лекин хулосага кирмайдиган тушунча ўрта Т. деб аталади). 3. Қадимги Рим мифологиясида чегараларнинг ва чегара белгиларининг худоси.

ТЕХНОКРАТИЯ (грек. techne — ҳунар, маҳорат ва kratos — ҳокимият) — ҳозирги замон социологик оқими, бу оқим АҚШда буржуа экономисти Т. Веблен идеялари асосида пайдо бўлган ва 30-йилларда анча тарқалган (Г. Скотт, Г. Леб ва б.).

АҚШда ва Европанинг бир қанча мамлакатларида технократлар жамиятлари таъсис этилди. Т. мухлисларининг даъвосига, гўё ҳозирги замон капитализмининг анархияси ва беқарорлиги давлатни «сиёсатчилар»нинг бошқариши натижаси эмиш. Улар бутун иқтисодий ҳаётга раҳбарлик қилиш ва давлатни бошқаришни «техниклар»га ва бизнесменларга топшириш йўли билан капитализмни соғайтириш идеясини илгари сурмоқдалар. Капиталистик экономикани ва сиёсатни демагогларча танқид қилиш замирида давлат аппаратини sanoat монополияларига тўғридан-тўғри ва бевосита бўйсундиришни оқлаб кўрсатишга интилиш яширишиб ётади. Т. га яқин ва лекин ундан ҳам реакционроқ оқим — ҳозирги вақтда АҚШда кенг тарқалган мэнэжеризм, яъни бошқарувчиларнинг (мэнэжерларнинг) раҳбарлик роли ҳақидаги таълимотдир. Бу таълимот Бернхем асарларида очикдан-очик антикоммунистик ва милитаристик тус олган. Унинг «мэнэжерал революцияси» («бошқарувчилар революцияси») — америка монополистарларининг ошкора диктатурасини мадҳ этишдан иборат.

ТИЛ — ҳар қандай физик табиятнинг белги системаси, бу система инсон фаолияти процессида билувчилик ва коммуникатив (алоқа) функцияларини бажаради. Т. табиий ҳам, сунъий ҳам бўлиши мумкин. Табiiй Т. деганда фикрларни ифодалаш формаси ва кишилар ўртасида алоқа воситаси бўлиб хизмат қиладиган кундалик ҳаётдаги Т. тушунилади. Сунъий Т. — кишилар томонидан бирон тор эҳтиёжлар учун яратилган Т. дир (математик символика Т. и, физика назариялари Т. и, сигнализациянинг турли системалари ва ҳ. к.). Т. — социал ҳодисадир. У ижтимоий ишлаб чиқариш ривожига жараёнида пайдо бўлади ва унинг зарур томонидан — кишиларнинг ва алоҳида ҳар бир одамнинг фаолиятини координациялаштириш воситасида яборатдир. Ўз физиологик асосига кўра, Т. иккинчи сигнал системаси функциясини бажарадики, бу функцияни И. П. Павлов

инсон психикасига ўзига хос қўшимча деб атаган эди. Тафаккурнинг мавжудлик формаси ва ифода формаси бўлган Т. айни вақтда онгининг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Тил қобигидан ташқари онг мавжуд бўлмайдиган ва мавжуд бўлолмайди. Ўз физик табиатига кўра ўзи билдирадиган нарсага нисбатан шартли бўлган тил белгиси, шундай бўлишига қарамай, пировард ҳисобда реал воқеликни бириктириш процесси билан боғлиқдир. Т. жамғарилган билимларни қайд этиш ва сақлаш ҳамда уларни авлоддан авлодга бериш воситасидир. Абстракт тафаккур фақат Т. туфайли мавжуд бўлиши мумкин. Т. нинг мавжудлиги — тафаккурнинг умумлаштирувчи фаолиятининг зарур шартидир. «Ҳар қандай сўз (нутқ) умумлаштиради» (Ленин). Аммо Т. билан тафаккур бирдай эмас, юзага келгач, Т. нисбатан мустақилдир, у тафаккур қонунаридан фарқ қиладиган ўзига хос қонунарга эга бўлади. Шу сабабли тушунча билан сўз ўртасида, мантикий ҳукм билан грамматик гап ва ҳ. к. ўртасида айният йўқдир. Бунинг устига Т. муайян системадир, «структурадан иборат бўлиб, ўзининг ички тузилишига эга, ва бусиз тил белгисининг табиатини ва аҳамиятини тушуниш мумкин эмас. Сўнгги ўн йилликларда назарий тадқиқотларнинг роли ошиб бораётганлиги муносабати билан сунъий, формаллаштирилган тилларнинг қонуниятларини, уларнинг логик синтаксисини ва логик семантикасини ўрганишга қизиқиш кучайди. Шу муносабат билан Т. фақат лингвистика эмас, балки логика ва семиотиканинг ҳам тадқиқот объекти бўлиб қолмоқда. Ҳозирги замон неопозитивизми бу тадқиқотларнинг роли ва аҳамиятини абсолютлаштириб, фалсафий тадқиқотларнинг бутун проблематикасини Т. нинг мантикий анализдан иборат қилиб қўйишга нотўғри уринмоқда.

ТИМИРЯЗЕВ Климент Аркадьевич (1843—1920) — рус олими, Дарвиннинг издоши, Россияда ўсимликлар физиологиясининг асосчиси. Унинг дунёқараши рус «революцион» демократ-

ларининг идеялари таъсири остида шаклланди. Т. биологиянинг янада ривожланиши организмларнинг ҳаёт-ний фаолиятидаги энг чуқур процессларни билишда эришилган муваффақиятларга (физиология, биохимия ва биофизика) боғлиқ бўлишини эрта тушунган эди. Т. нинг асосий экспериментал асарини — ўсимликларнинг фотосинтези бўйича — тирик ва нотирек материянинг бирлигини асослашда катта роль ўйнади. Т. тор экспериментал методлар доирасида биқилиш қолмасдан, кенг фалсафий умумлашмалар қилди, кўп жиҳатдан диалектик-материалистик методга тўғри келадиган тарихий методни самарали татбиқ этди. Т. биологияни халққа хизмат қилдиришга интиларди. У ўз тадқиқотларини деҳқончилик практикани билан боғлаб олиб борарди, биология фанининг ютуқларини оммалаштирарди. Т. нинг биологияда идеалистик назарияларга (*Витализм* ва б.) қарши олиб борган кураши катта аҳамиятга эга эди. Т. йирик рус табиятшуносларидан биринчи бўлиб Улуг Октябр социалистик революциясини қабул қилди. Унинг «Фан ва демократия» деган мақолалар тўпламига (1920) В. И. Ленин юксак баҳо берган эди.

ТИНЧ-ТОТУВ ЯШАШ — қарама-қарши (социалистик ва капиталистик) ижтимоий тузумга эга бўлган давлатлар ўртасидаги муносабатлар принципи бўлиб, бу принцип мунозарали масалаларни ҳал қилиш воситаси сифатида урушдан воз кечишни назарда тутди. Социалистик революциянинг марксча-ленинча назариясига кўра, социализм айни бир вақтда барча мамлакатларда ғалаба қилиши мумкин эмас. Бундан, маълум тарихий давр мобайнида дунёда социалистик давлатлар билан бир қаторда муқаррар равишда капиталистик давлатлар ҳам яшаб туради, деган хулоса келиб чиқади. Ленин Т.-т. я. принципини асослаб берди ва уни Совет давлатининг дипломатик фаолиятида амалга оширишга ҳаракат қилди. Т.-т.я. принципи социалистик жамият характеридан келиб чиқади, чунки бу

жамиятда урушларнинг иқтисодий асоси — хусусий мулк тугатилган ва, демак, унда урушлардан манфаатдор бўлган ижтимоий кучлар йўқдир. Бу принцип коммунистик идеологиянинг инсонпарварлик моҳиятига мувофиқ келади. Социалистик мамлакатлар ташқи сиёсат соҳасидаги ўз фаолиятларида ва ҳозирги замон шароитида ленинча Т.-т. я. принципига амал қилмоқдалар. Т.-т.я. халқларнинг ички ишларига аралашмасликни, давлатлар суверенитетини ҳурмат қилишни, мамлакатлар ўртасида иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантиришни назарда тутди. Аммо Т.-т. я., империалистик кучлар уни бузиб, қурол кучи билан бирон халққа ўз ҳукмронликларини мажбуран қабул қилдиришмоқчи бўлган тақдирда, қуролли курашдан воз кечишни билдирмайди. Уни золимлар ва мазлумлар ўртасидаги, мустамлакачилар ва мустамлака қурбонлари ўртасидаги муносабатларга татбиқ этиб бўлмайди. Марксизм-ленинизм, ҳар бир халқ кўлига қурол олиб, агрессияга ва эксплуатацияга қарши курашга ҳақи бор, деб ҳисоблайди (*Уруш*). Т.-т. я. сиёсати синфий курашни истисно қилиш у ёқда турсин, аксинча, уни назарда тутди. Бу курашнинг асосий майдони — жаҳон миқёсида социалистик мамлакатлар билан капиталистик мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий мусобақадир. Бу мусобақада социализмнинг эришгаётган муваффақиятлари жаҳон тарихининг боришига ҳал қилувчи таъсир кўрсатмоқда. Т.-т. я. халқро майдонда сиёсий курашни ҳам назарда тутди: социалистик давлатлар халқларнинг ўз социал ва миллий озодлиги учун, демократия ва социализм учун қиладиган ҳаракатининг барча формаларини қўллаб-қувватлайдилар. Т.-т. я. идеология соҳасига жорий этилмайди.

ТИПЛАР НАЗАРИЯСИ (типлар иерархияси) формал (математик) логикани тузиш усули, бу усулда турли даражалардаги (типлардаги) объектларни фарқ қилиш киритилади; *парадокслар*, ёки *антиномиялар* тўпламларини логикадан ва назариядан

чиқариб ташлаш усулларидан бири. Биринчи марта Т. н. ни туркумлар логикасига татбиқан Э. Шредер ривожлантирди (1890). 1908—10 йилларда *Рассел предикатлар ҳисобига* татбиқан Т. н.нинг муфассал системасини тузди; унинг мазмуни типлар бўйича фарқ қилишдан иборат: индивидуал тип (1-тип), уларнинг хусусиятлари тип (2-тип), уларнинг хусусиятларининг хусусиятлари тип (3-тип) ва ҳ. к. типлар ичига тартибларга бўлишлар киритилади.

ТИПЛАШТИРИШ ВА ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ—санъатда (грек. *typos*—образ; лат. *individuum*—бўлинмас) — воқеликни қайта ҳосил қилишнинг ўзига хос усули, бу усулда бадий умумлаштириш, тасвирланувчи ҳодисаларнинг моҳиятига кириш, уларнинг индивидуал, конкрет-ҳиссий хусусиятларини очиб бериш орқали амалга оширилади. Санъатда индивидуаллик якка бир факт сифатида эмас, балки умумийликни очиб воситаси сифатида юзага чиқади, шунинг учун И.—бадий Т. нинг элементи-дир. Т. процессида санъаткор асарнинг ғоявий мазмунига, ўз дунёқараши ва ўз поэтик табиатининг субъектив хусусиятларига мувофиқ равишда муаян социал ҳодисанинг энг характерли белгиларини ажратиб, танлаб олади. Шу тариқа қилинган умумлашмаларни санъаткор ижодий хаёл ёрдамида конкрет, ўзига хос вазиятларда ҳаракат қилувчи индивидуаллаштирилган ўзига хос хусусиятларига эга бўлган характерлар формасида гавдалантиради. Т. ни И. дан ажратишга, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга уриниш бадий ижодийта салбий таъсир кўрсатади. И. сиз асарнинг қаҳрамонлари ўзига хос характерларга эга жонли кишилар бўлиб эмас, балки «замон руҳининг жарчилари» бўлиб кўринади, улар қандайдир ўлик схемаларни ва мажозий тимсолларни эслатади. Иккинчи томондан, Т. сиз И. чинакам реалистик бадий образ яратишга қодир эмасдир: у тасвирланувчи нарсанинг моҳиятига кирмаса бирон йўсинда айрим ва тасодифий фактларни оддий

протоколлаштиришга айланади. Энгельс бундай И. ни жуда бошлаб «мужмал И.» деб атаган эди. Т. билан и. нинг нисбати пировад ҳисобда бадий методга боғлиқдир. Т. билан и. нинг ўзаро бир-бирига ўтиб турадиган, реалистик методга хос бўлган бирлигидагина санъатда оламни ҳаққоний тасвирлаш мумкин.

ТКАЧЕВ Петр Никитич (1844—85)—революцион народниклик назариётчиларидан бири, публицист. Чор ҳукуматининг таъқибига учраган. 1875—81 йилларда муҳожирликда «Набат» журналининг нашр этган. 1. 70-йилларда, мас., *Лавровдан* фарқи ўлароқ, Россияда социал революция дарҳол, ҳозирча мамлакатда буржуа муносабатлар таркиб топмаган чоқда, амалга оширилмоғи лозим, чунки буржуача муносабатлар революцион ўзгаришни узоққа кечиктириб юбориши мумкин, деб фараз қилган. *Бакунин* сингари Т. ҳам рус халқини, аввало деҳқонларни уларда ҳали сақланиб қолган жамоа ер эғалигига кўра, «инстинктига кўра, анъанасига кўра» социалистлар деб ҳисоблаган. Аммо Т. нинг нуқтаи назарича, халқнинг революционлиги бошлича эскиликни вайрон қилишда намоён бўлади, яратувчилик вазифаларини эса «кучга, ҳокимиятга ва обрў-эътиборга» эга бўлган «революцион озчилик» ҳал қилади. Бинобарин, Т. социализмнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий идеалларини амалга оширишнинг зарур шарт (бунда ҳам у бакунинчилардан ажралиб, бланкизм позицияларига ўтган эди)—яхши уюшган революционерлар группаси («ҳаракат партияси») томонидан «давлат фитнаси воситаси билан» «снсий ҳокимиятни қўлга олиш»дан иборат деб ҳисобларди; унинг фикрича, бу «давлат фитнаси» якка террорни ва мавжуд давлатни издан чиқаришни назарда тутати, бу давлат Россияда гўё бирон синфнинг манфаатларини ифодаламас ва унинг мамлакат экономикасида илдизлари йўқ эмиш. Гарчи Т. тарихий материализмнинг баъзи қоидаларини эътироф этса-да (мас., у ижтимоий муносабатларда «иқти-

«одий турмуш»нинг белгиловчи роли («ақлдан фикр юритганда»), тарихга идеалистик, волюнтаристик қарашини «артараф қилолмаган» эди. Энгельс «Муҳожирлик адабиёти» асаридан (1874—75) Т. нинг социал-сиёсий ғояларини танқид қилган эди. Т. консерватив адабий-эстетик йўналишларга *механистик материализм* позицияларидан туриб қарши курашда ва материалистларча талқин қилинадиган *оэтицизм* нуқтаи назаридан рус диний-идеалистик философлари (*яңги славянофилларни, Соловьёвни* ва б.) танқид қилди. Асарлари: «Ижтимоий ўз-ўзини сақлаш қонуни» (1870), «Ҳо-зирги танқиднинг принциплари ва вазибалари» (1872), «Россияда революцион пропагандининг вазибалари» (1874), «Жаноб Фридрих Энгельсга «чиқ хат» (1874), «Набат» (1875), «Революция ва давлат» (1876), «Халқ ва революция» (1876) ва б.

ТОВАР ФЕТИШИЗМИ — қ. *Фетишизм*.

ТОЙНБИ Арпольд Жозеф (1889 й.л. туг.) — инглиз тарихчиси ва социологи. Унинг тарих философияси «ижтимоий тараққиёт тушунчасини «даврийлик назарияси» билан алмаштиради. Жаҳон тарихини у бир хилдаги фазалардан: туғилиш, ўсиш, емирилиш, бузиш ва ҳалок бўлиш фазаларидан ўтувчи «цивилизациялар» ёнғиндиси деб қарайди. Тарихнинг ҳаракатлантирувчи кучлари проблемасини қараб чиқар экан, Т. «худонинг каромати»ни тарихнинг мазмуни сифатида эътироф қилиш билан шахсларга, «ижодий индивидлар ёки ижодий озчилик»ка сизиниш орқали худонинг жамолини кўришга муяссар бўлиш умидини бирга қўшади. *Шпенглердан* фарқли ўлароқ, Т. *клерикализмни* жорий қилиш йўли билан «ғарб цивилизациясини» кўтқариб қолиш мумкинлигини исбот қилмоқчи бўлади. Асосий асари — «Тарих тадқиқоти» (10 т., 1934—1954).

ТОЛАНД Жон (1670—1722) — инглиз материалист философи. Ҳурфикрлик учун курашувчи. Т. француз маърифатчилари — Вольтер, Дидро, Гольбах, Гельвеций ва б. ларга катта

таъсир кўрсатди. Т. динни деистик танқид қилишдан иш бошлаб атеизм позицияларига ўтди: у руҳнинг ўлмаслигини, охиратда гуноҳ-савобнинг ажрим қилинишини, оламнинг яратилганини инкор этарди, «муқаддас» китобларнинг худодан келмаганлигини исбот қиларди, муъжизаларни инкор қиларди, диннинг ердаги шарт-шароитлардан келиб чиққанлигини тушунтиришга уринарди ва ҳ. к. Т. нинг «Сир-асрорсиз христианлик» деган китоби (1696) руҳонийларни ғазабга келтирди ва ўтга ташлаб куйдирилди, Т. ўзи қочиб қутулди. Т. нинг асосий хизмати унинг материя билан ҳаракатнинг бирлиги ҳақидаги таълимотидан иборат; ҳаракат — материянинг муҳим ва ажралмас хоссасидир. Ана шу нуқтаи назардан Т. *Спинозани* танқид қилди, чунки Спиноза ҳаракатни материяни асосий хоссаси ҳисобламас эди, шунингдек у ҳаракат манбани худода деб билган *Ньютон ва Декартни* ҳам танқид қилди. Т. нинг фикрича, материя абадий ва йўқ қилинмасдир, коинот бениҳоядир. Бироқ, Т. механистик материализм доирасида қолаверди: у тасо-дифни инкор этарди, тафаккурда нуқул мия моддасининг физик ҳаракатини кўрарди; материя ҳаракатини унинг сифат ўзгариши билан боғлаб қарамас эди. Ўз социал-сиёсий қарашларига кўра, Т. Англия буржуа-демократик доираларининг вакили эди. Т. нинг асосий асари — «Серенага мактублар»дир (1704).

ТОЛСТОЙ Лев Николаевич (1828—1910) — рус ёзувчиси ва мутафаккири. Т. нинг баъдий асарларида ва у 70-йилларнинг охирларидан актив ишлаб чиққан таълимотида асосан капитализмнинг зўр бериб ўсиши ва патриархал деҳқонларнинг хонавайрон бўлиш даври ўз аксини топди (1861 йилдан 1904 йилгача). Т. ўз асарларида «бутун биринчи рус революциясининг ўзига хос тарихий хусусиятларини, бу революциянинг кучини ва заиф томонини худди деҳқон буржуа революцияси» сифатида гавдалантирган (В. И. Ленин, 20-т., 22-б.), Т. ўз замонасининг воқелигига ҳам

деҳқонлар нуқтаи назаридан баҳо берган. Унинг қарашларидаги «мана-ман» деб турган зиддиятлар ана шундан келиб чиққан: у, бир томондан, капитализмни ва унинг меҳнат тақсиротини, расмий черковни аёвсиз танқид қилиб, буржуа-даврон давлатининг халққа қарши моҳиятини фош этса, иккинчи томондан, тақдирга тан беришни, «ёвузликка зўрлик билан қаршилиқ кўрсатмаслик»ни, диннинг нозиклаштирилган формасини тарғиб қилади. Т. нинг диний-фалсафий қарашларига (христианликдан ташқари) *конфуцийчилик* ва *буддизм*, шунингдек *Руссо*, *Шопенгауэр* ва славянофилларнинг идеялари таъсир кўрсатди. Т. нинг таълимоти асосида *этиқод* тушунчаси бўлиб, бу тушунчани у кўп жиҳатдан рационалистларча талқин қилади: *этиқод* — инсоннинг нималигини ва унинг ҳаётининг мазмунини нимадан иборат эканлигини билишдир. Т. инсон ҳаётининг мазмунини кишиларнинг бегоналашуви нибартираф қилиш, меҳр-муҳаббат асосида уларни бир-бири билан ва ўзида илоҳий руҳни англаш асосида худо билан эркин бирлаштиришдан иборат деб билади. Унинг нуқтаи назарича, шахсан ўз-ўзини такомиллаштириш орқали эришладиган, тарихий бузилишлардан «чинакам» халос қилинган Исо диний таълимотининг идеали шундан иборат. Т. нинг фикрича, давлат, хусусий мулк, черков, халққа ёт бўлган бугун ҳозирги замон цивилизацияси социал иллатларни туғдириб, бу идеални амалга оширишга тўсқинлик қилади; натижада у ҳар қандай давлатни (*анархизм*) ва умуман маданиятни инкор этишга келади, соддалашишга даъват этади, деҳқонлар меҳнати, жамоани идеаллаштиради; инсон фақат руҳан, ҳудога (эзгуликка, ёки мутлақ «кўзга кўринмас жаҳоний ибтидо»га) ибодат қилиш жиҳатдан эркиндир; тарихий процессни худо йўллаб туради (*провиденциализм*) ва у омманинг фаолияти орқали амалга оширилади; айрим шахс, ҳатто подшо ҳам тарихнинг қулдир. Шу тариқа Т. *фатализмга* келади. Эстетикага оид асарларида

(*Санъат нима?*, 1897—98, ва б.) у декантентликка ва расмий, «жаҳонлар» санъатига қарши чиқди. Т. санъатни, кишилар ўз ҳис-туйғуларини бир-бирларига беришлариغا восита бўладиган фаолият деб таърифлайди. Санъат кишиларни бирлаштирмоғи, халққа яқин бўлмоғи, унга ўз идеалларини амалга оширишга ёрдам бермоғи лозим. Лекин Т. инсониятнинг олий мақсадинин ер юзида «худо салтанати»нинг амалга ошиши деб билганлигидан, у санъатнинг раҳбар идеяси диний идея бўлмоғи лозим, деган ғайри илмий хулосага келади. Т. реакцион-утопик идеалларнинг воизи сифатида эмас, балки гениал реалист санъаткор сифатида, «Уруш ва тинчлик», «Анна Каренина», «Тирилиш» ва б. асарларнинг автори сифатида, социал тенгсизлик ва зулмга қарши омманинг норозилигини ифодаловчи гуманист мутафаккир сифатида буюқдир. В. И. Ленин ва б. марксистлар Т. нинг ижодига ҳар томонлама илмий баҳо бердилар. Т. нинг асосий фалсафий-диний асарлари: «Догматик илоҳиёт талқиқоти» (1880), «Гавбатазарру» (1880—82), «Менинг этиқодим нимада?» (1883), «Ичимиздаги илоҳий салтанат» (1891), «Ҳаёт йўли» (1910).

ТОМИЗМ — католик философиясида етакчи йўналиш, унга *Фома Аквинский* асос солган. Т. доминикан монахлар ордени (тариқати)нинг турли мактабларида энг кўп *этироф* этилган. Урта асрларда франциск католик монахлар ордени (тариқати) теварагида тўпланган *Дунс Скотт* мухлислари Т. га қарши чиқдилар. *Уйғониш* даврида италиялик доминиканчи *Фома де Вио* (Казтанус) Т. нинг энг машҳур давомчисидир. Илк буржуа революциялари, Реформация, улар натижасида католик черковининг ўз ҳукмронлигидан маҳрум бўлиши Т. нинг испан иезуити *Суарез* системасида бир қадар янгилашишга олиб келди. Т. нинг кейинги қайтабунёдга келиши 19-асрнинг ўрталарида бошланади (*неотомизм*) — Штёкель, Бёмкер (Германия), де Вульф, Мерсье (Франция), Ньюмен

(Англия), Либераторе (Италия) ва б. Ҳозирги замон Т. нининг асосий тенденцияси — энг янги табиёт илмини теологияг тарзда сохталаштиришдан, Фома Аквинский системасини Кант, Гегель ва ҳозирги замон буржуа философлари (Гуссерль, Хайдеггер, Н. Гартман ва б.) фалсафий идеялари билан «синтезлаштириш»га уринишдан иборат.

ТОРО Генри Дэвид (1817—62) — америка идеалист философи ва ёзувчиси; Эмерсон бошчилик қилган **трансценденталистлар** тўғарагининг аъсоси бўлган. Т. нининг қарашлари Европа романтиклари (айниқса Карлейль) ва Руссо таъсири остида таркиб топди. Т. капитализмнинг эксплуататорлик моҳиятини ва унинг маданиятини майда буржуа нуқтан назаридан танқид қилган. «Бир синфнинг зеб-зийнати иккинчи синфнинг қашшоқлиги ҳисобига кўпаймоқда. Бир томонда қаср-саройлар, иккинчи томонда қашшоқлар учун кулбаи вайроналар...» — деб ёзган эди Т. ўзининг «Уолден, ёки ўрмонлардаги ҳаёт» деган асосий асарига (1854). Т. нининг фикрича, ҳар қандай давлат «ақли заифликка мубталодир» ва офатдир; АҚШ давлати тўғрисида: «У билан ҳамкорлик қилиш кишини шармандаю шармисор қилади» — дер эди у. Мутафаккирнинг индивидуалистик социал-ахлоқий идеали — эркин, жамиятдан мустақил шахс унинг буржуа тузумига салбий муносабатининг натижаси эди. Т. нининг фалсафий қарашларига мистицизм таъсири кўриниб турарди: табиат қонунилари билан жаҳон ақли (ахлоқий тартиб ҳам кўшилган ҳолда) бир-биринга мос бўлиб тушади. Билишнинг мақсади — ҳақиқатдир, бу ҳақиқатга биз теварак-атрофимиздаги илоҳий реаллик, яъни табиатга кира бориш орқали эришамиз. Т. АҚШда қўлликка қарши курашди; Жон Брауннинг негрларни ёқлаб чиқишини у «олижаноб жасорат» деб атаган эди.

ТОРТИЛИШ (гравитация) — физик ўзаро таъсирининг бир тури, бу тур икки жисмнинг бир-биринга тортилишида ифодаланади. Биринчи мар-

та **Ньютон** ифодалаб берган Т. қонунига мувофиқ, жисмлар уларнинг массасига тўғри пропорционал ва улар орасидаги масофа квадратига тескари пропорционал куч билан тортиладилар. **Эйнштейн** назариясида Т. га янада чуқурроқ изоҳ берилди. Т. нининг табиатини ўрганишдан яқинга таъсир қилиш ва узоққа таъсир қилиш проблемаси юзага келди ва бу проблема кўпдан-кўп фалсафий мунозараларни келтириб чиқарди (**Нисбий назария**).

ТОТЕМИЗМ («ототеман» сўзидан олинган, бу сўз Шимолий Америка ҳиндуларининг оғибве қабилиси тилида «унинг уруғи» демакдир) — ибтидоий жамият динининг илк формаларидан бири. Бу терминни биринчи марта Ж. Лонг ишлатган (18- асрнинг охири). Т. даги асосий нарса — муайян турдаги ҳайвонлар, ўсимликлар, буюм ёки ҳодиса билан бирон гурӯпадаги кишиларнинг умумий келиб чиқишига ва қон-қариндошлигига ишонилдир. Т. нининг пайдо бўлиши ибтидоий тарздаги хўжалик (овчилик, йиғувчилик) ва жамиятда қон-қариндошлиқдан бошқа алоқаларни билмаслик билан боғлиқдир. Аждод-ҳайвон, унинг сурати ёки симболи, шунингдек кишилар гурӯпаси тотем деб аталади. Тотем кишиларнинг қудратли ҳимоячиси бўлиб, уларни озиқ-овқат билан таъминлаб туради. Т. Австралия, Шимолий ва Жанубий Америка, Меланезия, Полинезия, Африка қабилалари орасида тарқалган. Т. нининг сарқитлари ривожланган динларда сақланиб қолган (диндорлар худони ота деб билиши; ҳалол ва ҳаром ҳайвонлар; причастие диний маросимида худонинг жисмининг таом тотиши; Т. фольклорда одамларнинг жониворлар билан турмуш қуриши ва қавм-қариндош бўлиши ҳақидаги эртакларда кўринади).

ТРАГИҚЛИК (грек. tragoidia — трагедия, келиб чиқиши жиҳатидан худо Дионисга сифинишга боғлиқдир) — фойжавийлик-эстетика категорияси, бу категория **эркинлик ва зарурият** диалектикасини, ижтимоий таъриқият, шахс билан жамият зиддият-

ларини, *гўзаллик* билан *хунукликнинг* курашини ифодалайди. Т. да тарихан зарур талаб билан бу талабни амалий рўёбга чиқариш имкониётининг йўқлиги ўртасидаги айни босқичда ҳал қилиб бўлмайдиган зиддиятлар намоён бўлади. Т. нинг моҳиятини, инсоннинг *ноиллож аҳволда қолиши*, деб идеалистларча талқин қилишга қарама-қарши ўлароқ, марксистик эстетика трагик воқеаларнинг асосий сабабини қарама-қарши социал кучларнинг ижтимоий тараққиёт қонунлари тақозоси билан келиб чиққан тўқнашумида деб билади. Маркс ва Энгельс умри тугаган эски тартибларга қарши чиққан ва айни шароитда ғалаба қозонишга қурби етмайдиган янги прогрессив кучларнинг трагик характери билан тарихан ўз умрини тугатган ва лекин ҳали ўз имкониётларини буткул тамомига етказмаган синфнинг саҳнадан трагик кетишини фарқ қилиб қарардилар. Эски ижтимоий тартибларнинг айрим вакиллари ўз синфининг ўлимга маҳкумлигини англаган ва лекин у билан алоқани узиб, истиқбол эгаси бўлган янги синф позицияларига ўтолмаган тақдирда ҳам трагик вазият юз беради. Трагик зиддиятлар оғир азоб-уқубат чекишга ва кўпинча қаҳрамоннинг ҳалок бўлишига олиб келади. Лекин бу воқеалар кишиларнинг қалбида фақат қайғу-аламни эмас, балки эстетик кечинмани ҳам (*катарсис*) тўғдиради ва бу кечинма инсоннинг ҳис-туйғусига ва онга мусаффо қилувчи таъсир кўрсатади, унда қабих ҳодисаларга қарши нафратни кучайтиради, ирода ва мардликни чиниқтиради. Т. нинг парадокси ҳам ана шундан иборат. Социалистик революция ва янги жамяят қуриш даври янги типдаги трагик зиддиятлар ва конфликтларни тўғдирадики, бу даврнинг қаҳрамонлари революцион оптимистик эътиқод билан, курашнинг мақсадларини англаб олиш, коммунизм идеалларининг тантанасига, халқнинг кучига ишониш ва энг оғир синовларга ва ҳаттоки коммунизмнинг ғалабаси йўлида жон фидо қилишга тайёр туриш билан ажралиб туради. Т. эстетик идеални ифо-

далаш ва тасдиқ этиши билан бирга *гўзалликнинг*, *юксакликнинг* намоён бўлиш формасидир. Т. ни санъатда гавдалантиришининг ўзига хос формаси трагедиядир (*Шекспирнинг «Гамлет»и*, Пушкиннинг «Борис Годунов»и, Вс. Вишневскийнинг «Оптимистик трагедия» («Ҳаётбахш ўлим») пьесаси ва б.).

ТРАДУКЦИЯ (лат. *traductio* — силжиш) — билвосита *хулоса чиқариш* тури, унда асослар билан хулоса бир хилдаги умумийлик даражасининг ҳукмлари ҳисобланади. Аналогия традуктив хулоса чиқаришдир. Асослари ва хулосасининг характерига қараб Т. уч типдан иборат бўлиши мумкин: 1) айримликдан айримликка қараб хулоса чиқариш, 2) хусусийликдан хусусийликка қараб хулоса чиқариш, 3) умумийликдан умумийликка қараб хулоса чиқариш.

ТРАНСФОРМИЗМ (лат. *transformare* — ўзгартиш) — ўсимлик ва ҳайвон организмларининг ўзгариши ҳақидаги тасаввур. Аммо Т. органик оламнинг ривожланишидаги ирсият ва илгарилаб бориш характерини эътироф эмас эди. Баъзан «Т.» термини *эволюцион таълимот* сифатида ишлатилади.

ТРАНСЦЕНДЕНТ (лат. *transcendere* — чегарадан чиқмоқ) — *имманентга* қарама-қарши ўлароқ, онг ва билиш чегараларидан ташқаридаги нарсани билдирувчи термин. Бу термин Кант философиясида муҳим аҳамиятга эгадир, чулки Кант, инсоннинг билиши трансцендент оламга, «*нарсалар ўзида*» оламга киришга қодир эмас, деб ҳисобларди. Иккинчи томондан, Кантнинг фикрича, инсоннинг хатти-ҳаракати Т. нормалари (ирода эркинлиги, руҳнинг ўлмаслиги, худонинг ундови) билан бажарилади.

ТРАНСЦЕНДЕНТАЛ (лат. *transcendere* — чегарадан чиқмоқ) — *схоластикада* гайри категорияликни билдиради. Борлиқнинг Т. таърифлари ёки трансценденталлар *схоластик философиянинг* традицион категорияларидан (форма ва материя, амал ва потенция ва б.) кенгроқдир (*ҳажм жиҳатдан*), улар борлиқнинг ялли

умумий, ғайри ҳиссий хоссаларини ифодалайди ва бу хоссалар интуитив равишда, ҳар қандай тажрибадан олдин билиб олинади. Схоластикага кўра, уч асосий трансценденталия (уларнинг ҳаммаси олтита) қуйидагиларни билдиради: бирлики — борлиқнинг ўз-ўзига муносабатини, ёки борлиқнинг айниятини; ҳақиқатини — борлиқни бениҳоя руҳ билан таққослашни, ёки илоҳий ақлда борлиқни пайқаб олишни; эзулики — борлиқни бениҳоя ирода билан таққослашни, ёки борлиқнинг илоҳий ирода тақдоси билан вужудга келган мақсадга мувофиқлигини. Трансценденталияларни биринчи бўлиб Александр Галльский (францискан схоласти, 12—13-асрлар реалисти), Буок Альберт ва Фома Аквинский тилга оладилар. «Т.» термини кейинроқ, фақат 16-асрда ишлатила бошлайди. Трансценденталиялар ҳақидаги таълимотнинг шаклланиши, унинг схоластик метафизиканинг мағзи деб таърифланиши ҳам анча кейинги даврга (16—17-асрлар) оиддир. Янги замонда трансценденталиялар ҳақидаги таълимот номинализм позицияларидан туриб танқид қилинди. Бу таълимотни Спиноза билан Гоббс «ғўл» ва «сбемань» деб, Кант «пуч» ва «тавтологик» таълимот деб атаган эдилар. Т. кантча маънода фақат билиш бўлиши мумкинки, бу билиш фақат предметлар билангина эмас, балки предметларни априор билиш усули билан ҳам шуғулланади. Кантнинг фикрича, ақл билан пайқаладиган борлиқ, ёки «нарсалар ўзида»нинг трансцендент олами тажрибавий билиш чегараларининг нариги томонида ётади ва шу сабабли у трансцендентал (мантиқий) таърифларда ифодаланмайди. Ҳозирги замон схоластлари трансценденталиялар ҳақидаги таълимотнинг тажрибадан, хусусий фанлардан мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилар эканлар, шу билан метафизиканинг, теология ҳақиқатларини фалсафий асослашнинг «мустаҳкам қимматини» исботлашга уринадилар. Узининг объектив мазмунига кўра, трансцендентал таърифлар ҳа-

қидаги таълимот борлиқнинг соф ақл сотиш йўли билан пайқаладиган, таъмомига етган назариясини яратнига уринишдан иборат. Марксистик философияда «Т.» термини ишлатилмайди.

ТРАНСЦЕНДЕНТАЛ АППЕРЦЕПЦИЯ — Кант термини, бу термин априор, яъни ҳар қандай тажрибадан илгари мавжуд бўлган дастлабки, соф ва ўзгармас онгни билдиради, бу онг гўё undan ўз формалари ва қонуналарини оладиган ҳодисалар олами бирлигининг шарт бўлиб хизмат қилар эмиш. Кантнинг фикрича, Т. а. нинг бирлиги — инсон тасаввурлари, уларнинг сақланиши ва қайта ҳосил қилиниши ўзaro алоқасининг шартидир. Кант «Мен»нинг айниятини, яъни ҳар қандай тасаввурга «Мен фикрлайман» тезиси кириши фактини мазкур бирлиқнинг асоси ҳисобларди. Фикр кантчиликнинг ана шу идеалистик моментиға таяниб, ўз субъектив идеализми системасини яратди.

ТРАНСЦЕНДЕНТАЛ ИДЕАЛИЗМ — Кант ва унинг давомчилари ривожлантирган фалсафий идеализмнинг алоҳида бир тури. Бу термин латинча *francsentalis* сўзидан келиб чиққан, схоластик философияда фикр қилинувчи барча категориялар ва жинслардан устун турувчи тушунчалар шу термин билан ифодаланган. Кантнинг фикрича, undan бурун ўтган бутун идеализм борлиқ ҳақидаги таълимотни «догматикларча», яъни мутлақ ялпи умумий ва мутлақ зарур ҳақиқатларнинг шарт-шароитини ва имкониятининг ўзини дастлаб тадқиқ қилиб кўрмасдан ривожлантирган. Кантнинг тахминича, назарий философия («метафизика») фанда (математика, табиёт) бундай ҳақиқатлар қандай бўлиши мумкинлигини ва улар философияда бўлиши мумкинми эканлигини тушунтириб бермоғи лозим. Унинг фикрича, трансцендентал (у ҳам «танқидий» идеализм) шу билан изоҳланади ва ана шунга бағишланади; бу идеализмда гўё мазкур ҳақиқатларнинг мумкинлиги шарт — априор онг формаларидан иборат эканлиги исбот қилинар эмиш ва бу формаларни тажриба ичида ҳам, ун-

дан ташқарида ҳам татбиқ этиш мумкинлиги масаласи текширилди эмиш. Шу тушунчага мувофиқ Кантнинг «Соф ақлни танқид» асаридagi бир қанча назариялар «трансцендентал» назариялар номини олган (мас., «трансцендентал эстетика», «трансцендентал логика»).

ТРАНСЦЕНДЕНТАЛИСТЛАР —

АҚШдаги бир группа идеалист филозофлар ва ёзувчилар, улар 1836 йилда Трансцендентал клуб ташкил этишган. Т. «Циферблат» журналинини нашр этганлар (1841—44). Бу группага *Эмерсон*, *Ж. Рипли* (1802—80), *Т. Паркер* (1810—60), *М. Фуллер* (1810—50), *Торо* ва б. кирганлар. Гарчи бу группанинг вакиллари ўзларини Т. деб атаб, шу билан *сенсуализмга* салбий муносабатларини, *Кант* ва *Фихте*, *Якоби* ва *Шлейермахер* философияси билан алоқадор эканликларини таъкидлаган бўлсаларда, уларнинг дунёқарашига *Платон*, инглиз «қўл мактаби» романтик шоирлари (*С. Кольриж*, *У Вордсворт*), *Карлейль* ва *Руссонинг* идеялари жуда кучли таъсир кўрсатган. Клубга асосан майда буржуа зиёлилари кирган. Улар романтизм ва майда буржуа демократизми нуқтаназаридан капитализмнинг ваҳшиёна шафқатсизлигини танқид қилар, ўз ўзини ахлоқий камол топтиришга, табиат билан яқинлашишга даъват этардилар. Т. нинг кўпчилиги АҚШда қўлиққа қарши чиққан эди. 1841 йилда *Ж. Рипли* ёзувчи Н. Готорн ва бошқалар билан биргаликда Бостон яқинида *Брук Фарм* фермеристик колониясини (манзилини) ташкил этди (бу колония 1847 йилгача яшаб турди).

ТРАНСЦЕНЗУС—субъективликдан объективликка ўтиш, онг соҳасидан объектив олам соҳасига чиқиш; бу чиқиш субъектив идеалистлар ва агностиклар таъқиқлаб ёки чеклаб қўйдиган инсон практикаси давомида амалга ошади. *Кантнинг* фикрича, Т. билим учун эмас, балки фақат эътиқод учун жоиздир. *Юм* Т. ни умуман инкор этарди. *В. И. Ленин* қайд этиб кўрсатганидек, ҳодиса билан «нарс

ўзида» ўртасидаги принципиал чегарани кўрсатиш деб тушуниладиган «Т.» идеяси — агностикларнинг беъмаъни идеяси дур.

ТРЕНДЕЛЕНБУРГ Адольф (1802—72)—немец метафизик филозофи, Берлин ун-тетининг профессори, антигегелчи. Унинг *Гегелни* танқид қилишининг рационал мағзи Гегель ўз категорияларини хулоса қилиб чиқарганида ташқи олам тушунчасидан яширинча фойдаланганлигини, шунинг натижасидагина бу категорияларни, моддий оламдан ажратилган ҳолда, сохта мустақил категориялар деб қараш мумкинлигини кўрсатишга интилишдан иборат эди. Лекин Т. соф идеалистик тушунишда диалектик ўтишларнинг ҳаёлий эканлигини кўрсатаман деб ўзини принципиал антидиалектик сифатида намоён этди. Аслида эса у эклектик, телеология мухлисидир. Т. Аристотель таълимотидан яхши хабардор йирик олим ва таржимон эди. Т. нинг асосий асари—«Манتيкий тадқиқотлар»дир (1840).

ТРИАДА (грек. trias — учов, учлик)—тараққиётнинг уч топқирлиги, уч босқичлиги. «Т.» тушунчасини биринчи бўлиб *Платон* ва *неоплатониклар* (жумладан, *Прокл*) ишлатган, у немиц классик философиясида, хусусан *Гегелда* кенг ривож топган. Гегелнинг фикрича, тараққиётнинг ҳар қандай процесси уч босқични: тезис, антитезис ва синтез босқичларини босиб ўтади. Келгуси ҳар бир босқич олдинги босқични инкор этиб, унинг қарама-қаршичилигига айланади, синтез эса фақат антитезисни рад этиб қолмасдан, балки тараққиётнинг ҳар иккала олдинги босқичларининг баъзи хусусиятларини ўзида янгича равшантиради ҳам. Синтез, ўз навбатида, янги Т. нинг бошланишидир ва ҳ. к. Т. да тараққиётнинг хусусиятларидан бири шунда акс этадики, қилинган тажриба асосида янгидан дастлабки бошланғич нуқтага, лекин янада юқорироқ босқичга эришилади. Гегель Т. ни абсолютлаштирди ва ўзининг айтганларига хилофан, уни воқеликка сунъий равишда тикиштирилган схемага, фалсафий система

тузишнинг формал усулига, тушунчанинг уч погонали тараққиёт схемасига айлантирди. Марксистик философия Т. нинг рационал мазмунидан тараққиёт процессини тавсифлаш учун фойдаланди (*Инокори инкор қонуни*).

ТРОПЛАР (грек. *tropos* — иборалар, ифода усуллари) — бу принциплар ёрдами билан антик *скептицизм* вакиллари мавжуд нарсани объектив билиш мумкин эмаслигини таърифлаб берганлар. Т. ни энг кўп ва энг изчил тарзда *Энесидем* ифодалаб берган. Дастлабки тўрт Т. унда инсондаги ҳиссий идрокнинг ўткинчилиги, помуйайинлиги ва эиддиятлиги асосида нарсаларни билиш мумкинлигини инкор қилади. Бошқа тўрт Т. объектнинг ҳолатидан келиб чиқади. Тўққизинчи Т. барча саккиз Т. нинг умумлашмасидир, чунки у идрок этувчи билан идрок этилувчи нарсалар ўртасида бениҳоя хилма-хил муносабат борлиги муносабати билан идрокнинг нисбийлигини талқин қилади. Юқорида кўрсатилган тўққиз Т. га қўшилмайдиган ўнинчи Т. да кишиларнинг фикрлари, кайфиятлари, амалий ишлари, ниятлари ва ҳ. к. хилма-хил бўлиши (мас., баъзи кишиларнинг қонунлари бир хил, бошқа кишиларнинг қонунлари бошқачадир; баъзилари руҳнинг ўлмаслиги тўғрисида таълим берсалар, бошқалари унинг ўлиши тўғрисида таълим берадилар ва ҳ. к.) муносабати билан объектив билиш мумкин эмаслиги ҳақида сўз юритилади. Ҳамма Т. нинг ёлгонлиги кўйндагилардан иборат: объектларни билишнинг нисбийлиги ҳақида сўзламоқ учун бу объектларнинг мустақил ва ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжудлиги ҳақида тасаввурга эга бўлмоқ керак, яъни агар скептик мустақил ва ҳеч нимага боғлиқ бўлмаган мавжуд объект нималигини билмаса, у вақтда у мазкур объектларни билишнинг нисбийлигини исбот ҳам қилолмайди ва ҳатто уларнинг мавжудлигини ҳам билатмайди.

ТРУБЕЦКОЙ Сергей Николаевич (1862—1905) — рус идеалист философи. Москва ун-тетини тамомлаган (1885), кейин у ерда муаллимлик қил-

ган. 1900—05 йилларда «Философия ва психология масалалари» журнаliga редакторлик қилган. 1905 йилда Москва ун-тетининг ректори қилиб сайланган. Т. нинг дунёқараши немис классик философиясининг таъсири, шунингдек *Киреевский*, *Хомяков* ва *Соловьев* қарашлари остида таркиб толган. Т. нинг фикрича, ҳақиқий дунёқарашни фақат «ягона конкрет борлиқ сифатида» тушуниладиган абсолют асосидагина қуриш мумкин. Бу идеявий борлиқ ўзини автоном мавжудот сифатида ҳам, эмпирик нарсаларнинг бутун хилма-хиллигини (абсолют ибтидо томонларининг мураккаб ўзаро муносабати орқали) тугдирадиган «ҳис этувчи, фикрловчи, иродаловчи» субъект сифатида ҳам очиб кўрсатади. Макон, замон, Т. нинг фикрича, — худога жойлашган қандайдир олайий руҳнинг ҳиссиёт формасидир. Воқеликнинг моддий ва идеявий объектларини билиш эмпирик (илмий) ва ақл югуртириш (фалсафий) формаларда боради. Билимнинг манбаи эътиқоддир ҳам, чунки эътиқод — таъриба ва ақл югуртиришнинг шартидир. Эътиқод орқали инсон идеявий мавжудотни идрок этади ва унинг объективлигини аниқлайди. Т. нинг фикрича, таъриба, ақл ва эътиқод оламнинг конкрет, яхлит манзарасини намоён қилади. Т. нинг (эмпиризм, рационализм ва мистицизми келиштиришга интилувчи) «конкрет идеализми «чексиз муҳаббат» сифатида худони тан олиш ва черков жамоати, яъни кишиларни одам қиёфали худо черков организмда» бирлаштириш идеяси билан боғлиқдир. Муътадил либерал бўлганлигидан, Т. вакилик муассасалари бўлишини, ун-тетларга мустақиллик берилишини ёқлаб чиқарди, лекин у собитқадам монархистлигича, социализмга ва революцион кураш методларига душманлигича қолган эди. Асосий асарлари: «Инсон онгининг табиати ҳақида» (1890), «Идеализм асослари» (1896), «Логос ва унинг тарихи ҳақидаги таълимот» (1900). Т. антик философия тарихига доир бир қанча асарлар ҳам ёзган.

ТУР ВА ЖИНС (логикада)— тушунчаларнинг туркумлари (жумладан, ҳажмлари) ўртасидаги муносабатларни ифодаловчи категориялар. А. туркумидаги предметлар, башарти улар А предметлари учун умумий бўлган ҳамма хоссаларга эга бўлсалар ва шу билан бирга баъзи ўзига хос хусусиятларга (уларни бошқа ҳамма А предметларидан фарқ қилдирадиган хусусиятларга) эга бўлсалар, А туркумидаги предметларнинг Т. ни ташкил этадилар; А предметлари бундай ҳолда Б предметлари учун Ж. ни ташкил этади. А ва Б туркумларидаги предметларни умумлаштирувчи тушунчалар бир-бирига нисбатан тегининча жинсдош ва турдош тушунчалар деб аталади. Мас., ҳайвонлар — организмларга нисбатан Т. дир; организмлар — ҳайвонлар учун Ж. дир. Ж. туркум предметларида умумийроқ бир нарсадан иборат бўлиб, Т. ана шу умумийлик доирасидан алоҳида (ўзига хос) бир нарсадир; Ж. ва Т. ни характерловчи белгилар — абстракциялардан иборат бўлиб, фақат айрим предметлардагина мавжуд бўлади.

ТУРКУМ логикада— бирон бир белгисига қараб ажратилган предметларнинг яхлит ҳолда фикр қилинган ниҳояли ёки ниҳоясиз мажмуи. Т. ни ташкил этувчи предметлар унинг элементлари деб аталади. Т. нинг элементлари фақат индивидлардан эмас, балки Т. ларнинг ўзларидан ҳам иборат бўлиши мумкин, Т. нинг турли типлари ҳақида сўз юритилишнинг сабаби ҳам шудир. Т. нинг умумий тушунчаси элементларнинг табиати ва тартибидан мавҳумлашган ҳолда пайдо бўлади. Индивидуал Т. лар одатда унинг барча элементлари га муштарак бўлган хоссаларга асосланиб белгиланади. Бу ҳол Т. тушунчасига бир ўринли пропозиционал функция ёки бир ўринли *предикат* тушунчасини элемент айти Т. га тааллуқли бўлмоғи учун ва мазкур элемент худди шу Т. ни ажратишга асос бўлган хоссага эга бўлмоғи учун, заруран ва етарли даражада мувофиқлаштириб қўйиш имкониятини беради.

Т. ларни, уларнинг хоссаларини систематик қараб чиқиш ва логикада улар устида операциялар ўтказиши *туркумлар назариясида* кўрсатилади.

ТУРКУМЛАШ (лат. *clasis* — даража ва *facere* — қилмоқ)— туркумлашиш тушунча ҳажмини бўлиш мантиқий операциясини татбиқ этишнинг алоҳида бир ҳолати бўлиб, бу ҳолат бўлинишларнинг (бирон туркумнинг турларга бўлиниши, бу турларнинг бўлиниши ва ҳ. к.) бирор тарздаги мажмуидан иборатдир. Т. бирон-бир фанда ёки амалий фаолият соҳасида доимий фойдаланиш учун мўлжалланган (мас., ҳайвонлар ва ўсимликлар Т. и, ижтимоий-иқтисодий формациялар ёки китобхонадаги китоблар Т. и). Одатда Т. да бўлиш учун муайян предметларга хос бўлган муҳим белгилар асос қилиб олинади. Бу ҳолда Т. (табиий деб аталадиган Т.) предметлар ўртасидаги муҳим ўхшашликлар ва тафовутларни очиб беради ва билувчилик аҳамиятига эга бўлади. Бошқа ҳолларда, Т. нинг мақсади фақат предметларни система-лаштиришдан иборат бўлган чоқда, шу мақсад учун қулай бўлган ва лекин предметларнинг ўзлари учун муҳим бўлмаган (мас., алфавит каталоглари) белгилар асос қилиб олинади. Бундай Т. лар сувий деб аталади. Турлар ўртасидаги алоқа, тараққиёт процессида бир турдан иккинчи турга ўтиш қонуниларини билишга асосланган Т. лар энг қиматлидир (мас., химиявий элементларнинг Менделеев яратган Т. и. ана шундай). Ҳар қандай Т. турлар ўртасидаги ҳақиқий чегараларни бир қадар дағаллаштириш натижасидир, чунки бу чегаралар ҳамisha шартли ва нисбийдир. Билимларнинг ривожланиши билан Т. ҳам аниқланиб ва ўзгариб боради.

ТУШУНЧА — оламнинг тафаккурда инъикос этиш формаларидан бири бўлиб, бу форма ёрдами билан ҳодисаларнинг, процессларнинг моҳияти билиб олинади, уларнинг муҳим томонлари ва белгилари умумлаштирилади. Т. — тарихан ривожланувчи билиш маҳсулидир, бу билиш қўйи поғонадан юқори поғонага кўтарила бо-

риб, практика асосида қўлга киритилган натижаларни тобора чуқурроқ Т. ларда яқунлайди, эски Т. ларни мукаммалаштиради, аниқлаштиради ва янгиларини шакллантиради. Шу сабабли Т. лар статик, узил-кесил, абсолют бўлмасдан, балки ривожланиш, ўзгариш ҳолатида бўлиб, воқеликни адекват акс эттириш томонига тараққий қилиб боради. Т. бирон хилдаги тил формаларида қайд этилади ва тилининг тегишли ифодаларининг мазмунини ташкил этади (*Маъно ва мазмун*). Т. нинг асосий мантиқий функцияси — муайян белгиларга қараб, практикада ва билишда бизни қизиқтирувчи предметларни фикран ажратишдан иборат. Ана шу функция туйфайли Т. сўзларни муайян предметлар билан боғлайди, бу эса сўзларнинг аниқ маъносини топишга ва тафаккур процессида улар билан иш қўришга имкон беради. Предметларнинг туркумларини ажратиш ва бу предметларни Т. да умумлаштириш — табиат қонуларини билишнинг зарур шартидир. Ҳар бир фан муайян Т. лар билан иш қўради, уларда фан томонидан жамгарилаетган билимлар жамланади. Т. ларнинг ўзи, В. И. Ленин тавсифига кўра, миянинг олий маҳсулидан, материянинг олий маҳсулидан иборат (қ. 29-т., 149-б.). Т. нинг тузилиши, инъикоснинг ҳиссий формаларидан унга ўтиш — мураккаб процесс бўлиб, унда билишнинг таққослаш, анализ ва синтез, абстрактлаштириш, идеаллаштириш, умумлаштириш каби усуллари ҳамда хулоса чиқаришнинг озми-кўпми мураккаб формаси татиқ этилади. Шу билан бирга фан Т. лари кўпинча аввалида фақат у ёки бошқа объектларнинг мавжудлиги ҳақидаги ва уларнинг табииати ҳақидаги гипотек фаразлар асосида тузилади (мас., атом Т. си шу тариқа пайдо бўлди). Тараққиёт қонуларини, тенденцияларини билиш асосида баъзи предметлар ҳақидаги Т. бу предметларнинг ўзлари пайдо бўлмасдан илгари тузилиши мумкин (коммунизм ҳақидаги Т.). Шундай қилиб, Т. нинг тузилишида тафаккурнинг активлиги ва ижодий характери

юз беради, тўғри, шуниси ҳам борки, тузилган Т. лардан фойдаланишдаги муваффақият тамомила объектив реалликнинг уларда нечоғлиқ аниқ акс этишига боғлиқдир. Ҳар қандай Т. абстракциядан иборатдир, бу ҳол Т. да воқеликдан узоқлашгандай бир кўринишни пайдо қилади. Ҳақиқатда эса Т. ёрдамида воқеликни унинг муҳим томонларини ажратиб, татқиқ қилиш йўли билан чуқурроқ билиб олинади. Бунинг устига айрим Т. ларда нотўлиқ акс эттирилдиган конкрет Т. унинг турли томонларини акс эттирувчи Т. ларнинг мажмуи воситаси билан бирон-бир тўлиқлик даражасида такрор ҳосил қилиниши мумкин. Ҳар қандай илмий Т. лар, воқеликнинг инъикоси бўлганлигидан, ўзлари умумлаштирган предметлар ва процесслар каби жуда ҳаракатчан ва ихчамдирлар. Лениннинг ифодаси билан айтганда, Т. лар «оламиң қамраб олмоқ учун силлиқланган, буталган, ихчам, ҳаракатчан, релятив, ўзаро алоқадор, қарама-қаршиликлар бирлигида бўлмоғи лозим», (29-т. 131-б.). Т. ларнинг ихчамлиги, ҳаракатчанлиги, ўзаро алоқадорлиги ва бир-бирига ўтиб туриши ҳақидаги қоида — диалектик логиканинг Т. ҳақидаги таълимотининг энг муҳим томонларидан биридир. Гарчи Т. да фақат умумий нарса ажратиб кўрсатилса-да, лекин бундан, у айрим ва хусусий нарсага қарама-қаршидир, деган маъно чиқмайди. Умумийликнинг ўзи айримликда мавжуддир. Умумийлик сифат жиҳатдан ўзига хос айрим предметларнинг асосини ташкил этиши сабабли, уни билиш айримликни ва хусусийликни тушунтириб бериш имкониятини туғдиради. Фақат туркумнинг умумий Т. си асосида предметларнинг алоҳида гуруҳларини (турларини) ҳамда мазкур туркумдаги айрим предметларни ажратиб олиш ва билиш мумкин бўлади. Т. га диалектик-материалистик нуқтан назардан қараш ҳозирги замондаги бутун фаннинг ривожланиши билан тасдиқланмоқда ва бу қараш илмий билишнинг методи бўлиб хизмат қилмоқда.

ТУШУНЧАНИНГ ҲАЖМИ ВА МАЗМУНИ — тушунчанинг ўзаро алоқадор икки томони. *Ҳажм* — тушунчада умумлаштирилган предметлар туркуми; мазмун — белгиларнинг (одатда муҳим белгиларнинг) мажмуи бўлиб, муайян тушунчада предметлар шу белгиларга қараб умумлаштирилади ва ажратилади. Тушунча мазмунининг таърифи муайян туркум предметларидаги айниятни (умумийликни) очиб беради. Ҳажмнинг характеристикаси, яъни ундаги элементларнинг (мазмунни ташкил этувчи белгиларнинг ҳомиллари бўлмиш предметларнинг) ва қисмларнинг (муайян туркумнинг турлари ва туркумчаларининг) бир-биридан фарқ қилиниши аини туркум доирасидаги тафовутларни очиб кўрсатади. Мазмун билан ҳажм ўртасида алоқа мавжуд бўлиб, бу алоқа формал логикада қайтарма муносабат қонуни билан ифодаланади.

ТУҒМА ИДЕЯЛАР — тушунчалар ва қондалар бўлиб, бу тушунча ва қондалар, идеалистик гносеологиянинг тасаввурига кўра, гўё инсон тафаккурига азалдан хосдир ва тажрибага боғлиқ эмасдир. Математика ва логика аксиомаларини, бошланғич фалсафий принципларни Т. и. га киритар эдилар. Т. и. тўғрисидаги таълимнинг отаси *Платон* эди. Баъзи философларнинг фикрича, Т. и. ни худо ато қилган (*Декарт*); бонқалари эса, Т. и. ақлнинг майиллари ёки қобилияти бўлиб, ҳиссий тажриба уларнинг ривожланишига кўмаклашади, деб ҳисоблайдилар (*Лейбниц*). *Бевосита билим* тўғрисидаги рационалистик назарияларда (интеллектуал интуиция назарияларида), баъзи қондалар бизнинг ақлимизга азалдан туғма қилиб берилган эмас, балки улар ақлий ишда мантиқий хулосаларсиз ва исботларсиз, ҳақиқатларни бевосита назардан ўтказиш йўли билан пайқалади, деб этгирוף қилинарди (*Интуиция*). Т. и. назариялари билан интеллектуал интуиция назариялари ўртасидаги мазкур тафовутга қарамай, априоризм элементлари уларнинг ҳар иккаласига ҳам хосдир, яъни уларнинг

ҳар иккаласи ҳам тажрибадан олдин ўтган ва унга боғлиқ бўлмаган билимларнинг мавжудлигини этгирוף қилади. *Кант* Т. и. назарияларини рад қилишига қарамай, уларни барта-раф қилолмади, унинг ҳиссиёт ва фаросатнинг бизнинг тажрибамиз мазмунини тартибга солувчи априор формалари ҳақидаги таълимоти буни кўрсатиб турибди. Т. и. назарияларининг гносеологик асоси шундан иборат эдики, улар умумий тушунчалар ва принципларнинг келиб чиқиши масаласига, билишдаги бевосита ва билвосита, ҳиссий ва рационал элементларнинг, индивидуал ва ижтимоий-сиёсий тажрибанинг ўзаро муносабатига тарихий, диалектик нуқтан назардан қарамас эдилар.

ТЪЮРИНГ Алан (1912—54) — инглиз логика олими ва математиги. 1937 йилда абстракт ҳисоблаш машинаси («Т.» машинаси) таърифни тақдим этди; бу машина воситасида принцип жиҳатдан ҳар қандай ҳисоблаш ёки логик процессни, яъни аниқ ёзма буйруқ билан бажариладиган процессни амалга ошириш мумкин. «Т.» машинаси *алгоритм* тушунчасини дастлабки аниқлашлардан бири бўлди; бу машина кейинроқ чиққан универсал рақамли ҳисоблаш машиналарининг бир қанча белгиларини олдиндан кўрсатиб берди. Т. биринчилар қаторида таълим берадиган машиналарни, яъни ташқи муҳит билан ўзаро таъсир процессида тажриба жамғарадиган ва ўз «хатти-ҳаракатларини» тақомиллаштирадиган машиналарни яратиш муҳимлигини таъкидлаган эди.

ТЮРГО Анн Робер Жак (1721—81) — француз экономисти, социологи, сиёсий арбоби. Т. *Гольбах*, *Дидро*, *Гельвецийнинг* материалистик қарашларига қўшилди. Узининг фалсафий-тарихий асарларида Т. буржуача тараққиёт назариясининг асосчиларидан (*Вольтер* ва *Кондорсе* билан бир қаторда) бири бўлиб майдонга чиқди. У ижтимоий тараққиётда экономиканинг ўсишига, фан ва техниканинг ривожига катта аҳамият берарди, жамият тараққиётининг *хўжалик* ҳаёти формаларининг ўзгариши билан

маҳкам алоқаси ҳақидаги идеяни илгари сурди. Экономист сифатида у физикократлар мактаби вакиллари билан бири эди; меркантилистлардан фарқли ўлароқ, физикократлар, «соф маҳсулот», яъни қўшимча қиймат муомала соҳасида эмас, балки ишлаб чиқариш соҳасида пайдо бўлади, деб ҳисоблардилар. Т. жамиятнинг синфларга бўлиниши ҳақида, иш ҳақининг моҳияти ҳақида бир қанча диққатга сазовор фаразларни айтган, у синф тушунчасининг илмий таърифлашга яқинлашган эди. Асосий асари — «Бойликнинг яратилиши ва тақсимланиши ҳақида ўйлар» (1776).

ТўПЛАМЛАР НАЗАРИЯСИ — математиканинг бир бўлими бўлиб, у аниқ воситалар билан философия, логика ва математиканинг энг муҳим категорияларидан бирини — бениҳоялик категориясини ўрганади. Унга Г. Кантор асос солган. Т. н. нинг предмети — тўпламларнинг (мажмууятлар, туркумлар, ансамблеяларнинг), асосан бениҳояликларнинг хоссаларидир. Бениҳояликнинг турли «тартиблари» ни аниқлаш Т. н. нинг туб қондаси бўлиб хизмат қилади. Классик Т. н. п. иҳоялик соҳасида шубҳасиз бўлган логика принципларини бениҳоя тўпламларга татбиқ қилиш мумкинлигини эътироф қилишга асосланади. Бироқ Т. н. нинг ривожланиши 19-асрнинг охирларидаёқ формал логика қонуларини, жумладан *учинчиси истисно қонунини* бениҳоя тўпламларга татбиқ этиш билан боғлиқ бўлган қийинчиликларни, шу жумладан *парадоксларни* очиб берди. Шу муносабат билан пайдо бўлган мунозарада математик билишнинг энг муҳим гносеологик масалалари: математик тушунчаларнинг табиати, уларнинг реал оламга муносабати ҳақидаги, математикада мавжудлик тушунчасининг мазмуни ва ҳ. к. ҳақидаги масалалар ўртага қўйилди. Мунозара давомида математика философиясида *формализм, интуиционизм, логицизм* каби оқимлар пайдо бўлди. Совет математикасидаги конструктив йўналишни алоҳида қайд қилиб ўтмоқ керак. Т. н. методларидан ҳозирги замон математикасининг ҳамма соҳаларида кенг фойдаланилмоқда; бу методлар математикани

асослаш масалалари учун, жумладан ҳозирги замон *аксиоматик методи* учун принципиал аҳамиятга эгадир. Математиканинг ҳамма масалаларини мантиқий воситалар билан асослаш Т. н. ни асослаш масалаларига бориб тақалади. Аммо Т. н. нинг ўзини асослаганда қийинчиликлар пайдо бўладики, бу қийинчиликлар ҳозирга қадар ҳам бартараф қилинган эмасдир.

ТўГРИЛИҚ ВА ЧИНЛИК — логика ва билиш назариясининг категориялари. Т. (мантиқий Т.) мантиқий операцияларнинг (хулоса чиқаришлар, исботлар, таърифлар, туркумлашлар ва б.) характеристикасидир. Бирон операциянинг Т. шартлари (одатда муайян қондалар шаклида ифодаланадиган шартлари) логика қонунлари ва операциянинг вазифаси билан белгиланади. Мантиқий операцияларнинг формалари муайян формаларнинг ва уларнинг тилдаги ифодаларининг тушунчалари ва ҳукмлари учун умумий бўлганлигидан, операцияларнинг Т. ги фикрнинг конкрет мазмуни билан боғлиқ эмасдир. Ч. — муайян фикрларнинг характеристикаси бўлиб, бу фикрларнинг объектив воқеликка мувофиқлигини билдиради (*Ҳақиқат*). Т. ва ч. тушунчалари билан пировард ҳисобда тафаккурнинг объектив оламга муносабати характерланади, чунки мантиқий Т. ҳрам тафаккур операцияларининг воқеликнинг баъзи умумий алоқаларига мувофиқлигидирки, мантиқий қонунлар бу умумий алоқаларнинг интенсиондан иборат. Бу тушунчалар билиш процессида маҳкам боғлиқдирлар. Тафаккур операцияларининг мантиқий Т. ги тафаккур натижалари Ч. ининг зарур (гарчи етарли бўлмаса-да) шартидир. Чунончи, хулоса чиқаришнинг мантиқий Т. ги хулосанинг Ч. ининг зарур шартидир. Идеалистик йўналишдаги логиклар ва философлар (айниқса кантчилар, мантиқий позитивистлар ва б.) мантиқий қонуларининг объектив келиб чиққанлигини инкор қилиб, тафаккурнинг мантиқий Т. ини ҳам нотўғри талқин қиладилар ва мантиқий Т. нинг асоси априор равишда фаросатнинг ўзида, кишилар ўртасидаги битимда жо қилинган, деб ҳисоблайдилар ва ҳ. к.



УАЙТХЕД Альфред Норт (1861—1947)— логик, математик ва философ. Лондон ва Гарвард ун-тларининг профессори. *Рассел* билан бирликда математик логикага асос солувчи асарнинг автори («Principia Mathematica», 1910—13). Физикадаги кризисни табиатнинг ўзгарувчанлиги ва доимийлигини эътироф қилиш йўли билан бартараф қилишга уриниш уни табиатни «процесс» деб тушунишга олиб келади. У. табиатни «тажриба» деб таърифларкан, материализм элементларини идеализм билан бирга қўшувчи *неореализмга* келади. Кейинроқ У. *объектив идеализмга* ўтади. У. нинг фикрича, олам процесси «худонинг тажрибаси»дир, бу тажрибада «объектлар» (универсалийлар) идеявий оламдан («худонинг азалий табиати») физик оламга («худонинг ҳосила табиати») ўтиб, «ҳодисаларни» сифат жиҳатдан белгилаб беради. Социологияда У. куч билан йўналтирилувчи тарих идеяларини эътироф этишни шахсларнинг («фан кишиларининг») ролин асослотлаштириш билан бирлаштирган эди. Унинг фикрича, бу шахслар «пировард ҳисобда оламни бошқарар» эмиш. Асосий асарлари: «Процесс ва реаллик» (1919), «Идеяларнинг саргузаштлари» (1933).

УЗИЛИШЛИК ВА УЗЛУКСИЗЛИК — моддий объектларнинг қарама-қарши ва лекин ўзаро алоқадор хоссаларини акс эттирувчи муҳим характеристикалар. Узилишлик материянинг дискрет ҳолатларини (планеталар, жисмлар, кристаллар, молекулалар, атомлар, ядролар ва Ҳ. К.), унинг турли системалар айрим барқарор элементларининг, сифат жиҳатдан муайян структуринг даражалар шаклида дифференцияланиш даражасини характерлайди. Шунингдек у тараққит, ўзгариш процессининг сакрашсмон характерида ифодаланади. Узлуksизлик, аксинча, айрим дискрет

элементлардан таркиб топган системаларнинг яхлитлигида, уларнинг алоқаларининг бениҳоялигида, ҳолатларнинг ўзгариши тадрижотида, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга раvon ўтишда намоён бўлади. Метафизик материализм учун узилишлик билан узлуksизликни алоҳида-алоҳида олиб қараш характерли эди. Бу қараш, жумладан, узилишликни (планеталардан тортиб то атомларгача) моддий элементларнинг фақат муайян типларига хос деб, узлуksизликни эса яхлит тўлқинли процессларга хос деб ҳисобловчи классик механика тасаввурларига асосланарди. Дialeктик материализм бу белгиларнинг фақат қарама-қаршилигини эмас, балки алоқадорлигини, бирлигини ҳам таъкидлаб кўрсатади, буни эса ҳозирги замон физикаси тасдиқламоқда, бу физика, мас, ёруғлик айна бир вақтда ҳам тўлқин (узлуksиз), ҳам корпускуляр (узлуksли) хоссаларга эга эканлигини кўрсатди. Шу билан бир қаторда *квант механикада «элементар» зарралар ҳам корпускуляр, ҳам тўлқин хоссаларга эга эканлиги экспериментал тарзда аниқланган эди. Узилишлик ва узлуksизлик категорияларининг ўзаро алоқадорлигида ҳаракатнинг моҳияти, унинг зиддиятли эканлиги ифодаланади. Ҳаракат макон ва замонда жисмнинг ҳолати, мавқеи ўзгаришларининг узилишлиги ва узлуksизлигининг бирлиги сифатида намоён бўлади. Узилишлик ва узлуksизлик диалектикаси моддий объектлар, уларнинг хоссалари ва муносабатларининг (макон ва замон, ҳаракат, майдон билан модданиннг ўзаро алоқадорлиги ва б.) ўзига хос хусусиятини илмий тушуниш имкониятини беради.*

УИНСТЕНЛИ Жерард (1609—?)— 17-асрдаги инглиз утописти, инглиз буржуа революциясида ўта сўл оқимнинг идеологи, экспроприация қилинган халқ оммасининг манфаатларини

дастлаб ифода қилганлардан бири. Хонавайрон бўлган майда савдогар, диссидент секталарининг иштирокчиси. Уз социал-сиёсий идеалини асослашда У. теологиядан батамом холи бўлмаса-да, асосан *рационализм* позицияларига ўтган эди ва *табиий ҳуқуқ* назариясини хусусий мулкни қатъиян инкор этиш руҳида талқин қилган эди. Этика ва ахлоқ масалаларини материалистларча талқин қиларди. Унинг «Озодлик қонуни» деган асосий асари (1652) «тенгламачилик коммунизми» ғоялари билан сугорилган, бу ғояларни У. турмушга тинч методлар билан татбиқ этишга интиларди. У ерларни ва барча табиий ресурсларни халқнинг коллектив мулки асоси сифатида умумлаштиришни қаттиқ туриб ёқларди. Унинг фикрича, идеал тузум деҳқон ва ҳунармандларнинг майда ҳўжалигига асосланмоғи лозим. Асосий ячейка—уй-рўзғордан иборат. Ишлаб чиқариш моддий ноз-неъматларни мўл-кўл қилиб таъминламоғи лозим. Уша вақтда Англияда реал мавжуд ишлаб чиқариш усулининг хусусиятлари У. да тўғридан-тўғри маҳсулот айирбошлаш йўли орқали коммунистик тақсимот принципи билан қўшилиб кетади. У. нинг сиёсий идеали — изчил демократик республика эди.

УЙҒОНИШ (философия) — философик ва социологик таълимот бўлиб, бу таълимот Европада (аввало ва ҳаммадан бурун Италияда) феодализм емирилиб, илк буржуа жамияти қарор топаётган даврда (15—17-асрнинг бошларида) ривожланган. Бу даврда *схоластика* ҳали расмий философия бўлиб қолса-да, лекин *гуманизм* маданиятининг пайдо бўлаётганлиги, антик фалсафий меросининг янгидан бошланганлиги ва табиёт илми соҳасида эришилган катта-катта ютуқлар шунга олиб келадикки, У. даврининг илгор философияси илоҳийнинг хизматкорлик ролини ўйнамайдиган бўлиб қолади, унда антисхоластик йўналишлар ривожлана бошлайди. Ҳаммадан бурун бу йўналишлар этикада, ҳукмрон христиан ахлоқига қарши қаратилган стоицизм

(Петрарка) ва эпикуреизм (Л. Валла) ахлоқий таълимотларининг янгидан бошланишида юзага келди. У. даври философиясида натурфилософик концепциялар (*Николай Кузанский*, *Кардано*, *Телезио*, *Парацельс*, *Бруно*, *Кампанелла* ва б.) энг катта роль ўйнади; бу концепциялар оламнинг схоластик манзараси ҳамда табиатни схоластикларча англаш методлари емирилаётганлигидан далолат беради. Гарчи бу концепцияларда У. даврининг ўткунчи характери (астрологияга, сехргарликка, алхимияга ва оламни изохлашнинг бошқа ғайри илмий формаларига берилиб кетиш) акс этган бўлса-да, лекин натурфилософия тараққиётининг умумий йўли оламни материалистларча тушуниш тобора кўпроқ тантана қилаётганлигидан дарак беради ва бу тушуниш Брунонинг фалсафий қарашларида энг типик тарзда ифодаланган эди. У. даври илгор философиясининг антисхоластик йўналиши янги табиёт илмининг эришган ютуқларига (хусусан *Коперникнинг* гелиоцентрик системасига) бевосита таянган фалсафий таълимотларда янада кескинроқ ифодаланган эди. Табиатнинг экспериментал-математик талқиқот методлари, *Леонардо да Винчи* ва хусусан *Галилей* асарларида фалсафий тарзда умумлаштирилган бу методлар, воқеликнинг схоластик томонида теологик талқин этилишига қарама-қарши ўлароқ, унинг детерминистик талқин қилиниши, антропоморфизм элементларидан холи бўлган чинакам илмий табиат қонуналарининг (*Кеплер*—астрономияда, *Галилей* — механикада) ифодалаб берилганлиги У. даври философияси табиий-илмий йўналишининг энг муҳим натижалари эди. У даври философиясидаги табиий-илмий йўналишнинг белгилловчи хусусиятлари шу эдики, табиатнинг сўнгги элементлари, мутлақо сифатсиз, тиримас элементлар, деб метафизикларча тушуниларди, бу эса баъзи (кўпчилик) натурфилософларнинг қарашларига қарама-қарши эди; табиатга тарихий нуқтаи назардан қараш йўқ эди ва шу муносабат билан деистик

ноизчиллик худонинг чексиз оламда алоҳида мавқеини сақлаб қоладди (Галилей, қисман Ф. Бэкон). У. даврида юз берган ғоят улкан социал-иқтисодий ўзгаришлар кўп социологик концепцияларда ҳам ўз аксини топди. Бу концепцияларнинг характерли хусусияти шу эдики, улар жамиятни якка-якка индивидларнинг йиғиндиси деб тушунарди, бу эса буржуазиянинг индивидуализмини акс эттирарди. Давлат ҳокимиятининг, диний ижобатдан ва черков авторитетидан бутунлай мустақил ҳокимият, деб янгича талқин этилиши миллий давлатларнинг амалда қарор топаётганлиги ва мустаҳкамланаётганлигини акс эттирарди (*Макиавелли*, Боден, Можевский). У. даврида утопик таълимотлар ҳам пайдо бўлиб, уларда «муқаддас ёзув» асосида мулкни умумлаштириш талаби илгари суриларди (*Мюнцер*); ўша вақтда заруран утопик характерга эга бўлган коммунистик жамият тузумининг манзарасини чизиб кўрсатишга биринчи марта уруниб кўрилган эди (*Мор* ва Кампанелла).

УЛУҒБЕК Муҳаммад Тарағай (1394—1449) — машҳур ўзбек олими, астроном, табиатшунос. Узоқ йиллар давомида Самарқандда ҳокимлик қилиб, илм-фаннинг ривожига катта эътибор берди, обсерватория ва мадраса қурдириб, хусусан астрономия, математика, медицина, философия илмлари соҳасида тадқиқотларни рағбатлантирди. Обсерваторияда кўп йилги кузатишларининг якуни сифатида ўз даври учун энг мукамал бўлган юлдузлар жадвалини — «Зиж Қурагоний» (ёки «Зиж Улуғбек») ни яратди. Бу асар сўнгги асрлар давомида Оксфорд, Париж, Америка ва Лондонда таржима қилиниб, нашр этилди. Асар кириш, назарий қисм ва 4 бобдан иборат: 1-бобда — бир қанча халқлар: юнон, эрон, хитой, ўрта осийе халқлари томонидан қабул қилинган календарлар, 2-бобда — амалий астрономия, 3-бобда — планеталар ҳаракати ва 4-бобда — астрология ҳақида гап боради. Асарда астрономия фанининг ютуқлари ва узоқ йилги кузатишларни умумлаштириш асосида

юлдузларнинг жойлашуви, ҳаракати, йил, ой, кеча-кундузнинг тартиби ҳақида олдинги ўтган машҳур астрономлар — Птоломей, Гиппахр, Сўфи, Тусиларга нисбатан анча тўлиқ, мукамал ва аниқ маълумотлар берилди. Асарнинг бош назарий қисмида — подшоликлар, давлатларнинг ўткинчи эканлиги, фан ютуқларининг, илмий ҳақиқатнинг сақланиб қолиши, илмни бўлиш инсон учун олий фазилат эканлиги ҳақидаги фикрлар олға сурилади. У фанда кузатиш методига ва илмий асбобларнинг ролига катта эътибор беради, илмий ҳақиқатни аниқлашда мантиқий усуллар билан бирга, математик қондалар ёрдамида аниқ ҳисоблашнинг ролини алоҳида таъкидлайди. Ўз илмий кузатишлари ва конкрет хулосаларида табиатнинг моддий мавжудлиги ва ундаги ҳодисалар объектив сабабий боғланишларга асосланишидан келиб чиқади. Унинг Хитой, Сурия, Греция, Араб, Хоразмнинг машҳур астрономларига бағишланган катта рисола ёзганлиги ва бунда астрономия илимининг ривожига ҳақида қимматбаҳо маълумотлар келтирилгани, яна тўрт мўғул улусининг тарихига оид асар ёзганлиги маълум. У ўз атрофига замонасининг машҳур олимларини тўплади, Қозизода Румий, Али Қушчи, Қоши каби математик астрономлар У. билан бирга илмий ишлар олиб бордилар. У. нинг фаолияти Шарқ ва Ғарбда табиий илмий билимлар ривожига, ҳур фикрлилик тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

УМОВ Николай Алексеевич (1846—1915) — рус физиги, Москва ун-тининг профессори. Назарий ва экспериментал физика масалалари билан шуғулланди, энергия оқими ҳақидаги тушунчани биринчи бўлиб киритди (Умов—Пойнтинг вектори). Ҳаёт ва тафаккур процессларининг оригинал физик моделини яратди. Дунёқарашни жиҳатидан У. механистик материализм мухлиси, унинг фалсафий идеали Декарт эди. Қарашлари маълум даражада чекланган бўлишига қарамай, У. 19-асрнинг охирини — 20-асрнинг бошларида табиийт илмида юз берган революцион ўзгаришларнинг

моҳиятини чуқур тушуна билган ва материализмга содиқлигича қолиб, *релятивизмга* ва *физик идеализмга* қарши чиққан эди. Ажойиб ташкилотчи, илм-фанни оммага ёювчи ва истеъдодли педагог эди. У. рус физиклари материалистик мактабини тузишда катта роль ўйнади.

УМУМИЙЛИК — қ. *Айримлик, хусусийлик, умумийлик.*

«УМУМИЙ РОХАТ-ФАРОҒАТ ДАВЛАТИ» — капитализмнинг гўё бошқача тусга кираётганлиги ҳақида ҳозирги вақтда капиталистик жамиятда тарқалган назарияларнинг бир тури бўлиб, бунини *реформизм* тарафдорлари зўр бериб пропаганда қилмоқдалар. Бу назариянинг моҳияти шундан иборатки, у, 20- асрнинг ўрталаридаги капитализм «халқ капитализми»га айланиб, «У. р.-ф. д.» ни, айри синфий бир кучни вужудга келтирди, бу куч ишлаб чиқариш анархиясининг ва иқтисодий кризисларни бартараф қилишга, ишсизлиكنи тугатишга ва барча меҳнаткашларнинг фаровонлигини таъминлашга қодирди, деб даъво қилади. Социал-демократия идеологлари ва сиёсатчилари урушдан кейинги йилларда ривожланган капиталистик мамлакатларда синфий кураш жараёнида меҳнаткашлар моддий аҳволининг маълум даражада яхшиланганлигини, ишчилар ҳаракати тазйиқи остида ва жаҳон социалистик системасининг мавжудлиги баралла кўриниб турганлиги таъсири остида буржуа ва реформист ҳукуматлар ўтказган бир қанча социал реформаларини рўкач қилиб, «У. р.-ф. д.» ни социализм деб ёки ҳеч бўлмаганда, «социализмнинг муқаддимаси» деб кўрсатмоқдалар. «У. р.-ф. д.» ҳақидаги афсонани капиталистик мамлакатлардаги ҳақиқий ҳолат рад этмоқда. Ишсизлик ва юз минглаб, миллионлаб меҳнаткашлар гурмуш даражасининг пастлиги ҳатто АҚШ каби ривожланган капиталистик мамлакатларда ҳам социал реал ҳолат бўлиб қолмоқда. Социал таъминот кўп жиҳатдан меҳнаткашлар ҳисобидан амалга оширилади. Демократик реформалар чала-чулпа характерга эга бўлиб, кўп ҳолларда ҳукмрон

идора усули томонидан йўққа чиқарилади. Аслини олганда, «У. р.-ф. д.» деб аталган нарса — давлат монополюстик тадбирлар системаси бўлиб, бу система капитализмни мустаҳкамлашни ва ишчилар синфининг социализм учун курашга бўлган иродасини сусайтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўймоқда.

УМУМЛАШТИРИШ — айримликдан умумийликка, камроқ умумий бўлган билимдан кўпроқ умумий бўлган билимга ўтишнинг мантиқий процесси (мас., «исснқлик» тушунчасидан «энергия» тушунчасига, *Эвклид* геометриясидан *Лобачевский* геометриясига ўтиш), шунингдек бу процесснинг натижаси: умумлаштирилган тушунча, ҳукм, фан қонун, назария. Умумлаштирилган билим ҳосил қилиш — воқеликни чуқурроқ акс эттириш, унинг моҳиятига кириб бориш демакдир. Формал логикада У. тушунчаси орқали тур тушунчадан жинс тушунчага ўтишни англайдилар. Бунда жинс тушунчанинг мазмуни торроқ бўлиб чиқади, чунки унда тур белгилари чиқариб ташланади (*Тушунчанинг ҳажми ва мазмуни*). Чунончи, «дуб» тушунчасидан «дарахт» тушунчасига ўтганда дубга хос бўлган белгилар олиб ташланади. У. га қарама-қарши процесс — чеклашдир.

УМУМХАЛҚ ДАВЛАТИ — бутун халқ манфаатлари ва иродасини инфодаловчи орган, коммунизм қуриш қуроли. У. д. *пролетариат диктатураси* давлатининг вориси сифатида, пролетариат диктатураси ўз вазифаларини бажариб бўлгандан, социалистик жамият эса коммунизм қурилиши дариға киргандан кейин майдонга келади. У. д. нинг асосий хусусиятлари шундан иборатки, у бирон синфни бостириш қуроли эмасдир, у ягона социал асосга таянади ва *коммунистик ижтимоий ўз-ўзини бошқаришга* бориш йўлидаги муайян босқичдир. Социализмнинг тўла ва узил-кесил галаба қилиши натижасида Совет давлати умумхалқ давлати бўлиб қолди; деҳқонлар ва зиёлилар ишчилар синфни позицияларига ўтди, революцион пролетариатнинг мақсади бутун халқнинг

мақсади бўлиб қолди. У. д. мамлакат ичиди ва халқро соҳада бутун меҳнаткашлар манфаатларини кўзлаб, синфий сиёсат юргизмоқда. Шу билан бирга ишчилар синфининг жамиятга давлат сифатидаги раҳбарлиги ўзгармасдан қолади. У. д. коммунизм тўла ғалаба қозонгунча сақланиб қолади. «У халқ продасини ифода қилиб, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиши, социалистик муносабатларни коммунистик муносабатларга айлантиришни ташкил этиши, меҳнат меъёри билан истеъмол меъёри устида контроль ўрнатиши, халқ фаровонлигини юксалтиришни таъминлаши, совет граждандарининг ҳуқуқ ва эркинликларини, социалистик ҳуқуқ тартиботларни ва социалистик мулкни қўриқлаши, халқ оммасини онгли интизом руҳида ва меҳнатга коммунистик муносабат руҳида тарбиялаши, мамлакат мудофааси ва хавфсизлигини пухта таъминлаши, социалистик мамлакатлар билан қардошларча ҳамкорликни ривожлантириши, умумий тинчлик ишини ҳимоя қилиши ва барча мамлакатлар билан нормал муносабатда бўлиши лозим» (КПСС Программаси).

УМУМҚИММАТЛИЛИК — субъектив-идеалистик философияда инсон билимининг ишончлилигини аниқловчи бўлиб хизмат қилади. У. ҳақидаги, «социал-уошган тажриба ҳақидаги» ва б. қондалар субъектив-идеалистик асослардан келиб чиқадиган солидисизм ҳулосасини фақат ниқоблайди, холос. Ҳақиқат критерияси сифатидаги У. ҳақидаги қонда асоссиздир (қ. В. И. Ленин, 18-т., 137—138-б.). Умумқимматли нарсаларнинг ҳаммаси ҳам ҳақиқат бўла бермайди, мас., диндорлар диний ақидаларни этироф этишларига қарамай, бу ақидалар ҳам ҳақиқий нарса эртами-кечми умум этироф қиладиган бўлади. Шундай қилиб, У. ҳақиқат критерияси эмас, балки билимнинг ҳақиқатлиги натижаларидан биридир, холос.

УНИВЕРСАЛИЙЛАР (лат. universalis — умумий) — ўрта аср филосо-

фиясида умумий идеялар ана шундай белгиланарди. У. ҳақидаги мунозарада, улар объектив реалликми, ёки шунчаки нарсаларнинг номими, деб сўз юритиларди. У. «нарсалардан бурун» идеявий тарзда мавжуддир (ўта реализм, Эриген нуқтан назари); У. «нарсаларда мавжуддир (мўтадил реализм нуқтан назари, Фома Аквинский). Қарама-қарши қараш: У. фақат ақлда, «нарсадан кейин», ақлий системалар шаклида мавжуддир (Концептуализм) ёки ҳатто шунчаки сўзлардан иборатдир (ўта номинализм, Росцелин, Уильям Оккам).

УПАНИШАДАЛАР — Ведаларнинг бўлимларидан бири, веда гимнларига қадимги ҳинд диний-фалсафий шарҳларидан иборат, бу шарҳлар кўп асрлар давомида тузилган. Энг қадимги У. эраמידан олдинги 10—6-асрларга бориб тақалади. Веда худодлари ва маросимлари У. да янги фалсафий мазмун олади. Улар инсоннинг ва коинотнинг мажозий тасвирлари сифатида талқин этилади. Руҳнинг бошқа жисмага кўчишига ишонишга ахлоқий тус берилади. У билиб олингач, қолган ҳамма нарса аён бўлиб қоладиган олий реаллик нимадан иборат, деган саволга У. да идеалистик жавоб берилади: бу шундай нарсани, ундан бутун мавжудот туғилади, бу шундай нарсани, унда мазкур мавжудот туғилганидан кейин яшайди, бу шундай нарсани, мазкур мавжудот ўлганидан кейин унга боради, — бу брахмандир — оламнинг руҳий негизидир, инсоннинг руҳий моҳияти — атман унга тенгдир. У. таълимотига кўра, инсон ер юзиди янги тугилишлар гирдобидан қутулмоқ учун ўз руҳининг брахман билан бирлиги ҳақидаги ўй-фикрга берилмоғи лозим. У. да материалистик таълимотлар ҳам ўз аксини топган эдики, У. авторларига бу таълимотларга қарши кураш олиб боришга тўғри келганди. Бу таълимотлар моддий ибтидолардан — сув, олов, ҳаво, ёруғлик, макон ёки замондан бирини оламнинг бош асоси деб ҳисоблар ва инсон ўлгандан кейин руҳининг яшаб қолишини инкор этарди. У. га Бадараяна ва ундан кейин

Шанкара томонидан ёзилган шарҳлар (8-аср) *Ведантага* асос бўлди.

УРУШ — давлатлар (ёки синфлар) ўртасидаги уюшган қуроли кураш бўлиб, бу кураш ўзининг социал-сиёсий моҳиятига кўра, мазкур давлатлар (синфлар) сиёсатини қуроли зўравонлик воситалари билан давом эттиришдан иборат. Марксизм У. ни илмий нуқтаи назардан изоҳлаб берди. Маркс ва Энгельс У. нинг абадийлиги ва бартараф қилиб бўлмаслиги ҳақидаги фикрини рад қилиб, У. синфий-антагонистик жамиятларга хос эканлигини ва хусусий мулкнинг ҳукмронлигидан, эксплуататор синфларнинг сиёсатидан келиб чиқишини кўрсатиб бердилар. Марксизм-ленинизм икки У. ни фарқ қилиб қарайди. Адолатсиз У. лар эксплуататор синфларнинг сиёсатини давом эттиришдан иборат бўлиб, уларнинг ҳукмронлигини мустақамлашга ва уларни бойитишга хизмат қилади; улар эскирган, умри тугаган нарсаларни ҳимоя қилиб, ижтимоий тараққиётга тўқсинлик қиладилар. Адолатли У. лар халқни синфий ва миллий зулмдан озод қилишга қаратилган. Бироқ У. нинг боришида унинг характери ўзгариши мумкин: адолатли У. адолатсиз У. га айланиб кетиши ва бунинг аксича бўлиши мумкин. У. нинг характерига конкрет баҳо бериш — унга ишчилар синфи ва унинг партиясининг муносабатини белгилашнинг назарий асосидир. Пролетариат, бутун илгор инсоният агрессияга дучор бўлган халқ олиб боришга мажбур бўлган адолатли озодлик ва мудофаа У. дан ташқари, ҳамма У. ларни қораламоқда. Империализм даврида жаҳон У. лари гаёдо бўлиб туради, бу эса жаҳон капиталистик ҳўжалик системасининг ташкил топишидан, буржуазиянинг ёзорлар ва мустамлакалар босиб ёшишга интилишидан келиб чиқади. Фақат тарихда биринчи социалистик давлат барпо бўлиши билангина У. кучларига уюшган тинчлик кучлари қарама-қарши қўйилди. Ленин бирдан-бир оқилона альтернатив уруш сифатида турли социал тузумдаги давлатларнинг *тинч-тотув яшаши*

принципини ишлаб чиқди. Лекин жаҳон У. и муқаррар бўлиб қола берди, чунки империализм иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан СССРдан кучлироқ эди. Социализм жаҳон системасига айланиши ва жаҳон миқёсида кучлар нисбати социализм фойдасига тубдан ўзгариши билан У. фатал суратда муқаррар бўлмай қолди. У. ва тинчлик масаласи — ҳозирги замоннинг энг муҳим масаласидир; ракета техникаси ва термоядро қуроли даврида бу юз миллионларча кишиларнинг ҳаёт ва мамот масаласидир. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар умумий тинчликни сақлаш ва мустақамлашнинг кенг ва реал программасини илгари сурдилар ва ўз ташқи сиёсатларида бу программани амалга оширишмоқдалар. Аммо тинчликсевар кучларнинг жаҳон У. ичи даф қилишга қодир эканлиги ҳозирги вақтда У. нинг пайдо бўлиши учун ҳеч қандай имконият қолдирмади, деган маънони билдирмайди. Империализмнинг агрессив табиати ўзгарган эмасдир, шунинг учун империализмнинг халқлар тинчилиги, озодлиги ва мустақиллигига соладиган хавфи ҳам сақланиб қолмоқда. Социализм бутун жаҳон миқёсида галаба қилгандан кейингина У. нинг социал ва миллий илдизлари узил-кесил тугатилади. Коммунизмнинг тарихий вазифаси — У. ларни йўқ қилиш ва ер юзюда абадий тинчлик ўрнатишдир.

УРУФ — кишиларнинг қондошлик алоқасига асосланган умумият формаси бўлиб, бу форма ибтидоий *жамоаларда* иқтисодий муносабатлар базасида пайдо бўлган. Сўнгги тадқиқотларнинг маълумотлари шунини кўрсатадики, уруғдошлик умумияти ҳамма халқларга хос эмасдир. У. азалдан эркаклик ва аёллик формаларида (*Оталик даври, оналик даври*) айрим бирлашма сифатида эмас, балки турли жамоаларда яшаган қариндошларнинг группалари шаклида мавжуд бўлган. У. жамоанинг ўзаги бўлиб хизмат қилган, уларнинг аъзоларини бир бутун қилиб жипслаштирган, никоҳ-оила муносабатларини тартибга солиш, болаларни биргалашиб

тарбиялаш ва моддий таъминлаш йўли билан меҳнатга ва социал муносабатларга қобилиятли авлодни такрор ҳосил қилишни таъминлаган. Уруғдошлик муносабатлари одадга жамоа аъзолари алоқаларининг формаси сифатида юзага келган, ишлаб чиқаришда, тақсимотда, диний маросимларда ва ҳ. к. белгилловчи роль ўйнаган, жамоа ҳаётини бошқаришнинг уруғдошлик характери билан белгиланган (оқсоқоллар ва йўлбошчиларни уруғ ўзаги аъзоларидан сайлаб қўйиш, уларни ўзгартиш ва ҳ. к.). Шу тариқа, У. билан уруғдошлик жамоаси ўзаро бир-бирига таъсир қилиб, уруғдошлик тузуми сифатида таърифланувчи социал структурани ташкил этганларки, бу тузумга ибтидоий коммунизм белгилари энг кўп даражада хосдир: унда ернинг ижтимоий мулклиги ҳукм сурган, мулкчи ва социал табақаланиш бўлмаган, жамоат ишларида қатнашиш жамоанинг катта ёшдаги барча аъзоларининг ҳуқуқи ва бурчи ҳисобланган. *Ибтидоий жамоа тузуми* ривожланиб бориши билан У. ларнинг сони аста-секин кўпайиб борган, улар фратрияларга (биродарликларга), фратриялар қабилаларга, қабилалар эса иттифоқларга бирлашганлар. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққийси, жамоалар ва оилалар орасида товар-пул муносабатларининг ривожланиши У. нинг бузилишини бошлаб берган, У. нинг ижтимоий ҳаётдаги роли камайиб борган ва аста-секин йўққа чиққан (синфий жамиятда).

УТИЛИТАРИЗМ (лат. *utilitas*— фойда, наф) — буржуа этика назарияси, бу назария хатти-ҳаракатнинг фойдалигини унинг ахлоқ-одаб мезони деб билади. У. нинг асосчиси — *Бентам* унинг асосий принципини шахсий манфаатларини қондириш воқитаси билан «энг кўп сонли кишиларга энг кўп бахт таъминлаб беришдан» иборат, деб таърифлаган. Шу билан бирга хатти-ҳаракатнинг ахлоқийлиги унинг натижасида ҳосил қилинган ҳузур-ҳаловат ва азоб-уқубатларнинг баланси сифатида математик тарзда ҳисоблаб чиқиши

мумкин. *Милль У.* га ҳузур-ҳаловатни сифат жиҳатдан баҳолаш принципини, ақлий лаззатларни жисмоний лаззатлардан афзал кўриш талабини киритган. У. давлат ва ҳуқуқ функцияларини тушунишга ҳам асос қилиб қўйилади. «Фойда принципини» билиш назариясига кўчириш *прагматизмнинг* пайдо бўлишига ёрдамлади. Ҳозирги замон буржуа этикасида У. ўрнига «ахлоқий мулоҳазаларни анализ қилиш» қўйилмоқда (*эмотивизм, этикада логик позитивизм*).

УТОПИК СОЦИАЛИЗМ (грек. *у*—йўқ; *топос* — ўрин, яъни ўрни йўқ демакдир) — жамият ҳақидаги таълимотнинг илмий билимдан олдинги тараққийёт босқичи, бу босқич мол-мулкнинг муштараклигига, ҳамма учун мажбурий меҳнатга ва маҳсулотларни тенг тақсимлашга асосланар эди. «Утопия» терминини идеал жамиятни билдириш учун биринчи бўлиб *Т. Мор* ишлатган (идеал жамият барпо этилган уйдирма оролни у шундай деб атаган). Кейинчалик бу термин уйдирма, амалга ошириб бўлмайдиган ижтимоий тартибларни тавсифлашда қўлланила бошлаган. Хусусий мулкка асосланган мавжуд тузумни танқид қилар, идеал келажак тузум манзарасини тасвирлаб кўрсатар, ижтимоий мулк зарурлигини назарий жиҳатдан асослашга уринар эканлар, социалист-утопистлар кўпгина гениал идеяларни ва фаразларни айтганлар. Худди шунинг учун ҳам У. с. инглиз сиёсий иқтисоди ва немис классик философияси билан бир қаторда илмий социализмнинг гоявий манбаларидан биридир. Хусусий мулкни қоралаш ва мол-мулкнинг муштараклигини кўкларга кўтариб мақташни Қадимги Греция ва Римнинг айрим ёзувчиларида, ўрта аср «еретиклари»да, феодализм давридаги баъзи деҳқон қўзғолонларининг программаларида ва деҳқонлар идеологияларида ҳам учратиш мумкин, бу эса антагонистик жамиятлардаги тенгсизликка ва кишини киши томонида эксплуатация қилишга табиий реакция бўлган эди. Капитализм пайдо бўлиб, ривожланиб борган сари ва

пролетариатнинг озми-кўпми ривожланган ўтмишдошлари шаклланиб борган сари. У. с. ҳам тобора кўпроқ тарихий реализм белгиларига эга бўла боради, назария сифатида мураккаблашади, тармоқланиб, турли мактаблар ва йўналишларни ташкил этади. У. с. нинг систематик ривожланиши капитализм туғилиб келаётган даврда, *Уйғониш* ва *Реформация* даврида бошланади (Чехияда—Я. Гуска, Германияда — *Мюнцер*, Англияда — *Мор*, Италияда — *Кампанелла* ва б.). У. с. Европадаги буржуа революциялари даврида янада ривожланиб, бу даврда пролетариат ўтмишдошларининг идеологияси бўлиб қолди (Францияда — *Мелве*, *Мабли*, *Морелли*, *бабувизм*, Англияда — *Лилберн*, *Уинстенли*). Капитализм гуркираб тараққий қилаётган даврда У. с. жуда ривожланиб кетди, чунки бу даврда буржуа революцияси идеологияларининг хом хаёллари кўкка совурилган, капиталистик жамиятнинг зиддиятлари эса тобора яққол кўрина бошлаган эди. (Францияда — *Сен-Симон* ва *Фурье*, Англияда — *Оуэн*). Бироқ тарихни тушунишда материалистик позицияларда туриш ва жамиятнинг социалистик асосда ўзгартишнинг ҳақиқий кучини очиб бериш У. с. нинг ҳеч бир вақилига муяссар бўлмади. Бунинг устига улар мавжуд ижтимоий муносабатларни ўзгартишнинг реал йўллари тушунмас, революциялардан воз кечар, социализм ғояларини пропаганда қилиш ёрдами билан мавжуд тартибларни ўзгартиш мумкинлигига соддафаҳмлик билан ишонар эдилар. Маркс сўзлари билан айтганда, ишлаб чиқариш усулида муқаррар суратда туб ўзгариш қиладиган ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишигина, капиталистик жамият ривожланиши жараёнида етарли даражада

уюшган пролетариатнинг вужудга келишигина социализмни утопядан фанга айлантириш учун тарихий имконият яратиб беради. К. Маркс ва Ф. Энгельс коммунизмга ўтиш мумкинлигини илмий исбот қилдилар, бу ўтишни амалга оширувчи — пролетариатнинг тарихий вазифасини кўрсатиб бердилар, социалистик революция ва социалистик идеалларни амалга ошириш қуроли сифатида пролетариат диктатураси ҳақидаги таълимोगни яратдилар ва шу билан бу имкониятни воқеликка айлантирдилар. Марксизм У. с. таълимоларидаги ҳамма қимматли нарсани танқидий қайта ишлаб чиқиб, ўзига қамраб олди. Марксизм пайдо бўлиши билан У. с. ишчилар ва социалистик ҳаракатга тобора кўпроқ тўсқинлик қилувчи факторга айлана борди. Айрим мамлакатларда У. с. революцион-демократик идеология билан қўшилиб, марксизм пайдо бўлгандан кейин ҳам прогрессив рол ўйнади (рус революцион-демократлари, 19-асрнинг 70-йилларидаги пародниклар ва б.).

УЧИНЧИСИ ИСТИСНО ҚОНУНИ — логика қонуни бўлиб, бу қонунга кўра, айтилган икки фикрдан, яъни бири тасдиқлаганни иккинчиси инкор этган икки фикрдан биттаси албатта чиндир. Бу қонунни биринчи бўлиб Аристотель ифодалаб берган. Чунонки, «Қуёш—юлдуздор» (А—В дир) ва «Қуёш—юлдуз эмасдир» (А—В эмасдир) деган икки фикрдан биттаси албатта чиндир. Традицион формал логика шу хилдаги фикрларни назарда тутиб, У. и. қ. ни кўпинча бундай ифодалаган: «А—В дир, ёки В эмасдир» (учинчиси берилмаган: *tertium non datur*). У. и. қ. дан кўпинча исботлаш процессида, мас., тескарисидан исботлаш процессида фойдаланилади.



ФАБИЙЧА СОЦИАЛИЗМ — Англиядаги реформистик оқим, бу оқим илмий социализмнинг антипуди (қарама-қаршиси) сифатида пайдо бўлган. «Ф. с.» номи Рим лашкарбошиси Фабий Кунктатор (Сусткаш) номидан олинган. 1884 йилда Англияда Фабийчилар жамияти ташкил этилди, бу жамият 1900 йилда адабий-публицистик группа ҳуқуқи билан лейбористлар партияси составига кирди. Эрхотин Вебблар, Морган Филлипс, Эттли, Моррисон ва б.—Ф. с. нинг вакилларидирлар. Ф. с. ҳар қандай философиядан бош тортса-да, лекин унинг кўп тарафдорлари динни қўллаб-қувватлайди, тарихга қарашларида эса жамият ҳаётида гоъларнинг ҳал қилувчи роли ҳақидаги таълимотга амал қилишади, сиёҳи қурашни инкор этишади. В. И. Ленин таърифига кўра, Ф. с.—«оппортунизмнинг ва либерал ишчи сиёсатининг энг мукаммал ифодаси»дир (26-т., 307-б.).

ФАКТОРЛАР НАЗАРИЯСИ — позитивистик социологик концепция, бу концепция 19-асрнинг охирларидан бошлаб Ғарбда ва Россияда тарқалган (М. Вебер, Г. Моска, М. Ковалевский, Н. Кареев). Ф. н. нинг асосий хусусиятлари шундан иборатки, у социологияда монизмни, тарихнинг ва жамиятнинг ягона асосини инкор этади ва кўпдан-кўп турлича тенг ҳуқуқли факторларнинг (экономика, дин, ахлоқ, техника, маданият ва б.) ўзаро механик таъсирини эътироф қилади. Социологияда *плюрализмнинг* ифодаси бўлганлигидан, Ф. н. ижтимоий тараққиётнинг объектив қонунларини, социал ҳодисалар ўртасидаги ички алоқаларни рад этади. Ф. н. тарихда субъектив омилларнинг ролини ошириб юбориб, кўпинча субъектив идеализм позицияларига тойиб кетади. Ф. н. тарафдорлари жамиятнинг илмий назариясини ишлаб чиқишга ожиз бўлганликларидан, социал ва тарихий фаннинг вазифаси — социал

омилларни уларнинг ўзаро таъсирида тасвирашдан иборат, деб ҳисоблардилар. Ленин, Плеханов, Лабриола бу назариядаги баъзи ижобий моментларни (социал реаллик фактларини конкрет анализ қилишга уринишларни) қайд қилиш билан бирга унинг тамомила назарий ожизлигини, механицизмни ва социал ҳодисалар моҳиятини пайқашга қодир эмаслигини кўрсатдилар. Ўзгарган шаклда Ф. н. ҳозир ҳам мавжуддир. Ҳозирги замон буржуа социологиясининг баъзи вакиллари ижтимоий тараққиётнинг бошқа факторлари орасида техникани ёки саноатни (мас., У. Ф. Огборнинг «маданий қолоқлиқ назарияси»ни, Р. Арон, У. Ростуо ва б.ларнинг «индустриал социология» ёки «индустриал цивилизацияси») ёки умуман экономикани (мас., Клаф Шепарднинг «қиқтисодий цивилизацияси») ҳал қилувчи омиллар деб билладилар. Мазкур олимларнинг нуқтаи назарига кўра, худди улар ажратиб кўрсатган айна фактор ҳал қилувчидир. Ф. н. доирасида янги тушунчаларнинг юзага келиши — моддий ишлаб чиқаришнинг техника, саноат ва шу каби бошқа муҳим томонларининг ролини эътироф этиш натижасидир. Бироқ буржуа социологлари бу ролин ноҳақ равишда бўрттириб, уни жамиятнинг тарихий ва маданий ривожланишида бирдан-бир ва ҳал қилувчи омил деб ҳисоблайдилар. Ф. н. нинг ҳозирги турли кўринишлари ўз гносеологик илдизлари билан жамиятга неопозитивистик ва вульгар-материалистик нуқтаи назардан қарашга бориб тақалади.

ФАЛЕС милетлик (Кичик Осиёда) (эрамиздан олдинги тах. 624—547 йиллар) — қадимги грек философиясининг биринчи тарихан ишончли вакили. Антик анъанада — «етти доғишмаңд»дан бири. Ривоятга кўра, Ф. мисрда ва Вавилонда эришилган математик ва астрономик билимларни

эгаллаган. Эразмиздан олдинги 585—584 йиллардаги қуёш тутилишини Ф. олдиндан айтган, деган ривоят бор. Ф. стихияли-материалистик *Милет мактабининг* асосчисиدير. У нарсаларнинг хилма-хиллигидан қандайдир ягона бош асосни излаган ва уни жисмоний, ҳиссий муайян модда деб қараган. Унинг таълимотига кўра, бутун мавжудотнинг бош асоси сувдир.

ФАЛСАФА ТОШИ, икиср (ҳикмат тоши, эдиксир, тинктура)—4-асрдан 16-асргача ҳукм суриб келган тасаввурларга кўра, ноасил металлларни сеҳрғарлик билан олтин ва кумушга айлантира оладиган, барча касалликларни даволайдиган ва ёшартирадиган модда (шунингдек қ. *Алхимия*). Ф. т. ҳақидаги тасаввурларга бир хил моддаларнинг бошқа хилдаги моддаларга хилма-хил айланишини амалий кузатиш ҳамда материянинг бирлиги ҳақидаги натурфилософик фаразлар ва ш. к. лар асос бўлган эди. Урта аср шароитида бу фикр аниқ ифода-ланган диний-мистик тусга кирди. Кейинчалик Ф. т. ҳақидаги фикр рад этилди. Ҳозирги вақтда *химиявий элементларнинг* бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга айланиш имконияти борлиги илмий исбот этилган. «Ф. т.» термини кўпинча кўча маънода ишлатилади: баъзи ҳолларда — бирон йўқ нарсани қидиришнинг рамзи сифатида, бошқа ҳолларда — исталган натижаларга эришиш имконини берадиган ҳал қилувчи восита сифатида ишлатилади.

ФАН — тадқиқот фаолияти соҳаси бўлиб, бу фаолият табиат, жамият ва тафаккур ҳақидаги янги билимлар ҳосил қилишга қаратилгандир ва у бу янги билимлар ҳосил қилишнинг барча шароитлари ва моментларини: олимларни, уларнинг билимлари ва қобилиятларини, малакаси ва тажрибасини, илмий меҳнат тақсими ва кооперациясини, илмий муассасаларни, экспериментал ва лаборатория ускуналарини, илмий-тадқиқот ишлари методларини, тушунчавий ва категориал аппаратни, илмий информация системасини, шунингдек илмий ишлаб чиқаришнинг ё асоси, ё воситаси, ёки

натижаси сифатида юзага келадиган мавжуд билимларнинг бутун мажмуини ўз ичига олади. Бу натижалар *ижтимоий онг формаларидан* бири сифатида ҳам юзага келиши мумкин. Позитивистлар ўйлаганидек, Ф. асло табиий ёки «аниқ» фанлар билан чекланиб қолмайди. У қисмларнинг тарихан ҳаракатчан ўзаро муносабатини: табиатшунослик ва жамиятшунослик, философия ва табиёт; метод ва назария, назарий ва амалий тадқиқотларнинг ўзаро муносабатини ўз ичига олувчи яхлит система деб қаралади. Ф. — ижтимоий меҳнат тақсимотининг зарурий натижасидир; у ақлий меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан ажралиши кетидан, билувчилик фаолияти алоҳида—аввалида жуда оз сонли — кишилар группасининг ўзига хос машғулот турига айлангандан кейин пайдо бўлади. Ф. нинг пайдо бўлиши учун зарур шарт-шароит Қадимги Шарқ мамлакатларида: Мисрда, Вавилонда, Ҳиндистонда, Хитоёда юзага келади. Бу мамлакатларда табиат ва жамият ҳақидаги билимлар жамғарилиб, уларнинг мағзи чақилди, астрономия, математика, этика, логиканинг куртаклари пайдо бўлади. Шарқ цивилизациялари эришган бу муваффақият Қадимги Грецияда қабул этилиб, мунтазам назарий системага солинади, чунки Қадимги Грецияда эразмиздан олдинги 4-асрдан бошлаб диний ва мифологик традициядан четлашиб, касб сифатида Ф. билан шуғулланувчи мутафаккирлар майдонга келади. Шу вақтдан бошлаб то индустриал революциягача Ф. нинг асосий функцияси тушунтириш функциясидан иборат бўлади: унинг асосий вазифаси — дунёни кўриш уфқларини кенгайтириш мақсадида табиатни билишга қаратилади, бунда инсоннинг ўзи ҳам табиатнинг бир қисми деб қаралади. Йирик машинали ишлаб чиқариш пайдо бўлгандан кейингина Ф. нинг мушоҳадакорлик ҳолатидан чиқиб, асосан ишлаб чиқаришнинг ўзининг актив факторига айланиши учун шарт-шароит туғилади. Эндликда табиатни ўзгартиш. 11 бошқа шаклга солиш мақсадида ба-

лиш вазифаси асос сифатида илгари сурилади. Ф. нинг ана шундай техника йўлини тутиши муносабати билан физика-химия фанлари комплекси ва тегишли амалий тадқиқотлар стачилик ролини ўйнайди. Ҳозирги эраон *илмий-техника революцияси* шароитида бир система сифатида Ф. тубдан янгидан қурилмоқда. Ф. ҳозирги замон ишлаб чиқариши эҳтиёжларини қондира олмағи учун илмий билимлардан мутахассислар, инженерлар, ишлаб чиқариш ташкилотчилари, ва ишчиларнинг катта армияси баҳраманд бўлмоғи лозим. Автоматлаштирилган участкалардаги меҳнат процессининг ўзида ишчидан илмий-техника билим донрасини кенгайтириш, илмий билимларнинг асосларини эгаллаш талаб қилинади. Ф. бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланмоқда, Ф. натижаларининг рўёбга чиқиши эса ҳозирги кунда унинг шахсий мужассамлигини брқали амалга оширилади. Коммунистик қурилиш истиқболлари нуқтан назаридан бу шахсий мужассамлик энди восита сифатида эмас, балки туб мақсад сифатида юзага келади. Шундан чиқиб Ф. олдига тегишли талаблар қўйилади: Ф. нинг вазифаси— энди биргина техникага эмас, балки инсоннинг ўзига ҳам, унинг интеллектининг, унинг қобилиятларининг, тафаккур маданиятининг чексиз ривожланишига, унинг ҳар томонлама, яхлит камол топиши учун моддий ва маънавий зарур шарт-шароит яратишга ҳам тобора кўпроқ даражада йўл тутишдан иборат. Шу муносабат билан ҳозирги замон Ф. и янги характерли хусусиятларга эга бўлмоқда. Энди у шунчаки техниканинг ривож кетишдан бормайди, балки ундан ўзиб кетиб, моддий ишлаб чиқариш тараққиётининг етакчи кучи бўлиб қолмоқда. У алоҳида фан принципига қараб эмас, балки проблемага қараб структур жиҳатдан бўлимларга бўлинган яхлит, интеграциялаштирилган организм сифатида шаклланмоқда. Эндликда илмий тадқиқотларнинг бутун fronti (табiiий фанлар соҳасида ҳам, ижтимоий фанлар соҳасида ҳам) иж-

тимоний ишлаб чиқаришга қизиқтирувчи таъсир кўрсатмоқда. Агар илгарилари Ф. алоҳида социал тартиб тарзида ривожланган бўлса, эндиликда у ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини сингдириб ола бошлади: илмий билимлар ва илмий усул моддий ишлаб чиқаришда ҳам, экономикада ҳам, сиёсатда ҳам, бошқариш соҳасида ҳам, таълим системасида ҳам зарурдир. Шунинг учун ҳам Ф. фаолиятнинг ҳар қандай бошқа тармоғига қараганда тезроқ суръатлар билан ривожланмоқда. Социалистик жамиятда Ф. нинг муваффақият билан ривожланиши ва унинг натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилиши— илмий-техника тараққиётини тезлаштиришининг, коммунизм *моддий-техника базасини* қуришнинг энг муҳим шартидир. Ўзининг тўла раванқ топиши учун Ф. коммунистик ижтимоий муносабатларнинг ғалаба қозонишига муҳтождир. Лекин коммунизм ҳам Ф. га муҳтождир, Ф. бўлмаса коммунизм ғалаба ҳам қила олмайди, муваффақият билан ривожлана ҳам олмайди, чунки коммунистик жамият— бу илмий равишда бошқариладиган ҳаётни ижтимоий ишлаб чиқариши ва тақорор ишлаб чиқариши илмий равишда амалга оширадиган жамиятдир, бу инсоннинг табиат устидан Ф. га асосланган ҳукмронлигидир.

ФАНЛАРНИНГ ТУРКУМЛАНИШИ— фанларнинг алоқадорлиги, илмий билимлар системасида уларнинг ўзаро жойлашиш тартиби, бу тартиб муайян принциплар тақозоси билан юзага келгандир ва бу принциплар аввало турли фанлар ўрғанадиган хоссалар ва алоқани ҳамда уларни ўрганиш методини акс эттиради. Энгелиш диалектик-материалистик принциплар асосида («*Табиат диалектикаси*») олдинги туркумлашга уринишларнинг (бир томондан, Сен-Симон ва Конт, иккинчи томондан, Гегелнинг уринишлари) бирёқламалигини бартараф қиладиган Ф. т. ни ривожлантирди. Энгелиш фанларнинг алоқаси ва ўтишларини айрим фанлар ўрғанадиган *материя ҳаракати формаларининг* ўзларининг ҳамда уларнинг

моддий ҳомилларининг (материянинг дискрет турларининг) алоқаси ва ўтишларининг инъикоси деб тушунарди. У табиат ҳақидаги фанлар учун бундай қаторни белгилади: механика — физика — химия — биология. Сўнгра (биологиядан) Энгельс ишлаб чиққан *антропогенез* меҳнат назарияси орқали табиатдан инсонга, тарихга, тегишинча — табиёт илмидан ижтимоий фанларга ва тафаккур ҳақидаги фанларга ўтиш очилади. Механикадан бошқа томонга қараб математикага ўтиш белгиланган. Энгельс асосий эътиборин айрим фанлар (шунга мувофиқ — ҳаракат формалари) ўртасидаги ўтишларга қаратарди; у шунга асосланардики, ҳаракатнинг юқори-роқ формасининг моҳияти унинг ўзи тарихан келиб чиққан ва бўйсунувчи сифатида ўзида сақлаб турган қуйи формаларининг алоқасини билиш орқали очилади. Фанларнинг ундан кейинги ривожини шу тарзда бордики, уларнинг дифференцияланиши уларнинг тобора кучайиб бораётган интеграциясига, илгари тарқоқ бўлган фанлар билан умумийроқ характердаги фанлар ўртасида ўткунчи (оралик) фанларнинг пайдо бўлиши йўли билан уларнинг бир бутунга бирлашувига сабаб бўлди. Табиёт илми билан социал фанлар ўртасида техника фанлари туради (уларга қишлоқ хўжалиги ва медицина фанлари ҳам киради), табиёт илми билан фалсафий фан ўртасида эса математика туради, математика билан логика ўртасидаги чегарада бўлса математик логика туради. Психология билимнинг ҳамма уш соҳаси билан боғлиқдир (табиат билан—зоопсихология ва олий нерв фаолияти ҳақидаги таълимот орқали, жамият билан—тилшунослик, педагогика, социал психология ва ҳ. к. орқали, тафаккур билан—логика ва билиш назарияси орқали боғлиқдир). Кибернетика алоҳида ўрин тутади; кибернетика биринчи навбатда техника ва математика фанларининг бир бўлимидан иборат бўлса-да, лекин бошқа фанларга: табиий фанларга (биология, физиологияга), ижтимоий фанларга (тилшунослик, ҳуқуқ, иқ-

тисодий фанларга). ва логикага, айниқса математик логикага чуқур кириб бормоқда. Ҳозирги замон фанларининг ривожланиши Энгельс Ф. т. нинг дастлабки схемасига туб ўзгаришлар киритди: микроолам ҳақида бутунлай янги фан пайдо бўлди (субатом физика—ядро, квант-механика физикаси ва ҳ. к.); *оралиқ* фанлар вужудга келди (биохимия, биофизика, геохимия ва б.); ҳамма жойда илгариги фанларнинг иккиланиши намойиш бўлди (мас., микро- ва макрообъектларни ўрганувчи фанларга иккиланиши), бунинг натижасида Ф. т. ни ҳозир бир линияли йўсунда кўрсатиш мумкин бўлмайди. Ф. т. эндиликда чуқур ва мураккаб шахобчалардан иборатдир; фанларни умумийроқ, абстрактроқ фанларга ва ўзига хос моддий субстрат (ҳомил)га эга бўлган ҳаракат формаларини ўрганувчи хусусийроқ фанларга бўлиш зарурати пайдо бўлди.

ФАНТАЗИЯ (грек. phantasia — психик образ, ҳаёл меваси)—яратилувчи тасаввурлар ва образларнинг алоҳида кучи, яққолиги ва ғайри оддийлиги билан характерланувчи *ҳаёл*.

ФАНШУНОСЛИК—билимнинг бир тармоғи бўлиб, у фалсафий, иқтисодий, социологик, психологик методлардан фойдаланиш йўли билан комплекс процесс сифатидаги *фаннинг* функциясини ва ривожланишини ўрганади. Ф. нинг мақсади — ҳозирги замон жамиятида фандан оқилона фойдаланиш усуллари ва критерияларини аниқлаб олишдир. Ф. илмий фаолиятни ташкил этиш, фанни бошқариш, илмий-техника прогнози, илмий кадрларни қайта тайёрлаш ва улардан фойдаланиш проблемаларини ўрганади.

ФАОЛИЯТ. 1. Философияда—оламга муносабатнинг ўзига хос-инсоний усули—«предмет фаолият» (Маркс) дир; бу шундай процессдан иборатки, унинг жараёнида инсон табиатни тақдор ҳосил қилади ва уни ўзгартиради, шу билан инсон ўзини фаол субъектга, ўзи ўзлаштираётган табиат ҳодисаларини эса ўз Ф. нининг объектига айлантиради (*Субъект ва объект*).

Инсон ўзининг дастлаб инсон сифатида қарор топганлиги учун ҳам, тарихий процесс жараёнида барча одамий сифатларини сақлаб ва ривожлантириб келганлиги учун ҳам худди Ф. дан, *меҳнатдан* миннатдордир. Ф. да инсон ҳар бир предметга ва бу предметга бегона бўлган эҳтиёж ва мақсаднинг ҳомили сифатида эмас, балки унинг табиатига ва хусусиятига адекват муносабатда бўлади: у предметни ўзлаштиради, уни ўз активлигининг меъёрига ва моҳиятига айлантиради. Бунда инсон табиат билан шунчаки ўзаро таъсир қилиб қолмайди, балки ўзи табиат кучи сифатида майдонга чиқади. Лекин бунда инсон табиатнинг бошқа кучлари қаторида унинг шунчаки бир қисмидан иборат эмасдир, у қолган табиатга мослашмайди, балки унинг ўзини аста-секин ўз моддий ва маънавий маданияти таркибига қўшиб боради. Ижодкорлик сирини— Ф. нинг динамикасидадир. Тарихан унинг биринчи иши—қурол ёрдами билан қурол ишлаб чиқаришдан иборат. Ф.—*предметлашув билан но-предметлашувнинг* бирлигидан иборат: у муттасил инсоннинг амал қилувчи қобилияти формасидан предмет мужассамлашув формасига ўтиб туради ва аксинча. Тарих қонунлари пировард ҳисобда Ф. қонунларидир; тўғри, шуниси ҳам борки, синфий жамиятда *меҳнат тақсимоти* ва унинг бегоналашуви чоғида гўё кишиларнинг ҳатти-ҳаракатини ташқаридан туриб, улар устидан ҳукмронлик қилувчи бегоналашган кучлар («муҳит») формасида бошқарувчи қонунлар бўлиб кўринади. Инсон Ф. и. предметнинг ўзи ўзлаштирган томонларини ҳам реал тарзда, яъни шу предметнинг ўзини қайта ҳосил қилган ҳолда, ҳам идеявий тарзда, яъни биринчи предметнинг белги функцияси сифатида юзага чиқадиган бошқа предметнинг хоссалари сифатида такрор ҳосил қилади: у идеявийликни такрор юзага келтиради. Субъект, объект, тафаккур ва умуман диалектиканинг барча категориялари нималягини фақат Ф. нинг яхлитлиги нуқтаи назаридангина тушуниш мумкин. Назарий

Ф. сингари, предметни реал ўзгартиришнинг моддий-техникавий процесси ҳам — бу фақат система сифатидаги яхлит Ф. нинг нисбий мустақиллик берилган моментлари бўлиб, бу системада реал ўзгартирувчилик процесси идеявий ўзгартирувчилик процессини белгилайди. Шу муносабатдаги назарий Ф.— инсон маданияти дунёсини ўзгартишга қаратилган социал-ижодий процессдан иборат. Бироқ меҳнат тақсимоти шароитида шундай ҳаёлот пайдо бўладик, гўё «соф амалий» ва «соф назарий» функциялар ўз-ўзича Ф. дан иборат бўлиб кўринади. Коммунизм давридагина Ф. ҳар бир киши учун яхлит ташаббускорлик бўлиб қолади, ҳаётнинг мақсади ва эҳтиёжи сифатида юзага келади (*Коммунистик меҳнат*). Предмет Ф. нинг фалсафий категорияси барча социал фанлар, айниқса *социология, психология, педагогика* ва ҳ. к. учун муҳим дунёқаровчилик ва методологик аҳамиятга эгадир. 2. Психологияда Ф. шундай бир тушунчаки, бу тушунча индивиднинг теварак-атрофдаги олам билан ўзаро таъсири процессида унинг вазифасини тавсифлаб беради. Психик Ф.— тирик система учун теварак-атрофдаги олам билан ўзига хос алоқадан иборат, бу алоқа организм билан муҳит ўртасидаги ўзаро муносабатларга, аввало моддалар алмашанувига воситачилик қилади, уларни регуляция қилиб ва назорат қилиб туради. Психик Ф. эҳтиёж талаби билан уйғонади, бу талабни қондириш предметига қаратилган бўлади ва амаллар системаси билан рўёбга чиқарилади; у организмда психиканинг мавжудлигини назарда тутати ва шу билан бирга унинг пайдо бўлишининг асосий шарт-шароитини ташкил этади ҳамда унинг ривожланишининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб хизмат қилади. Психик Ф. нинг элементар ва олий формаларини бири-бирдан фарқ қилмоқ керак. Биринчи форма ҳайвонларга хосдир: у организмнинг теварак-атрофдаги муҳитга инстинктив (*Инстинкт*) мослашувидан иборат; иккинчи форма биринчи формадан ўсиб чиққан ва уни ўзгар-

тирган форма бўлиб, фақат инсонга хос хусусиятдир. Бу хилдаги Ф. олий формасининг ўзига хос хусусияти шундаки, у теварак-атрофдаги нарсаларни онгли равишда ўзгартиради. У ижтимоий характерга эга бўлиб, ижтимоий ҳаёт шарт-шароити билан белгиланади. Инсоннинг психик Ф. и. ривожлана бориб, ташқи ва ички Ф. ларга табақаланади. Биринчи Ф. инсоннинг реал предметлар билан ўзига хос ишларидан таркиб топади ва бу ишлар қўллар, оёқлар, бармоқларнинг ҳаракатлари йўли билан амалга оширилади. Иккинчи Ф. «ақлий ишлар» воситаси билан содир бўлади, бунда инсон реал предметлар билан ва реал ҳаракатлар йўли билан иш кўрмайди, балки бунинг учун уларнинг миёнга оид динамик моделларидан фойдаланади. Ички Ф. ташқи Ф. ни планлаштиради; у ташқи Ф. асосида пайдо бўлади ва у орқали рўёбга чиқади. Меҳнат тақсимоги инсон Ф. и. амалий ва назарий формаларининг ажралиб кетишига сабаб бўлади. Инсон ва жамият эҳтиёжларининг хилма-хиллигига қараб, кишилар Ф. и. конкрет турларининг хилма-хиллиги таркиб топади ва бу турларнинг ҳар бири одатда ҳам ташқи, ҳам ички, ҳам амалий, ҳам назарий Ф. ларни ўз ичига олади.

ФАРОСАТ ВА АҚЛ — тафаккурнинг босқичлари ёки усуллари бўлиб, улар Марксдан олдинги философиянинг баъзи системаларида ажратиб қаралган. Ф. деганда кўпинча тўғри муҳокама юргизиш, худоса чиқариш, ўз фикрларини изчил баён этиш қобилияти тушунилади. А. деганда — ҳодисаларнинг сабабларини ва моҳиятини топиш, уларни ҳар томонлама қараб чиқиш, қарама-қаршиликлар бирлигини очиб бериш қобилияти тушунилади. Ф. билан а. ни бундай ажратиш куртакларини *Платон, Аристотель, Николай Кузанский*даёқ учратиш мумкин. Бундай ажратиш *Кант* ва *Гегель* философиясида алоҳида ўрин тутади. Кантнинг фикрича, билиб бўлмайдиган «нарсаси ўзида»нинг сезги органлари таъсири натижасида пайдо бўладиган сезгилар ҳиссиётнинг (мақол ва замоннинг) ҳамда фаросат-

нинг (бирлик, кўплик, сабабият, имконият, зарурият ва ш. к. категорияларнинг) априор формалари ёрдами билан тартибга солинади. Ф. ҳиссий мазмунга форма беради ва шунинг учун нарсаларнинг асли моҳиятини эмас, балки уларнинг юз бериб кўринишини билади. Билишнинг ундан кейинги ҳаракати А. ёрдами билан амалга ошади, А. нинг синтез формалари эса — руҳ, олам ва худо идеяларидир. Инсоннинг ақли бу идеяларнинг предметларини биламан деб ҳал қилиб бўлмайдиган зиддият гирдобига тушади (*антиномиялар*). Назарий А. учун ҳам «нарсалар ўзида» оламнинг йўли беркдир. Энди «амалий ақл»га мурожаат қилиш ва диний эътиқод ҳисобига дунёқарашни кенгайтириш қолади. Гегелнинг фикрича, Ф. ҳаракатсиз муайянликдан, абстракт айниятдан, абстракт ялпи умумийликдан, қотиб қолган, бир-биридан йироқ бўлган қарама-қаршиликлардан (моҳият ва ҳодиса, зарурият ва тасолиф, ҳаёт ва ўлим ва ҳ. к. лардан) нарига бормайди. Фаросатли тафаккур етарли эмасдир, у юқорига, оқилона билиш формаларига кўтарилишига имкон берадиган зарур босқичдир, холос. Тафаккурнинг диалектик инкор этувчи—оқилона томони — бир томонлама чекланган таърифлар билан ўз-ўзини олиб ташлаши ва уларнинг ўз қарама-қаршилигига ўтишидир. Тафаккурнинг ақл сотишдан иборат ижобий-оқилона томони олиб ташланган ҳолида шундай қарама-қаршиликларни ўзида сақлайдики, Ф. бу қарама-қаршиликлардан нарига бормайди ва худди шу билан у конкретлик ва яхлитлик сифатида ўзини очиб кўрсатади. Марксизм Гегелнинг идеализмини рад қилиш билан бирга, унинг Ф. ва а. ҳақидаги таълимотида метафизикани қилинган танқидга ва унинг диалектикасига юксак баҳо берган эди.

ФАРҒОНИЙ Абу Аббос ибн Аҳмад (Европада ал Фараганус; 9- аср—вафоти 861) — Бағдодда ижод этган ўрта осийлик машҳур олим. «Астрономия ва атролсўбияга кириш», «Фалакляб бўладиган сабаблар», «Астролябия

фани усуллари», «Осмон ҳаракатлари ва юлдузлар илми» каби асарларни яратган; хусусан уни оламга машҳур қилган асари «Астрономия асослари» («Китоб ал Фусул ассалосин») — «Уттиз фаслли китоб») дир. Бу асар қадимги астрономик билимларни баён этади, астрономиянинг қондалари, усуллари ҳақида қимматли маълумотлар беради, Ф. ўзи ўтказган кузатишларни умумлаштиради. Бу асар 12-асрда латин тилига таржима этилиб, Европада ҳам астрономия бўйича қўлланма бўлиб хизмат қилган. У бошқа табиий ҳодисаларни ўрганиш учун кузатишлар олиб борган, бу Ф. нинг фан ривожига, эмпирик билимларга, кузатиш, текшириш методига кагта эътибор берганлигини кўрсатади.

ФАТАЛИЗМ (лат. fatalis — тақдирга оид) — фалсафий концепция, бу концепцияга кўра олам процесси, шу жумладан инсоннинг ҳаёти ҳам олий ирода, толе, тақдир азалдан белгилаб қўйилган. Қадимги замон мифологиясида ҳам тақдирнинг кишиларга ва ҳатто худоларга ҳукмронлик қилиши ҳақидаги тасаввур тарқалган. Философия тарихида Ф. концепцияси ирода эркинлиги масаласи қандай ҳал қилинганлигига қараб турлича шарҳланиб келган. Тақдир азал назариясида (*окказионализм, олдиндан белгиланган уйғунлик*) ва лапласча детерминизмда инсон худонинг ёки табиатнинг иродасиз ўйинчоғи, бу ўйинчоқ бир марта бураб қўйилгандан кейин, воқеаларнинг азалдан белгиланган ҳолатини ўзгартишга қодир эмас, деб тушунилган. Ф. нинг ирода эркинлигини буткул инкор этувчи бу кўринишга иккинчи қинғир томон — волюнтаризм қарама-қарши бўлиб туради. Лъёнавий диний Ф. (*Ислом, Августин, Лютер, Кальвин*) баъзи шартлиликлар билан инсоннинг ирода эркинлигини эътироф этарди-ю, лекин худонинг «эзгу» иродасини инсоннинг «сувз» иродаси билан ҳеч вақт келиштирилмас эди. Космик доиравий иблишининг ҳар бир даврасида барчи воқеаларнинг абсолют такрорланишини тарғиб қилувчи фалсафий таълимотларда Ф. энг тамоматига етган

ифодасини топади (*пифагорчиларнинг, Демокрит, Ницше* ва б. нинг «абадий қайтиш» назарияси). Бу концепция тасодифни ва инсон эркинлигини тақдирнинг қуроли ва зарур шарт деб қарайди ва шу билан инсон ўз тақдирининг яратувчиси эканлигини тан олади. Мас., Ницшенинг бошдан-оёқ фаталистик ва айни пайтда волюнтаристик философиясида «тақдир муҳаббати» инсонга «ҳокимиятга» бўлган ўз шахсий «ирода»сини максимал даражада амалга оширишни буюради. Тарихан Ф. умуман реакция роль ўйнаган. Бир томондан, тақдирни инсон умрининг юқоридан «пешанага ёзиб қўйилган дафтари» деб тушуниш пассивлики, вазиятга қўлларча итоат қилишни ривожлантирган. Иккинчи томондан, «тақдирнинг мумтоз кишилари»ни муқаррар равишда галабага ва ҳукмронликка муяссар қиладиган олий ироданинг қудратига ишонш диний фанатизмни келтириб чиқарган.

ФАЦЗЯ (қонунчилар) — Қадимги Хитойда етакчи ғоявий оқимлардан бири. Шан Ян (эрамиздан олдинги 4-аср), Хань Фей (эрамиздан олдин тах. 233 йилда вафот этган) ва б. — Ф. нинг таниқли вакиллари дирлар. Айирбошлаш муносабатлари ривожланиши туфайли бойиб кетган янги зодагонлар манфаатларини ифодловчи Ф. тарафдорлари мамлакатни бирлаштириш ва тарихий тараққиёт учун уруғдошлик тузумининг қолдиқларига ва жамоа-патриархал анъаналарига қарши курашганлар. Чунончи, Шан Ян Цинь (Чин) подшолигида бир қанча реформаларни амалга ошириб, эрамиздан олдинги 3-аср охирида биринчи Хитой империясини барпо этишга ёрдам берган. Хань Фей Ф. нинг иқтисодий ва сиёсий қарашларини фалсафий жиҳатдан асослаб берган. У, табиий қонулар (дао) нарсаларнинг ривожланишини белгилайди, деб ҳисоблаган. Инсоният жамияти ҳам ўз қонуларига (фа) эга бўлмағи лозим, токи бу қонулар кишиларга уларнинг ҳаракатлари мезони бўлиб хизмат қилсин. Бу қонулар мамлакатнинг қудратини мустаҳ-

камлаш ва уни раvнақ топтириш учун консерватив социал-сиёсий кучларга қарши курашда давлатнинг қуролидир. Хань Фей ва Ф. нинг бошқа вакиллари диний мистика ва хурофотнинг душманлари эдилар.

ФАШИЗМ (итал. fascio — бирлашиш) — «бу — молия капиталининг энг реакцион, энг шовинистик, энг империалистик элементларининг ошқора террористик диктатурасидир» (КПСС Программаси). Ф. нинг барпо этилиши ҳукмрон буржуазиянинг ўз ҳокимиятини одатдаги «демократик» воcиталар билан сақлаб қолишга қодир эмаслигини ифодалайди. Ф. антикоммунизм кучларига бош бўлиб майдонга чиқади, унинг асосий зарбаси коммунистик ва ишчи партияларга ва бошқа прогрессив ташкилотларга қарши қаратилган. Биринчи бўлиб фашистик тузум Италияда (1922), сўнгра Германияда (1933) ва бир қанча бошқа мамлакатларда ўрнатилди. Германияда Ф. национал-социализм ниқоби остида майдонга чиқди. Ф. ҳалқаро реакциянинг зарбдор кучи бўлди; фашистик давлатлар, биринчи гада гитлерчилар Германияси иккинчи жаҳон урушини бошлаб берди. Совет халқининг бугун прогрессив инсоният олдидаги тарихий хизмати шундан иборатки, у герман Ф. ини тормор этишда ҳал қилувчи роль ўйнади. Иккинчи жаҳон урушида фашистик давлатлар тўла мағлубиятга учраганлигига қарамай, ҳозирги вақтда баъзи империалистик давлатларда реакцион элементлар Ф. ни қайтадан тиклашга уринмоқдалар. Идеологияда Ф. — бу *иррационализм*, ўта шовинизм ва ирқчилик, мутаассиблик ва антигуманизмдир.

ФЕЙЕРБАХ Людвиг (1804—72) — немис материалист философи ва атеисти. Диссертация ёқлагач (1828), Эрланген ун-тетининг приват-доценти бўлди. «Улиш ва ўлмаслик ҳақидаги фикрлар» деган имзосиз китобни чиқарганлиги учун (1830) муаллимликдан четлаштирилди. Умрининг сўнгги йилларини қишлоқда ўтказди. Ф. 1848 йилги революцияни тушунмади, марксизмни қабул қилмади, шундай бўлса-

да, у умрининг охирида (1872) с.-д. партияга кирди. Ф. нинг қарашлари динга қарши кураш жараёнида *ёш Гегелчилар* идеяларидан материализмга ча ўзгариб борди. Материализмнинг эълон қилиниши ва қаттиқ туриб ҳимоя этилиши Ф. нинг замондошларига гоят катта таъсир кўрсатди. Унинг асарларининг халоскорлик таъсири ҳақида Энгельс бундай деб ёзган эди: «Ҳамма завқ-шавққа тўлган эди: биз ҳаммамиз бирдан Фейербахчилар бўлиб қолган эдик» (К. Маркс ва Ф. Энгельс, 21-т., 281-б). Ф. материализмнинг характерли хусусияти — *антропология* бўлиб, у революциядан олдинги Германия тарихий шароитларининг натижаси ва революцион буржуа демократияси идеалининг ифодаси эди. Ф. фалсафий эволюциясининг бошланғич нуқтаси — *Гегелнинг* инсон моҳиятини идеалистик тушунишни, уни ўз-ўзини англашдан иборат қилиб қўйишини танқид қилиш эди. Бундай нуқтан назардан воз кечиб муқаррар сурагда умуман идеализмдан воз кечишга олиб борарди. Ф. нинг хизмати шуки, у идеализмнинг дин билан алоқасини таъкидлаб кўрсатди. Ф. Гегелча диалектиканинг идеалистик характерини ҳам кескин танқид остига олди. Гегелни танқид қилиш Гегелча философиянинг рационал мазмунидан фойдаланишга йўл очди ва шу жиҳатдан марксизмнинг шаклланишига ёрдамлашди. Бироқ Ф., аслини суриштирганда, Гегель философиясини тўғридан-тўғри улоқтириб ташлаган ва шунинг учун ҳам унинг асосий ютуғи бўлмиш диалектикасини кўра билмаган эди. Ф. философиясининг асосий мазмуни ва маъноси — материализмни қаттиқ туриб ҳимоя қилишдир. Ф. антропологияси инсон моҳиятини биринчи ўринга суришда намоён бўлади ва унда инсон философиянинг «бирдан-бир, универсал ва олий» предмети деб қаралади. Лекин бу масалада Ф. изчил материалистик нуқтаи назарга кўтарила олмайди, чунки унинг назарида инсон — абстракт индивид, соф биологик вужуддир. Билиш назариясида Ф. *эмпиризм* ва *сенсуализмни* ҳимоя қилиб, *агностицизмга*

қатъий қарши чиқди. Шу билан бирга у билишда тафаккурнинг аҳамиятини ҳам инкор этмас эди, объектни субъектнинг фаолияти билан боғлаб тавсифлашга уринарди, инсон билиши ва онгининг ижтимоий табиати ҳақида ўз фаразларини айтган эди ва ҳ. к. Лейкин умуман Ф. Марксдан олдинги материализмнинг мушоҳадачилигини бартараф қилолмади. Бу нарса шу билан боғлиқ эдики, тарихни тушунишда Ф. ҳали ҳам бутунлай идеализм позицияларида туриб қолган эди. Ижтимоий ҳодисаларга идеалистик қарашлар Ф. нинг антропологияни универсал фан сифатида ижтимоий ҳаётни ўрганишга татбиқ қилишга интилишдан келиб чиқади. Ф. нинг идеализми дин ва ахлоқни тадқиқ этинида айниқса яққол намоён бўлади. Динга у инсон хоссаларининг бегоналашуви деб қарайди; инсон бамисоли иккиланиб, худо қиёфасида ўзининг асл моҳиятини мушоҳада қилади. Шундай қилиб, дин инсоннинг «ўз-ўзини онгсиз англаши» бўлиб чиқади. Бундай иккиланишнинг сабабларини Ф. инсоннинг табиат ва жамиятнинг стихияли кучларига қарамлигини ҳис этишда деб билади. Ф. нинг диннинг социал ва тарихий илдизлари ҳақидаги фаразлари айниқса қизиқарлидир. Бироқ антропология тўғрисида Ф. бу масалада фаразлардан нарига ўтолмади, динга қарши курашини таъсирчан воситаларни топа билмади (бу воситаларни у ўз-ўзини онгсиз англашни англаган ўз-ўзини англаш билан алмаштиришдан, яъни пировард ҳисобда маърифатдан топмоқчи бўлди) ва ҳатто янги дин зарурлигини тарғиб қилди. Ф. инсон яшайдиган ҳақиқий олам нималигини тушунмасдан, ахлоқ принципларини ҳам инсонга асосдан хос бўлган бахтга интилишдан келтириб чиқаради, унинг фикрича, ҳар бир киши ўз эҳтиёжларини оқилона чеклаб, бошқа кишиларга меҳр-муҳаббат билан қарагандагина бахтга эришиши мумкин. Ф. ўйлаб чиқарган ахлоқ абстракт, гайри тарихий характерга эга бўлиб, ҳамма замонлар ва халқлар учун бир андазада ирилтиган. Қарашларининг чекланган

бўлишига қарамай, Ф. марксизмнинг бевосита ўтмишдонини эди. Ф. нинг антропологияни гояларини ҳозирги замон идеалистларидан баъзилари очикдан-очик идеалистик шарҳлаш йўли билан қайтадан юзага келтирмоқдалар. Асосий асарлари: «Гегель философиясининг танқидига доир» (1839), «Христианликнинг моҳияти» (1841), «Философия реформасига доир дастлабки тезислар» (1842), «Қелажак философиясининг асослари» (1843).

«ФЕЙЕРБАХ ҲАҚИДА ТЕЗИСЛАР»— Маркснинг хотира дафтарида топилган 11 тезиси; 1845 йилнинг баҳорида ёзилган; биринчи марта Энгельс томонидан бир оз аниқликлар киритилиб 1888 йилда «Людвиг Фейербах ва немис классик философиясининг охири» асарига илова тариқасида эълон этилган. «Ф. ҳ. т.», деб кўрсатган эди Энгельс, «янги дунёқарашнинг доҳиёна куртагини ўз ичига олган биринчи ҳужжат» сифатида бебаҳодир (К. Маркс ва Ф. Энгельс, 21-т., 371-б). Мазмунига кўра, «Ф. ҳ. т.» «*Немис идеологияси*»га бориб тақалади. Унда Маркс янги философиянинг туб қоидаларини ихчам шаклда ифодалаб беради. Тезисларнинг марказий идеяси—практикани илмий тушунишни ишлаб чиқишдан иборат. Бу вазифа тарихни материалистик тушунишни талаб этардики, Маркс унинг асосий қоидаларини қуйидагича баён қилади: ижтимоий ҳаётни асосан амалий равишда тавсифлаш; инсон ўз меҳнатидан туғилганлигини, ўз моҳияти жиҳатдан эса у ижтимоий муносабатлар мажмуидан иборат эканлигини тушуниш; идеологик ҳодисаларнинг (мас., диннинг) жамиятнинг яшаш ва ривожланиш шароитига боғлиқлигини анализ қилиш. Маркс Фейербахнинг тарихий идеализмини ва утопик социалистларни ана шу нуқтани назардан танқид қилади. Маркс назария билан практиканинг бирлигига асосланиб, гносеология проблемаларини янгича тарзда қўяди ва бутун «олдин ўтган» материализмни танқид қилиб, унинг асосий камчилиги мушоҳадачиликдан

иборат эканлигини кўрсатади. Маркс субъектнинг «фаол томонини», яъни унинг объект билан ўзаро таъсири процессидаги активлигини (*Субъект ва объект*) ривожлантиришда идеализмнинг хизматларини қайд этиб, амалий фаолиятни идеалистларча тушунишнинг ярамаслигини очиб ташлайди. Маркснинг тезислари диалектик материализм философиясининг моҳияти ва вазифаларини, жамиятни революцион йўл билан қайта қуришда унинг ўрни ва ролини асослаб берди.

ФЕНОМЕН (грек. *phainomenon* — юз берувчи) — тажрибамизда ҳосил қилинган, ҳис-туйғу ёрдами билан пайқаладиган ҳодисани билдирувчи тушунча. Кант философиясида *Ф. нон-умендан* принципнол равишда фарқ қилади, чунки поумен тажриба доирасидан ташқарида қолади ва инсоннинг муҳофадаси унга етиб боролмайди. Кант *Ф.* тушунчаси ёрдами билан моҳиятни ҳодисадан кескин ажратиб ташлашга уринарди ва моҳиятни билиб бўлмайди, деб ҳисобларди (*Агностицизм*). Диалектик материализм нуқтаи назаридан қараганда, ҳодиса билан моҳият ўртасида кескин чегара йўқдир; моҳият ҳодиса орқали билинади (*Феноменализм, Феноменология*).

ФЕНОМЕНАЛИЗМ — билиш ҳақидаги таълимот, бу таълимот фақат сезгилар билишнинг бевосита объектидир, деган тезисдан келиб чиқади. Ута *Ф.* олам — «идеяларнинг», «сезгилар комплексларининг» мажмуидир деювчи субъектив идеализмга (*Беркли, эмпириокритицизм*) ёки сезгилар замирида нима борлигини биз била олмаймиз, деювчи (*Юм*) *агностицизмга* олиб боради. Мўтадил *Ф.* сезгиларда юз берувчи объектларнинг маъжудлигини эътироф этиб, объектларни моддий нарсалар деб қараганда (*Локк*), нонзчил материализмга ёки агар объектлар билиб бўлмайдиган «нарсалар ўзида» деб қараладиган бўлса (*Кант, Милль, Спенсер*), кантча агностицизмга олиб боради. Ҳозирги замон позитивизмида *Ф.* лингвистик формага кирмоқда, чунки унинг асо-

сий тезиси тажрибани «объектив» ёки «феноменалистик» тилда ифодалаш мумкинлигига бориб тақалади. Аввалда нарсалар ҳақидаги мулоҳазаларни онгинг мазмуни ҳақидаги мулоҳазалардан иборат қилиб қўйиш батамом мумкинлигини эътироф қилган баъзи неопозитивистлар сўнгги вақтда бу уринишларнинг беҳудалигини англай бошладилар. Диалектик материализм нуқтаи назаридан қараганда, *Ф.* нинг бошлангич тезиси асоссиздир, чунки унда билиш воқеликдан ва практикадан ажратиб қўйилади.

ФЕНОМЕНОЛОГИЯ — *Гуссерль* ва унинг шогирдлари (Ландгребе, Фивк, Шелер ва б.) асос солган субъектив идеалистик йўналиш, бу йўналиш ҳозирги замон буржуа философиясига катта таъсир кўрсатди. *Ф.* нинг марказий тушунчаси — онгинг «интенционаллиги» (унинг объектга йўналтирилганлиги) — «субъектсиз объект йўқ» деган субъектив идеалистик принципини мустаҳкамлашга қаратилган. Феноменологик методнинг асосий талаблари кўйилмагилардан иборат: 1) феноменологик редукция, яъни объект реалликка оид ва «соф» (яъни субъектив) тажриба чегарасидан чиқадиган ҳар қандай муҳокамалардан сақланиш; 2) трансцендентал редукция, яъни билиш субъектининг ўзини реал, эмпирик, социал ва психологик вужуд деб эмас, балки «соф», трансцендентал онг деб қараш. Философия, «соф моҳиятлар» ҳақидаги фан (эйдетика) сифатида, реал фактларни билишга қарама-қарши қўйилади. *Ф.* ғоялари *экзистенциализмнинг* фалсафий асоси бўлиб хизмат қилди (*Хайдеггер; Сартр*). Католик философлар (Де Веленс, Ван-Бреда) *Ф.* ни *неотомизм* билан синтезлаштирмоқдалар. *Ф.* дан очиқдан-очин чиқарилган идеалистик ва иррационалистик ҳулосалар феноменологик мактабнинг ўзи ичда оппозиция чиқишига сабаб бўлди: бу мактабнинг сўл қаноти *Ф.* ни иррационализм ва экзистенциализмдан иҳоталаб, унинг атиги хаёлий «рационал маъзи»ни сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқда (*М. Фарбер, қисман Р. Ингарден*). Гуссерльнинг Лувен католик

ун-тети қошидаги (Бельгия) архиви ва «Философия ва феноменологик тадқиқотлар» журнаlining нашр этувчи Халқаро феноменологик жамият (Буффало, Нью-Йорк штати, АҚШ) — феноменологик оқимнинг назарий марказларидир.

ФЕОДАЛИЗМ (лат. feodum—мулк-амлоқ)— *ижтимоий-иқтисодий формация*, бу формация жаҳоншумул-тарихий тараққиёт жараёнида ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг алмашишуви яхлит диалектик процессининг ўрта ҳалқасини ташкил этади: Ф. даври қулдорлик тузуми билан капитализм ўртасида туради. Турли халқлар тарихида Ф. емирилайтган ибтидоий жамоа ва қулдорлик муносабатлари элементларининг синтези воситаси билан пайдо бўлди. Бу синтезнинг уч типни кўзга ташланади: бунда биринчи хилдаги, иккинчи хилдаги муносабатларнинг элементлари устун бўлади, ёки улар ўртасидаги нисбат озми-кўпми тенг бўлади. Ф. нинг иқтисодий тузуми, турли мамлакатларда ва турли вақтда (қадимги ва янги тарих ўртасида) унинг формалари нечоғлиқ хилма-хил бўлишига қарамай, шу билан характерланадики, ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси бўлган ер (баъзан деярли тамомила давлат билан қўшилиб кетувчи) ҳукмрон феодаллар синфининг монопол эгаллигида бўлади, хўжалик эса майда ишлаб чиқарувчилар—деҳқонларнинг кучи ва техника воситалари билан юргизилади. Ф. нинг асосий иқтисодий муносабати феодал рентада, яъни қўшимча маҳсулотда юз беради, бу рентаги хўжайинлар (ёки давлат) ишлаб чиқарувчилардан иш, пул ёки натура формасида ундириб олади (ишлаб бериш рента, пул рента, натурал рента). Феодал муносабатлар системасига заруран бозор ҳам қўшилган бўлади, чунки қишлоқ хўжалик маҳсулотлари наҳарликларга сотилмаса, Ф. пул рентаги нималигини билмаган бўлурди. Феодаллар томонидан деҳқонларни эксплуатация қилишга асосланган (ҳам иқтисодий, ҳам ғайри иқтисодий) мажбур қилиш бу эксплуатация учун хилма-хил (қўшимча) феодал жамиятидаги

антагонизм социал зиддиятларнинг хилма-хил формасини юзага келтирди. Бу социал зиддиятларнинг олий формаси, гарчи жуда камдан-кам бўлса-да,— халқ, деҳқон-илебейлар қўзғолонлари ва урушлари эди. Феодал даври идеологияси учун шу нарса характерли эдики, унда жуда кенг, лекин деярли қотиб қолган ҳамда ҳақиқий билимларга кам асосланган ақлбозлик концепцияларига ва жаҳон динларига (*христианлик, ислом, буддизм, конфуцийчилик* ва б.) га интилиш зўр эди. Феодал жамиятнинг сиёсий тузуми унинг ривожланишининг турли босқичларида турлича бўлган: энг майда давлатларга бўлиниб кетишдан тортиб то жуда марказлашган абсолют монархияларгача давлат тузуми мавжуд эди. «Қўчманчи Ф.» деб аталувчи ўзига хос форма ҳам бор эди, лекин унинг асосий белгилари бошқа формалардан фарқ қилмаган. Ф. нинг сўнгги даври (унинг система сифатида ривожланишининг пасайиш босқичи) шу билан характерланадики, унинг бағрида мануфактура ишлаб чиқариши — капиталистик муносабатларнинг куртаги туғила бошлади. Ғарбий Европада бу давр—*илк буржуа революцияларининг* етилиши ва юзага чиқиши давридир.

ФЕТИШИЗМ (португалча feitiço — сеҳргарлик) — ижтимоий (иқтисодий, диний ва ш. к.) муносабат ва унга мувофиқ келадиган назарий қараш, бу назарий қараш нарсаларга ўз-ўзликнича махсус социал сифатларни нисбат беради ва шунинг натижасида уларнинг ғайри табиий қобилиятга эга эканлигини уқдиради. Шу билан бирга маданият яратган хусусиятлар қандайдир табиий нарса деб қабул қилинади. Метафизик материализм ва маърифатчилик танқиди Ф. ни фақат индивидуал онгларнинг иллюзияси, алдаб натижаси ва ҳ. к. деб биларди. Марксизм эса Ф. нинг объектив мазмунини очиб берди. Ф. нинг тарихин дастлабки формаси ибтидоий одим маданиятининг ниҳоятда паст даражаси туфайли вужудга келган ва предмет-фетишларнинг унинг ҳаётига қасдан таъсир қилиш каби мўъжиза-

ли қобилиятга эгалигида ифодаланган (*Тотемизм, Сехрарлик*). Ф. элементлари ҳозирги замондаги деярли ҳамма динларда сақланиб қолган (бутга, иконаларга, майнитларга ва ҳ. к. «муқаддаслик» хоссаларини нисбат бериш). Товар ва айниқса капиталистик товар ишлаб чиқариши Ф. ни «қундалик ҳаёт дини» (Маркс) қилиб қўяди. Товарнинг фетишistik характери — унинг элементар формасидир, бунда товар шахс қиёфасига кириди ва айни вақтда ишлаб чиқарувчилар буюмлашади. Ишлаб чиқарувчиларга уларнинг муносабатлари «худди ҳақиқатда бўлгандек туюлади, яъни шахсларнинг ўзининг улар меҳнатидаги бевоқиф ижтимоий муносабатлари бўлиб эмас, балки, аксинча, шахсларнинг буюм муносабатлари ва нарсаларнинг ижтимоий муносабатлари бўлиб туюлади» (К. Маркс ва Ф. Энгельс, 23-т., 83-б.). Ф. пулга, олтинга сифинишда, капиталга меҳнатга боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзича ўсиш қобилиятини нисбат беришда, ҳокимият символлари, сиссий тартиботлар олдида мутаассибларча сажда қилишда, идеологик тасаввурлар, шюрларнинг сеҳрарлик кучи бор деб билишда намойиш бўлади. Бу ҳолларнинг ҳаммасида инсон *фаолиятининг* натижаларига (моддий ёки маънавий натижаларига) мистик мустақиллик ва одамлар устидан қудратли ҳукмронлик бахш этилади. Маркс кўрсатган эдики, Ф. нинг илдизлари *субъект билан объект* ўртасидаги муносабатларни объектив бузишда ва уларни чаппасига айлантиришда, социал муносабатларни бегоналаштиришда ва буюмлаштиришда, яъни инсонни нарса даражасига ёки нарсалик вазифаларини бажарувчи даражасига туширишдадир. Социализм ва коммунизм қурилиши давомида Ф. нинг барча манбалари ва формалари баргараф қилинмоқда ва одамлар ўртасида шахслар ўртасидаги каби «яққол-оқилона» (Маркс) муносабатлар барқарор бўлмоқда.

ФИДЕИЗМ (лат. *fides*—эътиқод) — реацион таълимот, бу таълимот фанни динга бўйсундиришга, илмий билимдан диний ақидаларни ҳимоя қи-

лиш учун фойдаланишга интилади. Ф. шундай бир даъвони ўзига асос қилиб олганки, бу даъвога кўра, фан фақат ҳодисаларни, фактларни, иккиламчи (физик) сабабларни очади, лекин у бирламчи (гайри табиий) сабабларни очиб беришга, борлиқнинг энг чуқур манбаларини тушунтириб беришга қодир эмасдир. Фидеистлар фаннинг амал қилиш соҳасини чеклаб қўйиб, илмий билиш ҳақиқатни охиригача очиб беролмайди, дейдилар; улар диний эътиқодга ўрин бериш учун объектив ҳақиқатнинг мавжудлигини инкор этадилар. «Ҳозирги замон фидеизми фанни ҳеч бир рад қилмайди; у, фаннинг фақат «ҳаддан ташқари даъволарини, яъни объектив ҳақиқат бор деган даъвосини рад қилади» (В. И. Ленин, 18-т., 140—141-б.). Билимнинг чегаралари ҳақидаги фидеистик таълимот ҳам фанни кенг дунёқарашлик, методологик аҳамиятдан маҳрум қилиш мақсадини кўзлайди. Фидеистларнинг фикрича, фақат дин оламнинг мавжудлиги ва мақсаднинг принципларини чинакам изоҳлаб беради, инсоннинг ҳаётига мазмун ва мақсад бағишлайди, фан эса, бу мақсадни амалга ошириш учун баъзи воситаларни беради, холос. Ф.— буржуа философияси билан илоҳиёт иттифоқининг ғоявий асосидир. Ҳозирги замон буржуа философиясининг кўп йўналишлари яққол ифодаланган фидеистик белгиларга эгадир (*персонализм, неотомизм, экзистенциализм* ва б.). Иккинчи томондан, илоҳиётчилар динни нозикроқ йўл билан ҳимоя қилиш учун бу ва бошқа хилдаги буржуа фалсафий йўналишларнинг идеяларидан (иррационал кучларнинг инсон устидан ҳукмронлиги, мистик интуиция ёрдами билан «гайри тажрибавий» реаллиқни пайқаш мумкинлиги, рационал воситалар билан «ифодалаб бўлмайдиган соҳа»нинг мавжудлиги ҳақидаги идеялардан) фойдаланмоқдалар. Ҳозирги замон Ф. и. ўз реакцион идеяларни зўр бериб йиқиблаб, уни философиядаги ўртача йўл деб эълон қилмоқда, гўё бу йўл материализм ва идеализмнинг чекланганлигидан юқори турармиш. Ф. нинг

асоссизлиги инсон билиши ва практиканинг бутун ривожини давомидида исбот қилиниб келмоқда, бу билиш ва практика объектив ҳақиқатни фақат фан очиб беришга қодир эканлигидан далолат бермоқда.

ФИЗИКА (грек. physis — табиат) — моддий зарраларнинг, модданинг ва майдоннинг ҳаракат хоссалари ва қонунлари, атомларнинг тузилиши, гравитацион, электр, магнит ва ш. к. ўзаро таъсирлар ҳамда молекуляр жараёнлар ҳақидаги фан. Қадим замонда «Ф.» сўзи табиат ҳақидаги маълумотларнинг бутун мажмуини билдирган. Кейинчалик Ф. деганда жисмлар ҳаракатининг (механика) қонуниятлари, товуш (акустика), иссиқлик, электр, магнит ва оптик ҳодисаларнинг сабаблари ҳақидаги таълимоти тушуна бошлаганлар. Классик Ф. бу ҳодисаларнинг сабабларини *Ньютоннинг* механика қонунлари асосида тушунтириб беришга интиларди. 19-асрда Ф. ўзига хос қонуниятлар билан иш кўриши аниқланди. Термодинамика молекулалар кўп тўпламларининг ҳатти-ҳаракатини ўрганadi, бу молекулалар учун характерли нарса шуки, улар камроқ эҳтимолли ҳолатлардан кўпроқ эҳтимолли ҳолатларга қайтмас тарзда ўтиб турадилар, ваҳоланки асл маънодаги механик процесслар бундай қайтмаслик хусусиятига эга эмасдир. Иккинчи томондан, классик электродинамикада электромагнит майдонининг пайдо бўлиши ва тарқалиш қонунларини механика қонунларига нисбат бериб бўлмаслиги ҳақидаги ишонч ривож топди. Шундай қилиб, 19-асрда Ф. механикадан қутулиб эркин бўла бошлади. Шу билан бирга иссиқликнинг механика назарияси механик процессларнинг иссиқлик процессларига ўзаро ўтиб туришини кўрсатди, электр ҳақидаги таълимот эса механик процессларнинг электр процессларга ва аксинча ўтиб туришларини аниқлади. 19-асрда механик, иссиқлик ва электромагнит процесслар ўзаро бир-бирига ўтиш билан боғлиқлиги ва бунда ҳаракатнинг — энергиянинг мазкур турларининг ҳаммасининг миқдор меъёрлари

сақланиб қолиши аниқланди. Энергиянинг сақланиш принципи (*Энергиянинг сақланиш қонуни*) Ф. нинг асосий принципи бўлиб қолди. 19-асрнинг охири — 20-асрнинг бошларида илгарй маълум бўлмаган кўп янги физик ҳодисалар — радиоактивлар, рентген нурларининг пайдо бўлиши ва тарқалиши, *радиоактивлик* ҳодисалари — аниқланди. Айни вақтда *Менделеев* кашф этган элементлар химиявий хоссаларининг даврийлиги физиклар фикрининг марказида бўлди. Бу ҳодисаларнинг сабабларини қидириб топгач, Ф. янги бўлимларни — атом ва ядро физикасини ва сўнгра «элементар» зарралар физикасини ўз соҳасига киритди. 20-асрнинг биринчи ярмида назарий физикада классик тушунчалар ва идеялардан йироқлашиш содир бўлди, бу йироқлашиш *нисбат назарияси* ва *квант механикаси* билан боғлиқ эди. Улкан муваффақиятларга эришган ҳозирги замон физикаси техникага ва ижтимоий ҳаётга ўтмиш билан таққослаб бўлмайдиган таъсир кўрсатмоқда. Ўз тараққиётининг бутун давомида Ф. философия билан маҳкам алоқада бўлиб келди. Қадим замонда физик маълумотлар ва гипотезалар турли фалсафий системаларнинг таркибий қисми бўлган. Классик механика асосида ривожланган физика билимларини умумлаштириш янги замондаги материалистик идеяларнинг негизи бўлиб хизмат қилди. 19-асрда физика соҳасида қилинган кашфиётларнинг аналizi қилиниши ва умумлаштирилиши Маркс ва Энгельсга диалектик материализм таълимотини ривожлантиришга имкон берди. 20-асрда идеалистик йўналишлар, олдинги даврлардагидек, физик тасаввурларнинг алмашинувида идеалистик, позитивистик хулосалар чиқаришга интилди (*Физик идеализм*). Лениннинг «*Материализм ва эмпириокритицизм*» асарида янги физика назариялари ҳақиқий мазмунининг аналizi қилиниши ҳамда фаннинг янада ривожланиши Ф. нинг диалектик материализм фойдасига рад қилиб бўлмайдиган далиллар бераётганлигини ва марксизм фалсафий ғояларининг фа-

зик тадқиқотларга татбиқ этилиши табиатни тадқиқ қилишда уларга янги стимул ва куч бераётганлигини кўрсатди.

ФИЗИКАЛИЗМ — логик позитивизм концепцияларидан бири, бу концепцияни Карнал, Нейрат ва бошқалар ишлаб чиққан. Ф. тарафдорлари ҳар қандай фаннинг бирон қондасининг чинлигини уни физика, «физикалиялар» тилига таржима қилиш мумкинлигига боғлиқ қилиб қўядилар. Шу тариқа таржима қилиб бўлмайдиган ибораларини улар илмий мазмундан маҳрум деб қарайдилар. Илмий билимнинг бирлиги, унинг объектив чинлиги проблемаси ана шу тариқа фаннинг ягона бир, ёки аниқроғи, бирдан-бир тилини қидириш билан алмаштирилади. Физикалистрлар турли фанларнинг объектив алоқасини, уларнинг бирлигини анализ қилиш ўрнига мавжуд билимнинг ўзига хос турларини физика тилига таржима қилишга ва шу асосда уларни унификациялаштиришга уринмоқдалар. Бунда неопозитивизм томонидан механистик исбат бериш принципининг ўзича бир тарзда қайтадан тикланиши намоён бўлди. Ягона бир унификациялаштирилган тил яратишга ва мавжуд билимнинг бутун системасини шу тилга таржима қилишга уриниш ижобий натижа бермади. Бу йўлда логик позитивистлар муваффақиятсизликка учрадилар ва кейинчалик уларнинг кўпи «ортодоксал» Ф. дан йироқланди.

ФИЗИК ИДЕАЛИЗМ—В. И. Ленин томонидан «Материализм ва эмпириокритицизм» китобига киритилган ном, янги физика ютуқларига асосланувчи бир қанча субъектив идеалистик назарий қарашлар шу ном билан аталган. 19-асрнинг охири 20-асрнинг бошларида қилинган кашфиётлар (Радиоактивлик, Нисбият назарияси) билан ёғлиқ ҳолда эски физик тушунчаларнинг кескин ўзгариши физикадаги кризис билан бирга борди ва бу фаннинг ривожланишида икки моментни: унинг математиклашувини ва билимларнинг нисбийлиги принципини биринчи ўринга сурди. Ленин кўрсатга-

нидек, бу процессларни нотўғри тушуниш бир турфа олимпларнинг Ф. и. га ўтишларига ёрдамлашдики, бу олимплар янги ҳодисаларга кенг дунёқараш назари билан қарай олмас, илмий билишнинг тарихий тараққиёти қонуниятларини умумлаштира олмас эдилар ва ўзлари тутган ижтимоий-сиёсий мавқеларига кўра, жумладан, диалектик материализмни тан олмас эдилар. Физиканинг энг оддий объектларини ҳиссий жиҳатдан яққол сезиш мумкин эмаслиги ва уларнинг абстракт математик тилда тасвирланиши «материя йўқ бўлди», ёлғиз тенгламалар қолди, деган хато хулосага олиб келди. Абсолют ва нисбий ҳақиқат диалектикасини билмаган пайтда одатдаги тасаввурларнинг бирдан ағдар-тўнтар бўлиши билимларимизнинг «соф нисбийлигини» даъво қилишга, объектив ҳақиқатни инкор этишга, пировард натижада идеализмга ва агностицизмга олиб келди. Ҳозирги замон Ф. и. и янги физика парадоксларини субъектнинг (кузатувчининг) хоссаларига боғлаб изоҳлашга уринмоқда, гўё бу субъект оламни «априор» математика ва приборларнинг кўрсатмалари ёрдами билан тасвирлаб бераётган. Бу изоҳ кўп даражада кузатувчанлик принципи деб аталувчи принципга таянади, бу принципга кўра назария субъектнинг бевосита ҳиссий тажрибасига мувофиқ келмайдиган бирор нарсага ўз ичига олмаслиги лозим. Ф. и. билишнинг объективлигини инкор этади ва шу билан фаннинг ривожига тўсқинлик қилади.

ФИЗИОЛОГИК ИДЕАЛИЗМ — субъектив идеалистик назария, бу назария ўтган асрнинг ўрталарида биологлар ва медиклар орасида тарқалган эди. Ф. и. га Иоганн Мюллер асос солганди. «Ф. и.» терминини биринчи бўлиб Фейербах ишлатган. Ленин «Материализм ва эмпириокритицизм» китобида очиб ташлаган бу таълимотнинг асоссизлиги сезгилар мазмунининг сезги органлари фаолиятига боғлиқлигига ортқича баҳо беришда ифодаланарди. Сезги объектив-реал олам образи эмас, балки унинг симболи деб қараларди. Мюллернинг фик-

рича, рангнинг спектри, товушнинг тембри, там ва ҳиднинг хусусиятлари фақат тегишли сезги органларнинг структур ва функционал хусусиятлари билан белгиланади. Ф. и. тарафдорлари организмдаги бир қанча физиологик реакциялар ташқи кўзготувчининг кучига ва сифатига маълум даражада боғлиқ эмаслигини абсолютлаштирган эдилар ва шу билан организм ташқи муҳитга қарама-қарши қўйилган эди, ташқи муҳит эса автоном амал қилувчи сезги органларининг «ташқи ишга солувчи механизми» деб қараларди. Ҳозирги вақтда буржуа табиятшунослари орасида Ф. и. га яқин назариялар тарқалган. Бу — *психосоматика*, *голизм*, *автогенез* ва *кондиционализмнинг* турли таълимотларидир.

ФИКР (грек. *doxa*) — антик философияда ишончли, объектив билим бўлиши ҳақиқатдан фарқли ўлароқ, ишончли бўлмаган, субъектив билим. *Элеатлар* ҳам рационал билишга асосланган ҳақиқат билан ҳиссий идрокларга асосланган ва нарсаларнинг фақат зоҳирий кўриниши билан таништирадиган Ф. ни кескин чегаралаб қараганлар. Атомистларда Ф. инсонга оқиб келувчи «образлар» натижасидир; ҳиссий идрок қилинувчи ҳодисалар Ф. да мавжуд бўлиб, ҳақиқат жиҳатидан эса фақат атомлар ва бўшлиқ мавжуддир. *Софистлар* Ф. билан ҳақиқат ўртасидаги чегарани сиририб ташлаганлар («нима кимга қандай кўринса, ўша ҳақиқатдир»), бу эса уларни ўта субъективизмга ва релятивизмга олиб келган. *Платоннинг* фикрича, фарз ва ишончга бўлинувчи Ф. руҳий моҳиятлардан баҳс қилувчи билимдан фарқли ўлароқ, ҳиссий нарсаларга тааллуқдир. *Аристотелда* Ф. билишнинг эмпирик методди бўлиб, унинг предмет мазмуни, у тасодифга ва жувъийликка оид бўлганлиги сабабли, ёлгонлик даражасигача ўзгариши мумкин. Аристотель Ф. ни зарурийлик ва умумийликдан баҳс қиладиган илмий билимдан фарқ қилади.

ФИЛОГЕНЕЗ ВА ОНТОГЕНЕЗ (грек. *phyle*— қабила, уруғ; *on, on-*

tos — зот, *genesis* — келиб чиқиш) — бу терминларни *Геккель* организмларнинг тарихий, уруғдонлик (Ф.) ва индивидуал (О.) тараққиётини биядриш учун киритган (1866). Тирик табиатнинг ривожланиш процессида Ф. билан О. чамбарчас боғлиқ ва ўзаро бир-бирини тақозо қилади (*Биогенетик қонун*): О.— тарихий тараққиёт натижасидир, яъни Ф. нинг натижасидир, иккинчи томондан, Ф. индивидуал ўзгаришлар заминиди, яъни О. заминиди қурилади. Ана шу ўзаро таъсирда қисм (индивидуум) билан бутун (уруғ)нинг, айримлик билан умумийликнинг бирлиги, тараққиётнинг спиралсимон процесси диалектикаси акс этади ва мазкур тараққиётнинг ҳар бир босқичида олдинги босқичларда юз берган сифат сакрашлари олиб ташланган тарзда қайта ҳосил қилинади. Ф. билан О. нинг бирлиги идеясини *Дарвин* илгари сурган, уни *Геккель*, *Мичурин* ва бошқалар ишлаб чиққан.

ФИЛОСОФИК АНТРОПОЛОГИЯ

(грек. *antropos* — инсон, *logos* — таълимот) — ҳозирги замон буржуа философиясидаги оқим, идеалистларча талқин қилинувчи инсон проблемаси унинг диққат марказида туради. Гарчи асосий ғоялари ва методологик йўл-йўриқлари *М. Шелернинг* «Инсоннинг космосдаги мавқеи» асарига (1928) бориб тақалса-да, Ф. а. иккинчи жаҳон урушидан кейин *Германияда* узил-кесил таркиб топди. Ф. а. нинг вакиллари бўлиш Шелер, *Г. Плесснер*, *Г. Хенгстенберг* инсоннинг «синтетик» концепциясини тузиш йўлини тутадилар, философияга «инсоннинг моҳияти ва мавжуд структураси ҳақида»ги, «Инсоннинг ўз борлиги нуқтан назардан инсон ҳақида»ги таълимот деб қарайдилар. «Антропологлар» ишга соладиган табиий-илмий ва социал-тарихий материал улар томонидан идеалистларча талқин қилинади, бу эса инсоннинг, инсон шахсининг моҳияти ва структураси ҳақидаги саволга илмий жавоб бериш имкониятини йўққа чиқаради. «Антропологлар»нинг назарий жиҳатдан аҳамиятга эга бўлган проблемаларга му-

рожаати — «маданий антропология»-дан (Э. Кассирер, Э. Ротхакер, А. Гелен, М. Ландман) тортиб то «медицина антропологияси»гача (Р. Христиан, В. Вайцекер) хусусий фалсафий антропологик фанларнинг келиб чиқишининг гносеологик манбаидир. Социал нуқтан назардан Ф. а. буржуа жамияти умумий кризисининг маҳсулидир, бу кризис мазкур жамият шароитида муқаррар равишда шахснинг инқирозига сабаб бўлади. Бироқ Ф. а. тарафдорлари «шахснинг емирилиши» ҳодисасини инсон моҳияти азалий «антропологик» конфликтининг ифодаси, деб талқин қиладилар. Гуссерль феноменологияси, ҳаёт философияси, экзистенциализмнинг Ф. а. доирасидаги эклектик аралашмаси шахснинг руҳий атом сифатидаги хаёлий моделини тугдирадики, бу руҳий атомнинг моҳияти унинг ўзида биқинган бўлади. Инсоннинг социал алоқалари мистификациялаштирилади ва «нариги дунёга», худого қарамлик шаклда тасвирланади. Умуман идеалистик «антропология»нинг логикаси, унинг айрим вакилларига хос бўлган фарқлафовуллардан қатъи назар, инсондаги руҳий ибтидонни бирламчи деб эътироф қилишга олиб боради: «ўзи га интилган индивидуаллик» ҳақидаги муҳокамалар империалистик дунёдаги ҳақиқий социал-синфий антагонизмларни хаспўшлайди. «Антропологлар» жамият олдида шахснинг «бирламчилиги»ни кўрсатарканлар, хусусий мулкнинг «табиий зарурлиги»ни даъво қиладилар. Инсон моҳиятини тадқиқ қилиш Ф. а. да ҳаётнинг мазмуини қидириш билан тугалланади ва бу мазмун инсоннинг фундаментал хусусияти деб қаралади. Инсон ҳаётининг мазмуни, одатда объектив-идеалистик нуқтан назардан талқин қилинади: у келиб чиқиши худого бориб тақаладиган «гайри замоний» мазмундан келтириб чиқарилади. Инсоннинг шаклланиши, онининг пайдо бўлиши, танлаш имконияти, қарор қабул қилиш, масъулият шу хилдаги «мазмун» билан боғланади. Шундай қилиб, Ф. а. инсонни унинг социал сифатларидан маҳрум қилади, бу эса

умуман инсоннинг моҳиятини ҳам, шахснинг конкрет-тарихий типларини ҳам илмий тушунишни йўққа чиқаради. Ф. а. нинг илмга хилоф ва сиёсий реакцион ғоялари ҳозирги замон фалсафий ревизионизмнинг мазмунига катта таъсир кўрсатди (Э. Блох, Л. Колаковский, Э. Фишер ва б.).

ФИЛОСОФИК КОММУНИЗМ—

Энгельс 1842—43 йилларда Германияда революцион буржуа интеллигенцияси вакиллари орасида коммунизмни асослашда кўринган йўналишни шу термин билан атаган. Ф. к. нинг алоҳида хусусияти ёш гегелчилар ва айниқса Фейербахнинг назарий қарашларини утопик социалистларнинг таълимотлари элементлари билан ҳамда социал, бошлича антифеодал ўзгаришлар соҳасидаги вазифалар билан боғлашга интилишдан иборат эди. Ф. к. учун яна шу нарса ҳам характерли эдики, у пролетариатнинг родини бутунлай менсимас ва коммунизмнинг синфий характерини тушунмас эди. Буларнинг ҳаммаси конкрет-тарихий ва айниқса иқтисодий тадқиқотларнинг паст даражаси билан биргаликда Ф. к. нинг спекулятив (сафсатабозлик) характерини кўрсатади. Унинг рационал мазмуни коммунизмнинг немис классик философияси билан алоқадорлигини таъкидлаб кўрсатишда эди. Аниқ шакли бўлмаган ва хийлагина бетайин бу йўналишнинг Гервег, Гесс, Люнинг, Бернайс, Грюн ва б. дан иборат вакиллари бор эди. Кейинчалик Ф. к. айни «чин социализм»га айланиб кетди.

ФИЛОСОФИЯ (phileo — севаман ва sophia — донишманлик, яъни донишманликни севаман демакдир)—умумий қонуниятлар ҳақидаги фан, бу қонуниятларга борлиқ (яъни табиат ва жамият) ҳам, инсон тафаккури, бишлиш процесси ҳам бўйсунгандир. Ф. ижтимоий онг формаларидан бири бўлиб, пировард ҳисобда жамиятнинг иқтисодий муносабатлари билан белгиланади. Алоҳида фан сифатида философиянинг асосий масаласи — тафаккурнинг борлиққа, оннинг маътерияга муносабати проблемасидир. Ҳар қандай фалсафий система бу

проблемани, ҳатто унда «асосий масала» тўғридан-тўғри ифодаланмасида, конкрет тарзда кенг миқёсда ҳал этишдан иборат. «Ф.» термини биринчи марта Пифагорда учрайди: алоҳида фан сифатида уни биринчи марта Платон ажратган. Ф. қўлдорлик жамиятида инсоннинг объектив олам ва ўз-ўзи ҳақидаги билимларининг жамул-жамини бирлаштирувчи фан сифатида пайдо бўлган, бу ҳол инсоният тарихининг илк босқичларида билимларнинг ривожини паст даражада бўлган бир чоқда тамомила табиий эди. Ижтимоий-ишлаб чиқариш практикасининг ривожланиши ва илмий билимларнинг жамғарилиб бориши давомида айрим фанларнинг Ф. дан «ажралиб чиқиш» процесси юз бера бошлади ва айни вақтда Ф. мустақил фанга айлана борди. Фан сифатида Ф. оламга умумий қарашни ишлаб чиқиш, унинг ибтидолари ва қонунларини тадқиқ этиш заруратидан, воқелик тўғрисидаги тафаккурнинг оқилона асосланган методига, логикага ва билиш назариясига тўғилган эҳтиждан пайдо бўлади. Шу эҳтижга кўра, тафаккурнинг борлиққа муносабати масаласи Ф. да биринчи ўринга сурилади, чунки бу масалани бирор тарзда ҳал этиш бутун Ф. нинг асосини, билиш методи ва логикаси асосини ташкил этади. Ф. нинг икки қарама-қарши йўналишга — *материализм* ва *идеализм*га ажралиб кетиши ҳам шу билан боғлиқдир: *дуализм* улар ўртасида оралиқ мавқени ишғол қилади. Материализм билан идеализм кураши Ф. нинг бутун тарихи давомида узлуксиз давом этяпти ва унинг асосий ҳаракатлантирувчи кучларидан бирини ташкил этади. Бу кураш жамият тараққиёти билан, синфларнинг иқтидорий, сиёсий ва идеологик манфаатлари билан маҳкам боғлиқдир. Фалсафий фаннинг ўзига хос проблематикасининг аниқланиши унинг ривожланиши давомида Ф. нинг ўзига озми-кўнми мустақил, баъзан эса бутунлай бўлиқча бўлимлар сифатида турли томонларнинг ажралиб чиқишига сабаб бўлади. Бу бўлимларга: онтология, гносеология, логика, этика, эстетика, пси-

хология, социология ва Ф. тарихи кирилади. Айни вақтда конкрет билимларнинг етарли бўлмаслиги сабабли Ф. оламнинг етишмайдиган алоқалари ва қонуниятларини уйдирма алоқалар ва қонуниятлар билан алмаштиришга уринди ва шу билан бошқа ҳамма фанлардан устуни турувчи алоҳида — «фанлар фани»га айланди. Табиатга нисбатан бу хилдаги Ф. натур-философия сифатида юзага келди; тарихга нисбатан эса тарих философияси сифатида майдонга келди. Шу хилдаги сўнгги система *Гегель* Ф. си эди. Бироқ билимлар ўсиб, табақаланиб борган сари, Ф. нинг «фанлар фани» сифатида мавжуд бўлиши учун ҳеч қандай асос қолмади. Алоҳида фан сифатида Ф. ни вужудга келтирган ижтимоий эҳтижнинг равшан тушунишга, маънавий маданият таркибида Ф. нинг ўрни ва ролини, демак, унинг проблемаларини (унинг предмети) доираларини ҳам тушунишга биринчи марта марксизм-ленинизмда муяссар бўлинди (*Диалектик материализм, Тарихий материализм*). Мантиқий ривожланган тафаккур бўлмаса, тева-рақ-атрофдаги олам ҳодисаларини назарий билиш мумкин эмас. Лекин мантиқий категориялар ва қонунлар фанлар ўртасида тарихан таркиб топган меҳнат тақсироти тақозоси билан айни шу Ф. томонидан ишлаб чиқилди. Маркс-ленинча Ф. объектив оламни ва тафаккурни тушунишда материалистик принципни ривожландирди ва изчил амалга оширди, уни диалектик қараш билан бойитди, диалектик логикани шундай бир тарзда туздик, натижада у «тафаккурнинг ташқи формалари тўғрисидаги таълимот эмас, балки «барча моддий, табиий ва руҳий буюмлар» тараққиётининг, яъни оламнинг бутун конкрет мазмуни ва уни билиш тараққиётининг қонунлари тўғрисидаги таълимот, яъни оламни билиш тарихининг якуни, йиғиндисига ва хулосасига бўлди» (В. И. Ленин 29-т., 84-б). Марксистик Ф. мантиқий формаларни ва қонуниятларни табиий ва ижтимоий-тарихий процесслар ривожининг англаб олинган ва бутун инсон прак-

тикаси давомида текшириб кўрилган формалари деб қараб, онтология, логика ва билиш назарияси ўртасидаги тафовутни бекор қилди. Диалектика, логика ва билиш назариясининг мос келиши диалектик материализм Ф. сининг асосий принциpidир. Шу билан марксизмнинг фалсафий назарияси — Ф. нинг асосий масаласини конкрет-кентг, ҳамма тафсилотлардан ўтказилган диалектик-материалистик ҳал қилишдан иборатдир. Манتيкий формалар ва қонуниятлар бунда ҳар қандай табиий ва ижтимоий-тарихий жараёнинг инсон онгида акс эттирилган универсал формалари ва қонуниятлари сифатида, предметларни уларнинг ҳақиқий ривожланиши билан мувофиқ равишда назарий қайта ҳосил қилиш босқичлари сифатида намоён бўлади. Ф., яъни инсоният маданий тараққиётида роли, предмети ва ҳақиқий вазифалари ана шундай тушуниш асосида ривожлангизрилган Ф. билишнинг ва кишилар фаолиятининг қудратли қуроли, билиш ва практиканинг янада ривожланишининг актив фактори бўлиб майдонга чиқади. Ф. шундай тушунишда унинг қисмлари — психология, этика, эстетика—тобора кўпроқ мустақил фанларга айланади ва улар фақат аёнанага мувофиқ фалсафий фанлар ҳисобланади. Тўғри, бу анъананинг асоси бор, чунки юқорида кўрсатилган фанлар ўзига хос фалсафий проблематика, жумладан, *субъект ва объектининг* ўзаро муносабати проблемаси билан энг кўп даражада боғлиқдир. Ф. инсоннинг ўз-ўзини англашига, илмий кауифиятларнинг инсоният малаиияти умумий ривожланиши системасида тутган ўрни ва ролини тушунишга ёрдам беради, шу билан уларни баҳолаш ва билимнинг айрим халқаларини *дунёгараш* бирлигида боғлаш учун имкон очиб беради. Ҳозирги замон буржуа назарияларига философияга хилоф тенденциялар хосдир. Бу тенденциялар айниқса *неопозитивизм* учун характерлидир, чунки у Ф. проблемаларини сохта проблемалар деб эълон қилади, ҳозирги замон билими ва практикаси ривожини фалсафий анализ

қилиш ўрнига «фан тили»ни анализ қилишни, яъни «тафаккурнинг ташқи формаларини»—тилни, фикрни ифода-лаш белги системаларини ва ҳ. к. ларни лингвистик-семантик анализ қилиш-ни қўйишга уринади. Шу сабабли алоҳида фан сифатида Ф. нинг ривожланиши учун бирдан-бир йўл—жаҳон Ф. сининг энг яхши анъаналарини давом эттираётган диалектик материализм йўлидир.

ФИЛОСОФИЯДАГИ ГЕОМЕТРИК МЕТОД — фалсафий назарияларни баён этишдаги *аксиоматик методнинг* одат ҳукмига кирган ноаниқ номи. Г. м. *Спинозада* ўзининг энг яққол ифодасини топди. У ўзининг асосий асари «Этика»ни Эвклид геометрияси-га ўхшатиб, яъни зарур таърифлар ва аксиомаларни аниқлаш ва сўнгра улардан келиб чиқадиған теоремаларни исботлаш йўли билан баён қилади. Гарчи бу исботлар ҳозирги замон нуқтаи назаридан кўп жиҳатдан сунгий бўлса-да, Спиноза учун коннот қисмлари ўзаро алоқадорлигининг зарурий характерини таъкидлаб кўрсатиш муҳим эди, чунки коннот тўғрисида исботланадиган билим олиш мумкин. *Декарт* Г. м. га катта аҳамият беради, унинг «Метод ҳақида муҳокама» деган асарида геометрий таъсирининг излари яққол кўриниб турибди. Шу таъсир остида у геометрия аксиомаларига юксак даражада хос бўлган равшанлик ва яққоллиқни умуман ҳар қандай билимнинг ҳақиқат критерияси сифатида илгари суради. *Н. Мальбранчи* «Ҳақиқатни қидириб топини» деган асарида кишиларнинг янглишувига табиятан мойиллигини қайд қилиб, Г. м. ни «метафизика», яъни ақл югуртириш философияси соҳасига кўчиришни тавсия этади, токи ҳамма натижаларни унинг озгина энг яққол қоидаларидан хулоса қилиб чиқариш мумкин бўлсин, дейди.

ФИЛОСОФИЯДАГИ ИММАНЕНТ МАКТАБ (лат. immanens— хос)—19-аср охирларида философиядаги субъектив-идеалистик йўналишлардан бири. Шуппе, Шуберт-Зольдери, Ремке, Леклер унинг энг машҳур вакиллари эдилар. *Мах, Авенариус* мазкур йўна-

лиш билан эш эканликларини эътироф этардилар. Бу йўналишнинг Россияда тарафдорлари бор эди (*Лосский* ва б.). Имманентлар Кантинги «нарсаси ўзида» ҳақидаги таълимотини танқид қилган эдилар (яъни Кантини ўнгдан танқид қилиб чиққан эдилар) ва кантичликдан Беркли ва Юмга қайтишни талаб этган эдилар. Бу философиянинг асосий тезислари қуйидагилардан иборат: «фақат фикр қилинадиган нарсаси мавжуддир», борлиқ онга имманентдир, объект субъект билан ҳамбарчас боғлиқдир. Имманентлар *солипсизмдан* қочиш учун гуё инсон миёсига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган «умуман онг» ёки «жинсий онг» тушунчасини киритдилар (бундан Шуберт-Зольдерн мустаснодир, чунки у, мен «назарий-билувчилик солипсизм»ни позицияларида турман, деб очиқ айтган эди). В. И. Ленин «Материализм ва эмпириокритицизм» китобида имманент философияни, унинг дин билан тўғридан-тўғри алоқасини чуқур танқид қилган эди. (18-т., 231-б.). Имманентларнинг инъикос назариясини инкор этишларини, билишни «нарсаларнинг онга кириши» деб тавсифлашларини кейинроқ *нереализм* философиялари қабул қилиб олган эдилар. 20-асрнинг бошларида келиб философиядаги имманент мактаб айнаиб, кўпдан-кўп майда оқимларга бўлиниб кетди.

«ФИЛОСОФИЯ ДАФТАРЛАРИ»— В. И. Лениннинг философияга онд сузвлари, 1933 йилда биринчи марта алоҳида китоб қилиб нашр этилди. «Ф. д.» В. И. Ленин томонидан турли фалсафий асарлардан (асосан 1914—16 йилларда) олинган кўчирмалардан иборат. Уқиб чиқилган асарларнинг мазмунини конспект тарзда ёзиб олиши билан бир қаторда Ленин муҳим таъкидий мулоҳазаларини айтади, хулосалар ва умумлашмалар қилади. «Ф. д.» да қуйидаги китобларнинг конспектлари бор: Маркс ва Энгельс — «Муқаддас оила», Людвиг Фейербах — «Диннинг моҳияти тўғрисида лекциялар», Гегель — «Логика фими», «Тарих философиясидан лекциялар» ва «Философия тарихидан

лекциялар», Лассаль — «Эфеслик Гераклит Тёмний философияси» ва Аристотель — «Метафизика», «Диалектика масаласига доир» фрагмент фойда қизиқарли, унда Ленин материалистик диалектиканинг моҳиятини қисқача тарзда чуқур баён қилиб беради. «Ф. д.»да табиёт ва бошқа масалаларга доир бир қанча китоблар тўғрисида ҳам фикрлар айтилган, унда философиянинг турли-туман проблемаларига доир жуда кўп фойда қимматли фикрлар ва мулоҳазалар билдирилган. «Ф. д.»нинг марказий мавзу — *диалектика*. Ленин диалектиканинг моҳиятини, элементларини ҳар томонлама очиқ берувчи чуқур таърифни берди, *логика ва унинг категорияларини* марксистча тушуниш асосларини, *билишнинг* диалектик процессини, диалектиканинг ўзаги бўлган зиддиятлар ҳақидаги таълимотни тавсифлаб берди. Лениннинг диалектика, логика ва *билиш назариясининг* бирлиги ҳақидаги қондаси, шунингдек *диалектик логикани* ишлаб чиқиш масаласи юзасидан берган кўрсатмалари философиянинг ривожланишида катта аҳамиятга эгадир. Бу жиҳатдан Лениннинг логикасида фикр тарихининг тафаккур қонунарига мос келиши ҳақидаги, тўғри билиш назарияси яратиш учун техника, табиёт, боланинг, ҳайвонларнинг ақлий ривожланиши ва ҳ. к. тарихини фалсафий умумлаштириш зарурлиги ҳақидаги фикрлари айниқса муҳимдир. Ленин философия тарихига катта аҳамият беради. Ленин бу тарих материализм билан идеализм кураши тарихи эканлигини кўрсатади, диалектика тарихини ўрганиш муҳимлигини таъкидлайди, фан сифатида философия тарихининг бир қанча методологик масалаларини тилга олади, кўп философияларнинг қарашларига баҳо беради, Гегелга алоҳида эътибор беради. Табиёт илмига оид китоблар тўғрисидаги мулоҳазаларида Ленин бирдан-бир илмий методология сифатида диалектик материализмнинг аҳамиятини таъкидлайди. «Ф. д.» материалистик диалектикани ижодий ривожлантириш намунаси бўлиб, марксистик философия соҳасида олиб бо-

риладиган иш учун программа беради.

ФИЛОСОФИЯНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАСИ — онгнинг борлиққа, тафаккурнинг материяга, табиатга муносабати тўғрисидаги масала бўлиб, бу масала икки томондан олиб қаралади: биринчидан, нима борламчи — руҳми ёки табиатми, материями ёки онгми ва, иккинчидан, олам ҳақидаги билимнинг оламнинг ўзига муносабати қандай, ёки бошқача қилиб айтганда, онг борлиққа мувофиқ келадими, у оламни тўғри акс эттиришига қодирми. Ф. а. м. нинг ҳар иккала томонини ҳисобга олгандагина уни илчил суратда ҳал этиш мумкин. *Материализм* лагерини ташкил этган философлар материяни, борлиқни бирламчи ва онгни иккиламчи деб эътироф қилар ва онгни объектив равишда мавжуд бўлган ташқи оламнинг субъектга таъсири натижаси деб ҳисоблардилар. *Идеализм* лагерини ташкил этган философлар идеяни, онгни бирламчи деб қабул қилиб, уларни бирдан-бир ишончли реаллик деб қарардилар. Шу сабабли, уларнинг нуқтаи назарича, билиш моддий борлиқнинг инъикоси эмасдир, балки ўз-ўзини билиш, сезгиларни, тушунчаларни анализ қилиш, абсолют идеяни, оламий продани ва ш. к. ларни билиш формасида онгнинг ўзини пайқаб олишдир, холос. Ф. а. м ни ҳал этишда *дуализм*, *агностицизм* оралик, ноизчил позицияни ишғол қилдилар. Илгариги философиянинг ўзига хос хусусияти шу эдики, у Ф. а. м ни ҳал этишга метафизик нуқтан назардан қарарди ва унинг бу қарашини онгнинг активлигига етарли баҳо бермасликда, билишни пассив мушоҳадакорликдан иборат қилиб қўйишда (метафизик материализм), онг билан материяни бирдай қилиб кўрсатишда (*вульгар материализм*), ёки фикрнинг активлигини ошириб юборишда, ёки уни материядан ажратилган абсолют даражага кўтаришда (идеализм), ёки уларнинг принципал равишда бирга сиғишмаслигини даъво қилишда (дуализм, агностицизм) намоён бўларди. Фақат марксистик философия

Ф. а. м. ни диалектик-материалистик нуқтаи назардан, ҳар томонлама илмий равишда асосланган тарзда ҳал қилиб берди. Марксистик философия материянинг бирламчилигини шундан иборат деб биладикки: 1) материя онгнинг манбаидир, онг эса материянинг инъикосидир; 2) онг — моддий олам тараққийетининг узоқ процесси натижасидир; 3) онг юксак даражада ташкил топган материянинг — бош миянинг хоссаси ва функциясидир; 4) тилдан иборат моддий қобиқ бўлмаса, нутқ бўлмаса — инсон онгининг, тафаккурининг мавжуд бўлиши ва ривожланиши мумкин эмас; 5) онг инсоннинг моддий меҳнат фаолияти натижасида пайдо бўлади, шаклланади ва такомиллашади; 6) онг ижтимоий характерга эга бўлиб, моддий ижтимоий борлиқ билан белгиланади. Марксизм-ленинизм фақат Ф. а. м. доирасидагина материя билан онгнинг абсолют қарама-қаршилигини қайд қилар экан, ани вақтда уларнинг ўзаро алоқадорлигини ва ўзаро таъсирини ҳам кўрсатади. Моддий борлиқдан ҳосил бўлган онг ўзининг ривожланишида нисбий мустақилликка эга бўлиб, моддий оламга тескари актив таъсир кўрсатади ва унинг амалий равишда ўзлаштирилишига ва ўзгартирилишига ёрдам беради. Инсон онги практикага таянган ҳолда оламни ишончли равишда билишга қодирдир. Материя билан онгнинг муносабати тўғрисидаги масала Ф. а. м. дир, чунки жуда умумий бўлганлигидан бу масала ҳамма фалсафий масалаларини ўз ичига олиб, фақат хусусий проблемаларнинг ҳал қилинишинигина эмас, балки умуман дунёқараш характерини ҳам белгилайди, асосий фалсафий йўналишларни бир-биридан фарқ қилиш учун ишончли мезон яратиб беради. Шу сабабли Ф. а. м. нинг илмий таърифи философияда партиявийликни илчил амалга оширишга, материализм билан идеализмни аниқ чегаралаб, қарама-қарши қўйишга, диалектик материализм дунёқарашини қатъият билан ҳимоя қилишга имкон беради.

ФИЛОСОФИЯ ТАРИХИ (фан си-

фатида) — философиянинг қарор топиш ва прогрессив ривожланиш процессини, бу ривожланишнинг қонуниятлари ва фазаларини, фалсафий мактаблар ва йўналишларнинг курашини ўрганувчи фан. Философларнинг танқид қилиш ёки ўз концепцияларида фойдаланиш мақсадида ўзларидан олдин ўтган фалсафа олимларининг қарашларига мувожаат қилишлари айтилган замондаёқ пайдо бўлади (мас., *Аристотелда*). Философлар «фикрларнинг тўпламлари» ва ҳаётномалар ўша вақтдаёқ яратилади (*Диоген Лаэртский, Секст Эмпирик* ва б.). То 18-асрга қадар Ф. т. га оид асосий асарларда философлар «фикрлар»нинг озми-кўпми номунтазам рўйхати берилган. Тарихий-фалсафий тадқиқотларда эмпиризм ҳукм сурарди, улар асосан маърифатчилик аҳамиятига эга эдилар. Философия ривожланиб бориши билан аста-секин Ф. т. га илмий нуқтан назардан қараш ҳам шакллани бошлайди: у теологик таъсирдан қутилади, унга историзм принципини татбиқ қилишга, философиянинг ривожланишини тарих ва илмий билимларнинг умумий ривож билан алоқасини аниқлашга уришиб кўришлар бошланади, манбаларга танқидий қараш шаклланади. Материалист философларнинг (Ф. *Бэкон, Спиноза*) ҳамда тарихий қонуният идеясига яқинлашиб келган мутафакирларнинг (*Вико, Гердер* ва б.). Ф. т. га қўшган ҳиссаси муҳимдир. Ф. т. ҳақидаги гегелча концепция айниқса мароқлидир. Бу концепциянинг асосий принципи, фалсафий идеяларнинг замондаги изчиллиги ривожланган фалсафий системадаги, яъни гегелча системадаги мантиқий категорияларнинг изчиллигини қайта ҳосил қилади, деган қонданан иборат. Гегель фикрича, Ф. т. ҳақиқатни (абсолют идеяни) англашда фикрнинг ривожланишидан иборат; ҳақиқат инсон фикрининг бутун тарихидагина очиلىши мумкин. Ҳақиқатнинг махсус дунё-қарашда ёки системада ифодаланган айрим таърифи тарихан чекланган, нотўлиқ ва бирёқламадир. Янги фалсафий системанинг туғилиши

фикрни юксакроқ, конкретроқ ва ривожланган мантиқий категория босқичига кўтарарди. Гегель концепциясида қимматли фазалар: философиянинг зарурий ва қонуниятли ривожланиши ҳақидаги, бу ривожланишнинг жамият ва билиш тарихига боғлиқ эканлиги ҳақидаги, ҳақиқатни пайқашнинг ривожланиб боришдан иборат Ф. т. ва ҳ. к. ҳақидаги идея баён этилган. Бироқ бу концепция идеалистик характерга эга бўлганлигидан умуман уни татбиқ қилиб бўлмайди: Гегель Ф. т. ни абсолют руҳнинг ўз-ўзидан ривожланиши қилиб кўрсатади, бу эса ҳақиқий тарихни бузишга олиб келади. Илмий Ф. т. ни ишлаб чиқишда қимматли идеяларни 19-асрдаги рус мутафакирлари, айниқса *Герцен* айтган. Шунга қарамай, Марксдан олдинги философия Ф. т. ни фанга айлантира олмаган эди. 19-асрнинг иккинчи ярми ва 20-асрдаги буржуа Ф. т. методологик проблемалар соҳасида Гегелга нисбатан анча орқага кетди. Фақат диалектик ва тарихий материализм позицияларидан туриб Ф. т. га илмий нуқтан назардан қараш мумкин. Марксистик философия, биринчидан, ижтимоий онгнинг барча формалари ривожининг объектив қонуниятларини аниқлайди ва, иккинчидан, илмий билишнинг структурасини ва хусусиятларини очиб беради, худди ана шу нарса унинг тарихини илмий равишда тадқиқ қилиш имкониятини беради. Илмий Ф. т. да материализм билан идеализмнинг, диалектика билан метафизиканинг ривожланиш, шаклланиш ва ўзаро кураш тарихини ўрганиш марказий ўринни ишғол қилади. Философиянинг ривожланиши процессида илмий материалистик қарашлар билишнинг тараққийси ва кишиларнинг амалий фаолияти асосида ғайри илмий идеалистик назарияларни суриб чиқара бошлайди. Ф. т. ни марксча анализ қилиш бирон-бир мактаб ва йўналишларга баҳо беришда муҳим элемент сифатида партиявийликни ўз ичига олади (*Философиянинг партиявийлиги*). Албатта, бу хилдаги нуқтан назар идеалистик философия доирасида

эришилган ижобий элементларни улоқтириб ташлашни билдирмайди. Ф. т. ни илмий анализ қилиш философиянинг ривожланишини жамиятнинг социал-иқтисодий ва сиёсий тараққиётининг тақозоси билан юзага келган процесс деб қараш, фалсафий идеялар ва системаларни (пировард ҳисобда) бирон-бир синфлар ва социал гуруҳлар манфаатларини ва идеологиясининг ифодаси деб, ижтимоий-ишлаб чиқариш талабларининг ва илмий билим тараққиётининг инъикоси деб баҳолаш заруратидан келиб чиқади. Лекин бирон назарий системага «социал эквивалент» топиш кифоя қилмайди: аввало нима сабабдан муайян ижтимоий тузум, тарихий шарт-шароитларнинг бутун мажмуи бошқасини эмас, худди шу фалсафий системани вужудга келтирганлигини аниқламоқ зарур. Йўқса экономика билан философиянинг ўзаро муносабатини сийқалаштиришдан ва вульгар-материалистик тушунишдан қочиб қутилиб бўлмайди. Ф. т. га диалектик материалистик нуқтаи назардан қараш уни ягона бир процесс деб тасаввур қилиш, турли мактаб ва йўналишларнинг ўзаро зарурий алоқаларини, фалсафий проблемаларни ҳал қилишда олдинга силжишни кўрсатиш имкониятини беради. Шу сабабли тарихда такрорланадиган бирор хил масалаларни (илмий билиш методологияси, рационализм билаё эмпиризмнинг, умумийлик билан абримликнинг, конкретлик билан абстрактликнинг муносабати, инсон фаолиятининг тўбиати ва ҳ. к.) ҳал қилиш йўлидаги уринишларни философияга имманент равишда хос бўлган мақсад тақозоси билан юзага келган тараққиёт деб қаралмайдиган бўлиб қолади, балки улар жамият ва билиш тарихи йўлидаги ўзига хос белгилар сифатида, ҳақиқатнинг шаклланиш процессининг моментлари сифатида юзага келади. Ушанда ҳам, Ленин сўзлари билан айтганда, «фикрнинг ҳар бир туси» умуман инсоният фикрининг ривожланишидаги буюк доирасида (спиралда) бир доира сифатида намоён бўлади» (29-т., 221-б). Ф. т. оламни

фалсафий билишнинг ривожланиш процесси бўлганлиги сабабли, унда инсон билишнинг тарихий тараққиёти билан унинг ички структураси ва логикаси ўртасидаги бевосита алоқалар аниқланмоғи лозим. Бунда тарихийлик билан мантиқийлик бирлигининг диалектик принципи яққол намоён бўлади; объектининг (философиянинг) тарихи унинг ривожланган мантиқий структураси билан чамбарчас боғлиқдир: фаннинг қарор топиш процессини унинг ривожланган ҳолатидан ажратиб бўлмайди ва фақат шу ривожланган ҳолат нуқтан назаридангина уни тўғри тушуниш мумкин. Худди шу ҳол философиянинг ривожланиш қонуниятларини тушуниш йўлини очиб беради, тарихан пайдо бўлувчи концепциялар ва идеяларнинг ҳақиқий ўрнини ва аҳамиятини тушунишга ёрдамлашади. Шу билан бирга Ф. т. ни табиий фанларнинг ва ижтимоий-тарихий практиканинг бутун мажмуидан ажратиб қўйиш ярамайди. Философия фикр, фан ва техника тарихини диалектик ишлаб чиқиш тарзида юзага келмоғи лозим. Ф. т. ни ўрганиш ҳозирги замон философия фанини ривожлантириш учун катта аҳамиятга эгадир. Марксистик философия ўзининг юз йиллик тараққиёти давомида инсоният фикри яратган ижобий нарсаларнинг ҳаммасини ўзига сингдириб олди. Ф. т. ни ўрганиш ҳозирги замон илмий тадқиқот методларини ривожлантириш ва такомиллаштириш на дунёни амалий равишда ўзгартиш учун, фалсафий маданиятни ошириш учун зарурдир. «...Назарий тафаккур,— деб ёзган эди Энгельс,— фақат қобилият тарзидагина тугма хоссадир. Бу қобилият ривожлантирилмоғи, такомиллаштирилмоғи лозим, ammo бунинг учун бутун олдинги философияни ўрганишдан бошқа ҳеч қандай ўзгача восита ҳозирга қадар мавжуд эмасдир» (20-т., 366-б.).

«ФИЛОСОФИЯ ҚАШШОҚЛИГИ.

Жаноб Прудоннинг «Қашшоқлик философияси»га жавоб»— Маркснинг илк асари бўлиб, унда илмий социализм асослари баён этилган. 1847 йилда француз тилида ёзилган ва фран-

цуз майда буржуа философи ва экономисти, анархист Прудонга қарши қаратилган. Маркс Прудоннинг «диалектика» гапбозлигига қарши чиқиб, Прудон буржуа фикр доирасидан юқори кўтарила олмаганлигини кўрсатди. Маркс гегелча диалектикани танқид қилишга ва материалистик диалектикани ишлаб чиқишга катта эътибор беради. «Ф. қ.» да капиталистик ишлаб чиқариш усули илмий анализ қилинган ва марксча сиёсий иқтисодий асослари баён этилган. Маркс пролетариатнинг иқтисодий аҳволини, тарихий ролини ва синфий кураш вазифасини чуқур тадқиқ қилади. «Ишчилар синфини озод қилиш шарти — барча синфларни йўқ қилишдир... Пролетариат билан буржуа ўртасидаги антагонизм синфнинг синфга қарши кураши бўлиб қолар экан, ўз шиддатининг юқори даражасига етказилмайдиган кураш бўлиб қолар экан, у тўла революциядан иборат бўлади... Синфлар ва синфий антагонизм ортиқ бўлмаган тақдирдагина, ҳақиқат ҳол ана шундай бўлгандагина социал эволюциялар сиёсий революциялар бўлмай қолади. Уша вақтга қадар жамиятни ҳар бир яллисига қайта қуриш арафасида социал фаннинг охириги сўзи ҳамиша шундай бўлади: «Жапғ ёки ўлим; қонли кураш ёки йўқ бўлиш. Масаланинг қатъий қўйилиши ана шундай» (Жорж Санд)» (К. Маркс ва Ф. Энгельс, 4-т., 184—185-б.), деб тамомлайди Маркс ўз китобини.

ФИНТИЗИМ (лат. finite — ниҳояли) — 1. Фалсафий концепция, бу концепция бениҳоялик категориясини (Бениҳоялик ва ниҳоялик) объектив реал мазмунини инкор этади, кoinотда ҳам, микрооламда ҳам, бизнинг тафаккуримизда ҳам бениҳоялик йўқ, деган фикрга асосланади. Ф. инсон тажрибада ҳамиша ниҳоялик нарсалар ва уларнинг хоссаси билан иш кўришига асосланиб шу фикрни даъво қилади. Ф. ниҳояликни бениҳояликка метафизикларча қарама-қарши қўйиб, уларнинг диалектикасини ва билишида ўзаро алоқадорлигини мен-

симаёиди. 2. Математикада формал системаларни тадқиқ қилганда Ф. фақат норавшанлик ва зиддиятлардан холи методлардан фойдаланишни билдиради. Жумладан, актуал бениҳоялик абстракциясига мурожаат қилиш истисно қилинади, чунки бу абстракция тўпламлар назариясининг парадокслари билан боғлиқдир. Мавжудлиги исбот қилинадиган объектни тузиш усулини доақал гира-шира кўрсатмайдиган мавжудлик исботлари ҳам инкор қилинади.

ФИХТЕ Иоганн Готлиб (1762—1814) — немис философи, вақт эътибори ила немис классик идеализмининг Қантдан кейинги иккинчи вакили. Иена ва Берлин ун-тетларининг профессори (атеизмда айбланиб Иена ун-тетидан чиқарилган). Ф. сословие имтиёзларини танқид қилиб чиқди, Германияни бирлаштириш ва феодал тарқоқликни бекор қилиш учун жон куйдирди. «Амалий» философиянинг — ахлоқ ва давлат-ҳуқуқ тузилишини асослаш масалаларининг аҳамиятини таъкидлаб кўрсатди, бироқ «практика»ни ёлғизгина ахлоқий онг фаолиятдан иборат қилиб қўйди. Илмий ишлаб чиқилган назарий системани, яъни фан ҳақидаги фанни «фаншунослик»ни у «амалий» философиянинг зарур шарти деб ҳисобларди. Ф. нинг «Фаншунослик» асарига (1794) субъектив идеализм назарияси асос қилиб олинган. Ф. Кантнинг «нарса ўзида» ҳақидаги таълимотини улоқтириб ташлаган ва билиш формаларининг бутун хилма-хиллигини бир—субъектив-идеалистик — ибтидодан келтириб чиқаришга уринган. Бу ибтидо шундан иборатки, философ қандайдир абсолют субъектни назарда тутиб, унга бениҳоя актив фаолият беради, шундан кейин у оламни яратди. Фихтенинг бошланғич «Мен» и фақат индивидуал «Мен» эмас, Спиноза субстанцияси хилидаги субстанция ҳам эмас, балки онгнинг ахлоқий фаолиятидир. Ана шу мистик бошланғич «Мен»дан Ф. алоҳида «Мен»ни келтириб чиқаради, уни абсолют эмас, балки чекланган инсон субъекти, ёки эм-

пирик «Мен» деб тушунади ва бунга табиат, яъни эмпирик табиат қарама-қарши туради. Ф. бундан хулоса чиқариб айтадики, назарий философия «Мен» ва «Мен-мас»ни назарда тутгач, уларни худди ўша бошланғич абсолют «Мен» доирасида — унинг чекланиши ёки бўлинишининг натижаси сифатида заруран бир-бирига қарама-қарши қилиб қўяди. Ф. бу ўзига хос «назарда туттиш», «қарама-қарши қўйиш» ва «синтезлаштириш» методига амал қилиб, борлиқ ва тафаккурнинг ҳам назарий, ҳам амалий категориялари системасини ривожлантирган. Идеалистик диалектиканинг баъзи белгилари ривожлантирилган Ф. методи «антитедик метод» деб аталади, чунки Ф. да антитезис, аслда, тезисдан чиқарилмайди, балки унинг қарама-қаршилиги сифатида у билан ёнма-ён қўйилади. Ф. ҳақиқатни ақл билан бевосита мушоадада қилишни, «интеллектуал интуиция»ни оқилона билиш органи деб эътироф этарди. Ф. учун асосий таълимот бўлган субъектив идеализм билан бир қаторда Ф. философиясида *объектив идеализм* томонига оғиш яққол кўриниб турарди ва бу оғиш унинг умрининг охириги йилларида кучайган эди. Этикада Ф. учун марказий масала эркинлик масаласи бўлиб қолган эди, француз буржуа революцияси воқеалари билан бу масалага қизиқиш ниҳоятда кучайган эди. Спиноза сингарии, Ф. ҳам эркинликда сабабсиз ҳаракатни эмас, балки радди-бадалсиз заруриятни билишга асосланган амалиётни кўради. Бироқ Спинозадан фарқли ўлароқ, Ф. кишиларга муяссар бўладиган эркинлик даражасини индивидуал донишмандликка эмас, балки индивид мансуб бўлган тарихий даврга боғлиқ қилиб қўяди. Ўз замонасидаги Германиянинг қолоқлигидан пайдо бўлган иллюзияларни бартараф қиладиган куч тополмагач, Ф. немис буржуа жамиятининг «биқиқ савдо давлати» шаклидаги тузилишининг утопик (хаёлий) лойиҳасини ишлаб чиқди. Германиянинг буржуача ривожланиш хусусиятларини ифодалаган бу лойиҳада бир қанча реакцион белгилар, жумладан немисларнинг

мумтозлиги ҳақидаги миллатчилик белгиси яққол кўриниб турарди. Марксизм-ленинизм классиклари Ф. таълимотининг прогрессив ва реакцион томонларига чуқур баҳо берган эдилар. Немис коммунистлари ўзларининг аждодлари деб фахрланадиган философлар қаторида Энгельс Ф. ни ҳам кўрсатган эди.

ФОМА АКВИНСКИЙ (1225—74)— ўрта аср католик алоҳиётчиси, доминиканчи монах, *Альберт Буокниг* шоғирди, 1323 йилда авлиёлар зумрасига кўшилади. Ф. А. нинг объектив идеалистик философияси Аристотель таълимотини теология руҳида шарҳлаш, аристотелизмни христиан диний таълимотига мослаштириш натижасида таркиб топди. Аристотель философиясининг Аквинат томонидан ишланиши унинг материалистик гоёларини ситиб чиқарши ва идеалистик элементларини (ҳаракатсиз олампий биринчи двигател ва б. ҳақидаги таълимоти) кучайтириши йўли билан борди. *Неоплатонизм* таълимотлари ҳам Ф. А. философиясига анча таъсир кўрватди. *Универсалийлар* ҳақидаги мунозарада у «муътадил реализм» (*Урта аср реализми*) позициясида турди, у турдаги универсалийни: айрим нарсаларгача (илоҳий ақлда) бўлган универсалийни, нарсаларнинг ўзидаги (айримликдаги умумийлик сифатида) универсалийни ва нарсалардан кейинги (уларни билувчи инсон ақлидаги) универсалийни тан оларди. Ф. А. философиясининг асосий принципи—диний эътиқод билан ақлни уйғунлаштиришдан иборат: у ақл худонинг борлигини рационал исботлашга ва диний эътиқод ҳақиқатларига қарши эътирозларни рад этишга қодир, деб ҳисобларди. Бутун мавжудотни Ф. А. худо яратган иерархик (погонали) тартибга жойлаштиради. Ф. А. нинг борлиқнинг иерархияси ҳақидаги таълимоти феодализм давридаги черков ташкилотини акс эттирарди. 1879 йилдан бошлаб Ф. А. нинг схоластик системаси расмий равишда «католицизмнинг бирдан-бир ҳақиқий философияси» деб эълон қилинади; антикоммунизм идеологлари ундан марксистик

илмий дунёқарашга қарши курашда фойдаланмоқдалар (*Неотомизм*). Ф. А. нинг асосий асарлари: «Мажусийларга қарши тўплам» (1261—64), «Телология тўплами» (1265—73).

ФОРМАЛИЗМ (лат. forma — форма, шакл) — 1. Бадийий метод, унинг асосида санъатда форма абсолютлаштирилади, эстетиклаштирилади; *реализмнинг* қарама-қаршиси. 19- асрнинг охири — 20-асрнинг бошларида пайдо бўлиб, буржуа санъатининг кўпдан-кўп оқимлари ва мактабларини (футуризм, кубизм, абстракционизм, сюрреализм, фовизм, ташизм, экспрессионизм ва ҳ. к.) бирлаштиради. У ёки бу фарқи бўлишига қарамай бу оқимларнинг ҳаммаси учун умумий белгилар: санъат ва воқеликни қарама-қарши қўйиш, бадийий формани гоёвий мазмундан ажратиш, санъат асаридида форманинг автономлиги ва устулигини эълон қилиш характерлидир. Ф. шундай бир сохта тезисга асосланадики, гўё бадийий фаолиятнинг «амалий қизиқиши йўқ» эмиш ва у ақлнинг назоратига бўйсунмас эмиш; Ф. эстетик лаззатни ҳам идеалистларча тушунади: бу лаззат гўё ижтимоий идеялардан, муҳим ҳаётий маънафатлардан, эстетик ва социал идеалдан холи эмиш ва шунинг учун ҳам тамомила «соф формалар ўйини»га боғлиқ эмиш. Гарчи Ф. нинг айрим оқимларида капиталистик жамиятнинг яллатларига қарши норозилик ифодаланган бўлса-да, Ф. нинг амалий иши, одатда, унинг кўпчилик асарларининг мазмуни буржуа ва майда буржуа идеологиясига боғлиқ эканлигини ёки унинг бирон-бир мазмунни ифодалаб беришдан бутунлай воз кечганлигини кўрсатади (предметсиз санъат — абстракционизм, ташизм ва б.). Санъат формасини мазмундан ажратиш муқаррар равишда форманинг бузилишига олиб боради, ammo шу бузилиш ҳам баъзан қандайдир «формасозлик» қилиб кўрсатилади (*Санъатда мазмун ва форма*). Ф. империализм даврида буржуа маданияти ва санъатининг инқирозини акс эттиради, ўзининг аниқдлий формаларида эса (ҳозирги замондаги «поп-арт», «оп-арт» ва

ҳ. к.) умуман санъат табиатига душмандир. 2. Математикадаги йўналиш, бу йўналиш математикани асослаш проблемаларини форма-аксиоматик назариялар ёрдами билан ҳал қилишга интилади. Ф. 20- асрнинг бошларида пайдо бўлди (исемс математиги Д. Гильберт ва унинг сафдошлари В. Аккерман, П. Бернайс, Ж. Нейман). Математика асосларининг кризисидан қутулиш йўлини Гильберт *интуитционизмга* қарама-қарши ўлароқ, жиддий ишлаб чиқилган формаллаштирилган аксиоматик методдан излайди. Назариянинг шу метод билан ҳосил қилинган ҳақиқатлигини Гильберт унинг *нозиддиятлилиги* деб тушунади. Шундай қилиб математиканинг ҳақиқатлигини Гильберт унинг позиддиятлигидан иборат қилиб қўяди ва бу позиддият-лилики математиканинг ўзида исбот қилишга уринади. Гильберт программасини амалга ошириш мумкин эмаслигини *Гёдел* исбот қилди. Ф. фалсафий нуқтан назардан ҳам асоссиздир, чунки пировад натижада, ҳар қандай бошқа назария сингари, математик назария ҳам практикада, объекта мувофиқ асосланади. Аммо Гильберт математикага нисбатан қилгани сингари, бирон-бир назариянинг ҳақиқатлигини фикрларнинг нчки мувофиқлигидан келтириб чиқаришга уринмоқ — бирор тарзда билишнинг илмий асосларидан йироқлашмоқ демакдир. Шу билан бирга бу ҳол Ф. вакилларининг математик исботлар назариясини ишлаб чиқишда эришган ижобий натижаларини йўққа чиқармайди. 3. Этикада — методологик принцип, бу принцип Марксдан олдинги баъзи этика назарияларига ва ҳозирги замон буржуа этика назарияларига асос қилиб олинган, бу назарияларда тадқиқотнинг формал-маитикий моментлари ахлоқнинг мазмунини ва социал табиатини анализ қилишдан бирор йўсинида устун келади. Бу, мас., Кант этикаси учун характерлидир, чунки Кант, абстракт-формал характерга эга бўлган бирон мутлақ қондадан (*қатъий императивдан*) турли социал шароитларга ва ҳаётий вазиятларга татбиқан ҳамма мазмун-

ли ахлоқий принципларни ва қарорларни хулоса қилиб чиқариш мумкин, деб ҳисобларди. Ҳақиқатда эса бу императивнинг формуласи (шундай қили, сенинг хағги-харакатинг қондаси шу билан бирга барча кишилар учун қонун бўла олсин) бирон позицияни аслан ахлоққа нисбат бериш критерияси сифатида фақат методологик маънога эга бўлиши мумкин, чунки ахлоқ-одобнинг ҳар қандай етарли изчилик системаси ялли умумийликнинг ама шундай талабига бўйсунди. Этикадаги Ф. ҳозирги замон буржуа ахлоқ философиясининг асосий йўналишларидан биридир. Бунда Ф. бирмунча бошқача маъно касб этади: этиканинг вазифаси — ахлоқий тасаввурларнинг фақат гносеологик томонини ва мантиқий формасини тадқиқ қилишдан иборат, деб ҳисобланади, уларнинг конкрет мазмуни эса анализ соҳасидан тушиб қолади (*этикадаги интуитивизм, этикадаги логик позитивизм, этикадаги лингвистик анализ*). Этика предметини бундай тушуниш унинг вазифаларини ноҳақ торайтиришигагина эмас, балки бир қанча илмий жиҳатдан асоссиз хулосаларга ҳам олиб келади. Фалсафий этика (*метаэтика*)—*норматив этикаса*, фан— ахлоқий онгга, фактлар ва уларни билиш — *қимматдорларга* (ахлоқий муҳокамаларга) қарама-қарши қўйилади. Формалистлар ахлоқий проблемаларни ўрганишни этика вазифаларидан чиқариб ташлайдилар; уларни назария воситалари билан ҳал қилиш мумкин эмас, пировард ҳисобда иррационал деб эълон қилдилар. Бу эса этикани социал мазмундан ва дунёқарашлик аҳамиятидан маҳрум қилади, ҳозирги замоннинг ғоявий ва амалий проблемаларини ҳал қилишдан чалғитади.

ФОРМАЛЛАШТИРИЛГАН ТИЛ— интерпретация нисбат бериладиган *ҳисоб* (*Интерпретация ва модель*). Ф. т. нинг синтактик қисми (*Логик синтаксис*), ёки ҳисобнинг ўзи соф формал тарзда тузилади (*Лоистик метод*). Тўғри тузилган *ҳисоб* ифода-ларига маъно берувчи (*Маъно ва мазмун*) семантик қондалар қўшилганда

ҳисоб Ф. т. га айланади. Ф. т. соф мантиқий аксиомалардан ташқари, ғайри мантиқий характердаги баъзи фикрларни (мас., биологиянинг баъзи қонуналарини, арифметика аксиомаларини ва б.) ҳам ўз ичига олиши мумкин, у вақтда Ф. т. тегишли мазмуни соҳани дедуктив тасвирлайди. Ф. т. ўзининг дедуктив воситалари туфайли жиддий фикр юргизиш ва қабул қилинган аксиомаларда бевосита ифода-ланмаган, дедуктив равишда хулоса қилиб чиқариладиган янги натижалар ҳосил қилиш имкониятини беради. Шундай қилиб, Ф. т. формаллаштирилувчи фаилларда хулоса ва исбот аппаратидан иборатдир. Электрон машиналар (*Кибернетика*) орқали илмий муҳокамани автоматлаштиришни амалга оширишга интилиш муносабати билан Ф. т. нинг роли гоят каттадир.

ФОРМАЛЛАШТИРИЛГАН ТИЛЛАРДАГИ ЧИНЛИК — *логик семантиканинг* асосий тушунчаларидан бири бўлиб, бу тушунча чинлики аристотелча тушунишни *формаллаштирилган тил* мулоҳазаларига татбиқан аниқлаб беради. «Чин мулоҳаза» тушунчасини одатдаги (сўзлашув) тилда таърифлашга уринишлар муқаррар равишда «ёлғончи» хилидаги антиномияларга олиб келади (*семантик антиномиялар*). «Чин мулоҳаза» тушунчасининг биринчи жиддий ва зиддиятсиз таърифини *Тарский* 1931 йилда туркумларнинг бирон-бир тарзда ҳисоблаш тили учун махсус равишда тузилган метатилда (*Метатил ва тил-объект*) «бажариллик» тушунчаси ёрдами билан ҳосил қилган эди: Х. мулоҳазаси агар ва фақат агар ҳамма предметлар томонидан (туркумлар тили ҳисоби учун туркумлар томонидан) бажарилган тақдирдагина, у чиндир ва агар уни бажарадиган предметлар бўлмаса, у ёлғондир. Тарский шуни кўрсатиб бердики, бирон I тил мулоҳазасининг чинлиги тушунчасининг формал равишда аниқ таърифини бирон M1 метатилдагина бериш мумкин, аммо I га қараганда M1 мантиқий жиҳатдан бироқ бўлиши, яъни M1 ўз қисми сифатида I ни ўз ичига олган бўлиши ва бундан

ташқари М1 да I тилдагига қараганда юқорироқ мантиқий типлардаги (*тиллар назарияси*) ифодалар бўлиши лозим. Агар бирон-бир чекловсиз табиий тил сифатида чиқадиган бўлса, у вақтда бу шарт атайин бажарилмайди. Бу тадқиқотларнинг муҳим натижаси шундан иборат бўлдики, туркумларнинг (ва бошқа мантиқий жиҳатдан бойроқ тилларнинг) чин ва исбот этиладиган мулоҳазалари туркумларнинг мос келмаслиги факти аниқланди: ҳар бир исбот қилинувчи мулоҳаза чиндир, аммо ҳар бир чин мулоҳаза исбот қилина бермайди. Формаллаштирилган тилнинг исбот қилиб бўлмайдиган чин мулоҳазаларнинг мавжудлиги эса унинг тўлиқсизлигидан ва зиддиятсизлигидан далолат беради (*Логик синтаксис, Аксиоматик назариянинг тўлиқлиги*). Ф. т. ч. тушунчасини таърифлашнинг бошқа усуллари ҳам бор. (Мак-Кинси, Карнал, Мартин).

ФОРМАЛЛАШТИРИШ — билишнинг мазмунини аниқлаш; бу аниқлаш шундай восита билан амалга ошириладики, воқеликнинг муайян соҳасининг ўрганилаётган объектларига, ҳодисаларига, процессларига нисбатан барқарор характерга эга ва шунга кўра қараб чиқиладиган объектларнинг муҳим ва қонуниятли томонларини очишга ва қайд этишга имкон берадиган баъзи моддий конструкциялар муайян равишда солиштирилади. Ф. нинг гносеологик усул сифатидаги хусусияти шундан иборатки, унинг ёрдами билан мазмунини очиш ва аниқлаш унинг формаларини очиш ва қайд этиш орқали содир бўлади. Ҳар қандай Ф. да ҳамisha жонли, ривожланувчи воқеликнинг дағалланиш моментини ҳозир бўлади. Бироқ бу «дағалланиш» билиш процессининг зарур томонидир. Тарихан Ф. тафаккур ва тил билан бирга пайдо бўлган. Ф. нинг ривожланишидаги муҳим қадам ёзувнинг юзага келиши билан боғлиқдир. Кейинчалик, фан, айниқса математика ривожлана борган сари, табиий тилларнинг воситаларига махсус характердаги белгилар қўшила бошланди. Формал логика пайдо бўлиши

билан бирга мантиқий Ф. усули пайдо бўлди ва бу усул хулосалар ва ишботларнинг мантиқий формасини аниқлашдан иборат эди. Янги замон математикасида ҳарфий ҳисобларнинг яратилиши ва логик ҳисоб идеясининг (*Лейбниц*) пайдо бўлиши Ф. усулларининг ривожланишида катта босқич бўлди. 19-аср ўрталаридан бошлаб *математик логика*да логик ҳисобларнинг тузилиши унинг воситаларини фаннинг бутун-бутун соҳаларини формаллаштиришга татбиқ этиш имкониятини берди. Билимнинг математик логика воситалари билан формаллаштирилган соҳалари формал системалар тусига киради. Билимни формаллаштириш мазмун билан форма ўртасидаги умуман бутун билиш учун характерли бўлган диалектик зиддиятли муносабатни олиб ташламайди. Ҳозирги замон логикасининг натижалари шундан далолат берадими, агар етарли даражада мазмунга бой назария формаллаштирилса (натурал сонлар арифметикасини назарияда ифодалаш мумкинлиги ана шу назариянинг мазмуни «бойлиги»ни кўрсатади), у вақтда бу назарияни формал системада тўла аке эттириш мумкин бўлмайди: назарияда ҳамisha аниқланмаган, формаллаштирилмаган қолдиқ қолади. Ф. билан формаллаштирилувчи мазмун ўртасидаги бу номувофиқлик фаннинг формал-мантиқий воситалари ривожининг ички мазбан сифатида юзага келади ва одатда (айни шу формал системада) ҳал қилиб бўлмайдиган ибораларнинг очилишида ифодаланади. (Бу зиддиятнинг бошқача формаси *антиномиялар*да ўз ифодасини топади.) Нарсаларнинг бундай аҳволи формал системалар тузиш йўли билан бартарарф қилинади, бу системаларда олдинги формаллаштиришларда ҳисобга олинмаган нарсаларнинг бир қисми формаллаштирилади. Шундай қилиб, мазмун борган сари тобора чуқурроқ формаллаштирилаверади ва лекин бу формаллаштириш ҳеч қачон абсолют тўлиқликка эришолмайди.

ФОРМАЛЛИК ВА МАЗМУНДОРЛИК — философия, логика ва фан

методологиясида қуйидаги асосий маъноларда ишлатиладиган тушунчалар: 1) *мазмун ва форма* категорияларидан уларнинг умумфалсафий маъносида ҳосил қилинган тушунчалар, бунда бошлича предмет ёки ҳодисанинг формасини (*структурасини*) тадқиқ қилишга қаратилган қоидалар, операциялар, методлар (математик, систем-структур методлар, кибернетиканинг функционал методи ва ҳ. к.) **Ф.** га киради, ҳамма қолган қоидалар, операциялар ва методлар эса **М.** сифатида олиб қаралади; 2) тафаккурнинг мазмуни ва формаси тушунчаларидан ҳосил қилинган тушунчалар: бу ҳолда билувчилик ва мантиқий структураларнинг, биринчидан, тафаккурнинг конкрет мазмунидан, иккинчидан, табиий ва социал ҳодисаларнинг уларнинг объектив асоси сифатидаги хоссалари ва алоқаларидан нисбий мустақиллигини тадқиқ қилиш **Ф.** деб аталади; билувчилик ва мантиқий формаларни муайян фан предметига оид тушунчалар, моделлар, идеализациялар, абстракцияларнинг тарихан шаклланган мажмуияти билан ва воқеликнинг фалсафий категорияларида ифодаланадиган яъни умумий алоқалари ва муносабатлари билан узвий боғлиқ ҳолда қилинадиган тадқиқот эса **М.** деб аталади; 3) ҳозирги замон формал логикасида ва математика асосларида **Ф.** деганда тил ифодалари символларнинг фақат тури ва тартибнинг эътиборга олувчи синтактик операциялар ва методлар тушунилади, **М.** деганда эса уларнинг *маъно ва мазмуни* ҳисобга олувчи семантик операциялар ва методлар тушунилади. **Ф.** билан **М.** ўртасидаги тафовут нисбий ва фақат (идеализациялар, абстракциялар ва ш. к. лар ёрдами билан) тадқиқ қилинувчи ҳодисада форма ва мазмуни ажратиш характери ҳисобга олингандагина маъно касб этади: **Ф.** бошланғич фаразлар ва идеализацияларнинг бир системасида **М.** сифатида юзага келиши, иккинчи системада эса аксинча бўлиши мумкин. **Ф.** нинг **М.** га муносабати — бир мазмуннинг иккинчисига (нисбатан ривожланмаган ва абстракт

мазмуннинг кўпроқ ривожланган ва конкрет мазмунга) муносабатидир. Билишда **М.** методлари ва воситалари ҳал қилувчи роль ўйнайди, тадқиқотнинг **Ф.** компонентларини абсолютлаштириш *формализмга* олиб боради.

ФОРМАЛ ЛОГИКА — тафаккур формаларини — *тушунчалар, ҳукмлар, хулоса чиқаришлар, исботларни* — уларнинг мантиқий тузилиши ёки формаси жиҳатидан, яъни фикрларнинг конкрет мазмунини назардан соқит қилган ва фақат бу мазмун қисмлари алоқасининг умумий усулини ажратиб олган ҳолда ўрганувчи фан. **Ф.** л. нинг асосий вазифаси — қонунлар ва принципларни ифодалаб беришдан иборат, бу қонун ва принципларга риоя қилувчи хулосавий маъно ҳосил қилиш жараёнида ҳақиқий натижаларга эришишнинг зарур шартидир. **Ф.** л. га *силлогистикани* ишлаб чиққан *Аристотель* асарларида асос солинган эди. Кейинчалик **Ф.** л. нинг ривожланишига илк стойклар, ўрта асрларда эса схоластлар (*Дунс Скотт, В. Оккам, А. Саксонский, Р. Луллий* ва б.) ҳисса қўйдилар. Дедуктив логика трибналарини ўрганишнинг эски анъаналаридан қайтиш *индукцияни* тадқиқ қилиш ва индуктив хулоса чиқариш қоидаларини ифодалаб беришга уриниш (**Ф. Бэкон**, кейинроқ *Милль* ва б.) билан боғлиқдир. Бироқ **Ф.** л. нинг ривожланишидаги энг муҳим бурилиш фақат 19-асрнинг иккинчи ярмидан бошланди, бу даврда **Ф.** л. нинг ривожланишида ҳозирги босқични ташкил этувчи *математик* (символлик) *логика* ишлана бошланган эди.

ФОРОБИЙ Абу Наср (873—950)— ўрта осиелик машҳур философ ва энциклопедик олим. Қадимги юнон фанининг ютуқларини ўрта аср Шарқда тарғиб қилишда ва тарқатишда муҳим роль ўйнади, юнон мутафаккирлари — *Платон, Аристотель, Эвклид, Птоломей, Порфирий* асарларига комментарийлар ёзди, уларнинг илмий фикрларини ривожлантирди. *Аристотель* таълимотини чуқур ўрганиб, унинг барча асарларини изоҳлаб бер-

ди, хатоларини кўрсатишга ҳаракат қилди. Ф. нинг бу фаолияти фақат Шарқнигина эмас, ўрта аср Европасини ҳам юнон илми билан таништиришда катта аҳамият касб этди. Ф. ўрта аср фаннинг барча муҳим соҳалари — медицина, математика, астрономия, филология, музикашунослик, логика, ҳарбий ҳунар, ахлоқшунослик, давлатшунослик ва айниқса фалсафа бўйича 160 дан ортиқ асар ёзиб қолдирди. У биринчи бўлиб «Ихсо ал улум» асарига илмлар классификациясини яратди. Бунда ўрта асрда маълум бўлган 30 дан ортиқ фаннинг таърифи, аҳамияти кўрсатиб берилди. Барча фанлар 5 катта гурпуага — тил, мантиқ, математика, табиий ва илоҳий (метафизика) ва шаҳар ҳақидаги фанларга бўлинди. Бу классификация ўрта аср илмий ютуқларини умумлаштириш ва илмий билимларнинг сўнгги ривож учун катта аҳамиятга эга бўлди. Ўрта аср музикашунослигининг ривожига ҳам Ф. номи билан боғлиқ. Кўп томлик «Китоб ал кабир ал мусиқ» («Катта музика китоби») да музика тарихи, назарияси, музика асбоблари, бастакорлик ва ижрочилик санъати бўйича ўз даври учун мукамал маълумотлар яратди. Ф. Аристотель логикасига асосланиб, ўрта аср учун мантиқий қомус яратди, бу қомус логиканинг барча қисмларини категориялар, ҳукм, силлогизм, исбот ва унинг турларини, шунингдек поэтика, риторика, софистикага оид қимматли маълумотларни ўз ичига олади. Ф. логикаси Шарқда ва сўнгроқ Ғарбда ҳам машҳур бўлган. Ф. назарий медицина, унинг вазифаси, инсон органларининг хизмати ва ўзаро алоқасига оид ҳам муҳим рисолалар ёзиб қолдирди. Унинг алгебра, геометрияга оид рисолалари яхши математик бўлганини кўрсатади. Қомусий билими ва юнон илминини яхши билганлиги учун Ф. «Шарқ Аристотели» — «Иккинчи муаллим» номини олди. Ф. фалсафаси қадимги юнон, хусусан Аристотель таълимоти ҳамда ўз даври илмий ютуқлари таъсирида шаклланиб, ислом ва унинг теологияси — каломдан тубдан фарқ қилиб,

прогрессив характерга эга бўлди. Ф. фалсафасида олам ягона мавжудотдан иборат, оллоҳ ҳамма нарсаининг бошланғичи, барча вужудлар ундан эманация асосида келиб чиқади, материя ҳаммасининг якуни, ҳеч қачон йўқ бўлмайдиган, абадий, замонда чексиз, ўзгариб туради. Нарсалар янгиланади, лекин моддийлик йўқолмайди. Ф. фалсафаси пантеистик бўлиб, материализм элементларига бойдир. Ф. табиий ҳодисаларга, сабабий боғланишга катта эътибор беради. Материя турли хислатларга бой, бу хислатлар қатор категорияларда ифодаланади. Инсон тана ва жоннинг бирлигида иборат, танасиз жон йўқ, лекин тана ўлимидан сўнг жон сақланиб, дунёвий жонга қўшилади ва инсоннинг маънавий ютуқларини ўзинда сақлаб қолади. Инсон материянинг энг олий формаси, ўз ақли, нутқи билан ҳайвонотдан фарқ қилади. Ф. инсон тафаккурининг билиш қобилияти чексиз эканлигини, фаннинг муҳим ролини, ақл ҳақиқатнинг мезони эканини алоҳида қайд қилади. Ф. рационализмни асослаган ва тарғиб этишга ҳаракат қилди. Ф. «Фозил шаҳар аҳолиларининг райлари», «Гражданлик сийёсти», «Бахт-саодатга эришув ҳақида» каби асарларида ижтимоий ҳаёт ҳақида ўз даври учун изчил таълимот яратди. Инсон жамоаси инсонларнинг ўз эҳтиёжларини қондиришга бўлган интилиш асосида вужудга келувчи ўзаро ёрдам, бирлашув натижасида пайдо бўлган. Бундай жамоанинг энг етуқ шакли шаҳардир. Ф. бутун инсонларни ўзаро ҳамкорликка чақиради, дунёда ягона бир бутун инсон жамоасини тузиш ҳақида орзу қилади. Давлатнинг вазифаси инсонларни бахт-саодатга олиб боришдир — бу эса илм ва яхши ахлоқ ёрдамида қўлга киритилади. Ф. давлатни бошқаришнинг турли формаларини ҳар томонлама етуқ шахс (монархия), етуқ хислатларга эга бўлган бир неча шахслар (аристократия) ва демократия (сайланган шахслар) ёрдамида бошқариш формаларини қайд қилади. Ф. ҳар томонлама етуқ, барча аҳолини бахт-саодатга, илм-маърифатга

өлиб борувчи идеал жамоа ҳақидаги утопияни олға суради. Ф. нинг идеал жамоа, умумий бахт-саодат ҳақидаги фикрлари гуманизмнинг ривожини учун назарий асос бўлиб хизмат қилди. Ф. фатализмни, астрологияни, нариги олам ҳақидаги мистик фикрларни танқид қилди, фалсафий, илмий билимларни диндан мустақил ажратишга уринди, уларнинг фазилатларини кўрсатди. Ф. ўрта аср Шарқда илғор ижтимоий фалсафий фикрларнинг ривожига катта таъсир кўрсатди; айрим асарлари 12-асрдаёқ латин тилига, сўнг бошқа Европа тилларига таржима қилинди.

ФОРСТЕР Георг (1754—94)—немец мутафаккири, материалист, табиатшунос, революционер. Унинг қарашларининг шаклланишига 18-асрдаги француз материализми таъсир кўрсатди. Ф. материалистик сенсуализм позицияларидан туриб *Кантнинг априоризмини* танқид қилди ва *Якобининг* иррационализмининг рад этди, унинг айтишича, Кант «табиатни ўз маънавий таърифларига мувофиқлаштириб ясашига» уринган. Ф. *ижтимоий шартнома* назариясининг тарафдори эди, у халқнинг деспотизмни, феодал тартибларни революцион йўл билан алдариб ташлаш ҳуқуқини шу назариядан келтириб чиқарди. Унинг нуқтан назарича, революция хулқ-атвори янгилаш, одамларни иллатлардан халос қилиш воситасидир. Ф. миллий мустақилликнинг эътиросли ҳимоячиси бўлиб, мустамлака куллигини кескин қораларди. У 1792—93 йилларда Германия ва Францияда юз берган революцион воқеаларда актив қатнашди, немислар ерида биринчи марта тузилган демократик республикани (Рейн бўйидаги Майнц коммунасининг) раҳбарларидан бири эди. Энгельс уни Германиянинг ҳақиқий демократлари ва энг яхши ватанпарварлари қаторига қўшганди. Асосий асарлари: «Куйи Рейн бўйлаб саёҳат...» (1790), «Табиатга умуман бир назар», «Яна инсон ирқлари ҳақида» (1786), «Давлатни бошқариш санъатининг инсоният бахтига муносабати ҳақида», «Париж очерклари» (1793—94).

ФРАНК Филипп (1884—1966)—физик, философ, математик физика билан шугулланган. Фаолиятини Венадан бошлаб, сўнгра Прагада назарий физика кафедрасида Эйнштейн ўрнида ишлаган. 1938 йилда АҚШ га муҳожир бўлиб кетган. Ўз фалсафий қарашларига кўра, Ф. неопозитивист. У *Вена тўғрисида* ишлади актив қатнашди, Шлик билан бирга «Илмий дунёқараш очерклари» номли қатор китоблар ёзди, бу китоблар ҳозирги замон неопозитивизмининг шаклланишида катта роль ўйнади. Ф. диалектик материализм философиясига актив қарши чиқди. Неопозитивизмнинг баъзи бошқа вакиллари сингари, Ф. учун ҳам шу нарса характерлики, у эмпиризмни априоризм билан эклетик тарзда бирга қўшарди, бунинг устига тағин баъзи категорияларнинг (макон, замон ва б.) интеллигибель, гайри ҳиссий нуқтан назарини эътироф этарди.

ФРАНКЛИН Бенжамин (1706—90)—эпиклопедист олим, америка Маърифатчилиги вакили, публицист, миллий-озодлик ҳаракатининг идололиги. Америка халқининг мустақиллик учун курашининг актив қатнашчиси; Ф. қўлдорликни қоралаб, майда миллатларнинг ҳуқуқини ҳимоя қиларди. Унинг фалсафий қарашлари *Локк*, *Шефтсбери*, *Мандевиль*, *Пристли*, француз маърифатчилари идеялари таъсири остида шаклланди. Ф. философиянинг асосий вазифаси фанни теологиянинг аралашувидан ҳимоя қилиш, диний хурофотларга қарши курашдан иборат деб биларди. Унинг фикрича, ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим омил билимларни ёйиш, эътиқод эркинлигини, виждон эркинлигини тарғиб қилишдан иборат. Ф. табиат ва жамиятдаги воқеаларнинг табиий оқимига худонинг аралашуви ҳақидаги диний ақидадан муътадил деистик (*Деизм*) формада рад этарди. Ф. *христианликнинг* ахлоқий мазмунини тўла инкор қилмас эди-ю, лекин ахлоқ нормалари, кишиларнинг хатти-ҳаракат қондалари мажбурий диний тасдиққа муҳтож эмас, улар инсон табиатида, инсон ақлида жо қилингандир («соғлом ақл») деб ўйлар-

дн. Социал тартиботларнинг (хусусий мулк, давлат ва ҳ. к.) келиб чиқиши проблемасини Ф. табиий ҳуқуқ ва ижтимоий шартнома назарияси нуқтаи назаридан ҳал қиларди. Иқтисодий проблемаларни тадқиқ қиларкан, у биринчилар қаторида қийматнинг меҳнат табиати ҳақидаги қондани изҳор этди; К. Маркс Ф. нинг, инсон қурол ясайдиган ҳайвондир, деган таърифни қайд этган эди. Асосий фалсафий асарлари — «Эркинлик ва зарурият, ҳузур-ҳаловат ва азоб-уқубат ҳақида мулоҳаза» (1725), «Мўлкўчилик йўли...» (1758).

ФРАНЦУЗ МАТЕРИАЛИЗМИ (18-аср)—материалистик фикрнинг ривожланишида—17-аср материализмига нисбатан—фақат миллий миқёсда эмас, балки бутун жаҳон миқёсида янги ва олий босқичдан иборат ғоявий ҳаракат. 17-асрдаги инглиз материализми буржуазия билан дворянларнинг келишувини акс эттирган бўлса, Ф. м. прогрессив француз буржуазиясининг дунёқараши эди, унинг таълимоти жамиятнинг кенг қисмларини: буржуазия, ҳунармандлар, буржуа интеллигенцияси ва аристократик интеллигенциянинг илғор қисмини маърифатли қилиш ва ғоявий қуроллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Ф. м. нинг аломалари—*Ламетри, Гельвиций, Дидро, Гольбах* ўз фалсафий қарашларини латин тилида илмий трактатлар шаклида эмас, балки француз тилида кенг оммага тушунарли нашрлар—луғатлар, энциклопедиялар, памфлетлар, мунозарали мақолалар ва ш. к. шаклида баён қилардилар. Ф. м. нинг ғоявий манбалари—миллий материалистик традиция, яъни 17-асрда *Гассенди* ҳамда—асосан—*Декарт* физикасининг механистик материализми ифодалаган материалистик традиция ва инглиз материализми эди. *Локк*нинг билимнинг тажрибавий келиб чиқиши ҳақидаги таълимоти, *туғма идеялар* ҳақидаги декартча таълимотнинг танқиди, шунингдек тажрибанинг ўзини умуман материалистик тушуниш Ф. м. учун алоҳида аҳамият касб этди. *Локк*нинг педагогик ва сиёсий идеялари-

нинг таъсири ҳам оз бўлмади, *Локк*нинг фикрича, шахснинг камол топиши тарбияга ва жамиятнинг сиёсий тузумига боғлиқдир. Бироқ Ф. м. локкча материалистик сенсуализм ва эмпиризм назариясини шунчаки ўзлаштириб қолмади, балки уни декартча рационализм томониغا оғишларда ҳоли қилди. Француз материалистлари учун ўзининг етакчи аҳамиятини сақлаб қолган механика билан бир қаторда медицина, физиология, биология ҳам асосий илмий таянч бўлиб қолади. Шунга кўра француз материалистлари таълимотларида 17-аср материализмига нисбатан бир қанча янги ғоялар ривожлантирилди. Бу ғоялардан энг муҳими *Дидронинг* табиат ҳақидаги таълимотида баён этилган диалектика элементлари эди. Ф. м. нинг ахлоқий ва ижтимоий-сиёсий назарияларида янада оригинал фикрлар баён қилинган. Ф. м. бу соҳада ҳам *Гоббс, Спиноза, Локк* ишши давом эттириб, уларнинг ахлоқий таълимотларини ва ижтимоий-сиёсий қарашларини абстракт-натуралистик торликдан анча холи қилади, мас., *Гоббс*да инсонни бошқарувчи ўз-ўзини сақлашга интилиш физик жисмнинг механик инерцияси билан қиёс қилишдан келтириб чиқарилса, *Гельвеций* билан *Гольбах*да «манфаат» инсон хатти-ҳаракатининг ўзига хос ҳаракатлантирувчи кучи деб қаралади. Ф. м. *пантеизм, деизм*нинг келишувчилик формаларини рад этиб, табиат ва инсон ҳақидаги фаннинг хулосаларига асосланган атеизмни пропаганда қилиб чиқди. Француз материалистларининг динни яққол оқилона танқид қилишларини Ленин юксак баҳолаб, бу танқид намуналаридан ҳозирги замон атеистик пропагандасида фойдаланишни тавсия этган эди. К. Маркс «*Авлиёлар оиласи*» китобида Ф. м. тарихининг қисқача, фикрларга гоят бой очеркини берди. В. И. Ленин «*Материализм ва эмпириокритицизм*» китобида ҳар қандай материализм учун муштарак фалсафий асосларни ишлаб чиқишда Ф. м. нинг қандай катта роль ўйнаганлигини кўрсатди, шунингдек унинг назарий

махдудлигини: ижтимоий тараққиёт ва прогресс ҳодисаларини изоҳлашда метафизиклигини ва идеализминини изоҳлаб берди.

ФРЕГЕ Готлоб (1848—1925)—немис логика олими, математик ва философ. 1879—1918 йилларда Йена ун-тиги профессор. Ф.нинг асарлари математик логикада янги давр очди. Ф. биринчи бўлиб мулоҳазалар ва предикатлар логикасининг аксиоматик тузилишини амалга оширди ва математик исбот назариясига асос солди. «Арифметиканинг асосий қўшуллари» асарида (2 томлик, 1893—1903) Ф. формаллаштирилган арифметика системасини тузди, бу билан у бутун математикани логикага элтиб тақаш мумкинлиги ғоясини (*Логичизм*) асослашни кўзда тутганди. Логиканинг ундан кейинги ривожланиши кўп жиҳатдан Ф.нинг меросини ривожлантириш ва жумладан унинг системасида кўринган зиддиятнинг бартараф қилиш билан боғлиқ эди. Ф. логикадаги субъективистик «психологик» йўналишнинг муҳолифи эди. Унинг маъنيқий қарашларида материализм элементларининг борлиги характерлидир. Шу билан бирга умумийлик проблемасини талқин этишда Ф. да Платон руҳидаги объектив идеализм белгилари бор эди. Ҳозирги замон фанига кирган бир қанча ғоялар ва тушунчалар Ф. га мансубдир: тушунчаларнинг маъنيқий функциялар сифатида талқин этилиши, ҳақиқатлик қимматлари тушунчаси, *кванторларни* жорий этиш ва систематик инлтиш, ўзгарувчи тушунчасининг анализи ва б. Ф. *логик семантиканинг* шундай бир қисмига асос солган эдики, бу қисм тил ифодаларининг мазмун ва маъно тушунчалари ҳамда белгилаш (ёки номлаш) мубоабати билан боғлиқдир.

ФРЕЙДИЗМ — *психоанализ* назарияси ва методининг номи. Австрия врач — невропатолог ва психиатр Зигмунд Фрейд (1856—1939) номи билан шундай деб аталган. Фрейд психикадаги патологик процессларнинг сабабларини тадқиқ қиларкан, психик ҳаракатлар мазмунининг ўзгаришини

физиологик сабабларга боғлаб изоҳлашга асос эътибори ила вульгар материалистик урниншлардан воз кечди. Лекин айни чоқда у материалистик дунёқарашдан бутунлай қайтди, психикани тадқиқ этишнинг объектив методларидан воз кечди ва умуман ўзбошимча, уйдирма, субъективистик назария яратди. Бу назариянинг моҳияти — психикани моддий шароитлардан ва уни туғдирувчи сабаблардан ажратиб қўйишдан иборат. Психика қандайдир мустақил, моддий процессларга параллел мавжуд (*Психофизик параллелизм*) ва онг доирасидан ташқарида бўлган (*онгсизлик*) алоҳида, билиб бўлмайдиган, абадий психик кучлар бошқарадиган бир нарса деб қаралади. Инсон руҳига лаззатланишга (аввало жинсий лаззатланишга), онг мослашадиган «реаллик принципи» бўлган агрессияга онгсиз интилишларнинг ўзгармас психик конфликтлари тақдир каби ҳокимлик қилади. Инсоннинг ҳамма психик ҳолатларини, ҳамма ишларини, сўнгра эса барча тарихий воқеаларини ва ижтимоий ҳодисаларини ҳам Фрейд психоанализдап ўтказди, яъни онгсиз ва биринчи навбатда сексуал (шаҳвоний) интилишлар сифатида талқин қилади. Чунончи, идеявийлик — психик (ва аввало, билиб бўлмайдиган «У» — онгсизлик) Фрейдда инсоният тарихи, ахлоқ, санъат, фан, дин, давлат, ҳуқуқ, урушлар ва ш. к. ларнинг сабабчиси бўлиб қолади. Ф.нинг ҳозирги замондаги тарафдорлари — неофрейдистлар, «маданий психоанализ» мактабларининг вакиллари (Хорни, Карднер, Александер ва б.). З. Фрейднинг асосий идеалистик йўлини сақлаб қолиб, фақат инсон ҳаётининг ҳамма ҳодисаларида сенсуал интилишни кўриш тенденцияларидан ва классик Ф.нинг баъзи методологик жиҳатдан номўҳим бошқа хусусиятларидан воз кечмоқдалар. Фрейдизм концепцияси буржуа маданиятининг турли соҳаларига ва айниқса буржуа санъати назарияси ва асарларига катта таъсир кўрсатиб келди ва ҳамон кўрсатмоқда. Ҳозир Ф.нинг невро-

логия ва психиатрияга таъсири камроқдир.

ФРОММ Эрих (1900 йил туғ).—философ, социолог, неофрейдизм мактаби ёки «маданий психоанализ» (*Фрейдизм*)нинг асосий вакилларидан бири. Ф. Германияда таҳсил кўрган, 1933 йилдан АҚШда истиқомат қилади, 1951 йилдан буён эса Мехико ун-тегининг профессори. Фрейддан фарқли ўлароқ, Ф. учун шу нарса характерликки, у инсон моҳиятини камроқ биологиялаштирадн ва «социопсихологизмга ўтади. Ф. муҳим проблемани, яъни ижтимоий тараққиётнинг психологик ва социал факторларининг ўзаро муносабати механизмининг тушуниш проблемасини ҳал қилишга уринади. Бироқ «социал муҳит»ни анализ қиларкан, Ф. унинг синфий жиҳатдан бир хил эмаслигини эътиборга олмайди, инсон ва бутун тарихий процесснинг моҳиятини эса абстракт-психологик тарзда тушунади. Айни вақтда Ф. ҳозирги замон капиталистик жамиятининг иллатларини (*бегоналашши* натижасида инсоннинг «нарсга» айланишини, яшашнинг иррационаллиги, бемаънилигини ва б.) тўғри найқайди. Унинг фикрича, капитализм руҳий касалга мубтало бўлган иррационал жамиятдир. Аммо бу аҳволдан қутилиш йўлини Ф. «гуманистик психоанализ»да, «индивидуал патология»ни даволашда деб билади. Ф. фрейдизм билан марксизмни «синтезлаштириш»га уринади. Асарлари: «Эркинликдан қочиш» (1941), «Инсоннинг асли зоти» (1947), «Маркснинг инсон ҳақидаги концепцияси» (1961).

ФУНКЦИОНАЛ БОҒЛАНИШ—ҳодисалар ёки миқдорлар ўртасидаги барқарор ўзаро алоқадорлик формаси, бу формада бир хил ҳодисаларнинг ўзгариши иккинчи ҳодисаларнинг тамомилда аниқ ўзгаришига сабаб бўлади. Объектив равишда Ф. б. қонун тарзида юз беради, бу қонун аниқ миқдор муайянлигига эга, уни принцип жиҳатдан муайян миқдорларни ёки ҳодисаларни *функция* ва далил сифатида бирлаштирувчи тенглама формасида ифодалаш мумкин. Ф. б.: 1) имани ифодалашдан қатъи

назар, абстракт математик миқдорлар ёки ҳодисалар ўртасидаги алоқани; 2) моддий объектлар ва ҳодисаларнинг хоссалари ёки ҳолатлари ўртасидаги алоқани; 3) объектлар, ҳодисаларнинг ўзлари ёники юксакроқ тартибда бўлган яхлит система доирасидаги моддий системалар ўртасидаги алоқани билдириши мумкин. Ҳар қандай Ф. б. унга бўйсунувчи ҳодисалар муайян константларни, параметрларни, конкрет шаронти ва миқдоран муайян қонунни характерлашини назарда тутати. Ф. б. сабабий боғланиш билан бирдай эмасдир. Сабабий боғланиш аниқ функционал қонунга бўйсунадиган ҳодисалар билан бир қаторда математик миқдорлар ёки жиесларнинг хоссалари ўртасида сабабий боғланиш бўлмаган Ф. б. ҳам мавжуддир. *Неопозитивизм* Махга эргашиб, сабабий тушунчасини Ф. б. тушунчаси билан алмаштиришга уринмоқда. В. И. Ленин «Материализм ва эмпириокритицизм» китобида бундай нуқтаи назарни танқид қилган.

ФУНКЦИЯ (лат. *functio* — бажариш, юзага чиқариш)—1. Муносабатларнинг муайян системасида бироқ бир объект хоссаларининг ташқи кўриниши. Мас., сезги органлари функциялари, пул функциялари, давлаг функциялари ва ҳ. к. Бир қанча идеалистик фалсафий йўналишлар фани объектларнинг функцияларини тасвирлашдан иборат қилиб, фақат нарсаларнинг моҳиятини, қонунларини билиш мумкинлигини эмас, балки уларнинг мавжудлигини ҳам инкор қиладилар (махизм, *бихевиоризм* ва ҳ. к.). 2. Математика ва логикада бироқ *туркумининг* (Ф. нинг таърифи соҳаси деб аталадиган туркумининг) ҳар бир элементига бошқа туркумдаги (мазкур Ф. нинг қимматлари соҳасидаги) тамомил аниқ элементни қиёс қиладиган операция Ф. деб аталади. Ф. нинг таърифи соҳасидаги элементлар унинг *далиллари*, қимматлар соҳасидаги элементлар эса Ф. нинг қимматлари деб аталади. Логикада Ф. нинг муҳим тури пропозицион Ф. лардир (*Предикат*).

ФУРЬЕ Франсуа Мари Шарль (1772—1837)— француз утопик социалисти. Ф. буржуа жамиятини чуқур ва яққол танқид қилиб чиқди, француз революцияси идеологларининг идеялари билан воқелик ўртасидаги зиддиятларни, қашшоқлик билан бойлик ўртасидаги антагонизмни очиб ташлади. Социалистик тузумни асослаганда у француз материалистларининг инсоннинг қамол топишида муҳитнинг ва тарбиянинг ҳал қилувчи роль ўйнаши ҳақидаги қондаларига суянади. Инсоннинг барча эҳтирослари ва интилишлари ўз-ўзича яхшидир. Инсон айбли эмас, балки у яшайдиган жамият айблдир. Шу сабабли шундай ижтимоий тузум яратмоқ керакки, бу тузум инсон эҳтиросларини, уларнинг ривожланишини, раванқ топишини тўла қондиришга ёрдам берадиган бўлсин. Ф. нинг тасвирлашнча, бўлғуси жамиятнинг асосий ячейкаси бир неча ишлаб чиқариш сериялари (группалари)дан иборат фаланга (жамоа)дир. Ҳар бир фаланга аъзоси меҳнат қилиш ҳуқуқига эга. Фалангада кишини майиб қилувчи тор

қасабачилик барҳам топган бўлади; ҳар бир фаланга аъзоси иш куни давомида меҳнатнинг бир туридан иккинчи турига бир неча бор ўтиб, ҳар бир турда 1,5—2 соатдан ишлайди. Ана шуларнинг ҳаммаси туфайли меҳнат эҳтиёжга айланади, ҳузур-ҳаловат предмети бўлиб қолади. Натижада жамият меҳнат унумдорлигининг юксак даражасига ва моддий неъматларнинг мўл-кўллигига эришади. Фалангада тақсимот меҳнатга ва талантга қараб амалга оширилади. Бошқа утопик социалистлар сингари Ф. учун ҳам шу нарса характерликки, у пролетариатнинг тарихий родини тушуинмас, мавжуд жамиятни ўзгартиш воситаси бўлган революциядан бош тортар эди. У ўз мақсадларини социалистик идеяларни халқ орасида, шу жумладан капиталистлар орасида тинч пропаганда қилиш йўли билан амалга оширмоқчи бўларди. Ф. нинг асосий асарлари: «Тўрт ҳаракат ва муштарак тақдирлар назарияси» (1808), «Умумий бирлик назарияси» (1822), «Янги саноат дунёси ва ижтимоий дунё» (1829).



ХАЁЛ — воқеликдан олинган таасуротларни ўзгартиш асосида инсон онгида янги ҳиссий ёки фикрий образларни яратиш қобилияти. Х. инсоннинг меҳнат фаолияти жараёнида пайдо бўлади. Х. бўлмаса бу фаолият мақсадга мувофиқ ва самарали бўлиб чиқмас эди. Психология Х. ни олдиндан ўйлаб қўйилганлик даражасига (ихтиёрий ва беихтиёр. Х.), активлик даражасига (такрор ҳосил қилувчи ва ижод қилувчи Х.), образларнинг умумлаштирилганлик даражасига (конкрет ва абстракт Х.), ижодий фаолият турларига (илмий, ихтирочи, бадий, фаний Х. ва ҳ. к.) қараб туркумларга ажратади. В. И. Ленин сўзлари билан айтганда, «энг олдий умумлашмада, энг элементар умумий идеяда (умуман «стол») фантазиянинг маълум бўлакчаси бор» (29-т., 330-б.) Олимнинг Х. и гипотезалар, модель тасаввурлар, экспериментлар идеяларини яратиб, оламни билишга ёрдамлашади. Бадий ижодиёт процессида ҳам Х. нинг роли каттадир. Бунда Х. умумлаштириш воситаси бўлибгина хизмат қилмайди, балки воқеликнинг бадий шайкосини ўзида гавдалантирадиган ва эстетик қимматга эга бўлган санъат образларини вужудга келтирувчи ҳам бўлиб ҳам хизмат қилади. «Бекордан бекорга сандироклаб юрувчи» (Велинский), одамни реалликдан четга олиб кетувчи ширин хаёллардан фарқли ўлароқ, жамият эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган Х. «энг буюк қимматдорлик сифати»дан (Ленин) иборат бўлиб, ҳаётни билишга ва уни ўзгартиришга ёрдамлашади.

ХАЙДЕГГЕР Мартин (1889 йил туғ.) немис экзистенциализмининг вешчиларидан бири ва бош вакили. Гинкертда диссертация ёқлади. Гуссерлнинг ассистенти эди, Марбург, Фрейбургда муаллимлик қилди. Х. нинг асосий асарлари: «Борлиқ ва ғайиб» (1927), «Кант ва метафизика

проблемаси» (1929), «Метафизикага кириш» (1953). 1933 йилда Фрейбург ун-тининг ректори лавозимини бажаришга киришни чоғида сўзлаган нутқида национал-социализм идологнасини тан олди. Х. нинг идеалистик философиясининг асосий категорияси «вақтинчалик»дир, буни у инсоннинг ички кечинмаси деб тушунади. Х. «кайфият»ни, яъни стихияли, ривожланмаган онг формасини бирламчи деб ҳисоблайди. Х. нинг фикрича, инсон шахсининг априор формалари—гам-қайғу, ташвиш, қўрқинч ва ҳ. к. лардан иборат. Бу формалар инсоннинг субъектив борлигини ташкил этади ва бу борлиқни Х. «оламдаги борлиқ» деб атайди. Априор формалар ҳақидаги таълимоти Х. борлиқ ҳақидаги таълимот сифатида («фундаментал онтология») ишлаб чиқди. «Борлиқнинг мазмунини» пайқаб олмақ учун инсон ҳамма амалий—мақсадли дастурлардан юз ўгириши, ўзининг «ўлишини», «фонийлигини» англаши лозим. Х. нинг фикрича, инсон доимо «ўлим олдида» турганини сезган тақдирдагина ҳаётнинг ҳар бир фурсати ганиматлигини ва маъно мазмунга тўлаллигини билишга, «ижтимоий борлиқнинг санамлари»дан—мақсадлардан, «идеаллар»дан, «илмий абстракциялар»дан қутулишга қодирди. Х. нинг философияси *Кьеркегордаги, ҳаёт философиясидаги, Гуссерль феноменологиясидаги* иррационалистик тенденцияларни бир бутун қилиб бирлаштиради.

ХАЙЁМ Умар (1048—1123)—Шарқнинг буюк олими, файласуф шоири Нишопурда туғилган. Табиий фанлар ривожига, астрономик кузатишларга катта эътибор берди ва улар асосида 1079 йилда янги, аниқ календарь ишлаб чиқди. Х. *Хоразмий, Беруний* ва қадимги юнон олимларига асослашиб математика илмин ривожлантирди, математикага бағишланган икки та, физикага бағишланган бир рисо-

ла ёзди. Унинг ижодида фалсафий масалалар алоҳида ўрин эгаллаб, уларга атаб бешта махсус асар яради — «Борлиқ ва мажбурият», «Уч саволга жавоб», «Умумий фаннинг предмети ҳақида ақлнинг нури», «Мавжудлик тўғрисида рисола» ва форс тилида «Дархастнома». Булардан ташқари Х. табиат ҳақидаги ва турли этнографик материалларни ўз ичига олган «Наврўзнама» асарининг ҳам муаллифи ҳисобланган. Х. ни оламга машҳур қилган унинг чуқур фалсафий мазмуни рубойларидир. Х. табиатнинг моддийлигини, ундаги ўзгаришларнинг абадий эканлигини қатъий таъкидлади; моддий нарсалар ўзгариб янгиланиб туради, конкрет буюмлар йўқолиб, янгиси вужудга келади, лекин моддий асос абадий сақланиб қолади. Х. табиатни билишда инсоннинг ақлий қобилиятларини улуғлади, инсон табиатнинг энг етуқ маҳсули эканлигини, у билишда ақл ва илмга асосланиши зарурлигини кўрсатди. Ўз фалсафий рисолатларида *Фаробий*, *Ибн Сино* таълимотларини давом эттириб вужуд, мавжудот, модда, форма, дунёвий ақл каби фалсафий категорияларни таҳлил қилди, оламнинг мураккаблиги ва яхлитлиги ҳақидаги пантенстик таълимотни ривожлантирди. Унинг рубойлари яратувчига, диндорларга, диний фатализмга қарши қаратилган хурфикрлик билан суғорилган, Х. худони адолатсизликда, мантиқий изчилисизликда, меҳрсизликда айблади ва оламни инсонпарварлик асосида қайтадан яратиш ҳақида фикр юритади, диний ақидалардан норозилигини билдиради, илм-фанны улуғлайди ва уларни эгаллашга чақиради. Х. асарлари Шарқда хурфикрлик ва даҳрийликнинг ривожига катта ижобий роль ўйнади.

ХАЛҚ — оддий маънода — давлатнинг, мамлакатнинг аҳолиси; қатъий илмий маънода — бу кишиларнинг тарихан ўзгарувчи умумияти бўлиб, бу умумият аҳолининг ўз объектив аҳволига кўра айни мамлакатнинг айни даврдаги прогрессив, революцион тараққиёт вазифаларини ҳал

этишда биргалашиб иштирок этишга қобилиятли бўлган қисмини, қатламларини, синфларини ўз ичига олади. «Маркс,— деб кўрсатган эди В. И. Ленин,—«халқ» деган сўзни ишлатганида, бу сўз билан синфлар ўртасидаги тафовутларни ҳаспўшламаганида, балки революцияни охирига еткази оладиган муайян элементларни бирга қўшиб олган эди» (11-т., 142-б.). Социологик категория бўлган «Х.» тушунчасининг мазмуни жамият социал структурасининг ўзгаришини акс эттиради: ибтидоий жамоа тузуми учун «аҳоли» ва «Х.» терминларининг тафовути муҳим бир маънони билдирмас эди, антагонистик формацияларда эса бу тафовут жуда ҳам муҳимдир, чунки аҳолининг ҳукмрон эксплуататор группалари билан кенг халқ оммаси ўртасида тобора чуқуროқ ажрлиш юз беради. Фақат социалистик жамиятда «Х.» тушунчаси янгидан бутун аҳолини, унинг барча социал группаларини қамраб олади. Аҳолининг муайян группаларини Х.нинг бир қисми деб эътироф қилишнинг энг муҳим критерияси — бу объектив шароит тақозоси билан уларнинг тараққиёт вазифаларини ҳал этишдан манфаатдорлиги ва бу ҳал этишда иштирок этишда лаёқатли бўлишидир. Ижтимоий тараққиёт давомида, у ёки бошқа революцион ўзгаришлар амалга оширила болган сари, объектив вазифаларнинг ўзи ҳам ўзгариб боради, революциянинг ўз мазмуни ҳам ўзгаради, шу сабабли айни босқичда Х. ни ташкил этувчи қатламларнинг социал состави ҳам ўзгаради. Чунончи, 20-асрнинг бошларида Россия олдида самодержавиени ағдариб ташлаш вазифалари кўндаланг бўлиб турганида, Ленин бундай деб ёзган эди: «Самодержавиега қарши курашаётган халқнинг буржуазия билан пролетариатдан иборат эканлигини салгина бўлса-да онгли пролетариат жуда яхши билади» (10-т., 303-б.). Кейинчалик, Россия олдида эндиликда социалистик вазифалар кўндаланг бўлиб тургач, Ленин таъкидлаётган эдики, буржуазияга қарши социализм учун умумхалқ курашида

айни босқичда фақат ишчилар ва энг камбағал деҳқонлардан иборат бўлган халқ иштирок этмоқда. Демак, Х. бевосита ишлаб чиқарувчиларни — меҳнаткашларни, эксплуататор бўлмаган группаларни ўзининг асосий элементлари сифатида ўз ичига олади, шунга қарамай, у ҳамisha мазкур синф ва табақалардан иборат бўлолмайди. Буни ҳозирги шароитда, империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун кенг халқ ҳаракатлари авж олаётган чоғда, назарда тутиш айниқса муҳимдир. Марксизм биринчи бўлиб Х., халқ оммаси тарихнинг ҳал қилувчи кучи эканлигини аниқлаб берди, чунки худди шу халқ оммаси барча моддий неъматларни ва маънавий неъматларнинг анчагина қисмини яратмоқда ва шу билан жамият яшашининг ҳал қилувчи шарт-шароитини таъминламоқда; худди шу халқ оммаси ишлаб чиқаришни ривожлантирмоқда, бу эса бутун социал ҳаётни ўзгаришга ва ривожланишга олиб бормоқда; худди шу халқ оммаси революциялар қилмоқда ва шу туйфайли ижтимоий тараққиёт юзага келмоқда. Шундай қилиб, айни шу Х. тарихнинг чинакам яратувчисидир.

ХАЛҚАҲОЛИ (нуфус) — муайян социал умумиятлар доирасида ўз ҳаётий фаолиятини амалга оширувчи кишиларнинг жами: умуман инсоният, мамлакатларнинг группалари, айрим мамлакатлар, бу мамлакатлар ичида то конкрет манзилларгача турли маҳаллий бўлинмаларнинг мажмуи. Фалсафий-социологик нуқтаи назардан Х. ижтимоий ишлаб чиқаришнинг субъекти ва айни вақтда ҳам объекти деб қаралади. Сиёсий иқтисодда Х. меҳнат ресурслари манбаи ва истеъмол субъектидир: *демографияда* — сонига, сонига ва жинсига қараб фарқ қилинадиган кишилар авлодларининг мажмуи; *демогеографияда* — маълум территория доирасида жойлашган ва кўчиб юрадиган ўша кишиларнинг мажмуи. Мазкур фанларнинг ҳаммасида қараб чиқиладиган Х. нинг асосий проблемаси унинг ривожланишидир. Тарихий шарт-шароитга қараб, Х.

стихияли суратда ёки планоли равишда ривожланади. Х. нинг ривожланиши, бир томондан, кишиларнинг ҳаётий фаолиятининг ўзгарувчи шарт-шароит ва, иккинчи томондан, уларнинг ҳаётий аҳолининг мувозаитини, барқарорлигини ва таъминланганлигини сақлаб қолиш зарурлиги ўртасидаги зиддиятнинг ҳал этилиши билан объектив суратда боғлиқдир. Халқ ҳўжалигининг меҳнат ресурсларига бўлган эҳтиёжлари билан аҳоли сони ўртасидаги мувофиқликнинг бузилиши, аҳолининг товарларга ва хизмат кўрсатишларга бўлган эҳтиёжларининг ва бу эҳтиёжларни қондириш имкониятларининг баланслаштирилмаслиги — иқтисодий категория бўлган. Х. нинг ривожланишидаги зиддиятларнинг сабаби ва Х. нинг социал проблемаларининг манбаидир. Ҳар бир ишлаб чиқариш усулига Х. нинг ўзига хос қонуни мувофиқ келади. Чунончи, буржуа жамияти учун характерли нарсa нисбий аҳоли ошиқлигидир, бу ошиқлик ишсизлар армиясининг (резерв ишчи аҳолисининг) вужудга келиши билан боғлиқдир. Х. нинг социалистик қонуни аҳолининг ҳаракатчанлигини назарда тутаяди, бу ҳаракатчанлик фақат миграцияни (бир жойдан иккинчи жойга кўчишни) билдирмайди, балки аввало юмушчиларнинг ҳар томонламаллигини, уларнинг меҳнатда ўзгариб туривчи эҳтиёжлар учун мутлақ яроқли эканлигини, уларда адаптив-ўзгариш фаолиятига қобилиятининг ривожланганлигини билдиради. Социализм шароитида аҳолининг ҳаракатчанлигини вужудга келтиришда меҳнаткашларнинг билими, маданий техника даражасининг ошиши ҳал қилувчи роль ўйнайди. Социалистик жамиятда Х. сиёсати иқтисодий ютуқлардан ҳар бир жамият аъзосининг фаолиятини аста-секин кўпроқ мазмуни, ҳар томонлама, ижодий фаолиятга айлантириш учун фойдаланишга қаратилган. Х. сиёсатининг назарий асоси Х. ҳақидаги фандир, бу фан Х. на сиёсий иқтисоди, социология, демография, ҳуқуқшунослик, социал гигиена, этнография, психология, математика каби фанлар то-

монидан ўрганишда эришилган натижаларни комплекс ўзлаштириш асосида ривожланмоқда.

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИЯСИ — пролетариат диктатураси формаларидан бири бўлиб, бу форма «...империализм заифлашган ва кучлар исбати социализм фойдасига ўзгарган шароитда социалистик революция тараққийнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради. Халқ демократиясида айрим мамлакатларнинг тарихий ва миллий хусусиятлари ҳам ўз ифодасини топи» (КПСС Программаси). Х. д. Шарқий Европада ва Осиёнинг бир қанча мамлакатларида халқ демократик революцияларнинг боришида пайдо бўлди. Бу революциялар, бир томондан, чет эл империалистлари, йирик ички буржуазия ва помешчиклар ва, иккинчи томондан, қолган синфларнинг кенг коалицияси ўртасидаги эъдииятларни ҳал қилди ва пролетариат билан унинг авангарди Коммунистик партия раҳбарлигида амалга ошди. Халқ-демократик революцияларнинг муваффақият билан ривожланиши Шарқий Европа мамлакатларида ва Осиёнинг баъзи мамлакатларида Х. д. нинг тузилишига олиб келди. Революция чуқурлашиб борган сари тобора кенг миқёсда капиталистик экономикага бостириб кирилди (национализация), айна вақтда буржуазиянинг сиёсий таъсири ҳам чеклаб борилди. Феодал сарқитларга барҳам берган ҳамда пролетариат билан меҳнаткаш деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлаган аграр реформалар халқ-демократик революцияларнинг ривожланиши учун катта аҳамиятга эга бўлди. Чуқур демократик ўзгаришларнинг амалга оширилиши бу революцияларнинг ўсиб социалистик революцияга айланишини таъминлади. Шунга мувофиқ дастлабки вақтда халқнинг демократияси сифатида иш кўрган Х. д. пролетариат диктатураси вазибаларини бажаришга киришди. Революциянинг бу умумий бориши айрим мамлакатларда ўзининг конкрет хусусиятларига эга эди. Х. д. формаси шундай шарт-шароитга боғлиқ эдики, у халқ демократик революциясининг кенг синфий ба-

засида вужудга келган эди (бу революцияда фақат пролетариат ва деҳқонлар эмас, балки буржуазиянинг муайян қатламлари ҳам қатнашган эди), халқ демократик революциясининг ўсиб социалистик революцияга айланиши тинч характерга эга эди, бу эса вакиллигининг баъзи эски формаларидан (парламент) фойдаланишга имкон берган эди. Х. д. нинг характерли белгилари — унда кўп партияли системанинг мавжудлигидир (Европанинг баъзи мамлакатларида ташқари); коммунистик партияларда ташқари, социализм позицияларида турувчи ва ишчилар синфининг раҳбарлик ролини тан олувчи бошқа демократик партиялар ҳам бор; унда сиёсий партиялар ва оммавий ташкилотларни бирлаштирувчи халқ fronti типидagi ўзига хос ташкилот формаси мавжуддир. Х. д. нинг шаклланиш табиатининг бошқа хусусиятлари шундан иборатки, унда сиёсий ҳуқуқларни чеклашлар бўлмади, эски давлат аппаратини синдириш муддати узоққа чўзилди ва ҳ. к. Тарихий тажриба шуни кўрсатдики, Х. д. социализм қурилишининг қудратли қуроли ролини ўйнамоқда. Ҳозирги вақтда «Халқ демократияси мамлакатларида социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари ҳукмрондир, капитализм тикланишининг социал-иқтисодий имкониятлари тугатилгандир» (КПСС Программаси).

ХАРАКТЕР — феъл, ҳулқ, табиат — инсоннинг барқарор психик хусусиятлари мажмуи, бу хусусиятлар унинг фаолиятига ва турмуш шароитига боғлиқдир ва улар хатти-ҳаракатларда юз беради. Х. ни билганда кишининг маълум вазиятда ўзини қандай тутишини олдидан кўриш ва, демак, шахсда ижтимоий қимматли сифатларини ўстириб, хатти-ҳаракатини тўри йўлга солиш мумкин. Х. одамнинг ўзига, бошқа кишиларга, унга топширилган ишга, нарсаларга қандай қарашда намоён бўлади. Х. ижтимоий-меҳнат практикасида, инсоннинг хатти-ҳаракатлари системасида эг тўлиқ намоён бўлиб, унинг бутун ҳулқ-атворида ўз изини қолдиради. Х.

ижтимоий-психологик табиатга эга, яъни шахснинг дунёқарашига, унинг билими ва тажрибасига, ўзлаштирилган ахлоқий принципларга, бошқа кишилар томонидан қилнадиган раҳбарликка ва улар билан актив ўзаро таъсирга боғлиқдир. Х. туғма эмас, у кишиларнинг фаолияти шаронтида шаклланади ва тарбияга боғлиқ бўлади.

ХИЛИАЗМ (грек. *chilioi* — минг) — гўё қиёмат бошланишидан олдин ер юзида «худонинг минг йил подшолик қилиши» ҳақидаги диний таълимот. Х. *яхудоллик* ва дастлабки *христианликка* хос бўлиб, халоскор масеҳнинг келиши идеялари билан боғлиқ. Х. нинг идеялари қуллар ва камбағалларнинг эътиборини ўзига тортган эди. Христианлик Рим империясининг расмий динига айлангач, ер юзида тартибларни ўзгартишга ҳар қандай урнишдан воз кечди, ҳар ким ўз ажрини охирагда тортиши ҳақидаги идеяни қаттиқ туриб уқтирди. Х. ни сохта таълимот деб рад қилди. Урта асрларда Х. деҳқонлар ва шаҳарликларнинг феодал эксплуатациясига қарши социал норозлигининг диний пардага бурканишидан иборат бир қанча еретиклик таълимотларида жонлана бошлади. Ҳозир Х. баъзи диний мазҳаблар идеологиясининг таркибий қисмидир.

ХИМИЯВИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРНИНГ БИР ҲОЛАТДАН ИККИНЧИ ҲОЛАТГА АЙЛАНИШИ — бир турдаги атомларнинг иккинчи турдаги атомларга айланиши (мас., уран атомларининг кўрғошин атомларига айланиши ва б.). Элементларнинг ўзаро бир-бирига айланиши мумкинлиги ҳақидаги идеяларни қадимги хитой, ҳинд философлари, *Платон*, *Аристотель*, урта аср Шарқда *Розий*, *Ибн Сино* ва б. айтган эдилар. Бу хилдаги тасаввурлар аслда материянинг чуқур ички бирлиги ҳақидаги, унинг ўзгарувчанлиги ҳақидаги фаразларнинг, кўпинча идеалистик формада бўлсада, ифодаси эди. *Философия тоши* (ҳикмат тоши, *иксир*)га ишониш ана шу идеяларга асосланган. Химиявий элементларни атомларнинг муайян

турлари билан боғлаб (*Дальтон*), уларни бўлимайдиган ва ўзгармайдиган, бир-бирига боғлиқ бўлмаган зарралар деб ҳисоблай бошлаганларидан кейин, Х. э. б. ҳ. и. ҳ. а. идеяси йиғиштириб қўйилди. *Материянинг* абадий, ўзгармас, энг содда элементлари—«олам биносиининг гиштчалари» ҳақидаги метафизик тасаввурлар ҳукмрон бўлиб қолди. Х. э. б. ҳ. и. ҳ. а. идеясининг қайтадан бунёдга келишида *Менделеевнинг* элементлар даврий системаси муҳим роль ўйнади. Бироқ радиоактивлик, *атом ва атом ядросининг* мураккаб тузилиши, ядро реакциялари кашф этилиши муносабати билан бу идея мустақкам илмий асосга эга бўлди ва амалий равишда табиқ этила бошлади. Х. э. б. ҳ. и. ҳ. а. диалектик материализмнинг материянинг ривожланиши ҳақидаги, унинг турли формаларининг бирлиги ва ўзгарувчанлиги ҳақидаги қондасини тасдиқламоқда ва табиатда абадий ва ўзгармас бош элементлар мавжудлиги ҳақидаги метафизик тасаввурларнинг асоссизлигини кўрсатмоқда.

ХИТОЙ ФИЛОСОФИЯСИ — узоқ тарихий традицияга эгадир. Унинг пайдо бўлиш сарчашмалари эрампдан олдинги I минг йилликнинг бошларига бориб тақалади. Эрампдан олдинги 8—5-асрлардаёқ табиатнинг беш «стихияси», ёки бош элементлари ҳақидаги таълимот кенг тарқалган эди. Қадимги хитой мутафаккирлари, беш «бош асос»нинг, яъни сув, олов, металл, дароҳ ва тупроқнинг алоқалари ҳодисалар ва нарсаларнинг барча хилма-хиллигини вужудга келтиради, деб таълим берардилар. Реал олам «бош асослари»ни ажратиб кўрсатишнинг бошқа системаси ҳам мавжуд эди. «Ўзгаришлар китоби» («Ицзин») да энди бу хилдаги «бош асослар»нинг саккизтасининг номи айтилганки, уларнинг ўзаро таъсири воқеликнинг турлича вазиятларини ташкил этади. Бироқ «ўзгаришлар китоби» ўз асоси жиҳатидан жумбоқли текст бўлиб қолавереди. Бу текст бирмунча кейинроқ Фалсафий томондан шарҳлаб берилди. «Ўзгаришлар китоби»нинг образлари ва рамзлари Х. ф.

нинг кейинги тараққиётига гоят катта таъсир кўрсатди. Айни вақтда *инь ва ян* қарама-қарши ва ўзаро алоқадор кучлари ҳақидаги таълимнинг асосий принциплари қарор топа бошлади. Инь ва ян амалиёти табиатдаги ҳаракатнинг ва ўзгарувчанликнинг сабаби деб қараларди. Улар табиатдаги ёруғлик ва қоронғулик, мусбат ва манфийлик, эркаклик ва хотинлик ибтидоларнинг символлари эдилар. Эрамиздан олдинги 5—3-асрлар даврида қадимги хитой философияси янада ривожланади. Худди шу асрларда асосий фалсафий мактаблар вужудга келади. *Даосизм* тарафдорлари, аввало Лао-цзи ва Чжуан-цзи фалсафий проблемаларга жуда қизиқадилар, гносеологияни ишлаб чиқиш билан кўпинча Мо Ди (*Мо-цзи*) ва унинг издошлари шугулландилар. Кўпгина қадимги хитой мутафаккирлари тушунча («ном») билан реалликнинг ўзаро муносабати тўғрисидаги мантиқий проблемани ҳал қилишга қизиқадилар. Мо Ди, *Сюнь-цзи* ва б., тушунчалар объектив ҳодисалар ва нарсаларнинг инъикосидир, деб ҳисоблардилар. Гунсунь Лун проблемага идеалистик изоҳ берган ва у *Зеноннинг апорияларини* эслатадиган ўз мулоҳазалари ҳамда тушунчаларни ҳаддан ташқари абсолютлаштириши ва уларни воқеликдан узиб қўйиши билан шухрат қозонган. Унинг «номлар» ҳақидаги таълимотида Платоннинг «идеялар» ҳақидаги таълимотига ўхшаш нарсалар кўп. Инь ва ян кучлари ҳамда табиатнинг беш «унсури» ҳақидаги тасаввурларни юқорида кўрсатилган даврда Цзоу Янь ишлаб чиққан. Конфуций ва *Мэн-цзининг* ахлоқий-сиёсий назариялари, Хань Фэй-цзи ва «қонунчилар» мактаби (*фацзля*) бошқа вакилларининг давлат ва ҳуқуқ тўғрисида айтган фикрлари ҳақида кўп мулоҳазалар билдирилади. Бу қадимги хитой философиясининг «олтин асри» эди. *Натурфилософия* масалаларида асосий кураш «тянь»—«осмон» ҳақидаги тасаввурлар теварагида авж олиб кетди, баъзи мутафаккирлар «осмон»ни табиат сифатида таърифласалар (*Сюнь-цзи*), бошқала-

ри уни олий, маълум мақсадга йўналтирувчи куч ифодаси деб билардилар (*Конфуций, Мэн-цзи*); «дао»—«йўл» (табий қонуният ва абсолют) ҳақида, «дэ»—юз бериш, сифат, «ци»—бош материя ҳақида, табиат «унсурлари» ва ҳ. к. ҳақида кураш борди. Этика ва ахлоқ соҳасида асосий эътибор инсоннинг моҳияти тўғрисидаги таълимотга қаратилди. Конфуцийнинг қарашлари Мэн-цзининг инсон табиатининг тугма эъшинлиги ҳақидаги ва Сюнь-цзининг инсон табиатининг тугма ёмонлиги ҳақидаги концепцияларга олиб келди. *Ян Чжунинг* индивидуализм ва Мо-цзининг альтруизм назариялари катта шухрат қозонди. Қадимги хитой натурфилософик концепцияларнинг камчилиги эмпирик материалнинг етишмаслиги эди. Эрамиздан олдинги 3-асрда ва эрамизнинг 3-асрида беш «унсур» ёки беш элементлар ҳақидаги ва инь билан яннинг қутбий кучлари ҳақидаги таълимот кўпдан-кўп натурфилософик ва космологик назарияларнинг асоса бўлиб қолади. Цн ҳақидаги тасаввурлар *Ван Чунинг* чуқур далиллар билан исбот қилинган системасида материалистик нуқтаи назардан шарҳланди. Айни вақтда турлича мистик таълимотлар ривожлана бошлади, даосизм ва *конфуцийчиликда* диний йўналишлар шаклланади. Эрамизнинг дастлабки асрларида «борлик» ва «йўқлик»нинг ўзаро муносабати проблемаси материализм билан идеализм ўртасидаги курашнинг марказий масаласи бўлиб қолади. Бу даврда даочилик ва конфуцийчиликнинг ўзаро таъсири ва синтези натижасида «казалий» (юань), бош материя (ци), «дао» ва борлиқнинг бошқа бош асослари ҳақидаги тасаввурлар ривож топади. I асрдан бошлаб Хитойга *буддизм* кириб тарқала бошлади. Буддизм конфуцийчилик ва даосизм билан бирликда хитой тафаккурининг етакчи оқими бўлиб қолади. 5—6-асрлар буддийча мистиканинг ҳукмронлиги белгиси остида ўтади. Бу даврда оламнинг нореаллиги ҳақидаги буддийча таълимот теварагида кураш авж олади. Кўп мутафаккирлар мо

ҳият билан ҳодисанинг, борлиқ билан йўқлиқнинг, тан билан жоннинг ўзаро муносабати проблемаларига жуда қизиқиб қарайдилар. Материалистлардан Хэ Чэнь-тянь ва Фань Чжэнь жоннинг ўлмаслигига ишонини қаттиқ танқид қиладилар. Буддизм 7—10-асрларда ҳам энг кўп тарқалган таълимот бўлиб қолади. Буддийча идеализмга қарши чиқишлар асосан конфуцийчилик ва даосизм позицияларидан олиб борилади. Чуқур социал-иқтисодий силжишлар натижасида 10—13-асрлар даврида Хитойда фалсафий фикр равнақ топади. Неоконфуцийчилик деб аталган конфуцийча таълимотнинг янада ривожланиши буддизм ва даосизмга қарши реакция бўлади. Бу таълимот эндиликда ахлоқий-сиёсий тасавурларни ишлаб чиқиш билан чекланиб қолмайди. *Онтология*, *натурфилософия* ва космогония унда анча кенг ва мазмунли ифодаланган. Идеявий ибтидо *ли* (қонуи, принцип) билан моддий ибтидо *ци* (бош материя)нинг ўзаро муносабати марказий проблема эди. Неоконфуцийчиликнинг илк вакиллари баъзи масалаларга материализм нуқтаи назаридан қарардилар (Чжоу Дунь-и, *Чжан Цзай*). Неоконфуцийчилик назарияларини ривожлантириш ва умумлаштиришда *Чжу Си* кўзга кўринарли ўринни ишғол қилади. Ли ва цинг ўзаро алоқадорлиги ҳақидаги саволга жавоб бераркан, Чжу Си пировард ҳисобда *лини* бирламчи ибтидо деб, *цини* эса иккиламчи деб эътироф қилган эди. Неоконфуцийчиликда субъектив идеализмни Лу Цзю-юань (Лу Сянь-шань) ва Ван Шоу-жэнь (Ван Ян-минь) ривожлантирдилар. «Олам—менинг ақлим (қалбим)дир, менинг ақлим эса—оламдир» деган фикрни Лу Цзю-юань айтган. Неоконфуцийчилик идеализмига Чэнь Ляя, Е Ши, Ло Цинь-шунь, Ван Тин-сяннинг материалистик таълимотлари қарама-қарши қўйилган эди. Неоконфуцийчиликнинг ортодоксал мактабига қарши курашда прогрессив мутафаккир Ли Чжининг таълимоти катта роль ўйнайди. Ли ва цинг ўзаро муносабати проблемаси 17—18-

асрларда янада ривожланади, бу проблема Ван Фу-чжи (Ван Чуань-шань) ва *Дай Чжунда* материалистларча ҳал қилинади. 1840 йилда эа афюн уруши ажлабийларнинг Хитойга бостириб киришини бошлаб берди. Феодалларнинг зулмига ва ажибий агрессияга жавобан хитой халқи кучли деҳқонлар кўзголови — тайпин ҳаракати билан жавоб берди, бу кўзголовон давомида жамиятчи социал қанга қуришининг утопик идеялари муайян роль ўйнайди. Кейинчалик, Хитой ярим мустамлака мамлакатга айлانгач, прогрессив мутафаккирлар (*Тянь Си-тун*, *Сунь Ят-сен* ва б.) Хитой философиясининг энг яхши анъаналарини ва материалистик идеяларини қабул қилиб, давом эттирдилар. 1919 йил 4 май ҳаракатидан бошлаб, Улуг Октябрь социалистик революцияси таъсири остида, Хитойнинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий фикри ривожидан марксизмнинг ёйилиши билан боғланган янги босқич бошланади.

ХОЛИЗМ (грек. holos — яхлит) — идеалистик «яхлитлик философияси», ўз идеяларига кўра *эмергент эволюция* назариясига яқин туради. Бу тушунчани Жанубий Африка фельдмаршали Я. Х. Смэтс «Холизм ва эволюция» китобига (1926) киритган. Смэтс бутунни қисмлар йиғиндисидан иборат қилиб бўлмаслигини идеалистларча талқин қилиб, дунёни холистик процесс — ижодий эволюция, янги яхлитликлар яратиш процесси бошқаради, деб даъво қилади. Эволюция жараёнида материя формалари тўхтовсиз кўпайиб ва янгиланиб боради. Смэтснинг фикрича, холистик процесс материянинг сақланиш қонунини беқор қилади. «Яхлитлик фактори»ни Х. номоддий ва билиб бўлмайдиган омил деб ҳисоблайди ва унга мистик тус беради. Ж. С. Холдейн («Биологиянинг фалсафий асослари», 1931) ва А. Майер-Абих («Биологик билишнинг гоялари ва идеаллари», 1934) ҳам Х.нинг идеяларини ривожлантирдилар.

ХОМЯКОВ Алексей Степанович (1804—60) — рус ёзувчиси, философ-идеалист, славянофилчиликнинг асосчиларидан бири; Москва ун-тининг

тамомлаган (1820). X. ўз асарларида (Тўла асарлар тўплами, 1—8 т., 1900—04) материализмнинг душманига немис классик идеализмининг таъинидиши бўлиб майдонга чиқди. X. объектив-идеалистик қарашларга эмал қиларди ва бу қарашлар унда диний-мистик *волюнтаризм* формасига кирган эди. У идеявий, оқилона ва эркин ибтидонини мавжудотнинг бош негизи ҳисоблаб, бу негизни инсоннинг одатдаги билувчилик воситалари — сезгилар ва ақл ёрдамида билиш мумкин эмас, уни қандайдир «илми ботин», «ақл кўзи» билан, яъни диний эътиқод ёрдамида билиш лозим, деб даъво қилади. Жамият ҳақидаги назарияда X. диний *провиденциализм* позициясида турарди. Рус дворянларининг идеологи бўлмиш X. (гарчи рус социал тартибларини бир қадар танқид қилган бўлса-да) шундай иқтисодий ва сиёсий реформаларни тақлиф қилган эдики, бу реформалар рус дворянларига тарихан муқаррар ўзгаришлар—Россиянинг буржуа тараққиёти йўлига ўтиши даврида ўз имтиёзларини сақлаб қолишларига ёрдам бериши лозим эди.

ХОРАЗМИЙ Мусо ибн Муҳаммад — «Мажусий» (Европада ал Горезми; 780—850)—ўрта оснелик машҳур математик, табиатшунос олим. Бағдод халифаси Маъмон саройи — ўз даври академияси «Донолик уйи»га, математик ва астрономларга раҳбарлик қилган. «Қисқарган синдиҳинд», «Тригонометрик жадваллар», «Қуёш соатлари ҳақида рисола», «Музыка бўйича рисола», «Тарих ҳақида», «Ер сурати китоби» ва бошқа қатор асарлар муаллифи. «Алгебра» ва «алгоритм» тушунчалари X. номи билан боғлиқ бўлиб, у математиканинг шу соҳалари ривожига асос солди. X.нинг айрим асарлари 11-асрдаёқ латин тилига таржима этилди. Алгебра — «Алжабр ва муқобала» бош сўзининг латинча талаффузи — алгоритм ва «ал Хоразми» номининг латинча айтилишидан вужудга келгандир. X. табиий процессларни ўрганишдан ҳисоб-саноқ методини, сон муносабатларини ривожлантиришнинг ташаб-

бусисини. X. оддий тенгламаларни ечишнинг энг осон йўлларини, майдон сатҳини ўлчашнинг оддий усулларини олган сурди. У математик тенгламаларнинг ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги аҳамиятини кўрсатиб, хусусан ўз даври ҳуқуқшунослигининг мужмал қондаларини ечишда математик методлардан фойдаланиш йўлларини аниқлади. X. географияга оид «Китобу сурат ил аро» асарига кўп йиллар давомидаги кузатишларини умумлаштирган ҳолда Ернинг аҳоли яшайдиган жойларини кўрсатувчи хариталар тузиб, ҳар бир шаҳарнинг ўрнашган жойининг координатларини — узунлик ва тенглик формаларини кўрсатиб берди. X.нинг бизгача етиб келган 4 харитасида ерни 7 иқлимга ажратилади. Унинг географияга оид маълумотлари Шарқ ва Ғарбда бу илмнинг ривожига учун катта аҳамиятга эга бўлди. X. «Яҳудийлар тарихи ва уларнинг байрамларини белгилаш» ҳақида тарихий асар, астролябияга оид рисолалар ёзгани маълум. X. шарқ халқларининг, хусусан Ҳиндистон, Эрон, Урта Осиёнинг ўмиш маданиятини чуқур билган, унинг «Мажусий» лақаби зардуштлиқ динига алоқадор бўлганлигини кўрсатади. Фан тарихшуноси америка олими Г. Сартон 9-асрнинг биринчи ярмини фанда Хоразмий даври деб атайди ва X. га «Уша даврнинг энг буюк математиги ва, агар ўша даврдаги бутун аҳволни эътиборга олсак, ҳамма даврларнинг ҳам энг буюк сиймосидир» деб юксак баҳо беради.

ХОССА, хусусият — предметнинг томони, бу томон унинг бошқа предметлар билан тафовутини ёки ўхшашлигини белгилайди ва улар билан ўзаро таъсирда юз беради (мас., кўлам, эластиклик, ранг, электр ўтказувчанлик ва ҳ. к.). Ҳар қандай X. нисбийдир. Ёгочга нисбатан темир қаттиқ, олмосга нисбатан юмшоқдир. Ҳар бир айрим нарса беҳисоб X. ларга эга бўлиб, бу X. ларнинг бирлиги унинг сифатидир. (*Сифат ва микдор*). X. барча предметларга тегишлидир ёки материянинг ялли умумий (*атрибутлар*) деб аталадиган ўз табиати

билан боғлиқдир. Ҳизмат хос ва умумий, асосий ва ноасосий, зарурий ва тасодифий, муҳим ва номуҳим, айрим ва ноайрим, табиий ва сунъий ва ш. к. Х. лар бўлади. Диалектик материализм нарсаларнинг барча Х. лари нарсаларнинг ўзига хосдир, яъни объективдир, деб таъкидлайди. Предметларнинг айрим Х. ларини ўрганиш уларнинг сифатини билишда поғонача бўлиб хизмат қилади.

ХОТИРА (психологияда)—эс, ёд—индивиднинг олам билан ўзаро таъсири натижаларини сақлаб қолиши, бу сақлаб қолиш мазкур натижаларини кейинги фаолиятда қайта ҳосил қилиш ва улардан фойдаланиш, уларни қайта ишлаб, системаларга бирлаштириш имкониятини беради; воқеликнинг муайян индивид томонидан тузилган психик моделларининг мажмуи. Х. нинг физиологик механизмлари ҳозирги вақтда жадал илмий тадқиқотлар мавзуси бўлиб қолди. Х. тафаккур билан ва ундан ҳосил бўлган фаолият формалари билан, маъсулнинг процесс билан алоқаси каби, боғлиқдир. Индивид билан муҳитнинг бевосита муносабатларида таркиб топадиган воқеликнинг психик моделлари ғайри нутқий элементар Х. нинг мазмунини ташкил этади. Бу моделларнинг тузилиши вақт ичида объектлар таъсирларининг туташлигига ва ўзаро таъсир характерини белгилловчи эҳтиёжнинг қандай хилда эканлигига боғлиқдир. Элементар Х. устида вужудга келувчи олий, нутқий Х. да нарсалар объектив муносабатларининг моделлари мустақамланиб қолади. Нутқ туфайли инсон моделлаштирилувчи объектларнинг бевосита таъсириносиз, англаб олинган мақсад таъсири остида Х. нинг мазкур формасининг тузилишини қайта ҳосил қилишга қодирдир, бу эса пировард ҳисобда Х. нинг нарсаларнинг объектив мантиқига бўйсунушига олиб келади, яъни мазмунни эсда қолирадиган ва қайта ҳосил қиладиган бўлади.

ХРИСИПП (281/78—208/05)—Тарс ёки Салада (Киликия) туғилган, стоиклар мактабининг энг атоқли вакили. Қадим замондаёқ уни Стоининг ик-

кинчи асосчиси деб атар ва ҳатто: «Агар Хрисипп бўлмаганида, Стои ҳам бўлмас эди» деган гапларни айтган эдилар. Диоген Лаэртский у ҳақда: «Агар худолар диалектика билан шуғуланганларида эди, улар Хрисипп диалектикасидан фойдаланган бўлар эдилар», деб ёзганди. Стоикларда логика риторика (нотиқлик санъати) ва диалектикага бўлинадди. Х. логика учун гапнинг аниқ таърифини, барча гапларнинг содда ва қўшма гапларга, мутаносиб логикада (*Стоиклар*) тўғри ва чин далил (худоса) билан исботга систематик бўлиниш қоидаларини тузиб берди.

ХРИСТИАНЛИК — ислом ва буддизм билан бир қаторда жаҳон динларидан бири. Х. 1-асрнинг иккинчи ярмида Рим империясининг шарқий вилоятларида қўллар ва эзилган меҳнаткашларнинг дини сифатида пайдо бўлган. Вақти келиб Х. ҳукмрон синфларнинг дини бўлиб қолган ва давлат дини сифатида қабул қилинган. Х. нинг ғалаба қилишига сабаб шунки: 1) у бенаво синфларни охиратда бахт ва адолатга эришишга умидвор қилган; 2) Рим империяси ягона бир динга муҳтож эди, бу ягона дин синфий ва миллий тафовутларидан қатъи назар барча кишиларга мурожаат қилиши лозим бўлган; 3) ҳукмрон синфлар Х. дан манфаатдор бўлганлар, чунки у жамиятнинг синфий асосларига даҳл қилмаган ва мавжуд зулмни худо номидан муқаддаслаштирган. Жаҳон Никея собори (325) асосий христиан ақидаларининг қисқача баёнидан иборат эътиқод символини (имон калимасини) ишлаб чиқди. Х. да уч йўналиш: *католицизм*, *православие*, *протестантизм* ва турли мазҳаблар (баптистлар, адвентистлар, иеговистлар ва ҳ. к.) бор. Х. га шарҳ динларининг (*Политеизм* ва *монотеизм*) қўрбонлик, садақа қилиб гуноҳдан пок бўлиш, илоҳий халоскорлар ҳақидаги тасаввурлари асос бўлган, унга стоиклар (жумладан, Сенека) ва Филоннинг таълимоти таъсир кўрсатган. Х. даги асосий нарса — афсонавий худосимон одам, худонинг ўғли Исо Масеҳ (грек.— халоскор)

ҳақидаги таълимотдир; гўё у осмондан ерга тушиб, азоб-уқубат тортиб ўлган, сўнгра одамларни тўнгич гуноҳдан халос қилиш учун қайта тирилган. Х. нинг таълим беришмача, бу дунё инсон учун муваққат манзилдир, охиратда абадий яшашга тайёрланишидир. Эксплуататорлик тузуми тугатилиши билан, ҳар қандай бошқа дин сингари, Х. нинг ҳам социал илдиллари қақшаб бормоқда.

ХРИСТИАНЛИК АХЛОҚИ — христиан дини тарғиб қилаётган ахлоқ. Илоҳийетчилар Х. а. нормаларини умуминсоний нормалар деб, Х. а. нинг ўзини эса энг олий мақом ва инсонларвар ахлоқ деб кўрсатишга уринмоқдалар ва бунинг учун биринчи галда меҳр-муҳаббат тўғрисидаги таълимотни далил қилиб келтирмоқдалар. Айни вақтда христиан теологлари одамлар гуноҳга ботганликлари сабабли Х. а. ни амалга ошириш мумкин эмаслигини эътироф қилишга мажбур бўлмоқдалар. Шундай қилиб, Х. а. да ахлоқсизликни оқлаб кўрсатиш учун ҳаминча асос топилади. Фақат худо мутлақ ахлоқлидир. Ахлоққа баҳо бериш ҳуқуқига эга бўлган бирдан-бир ҳақам худди шу худодир. Инсонга нисбат бериш мумкин бўлган энг олий ахлоқий фазилат эса бешак-бешубҳа худонинг марҳаматига сиғинишидир. Яна бир муҳим фазилат ҳамма нарсани кечиритишдан иборат бўлиб, бу ҳам одамнинг гуноҳкорлигидан келтириб чиқарилади. Тарихан маълумларнинг дини сифатида пайдо бўлган христианликда омманинг орзуумиди ҳам ўз аксини томган (жумладан, барча бечора-бенаволарнинг биродарлиги, қавм-қариндошларга меҳр-муҳаббат билан қараш ғояси ва ҳ. к.); черков бу ғояларни омманинг ўзига қарши қаратиб, ёппасига меҳр-муҳаббат боғлаш, тақдирга тан бериш ва итоат қилишни тарғиб қилди. Маълумларнинг азоб-уқубатлари эвазига бериладиган муқофоти ва адолатнинг тантана қилишини черков «худонинг салтанати» билан боғлайди ва бу салтанатнинг қачон келиши охир-оқибатда фақат худонинг ирода-сига боғлиқдир. Шу сабабли черков

омманинг жамиятни қайта қуриш учун олиб бораётган революцион қурашини ахлоқсизлик деб эълон қилмоқда.

ХРИСТИАН СОЦИАЛИЗМИ — христиан динига социалистик тус беришга, *христианликни* меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилувчи ва барча социал кулфатлардан қутқарувчи восита қилиб кўрсатишга интилувчи таълимот. Х. с. 19-асрнинг 40-йилларида феодал социализмнинг кўринишларидан бири сифатида туғила бошлади, маълумки, феодал социализмда ҳалок бўлаётган феодал синфларнинг капитализмга душманларча қараши намоён бўлган эди. Х. с. нинг вазифаси — революцион ҳаракатга қарши курашдан, душман синфларни яраштиришдан иборат эди. Ҳозирги кунда Х. с. буржуа идеологиясининг кўринишларидан биридир. Христиан социалистларининг капитализмни танқид қилиши сафсата-бозликдан иборат. Х. с. учун шу нарсаси характерлик, у капитализм ва коммунизмдан фарқ қиладиган «ўчинчи йўлни қидириб юрибди; ҳақиқатда эса унинг идеали «христиан демократияси» буржуаца ижтимоий муносабатлар доирасидан ташқари чиқмайди. Х. с. *реформизм* билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ишчилар ҳаракатида орабузарлик сиёсатини юргизмоқда.

ХУДО — ғайри табиий қудратли вужуднинг фантастик образи бўлиб, у гўё оламни яратган эмниш ва уни бошқариб турармиш, *яхудо* динида — Яҳве, *исломда* — Оллоҳ, *христианликда* — уч авлиё (ота-худо, ўғил-худо ва муқаддас руҳ-худо) ва ҳ. к. Х. ҳақидаги тасаввурлар диннинг ҳозирги замон формаларининг асосини ташкил этади. Дин тараққиётининг илк босқичларида «Х.» тушунчаси ҳали йўқ эди (*Тотемизм, Фетишизм, Анимизм*). Ибтидоий жамоа тузуми бузилган, қабилаларнинг бирлашмалари ривожланаётган, синфлар ва давлат юзага келган шароитда қабила ва давлат Х. ларининг образлари пайдо бўлади. Яккаю ягона қудратли Х., осмондаги подшо ҳақидаги тасав-

вур «яккаю ягона шарқ мустабидининг инъикоси» (Ф. Энгельс) сифатида вужудга келди. *Теология* Х. нинг борлигини фалсафий тарзда исботлашга, Х. идеяларини безаб-бежаб ва пардалаб кўрсатишга, Х. ни абсолют идея, оламий прода, қандайдир қиёфасиз ақлий ибтидо шаклида кўрсатишга уринувчи идеализмдан фойдаланиб келмоқда. Марксизм Х. идеясининг реакционлигини ва ожизлигини ҳамда уни ҳимоя қилишга уринишларни охиригача очиб ташлади ва бундай уринишлар табиий ва ижтимоий фанлар ривожининг бутун жараёнида фош қилинаётганлигини кўрсатди. «Худо,— деб кўрсатган эди В. И. Ленин (тарихан ва турмуш жиҳатдан), аввало идеялар комплексидан иборат бўлиб, бу идеяларни инсоннинг тўпосларча эзилганлиги ва ташқи табиат ҳамда синфий зулм вужудга келтиргандир, бу идеялар мазкур тўпосларча эзилганликни мустақкамлайди ва синфий курашни су-сайтиради» (48-т., 232-б).

ХУДОИЗЛОВЧИЛИК — Россиядаги буржуа диний-фалсафий оқим бўлиб, бу оқим, ижтимоий тараққиётнинг мақсади — тўғри тушунилган, «янги» христианлик идеяларини амалга оширишдан иборат, деб буни исбот қилишга уринарди. Х. 20-асрнинг бошларида пайдо бўлиб, диний мажлисларни (1901—03, Петербург), «Новый путь», «Вопросы жизни» ва ш. к. журналларни ташкил этишда ифода-ланган эди. Х. идеялари 1905—07 йиллардаги революциянинг мағлубиятидан кейин буржуа интеллигенцияси орасида айниқса манзур бўлди. Бу идеялар адабиётда ва 1907 йилда қайтадан вужудга келган диний-фалсафий жамиятда кенг муҳокама қилинарди. Х. нинг вакиллари бўлмиш философлар ва ёзувчи декадентлар: *Бердяев*, *Д. Мережковский* («Сулҳ бўлмасин-у, аммо қилич бўлсин», 1908 ва б.). *Н. Минский* («Диний виждон эркинлиги ҳақида», 1902; «Келажакнинг дини», («Сулҳ бўлмасин-у, аммо қилич бўлсин», 1908 ва б.), *Исо* васиятларига «янги муносабатда», қандайдир «диний реформация» ҳақида-

ги асарда динни жонлантиришга ва «динни халқ орасида янгича мустаҳкамлашга» (*Ленин*) уриндилар. Улар, ҳаётнинг мақсади — худо излашдан иборат, тарихнинг вазифаси — илоҳий нарсани инсониятда рўёбга чиқариш, илоҳий инсониятни, яъни диний асосларга таянадиган социал уюшмани ташкил этишдир, деяр эдилар. Анъанавий христианликдан ва унинг у дунёдаги илоҳий салтанатидан фарқли ўлароқ, худоизловчилар, диний идеаллар (абადий ҳаёт, «муқаддас жамоатчилик» ва ҳ. к.) шу ернинг ўзида, яъни ер юзида амалга оширилиши мумкин, деб ўйлар эдилар. Улар *иррационализмни*, мистик билишни қаттиқ туриб ҳимоя қилардилар, ҳақиқатга етишнинг энг тўғри усули кароматда деб билардилар. Аввало жамият ҳақидаги марксистик таълимотга қарши қаратилган Х. назарияси *педристиккага*, *Чаадаев* ва *Достоевский*нинг консерватив идеяларига, *Соловьёвнинг* фалсафий-геологик системаларига таянарди. Ленин, Плеханов ва бошқа марксистлар бутун диний-мистик филологиянинг, шу жумладан Х. нинг ҳам реакционлигини кўрсатдилар. 1917 йилги Октябрь революциясидан кейин худоизловчиларнинг кўпи Россияни тарк этди ва Совет ҳокимиятига қарши чиқди.

ХУДОНИНГ БОРЛИГИНИНГ ИСОБОТЛАРИ — диннинг асосий ақидаси бўлмиш худонинг мавжудлигига ишонининг идеалистик философия томонидан илгари сурилган манتيқий исботлари. Уч асосий Х. б. и. маълумдир. Космологик исбот (бу Платон ва Аристотелдаёқ учрайди; янги замонда уни Лейбниц ва Вольф қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар); худо барча нарсалар ва ҳодисаларнинг бош сабабчиси сифатида мавжуддир. Бу исбот оламнинг замонда охирати борлиги ва унинг номоддий сабаб билан мавжудлиги ҳақидаги илмга хилоф фаразга асосланган. Телеологик исбот (буни Сократ билан Платон илгари сурган, сўнгра уни стоиклар ривожлантирганлар): табиатда ҳамма нарса шу қадар мақсадга мувофиқ қилиб тузилганки, буни фақат барча ҳодисаларни тар-

тибга солиб турувчи ғайри табиий ақлли вужуднинг мавжудлигини тан олиш билангина изоҳлаш мумкин. Бу далилни Дарвиннинг эволюцион назарияси рад этди ва тирик табиатдаги мақсадга мувофиқликнинг табиий сабаблари бор, деб исбот қилди. Онтологик исботни Августин Блаженный илгари сурган эди ва у, худо мукамал вужуддир, деган тушунча ҳамма кишиларда бор, деб даъво қилган эди. Лекин агар мукамал вужуд ҳақиқатда бўлмаса, тушунча ҳам пайдо бўлолмайди. Демак, худо мавжуддир. Урта асрларда бу исботни *Ансельм Кентерберийский* ҳимоя қилиб чиққан эди. Фикрий уйдирма билан объектив-реал нарсани айнан бирдай қилиб кўрсатувчи онтологик исботнинг асоссизлиги шу қадар яққол кўриниб турибдики, натижада фақат материалист философларгина эмас, балки кўп теологлар ҳам унга қарши чиқмоқдалар; мас., уни *Феофан Аквицкий* рад этди. Турли идеалистик таълимотларда бошқача Х. б. и. гипотезалар, психологик, ахлоқий исботлар ҳам қабул қилинган. Кант идеализм нуқтан назардан Х. б. и. ни рад этиб, худо тажрибадан ташқарида бўлган, ақл билан пайқаладиган вужуддир, бинобарин, унинг мавжудлигини исбот қилиб бўлмайди, деб даъво қилган эди. Х. б. и. анализ қилиш шуни кўрсатадики, уларнинг ҳаммасида мантиқий хато (*исботда мужмаллик*) бўлиб, ҳаммаси пировард ҳисобда кўр-кўрона эътиқодга асосланади.

ХУДОТУЗУВЧИЛИК — 1905–07 йиллар революцияси мағлубиятидан кейин Россияда пайдо бўлган диний-фалсафий оқим (*Луначарский*, В. Базаров, *Юшкевич* ва б.; бир вақт Горький ҳам худотузувчиларга қўшилган эди («Тавба-тазарру», 1907, «Шахсининг емирилиши», 1909); лекин у Лениннинг таъсири остида Х. дан алоқани узди. Богдановнинг «коллективизм философияси» билан маҳкам боғлиқ бўлган Х. нинг мақсади, Ленин сўзлари билан айтганда, илмий социализмни дин билан қўшишдан, диний атеизм деб аталувчи нарса, яъни ху-

досиз дин яратилишдан иборат эди.. «...Социалист,— деб ёзган эди Луначарский,— эски диндор кишидан диндорроқдир» («Дин ва социализм» 1-қисм, 1908, 45-б.), чунки социалист авлодларининг объектлари реалдир, яъни инсонлар коллективи ва космосдир. Худотузувчилар «социалистик диний онгнинг равнақи» ҳақида сўзлар, марксизмни эса асосан кишиларга янги ҳаёт йўлини кўрсатувчи диний фалсафий система деб қарардилар. Улар, диний формада марксистик таълимотни омма осонроқ ўзлаштириб олади, деб ўйлардилар. Х. нинг идеялари Капри оролида (1909) ташкил этилган (Богданов ва б. ташкил этган) мактабда айниқса кенг пропанганда қилинарди. Гарчи худотузувчилар с.-д. партиясига туриб, *худобозловчиликка* қарши чиққан бўлсалар-да, шунга қарамай, уларнинг назарияларининг марксистик таълимот билан ҳеч қандай алоқаси йўқ эди; улар ишчилар синфининг майда буржуа идеологияси таъсири остида бўлган қисмининг ғоявий иккиланишларини акс эттиради. Ленин ва Плеханов Х. ни қаттиқ танқид қилган эдилар. «...Европада ҳам, Россияда ҳам,— деб ёзган эди Ленин,— худо идеяларини ҳар қандай, ҳатто энг ноиклаштирилган ҳолда, энг яхши ният билан ҳимоя қилиш ёки оқлаб кўрсатиш реакцияни оқлаб кўрсатишдир» (48-т., 232-б.). 1-жаҳон урушининг бошларидаёқ Х. оқим сифатида мавжуд бўлмай қолди.

ХУЛОСА ЧИҚАРИШ — хулоса — мантиқий муҳокама, бу муҳокама давомнда Х. ч. нинг асослари деб аталадиган бир ёки бир печа ҳукмдан янги ҳукм хулоса қилиб чиқарилади, бу ҳукм хулоса ёки натижа деб аталади ва мантиқий равишда асослардан келиб чиқади. Асослардан хулосага ўтиш логиканинг бирон қондаси билан (хулоса қондаси билан) амалга оширилади. Х. ч. да унинг асосларини ва хулосасини ажратиб ҳамда унинг структурасини аниқлаш Х. ч. нинг мантиқий анализини ташкил этади. Айни бир хулоса қондалари ва логика қонунилари билан амалга оширилдиган Х. ч. айни бир мантиқий фор-

мадаги Х. ч. дир. Шундай қилиб, Х. ч. нинг анализи унинг мантиқий формаларини аниқлаш учун хизмат қилади. Х. ч. тафаккур формасидир, бу формада (тушунча, ҳукм ва б. тафаккур формалари ҳамда муҳокама усуллари билан бир қаторда) абстракт тафаккур босқичида ташқи оламни би-лиш юзага келади. Ҳар қандай тўғри Х. ч. шундай бир шартни қондирмоғи лозим: агар унинг асослари чин бўлса, у вақтда унинг хулосаси ҳам чин бўлмоғи керак. Бу шартга Х. ч. давомида логика қонунари ва хулоса қоидалари бузилмаган тақдирда риоя қилинади. Реал тафаккур процессида кўпинча Х. ч. нинг асосларидан баъзилари тушиб қолади ва унинг асо-сидаги хулоса қоидалари ва логика қонунари очиқ ифодаланмайди. Бу ҳол Х. ч. да хатоларга йўл қўйиш им-кониятини очади. Логика тўғри Х. ч. ларни потўғри Х. ч. лардан фарқ қи-лиш усулларини белгилаб беради ва шу билан, жумладан, мантиқий хато-ларнинг олдини олишга ва уларни ту-затишга ёрдамлашади. Одатда муҳ-камалар ва исботлар Х. ч. нинг зан-жирдан иборатдир, бу занжирда ол-динги Х. ч. нинг хулосаси ундан кейин келадиган Х. ч. лардан биринчи асо-си бўлади. Исбот тўғрилигининг шар-ти фақат унинг бошланғич ҳукмла-ри — исбот асосларининг чинлигидан иборат бўлмай, балки унинг таркиби-га кирувчи ҳар бир Х. ч. нинг тўғри-лигидан ҳам иборатдир. Уз формаси-га кўра Х. ч. лар бир неча турга бў-линади. Х. ч. ларнинг энг умумий бўлиниши уларнинг дедуктив ва ин-дуктив Х. ч. ларга бўлинишидир (*Де-дукция, Индукция*).

ХУЛҚ-АТВОР — кишиларнинг би-рон-бир социал умумияти хатти-ҳара-катининг хусусиятлари бўлиб, бу ху-сусиятлар ижтимоий психологияга боғлиқдир; муайян ижтимоий форма-ция шароитида расм бўлган ёки би-рон-бир коллектив, синф, миллатнинг ахлоқи учун характерли бўлган ўзига хос урф-одатлар. Х.-а. кишилар ин-тилиши лозим бўлган ахлоқ-одоб та-лабларини эмас, балки ҳақиқий хатти-

ҳаракатнинг мазмунини очиб беради. Гегель «Ҳуқуқ философияси»да ах-лоқ-одоб ҳақида Х. а. нинг **мажмуи** тарихида сўзларкан, уни **мавжуд** олам деб, амалиётларнинг ялпи умум-ий образи деб тавсифлаган. **Синф** ларнинг, социал қатламларнинг турмуши, уларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш системасида тугган ўрни, уларнинг маданият даражаси турли-ча бўлганлиги сабабли, Х.-а. н ҳам турличадир.

ХУНУКЛИК — воқелик ҳодисала-рини кўрсатадиган эстетик категория бўлиб, бу ҳодисаларнинг моҳияти *ғўзалликка* қарама-қаршидир. Х. да инсоннинг мазкур ҳодисаларга салбий муносабати ўз ифодасини топади. *Гў-залликка* қарама-қарши ўлароқ, Х. ижтимоий жиҳатдан, мас., социал ша-роитларнинг инсон ҳаётий кучлари-нинг эркинлик билан юзага чиқилиши ва равиқ топшига душманликда, уларнинг бузуқ-тўғмоқ шаклда бир томонлама ривожланишида, эстетик идеалнинг иккирозиди намён бўлмоқ-да. Х. да инсоннинг моҳияти ўз-ўзига зид келади, бузуқ, ғайри инсоний шаклда юзага чиқади (бу ҳол санъ-атда Головлев, Плюшкин, Яго ва б. образларда айниқса яққол акс этти-рилган). Вуржуа дунёсида Х. гўзал-лик устидан ҳукмронлик қилади, бу нарса танқидий реализм санъатида ижобий типларга нисбатан салбий типларнинг устунлигида ўз аксини топмоқда; танқидий реализм санъати салбий персонажлар ва характерлар-нинг образларида ҳаётнинг инсон гў-заллигини емирадиган ва инсон шаъ-нига тўғри келмайдиган томонларини қаттиқ танқид қилади ва фош қилиб ташлайди. Ҳақиқий санъатда Х. нинг эстетик жиҳатдан акс эттирилиши гўзаллик идеали қарор топишининг ўзига хос формасидир. Ҳар қандай инкор жонли ва поэтик бўлмоғи учун юксак голя ва мақсадни (идеални) кўзлаб қилинмоғи лозим, деган эди Белнский. Коммунистик жамият ки-шисини тарбиялаб камолга етказиш вазифаси янги жамият қуришга ха-лақит берувчи *ўтмиш сарқитлари*

шаклида намоён бўлаётган Х. ҳодисаларига қарши кураш билан чамбарчас боғлиқдир.

ХУРОФОТ — бидъат, ирим — сохта *этиқодни* билдирувчи термин. Илоҳиёт ва буржуа адабиётида Х. одатда умуман чин этиқодга қарама-қарши қўйилади ва ибтидоий *сеҳргарлик*

билан боғланади. Бирон дин мухлисининг нуқтаи назарича, ўзга диннинг ақидалари ва маросимлари Х. (бидъат) бўлиб кўринади. Марксистик атеизм диний этиқод билан диний Х. ўртасидаги ҳар қандай фарқ-тафовутни инкор этади.

Ц

ЦИ, ёки **ЮАНЬЦИ** — хитой натур-философиясининг асосий тушунчаси. Дастлабки маъноси — «ҳаво», «буғ», «нафас» демакдир. Мазмуни жуда кенг — бошматерия, табиатнинг асосий материяси, «ҳаётий куч» ва ҳ. к. маъноларни билдиради. Энг қадимги натурфилософик тасаввурларга кўра, олам «ци»дан — бошматериядан ташкил топади, бу материянинг энгил ва тоза қисми юқори кўтарилиб, осмонни вужудга келтиради, оғир ва қуйқа қисми пастга тушиб, ерни вужудга келтиради. Биринчиси янчи, иккинчиси инъчи деб аталади. Бундан ташқари, беш ци ёки беш бошэлемент — табиатнинг «беш» унсури — сув, олов, дарахт, металл, ер мавжуддир. *Инь* ва *яннинг* ҳамда беш «унсурнинг» равиши ва ҳалокати йилнинг тўрт фасли алмашинувида юз беради. *Инь* ва *ян* ҳамда беш «унсур» айна бир вақтда ярим физик ва ярим метафизик тушунчалар бўлиб чиқадиган бу натурфилософик схема хитой фалсафий фикрининг ривожланишига фавқулодда таъсир кўрсатди. Ундан *даосизм*, *конфуцийчилик* ва қисман *буддизм* кенг фойдаланди.

ЦИЦЕРОН Марк Туллий (эраמידан олдинги 106—43) — қадимги Рим нотиғи, философи ва сиёсий арбоби. Асосан диалог формасида ёзилган

унинг фалсафий асарлари эклектик асарлардир. Билиш назариясида *Ц. скептицизмга* мойил эди, реал тасаввурларни пореал тасаввурлардан фарқ қилиш учун мезон йўқ, деб ҳисобларди. *Ц.* асосий эътиборни этика проблемаларига қаратади, бу проблемалар унинг «Яхшилик ва ёмонликнинг чегараси тўғрисида», «Бурчлар ҳақида» ва бошқа асарларида баён қилинган. *У* бахтнинг бирдан-бир манбаи сифатида олий эзгулик, олий фазилат ҳақидаги, ахлоқий бурч ва шахсий фойда зиддияти ҳақидаги масалаларни қараб чиқиб, амалий тавсиялар беришга уринади. *Ц.* инсонда жо бўлган табиатга амал қилишга даъват этади, унинг фикрича, бу табиатнинг чин моҳиятини фақат амалий фалсафа очиб беради. *Шу* билан бирга камолотга интилмоқ зарур. Бу интилишга тўрт фазилат: донишмандлик, адолат, мардлик, мўътадиллик мувофиқ келади. Сиёсий асарларида («Давлат ҳақида», «Қонунлар ҳақида») *Ц.* давлат тузумининг энг яхши формалари масаласини қараб чиқади. *У* давлат фаолиятида монархия, аристократик ва демократик асосларни қўшиш зарурлиги ҳақидаги хулосага мойил эди ва Рим конституцияси бу талабга жавоб беради, деб ҳисобларди.

Ч

ЧААДАЕВ Петр Яковлевич (1794—1856)— рус мутафаккири ва жамоатчи снсий арбоб. Дворян оиласида туғилган 1812—14 йиллардаги урушда қатнашди. Россияга қайтиб келгач, «Хушбахтлик иттифоқи»га (1819), сунгра «Шимолий жамият»га (1821) кирди. Истеъфога чиққач, Ч. 1823 йилда чет элга жўнаб кетди. У ерда зўр бериб назарий фаолит билан шуғулланди, Ламенне ва Шеллинг билан уурашди. Россияга қайтиб келгач (1826), Ч. декабристлар билан алоқа қилгани учун қамоққа олинади. Етарли айб топилмагани учун қамоқдан озод қилинади, лекин полиция назорати остида бўлади. 1828—30 йилларда бир қатор машҳур «фалсафий мактублар»ни ёзди. Бу мактублардан биринчиси 1836 йилда «Телескоп» журналинда босилган эди. *Герценнинг* сўзларига қараганда, бу мактуб фикрловчи Россияни титратган, монархия доираларининг газабини кўзғотган. «Телескоп» ёпилади, унинг редактори Надеждин сургун қилинади, Ч. эса жинни деб эълон қилинади. 1837 йилда Ч. «Жиннининг мадҳияси»ни ёзди, 40-йилларда эса Герцен ва *Грановский* билан бирга *Гарбчиларнинг славянофиллари*га қарши курашида қатнашди. Ч. нинг бир қанча мақолалари кўчириб тарқатилган. Ч. нинг дунёқарashi 1823 йилгача ўша вақтдаги Россиянинг француз энциклопедистлари ва 18-асрдаги рус антикрепостник маърифатчилари гоёлари асосида тарбияланган прогрессив кайфиятдаги дворянга хос дунёқараш эди. Ч. А. С. Пушкин билан дўст эди, Пушкин Ч. нинг ўша йиллардаги қарашлари радикализм руҳида эканлигини таъкидлаб, уни Брут ва Периклес деб атаганди. Аммо Ч. декабристларнинг назарий позициялари билан қониқмас эди, у декабристлар эълон қилган ижтимоий идеаллари асослаб бериш учун тарихдан унинг тараққиёт қонуларини излайди. Бу излашлар

Ч. нинг католицизм позициясига ўтиши ва жамиятни қайта қуришнинг революцион методларидан воз кечиши билан тамомланди. Тўғри, Ч. нинг католицизми, аслда, социал утопия формаси эди. «Фалсафий мактублар»нинг анализи Ч. бу даврда ҳам самодержавие, православие ва крепостникликнинг душмани бўлиб қолганлигини кўрсатади. Унинг Россиядаги мавжуд тузумни қилган танқидини илгор рус кишилари завқ-шавқ билан кутиб олдилар. Биринчи «Фалсафий мактуб»нинг эълон қилиниши зулм остида эзилиб ётган мамлакат учун 1825 йил 25 декабрдан кейин самодержавие ва крепостникликка қарши биринчи очиқ норозилик сифатида катта аҳамиятга эга эди. Ч. нинг философияси табиат ва жамиятда илоҳий қонунининг устуник ролин асослаб беришга уринарди. Умуман у объектив идеализм нуқтан назариди туриб, ўз қарашлари мазмунига табиий фанларнинг гоёларини унча-мунча киритган эди. Ч. нинг фикрича, олло таолонинг каромати бўлмаса, инсон оламнинг энг умумий қонуларини пайқашга қодир эмасдир. Ч. бу принципни тарих философиясига татбиқ қилгач, жамият тараққиетида илоҳий каромат ҳал қилувчи роль ўйнаши ҳақидаги хулосага келган. Шу муносабат билан у ер юзида «илоҳий салтанат»ни амалга оширишнинг асосий воситаси инсониятни диний руҳда тарбиялашдир, деб ҳисоблайди. Қелажакдаги «илоҳий салтанат»ни Ч. тенглик, озодлик ва демократия ҳукм сурадиган гражданик жамияти деб тушунарди. Шу муносабат билан, Ламенне ва *Сен-Симон* сингари, у католицизми замонавийлаштириш зарурлиги ҳақида сўзларди. Унинг қарашларининг диний формаси шунга олиб келдики, у рус революцион-демократик ҳаракатининг умумий юксалишидан ва унинг идеологиясидан четга чиқиб қолди, тарихий пессимизмга мо-

йил бўлиб кетди. Ч. дунёқарашининг эндиятги эканлиги шунга баҳона бўлдики, вехичилар ва рус ижтимоий фикрини бошқа сохталаштирувчилар Ч. ни унинг социал қизиқишлари ва интилишларига ёт бўлган мистиклар қаторига қўшиб қўйдилар.

ЧАРВАКА — қ. *Локаята*.

ЧЕГАРА ВАЗИЯТИ (немисча die Grenz-situation)—*Ясперс* философия-сидаги тушунча. Ч. в.— ўлим, азоб, қўрқув, айб, кураш — кишини борлиқ билан йўқлиқ ўртасидаги чегарага келтириб қўяди. Ясперснинг фикрича, Ч. в. га тушгач, одам илгари уни за-жирбанд қилиб келган барча шартли ҳолатлардан, ташқи нормалардан ва «*Ман*» соҳасини тавсифлайдиган, умум қабул қилган қарашлардан хо-ли бўлади ва шу билан биринчи мар-та *экзистенция* сифатида ўзини пай-қайди. Ч. в. одамга «ноасл» борлиқ-дан асл борлиққа ўтишга имкон бе-риб, уни кундалик онг бўғовларидан юлиб олади, чунки бу онг, *экзистен-ционализм* даъвосича, назарий, илмий тафаккур қилишга қодир эмасдир. Ил-гари инсон нима билан яшаган бўлса, уларнинг ҳаммаси Ч. в. да унинг ол-дида хаёлий борлиқ сифатида, зуҳу-ротлар олами сифатида намоён бўла-ди; бу вазиятда у бу дунё гўё реал борлиқдан, эмпирик оламга нисбатан трансцендент борлиқдан ажратиб қўй-ганлигини тушуна бошлайди. Шундай қилиб, Ч. в. шахсга трансценденция билан, яъни худо билан туташиб им-кониятини беради.

ЧЕЛПАНОВ Георгий Иванович (1862—1936) — рус психологи ва идеа-лист философи, логик; Кнев (1892—1906) ва Москва (1907—1923) ун-тет-ларида психология ва философия профессори. Москва психология ин-тининг асосчиси (1912). Философияда *янги кантчиликка* ва *позитивизмга* яқин турарди. «*Мия ва руҳ*» (1900) ва бошқа асарларида Ч. материализмни танқид қилган. Психологияда руҳ билан жисмнинг «эмпирик паралле-лиزمи» назариясини ривожлантирган; бу назария асда *Вундтнинг* психофи-зик параллелизмга бориб тақалади. Ч. асосан экспериментал психология

билан шуғулланиб, унинг чуқур хато-ли методологик позицияларини иш-лаб чиқди (ўз-ўзини кузатишни пси-хик ҳодисаларни билишнинг бирдан-бир манбаи деб эътироф этиш, экс-периментга ёрдамчи ролини бериш ва ш. к.). Октябрь революциясидан ке-йин Ч. марксизмни совет психология-сига жорий қилишга қарши чиқди. Ч. нинг реакцион позициялари 1923—25 йилларда марксистик танқид йўли билан фож қилинди. Ч.— логика ва пси-хологияга оид дарсликларнинг авто-ридир. Асарлари: «Априорлик ва тур-малик тўғрисидаги таълимот муноса-бати билан фазони идрок этиш про-блемаси» (2 қисмдан иборат, 1896—1904), «Экспериментал психологияга кириш» (1915) ва б.

ЧЕРНИШЕВСКИЙ Николай Гав-рилович (1828—89) — рус революцион демократи, материалист философ, танқидчи ва социалист-утопист. Сара-товда руҳоний оиласида туғилган. Петербург ун-тетини тамомлагач (1850), Саратов гимназиясида муал-лим бўлиб ишлади. 1853—62 йил-ларда «Современник» журналининг ходими ва раҳбари бўлган. 1862 йил-да хибсага олиниб, Петропавловск қалъасига қамалган, сўнгра қаторга ишларига ҳукм қилинган ва Сибирга абадий сургун этилган. 1883 йилда Астраханга бориб истиқомат қилишга, сўнгра Саратовга қайтишга рухсат олади ва Саратовда вафот этади. Ч. Россияда 60-йиллардаги революцион демократик ҳаракатнинг йўлбошчиси, рус социал-демократларининг атоқли салафларидан бири бўлиб, «деҳқонлар революцияси» фоясини, омманинг ҳам-ма эски ҳокимиятларни ағдариб таш-лаш учун кураш олиб бориши фояси-ни» (В. И. Ленин, 20-т., 200-б.) илг-ри сурган киши. Унинг асарларини (Ленин таъбири билан айтганда, син-фий кураш руҳи эласлаб турган асар-ларини) ўқиб, рус революционерлари-нинг бутун бир авлоди тарбияланди. Ч. нинг дунёқарашини Герцен ва Белин-ский фоялари, шунингдек немис классик философияси, айниқса Фейербах фи-лософияси таъсири остида таркиб топди. Лекин Ч. философиянинг «о-

циал ролини тушунишда Фейербахдан ўтиб кетди. Ўз назарий қарашларини у тамомила «Фақир-фуқоролар»ни, меҳнаткашларни крепостниклик ва буржуа қуллигидан озод қилиш учун кураш ишига бағишлади. Гносеологияда Ч. аниқ материалистик позицияда туриб, агностицизми (*Кантни* ва б.) қаттиқ танқид қилди. Ч. билиш манбаи инсоннинг сезги органларига таъсир қилувчи объектив оламда деб биларди. У практикага катта эътибор бериб, уни ҳар қандай назариянинг синов тоши деб атарди. Ч. Гегель диалектикасини, Фейербахдан фарқли ўлароқ, материалистик руҳда қайта ишлаб чиқишга интилди. Бир қанча соҳаларда (сиёсий иқтисод, тарих, эстетика, бадний танқид) у назарий ва амалий проблемаларга диалектик қарашнинг ажойиб намуналарини кўрсатди. Ч. ўзи яшаб, курашган крепостниклик воқелиги шаронтида Маркс материализми даражасига кўтарилма олмас эди. Ч. нинг материализми бир қанча муҳим камчиликлардан (*антропология*, практикани, билиш процессини тор тушуниш ва ҳ. к.) холи эмас. Бироқ революцион демократизм унга антропологиянинг кўп заиф томонларини бартараф қилишга ёрдам берди. Бир қанча масалаларда у ижтимоий ҳаётни материалистик нуқтан назардан тушунтириб беришга яқинлашиб борган эди. Бу аввало унинг ўз замонаси жамиятининг синфий характерини тушунишда, синфлар курашини тараққийнинг ҳаракатлантирувчи кучи деб эътироф қилишида ва ҳ. к. кўринган эди. Ч. шунингдек кишиларнинг идеологияси ва онги улар ҳаётининг иқтисодий шаронтлари билан боғлиқ эканлигини ҳам кўра билди. У жамият тарихида меҳнаткашларнинг манфаатлари асосий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, халқ оммасини тарихнинг асосий ҳаракат қилувчи шахси деб ҳисобларди. Рус ва Фарбий Европа либерализмининг контрреволюцион моҳиятини фош қилиш унинг хизмати эди. Деҳқонлар реформаси даврида Ч. либералларнинг крепостниклар олдида ҳушомадгўйлик қилишини фош

эти. Ленин кўрсатганидек, Ч. «машҳур «деҳқонлар реформаси»нинг жуда ҳам бир ёқлама, мутлақо маъносиз реформа эканлигини, унинг бутун крепостниклик моҳиятини» (20-т., 199-б.) жуда яхши тушунарди. Ч. эски деҳқон жамоаси орқали социализмга ўтишни хаёл қиларди; у ҳам, Герцен каби, *народникликнинг* асосчиси бўлди. Фақат пролетариат социализм қуришга қодир куч эканлигини Ч. билмас эди ва ҳали билишни ҳам мумкин эмас эди. Лекин ҳамма утопиистларга қараганда Ч. ўз назариясида илмий социализмга жуда яқинлашиб борган эди, чунки у революцияга умид боғларди. Ч. нинг утопик социализми унинг революцион демократизми билан чамбарчас боғлиқ эди. Ч. социализм фақат ривожланган техника асосида барпо этилиши мумкинлигини ва фақат халқ оммасининг ўзи унинг ижодчиси бўла олишини тушунарди. Ч. сиёсий иқтисод соҳасида ҳам самарали ишлади. Маркс таъкидлаганидек, Ч. экономист сифатида буржуа сиёсий иқтисоднинг инқирозини аниқлаб берди. Унинг «меҳнаткашлар сиёсий иқтисод»нинг асосий ғояси «мулкдор билан юмушчининг сифатларини айни бир шахсда тўла бирлаштириш» ғоясидир. Меҳнат, дер эди у, «сотқин товар» бўлишдан тўхташи керак. «Санъатнинг воқеликка эстетик муносабатлари» асаринда (1855) Ч. идеалистик эстетикани чуқур танқид қилиб, реалистик санъатнинг асосий принципларини ифодалаб берди. Ч. нинг адабий-танқидий асарлари, *Белинский* ва *Добролюбов* асарлари сингари, илғор рус адабиёти, рассомлиги, музикасига катта таъсир кўрсатди; бу асарлар ҳозирга қадар ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда. Ч.— йирик ёзувчи, «Нима қилмоқ керак?» (1863), «Муқаддима» (1867—69) ва б. асарларнинг муаллифи. Асарлари: «Рус адабиётининг Гоголь даври очерклари» (1855—56), «Жамоа мулкига қарши фалсафий хато фикрларини танқид» (1858), «Философияда антропология принципи» (1860), «Инсон билимининг характери» (1885) ва б.

ЧЕТ ЭЛЛАРДАГИ ҲОЗИРГИ ЗАМОН МАРКСИСТИК ФАЛСАФИЙ ФИКР. 1917 йилда Улуғ Октябръ социалистик революциясининг ғалабаси янги тарихий даврга — капитализмдан социализмга ўтиш даврига асос содди. Кўп капиталистик мамлакатларда марксизм-ленинизмга ва унинг философиясига, хусусан В. И. Ленин асарларига қизиқиш кучайди. III Интернационалда (1919) бирлашган коммунистик партиялар диалектик ва тарихий материализмни ўз фалсафий байроғи деб қарайди. 20-йиллардаёқ Лениннинг фалсафий асарлари асосий Европа тилларига таржима қилинади. Бу даврда Г. Димитров, А. Грамши, П. Тольятти, М. Торез, Э. Тельман, У. Фостер ва б. философия масалалари юзасидан асарлар ёзиб, бу асарларда марксизм назария билан пролетариат революцион практикасининг бирлигини қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар. Буржуа адабиётида марксча-ленинча философияга ҳужум кучаяди. Реформистик адабиёт диалектик ва тарихий материализмни «этика социализми» позицияларидан туриб ревизия қилишни давом эттиради. Қатор Европа мамлакатларида революцион кўтарилиш (1918—23) Европа ишчилар ҳаракатида сўл куллар сиёсий позицияларининг мустақкамланиши билан бирга борди. Лекин уларнинг айрим вакиллари — назарий жиҳатдан етуқ бўлмаганликлари сабабли, субъективизмга берилиб, халқ оммасининг тарихдаги ролига етарли баҳо бермайдилар. В. И. Лениннинг «Коммунизмда болаларча «сўллик» касали» асари (1920) сўл оғмачилик қарашларини фош қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Айрим капиталистик мамлакатларда вақтинча иқтисодий кўтарилиш (1924—29) натижасида буржуа ва ўнг социалистик идеологиянинг активлашуви компартияларга (АҚШ, Германия, Италия ва б.) ўнг оппортунизмнинг ва унинг ғоявий асоси — механistik философиянинг суқулиб киришига сабаб бўлди. III Интернационал марксизмларининг «сўл» ва ўнг оғмачиликлар-

га қарши кураши фалсафий проблемалар юзасидан ҳам олиб борилди. СССРда социалистик қурилиш эришган муваффақиятлар, капиталистик мамлакатлардаги иқтисодий кризис (1929—33) натижасида рўй берган капитализм умумий кризисининг чуқурлашуви бир қатор капиталистик мамлакатларда фашизм ўрнатилишига олиб келди. Идеология соҳасида бу воқеалар *иррационализм*, субъектив-идеалистик философия, волюнтаризм ва ш. к. пропагандасининг кучайишида ифодаланди. Фашизмга қарши курашда компартиялар томонидан эълон қилинган бирлашган ва халқ fronti тактикаси прогрессив интеллигенциянинг марксизмлар теъдарагида жипслашувига кўмаклашди, унинг қатор вакилларининг диалектик-материалистик философия позицияларига ўтишини тезлаштирди. Марксизм философияларининг *интуитивизмга* (Ж. Политцер асарлари — Франция), *янги егелчиликка* (Грамуши асарлари), неоплатонизмга (Г. Селзам асарлари — АҚШ), *прагматизмга* (Фостернинг чиқишлари), ремкечиликка (Т. Павлов асарлари — Болгария) ва 30-йиллардаги буржуа философиясининг бошқа йўналишларига қарши кураши диалектик материализмнинг обрў-эътиборини кўтарди, унинг фанларнинг методологик асоси сифатидаги, фашизм идеологиясига қарши курашда таъсирчан қурол сифатидаги ролини кўрсатиб берди. Марксча-ленинча философиянинг ривожланишидаги янги босқич иккинчи жаҳон урушидан кейин бошланди. Герман фашизми ва япон милитаризмининг тор-мор этилиши, Европа ва Осиёдаги халқ революциялари натижасида бир қанча социалистик мамлакатлар вужудга келди. Бу мамлакатларнинг коммунистик ва ишчи партиялари социалистик қурилишнинг умумий қонуниятлари диалектикаси ва бу қонуниятларнинг юз беришидаги миллий хусусиятлар ҳақидаги назарий ва амалий жиҳатдан муҳим масалани ишлаб чиқмоқдалар. Халқ демократияси мамлакатларида социалистик қурилиш давомида маданий

революция амалга оширилмоқда ва бу революцияда марксча-ленинча философия катта роль ўйнамоқда. Шу муносабат билан меҳнатқашларнинг кенг қатламларини марксизм-ленинизм руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига буржуа ва майда буржуа идеологиясининг қолдиқларидан, диний хурофотлардан халос қилиш вазифаси кўндаланг бўлди. Социалистик мамлакатларда марксист философларнинг эски кадрлари билан бир қаторда янги кадрлар ҳам майдонга чиқмоқда ва бу янги кадрлар илмий философияни омма орасида пропаганда қилиб қолмасдан, шу билан бирга социалистик қурилиш проблемаларини, диалектик ва тарихий материализмнинг янги масалаларини муваффақият билан ишлаб чиқмоқдалар. Марксча-ленинча философия хулосаларини янги тарихий вазиятга, айрим фанлар ривожининг ҳозирги замон даражасига татбиқан янада конкретлаштириш процесси содир бўлмоқда, фалсафий билимнинг социология, этика, эстетика, логика, философия тарихи каби муҳим соҳалари янада ривожлантирилмоқда. Илмий тадқиқотларнинг натижалари вақт-вақти билан социалистик мамлакатлар философларининг кенгашларида ва конференцияларида муҳокама қилинган. Диалектиканинг, билиш назариясининг проблемалари (Т. Павлов, В. Добриванов асарлари — Болгария, Г. Шелер асарлари — ГДР ва б.), табиийнинг фалсафий масалалари (Л. Янош асарлари — Венгрия, А. Поликárov, А. Киселичев — Болгария ва б.), этика проблемалари (К. Гулян асарлари — Руминия, Г. Бек асарлари — ГДР ва б.), эстетика проблемалари (Павлов асарлари — Болгария, С. Жулкевский асарлари — Польша, А. Абуш асарлари — ГДР ва б.), ҳозирги замон идеализмининг таъқид қилиш проблемалари (Г. Клаус, Г. Менде асарлари — ГДР, И. Лингарт, Я. Боднар, В. Румл асарлари — Чехословакия, Н. Ирбажаклов асарлари — Болгария ва б.), философия тарихи (С. Гановский, Г. Грозев асарлари — Болгария, Г. Лей, Р.

Гропп асарлари — ГДР ва б.), логика проблемалари (Б. Фогараш асарлари — Венгрия, А. Жож асарлари — Руминия, А. Бенков асарлари — Болгария, Г. Клаус асарлари — ГДР, И. Попелова-Отагалова асарлари — Чехословакия ва б.) самарали ишлаб чиқилмоқда. Капиталистик мамлакатлардаги марксист философлар прогрессив фалсафий традицияларини актив ҳимоя қилмоқдалар, антикоммунистик пропагандани, позиклаштирилган идеализмнинг янги усулларини фойда қилмоқдалар. М. Корифорт, Д. Льюис (Англия), Г. Уэллс, Г. Селзэм (АҚШ), Г. Бесс, Ж. Канаан (Франция) ва б. ларнинг асарларида энг янги идеалистик оқимларнинг (*неопозитивизм, прагматизм, экзистенциализм, неотомизмнинг*) ички зиддияти, ожизлиги очиб ташланмоқда. Капиталистик ва социалистик мамлакатлардаги марксист философлар ҳозирги замон фалсафий ревизионизмга қарши кураш олиб бормоқдалар, бу кураш Э. Финсер (Австрия), Р. Гароди (Франция) ва б. ларнинг чиқишларида ўз ифодасини топган. Чет эллардаги марксистларнинг асарларида ҳозирги замон капиталистик муносабатлар системасининг маданиятга, инсон шахсига таъсирининг салбий оқибатлари анализ қилинмоқда, империализм инсонни қандай қилиб олий даражадаги маънавий бойликлардан маҳрум этаётганини, шовинизм идеологиясини ўрнақсизлаштириши, зувончиликни ва империалистик талон-торождларни оқлаётганини кўрсатишмоқда. Капиталистик мамлакатлардаги илгор интеллигенция марксистлар гайри илмий идеалистик философияга қарши олиб бораётган курашда уларни қўллаб-қувватламоқда (*Бернал* — Англия, *Ланжевен*, П. Вижье, А. Валлон — Франция, Д. Фурст, Б. Данэм, П. Кроссер — АҚШ). Коммунистик ва ишчи партиялар биргаликда марксча-ленинча назариянинг, шу жумладан философиянинг туб масалаларини илмий ишлаб чиқмоқдалар. Коммунистик ва ишчи партиялар Кенгаши Декларациясида (1957) капитализмдан социализмга ўтишнинг умумий

қонуниятлари ифодалаб берилган ва табиат, жамият ва тафаккур ривожланишининг энг умумий қонунлари ҳақидаги фан бўлган диалектик материализмнинг аҳамияти таъкидлаб кўрсатилган эди. Коммунистик ва ишчи партиялар Кенгашининг Баёнотида (1960) ҳозирги замонга марксистик таъриф берилган, тинчлик, демократия, социализм учун кураш йўллари ҳар томонлама очиб кўрсатилган эди. Коммунистик ва ишчи партиялар Москва Кенгашининг (1969) ҳужжатларида ҳозирги замон шароитида империализмга қарши кураш вазифалари ва йўллари белгилаб берилди. К. Маркс ва Ф. Энгельснинг туғилганга 150 йил тўлган кунни ва В. И. Лениннинг туғилганга 100 йил тўлган кунни байрам қилиш зўр халқаро воқеа бўлди. Бу воқеалар марксизм-ленинизмнинг енгилмас кучини, унинг илмий характерини ва ичтернационал табиатини яна бир марта намойиш қилди.

ЧЖАН ЦЗАЙ (1020—77)— янги конфуцийчиликнинг асосчиларидан бири. Ч. Ц. таълимотига кўра, оламдаги бутун мавжудот бошматерия *цидан* ташкил топади, *ци* ҳаракат ва осойишталик хосасига эгадир. Табиат — «илдиздир», ақл эса унинг маҳсулидир. *Ци* нинг бош ҳолатини Ч. Ц. «буюк бўшлиқ» деб атаган. Бошматерия «буюк бўшлиқ»да тарқалади, унинг тўпланиши сувнинг музга айланишига ўхшайди. *Ци* нинг тўпланиши ва тарқалиши барча ҳодисалар ва нарсаларнинг туғилиши ва ҳалок бўлишини белгилайди. Ч. Ц. философиясида «*дао*» («йўл») тушунчасига катта аҳамият берилиб, *ци* нинг ўзгариши ва бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга айланиш жараёни шу «йўл» билан билдирилган. Бошматериянинг ҳаракати ва ўзгариши икки ўта қарама-қаршиликнинг: ижобий ян ва салбий иннинг (*Инь ва Ян*) ўзаро таъсирига асосланади. Уларнинг бирлиги даонинг ўзидир, бу даони ҳам Ч. Ц. «буюк уйғунлик» деб таърифлаган.

Табиатдаги ҳаракат тартибсиз характерта эмас, бу ҳаракат бошматерия *цининг* ўзига хос қонунини (*ли*) би-

лан белгиланади. Қонун кишиларнинг иродасига боғлиқ эмас. Ўз билиш назариясида Ч. Ц. собитқадам эмас эди. Сезгилар билиш манбаи, улар орқали инсон ташқи олам билан алоқа боғланиди. Аммо у, даони билиш ҳиссий гидроққа асосланган эмасдир, дер эди. Ч. Ц. таълимотини янги конфуцийчилик мактабининг ундан кейинги вакиллари кенг ривожлантирдилар.

ЧЖУ СИ (1130—1200)— хитой философи, Сун даври (960—1279) янги конфуцийчилик мактабининг таниқли вакили. *Буддизм* ва *даосизм* таъсири остида сунча янги конфуцийчилик метафизика проблемаларини ишлаб чиқишга мурожаат қилди. Ч. С. таълимоти яққол ифодаланган идеалистик характерга эгадир. Унда *конфуцийчилик* идеялари системалаштирилган эди. Ч. С. идеявий ибтидо *лини* бирламчи, моддий ибтидо *цини* иккиламчи деб ҳисобларди. Идеявий субстанция *ли* форма ва сифатдан маҳрумдир, инсоннинг гидроки унги пайқаб ололмайдди. Тайцзи ҳаракат кучи янни ва осойишталик кучи *ини* туғдиради (*Инь ва Ян*). Ҳаракат билан осойишталик доимо алмашаниб туради. Бу жараёнда оламнинг беш бош унсури ташкил топади: сув, олов, дарахт, металл, тупроқ. Ч. С. конфуцийчиликнинг ахлоқий-сиёсий таълимотини қатъий ҳимоя қиларди. Инсоннинг «туғма табиати»ни у идеявий ибтидо лидан келтириб чиқарарди. Ч. С. ижтимоий ҳаётнинг асоси — *конфуцийчилик* ахлоқий-сиёсий қонун-қондаларининг қатъий бажаришдан иборат, деб ҳисобларди. Ч. С. *нинг* кейинчалик қонулаштирилган таълимоти анъанавий маориф системасининг асоси бўлди.

«ЧИН СОЦИАЛИЗМ»— майда буржуа социализмнинг кўринишларидан бири бўлиб, 19-асрнинг 40-йилларида Германияда пайдо бўлган (К. Грюн, М. Гесс, Г. Криге, О. Люнинг, Г. Пютман). «Чин социалистларнинг фалсафий қарашлари француз ва инглиз социал-утопистлари ва *ёш гегелчилар* идеяларининг *Фейербах* этикаси билан электикларча қўшилиши негизлида таркиб топди. «Чин социалистлар»

социализмни ғайри синфий назария деб ҳисоблаб, уни қандайдир умуминсоний моҳиятнинг рўёбга чиқарилиши деб эълон қилдилар; улар синфий курашни инкор этиб, социал знддиятларни муросага келтиришни тарғиб қилиб майдонга чиқдилар; сиёсий фаолиятда ишгирок этишдан, буржуа-демократик эркинликлар учун курашдан воз кечишни тарғиб қилдилар, пролетариатни сиёсий революцияларда қатнашмасликка даъват этдилар. Маркс ва Энгельс «Ч. с.» идеологияси билан, унинг ишчилар ҳаракатига таъсири билан қатъий кураш олиб бордилар. «Немис идеологияси», «Кригега қарши қўлланма», «Немис социализми шеър ва прозада», «Коммунистик партия манифести» асарларида улар «Ч. с.»ни танқид қилиб, унинг Германияда революция етлаётган даврда ўйнаган реакцион ролини кўрсатиб бердилар. Маркс ва Энгельс таъсири остида бир қанча «чин социалистлар» (Вейдемейер, Дронке ва б.) ўзларининг илгариги қарашларидан алоқани уздилар. 1848—49 йиллардаги революция даврида «Ч. с.»нинг кўн вакиллари сохта социалистик сафсатабозликни улоқтириб ташлаб, майда буржуа демократияси сафларига кирди. Ҳозирги вақтда «Ч. с.»нинг баъзи бир идеяларидан марксизмни идеалистик этика руҳида сохталаштиришга уриниш учун фойдаланилмоқда.

ЧИЧЕРИН Борис Николаевич (1828—1904)— рус ҳуқуқ назарийчиси, тарихчи ва идеалист философ; Москва ун-тетининг профессори (1861—68); либерал ҳаракат арбоби. Ч.— гегелчи; Гегель философиясидан у асосан эмпиризмни танқид қилишни ва абсолют идея ҳақидаги таълимот-

ни ўзлаштириб олган. Ч. диалектика-ни ҳам эътироф этади-ю, лекин унинг маъносини бузади («қарама-қаршиликлар»ни «келштириш» идеясини биринчи ўринга қўяди) ва уни хусусий мулкни оқлашни мақсад қилиб қўйган ўз социологиясига мослаштиради. Ч.нинг фикрича, ҳақиқий билиш ақлбозлик принципларини тадқиқ этилувчи объектларга татбиқ этишдан иборат. Бунинг мумкинлиги сабаби шуки, оламий ақл қонунлари моддий объектларнинг қонуларини ва инсон руҳий дунёсини белгилайди. Ч.нинг фикрича, социал муносабатларнинг манбаи — қандайдир «метафизик вужуд»дан иборат шахсдир, чунки «борлиқнинг абсолют ибтидолари» шу вужуд орқали юз беради. Жамиятда ҳуқуқ, яъни индивиднинг қонун билан белгиланадиган «эркин иродаси» асосий роль ўйнайди. Ҳуқуқий ва ахлоқий элементлар давлатда қўшилади, давлатни эса Ч. кишиларни бир бутун қилиб бирлаштирувчи «идеявий» куч деб тушунарди. Буржуадворянлар давлатини у ғайри синфий ташкилот қилиб кўрсатишга уринарди. Ч. юридик мактаб (рус историографиясида) деб аталувчи мактабнинг асосчиси бўлди, бу мактаб тарихий процессни авало давлат-ҳуқуқ муносабатларнинг алмашинуви деб қарарди. Ч. конституцион монархия тарафдори эди; революцион ҳаракатга ва илмий социализмга қарши чиққанди. Асарлари: «Фан ва дин» (1869), «Фанда мистицизм» (1880), «Мулк ва давлат» (2 томлик, 1882—83), «Ижобий философия ва фаннинг бирлиги» (1892), «Логика ва метафизика асослари» (1894), «Ҳуқуқ философияси» (1900), «Философия масалалари» (1904) ва б.



ШАРОИТ — фалсафий категория, бу категория предметнинг уни қуршаб турган ҳодисаларга муносабатини ифодалайди ва предмет уларсиз яшай олмайди. Предметнинг ўзи бирон шароит тақозоси билан юзага келади, Ш. эса предметга нисбатан объектив оламнинг ташқи хилма-хиллиги сифатида юз беради. Бирон ҳодиса ёки процессни бевосита вужудга келтирадиган сабабдан фарқли ўлароқ, Ш. шундай муҳитни, вазиятни ташкил этадики, бу вазиятда мазкур ҳодисалар пайдо бўлади, яшайди ва ривожланади. Кишилар табиат қонуларини билиб олгач, ўз фаолиятларининг қулай шароитларини вужудга келтириб, ноқулай шароитларини бартараф қилишлари мумкин. Ш. ҳодисаларга ва процессларга таъсир кўрсатиш билан ўзи ҳам уларнинг таъсирига учрайди. Чунотчи, социалистик революция кишилар моддий ва маънавий ҳаётининг муайян шароитида пайдо бўлади, сўнгра бу Ш. ни тубдан ўзгартиради.

ШАРРОН Пьер (1541—1603)— француз философи. Аввал адвокат, сўнгра поп бўлган. Монтеннинг шогирди ва дўсти. Ҳзининг скептик қарашлари билан шухрат қозонган, унинг қарашлари Монтень қарашларига яқин бўлиб, асосан «Донишмандлик ҳақида»ги асаридан (1601) баён этилган. Ш. нинг фикрича, инсон дин формаларидан бирортасининг чинлигига кафил бўлолмайди, чунки дин унга табиатан хос эмас, балки тарбия ва теварак-атрофдаги шароит таъсир остида шаклланади. Инсондаги бирламчи нарса фақат ахлоқ-одобдир. Винобарин, дин ахлоқ-одобга боғлиқ. Демак, азалий ахлоқ қонуларига мувофиқ яшамоқ керак, аммо ҳокимият қўллаб-қувватлайдиган динга топинмоқ лозим. Ш. ўзининг динга қаршин скептик фикрларини ортодоксал динни формал эътироф қилиш билан пардаларди. «Донишмандлик ҳақида»ги трактат илоҳийетчилар то-

монидан Ш. ни динсизликда айблашга сабаб бўлди.

ШАРТЛИ ВА ШАРТСИЗ РЕФЛЕКСЛАР — ҳайвонлар ва инсоннинг мослашув реакциялари, бу реакциялар рецепторларнинг таъсирланиши ва турли даражадаги марказий нерв системасининг фаолияти билан юзага келади. Шартсиз Р. организмнинг туғма жавоб реакциясидир, улар муайян турдаги индивидларда бир хилда бўлади. Улар бирон-бир рецепторга таъсир билан муайян жавоб реакцияси ўртасидаги донимий ва бир қимматли алоқа билан характерланади ва мазкур муайян жавоб реакцияси организмларнинг ҳаётнинг стабил шароитларига мослашувни таъминлайди. Шартсиз Р., одатда, орқа мия ва бош миаянинг пастки бўлимлари ёрдами билан амалга оширилади. Шартсиз Р. нинг мураккаб комплекслари ва занжирлари *инстинктлар* деб аталади. Шартли Р. — организмнинг ҳаёти даврида рецепторларнинг таъсирига жавобан ҳосил қилинган реакциялардир; юқори даражада ривожланган ҳайвонларда ва инсонларда шартли Р. бош мия пўстида вақтли алоқаларнинг ташкил топниш йўли билан ҳосил қилинади ва улар ташқи муҳитнинг мураккаб ўзгарувчан шароитларига мослашув механизми бўлиб хизмат қилади. Ҳозирги замон тасаввурларига кўра, шартли Р. амал қилиш билан эмас, балки амал натижасининг идрок этилиши ва баҳолалини билан тамомланади (*Қайтарма алоқа*). Психик фаолиятнинг рефлексор табиатга эга эканини биринчи бўлиб *Сеченов* исботлаган. *И. Павлов* яратган шартли Р. нинг объектив методиди *олий нерв фаолияти* ҳақидаги таълимотга, жумладан *икки сигнал системаси* ҳақидаги таълимотга асос бўлиб хизмат қилади. Бу таълимот материалистик *психологияни* ва диалектик-материалистик *инъикос наза-*

рлясини табиий-илмий асослашда гоят катта аҳамиятга эгадир.

ШАХС — 1. Узининг социал шарт-шароитига боғлиқ бўлган ва индивидуал суратда ифодаланган сифатлари-га: интеллектуал, эмоционал ва иродий сифатларига эга бўлган одам. **Ш.** ни илмий тушуниш инсон моҳия-тиниш ижтимоий муносабатлар маж-муи деб марксистларча таърифлашга асосланади. Бундан, **Ш.** га хос хусу-сиятлар туғма хусусиятлар бўлиши мумкин эмас, улар пировард ҳисобда жамиятнинг тарихан мавжуд тузуми билан белгиланади, деган хулоса кел-тирилади. Ишлаб чиқариш восита-ларининг хусусий мулкчилигига асос-ланган жамият **Ш.** нинг ривожини ёстиради ва чўлтоқ қилиб қўяди. Капитализм тугатилиб, социализм барпо қилингандан кейин *шахсине ҳар томонлама, яхлит ривожланишига* йўл очилади. Коммунизмнинг *моддий-техника базасини* яратиш, коммунист-ик ижтимоий муносабатларни рив-ожлантириш ва маданий революция-ни амалга ошириш асосида маънавий бойликни, ахлоқий покликни ва жис-моний баркамолликни ўзидан уйғун-лаштириб бирлаштирган янги инсон **Ш.** и шаклланади. 2. Психологияда — ўзига хос индивидуал *характерга*, ин-теллект, эмоционал хусусиятларига эга бўлган ҳар бир айрим киши. **Ш.** нинг психологик хусусиятларига одам-нинг характери, *темпераменти, қоби-лиялари* ҳамда психик процесслар-нинг ўтиш хоссалари кирди. Психик ҳолатлар (кечинмалар, хатти-ҳаракат мотивлари ва ш. к.) узлуксиз ўзгар-ганда **Ш.** нинг психологик тузилиши ёки қиёфаси маълум даражада дон-мий бўлиб қолади, бу эса турмуш шароитининг нисбий донийлиги бил-ан, индивид нерв системасининг ти-пология хусусиятлари билан боғлиқ-дир. **Ш.** психологик тузилишининг ўз-гаришлари — инсон турмушида содир бўладиган ўзгаришларнинг, ижтимоий тарбия процессининг натижасидир. **Ш.** инсоннинг ички хислатлари ва хусу-сиятларининг алоқадор мажмуи бў-либ, барча ташқи таъсирлар мазкур хусусиятлар орқали сингиб ўтади. **Ш.**

нинг активлик манбаи — инсоннинг хилма-хил шахсий ва ижтимоий эҳти-ёжларидан иборат. **Ш.** даги субъек-тивлик (кечинмалар, онг, эҳтиёжлар) инсон билан теварак-атрофдаги воқе-лик ўртасида вужудга келадиган объ-ектив муносабатлардан ажралмасдир. **Ш.** нинг ривожланиш даражаси маз-кур муносабатлар тарихан нечоғлиқ прогрессив эканлигига боғлиқ. Совет кишинининг **Ш.** и социалистик жамия-ят шароитида коммунистик ахлоқ та-лабларига мувофиқ равишда камол топмоқда.

ШАХС ВА ЖАМИЯТ. **Ш.** билан ж. нинг ўзаро муносабати турли тарихий даврларда турличадир; чунки «уму-ман жамият» йўқдир, балки муайян иқтисодий-ижтимоий формациялар реал суратда мавжуддир ва «умуман шахс» йўқдир, чунки **Ш.** ҳамisha тарихан муайян ижтимоий тузумнинг маҳсулидир. Шахсийлик билан ижти-моийликнинг гўё абадий антагонизми ҳақидаги сохта назария айниқса капи-тализм учун характерли бўлган ва та-рихан ўткинчи характерга эга бўлган нарсанингча «абадий» деб кўрсатади. Социализм шароитида шахс билан жамиятнинг ўзаро муносабати янги қонуният билан, шахсий ва ижтимоий манфаатларнинг бирга мослашиб қў-шилиши ва пировард тенденцияда уларнинг уйғунлашуви билан харак-терланади. Социализм ва коммунизм даврида қондириш манбаи, шахсий ва ижтимоий манфаатларнинг умумий йўналиши мослашиб тушади. **Ж.** ва **Ш.** ҳаётининг туб масалалари юзаси-дан улар манфаатларининг бундай мослашиб тушиши айрим жузъий ва вақтинчалик зиддиятлар юз беришини истисно қилмайди, мас., шахсий ман-фаатни ижтимоий манфаатга бўйсун-дириш лозим бўлганда, шундай зид-диятлар юз бериши мумкин. Ижти-моий манфаатлар билан шахсий ман-фаатларни тўғри мослаб қўшиш, бир-томондан, ижтимоий бойликнинг ўси-шига, раҳбар ташкилотларнинг фао-лиятига, уларнинг «Хамма нарса ин-сон учун, инсон бахт-саодати учун» деган партия шiorини изчиллик билан амалга оширишига, иккинчи томон-

дан, Ж. нинг ҳар бир аъзосига, унинг ижтимоий манфаатга онгли равишда хизмат қилишига боғлиқ. Коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш, коммунистик ижтимоий муносабатларни шакллантириш, социалистик демократизмни янада авж олдириш, социалистик ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг юксак суръатлари, унинг самарадорлигини ошириш, илмий-техника тараққиёти ва меҳнат унумдорлигининг ўсишини тезлаштириш асосида халқнинг моддий ва маданий фаровонлигини мутасил кўтариб бориш шахсий манфаат билан ижтимоий манфаатнинг тўла уйғунлигига эришиш учун зарур шартлар, Маркс ва Энгельс сўзлари билан айтганда, ҳар бир кишининг эркин ривожланиш шарти ҳамманин эркин ривожланиш шартига айланадиган уюшмани тузиш йўлидаги энг муҳим воситалар ана шулардан иборат.

ШАХСГА СИҒИНИШ — бирон арбобнинг *авторитети* олдида кўр-кўрона сажда қилиш, унинг ҳақиқий хизматларини ҳаддан ошириб кўрсатиш, тарихий шахсни фетишлаштириш. Ш. с. нинг назарий асоси — тарихга идеалистик қарашдан иборат бўлиб, бу қарашга кўра тарихнинг боришини объектив қонунлар эмас, халқ оммасининг фаолияти эмас, балки буюк кишиларнинг (лашкарбошилар, қаҳрамонлар, атоқли идеологлар ва ш. к.) истаклари, прода-хоҳиши белгилайди. Идеализмнинг турли мактабларининг характерли хусусияти шуки, улар тарихда машҳур шахсларнинг ролини абсолютлаштиради (Волюнтаризм, *Еш гегельчилар*, *Народниклик*). Ўз таънабига кўра Ш. с. марксистик таълимотга тубдан душмандир, чунки марксистик таълимот раҳбар шахсининг ролини синфий курашнинг объектив бориши билан, халқ оммасининг тарихий фаолияти билан ҳақмақ боғлиқ ҳолда олиб қарайди. Ҳатто энг геннал раҳбарнинг тажрибаси ҳам миллионларча кишиларнинг коллектив тажрибаси ўрнини босолмайди. Марксистик-ленинизм ҳар қандай Ш. с. ни ва авторитетлар олдида бидъат-хурофот

билан сажда қилишни қоралайди (қ. К. Маркс ва Ф. Энгельс, 34-т., 241-б.). Социалистик жамиятда ва коммунистик партияларда Ш. с. нинг кўри-нишларига қарши муваффақият билан кураш олиб бориш учун давлат ва партия қурилиши ленинча принципларига риоя қилган ҳолда демократияни ҳар томонлама ривожлантириш лозим. КПСС социалистик демократияни янада ривожлантиришни амалга ошира бориб, XX съездеда «Сталин шахсига сиғинишни қаттиқ қоралади. Бу сиғиниш марксизм-ленинизм руҳига ёт равишда бир кишининг ролини ҳаддан ташқари улуғлаб юборишда, раҳбарликнинг коллективлиги ҳақидаги ленинча принципдан чекнишда, асосиз жазо — таъқибларда, ва социалистик қонунчиликни бошқа ҳилда бузиб, жамиятимизга зиён етказишга ифодаланди. Бу бузишлар, уларнинг нечоғлик жиддий бўлишига қарамай, социалистик жамиятнинг табиигини ўзгартира олмади, социализм негизларини бўшаштира олмади... Партиямиз партия, давлат ва идеология ишларининг ҳамма соҳаларида шахсга сиғиниш оқибатларини бартараф қилин, партия турмушининг ленинча нормалари ва принципларига риоя қилиш чораларини амалга ошириди» («Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги». КПСС Марказий Комитетининг тезислари).

ШАХСИЙ МУЛК — шахсий истеъмол буюмларининг мулкчилиги. Ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий мулкчилигидан фарқли улароқ, Ш. м. ҳаммаша мавжуд бўлади. Бироқ Ш. м. ни эътироф қилиш унинг чексиз ўсиб боришини эътироф қилиш деган гап эмас. Социализм шароитида меҳнатсиз даромад олиш мақсадида Ш. м. ни сунистеъмол қилиш ҳоллари ҳали бўлиши мумкин. Бунда Ш. м. нинг ошиб кетиши маълум хавф туғдиради, чунки у хусусий мулкчилик хулқ одатларини кучайтиради, айрим кишиларнинг майда буржуача айниб бузилишига олиб келади. Тўла коммунизм даврида Ш. м. нинг ошиб кетиши ҳар қандай маъносини йўқотади, чунки ижтимоий истеъмол фондлари шахсий

истеъмолларни қондиришнинг асосий манбаи бўлиб қолади ва ҳар бир киши жамиятдан ўз эҳтиёжларига қараб олади.

ШАХСНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА, ЯХЛИТ РИВОЖЛАНИШИ — бу, ижтимоий маданият бойлиklarидан шундай актив баҳраманд бўлишдан иборатки, унда жамиятнинг ҳар бир аъзосининг меҳнати яхлит фаолиятга, ташаббускорлик фаолиятига айланади (*Коммунистик меҳнат*), ҳар бир киши эса ташаббускор ва ижодкор шахс бўлиб қолади. Бунга инсонни майнб қиладиган, уни ўзинга бирктиб қўйилган тор меҳнат вазифасининг ижрочисига ва шу билан уни бир томонлама, «қисмий» одам қилиб қўядиган социал меҳнат тақсимотини бартараф қилиш натижасидагина эришиш мумкин. Маркс ва Энгельс коммунизм жамиятини, ривожланиб бориб, «индивидлар яхлит индивидларга айланадиган жамият, деб тавсифлар эканлар, бу ўзбошимча хаёлий идеал эмас, балки меҳнат тақсимоти системасидаги реал зиддикларни реал ҳал қилишдир, деб таъкидлаган эдилар (3-т., 68—69-б.). Капитализм шаронтида инсон фаолиятининг майдаланиб ва увуқланиб кетиши фақат ижодиётдан эмас, балки умуман ҳар қандай маъно ва мазмундан маҳрум қилинган жуда кўп касб-корларни вужудга келтирди. Антагонистик ижтимоий муносабатлардан туғилган бу хилдаги функциялар (мас., формал бюрократик функциялар) меҳнатнинг шундай томонларидан иборатки, бундай томонлар яхлит, коммунистик одамнинг фаолияти билан сиғишмайди. Ижтимоий муносабатларнинг субъекти ва яратувчиси бўлмоқ учун инсон ўзининг кундалик фаолиятида фақат шундай томонларни бирлаштириши лозимки, натижада бу томонлар унинг фаолиятини мазмунли-ижодий процессга айлантирсин. Бунинг учун ҳар бир кишига бошқа кишилар биладиган ва удалайдиган, умуман жамиятнинг бойлигидан иборат бўлган нарсаларнинг ҳаммасини билиш ва удалаш мутлақо шарт эмасдир. Бундай қилиш мумкин ҳам эмас: ишлаб чиқарувчи куч-

ларнинг илгарилаб ривожланиб бориши ниҳоятда кўп ихтисосларни вужудга келтиради. Лекин коммунизм даврида бу фаолият ихтисоси бўлиб, унда жисмоний ва ақлий, ижрочилик ва бошқарувчилик меҳнати ўртасида бўлиниш бўлмайди, шунингдек айрим касб-корларга бирктиб қўйиш ҳам йўқ бўлади, иш вақти билан бўш вақт (аниқроғи, ҳар бир кишининг ўз ихтиёрида бўлган вақт) ўртасидаги қарама-қаршилиқ бартараф қилинади, билиш, бадний ва маънавий маданият ўртасидаги айрилиқ барҳам топади. Бунга бир кишида ҳамма ва ҳар хил меҳнат функцияларини пала-партиш равишда бирга қўйиш ва жамлаш йўли билан эмас, балки инсонни чинакам ҳар томонлама камол топтириш йўли билан эришилади, бунда камолот кишилар устида олиб бориладиган мустақил маъмурий-назорат, тақсимот, қўриқчилик ва ш. к. функцияларни кераксиз қилиб қўяди. Инсоннинг ўзи меҳнат процессида бу функцияларни ўзлаштириб, уларни ёрдамчи функциялар сифатида ўзининг яхлит фаолиятига қўшиб олади, шу билан унинг ўзи универсал ва ижодкор субъект бўлиб қолади. Агар ҳали капитализм шаронтида йирик саноат, капитали бир соҳадан иккинчи соҳага кўчириш ва бошқа факторлар «ишчиларнинг мумкин қадар кўпроқ ҳар томонламалигини» (Маркс) талаб этса, коммунистик формация инсоннинг фақат ҳар томонламалигини эмас, балки яхлит, уйғун равишда ривожланиб камол топишини талаб қилади. Коммунизмнинг асосий принципи «ҳар бир индивидуумни тўлиқ ва эркин камол топтиришдан иборат» (К. Маркс ва Ф. Энгельс, 23-т., 603-б.).

ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ — одамлар жойлашувининг тарихан таркиб топган алоҳида социал формалари; бу формалар меҳнат тақсимоти, жумладан ибтдоий жамоа тузумидан қулдорлик тузумига ўтиш даврида ҳунармандчиликнинг деҳқончиликдан ажралиши натижасида пайдо бўлган. Меҳнат тақсимоти процессининг янада давом этиши ва хусусий мулкнинг ривожланиб бориши Ш. билан қ. ўрта-

сида қарама-қаршиликнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди, яъни улар ўртасида шундай муносабатлар юзага келдики, бунинг натижасида Қ. иқтисодий ва маданий жиҳатдан Ш. дан орқада қола борди, ҳукмрон синфлар Қ. меҳнатқашлар оммасини эксплуатация қила бошладилар. Ш. билан қ. ўртасидаги қарама-қаршилик проблемаси капитализм шаронтида жуда кескинлашиб кетади. Қ. да капиталистик муносабатлар ривожланиб бориши билан бирга майда ишлаб чиқарувчиларнинг, яъни деҳқонларнинг хонавайрон бўлиши ва экспроприация қилиниши кучайиб боради, қишлоқ буржуазияси пайдо бўлади, қишлоққа савдо ва банк капитали кира бошлайди. Капитализм шаронтида Ш. ва қ. социал жиҳатдан бир хилда бўлмайди: Ш. да пролетариат, буржуазия, интеллигенциянинг асосий қисми ҳамда буржуа давлатининг полиция-чиновниклари аппарати тўланади; Қ. да эса помешчиклар, қулоқлар, савдогарлар, деҳқонлар (ўрта ва камбағал деҳқонлар) ва ёлланма қишлоқ хўжалик ишчилари тўланади. Ш. даги пролетарлар билан меҳнатқаш деҳқонлар ўртасида антагонистик зиддиятлар бўлмаганлигидан, Ш. билан қ. ўртасидаги қарама-қаршилик бу синфларнинг муносабатларига татбиқ этилмайди. Ш. билан қ. ўртасидаги муносабатларда эса шаҳар буржуазияси ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариши ва сотишини ўз назоратига бўйсундириб олган ва Қ. ни эксплуатация қилиш учун гоят катта ишлаб чиқариш аппаратидан: фабрикалар, заводлар, савдо бирлашмалари ва бошқалардан фойдаланадиган капиталистик монополиялар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Икки ёқлама эксплуатация (шаҳар ва қишлоқ буржуазияси томонидан), солиқлар, ижара, кредит, ипотека, саноат моллари билан қишлоқ хўжалик молларининг баҳолари ўртасидаги номутаносиблик ва ш. к. иқтисодий дастакларнинг қўлланилиши деҳқонларни янада кўпроқ хонавайрон қилишга олиб боради. Империализм мустамлака ва қарам мамлакатларни асоратга

солиб ва «жаҳон қишлоғи»га айлантириб, уларни ўзининг аграр-хом ашё қўшимтаси қилиб қўйди. «Капитализм шаронтида шаҳар қишлоққа уни сиёсий, иқтисодий, ахлоқий, жисмоний ва ш. к. жиҳатдан бузадиган нарсаларни беради» (В. И. Ленин, 45-т., 367-б.). Социализм шаронтида хусусий мулкнинг ва кишини киши томонидан эксплуатация қилишининг ва шу билан бирга «қишлоқ ҳаётидаги идиотизм»нинг тугатилиши Ш. билан қ. ўртасида янги муносабатлар — ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам, ишчилар синфи билан деҳқонлар ўртасида иттифоқлик муносабатларини вужудга келтиришга имкон берди. Аммо антагонистик қарама-қаршиликнинг йўқ қилиниши Ш. билан қ. ўртасидаги барча иқтисодий, социал-синфий ва маданий-манший тафовутларни ҳали бартараф қилмайди, чунки бу тафовутларнинг негизи — мулкнинг икки формаси ўртасидаги: Қ. да устун бўлган кооператив-колхоз мулк формаси билан Ш. да устун бўлган умумхалқ мулк формаси ўртасидаги тафовутдан иборат. Ш. билан қ. ўртасидаги муҳим тафовутлар ишлаб чиқарувчи кучларнинг, техника ва маданиятнинг бир хилда ривожланмаслигида, меҳнатнинг, манший турмушининг ва кишиларнинг жойлашувининг характери ва ташкил этилишида, алоқа, транспорт воситаларининг оз ва кўп таъминланишида кўринади. Бироқ бу тафовутларда синфий антагонизмлар бўлмайди. Социалистик шаҳарлар иқтисодий, маъмурий-сиёсий ва маданий-илмий марказлар сифатида социалистик ва коммунистик қурилишнинг бутун процессининг, шу жумладан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксак суръатлар билан ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиб беришнинг етакчи кучи бўлиш вазифаларини бажармоқда. Юқорида айтилган тафовутлар Ш. билан қ. ўртасидаги ижтимоий муносабатлар социалистик жамят тарақиёти диалектик процессининг икки томонини ўз ичига олишини кўрсатади. Бир томондан (буинси энг муҳим) мазкур тафовутларда Ш. билан қ. нинг иқтисодий

ва сиёсий манфаатларининг бирлиги, уларнинг муттасил яқинлашуви, умуман социалистик жамиятни планли равишда ривожлантиришга интилиш ифодаланган. Иккинчи томондан, мазкур тафовутларда ноантагонистик характердаги зиддиятлар мавжуд бўлиб, бу зиддиятларни бартаф қилиш, Ш. ва қ. даги меҳнат ва маиший турмуш шароитларини аста-секин яқинлаштириб бориш коммунизм қурилиши жараёнида Қ. нинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш, кооператив мулкни умумхалқ мулкка даражасига қўтариш, қишлоқ хўжалик меҳнатини индустриал меҳнатнинг турларидан бирига айлантириш, қишлоқнинг маданий даражасини юксалтириш йўли билан амалга оширилади.

ШВЕЙЦЕР Альбер (1875—1965)— француз гуманист философи, врач ва теолог, прогрессив жамоат арбоби. Кўп йиллар давомида Экваториал Африкада (Ламбарена қишлоғида) врач бўлиб ишлади, ўз фаолиятини гуманистик идеаллар учун курашга бағишлади. Ш. ўз фалсафий қарашларига (бу қарашларини у «янги рационализм» деб атади) олам ҳақидаги билимини эмас, балки ҳаёт фактирини ўзини асос қилиб қўйган, у «ҳаёт олдида сажда қилиш» бутун философиянинг принципи бўлиб қолмоғи лозим, деб ҳисоблаган. Ш. бу принципни цивилизациянинг салбий оқибатларига қарши ўзига хос «фильтр» деб қараб, унда инсониятнинг ахлоқий камолоти истиқболлини кўрган. Бироқ Ш. нинг назария, гуманистик идеалларни амалга оширишнинг реал йўли социал ўзгаришлардан эмас, балки айрим кишиларнинг «инсон табиатини яхшилашга қаратилган шахсий зўр беришларидан иборатдир. Инсоният истиқболига оптимистларча қараш Ш. да диний тусда бўлиб, Исо образининг ахлоқий талқини билан қўшилиб кетган эди. Умуман Ш. нинг дунёқараши мунтазам системадан иборат бўлмай турли фалсафий концепцияларни ўзида бирлаштирган эди. Ш. урушга қарши бўлиб, бир неча марта ядро қуролини

тақиқлашни ёқлаб чиққан эди. Ш. Нобель тинчлик мукофотининг лауреати. Асосий асари — «Цивилизация философияси» (2 томлик, 1923).

ШЕВЧЕНКО Тарас Григорьевич (1814—61)— украин шоири, рассом, мутафаккир, чоризмга ва крепостникликка қарши курашчи, украин ижтимоий фикри тарихида революцион-демократик йўналишнинг асосчиси. Крепостной деҳқон оиласида туғилган. 1838 йилда помешчикка ҳақ тўлаб озод қилинган. Бадний Академияни тамомлаган (1845), Академияда Қ. Брюловдан ташлим олган. 1845 йилда Киевда Ш. «Кирилло-Мефодий жамияти» яширин сиёсий ташкилотига кириб, унда революцион қанотга бошчилик қилади. *Петрашевчилар* группаси билан алоқада бўлади. 1847 йилда қамоққа олиниб, солдатликка берилди ва қозоқ чўлларига сургун қилинади. Сургун тамом бўлгандан кейин (1857) Ш. *Чернишевский*, *Добролюбов* ва «Современник» журналининг бошқа ходимлари билан яқинлашган, улар Ш. га самарали таъсир кўрсатганлар. Ш. шеърояти («Туз», «Кавказ», «Васият» ва б.) ва фаолияти «тамагир помешчиклар бандаси»га ва «тождор жаллод» подшога қарши, крепостной тузум маддоҳларига қарши курашга қаратилган. Ш. рус помешчиклари ва подшо зулмини фож қиларкан, украин буржуа миллатчиларига қарши, рус ва украин халқлари дўстлигини ёқлаб чиқди, украин маданияти ва тилини ривожлантириш учун курашди. Ўз дунёқарашига кўра, материалист бўлган Ш., материя бўлмаса руҳнинг кучи ҳам бўлиши мумкин эмас, деб тасдиқлаган. У ўзини материалист деб атамаган, чунки янглишиб, материализмни унинг вульгар формаси билан бирдай деб ҳисоблаган. У крепостникликнинг ҳалокати муқаррарлигини таъкидларкан, халқ оммасини жамият ривожланишининг ҳал қилувчи кучи деб билди. Ш. дин ва черковни қаттиқ танқид қилди. Эстетикада реализм позициясида туриб, табиатни гўзаллик манбаи деб ҳисоблаган. У санъатнинг ҳаётий ҳаққонийлиги, халқчилилиги ва гоёвийлиги учун му-

рашди. Ш. нинг бу қарашлари унинг «Кундалик дафтар»ида яққол акс этган. У Украинада революцион ижтимоий фикрнинг ва украин маданиятининг ривожланишига (И. Франко, М. Коцюбинский, Леся Украинка ва б.) катта таъсир кўрсатди.

ШЕЛГУНОВ Николай Васильевич (1824—91)— рус революцион демократи ва жамоат арбоби, Герцен, Белинский ва Чернишевскийнинг издоши. Урмончилик ин-тида ўқиган, 1841 йилдан бошлаб Петербургда ўрмончилик департаментда хизмат қилган. Тарих, сибсат ва экономика масалалари юзасидан ҳамда бадий танқидчи ва табиий-илмий билимларни оммалаштирувчи сифатида мақолалар эълон қилган. 1861 йилда ёзган «Ёш авлодга», «Солдатларга» деган хитобномаларида деҳқонлар реформасини қаттиқ танқид қилиб, деҳқонлар революциясига даъват этди. Ш. Россияга марксизмнинг киришига ўқмақлашган. «Англия ва Францияда ишчи пролетариат» деган мақоласида (1861) у Энгельснинг «Англияда ишчилар синфининг аҳоли» китобининг асосий идеяларини баён қилди, китобнинг автори тўғрисида хайрихоҳлик билан у «немислар ичидаги энг яхши ва олижаноб кишилардан биридир», ундан «инглиз ишчисининг иқтисодий турмуши ҳақидаги энг яхши асар учун Европа иқтисодий адабиёти миннатдордир» дейди. Ш. гарчи тарихда халқ оммасининг роли, ижтимоий прогресс учун ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг аҳамияти ҳақида бир қанча фикрлар айтган бўлса-да, жамиятга қарашларида материализм даражасига кўтарилмади. Россияда деҳқонлар жамоаси орқали социализмга ўтиш мумкин, деб ҳисоблар эди. Ш. материалистик сенсуализм позициясида туриб, туғма идеялар ҳақидаги таълимотни танқид қилди. Чернишевскийнинг эстетик концепцияси тарафдори бўлганлигидан, у «санъат—санъат учун» назариясига қарши курашди. Ш. нинг «Тараққиёт шартларини» (1863), «Ер ва органик ҳаёт» (1863), «Билимсизлик зарари» (1864), «Тарбия ҳақида мактублар» (1873—

74) ва б. асарлари фалсафий проблематикага бағишланган. Ш. крепостниклик тартибларига қарши чиққалиги учун бир неча марта қамоққа олинган.

ШЕЛЛИНГ Фридрих Вильгельм Йозеф (1775—1854)— немис философи, немис классик идеалистлари зумрасида вақт эътибори билан учинчиси. Йена, Эрланген ва Берлинда профессор бўлган; Мюнхен фанлар академиясининг аъзоси. 90-йилларда табиат философияси юзасидан қатор асарларини эълон қилади. Ш. Қант идеяларидан ва Лейбницнинг тирик монадалар ва табиатнинг мақсадга мувофиқ кучлари ҳақидаги таълимотидан фойдаланиб, табиат тушунчасига тараққиёт идеясини киритди. Ўзининг «Трансцендентал идеализм системаси»да (1800) Ш. Фихтенинг субъектив идеализмини ўз системаси объект-ив идеализми билан қўшишга уриди. Ш. нинг фикрича, философия икки саволга жавоб бермоғи лозим: онсиз-руҳий табиатнинг ривожланиши қандай қилиб онгинг пайдо бўлишига келади ва, аксинча, ўз-ўзалигича фақат субъект бўлган онг қандай қилиб объект бўлиб қолади. Биринчи саволга «табиат философияси», иккинчи саволга «трансцендентал идеализм» таълимоти жавоб беради. Ш. ўз системасининг Фихте субъектив идеализмдан фарқини шунда деб билардики, Фихтенинг субъектга асосланишига у табиат философиясида — объективлик бирламчи деб қараладиган тадқиқотни қарама-қарши қўярди. Шу билан бирга субъектив деганда Ш. айрим шахснинг онгини эмас, балки предметнинг ўзини ақл билан бевосита мушоҳада қилишни ёки «интеллектуал интуиция»ни тушунади. Фихтедан фарқли ўлароқ, Ш. «интеллектуал интуиция»ни онгининг ўз фаолияти хусусидаги муҳокамасининг («рефлексиясининг») ҳамма босқичларига жорий қилди. Бу таълимотни ривожлантириш билан Ш. романтик мактабнинг реакцион қанотига қўшилди, романтик мактаб назарида интуиция фақат айрим мумтоз кишиларнинг улушидир. Ўз спонтанлигини

тушунишга эришгач, онг айна вақтда ўзини ҳам заруриятга бўйсунган деб, ҳам эркин деб пайқайди. Айрим кишиларнинг эркин ҳаракатлари орқали шундай қонуниятли процесс амал қилади ва юз берадики, бу процесда руҳ билан табиат, субъект билан объект, эркинлик билан зарурият бирликда қўшилиб кетади. Аммо, Ш. нинг фикрича, бу процесс билишга эмас, балки фақат диний эътиқодга очилади, бинобарин, тарихий ва ахлоқий тараққиётнинг гарантиси фақат худодадир. Тарихда зарурият ва эркинлик диалектикаси сифатида ўйланган, лекин идеализм ва мистика асосида ривожлантирилган Ш. таълимоти амалда *фатализмга* бориб тақаларди ҳамда тарихда олдиндан кўришни таъминла инкор қилишга олиб борарди. Ш. «табиат философияси» ва «трансцендентал идеализм» системасидан *айният философиясига* — объектив идеализмнинг янги формасига ўтди. Объект билан субъектнинг айнайти идеяси Ш. таълимотининг асосий проблемаси бўлиб қолади, ягона ақлнинг ўз-ўзи билан айнайти қонуни деб эълон қилинади. Абсолютда айнайтининг ўз-ўзини англаш жараёни — бирликдан кўпликка ўтиш содир бўлади. Ш. нинг эркинлик ҳақидаги таълимоти «Инсон эркинлигининг моҳияти ҳақидаги ва шу билан боғлиқ предметлар ҳақидаги фалсафий тадқиқотлар»да (1809) янада ривожлантирилди. Фихте билан бирга Ш. эркинликни билиб олинган зарурият деб тушунарди, эркинлик ҳодисаси айрим шахснинг жасорати эмас, балки жамият эришган ютуқ деб биларди. Бироқ бу қарашга зид ўлароқ Ш. да эркинлик проблемаси мистификациялаштирилади: дунёдаги ёвузлик проблемаси билан боғланади; соф шахсий ибтидо эркинликнинг сўнгги илдизи деб эълон қилинади ва бу ибтидонинг манбаи «ақл этадиган» нариги дунёда, деб даъво қилинади. Тахминан 1815 йилдан бошлаб Ш. ўз ривожининг янги — ва сўнгги — фазасига: мистик «мифология ва каромат философиясига» ўтди. Бу даврдаги таълимот Ш. дунёқарашининг мистик эле-

ментлари ниҳоятда кучайиши билан ажралиб туради. Эндиликда Ш. ақлга асосланувчи ҳар қандай философияга лаънат ўқийдиган бўлади. Бу философияга у «каромат философияси»ни қарама-қарши қўяди, бу философия эса ҳақиқатни ақл чегараларининг нариги томонидан — «диний тажриба»дан излайди. «Каромат философияси»нинг Ш. томонидан ривожлантирилган ошкора пропагандаси шарманда бўлди. Еш Энгельс ўзининг ажойиб памфлетларида Ш. «мифология ва каромат философиясининг реакцион мазмунини замондошларига тушунтириб берди.

ШЕФТСБЕРИ Антони Эшли Купер (1671—1713)—инглиз философи ва ахлоқшуноси. Этикага оид бир қанча асарлар ёзиб, уларни «Одамлар, хулқ-атворлар, фикрлар, замонларнинг тавсифи» деган бир умумий сарлавҳа остида тўплаган (3 томлик, 1711). Ш. нинг асосий идеяси — ахлоқнинг мустақиллиги ва унинг социал шароитга боғлиқ эмаслиги ҳақидаги таълимотдир. Унинг фикрича, ахлоқ-одобнинг асоси диний ҳиссиёт билан боғлиқ эмас, у инсонга тугма равишда ҳосил ва у инсонни олий ахлоқ-одоб мақсадларини илгари суришга мажбур этади. Эзгулик энг юқори ҳузур, ҳаловат, оқилона лаззат берувчи нарсадир. Инсонни эзгуликка ундайдиган ҳаракатлантирувчи куч «ғайрат-шижоат»дир, инсонга хос турли зиддиятлар ана шу «ғайрат-шижоат» воситаси билан келиштирилади. Хатти-ҳаракатларининг ахлоқ-одоб мезони уларнинг натижаларида эмас, балки мотивларидадир. Ш. нинг фикрича, инсон альтрустик ва эгонстик интилишларини уйғунлаштиришга ҳаракат қилмоғи лозим. Эзгуликка эришишнинг асосий шарти ана шудир. Ш. нинг ахлоқий идеали — гармоник ривожланган шахсдир. Эзгу нарсаларнинг ҳаммаси айна вақтда эстетик жиҳатдан гўзалдир ҳам, чунки гўзаллик — уйғунликдадир. Ш. нинг ахлоқий таълимоти учун *эвдемонизм* хислатлари ва ҳамма ахлоқий интилишларни фақат инсоннинг ички табиатидан келтириб чиқаришга уриниш ха-

рактерлидир, бу эса унинг этикасининг идеалистик характеридан далолат беради. Ш. гарчи мустақил фалсафий система яратган бўлмаса-да, унинг қарашлари кўп мутафаккирларга — француз материалистларига, Юм, Кант, Гердер, Фр. Шиллерга катта таъсир кўрсатди.

ШИЛЛЕР Иоганн Фридрих (1759—1805) — немис шоири ва эстетиги. Ш. нинг қарашлари *Руссо, Лессинг*, «Бўрон ва ҳужум» ҳаракати идеялари таъсирида таркиб топди. 1781 йилда у деспотизмга ва социал адолатсизликка қарши норозиликтан иборат «Қароқчилар» драмасини эълон қилди, кўп ўтмай «Макр ва муҳаббат» драмаси эълон қилинди. Бу драма «биринчи немис сиёсий тенденциоз драмаси эди» (Энгельс). Ш. француз революциясини табриклади-ю, лекин кейинроқ ундан ихлоси қайтди. Ш. драматургияси ва фалсафий лирикаси инсонпарварлик, жабр-зулмга қарши нафрат руҳи билан суғорилган, ҳистуйғулар ва характерларнинг чуқур акс эттирилиши билан ажралиб туради. Бироқ бир қанча асарларида шоир мавҳум эстетик идеални излаб воқеликтан йироқлашади. 90-йилларда Ш. Кант философияси ва эстетикасининг тарафдорига айланди, лекин у ҳамма жиҳатдан ҳам бу мутафаккирга эргаша бермади (мас., у кантча қатъий императив формализмини танқид қилди). Ш. санъатга эзгулик яратувчи уйғун шахснинг шаклланиш воситаси деб қараркан, инсонга чинкакам эркинликка эришишга фақат санъат ёрдам беради, деб ҳисоблар эди. Гарчи Ш. да эркинлик талаби соф-маънавий характерда бўлса-да, бу талаб феодал тартибларга қарши норозилик формаси эди. Ш. нинг асосий фалсафий асарлари: «Фалсафий мактублар» (1786), «Назокат ва фазилят тўғрисида» (1793), «Эстетик тарбия ҳақида мактублар» (1795).

ШИЛЛЕР Фердинанд Каннинг Скотт (1864—1937) — инглиз прагматисти, Оксфорд ва Лос-Анжелесда профессор бўлган. Ш. ўз прагматизми вариантини «гуманизм» деб атаган. У ҳақиқатни инсоннинг ижоди деб

қараб, инсоннинг бутун билишини субъектив билиш деб эълон қилди. Бироқ, у ҳақиқатни тушунишда Жемсга эргашиб, фақат эзгу оқибатларгина ҳақиқат мезони бўлиши мумкин, деб ҳисоблади. Ш. «воқеликни «тажриба» деб, инсоннинг ирода таъсирига бўйсунувчи пластик бешак масса деб тушунган: «дунё биз ясайдиган нарсадан иборат». Шу тариқа Ш. солипсизмга келган ва уни гарчи турмуш жиҳатидан ноқулай бўлса-да, назарий жиҳатдан мумкин деб эълон қилган. Субъектив идеализм унинг «метафизикаси» да маълум мақсадга қаратилган ва илоҳий куч раҳбарлик қиладиган процесс деб қаралувчи эволюция назарияси билан қўшилиб кетади. Ш. формал логикани прагматикларча талқин қилиб, уни «татбиқот логикаси» билан алмаштирди. Логиканинг қонунлари ва формаларини постулатлар, қулай фикциялар деб тушунди. Нишчечиликка яқин позициядан туриб фашизмни «энг олий одамни» яратиш йўли деб табриклаган. Асосий асари — «Гуманизм» (1903).

ШЛЕЙЕРМАХЕР Фридрих Эрнст Даниэль (1768—1834) — немис протестант теологи ва философи, кўп йил воизлик қилган, Берлин ун-тетининг профессори бўлган. Ш. нинг назарий қарашлари Спиноза, Кант, Фихте, Шеллинг, Якоби ва бошқаларнинг ғояларини ўзида бирлаштирган. Унинг философиясида маърифатчиликка хилоф романтик тенденциялар устун эди (*Романтик мактаб*). Дин, ахлоқ-одобни у субъектнинг ички кайфиятидан келтириб чиқаради. Ш. нинг нуқтан назарича, бениҳоя борлиқнинг негизини оламнинг бирлиги ёки худо ташкил этади, ана шу бирлик ёки худода барча зиддиятлар келиштирилади ва у бевосита билимга очилиш мумкин. Ш. Тавротнинг Спинозадан бошланган танқидини давом эттириб, бу танқидни Инжилга ҳам татбиқ этди. Унинг ғоялари христианликнинг барча манбаларини янада танқид қилишга ундади (*Еш гееллчилар*). Лекин бу танқид диний дунёқараш доирасидан ташқари чиқмас эди. Ш. нинг

диний-фалсафий қарашлари 19-асрда протестантизм идеологиясига анча таъсир кўрсатди. Шу билан бирга унинг дини талқин этиши ҳозирги замон протестантизми вакиллари томонидан танқид қилинди (*Диалектик теология*). Ш. нинг асосий асарлари: «Дин ҳақида нутқлар» (1799), «Монологлар» (1810).

ШЛИК МОРИЦ (1882—1936)— Австрия философи ва физиги, *логик позитивизм* лидерларидан бири, *Вена тўғарагининг* асосчиси. Физик сифатида назарий оптика масалалари билан шугулланган, нисбият назариясини дастлабки шарҳловчилардан бири бўлиб майдонга чиққан (1917). «Билишнинг умумий назарияси» китобида (1918) Ш. шундай идеяларни ифода-лаб бердики, бу идеяларни кейинчалик логик позитивистлар ўз доктриналарига асос қилиб олдилар; жумладан Ш. логика ва математиканинг аналитик табиати ҳақидаги таълимотни ҳамда *верификациялаштириш* принципини ифода-лаб берди. Логик позитивизм умумий концепциясини қаттиқ ҳимоя қилишдан ташқари («Позитивизм ва реализм», 1932), Ш. неопозитивистик позициядан туриб философиянинг (макон ва замон, сабабият, эҳтимоллик) ва этиканинг (ахлоқий муҳокамаларнинг аҳамияти, ирода эркинлиги) махсус проблемаларини анализ қилишга уринган. «Мазмунни ифодалаб бўлмаслик» ҳақидаги назарияни илгарн сурган, бу назарияга кўра, билимларимизнинг мазмуни бўлган «бевосита тажриба»ни бошқа кишига билдириш мумкин эмас. Ш. нинг фикрича, фақат «тажрибанинг структур муносабатлари»ни тилда ифодалаш ва бошқа кишига билдириш мумкин. Ш. Карнап ва Нейратнинг *конвенционализмини* танқид қилган.

ШОПЕНГАУЭР Артур (1788—1860)— немис идеалист философи. Берлин ун-тегида дарс берган (1820—32). Ш. нинг «Олам ирода ва тасаввур сифатида» деган асосий асари 1819 йилда чиқди, лекин Ш. 1848 йилги революциядан кейин, халқнинг революцион чиқишидан қўрққан бур-

жуазия реакция йўлига киргач, шуҳрат қозонди. Ш. нинг таъсири империализм даврида айниқса кучайди. Ш. материализм ва диалектиканинг душмани. Илмий дунёқарашга у метафизик идеализмни қарама-қарши қўяди. Кантдан онг белгилайдиган тасаввурлар сифатидаги ҳодисалар идеясини олгач, Ш. билиб бўлмайдиган «нарсга ўзида»ни улоқтириб ташлайди ва оламнинг моҳияти — кўр-кўрона, ақлсиз иродадир, деб даъво қилади. Унинг волюнтаристик идеализми (*Волюнтаризм*)— иррационализм формасидир. Оламда ҳукм сурувчи ирода табиат ва жамиятнинг қонуниятини ва шу билан илмий билишнинг мумкинлигини истисно қилади. Ш. волюнтаризмининг иккинчи хусусияти — тарихий тараққиётни, инкор этишдир. Ш. нинг дунёқарши революцияга ва халққа нафрат билан суғорилган, ниҳоятда пессимистик дунёқарашдир. Ш. эстетик қарашларининг таъсири зўр бўлган. Ш. илгор, реалистик санъатга қарши курашиб, воқеликка нафрат билан қарайдиган ва кишиларнинг ҳаётий манфаатларига эид эстетизмни тартиб қилади. У бадий интуциянинг мақсадсизлигини, пассив, мушоҳадачилигини гоаяй бадий ижодга қарама-қарши қўяди. Ш. философияси *буддизмдан* ўзлаштириб олинган «нирвана» мистик идеали билан, яъни «ҳаётга бўлган ирода»ни сўндирувчи мутлақ осойишталик идеали билан тугалланади.

ШПЕНГЛЕР Освальд (1880—1936)— немис идеалист философи, прусс юнкерлиги идеологи, герман фашизмининг назарий ўтмишдошларидан бири. Гимназия ўқитувчиси бўлган. Ш. нинг тарих философияси баён қилинган асосий асари — «Европа қуёшининг ботиши» (1918—22, 2 томлик) Германия биринчи жаҳон урушида мағлубиятга учрагандан кейин орадан кўп ўтмай босилди қиди ва империализм идеологлари орасида катта муваффақият қозонди. Ш. «қадимги прусс руҳини», монархияни, дворянлар сословиесини ва милитаризмни кўкларга кўтариб мақтайди. Ш. нинг назарида уруш — «олий инсоний бор-

лиқнинг абадий формасидир». Тарихни материалистик тушунишга Ш. *фатализмни* қарама-қарши қўйиб, тарихий тараққиёт тушунчасини инкор этади. Ш. тарихий релятивизм тарафдоридир. У жаҳон тарихий тараққиётнинг қонуниятли бирлигини рад этади. Тарих унда бир қанча мустақил, такрорланмайдиган туташ даврий «маданиятларга», индивидуал тақдирга эга бўлган, тугилиш, равнақ топиш ва ўлиш даврларини кечирадиган алоҳида ўта организмларга бўлинади. Ш. «тарих философияси»нинг вазифасини ҳар бир «маданият»нинг «морфологик структурасини пайқашга элтиб тақайди ва ҳар бир «маданият» замирида «маданиятнинг жони» этади, дейди. Ш. нинг фикрича, 19-асрдан, яъни капитализм галабасидан бошлаб ғарб маданияти тушқунлик даврига кирган: у феодализм даврида равнақ топган. Назарий жиҳатдан Ш. га яқин турган «тарих философияси»ни ҳозирги вақтда инглиз тарихчиси *Тойнби* тарғиб қилмоқда.

ШРЕДИНГЕР Эрвин (1887—1961)—Австрия физиги, Дублин университетининг профессори (1940 йилдан), СССР ФАнинг чет элдик аъзоси (1934 йилдан). Де *Бройль* ғояларини ривожлантириб, тўлған ёки *квант механикасини* яратган. 1926 йилда квант механиканинг асосий (тўлған тенглама деб аталадиган) тенгламасини кашф этди. Ш. нинг етакчи физик ғояси материя тўлқинлари ҳақидаги ғоя эди. У ягона майдон назариясида ва умумлаштирилган тортилиш назариясида материянинг корпускуляр тузиллиш, узлуклиги унинг тўлқин структураси, узлуксизлиги ҳосиласидир, деб исботлашга уринган. Ш. шунингдек статистик физика, биофизика, фан ва философия тарихи билан ҳам қизиққан. Бироқ унинг фалсафий қарашлари энциклопедик. Табиийёт соҳасида стихияли материалист бўлган Ш. сабабиятга, объектив реалликка, қилиш масалаларига позитивистик қарашларни танқид қилган. Айни вақтда бу ва баъзи бошқа масалаларни талқин қилишда унинг ўзи кўпинча позитивизм йўлига тойиб кетган.

ШТИРНЕР Макс (1806—56), Каспар Шмидтнинг тахаллуси — немис идеалист философи, анархик индивидуализмнинг асосчиси, *ёш гегелчиларга* қўшилган. 1845 йилда «Яккою ягона ва унинг мулки» китобини чиқариб, унда *анархизм* системасини ривожлантирган. Ш. нинг фикрича, яккою ягона реаллик — «Мен», эгоистдир, бутун дунё эса унинг мулкидир. Ахлоқ, ҳуқуқ, қонун, жамият ва ш. к. тушунчаларни Ш. улоқтириб ташлайди ва уларни «шарпалар» деб эълон қилди. Ш. бу билан мен индивидуал онгини «ортиқча дахмазадан тозалайман, деб ҳисобларди. Ҳар бир кимсанинг ўзи ахлоқ ва ҳуқуқ манбаидир. Индивидуал учун «мендан аъло нарса йўқ» деган принцип қўлланма бўлмоғи лозим. Ш. нинг фикрича, хусусий мулк сақлаб қолинмоғи лозим, чунки унда «Мен» нинг ўзига хослиги ифодаланади. Ш. нинг ижтимоий идеали «эгоистлар иттифоқи»дир, бу иттифоқда ҳар бир кимса иккинчи кимсани фақат ўз мақсадларига эришиш воситаси деб билади. Ш. тарихни идеялар маҳсули деб қараркан, ҳукмрон тушунчаларни бартараф қилиш йўли билан ижтимоий муносабатларни ўзгартиш мумкин, деб ҳисобларди. Ш. коммунизмга ва пролетариатнинг революцион курашига кескин қарши чиққан эди. Ш. нинг сиртқи «исёнкорлик» шиорлари замирида ўз хўжалигини хонавайронликдан сақлаб қолишга интилувчи майда буржуянинг манфаатлари яшириниб этади. К. Маркс ва Ф. Энгельс «*Немис идеологияси*»да Ш. нинг ақлбозликдан иборат идеализминини ҳар томонлама танқид қилиб, унинг 19-аср ўрталаридаги Германиянинг реал ижтимоий муносабатларидан ажралиб қолганлигини кўрсатдилар.

ШУЛЯТИКОВЧИЛИК — марксизмни қўпол равнишда сийқалаштириш ва вульгарлаштиришнинг синонимини, бу сийқалаштириш синфий жамиятда философия, санъат, адабиёт, табиийёт ривожланишининг мураккаб процессини оддий «синфий манфаат» тушунчасидан иборат қилчи қўяди. «Ш.» термини рус социал-демократи,

адабий танқидчиси В. М. Шулятиков (1872—1912) фамилиясидан келиб чиққан, унинг «Ғарбий Европа философиясида капитализмнинг оқланиши» китоби (1908) ана шундай вульгарлаштиришнинг мисолидир. Бу китобда автор *Богданов* философиясига асосланиб, ҳамма фалсафий система-лар фақат буржуазия манфаатларини назарий оқлашдан иборатдир, шунга кўра улар пролетариатга ётдир ва марксизм улар билан мутлақо алоқа-дор эмасдир, деб исбот қилишга уринган. Шулятиков Декарт, Спиноза, француз материалистлари, Гегель ва Марксдан бурунги бошқа философ-ларнинг фалсафий ғояларидаги объек-

тив ҳақиқатнинг ҳар қандай элемен-тини инкор этган, чунки мазкур идея-ларда «жамиятнинг синфий тузилиши манзараси» берилган. Ш. учун шу нар-са характерлики, у идеологик ҳодиса-ларни бевосита, тўғридан-тўғри ишлаб чиқаришни ташкил этиш формалари-дан келтириб чиқаради, фан, адабиёт, философиянинг нисбий мустақиллиги-ни инкор этади, ҳар қандай фалсафий категория ёки бадний образ учун вульгар тарзда тушуниладиган «син-фий эквивалент» топишга интилади. Ш. ҳозирги замон догматизмининг концепцияларида ҳам кўриниб тура-ди. В. И. Ленин Ш. ни қаттиқ танқид қилган эди (29- т., 459—474- б.).



ЭВДЕМОНИЗМ (грек. eudamonia — роҳат-фароғат, бахт-саодат) — этиканинг *гедонизмга* яқин методологик принципи. Э. антик дунё ахлоқий назарияларидаёқ энг тўлиқ равишда намоён бўлган эди (*Демокрит, Сократ, Аристотель*). Бахтга интилишни Э. ахлоқ-одобнинг мезони ва инсон ахлоқий хатти-ҳаракатининг асоси деб ҳисоблайди, шахсий бахтга интилиш — индивидуалистик Э., ижтимоий бахтга интилиш — социал Э. дейилади. 18-асрдаги француз материалистлари (*Гельвеций, Дидро*) ҳам Э. тарафдори эдилар, улар инсон бахти — ҳар қандай жамиятнинг ва ҳар қандай фойдали инсон фаолиятининг туб мақсади, деб эълон қилган эдилар. Эвдемонистик этика ўз активлиги ва инсонпарварлиги билан христианлик этикасидан беқиёс юқори туради, чунки у охиратда эмас, балки ерда бахтга эришишга даъват этади. Бироқ Э. бахт тушунчасига қандайдир умуминсоний, гайри тарихий маъно беради, ваҳоланки антагонистик синфларга бўлинган жамиятда инсоннинг вазифаси ҳақида ягона бир тасаввур бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Бахт ҳамisha социал шароитга боғлиқдир. Бинобарин, ахлоқ-одобни эвдемонистик асослаш илмий эмасдир.

ЭВКЛИД, ёки **ЕВКЛИД** (эраמידан олдинги 4-аср — 3-асрнинг боши) — қадимги грек математиги, машҳур «Асослар»нинг автори, бу асарда систематик равишда, *аксиоматик методга* мувофиқ қадимги олимларнинг геометрияси ва уларнинг сонлар назарияси баён қилинган. Параллеллар ҳақидаги машҳур постулат (бешинчи постулат) Э. га мансубдир, бу постулат маптийкий жиҳатдан қуйидаги қондига тенгдир: текисликда тўғри чизиқдан ташқарида ётган нуқта орқали яна тўғри чизиқни кесиб ўтмайдиган биттагина тўғри чизиқ ўтказиш мумкин. Ана шу постулатга асосланган

геометрия Эвклид геометрияси деб ном олган. Бешинчи постулатни исботлашга уриниш 19-асрда *нозвклид геометрияни* кашф этишга олиб келди (*Лобачевский*). Э. Платон ва Аристотель философиясининг кучли таъсирини кечирган. Э. нинг «Асослари» дедуктив фаннинг намунаси бўлиб хизмат қилди (*Аксиоматик метод, Спиноза*). Э. геометрияси фазонинг табиати ҳақида баъзи фалсафий хулосалар чиқаришга ва реал фазо ҳақидаги тасаввурларга асос бўлди. Кант фазонинг априорлигини (*априор*) даъво қилганда Э. геометриясини далил қилиб кўрсатган эди. Нозвклид геометриянинг кашф этилиши фазо тушунчасининг априорлигини эътироф этиш асоссиз эканлигини кўрсатди.

ЭВОЛЮЦИОН НАЗАРИЯ — тирик табиатнинг ривожланиши ҳақидаги фан, бу фанни асосан *Дарвин* ишлаб чиққан. Э. н. да кўп йиллик селекция практика натижалари, биология, геология ва палеонтология эришган ютуқлар, Дарвиннинг ўзининг даврий олам саёҳати вақтидаги кузатишлари умумлаштирилган эди. Дарвиннинг фикрича, тирик вужудлар эволюциясининг асосий факторлари ўзгарувчанлик, *ирсият* ва танланшидир (хонаки шароитда сунъий танланиш, табиатда — табиий танланишдир). Яшаш учун кураш жараёнида, ташқи муҳит шароитларининг таъсири натижасида тирик вужудлардан фақат энг мослашганларигина яшаб қолади ва насл беради. Табиий танланиш организмларнинг тузилишини ва функцияларини доимо такомиллаштириб боради, организмларнинг муҳитга мослашувчанлигини таъминлаб туради. Э. н. биологик турларнинг хилма-хиллигини, уларнинг ривожланишини биринчи марта илмий изоҳлаб берди ва ҳозирги замон биологиясига асос бўлди. *Кант, Ламарк, Лайелнинг* табиий илмий назариялари билан бирга Э. н. метафизик тафаккур усулининг асоссизлиги-

ни исбот қилди. Э. н. шунингдек тирик табиатга идеалистик қарашларга ҳам зарба берди ва диалектик-материалистик дунёқарашнинг табиий-тарихий асоси бўлди. *Гексли, Геккель, Россияда — Тимирязев, Мичурин* ва б. Э. н. нинг тарафдорлари ва давомчилари эдилар.

ЭВОЛЮЦИОН ЭТИКА — буржуа этикасида социал-дарвинистик оқим, у ахлоқий натурализм йўлидан ривожланмоқда; бу оқимга *Спенсер* асос солган. 20-асрда Э. э. идеяларини Жульен Хаксли, Кошрад Уоддингтон (Англия), Эдвин Хоулт, Ральф Жерар (АҚШ), Пьер Тейяр де Шарден (Франция) ва б. қаттиқ туриб ҳимоя қиладилар. Э. э. нинг асосий қондалари қуйидагилардан иборат. Инсоннинг ахлоқий хатти-ҳаракати тева-рак-атрофдаги муҳитга мослашши функцияси деб қаралади. Бутун тирик оламни қамраб оладиган тараққиёт процесси (эволюция) ахлоқ-одоб мезони ҳисобланади; бу процесснинг тараққийсига ёрдамлашувчи нарса — яхшиликдир, қаршилик кўрсатувчи нарса эса — ёмонликдир. Ахлоқий тасаввурлар ва тушунчаларни кишилар табиий ва социал ҳодисаларда йўл тутиш учун ишлаб чиқадилар. Жамиятнинг ўзи эса бир турдаги индивидлар табиий ассоциациясининг олий формасидир, холос. Хоулт назариясида шундай далиллар борки, бу далилларни инсондаги ҳайвоний ва биологик асосни уларга жамият томонидан юклаганадиган маҳдудликлардан озод қилишга даъват деб тушуниш мумкин. Тўғри, бундай очниқдан-очиқ антисоциал идеяларни ҳамма эволюционистлар ҳам айта бермайди. Хаксли, Тейяр де Шарден ва яна баъзи олимлар жамиятнинг биологик шарҳлашда жуда эҳтиёт бўлиб иш тутадилар. Уларнинг назарияларида ахлоқ ҳодисаларига *этикадаги логик позитивизм* ва ай-никис *эмотивизм* учун характерли бўлган нигилистик ва формалистик қарашлар танқид қилинади. *Умуман* Э. э. гайри илмий характердадир, чунки жамият ва ахлоқни биологик ҳодисалардан иборат қилиб қўйиш ҳаммиса ўзида антисоциал ва ахлоқ-

сиз хулосаларга олиб келиш имкониятини сақлайди.

ЭВОЛЮЦИЯ ВА РЕВОЛЮЦИЯ (лат. *evolutio* — кенгайиб бориш; *revolutio* — инқилоб, ўзгартиш) — тараққиётнинг чамбарчас боғлиқ томонлари, бу томонлар ҳодисанинг ривожланишида миқдор ўзгаришларининг ўсиб боришига (Э.) ва озми-кўпми тезлик билан юз берадиган сифат ўзгаришига (Р.) мувофиқ келади. Э. ва р. ни диалектик-материалистик тушуниш сийқа эволюционизмнинг (*Спенсер*) метафизик бир ёқламалигини бартараф қилди, чунки сийқа эволюционизм тараққиётни тадрижий миқдор ўзгаришларидан иборат қилиб қўяди ва ўз-ўзича ҳаракатни ва «катастрофизм»ни тушуниш калитини бермайди; «катастрофизм» Р. ни тайёрловчи миқдор ўзгаришлари процессини инкор этади ва буюк шахс продасига (*волюнтаризм*), тасодифга ёки табиатни яратувчига (*Кювве*) таянади. Ҳаракат миқдор тадрижотини ҳам (Э.), унинг узлишини ҳам (Р.) ўз ичига олади. Р. қандайдир ўзбошимчалик билан юзага келмайди, у объектив процессдан иборат, бу процессда энг юқори даражага етган эски зиддиятлар бартараф қилинади, шу асосда пайдо бўлувчи ҳодиса эса янги зиддиятлар тақозоси билан ривожланади. Бинобарин, тараққиёт процессида сифат жиҳатдан янги ҳодисанинг юз беришини сўзда эътироф этиб, пировард натижада диалектик ўз-ўзича ривожланишини инкор этадиган, Р. нинг зарур шароитларини олдинги Э. да кўрмайдиган *эмергент эволюция* назарияси асоссиздир. Р. Э. нинг қонуниятли натижаси эканлигини инкор этиш *ревизионизм* учун ҳам характерлидир, чунки у тараққиётни сийқа эволюциядан иборат қилиб қўяди ва ижтимоий шароитларнинг туб сифат ўзгаришлари моментини ҳисобга олмайди. Марксизм Р. ни пухта тайёрлаш зарурлиги билан ҳисоблашмайдиган ва шароит ва вазиятдан қатъи назар «революция» шюрларини майдонга ташлай берадиган «сўл» оппортунистларга қарши ҳам кураш олиб боради. Р. га эволюцион тайёргарлик моментини

бундай менсимаслик майда буржуача революциябозлик учун характерлидирки, бу ҳол жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида ҳам кўринмоқда. Э. тушунчаси кенг маънода тараққиётни тавсифлаш учун ҳам ишлатиллади (мас., органик олам Э. си) ва бу ҳолда ҳам Э. деганда ҳам миқдор, ҳам сифат ўзгаришларини ўз ичига оладиган ҳаракат тушунилади.

ЭГОИЗМ (лат. ego — мен) — худбинлик, ҳаётий принцип ва ахлоқий сифат, улар инсонни унинг жамиятга ва бошқа кишиларга муносабати нуқтаи назаридан тавсифлайди. Э. шунда ифодаланмадики, инсон ўз хатти-ҳаракатида фақат ўз манфаатларини кўзлаб иш кўради, жамиятнинг ва тева-рак-атрофдагиларнинг манфаатлари билан ҳисоблашмайди. У *индивидуализмнинг* кўринишларидан биридир. Э. хусусий мулкчилик муносабатлари учун жуда характерлидир. Ахлоқий сифат тариқасида Э. инсониятнинг ахлоқий онг тарихида одатда салбий баҳолашиб келган, аммо шуниси ҳам борки, феодал жамиятнинг сословие-иерархиячилик ташкилотига қарши кураш даврида Э. ҳар бир шахснинг бахтга интилиш ҳуқуқини асослашда муайян роль ўйнаган. Капиталистик муносабатлар барқарор бўлгач, Э. ни тарғиб қилувчи назариялар тобора кўпроқ антисоциал йўналиш (*Штирнер*), сўнгра эса реакция мазмун касб этган (*Ницше*), сохта ахлоқий принцип сифатида Э. га онгли ихлосмандлик эса айни *аморализмга* айланиб кетган. Коммунистик ахлоқ Э. нинг ҳар қандай кўринишларини сўзсиз қоралаган ҳолда, унга *коллективизм* ва одамларга, жамиятга онгли хизмат қилиш принципларини қарама-қарши қўяди.

ЭДДИНГТОН Артур Стенли (1882—1944) — инглиз физиги ва астрофизиги, фанни оммалаштирувчи; фалсафий қарашларига кўра *Физик идеализмнинг* таниқли вакили. Асосан кўлдўларнинг ҳаракати ва тузилиши, нисбият назарияси ва космология масалалари билан шуғулланган. *Кант*, *Риссел* ва *логик позитивизм* таъсири остида таркиб топган ўз фалсафий

қарашларини Э. «селектив субъективизм», ёки «структурализм» деб атаган. У физика қонунлари ва константларини тажрибага мурожаат қилмасдан, априор гносеологик мулоҳазалардан келтириб чиқариш мумкин, деб ҳисоблар эди.

ЭЗОТЕРИК ВА ЭКЗОТЕРИК (грек. esoterikos — ички ва exoterikos — ташқи). Фақат хабардор кишилар, мутахассисларгагина тушунарли бўлган идея, назария «эзотерик» термини билан аталган. Унга қарама-қарши ўлароқ, «экзотерик» термини «оммавий», «мутахассиси бўлмаганга ҳам тушунарли» маъносига қўлланилади. Ҳодисаларнинг ички муҳим (эзотерик) ва ташқи (экзотерик) алоқаларини билдириш учун ҳам ишлатилади.

ЭЙНШТЕЙН Альберт (1879—1955) — немис физиги, *нисбият назариясини* ва бир қанча бошқа физика назарияларини яратган олим, бу назариялар фазо, вақт, ҳаракат, модда, ёруғлик ва тортилш ҳақидаги янги тасаввурларга олиб келди. В. И. Ленин Э. ни «табиётнинг буюк ўзгартирувчиси» деб атаган эди. 1905 йилда Э. «броун ҳаракати» назариясини, яъни молекулалар томонидан берилган турткилар таъсири остида суюқликда тортилган кичик жисмлар ҳаракати назариясини ифодалаб берди. Бу назария молекулалар ва уларнинг ҳаракатлари реаллигининг ишончли исботи бўлди. Худди ўша йили Э. ёруғлик зарралари — ёруғлик квантлари, ёки фотонлар ҳақидаги тасаввурни илгари сурди. 1905 йилда Э. нинг махсус нисбият назарияси ҳақидаги биринчи асари эълон қилинди. 1916 йилда Э. умумий нисбият назарияси идеяларини ифодалаб берди. Фашистлар террори Э. ни Германияни ташлаб кетишга мажбур қилди. У Принстонда (АҚШ) истиқомат қила бошлади. 30—40-йилларда Э. фақат гравитацион майдонларнинг эмас, балки бошқа майдонларнинг ҳам табиатини очиб берадиган ягона майдон назариясини яратишга уринди. Ҳазирда Э. фалсафий қарашларига кўра Э. ҳаммадан кўпроқ Спиноза идеяларига

яқин турарди; худонинг борлигини қатъий инкор этиш, ҳар қандай номоддий субстанцияни инкор этиш, оламнинг объективлигига, уни билиш мумкинлигига ва табиатдаги барча процессларнинг сабабий боғлиқлигига ишонш — Э. дунёқарашининг бошланғич принциплари эди. Э. кантча априоризмга ҳамда *Пуанкаре* ва бошқаларнинг илмий ҳақиқатнинг «шартлилиги» ҳақидаги тасаввурларига қарши чиқди. Аввал бошда Э. Махнин қарашларига хайрихоҳлик кўрсатди, лекин сўнгра махнзмга кескин салбий баҳо берди ва 1920 йилда Махнин «аянч философ» деб атади. Э. *логик позитивизмга* ва квант механикани позитивистик талқин қилишга уринишларга ҳам худди шундай салбий назар билан қарарди. Ҳз ижтимоий-сиёсий қарашлари жиҳатида Э. социал ва миллий зулмнинг, милитаризм ва реакциянинг душмани эди, атом энергиясидан уруш мақсадларида фойдаланишга қатъиян қарши чиққан эди.

ЭКВИВАЛЕНТЛИК (тенг қимматлик) (лат. *aequus* — тенг ва *valens*, *valentis* — кучга, қимматга эга) — логикада мулоҳазалар (ҳукмлар, иборалар, формулалар) ўртасидаги муносабат, бу муносабат икки ҳақм бирдай чинлик қимматига эга эканлигини (яъни ҳар иккаласи чин ёки ҳар иккаласи ёлгон эканлигини) ифодалайди. Э. муносабати мантиқий *эквиваленция* операцияси билан боғлиқдир. «Э.» термини кенгроқ маънода тенглик типидagi ҳар хил муносабатларни, яъни рефлексивлик, симметриклик ва транзитивлик хоссаларига эга бўлган муносабатларни билдириш учун ҳам ишлатилади. Геометрик фигураларнинг ўхшашлиги ёки тенг ҳажмлилиги, тўп-ламларнинг тенг қувватлилиги (*Тўп-ламлар назарияси*), бирон-бир системаларнинг изоморфизми (*Изоморфизм ва гомоморфизм*), тўғри чизиқлар ёки текисликларнинг параллеллиги шундай муносабатларнинг инсоли бўлиши мумкин.

ЭКВИВАЛЕНЦИЯ — мантиқий операция, бу операция мазмулли мантиқий хулосаларда ва сўзлашув тили-

да «агар ва фақат агар» типидagi боғловчиларни ишлатишдан иборат; *импликация* ва *конъюнкция* орқали ифодаланadi.

ЭКЗИСТЕНЦИАЛИЗМ — мавжудлик философияси — ҳозирги замон буржуа философиясида иррационалистик йўналиш, бу йўналиш буржуа интеллигенциясининг қарашларига мувофиқ келувчи дунёқараш яратилшига уриниш сифатида (1-жаҳон урушдан кейин Германияда, 2-жаҳон уруши даврида Францияда, 2-жаҳон урушдан кейин бошқа мамлакатларда, шу жумладан АҚШ да пайдо бўлган) Э. нинг гоъвий сарчашмалари — *ҳаёт философияси*, *Гуссерл феноменологияси*, *Кьеркегорнинг диний-мистик таълимоти*дир. Диний Э. (*Марсель Ясперс*, *Бердяев*, *Л. Шестов*, *М. Бубер*) ва атеистик Э. (*Хайдеггер*, *Сартр*, *Камю*, *С. Бовуар*) бор. Э. да буржуа либерализмининг юзаки — оптимистик дунёқараш, буржуа жамиятининг прогрессив ривожланишига ишончи кризисга учраганлиги акс этди, у 20-асрнинг бўронли воқеалари синовларига бардош беролмаган эди. Э. либерал-прогрессистик хом хаёллардан маҳрум бўлган инсон тарихий ҳалокатлар олдида қандай яшай олади? — деган саволни ўз олдига қўйган пессимистик дунёқараш сифатида пайдо бўлди. Э.— Маърифатчилик даври рационализмига, немис классик философиясига ва 19-асрнинг охири—20-асрнинг бошларида кенг тарқалган кантча-позитивистик философияга реакция эди. Экзистенциалистларнинг фикрича, рационал тафаккурнинг асосий белгиси шундан иборатки, у субъект билан объектнинг қарама-қаршилиги принципига асосланади. Бунинг натижасида бугун воқелик, шу жумладан инсон ҳам, рационалист олдида фақат илмий тадқиқот ва амалий манипуляция объекти сифатида намоён бўлади, шунга кўра бундай усул «шахсиз», «қиёфасиз» характерда бўлади. Э., аксинча, шахсдан ташқари, «объектив» илмий философиянинг қарама-қаршилиги сифатида юзга келмоғи лозим. Шундай қилиб, Э. философия билан фанни қарама-қарши қўяди.

Мас., Хайдеггер айтадики, философиянинг предмети «борлиқ»дан иборат бўлмоғи лозим, ваҳоланки, фаннинг предмети «мавжудот»дир. «Мавжудот» деганда эмпирик оламга тааллуқли нарсаларнинг ҳаммаси тушуниладики, бундан борлиқнинг ўзини фарқ қилмоқ зарур. Борлиқ бавосита (фаросат тафаккури орқали эмас) балки фақат бевосита пайқалади, инсонга унинг ўз борлиғи, унинг шахсий мавжудлиги сифатида, яъни *экзистенция* сифатида очилади. Субъект билан объектнинг узвий қисмларга бўлинмаган, фаросат-илмий тафаккурга ҳам, спекулятив тафаккурга ҳам муяссар бўлмайдиган яхлитлиги худди экзистенцияда жо бўлгандир. Кундалик ҳаётида инсон ҳамма вақт ҳам ўзини экзистенция сифатида англай бермайди; бунинг учун инсон *чегара вазияти* да, яъни ўлим олдига турмоғи зарур. Инсон ўзича экзистенция сифатига эга бўлганида биринчи марта ўз эркинлигини ҳам қўлга киритади. Э. га кўра, эркинлик шундан иборатки, инсон табиий ёки социал зарурий таъсири остида шаклланадиган нарса сифатида намоен бўлмастан, балки ўз-ўзини «танлаши», ҳар бир ҳаракати ва иши билан ўзини шакллантириши лозим. Шу билан эркин инсон ҳамма қилган ишлари учун жавобгар бўлади ва «вазиятни баҳона қилиб» ўзини оқламайдиган бўлади. Теварак-атрофда қилинаётган ҳамма ишлар учун айбни сезиш — бу эркин инсоннинг ҳиссиётидир (Бердяев). Экзистенциалистик эркинлик концепциясида конформизм ва мослашувчиликка қарши норозилик ифодаланарди, бундай хислат буржуа мешчани учун характерли бўлиб, у ўзини ғоят улкан бюрократик машинанинг бир винтчаси ҳис қилиб, воқеаларнинг боришида бирон нарсани ўзгартиришга қодир эмаслигини сезарди. Э. нинг тарихда содир бўладиган воқеаларнинг ҳаммаси учун инсоннинг жавобгарлигини доимо таъкидлаб кўрсатишнинг сабаби ҳам шудир. Бирок эркинлики экзистенциалистларча тушуниш субъективистик тушуниш бўлиб қола беради: бу тушунча социал нуқтан назардан эмас, балки соф

ахлоқий нуқтан назардан талқин қилинади. Э. рационал бўлишни, философия иш кўрадиган предметга мувофиқ келмайди, деб рад қиларкан, реаликни бевосита, интуитив пайқаш методини илгари суради ва бунда асосан Гуссерлга (Хайдеггер, Марсель, Сартр), *Дильтейга* (Хайдеггер, Ясперс), қисман *Бергсон* интуитивизмига таянади. Кўп экзистенциалистлар (ўз фаолиятининг кейинги даврида Хайдеггер, Марсель, Камю ва б.) философия ўз билиш методи жиҳатидан фандан кўра санъатга анча яқин туради, деб ҳисоблайдилар. Э. Farb санъати ва адабиётига, улар орқали буржуа зиёлиларининг анча қисмининг кайфиятига бу қадар катта таъсир кўрсатаётганлиги тасодифий эмас. Э. нинг турли вакилларининг социал-сиёсий позициялари бирдай эмасдир.

ЭКЗИСТЕНЦИЯ (лат. *existentia* — мавжудлик) — *экзистенциализмнинг* асосий тушунчаларидан бири, бу тушунча инсон шахсининг борлиқ усулини билдиради. Бу терминни шу маънода биринчи марта *Кьеркегор* ишлатган. Экзистенциалистларнинг фикрича, Э. инсон «Мен»нинг шундай марказий мағзини ташкил этадики, шу туфайли мазкур «Мен» шунчаки айрим эмпирик индивид ва «фикрловчи ақл», яъни ялпи умумий (умуминсоний) бир нарса сифатида эмас, балки худди конкрет такорланмас шахс сифатида майдонга чиқади. Э.— инсоннинг моҳияти эмасдир, чунки, экзистенциалистларнинг (*Сартр*) назариясига кўра, моҳият қандайдир муайян, илгаридан маълум бўлган бир нарсани билдиради. Э. эса, аксинча «очиқ имкониятдир». Э. нинг энг муҳим таърифларидан бири уни объективлаштириб бўлмастлигидир. Инсон ўз қобилияти, билимлари, хунарларини амалий равишда — ташқи предметлар шаклида объективлаштири олади; сўнгра, у ўз психик ишларини, ўз тафаккурини ва ҳ. к. ларни назарий жиҳатдан объективлаштириб, ўзи қараб чиқадиган объектга айлантириши мумкин. Унинг ҳам назарий, ҳам амалий объективлаштиришидан, шу билан унинг билишидан ҳам сирғаниб қола-

дяган ва, шундай қилиб, унинг ҳукмига бўйсунмайдиган бирдан-бир нарса — унинг Э. сидир. Э. ҳақидаги таълимот инсоннинг моҳияти ақлда деб уни рационалистик тушунишга ҳам, уни ижтимоий муносабатлар мажмуи деб марксистларча тушунишга ҳам қарши қаратилгандир.

ЭКЛЕКТИКА (грек. eklego — танлайман) — турли, кўпинча қарама-қарши нуқтаназарлар, фалсафий қарашлар, назарий қоидалар, сиёсий баҳолар ва ш. к. ларни принципсиз аралаштириб юбориш. Чунончи, материализм билан идеализмни қўшишга уринишлар, ёки ревизионистларнинг марксизм билан эмпириокритицизмни, диалектик материализм билан кантичиликни ва ҳ. к. бирга қўшишга интилишлари эклектик интилишлардир. Э. ҳозирги замон буржуа философияси учун ҳам характерлидир. Э.нинг асосий методологик иллати шундан иборатки, у объект в оламдаги алоқалар ва муносабатлар йнфиндисидан предметнинг, ҳодисанинг асосий алоқаларини уларнинг конкрет-тарихий шарт-шароитда ажратиб қарашни билмайди, предметлар ёки ҳодисаларнинг турли томонлари ва хоссаларини нала-партия қўшиб юборди. Амалий фаолият, сиёсат соҳасида Э. хато ва янглишларга олиб боради, чунки воқеалар занжиридан асосий халқани топиб олишга, тарихнинг конкрет даврининг энг актуал вазифаларини ҳал қилиш учун тadbирлар белгилашга ҳалақит беради.

«ЭКОНОМИЗМ» — 19- аср охири — 20- аср бошларида рус социал-демократиясидаги оппортунистик оқим, бу оқим тарафдорлари ишчилар ҳаракатининг вазифаларини фақат иқтисодий кураш билан (меҳнат шароитини яхшилаш, иш ҳақини ошириш ва ҳ. к.) чеклаб қўйишга интилардилар. Улар, сиёсий кураш билан либерал буржуазия шуғулланиши лозим, деб ҳисоблар эдилар. «Экономистлар» ишчилар синфи партиясининг раҳбарлик ролин ва революцион назарияни инкор этиб, ишчилар ҳаракатининг стихиялигини тарғиб қилардилар. *Ревизионизмнинг* кўринишларидан бири

бўлмиш «Э» пролетариатга буржуазия таъсирини ўтказувчи бўлиб хизмат қиларди. «Э» нинг ёйилиши марказлашган пролетар партиясини тузишга ҳалақит берадди. Ленинчи «Искра» газетаси «Э» нинг асосизлигини фош қилиш борасида гоят катта ишлар қилди. В. И. Лениннинг бир қанча асарларида, айниқса «Нима қилмоқ керак?» китобида (1902) «Э» гоёвий жиҳатдан тор-мор қилинган эди.

ЭКОНОМИКА ВА СИЕСАТ. С. — устқурманинг энг муҳим таркбий қисми, муайян жамиятда ҳукморон иқтисодий тузумнинг ифодасидир. Унинг асосий соҳаси синфлар, миллатлар ўртасидаги муносабатлардир, давлат ҳокимиятини амалга оширишдир. С. да ижтимоий синфларнинг манфаатларини ўзининг марказлашган ифодасини топади. Э. га сабабий боғлиқ бўлган С. ўз навбатида унга гоят катта таъсир кўрсатади. Сиёсий ҳокимиятсиз ҳеч қандай синф ўз иқтисодий ҳукморонлигини барқарор қилолмаслиги ёки сақлаб қололмаслиги сабабли С. Э. дан устун туради. Тўғри сиёсий йўл ишлаб чиқилиб, амалга оширила бошлангандан кейин янги жамият қуришда оғирлик маркази Э. ни ташкил этишга, уни бошқариш системаларига кўчирилади. В. И. Ленин «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари» мақоласининг дастлабки вариантда бундай деб ёзган эди: «Эндилликда Совет ҳокимияти олдида биринчи ўринга сурилган давлатни бошқариш вазифаси яна шундай хусусиятдан иборатки, энди сўз ва, эҳтимолки, цивилизацияли халқларнинг энг янги тарихида биринчи марта — шундай бошқариш устида борадики, унда сиёсат эмас, балки экономика устун аҳамиятга эга бўлади» (36- т., 130- б.). Социалистик жамиятда Э. стихияли эмас, балки планли равишда, иқтисодий қонулардан онгли фойдаланиш асосида ривожланади. Социалистик давлатнинг янги хўжалик ташкилотчилиги ва маданий-тарбиячилик функциялари ана шундан келиб чиқади. Коммунизм қурилиши жараёнида бу функцияларнинг аҳамияти тўхтовсиз

ошиб бормоқда. Э. ни бошқариш системасини такомиллаштириш, иқтисодий планлаштиришнинг илмий даражасини ошириш — коммунистик жамият қуришнинг ҳозирги босқичида коммунистик партия С. ининг энг муҳим томонларидан биридир.

ЭКСПЕРИМЕНТ (лат. experimentum) — бирон хилдаги ҳодисаларни уларга актив таъсир кўрсатиш йўли билан тадқиқ қилиш усули, бу усул тадқиқот мақсадларига мувофиқ келадиган янги шарт-шароит яратиш ёрдамида ёки процесс оқимини керакли томонга ўзгартиш орқали амалга оширилади. Э. инсоният ижтимоий-тарихий практикасининг бир томонидир, шунинг учун ҳам билиш манбаи ҳамда гипотезалар ва назариялар чинлигининг критериясидир. Ҳақиқий Э. дан объектга актив таъсир кўрсатишни кўзда тутмайдиган оддий кузатишни, шунингдек «фикрий Э.» ни фарқ қилмоқ керак: «фикрий Э.» дегани шундан иборатки, унда агар баъзи шарт-шароит яратиш имконияти бўлганда фалон хилдаги ҳодисалар қандай ўзгарар эди, деб мантиқий муҳокама юритилади, лекин техникавий ёки бошқа сабабларга кўра бу фикр амалга оширилмай қолади. Э. зарур шарт-шароит яратишни, халақит берувчи ҳамма таъсирлар ва факторларни бартараф этишни, турли воситалар билан объектни қайд этишни ёки ҳодисани сунъий равишда юзага келтиришни, тегишли техника ва мосламаларни татбиқ этиш йўли билан кузатиш ва ўлчаш ишнни ўз ичига олади. Э. ўрганиладиган ҳодисаларни моделлаштиришни ўз ичига олиши мумкин. Фан ва техника ривожланиб бориши билан Э. соҳаси кенгайиб, моддий оламнинг тобора мураккаброқ ҳодисаларини ўз ичига ола беради. Априоризмга қарама-қарши ўлароқ, диалектик материализм Э. да ва кузатишда назарий тасаввурлар манбаини кўради. Бу назарий тасаввурлар тажрибадан тўғридан-тўғри хулоса қилиб чиқарилса, улар Э. билан бевосита боғлиқ бўлади, агар улар натижаларни анализ қилиш асосида илгари бевосита Э. билан аниқланган қонунлар

ва қоидалардан хулоса қилиб чиқарилса, Э. билан бавосита боғлиқ бўлади. Лекин назария Э. маълумотларининг йиғиндисидан иборат бўлмасдан, балки билишнинг сифат жиҳатдан янги босқичидир, Э. да акс эттирилувчи ҳодисалардан моҳията томон, қонунларни тобора чуқурроқ билишга томон қилинадиган ҳаракатдир.

ЭКСПЛИКАЦИЯ (лат. explicatio — изоҳлаш, кенгайтириш). 1. *Изоҳлаш*. 2. Кенгайтириш — процессдир, бу процесс натижасида бирон бирликнинг мазмун очилади, унинг қисмлари эса мустақилликка эга бўлади ва уларни бир-биридан фарқ қилиш мумкин бўлади. «Э.» термини ана шу маънода идеалистик философияда кенг фойдаланилмоқда. Чунончи, *неоплатонизм* да, олам, айрим нарсалар Э. сифатида, мазкур нарсалар дастлаб бирликда мавжуд бўлган худонинг «ўз-ўзини кенгайтириши» сифатида олиб қаралади. *Гегель* воқеликни тушунчанинг ўз таърифларининг хилма-хиллигида ўз-ўзидан кенгайтиши деб қарайди. 3. Одатда расм бўлган, лекин аниқ бўлмаган тушунча ёки тасаввурни аниқ илмий тушунча билан алмаштиришнинг мантиқий-методологик усули. Э. одатда предмет ҳақидаги **гайри** илмий, ёки ҳали ноаниқ илмий билимдан фарқли ўлароқ, илмий назарияларнинг ривожланишида бошлангич тушунчаларнинг ишлаб чиқилиши сифатида юзага келади. Э. *логик семантика*да кенг тарқалган, унда «Э.» термини юқорида кўрсатилган маънога эгадир.

ЭЛАТ — кишилар умумиятининг формаларидан бири бўлиб, бу форма тарихан уруғ-қабилла умумиятидан кейин келади ва ижтимоий жамоа тузуми хусусий мулкчилик муносабатлари билан алмашинган, синфлар пайдо бўлиб, ривожланаётган шароитда турли қабилаларнинг қўшилиши, консолидацияси процессида шаклланади. Э. нинг характерли томонлари шуки, унда илгариги қон-уруғдошлик алоқалари ўрнига территориял умумият, қабилла тиллари ўрнига ягона бир тил вужудга келади ва шу билан бирга бир қанча диалектлар ҳам мавжуд

бўлади. Ҳар бир Э. нинг ўзининг жамловчи номи бўлади, унинг ичида умумий маданият элементлари пайдо бўлади. Э. қўлдорлик тузуми учун ҳам (қадимги миср, қадимги грек ва б. Э.), феодал тузум учун ҳам (қадимги рус, француз ва б. Э.) типик ҳолдир. Капиталистик муносабатларнинг ривожланиши базасида кишилар умумиятининг янги тарихий формаси—*миллат* пайдо бўлади. Лекин капитализм шароитида буржуа муносабатлари билан бир қаторда капитализмдан олдинги муносабатлар сақланиб қолиши сабабли ҳамма Э. лар ҳам миллатларга айлана бермайди. Метрополиаларнинг монополистик капитали зулми остида бўлган мустамлака ва қарам мамлакатларда, одатда, Э. ларнинг миллатларга консолидацияланиш процесси тўққинликка учрайди. Социализм даврида, барча халқларнинг эркин ва ҳар томонлама социал, сиёсий, маданий ривожланиши шароитида, Э. ларнинг социалистик миллатларга айланиши юзага келмоқда. Бироқ Э. этник тузилма сифатида сақланиб қолади. Баъзи социалистик Э. лар асосан жуда кам сонли бўлганлари сабабли социалистик миллатларга айланмайдилар. Социалистик миллатлар ва Э. лар ўз социал табиатига кўра капитализм шароитидаги шу хилдаги этник тузилмалардан тубдан фарқ қиладилар.

ЭЛЕАТЛАР, ёки элейликлар,— эразмиздан олдинги 6—5- асрлардаги қадимги грек философия мактаби, Элей шаҳрида (Жанубий Италия) пайдо бўлган; бу мактаб ривожлана борган сари Э. философиясига хос идеалистик тенденция ҳам кучая борган. *Ксенофан*, *Парменид*, *Зенон* (элеат) ва Самос оролидаги Мелисс (эразмиздан олдинги 5-аср) мазкур мактабнинг асосий вакиллари бўлганлар. *Милет мактаби* ва *Гераклитнинг* нарсаларнинг ўзгарувчан бош асоси ҳақидаги стихийли-диалектик қарашга қарши элей мактаби чин борлиқнинг ўзгармас маҳияти ва кўзга кўринувчи барча ўзгаришлар ва тафовутларнинг хаёлий эканлиги ҳақидаги таълимотни илгари сурган. Бу қоида билишнинг

асослари бўлмиш ҳиссий тажрибани камситишга олиб келган ва кейинчалик *Платон* идеализмининг манбаларидан бири бўлиб хизмат қилган. Э. нинг диалектикага қарши далиллари (айниқса *Зенон апорийлари*) уларнинг метафизик характерда бўлишига қарамай, диалектиканинг кейинги ривожланишида ижобий роль ўйнаган: улар, ҳаракатнинг зиддиятли характерини мантиқий тушунчаларда қандай ифодаламоқ керак, деган проблемани кескин ўртага қўйганлар.

ЭЛЕМЕНТ (лат. *elementum* — унсур, дастлабки модда)— материянинг бирламчи зарраларини билдирувчи тушунча, моддий оламдаги предметларнинг хилма-хиллиги ана шу зарраларнинг турли хил қўшиливида, комбинацияларидан таркиб топади. Э. тушунчаси табиатни тарихий билиш процессида заруран пайдо бўлади ва материянинг тузилиши ҳақида инсон билимларининг даражасини акс эттиради. Илм-фан ривожланиб бориши билан бу тушунчанинг мазмуни ўзгариб ва бойиб боради. Қадимги грек философлари оламнинг ягона Э. и деб ё сувни (*Фалес*), ё ҳавонни (*Анаксимен*), ёки оловни (*Гераклит*) эътироф этардилар. Антик философлардан *Демокрит*, кейинчалик *Эпикур* материянинг энг майда, бўлинас зарралари сифатида атомлар ҳақидаги таълимотни илгари сурдилар. Материя ҳақидаги таълимотнинг ривожланишида табиатуслосларнинг материянинг энг оддий Э. ларини топишга интилиши билан материянинг бениҳоялиги ва битмас-туганмаслиги сабабли табиатда бундай элементлар йўқлиги ўртада ҳамшира зиддият бўлган. 19-асрнинг охирида қилинган буюк табиий-илмий кашфиётлар материянинг бирламчи ва структурасиз зарралари мавжудлиги ҳақидаги ҳукмон тасавурларга путур етказди. Ҳозирги замон физикаси электронлар, нейтронлар ва бошқа «элементлар» зарраларнинг тузилиши мураккаблигини исбот қилди ва шу билан, табиат (материя)да энг оддий, бўлинас Э. лар йўқ, деган диалектик-материалистик қарашни тасдиқлади. «Атом сингарии,

электрон ҳам бениҳоядир, табиат ҳексиздир...» (В. И. Ленин, 18-т., 311-б.).

«ЭЛЕМЕНТАР» ЗАРРАЛАР (элементарные) частицы) — ҳозирги вақтда маълум бўлган энг оддий микро-объектлар, улар маълум бўлган барча жараёнларда бир бутун сифатида ўзаро таъсир қилишади. Стабил «Э.» з. га гравитонлар (гравитацион майдоннинг гипотетик квантлари), фотонлар, нейтрино, антинейтрино, электронлар, позитронлар, протонлар, антипротонлар ва б. киради. Эркин ҳолатда стабил зарраларга қуйидагилар парчаланadi: турли массалардаги мезонлар, антинейтронлар, гиперонлар ва антигиперонлар. Ҳозирги вақтда «Э.» з. нинг 200 дан ошiq хилма-хил кўринишлари маълумдир, бунга кўндан-кўп резонанслар ҳам киради. Деярли ҳар бир «Э.» з. га ўзининг антизарраси мувофиқ келади, бу антизарра худди ўшандай массага, спинга ва ҳаёт кечирish вақтига эга, лекин унда қарама-қарши электр заряди, магнит моменти, галатилик ва б. хоссалар бордир. «Э.» з. олам биносининг сўнгги «ғиштчалари» эмас. Материя битмас-туганмасдир, бинобарин, унинг тузилишининг ҳар қандай даражаси мураккаб структурага эгадир ва уларга оламнинг энг оддий бўлинмас элементлари деб қараш мумкин эмасдир. «Атом сингари, электрон ҳам битмас-туганмасдир» (Ленин). «Э.» з. га битмас-туганмас хилма-хил хусусиятлар ва ўзаро таъсирлар хос, уларни моддий майдонлардан ажратиб бўлмайди, чунки бу майдонлар уларнинг структурасига узвий равишда киради. Майдонлар билан чамбарчас алоқадорлиги туфайли «Э.» з. айни бир вақтда корпускулар ва тўлқин хоссаларига эгадир. «Э.» з. нинг энг муҳим хусусияти уларнинг ўзаро бир-бирига айланишидир, яъни беқарор зарраларнинг емирилиши, зарралар ва антизарраларнинг фотонларга ва б. «Э.» з. га айланишидир. Буларнинг ҳаммаси уларда фавқулодда мураккаб структура мавжудлигидан далолат беради. Зарралар емирилишининг ҳамма процессларини механик системанинг тар-

кибий элементларга, яъни гўё тайёр шаклда системага жо бўлган таркибий элементларга бўлиниб-бузилиб кетиши деб қараш ярамайди. Бу «Э.» з. нинг сифат жиҳатдан бир формадан иккинчи формага айланишидир, бу айланиш худди ўша мураккаблик даражасидаги янги зарраларнинг туғилиши билан боғлиқдир. Бир-бири билан ва турли майдонлар билан доимо ўзаро таъсир қилиб туриш туфайли, «Э.» з. узлуксиз ички ўзгарish — айланишларни кечириб туради, бинобарин, уларнинг хоссалари вақт ичида статистик ўртача хоссалардир. «Э.» з. нинг физикада ҳозирги замонда қилинаётган назарий ва экспериментал тадқиқотлари уларнинг ўзига хос структурасини аниқлашга ҳамда «Э.» з. хоссаларининг турли маълумларини, уларнинг ўзаро таъсирлари ва бир-бирига айланишларини аниқлашга имкон берадиган қонуиларни очишга қаратилгандир.

ЭЛИДА-ЭРЕТРИЯ МАКТАБИ — соқратча мактаблардан бири, у эра-миздан олдинги 4—3-асрларда мавжуд бўлган. *Соқратнинг* сеvimли шогирди (Платоннинг айтишича) элидалик Федон унга асос солган. Кейинчалик Менедем (Стилпоннинг шогирди) бу мактабни Эретриятга кўчирган. Бу мактаб асарларининг асл нусхалари сақланиб қолмаган. Бу мактаб ҳақида асосан *Цицерон* ва *Диоген Лайртий* асарлари маълумот беради. Ўз ўйналишига кўра, бу мактаб *мегара мактабига* жуда яқиндир. Э.-э. м. тарафдорлари асосан этика масалалари билан шуғулланганлик. Менедемнинг айтишича, хилма-хил фазилатлар ўз асоси жиҳатидан бирдир ва шунинг учун улар бир эзгуликка бориб тақалади, у ҳам бўлса ақл билан пайқаладиган ҳақиқатдан иборат. Нарсаларнинг умумий хоссалари мустақил суратда мавжуд бўлмайди, балки улар фақат айрим конкрет нарсалардагина юз беради, деган фикрни ҳам Менедем айтган. Анхидий, Асклепид — Э.-э. м. нинг б. вакиллари-дирлар.

ЭМЕРЖЕНТ ЭВОЛЮЦИЯ (лат. emergere — юз бермоқ, пайдо бўлмоқ,

юзага чиқмоқ) — идеалистик тараққиёт назарияси. Ҳозирги замон инглиз-америка буржуа философиясида, айниқса *норреализм* вакиллари орасида тарқалган. *Александр*, К. Ллойд-Морган, Ч. Д. Бруд унинг асосий вакилларидирлар. Э. э. назарияси 20-асрнинг 20-йилларида материалистик диалектика зиддига пайдо бўлди. Унинг мақсади — тараққиётнинг сакрашсимонлигини, янгиликнинг пайдо бўлишини идеалистларча талқин қилишир. Э. э. нинг назариячилари ўзгариш процессларига иррационал, мантикий пайқаб бўлмайдиган нашлар деб қарайдилар ва пировард натижада худонн эътироф қилишга келадилар. Бу назария табиий ва тарихий қонуниятни ҳамда тараққиёт процессида ўзгаришнинг миқдор босқичининг ролини инкор этишга олиб келади. Ллойд-Морганнинг фикрича, бутун табиатга жон ато қилинган: психик ҳолатсиз физик ҳолат йўқдир. *Александр* табиатнинг бош асосини номоддий «макон-замон»дан иборат деб эълон қилади, унга нисбатан материя ҳосила нарсадир, деб даъво қилади. Унинг назарида номоддий «кнукта-ментлар» табиатнинг бош элементлари бўлиб хизмат қиладилар. Бруд тўғридан-тўғри *витализмни* ва руҳнинг жисмдан жисмга кўчиб юришини ҳимоя қилади.

ЭМЕРСОН Ралф Уолдо (1803—82) — америка философи, публицист ва шоир. *Трансценденталистларнинг* бошлиғи. Э. нинг назарий қарашлари зиддиятлидир. Унга *Плагон*, *Гёте*, *Карлейль* ва инглиз романтик шоири У. Вордсворт катта таъсир кўрсатган. Э. нинг фикрича, философиянинг «абдий проблемаси» руҳ билан материя муносабатидан иборат. Э. бу масалани идеалистларча ҳал қилади: «Табиат руҳнинг симболидир», дейди у. Борлиқнинг олий синтетик принци — олий руҳ, худодир. Гносеологияда эса Э. *интуитивизмга* яқиндир: мушоҳада, сўнгра интуиция ва экстаз нарсалар моҳиятини пайқашнинг энг яхши усулларидир. Дунёда ҳамма жойда гўзаллик ҳозирдир: унинг асосий белгилари уйғунлик, мукам-

маллик ва, руҳийликдан иборат. «Гўзаллиқни яратиш — санъатдир». Э. нинг фикрича, тарихда ҳал қилувчи ролни буюк кишилар ўйнайдилар (ва умуман айтганда, «ҳамма чуқур пайқашлар индивидуализмга муяссар бўлади»); буюк кишилар жаҳият тараққиётига кўмаклашадилар, бу тараққиёт эса шахснинг ахлоқий камолотидан иборат. Э., «ер юзида бойлар билан камбағаллар ўртасида манфаатларнинг абадий кураши ва антагонизми ҳукм суради», дер эди; унинг меҳримуҳаббати камбағаллар томонида эди. Э. нинг социал идеали — меҳнатга ва хусусий мулкни адолатли тақсимлашга асосланган яли роҳат-фароғат ва тенглик тўғрисидаги утопик орзудан иборат эди. Э. буржуа тузумни танқид қилган, АҚШ даги қўлликка ва босқинчилик урушларига қарши чиққан эди. «Ҳозирги демократиянинг, — деб ёзган эди у, — демократик асос билан ҳеч қандай алоқаси йўқдир. Савдогарлик руҳи мағиз мағизга сингиб кетган бу демократия ҳалокатга маҳкумдир». Э. умрининг охирида мистицизмга мойил бўлиб кетди. Асосий асарлари: «Табиат» (1835), «Тажрибалар» (1841, 1844), «Инсониятнинг намояндалари». (1850).

ЭМОТИВИЗМ (лат. *emovere* — ҳаяжонлантирмоқ, тўлқинлантирмоқ) — субъективистик буржуа ахлоқ назарияси, унда этикадаги *логик позитивизм* методологияси энг изчил сурагда татбиқ этилган эди. *Айер*, *Карнан*, *Рейхенбах*, Чарлз Стивенсон унинг асосий вакилларидир. Эмотивистлар ахлоқий муҳокамалар ва терминларни тадқиқ қилганларида уларнинг бевоқиф тажрибавий текширишга (*Верификациялаштириш принци*) бўйин бермаслигини аниқлагач, бу муҳокамалар ва терминларда ҳеч қандай информация йўқ, улар маъно-мазмундан маҳрум, шунинг учун улар чин ҳам, ёлгон ҳам эмасдирлар, деган хулосага келганлар. Ахлоқий мулоҳазаларнинг маъноси соф «эмотив» характерга эгадир, яъни у гўё фақат сўзловчининг ҳаяжонларини ифодалаш ва тингловчини ҳам худди шундай ҳая-

жонга солиб, тегишинча ҳаракат қилдириш учун хизмат қилар эмши. Энинг нуқтан назарича, кишиларнинг турлича ахлоқий позициялари ҳам худди турлича индивидуал ва группавий эмоциялардан иборатдир. Бундан шундай хулоса чиқариладики, ахлоқда қандай нуқтан назарга амал қилиш ҳар бир кимсанинг ўз ихтиёридадир, қарама-қарши маслақлар мантқиқий жиҳатдан бир-бирига зид келмайди, шунинг учун маслақларнинг баъзиларини исботлаб, баъзиларини рад этиш рационал йўл билан эмас, балки беихтиёр уқтиришнинг психологик йўли билан амалга оширилади. Э. ахлоқнинг ўта нигилистик ва скептик назариясидир. Бу назария ахлоқий позицияни танлашда индивиднинг мутлақ эркинлигини асослаб беришга уриниб, аслида хатти-ҳаракатда ва ахлоқий эътиқодларда ўзбошимчаликни оқлайди ва айни вақтда индивидни ҳақиқатан мустақил ва онгли равишда ахлоқий позицияни танлаш қобилиятидан маҳрум қилади.

ЭМПЕДОКЛ агригентлик (Агригент — Сицилия оролида) (эраמידан олдинги тах. 483—23) — қадимги грек материалист философи, қулдорлик демократияси идеологичи. Э. узининг «Табиат ҳақида»ги фалсафий поэмасида нарсаларнинг бутун хилма-хиллигини тўрт «илдиз»га: туپроқ, сув, ҳаво ва оловга элтиб тақайди. Табиатнинг тўрт элементи (ёки тўрт унсури) ҳақидаги бу таълимот кўп асрлар давомида антик ва ўрта аср философиясида сақланиб келди. Элементларнинг бирлашуви ва бўлинишини Э. бир-бирига қарши курашувчи икки кучнинг: тортиш ва итариш («дўстлик» ва «душманлик»)нинг ҳаракати билан изоҳларди. У ёки бошқа кучнинг устун келиши коинот тараққиётининг турли босқичларини билдиради. Э.нинг кўпроқ ҳаётга қобил қўшилмаларнинг табиий танланиши натижасида тирик вужудларнинг қонуниятли эволюцияси ҳақида айтган фарази катта тарихий аҳамиятга эга эди.

ЭМПИРИЗМ (грек. *empeiria* — тажриба) — билиш назариясидаги таъли-

мот, бу таълимот ҳиссий тажрибани билимларнинг бирдан-бир манбаи деб ҳисоблайди, бутун билим тажрибада ва тажриба воситаси билан асосланади, деб тасдиқлайди. Идеалистик Э. (Беркли, Юм, Мах, Авенариус, Богданов, ҳозирги замон логик эмпиризми ва ҳ. к.) тажрибани сезгилар ёки тасаввурлар мажмуи билан чеклаб, тажриба асосида объектив олам борлигини инкор этади. Материалистик Э. (Ф. Бэкон, Гоббс, Локк, 18-асрдаги француз материализми) ҳиссий тажрибанинг манбаи объектив мавжуд бўлган ташқи оламдир, деб ҳисоблайди. Бироқ Э. билан рационализм ўртасидаги қарама-қаршилик билимнинг келиб чиқиши ёки манбаи тўғрисидаги масаладан иборат эмас: баъзи рационалистлар, илгари сезгиларда бўлмаган нарса ақлда ҳам бўлмайди, деган фикрга қўшиладилар. Бундаги келишмовчиликнинг асосий нуқтаси шундан иборатки, Э. билимларнинг умумий ва зарурий харақтерини ақлнинг ўзидан эмас, балки тажрибадан келтириб чиқаради. Баъзи эмпириклар (мас., Гоббс, Юм) рационализм тасири остида тажриба билимга зарур ва умумий маъно беришга қодир эмас, деган хулосага келганлар. Э. нинг маҳдудлиги — ҳиссий билишнинг, тажрибанинг ролини метафизик тарзда ошириб юборишдан ва билишда илмий абстракциялар ва назарияларнинг ролига етарли баҳо бермасликдан, тафаккурнинг актив ролини ва нисбий мустақиллигини инкор этишдан иборат. Бу камчиликларни марксистик философия билиш назариясининг ҳамма масалаларига диалектика, практика позицияларидан қарashi тўғрисида бартараф қилди (Билиш, Назария ва практика, Мушоҳадачилик).

ЭМПИРИК СОЦИОЛОГИЯ — ҳозирги замон буржуа социологиясида етакчи йўналишлардан бири, бу йўналиш социологик тадқиқотлардаги асосий нарсани жамият ҳаётининг айрим томонларини тасвирлашдан иборат деб билади. Э. с. иккинчи жаҳон уруши даврида ва айниқса ундан кейин

бошлича АҚШ да кенг тарқалди (Ландберг, Додд, Мэйо ва б.). *Конкрет социологик тадқиқотлар* йўли билан айрим социал ҳодисаларни ўрганиш жамиятни қонуният асосида ривожланаётган бир бугун деб қаровчи илмий назарияга таъмин қадирдагина жиддий илмий аҳамиятга эга бўлади. Лекин Э. с. вакиллари жамият тараққиётининг объектив қонуналарини рад этадилар, социал ҳодисаларнинг моҳиятига киришдан бош тортадилар ва кўпинча жамиятни тарқоқ социал ҳодисаларнинг механик бириктиришдан иборат деб қараб, бу ҳодисаларни шунчаки тасвирлаб, санаб чиқиш, турли факторлар ўртасидаги нисбатларни тадқиқ қилиш билан чекланадилар. Э. с. методикаси — анкеталар, интервьюлар, статистик материаллар, математик аппаратдан (мас., *тўпламлар* назарияси, ўйинлар назарияси) фойдаланишдан иборат. Лекин бу методларнинг ҳаммаси ишончли методологик асоссиз — умуман ижтимоий процесснинг илмий назариясисиз татиқ этилади. Э. с. учун шу нарса характерлики, унда умумий фалсафий асос йўқдир, у социал тадқиқотларни ниҳоятда табақалаштириб юборган, бу эса бир-биридан узилган турли тармоқларнинг ташкил топишига олиб келган (шаҳар социологияси, қишлоқ социологияси, оила социологияси, индустриал социология, алкоголизм социологияси, реклама социологияси, оммавий коммуникациялар социологияси ва ҳ.к.). Э. с. тадқиқотлари давлат-монополистик капитализм манфаатларига тобора кўпроқ бўйсунмоқда, корпорациялар, ҳукумат ва ҳарбий доиралар улардан эксплуатацияни ниқоблаш ва куचाйтириш, фойдани кўпайтириш, урушга тайёрлашни учун фойдаланмоқдалар. Э. с. жамиятга тарихий нуқтан назардан қарашни рад этиб, ўз этиборини яқка-яқка хусусий ижтимоий ҳодисалар ва фактларни, методиканинг тор масалаларини тадқиқ қилишга қаратиб, ижтимоий тараққиётнинг муҳим проблемаларини илмий изоҳлаб беришга ва ҳал этишга ожизлик қилмоқда.

ЭМПИРИОКРИТИЦИЗМ («тажрибани танқид»), ёки маҳизм — *Авенариус* ва *Мах* асос солган субъектив-идеалистик оқим. Э. «тафаккурни тежаш»ни билишнинг асосий қонуни ҳисоблаб, тажриба тушунчасини материя (субстанция), зарурият, сабабият ва ҳ. к. тушунчалардан «тозалайди», гўё улар тажрибага сиртдан қонунсиз киритилган «априор апперцепциялар» (фаросат тушунчалари) эмиш. Натижада Э. олам «бетараф элементлар» ёки сезгилар мажмуидир, деган тасаввурни илгари суради, *Принципиал координация*, яъни субъект билан объектнинг чамбарчас алоқадорлиги ҳақидаги таълимотни киритиш билан Э. субъектив идеализм системасига айланиб кетади. Э. беркйиличилик ва юмизмнинг философиясида бетарафлик талаби билан ниқобланган ҳолда қайта бунёд этилишидир. Э. шунингдек физикадаги кризис билан, *физик идеализм* мактаби билан ҳам боғлиқ эди. В. И. Ленин «*Материализм ва эмпириокритицизм*» асарида Э. ни танқид қилиб, бу фалсафий оқимнинг реакцион социал ролини, унинг *фидеизм* билан алоқасини очиб ташлади. Э. *позитивизм*нинг кўринишларидан бири («иккинчи позитивизм») сифатида юзага келди. Авенариус ва Мах билан бир қаторда И. Петцольдт, Ф. Карстаньен, Р. Вилли, Ф. Адлер, Богданов, В. Базаров ва б. Э. га мансуб эдилар. *Неопозитивизм* Э. нинг (антиметафизик) талимотининг давоми бўлиб қолди.

ЭМПИРИОМОНИЗМ (грек. *empeiria* — тажриба ва *monos* — ягона) — *Богданов эмпириокритицизм*, маҳизмнинг кўринишларидан бири бўлмиш ўз философиясини шундай деб атаган. Э. *Мах*нинг тажриба элементларининг (яъни сезгиларнинг) бетарафлиги ҳақидаги субъектив-идеалистик тушунчасига асосланган. Богдановнинг фикрича, *Авенариус* ва *Мах*нинг философияси дуалистик философиядир (*Дуализм*), чуқки у фақат индивидуал тажриба асосида қурилган бўлиб, тажриба элементларининг психик ва физик қаторларини ўзига хос, автоном қаторлар деб эътироф этади,

ваҳоланки бу тажрибага монистик шарҳ бермоқ зарур; богдановча «Э.» назариясининг номи ана шундан келиб чиққан. Э. нуқтаи назарича, ҳамма нарса бирор тарзда уюшган тажрибадир (бунда тажриба «бетараф» ҳиссий маълумотлар мажмуи деб идеалистларча тушунлади). Шу билан бирга физик олам коллектив ва социал тарзда уюшган тажрибадир, психик ҳолат эса мазкур коллектив тажрибанинг «бўлинмас қисми»ни ташкил этиш билан бирга индивидуал тарзда уюшган тажрибадир. «Тажрибанинг ягона дунёси,— дейди Богданов,— ягона билиш учун мазмун сифатида юзага келади. Бу эмпириомонизмдир» («Эмпириомонизм», I китоб, 1908, 52- б.). Қолган проблемаларни ҳал қилиш ана шу қондалардан келиб чиқади: Э. га кўра, объективлик умумқимматликка тенгдир, сабабият, макон ва замон тажрибанинг социал уюшқоқлигини ифодалайди, ҳақиқатни тушунишда Богданов *релятивизмга* мойил эди, унинг фикрича, ҳақиқат — «тажрибанинг жонли уюштирувчи формасидир», инсон — бевосита кечинмалар комплексидир ва ҳ. к. *Энергетизм* нуқтаи назаридан психикани анализ қилишда Э. психик хилланишга (организмнинг муҳитга биологик мослашувчанлигига) ва оламлаш методига катта аҳамият беради. Бу метод номатлум физик ёки физиологик факт ўрнига ҳамиша психик фактни ва аксинча қўйиш, яъни моддийликни идеявийликдан иборат қилиб қўйиш мумкинлигини билдиради. Э. ижтимоий борлиқни ижтимоий онг билан бирдай қилиб қўйиб, тарихдаги идеализмни ҳимоя қилади. Лениннинг «*Материализм ва эмпириокритицизм*»ида, шунингдек Плеханов асарларида Э. танқид қилинган.

ЭМПИРИОСИМВОЛИЗМ (грек. *empeiria* — тажриба ва *symbolon* — шартли белги, символ) — идеалист Юшкевич *эмпириокритицизм*нинг бир кўриниши бўлган ўз философиясини шу термин билан атаган. Э. нинг, тушунчалар (ҳақиқат, борлиқ, моҳият ва ҳ. к.) фақат ўзбошимча символлар-

дан иборат бўлиб, ҳеч қандай реалликини акс эттирмайди, деган асосий идеяни Юшкевич *Пуанкаре* ва *Махдан* олган (чунки Мах, мас., материяни атиги мантиқий символ деб ҳисобларди). Юшкевич махистларнинг «Марксизм философиясига оид очерклар» деган тўпламида босилган «Ҳозирги замон энергетикаси» мақоласида (1908) ва «Материализм ва танқидий реализм» китобида (1908) объектив олам эмпириосимволлар (яъни идеалистларча талқин қилинувчи тажриба символлари) мажмуидан иборат, уларнинг вазифаси коллектив инсон онгининг «бирламчи маълумотларини» системалаштиришдир, деб исботлашга уринган. Юшкевичнинг фикрича, символиканинг бирон-бир системасини танлаш тажрибани шарҳлашнинг қулайлиги тақозоси билан бажарилади. В. И. Ленин «*Материализм ва эмпириокритицизм*»да Э.— субъективни идеализм, унинг назарича, ташқи олам ва унинг қонунлари инсоннинг билувчиллик қобилиятининг символларидир, холос, деб кўрсатган эди.

ЭНГЕЛЬС Фридрих (1820—95) — пролетариатнинг йўлбошчиси ва устози, у К. Маркс билан ҳамўстликда марксистик таълимотни, илмий коммунизм назариясини, диалектик ва тарихий материализм философиясини яратди. Бармен шаҳрида (Германия) туғилган. Э. ёшлигидан бошлабқоқ мавжуд ижтимоий муносабатларни ўзгартиш учун курашда қатнашишга интилган. 1841 йилнинг кузидан Берлинда ҳарбий хизматни ўтаб, бўш вақтларида ун-тетда лекциялар тинглаган. *Еш гегелчиларнинг* сўл қанотига қўшилган. Шу даврда Э. Шеллингнинг реакция мистик идеяларини ёрқин ва чуқур танқид қилиб чиқди («Шеллинг ва каромат», 1842, ва б.). Аини вақтда у Гегелни ҳам консерватив хулосалари ва идеалистик диалектикасининг зиддиятлари учун танқид қилган. Э. нинг назарий қарашларидаги ҳақиқий бурилиш эса отасининг қатъий талаби билан коммерцияни ўрганиш учун Англияга келгандан кейин содир бўлган. Уша вақтда энг ривожланган капиталистик мамлакат-

даги ишчилар синфи ҳаёти билан туқнаш келгач, Э. пролетарларнинг чидаб бўлмаш иқтисодий аҳволининг сабаблари, уларнинг сиёсий ҳуқуқсизлиги устида чуқур ўйлайди, улар идеологиясининг чартистлар ҳаракати давомида капиталистлар ҳокимиятдан ўз ихтиёрлари билан воз кечишлари ҳақидаги утопик хаёллари билан бирга очилган камчиликларини ўрганadi. Бунинг натижасида «Сиёсий иқтисод танқидига доир хомаки ёзувлар» асари (1844) пайдо бўлади, бу асарни Маркс иқтисодий категорияларни танқид қилишнинг дохёна шарҳи деб атаган эди. Ундан кейин «Англияда ишчилар синфининг аҳволи» асари майдонга келади (1845 йилда босилиб чиқди). Бу асарларида Э. пролетариатнинг тарихий вазифасини илмий асослаб берди, пролетариат фақат азоб тортувчи эмас, балки ўз озодлиги учун курашувчи синф ҳам эканлигини биринчи бўлиб кўрсатиб берди. Англияда Э. социалиста айланади. Кўп ўтмай у Англияни тарк этиб, 1844 йилда Парижда Маркс билан шахсан учрашади. Бу учрашув икки буюк мутафаккирнинг қалин дўст бўлишига асос солди, идеяларнинг ва пролетариатни капиталистик қуликдан озод қилиш учун амалий курашнинг муштараклиги уларнинг бу дўстлигига дастур бўлди. Маркс ва Энгельс томонидан 1844—46 йилларда ёзилган «Авлиёлар оиласи» ва «Немис идеологияси» асарлари ўша вақтда ҳукмрон бўлган Гегель, Фейербах ва улар шогирдларининг фалсафий қарашларини танқидий қайтадан фикрдан ўтказишга, диалектик ва тарихий материализм асосларини ишлаб чиқишга бағишланган. Шу билан бир қаторда Маркс ва Энгельс коммунистлар Союзини ташкил қилиш юзасидан гоят катта амалий иш олиб бордилар, бу Союз ўсиб кейин пролетариатнинг революцион партиясига айланди. 1847 йилда Э. Союзнинг программаси лойиҳаси «Коммунизм принциплари»ни ёзади ва унинг асосида сўнгра «Коммунистик партия манифести» яратилди (1848), бу «Манифест» яхлит марксистик таълимот, ишчилар синфининг

илмий идеологияси вужудга келганлигини бутун жаҳонга эълон қилди. Э. нинг журналистик фаолияти пролетар кураш назариясини пропаганда қилишда ва демократик кучларни жипслаштиришда катта роль ўйнади. 1848—49 йилларда Германияда юз берган воқеаларда Э. жанговар сабоқ олади ва революцион қўшинлар томонида туриб шахсан жанг қилади. Революция мағлуб бўлгандан кейин у ватанпарварларнинг сўнги отрядлари билан бирга ватанни тарк этади. Сўнги йилларда, муҳожирликда яшаб турганида, у немис революцияси тажрибасини «Германияда деҳқонлар уруши», «Германияда революция ва контрреволюция» асарларида умумлаштириб, деҳқонларнинг пролетариатнинг иттифоқчиси сифатидаги ролини очиб беради ва буржуазиянинг хонлигини фош қилади. Э. Англияга боргач (Маркс ҳам у ерда истиқомат қиларди), ишчилар ҳаракатида, I Интернационални тузишда ҳамда майда буржуа оппортунистик ва анархистик қарашларга қарши курашда қатнашади. Шу вақтдан бошлаб Э. қирқ йил давомида Марксга «Капитал» устида ишлашда ҳар томонлама ёрдам кўрсатади, ўзининг буюк дўсти вафотидан кейин эса «Капитал»нинг иккинчи ва учинчи томлари устида гоят катта тадқиқот иши олиб боради, уларни ўзи нашр этади. Маркс асосий эътиборини «Капитал» устида ишлашга қаратган чоқда Э. диалектик ва тарихий материализмни ҳар томонлама асослаш ва ривожлантириш устида ишлашни давом эттиради. Унинг марксизм философиясини асослашга қўшган ҳиссаси улкандир. Э. нинг «*Людвиг Фейербах ва немис классик философиясининг охири*», «*Анти-Дюринг*», «*Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши*» ва бошқа асарлари ҳозирги вақтга қадар марксистик философия моҳияти ва аҳамиятининг классик баёни бўлиб қолмоқда. Диалектик материализм идеяларини табиёт илмига татбиқ этишда Э. нинг хизмати айниқса каттадир. Э. «*Людвиг Фейербах...*», «*Анти-Дюринг*» ва айниқса «*Табиат диалектикаси*» китобларида

айтган фикрлар, ғояларнинг чуқур маъносига фақат кўп ўн йиллар ўтгандан кейингина тушунила бошланди. 20-асрда фаннинг кўп фундаментал кашфиётларини, асда, Энгельс олдиндан айтган эди (мас., материя билан ҳаракатнинг чамбарчас боғлиқлиги ҳақидаги тасаввур ва бу билан боғлиқ бўлган макон ва замоннинг бирлиги ҳақидаги таълимот; материя формаларининг битмас-туганмаслиги ва атомнинг мураккаб тузилиши ҳақидаги таълимот; коннотнинг «киссиқлиқ ўлими» назариясини танқид қилиш; ҳаёт — анорганик табиат ривожининг муайян босқичида пайдо бўлган материянинг ҳаракат формаси эканлиги ҳақидаги таълимот ва ҳ. к.). Ҳар томонлама билимдонлик Э. га *фанларнинг мунтазам туркумлианиш* системасини ишлаб чиқиш, фанлардан ҳар бирининг ўзига хослигига материя ҳаракатининг объектив формаларини асос қилиб қўйишга имкон берди. Э. нинг философияга унга хос бўлмаган фанлар фани ролини мажбуран юклашдан қатъиян воз кечганлиги ва философиянинг методологик аҳамиятини таъкидлаб кўрсатганлиги ҳам шу билан боғлиқдир. Э. философияга ўтмишнинг кўлдан-кўл мақаблари ва системалари ичидан тўғри йўл топиш учун компас берди, философиянинг асосий масаласини ифодалаб берди, унинг синфий характерини кўрсатди. Э. нинг агностицизми танқид қилиши ҳам билиш назариясига у қўшган ғоят муҳим ҳисса бўлди. Э. нинг диалектик логиканинг бир қанча масалаларини ўртага қўйиб, ишлаб чиқиши унутилмас аҳамиятга эгадир. У тарихий материализмнинг асосий қондаларини ривожлантириб, тарихни материалистик тушунишдаги вульгар тасаввурларни танқид қилишга кўп эътибор берди. Э. кишилар ҳаёти иқтисодий шароитларининг белгилловчи роли идеяларнинг ролини ҳамда шахсининг тарихдаги ролини заррача камситмаслигини исбот қилди, базис билан идеологик устқурманинг алоқаси ва ўзаро муносабати ҳақидаги механистик тасаввурларга қарши курашди ва ҳ. к. Э. Россиядаги революцион

ҳаракатга жуда қизиқиб қараб, рус революциясининг яқинлашиб келаётганлигини олдиндан айтган ва унга катта умид боғлаган эди. Э. умрининг охириги дақиқасигача Европа сиёсий ҳаётида қатнашди ва Маркс билан бир қаторда ишчилар ҳаракатининг таниқли йўлбошчиси, «Европа социалистларининг маслаҳатгўйи ва раҳбари бўлиб турди» (В. И. Ленин, 2-т., 14-б.).

ЭНЕРГЕТИЗМ — 19-аср охириларида табиатшуносларнинг бир қисми ўртасида пайдо бўлган фалсафий концепция. Э. тарафдорлари табиатнинг ҳамма ҳодисаларини моддий асосдан маҳрум бўлган энергиянинг шаклий ўзгаришларидан иборат қилиб қўядилар. Оствальд, *Max* ва Э. нинг бошқа тарафдорлари табиётнинг энергетик шарҳини ривожлантириб, атомистик назариянинг илмий аҳамиятини инкор қилар эдилар. Лекин кейинчалик, 20-асрда атомистика эришган муваффақиятлар таъсири остида, улар атомларнинг мавжудлигини эътироф қилишга мажбур бўлдилар. Атомизм идеялари энергия ҳақидаги физик таълимотнинг ўзига ҳам кириб борди: энергиянинг дискрет порциялар — квантлар билан ўзгариши мумкинлиги кашф этилди. Э. ғоялари янгидан бунёдга келди, аммо ядро физикаси ва «элементар» зарралар физикасининг берган янги маълумотлари муносабати билан камроқ системалаштирилган формада бунёдга келди. Жумладан, масса деффектининг ва майдонда зарраларнинг буғга ва унинг аксига айланиши мумкинлигининг кашф этилиши материянинг энергияга ва энергиянинг материяга айланиши мумкинлиги тарзида талқин этилди. Бу «энергетик» даъволар масса ва энергиянинг ўзаро алоқаси қонунини далил қилиб келтириш билан мустаҳкамланди, бу қонун юқорида кўрсатилган имкониятнинг назарий асосланиши деб талқин қилинди. Э. нинг гносеологик илдизлари, бир томондан, табиёт илмида энергетик методнинг эришган муваффақиятларида ва, иккинчи томондан, материя тузилишининг ҳозирги замон назариясининг қийинчиликларидадир.

Э. фалсафий йўналиш сифатида фан олдида материянинг чуқурроқ структур даражасига кириш вазифаси кўндаланг бўлиб турган чоқда юзага келади. Оствальднинг Э. и материя атом структурасининг ўша вақтда номаълум бўлган билиш йўлларини қидириш даврида илмий фикрнинг беқарорлигини акс эттирарди. Ҳозирги Э. «элементар» зарралар структурасини билиш йўлида физика олдида турган қийинчиликлар билан боғлиқдир.

ЭНЕРГИЯ (грек. *energeia* — фаолият, гайрат) — материя ҳаракати турли формаларининг умумий меъёри. Материя ҳаракатининг сифат жиҳатдан турлича физик формалари бир-бирига айлана олади ва бу айланиш процессини қатъий суратда муайян миқдор эквивалентлари назорат қилиб туради. Бу эса ҳаракатнинг умумий меъёрини — айни ҳолатдаги Э. ни ажратиб кўрсатишга имкон беради. Физика назарияси системасида Э. турли формаларда — механик, иссиқлик, электромагнит, ядро, гравитацион ва ш. к. формаларда ифодаланади. Э. турларидан ҳар бири ҳаракатнинг ҳар қандай бошқа формасига айланиши мумкинлиги жиҳатидан ҳаракатнинг тегишли физик формасини характерлайди ва бу айланишда ҳаракатнинг ўзи миқдор жиҳатдан сақланиб қолади.

ЭНЕРГИЯНИНГ САҚЛАНИШ ҚОНУНИ — сақланишнинг энг муҳим қонуналаридан бири (*Сақланиш принциплари*), бу қонунга кўра *энергия* бир формадан иккинчи формага айлانганида йўқ бўлмайдиган ва янгидан яратилмайди. Моддий система бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтганида унинг энергиясининг ўзгариши система билан ўзаро таъсир қилувчи жисмлар энергиясининг ўсиб ёки камайиб боришига қатъий мувофиқ келади. Энергиянинг бир формадан иккинчи формага айланиш процесслари қатъий равишда муайян сон эквивалентлари билан тартибга солинади. Э. с. қ. 19-асрнинг ўрталарида Майер, Жоуль, Гельмгольц ва б. олимларнинг саъй-гайратлари билан кашф этилди. Бу

кашифтдан олдин материя ва ҳаракатнинг сақланиши идеялари *Декарт, Лейбниц, Ломоносов* томонидан айтилган эди. Э. с. қ. чуқур фалсафий мазмунга эгадир. Бу қонун ҳаракатни йўқ қилиб бўлмаслиги ҳақидаги материалистик идеяни табиий-илмий тасдиқлашдан иборатдир. Энгельс Э. с. қ. нинг кашф этилишини табиатни диалектик-материалистик тушунишнинг табиий-илмий асосини ташкил этувчи уч буюк кашфиётдан бири деб қаради. Бу қонунда моддий оламнинг бирлиги акс этади. Энгельснинг сўзлари билан айтганда, Э. с. қ. кашф этилиши билан «табиатдаги бутун ҳаракатнинг бирлиги эндиликда шунчаки фалсафий тасдиқ эмас, балки табиий-илмий фактдир» (20- т., 512-б.). Ҳозирги замон физикаси Э. с. қ. ни тобора мустаҳкамроқ ва кенгроқ тасдиқлаш учун янги-янги далиллар келтирмоқда.

ЭНЕСИДЕМ (эраимиздан олдинги 1-аср) — грек скептик философи, *Пиррон*нинг шогирдларидан ва платонча Академиянинг (*Платон Академияси*) скептицизми ҳимоя қилган тарафдорларидан бири. Э. нинг фикрича, нарсаларни ҳақиқий билиш мумкин эмас, чунки бизнинг ҳар бир даъвомизга унга зид бўлган иккинчи даъвои қарама-қарши қўйиш мумкин. Энг яхшиси, умуман, ҳар қандай даъволардан воз кечмоқ керак, чунки фақат шундай қилгандагина ички ҳузур-ҳаловатга эришиш мумкин. Одатда ҳамма сингари ёки бирон-бир зарур эҳтиёжга кўра хатти-ҳаракат қилмоқ керак. Э. философияси грек классик философиясининг айнибузилишнинг маҳсули эди.

ЭНТЕЛЕХИЯ (грек. *entelecheia* — ўз-ўзидан мақсадга эга бўлган) — *Аристотел*да ва *схоластика*да — ҳаракатлантирувчи куч сифатида маълум мақсадга интилиш, маълум мақсадга йўналиш (*Телеология*), имкониятнинг воқеликка айлантурувчи актив ибтидо. *Лейбниц*нинг монадологиясида Э. тушунчасидан фойдаланилган. Биологик ҳодисаларни идеалистик талқин қилиш ҳам шу тушунча билан боғлиқдир (*Дриш, Витализм*).

ЭНТИМЕМА — традицион формал логикада шундай дедуктив *хулоса чиқаришдирки*, бунда бирон қисм: ё асослардан бири, ёки хулоса очиқ формада ифодаланмаган бўлади. Чунончи, «Ҳамма марксистлар — материалистлардир, демак, бу киши ҳам материалистдир» деган Э. да силлогизмнинг кичик асоси: «бу киши — марксистдир» деган ибора тушириб қолдирилган.

ЭНТРОПИЯ (грек. en — да, trope — бурилиш) — классик физиканинг асосий тушунчаларидан бири, уни фанга Р. Клаузиус киритган. Макроскопик нуқтаи назардан Э. энергиянинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга айланиш қобилиятини ифодалайди: системанинг Э. си қанча кўп бўлса, ундаги энергиянинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга айланиш қобилияти шунча кам бўлади. Э. тушунчаси ёрдами билан асосий физика қонунларидан бири — Э. нинг ўсиб бориши қонуни, ёки термодинамиканинг иккинчи асоси ифодалаб берилади, бу иккинчи асос энергетик айланишларнинг йўналишини белгилайди: ёпиқ системада Э. камаймайди. Максимум Э. га эришиш мувозанат ҳолати бошланганлигини билдиради, бу ҳолатда энергетик айланиши давом эттириш мумкин бўлмайди, — бутун энергия иссиқликқа айланган ва иссиқлик мувозанати бошланган бўлади. Иккинчи асоснинг ижодчилари бўлмиш Р. Клаузиус ва В. Томсон бу асосни оламга татбиқ қилиб, *коинотнинг иссиқлик ўлими* муқаррарлиги ҳақидаги хато хулосага келган эдилар. Физиканинг кейинги ривож Э. тушунчасининг мазмунини чуқурлаштириб, унинг статистик табиатини очиб берди. Статистик физика нуқтаи назаридан Э. система ҳолатининг эҳтимоллигини ифодалайди ва Э. нинг ўсиб бориши системанинг камроқ эҳтимолли ҳолатлардан кўпроқ эҳтимолли ҳолатларга ўтишини билдиради. Э. нинг ўсиши абсолют характерга эга бўлмасдан, балки процессларнинг энг эҳтимолли оқининини ифодалайди, холос. Кўп сонли зарралардан иборат макроскопик системалар учун Э. нинг ўсиши зарур-

дир, лекин микроскопик процесслар (мас., броун ҳаракати) учун иккинчи асоснинг энди кучи бўлмайди. Э. нинг статистик талқин қилиниши иккинчи асоснинг амал қилиш соҳасини макроскопик процесслар билан чеклаб қўяди ва уни фақат зарралар сони оз бўлган системаларга (микросистемаларга) эмас, балки зарраларнинг бениҳоя кўп сонини ўз ичига олган тузилмаларга (коинот, умуман оламга) ҳам татбиқ қилиб бўлмаслигини кўрсатади. Бундай тузилмалар учун энг эҳтимолли ҳолат тушунчаси маъносини йўқотади (бениҳоя катта тузилмадаги ҳамма ҳолатлар тенг эҳтимолли ҳолатлар бўлиб чиқади), демак, системанинг камроқ эҳтимолли ҳолатлардан кўпроқ эҳтимолли ҳолатларга ўтиши ҳақидаги қонун ҳам маъносини йўқотади. Тортилиш ролини ҳисобга олиш (умумий нисбият назариясига асосланган) релятивистик космологияни коинот Э. си ҳеч қандай максимумга (иссиқлик мувозанати ҳолатига) интилмасдан ўсиб боради, деган хулосага олиб келади. Шундай қилиб, ҳозирги замон фани иссиқлик мувозанати ва оламнинг иссиқлик ўлими муқаррар бошланиши ҳақидаги хулосаларнинг тамоман асоссиз эканлигини кўрсатмоқда.

ЭНЦИКЛОПЕДИСТЛАР — «Энциклопедия, ёки фан, санъат ва ҳунарларнинг Изоҳли лугати»нинг (1751—80) тузувчилари ва авторлари. «Энциклопедия» 18-аср охиридаги француз буржуа революциясини идеологик тайёрлашда катта роль ўйнади ва ўз замонаси идмий ютуқларининг хулосаларини тўплаб берди. 1772 йлга қадар «Энциклопедия»га *Дидро* бошчилик қилди, *Даламбер* унга ёрдам бериб турди. Э. қаторида *Монтескье*, *Руссо*, *Вольтер*, *Гельвеций*, *Гольбах* ва б. бор эди. «Энциклопедия»да материалистлар феодал идеологияга қарши энг изчил кураш олиб бордилар. Аммо Э. нинг энг мўътадил қисми ҳам черковнинг илм-фан ишларига аралашмаслигини ёқлаб, ўзини ижтимоий тараққиёт тарафдори деб эълон қилди, деспотизмни танқид қилди, инсонни сословиечилик зулми-

дан озод қилишни ёқлаб фикр билдирди.

ЭПИГЕНЕЗ (грек. ері — кейин, genesis — пайдо бўлиш) — организмларнинг бошланғич ривожланиши концепцияси. *Преформизмга* қарама-қарши ўлароқ, Э. концепцияси организмнинг фақат янги тузилма, фақат устузилма сифатида ривожланишини ифодалайди, у ҳар қандай преформацияни, яъни катта организмнинг ривожланиши бошланғич ҳолатидаёқ олдиндан белгилаб қўйилиши мумкинлигини буткул истисно қилади.

ЭПИКТЕТ (тах. 50—138) — Рим стоицизмнинг вакили, келиб чиқиши ҳақиқатдан — қул. Унинг таълимоти Арриан томонидан ёзиб олинган, бизга «Эпиктет муҳокамалари» ва б. асарлари етиб келган. Э. нинг таълимоти физика, логика ва этикага бўлинади. Э. таълимотининг бутун пафоси — этикада, яъни ички эркинликни тарғиб қилишдадир. Унинг исбот қилишча, ҳўжайин ўз эҳтиросларининг қули бўлиши мумкин, қул эса ўзининг ички маънавий мустақиллигида эркин бўлади, лекин бу эркинликка дунёни ўзгартиш орқали эришилмайди. Нарсаларнинг ўзи эмас, балки улар ҳақидаги тасаввурлар кишини бахтли қилади, яхшилик ва ёмонлик нарсаларда эмас, балки уларга бизнинг муносабатимиздадир, шунинг учун бахтли бўлмоқ — бизнинг эркимиздадир. Э. нинг философияси мазлум синфларнинг қулдорлик тузумга қарши пассив норозилигини ифодаларди. Унинг философияси *христианликка* таъсир кўрсатган. Россияда Э. философиясини толстойчилар тарғиб қилардилар.

ЭПИКУР (эрамиздан олдинги 341—270) — материалист философ ва эллинизм даврининг атеисти. Э. худоларнинг дунё ишларига аралашувини инкор қиларди ва ички ҳаракат манбаига эга бўлган материянинг абадийлигини эътироф этишга асосланарди. Э. *Левкипп* — *Демокрит* атомизминини қайта вужудга келтириб, унга оригинал ўзгартишлар киритади: бўш фазода бир хил тезликда ҳаракат қиладиган атомларнинг тўқнашуви мумкин-

лигини изоҳлаш учун у атомнинг тўғри чизикдан спонтан (ички сабабли) «бғиши» тушунчасини киритади. Бу зарурият билан тасодифнинг ўзаро муносабатида чуқурроқ қарашнинг асосидир, Демокритнинг механик дегтерминизмига нисбатан бир қадам олға ташлашдир. Билиш назариясида Э. сенсуалист. Сезгилар ўз-ўзликча ҳамийша ҳақиқатдир, чунки улар объектив реалликка асосланади: хатолар сезгиларни талқин қилишдан пайдо бўлади. Сезгиларнинг пайдо бўлишини Э. солдафҳам-материалистларча изоҳлайди: жисмларнинг сиртидан энг майда зарралар, «идоллар»нинг узлуксиз оқими чиқиб, улар сезги органларига киради ва нарсаларнинг образларини вужудга келтиради. Билишнинг мақсади — инсонни жаҳолат ва хурофотдан, худолардан ва ўлимдан қўрқнишдан халос қилишдан иборат, бусиз бахтга эришиб бўлмайди. Этикада Э. оқилона ҳузур-ҳаловатни асослаб беради, бу ҳузур-ҳаловат замирида азоб-уқубатлардан четлашиб, осойишта ва қувноқ руҳий ҳолатга эришишдан иборат индивидуалистик идеал асос бўлиб ётади. Инсон учун энг оқилона нарса фаолият эмас, балки ором, *атараксиядир*. Э. нинг материалистик таълимоти идеалистик философияда (мас., Гегель томонидан) бузилган эди.

ЭПИСИЛЛОГИЗМ — қ. *Полисиллогизм*.

ЭПИСТЕМОЛОГИЯ (грек.—билим ҳақидаги таълимот) — *билиш назарияси*, гносеология. «Э.» термини инглиз ва америка, камдан-кам француз ва немис буржуа философиясида ишлатилади. «Э.» терминини шотланд философи Ж. Ф. Ферье жорий қилган дейишади («Метафизика асослари», 1854); Ферье философияни *онтология* ва Э. га бўлган.

ЭПИФЕНОМЕН (грек. ері — да, phainomenon — кўринувчи) — оламнинг моддий (ёки идеявий) мазмунининг пассив инъикоси сифатидаги онгни билдириш учун ишлатиладиган термин. Бу терминни табиий-илмий материализм вакиллари (Гексли, Ф. ЛеДантек) ва баъзи идеалист философ-

лар (Э. Гартман, Ф. Ницше, Сантаяна) татбиқ этадилар.

ЭПИХЕЙРЕМА (грек. epicheirema — хулоса чиқариш) — силлогистик хулоса чиқариш, унинг асослари *антимемалардан* иборат.

ЭРИГЕНА Иоанн Скот (815—77) — ўрта аср философи, асли ирландиялик, Францияда истиқомат қилган. *Неоплатонизм* асосида ўз мистик таълимотини яратган ва бу таълимот асосан унинг «Табиатнинг бўлиниши ҳақида» деган асарига баён қилинган. Борлиқни Э. тўрт табиатга бўлади: 1) яратилмаган, лекин яратадиган табиат — ҳамма нарсаларнинг манбан бўлган худо: ўзи яратилмаган ва лекин ҳамма нарсанинг бирдан-бир яратувчиси бўлган худо бешакл-шамойилдир, уни ифодалаб бўлмайди ва фақат нарсаларнинг борлиги орқали пайқалади; 2) яратилган ва яратадиган табиат — биринчи сабаблар сифатида юзага келувчи илоҳий идеялар: идеявий оламни худо ўз-ўзидан чиқариб яратган ва у абадий мавжуддир; 3) яратилган ва лекин яратмайдиган табиат — ҳиссий-идрок қилинувчи олам, бу олам ягона идеявий оламнинг кўпдан-кўп нарсаларда кўринишидир; 4) яратилмаган ва яратмайдиган табиат — ҳамма нарсаларнинг туб мақсади сифатида идрок этиладиган худо. Иккинчи ва учинчи табиат мустақил яшамайди ва аслда бир-биридан фарқ қилмайди, улар ҳамма нарсада ҳозир бўлган ягона илоҳий моҳиятнинг турлича кўринишидир, ҳолос. Нрсаларнинг ташкил топишини Э. одамнинг гуноҳга ботиши билан боғлаганки, бунда одам худодан ажралиб кетади. Лекин вақт ўта бориши билан гуноҳни ювиш бошланади ва ҳамма нарса худого қайтади. Э. системаси аслда пантеистик системадир (*Пантеизм*), у католик черкови томонидан қораланган эди.

ЭРИСТИКА (грек. eristikos — мунозара қилувчи) — мунозара қилиш санъати, бу санъат қадимги грек *софистлари* орасида айниқса равақ топган эди. Э. мунозара йўли билан ҳақиқатни топиш воситаси сифатида пайдо бўлди; кўп ўтмай *диалектика*

ва *софистикага* бўлиниб кетди. Диалектикани Сократ ўз методида ривожлантирди. Софистика эса мунозарада муҳолиф устидан фақат галаба қилишга интилиб, Э. ни шундай усуллар йиғиндисидан иборат қилиб қўйдик, бу усуллар ёрдами билан ҳар қандай фикрни баб-бараварига исбот қилиш ҳам, рад қилиш ҳам мумкин эди, шу сабабли *Аристотелнинг* ўзи ҳам Э. билан софистикани фарқ қилмай қўйган эди.

ЭРКИНЛИК ВА ЗАРУРИЯТ — фалсафий категориялар, улар кишиларнинг фаолияти билан табиат ва жамият объектив қонунари ўртасидаги ўзаро муносабатни ифодалайди. Идеалистларнинг аксарияти Э. ва з. ни бир-бирини истисно қилувчи тушунчалар деб қарайди ва Э. ни руҳнинг ўз-ўзини белгилаши деб, ирода эркинлиги деб, ташқи шароитлар белгиламаган ирода амрига мувофиқ ҳаракат қилиш имконияти деб тушунади. Улар инсон хатти-ҳаракатларининг заруриятини белгиловчи детерминизм идеяси одами масъулиятдан соқит қилади ва унинг ҳаракатларига ахлоқ нуқтаи назаридан баҳо беришни имкониятсиз қилиб қўяди, деб ўйлайдилар. Уларнинг фикрича, фақат ҳеч нима билан чекланмаган ва мутлақ Э. инсон масъулиятининг ва, демак, этиканинг ҳам бирдан-бир асоси бўлиб чиқади. Э. ни изоҳлашда, мас., *экзистенциализм* мухлислари (*Сартр, Ясперс* ва б.) ўта субъективизмга йўл қўядилар. Механистик детерминизм тарафдорлари ҳам тамоман қарама-қарши ва буткул нотўғри қарашга амал қиладилар. Улар ирода Э. гини инкор этадилар ва бунга инсоннинг ишлари ва хатти-ҳаракатлари ҳамма ҳолларда унга боғлиқ бўлмаган ташқи вазиятлар билан белгиланишини далил қилиб кўрсатадилар. Бу *ғирт* антидиалектик концепция объектви Э. ни абсолютлаштиришни билдиради ва *фатализмга* олиб келади. Э. ва з. нинг илмий изоҳи уларнинг узвий ўзаро алоқадорлигини эътироф этишга асосланган. Бу нуқтаи назарни асослашга биринчи марта Спиноза урилиб кўрган эди ва у Э. ни англаб олинган Э.

деб таърифлаган эди. Э. билан з. диалектик бирлигининг кенг концепцияси-ни идеалистик нуқтан назардан Гегель баён қилиб берган. Э. ва з. проблемасининг чинакам илмий, диалектик-материалистик ҳал қилиниши объектив З. ни гносеологик маънода бирламчи деб, инсоннинг иродаси ва онгини эса иккиламчи, ҳосила деб эътироф қилишга асосланади. З. табиатда ва жамиятда объектив қонунлар формасида мавжуддир. Билиб олинмаган қонунлар «кўр» зарурият тарзида юз беради. Ҳз тарихининг бошланишида инсон, табиат сирлари ичига киришга қодир бўлмаганлигидан, билиб олинмаган З. нинг қули бўлиб қола берган, эркин бўлмаган. Инсон объектив қонунларни нақадар чуқур пайқаган сари, унинг фаолияти шу қадар англаб олинган ва эркин бўла борган. Табиатдан ташқари, инсон З. ининг чекланганлиги кишиларнинг маълум тарихий шариотда улар устидан ҳукмронлик қилувчи ижтимоий кучларга қарамлигига ҳам боғлиқдир. Антагонистик синфларга бўлинган жамиятда ижтимоий муносабатлар кишиларга душманларча қарама-қарши бўлиб туради ва улар устидан ҳукмронлик қилади. Социалистик революция синфлар антагонизмини йўқ қилади ва кишиларни социал зулмдан озод қилади. Ишлаб чиқариш воситалари умумлаштирилгач, капитализмга хос бўлган ижтимоий ишлаб чиқариш анархияси ўрнини планли, онгли ташкил этиш эгаллайди, ҳозирги вақтга қадар ёт, стихияли кучлар тарзида кишилар устидан ҳукмронлик қилиб келган турмуш шариотлари эса инсоннинг назорати остига тушади. Зарурият оламидан эркинлик оламга сакраш содир бўлади (Энгельс). Социализм қурилишининг тарихий тажрибаси шундан далолат бермоқдаки, социалистик жамият кишиларга объектив қонунлардан онгли равишда ўз амалии ишларида фойдаланиш, жамият тараққиётини мақсадга мувофиқ ва планли равишда йўналтириш, бутун жамиятнинг ва ҳар бир айрим шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун, яъни чинакам

Э. ни амалга ошириш учун ҳамма зарур моддий ва маънавий шарт-шароитни вужудга келтириш имкониятини туғдиради.

ЭСКИ ГЕГЕЛЧИЛАР — 19-асрнинг 30—40-йилларида Германиядаги Гегель мактабининг консерватив қаноти; улар Гегель таълимотини черков-христиан ортодоксияси руҳида шарҳлашга уринган эдилар. Дастлабки вақтларда Э. г. (Гешель, Гинрихс, Габлер) Гегель системасида философия билан диннинг зид ва ноизчил чегараланганлигидан фойдаланиб, ақл билан диний эътиқоднинг синтези принципини қаттиқ туриб ёқдаладилар. Кейинроқ чиққан Э. г. (Вейсе, И. Фихте кичик) ўз таълимотини *радикал ёш гегелчиларга* зид равишда туздилар. Улар Гегелни шеллингча *айният философияси* ва *Лейбницнинг* теодицеяси руҳида «тузатиш» зарурлигини ёқлаб чиқдилар. Улар консерватив сиёсий позиция тугган эдилар.

ЭСТЕТИКА (грек. *aisthesis* — ҳиссий идрок) — инсоннинг олами эстетик ўзлаштириши қонуниятлари ҳақидаги, гўзаллик қонуниларига мувофиқ қилинадиган ижоднинг моҳияти ва формалари ҳақидаги фан. Э. тахминан 2,5 минг йил бурун қўлдорлик жамияти даврида — Мисрда, Вавилонда, Ҳиндистонда ва Хитойда вужудга келди. Антик Грецияда — айниқса Платон, Аристотель ва бошқаларнинг асарларида, Қадимги Римда — Лукреций Кар, Гораций ва бошқаларнинг асарларида жуда ривожланди. Урта аср Шарқда диний-мистик ва клерикал санъатга зид ҳолда гуманизм ғояларини тарғиб этувчи романтизм эстетикаси ҳамда реализм элементларига бой бўлган ҳур фикрлик дидактик санъати (Саъдий, Ҳофиз, Жомий, Навоий, Бехзод в. б.) ривожланди. Фарбий ўрта асрчиликнинг «илоҳий гўзаллик» ҳақидаги мистик таълимотларига (Августин, Фома Аквинский) қарши курашда Уйғонув даври мутафаккирларининг (Ф. Перрарка, Л. Б. Альберти, Леонардо да Винчи, А. Дюрер, Ж. Бруно, М. Монтень ва б.) асарларида гуманистик реалистик тенденциялар ривожланти-

рилган. Маърифат назариётчилари (Бёрк, Хогарт, Дидро, Руссо, Винкельман, Лессинг, Гердер) ҳамда уларнинг традицияларини давом эттирган Шиллер ва Гёте аристократик Э. идеяларини бартараф қилиб, *санъатнинг* реал ҳаёт билан алоқасини барқарор қиладилар. Немис классик философияси (*Кант, Шеллинг, Гегель*) Э. ни ривожлантиришда катта роль ўйнайди. Гегелнинг эстетик концепциясидаги энг қимматли нарсасанъатга историзм (тарихийлик) нуқтаи назаридан қараш, санъат формалари ва категорияларини диалектик анализ қилиш, санъатнинг ҳаёт билан субстанциал алоқасини тушунишдир ва ҳ. к. Бироқ немис философларининг Э. си идеалистик Э. эди. бу ҳол унинг кўп проблемаларини талқин қилишга таъсир қилган эди. Э. тарихининг бутуниси материализм ва идеализм ўртасидаги курашдан иборат, бу кураш пировард ҳисобда жамият тараққиётининг ҳар бир тарихий босқичида синфлар курашини акс эттиради. Идеалистлар эстетик ҳодисаларни объектив ёки субъектив руҳнинг маҳсули деб қарардилар. Чунончи, Платон таълимотига кўра, гўзаллик абсолют, абдий, ўзгармас ва ғайри ҳиссий идеянинг худди ўзидир. Худони ҳар қандай гўзаллик манбаи ва энг олий гўзаллик мужассамоти деб эълон қилган (Августин Блаженный) ўрта асрчилик Э. сига дунёвий нарсаларнинг ҳаммасига очикдан-очик душманлик руҳи сингиб кетган. Янги замонда Кант эстетик муҳокаманинг тамомила «қизиқтирмаслиги» қоидасини илгари суради. У гўзаллиқни манфаатга, бадий форма мукамаллигини ғоявий мазмунга қарама-қарши қўйиб, формалистик Э. нинг ривожланишига таъсир кўрсатди. Идеалистларга қарама-қарши ўлароқ, материалистик Э. объектив эстетик қонуниятларни воқелиқнинг ўзидан излади, воқелиқни санъатда ҳаққоний тасвирлаш, санъатнинг жамиятнинг ғоявий курашида актив иштирок эттиши зарурлигини исбот қилган эди. Аммо Марксдан бурунги материалистик Э. вакиллариининг ҳаммасида маҳдудлик

ва бирёқламалик бор эди. Улардан кўпи (мас., *Фейербах*) гўзаллиқни бевоҳисита предмет ва ҳодисаларнинг физик хоссаларидан, эстетик ҳис-туйғу ва дидларни эса биологик қонуниятлардан, инсон «табиати»дан келтириб чиқаришга уринардилар. Марксдан бурунги материалистик Э. рус революцион демократлари *Белинский, Чернышевский* ва *Добролюбов* асарларида юксак даражада ривожлантирилди (реалистик санъатнинг қонуниятларини, санъатнинг ғоявийлиги ва халқчиллигини ишлаб чиқиш ва ҳ. к.). Э. тарихида туб бурилиш унинг соҳасига марксистик тадқиқот методини — диалектик ва тарихий материализм методини татбиқ этиш билан боғлиқдир. Бу иш туб эстетик проблемаларни ҳар томонлама ишлаб чиқиш учун, Э. соҳасидаги буржуа, ревизионистик ва догматик бузғунчиликларга қарши кураш учун назарий асос бўлди. Марксча-ленинча Э. нинг проблематиқаси ва вазифалари асосан шу билан белгиланадиги, унинг ўзига хос предмети — инсоннинг олами эстетик ўзлаштириши бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган уч томондан иборатдир: 1) объектив воқелиқдаги эстетиклик; 2) субъектив-эстетиклик (эстетик онг); 3) санъат (субъектив ва объектив эстетиклиқнинг ўзига хос бирлиги сифатида). Э. бу томонларнинг ҳаммасининг моҳиятини, қонуниятларини ва конкрет кўринишларини уларнинг диалектик бирлигида ўрганади. Идеалистик ва вульгар материалистик назариялардан фарқли ўлароқ, марксча-ленинча Э. олами эстетик ўзлаштиришнинг объектив асосини кишиларнинг ижодий, амалий-маълум мақсадга қаратилган фаолияти, деб белгилайди, бу фаолиятда уларнинг ижтимоий моҳияти ҳамда табиат ва жамиятни ўзгартишга қаратилган яратувчилик кучлари очилади. Асосий эстетик категориялар — *гўзаллик* ва *хунуқлик*, *юксаклик* ва *қабиҳлик*, *драматизм*, *трагиклик* ва *комиклик*, қаҳрамонлик — ижтимоий борлик, инсон ҳаёти соҳаларида ҳам ҳар бирида — ишлаб чиқариш-меҳнат ва ижтимоий сиёсий фаолиятда, табиат-

га муносабатда, маданиятда ва турмушда ва ҳ. к. да оламни эстетик ўзлаштиришнинг ўзига хос кўринишидир. Эстетик ўзлаштиришнинг субъектив томони — *эстетик ҳис-туйғулар*, дидлар, баҳо беришлар, кечинмалар, гоёлар, идеаллар — марксча-ленинча Э. да объектив ҳаётий процесслар ва муносабатлар инъикоси ва гавдаланишининг ўзига хос формаси деб қаралади. Марксча-ленинча Э. илғор, ривожланган эстетик ҳис-туйғулар ва дидларни шакллантиришда ҳам, эстетик онг соҳасида буржуа сарқитларининг таъсирларига қарши курашда ҳам социалистик жамият кишиларини эстетик тарбиялашнинг назарий асосидир. Санъат, бадий ижод Э. предметнинг муҳим томони ҳисобланади. Санъатнинг моҳиятини ва унинг қонуниятларини тадқиқ қиларкан, Э. ҳамма махсус назарий ва тарихий фанлар ҳамда санъат ҳақидаги фанлар билан чамбарчас боғлиқдир. Аммо Э. фалсафий фандир. У инсоннинг воқеликка эстетик муносабатларининг умумий қонуниятларини (шу жумладан санъатнинг умумий қонуниятларини ҳам) ўрганadi; санъатшунослик фанлари эса айни санъатнинг ўзига хос хусусияти билан қизиқади. Философия сингари, дунёқараш фанидан иборат бўлган Э. эстетик онг ва санъатнинг ижтимоий борлиққа, инсон ҳаётига муносабати масаласини ҳал қилишни ўз проблематикасининг асосий нуқтаси қилиб қўяди. Марксча-ленинча Э. бу масалани материалистик ҳал этишга амал қилиб, санъат табиатининг ва Бадий ижод процессининг турли томонларини: санъатнинг келиб чиқишини, унинг моҳиятини ва ижтимоий онгининг бошқа формалари билан алоқасини, санъатнинг партиявийлиги ва ҳалқчиллигини, унинг тарихий қонуниятларини, бадий образ хусусиятларини, санъатда *мазмун* билан *форма*нинг ўзаро алоқасини, бадий метод ва услубни, *социалистик реализм*нинг асосий принципларини, коммунизм қурилишида унинг ижтимоий ўзгартрувчилик аҳамиятини ва ҳ. к. ларни илмий равишда очиб беради. Марксча-ленинча Э. нинг бош вазифаси — ҳо-

зирги даврнинг эстетик процессларини чуқур илмий анализ қилишдан, коммунистик жамиятнинг ҳар томонлама камол толган, уйғун ривожланган шахсини шакллантириш тўғрисида КПСС Программасида илгори сурилган вазифани ҳал этишда актив иштирок қилишдан иборат. Шу муносабат билан ишлаб чиқариш ва техника Э. си (*Эстетика ва техника*), хатти-ҳаракат, турмуш Э. си ва ҳ. к. проблемаларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эгадир.

ЭСТЕТИКА ВА ТЕХНИКА. Инсон фаолияти бу соҳаларининг ўзаро муносабатини тўрт нуқтан назардан олиб қараш мумкин: 1) ишлаб чиқариш Э. си, 2) бадий конструкциялаш ва унинг натижаси — «дизайн», 3) техникавий Э. ва 4) Т. билан санъатнинг ўзаро муносабати. Ишлаб чиқариш Э. си ишлаб чиқаришни гўзаллик ва мақсадга мувофиқлик асосида ташкил этишни, яъни унинг энг мукамал шароитларини вужудга келтиришни назарда тутати, токи бу шароитлар юмушчиларнинг соғлиғини ва тетиклигини сақлашга, меҳнат унумдорлигини оширишга кўмаклашсин. Ишлаб чиқариш Э. си саноят иншоотларини ва меҳнат қуролларининг эстетик жозибали ва амалий мақсадга мувофиқ архитектурасини лойиҳалаштиришни, қулай ва чиройли жомakor тайёрлашни, ишлаб чиқариш биноси интерьерларини, дам олиш жойларини бешани ва ҳ. к. ўз ичига олади. Буларнинг ҳаммаси меҳнаткашларнинг эстетик маданиятини оширадди, уларни уйғун ривожлантиришга ва меҳнатга коммунистик муносабат руҳида тарбиялашга кўмаклашади. Бадий конструкциялаш процессида эстетик мукамалликка ва баъзи ҳолларда эса бадий ифодалиликка эга бўлган техника буюмлари яратилади. Техникавий Э. эса бадий конструкциялаш назарияси, «дизайн» дир. У саноят буюмларига технологик ва эксплуатацион талабларни ишлаб чиқади ва бу талабда мақсадга мувофиқлик гўзаллик билан мослашиб қўшилади. Техникавий Э. билимнинг, бадий навбатда эргономиянинг, яъни

меҳнат фаолиятини техника, технология, физиология, психология, гигиена ва ҳ. к. нуқтан назаридан ўрганувчи фаннинг кўп соҳалари маълумотларидан фойдаланиб, санъаткор-конструкторга фақат муайян мақсадга мувофиқликка эмас, балки эстетик қимматга ҳам эга бўлган буюмлар яратишга кўмаклашади. Ниҳоят, Т. билан санъатнинг ўзаро муносабати аввало шунда намоён бўладики, Т. нинг ривожланиши санъатнинг янги турлари (кино, телевидение) юзага келишига имконият туғдиради ва унинг энг «қадимги» турларига (архитектурада қурилиш техникаси, ҳайкалтарошликда янги материаллар, уларни ишлатишнинг янги усуллари, янги музика асбоблари, театрлар, техника ва ҳ. к.) таъсир кўрсатади. Т. нинг санъатни ёйишдаги (радио, телевидение, полиграфия) роли ҳам каттадир.

ЭСТЕТИК ДИД — инсоннинг ижтимоий практика жараёнида вужудга келадиган қобилияти, яъни турли эстетик хусусиятларга ҳис-туйғу билан баҳо бериш, аввало чиройлиликни, гўзалликни хунукликдан, жирканчликдан фарқ қила билиш қобилияти. Санъат асарларига баҳо бериладиган ҳолларда Э. д. бадий дид деб аталади. Яхши Э. д. чинакам гўзалликдан лаззат ола билиш, меҳнатда, турмушда, юриш-туришда, санъатда гўзалликни идрок этиш ва яратишга эҳтиёж сезиш демакдир. Аксинча, ёмон Э. д. инсоннинг воқеликка эстетик муносабатини бузади, чинакам гўзалликка уни лоқайд қилиб қўяди, баъзан эса ҳатто шунга олиб келадик, инсон хунук нарсадан лаззат оладиган бўлади. Э. д. нинг ривожланганлиги ҳаётдаги ва санъатдаги эстетик қимматдорларни унинг нечоғли чуқур ва ҳар томонлама пайқоши билан характерланади. Ривожланган Э. д. ни шакллантириш — эстетик тарбиянинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

ЭСТЕТИКЛИК ВА ЭТИКЛИК — инсоннинг воқелик билан ўзаро муносабатининг ўзига хос томонлари. Э. т. *яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик, бурч, масъулият, қадр-*

қимат ва ҳ. к. тушунчалар формасида ахлоқий муносабатларни акс эттиради, инсоннинг, кишилар группаларининг хатти-ҳаракатига, уларнинг амалий ишларига баҳо беради. Эст. объектив ижтимоий муносабатларнинг шундай томонларини предмет-ҳиссий мужассамлаштиришдан иборатки, бу томонлар индивиднинг уйғун ривожланишига, унинг *гўзалликни* яратишга, *олиҳқиммат* ва қаҳрамонлик кўрсатишга, *хунуклик* ва қабиҳликка қарши курашга қаратилган эркин ижодий фаолиятига кўмаклашади ёки кўмаклашмайди. Эст. шунингдек субъектив томонни инсоннинг ўз яратувчилик қобилияти ва кучларининг эркин юзага чиқишидан ҳамда кишиларнинг ижтимоий ва шахсий ҳаётнинг ҳамма соҳаларидаги (меҳнатда, ижтимоий муносабатларда, турмушда, маданиятда) ижодий фаолияти маҳсулотларининг гўзаллигидан лаззатланишини ҳам ўз ичига олади. Ижтимоий меҳнат тақсироти процессида амалий-утилитар фаолият соҳасидан бадий ижоднинг нисбатан мустақил ўзига хос соҳаси бўлиб ажралиб чиққан *санъат* Эст. нинг энг тўлиқ ва умумлашган ифодасидир. Эст. билан эт. нинг бирлиги ҳаётда ҳам, санъатда ҳам юз берадиган объектив қонуниятдир. Белинскийнинг айтишича, гўзаллик — ахлоқ-одобнинг туғинган синглизидир; агар асар бадий бўлса, демак, у шу билан ахлоқийдир ҳам. Хунукликни эстетиклаштиришга, ахлоқсизликни тарғиб қилишга йўл қўувчи инқирозга юз тутган буржуа санъатига қарама-қарши ўлароқ, социалистик санъат Эст. ва эт. нинг бирлиги принципини изчиллик билан амалга ошириб келмоқда. Одамларнинг олижаноблиги ва гўзаллигини акс эттирувчи ижобий бадий образлар кишида ҳурмат, меҳр-муҳаббат ва самимий таҳсин уйғотади. Айни пайда бу **абразларни идрок этиш ўқувчи ёки томошабинга эстетик лаззат, қувонч бахш этади. Салбий образлар эса кишиларнинг ишлари ва хатти-ҳаракатларидаги ахлоқсизлик моҳиятини очиб ташлаб, маънавий қоралаш**

ҳиссини тугдирадики, бу ҳис хунукликка ва қабилликка нафрат ва жирканч билан қарашнинг эстетик ҳисси билан боғлиқдир. Шундай қилиб, Эст. ва эт. нинг бирлиги — жамият ҳаётида санъатнинг тарбиячилик, ғоявий ўзгартирувчилик ролини ўйнашининг асосидир.

ЭСТЕТИК ҲИССИЁТ — эмоционал ҳолат, бу ҳолат воқелик ҳодисаларини ёки санъат асарларини эстетик идрок этиш процессида пайдо бўлади. Э. ҳ. шу идрок юзага келтирадиган ўзига хос кечинмадан иборат бўлиб, *ғўзалликни ёки юксакликни, трагикликни ёки комикликни* ҳис қилиш сифатида юз беради. Инсоннинг эстетик муносабати Э. ҳ. билан тугалланмайди, лекин ғоявий-эмоционал муносабат бўлганлигидан, усиз мавжуд бўлмайди. Э. ҳ. инсоният тарихий тараққиётининг маҳсулидир. У жамият эстетик онгининг даражасини акс эттиради. Маркс сўзлари билан айтганда, Э. ҳ. шундай ҳис-туйғулардан иборатки, улар «инсонга лаззат беришга қодирдирлар». Санъат асарлари Э. ҳ. образларида моддийлашган ҳолда фақат ғоявий эмас, балки эмоционал тарбиянинг ҳам воситаси бўлиб қоладилар, уларнинг вазифаси — кишиларга қувонч ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилишдан иборат.

ЭСХАТОЛОГИЯ (грек. eshaton — сўнги ва logos — сўз, билим) — олам ва инсониятнинг сўнги тақдири, охират ва қиёмат қойим ҳақидаги диний таълимот. Э. шундай қадимий тасавурларга асосланадики, ғўё табиатда яшрин ҳаракат қилувчи кучлар бор эмиш, унда эзгулик билан ёвузлик тинмай курашар эмиш, қиёмат куни гуноҳдорлар жазоланиб, савобкорлар мукофотланар эмиш. Э. идеялари ривожланган формада *христианликда* (Апокалипсис) ва *яҳудликда* учрайди. Эсхатологик кайфиятлар социал ва сиёсий кризислар даврида (Яҳудия — эрамининг 1-асри, Германия — 15—16-асрлар, Англия — 16—17-асрлар, Россия — 17-асрнинг охири — 18-асрнинг бошлари ва ҳ. к.) айниқса кенг тарқалади. Черков ходимлари ва сектантлар ҳозирги вақтда ҳам Э.

дан кенг фойдаланмоқдалар. Ҳозирги замон илоҳиётчилари Э. ни мустақамлаш учун табиёт илмининг маълумотларини сохталаштирмоқдалар.

ЭТАТИЗМ — буржуа сиёсий фанч тушунчаси, бу тушунча давлатнинг мамлакат иқтисодий ва сиёсий ҳаётига актив аралашувини билдиради.

ЭТИКА (грек. ethos—расм-одат) — энг қадимги назарий фанлардан бири, у *ахлоқни* ўрганади. Э. қуддорлик тузуми даврида пайдо бўлиб, жамиятнинг стихияли-оддий ахлоқий онгидан философиянинг асосий таркибий қисмларидан бири сифатида, мавжудот ҳақидаги соф назарий билимдан фарқли равишда қандай ҳаракат қилмоқ лозим, деган «амалий» фан сифатида ажралиб чиқди. Кейинчалик Э. нинг назарий ва амалий соҳаларига, фалсафий ва *норматив этикага* бўлиниши содир бўлади. Тарихан тўғри бўлган бу бўлиниш ҳозирги замон буржуа Э. сита биридан тамомила узилиб кетиш (*Метаэтика, Этикадаги логик позитивизм, Этикадаги лингвистик анализ*), фан билан ахлоқнинг бир-биридан бегоналашиб кетиши даражасига етказилди. Этикавий таълимотлар тарихида назария билан практиканинг традицион қарама-қарши қўйилиши ҳам Э. нинг асосий проблемасини — ахлоқий идеяларнинг манбаи ва асоси ҳақидаги проблемани ҳал этишда муайян қийинчилик тугдирди. Одатда ахлоқни ғайри тарихий ибтидодан — худодан, инсон табиатидан ёки космос қонунларидан (*Теологик этика, Этикадаги натурализм*), қандайдир априор принцип ёки ўз-ўзича ривожланувчи абсолют идеядан (*Кант ва Гегель*), қандайдир авторитетдан (*Аппробатив этика*) келтириб чиқарардилар. Ахлоқни келтириб чиқаришнинг бу традицион усулларининг кризиси 20-асрда ҳозирги замон буржуа Э. сининг ахлоқий идеяларни назарий жиҳатдан асослаш мумкин эмаслиги ҳақидаги тезисидан унинг бир-бирига қарама-қарши бўлган икки йўналишга (*Этикадаги формализм ва этикадаги иррационализм*) ажралиб кетишида ўз

ифодасини топди. Фақат марксизм назария билан практиканинг қарама-қарши қўйилишини уларнинг социал-тарихий табиатини тушунтириб бериш асосида бартараф қилади ва ахлоқий идеяларни ҳаётнинг қонуний равишида бир-бирининг ўрнига келувчи укладларидан, жамият моддий ва маънавий маданиятининг тараққийсидан жиддий илмий суратда келтириб чиқаришга, ахлоқнинг табиатини ва унинг социал ҳаётда тутган ўрнини, ахлоқий онгда социал борлиқнинг акс этишининг ўзига хос хусусиятини аниқлаб олишга имкон беради. Марксистик Э. нинг предмети ва вазифалари ҳақидаги масала ҳам шунга мувофиқ ҳал қилинади. Марксистик Э. бир қанча тадқиқот соҳаларини ўз ичига олади. Бу соҳалардан бири — инсониятнинг ахлоқ-одоб тараққиёти тарихини ўрганишдан иборат, бу тараққиёт социал формациялар ва синфлар ахлоқининг кураши ва алмашилиши ҳамда бу процессни акс эттирувчи ахлоқий таълимотлар тарихи формасида содир бўлади. Ҳозирги замонга таъбиқан Э. нинг бу вазифаси — инсониятнинг олий ахлоқи бўлмиш коммунистик ахлоқни тарихий асослаб беришдан, буржуа ахлоқи ва Э. сини танқид қилишдан иборат. Шундай қилиб, норматив Э. нинг тарихий назарияси хулосаларининг табиий ривожланишига айланади, назарий Э. га ва айни вақтда омманинг ахлоқий онига қарама-қарши турувчи, яъни ўза-ўзи билан қаноатланувчи таълимот бўлмай қолади. Ахлоқий принциплар айрим философлар, бирон-бир йўналиш тарафдорлари томонидан белгилаб, балки практика процессида ишлана бориб, кўп авлодларнинг, умуман бутун халқнинг ва айрим синфларнинг тажрибасини акс эттиради. Марксистик Э. ахлоқнинг амал қилиши табиати ва механизмининг ҳам анализ қилади, уни инсон социал фаолияти томонларидан бири, ижтимоий муносабатлар ва онгининг алоҳида формаси сифатида тадқиқ этади. Ахлоқий фаолият, муносабатлар ва онгининг структураси ҳамда асосий элементлари Э. категорияларида акс

эттирилади. Э. нинг махсус бўлими бирон-бир жамият доирасидаги *хулқ-атворларни* (бунинг аъъанавий номи — *этология*; ҳозирги замонда одатда Фарбада ишлатиладиган номи — *де-скриптив Э.*) конкрет-социологик анализ қилиш билан шуғулланади, бу анализ этнография ва ахлоқ социологияси билан туташади. Баъзан Э. да ахлоқий *аксиология* ва *деонтологияни* ҳам фарқ қиладилар. Коммунизм қурилиши даврида марксистик Э. нинг назарий вазифалари ҳам, унинг амалий аҳамияти ҳам беқиёс ўсиб бормоқда. У янги жамият қурилиши процессида меҳнаткашлар оmmasи шакллантираётган коммунистик ахлоқ принципларини умумлаштириб ва системалаштириб, уларни илмий асосга қурмоқчи.

ЭТИКАДАГИ НЕОПОЗИТИВИЗМ — қ. *Лингвистик анализ, Логик позитивизм, Эмотивизм.*

ЭТИКАДАГИ ЛИНГВИСТИК АНАЛИЗ — ҳозирги замон буржуа ахлоқ философиясидаги йўналиш бўлиб, бу йўналиш ахлоқий *формализм* ва унинг неопозитивистик оқими бағрида пайдо бўлган, бу оқим эса этикадаги *мантӣқий позитивизм* ва унинг мактаблари (*эмотивизм* ва б.) ўрнига келган. Англияда (П. Ноуэлл-Смит, С. Тулмин, Р. Хеар, А. Монтефиоре), АҚШ да (Г. Эйкен, Ж. Мелден) ва б. мамлакатларда кенг тарқалган. Э. л. а. тарафдорлари эмотивистларнинг энг ниғилистик хулосаларини танқид қилиб, ахлоқий муҳокамаларнинг мумкинлигини исбот қилар ва уларда алоҳида (буйруқ тарзидаги) мазмуни маъно борлигини эътироф этардилар. Лекин принципаал хулосаларда лингвистлар эмотивистлар билан келишиб, ахлоқий муҳокамалар чин ёки ёлгон бўлиши мумкин эмас, уларни назарий ва амалий билимлар ёрдами билан исбот қилиб бўлмайди, норматив этика илмий эмасдир, илмий этика эса (*метаэтика*) норматив эмасдир, яъни унинг амалий ахлоқий аҳамияти эга бўлиши мумкин эмасдир, деб ҳисоблайдилар. Асосан фақат ахлоқий мулоҳазаларни анализ қилиш билан шуғулланувчи эмотивистлардан фарқли ўлароқ, лингвистлар умуман ахлоқий

тилнинг логикасига эътибор бермоқдалар. Уларнинг бу соҳадаги тадқиқотлари маълум қизиқши туғдирмоқда. Лингвистлар, хусусий ахлоқий муҳокамалар умумийроқ қоидалар, ахлоқий принциплар ва идеаллар ёрдами билан асослаб берилиши мумкин, деб фараз қиладилар. Лекин бу идеаллар ва принципларнинг ўзини, уларнинг нуқтаи назарича, асло асослаб бўлмайди. Бу хулоса уларнинг ахлоқий онг ҳодисаларини тадқиқ қилиш методологиясининг ярамаслигидан, ахлоқни ўзига хос кундалик тил соҳаси деб қарашдан келиб чиқади. Шу билан бирга уларнинг методи соф эмпирик равишда тасвирий методдир. Натижада ахлоқий онг логикаси ўзининг объектив қонуллари билан аниқланмай қолади. Бундай хулоса лингвистларни, ахлоқий позицияни танлаш ҳар бир кишининг шахсий иши бўлиб, индивидуал мойиллик ёки қайси бирини афзал кўриш асосида ихтиёрий равишда юзага келади, деб даъво қилишга олиб келади. Э. л. а. тарафдорлари, этика кишиларга гоёвий-ахлоқий йўл кўрсатолмайди, улар этиканинг ижтимоий-амалий функциясини фақат у кишиларга ахлоқий тилнинг формал қоидаларининггина ўргатиши мумкин, деган фикрдан иборат қилиб қўядилар. Бундай формализм ахлоқ масалаларида кишини гоёвий жиҳатдан қуролсизлантириш билан баравардир.

ЭТИК РЕЛЯТИВИЗМ — ахлоқни талқин қилишнинг методологик принципи, бу принцип шундай даъвога асосланадики, гўё ахлоқий тасаввурлар ва тушунчалар нисбий, шартли характерга эга эмиш. Э. р. илмий этикани яратиш мумкинлигини инкор қилишга олиб боради. Унинг тарафдорлари ахлоқ-одобнинг социал шароитларга боғлиқ эканлигини кўрмайдилар ва айниқса уни белгиловчи объектив тарихий қонулларнинг моҳиятини тушунолмайдилар. Э. р. скептиклар (*Пиррон* ва б.) таълимотида, сўнгра Б. Мандевилнинг издошлирида (*Ахлоқий ҳиссиёт назарияси*) яққол намоён бўлди. У философиядаги баъзи ҳозирги замон буржуа йўналишлари-

га: *неопозитивизм, экзистенциализм* ва *прагматизмга* ҳам хосдир. Мас., *Айер* ва *Карнап* ахлоқий баҳо беришнинг тўғрилиги ёки нотўғрилиги масаласини ҳатто қўйиш ҳам мумкин эмас, деб ҳисоблайдилар. Э. р. нинг мантиқий натижаси — ахлоқсизликни оқлаб кўрсатишдан иборат.

ЭТИК СОЦИАЛИЗМ — социализмнинг *Кант* этикаси асосида кантчиларча талқин этилиши (*Янеи кантчилик*). Буржуа ва с.-д. назарийчилари, кантчилар (*Коген, П. Натопф, Р. Штаммлер, К. Форлендер, Л. Нельсон* ва б.) марксизм философиясини рад қилиб, илмий социализмни кантча ахлоқ философияси билан қўшишга уринган эдилар. Бунда улар «социализм» терминини «муайян ахлоқий дунёқараш» билан тенг маънода ишлатардилар, этика деганда эса улар ижтимоий муносабатлардаги эңддиятларни бартараф қилиш мақсадини қўйган фанни тушунардилар. Уларнинг фикрича, худди Кантнинг ўзи бу фанга асос солган. Кант гўё *қатъий императив* таърифларидан бирида (шундай қилки, инсоният сенинг шахсингда ҳам, бошқа ҳар қандай кимсанинг шахсида ҳам ҳамisha мақсад сифатида қараладиган бўлсин ва ҳеч қачон фақат восита деб қаралмасин) биринчи бўлиб социализмнинг асосий идеясини — бирдамлик идеясини илгари сурган эмиш. Жамиятни социалистик қайта қуриш ҳақидаги таълимотни ахлоқ-одобнинг «гайрисинфий» назарияси билан асослаш ҳақиқатда социализм жамиятнинг объектив-қонуниятли социал иқтисодий ривожланиши натижаси эканлигини инкор қилишни билдирарди, бу таълимотни соф ахлоқий концепцияга айлантирарди. Марксизмнинг туб проблемалари (синфлар ва синфий кураш, социал революция, пролетариат диктатураси ва б.) улоқтириб ташланиб, биринчи ўринга ахлоқий муносабатлар ва инсониятнинг аста-секин ахлоқий камолотга эришиши идеяси сурилган эди. Амалда Э. с. қоидалари *Бернштейннинг*: «Ҳамма гап ҳаракатда, туб мақсад ҳеч нима» деган формуласида конкретлаштирилган эди,

бу формула социализм учун курашдан воз кечишни билдиради. Э. с. М. Адлер (Австрия), М. Туган-Барановский (Россия) ва б. томонидан тарғиб қилинган эди. У ҳозир ҳам с.-д. идеологлари орасида машҳурдир. Э. с. Форлендернинг «Кант ва социализм» (1900), «Кант ва Маркс» (1911) китобларида муфассал баён қилинган.

ЭФИР (грек. aither — фазони тўлдирувчи гипотетик моддий муҳит) Э. тушунчасини антик философлар қабул қилган эди, улар Э. га қандайдир «бошматерия» деб қарар ва уни фазо билан тенглаштира эдилар. Классик физикада Э. деганда абсолют ньютонча фазони тўлдирувчи бир жинсли, механик, эластик муҳит тушунилари. Бу механистик концепция экспериментал синовдан ўтмади ва *нисбият назарияси*да улоқтириб ташланди. Ҳозирги замон физикасида Э. ҳақидаги тасаввур моддий майдон ёки структурга эга бўлган вакуум ҳақидаги тасаввур билан алмаштирилган, буларни механик муҳитга нисбат бериб бўлмайди. Майдон ҳақидаги ҳозирги замон таълимоти Э. ҳақидаги гипотезанинг рационал маъзани — абсолют бўш фазонинг мавжуд бўлиши мумкин эмаслиги, фазони материядан ажратиб бўлмаслиги идеясини сақлаб қолган.

ЭФФЕКТИВИЗМ (ёки ярим интуиционизм) — математика философиясидаги йўналишлардан бири, бу йўналиш ҳозирги замон математикасини фақат унда эффектив асосланган нарса билан чеклашга уринади. Барча математиклар аниқ-яққол тушунган нарсаларнинг ҳаммасини эффективистлар математикага киритадилар. Қолганларини эса улар математикадан вақтинча ташқари турувчи нарсалар, деб ҳисоблайдилар (шу билан улар *интуиционизмдан* фарқ қиладилар, чунки интуиционизм вакиллари бу материални математикадан бутунлай чиқариб ташлайдилар). Эффективистлар математика предметиға, унинг тушунчалари, ҳукмлари, назарияларининг чинлиги критериясига субъектив идеалистик қарашларга амал қиладилар. Йирик француз математикларидан Э. Борель, А. Лебег ва б. Э. га қўшилган эдилар.

ЭЪТИҚОД — бирон-бир ҳодисанинг ҳақиқатлигини исбот-далилсиз эътироф этиш. Ғайри табиий кучларга (худого, фаришталарга, жин-ажиналарга ва ҳ. к.) кўр-кўрона эътиқод қилиш ҳар қандай *диннинг* таркибий қисмидир. Ана шу маънода Э. *бидъат-хурофотдан* фарқ қилмайди. Диний Э. *билимга* қарама-қаршидир. Шунга қарамай, кўп идеалист философлар Э. билан билимни келиштиришга ёки Э. ни билим ўрнига қўйишга уринмоқдалар (*Фидеизм*). Оддий маънода Э. айн пайтда эксперимент йўли билан ҳали исбот қилиб бўлмайдиган илмий худосаларга, гипотезаларга ишониш демакдир. Бу хилдаги Э. аллақачон эришилган ва амалда синаб кўрилган билимга таянади.

ЭЪТИМОЛЛИКЛАР НАЗАРИЯСИ — оммавий тасодифий воқеалар (о. т. в.), яъни қандайдир муайян хоссаларга нисбатан бир-бирига эквивалент бўлган ёки тегишли шароитлар қайта ҳосил қилинганда кўп мартабала такрорлана оладиган тасодифий воқеалар ҳақидаги фан. О. т. в. абстракциясини табиий ва социал ҳодисаларнинг кенг туркумига татбиқ қилиш мумкин; аиниқса уларнинг индивидуал хоссалари эмас, балки умумийроқ хоссалари муҳим бўлиб кўринган ва бу хоссаларга нисбатан уларни бири-бирига эквивалент деб қараш мумкин бўлган чоқда татбиқ қилиш мумкин. Чунончи, системанинг, айтилик, унинг температурасининг термодинамик хараakterистикалари учун ҳар бир молекуланинг «хатти-ҳаракати» эмас, балки уларнинг тезликлар бўйича бўлиниши муҳимдир, биологик турларнинг кўп хараakterистикалари учун эркак ва урғочиларнинг туғилишлик нисбати муҳимдир ва ҳ. к. Э. н. о. т. в. хоссаларини ўрганиб, бу хоссаларнинг математик моделларини тузади ва сўнгра улар билан соф математик объеклар сифатида иш кўради. Э. н. да қараб чиқиладиган о. т. в. нинг асосий хосси уларнинг эҳтимолигидир, шуниси ҳам борки, бу хоссани бирон-бир доимий сон билан етарли даражада адекват тасвирлаш талаб этилади. Бу ишни, мас., 1-дан, қараб

чиқилаётган о. т. в. туркуми натижаларидан иборат бўлган тажрибалар сонини ҳисоблаб чиқиш (бундай тажрибалар тасодифий тажрибалар деб аталади, мас., тангани ҳавога отиш) ва, 2-дан, натижалари бизни қизиқтирадиган турнинг о. т. в. дан иборат бўлган тажрибалар сонини ҳисоблаб чиқиш мумкин бўлган тақдирда (мас., танганинг орёл томони тушиши) бажариш мумкин. У вақтда эҳтимолликни ўлчаш натижалари деб қараш мумкин бўлган о. т. в.^{m/n} нисбий частоталари мазкур сон характери-каси теварагида тўланади. Шундай қилиб, о. т. в. эҳтимоллигини сон билан ифодалаш, уларнинг катта сонлар каби муҳим қонунини ҳам математик тилда тасвирлаш мумкин бўлади, бу қонунга кўра, тасодифий воқеалар катта сонининг жаминий амалиёти тасодифга деярли боғлиқ бўлмаган натижаларга олиб келади. Бу ишни биринчи марта, тўғри о. т. в. нинг жуда тор доираси учун, Я. Бернулли бажарган эди, кейинчалик кўп олимларнинг асарларида бу туркум анча кенгайтирилди. Э. н. статистик характерга эга бўлган тасодифий ҳодисалардаги объектив қонунийларни толиш имкониятини беради. Шу сабабли эҳтимолли воқеалар тадқиқоти қонуни тушунчасини ҳамда *заририят ва тасодифнинг* ўзаро муносабати масаласини батафсил очиб беради. Шунини таъкидлаб ўтмоқ керакки, воқеаларнинг эҳтимолли характери уларнинг объектив хоссасидир, аммо Э. н. субъективистик назар билан қараш тарафдорлари ўйлаганидек, асло мазкур воқеалар устидан бизнинг кузатишларимиз натижаси эмасдир. Эҳтимоллик фақат о. т. в. хоссаси эмасдир. Бошқа эҳтимолликлар, мас., *эҳтимоллик логикасида* ўрганилади. Э. н. ни ривожлантиришда совет математик олимларидан С. Н. Бернштейн, А. Н. Колмогоров, А. Я. Хинчин ва б. ғоят катта роль ўйнайдилар.

ЭҲТИМОЛЛИК ЛОГИКАСИ — эҳтимоллий фикрлардан баҳс қилувчи логика бўлиб, бунда эҳтимоллик айрим фикрларнинг хоссаси сифатида қараладими (у вақтда эҳтимоллик унга

чин билан ёлгон ўртасидаги оралик маъно сифатида нисбат берилди) ёки одатдаги икки қимматли фикрнинг жуфти муносабатига берилган баҳо сифатида қаралади — бунинг ҳеч аҳамияти йўқдир. *Эҳтимолликлар назариясидан* фарқли ўлароқ, Э. л. да эҳтимолликни аниқ сон билан белгилаш асосий талаб эмасдир. Ана шу асосда тузиладиган логикнинг аппарат гипотезаларга тақрибан баҳо бериш учун уларни воқелик билан нисбатдош қилиш йўли билан эмас, балки бизнинг билимимизни ифодаловчи фикрлар орқали татбиқ этилади. Чунончи, «Эрта ёмғир ёгади» деган гипотезанинг мувофиқ келишига қараб, метрология маълумоти билан унинг эҳтимоллигининг юқори ёки паст даражаси тўғрисида сўзлаш мумкин. Демак, гипотезанинг эҳтимоллик даражаси икки далилнинг: гипотезанинг ўзининг ва мавжуд билимларнинг функцияси-дир. Мураккаб гипотезалар ҳақида айтилган фикрларни ташкил этувчи эҳтимолликлар маълум бўлганда, Э. л. нинг барча системаларида мураккаб гипотезалар эҳтимоллигини ҳисоблаб чиқиш эҳтимолликларни (*Эҳтимолликлар назарияси*) математик ҳисоблаш қондаларига мувофиқ юзага келади. Шундай қилиб, Э. л. бу ҳисоблашнинг шарҳларидан биридир, Ҳозирги вақтда Э. л. аппарати *индуктив логикада* энг кўп татбиқ этилмоқда. Э. л. тўғрисида Аристотелда ва қадимги скептиклардаёқ айтилган фикрлар бор, лекин унинг тўғрисида дастлабки жиддий фикрларни Лейбниц айтган. 17-асрнинг охириларда пайдо бўлган эҳтимолликлар назарияси ҳам кўпроқ Э. л. тарзида ёки бир қадар узвий бўлақларга бўлинмаган фан сифатида юзага келган эди. Э. л. эҳтимолликлар назариясидан 19-асрнинг ўрталарида, бу назариянинг предмети — оммавий тасодифий воқеалар юз бера бошлагач, ажралиб чиқа бошлади. Зотан, бизнинг замонамизда ҳам эҳтимолликлар ҳақидаги таълимотни ягона фан деб, эҳтимолликлар назариясини ва Э. л. ни унинг шохобчалари деб қарашга жуда кўп уринилмоқда.



ЮКСАКЛИК — йирик воқеалар, ҳодисаларнинг моҳиятини ва уларнинг санъатда такрор ҳосил қилинишини ифодалайдиган эстетик категория. Ю. сифатида баҳоланадиган воқеалар ва ҳодисаларни инсон эстетик жиҳатдан ҳамма қабиҳликларга ва турмуш икир-чикирларига қарама-қарши турадиган олий мақом нарсалар, деб қабул қилади. Ю. инсонда шундай алоҳида туйғулар ва кечинмаларни уйғотилади, бу туйғу ва кечинмалар уни ҳамма арзимас ва ўрта-миёна нарсалардан юқори кўтариб, юксак ғоялар учун курашга бошлайди. Ю. *гўзаллик* билан маҳкам боғлиқ бўлиб, худди унинг сингари илғор эстетик *идеалнинг* мужассам тимсолидир. Мас., халқимизнинг Улуг Ватан уруши қаҳрамонларининг жасоратлари ва совет санъатида уларнинг образлари, Ромео ва Жюльеттанинг фожиона севгиси (ўтмиш санъатида) юксак ва гўзалдир. Ю. га қарама-қарши ўлароқ, ҳар қандай паст ва арзимас нарсалар, гарчи улар баъзан чиройли либосга бурканиб кўринсаларда, ҳамisha хунукдир. Агар идеалистик назариялар Ю. манбаини субъектдан ёки илоҳий бениҳоялик, абадийлик ва ҳ. к. идеяларидан изласалар, марксистик эстетика Ю. манбаини объектив воқеликда ва инсоннинг бу воқеликка муносабатида ҳамда уни революцион йўл билан ўзгартиришида деб билади. Марксизм кишиларни юксак эстетик ҳис ва ғоялар руҳида тарбиялашга катта аҳамият беради.

ЮМ Давид (1711—76)— инглиз идеалист философи, психолог, тарихчи. Билимнинг вазифасини Ю. борлиқни пайқашда деб эмас, балки амалий ҳаёт учун қўлланма бўлиш қобилиятида деб биларди. Ю. нинг фикрича, ишончли билимнинг ягона предмети — математика объектидир; тадқиқотнинг бошқа ҳамма предметлари мантиқий жиҳатдан исботлаб бўлмайдиган фактларга тааллуқлидир,

улар фақат тажрибадан хулоса қилиб чиқарилади. Шунингдек мавжудлик ҳақидаги ҳамма муҳокамалар ҳам тажрибадан келиб чиқади, аммо тажрибани Ю. идеалистларча тушуниб, воқелик фақат «таассуротлар» оқимидир, уларнинг сабаблари номаълум ва уларни пайқаб бўлмайди, дер эди. У объектив олам мавжудми ёки мавжуд эмасми, деган масалани ҳал қилинмайдиган масала, деб ҳисобларди. Тажриба белгилаб берадиган асосий муносабатлардан бири — сабаб ва амал муносабати; бу муносабатни интуитиядан ҳам, мантиқий анализ ва исбот йўли билан ҳам келтириб чиқариш мумкин эмас. Бир ҳодиса иккинчи ҳодисадан олдин келишидан олдин келгани сабаб, унинг кетидан келгани эса унинг амалидир, деб хулоса чиқариб бўлмайди. Воқеалар боғланишининг замон ичида ҳатто энг тез такрорланиши ҳам бир объектнинг иккинчи объектни ҳосил қилишига ёрдам берадиган пинҳон кучнинг нималигини билдирмайди. Шундай қилиб, Ю. сабабиятнинг объектив характери ни инкор этарди. Ю. нинг фикрича, таассуротларимизнинг оқими бутунлай хаосдан иборат эмасдир; баъзи объектлар бизга равшан, жонли, барқарор бўлиб кўринади, бинобарин. Ю. нинг фикрича, ана шунинг ўзи амалий ҳаёт учун тамомила етарлидир. Бунда фақат шуни тушунмоқ зарурки, назарий билим эмас, балки эътиқод амалий ишонч манбаи бўлиб хизмат қилади. Этикада Ю. *утилитаризм* назариясини ривожлантирди, фойдалиликни ахлоқ-одоб мезони деб эълон қилди; дин философиясида у, коннотдаги тартибот сабабларининг ақл билан бир қадар ўхшашлиги бор, деган фараз билан чекланди, лекин шу билан бирга худо ҳақидаги ҳар қандай диний ва фалсафий таълимотни рад қилди, у тарихий тажрибага асосланиб, диннинг ахлоқ-одобга ва граждандлик ҳаётига таъсирини зарарли

деб эътироф қилди. Ю. нинг скептицизми буржуазиянинг фойдани кўзлайдиган ва фаросатга таянувчи дунёқарашини назарий жиҳатдан асослаб берди. Асосий асари — «Инсон ақли ҳақида тадқиқот» (1748). Ю. нинг агностицизми ҳозирги замон идеализмига анча таъсир кўрсатиб, *неопозитивизмнинг* асосий ғоявий манбаларидан бири бўлиб хизмат қилди.

ЮРКЕВИЧ Памфил Данилович (1826—74) — рус идеалист философи, илоҳиётчи. Киев диний академиясининг (1851 йилдан) ва Москва ун-тининг (1861 йилдан) профессори. «Инсон руҳи ҳақидаги фандан» мақоласи билан (1860) шуҳрат қозонди. Бу мақоласида у Чернишевскийнинг философиядаги антропологик принцип ҳақидаги асарларини рад қилишга уринди ва шу билан революцион демократларнинг материализмига қарши курашган реакцион кучларнинг мақтовига ва эътирофига сазовор бўлди. Ю. инсон психик ҳаётининг материалистик талқин этилишини рад этиб, руҳ ва жисмнинг бирлиги ҳақидаги христианча тушунчани унга қарама-қарши қўйди. Унинг фикрича, инсон икки хил билинади: жисм — ташқи ҳис-туйғулар билан, руҳий ҳодисалар эса ички ҳис, эътиқод билан билиб олинади. Фан руҳий ҳаётни ту-

шунтиришга аралашмаслиги лозим, чунки унда бунинг учун билиш воситалари йўқдир. Ю. диний идеализмнинг асоссизлигини Чернишевский «Мунозара чиройлари» (1861) мақоласида кўрсатиб берди. Сеченовнинг психика илмий тадқиқотига асос солган асарлари (айниқса «Бош мия рефлекслари» асари, 1863) Ю. нинг руҳ ҳақидаги диний тасаввурларини психология нуқтаи назаридан рад қилди.

ЮШКЕВИЧ Павел Соломонович (1873—1945) — публицист, фалсафий адабиёт таржимони. Социал-демократ, меньшевик, 20-йилларда снэсий фаолиятдан узоқлашди. «Материализм ва танқидий реализм» китобида (1908) махист ва субъектив идеалист сифатида марксизм философиясини танқид қилиб чиқди. *Эмпириосимволизмни* тарғиб қилди. «Дунёқараш ва дунёқарашлар» асарида (1912) идеализм афсоналарини фалсафий ижоднинг ўзига хос характери билан оқлашга уринди. Ю. нинг фикрича, философия фан эмас, балки ярим бадий, эмоционал-интеллектуал хаёлий кўринишнинг натижаси, «коллектив тафаккур ва ҳиссиёт формасидир». Бу жиҳатдан у *Жемсга*, *Дильтейга*, *Ницшега* яқиндир. Лениннинг «Материализм ва эмпириокритицизм» китобида Ю. нинг қарашлари танқид қилинган.



ЯКОБИ Фридрих Генрих (1743—1819)— немис идеалист философи, Гёте ва Виланднинг дўсти. Мюнхен фарлар академиясининг президенти бўлган. *Рационализмни* танқид қилиб чиққан ва «ҳиссиёт ва эътиқод философияси» деган оқимни асослагча уринган. Я философияси у эътиқод билан тенглаштирадиган *бевосита билим* билан бавосита билимни метафизикларча бир-биридан чегаралаб ва бир-бирига қарама-қарши қўйишдан иборат. Я. нинг назарича, ягона ҳақиқий билиш— ҳиссий тажрибадир. Фаросатнинг фаолияти ҳиссий тажриба доирасидан четга чиқмайди. Субъектив тушунчалар билан иш кўрадиган фаросат нарсаларнинг борлигини исбот қилишга ожиздир. Теварак-атрофдаги оламнинг реаллигини фақат ҳиссий тажриба асосидаги эътиқод билан гарантиялаш мумкин. Я. нинг нуқтаи назарича, философиянинг асосини ташкил этувчи диний ҳиссиётни рационализм позицияларидан туриб тушуниб бўлмайди. Философ бундан фаросат философиясининг атеизм билан алоқадорлиги ҳақида хулоса чиқарган. Я. философиясининг баъзи элементлари *ҳаёт философиясида* ва *экзистенциализмда* янада ривожлантирилди.

ЯНГИ ГЕГЕЛЧИЛИК— идеалистик фалсафий йўналиш бўлиб, бу йўналиш 19- асрнинг иккинчи ярмида Англия ва АҚШда *табиий-тарихий материализмга* ва *позитивизмга* реакция сифатида, динни ва спекулятив философияни ҳимоя қилиш учун пайдо бўлди (Грин, Брэдли, Ройс, МакТаггарт ва б.). 19- асрнинг охири— 20- асрнинг бошларида Я. г. антимарксистик йўналиш касб этиб, Италияда (*Кроче*, *Жентиле*), Россияда (И. А. Ильин ва б.), Голландияда (Г. Болланд) ёйилди. 1- жаҳон уруши арафасида ва ундан кейин немис Я. г. ги илгари сурилди (Глакнер, Кронер, Литт). 2- жаҳон урушидан кейин Я. г.

Францияда тарқалиб, кўп жиҳатдан *экзистенциализм* билан қўшилиб кетади (Ж. Валь, *Ипполит*, *Кожев*). Я. г. нинг характерли хусусиятлари шуки, у диалектикадан воз кечади ёки уни фақат онг соҳасига кўчиради, *Гегелни ҳаёт философияси* руҳида иррационалистларча талқин этади. Зиддият проблемасини янги гегелчилар турлича ҳал қиладилар: бировлари (Брэдли, Геринг) зиддиятларни «келиштириш»га уринсалар, бошқалари (Либерт, Валь) умуман зиддиятларни ҳал қилиш мумкинлигини инкор қилиш даражасигача бориб этадилар. Социологияда Я. г. империалистик давлатни (Бозанкет), сўнгра эса фашистик «корпоратив давлат»ни ҳам (Жентиле, Геринг) «оқлаб кўрсатиш» учун, жамиятдаги синфларни келиштириш воситаси сифатида гегелча руҳ философиясининг реакцион томонларидан фойдаланади. 1930 йилда Я. г. маркази—«Халқаро гегелчилар иттифоқи» тузилди.

ЯНГИ КАНТЧИЛИК— идеалистик йўналиш бўлиб, бу йўналиш 19- асрнинг иккинчи ярмида Германияда «Кантга қараб орқага!» шиори остида пайдо бўлди (Линбан, Ланге). Шунингдек Францияда (Ренувье, Амлен), Италияда (Кантони, Токко) ва Россияда (*Введенский*, *Челпанов*, «*легал марксизм*» деган оқим) тарқалди. Я. к. Кант философиясининг идеалистик ва метафизик элементларини қайтадан тиклаб ва ривожлантириб, унинг материалистик ва диалектик элементларини эътиборсиз қолдирмоқда. «Нарса ўзида» ё улоқтириб ташламоқда, ёки «охирги тушунча» деб субъектив-идеалистларча талқин этилмоқда. Я. к. икки немис мактабида: *марбург мактабида* (*Коген*, *Наторп*, *Кассирер*) ва *фрейбург ёки баден-мактабида* (*Виндельбанд*, *Риккерт*) тўла ифодасини топди. Биринчи мактаб объектив илмий тушунчалар ва фалсафий категорияларни идеалистик

нуқтаи назардан шарҳлашга алоҳида эътибор бериб, уларни мантиқий конструкциялар деб талқин қиларди. Иккинчи мактабни энг кўп қизиқтирадиган нарсаси шу эдики, у амалий ва назарий ақл тўғрисидаги қанчаси таълимот асосида табийи ва ижтимоий фанларни қарама-қарши қилиб қўйишни асослашга уринарди ва социал ҳодисаларни илмий билиш мумкин эмаслигини исбот қилишга интиларди, бу ҳодисаларга фақат норматив ва телеологик нуқтаи назардан қараш мумкин эмиш. Я. к. дан ревизионизм марксизмга қарши курашда фойдаланиб келди ва унинг II Интернационал оппортунистларнинг (*Бернштейн, М., Адлер, Форлендер*) расмий фалсафий догмаси бўлишига сал қолди. Ленин ва Плеханов янги кантилик ревизионизмига қақшатқич зарба бердилар. Ҳозирги вақтда Я. к. буржуа философиясида *аксиологиянинг* баъзи оқимларида, кантиликнинг (*Фриздан бошланиб келаётган*) ва В. Крафт тарғиб қилаётган алоҳида шохобчасида ўз таъсиридан фойдаланимоқда.

ЯНГИЛИК ВА ЭСКИЛИК — икки қарама-қарши куч ва тенденция бўлиб, улар ўртасидаги кураш, айниқса ижтимоий ҳодисаларда кураш, тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучини ташкил этади. Муайян шароитда тараққиётни олга силжитувчи, йўналтирувчи нарсаси Я. дир. Э. деганда эса айни алоқада бу тараққиётга тўсқинлик қилувчи, ғов бўлувчи нарсаларнинг ҳаммаси тушунилади. Тараққиёт процессида Я. билан э. диалектик ўзаро алоқада бўлади: Я. Э. дан ўсиб чиқади ва кўртак ҳолида унда мавжуд бўлади; Э. даги ҳамма ижобий ва қимматли нарсаси олиб ташланган шаклида (*Олиб ташлаш*) Я. да қолади. Я. нинг юзага келиши ҳамини *сакрашдан*, эски зиддиятларнинг охири ва янгиларининг бошланишидан иборат бўлади. Лекин сифат жиҳатдан янги нарсанинг юзгага келишининг ўзи Э. даги зиддиятларнинг ривожланиш процессида тайёрланади. Аввалида Э. Я. дан кузлроқ бўлади. Аммо Я. ни енгиб бўлмайди, у пировард ҳисобда бирон йўл билан Э. ни суриб

ташлайди. Я. ўзида янги зиддиятларни олиб келади ва шу билан кейинги тараққиётнинг куртакларини ҳам келтиради. Тараққиётнинг келгуси босқичида Я. бутунлай ёки унинг айрим томонлари ва хусусиятлари эскиради. Пайдо бўладиган нарсаларнинг ҳаммаси ҳам чинакам Я. бўла бермайди, балки фақат янаги тараққиётга ёрдамлашувчи кўпроқ прогрессив форма сифатида намоён бўлган Я. ҳақиқий Я. дир. Я. янгилек сифатида ўзини курашда, Э. устидан ғалаба қозонишда кўрсатади. Я. нинг юзага келиши — жамиятнинг тарихий тараққиётда ўз илдизларига эга бўлган объектив процессдир. Аммо социалистик жамият шароитида Я. билан э. нинг, умри тугаётган нарсаси билан тугилиб келаётган нарсанинг, қоқоқ нарсаси билан илғор нарсанинг кураши англаб, фахмал олинган характер касб этади.

ЯНГИ СЛАВЯНОФИЛЛАР (ёки «кечки славянофиллар») — 19- асрнинг иккинчи ярмида майдонга чиққан *славянофилларнинг* издошлари. Шарқ ва Ғарбнинг қарама-қарши ижтимоий тараққиёти ҳақидаги тезисни, Россиянинг дунёда алоҳида тарихий роль ўйнаши ҳақидаги идеяни ўз ўтмишдошларидан ўзлаштириб олган Я. с. славянофилчиликнинг консерватив томонларини янгича назарий асослаб бердилар. Бу оқимнинг бош вакили Н. Я. Данилевский (1822—85) «маданий-тарихий типларнинг «органик» назарияси»ни ривожлантирди, бу назарияга кўра ҳар бир халқ қабилавий (ёшлик), давлат (етуклик) ва цивилизация (қарилек, тушкунлик) даврларидан ўтиб, тамомла ўзига хос тарихни кечиради («Россия ва Европа», 1869). Унинг нуқтаи назарича, «европача тип» (яъни буржуа Европаси) сўниш даврига, айни вақтда славянлар эса гуллаб-яшнаш палласига кирганлар. Шу сабабли худди самодержав Россия бошчилик қиладиган славян федератив давлат инсониятдаги «бутун юксак нарсаси ёрдам бериши» мумкин. Данилевскийнинг маслақдоши К. Н. Леонтьевнинг (1831—91) фикрича, «оддийликдан оригиналликка ва мураккабликка қараб» ривожланувчи

жамиятнинг таназзули у «иккиламчи қориштирама сийқалик» даврига кирганда бошланадики, гўё Ғарб давлатлари ўзларининг демократияга интилиши билан шу паллада турган эмиш. Россия эса, чамаси, «византизм» ҳислатлари — самодержавие православие сословиячилик билан боғлиқ бўлган «гуллаб-яшнаётган мураккаблик» босқичини кутаётганга ўхшайди («Шарқ, Россия ва славянчилик», 2 томлик, 1885—86). Леонтьев фикрича, инсониятни халос қилмоқ учун Россия Ғарбнинг таъсирига қарши турмоғи, революцион ҳаракатга ва халқ маорифига хотима бермоғи, барча воситалар билан самодержавиени мустаҳкамламоғи лозим. Шундай қилиб, янги славянофилчилик назарияси асосида Леонтьев миллатчиликка ва очиқдан-очиқ реакцияон социал-сиёсий ҳулосаларга келган. Н. Н. Страхов ҳам (1828—96) Я. с. концепсиясининг муҳлиси эди, у 60-йилларда славянофилчилик позицияларидан туриб заминчилик назариясини (*Достоевский*) — халқ («замин») билан «ўқимишли сөловиялар»нинг яқинлашуви ҳақидаги назарияни тарғиб қиларди («Адабиётимизда Ғарб билан кураш», 1—3-китоб, 1882—96). Я. с. га баъзан *Соловьёвни* ҳам қўшадилар, чунки (бошқа рус диний философларга бўлгани сингари) унга ҳам илк славянофиллар (мессианизм идеяси ва б.) таъсир кўрсатган эди. Рус жамиятидаги синфий эҳдиётларни инкор этган ва эксплуататор синфларнинг манфаатларини акс эттирган Я. с. назариялари революцион демократизм ва социализмга қарши қаратилган эди. Я. с. нинг умумфалсафий қарашлари диний идеализмни натурализм элементлари билан эклектик тарзда қўшарди. Я. с. дарвинизмнинг илмий қимматини рад этарди.

ЯНГЛИШИШ — воқеликни бузуқ, хаёлий тарзда англашдан иборат бўлиб, бундай англаш ҳар бир муайян пайтда ижтимоий-тарихий практиканинг маҳдудлигидан келиб чиқади. Я. нн ҳақиқатни онгли равишда бузиб кўрсатувчи *ёлгондан* ва индивиднинг нотўғри ҳаракатлари натижасида пай-

до бўладиган хатолардан фарқ қилмоқ керак. Я. нн бирон тарзда тушуниш билиш назариясининг бошланғич принциплари билан боғлиқдир. Марксистик философиядан бурунги *мушоҳадачилик* Я. нн, мас., инсоннинг билиш қобилияти номукамаллигидан келиб чиққан хато билан бирдай қилиб кўрсатишга олиб борарди. Я. нинг табиати ҳақидаги, ҳақиқат билан Я. нинг ўзаро муносабати ҳақидаги фаразлар билишга диалектик қарашнинг шаклланиб бориши давомидагина пайдо бўла бошлайди. Чунончи, *Гегель* ҳақиқатни процесс деб қараган ҳолда Я. нн ҳақиқатга абстракт қарама-қаршилик деб эмас, балки фақат унинг бир моменти деб, онгнинг ҳақиқатга томон ҳаракат қилиб боришининг тарихан чекланган («ниҳояли») формаси деб ҳисобларди. Марксистик философияда Я. практиканинг маҳдудлик натижаси деб, ёки уни, билишнинг реал боришида воқеликнинг айрим томонларини, ҳақиқат моментларини ўлаштириш натижаларини абсолютлаштириш сифатида тушунишнинг чекланганлик натижаси деб қаралади. Шу сабабли Я. шунчаки иллюзия эмасдир; уларда ҳодисаларнинг юзасида ётган нарса қайд этилади, бу ҳодисаларнинг тарихан чекланган характеристикалари «табиий», сўнгра эса абадий ва абсолют характеристикаларга айланади. Назарий қарашларнинг тарихан белгиланган маҳдудлиги, тор синфий манфаатлар билан тарихнинг объектив бориши ўртасидаги зиддият Я. нн мустаҳкамлашга, уларнинг ижтимоий онг нормасига, хурوفотга айланишига олиб боради. Буларнинг ҳаммаси воқеликни танқидий англашга тўқинлик қилади, ижтимоий фанларга татбиқ қилганда эса, мавжуд нарса билан келишиш сифатида майдонга чиқади. Я. нн барта раф қилиш учун уларни туғдирган ижтимоий шароитни ўзгартмоқ зарур. Демак, мавжуд нарсага тарихий та раққиёти, тенденциялари ва истиқбол билан олинган практика нуқтан назаридан танқидий қарамоқ зарур.

ЯНСЕНИЗМ — диний-сиёсий оқим, бу оқим 17—18-асрларда Голландия

ва Францияда тарқалган. Я. нинг асосий ғоявий қондаларини *Августин* таълимотини ривожлантирган голландиялик илоҳиётчи Янсений Корнелий (1385—1638) ифодалаб берган. *Католицизмнинг* куришишларидан бири бўлган Я. ўзининг кўп қондаларида *протестантизмга* мойил эди (хайр-баракат билан халос бўлишни эътироф этиш, тақдир азалии тан олиш, ирода эркинлигини инкор этиш). Ўз социал моҳиятига кўра, Я. феодал-абсолютлик тартибларини муқаддаслаштирувчи католик черковини зўравонлигидан норози бўлган дворян ва буржуа интеллигенцияси қатламларининг идеологияси эди. Янсенисларнинг жамоалари диний ва педагогик фаолиятни кучайтириб, нисбатан кенг таълим программаси билан бошланғич мактаблар ташкил этардилар, бу мактабларда материални онгли ўзлаштириш, кўргазмали дарслар ўтказиш ва ҳ. к. принципларини қўллар эдилар. Я. бир неча марта Рим папаси томонидан қораланди. У 18-асрнинг ўрталарига келганда француз буржуа идеологиясининг ривожланиши муносабати билан Францияда ўз аҳамиятини йўқотди. Голландияда Я. мустақил черковга айланди.

ЯН ЧЖУ (эрамыздан олдинги тах. 395—335) — қадимги хитой философи. Ўз таълимотида у соддафаҳм материализм нуқтаи назаридан майдонга чиқиб, диний тасаввурларни ва ўлмасликка ишонишни кескин танқид қилган. Унинг фикрича, табиат ва жамиятдаги ҳамма воқеалар ва ҳодисалар табиий зарурият принципининг амалига бўйсунгандир, бу принципини у тақдир деб таърифларди. Бинобарин, унинг қарашлари фаталистик детерминизм элементларидан холи эмас. Я. Ч., ҳамма нарса ҳалокатга, йўқ бўлишга маҳкумдир, дер эди. Ҳаёт табиий зарурият тақозосила ўлим билан алмашинади, пайдо бўлишдан кейин бузилиш бошланади. Этикада у ўз ҳис-туйғулари ва истакларини максимал қондиришга интилувчи шахсни биринчи ўринга суради. Бироқ Я. Ч. нинг *гедонизми* ва *эвдемонизми* ўта даражада ифодасини топган эмас. У

ҳаётда ҳозирни ҳузур кўришга ва ўлгандан кейин нима бўлишини ўйлаб ўзини қийнамасликка даъват этарди. Унинг индивидуализми *конфуцийчилик*да кишиларнинг ахлоқий ва социал инқирозига реакция бўлди.

ЯПОН ФИЛОСОФИЯСИ. Японияда дастлабки фалсафий таълимотларнинг шаклланиши феодализм даврига оиддир. Я. ф. қадимги хитой натур-философик тасаввурларининг, *конфуцийчиликнинг* ахлоқий-сиёсий таълимотининг, *буддизмнинг*, сўнгра эса янги конфуцийчиликнинг таъсири остида ривожланди. Японияда янги конфуцийчилик идеализмининг асосчилари Фудзивара Сэика (1561—1619) ва Хаяси Радзан (1583—1657) эди. Уларнинг мактаби («Сюси гакуха») хитой философи *Чжу Сининг* таълимотини тарғиб қиларди. Япон янги конфуцийчилари коинотда «тайкёку» ёки «мукёку» — «буюк чек» ёки «чексизлик» — сифат ва формалардан маҳрум, инсон идроки етолмайдиган универсал ғайри табиий куч ҳукм суради, деб таълим берардилар; мистик абсолют «тайкёку» моддий ибтидо «ки» (*ци*) билан боғлиқ ва нарсаларнинг ҳамда инсоннинг физик табиатини яратишга қодир бўлган идеявий ибтидо «ри» (*ли*)нинг асосини ташкил этади. Янги конфуцийчилар азалий итоат қилиш муносабатлари (ўғилнинг отага, фуқаронинг императорга, хотиннинг эрга итоат қилиши ва ш. к.) ҳақидаги классик конфуцийчилик ақидаларини асослаб бердилар. Бу даврда Ямага Соко (1622—85) ва Буцу (Огю) Сораи (1666—1728) ҳамда Накаэ Тодзю (1608—48) бошлиқ хитой философи Ван Шоу-жэнь (Ван Ян-мин)нинг субъектив идеализми — «Оемэйгакух» тарафдорларининг классик конфуцийчилик мактаблари ҳам бор эди. Я. ф. да ҳукмрон бўлган идеалистик оқимларга қарама-қарши ўлароқ, материалистик қарашлар шакллана бошлаган эди. Япон философларининг Фарбий Европа мутафаккирлари (Ф. *Бэкон*, *Гассенди*, *Гоббс*, *Коперник*, *Галилей*, *Ньютон* ва б.) таълимоти билан танишуви Японияда материалистик философиянинг

ривожланиши ҳамда конфуцийчилик ва янги конфуцийчилик идеализми ҳукмронлигига пугур етказилиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Антифеодал ижтимоий фикрнинг, материалистик ва атеистик идеяларнинг ривожланишида **Кайбар** (Эжикэн) Эжкэн (1630—1714), **Муро Кюсо** (1658—1734), **Ито Дзинсай** (1627—1705), **Ямагата Сюан** (1687—1752) асарлари кўзга кўринарли роль ўйнади. **Материалист** философ ва атеист **Андо Сёэкиннинг** феолияти феодализм даврига (17-аср охири — 18-аср бошлари) тааллуқлидир. Андо Сёэки «чексиз» идеявий ибтидо тўғрисидаги янги **конфуцийчилик идеясини** рад этиб, «узлуksиз қарор топиш» табиатнинг ҳақиқий қонунидир, деган қонидани ҳимоя қилди. Унинг табиат ва унинг қонунари ҳақида айтган фикрларида **диалектика элементлари бор**. Андо Сёэкиннинг фикрича, коинот бешта бенизола моддий элементдан иборат, бу элементлар ўз ихтиёрича ҳаракат қилади. Андо Сёэки феодализмнинг қатъий душмани, маърифатчилик қаршларининг пропагандисти эди. У кишиларнинг тугма тенгсизлиги идеясини рад қилиб, социал офатнинг манбаи хусусий мулкдир, деб ҳисобларди, **лекин бу мутафаккирнинг социал талаблари утопик эди**. Тенглик барпо қилиш учун кишилар ерни коллектив бўлиб ишлаша ўтишлари лозим, бу эса жамиятда тенгликка, ҳунар ва санъатларнинг раvнақ топишига олиб келади. Нагүрфилософ **Миура Байэнининг** (1723—89) асарларидаги материалистик элементлар конфуцийчилик схоластикасида қатъиян воз кечишининг далили бўлди. **Мианагава Киен** (1716—1804), **Хирага Гэнсай** (1726—79), **Ямагата Банто** (1761—1801), **Камада Рюо** (1754—1821) Я. ф. да материалистик ва атеистик фикрнинг ҳимоячилари бўлиб чиқдилар. 19-асрнинг иккинчи ярмида Я. ф. нинг ривожига таъсир кўрсатган муҳим момент — 1867—68 йиллардаги тугалланмаган буржуа революцияси эди. Фалсафий идеяларнинг ривожланиши бу даврда философларнинг «канрё гакуся» («бюрократиядан чиқ-

қан олимлар») ва «минкан гакуся» («халқдан чиққан олимлар») философларининг кураши процессида таркиб топи. «Канрё гакуся»нинг вакиллари (улар «маданиятнинг планлар, дидлар ва юқоридидагиларнинг ғайрати билан ривожлантиришни ўз вазифалари деб ҳисоблардилар) — **Ниси Аманэ** (1826—94) ва **Като Хироюки** (1836—1916) эди. Улар конфуцийчилик элементларини Ғарбий Европа идеалистик философиясининг (*Милл, Бентам, Кант, Спенсер* ва б.) ғоялари билан бирга қўшишга интилардилар. Ниси «тэцугаку» — философия» терминини биринчи бўлиб киритган. «Минкан гакуся»нинг таниқли вакили **Фукудзэва Юкити** (1834—1901) эди. У **Като Хироюкининг** социал-дарвинистик идеяларини рад этиб, социал тенгликни тарғиб қилди. Идеалист ва эклектик **Иноуэ Тэудзиро** (1855—1944) япон монархик идора усулининг идеологи эди. У инглиз эмпиризмга қарши чиқиб, конфуцийчилик, янги конфуцийчилик, **синтоизм**, буддизм идеяларини немис классик философияси (*асосан Гегель*), **Э. Гартман** ва **эмпириокритицизм** идеялари билан синтезлаштиришга уринган эди. Унинг иқтисодий таълимоти «японизм» идеологиясининг фалсафий асоси бўлиб қолди. **Материалист** философ ва атеист **Накаэ Тёмин** (1847—1901) Иноуэ философиясининг ва принцип жиҳатдан ҳар қандай идеализмнинг муҳолифи эди, у япон прогрессив илмий ва ижтимоий фикрига катта таъсир кўрсатди. Япония империализмга ўтиши билан идеалистик фалсафий мактаблар тобора кўпроқ актив мадад ола бошлади. Ун-тетлар ҳузурда тузилган махсус кафедралар немис классик философияси ва энг янги идеализм (*Феноменология*, *хаёт философияси*, *прагматизм ва экзистенциализм*) идеяларини тарғиб қилади. **Нисиди Китаро** (1870—1945) философияси энг кўп тарқалди, у **дзэн-буддизм** идеяларини Ғарбий Европа идеалистик философияси тушунчаларида ва принципларида ифодалашга уринарди, Нисиди таълимотида немис классик философияси, янги кантчилик, **интуитивизм**, прагматизм

ва экзистенциализм идеялари эклектик равишда бирга қўшилиб кетган эди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси, капитализмнинг умумий кризиси, япон ишчилар ҳаракатининг муваффақиятлари Японияда марксистик философиянинг пайдо бўлишига ва тарқалишига кўмаклашди. Марксизм-ленинизм ғоялари япон реакцияси томонидан таъқиб қилинишига қарамай, профессионал философлар орасидан тобора кўпроқ тарафдорлар топа бошлади. Тосака Дзюн (1900—45), К. Маркс «Капитал»нинг таржумони Каваками Хадзимэ (1879—1946), В. И. Ленин «Материализм ва эмпириокритицизм» китобининг янги-дан, мукамаллаштириб қилинган таржимасининг атери Нагата Хиросити (1904—47) Японияда илмий марксистик дунёқарашнинг актив пропагандастлари бўлиб майдонга чиқдилар. Прогрессив жамоат арбоби, милитаризм ва реакция душмани Янагида Кэндзюро (1893 йил. туғ.) ва буржуа идеологияси таъқидчиси, европа философияси тарихчиси Колдза Есисигэ (1902 йил. туғ.) оғли равишда марксизм позицияларига ўгдилар. Марксизм-ленинизмнинг таъсири Фунаяма Синъитининг (1907 йил. туғ.), Йэнага Сабуронинг (1913 йил. туғ.) тарихий-фалсафий тадқиқотларида кўринди. Мутан Рисаку (1890 йил. туғ.) хусусан этика проблемаларини талқин этишда марксизм томонига ўта бошлады. Тарихий материализм соҳасида Мори Коити (1906 йил. туғ.), Ои Тадаси (1912 йил. туғ.), Мори Нобусигэ (1914 йил. туғ.), Сибата Синго (1930 йил. туғ.), билиш назарияси, диалектик логика соҳасида Тэрадзава Цунэнобу (1922 йил. туғ.), Қобаяси Нобору (1918 йил. туғ.) ишламоқдалар.

ЯСПЕРС Карл (1883—1969)— немис экзистенциализмининг етакчи вакили, Базел ун-тетининг профессори. Уз фаолиятини психиатр сифатида бошлаган, бу эса унинг фалсафий проблемаларни тушунишни кўп жиҳатдан белгилаб берган. Психопатологик ҳодисаларда («Умумий психопатология», 1913) Я. шахснинг емирилиши ифодасини эмас, балки инсоннинг ўз

индивидуаллигини шиддатли излашни кўради. Бу излашни чинакам философлик қилишнинг ўзига деб қараркан, Я. оламнинг ҳар қандай рационал манзарасини қандайдир мажозий нарса сифатида, ҳеч қачон охиригача англаб бўлмайдиган рухий интилишларнинг «рационализацияси» сифатида қараш мумкин: бу манзара фақат «борлиқнинг шифри» бўлиб, ҳамisha шарҳга муҳтождир, деган хулосага келади. Я. нинг фикрича, философиянинг асосий вазифаси «шифр»нинг мазмунини очишдан ёки ҳеч бўлмаганда инсоннинг ҳамма оғли зуҳуротлари (фац, санъат, дин ва ҳ. к.) асосида англаб бўлмайдиган *экзистенция* фаолияти борлигини, оламда ҳукм сурувчи ақлсизлик олий донишмандлик манбаи эканлигини («Ақл ва экзистенция», 1935) очиб беришдан иборат. Я. экзистенциализмнинг ўзига хос хусусияти унинг *чегара вазиятлари* ҳақидаги таълимотида айниқса равшан намоён бўлади. Я. нинг фикрича, борлиқнинг ҳақиқий мазмуни инсонга фақат энг чуқур ларзалар (касалик, ўлим, ювиб бўлмайдиган гуноҳ ва б.) давридагина очилади. Худди ана шу пайтларда «шифрнинг ҳалокати» содир бўлади: инсон ўзининг кундалик ташвишлари юкидан («оламда-мавжуд борлиқ»дан) ва ўзининг идеал манфаатларидан ҳамда воқелик ҳақидаги илмий тасаввурлардан («ўзида трансцендентал борлиқ»дан) халос бўлади. Унинг кўзи олдида ўзининг чуқур илтим ҳаёти дунёси («экзистенциянинг равшан кўриниши») ва унинг худони (трансценденталликни) чинакам ҳис қилиши намоён бўлади («Философия», 1932). Чегара вазияти ҳақидаги таълимот Я. га «совуқ урушнинг» «маданий-психологик қиммати»ни ҳимоя қилиш учун асос бўлди («Атом бомбаси ва инсоннинг келажаги», 1958). 50- йилларда Я. коммунизмнинг ашаддий душмани ва реакция идора усулларининг ҳимоячиси бўлиб майдонга чиқди. Я. сўнгги асарлари («Айб проблемаси» ва «ГФР қаёққа қараб борапти») унинг сиёсий тафаккурида ўзига хос силжишлар юз берганлигидан далолат беради: у автори-

таризмга ва ҳукмрон партияларнинг диктаторлик ҳаракатларига, ГФРда фавқулодда қонунларнинг жорий қилинишга қарши чиқа бошлаган эди.

ЯХЛИТЛИК — бутунлик — объектининг ички бирлиги, унинг автономлиги, мустақиллиги, теварак-атрофдаги муҳитдан дифференцияланиб чиққанлиги, шунингдек шундай хоссаларга эга бўлган объектининг ўзи. Юқорида кўрсатилган тавсифларни мутлақ маънода эмас, балки нисбий маънода тушуноқ керак, чунки объектининг ўзи муҳит билан кўпдан-кўп алоқага эга, ҳақат у билан бирликда мавжуддир; бундан ташқари, бирон-бир объектининг Я. ги ҳақидаги тасаввурлар ўткинчи бўлиб, илмий тафаккурнинг ривожланишига боғлиқдир. Чунончи, биологияда айрим организмнинг Я. ги тўғрисидаги тасаввур баъзи жиҳатдан етарли бўлмай қолэди, шунинг натижасида келуляция, биоценоз ва шу каби Я. лар қараб чиқишга киритилади. Философия тарихида Я. тушунчасини талқин этишда ички тенденцияни ажратиб кўрсатиш мумкин: тўлиқлик, объектининг ҳамма хоссалари, томонлари ва алоқаларини ҳар тарафлама қамраб олиш сифатидаги Я. (бу маънода Я. конкретлик тушунчаси билан яқинлашади) ва объектив ички шартногга боғлиқлиги унинг ўзинга хослигини, ноёблигини белгиловчи нарса сифатидаги Я. (бу маънода Я. моҳият тушунчаси билан яқинлашади). Тадқиқотнинг вазифаси объект ҳақида синтетик билим олишдан иборат ва объектининг ўзи етарли даражада мураккаб бўлган ҳолларда (мас., ҳозирги вақт кенг аял олган систем тадқиқотларда) Я. тушунчаси муҳим роль ўйнайди. Я. ҳақидаги тасаввурнинг методологик аҳамияти объект хоссаларининг ички детерминациясини аниқлаш зарурлигини ва объектининг ўзинга хос хусусиятини ташқаридан (мас., теварак-атрофдаги муҳитнинг шароитларига, объектининг ўз навбатида Я. га эга бўлган қисмларини қараб чиқишга ёки муайян объектни қисм сифатида ўз ичига олувчи Я. ва ш. к. ларга асосланиб) изоҳлаш етарли эмаслигини кўрсатишдан иборатдир.

Сўнги йилларда Я. тушунчасини фақат объектларга эмас, балки мураккаб системаларда содир бўладиган процессларга ҳам татбиқ этишга уринилмоқда.

ЯХШИЛИК ВА ЁМОНЛИК — ахлоқ-этика категориялари бўлиб, уларда кишиларнинг (группалар, синфларнинг) хатти-ҳаракатига ҳамда ижтимоий ҳодисаларга муайян синфий позициялардан қараб бериладиган ахлоқий баҳо ифодланади. Я. деганда жамият (муайян синф) тақлид қилишга лойиқ деб ҳисоблаган ахлоқ-одоб тушунилади. Е. қарама-қарши маънога эга бўлиб, қораланиши лозим бўлган ахлоқсизлики билдиради. Бу категорияларнинг метафизикларча талқин қилиниши учун Я. ва Е. нинг абадий ва ўзгармас асосларини қидириш характерлидир. Идеализм мазкур категорияларни худонинг иродасида ёки абсолют руҳда деб билади. Кантнинг этика назариясига кўра, Я. — ҳар бир ақлли вужудда ҳо бўлган ва инсон яшайдиган шароитга боғлиқ бўлмаган ахлоқий қонуннинг буюрганларига мувофиқ келувчи нарсдан иборат (*катъий императив*). Марксчага бўлган материализмнинг вакиллари кўпинча Я. ва ё. нинг манбаини инсоннинг абстракт табиатида, унинг ҳузур-ҳаловатга, бахтга интилишида деб билардилар (*Генонизм, Эвдемонизм*). Ҳатто улардан ахлоқ-одобни ҳаёт ва кишини тарбиялаш шароити билан боғлаб қаровчилари ҳам Я. ва ё. ҳақидаги тасаввурларни абадий ва ўзгармас деб эълон қилган эдилар. Ҳақиқатда эса, «гайри тарихий инсоний табиат» замиридан ҳамisha муайян социал жамоатга хос бўлган, социал шарт-шароит таъқоси билан юз берадиган хислатлар тушуниларди. Шу сабабли Я. ва ё. ни асослашда, аслида, ҳар бир мутафаккир бирон-бир синфнинг ахлоқий позициясини қаттиқ туриб ҳимоя қиларди. Ҳозирги замон буржуа этикаси учун энг характерли хусусиятлар шундан иборатки, у, бир томондан, капиталистик жамиятнинг расмий ахлоқида ҳукмронлик қилувчи Я. ва ё. ҳақидаги тасаввурларни чин ва абадий тасаввурлар қилиб кўрса-

тишга уринади, иккинчи томондан, Я. ва ё. нинг объектив критерияларини инкор этади. «Яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги тасаввурлар халқдан халққа, асрдан асрга ўта бориб, шу қадар кучли ўзгарганки, кўпинча бири иккинчисига тўғридан-тўғри зид бўлиб қолган» (К. Маркс ва Ф. Энгельс, 20-т., 94-б.). Лекин бу ўзгаришлар бирон кишининг ўзбошимчилиги натижаси эмасдир, фақатгина субъектнинг фикрига боғлиқ бўлмайди. Уларнинг манбаи жамият ҳаётининг объектив шароитларидадир. Кишиларнинг хатти-ҳаракатлари умуман жамиятнинг тарихий эҳтиёжларини қондиришга ва шу эҳтиёжларни ифодаловчи прогрессив синфнинг манфаатларига ёрдам беришига ёки тўқсинлик қилишига қараб уларга Я. ёки ё. деб баҳо берилиши мумкин. Коммунистик ахлоқда Я. ва ё. ҳақидаги тасаввурлар кишиларнинг шундай хатти-ҳаракат қоидаларини белгиловчи конкрет ахлоқ-одоб талабларининг мажмуи орқали ифодаланадики, бу хатти-ҳаракат меҳнаткаш инсониятни эксплуатациядан озод қилишга, социализм ва коммунизмни муваффақият билан қуришга кўмаклашади.

ЯШАШ УЧУН КУРАШ — организмларнинг уларнинг ҳаёти ва тарқалиши учун ноқулай бўлган тирикмас ва тирик табиат факторларига қарши таъсири. Яшаш учун кураш натижасида теварак-атрофдаги шароитга яхшироқ мослашган индивид-

лар яшаб қоладилар ва ўзларидан жуда кўп ва яшашга қобил авлод қолдирадилар. Яшаш учун кураш — бир тур ичидаги организмлар ўртасидаги ва ҳар хил турлар вакиллари ўртасидаги ўзаро муносабатлар формаларидан бири бўлиб, у ўсимликлар ва ҳайвонлар эволюциясининг факторидир. Яшаш учун курашни инсоният жамиятига кўчириш буржуа социологиясининг энг реакцион оқимларидан бири бўлиши *социал-дарвинизмга* манба бўлди.

ЯХУДОЛИК — яҳудийлар диџи. Я. қадимги яҳудий қабилаларининг мажусийлик политеизмдан пайдо бўлган, эраמידан олдинги 7-асрдан бошлаб монотеистик дин бўлиб қолади. Я. нинг характерли хусусиятлари — ягона худо Яҳвега ва халоскор мессияга ишонишдан, яҳудийларни худо мумтоз қилганлиги ҳақидаги ақидадан, диндор яҳудийлар турмушининг деярли ҳамма соҳаларини қамраб оладиган кўпдан-кўп диний маросимлардан иборат. Я. диний таълимотининг манбалари—Таврот (буни христианлик ҳам эътироф этади) ва Талмуд (тавротга оид китобларга ёзилган шарҳларнинг мураккаб соластик системаси)дир. Яҳудийлар черкови — синагогдир. Я. Исроннинг давлат динидир. Ҳозирги замон Я. нинг диний философияси мессанистик мистика билан суғорилган (М. Бубер, С. Городецкий ва б.).



ЎЗАРО ТАЪСИР — жисмларнинг ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатиш процесси, ҳаракатнинг тараққиётнинг универсал формаси. Ҳ. т. ҳар қандай моддий системанинг мавжудлигини ва структур тузилишини, унинг бошқа жисмлар билан бир қаторда каттароқ тартибдаги системага бирлашувини, барча жисмлар, процесслар ва ҳодисаларнинг хоссаларини белгилайди. Ҳ. т. га қобил бўлмаганида материя мавжуд бўлолмас эди. Ана шу маънода Энгельс Ҳ. т. ни, бутун мавжудотнинг ниҳояли сабабидир ва ундан кейин ҳеч нарса йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, деб таърифлаган эди. Ҳар қандай яхлит системада Ҳ. т. шундай бир муносабат сифатида юз берадики, бу муносабатда сабаб билан натижа доимо ўрин алмаштириб туришади. Физикавий жиҳатдан Ҳ. т. яқиндан таъсир қилиш сифатида юз беради, бу таъсирнинг тарқалиш тезлиги ниҳоят даражада вакуумдаги ёруғлик тезлигига тенгдир. Лекин табиатда физикавий Ҳ. т. дан иборат қилиб бўлмайдиган Ҳ. т. нинг жуда кўп бошқа формалари мавжуддир (*Ҳодисаларнинг умумий алоқадорлиги, Ҳаракат, Ўзгарши, Функционал боғланишлик*).

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ФИКР — узоқ тарихга эга бўлиб, уни асосан икки катта даврга бўлиш мумкин. Октябрь социалистик революциясидан олдинги синфий жамяят даври ва революциядан сўнгги марксча-ленинча фалсафа тараққиёти даври. Революциядан олдинги даври—қулдорлик, феодализм ва Ўзбекистоннинг Россия таркибига қўшиб олинган шароитдаги фалсафий фикрдан иборат. 6-асрларга қадар давом этган қулдорлик шароитида Урта Осиёда ижтимоий-фалсафий фикр диний дунёқарашлар билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланиб, асосан эрадан аввал—9—3-асрларда пайдо бўлган зардуштлиқ таълимотларида

ва унинг асосий китоби «Авеста» («Овуста»)да ўз ифодасини топди. Бу таълимотларнинг асосида дуализм—икки қарама-қарши куч—нур ва зулмат, яхшилик ва ёмонлик ўртасида кураш ётади. Эрамининг 2—3-асрларига келиб зардуштлиқ қулдорлар ва давлат динига, уларнинг ғоявий курашига айланиб қолди. Бу даврда ҳукмрон динга оппозиция сифатида яхшиликнинг ғалабасини тарғиб қилувчи Мони таълимоти, сўнграқ, 5-асрда ижтимоий тенглик байроғини кўтариб чиққан Маздак ҳаракати вужудга келди, улар ўз даврининг илғор ижтимоий-фалсафий фикрини ифодалади. Феодализм шароитидаги Урта Осиё ижтимоий-фалсафий фикрининг ривожига араб халифалигининг ташкил топиши, ислом динининг тарқатилиши ва унга қарши Урта Осиё халқларининг кураш жараёни билан боғлиқдир. 7-асрда араб феодаллари Урта Осиёни босиб олдилар ва бой маданият халифалик таркибида ривожлана бошлади.

10-асрларга келиб Урта Осиё халқларининг араб босқинчиларга қарши кураши ерли феодал давлатларининг — Сомониёлар, Ғазнавийлар, Қорахонийлар, Хоразм давлатларининг ташкил топиши билан якунланади. Исло таълимоти ва каломнинг кенг тарғиб этилиши билан бирга унга оппозицияда бўлган ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт талабларини ифодаловчи табиий-илмий билимлар ва илғор ижтимоий-фалсафий фикр ривожлана бошлади. Урта осийлик олим-мутафаккирлар бу даврда бутун араб халифалигида илғор илм ва фалсафа ривожига катта ҳисса қўшдилар. Бу даврда *Фаробий, Ибн Сино, Берунийлар* идеализм, ҳукмрон диний идеология таъсиридан бутунлай қуттилмаган бўлсаларда ислом теологиясига, ғайри илмий даъволарга қарши кураш олиб бордилар. Илғор дунёқараш ва табиатшунослик ривожига,

философиянинг диндан ажралишига жуда катта ҳисса қўшдилар. Улар шарқ олимлари *Ибн Рунд*, *Умар Хайём*, *Ибн Холдун* ижодига ҳам катта таъсир кўрсатдилар. 11—12-асрларда илғор ижтимоий қарашлар Юсуф хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик», Аҳмад Югнакийнинг «Хибат-ул ҳақойиқ» асарларида, илмнинг жамият ҳаётидаги ролини ошириш, яхши ахлоқ ҳақидаги фикрларида ривожлантирилди. Бу даврда Урта Осиёда мистик сўфизмнинг таъсири кучая борди. Ясавийнинг (12-аср) бу дунёдан, дунё лаззатларидан воз кечиш, ўзини олоҳга бағишлаш, зўрликка қаршилик қилмаслик ҳақидаги мистикаси, аскетизм феодал диний идеологияни мустақамлаш учун хизмат қилди. 12-асрда Чингизхон ҳужуми ва Урта Осиёнинг мўғуллар томонидан босиб олинishi иқтисод ва маданиятга катта зарба етказди. 14—15-асрларга келиб мўғул ҳукмронлигига қарши ҳаракат кучайди, Урта Осиёда Темур бошчилигида мустақил феодал давлати ташкил топди. Хусусан Темурнинг набираси *Улугбек* даврида Урта Осиёда фан ривожланди, табиий илмларга—математика, астрономия, медицина фанларига катта эътибор берилди. Ясавизмнинг таъсири сусайиб, ҳунар фойдасини, дунёвий ишларни тарғиб қилувчи нақшбандийлик (асосчиси бухоролик Муҳаммад Нақшбандий, 1389 йилда вафот этган) авж олди. 15-асрнинг илғор ижтимоий-фалсафий тафаккури Абдурахмон Жомий ва айниқас *Алишер Навоий* ижодида ўзининг ёрқин ифодасини топди. 17—18-асрларда феодал урушлари кўпайиб, 3 хонлик—Хоразм, Бухоро, сўнграқ Қўқон хонликлари ташкил топди, маданий ҳаёт, адабиёт, санъат шу хонликларда ривожлана бошлади. Бу даврдаги илғор ижтимоий-фикр Турди, Машраб номлари билан боғлиқдир. Урта Осиёда *Бедилнинг* илғор фалсафаси муҳим роль ўйнади. 18-аср охири, 19-аср бошларидаги илғор ижтимоий фикр оламини билиш мумкинлигини тарғиб қилган, табиий илмларни ривожлантиришга уринган Қорабоғи, ҳур фикрлилик нуқтаи назар

ридан туриб дунёвий адабиётни ривожлантирган Ҳозиқ, Оғаҳий, Нодира асарларида давом эттирилди. 19-аср иккинчи ярмидан Ўзбекистонда ижтимоий фикр ривожига янгича шароит вужудга келди. Бу давр Туркистоннинг Россияга қўшиб олинishi натижасида катта ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг рўй бериши билан боғлиқдир. Туркистон рус буржуазиясининг мустамлакасига айланди, эксплуатация кучайди, лекин маданий ҳаётда катта ижобий ўзгариш рўй берди, рус демократик тафаккурининг таъсири ортди. Бу даврда ижтимоий ҳаётда 3 оқим вужудга келди—феодал идеологияси ва тартибларни ҳимоя этувчи оқим, миллий буржуазия гоёларини ифодаловчи жаҳидизм ва илғор рус маданияти таъсирида ривож топган илғор маърифатпарварлик ва демократик оқим. Илғор идеология вакиллари—*Дониш*, *Фурқат*, *Аваз Утар*, *Муқимий*, *Завкий*, *Анбар Отин*, *С. Айний*, *Ҳамза Ҳакимзодалар* феодал идеологиясига қарши курашдилар, бой-чиновникларни танқид қилдилар, халқни илғор рус маданиятини ўрганишга чақирдилар, маърифатни эгаллашга даъват этдилар. Жаҳид идеологияси Россияда революцион ҳаракат кучайган, социал-демократик гоёлар тарқалиб бораётган бир шароитда халқни курашдан қайтаринишга, рус чоризмига солиқ қолишга чақириб салбий роль ўйнади. 1905—1907 йил инқилобий ҳаракатининг кучайishi билан Туркистонда социал-демократик, марксистик гоёлар, «Искра», «Солдатская», «Правда» газеталари, В. И. Ленин мақолалари тарқала бошлади. Бу ерда «Туркистон», «Рус Туркистони», «Самарқанд» газеталари нашр этилди, турли социал-демократик тўғарақлар ташкил топди. Морозов, Худаш, Корнюшин каби рус большевиклари бу ишда катта роль ўйнадилар. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси ва Совет давлатининг ўрнатилиши натижасида Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикр ривожига янги давр бошланди. Бутун иқтисодий, сиёсий-маданий ўзгариш билан боғлиқ ҳолда

марксизм-ленинизм назариясини, марксча-ленинча философияни егаллаш ва унинг тантанаси учун кураш бошланди. Янги совет мактаблари, маданий-оқартув муассасалари, матбуот ташкил топди, 1920 йилда В. И. Ленин топшириғи билан Туркистонда биринчи университет таъсис этилди; саводсизликка, диний идеология, турли панисломистик ва миллатчилик ғояларига қарши кураш жараёнида янги социалистик дунёқараш аста-секин ғалаба қила борди. Бунда ленинча партия топшириғи билан келган П. А. Кобозев, Ш. З. Элиава, А. Э. Рудзутак, М. В. Фрунзе кабиларнинг хизмати катта бўлди. Марксча-ленинча дунёқарашини, илмий социализм ғояларини тарғиб қилиш ва амалга оширишда Ўзбекистондаги биринчи партия ва давлат раҳбарлари А. Икромов ва Ф. Хўжаевнинг роли муҳимдир. 20-йиллардаёқ К. Маркс Ф. Энгельс, В. И. Лениннинг қатор асарлари ўзбек тилига таржима этила бошланди. «Инқилоб», «Ишчилар қалқони», «Маориф», «Коммунист йўлдоши», «Худосизлар», «Қурилиш» каби янги ташкил этилган совет журналларида марксча-ленинча назариянинг турли масалаларига, диалектик ва тарихий материализм, марксистик этика, атеизмга оид қатор мақолалар чоп этила борди. 30-йиллардан бошлаб, айниқса ВКП(б) МК нинг «Под знаменем марксизма» журнали ҳақидаги тарихий қароридан сўнг (1931) олий ўқув юртларида диалектика ва тарихий материализм курси ўқитила бошлади. Ўзбекистон Компартияси марксист-философларни тайёрлаш ишига катта эътибор берди. САГУ, УзДУ ларда марксча-ленинча философия соҳасида кадр тайёрлаш ва илмий-педагогик ишларни ривожлантириш авж олиб кетди. 30-йиллар турли ғоявий оғишларга қарши курашда марксча-ленинча назария ва философияни кенг ва чуқур ўрганишни таъминлаш, ижтимоий фанларнинг барча соҳаларида — адабиёт, тарих, санъат педагогика, сиёсий иқтисодда, ғоявий ҳаётда диалектик ва тарихий материализм принциплари тантанаси учун

олиб борилган изчил фаолият билан характерланади. Улуғ Ватан урушидан сўнг халқ хўжалигини тиклаш процессида марксча-ленинча философиянинг таъсирчанлигини ошириш, кадрлар тайёрлаш, илмий-педагогик ишларни кенг йўлга қўйиш соҳасида қатор тадбирлар амалга оширила борди, хусусан, Тошкент ва Самарқанд университетларида катта иш қилинди. Сўнгги йилларда В. И. Ленин асарларининг кўп томлиғи, К. Маркс ва Ф. Энгельснинг философияга оид қатор муҳим асарлари ўзбек тилига таржима қилиниши республика ғоявий ҳаётини муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1958 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси таркибида философия ва ҳуқуқ институти ташкил топиши республикада фалсафий илмлар ривожига катта аҳамият касб этди. Ҳозирда республикадаги 42 олий ўқув юртларининг 50 га яқин философия кафедраларида, УзФА нинг И. М. Мўминов номли философия ва ҳуқуқ институтида марксча-ленинча философиянинг турли соҳалари, материалистик диалектика, логика, табиатшуносликнинг фалсафий масалалари, этика ва эстетика, илмий атеизм, Шарқ ва Урта Осиё фалсафаси тарихи соҳаларида, социализм ва коммунизм қурилишининг муҳим назарий масалалари — илмий-техник революциянинг ижтимоий натижалари, коммунистик тарбия, миллий муносабатларнинг ривожланиши, маданиятларнинг яқинлашуви ва раванқи, совет ҳаёт тарзи масалалари бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда. Сўнгги йиллар ичида философиядан ўзбек тилида қатор оригинал ўқув қўлланмалари яратилди, фалсафий меросни ўрганиш, буржуа идеологияси, антикоммунизмнинг танқиди, Ўзбекистонда марксча-ленинча философиянинг тарқалиши бўйича турли тадқиқотлар амалга оширилди. Ҳозирда республикада СССР Философия жамиятининг филиали, философиядан бир қатор илмий советлар ташкил этилди, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларида 650 га яқин философлар иш олиб бормоқдалар, уларнинг

44 проценти илмий даражага эга бўлиб, шулардан 33 фан докторларидир. Утган 5 йиллик — 1971—1975 йиллар ичида марксча-ленинча философиянинг турли соҳалари бўйича 40 дан орტიқ йирик монографиялар нашр этилди, 150 дан орტიқ фан кандидатлари, 18 фан доктори тайёрланди. У. и. ф. ф. марксча-ленинча совет философиясининг узвий ва ажралмас қисми сифатида КПСС, Совет давлати, халқимизнинг эзгу мақсади — коммунизм тантанасини таъминлаш, совет кишинини тарбиялаш, коммунистик дунёқарашни мустаҳкамлаш, партиямизнинг ижтимоийётчилар олдига қўйган вазифаларини изчил амалга ошириш йўлида шараф билан хизмат қилиб келмоқда.

ЎЗГАРИШ — барча объектлар ва ҳодисаларнинг энг умумий борлиқ формаси. У ҳар қандай ҳаракат ва ўзаро таъсирни, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишни қамраб олади. Философияда У. га ҳамма вақт жисмларнинг мавжудлик хоссаларининг, структурасининг ёки қонуларининг нисбий барқарорлиги қарама-қарши қўйилиб келинди. Аммо структура, хоссалар ва қонуларнинг ўзлари ўзаро таъсирларнинг натижасидан иборат бўлиб, улар жисмларнинг турли ҳилдаги алоқаларига боғлиқдир ва шундай қилиб улар материянинг У. идан вужудга келади.

ЎЗ-ЎЗИНИ АНГЛАШ — инсоннинг ўзини объектив оламдан ажратиб қараши, оламга ўзининг муносабатини, шахс сифатида ўзини, ўз хатти-ҳаракатлари, иш-амаллари, фикр ва туйғулари, истак ва манфаатларини англаши. Ҳайвонлар ўз ҳаётий фаолиятига айнан монандидрлар, улар табиати фақат ҳозир бўлиш билан ўзгартирадилар, яъни унга бевосита муносабатда бўладилар. Инсон эса табиатга ижтимоий практика воситаси орқали ва аввало меҳнат қуролларини ишлатиш воситаси орқали муносабатда бўлади. Меҳнат туфайли у бевосита табиий алоқадан ажралиб чиқади: меҳнат процессида у ўз вазифалари ва мақсадларининг табиий

материал билан ўзаро муносабатини аниқлайди ва ўз имкониятларини ҳисобга олади. Инсон меҳнат процессида маҳсулотларни ярата бораркан, бамисоли у иккига ажралиб, ўз фаолиятининг предметига ўз қўлларининг ишини мушоҳада этади. У юмушкор сифатида ўз фаолияти предметларидан ўзини фарқ қилади. Лекин меҳнат ҳаминша ижтимоий характерга эга бўлганлигидан, инсон ўзини муайян тарихий системага мансуб одам сифатида англай бошлайди ва бошқа кишига ўзи сингари одам деб қарайди. У.ў. а. нинг шаклланишида тил муҳим роль ўйнайди. У.ў. а. (нишона, зеҳн сифатида) онг билан бир вақтда ундан ҳосила каби пайдо бўлади, лекин у инсоният тараққиётининг анча юқорироқ босқичида юзага келади. Аввалида инсон нарсалар билан амалий таъсирда бўлиши процессидагина ўзини объектдан фарқ қилади, ўз фаолиятининг объектини ва субъект сифатида ўз-ўзини англайди. Сўнгра У.ў. а. уруғга, коллективга онд нарса сифатида юзага келади: инсон ҳали уруғ ичида қоришиб кетган бўлади, уруғ ҳамон инсон моҳиятининг ҳомили ва маркази сифатида майдонга чиқади. Уруғдошлик тузуми ҳалок бўлиши, цивилизациянинг юзага келиши ва индивиднинг ажралиб чиқиши билан шахснинг асл маънодаги У.ў. а. пайдо бўлади. У.ў. а. философия тарихида таъсирчан принцип сифатида юзага келган ва инсоннинг амалий фаолиятини тушуниш кўпинча шу билан тамомланган (*Фихте, Гегель, Ёш гегелчилар*). Шу билан бирга У.ў. а. га кўп ҳолларда объектив оламнинг ўзини ҳам яратувчи ибтидо деб қаралган. Ҳақиқатда эса У.ў. а. таъсирчан принцип бўлганлигидан, уни инсоннинг амалий ижтимоий-ишлаб чиқариш фаолияти натижаси сифатидагина қатъий суратда тушуниш мумкин. Инсоннинг У.ў. а. и социал тараққиёт асосида ва натижасида илгариллаб бориб, ҳар қандай социал зулмдан озод бўлган ва индивиднинг ҳаётий фаолияти тўла намоён бўлиши учун ҳамма имкониятларни ву-

жудга келтирадиган жамият шароитида ўзининг юксак тараққиётига эришади.

ЎЗ-ЎЗИНИ РЎЕБГА ЧИҚАРИШ ЭТИКАСИ — буржуа ахлоқ назариясида 19-асрнинг охирида пайдо бўлган оқим; унинг идеяларини турли маслақлардаги философлар — объектив идеалистлар (Ф. Брэдли, Ж. Мак-Таггарт, Ж. С. Маккензи, Б. Бозанкет — Англия; Д. Ройс—АҚШ), америкалик ва француз персоналистлар (Б. Боун, М. Қолкинз, У. Хоккинг, Э. Мунье, Ж. Бастид), италиялик янги гегелчи Кроче, протестантчи философ Ф. Адлер ва б. ривожлантирмоқдалар. У.-ў. р. ч. э. га кўра, ахлоқий фаолиятнинг мақсади — ҳар бир индивиднинг ўз «ички Мен»ини рўёбга чиқаришидан иборат бўлиб, бу «Мен» ноёб, тақдорланмайдиган хусусият ҳисобланади. Бундан, инсон хатти-ҳаракатларининг ахлоқий қиммати уларнинг ўзига хослигида, индивидуаллигидадир, деган хулоса чиқарилади. Ахлоқ-одобнинг индивидуализм принципига таянувчи критериясини бундай талқин қилш пировардида ахлоқ ҳақидаги волонтаристик хулосаларга олиб келади. У.-ў. р. ч. э. назариячилари кўпдан-кўп индивидуал «Мен»ларни (баъзан худо деб талқин қилинадиган) «абсолют» «Мен»нинг қандайдир ҳамма нарсани қамраб оладиган системасига киритадилар, бу «Мен»га нисбатан индивидуал «Мен»лар бутуннинг қисмлари бўлиб чиқадилар. Шундай система ёрдами билан гўё манфаатларнинг уйғунлиги барқарор бўлар эмиш: ҳар бир киши фақат ўз индивидуал моҳияти талабларига амал қилиб, бутунга, яъни жамиятга хизмат қилар эмиш. У.-ў. р. ч. э. нинг маддоҳлик мазмуни шундан иборатки, у индивиднинг буржуа жамияти ҳаёти қонунарига ҳар томонлама бўйсунганини оқлаб кўрсатади ва бу жамиятга ғайри тарихий, ғайри социал система тусини бермоқчи бўлади.

ЎЗ-ЎЗИЧА ҲАРАКАТ — ҳаракат манбаи, сабаби ҳаракатланувчан нарсанинг ўзида бўладиган ҳаракат. У.

ў. ҳ. концепцияси гўё табиатда содир бўладиган ўзгаришларнинг бирдан-бир сабабчиси бўлган «ташқи туртки» концепциясига энг аввалданоқ қарши бўлиб келди. Философия тарихида У.-ў. ҳ. категориясининг пайдо бўлиши ва шаклланиши, биринчидан, коинотнинг «бошланиши», оламдаги процессларнинг бош сабабчиси ҳақидаги масаланинг қўйилиши билан ва, иккинчидан, тараққиётнинг реал процессларини тушунтириш қийинчиликлари билан боғлиқ эди. Материалистлар ҳаракатни табиатнинг ўзига хос кучлар ва хоссаларга: бош ибтидоларнинг қўшилиши ва ажралиши (ионик философия), «муҳаббат» ва «нафрат» (*Эмпедокл*), атомлар ва бўшлиқ (*Левкипп*, *Демокрит*) ва ш. к. ларга боғлаб изоҳлашга уриндилар. Ўзгаришларни уларнинг нариги томонидаги идеявий ибтидодан келтириб чиқариш идеалистик системалар учун характерли эди (*Платон*). Дунёнинг яратилиши ҳақида христианлик догмаси пайдо бўлгач, ҳаракатнинг сабабини тушуниш проблемаси айниқса кескин тус олди. Оламнинг У.-ў. ҳ. ини исбот қилмоқ учун унинг ҳаракат манбаи ва механизмини унинг ўзидан очиб кўрмоқ керак, ваҳоланки теология бу манбани ташқарига (худонинг «фаолияти»га) кўчиради. *Сабаятчи* (ва ўзгаришларни) механистик тушунишнинг назарий (методологик) ожизлиги шундан иборатки, бу тушуниш «биринчи туртки» идеясига (ньютонча механика) қарши турулмайди ва тараққиётнинг реал процессларини изоҳлаб беролмайди. У.-ў. ҳ. ни илмий равишда изоҳлаш учун тафаккур методини тубдан қайта тузиш талаб этиларди: материализмга диалектика ёрдамга келиши керак эди. Спинозача *cansა sui* (ўз-ўзлигича сабаб) идеяси, лейбницча ўзи фаолият кўрсатувчи, ўз-ўзини белгилувчи субстанция сифатидаги *монада* принципи, осмон, ер ва одамнинг ривож ҳақидаги кантча идеялар, Шеллинг философиясидаги эволюция идеяси, ниҳоят, гегелча идеалистик диалектика — У.-ў. ҳ. концеп-

циясининг шаклланиши йўлидаги белгилардирки, бу концепция «зиддиятларнинг бирон тарздаги тасвиридан» (Гегель) иборатдир, холос. Марксча философия У.-ў. ҳ. га материалистик қарашни ҳимоя қилган ҳолда У.-ў. ҳ. қатариясининг диалектик мазмунини, уни тараққиётни механистик тушуниш (оддий камайиш, кўпайиш, такрорланиш) билан бирга сиғдириб бўлмаслигини ва тараққиётнинг қарама-қаршиликлар бирлиги сифатидаги диалектик концепцияси билан чамбарчас боғлиқ эканлигини таъкидлаб кўрсатади.

ЎЛЧОВ — бишли процесси бўлиб, бу процесс тегишли ўлчов *приборларининг* ёрдами билан моддий объектларнинг характеристикаларини (оғирлиги, узунлиги, координати, тезлиги ва б.) белгилашни ўз ичига олади. Пировард ҳисобда У. ўлчанадиган миқдорни эталон (ўлчов бирлиги) сифатида қабул қилинган ва у билан бирор тарзда жинсдош бўлган миқдор билан таққослашдан иборатдир. У. га бирликларининг бирон-бир воситаси билан жисмлар хоссаларининг миқдорий тасвири берилади ва бу тасвир бишлининг муҳим элементини ташкил этади. У. билимизнинг аниқлик даражасини оширади. Позитивистлар микроҳодисаларни ўрганишда У. нинг ошиб бораётган ролини нотўғри талқин қилиб, уни «объектнинг субъект томонидан тайёрланиши» деб изоҳлайдилар («прибор идеализми») ёки физик тушунчаларнинг мазмунини У. нинг айрим операцияларидан иборат қилиб қўядилар (*Операционализм*).

ЎРТА АСР РЕАЛИЗМИ—ўрта аср схоластикадаги йўналиш бўлиб, бу йўналиш умумий тушунчалар (*Универсалийлар*) реал мавжудликка эгадир ва улар айрим нарсаларнинг мавжудлигидан олдин юзага келган, деб даъво қилади. У. а. р. тушунча билан объектив оламнинг, умумийлик билан айримлиқнинг ўзаро муносабати ҳақидаги масалани ҳал этишда амалда *Платон* йўлини давом эттирарди. У. а. р. *католицизмнинг* фалсафий базаси бўлиб хизмат қилди. *Ан-*

сельм Кентерберий ва шамполик *Вильгельм* унинг энг таниқли вакиллари эдилар. *Фома Аквинский* ҳам шу йўналишга қўшилларди. *Номинализм* вакиллари У. а. р. га қарши кураш олиб борган эдилар. Бу кураш философиядаги икки тенденция — материалистик тенденция (номинализм) билан идеалистик тенденция (реализм) ўртасидаги курашнинг ифодаси эди.

ЎРТА АСР ФИЛОСОФИЯСИ (Гарбий Европа мамлакатларида)—Гарбий Европа феодал жамияти философияси, бу философия Рим империясининг ҳалокатидан бошлаб (5-аср) то капиталистик жамиятнинг илк формалари пайдо бўлганга қадар (14—15-асрлар) ўтган даврда ривожланди. Антик қўлдорлик жамиятининг иққирози философиянинг тушқунлиги билан бирга борди. Антик фалсафий мерос йўқотилган ва 12-асрнинг иккинчи ярмигача Гарбий Европа олимларига номаълум эди. Диний идеология: Олд Осиёда, Арабистонда ва араб тилида сўзлашувчи мамлакатларда ислом идеологияси, Европада икки хилдаги (Рим католицизми ва Византия православияси) христиан идеологияси ҳукмрон идеология бўлиб қолди. Мактаб, маориф черков қўлига ўтди, черков ақида ва аҳкомлари табиат, олам ва инсон ҳақидаги ҳамма тасавурларга асос бўлиб қолди. Мактабларнинг (дунёвий ва диний мактабларнинг) ривожланиши, 12-асрнинг ўрталаридан бошлаб эса дастлабки ун-тларнинг ташкил этилиши (Италия, Англия, Чехия, Францияда) философия олдинга дин ақидаларини фалсафий жиҳатдан тушунтириш ва ҳатто асослаб беришда черковга ёрдам бериш вазифасини қўйди. Философия бир қанча асрлар давомида «илоҳиёт хизматкори» бўлиб қолди. Бу ролини у мажусийликка қарши христианлиқни мадҳ—ҳимоя қилувчилар фаолиятида, сўнгра эса «черков отахонларининг асарларида» бажариб келди. Бу «отахонлар»даң Гарбда энг йириги бўлмиш Августин христиан философияси таълимотлари системасига неоплатонизмнинг қатор идеяларини киритди. Шарқ неопла-

тончилари, шулар жумласидан Сохта-Дионисий Ареопагит (5-аср) неоплатонизмнинг таъсирининг иккинчи—Ғарб учун — манбаи бўлиб қолди. Иоанн Скот, ёки *Эриген У. а. ф.* нинг шаклланишида муҳим роль ўйнади. Дин ақидаларини изоҳлаганда ўрта аср философлари олдида айримликнинг умумийликка муносабати ва умумийликнинг реаллиги тўғрисидаги мураккаб масалалар пайдо бўлди. Бу масалаларни ҳал қилиш усулига қараб *схоластика* номини олган мактаб философияси бир қанча нуқтаи назарларни ишлаб чиқди, улар орасида ўзаро кураш бошлаган реализм (*Ўрта аср реализми*) таълимоти ва *номинализм* таълимоти асосий оқим бўлиб қолди. 12-асрда *Абелар* бу иккала нуқтаи назарнинг ҳаддан ошишига қарши чиқди. 12-асрнинг ўрталарида *Аристотелнинг* асосий асарлари латинчага таржима қилинди. Аввалда черков душманлик кўзи билан қараган Аристотель таълимотлари кўп ўтмай христианликнинг фалсафий асоси сифатида эътироф этилди. Шу пайтдан бошлаб схоластика муаллимлари Аристотель асарларининг шарҳловчилари ва системалаштирувчилари бўлиб қоладилар. Улар аристотелизми ўзларининг диний ва фалсафий тушунчаларига мослаштирадилар, Аристотель дунёқарашининг эскирган қисмларини (мас., геоцентрик системи, унинг физикаси принципларини) ақидапарастларча ўзлаштирадилар, фанда янгилек излашнинг ҳаммасини рад этадилар. 13-асрда *Буюк Альберт*, *Фома Аквинский* ва *Иоанн Дунс Скотт* схоластиканинг асосий системалаштирувчилари эдилар. Черков Фома Аквинскийнинг фаолияти ва таълимотига энг юксак баҳо берди: уни ўз «авлиёлари» қаторига қўшди, 13-асрнинг иккинчи ярмида эса унинг таълимотини ўзининг расмий фалсафий доктринаси деб эълон қилди (*Неотомизм*). 13-асрда схоластиканинг уч системалаштирувчиси билан бир вақтда баъзи таниқли философ олимлар иш кўра бошладилар, булардан энг йириги *Р. Бэкон* эди. *Р. Бэкон* таълимотида ўша вақтдаёқ

феодал жамиятнинг социал негизларига қарши норозилик жаранглаб эшитилмоқда эди. 13-асрда ўрта аср шахарларининг, ҳунармандлик ва савдо-сотиқнинг, савдо йўлларининг ривожланиши, салб юришлари давомида Шарқ билан алоқанинг кучайиши философиянинг ва жумладан номинализмнинг бир қадар юксалишига олиб келди. *Оккам*, сўнгра эса унинг Париж оккамизм мактабидagi издошлари номинализмнинг энг йирек назариётчилари бўлиб қолдилар. *У. а. ф.* даги ғоявий кураш фақат схоластика ичидаги курашдан иборат эмас эди. Схоластиканинг ўзига мистика қарама-қарши турарди, у черковнинг ва унинг таълимотларининг обрў-эътиборини шахсий ҳис-туйғу ва субъектив онг далилларидан паст қўярди. Феодал жамиятнинг маънавий ҳаётида мистика расмий ва мажбурий диний таълимотга қарши кўпинча оппозиция формаси бўлиб қоларди: диндорнинг худога шахсий муносабати феодализм идеологиясига ва феодализм ижтимоий системасига қарши танқидга ва ҳатто курашга айланиб кетарди. Лекин мистикада реакция қанот ҳам мавжуд эди (*Б. Клервоский*, *Бонавентура*). 13-асрда *У. а. ф.* да кучли антисхоластик ҳаракат пайдо бўлди, бу ҳаракат *Ибн Рушднинг* шахсий руҳини ўлиши ва ҳамма учун умумий ақл ҳақидаги таълимоти билан кучайтирилди. Париж ун-тетида схоластикага қарши курашчи *Сигер Брабантский* *Ибн Рушд* ғояларини мардонавор ривожлантирди (*Брабантский* 1282 йилда ёвузларча ўлдирилди). 12-асрнинг бошларидаёқ черковга қарши еретиклик қиқишларини бостириш мақсадида ва янги фалсафий идеяларга қарши курашмоқ учун доминиканчилар ва франциссчилар монахлик орденлари (ушмалари) ташкил этилди. Худди ана шу орденларнинг вакиллари 12-асрда папа *Георгий IX* нинг католик идеологияси манфаатини кўзлаб Аристотель таълимотини «тузатиш» лойиҳасини амалга оширдилар. *У. а. ф.* 13-асрда нисбатан юксалганлигига қарамай, унинг минг йилдан ошиқ ривожининг натижалари фило-

софия учун ҳам фан учун ҳам қурум-соқ бўлиб чиқди, чунки ҳатто йирик мутафаккирлар ҳам ҳақиқатни излашдан кўра кўпроқ динни асослаш усулларини излардилар, ўрта аср жамиятининг диний идора усули эса бу вазифа чегарасидан чиқшига ботинувчи кишиларнинг ташаббусини ва фикр шарвозини бўғиб қўярди. Фақат янги, капиталистик ишлаб чиқариш усулининг ва фаннинг амалий ва назарий вазифаларини янгича тушунишнинг пайдо бўлишигина Ғарбий Европа илғор кишиларининг фикрини аста-секин У. а. ф. асоратидан қутқазди.

ЎРТА АСР ФИЛОСОФИЯСИ (Ўрта Осиёда). Ўрта Осиёда феодал муносабатлари 5—6-асрлардан ривожлана бориб, 19-асрнинг 2-ярмига — Россияга қўшиб олиниш даврига қадар давом этди. Бу ерда феодализм идеологияси сифатида 8-асрдан ислом дини ҳукмронлик қилди. Лекин феодализм ривож шариоатида, айниқса 9—15-асрларда ҳукмрон ислом дини билан бирга, унинг қобиғи остида ҳурфикрлик ва феодал ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ ривожланиши катталикда тахлилий-илмий билимлар ривож топди ва улар асосида илғор фалсафий таълимотлар тараққий этди. Натижада Ўрта Осиё феодализм маънавий ҳаётида ҳам иккита прогрессив ва реакцион оқимларнинг кураши давом этади. Яқин ва Ўрта Шарқ, жумладан ўрта аср Ўрта Осиёси илмий фалсафаси, антик маданияти, айниқса, юнон илми ва фалсафаси, Аристотель таълимотининг меросхўри бўлди. Юнон илмий, фалсафий асарлари араб тилига таржима этилди, уларга изоҳлар ёзилди ва янада ривожлантирилди. 8—11-асрларда машҳур математик, алгебранинг асосчиси *Хоразмий*, астроном *Фарғонийлар* Ўрта Осиё табиатшunosлигининг атоқли намояндalари бўлиб танилдилар. Улар табиатни илмий ўрганиш масаласига катта эътибор бердилар ва илғор фалсафий таълимотларининг шаклланишига таъсир

қўрсатдилар. Диний идеологияда илмдан фарқ қилувчи ҳурфикрликнинг назарий асосини ташкил этган прогрессив фалсафий фикр 9—11-асрларда яшаб ижод этган *Форобий*, *Беруний*, *Ибн Сино* асарларида олий даражага кўтарилди. Улар табиатшunosлиқнинг ютуқларини умумлаштириб қадимги юнон илмини ўзлаштирган ҳолда фалсафа, медицина, астрономия, логика, геодезия илмларининг ривожига катта ҳисса қўшдилар. *Форобий* ва *Ибн Сино* мусулмон теологиясига — каломга зид ҳолда оламнинг бир бутунлиги, табиат ва материянинг оллоҳдан нурланиш поғоналари (эмонизм) орқали вужудга келиб, сўнггида ўз ички сабабий боғланишлари асосида ривожланиши ҳақидаги пантеистик фикрни олға сурдилар, материянинг йўқ бўлмаслигини эълон қилдилар, ягона мавжудоти биллиш, ўрганишда ақл ва илм ҳал қилувчи аҳамият касб этишини айтидилар. Сезилар нарсаларнинг ўзгарувчи ташқи хислатларини, акциденциясини, ақл, тафаккур моҳиятини—субстанцияни билади, биллиш чексиздир, лекин инсон ақли, билими дунёвий ақлнинг фаолиятига боғлиқдир. *Гносеологияда* *Форобий*, *Ибн Синолар* рационализм позициясида турдилар. *Форобий* биринчи бўлиб Шарқда илмлар классификациясини, ижтимоий қарашларида ҳамма учун бахт-саодат келтирувчи фозил жамоа ҳақидаги утопиясини олға сурди ва гуманизм позициясида турди. *Ибн Сино* табиатшunosлик билимларида, хусусан, медицина соҳасида катта мерос қолдирди. Уларнинг асарлари 12-асрдаёқ латин тилига таржима этилиб, Европани юнон фалсафаси мероси ва Шарқ илмий ютуқлари билан таништиришда муҳим роль ўйнади. *Беруний* тарих, астрономия, фармакогонезия, геодезия соҳасидаги асарлари билан машҳур бўлиб, тажрибавий илмга катта эътибор берди, *гелиоцентрик* система ҳақида ижобий фикрни олға сурди. Бу олимларнинг асарлари диний дунёқараш таъсиридан қутулма-

ган, кўп масалаларда содда теологик характерда бўлса-да, материалистик фикрларга бой эди, улар Шарқ ва Европада илм-фаннинг ривожига муҳим роль ўйнади. 11—13-асрларда илмий-табiiий-фалсафий ва ижтимоий фикр Усуф хос Хожиб, Аҳмад Югнакий асарларида давом этди. Бу даврда диний-мистик фикр ҳам авж олди, бу жиҳатдан Яссавий ижтимоий фикрлар тарихида реакцион роль ўйнади. Айниқса мўғул истилоси иқтисод ва маданиятда тушқунликка олиб келди. 14—15-асрларга келиб Урта Осиёда йирик феодал давлати ташкил топиши билан маданият нисбатан ривож топа бошлади. Табiiий-илмий фикр Улуғбек раҳбарлигидаги илмий мактаб фаолиятида, Али Қушчи, Қоми кабиларнинг астрономия, математикага оид асарларида ривож топди. Айниқса Улуғбекнинг юлдузлар жадвали—«Зижи Курагоний» ўрта аср илмининг оламшумул ютуғидир. 15-асрда Жомий ва Навоий ижодлари ўрта аср ижтимоий фикрининг чўққиси бўлди. Навоий ўз даврининг илгор фалсафасига асосланиб гуманистик таълимотни олий даражага кўтарди, адолатли жамоа ва маърифатли шох, инсонларнинг ўзаро дўстлиги, меҳнат овозлиги ҳақидаги фикрни олға сурди. Улар идеализм доирасидан ташқарига чиқа олмаган бўлсалар-да, бу идеализм диний-мистик дунёқарашга, ислом реакциясига нисбатан илгор эди. Сўнгги асрларда феодализм тушқунликка йўл топди, феодал урушлари авж олиб дин таъсири кучайди, лекин илгор фикр диний мистикага қарши курашда бошқача шаклда Турди, Машраб, Огаҳий, Нодира, Гулханий асарларида давом этди.

УРТА ДАРАЖА НАЗАРИЯСИ— буржуа социологиясига Мертон (АҚШ) киритган тушунча, У. д. н. га у социологик назарияларни, яъни «кичик иш гипотезалари... билан ҳамма нарсаи ўз ичига оладиган, бирер ҳукмрон концептуал схемани ташкил этадиган спекуляциялар ўртасидаги оралиқ назариялар»ни киритади (спекуляцияларга Мертон жамиятни яхлит ҳолида олиб қарайдиган умумий

социологик назарияларни киритади). Бошқа кўп буржуа социологлар сингари, Мертон ҳам эмпирик социология боши берк кучага кириб қолганлигини ва умумий социологик назарияга эҳтиёж сезаётганлигини тушунади. Бироқ Мертон позитивизм тарафдори бўлганлигидан, фақат бевосита ҳиссий маълумотларга элтиб тақаш мумкин бўлган умумлашмаларни тан олади. Унинг нуқтаи назарича, худди инсон хатти-ҳаракат амалиётларининг эмпирик тарзда топилган бир хилиги У. д. н. тушунчалари бўлиб қоладиган асосий умумлашмаларни ташкил этади. Ж. Хоумансинг (АҚШ) кичик гуруппалар назарияси бунга мисол бўлиши мумкин, бу назарияда зарур гуруппавий процессларни ўзаро таъсир, хатти-ҳаракат нормалари, стимуллар ва ш. к. тушунчаларда умумлаштиришга уринади. Буржуа эмпирик социологларни кенг қўллаб-қувватлаган У. д. н. концепцияси социал ҳодисалар моҳиятини пайқаб олишни истисно қиладди, бу моҳиятни жамиятни яхлит организм деб қаровчи умумийроқ социологик назария нуқтаи назаридангина очиб бериш мумкин.

УТМИШ САРҚИТЛАРИ — илгариги социал-иқтисодий муносабатларнинг эски жамиятдан мерос бўлиб қолган қолдиқлари, шунингдек қарашлар, идеялар, хулқ-атворлар ва анъаналар. Социализм шароитида У. с. ни бартараф қилиш масаласи айниқса кескин бўлиб туради, чунки улардан ҳар қандай (буржуача, патриархал ва феодал-бой сарқитлар) хусусий мулк ва эксплуатацияниг ҳукмронлигига асосланган ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг маҳсулидир ва шунинг учун ҳам улар социалистик ижтимоий муносабатлар ва социалистик идеология билан муромага келмайдиган даражада зиддир. Социализм шароитида жамиятнинг социал структурасида, одатда, синфлар эмас, балки айрим кишилар ёки шахсларнинг айрим гуруппалари У. с. ни тарқатувчидирлар. Шу сабабли, бир томондан, социалистик ижтимоий муносабатлар ривожининг асо-

сий мазмуни ва тенденциялари ва, иккинчи томондан, У. с. ўртасидаги зиддият синфлараро муносабатлар соҳасидан жамият билан шахснинг ўзаро таъсири соҳасига кўчирилади. У. с. жамиятга қарши хатти-ҳаракатда, социалистик ҳуқуқ, коммунистик ахлоқ нормаларини бузишда энг яққол кўринмоқда: жамият манфаатларига беларво қараш (нигилизм, ғоясизлик, мешчанлик, ижтимоий бурчга формал муносабатда бўлиш), ижтимоий ҳаёт нормаларини бузиш (бюрократизм, мансабпарастлик, коллектив ёки шахснинг манфаатларига олайиб қараш, иятизомсизлик, масъулиятсизлик ва ш. к.), очиқдан-очиқ душманлик (ҳамма формалардаги жиноятчилик, текнхўрлик) У. с. нинг бу кўринишларининг ҳаммаси социалистик жамият тараққиётининг табиатига ва асосий тенденцияларига зиддир. Улар ҳали ўзларига бир қадар объектив замин ҳам топмоқдалар, чунки социализм шароитида жамиятнинг тўлиқ социал якжинслигига, маданият ва ахлоқинч бир хилдаги юксак даражасига, барча жамият аъзоларининг активлигига

ва онглилигига эришилган эмасдир. У. с. нинг (хусусий мулкчилик, маҳаллийчилик, индивидуалчилик сарқитларининг) сақланиб келишига ва ҳаттоки вақтинча жонланишига сабаблардан бири — социализм ижтимоий муносабатлари учун характерли бўлган социал-иқтисодий бошқариш принципларининг (кишиларнинг ўз меҳнати натижаларидан моддий манфаатдорлиги, шахсий ва ижтимоий ўзаро муносабат, демократик централизм принципи ва б.) бузилиши бўлиши мумкин. У. с. нинг сақланиб келиши капиталистик системанинг мавжудлиги ва буржуа пропагандасининг социалистик мамлакатлар аҳолисининг энг қолоқ қисмига таъсири билан ҳам боғлиқдир. У. с. га қарши кураш коммунизм қурилишининг зарур шартидир. Уларни бартараф қилиш — икки томонлама процессдан иборат бўлиб, бу процесс ижтимоий муносабатларни такомиллаштиришни ҳам, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни ҳам назарда тутади.

К

ҚАБИЛА — кишиларнинг ижтимоий тузумга хос умумият формаси. Қабила асосида уруғдошлик муносабатлари ётган бўлиб, бу муносабатлар қабилаларнинг территория, тил, маданият жиҳатдан тарқоқ ҳолда яшашини белгилайди. Фақат индивиднинг қабилага мансуб бўлишигина уни умумий мулкка шерик қилиб, ишлаб чиқариш маҳсулотидан унинг муайян ҳиссасини, унинг ижтимоий ҳаётда иштирок ҳуқуқини таъминлар эди. Уруғдошлик муносабатларининг товар муносабатлар томонидан суриб чиқарилиши қабилаларнинг тарқалиб, *элатларга* бирлашувига олиб келди.

ҚАДР-ҚИММАТ — фазилат — ахлоқий онг тушунчаси бўлиб, бу тушунча шахснинг *қадр-қиммати* ҳақидаги тасаввурни ифодалайди; этика категорияси бўлиб, бу категория инсоннинг ўз-ўзига ва жамиятнинг индивидга бўлган ахлоқий муносабатини акс эттиради. Ўз Қ.-қ. ини англаш — шахснинг ўз-ўзини назорат қилиш формаси бўлиб, индивиднинг ўз-ўзига нисбатан талабчанлиги ана шу формага асосланади; бу жиҳатдан жамиятдан келадиган талаблар ўзига хос шахсий талаблар формасини олади (шундай иш тутмоқ керакки, натижада ўз Қ.-қ. инг ерга урилмасин). Шундай қилиб, Қ.-қ. *виждон* билан бир қаторда — инсоннинг жамият олдида ўз бурчи ва *масъулиятини* англаш усулларидан биридир. Шахснинг Қ.-қ. и шунингдек теварак-атрофдагиларнинг ва умуман жамиятнинг унга бўлган муносабатини ҳам тартибга солади, чунки у шахсни ҳурматлаш, унинг ҳуқуқларини эътироф этиш ва ҳ. к. талабларни ўз ичига олади. Ҳар иккала ҳолда ҳам Қ.-қ. шахснинг социал ва маънавий эркинлигининг муҳим томони сифатида юзага келади. Идеалистик этика Қ.-қ. манбаининг шахснинг қандайдир ғайри социал (илоҳий, табиий, «асл инсоний») моҳиятидан қидиради ва индивид Қ.-қ.

ини жамият қонунларига, талабларига ва ҳуқуқларига қарама-қарши қилиб қўяди. Марксистик этика Қ.-қ. ни социал шароит тақозоси билан юзага келган тарихий муносабат деб қарайди, бу муносабат биринчи марта ибтидоий жамоа тузуми бузилиши даврида шахснинг пайдо бўлиши билан бирга пайдо бўлади, лекин синфий жамиятда у зидма-зид тарзда юз беради. Феодализм шароитида Қ.-қ. сословия ор-номуси тарзида юзага келади, капитализм шароитида ҳам ҳақиқатда у индивиднинг синфий мансублигига боғлиқ бўлади. Социал тенгсизлик йўқ қилиниши билангина Қ.-қ. ҳақиқатан ҳар бир кишининг тенг ҳуқуқи бўлиб қолади ва лекин бу ҳуқуқни ҳар бир киши ўзининг социал ва ахлоқий камолати ва онглиги даражасига қараб индивидуал равишда реал барқарор қилади (ва англайди).

ҚАЙТАРИБ БЎЛМАСЛИК — ўзгариш характеристикаси бўлиб, бунда бошланғич ҳолатга қайтиш бўлмайди; сифат жиҳатдан янги ҳолатга ўтиш. Қ. б. оэми-кўпми даражада оламдаги ҳамма процессларга хосдир. Бунинг сабаби шуки: 1) материя бениҳодядр, унинг структураси битмас-туганмас мураккабдир, унда ўзгаришлар имкониятларининг сон-саноксиз кўплигидир ва бу имкониятларнинг вақтнинг қандайдир ниҳояли бўлаги ичида тўла-тўқис рўёбга чиқариб бўлмаслигидир; 2) барча мавжуд моддий системалар принципиал равишда нобиқикдир, уларнинг ташқи алоқалари хилма-хилдир ва бу алоқалар доимо ўзгариб, системани янги ҳолатга келтириб туришидир. Шу сабабли ҳар қандай даврий процесс қайтариб бўлмас ўзгаришлар элементини ўз ичига олади, бу эса вақтнинг ўтмишдан келажакка қараб қайтариб бўлмас умумий оқимида ўз ифодасини топади. Қ. б. ни ўзгаришларнинг қандайдир бир томонга қа-

раб йўналишидан иборат қилиб бўлмайди. Юқорига қараб ривожланиб бориш ёки, аксинча, системаларнинг ниқирозга кетиб, кейинчалик ҳалок бўлиши Қ. б. нинг хусусий тасодифларидир. Бир йўналишдаги ўзгариш фақат ниҳояли системаларда содир бўлиши мумкин. Бениҳоя коинотда Қ. б. энг турли-туман йўналишлардаги ўзгаришларни, тараққиётнинг принципаал жиҳатдан янги имкониятларининг тўхтовсиз пайдо бўлиб туришини назарда тутлади.

ҚАЙТАРМА АЛОҚА — тирик табиатда, жамиятда ва техникада бошқариш (регуляциялаш) системаларини характерловчи асосий тушунчалардан бири. Қ. а. бошқариладиган процесснинг бошқарадиган органга таъсиридир. Бошқариладиган процесс уни кучайтирганда, Қ. а. мусбатли бўлиб чиқади. Мусбат Қ. а., мас., радиотехникада тезлатгичлар ва генераторларнинг ишлашида, тирик организмнинг ўсиш процессида, турли органларнинг ўзаро таъсирида, жамиятда (мас., кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш процессида) юз бериб туради. Манфий Қ. а. ёрдами билан бошқариладиган процесснинг натижалари унинг таъсирини сусайтиради. Манфий Қ. а. воситаси билан регуляция қилинувчи системанинг бирон параметрини берилган даражада сақлаш процесслари, контрол процесслари ва ш. к. амалга оширилади. Қ. а. тушунчаси тирик табиатда ва жамиятда бошқаришнинг мураккаб системаларининг ишлаши ва ривожланишини анализ қилиш учун, оламнинг моддий бирлиги структурасини очиб бериш учун зарурдир. Унинг метеологик аҳамияти ана шундан иборат (шунингдек қ. *Кибернетика*).

ҚАРАМА-ҚАРШИЛИК — зиддиятнинг бир томонини ифодаловчи категория. Қ.-қ. ларнинг, қарама-қарши томонлар, тенденцияларнинг бирлиги зиддиятни ташкил этади ва бу зиддият нарсалар ривожининг ҳаракатлантирувчи кучи, манбаи бўлиб хизмат қилади. «Қ.-қ.» тушунчаси зиддиятнинг ривожланиш, ўсиб бориш, етиш даражасини тавсифлаш учун

ҳам ишлатилади. Ҳали авж олмаган ва хийла даражада ҳали «ўзида» мавжуд бўлган зиддиятнинг тафовутларидан фарқли ўлароқ, Қ.-қ. авж олган зиддиятни, унинг тараққиётидаги юксакроқ босқични билдирадими, бу чоқда қарама-қарши томонлар ва тенденцияларнинг кураши ўз ривожини ва ечимининг ҳал қилувчи палласига киради.

ҚАРАМА-ҚАРШИЛИКЛАР БИРЛИГИ ВА ҚУРАШИ ҚОНУНИ — воқеликнинг ва уни инсон тафаккури билан билишнинг ялпи умумий қонуни бўлиб, бу қонун материалистик диалектиканинг моҳиятини, «мағз»ни ифодалайди. Ҳар бир объект қарама-қаршиликларни ўз ичига олади. Қарама-қаршиликлар деганда диалектик материализм шундай моментларни, «томонлар»ни ва ҳ. к. тушунадими, улар (1) чамбарчас бирликда бўлади, (2) ўзаро бир-бирини истисно қилади, аммо фақат турли муносабатлардагина эмас, балки айни бир муносабатда ҳам бир-бирини истисно қилади, яъни (3) ўзаро бир-бирига ўтиб туради. Бирликсиз қарама-қаршиликлар ҳам бўлмайди, қарама-қаршиликларсиз бирлик ҳам бўлмайди. Қарама-қаршиликлар бирлиги нисбий, вақтлидир, қарама-қаршиликлар кураши абсолютдир. Бу қонун ҳар қандай ҳаракатнинг объектив ички «манбаи»ни тушунтириб беради, ҳеч қандай четдаги кучларга мурожаат қилмасдан, ҳаракатни ўз-ўзича ҳаракат деб тушунишга имкон беради. Бу қонун хилма-хилликнинг конкрет бирлигини ўлик айнаит тарзида эмас, балки худди конкретлик тарзида очиб беради. Диалектик тафаккур бутунни бўлиб ташлаб, икки томонни абстракт тарзда чегаралаб қўймайди, балки, аксинча, бутунни узвий яхлитлик тарзида, система тарзида ўзлаштиради, бу системада қарама-қаршилик ўзаро бир-бирига ўтиб туради. Шу билан «тушунчалар логикасида» предметнинг конкрет бутунлиги ва тараққиёти қайта ҳосил қилинади. Ана шунинг учун ҳам бу қонун диалектиканинг «мағзи»дир. Бу қонунда диалектик тафаккурнинг қуруқ мулоҳа-

за-метафизик тафаккурга қарама-қаршилиги энг лўнда тарзда ифодаланади; метафизик тафаккур ҳаракат «манбаи»ни ҳаракатнинг ўзидан фарқли ва унга нисбатан ташқи нарса деб, бирлики эса хилма-хиллик билан ёнма-ён мавжуд бўлган нарса деб талқин қилади, холос. *Метафизика* ҳаракатни ва хилма-хилликнинг конкрет бирлигини назардан чалғитиб, унинг ўрнига ҳаракатнинг ташқи натижаларини ва предметнинг атиги ташқи жиҳатдангина таққосланган томонларини тасвирлаш йўлига итаради. Диалектиканинг бутун тарихи — ана шу проблемалар теварагидаги кураш, уларни ҳал қилишга уриниш тарихидан иборат. Зиддиятлар диалектикасининг отаси — *Гераклитдир*. *Элейликлар (Зенон)* зиддиятни нуқул субъектив нарсага айлантириб, ҳаракатни ва хилма-хилликни рад қилиш воситасидан иборат қилиб қўйдилар («салбий диалектика» — *апориядир*). Уйғониш даврида «қарама-қаршиликларнинг мос келиши» идеясини *Николай Кузанский* ва *Бруно Ривожлантирдилар*. Кант фақат субъект билан объектни дуалистик ажратиш ҳисобига антиномияларни «барта-раф» қилди. Бу ажратишни бартаараф қилиш йўлидаги уринишлар диалектик зиддият идеясига олиб борарди (*Фихте, Шеллинг, Гегель*). Бу идеяни ишлаб чиқишда Гегелнинг хизмати айниқса каттадир, чунки у зиддият проблемасини тадқиқ қилишда идеализм заминидан қолган ҳолда бажариш мумкин бўлган энг катта ишни амалга оширди. Ҳозирги замон буржуа философияси учун шу нарса характерлики, у, бир томондан, зиддиятни ҳал қилиб бўлмайдиган нарса деб иррационаллаштиришмоқчи бўлади («фоживий диалектика»), иккинчи томондан, бу категорияни инкор этишга уриниб, уни терминологик тафовутлар билан алмаштирмоқчи бўлади (позитивистик йўсиндаги концепциялар). Марксизм қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонунини «билиш қонуни (ва объектив олам қонуни сифатида)» (Ленин) материалистларча талқин қилди ва ишлаб чиқди. Бу

қонунга диалектика, логика ва *билиш назариясининг* мос бўлиб тушиши нуқтаи назаридан қараш уни мисоллар йиғиндисидан иборат қилиб қўйишга қарши, уни борлиқ ва тафаккурнинг умумий қонуни деб тушунишга қаратилгандир. Бу қонуннинг объектив умумийлиги унинг билишдаги методологик функцияларининг негизидир. Унинг умумийлигини исбот этиш бу функцияларини тадқиқ этишнинг талаб қилади. Бу қонун шунингдек илмий нзаариянинг структурасини ҳам белгилайди, чунки бу назария бир бутуннинг иккиланиш диалектикасини очиб беради. Маркснинг «Капитал»и шундай структуранинг классик намунаси. Зиддиятларни ҳал қилиш тадқиқотни предметнинг ўзининг логикаси бўйлаб олға олиб боради ва янги тушунчалар ишлаб чиқиш ва уларни синтез қилишнинг рационал усули бўлиб хизмат қилади. Билишдаги диалектик зиддият тезис билан антитезиснинг тўқнашувига бориб тақалмайди. Бу зиддият уни ҳал қилишга томон борадиган ҳаракатдан иборатдир. Диалектик зиддиятни тушуниш — унинг қай тариқа ривожланиб, ҳал этилишини тушуниш демакдир. Унинг ҳал қилинишининг муҳокамадаги чалқаш формал-маънавий зиддиятларни бартаараф этилиши билан ҳеч қандай алоқаси йўқдир. Назария ичидаги диалектик зиддиятни адекват тарзда ифодалашни абстрактликдан конкретликка томон (*Абстрактлик ва конкретлик*) юқорилаб боришнинг ижодий процессидагина амалга ошириш мумкин. Шу сабабли назариянинг кенгайтирилган баёнини бирдан-бир «нозиддиятли система» доирасига тегиштириб бўлмамайди. Тараққиёт процесси ҳам ички, ҳам ташқи қарама-қаршиликларнинг тўқнашуви орқали амалга ошади. Диалектик ташқи қарама-қаршиликларни азалдан турлича моҳиятлар деб эмас, балки бир бутуннинг иккиланиш натижаси деб, пировард ҳисобда ички қарама-қаршиликлардан ҳосила нарсалар деб қарайди. Ижтимоий тараққиёт ҳақидаги марксистик таълимот бу қонунни таъбиқ этиш,

жамият зиддиятларини тадқиқ қилиш асосига қурилган бўлиб, синфий жамият ривожланишининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган синфлар кураши ҳақидаги тезисни асослаб беради ва шундан ўзининг ҳамма революцион хулосаларини чиқаради. Социализм капитализм зиддиятларини социал революция йўли билан авж олдириш ва ҳал қилишнинг қонуниятли натижасидир. Зиддиятлар ва уларни ҳал қилиш формалари турли-тумандир. Социализм ҳам зиддиятлар йўли билан ривожланади-ю, лекин бу зиддиятлар ўзига хос характерга эгадир (*Антагонистик ва ноантагонистик зиддиятлар*). Дialeктик зиддият категорияси ҳозирги замон табиёт илми учун ҳам муҳим методологик аҳамиятга эгадир, чунки табиёт илми ҳозир ҳам объектларнинг зиддиятли табиати билан тобора тез-тез тўқнашиб туради. Марксизм-ленинизм зиддият категориясини фикрлар образининг мулкига айлантирдикки, бу образ инсоннинг дунёни яхлит ҳолда ўзлаштиришидан келиб чиқади, унинг зиддиятлардан қўрқиши ва уларнинг ҳал этилишига халақит бериши учун ҳеч қандай сабаб-боис йўқдир.

ҚАРОР ТОПИШ — фалсафий категория, бу категория нарсалар ва ҳодисаларнинг ўзгарувчанлигини — уларнинг узлуксиз равишда бошқа нарсалар ва ҳодисаларга ўтиб туришини ифодалайди. Қ. т. концепциясининг классик вакили *Гераклитдир*, у воқеликни тушунишини «ҳамма нарсა ўзгариб туради» деган формулада ифодалаган эди. Қ. т. категорияси оламад дialeктик қараш билан узвий боғлиқдир: унинг негизда ҳар қандай нарса, ҳодисани қарама-қаршиликлар бирлигидан — борлиқ ва йўқликдан иборат, деб тушуниш ётади; бу категория пайдо бўлиш ва ривожланишини оддий миқдор кўпайиши ва камайиши деб метафизикларча тасаввур қилиш билан сифишмайди. Қ. т. категориясининг дialeктик мазмунини *Гегель* муфассал ривожлантирди, унинг философиясида Қ. т. категорияси «биринчи ҳақиқат» сифатида чиқади ва бу ҳақиқат идеялар (кате-

гориялар) мантиқий таърифларининг ундан кейинги бутун ривожининг «стихия»сини ташкил этади. Борлиқнинг ва ҳечликнинг бирлиги сифатида Қ. т. ҳар қандай нарсa ва ҳодисаларнинг пайдо бўлиши, туғилиши, яшаши, умумий абстракт курашини ифодалайди: ҳеч бир шундай нарсa йўқки, у «борлиқ билан ҳечлик орасида ўрталиқ ҳолат бўлмасин» (*Гегель*). В. И. Ленин «Философия дафтарлари»да Гегелнинг юқорида келтирилган қоидасининг муҳим аҳамиятини таъкидлаб кўрсатган эди.

ҚАТЪИЙ ИМПЕРАТИВ — Кант этикасида ахлоқий қонунни тавсифловчи фалсафий термин. Кант буйруқ формасидаги вапни «императив» деб атайди. Кантнинг фикрича, императив ё гипотетик, ёки қатъий бўлиши мумкин. Биринчиси исталган мақсадга (восита сифатида) боғлиқ бўлган шартли буйруқни ифодалайди; иккинчиси шартсиз буйруқни билдиради. Императивларнинг бу икки турининг фарқини Кант «Хулқ-атворлар метафизикасига доир асосий қонда» (1785) деган асарида кўрсатиб ўтган. Қ. и. ҳар бир кишига қондага қараб амал қилишни буюради, токи амал қилувчи киши бу қонда хусусида унинг ялиги умумий қонун бўлиб қолиши истагини билдиролсин. «Қ. и.» тушунчаси метафизик тушунчадир, чунки Кантда у бўлиши лозим бўлган нарсани мавжуд нарсaга қарама-қарши қўйишни ифодалайди. Бу қарама-қарши қўйиш Кант замонидаги немис бюргерлигининг амалий заифлигини акс эттиради, чунки ўша вақтдаги немис бюргерлиги этиканиннг назарий принципларини улар асосида ётган амалий синфий манфаатлардан ажратиб, бу принципларни «тушунчаларнинг ва ахлоқий постулатларнинг соф идеологик таърифлари» (К. Маркс ва Ф. Энгельс) деб қарай бошлаган эди.

ҚИЁСИЙ-ТАРИХИЙ МЕТОД — маданий ҳодисаларни тадқиқ қилиш ва изоҳлаш усули, бу усул табиқ этилганда мазкур ҳодисаларнинг шаклан ўхшашлигини аниқлаш асосида уларнинг генетик яқинлиги ҳақида,

яъни уларнинг келиб чиқиши муштараклиги ҳақида хулоса чиқарилади. Қ.-т. м. нинг характерли хусусияти шундан иборатки, моддий маданият ва билимнинг турли соҳалари учун муштарак бўлган энг қадимги элементларни қайта тиклаш ва таққослаш унинг бошланғич нуктаси бўлиб хизмат қилади. В. Гумбольдт ва айниқса Конт Қ.-т. м. ни ишлаб чиқишга анча ҳисса қўшдилар. Қ.-т. м. 19-асрда қиёсий-тарихий тилшунослик вакиллари бўлмиш Я. Гримм, А. Ф. Потт, А. Шлейхер (Германия), Ф. де Соссюр (Швейцария), шунингдек рус олимларидан И. А. Бодуэн де Куртене, А. Н. Веселовский, А. Х. Востоков, Ф. Ф. Фортунатов ва б. асарларида ўзининг тўлиқ ривожига эришди. Қ.-т. м. тилшуносликнинг, этнографиянинг ривожланишига, мифлар ва ва этиқодларни тарихий ўрганишга кучли таъсир кўрсатди. Қ.-т. м. нинг маҳдудлиги шунда намоён бўлдики, у маданий-мафкуравий формаларнинг сиртки ўхшашлиги фактидан мазкур формаларнинг юзага келишига сабаб бўлган моддий ижтимоий муносабатларни очиб беришга ўтишга имкон бермас эди. Ҳозирги замон тарихий тадқиқотда Қ.-т. м. дан маданият тарихини мазмунли шарҳлашнинг турли методларига бўйсунадиган ёрдамчи усул сифатида фойдаланилмоқда.

ҚИЗИЛ СИЛЖИШ (металактик) — галактикалар, квазарлар ва б. йироқ объектлардан келувчи электромагнит нурланиш (ёруғлик, радиотўлқинлар), частоталарнинг пасайиши. Жумладан, спектрнинг кўринувчи қисмининг чизиқлари унинг қизил чеккасига томон силжиган бўлади, қизил силжиш деган ном ҳам ана шундан келиб чиққан. Кузатилувчи объект қанча нари бўлса, Қ. с. шунча катта бўлади, шуниси ҳам борки, биринчи яқинлашувда Қ. с. тўғридан-тўғри масофага мутаносибдир (Хаббл қонуни). Қ. с. Доплер эффементи, яъни галактикаларнинг бир-биридан йироқлашуви натижаси уларнинг «югуриб кетиши» деб энг табиий суратда талқин этилмоқда. Шундай қилиб, Қ. с.,

ҳозирги замон релятивистик космологияси башорат қилганидек, *металактиканинг* кенгайиб боришидан далолат бермоқда.

ҚИММАТДОРЛАР, қимматдорликлар — теварак-атрофдаги олам объектларининг ўзига хос социал таърифлари, бу таърифлар уларнинг инсон ва жамият учун ижобий ёки салбий аҳамиятини очиб беради (ижтимоий ҳаёт ёки табиат ҳодисаларида жо бўлган *ноз-неъмат, яхшилик ва ёмонлик, гўзаллик ва хунуклик*). Сиртдан Қ. предмет ёки ҳодисанинг хоссалари сифатида юз беради, бироқ бу хоссаларни унга табиат ато қилган эмас, улар ўз-ўзликча объект ички структурасининг шунчаки тақозоси билан пайдо бўлган эмас, бунинг сабаби шуки, бу предмет инсоннинг ижтимоий борлиги соҳасига тортилган ва муайян социал муносабатларнинг омили бўлиб қолган. Субъектга (инсонга) нисбатан Қ. унинг манфаатларининг объектлари бўлиб хизмат қилади, унинг онги учун эса предмет ва социал воқеликда кундалик ориентирлар бўлиш, инсоннинг теварак-атрофдаги предметлар ва ҳодисаларга турлича амалий муносабатларининг белгилари бўлиш ролини бажаради. Мас., ичиш асбоби бўлган стакан ўзининг бу фойдали хусусиятини истеъмол қиймати, моддий неъмат сифатида намоён этади. Меҳнат маҳсулоти ва товар айрибошлаш буюми бўлганлигидан стакан иқтисодий Қ., қиймат сифатида майдонга чиқади. Агар стакан санъат буюми бўлса, у вақтда у эстетик Қ. га, гўзалликка ҳам эга бўлади. Ана шу хусусиятларнинг ҳаммаси инсоннинг ҳаётий фаолияти системасида стаканинг турли функцияларини билдиради ва инсон киришадиган муайян ижтимоий муносабатларнинг предмет белгилари, символлари сифатида юзага чиқади. Манфаатлар қаратилган объектлардан иборат бундай предмет Қ. билан бир қаторда мазкур манфаатларни идеявий формада ифодалайдиган баъзи ижтимоий онг ҳодисалари (яхшилик ва ёмонлик, *адолат ва адолатсизлик* тушунчалари, идеаллар, ахло-

қий нормативлар ва принциплар) ҳам Қ. га киритилади. Онгининг бу формалари реалликнинг ҳақиқий ёки ҳаёлий ҳодисаларини шунчаки тасвирлаб қолмасдан, балки уларга баҳо беради, уларни маъқуллайди ёки қоралайди, уларни ё амалга оширишни, ёки бартараф этишни талаб қилади, яъни улар ўз характери жиҳатидан норматив формалардир. Бироқ ижтимоий онгининг дунёқарашлик, синфий-партиявийлик характерини ана шу норматив томондан иборат қилиб қўйиш ярамайди. Идсологик майдонда турли ва қарама-қарши маънавий Қ. нинг тўқнашуви замирида иқтисодий-сиёсий позицияларнинг, синфлар манфаатларининг курашини кўрмоқ керакки, бу манфаатлар жамиятга, унинг тараққиётига ва пировард ҳисобда тарихий процесснинг объектив логикасига қарашларининг яхлит системаларида ифодаланади. Объектив тарихий қонуиларни онгли тушуниш марксистик дунёқарашни илмий дунёқарашга айлантиради, ваҳоланки ижтимоий ҳаёт воқеалари ва ҳодисаларига соф қимматдорлик нуқтаи назаридан қараш кундалик ёки маънавий онг доирасидан четга чиқмайди.

ҚИСМ ВА БУТУН — фалсафий категориялар, бу категориялар предметларнинг (ёки айрим объект элементларининг) мажмуи билан бу предметларни бирлаштириб айни мажмуиятда предметларнинг тарқоқ ҳолида уларга хос бўлмаган янги хусусиятлар ва қонуниятларни юз беришига олиб келадиган алоқа ўртасидаги муносабатни ифодалайди. Бу алоқа Б. сифатида, предметлар эса унга нисбатан қисмлар сифатида юзага келади. Б. билан қисмларнинг олди-кечмиши йўқлигини бир-биридан фарқ қилиш биринчи марта *Аристотелда* учрайди. Марксдан бурунги философияда бутунлик проблемасини икки қарама-қарши йўл билан ҳал қилиш таклиф этилган: йўқинди-метафизик йўл — «бутун — қисмлар йўқиндисидир; бутунда ҳеч нима йўқки, у қисмларда бўлмасин» ва мистик-идеалистик йўл — «бутун қисмлар йўқиндисидан ошиқдир; у

билиб бўлмайдиган руҳий моҳиятдир». Немис классик философиясида (*Шеллинг, Гегель*) анорганик Б. билан органик, ўз-ўзидан ривожланувчи Б. бир-бирдан фарқ қилинади, аммо кейинги Б. материя билан эмас, балки фақат руҳнинг ривожланиши билан боғлаб қаралади. 19—20-асрларда бутунлик проблемаси устидаги сафсатабозликдан кўп идеалистик мактаблар (неовитализм, *холизм, гештальтпсихология, интуитивизм* ва б.) кенг фойдаланадилар. «Қ.-Б.»нинг ҳақиқий объектив муносабати икки энг умумий типда: органик типда ва анорганик типда ўз ифодасини топади. Анорганик Б. объектлар бирлашувининг шундай бир формасидирки, бу форма нчида уни ташкил этувчи элементлар маҳкам, барқарор ўзаро алоқада бўлади. Анорганик Б. нинг хоссаларини унинг қисмлари хоссаларининг механик йўқиндисидан иборат қилиб бўлмайди. Бундай яхлит тузилишларнинг мисоллари — атомлар, молекулалар, кристаллар ва ҳ. к. Органик Б. (тирик организм, жамият ва б.) эса объектларнинг шундай алоқа формасидирки, бу формада муайян бирлашув Б. сифатида прогрессив мураккаблашувнинг изчил босқичларини босиб ўтиб ўзининг ўз-ўзидан ривожланиш қобилиятини рўёбга чиқаради. Органик Б. нинг компонентлари фақат координация жиҳатидан эмас, балки Б. нинг дифференцияланиш жараёнида бир хил элементларнинг иккинчи хил элементлардан келиб чиқиши билан боғлиқ бўлган субординация жиҳатидан ҳам ўзаро муносабатда бўлади. Б. дан ташқари бу компонентлар ўзининг бир қанча хусусиятларини йўқотиш у ёқда турсин (анорганик Б. да бўлганидек), балки умуман мавжуд ҳам бўлолмайди. Қ. билан б. нинг диалектик ўзаро таъсирини ҳисобга олиш билиш процессида муҳим аҳамиятга эгадир. Мураккаб ҳодисалар юз берганда қуйидагиларни ҳисобга олиш айниқса зарурдир: 1) Б. ни Қ. дан иборат қилиб қўйишнинг нотўғрилигини, чунки бу ҳол Б. ни ўзига хос қонунарга бўйсунувчи сифат муайянлиги каби тушунишни

йўқотишга олиб келиши мумкин; 2) Б. ни бутун мураккаблигида ва унинг ўзи таркиб топган томонлар, элементлар, қисмларнинг нисбий мустақиллигида олиб қараш зарурлигини, чунки қисмлар Б. билан бевосита мос келмайдиган ўз конкрет хусусиятларига эга бўлиши мумкин; 3) айрим томонларни, қисмларни қараб чиқиш Б. табиатини билишдан иборат ўз асосига (доақал тахминий, гипотетик асосига) эга бўлмоғи ва, аксинча, Б. ни ўрганиш унинг таркибий қисмларининг, элементларининг хоссаларини ўрганишга таянмоғи лозим. Б. ни қисмларнинг ўзаро алоқадорликлари хилма-хиллигидаги бирлик сифатида билиш *анализ ва синтез* ёрдамида амалга оширилади.

ҚИШЛОҚ ЖАМОАСИ — ибтидоий жамоалар типига мансуб социал умумият. Илк Қ. ж. катта оилавий (хонадон) жамоаларнинг территориял бирлигидан иборат, бу жамоалар ҳаммадан кўпроқ тарихан ишончли жамоа асосчисига насл-насаб жиҳатдан яқинлик принципига кўра иерархик ҳокимлик ва итоат қилиш муносабатларида бўлган. Илк Қ. ж. йўлбошчиси лавозими, айбанага кўра, хонадон жамоаларидан бирига мерос бўлиб қолади: катта оилаларнинг бошлиқлари уларнинг аъзолари томонидан сайланади. Иқтисодий, ҳарбий ва сиёсий масалалар Қ. ж. ихтиёрида бўлади. Ер умумий мулк бўлиб, унда ҳар бир оиланинг ўз улуши бўлади. Қ. ж. нинг қон-қардошлик ўзаги унинг асосини ташкил этади ва айни жамоанинг диний ҳаётида, унинг аъзоларининг никоҳ-оила муносабатларида, меросхўрлик ҳуқуқларини белгилашда етакчи роль ўйнайди. Қ. ж. составида зодагонлар, эркин аъзолар ва қарам кишилар ажралиб туради. Қ. ж. нинг анча кейинги тури моногам оилалардан иборат, бу оилалар хонадон мулкни хусусий мулкка айлантирадilar. Қ. ж. да мулкчи ва социал табақаланиш асосида синфларнинг ташкил топиши озми-кўпми жадаллик билан боради. Қ. ж. *ибтидоий жамоа тузуми* ўрнига келадиган капитализмдан олдинги социал системаларнинг

негизи ёки муҳим элементи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

ҚОБИЛИЯТ — кенг маънода — индивиднинг психик хусусиятлари, бу хусусиятлар унинг хатти-ҳаракатини тартибга солади ва ҳаётий фаолиятининг шarti бўлиб хизмат қилади. Потенциал равишда Қ. шартсиз ва шартли алоқалар системасидан иборат, бу система бирон фаолиятни бажариш учун мослашган бўлади. Қ. юз берадиган фаолиятнинг шаклланишининг ўзи ҳам айни вақтда тегишинча мия структураларининг тузилишдан иборатдир, бу структуралар фаолият шароитларининг моделларини тузиш йўли билан уни қайд қилиб боради. Таркиб топган Қ. юксакроқ даражадаги Қ. нинг ривожланиш шarti бўлиб қолади. Индивиднинг энг умумий Қ. и сезгирликдир, бу сезгирлик филогенетик ва онтогенетик ривожланишнинг бутун давомида такомиллашиб боради. Қ. деганда махсус маънода инсон психик хусусиятларининг комплекси тушунилади, бу хусусиятлар уни профессионал фаолиятнинг тарихан таркиб топган муайян турига яроқли қилади. Биологик ирсият механизмлари орқали берилган тур тажрибаси ва индивид тажрибасининг синтезидан иборат бўлган ҳайвонлар Қ. и. га қарама-қарши ўлароқ, инсон Қ. и. ижтимоий тараққиёт маҳсулидир. Қ. нинг шаклланиши ижтимоий-тарихий тараққиёт процессида инсоният томонидан ишлаб чиқилган фаолият формаларини индивиднинг ўзлаштириб олишини назарда тутади. Шундай қилиб, инсон Қ. и фақат унинг мияси фаолияти билан эмас, балки аввало инсоният эришган тараққиёт даражаси билан белгиланади. Ана шу маънода инсон Қ. и меҳнатни ижтимоий ташкил қилиш ва унга мослаштирилган маориф системаси билан чамбарчас боғлиқдир. Эксплуататорлик жамиятида меҳнаткашларда яратувчилик Қ. ини шакллантириш учун зарур шарт-шароит тугдирилмайди. Шу билан бирга эксплуатация қилинувчи синфларнинг аҳволини уларда юксак даражада ривожланган Қ. йўқ, деган дая-

волар билан асослашга уринилади. Ҳар бир кишига турли касбларга ва фаолият формаларига йўл очиб берадиган Қ. ни ҳар томонлама ривожлантириш — коммунизм қуришнинг муҳим вазифаларидан биридир.

ҚОНУН — ҳодисаларнинг ички муҳим алоқаси бўлиб, бу алоқа мазкур ҳодисаларнинг зарурий ривожланишига сабаб бўлади. Қ. моддий объектларнинг ҳодисалари ёки хоссалари ўртасидаги сабабли, зарурий ва барқарор алоқани, такрорланиб турувчи муҳим муносабатларни ифодалайди, бу муносабатларда бир хилдаги ҳодисаларнинг ўзгариши иккинчи хилдаги ҳодисаларнинг тамомила муайян ўзгаришига сабаб бўлади. Қ. тушунчаси *моҳият* тушунчасига яқиндир; моҳият—объектларнинг ривожланишининг энг муҳим хислатлари ва тенденцияларини белгиловчи процессларнинг энг чуқур алоқалари мажмуидан иборат. Қ. ни билиш ҳодисадан моҳиятга ўтишни назарда тутади ва ҳамши абстракт тафаккур йўли билан, ҳодисаларнинг кўпгина нуқул индивидуал ва номуҳим белгиларини назардан соқит қилиш тарзида содир бўлади. Қ. нинг уч асосий группаси мавжуддир: 1) ўзига хос ёки хусусий группалар; 2) ҳодисаларнинг катта группалари учун умумий бўлган группалар; 3) ялли умумий ёки универсал группалар. 1) группа қонунлар конкрет ўзига хос ҳодисалар ўртасидаги ёки материянинг хусусий хоссалари ўртасидаги муносабатларни ифодалайди. Табиатнинг бундай Қ. лари объектив равишда аниқ миқдор ва сифат муайянлигига эга бўлиб, функционал тарзда, муайян математик формада ифодаланиши мумкин. 2) группа қонунлар шароитларнинг жуда кенг диапазонда юз беради ва объектлар ва ҳодисаларнинг катта-катта мажмуиятларининг умумий хоссалари ўртасидаги муносабатларни характерлайди (мас., физикада электр заряд массасининг сақланиш қонунлари, биологияда табиий танланиш Қ. и ва б.). Улар ҳам функционал ифодага йўл қўяди. 3) группа қонунлар — оламнинг асосий диа-

лектик қонуниятлари бўлиб, улар материянинг ривожланишининг ялли умумий, ҳамма жойда мавжуд бўлган хоссалари тенденциялари ўртасидаги муносабатни ифодалайди. Улар конкрет функционал формага эга эмасдир ва математик тарзда ифодаланмайди, чунки улар бирон-бир константалар, параметрлар, муайян шартлар билан, объектларнинг ўзига хос группалари билан чекланган эмасдир, бинобарин, улар ҳар қандай борлиқнинг универсал принциплари тарзида, кўпдан-кўп қонунларда рўй берадиган умумийлик тарзида юзага келади. Бироқ бу Қ. лар ўртасидаги чегаралар, тафовутлар шартли, ҳаракатчандир. Хусусий, ўзига хос Қ. ларда умумий Қ. ларнинг амали юз беради, бу умумий Қ. лар эса конкрет ҳодисаларни, шу жумладан хусусий Қ. ларни умумлаштириш йўли билан билинади. Қ. лар яна шу билан ҳам фарқ қилинадики, улардан баъзилари замонда дифференциал равишда амал қилади — шу тариқаки, улардан келиб чиқувчи натижалар ҳар бир, етарлича кичик вақт ичида рўёбга чиқади, баъзилари эса интеграл равишда амал қилади, яъни улардан келиб чиқувчи натижалар ҳар бир муайян пайтда эмас, балки етарлича, каттароқ вақт давомида ёки система яхлитлигича ўзгарганда амалга ошади. Мас., статистик характерга эга бўлган Қ. лар ана шундай амалга ошади. Қ. нинг рўёбга чиқиши тегишли шарт-шароитнинг мавжуд бўлишига боғлиқ. Шундай шарт-шароитнинг яратилиши Қ. дан имконият соҳасидан келиб чиқувчи натижаларнинг воқелик соҳасига ўтишини таъминлайди. Жамиятда Қ. нинг рўёбга чиқиши кишиларнинг *фаолиятини* назарда тутади, чунки кишилар — англаб ёки англамасдан — Қ. нинг амал қилиш шарт-шароитини вужудга келтиришига ёки йўқ қилишга қодирдир. Лекин кишилар бунда Қ. ларнинг ўзини яратмайдилар, балки ўз эҳтиёжлари ва манфаатларига мувофиқ равишда фақат уларнинг амал қилиш соҳасини чеклайдилар ёки кенгайтирадилар.

Қ. ларнинг ўзлари эса объектив равишда, кишиларнинг онига боғлиқ бўлмасдан нарсаларнинг хоссалари ёки тараққиётнинг турли тенденциялари ўртасидаги зарур, муҳим, ички муносабатларнинг ифодаси сифатида мавжуддирлар.

«ҚОРА ҚУТИ»— тадқиқ қилинадиган объект, гарчи ички структураси номаълум бўлса-да, унинг ташқи таъсирларга қиладиган реакцияларига қараб функциялари тўғрисида ҳукм чиқариш мумкин. «Қ. қ.» функцияларининг тўла тасвирланиши унинг қатъий тасаввури деб аталади. Бир хилдаги қатъий тасаввурлар билан характерланадиган «Қ. қ.»лар эквивалентлар ҳисобланади. «Қ. қ.» дан фарқли ўлароқ, «оқ қути»— ички структураси бизга тамомила маълум бўлган объекти, мас., биз ясаган бирон техника қурилмаси (*Кибернетика*).

ҚУЛДОРЛИК ТУЗУМИ— *ибтидоий жамоа тузуми* харобалари устида пайдо бўлган биринчи синфий, антагонистик жамият. Қуллик у ёки бошқа миқёсларда ва формаларда барча мамлакатларда ва ҳамма халқларда мавжуд бўлган. У Қадимги Грецияда ва Қадимги Римда тараққиётнинг энг юқори формасига етган, унда қуллар жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи бўлиб қолганлар. Қулдорлик тузуми даврида асосий синфлардан бири ва ҳукмрон синф қулдорлар— эксплуататорлар синфи бўлган. Бу синф турли социал группаларга: катта ер эгалари, йирик мастерскойларнинг эгалари, савдогарлар, судхўрларга бўлинади. Иккинчи асосий синф— эксплуатация қилинувчи кўп сонли қуллар синфидир. Қулдорлик жамиятида бу икки асосий синфдан ташқари, ўз меҳнати билан кун кўрувчи майда мулкдорлар (хунармандлар ва деҳқонлар) ҳамда хонавайрон бўлган хунармандлар ва деҳқонлардан ташкил толган люмпен-пролетариат каби эркин аҳолининг оралиқ қатламлари мавжуддир. Қулдорлик жамиятининг асосий ҳукмрон ишлаб чиқариш муносабатлари— ишлаб чиқариш воситалари ва қулнинг қулдор-

нинг хусусий мулклигидир. Қулларнинг ғайри иқтисодий мажбур қилишга асосланган эксплуатация этилиши Қ. т. даврида меҳнат унумдорлигининг анча паст даражада бўлишига сабабчи эди. Ҳар бир айрим қул вужудга келтирадиган қўшимча маҳсулот арзимас даражада оз эди. Аммо ниҳоятда кўп қулларнинг эксплуатация қилиниши ва улар меҳнатининг ниҳоятда арзонлиги шароитида қўшимча маҳсулотнинг умумий миқдори нисбатан катта эди. Ана шу асосда маълум даражада ижтимоий ва техника тараққиети, фан, санъат, философиянинг ривожланиши мумкин бўлган эди. Қулдорлик жамияти пайдо бўлиши билан давлат ҳам пайдо бўлади ва ривожланиб боради. Қулликнинг бутун тарихи— синфий кураш тарихидир. Қ. т. бузилиши билан синфий кураш ўзининг юқори нуқтасига етади. Қулларнинг қўзғолонлари хонавайрон бўлаётган деҳқонларнинг катта ер эгаларига қарши кураши билан чирмашиб кетади. Қ. т. нинг Римда ҳалок бўлиши унга ташқаридан бостириб кирилиши натижасида тезлашади. Эксплуатациянинг қулдорлик формаси бошқа— феода форма билан алмашинади. Қулдорлик ишлаб чиқариш усули йўқ қилиниши билан қуллик батамом йўқ бўлиб кетмайди. У *феодализм* даврида ҳам, *капитализм* даврида ҳам бирор қўламда давом этаверди.

ҚУТБИЙЛИК— *зиддият* турини тавсифловчи тушунча: қутбий *қарама-қаршилик*, бирон-бир бирликнинг чекка томонларининг ўзаро муносабати. Қ. нинг томонлари бир-бирига қарама-қарши туради-ю, лекин шу билан бирга бир-бирига муҳтож бўлади. Чунончи, капитал билан ёлланма меҳнат капиталистик жамиятнинг қутбий қарама-қаршилигини ташкил этади.

ҚУШИМЧАЛИК ПРИНЦИПИ (ёки тасвирининг қўшимча усули)— *квант механикани* шарҳлаш муносабати билан Бор томонидан илгари сурилган принцип. Уни мана бу тариха ифода-лаш мумкин: ҳодисани яхлитлигича қайта ҳосил қилиш учун билишда ту-

шунчаларнинг бир-бирини истисно қилувчи «қўшимча» туркумларини татбиқ этмоқ лозим. Бор Қ. п. ёрдами билан квант механика «парадоксларидан» бирини ҳал этишга умид боғлаган эди, чунки квант механика эски классик тушунчаларнинг етарли эмаслигини ва аynи вақтда илк босқичларда уларсиз иш кўролмаслигини кўрсатган эди. Бу «парадокс»ни ҳал этишга интилиш Қ. п. нинг рационал мазмунида акс эттирилди. У классик тасавуруларнинг маҳдудлигини ва микроҳодисаларнинг икки ёқлама, корпускуляр-тўлқинсимон табиатини ҳисобга олиш зарурлигини, улардан бирортасининг таърифи экспериментал шарт-шароитлар билан боғлиқ эканлигини очиб кўрсатишга имкон берди. Қ. п. ёрдами билан тушунчаларнинг зидма-зид вазиятларни тасвирловчи икки туркуми ўртасидаги эквивалентлик (тенг қимматлик) аниқланди. Классик формал-мантиқий қоидалардан фарқли ўлароқ, Қ. п. да бир-бирини истисно қилувчи мулоҳа-

заларнинг алоқадорлиги икки қўшимча тасвирнинг тенг қимматли эканлигини асослаб беради. Шундай қилиб, Борнинг методологик концепциясида диалектик тафаккур элементлари ўз аксини топди. *Копенгаген мактаби* деб аталадиган оқимнинг ўта позитивистик қарашларни дастур қилиб олган бир қанча тарафдорлари — Иордан, Франк ва б. асарларида Қ. п. дан макон, замон ва сабабиятга идеалистик ва метафизик қарашларни ҳимоя қилиш учун фойдаланилди. «Қўшимча» тушунчаларни татбиқ этиш зарурияти микрообъектларнинг объектив табиатидан эмас, балки билувчилик процессининг хусусиятларидан келтириб чиқарилди ва кузатувчининг ўзбошимчалиги билан боғлаб қаралди. Совет ва чет эл олимларидан Вавилов, Д. И. Блохинцев, В. А. Фок, *Бройль, Ланжевен, Л. Яноши* ва б. Қ. п. нинг бу хилда талқин этилишини танқидий анализ қилиб чиқдилар.



ҲАЁТ — материянинг ҳаракат формаси бўлиб, бу форма физикавий ва химиявий формаларга нисбатан юқори туради ва у бир қанча ўзига хос хусусиятларга эгадир. Ҳ. нинг асосий белгилари Энгельснинг машҳур таърифида ифодаланган: «Ҳаёт — оқсил жисмларнинг яшаш усули бўлиб, бу усулнинг муҳим моменти — *уларни қуриш ва турган табиат билан доимо моддалар алмашишиб туришдан* иборат...» (20-т., 616-б.). Ҳозирги вақтда «оқсил жисм» ёки «протоплазма» деганда ҳаёт учун бир қанча ўзига хос моддалар тушунилади: оқсиллар, нуклеин кислоталар, фосфор бирикмалар ва б. Ҳ. айрим тирик организмлар формасида мавжуд бўлиб, бу организмлардан ҳар бири ўзига ўхшаш организмдан пайдо бўлади ва индивидуал ривожланиш даврасини ўтгач, ўзига ўхшаш организмларни ҳосил қилади ва ўлади. Организмлар тирикмас муҳит билан ва бир-бири билан алоқага киришиб, шу билан мураккаброқ тартиблардаги системаларни ташкил этадилар ва пировард ҳисобда Ер юзидан энг оддий формалардан инсонга қадар тараққиёт йўлини босиб ўтган ягона Ҳ. системасини ташкил этадилар. Тирик жисмларнинг энг муҳим хусусияти — *моддалар алмашишувидан*, органик структураларнинг бузилиши ва янгидан тузилишидан, диссимилация ва ассимиляциядан иборат. Ҳ. нинг кўп қонуниятларини, шу жумладан ҳали фан кашф этмаган қонуниятларини тадқиқ қилишда уларни тўғри философфик талқин қилиш муҳим методологик роль ўйнайди. Виталистлар (*Витализм*) Ҳ. нинг ўзига хос хусусиятларини (уюшқоқлик, мақсадга мувофиқлик, регуляция ва ш. к.) гўё «қотиб қолган» материяни бошқарувчи номоддий ҳаётни кучнинг амалига боғлаб изоҳлайдилар. Механистлар Ҳ. ни фақат физика-химиявий процессларнинг мураккаблаштирилган

системаси деб талқин қиладилар ва Ҳ. нинг ўзига хос хусусиятини инкор этадилар. Диалектик материализм нуқтаи назарича, Ҳ. унда бўйсунувчи роль ўйнавчи физикавий ва химиявий қонуниятлардан ташқари, ўзига хос биологик қонуниятларига ҳам эгадир. Ҳ. нинг тадқиқоти бир қанча умумий назарий философфик масалаларни: *қисм ва бутуннинг*, форма ва мазмуннинг ўзаро муносабати тўғрисидаги, преформациялаштиришлик билан маълум томонга йўналтирилган мураккабликнинг ўзаро муносабати тўғрисидаги, биологик детерминациянинг ўзига хос хусусияти тўғрисидаги, ўз-ўзлигича тузилувчи системаларнинг принциплари тўғрисидаги масалаларни, эволюция ва б. масалаларни ҳам ўз ичига олади. Космик тадқиқотларнинг эришган муваффақиятлари муносабати билан Ердан бошқа жойда бўлган Ҳ. нинг моҳияти тўғрисидаги масала актуал масала бўлиб қолдики, нисбатан қисқа муддатларда унинг кашф этилишини кутиш мумкин.

ҲАЁТ ФИЛОСОФИЯСИ — буржуа философиясида субъектив-идеалистик оқим, у 19—20-асрлар чегарасида Германия ва Францияда таркиб тогган. Ҳ. ф. нинг асосий ғоявий ўтмишдоши — *Шопенгауэр*. Бу философиянинг пайдо бўлиши оламнинг механистик манзараси асоссизлигини очиб берган биология, психология ва бошқа фанларнинг ривожланиши билан боғлиқ эди. Ҳ. ф. механистик материализмнинг чекланганлигини идеалистик позициялардан туриб бартараф қилишга уриниш эди. Ҳ. ф. нинг юзага келиши буржуа философиясининг кризисини, унинг фандан воз кечганлигини, *иррационализм* ва *нигилизмга* ўтганлигини билдирарди. Уз объектив мазмунига кўра Ҳ. ф. ижтимоий-тарихий процесснинг ўзига хослигини тескари, идеалистик талқин қилишдан иборат бўлди. Бу философиянинг ўзига — ҳаётни оламнинг абсолюти, бениҳоя

ибтидоси деб тушунишдан иборат, бу ибтидо материя ва ондан фарқли ўлароқ, актив, хилма-хил, абадий ҳаракат қилади. Ҳаётни ҳис-туйғу ёки мантиқий тафаккур ёрдами билан билиб бўлмайди, у фақат интуитив равишда пайқалади, уни пайқаш кечинмага (асосан диний кечинмага) муяссар бўлади. Ҳ. ф. ичида икки асосий группани ажратиб кўрсатиш мумкин: бири (*Бергсон*) ҳаётни биологик маънода тушуниб, биологик хоссаларни бутун воқеликка жорий қиларди, иккинчиси (*Ницше, Дилтей, Зиммель*) ҳаёт ирода, ички кечинма, руҳий кучларнинг иррационал ўйини деб даъво қиларди. Ҳ. ф. нинг марказий ғоялари *экзистенциализмнинг* ғоявий манбалари бўлиб хизмат қилди.

ҲАЛ ҚИЛИНИШ (ечилишлик) **ПРОБЛЕМАСИ** — формал мантиқий системаларнинг тузилиши муносабати билан логикада кўндаланг бўлиб турадиган асосий проблемалардан бири. Бу проблеманинг ҳар бир конкрет формал мантиқий система учун ижобий ёки салбий ҳал этилиши бирон умумий методнинг (ёки *алгоритмнинг*) тегишинча мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги билан боғлиқ бўлиб, бу метод қараб чиқиладиган системанинг бирон-бир формуласи айнаи системада исбот қилинадиган (чинми) ёки ундай эмаслигини амалларнинг ниҳояли сони билан аниқлаб олишга имкон беради. Ҳ. қ. п., мас., *мулоҳазалар ҳисобида* ва формаллаштирилган аристотелча *силлогистикада* ижобий ҳал этилади. Аммо *предикатларнинг ҳисоби* учун бу проблеманинг умумий ечими йўқдир. Бирон-бир формал система учун умумий ҳал қилувчи методни топиш мумкин эмаслиги формулаларнинг айрим туркумлари учун шундай ечимлар қидириб топишни истисно қилмайди.

ҲАРАКАТ — материянинг энг муҳим атрибути, мавжудлик усули. Ҳ. табиат ва жамиятда юз бераётган ҳамма процессларни ўз ичига олади. Энг умумий тарзда Ҳ. — умуман *ўзгартишдан*, моддий объектларнинг ҳар қандай *ўзаро таъсиридан* иборат. Оламда Ҳ. сиз материя бўлмагани

сингари, материясиз Ҳ. ҳам бўлиши мумкин эмас. Материя Ҳ. и абсолютдир, ваҳоланки, ҳар қандай осойишталик нисбийдир ва Ҳ. моментларидан биридир. Ерга нисбатан осойишта ҳолатида бўлган жисм у билан бирга Қуёш атрофида айланади, Қуёш билан бирга эса Галактика маркази атрофида айланади ва Ҳ. к. Олам бениҳоя бўлганлиги сабабли, ҳар қандай жисм Ҳ. нинг бениҳоя кўп формаларида қатнашади. Жисмларнинг сифат жиҳатдан барқарорлиги ва улар хоссаларининг стабиллиги ҳам нисбий осойишталикнинг юз беришидан иборат. Лекин муайян барқарорлик жисмдаги микроразрларнинг алоҳида типии шарт-шароити билан юзага келади. Шу билан мазкур барқарорлик микроразрларнинг Ҳ. и натижаси сифатида намоён бўлади. Шундай қилиб, Ҳ. материянинг мавжудлигининг хоссаларини, структур тузилишини ва характерини белгилайди. Материя Ҳ. и ўз кўринишлари жиҳатидан хилма-хилдир ва турли формаларда мавжуддир (*Материя ҳаракатининг формалари*). Материянинг ривожланиш процессида Ҳ. нинг сифат жиҳатдан янги ва янада мураккаброқ формалари юзага келади. Лекин ҳатто механик ўрин алмаштириш ҳам абсолют содда эмасдир. Ўрин алмаштириш процессида жисм электромагнит ва гравитацион майдонлар орқали бошқа жисмлар билан муттасил ўзаро таъсир қилиб туради ва шу билан ўзи ҳам ўзгаради. Чунончи, *нисбият назарияси* кўрсатадики, Ҳ. тезлиги кўпайиши билан жисмлар массаси ошиб боради, чизиқ ҳажмлари Ҳ. томонига қараб камайиб боради, жисмлардаги процессларнинг ритми секинлашади. Еруғлиққа яқин тезликларда электронлар ва бошқа зарралар электромагнит майдон квантларини Ҳ. томонига қарата жадал нурлантириш қобилиятига эгадирлар («ёруғланувчи» электрон деб аталувчи ҳолат). Шундай қилиб, ҳар қандай Ҳ. Ҳ. нинг турли формаларининг ўзаро таъсири ва уларнинг ўзаро бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга айланишини ўз ичига олади. Ҳ. ҳам материя-

нинг ўзи сингари битмас-туганмасдир. Материя Ҳ. и қарама-қаршиликларнинг ўзаро таъсири процессидан иборат. Чунончи, механик Ҳ. макон ва замоннинг узлуқлиги ва узлуқсизлигининг бирлиги сифатида юзага келади; электромагнит, ядро ва гравитацион Ҳ. электромагнит, ядро ва гравитацион майдонлар квантларининг микроразрлар томонидан ютилиши ва нурланиши қарама-қарши процессларининг бирлигига асосланган; химиявий Ҳ. атомларнинг ассоциацияси ва диссоциациясини ўз ичига олади; ҳаётий процесслар моддалар ассимиляцияси ва диссимилиациясининг, ҳужайраларнинг уйғониши ва тўсиқланишининг бирлигига асосланган ва Ҳ. к. Космосда материянинг бениҳоя ўз-ўзича ҳаракати ҳам материя ва энергиянинг (юлдузларнинг эволюцияси жараёнида) сочилиши ҳамда уларнинг пировард ҳисобда юлдузлар, галактикалар ва материянинг бошқа формаларининг пайдо бўлишига олиб борадиган қайтадан концентрацияланиши қарама-қарши процессларининг бирлиги натижаси сифатида юзага келади. Агар моддий система Ҳ. и бирор ягона қонунига бўйсунса ва системанинг яхлит ўзгаришини ўз ичига олса, у вақтда Ҳ. системанинг ривожланиш процесси сифатида юзага келади. Юқорилаб борувчи тараққиётда моддий объектларнинг алоқалари, структураси ва Ҳ. формалари мураккаблашади, прогрессив тарзда қуйи ҳолатдан юқори ҳолатга ўтиш юз беради. Пастлаб борувчи тараққиёт, аксинча, системанинг инқирози ва тушкунлигини, унинг Ҳ. формаларининг сийқаланишини ифодалайди. Ҳ. тараққиётга қараганда умумийроқ тушунчадир, чунки Ҳ. ҳар қандай ўзгаришни, шу жумладан система тараққиётининг ички қонунига мувофиқ келмайдиган ташқи ва тасодифий ўзгаришни ҳам ўз ичига олади.

ҲАРБИЙ ДЕМОКРАТИЯ — ибтидоий жамоа тузуми бузилаётган ва давлат тузилаётган шароитда жамият сиёсий ташкилотининг илк формаси. Бу терминни *Морган* киритган. Ҳ. д. Гомер даврида грекларда (эрамик-

дан олдинги 12—9- асрлар) ва подшолик даври деб аталган даврда (эрамикдан олдинги 8—6- асрлар) римликларда, скифлар, кельтлар, қадимги германлар, норманларда мавжуд бўлган. Ҳ. д. нинг характерли хусусияти шуки, унда ҳокимият тобора кўпроқ йўлбошчилар, аскарбошилар, қоҳинлар қўлида тўплана боради ва бориб-бориб у наслдан наслга мерос бўлиб ўтадиган бўлиб қолади. Урушлар донимий касб-корга айланиб, талаш ва қуллар босиб олиш мақсадида олиб борилади, бир қанча имтиёзларга эга бўлган ҳарбий дружина ташкил этилади. Шундай қилиб, уруғдошлик тузуми органлари «халқ иродаси қуроллари бўлишдан чиқиб, ўз халқига қарши қаратилган мустақил ҳукмронлик ва зулм органларига айланади» (К. Маркс ва Ф. Энгельс, 21-т., 165-б.).

ҲАҚИҚАТ — воқеликнинг фикрда тўғри, чин инъикоси бўлиб, унинг мезони пировард ҳисобда практикадир. Ҳақиқатлиқ характеристикаси нарсаларнинг ўзига ва уларни тил билан ифодалаш воситаларига эмас, балки худди фикрларга оиддир: Марксизм биринчи марта Ҳ. ни тушунишни изчил суратда материалистик асослаб ва уни ўрганишининг янги диалектик нуқтаи назарларини кўрсатиб бера билди (*Объектив ҳақиқат, Абсолют ва нисбий ҳақиқат, Ҳақиқатнинг конкретлиги, Ҳақиқат критерияси, Назария ва практика*).

ҲАҚИҚАТ КРИТЕРИЯСИ (грек. kriterion — бирор нарсага баҳо бериш мезони, ўлчови) — бирон-бир даъво, гипотеза, назарий система ва ш. к. ларнинг чинлиги ёки ёлғонлигини текшириш воситаси. Ҳ. к. ижтимоий практикadan иборатдир (*Назария ва практика*). Илмий назариялар практикада: саноат ва қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришида, омманинг жамиятни қайта қуриш соҳасидаги революцион фаолиятида узил-кесил текширишдан ўтказилади. Агар назария практикада муваффақият билан татбиқ этилса, демак, у чин назариядир. Бирон-бир фикрни практикада синаб кўриш усуллари турлича бўли-

ши мумкин. Мас., табиий фанлардаги муайян қондалар *кузатиш, ўлчаш* билан, олинган натижаларни математик ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган *экспериментда* тасдиқланади. Чунончи, бирон-бир даъвоининг чинлигини маънавий *исбот* йўли билан аниқлаш пировард ҳисобда бирор назариянинг унинг доирасида махсус исбот қилиб бўлмайдиган баъзи бошланғич қондаларини амалий текширишга таянади. Аммо илмий назарияларни практикада текшириш уларни абсолютга айлантиришни билдирмайди, илмий назариялар ривожланиб, бойиб, аниқланиб боради, уларнинг баъзи қондалари янгилари билан алмашинади (*Абсолют ва нисбий ҳақиқат*). Бу шунга боғлиқки, ижтимоий практиканинг ўзи ва, демак, илмий назарияларни практика орқали воқелик билан таққослаш усуллари доимо ривожланиб, тақомилланиб боради. Бинобарин, фақат ривожланиб бораётган ижтимоий практикагина бирон-бир инсоний тасавурни тамомла тасдиқлаши ёки рад этishi мумкин. Практикани Ҳ. к. сифатида марксизм биринчи бўлиб билиш назариясига киритди. Ҳозирги замон буржуа философияси практикани Ҳ. к. сифатида тан олмайди ёки уни бузиб талқин қилади (мас., *прагматик*).

ҲАҚИҚАТНИНГ КОНКРЕТЛИГИ (лат. *concretus* — реал суратда мавжуд, муайян, аниқ) — *ҳақиқат* хоссаси бўлиб, бу хосса бирон-бир ҳодисанинг мавжудлигининг конкрет шароитларини, ҳақиқатнинг ўрин ва вақтнинг муайян шарт-шароитларига ва Ҳ. к. боғлиқ эканлигини ҳисобга олишга ва умумлаштиришга асосланади. Чунончи, у ёки бошқа хилдаги гапларни ифодалаганда улар боғлиқ бўлган шарт-шароит таъкидлаб ўтилмаса, уларнинг ҳақиқатлиги ёки нотўғрилигини аниқлаб бўлмайди. «Товар ишлаб чиқариши капитализмни тугдирди» деган гап хусусий мулк мавжуд бўлган муайян тарихий шароит учунгина ҳақиқатдир, аммо социализмга нисбатан у нотўғридир, чунки социализм шароитида товар ишлаб чиқариши хусусий мулк йўқлиги са-

бабли бутунлай бошқача роль ўйнайди. «Учбурчакнинг ички бурчаклари йиғиндиси 2d га тенгдир» деган гап ҳам Эвклид геометрияси учун ҳақиқат бўлиб, мас., Лобачевский геометриясида нотўғридир. Бинобарин, абстракт ҳақиқат йўқ, ҳақиқат ҳамisha конкретдир. Ижтимоий тараққиётни анализ қилганда конкрет-тарихий нуқтаназардан қараш, ўрин ва вақт шароитларини ҳисобга олиш алоҳида аҳамият касб этади, чунки унда доимо янги ҳодисалар пайдо бўлиб турди, тараққиёт процесси бир текисла содир бўлмайди ва бунинг устига у турли мамлакатларда ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

ҲИНД ФИЛОСОФИЯСИ. Ҳиндистонда философия энг қадимги инсоният цивилизацияларидан бири асосида пайдо бўлди; унинг эраимиздан олдинги 15—10-асрларга бориб тақалланган минг йиллаб давом этган анъаналари ҳозирги давргача сақланиб келди. Ҳ. ф. тарихида одатда тўрт давр ажратиб кўрсатилади: 1) ведалар даври; 2) классик ёки брахман-будда даври — эраимиздан олдинги 6-асрдан эраимизнинг 10-асрига қадар; 3) классикдан кейинги давр — 10—18-асрлар; 4) янги ва ҳозирги замон Ҳ. ф. Ҳинд фикрининг дастлабки ёлгорликларида, *Ведалардаёқ*, кўпданкўп худоларнинг шаънига айтилган ҳамду санолар билан бир қаторда ягона оламий тартиб тушунчаси — Рита тушунчаси ҳам учрайди. Ведаларга ёзилган диний-фалсафий шарҳлар — *Упанишадаларда* Ҳ. ф. нинг сўнгги ривожини кўп жиҳатдан белгилаб берган идеялар (оламий жон — брахман билан индивидуал жон — атманнинг бирлиги ҳақидаги, жоннинг ўлмаслиги ва унинг карма ёки журм қонунига мувофиқ, бир туғилишдан иккинчи туғилишга ўтиши ҳақидаги идеялар) мавжуддир. Упанишадаларда мистик диний-идеалистик таълимотлар билан бир қаторда қадимги материалистлар ва атеистларнинг қарашлари ҳам ўз аксини топган эди; бу материалист ва атеистлар Ведаларнинг *обру-эйтиборини*, одам ўлгандан кейин жоннинг яшаб қолиши-

ни рад этар эдилар, оламнинг бош асосини эса улар моддий ибтидолардан: олов, сув, ҳаво, макон ёки замондан бири деб ҳисоблардилар. Илк ўрта асрчилик замонларидан бошлаб барча фалсафий мактабларни Ведаларнинг обрў-этиборини эътироф қилувчи ортодоксал мактабларга ва Ведаларнинг хатодан поклигини рад этувчи ноортодоксал мактабларга бўлиш анъанаси вужудга келган. Ортодоксал мактаблардан олтитаси асосий мактаблар ҳисобланади: у ҳам бўлса, *миманса*, *санскъхя*, *йога*, *ньяя*, *вайшешика* ва *веданта* мактабларидир. Будда, жайни ва кўпдан-кўп материалистик ва атеистик мактаблар ноортодоксал мактабларга нисбат берилади ва улардан энг кўп тарқалган чарвака мактабидир (*Локаята*). Гарчи бундай бўлинишнинг тарихий асослари бўлса-да, ҳар ҳолда у философиянинг ривожланишнинг ҳақиқий сабабини — материализм билан идеализмнинг курашини назардан яширади. Будда манбаларида ҳам, браҳманлик манбаларида ҳам аввало материалистик мактаблар қораланади. Ведантанинг энг таниқли философи Шанкара санскъхя мактаби мутафаккирларининг материалистик идеяларига ҳам, ньяя ва вайшешиканинг эмпиризмга ҳам қаҳр-ғазаб билан ҳужум қилади. У ньяянинг соғлом фикридан ўзини четга олиб, *буддизмнинг* идеалистик ва мистик мактаблари билан яқинлашади. Буддизм бағрида мадҳьямиклар ва йогачарлар идеалистик мактаблари тҳравидинлар ва сарвастивадинларнинг материалистик таълимотларига қарши кураш олиб бордилар. Турли фалсафий мактаблар ўртасидаги қаттиқ мунозаралар мунозара санъати ҳақидаги, билимнинг манбалари ҳақидаги ва ишончли билим ҳақидаги фани — логикани вужудга келтирди. Ҳинд логикаси ҳақидаги дастлабки маълумотларни илк буддийча манбаларданок тўплаб олиш мумкин (эрамиздан олдинги 3-аср), сўнгра логика ньяя мактабида, кейинроқ эса буддачи логика олимлари Дигнага, Дҳармакирти ва б. трактатларида ривожланади. Классик давр-

нинг охирларига келиб *жайнизм* ўз аҳамиятини йўқотади, буддизм эса *ҳиндуизм* билан ассимиляциялашиб кетади. Ҳиндуизм даврида унинг вишнучилик ва шивачилик системалари ривожланади, бу системаларнинг таълим беришича, браҳман Упаняшад—худо Шива ёки Вишнудир. 5—7-асрлардан бошлаб *тантризм* ва шактизм кучаяди. 10-асрда ислом дини таъсири остида монотеистик диний таълимотлар (кабирпанҳлар) пайдо бўлади. Янги замонда Ҳиндистонда философиянинг ривожини Ҳинд халқининг инглиз ҳукмрончилигига қарши миллий-озодлик кураши байроғи остида борди. Янги Ҳ. ф. нинг характерини шундай бир факт белгилаб бердики, миллий-озодлик ҳаракатига Ҳинд буржуазияси бош бўлиб турди ва бу буржуазиянинг идеологлари миллий-диний ва фалсафий анъаналарни қайтадан рўёбга чиқариш йўлини тутдилар. Бунинг натижасида замонлаштирилган теизм, Браҳмасемаж ва Ориёсемаж, пантеизм ва идеализм, Тагор, *Ганди*, Ауробиндо *Гош* таълимотлари пайдо бўлди. Ҳозирги замон Ҳинд философлари (С. Радҳакришнан ва б.) гарб фани ва техникасини Шарқнинг «руҳий қимматдорлари» билан қўшишни тарғиб қилмоқдалар. Ҳозирги вақтда Ҳиндистонда Гандининг «зўравонлик қилмаслик» ҳақидаги таълимоти ва Нерунинг «демократик социализм» деб аталган фикри ҳукмрон идеологиядир. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин Ҳиндистонда марксча-ленинча философия идеялари ёйилмоқда.

ҲИНДУИЗМ — диний тасаввурлар, урф-одатлар, диний маросимлар ва социал-манший тартиботларнинг қўшилиб кетишидан иборат бўлиб, у ҳол Ҳиндистон аҳолисининг кўпчилиги учун характерлидир. Ҳеч бўлмаганда отаси ёки онаси Ҳинд бўлган ва бошқа динга топинмайдиган ҳар бир кимса Ҳиндуист ҳисобланади. Ҳ. нинг илдизлари қадимги Ҳинд динига — браҳманизмга бориб тақалади; у билан генетик алоқа, масалан, шунда намён бўладик, браҳманизмнинг уч

маъбуди: Браҳма (яратувчи), Вишну (посбонлик қилувчи) ва Шива (айни бир вақтда ҳам яратувчи, ҳам посбонлик қилувчи, ҳам вайрон қилувчи) Ҳ. нинг энг кўп топинилувчи худолари жумласига киради. Ҳ. конкрет зуҳуротларнинг кўп қирралигини ҳамда инсон ҳаёти ва фаолиятининг турли томонлари билан алоқаларнинг хилма-хиллигини ажратиб қарайди. Мунтазам ва ҳамма учун мажбурий диний таълимот системасининг, диний ташкилотнинг, диний фаолият билан боғлиқ масалаларни ҳал қиладиган ягона бир марказнинг ёки муассасанинг йўқлиги билан, диний ақидалардан чекланишларга маълум даражада йўл қўйилиши билан бир қаторда Ҳ. да ижтимоий-маиший турмуш анъаналарининг талабалари ниҳоятда кучлидир. Ҳ. ижтимоий, онлави ва шахсий ҳаёт соҳаларига тааллуқли бўлган ҳамда Ҳ. аҳолини бўлиб ташлайдиган жуда кўп гуруҳлар, касталар ва кастачалар учун турлича бўлган кўндан-кўп чеклашлар ва тақиқларни, шунингдек, мазкур гуруҳ ва касталар ўртасида ҳозир ҳам қатъий ҳисобланган тўсиқларни бузишларга мутлақо йўл қўймайди. Ҳ. га топинувчиларнинг ўзига хос хусусияти шуки, улар абадий индивидуал руҳ (атман) олабий руҳ (браҳман) билан қўшилишга интилади, деб тасаввур қиладилар. Уларнинг фикрича, моддий табиий борлик (пракрита)нинг узлуксиз алмашилиб турадиган, ниҳояли зуҳуротлари оқими бу қўшилишга халақит беради. Ниҳояли «қутулиш» сари бориладиган йўлда атман узлуксиз қайта-қайта мужассамланиш ҳолатини кечирилади ва бу қайта мужассамланиш ҳолатининг ҳар бир формасини инсоннинг ўз қилмишлари яратадиган карма, тақдир белгилайди. Ҳ. нинг асосий йўналишлари — вишнуизм, шиваизм, шактизмдан иборат (Шакти—Браҳманинг аёлилик кўринишидир). «Касб-кор авлиёлари» деб аталадиган, кўпинча ўзларининг «қутулиш» системаларини эълон қилиб турадиган авлиёлар диндорлар орасида жуда муътабар ҳисобланади. Каставий камситиш қонун йўли билан

тақиқланганлигига қарамай, кастачилик антагонизмининг қолдиқлари ва Ҳ. нинг янада кучлироқ суратда юз бераётганлиги умуман олганда ҳозирги Ҳиндистонда реакция роль ўйнамоқда.

ҲИСОБ, ҳисоблаш — белгилар билан иш кўриш қоидаларининг системаси бўлиб, бу система муайян Ҳ. («тили»даги) воситалари билан ифодаланадиган вазифаларни ҳал этишда ва муҳокамаларни исботлашда мазмунли тафаккур имкониятини кенгайтиради. Ҳ. нинг алоҳида хусусияти шундан иборатки, унда иш кўрилувчи объектлар моддий предметлар (рақамлар, ҳарфлар ва б. белгилар) бўлиб, бу объектларга Ҳ. қоидаларини татбиқ қилиш процессида улар амалда ўзгармайди. Тарихан Ҳ. математика донрасида пайдо бўлиб, ривожланди (мас., дифференциал ва интеграл Ҳ. ва б.); кейинчалик Ҳ. ни тузиш методи логикага жорий қилинди, натижада логик ва логик-математик Ҳ. лар юзага келди, шу муносабат билан фан сифатида математик ёки символик логика расмийлашди. Ҳозирги замон логикасида ишлаб чиқилган методлар асосида тузиладиган муайян билим соҳаларини, айниқса дедуктив фанларда, Ҳ. шаклида тасаввур қилиш бу билим соҳасини *формаллаштиришининг* энг изчил формасидир; бундай формаллаштиришнинг самарадорлигини ҳозирги замон ҳисоблаш техникасини татбиқ қилиш практикаси ва *кибернетиканинг* ривожланиши (*Логистик метод*) тасдиқлаб бермоқда.

ҲИССИЁТ (ЭМОЦИЯЛАР) — ҳистуйғу, кечинма—инсоннинг теварак-атрофдаги воқеликка (кишиларга, уларнинг хатти-ҳаракатларига, бирон хилдаги ҳодисаларга) ва ўз-ўзига бўлган муносабатини ҳис қилиши. Қисқа муддатли кечинмалар (шодлик, қайғу ва ш. к.) барқарор, узоқ кечинмалар (муҳаббат, нафрат ва ҳ. к.) каби Ҳ. дан фарқ қилиниб, баъзан тор маънода эмоциялар деб аталади. Ҳ. —воқелик инъикосининг алоҳида формасидир; у кишиларнинг бир-бирига, шунингдек объектив оламга муноса-

батини акс эттиради. Жамият шакллантирган инсон Ҳ. и унинг хатти-ҳаракатида, амалий ва билувчилик фаолиятида гоят катта роль ўйнайди. «Қишиларнинг ҳис-туйғулар»сиз,— деган эди Ленин,— ҳеч маҳал кишиларда ҳақиқат қидириш бўлмаган, бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас» (25-т., 129-б.). Фаолиятнинг бажарилиши муваффақиятли ёки муваффақиятсиз чиқиши, предметлар ва ҳодисаларнинг инсон эҳтиёжлари ва манфаатларига мувофиқ келиши ёки мувофиқ келмаслигининг сигналлари бўлмиш Ҳ. шу билан кишилар фаолиятини тартибга солишда муҳим ўрин тутади. Ижобий эмоционал тон — қониқиш (шодлик ва ш. к.) га эга бўлган актив (стеник) Ҳ ва салбий эмоционал тон — қониқмаслик (қайғу ва ш. к.) га эга бўлган пассив (астеник) Ҳ бўлиши мумкин. Стеник Ҳ. кишининг ҳаётий фаолиятини оширади, астеник Ҳ. уни пасайтиради. Ҳ. лар орасида уларнинг ўзига хос турлари — кайфиятлар, *аффектлар*, эҳтирослар бир-биридан ажратиб қаралади. Кайфият — узоқ (мас., аффектга нисбатан) эмоционал ҳолат (қўвноқ, қайғули ва ш. к. ҳолат) бўлиб, инсоннинг бошқа ҳамма кечинмаларига, шунингдек фикрлари ва ҳаракатларига муайян эмоционал тон, тус беради. Эҳтирос — инсонни узоқ вақт қамраб оладиган кучли, чуқур Ҳ. дир. Олий Ҳ. лар — ахлоқий Ҳ. (*коллективизм, бурч*, ор-номус ва ш. к. Ҳ. лар), эстетик Ҳ. (гўзаллик Ҳ.), интеллектуал Ҳ. (билувчилик қизиқишларини қондириш, фикрий вазифани ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган Ҳ.) алоҳида гурппадаги Ҳ. ларни ташкил этади.

ҲОДИСАЛАРНИНГ УМУМИЙ АЛОҚАДОРЛИГИ — оламнинг мавжудлигининг энг умумий қонунияти бўлиб, бу қонуният барча предметлар ва ҳодисаларнинг универсал ўзаро таъсирининг натижаси ва юз беришидан иборат. У ҳар бир яхлит системадаги барча элементлар ва хоссаларнинг ички структур бирлигини, шунингдек айни системанинг уни қуршаб турган бошқа системалар ёки

ҳодисалар билан бениҳоя хилма-хил алоқа ва муносабатларни ифодалайди. Жисмларнинг универсал ўзаро таъсири конкрет моддий объектларнинг ва уларнинг барча ўзига хос хусусиятларининг мавжудлигига сабаб бўлади. Ҳ. у. а. бениҳоя хилма-хил кўринишларда юз бериб туради. У жисмларнинг хусусий хоссалари ёки ўзига хос қонунларда ўз ифодасини топадиган конкрет табиат ҳодисалари ўртасидаги муносабатларни, шунингдек борлиқнинг умумий диалектик қонунларида юз берадиган материянинг умумий хоссалари билан тараққиёт тенденциялари ўртасидаги муносабатларни ўз ичига олади. Шу сабабли ҳар қандай қонун Ҳ. у. а. нинг конкрет ифодасидир. Ҳ. у. а. туфайли олам ҳодисаларнинг аралаш-қуралаш бўлиб қалалиб кетишидан иборат бўлмай, балки ягона қонуниятли оламий ҳаракат процессидан иборатдир. Предметлар билан ҳодисалар ўртасидаги алоқалар бевосита ва билвосита, донмий ва вақтинчалик, муҳим ва номуҳим, тасодифий ва зарурий, функционал (*Функционал боғланишлик*) алоқалар бўлиши мумкин ва ҳ. к. Ҳ. у. а. сабабият билан маҳкам боғлиқдир, аммо сабаб билан натижа ўз ҳолича фақат бир хил ҳодисаларнинг иккинчи хил ҳодисалар билан универсал алоқасидан ташқари олоқ қаралиши мумкин. Бир бутун билан алоқадор қилиб қўйилган сабаб ва натижа эса бир-бирига ўтиб туради, ўсиб универсал алоқага ва ўзаро таъсирга айланади. Бу ўзаро таъсирнинг хусусий ҳолати — ўзи-ўзини регуляция қилувчи барча системалардаги *қайтарма алоқадан* иборат. Ҳодисалар ўртасидаги алоқани фақат жисмларнинг ўзаро физикавий таъсиридан иборат қилиб қўйиш ярамайди. Бундан ташқари, беқиёс даражада мураккаброқ биологик ва ижтимоий муносабатлар мавжудки, улар ўзларининг махсус қоидаларига бўйсунди. Материя юқорилаб ривожланиб борган ва тобора кўпроқ юксак даражада ташкил топган формаларга ўтган сари, жисмларнинг ўзаро алоқадорлиги формалари ҳам мураккаблашади, ҳаракат-

нинг сифат жиҳатдан янги турлари вужудга келади. Шу қонуният инсоният жамиятининг тараққиётида ҳам амал қилади, унда ишлаб чиқариш усулида прогресс юз бериши ва цивилизациянинг ривожланиши билан айрим кишилар ва бутун-бутун давлатлар ўртасидаги алоқалар мураккаб-лашади, сиёсий, иқтисодий, идеологик ва бошқа муносабатлар тобора кўпроқ хилма-хил бўлади. «Ҳ. у. а.» тушунчаси катта билиш аҳамиятига эгадир. Ҳодисалар ўртасидаги сабаблар ва бошқа алоқа формаларини тадқиқ қилиш, муҳимроқ алоқалар ва муносабатларни ва ҳ. к. ажратиб кўрсатиш асосидагина объектив оламни билиш мумкин. Билишнинг илгариллаб бориши фикрнинг ҳодисалар ва процесслар ўртасидаги чуқурлик ва умумийлик даражаси камроқ бўлган алоқаларни акс эттиришдан чуқурроқ ва умумийроқ алоқалар ва муносабатларни аниқлаб олиш сари ҳаракатида юзага чиқади. *Фанларнинг структураси ва туркумланишининг ўзи* Ҳ. у. а. нинг интискоидир. Илмий билиш илгариллаб бориши билан фанларнинг алоқаси ва ўзаро таъсири тобора маҳкамроқ бўлишининг, илгари билимлар соҳаларига бўлинган (мас., биохимия, астрофизика ва б.) «чегарадош» фанларнинг райдо бўлишининг сабаби ҳам шудир.

ҲОКИМИЯТЛАРНИНГ БУЛИНИШИ — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва судловчи ҳокимиятларга бўлиниши ҳақидаги таълимот. Ҳ. б. идеясини биринчи бўлиб *Локк* илгари сурган эди, кейинчалик уни *Монтескье* ривожлантирди. Ҳ. б. ҳақидаги таълимот буржуазия билан дворянларнинг иттифоқини ғоявий жиҳатдан асослашга, қонун чиқарувчи ҳокимиятни буржуа вакиллик муассасалари қўлида тўплаш йўли билан абсолютизмни чеклашга хизмат қилди. Буржуа давлатида Ҳ. б. соф формал характерга эга бўлиб, бир қанча ҳолларда унда «кучли» президентлик, ижрочилик ҳокимиятини оқлаб кўрсатиш учун фойдаланилади.

ҲУҚМ — дарак гап формасида объектлар ҳақида нимадир тасдиқлаб ай-

тилган фикр, бу фикр ё чин, ёки ёлгон бўлиб чиқади. Ҳ. нинг мисоллари: «Ҳамма планеталар Куёш теварагида айланади», «Агар бир сон 10 га бўлинса, демак, у 5 га ҳам бўлинади», «Иванов «аъло» баҳога имтиҳон беради». Дастлабки икки Ҳ. чиндир. Учинчи Ҳ. ёлгон бўлиб чиқиши мумкин (агар Ивановнинг «аъло» баҳога имтиҳон бермаганлиги аниқланган бўлса), аммо бу фикрни айтган киши, мен ҳақиқатни айтаётиман, деб уйлаши мумкин. *Гипотеза* ҳам Ҳ. датиборат, гарчи хали у на исбот этилган, на рад этилган бўлса-да, объектив равишда ё чин, ёки ёлгондир. Фан қонунлари эса чинлиги исбот этилган Ҳ. дир. Чинлик ёки ёлгонлик нуқтаназаридан тавсифлаб бўлмайдиган фикрлар (*саволлар*, буйруқлар, илтимослар ва ш. к.) Ҳ. лар қаторига кирмайди. Ҳ. ларни оддий ва мураккаб Ҳ. ларга бўлиш мумкин. Бирон-бир мантиқий системада шундай Ҳ. лар оддий деб қараладики, мазкур система доирасида улар бошқача Ҳ. ларга бўлинмаслиги шарт. Мураккаб Ҳ. лар турли мантиқий боғловчилар (мас., «ва», «ҳамда» (*конъюнкция*), «ёки», «ё» (*дизъюнкция*), «агар... у вақтда» (*импликация*)) боғловчилари воситаси билан оддий Ҳ. лардан тuzилади. Мураккаб Ҳ. ларнинг чинлиги ёки ёлгонлиги оддий Ҳ. ларнинг чинлиги ёки ёлгонлигидан иборатдир: оддий Ҳ. ларнинг маъносини билган ҳолда биз мураккаб Ҳ. ларнинг маъносини (чинлиги ёки ёлгонлигини) аниқлай оламиз.

ҲУҚУҚ — ҳукмрон синфнинг қонун даражасига кўтарилган иродаси бўлиб, унинг мазмуни муайян синф ҳаётининг моддий шароитлари билан, унинг манфаатлари билан белгиланади. Ҳ. давлат ҳокимияти барқарор қилган ёки тасдиқлаган нормалар, қондалар шаклида расмийлаштирилади. Ҳуқуқий нормаларнинг алоҳида хусусияти шундаки, улар давлатнинг мажбур қилувчилик кучи билан ижро эттирилади. Устқурманинг бир қисми, *ижтимоий онг формаси* бўлган Ҳ. айни жамиятда ҳукмрон бўлган ишлаб чиқариш муносабатлари билан белгила-

нади, у бу муносабатларни ва уларга асосланган бошқа ижтимоий муносабатларни расмийлаштиради ва мустаҳкамлайди. Ҳ. нинг тарихий типини *ижтимоий-иқтисодий формацияга* мувофиқ келади. Қулдорлик, феодал ва буржуа Ҳ. и. учун умумий бўлган нарса шуки, хусусий мулкчиликка асосланган ҳукмронлик қилиш ва иттифоқ этиш муносабатлари, эксплуатация муносабатлари уларда мустаҳкамланган бўлади. Қулдорлик ва феодал Ҳ. да озчиликнинг кўпчилиikka докимлик қилиши ва ҳукмрон синфларнинг имтиёзли мавқеи ошқора суратда мустаҳкамланади. Буржуа Ҳ. и мунофиқона характерга эгадир, чунки у капиталистларнинг реал ҳуқуқларини ифодалайди ва мустаҳкамлайди, меҳнаткашларга эса фақат формал ҳуқуқлар беради. Империализм даврида буржуазия ўзи тузган қонунийликдан хийла даражада воз кечиб, гайри ҳуқуқий бостириш методларига ўтади. Антагонистик жамиятда Ҳ.

синфий қурашнинг таъсирини ўзини синаб кўради ва маълум даражада у синфий кучлар нисбатининг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлади, аммо ҳукмрон синфларнинг меҳнаткашларга тазйиқи остида мажбуран рози бўлган ён беришлари Ҳ. нинг синфий мазмунини ўзгартмайди. Социалистик Ҳ. сифат жиҳатдан янги типдаги Ҳ. дир, чунки у ҳамдўстлик ва ўзаро ёрдамнинг социалистик мулкка асосланган ишлаб чиқариш муносабатларини мустаҳкамлайди ва коммунизм қуришнинг қуроли сифатида юзага келади. Социалистик Ҳ. қонун даражасига кўтарилган халқ иродасидан иборат бўлиб, у тарихда биринчи марта чинакам демократик эркинликларни барқарор қилади ва реал суратда таъминлайди. Буржуа Ҳ. идан фарқли ўлароқ, социалистик Ҳ. меҳнаткашларга давлат ихтиёридаги барча воситалар билан гарантияланган реал ҳуқуқларни беради.

ЛУГАТ АВТОРЛАРИНИНГ РУЙХАТИ

А. В. Адо, В. В. Альтман, Н. П. Аникеев, Г. С. Антипина, Л. И. Анциферова, Ц. Г. Арзаканян, В. Ф. Асмус, В. Г. Афанасьев, В. С. Афанасьев, Л. Б. Баженов, Э. А. Баллер, Г. С. Батишчев, Э. В. Безчеревних, А. В. Белов, Б. В. Бирюков, И. В. Блауберг, Л. В. Блинные, Р. Н. Блюм, А. Е. Бовин, А. С. Богомолов, Г. И. Бондарев, В. С. Бондарчук, А. Я. Боярский, А. П. Бутенко, Ф. С. Биков, Б. Э. Биховский, М. Ф. Веденов, В. Г. Виноградов, Е. К. Войшвилло, Г. Н. Волков, А. И. Володин, Г. А. Габинский, Г. И. Габов, П. П. Гайдено, Г. М. Гак, В. И. Гараджа, Ф. И. Гаркавенко, Ю. А. Гастев, И. Д. Глазунов, Г. Е. Глезерман, А. И. Голодко, С. С. Гольдентрихт, Д. П. Горский, Л. И. Греков, С. Н. Григорян, Е. С. Громов, Б. С. Грязнов, Д. В. Гурьев, Г. А. Давидова, М. Н. Делограмматик, В. И. Добренков, И. С. Добронравов, В. В. Донченко, О. Г. Дробиницкий, Н. П. Дубинин, В. И. Дубовской, О. А. Егоров, А. Ф. Зотов, В. Ф. Зибковец, А. И. Игнатов, А. Н. Иллиди, Э. В. Ильенков, А. Я. Ильин, З. А. Каменский, В. Г. Карпачев, Ю. Ф. Карякин, Б. М. Кедров, В. В. Кешелава, В. А. Киселев, И. Л. Киуниан, Л. Г. Кнзьева, М. Я. Ковальзон, Ю. Н. Козирев, И. С. Кон, А. А. Коноплянкин, В. С. Костюченко, А. Н. Кочетов, Д. И. Кошелеский, Р. В. Кривокоритова, Б. Г. Кузнецов, И. В. Кузнецов, Т. А. Кузьмина, В. И. Кураев, Г. И. Курбатова, А. К. Курилев, И. М. Кутасова, Г. С. Кучеренко, Д. Г. Лахути, М. В. Лашина, Ф. С. Лимантов, А. Д. Литман, Г. Ф. Лосев, Е. П. Лошкарев, К. Н. Любутич, А. А. Макаров, М. Г. Макаров, О. А. Макаров, В. В. Максимов, В. С. Марков, И. А. Массеев, Р. К. Медведева, С. Т. Мелюхин, Э. М. Мирский, Ф. Т. Михайлов, И. Б. Михайлова, Э. Н. Михайлова, Г. А. Михайловская, К. Е. Морозов, В. Г. Мосолов, М. П. Мчедлов, В. В. Мшвениерадзе, Г. И. Наан, И. С. Нарский, Е. П. Никитин, С. С. Никоненко, И. Б. Новик, Н. В. Новиков, М. М. Новоселов, Н. Ф. Овчинников, И. П. Олейник, И. К. Пантин, В. М. Пасика, И. Г. Петров, А. В. Петровский, Е. Г. Плимак, Л. Н. Плющ, Н. Н. Подосетник, А. Р. Познер, М. А. Полишчук, С. М. Половинкин, А. П. Поляков, Я. А. Пономарев, А. Я. Попов, П. С. Попов, И. М. Попова, Б. Ф. Поршнев, М. А. Процько, Б. М. Пишков, Б. Н. Пятницин, Я. В. Радуль-Затуловский, В. И. Разин, М. М. Розенталь, Г. И. Рузавин, Г. Ф. Рыбкин, В. Н. Садовский, Т. А. Сахарова, Г. А. Свечников, Ф. А. Селиванов, Ю. П. Сенокосов, Л. В. Скворцов, М. М. Сквицкий, В. И. Скурлатов, В. А. Смирнов, В. В. Соколов, Н. Я. Соловьев, Э. Ю. Соловьев, Ю. Н. Солодухин, Ф. А. Сохин, Д. Д. Средний, Ю. И. Стельмаков, Л. Н. Столович, А. Л. Субботин, А. А. Сулариков, Б. И. Сюсюкалов, Қ. Е. Тарасов, Т. И. Трифонова, Ю. П. Трусов, В. С. Тюхтин, Н. Н. Уманец, Л. А. Филиппов, В. К. Финн, Б. М. Фирсов, М. М. Хайруллаев, А. Л. Чачатурян, И. А. Хлябич, Г. И. Царегородцев, И. И. Циганков, М. Л. Чалин, А. Н. Чанишев, Л. М. Чеботарев, С. Б. Черних, А. Я. Шаров, В. С. Шбирев, М. И. Шмельков, И. Я. Шчилпанов, А. М. Эмме, Б. Г. Юдин, П. Ф. Юдин, Э. Г. Юдин, В. А. Ядов, Ян Хин-шун.

На узбекском языке ФИЛОСОФСКИЙ СЛОВАРЬ

Перевод с 3-го издания Политиздата,
Москва, 1975

Издательство «Узбекистан»—
Ташкент, 1976

Редактор С. Абдукаримов
Рассом М. Гумаров

Техредактор С. Собирова

Корректор Э. Акмаджанова

Теришга берилди 25/11-1976 й. Босишга рухсат этилди 19/Х1-1976 й. Қозғоз формати 60 X 84^{1/16}, № 1. Бос. л. 40,0. Шартн бос. л. 37,20. Нашр л. 57, 3. Тиражи 25 000. «Узбекистон» нашриёти. Ташкент, Навоий, 30. Шартнома № 228—74.

ЎзССР Министрлар Совети нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича давлат комитетининг Тошпошлиграфкомбинатида Сосылди. Ташкент, Навоий, 30. Заказ № 737 Бақоси 1 с. 96 т.